

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

ЖЕЙМС ЖОЙС

УЛИСС
саргузаштлари

Роман



ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2013

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(4Ирл)

Ж75

Чет эл араб.

Такризчи:

Умарали Норматов — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

Рус тилидан Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси

№ 31741
381

2013/58 A4535	Алиша Ғафуров
------------------	---------------

ЖЕЙМС ЖОЙСНИНГ «УЛИСС»НИ ҚАНДАЙ ҰҚИМОҚ КЕРАК?

(ўзбек китобхонига ўн маслаҳат)

Парижда Жеймс Жойснинг «Улисс» модерн руҳдаги романи илк бор чоп этилгандан 86 йил ўтгач, илк бора 2008 йилда ўзбек китобхони ўз она тилида уни «Жаҳон адабиёти» журнали саҳифаларида таниқли адабиётшунос, бадиий таржима назарийчиси ва амалиётчиси Иброҳим Ғафуров таржимасида ўқиб имкониятига эга бўлган эди.

Мана энди мазкур асарни яхлит китоб ҳолида чоп этилиши муносабати билан мазкур асар хақидаги баъзи мулоҳазаларимни китобхонлар билан ўртоқлашмоқчи бўламан.

Бутун жаҳон адабиётига катта таъсир кўрсатган етук ирланд ёзувчиси Ж. Жойснинг номи ўзбек ўқувчиларининг кенг доирасида нисбатан кам таниш. Буни адибнинг ижодий қисматидаги оддий бўлмаган хусусиятлар билан изоҳлаш мумкин.

Жойс 1882 йил 2 февралда Дублин шаҳрида туғилди. У тўқис ва кенг маълумот олди, университетда замонавий физиология ва тиббиётни ўрганди, мусиқа ва театр санъати сирларини эгаллади. Бундай кўпёқлама билим ёзувчининг, айниқса, адабий фаолиятида ёрқин намоён бўлди.

Жойс ижтимоий ва миллий тенгсизликка, тўпори боёнларча туқликка қарши чиққан бўлса-да, ҳаётда инқилобий ўзгаришлар бўлишига ишонмаганди, ўз халқининг сиёсий ва маданий озодлиги учун кураш олиб боровчи ирланд зиёлилари билан ҳамнафас бўлиб кетолмаганди.

Гарчи барча асарларидаги воқеалар тасвирига Ирландиядаги хотиралар асос бўлса-да, Жойс 22 ёшида, яъни 1904 йилда ватанини умрбодга тарк этади.

Адабиётдаги йўлини Жойс анъанавий тарзда шоир сифатида бошлади. 1907 йилда унинг «Камер мусиқаси» шеърлар китоби чиқди. Бу китоб ўзига хослиги билан ажралиб турмаса ҳам унда киноя ва, ҳатто тақлид (эрмак, ҳажв) мана мен деб турар эди ва мана шу нарса Жойснинг кейинги ижодига бош йўналиш берди.

1914 йилда адибнинг «Дублинликлар» ҳикоялар тўплами босилиб чиқди, бу ҳақда Жойснинг ўзи бундай деганди: «Мен юртимнинг ахлоқий тарихидан бир бобни ёзиш ниятида эдим, шу боис саҳна сифатида Дублинни танлагандим, чунки бу шаҳар менга фалажлик марказидек бўлиб кўринган эди...»

«Ахлоқий тарих»нинг иккинчи боби «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати» романи бўлди (1914 йил)¹. Ўз таржимаи ҳоли асосида Жойс ёш ирланд шоирининг болалиқдан қандай вояга етишини кўрсатиб беради (баён этмайди, айнан кўрсатиб беради). Қаҳрамон тақдиридаги кўп нарса диний ақидаларни енгиб ўтишдаги азобукубатлар билан боғлиқ. Шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, Жойснинг ватани ҳар доим (ва шу кунгача ҳам) католик дини таянчи бўлиб келган. «Ирландияга худонинг кераги йўқ! Ирландияда худолардан кўпи бўлмаган!» — роман иштирокчиларидан бири шундай дейди ва табиийки, Жойс ҳам шуни маъқуллайди.

1922 йилда босилиб чиққан «Улисс» романи XX асрнинг энг машҳур китобларидан бири бўлиб қолди. Ҳоят ҳажмдор китоб саҳифаларида бир қанча оддий Дублин одамлари ҳаётининг атиги бир куни (аниқи 1904 йил 16 июнь — Блумсдей — Блум куни) тасвир этилган. Бироқ асли бор шаҳарда уларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишлари мураккаб афсонавий маъно касб этади, ташқи воқеа-ҳодисаларга қўшимча теранлик бағишлайди, турфа ва бир-бирига қарама-қарши талкинлар қилиш имконини беради. Романга ном қилиб берилган Одиссея ёки Улисснинг саргузаштлари тафсилотнинг бу расман ёзиб қўйилмаган, аммо ҳар доим ҳаёлнинг бир четида турувчи қисмнинг негизи бўлиб хизмат қилади.

Жойс психологизми «Улисс»да сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади. Бу китобда («Финнеган маъракаси» романида бўлганидек) «онг оқими» услуби биринчи марта тугал кўринишда қўлланган эди, бу XX аср жаҳон адабиётининг муҳим ютуғи бўлиб қолганди. Қаҳрамонлардан бирининг ички ва ташқи дунёси биргина вақт оралиғида тасвирланади (оғзаки воситаларда бунинг уддасидан осон чиқилса бўлади). Унинг фикрлари бир қанча қаватларга бўлинибгина қолмай, идрок этилаётган атроф олам рамзлари, бошқа кишилар билан фикрлашиш ва суҳбатлашишлар ўзи унинг чуқур шахсий хотиралари билан назокат ила йўғрилиб кетади.

«Улисс»жаҳон адабиётининг ғоят ўзига хос, ноёб ва мураккаб асари. Роман билан биринчи бор танишаётган ҳар бир ўзбек китобхони,

¹ «Жаҳон адабиёти» журнали, 2007 йил, 3—4 сонлар.

одатда, мумтоз нафис адабиётни мутолаа қилиш чоғида юзага келади-ган қатор саволлар ва англашилмовчиликларга дуч келади. Шу сабаб биз ўз мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишни ва эҳтимол тutilган муаммолар табиатидан қисқача огоҳлантиришни, уларни бартараф этиш йўллари (кўлимиздан келганча) кўрсатиб ўтишни ният қилдик.

«Улисс»ни мутолаа қилаётганда «кўп нарса таниш»дек таассурот пайдо бўлади. Романнинг етакчи адабий усуллари билан кўпчилиги — ҳикоя қилувчи ниқобининг устамонлик билан алмаштирилиши, машҳур «онг оқими», «ички монолог», воқеликнинг ўзгарувчан қатламлари, сўз, вақт билан ўтказган тажрибалари — бошқа ёзувчилар асарлари орқали ўзбек тилига аллақачон кириб келган: Э. Хемингуэй, У. Фолкнер, Ф. Кафка, Х. Кортасар, Г. Гарсиа Маркес, М. Прустларни эсга олинг. Насримизни янгилашда хизматлари сингган Ш. Холмирзаев, Ў. Ҳошимов, О. Мухтор, Х. Дўстмуҳаммадлар кўз ўнгингиздан ўтади; шу жиҳатдан олиб қараганда Жойс романи у қадар катта янгилик эмасдек туюлади. Аммо бу фикрга аниқлик киритмасак бўлмайди. «Улисс» яратилганда санаб ўтилган номларнинг биронтаси йўқ эди. Энг биринчиси Данте эди ва у тубдан янгилик эди.

Ўзбек ўқувчисига биринчи маслаҳат.

Тарихий нигоҳ кучи билан воқеаларнинг тескари ривожланиши-ни тўғри ривожланишга алмаштириш лозим (бунда тақдир тақозоси билан бизга «Улисс» насиб этади) — токи романи унинг адабий кашфиётчиликдаги чинакам асар сифатида идрок этишга эришмоқ даркор.

«Улисс»ни ўқиш чоғида «кўп нарса тушунарсиз» деган иккинчи муқаррар таассурот юзага келади. Бундан ҳам кескинроқ қилиб гапир-иш мумкин: «тушунарсизлик» романнинг барча жиҳатлари ва элементларига сингиб кетган. Бу ҳол, айниқса, ўн биринчи-ўн саккизинчи воқеаларда кучайиб, китоб хийла қийинлашади. Бу ерда ҳамма нарса тушунарсиз — сўзларнинг маъноси ҳам, жумлалар мантиғи ҳам, воқеалар, ходисалар, тасвирланаётган нарсаларнинг хаёлийлиги ёки воқелийлиги ва ҳоказо. Китобхоннинг ҳар қандай саъй-ҳаракати бу ичакузди тушунарсизлигини қисқартириши мумкин, холос, аммо уни бутунлай йўққа чиқара олмайди. Бундай ҳолларда ўзбек китобхони (Ғарб китобхонига қараганда анча кучлироқ тарзда) шундай саволларга дуч келади: «Ким айбдор?» ва «Нима қилмоқ керак?»

Биринчи савол муроса йўли билан ҳал этилади. Борди-ю, ҳозирча меъёр ва даража ҳақида эмас, балки фақат бадий бутунликда тушу-

нарсизликнинг бартараф этиб бўлмас иштирокининг ўзи тўғрисида гапириш керак бўлса, бундай ҳолда айбдор йўқ, зеро айбнинг ўзи йўқ.

Ҳеч шубҳасиз, воқеликнинг одатдаги ҳолатларида бундай иштирок истиснодан кўра кўпроқ қоидага киради. Бироқ бу ҳолларни тўлиқ билмаганимиз ёки тушунмаганимиздан хижолат тортмай, биз унга нисбатан ўз муносабатимизни шакллантириб ва улардан муайян, жумладан, эстетик таассурот ола оламиз. Чалаликни эса биз воқелик билан муносабатимизнинг маълум хусусиятларидан бири, ёки бошқача айтганда, воқелик ҳақида Яратгани иродасининг бир қисми сифатида тушунаемиз.

Иккинчи маслаҳат. Бадий воқеликда бундай бўлмасликнинг сабаби нимада? — дея ўзимизга савол беришимиз керак. Ўз-ўзидан равшанки, бундай бўлиши мумкин; бундай чалалик учун Жойси айбланининг асло ҳожати йўқ. Биз шу нарсани қатъий билишимиз керакки, Жойс ҳақиқий ижодкор, яъни унинг «Улисс» идаги барча сифатлар унда унинг хоҳиш-иродаси ва фикрига қараб иштирок этади, унинг узоқни кўра билмаслиги ёхуд ўқувсизлиги туфайли эмас.

Комил ишонч ила айтаманки, «Улисс» бошдан-оёқ обдан ўйлаб чиқилган ва Жойс уни синчковлик билан кузатиб борган. Жумладан, унда роман тушунарсизлиги элементи атайлаб олдиндан мўлжаллаб қўйилган: бу — ёзувчи фикрича, ўқувчининг роман билан муносабатларининг бир қисми. Шундайин бу тушунарсизликни эътироф этса бўлади. Бироқ «Улисс»да тушунарсизлик элементининг иштироки қонуний бўлса, демакки, ўқувчининг бу элементни энг кичик миқдорга олиб келишга бўлган ҳаракати янада қонунийроқдир.

Тушунишга интилиш — бизнинг адабий асарга бўлган муносабатимизнинг асосий тартибларидан бири (тагин ўша одатдаги ҳодисаларда бўлгани каби). «Улисс»ни тушунишга нисбатан самарали ҳаркат ғоят пухта ўйланган стратегияни талаб этади. Уни топиш учун энг аввало матннинг ички (ботиний) фазилати сифатида тушунарсизликни (унинг чалкашлиги, ноандозалиги, нотўғрилиги ва ҳ.к.) ахборот чалалиги, қандайдир ҳужжатли маълумотларнинг биз учун номаълумлигидангина келиб чиққан ташқи (зоҳирий) тушунарсизликдан ажратиш олмоқ керак. Тушунарсизликнинг иккала тури «Улисс»да тўлиб-тошиб ётибди, аммо уларга муносабат турлича бўлмоғи лозим.

Учинчи маслаҳат. «Улисс»ни бадий асар сифатида мутолаа қилиб, завқ олиш учун ўқувчи учун қўшимча қандайдир оз миқдордаги ахборот зарур, бунга шубҳа йўқ. Мана шу озгина ахборот ўзбек ўқувчисини «Улисс» фазосидаги мўлжал билан таъминлаши даркор. Мазкур бадий коинотнинг тузилиши эса жўн эмас.

Биринчидан, рўпарамизда романнинг ҳаракат олами, борлик олам турибди. Унинг тузилиши бундай: бевосита ҳаракат саҳнаси, ёки микрокосм (яъни микроскоп ёрдамида кўриш мумкин бўлган саҳна) 1904 йил 16 июндаги Дублин, Ирландиянинг янада кенгрок макон-замон доираси билан қамраб олинади ва у билан бирга икки турли макро-косима ёки Жаҳон вужудига, Британия империяси ва Католик черковига кўшилиб кетади.

Иккинчидан, асар номи айтиб турганидек, романда алтик дунё Гомернинг «Одиссея»си дунёси кўз илғамас, кўринмас иштирок этади. Қадимги юнонларда осмондаги дунё ва ердаги дунё қандай кўшилиб кетган бўлса, у борлиқ дунё билан худди шундай боғлиқдир: ердаги воқеалар ва одамларнинг ишлари осмондаги дунёда мувофиқ тарзда ўз аксини топади, уни халқ эътиқоди, илми нужум собиту сайёралар ҳаракат қилиб юрган чархи фалак деб тахмин қилган, илоҳий Платоннинг тафаккурини эса алоҳида «ақлли дунё» ёки «ғоялар дунёси» деб билган. «Одиссея» «Улисс» учун ғояларнинг Платонча дунёси: унинг қаҳрамонлари, кароматлари ва тақдирлари у ерда ўзларининг иккинчи киёфаларига эга.

Учинчидан, яна бир дунё бор, яъни Жойснинг шахсий дунёси. Бадний адабиётнинг қоида-қонунларини назар-писанд қилмай, Жойс қачон кўнгли хоҳласа ўз-ўзича, бу дунёнинг яратувчиси бўлиб эмас, балки кўчадан келган бир эркак бўлиб бемалол ва тапир-тупур қилиб кириб келаверади: турли шама ва қочиримларни тикиштиради, романдан эмас, ўз ҳаётидан олинган воқеа ва одамларни эслайди. Жойснинг олдинги китоблари ҳам «Улисс»га ана шундай эркинлик билан дам-бадам кириб келади.

Тўртинчи маслаҳат. «Улисс» асосий қаҳрамонлари «ботиний монологлари»га, «онг оқими» замирига кириб боришга интилиш лозим. Романнинг ўз режасига кўра реклама агенти, дублинлик яҳудий Леопольд Блумнинг ҳаётидан бир кун кечади. Унинг отаси Рудольф Вираг Ирландияга Венгриядан муҳожир бўлиб келиб қолган, венгерча исм-шарифини инглизча маъносига қараб ўзгартириб олган (Вираг — гул, Блум — гуллаш). У майда, аммо уддабурон тадбиркор бўлиб, кейинчалик меҳмонхона соҳибига айланган. 1886 йилда ўз жонига қасд қилиб, оламдан ўтган.

Жойс — индивидуалист бўлиб, қаҳрамонларининг саргузаштлари мутлақо хусусий ҳолатларда кечгани ва унинг майда-чуйда ишлари билан чекланганига қарамай, уларда чинакам драматизм мавжуд. 1904 йил 16 июнь — муаллиф учун оддий кун бўлмаган — том маъ-

нода ғайриоддий кун бўлган: бу Жеймс Жойснинг бўлажак хотини билан илк бора учрашган куни. Бу кун Блумнинг дилини чуқур жароҳатлаган уқубатли кун бўлган эди: висол чоғида хотини Мэрион (Молли) унга хиёнат қилгани маълум бўлади. Мазкур воқеа — роман сюжетининг кульминацияси, воқеалар, композиция, ҳиссий муҳит сир-асрорларини ошкор қилиб берувчи очкичдир.

Ҳар бир бахтсиз оила ўз ҳолича бахтсиздир: Блумлар оиласида шундай бўлганки, хиёнатни олдиндан сезиб юрган эр унинг содир бўлишига халақит бермайди, ҳолбуки у хотинини севибгина қолмасди, балки бутун жон-тани билан унинг аёллик латофати қурбони эди. Романнинг каттагина қисмида Блум гоҳ майда-чуйда ишлар билан андармон бўлиб, гоҳ шунчаки вақтни ўтказиб шаҳар кезади ва изтироб чекади...

Иккинчи бош қахрамон Стивен Дедал автобиографик шахс бўлиб, унинг мактабдаги дўсти Жойснинг дастлабки «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати» дастлабки романида тасвирланган. Шуниси қизиқки, бошдан-оёқ автобиографик руҳда бўлгани билан (ёши, ҳаётини аҳволи, асосий воқеалар — Стивенда қандай бўлса, 1904 йилда Жойсда ҳам шундай бўлган эди), бу — европа романининг энг анъанавий кишисидир: истеъдодли-ю, аммо ҳали ҳеч нарса қилиб улгурмаган йигит, балоғатга етишда, истеъдодини намоён этишда, муҳит билан, ўзи билан узлуксиз олишувда ғирт жўжаҳуроснинг ўзи.

Стивеннинг отаси Саймон Дедал ғирт дублин одами — бадиият шайдоси, ажойиб хонанда, сўзларни чиннидай жаранглатиб юборадиган сухандон; шу билан бирга ишда омади юришмаган нўноқ ишбилармон, пивохоноя барларнинг кунда-шундаси, беғаму бепарволикда учига чиққан, дангаса.

Бешинчи маслаҳат. Ота ва ўғил муносабатларига алоҳида эътибор бермоқ керак — бу романнинг асосий мавзуларидан бири, севги ва нафрат ўртасида мудом иккиланиб юрувчи Стивеннинг кескин фикрлари мояси, мавзуга ҳам ухровий, ҳам хурофий мазмун бағишловчи отага нисбатан ўғилнинг ижобий ва салбий қарашлари тасвирланади. Стивеннинг тиббиёт талабаси Мэйлахи Маллиган деган дўсти ҳам бор, унинг лақаби Хўкиз, онаси қазо қилгач, у билан кадрдон гўшасидан бош олиб кетади-да, ташландиқ қоровул минорасида жойлашади ва ўша ерда «Улисс» романи воқеалари бошланади.

Аммо бу Хўкиз деганлари (Ўзбекча талқинда: Буқа) сохта, қалбаки дўст, ичи қора ва ғаддор, сотқин бўлиб, жирканч хийла-найранг-

лар билан уни тарихий минорадан ситиб чиқариб юборади. Хуллас, унинг барча муносабатлари кескин, нотекис бўлиб, сира куракда турмас эди. Унинг отасини танийдиган Блум буни зийраклик билан пайкаб қолади, кундуз кунлари Дублинда кезиниб юрганларида Стивен билан бир неча бор тўқнаш келади. Унда йигитга нисбатан ҳатто оталарча меҳр уйғонади: у ўттиз саккизга кирган бўлса, Стивен энди йигирма икки баҳорни кўрган. Ўн бир йил муқаддам чакалоқ ўғлининг ўлиб кетгани ва ўғилли бўлишни жон-дили билан хоҳлаши Моллининг хиёнати каби Блумнинг юрагини ўртагани-ўртаган эди. Стивенга суянчиқ бўлишга ҳаракат қилар экан, унинг ортидан соядай эргашиб юради ва охири уни уйига олиб келади, уни қаноти остига олишга аҳд қилади. Аммо унинг эзгу орзуси ушалмайди. Стивен, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, дарбадарликни ихтиёр этади. Блум ўша ўша ўғил зурётсиз қолиб кетади.

Олтинчи маслаҳат. «Улисс»нинг Гомер «Одиссея»си билан ҳамрежа (уйғун) эканини ҳисобга олиш ғоят муҳим. Бу муносабат рангбарангдир. Биринчи галда Гомернинг афсонаси романга унинг номи, ташқи тузилмасини («Одиссея»даги қўшиқларга ўхшаб, мустақил воқеаларга бўлиниши) ва унинг йўлчи романдан саргузашт роман жанрини тақдим этади. «Улисс»нинг 18 воқеаси қаҳрамонлар ҳаракатлари тартибида тизилиб келади ва ҳар бир воқеа ё бевосита йўлда, ё муайян бир жойда содир бўлиб, (денгиз соҳили, кўрган ичи, кўчалар, мазористон, барлар, қаҳвахоналар, туғуруқхона ва ҳ. к.) қаҳрамоннинг кетиши билан ниҳояланади. Аммо афсонанинг асосий кўриниши — ўткир сюжетли бир бирига чамбарчас ҳикоялар.

Бош қаҳрамонлар ва баъзи иккинчи даражали қаҳрамонлар ҳам гомерча эгизакларига эга: Блум — Одиссей, Стивен — Телемак, Молли — Пенелопа, кейин, дейлик, еттинчи воқеада Майлс Кроуфорд — Эол, ўн учинчи воқеада — Гертти — Нивсикая, ўн бешинчи воқеада Белла Коэн — Цирцея ва ҳ.к.

Блум кўни — Одиссеянинг саргузаштлари. Ҳар бир воқеа мазмунига кўра «Одиссея»нинг бирма-бир лавҳаси билан боғлиқ. Гарчи бу алоқадорлик мавҳум ва рамзий бўлса-да, воқеалар тартиби Гомер воқеларидек изчил эмас.

Ниҳоят, ҳамма жойда «Улисс»нинг «гомерча тизгин»ини хилма-хил тарзда маҳкам тутиб турувчи майда-майда афсонавий шамалар сочиб ташланган. Аммо бу барча афсоналар моҳиятини англаш учун баъзи гапларни айтиб ўтиш талаб этилади.

Энг аввало, Жойс афсонага жуда эркин мурожаат қилади, «Одиссея»га эргашмасликка тиришади, барча бош қаҳрамонларни унга ба-

қамти қўймайди, асар мазмунининг бош элементларида ҳам шу йўлни тутлади. У тамоман афсоналарга берилиб кетмайди, афсоналарни қайта жонлантормайди, уларга қайта ҳаёт бағишламайди, холбуки чинакам афсоналарга асосланган романда ҳар доим шунга интилиш бўлган.

Жойс Гомернинг афсонасици мақсад қилиб олмаган, балки роман тархи, тузилмаси, сюжетига дахлдор адабий ёки аниқроғи амалий вазифаларни ҳал этиш воситаси деб билган. Шу маънода «Улисс» афсонавий роман эмас. Бу афсона Жойсга ёт нарса экан-да, деган тўхтамга олиб келмаслиги керак. Буни бошқача айтса ҳам бўлади: Жойс афсонага берилиб кетган, аммо ўз дунёкараши ва ижодини қандайдир тайёр афсонага жойлашда ҳаддан ташқари мустақил, ўзига хос тарзда, янгича иш тутлади. Жойснинг ўз етук афсонаси бор, у «Улисс»нинг бош қисмида ҳали кўзга ташланмайди, кейинги воқеаларда сезила бошлайди, фақат навбатдаги «Финнеган маъракаси» романидагина у бутунлай ривожланиш палласига етишади.

Еттинчи маслаҳат. «Улисс»нинг коиноти ҳақидаги бундан кейинги маълумотлар изоҳларда акс эттирилган. У ўқувчи ва биз юқорида гапириб ўтган озгина миқдордаги ахборот ўртасидаги узилишни йўқотишга қаратилган. Бошқача айтганда, роман ўқувчининг «Улисс» ичига киришига ва уни бадиий асар деб тушунишига имкон берувчи кириш рухсатномаси бўлиб хизмат қилмоғи керак. Бунда матннинг ташқи ахборот тушунарсизлиги ҳали бутунлай барҳам топмайди. Барибир ҳам унинг энг оз миқдорга тушиши асосий муаммо бўлиб қолишидан халос этади.

«Улисс» аслида ўқувчининг миясини ҳаддан ташқари қаттиқ ишлатишга мўлжалланган, аммо бир нарсада эҳтиёт бўлиш керак: ўқувчилик ишининг тортиш кучи маркази романдан ташқарида эмас, балки унинг ичидадир, илмий китобларда олам-жаҳон маълумотлар қидириб топишда эмас, балки қандайдир ғайриоддий ва мураккаб бадиият билан эстетик алоқа ўрнатишдадир.

Романнинг ҳам ҳақиқий, ҳам афсонавий режалари юқорида бир сидра таърифлаб ўтилди, гўёки уларни англаш учун маълум ҳажмдаги маълумотлардан бохабар бўлиш кифоядек, аммо бу — уларнинг «Улисс»даги бошланғич ҳолати, холос, фақат санъаткорнинг дастлабки хомашёси. Кейин у бу хомашёга дид билан ишлов беришга киришади:

биринчидан, дунёлар ва режалар урчийдилар, акс этадилар, чирий бошлайдилар;

иккинчидан, қаҳрамонлар ғалати ўзгаришни бондан кечирадилар, кўплаб рамзий роллар ва йўналишларга эга бўладилар (энг кўп

учрайдиганлари: Стивен ва Гамлет, Блум ва Исо Масих), ҳатто Жойс айтганидек, «самовий муқобиллар» ҳам шундай, аммо улар психологик роман «типлари» ва «характерлари» бўлишдан тўхтайдилар;

учинчидан, деярли ҳар бир жумла қатига маънолар шунчалик кўп миқдорда яшириладики, у бора бора тоғдек юксалиб кетади.

Китобхон буларнинг бари қандай камраб олади?

Саккизинчи маслаҳат. Буни психологик тушунча билан ифода этмоқчи эдик: алертлик, яъни мутахассис бўлмаганлар тилида жонли таъсирланиш сифатида бериш мумкин — содирликларга тула киришиб кетиш ва унга аниқ жавоб қайтариш лозим. Гап, маълумки, «Улисс» дунёсига кириш ва унинг бадиий бус-бутунлигининг барча жиҳатлари ва ўлчамларига жавоб қайтариш тўғрисида кетмоқда. Айнан барча жиҳатларига! Одатда ўқувчи оз эътибор берадиган ёки умулман эътибор бермайдиган, уларни ишнинг фақат мутахассисларгагина дахл қилувчи жиҳатлари деб ўйлайдиганлари ҳам шунга киради.

«Улисс»да бундай жиҳатлар кўп — роман шакли ва тузилишининг умумий тамойиллари бўлмиш энг йирикларидан тортиб, жумлалар жойлашуви, тил характери, сўз билан мурожаат этиш тамойиллари бўлмиш микроэлементларгача. Нима учун улар «Улисс»да биринчи даражада муҳим? Жавобимиз бундай: чунки уларнинг барчасидан Жойс бевоқиф ва фаол тарзда пурмаъно, пурмантқ (яна айтиш мумкинки, рамзий) элементлар сифатида фойдаланади. Алъанавий насрда уларга нарсанинг тўлиқ маъносидан жуда кичик улушигина жойлаштирилган, рақамлаштирилган, «Улисс»да эса — жуда катта улуши шундай қилинган. «Улисс» билан китобхон муносабатлари спецификаси айни шу ерда яширилган: янгича жойлаштирилган шу маъноларни чиқариб олиш (ҳисобни олиш, очиб ташлаш) зарурати мавжуд. Шу баҳонада ғоят қонуний икки саволга жавоб бериш мазкур ишнинг очиб берилиши моҳияти ва йўлини равшанлаштиради:

биринчидан, «ўқувчи шу ишни қилиши шартмикан?» Эҳтимол, «Улисс»нинг «техник» жиҳатларига жо этилган бу маъноларнинг ўзи фақат мутахассисларгагина гапирадиган ғирт техник жиҳатларидир?

Иккинчидан, «ўқувчи шу ишни қила олармикан?» Балки, бу ҳам фақат ҳалиги мутахассисларнинг қўлидан келар?

Биринчи шартга келганда айтамикки, «Улисс»да ҳеч қанақа бутун ё тула техник элементлар моҳиятан бўртиб кўринмайди. Борди-ю, техника элементлари, шакл ва тил носиталари энди аллақандай уларга тўғри келмайдиган маъноларни элтишгагина хизмат қил-

май, бунинг ўрнига эркинликка чиқса, мустақил ҳаёт ва кадриятга эга бўлса, бу рўпарамиздаги бадий асар эмас, адабий машқлар тўплами деган гап эмас-ку. Бу бутунлай ботқа нарсани англатади: Жойс қандай қилибдир уларни илтишга ва жонлантиришга, экзистенциал-диний жиҳатдан тўлдиришга, уларга ўз руҳий ҳаётдан парчаларни жо этишга муваффақ бўлган. Шундан улар жонли бўлиб қолган, рамзийлик касб этган, худди тирикдек улар мавжудот, одам ва жамият ҳақида гап сўкадилар. Тимсоллардек улар абадий кадриятлар — яъни, одатдаги ровийлар хикояси маънолари ҳақида гапирадиган ҳамма нарса ҳақида гапирадилар.

Аммо! Улар ўша ҳақда гапирадилар — бироқ ўша ҳақда эмас ҳам! Уларнинг ўз имкониятлар спектри бор ва улар бу нарсаларнинг шундай хосса ва ўлчамларини ифода этадиларки, буни бевожута хикоя, бўғин ва сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Ҳатто мумтоз адабий меъёрларнинг Буниндек ашаддий тарафдори ҳақида Ходасевич ёзган эди: «Бунин фалсафасига Бунин филологияси йўлидан юриб борилади — бошқа йўл йўқ». Бу фикрни Жойсга нисбатан ҳам айтилса, янада тўғрироқ бўлар эди!

Иккинчи саволга жавоб бунданга қисқароқ бўлади. Бадииятнинг барча жиҳатларига, айниқса, шакл ва тил воситаларига нисбатан («Улисс»да шундай) алертликни, сезгирликни мақсад қилиб олиш заррача ҳам мутахассислар яққаҳоқимлигига кирмайди. Улар ёндошувларининг ўзи (структурализм сифатида) бунга имкон туғдиради, бошқалари умуман бундай нарсани уларга мақсад қилиб олмайдилар (соцреализмда бўлганидек) ва ҳар ҳолда ҳеч бир одам бунга кафолат беролмайди, зеро номи илмийча бўлса ҳам у назарий эмас, балки ҳаётий, руҳоний саналади, бироқ моҳиятан Пастернакнинг машҳур: «Тирик бўлмоқ керак!» шиорига ўз-ўзидан мос келади. Ҳамма нарсага нисбатан тирик бўлмоқ керак.

Бу билан биз ақидапарастликларча ўзбек ўқувчисининг муносабати «ҳамма нарсага» нисбатан эмас, балки махсус бадий адабиётга нисбатандир, «Улисс»га кириб келиш чоғида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, демоқчи эмасмиз. Аксинча, адабий тарбия ва маданият, адабиёт ва сўзга нисбатан муҳаббат жуда керак, аммо бу ҳам профессионаллик эмас-да, пиروвардида шунчаки муҳаббат, холос. Шунинг учун буни ҳам шиор камраб олади — ахир муҳаббатсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас.

Тўққизинчи маслаҳат. «Улисс»ни тушуниш учун муайян мисоллар бўлиши гоят муҳим. Демак, «Улисс»да шакл ва тил билан

қандай иш олиб борилишини ва улар у ерда қандай маънога эга бўлишини кўрсатувчи бир қанча мисоллар келтирамиз. Энг аввало шуни айтиш керакки, Жойс умуман шундай ёзадики, сўз ва шакл ҳар доим кўриниб туради, насрнинг жонли, фаол элементлари сифатида ҳис этилади. Биз ўқиймиз: «Унинг ақли унинг ақлининг кишанларини улоқтириш учун у кулиб қўйди»; ёки «Энди эса у қабрда. Она эса унга айтди: «Бу унга огоҳлантириш бўлсин...» Жойс биринчи сўзни ёки турли шахсларни билдирувчи биргина олмошни турли маъноларда ёнма-ён қўяди, кўпинча у чуқур маънога эга бўлмайди, бироқ бу мақсадсиз ребус ёки сўз ўйини ҳам эмас. Бироқ бундай майда усулларга тўлиб-тошган ёзув йўсини муттасил тилнинг ҳаётини эслатиб туради, унда ҳар қандай сўз гишт эмас, балки тирик жисмдир, шунинг учун ҳам ҳеч қачон ўзи ўзига тенг келолмайди. Бундай йўсин ўқувчига ҳам тинчлик бермайди, балки тинимсиз уни ташвишга солади, силкалайди, қавлаштиради ва мудом ўша алертликни талаб этади.

Ухлама, ухлама, китобхон, хушёр тур... зеро «Улисс» мутолааси турғун уйқудан чиқиб кетишга интилувчи қилиб кўрсатилган бутунлай. Давом этамиз, майда усуллардан ташқари «Улисс»да кўзга кўринмас, кўплаб ҳақиқий, бундан йироқроқ усуллар учрайди, албатта. Улардан кичикроқ қисмини Жойс «етақчи усуллар»нинг алоҳида муҳим гуруҳига танлаб олган: ҳар бир шундай усулда бирдан-бир воқеанинг услуби бош-оёқ саф тортади. Мана улардан айримлари: «Сиреналар» (11-воқеа) — мусиканинг сўздаги ифодаси; «Навская» (13-воқеа) — хотин-қизлар матбуотининг тақлидли ўхшатмаси; «Гелиос ҳўкизлари» (14-воқеа) — инглиз адабий анъаналари барча тарихий қатламлари ўхшатмаси; «Евмей» (16-воқеа) — аксилнастр: зўраки бўшанглик, нўноқ ва қалбаки хат.

Ўнинчи маслаҳат. Жойснинг яна бир ғоят характерли усулига эътибор қилиш лозим, уни «хронотоп» сўзи билан айтиш мумкин. Эслатиб ўтайликки, бу роман воқеалари бутун макони ва бутун замони йиғноғидир. «Улисс»нинг хронотопи ҳайратомуз даражада сиқик ва аниқ: бир кун ва бир Дублин доирасига бутун бир қатта роман жамланган эмас, балки ҳар қандай митти ҳодиса ҳам унда муайян макон ва замонга ўта сиңчковлик билан боғлаб қўйилган. Бу ғалати кўринар, аммо унинг замирида қатта ҳисоб-китоб ётади. Романни ўқиганингиз сайин унинг олами тобора мураккаблашиб ва қоронғилашиб бораверади; қахрамонлар ўзгарадилар ва тарқаладилар; воқелик лиқиллайди, ушалади, йиқилади — аммо булар бари

муайян бир соатда ва аниқ бир жойда содир бўлади, буни билиш эса ўзбек ўқувчисининг оёққа туриб олишига ёрдам беради. «Шу ердан ва ҳозирдан маҳкам тут!» — маслаҳат беради Стивен.

Шундай қилиб, «Улисс» хронотопи — ўзбек китобхонининг куткарув чамбари. Сувдан сузиб чиқмоқ учун шунинг ўзи кифоя дейишга журъат қилолмайман... Ва ниҳоят — шаклдан маъновининг ажратиб кўрсатилишига, кўкларга кўтариб мақталган солиштириб чиқилишига бир мисол.

Романнинг машҳур финали: Молли Блумнинг монолоғи. Олдимизда 45 бетлик (одатдаги нашрларда) мутлақо узлуксиз, (ёзувда ҳам мутлақо тиниш белгилардан холи) яхлит ботиний нутқ турибди, ундаги сўзларга бўлинишдан ташқари бошқа ҳар қандай бўлинишлар ҳам ғойиб бўлган, шу боис Молли шуурининг нутки мутлақо кўйилиб келаётган яхлит оқимнинг ўзи. Зимдан қараб, бу оқим ҳақида жуда кўп нарсани гапириш мумкин. Ўз оқувчанлигига кўра у яхлитдир, аммо бундай маънодаги структура, шакл ва ботиний фарқлар бутунлай нутққа чиқарилган деб ўйлаш керак эмас зинҳор. Худди қувурдагидек бир йўналишда шувиллаб оқиб кетаётган яхлит суюқлик эмас асло. Монологдаги сўзлар ўзаро бир-бири билан боғланидилар, улардан сарфу наҳв тузилмалари юзага келади, жумлаларнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари кўзга ташлана бошлайди. Айни дамда суръат ҳам кўрипа, ривожлана йўналишини ўзгартира бошлайди, ўзаро бир-бири билан чатишиб кетади — фақат булар барчаси ҳеч қачон пирт-пирт узилиб кетмайди, ҳаммаси равон сузиб боради, ҳаммаси мутлақо суюқ муҳит қонунларига бўйсунди.

Демак, олдимизда, тошдан-тошга сакраб, шалдир-шулдир қилиб, кирғоқлардан тошиб, асовланиб оқиб бораётган саркаш дарё турибди: охиргиси яна сўзма-сўз, зеро нутқ оқими етти марта узлуксиз кечади-да, бирдан узилиш содир бўлади — яъни ёлғиз биттагина хатбоши. Сўзнинг ўз мазмунидан тирноқча кам бўлмаган ҳолда айнан мана шу шакл билан Жойс Молли борасида айтмоқчи бўлган гапларни айтади, аёллар, аёллар табиаги ҳақидаги ўз ғоясини ифода этади. Бу шакл Жойснинг аёллар андозаси деса бўлади. Афтидан, буни Жойснинг ўзи ҳам ҳадеганда англаб етмаган бўлса кераков. Бошқа кўп нарсаларда бўлгани каби ботиний сезгининг мантикий тугали кейинги, «Финнеган маърақаси» романида кўрипа қолди. У ерда бу ўз ниҳоясига етган, пишиқ-пухта афсонамонандлик даражасига етган: аёл — дарё. Ва дарё — аёл. Ҳар иккала қиёфа ҳам афсонавий яхлитлик маъносига тенг ҳуқуқли, ялакат мағиз ва бир

исмлидир: Анна Ливия Плжорабелль... Одамни авраб ташлайди, шундай эмасми? Жойснинг икки буюк ғалати китоби заминиди бундай сиру синоатлардан олам-жаҳони яшириниб ётибди. Нима ҳам дердик, шундан кейин: «Эшик очиқ. Ичкарига марҳамат».

Ҳа, «Улисс» романи ўқувчини хушёр бўлишга чорлайди. Уни мутолаа қилиб чиққанлик учун адабиёт шинавандасини бемалол факрий ёрлик билан тақдирласа бўлаверади. Дарҳақиқат, Жойснинг китоби мутолаа қилувчига ғоят чуқур таъсир қиладиган кучга эга. Шубҳасиз, у жиддий тайёргарлик кўришни талаб этади, ўқувчини «шунчаки» мутолаа қилиш эмас, балки ҳар доим муаллиф билан бирга (аммо унинг ўрнига эмас!) фикрлашга мажбур қилади. Меҳнатингиз зое кетмайди ҳам, чунки у сизни «адабий мерос»нинг ўлик ёдгорликлари билан эмас, балки даҳо Сўз санъаткорининг етук ва шу боисдан теран замонавий романи билан таништиради.

«Улисс» мутолаасини Гераклнинг барча ўн икки жасоратига қиёс қилса бўлади. Бу ҳаддан ташқари мураккаб, тугалсиз, тинкани қуритадиган, ёввойи, телба, сердиққат ва олмосдек тобдор роман. У поёнсиз саволлар туғдиради: Сира эсингиздан чиқмайдиган романларни кўп ўқиганмисиз? Ҳамма гап мана шунда-да! Шу боисдан ҳам «Улисс»га ўхшаган китоблар ҳаддан ташқари сийрак ва ҳаддан ташқари кадрлидир. Айни чоғда шундай сезги туғиладики, сиз «Улисс»ни ўқимайсиз, балки ўзингиз роман ёзасиз — муаллиф ёзгани каби. Жойс ўқувчиларнинг «ўқувчи-муаллиф» деган янги наслини дунёга келтирди.

Ҳеч шубҳасиз, «Улисс» баъзилар ўлгудек ёмон кўрадиган, аммо яна энг кўп ўшани ўйлайдиган роман. Елкангиздан тоғ ағдарилгандек ўзингизни енгил хис этасиз, ўқиб бўлиб китобни ёпар экансиз, инсон сифатида энди ҳеч қачон олдингидай бўла олмаслигингизни англайсиз. Сизга охириги маслаҳатим: «Улисс»ни ўқинг! Эрнест Хемингуэйнинг юрактешар ўткирлигини рад этиш палласи аллақачон етиб келган: «Дурдона асар — бу ҳамма гапирадиган ва ҳеч ким ўқимаган китоб». «Улисс» — forever — «Улисс»дан қўямасин.

Акмал САИДОВ,
профессор

ТАРЖИМОНДАН

Жеймс Жойс (1882 – 1941) – Ирландиянинг буюк адиби. Мамлакат пойтахти Дублинда санъаткорлар оиласида дунёга келди. Унинг отаси юксак мусикий иқтидорга эга бўлиб, овози бутун Ирландияга машҳур, Дублинда эса уни танимаган киши йўқ эди. Жеймс Жойс болалик чоғлариданоқ отасидан хайратланар, доим ундан ҳайқиқиб, тортиниб турар, ота улуғворлиги олдида ўзини бағоят кичкина «одамча» каби сезар, шунинг учун унинг нигоҳидан ўзини олиб қочишга (инстинктив тарзда!) уринарди. Шу хайрат ва ҳайқиқиш унинг ёзувчи, қаламкаш бўлиб етилишида муҳим роль ўйнади. У ўзининг илк ижод намуналари – шеърлари, кичик ҳикоялари (бироз вақтдан сўнг бу ўта тиниқ ёзилган реалистик ҳикоялари «Дублинликлар» деган ном остида нашр этилди ва ҳаминша ўз эрки учун курашган Ирландия кўкида янги порлоқ юлдуз кўтарилганидан ва эндиликда шу Дублин осмонидан бутун ер юзи адабиётига сўнмас нурларни сочиб туражагидан дарак берди), мақолалари, кўп ўтмай унга бутун Ирландия, Англия, Европа ва Американинг эътиборини қаратган «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати» романи дунёга келди. Бу асарларда ота ва ўғил, оила муносабатлари, ёш қалбнинг дунёни англаб, унинг моҳиятига ета бошлаши пиллапоялари, шахс кечинмаларининг ранг-баранг олам ҳодисалари билан дуч, тўқнаш, зид келиши ўта ёрқин шоирона ростгўйлик билан тасвирланди. Шу тариқа Жеймс Жойс ўзининг кейинги икки буюк асари – «Улисс» ва «Финнеган маъракаси» романларини ёзишга мустаҳкам, ишончли тамал тоши яратди.

Жеймс Жойс ўзининг исёнкор фикр-қарашлари билан XX аср бошидаги Ирландиянинг ўта мураккаб сиёсий-ижтимоий, маданий муҳитига сиғмади. 1904 йилдан у Европага чиқиб кетди, тинимсиз Европа мамлакатларини кезди, инглиз тилидан дарс берди, бошланиб келаётган Биринчи жаҳон урушининг алангалари, инсон ҳаёти,

руҳи — ички дунёсининг таназзуллари унинг ёзаётган асарларига ўз фожиали, аламли, аччиқ шуълаларини тўхтовсиз ташлаб турди.

Жеймс Жойс «Улисс» романи устида 1914—1922 йилларда ишлади. Жойс 1904 йилда Ирландияни тарк этгандан сўнг, роман Европанинг турли мамлакатлари ва шаҳарларида ёзилди. 1918 йилнинг март ойидан бошлаб Америкада «Литтл ревью» журналида босилди. 1922 йилда Парижда Силвия Бич нашриётида китоб ҳолида чиқди. Европада бу китоб устида катта баҳслар бошланиб кетди.

Романда XX аср бошидаги Ирландия ва унинг пойтахти Дублин ҳаётининг кенг қамровли манзаралари, инсон ички олами ва у билан боғлиқ ижтимоий ходисаларнинг бениҳоя теран қатламлари акс этди. Жойснинг бадиий нияти бўйича роман қисмлари ва боблари (эпизодлари, биз уни ўзбекча таржимада «Воқеа» деб бердик)да Хомернинг «Одиссей» достонининг қўшиқларига уйқаш ва мавзун воқеалар ёритилади. Адибнинг илк қўлёзмасида боблар (эпизодлар) Хомер достони қаҳрамонлари ҳамда воқеалар бўлиб ўтган жойларнинг номлари билан сарлавҳаланган эди. Эпизодлар яна инсоннинг бирон аъзосини рамзий тарзда ифодалайди, бутун ҳолида эса роман инсон вужудини инъикос этади. Шулар билан боғлиқ ҳолда Жойс ҳар бир эпизоднинг ўзига хос санъати, ўзига хос қурилиши, архитектураси, ўзига хос такрорланмас услубини яратади. Шундай ажойиб-ғаройиб санъатлар, бадиий кашфиётлар (чунончи, ҳар эпизоднинг ўз ранг-бўйи бор) воситасида Жойс ўқувчини қаҳрамонларнинг ғоят мураккаб ҳамда мафтункор руҳий-аклий, тафаккурий оламлари ичига олиб киради. Жойс ҳар бир эпизод воқеаларини вақт оқими билан ҳам чамбарчас боғлайди ва ҳар бир эпизодда янги ривоят, янги таҳлил усулларини очади.

Европанинг буюк адиблари, олимлари, танқидчилари бу ҳақда жуда кўп ёзганлар, гувоҳлик берганлар. Чунончи, шулардан бири буюк психиатр, психолог олим Карл Юнг Жеймс Жойсга «Улисс» дан олган таассуротлари хусусида мактуб йўллаб ва унга қўшимча тарзда эссе ёзиб, шундай дейди: «Сизнинг китобингиз мен учун чексиз кўп қийинчиликлар туғдирди, мен унинг устида уч йилдан ортиқ ўйладим, шундан кейингина унинг ичига киришга муваффақ бўлдим. Айтишим керакки, сиз ва сизнинг беҳад улуғвор меҳнатингизга чуқур миннатдорчилик туйғуларини сезаман, чунки ундан ўзим учун кўп нарсаларни ўргандим... Унинг лабиринтларида узоқ гаранг бўлиб кезиб юрдим». Карл Юнг ўзини бепоён, боши-кети кўринмас бўшлиқ ичида юргандай сезганлигини баён қилади: «Бўшлиқ-

3/58
4535
ПО

ни ўзига жо этган етти юзу эллик саҳифа бу — оппоқ қоғоз бетлари эмас, асло, аксинча улар тигиз ва ўта зич мағиздор матн билан тўлдирилгандир. Сиз ўқийверасиз, ўқийверасиз, ўқийверасиз ва худди ўзингизни бир нарса ўқиётгандек тасаввур этасиз. Баъзи вақтларда баъзи жумлаларга дуч келиб, ўзингизни ҳаво бўшлиғи теранликларига кулагандай сезасиз ва шу тариқа тақдирга тан берганингиздан сўнг, ниҳоят ўқишга ўрганасиз... Жеймс услубининг сира ақл бовар қилмас кўпқийёфалиги одамга гипноздай таъсир кўрсатади... Китобхон ўқувчи оғзини очганича қолади». Карл Юнгнинг бу сўзларига кўпроқ тўхтаётганимизнинг боиси, у Жойсни мутолаа қилишга киришган ва аҳдида қаттиқ туриб, китобнинг охиригача, асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири Леополд Блумнинг хотини — қўшиқчи аёл Моллининг оз эмас-кўп эмас росмана қирк саҳифалик биронта нуқта, биронта тиниш белгиси қўйилмаган Турон даштидай текис ички монологигача ўқиган ҳар бир кишида шундай хиссиётлар, фикрлар, албатта, жўш уради. Дастлаб тушунолмайд кийналишнинг охири ҳайрат билан тугайди. Бу таъбир жоиз бўлса, прозадаги чексиз маҳорат, чексиз кашфиётлар водийсининг ҳайратларидир. Аммо сиз бармоқ тишлабгина қолмайсиз: сиз энди ўйлайсиз, ўйлайсиз, ўйлайверасиз, энди ўйлаш мудоваматини ҳосил қиласиз... Ниҳоят, ўзингиз Дублин кўчаларида саргашта Леополд Блум ёки ўйчан, эхтиросли, Ҳамлет каби фикри ёниқ шоир йигит Стивен Дедал каби доим онг оқимларида, чексиз ҳаётий таассуротлар, ҳеч қаерга сиғдириб бўлмас тасаввурлар (улар яхшими, ёмонми, қандайлигидан қатъи назар), сезгилар, туйғулар, кечинмалар оқимларида яшаганлигингизни, фақат гарчи ўта узук-юлук туюлган онг, ҳаёт оқимларига ҳеч қачон ҳисоб бермаганингизни англаб етасиз. Ўшанда Жойс ва унинг «Улисс» романи билан мулоқотда ўзингиз учун тамомила янги бир оламларни очаётганингизга ишонч ҳосил этасиз...

Карл Юнг эссе якунида «Улисс»нинг еттита хусусиятини таърифлайди. «Бу китоб доим қайдадир баланддан ёки ёнингиздан ўтади, ўзида у серкиноя, серистехзо, заҳарли, такаббур, қайғули умидсизлик билан тўла ва аччиқдир...»

1932 йилнинг сентябрида ёзилган бу сўзлар нақадар ҳақ эканлигига Жойсни ўқиган ҳар бир киши амин бўлади ва уни ўз сўзларидай қабул қилади.

Пирик Америка адиби, романист Торитон Уайлдер «Улисс» — адабиётга янги услуб — ички монологни олиб кирди», деб айтади.

«Улисс» нинг дунё адабиётига берган янгиликлари шу билангина чекланмайди. Жойс тасвир ва пародияда ҳам беқиёс янгиликлар яратганки, бутун дунё адабиётлари унинг улуғвор, баракали таъсирдан холи эмас... Зеро, дунё адабиётида Жойсдан сўнг, Жойс билан бирга Жойс даври бошланган...

«Улисс»ни ўқиш том маънода осон эмас. Лекин ичига кирган, маъзини чаккан ўқувчига у туганмас гўзал онларни бахш этади. Инсон майллари, эҳтирослари, кайфиятлари, қарашлари, кечинмаларининг чексиз ранг-барангликларига, онг ва ҳиссиёт оқимлари ичида ўқувчи ҳар қадамда инсонни — унинг миллати, мамлакати, диний эътиқодидан қатъи назар, илгари ҳеч қачон кўрилмаган, англалмаган, ўйланмаган беҳад оригинал бир нуқтадан кашф этгандай бўлади. Шунинг баробарида Жойсни ўқиш кишига чексиз бир марок бағишлайди.

Ўзбек китобхони ўз тилида Жойс билан яқин-яқинлардан бери таниша бошлади. Адибнинг бир қанча ҳикоялари ҳамда «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати» романи (Аҳмад Отабоев таржимаси) босилиб чиқди. Танишувни чуқурлаштириш, кенгайтириш мақсадида «Улисс» романи таржимасига журъат қилинди. Унутилмас Озод Шарафиддинов ўзбек китобхони Жойсни ўқишини орзулаган ва Нитше, Маркес ва Жойсни («Зардушт таваллоси», «Бузрукнинг кузи», «Улисс») таржима қилишни бизнинг зиммамизга юклаган эди.

XXI аср марҳаматли келиб, бу ишлар уҳдаси муяссар бўлди.

Ҳозирча рус тили ва рус бадий таржимавий тафаккури орқали қилинмиш бу таржималар Жойснинг буюк бадий оламлари ҳақида, унинг даҳо нури билан ёришган фикр ҳамда ривоят услублари ҳақида етарлича тасаввур беради, деб ожизона умид қиламиз. Баъзи бир мураккабликлар ва қоронғиликлар боис ўқишимизда учраган талқин ўзгачаликларига ўқувчи тушуниш ҳамда марҳаматли муносабатда бўлса, ўрни бор, деб биламиз. Шу билан бирга айрим воқеаларга баҳарҳол тушунтириш бериб ўтишни лозим кўраемиз.

Жеймс Жойс биринчи эпизодни дастлаб «Телемак» деб аташни жоиз кўрган. Бунда ўқувчига «Сийрат»дан таниш Стивен Дедал ҳаракат қилади. У онаси қазо қилиб, Париждан Дублинга қайтган. У «Оддисей»даги отасини йўқотган Телемак каби ўз ватани, уйи, отаси, яқинларини тинмай кидиради.

Воқеалар Дублин яқинидаги Мартелло қўрғон-қалъада бўлиб ўтади. Бир пайтлар Жойс ҳам бу қалъа-қўрғонда ўз дўстлари би-

лан бирга яшаган эди. Мартелло кўрғони роман қахрамонлари учун Юнистондаги Делф ибодатгоҳи билан баробар қимматга эга. Асосий қахрамонлар шу ердан инсон оламларига саргузаштларини бошлайдилар. Стивен Дедал, Леополд Блум, Бука Маллиган бу илк эпизодларда худди ақл ва руҳнинг стихияси каби кўзга ташланадилар.

Уларнинг ўйлари, кечинмалари, пародиялар, тақлидлар фикрларида поёнсиз китоблардан поёнсиз иқтибослар, поёнсиз таҳлиллар бир-бирига занжидек уланиб боради. Жойс инсон табиати ҳақида тўла жисмоний, руҳий, руҳоний тасаввур яратиш йўлидан боради.

Эпизод воқеалари 1904 йил 16 июнь эрталаб соат саккизда Дублинда рўй беради. Айтайлик, адиб романнинг тўртинчи эпизодини чунончи «Калипсо» деб атаган. «Одиссей»да (бешинчи кўшиқ) Одиссейнинг нимфа (паризод) Калипсо қўлида тутқин яшаганлиги воқеалари ҳикоя қилинади. Эпизодда Блум Одиссейга, унинг хотини санъаткор кўшиқчи Мэрион паризод Калипсога рамзий муқоясада тасвирланади. Одиссей Итакага қандай интилса, Блум ҳам ўз тарихий ватани Сионга шундай доимий тарзда талпинади. Бу талпиниш унинг характери, инсонлик мазмунининг ғоят кучли қирраларидан биридир. Бу эпизодларда Жойснинг бошқа асарларидаги қахрамонлар кўплаб қатнашадилар. Эпизодда бошдан-оёқ буйрак рамзи талқин этилди. Эпизоднинг санъати — ҳўжалик ва уй, оила иқтисоди. Асосий тасвир ранги — туқ сарик. Воқеалар эрталаб соат саккизда рўй беради. Яна бир гап: лотинлар Одиссейни Улисс деб атаганлар. Улисс — маккор, ақлли, бахтиёр, олийжаноб дегани.

Ёки, олайлик, асарнинг 11-воқеаси эса «Сиреналар» деб аталади. Сирена қадим юнон асотирларида Ярим қуш Ярим аёл мавжудот. Денгизларда сайёҳларни сеҳрли куйлаб маҳлиё этиб, сўнг қурбон қилганлар. Кўчма маънода мафтункор гўзаллар. Эпизод худди мусиқа асари каби ёзилган, унда эллик саккизта мусиқа мавзу-лейтмотивлари қайд этилган. Эпизоднинг ёзилиш санъати ҳам мусиқа билан чамбарчас. Эпизодда одамнинг кулоқ аъзоси рамз қилиб олинган. Умуман, «Улисс»да мусиқа, мусикийлик, мусиқий ва рангин бадийлик ғоят кучлидир. Бу Жойснинг зўр санъаткор бўлган отадан таъсирланиш аломати бўлса ҳам, эҳтимол.

XX асрнинг 30-йилларида Россияда Жеймс Жойс асарлари таржима қилина бошланди. 1934 йилда Валентин Стенич «Гадес» («Патрик Дигнамнинг дафн этиш») ҳамда «Калипсо» эпизодларини таржима қилиб чиқарди. 1935–1936 йилларда «Интернациональная

литература» журнали «Улисс»нинг 1—10-эпизодларини босди. Бу таржималар кўп йиллар ўтиб 2000 йилда Москвада «Мастера современной прозы» туркумида Жеймс Жойс танлаган асарлари жилдида қайта нашр этилди. Улар Иван Кашкин таржима мактаби ижодкорлари қаламига мансубдир. Асарни ўзбекчалаштиришда Жеймс Жойснинг шу бир жилдигига суянилди. Асар реалаялари транскрипциясида «Иностранная литература»нинг 1989 йил нашрига муқояса қилинди.

Шу билан бирга «Иностранная литература» журнали 1989 йил давомида «Улисс»ни В. Хинкис ҳамда С. Хоружий таржимасида В. Гениева илмий изоҳлари билан тўла босиб чиқарди. Ўзбекчалаштиришда бу янги таржимага қиссан ҳам суянилди. Жўғрофий номлар, персонажларнинг исмлари, ранг баранг истилоҳлар шу журнал бўйича берилди.

Ўттизинчи йиллардаги таржима билан саксонинчи йиллар таржимаси ўртасида талқиний фарқлар, ўзига хос ўқишлар ва шу билан бирга сўзма-сўз яқинликлар мавжуд.

Бу таржима том маънода ўзбек бадиий тилимизнинг янги имконият уфқларига назар ташлашда бир маданий синов ва тажриба бўлди.

Ўзбекчалаштирганда мазкур жиҳатлар ҳам ҳисобга олинди ва табиийки жузъий қисқариш, ижодий трансформациялардан қочишнинг иложи бўлмади. Мана, ниҳоят модерн адабиётнинг буюк намунаси — «Улисс» Сизга ҳавола. Ўқиш, уқиш Сизга хайрли бўлсин!

Иброҳим ҒАҒУРОВ



Биринчи қисм

1-ВОҚЕА

Биққи Бак Маллиган совун кўпиртирилган идиш устига уст-ма-уст қўйилган ойна билан устарани қўлида кўтарганча пиллапоянинг юқори сахнига улугворона бир қиёфада чиқиб борди. Белбоғи ўтказилмаган сариқ халатининг этаклари енгил тонг шабадасида оҳиста ҳилпирарди. У қўлидаги идишни баланд кўтариб хитоб қилди:

— Introibo ad altare Dei¹.

У тўхтаб пастга — қоронғи бурама зиналарга назар ташлади-да, хириллаган товуш билан қичқирди:

— Бу ёққа чиқ, Кинч. Кел бу ёққа, разил шайтон.

У яна олифтавор олға қадам ташлади-да, тўгарак сахнга чиқди. Орқасига ўгирилиб, минора, гир-атроф — соҳиллар ва тун уйқусидан уйғонаётган тоғларни жиддий туриб уч бора муборакбод қилди. Кейин Стивен Дедални кўриб, унга томон эгилди-да, томоғидан бўриллаган товуш чиқариб, бошини силкиб-силкиб шиддат билан хавони чўқинтиргандай ҳаракат қилди. Стивен Дедал уйқуси чала бўлган норози бир қиёфада пиллапоянинг панжарасига суянганча ўзини муборакбод этаётган, сочи оқ булут каби туссиз, бошида тепа сочи қирдирилмаган, бўриллаб овоз бераётган, қалтираган унинг от башара калласига бепарво қараб турарди.

Бак Маллиган ойна остига кўз ташлади, яна тез идишни ёпди.

— Орқага, — деди у қатъий.

Ва худди руҳонийларга ўхшатиб гапида давом этди:

— Зеро, бунда, о маҳбуб биродарлар, евхаристиянинг асро-ри мужассам — вужуд ва жон, қон ва тан Марҳабо, куй ян-грасин! Кўзингизни юминг, марҳаматли жаноблар! Бир дақиқа

¹ Раббим меҳробига киргайман.

шошманг. Манов оппоқ зарраларни андак тўғрилаб олайлик. Жимликни сақлашни сўраймиз.

У юқорига қаради, чорлов оҳангида ингичка, чузиқ ҳуштак чалди ва ненидир кутиб донг қотди. Текис оппоқ тишларининг олтин қопламаси йилтиллаб турарди. Тиллазабон. Унга жавобан каттиқ ва ўткир ҳуштак янгради.

— Миннатдорман, — шодон кичқирди у, — мутлақо етарли. Токни учиринг.

У-зина саҳнидан сакраб тушди ва ўзига қараб турган биродарига жиддий назар солди, ҳилпираган халатининг этакларини йиғиштирди. Худди соя тушгандек лўппи юзлар ва думалоқ оғир энгак — бамисоли ўрта асрларнинг санъат ҳомийси прелат¹нинг сиймоси. Унинг дудоғида табассум ўйнади.

— Тақдир кинояси, — деди у шодон, — сенга шундай ўхшовсиз ном беришган. Кўҳна юнон!

У Стивенга дўстона ҳазиломуз тарзда қўли билан пўписа қилди-да, ўз-ўзича кулиб, панжара олдига келди. Стивен Дедал унга ҳорғин эргашди ва саҳнчанинг қирғоғига ўтириб, унинг ойнасини панжарага тираб қўйиб, чўткачасини совун қўпигига бо-тириб, иккала бети ва бўйнига сураётганини кузата бошлади.

Бак Маллиганнинг қувноқ саси тинмасди:

— Менинг ҳам исмим бемаъни: Малаки Маллиган, икки дактил². Лекин росмана эллинчасига эшитилади, тўғрими? Худди кийикдек енгил ва нурафшон³. Биз албатта, Афинага боришимиз керак. Агар мен холамдан йигирма фунт ундирсам мабодо, сен борасанми?

У совун чўткани бир четга қўйиб, хандон ташлаб кулиб, кичқирди:

— Борасан, сен оррик тентак!

Кейин оғзини юмиб ҳафсала билан юзини қира бошлади.

— Менга қара, Маллиган, — деди осойишта Стивен.

— Нима дейсан, болакай?

— Ҳейнс қачонгача минорада яшайди?

Бак Маллиган унга қиртишланган ўнг беги билан ўгирилди.

¹ Ўрта асрларда католик ва англикан черковларида олий руҳоний.

² Дактил уч ҳижоли шеър ўлчови. Бир туроқ ичида битта ургули (узун) ва икки ургулисиз (киска) ҳижо бўлади.

³ Бу ерда сўз ўйинига ишора бор: buck — нар кийик.

— Э худойим, бу нусханг қурғурни қаранг! — деди у андиша қилиб ўтирмай. — Ғудайган англосакс. У сени жентлмен деб ҳисобламайди. Бу бриттларнинг бари аблаҳ! Ундан пул ва ҳазм бўлмаган овқатнинг ҳиди анқиб ётади. Кўриб қўйинг, яна у Оксфордни битирган эмиш. Менимча, Дедалус, сенинг қиликларинг ҳақиқий оксфордликларга хос. У сени тушунармиди. Мен сенга ҳаммадан яхши ном қўйганман: Кинч — устаранинг тиғи.

У энкайини эҳтиёт бўлиб қирарди.

— Кечаси билан қора коплон деб алаҳсираб чиқди, — деди Стивен. — Унинг милтиғи қаерда?

— Шурлик ойжинни, — деди Маллиган. — Сен нима, дарров думингни қисиб қолдингми?

— Бўлмасам-чи, — деди Стивен жиддий, юрагига кўркув ора-лаб. — Қоронғи хонада танимайдиган одам билан ётишни айт, бунинг устига тинмай инграйди, алаҳсирайди, қора коплонни отишим керак дейди. Сен чўкаётганларни қутқаргансан. Мен эсам қахрамон эмасман. Агар у бу ерда қолса, мен бошқа ёққа кўчаман.

Бак Маллиган пешонасини тириштириб устаранинг тиғига қаради. У ўтирган жойидан сакраб туриб, чўнтаklarини кавлай бошлади.

— Каёққа қўйдим, — бўғилди у.

У зина майдончасига келди-да, қўлини Стивеннинг чўнтагига тиқиб, деди:

— Сизнинг сурткингиздан истифода этишга рухсат беринг.

Стивен унинг кир, ғижим-ғижим дастрўмолни учидан тутиб суғуриб олишига қаршилиқ қилмади. Бак Маллиган устарани яхшилаб артди.

Кейин рўмолчани у ёқ-бу ёққа айлантириб кўриб, деди:

— Бахшининг сурткиси. Бизнинг ирланд шоирларимиз учун янги инжа ранг: мишиқи-кўкимтир. Таъмини ҳам сезиб турибман.

У яна тўсиқ устига чиқиб, Дублин кўрфазига қаради. Унинг оқ булут тусидаги оқиш сочлари енгил ҳилпирарди.

— Шундай, — деди у секин. — Элжи¹ ҳақ: у денгизни бўз меҳрибон она деган, мишиқи-кўкимтир денгиз. Ери oinopa ponton². Оҳ, Дедалус, сен юнонларни билсанг эдинг! Сенга албатта,

¹ Элжернон Суинберн, инглиз шоири.

² Шароб тусли уммон буйлаб (юнонча).

ўргатаман... Сен уларнинг аслини ўқишинг керак. Thalatta! Thalatta!¹ Бизнинг улуғ меҳрибон онамиз. Қара.

Стивен туриб тўсик олдиға келди. Тўсикқа суяниб пастга, гавандан чиқаётган почта кемаси ва сувға қаради.

— Бизнинг қудратли онамиз, — деди Бак Маллиган.

У катта синчков кўзлари билан тезгина Стивенга қаради.

— Холамнинг гапига қараганда, сен онангни адои тамом қилибсан, — деди у. — Шунинг учун сен билан ишлашимизга йўл қўймапти.

— Рост, уни ўлдиришди, — деди қовоғини солиб Стивен.

— Эҳ, қуриб кетсин-а, наҳотки сен, Кинч, жон таслим қилаётган онанг айтса ҳам, тиз чўкиб илтижо этмадинг? — деди Бак Маллиган. Мен ҳам худди сенга ўхшаган энг шимолданман. Лекин онангни ўйласанг, унинг учун тиз чўкиб худога ёлворипни сўрагани... Сен бўлсанг буни қилмабсан. Сенда қандайдир ёқимсиз бир нарса бор, Кинч.

У жим бўлиб қолди ва яна бир марта совун чўткани чап юзига теккизди. Унинг чеҳрасида аяёвли бир табассум жилва қилди.

— Шунга қарамай сен ҳар қалай ёмон бола эмассан, Кинч, — деб минғиллади у ўзича. — Дунёдаги энг тузук болалардансан.

У батамом жим бўлиб, камоли диққат билан вазмин ҳаракатлар қилиб соқолини қиртишларди.

Стивен учган-кўчган мрамар тўсикқа суянганча, кафтини пешонасига босиб ўзининг йилтиллаб кетган қора енгининг ситилган зиҳига кўзини тикиб турарди. Ҳали муҳаббат дардига айланиб улгурмаган бир дард юрагини сиқарди. Онаси ўлгандан сўнг индамай унинг тушларига кирарди.

Унинг ҳаддан зиёд кенг қора кафанга ўралган ҳорғин жусасидан шағам ва атиргул бутасининг ҳиди анқирди, у сассиз гина-надомат билан унинг устига эгилар — унинг нафасидан билинар-билинмас нам кул иси келарди. Кўйлак енгининг тўри орасидан Стивен ёнидаги кўнгли тўқ одамнинг овози улуғ ва меҳрибон деб атаётган денгизни кўриб турарди. Кўрфаз ва уфқлар айлана ҳосил қилиб бағрини туссиз кўкимтир суюқлик билан тўлдирганди. Ўлим тўшагида ётган онасининг боши яқинида турган оқ чинни идиш оғир, хирқироқ йўтал билан чириган кўкракдан кўчиб тушган ҳилт сафрога лиқ тўла эди.

¹ Уммон, уммон! (юнонча).

Бак Маллиган яна устарани артди.

— Шўрлик болакай, — деди у эркалаб, — сенга кўйлак билан рўмоллар бермасам бўлмас экан. Эски иштон бўлса ҳам ирганмай кияверасанми?

— Киявераман, — деди Стивен.

Бак Маллиган пастки лаби остидаги чуқурчани қиртишлашга тушди.

— Бемаза томони шундаки, — деди у мамнунлик акс этган товуш билан, — уларни аввал ким кийганлигини ҳеч билолмайсан. Менда бир жуфти бор, ҳали тузуккина, кулранг, йўл-йўл гули ҳам бор. Сенга жуда ярашади. Беҳазил, Кинч. Сен кийинсанг, жуда келишган йигит бўлиб кетасан.

— Раҳмат, — деди Стивен. — Агар улар кулранг бўлса, мен кия олмайман.

— У киёлмас эмиш, — деди ойнадаги ўз аксига қарата Бак Маллиган. — Тарки одат амримаҳол. У ўз онасини ўлдирди. Аммо у кулранг шим киёлмас экан.

У устарани аҳтиётлик билан ёпди-да, бармоқларининг учи билан қиртишланган юзини сийпалади. Стивен нигоҳини денгиздан узиб унинг дўмбоқ юзи ва тутаб тургандек мовий филтиллаган кўзларига боқди.

— Мен кеча кечкурун «Кема»да бирга бўлган нусхалар, — деди Бак Маллиган, — сенда ўсиб борувчи фалаж бор деяпти. У Доттивиллда Коннолли Норман билан бирга ишлайди. Ўсиб борувчи фалаж ҳамда акли заифлик.

У ойнани олиб, денгиз узра порлаб турган қуёш аксини тутиш учун яримдоира қилиб денгиз узра сермади. Унинг буралган лаблари, оппоқ яркираган тишларининг учлари кулиб турарди. Унинг мустаҳкам бичилган бутун кучли гавдаси кулгидан силкинарди.

— Ўзингга бир кара, — деди у, — сен ёмон кўрқинчли бах шисан.

Стивен энкайиб ўзига узатилган ойнага қаради, ойнанинг ўртасидан эгри-бугри дарз ўтган, дарз орасида бир тола соч тикилиб учи чиқиб турарди. Ўткинчиларнинг нигоҳи нимани кўради? Ким менга шу юзимни танлади? Манави ночор, паразитлар билан тўлиб-тошган итнинг вужудини ким берди? Ойна ҳам шунини сўраяпти.

— Мен ойнани хизматчи хотиндан умардим, — деди Маллиган. — Ойнаси ҳам ўзига ўхшайди. Холажоним жияним Мэй-

лахи деб, доим бедаво чўри ёллайди. Шаҳвоний насвасалардан сақламоқчи бўлади. Чўрининг оти Урсула.

У яна хахолаб кулиб ойнани Стивеннинг қаттиқ тикилган кўзларидан нари сурди.

— Юзини ойнада кўролмайдиган Колибаининг қахрли нигоҳи¹, — деди у. — Қанийди шу ҳолда Уайлд сени кўрсайди.

Ўзини орқага ташлаб, Стивен бармоғи билан ойнани кўрсатди.

— Бу ирланд санъатининг рамзи, — деди у аламоқ. — Чўрининг дарз кетган ойнаси.

Бак Маллиган кутилмаганда Стивенни кўлтиқлаб олди-да, у билан минора атрофида айлана бошлади, чўнтакка солинган ойна ҳамда устара ҳар қадамда парақа-шуруқ қиларди.

— Сенинг жиғингга тегиш яхши эмас-а, тўғрими, Кинч? — эркалагандай сўради Маллиган. — Уларга қараганда қанчалар ақлли эканлигинг бир худога аён.

Зарба қайтарилди. У менинг санъатим ништаридан кўрқади, мен ҳам докторнинг ништаридан кўрқаман. Муздек совуқ пулат перо.

— Чўрининг дарз кетган ойнаси. Буни буқага ўхшаган оғайнимизга айтгин-да, мукофотига ундан бир гиней² ол. Пули кўплигидан сашиб, шишиб кетяпти, буцинг устига у сени жентльмен деб ҳисобламайди. Унинг падари зулусларга³ ични юмшатадиган дори ё бўлмасам шунга яқин бир гурбат нарсаларни пуллаб тоза чўнтак қаппайтирган. Э худойим-ей, муни қара-я, Кинч, агар иккаламиз бирга ишлаганимизда борми, орол диёримиз учун нима-лар қилмас эдик! Уни юнолаштириб юборардик.

Крэнлининг қўли. Унинг қўли.

— Хеч ақлимга сиғдиролмайман, анов молфаҳмларга эла-ниб-тиланиб юрасан. Мендан бошқаси сенинг кимлигингни билмайди. Нега менга ишонмайсан? Нега менга бурнингни жийирасан? Нима, Ҳейнс туфайлими? Мабодо у сенга халал бераётган бўлса, мен Сеймурни олиб келаман, миясини қоқиб қўлига тутқизамиз, ҳатто Клайв Кемпторпдан ҳам баттар қиламиз.

Клайв Кемпторпнинг уйидаги пулдорларнинг баланд овозлари, оқтанлилар: ичаклари узилгудай хахолашиб, қоринлари ни войвойлаб чангаллашади, бир-бирларини маҳкам ушлаб

¹ Оскар Уайлдининг «Дориан Грей портрети» асари сўз бошисидан.

² Гиней — Ирландия пули.

³ Зулуслар — Жанубий Африкада Натал вилояти аҳолиси.

олишади. Вой, ўлиб қоламан! Буни у кизга секин етиги билан айтинг, Обри! Йўқ, жоним чиқиб кетай деяпти. Унинг далвадалва бўлиб йиртилиб кетган қўйлагининг парчалари экинда ҳилпирайди, у эса, тўпигигача сирғалиб тушган иштонига қоқилиб-суқилиб, Эйдсдан қочиб стол атрофида гир айланади, бу Эйдс Магдалина коллежидан, қўлида катта қайчи кўтарганча, унинг кетидан қувиб юради. Ўйноқлаган бузоқникига ўхшаган башарасига мураббо сачраган. Вой, иштонимни ечманглар! Вой, нега мени қутурган итдай талайсиз?

Очиқ деразадан келаётган бақирик-чакириклар оқшомни хуркитади. Олдига этак тутиб олган, қулоғи эшитмайдиган, башараси худди Метю Арнольднинг¹ юз никобига ўхшайдиган қария қорамтир ўтлоқда кўк буталарни текислайди, кўзи билан учиб тушаётган яшил япроқларни кузатади.

Бизнинг ўзимиз учун... янги жоҳилият... омфалос²...

— Менга деса, тураверсин, — деди Стивен. — Ўзи ёмон эмас, фақат одамни ухлатмайди.

— Унда нима ўзи? — сабрсизланиб сўради Бак Маллиган. — Очиғини айт. Сен билан доим очиқчасига гаплашганман. Нега менадан аччиғланиб юрибсан?

Улар ухлаётган китнинг тумшугидай сув устидан чиқиб турган Брэй-Хеднинг ясси чўққисига қараганча туриб қолдилар. Стивен охишта қўлини тортди.

— Айтайми, сен шуни хоҳлайсанми? — сўради у.

— Ҳа, нима гап ўзи? — жавоб қилди Бак Маллиган. — Орамиздан бирон нима ўтганини билмайман.

У Стивеннинг башарасига тик қараб турарди. Майинг шаббода унинг манглайини сийпалаб ўтди. Тўзғиган оч сочларини енгилгина силкиди, кўзларида ташвишнинг кумуш нуқтачаларини уйғотди.

Стивен ўз ўқранган овозининг садосидан эзилган ҳолда, деди:

— Онам ўлгандан кейин сизникига биринчи келганим эсингдами?

Бак Маллиган дарҳол хўмрайди да, деди:

— Нима? Қачон? Ҳеч нарса эсимда йўқ. Мен фақат фикрлар ва сезимларнигина эслаб қоламан. Нима бўпти ўзи? Нима бўлган экан?

¹ Метю Арнольд — инглиз ёзувчиси (1822–1888).

² Киндик; ер киндиги (юнон.).

— Сен чой тайёрлаётган эдинг, — деди Стивен, — мен пил-лапояга қайноқ сувга чиқувдим. Онанг ичкаридан аллақандай меҳмон билан чиқиб келди. У сендан олдингда ким бор, деб суради.

— Шундайми? — деди Бак Маллиган. — Хўп, мен нима дебман? Эсимда йўқ.

— Сен айтдингки, — жавоб берди Стивен: — «О, бу бор-йўғи Дедал, холос, — яқинда унинг онаси асфаласофилинга кетди».

Бак Маллиган қизариб кетди, унинг чеҳраси яшариб, жози-балироқ тусга киргандай бўлди.

— Мен шундай дедимми? — ўсмоқчилади у. — Хўп, нима бўпти? Бунинг нимасига ажабланасан?

Ўнғайсизликдан кутулиш учун у қаттиқ бир силкиниб қўйди.

— Бу ўлим ўзи нима, — суради у, — онангнинг ўлими, сенинг ёки менинг ўлимим? Сен фақат онанг қандай ўлганини кўргансан. Мен эсам ҳар куни Модархудо ёки Ричмондда¹ одамларнинг асфаласофилинга жўнаётганини кўраман, жарроҳлик хонасида улар қандай нимталанаётганига гувоҳ бўламан. Ўлаксалар, холос. Бошқа ҳеч нарса эмас. Бунинг нима аҳамияти бор? Онанг жон таслим этаётганда сендан илтижо қилди, тиз чўкиб, мен учун худога ёлвор, деди, сен бунга адо этишни истамадинг. Нима учун? Чунки сенинг баданингда ўша лаънати иезуит ардоби ўрнашиб қолган, фақат у тескари жойда намоён бўлади, холос. Менимча, буларнинг бари сариқ чақага арзймайди. Онангнинг миясидаги чизиқчалари ишламай қолган. У докторни «сэр Питер Тизл» деб қақиради, адёлидаги сариқтовон гулларни юлқиляб ўтиради. Ҳолати размга келиб қолган, у нима деса, шуни қилиш керак. Сен унинг ўлим олдида қилган сўнгги илтимосини бажармадинг, яна менга димоқ фироқ қиласан, нима, мен ҳам Лалуэттдан келган ёлланган гўяндлар каби пиқ-пиқ йиғляб ўтиришим керакмиди? Ана жаҳолат! Хўп, борингки, мен шундай дегандирман. Лекин мен онангнинг хотирасини ҳақорат этганим йўқ.

У гапирган сайин ўзига бўлган ишончи мустаҳкамляниб борарди. Стивен Маллиганнинг сўзларидан етган юракдаги битмаган озор яраларни яшираркан, жуда совуқ қилиб деди:

— Мен онамни ҳақорат қилдинг деганим йўқ.

— Кимни бўлмаса? — суради Бак Маллиган.

¹ Дублин касалхоналари.

— Сен мени ҳақорат қилдинг, — деди Стивен.

Бак Маллиган пошнасида гир айланди.

— Вой бу одамни қаранг! — деди у.

У тўсиқ бўйлаб тез юриб кетди. Стивен сокин кўрфаз ортидаги тоғларга қараганча, ўз жойида қимирламай турарди. Денгизу тоғлар туманли ҳовурга чулганганди. Кўзи лўқиллар, нарсаларни яхши кўролмас, ёноқлари қизиб ёниб кетаётгандек эди. Минорадан баланд овоз янгради:

— Сиз шу ердамисиз, Маллиган?

— Ҳозир бораман, — жавоб қилди Бак Маллиган.

У Стивенга ўгирилиб қаради-да:

— Денгизга қара! — деди. — Унинг ҳақоратлар билан нима иши бор. Лойоланинг гарданига урди-да, Кипч, юр, пастга тушайлик. Муҳтарам инглиз эрталабки ношуштасини талаб қиляпти.

Унинг калласи бир зумга том бўғоти билан баробар бўлди.

— Бўлди, кўп ўксинаверма, — деди у. — Балки мен ноҳақдирман. Шаҳдингдан қайт ва хафа бўлма.

Унинг калласи ғойиб бўлди, лекин зина пастидан узоқлашаётган овози келди:

Орқангга қарама, хўрсиниб

Севгинини кўп аччиқ асрори

Фергус¹ ку бошқарар арава.

Тик туриб бўйига баравар.

У денгизга қараб турар, зинапоя саҳнидан денгиз томонга тонг сукунатида ўрмонларнинг соялари сассиз сузиб ўтардилар. Қирғоқ бўйи ва ундан нари сув бети енгил учқур долғалардан оқариб кўринарди. Қорамтир туманли денгиз, кўкраги оппоқ. Қўша шеърий урғуларнинг чатишмалари. Арфа торларини чертади қўллар, янграйди жўр оҳангларнинг саслари. Тўлқинлар каби оппоқ сўзлар, жуфт бўлиб, қовушиб, мубҳам долғалар узра титрайди.

Булутлар оҳиста тўсар кун юзини, шарпадан қораяр яшил кўрфазлар. Ётар орқада кўрфаз — гўё тахир сувлар косаси. Фергус кўшиғи: мен уни уйда куйладим, қорайган торларни созлабон чалдим. Унинг эшиги очик эди: у менинг куйимни тинг-

¹ Фергус Ирландия асотирлари — сагалари қаҳрамонларидан Янги эра бошлари.

лашни истади. Юрагим тақво ва шафқатга тўлиб, овозим чиқмай унинг тушагига яқинлаб бордим. Ночор тушак узра у йиғлаб ётарди. Ўша сўзлар, Стивен, уни юм-юм йиғлатган эди: севгининг қўп аччиқ асрори.

Энди эса қайда?

Унинг гизли хотира тухфалари: патдан ясалган эски еллигичлар, попукларидан мушк анқиган Carnets de bal¹, тортмаларда сақланувчи қаҳрабо тасбеҳлар. Қизлик чоғларида қуёш тушиб турадиган дераза олдига илинган кафас. У «Қўрқинчли турк» томошасида қария Ройснинг қўшиқларини тинглаб, бошқалар билан бирга қувониб кулган:

Қачон истасам,
Доим бўламан
Кўринмас одам!

Мушк-анбар ислари анқиган, мангуга ғойиб бўлган шод хурамлик шарпаси.

ОРҚАНГА ҚАРАМА, ХЎРСИНИБ

Табиатнинг эхонасида унинг ўйинчоқлари билан бирга сақланар. Унинг миясига мунгли хотиралар бостириб келарди. У таҳорат қилиб ибодатга турганида ошхонадан тўлдирилган бир коса сув. Ўртаси олиб ташланган, ичига майда шакар тўлдирилиб қоронғи куз окшомида каминда пиширилган олма. Болаларининг қўйлақларига ўрнашиб олган бит қумурсқаларни босиб ўлдирган нозик тирноқларда қотган доғлар.

У оғиз очмай унинг тушларига кириб келарди, қора дафн¹либосларига чулганган унинг ҳорғин жуссасидан шағам ва атиргул бутасининг хиди анқирди, соқов сирли сўзлар ила у ўғли устига энгашарди — нам тортган хокитуробнинг эшитилар-эшитилмас иси тараларди.

Онанинг шишадай қотган кўзлари ўлим аро теран термиларди: юрагимга ларза солмоқ, уни ўзига тобе этмоқ бўларди, фақат мени. Шамнинг лопиллаган сояси унинг сўнгги талвасаларини ёритарди. Ўзгариб кетган чехрадаги ғира-шира ёруғ. Унинг хирқирок ҳансира-

¹ Ойимқизлар ваъда қилинган рақсларни ёзиб борадиган қоғозлар.

ган нафаси даҳшат ичра узилар, бу пайт ҳамма тиз чўкканча худога ёлворар, дуо ўқир. Унинг кўзи менда, мени синдирмоқчи бўлар.

*Liliata rutilantium te confessorum turma circumdet: Rutilantium te virginum s chorus excipiat!*¹.

Қонхўр! Сенинг емишинг — мурдалар!

Йўқ, ойи. Мени ўз ҳолимга қўйинг, яшамоққа изн беринг.

— Ҳой, Кинч!

Бак Маллиганнинг қуйлаган овози минора ичидан янгради. Овоз зинадан кўтарилиб яқинлашар ва яна чақирарди. Стивен ҳамон ўкириб йиғлаган қалби титроқларига фарқ бўлиб, қуёш нурининг қайноқ мавжларини эшитар, ўз ортидан янграётган дўстона сўзлар издиҳомини илғарди.

— Дедалус, жаҳлингдан туш, пастга туш. Нонушта шай. Ҳейнс кечирим сўради бизни кечаси уйғотиб юборгани учун. Ҳаммаси жойида.

— Кетяпман, — деди Стивен ўгирилиб.

— Худо ҳаққи, тез кел, — дерди Бак Маллиган. — Мен учун, ҳаммамиз учун. — Унинг калласи бир кўриниб, яна ғойиб бўлди. — Мен унга сенинг ирланд санъати тимсоли ҳақидаги гапингни айтиб бердим. Зўр гап, деб айтди. Ундан бир фунт ундир хўпми? Мен бир гиней демокчиман.

— Мен бугун маош оламан, — деди Стивен.

— Мактаб шуъбасиданми? — деди Бак Маллиган. — Қанча? Тўрт фунтми? Бизга бир фунтини бериб тур.

— Майли, — жавоб қилди Стивен.

— Тўртта ярқиллаган соверен, — қувониб кичқирди Бак Маллиган. — Биз бугун шундай ичиб ишрат қилайликки, бунақаси друидларнинг² ҳам тушларига кирмаган ҳали. Тўртта совереннинг кучи ҳар нарсага етади!

У қулочларини ёзди ва зинадан пастга такиллаб тушиб бораркан, ҳақиқий кокни³лар лаҳжасида сохтакорона қўшиқ хиргойи қилади:

¹ Сени тавба-тазарру қилувчиларнинг олоқ порлоқ издиҳоми қуршасин. Сени шодумон парилар тудаси бағрига олсин.

² *Друидлар* — қадимги Ирландияда яшаган келтларнинг қоҳинлари — қурбонлик маросимларини бошқарган, табиб, муаллим, башоратчи бўлганлар, қозилик қилганлар.

³ *Кокни* — қуйи ва ўрта табакага мансуб лондонликларни, уларнинг сўзлашув лаҳжасини ҳазиломуз шундай аташади.

Тож кияр кунда
Биз хурсанд уйнаймиз
Май, пиво ичамиз
Тож кияр кунда!
Биз хурсанд уйнаймиз
Тож кияр кунда!

Денгиз узра хуррам шовуллаган илик куёш зиёси. Мармар тўсиқ устида унутиб қолдирилган совун кўпиртириладиган никелланган идиш ярк-ярк қилади. Уни мен пастга олиб тушишим керакми? Балки уни шу ерда қолдириш керакдир, унутилган дўстликни? У бориб идишни қўлига олди, идиш муздек эди, димоғига қотиб қолган совуннинг елимга ўхшаш ҳиди урилди, идишдан чўтқачанинг учи чиқиб турарди. Мен Клонгаусда кундур (ладан) кашкулни шундай кўтариб борганман. Энди мен бошқаман, лекин ҳалиям ўша-ўшаман. Ҳамон малайман. Малайнинг малайи.

Қоронғироқ кунгурадор хонада халат кийган Бак Маллиганинг гавдаси дам у ёққа дам бу ёққа шитоб бориб келарди. Каминнинг сарғиш алангалари дам очилар, дам тўсиларди. Юксак шипдаги кичик шинаклардан юмшоқ кун нурининг икки устунни пастга сопол ётқизилган сахнга тушиб турар, улар туташган жойда эса қовурилган ёғнинг аччиқ дуд-тутунлари бурқсиб айланарди.

— Одамни бўғиб юборди, — деди Бак Маллиган. — Эшикни очиб юборинг, Ҳейнс, илтимос.

Стивен совун идишни буфет устига қўйди. Дароз гавда ўрнидан кўзғалиб, остона олдига борди-да, зинага чикиладиган эшикни очди.

— Калит сиздами? — сўради овоз.

— Калит Дедалда, — жавоб берди Бак Маллиган. — Қуриб кетсин, нафас олиб бўлмайди-я.

У каминдан бошини кўтармай бўқирди:

— Кинч!

— Калит қулфнинг оғзида, — деди Стивен ва яқинроқ келди.

Калит икки бор ғичирлаб айланди, залворли чўнг эшик ниҳоят очилгач, хонага равшан ёруғлик ва салқин ҳаво ёпирилиб кирди. Ҳейнс остонада туриб ташқарига назар соларди. Стивен ўз чамадонини столга яқинроқ суриб, кутиб ўтирди. Бак Маллиган қовурилган тухумни ёнида турган лаганга ташлади.

Кейин у лаган билан катта чойнакни олди-да, қулочини ёзиб уларни столга қўйди ва ниҳоят енгил нафас олди:

— Мен эриб кетаман, деган экан шағам, қачонки... Аммо тўхта. Бу ҳақда бошқа бир сўз ҳам айтма. Қўзингни оч, Кинч. Нон, мой, бол. Келинг бу ёққа, Ҳейнс. Овқат тайёр. Ўзинг рози бўл, Раббим, етказган ризқ-рўз неъматларингга, қанд қани? Эҳ, қуриб кетсин, сутимиз йўқ-ку, ҳали.

Стивен буфетдан бир бўлак нон, асалдон ва саримой идишини олди. Бак Маллиган бирдан тутақиб, столга ўтирди.

— Нима бу тартибсизлик! — деди у. — Мен унга тўққизга келинг деб тайинлаганман.

— Сутсиз ичиб турайлик, — таклиф қилди Стивен. — Буфетда лимон бор.

— Париждаги қилиқларингни бизга қилма. Мен қишлоқ сутини ичмоқчиман. Сэндикоувдан келтирилган сут.

Ҳейнс остонадан келиб, вазмин деди:

— Сутчи келяпти сути билан.

— Худо хайрингизни берсин, — хитоб қилди Бак Маллиган, курсидан диқ этиб туриб. — Ўтиринг. Чойни қуйинг, қанд мана халтачада. Бўлди, қуймоқ мени овора қилди. — У қуймоқни уч бўлакка ажратди-да, уларни оғзи тинмай гапирганча тарелкаларга таркатди: — Ота, ўғил ва Муқаддас Рух учун!

Ҳейнс чойни қуйиб чиқди.

— Ҳар кимга икки бўлақдан соламан, — деди у. — Чойни жуда ўткир дамлабсиз, Маллиган!

Бак Маллиган нонни қалин бўлақлаб кесаркан, овозини ингичка, кампирчасига заифона қилиб, деди:

— Мен чой қилувчиманми, чой қиламан, деган эди кампиршо Гроган. Мен сув қилмоқчиманми, сув қиламан¹.

— Умид қиламан, бу ҳар қалай, чой бўлса керак, — деди Ҳейнс.

Бак Маллиган нон кесишда давом этаркан, жағи тинмасди:

— «Мен ҳам, м с Кахилл», — дейди у. «Фақат, — дейди м-с Кахилл, — уни битта тувакда қилишдан худо сизни сақласин».

У улфатларининг ҳар бирига қалин бир бўлак нонни пичоқ учида узатди.

¹ Асл нусхада сўз ўйини қўлланган: «to make water» (айнан — сув қилмоқ) — пепоб қилиш маъносига.

— Бу фольклор, — деди у жиддий тортиб, — китобингизга киритасиз, Ҳейнс. Асл матн беш қатор, ун саҳифа изоҳ фольклор ва Дандрумнинг балиқ илоҳлари тўғрисида. Мубашшир ҳамширалар томонидан босишга рухсат этилди, фалон сана, фалон йил.

У Стивенга ўгирилиб қараб, қошларини баланд учириб, ингичка серташвиш оҳанг билан суради:

— Сизнинг эсингизда йўқми, биродар, кампиршо Грогanning кўвачаси «Мабиножон» ёки Упанишадларда¹ тилга олинганмиди?

— Ишончим комил эмас, — сиполик билан деди Стивен.

— Ростданми? — давом этди Бак Маллиган худди олдингидай оҳангда. — Нега ундай экан, айтолмайсизми марҳамат қилиб?

— Менимча, — деди Стивен оғзида овқат чайнайдан тўхтамай, — буни на «Мабиножон»да ва на бошқа ердан топиб бўлади. Ҳақиқатга яқинроқ гап шуки, кампиршо Гроган Мэри Эннинг туғишгани эди.

Бак Маллиган қойил қолгандай жилмайди.

— Аъло, — деди у овозини чучмалгина қилиб, оппоқ тишларини кўрсатар ва кўзларини мамнуният ила сузаркан. — Сиз шундай деб ҳисоблайсизми? Аъло.

Кейин кутилмаганда чехрасига атай қаҳрли бир тус бериб, у шаҳд билан нон тўғрай бошлади, сўнг хиркироқ, хунук овоз чиқариб, ириллади.

Энди қари онани
Бир пулга олмас,
Этагини кўтариб...

Эшик остонасида ёруғни тўсиб одам гавдаси кўринди.

— Сут, сэр.

— Кириг, опоки, — деди Бак Маллиган, — Кинч, кўзачани келтир.

Кампир ичкарига кириб, Стивеннинг ёнида тўхтади.

— Бугун ҳаво чарақлаб турибди, сэр, — деди у. — Худога шукур.

¹ Упанишадлар — (санскр. — қутлуғ билим). Эрадан аввалги VII—III асрлардан то янги эрanning XIV—XV асрларигача яратилган ҳинд диний фалсафий қарашлари ақс этган матнлар.

— Кимга дейсиз? — деди Бак Маллиган унга қараб. — Э-ха, албатта, албатта.

Стивен орқасига эгилиб, буфетдан кўзачани олди.

— Орол одамлари, — Ҳейнсга тушунтирмоқчи бўлиб сўзлади Маллиган, — одам қуйи аъзосининг чил чил қилинган бўлақларини йиғиб юрадиганларни бот-бот эслаб юришади.

— Сизга қанча, сэр? — сўради кампир.

— Кварта¹, — жавоб берди Стивен.

У кампир куюқ оппоқ сутни аввал кичик идишга, кейин кўзачага ўлчаб қуйишига қараб турди, ўзининг сути эмас. Кўкраклари қари, бўришган. Кампир яна бир идиш қуйди, кейин яна озгина. У тонг бағридан кириб келди, қари ва сир-синаотли, эҳтимол, башоратчидир. Кампир сутни қуяркан, тишмай мақтарди. Тонг азон чоғи, сабр қилиб тобе турган сигир олдида тиззалаб ўтириб, баланд ўсган майсазор ичида — замбуруғига минган алвасти — чангак бўлиб қолган бармоқлари билан сигир эмчагини чаққон-чаққон тортади. Кечаси тушган шудрингдан ипакдек сигирлар кампирни таниб, чорлаб химрашади. Ипак сигир ва шўрлик кампир — эски замонларда шундай деб аташган. Бошпанасиз ғариба, мангу мавжудларнинг ҳеч ўзгармас нусхаси, у ўзини бўйсундирганча ва ўзини бепарволик билан сотганга хизмат қилади, икковининг тагида чўри бўлиб ётади, ҳар икковининг хоилигини билади, шу сирли тонгнинг даракчиси. Хизмат қилсинми ёхуд айбласинми — у билмасди, аммо унинг олдида ялтоқланишдан ор қиларди.

— Сут ҳақиқатан ҳам яхши экан, опоқи, — деди Бак Маллиган сутни ҳар кимнинг идишига соларкан.

— Ичиб кўринг, сэр, — деди кампир.

У ичиб кўрди.

— Агарда биз ҳар доим шундай саломатликка фойдали таомларни истеъмол қилганимизда эди, — деди у сутчига баланд овозда, — тишимиз камроқ чирирди, қорнимиз камроқ оғрирди. Қаранг, сассиқ батқоқда яшаймиз, турли-туман арзон бемаза нарсаларни еймиз, чанг-тўзон, тезаклар, силларнинг балғамлари тўлган кўчалардан юрамиз, шундан кейин нима бўларди.

— Сиз табобатга ўқиётган талабамисиз, сэр? — сўради сутчи.

— Худди ўзгинаси, опоқи, — деди Бак Маллиган.

¹ *Кварта* — бу ерда 1 литрдан сал ошикроқ.

— Каранг-а, — деди сутчи.

Стивен индамай нафратланиб тинглаб ўтирарди. Кампир ўзи билан овозини баланд қилиб гаплашаётган жарроҳ ва ҳоким олдида кекса бошини эгиб жим туради, мени эса менсмайди. Бу овоз эгасини у гуноҳларимга кафорат бўлади, ўлсам бутун вужудимга хушбуй мой суртиб чиқади, худойимнинг бемаза бир махлуқимиз, илоннинг аврашига доим гирифтормиз, деб ўйлайди. Бу ўктам овоз эгаси қошида у писиб қолади. Миқ этиб оғиз очолмайди, ишонқирамай бақрайиб тураверади.

— Сиз унинг гапларига тушуняпсизми? — деб сўради ундан Стивен.

— Бу французчами, сэр? — сўради кампир Хейнсдан.

Хейнс уялиб-нетмай унга узундан-узоқ жавоб қилди.

— Бу ирландчасига, — деди Бак Маллиган. — Сиз гэлча гапирасизми?

— Мен ўзим ҳам ирландча бўлса керак деб ўйловдим, — деди кампир, — овозидан билса бўлади. Сиз нима, фарб томонлардан-мисиз, сэр?

— Мен англизман, — жавоб берди Хейнс.

— У англиз, — деди Бак Маллиган, — у биз Ирландияда ирландча гаплашишимиз керак, деб ҳисоблайди.

— Албатта, гаплашиш керак, — деди кампир, — мен тилни билмаганим учун уяламан. Уни яхши тил дейишади.

— Яхши дейиш — кам, — деди Бак Маллиган, — жуда ажойиб тил. Яна чойингдан қуйчи, Кинч. Чой ичасизми, олоқи?

— Йўқ, раҳмат, сэр, — жавоб берди кампир бидонни қўлига осилтириб, кетишга чоғланаркан.

Хейнс кампирга деди:

— Сизга қанча тўлашимиз керак? Унга пулини бугун бериб қўя қолайлик, Маллиган, нима дейсиз?

Стивен яна ҳаммага сут қўйди.

— Пулими, сэр? — деди кампир тўхтаб. — Майли, мана етти кун бир пинти икки пенсдан ҳисобласак, етти кунга икки шиллингу, икки пенс, манови уч кунга ҳар кварталаси тўрт пенсдан уч кварталаси бир шиллинг, бунга бир шиллингу икки пенсни қўшсак жами икки шиллингу икки пенс бўларкан, сэр.

Бак Маллиган хўрсиниб қўйди, икки ёғига қалин мой суртилган нон бўлагини оғзига жўнатаркан, оёқларини узатиб, шимининг чўнтақларини титкилашга тушди.

— Пулини ғингшимай назокат билан тўлаш керак, — кублиб деди унга Хейнс.

Стивен ўзига учинчи бор яна сут қўйди, қуюқ оппоқ сутга озгина чой аралаштирди. Бак Маллиган чўнтагидан битта кумуш флорин чиқарди, уни бармоқлари орасида уйнади ва хитоб қилди:

— Муъжиза!

У тангани стол устидан кампир томонга суриб, қўшиб қўйди:

— Мендан бошқа сураманг, азизам. Қўлимда нима бор бўлса, ҳаммасини бераман.

Стивен тангани сутчининг пулга ўч бўлмаган қўлига қўйди.

— Бизда икки пенс қолди, — деди у.

— Ҳечқиси йўқ, сэр, — деди кампир тангани оларкан.

Берасиз ҳали. Хуш қолинг, сэр.

У енгил таъзим қилиб, чикиб кетди. Бак Маллиган орқадан шеър ўқиганча қолди:

Дунёнинг барча хазинасини
Қўяр эдим унинг оёқларига.

У Стивенга бурилиб, деди:

— Чин айтаман, Дедалус. Мен шип-шийдон бўлдим. Тезроқ билим юртинга бора қол, у ердан бизга пул келтир. Бахшилар бугун мум котгунча, бурнидан чиққунча ичишлари керак. Ирландия кутяпти, ҳар ким ўз бурчини тўлиқ адо этсин.

— Менга эслатганингиз яхши бўлди, — деди Хейнс ўрнидан кўзгаларкан. — Бугун мен сизнинг миллий кутубхонангизга боришим керак.

— Аввал чўмилайлик, — деди Бак Маллиган.

Стивенга ўгирилиб қараб, навозиш билан деди:

— Охирги чўмилганингдан бери бир ой ўтгандир, а, Кинч?

Кейин Хейнсга қарата деди:

— Ювуқсиз бахши бир ойда фақат бир марта баданига сув сочади.

— Бутун Ирландияни Голфстрим ювиб ўтади, — деди Стивен бир парча нонга асал окизаркан.

Теннисча қўйлагининг очик ёқасини шарф ўраб боғларкан, Хейнс бурчакдан овоз берди:

— Мен сизнинг сўзларингизни йиғиб ёзиб бормоқчиман, агар сиз қарши бўлмасангиз.

У буни менга қарата айтяпти. Ювинишади, чўмилишади, кирларини тозалашади. Юракнинг чирки. Диёнат. Аммо доғларни ювиб адо қилишолмайди.

— Мисол учун ҳалиги чўрининг дарз кетган ойнаси ирланд санъатининг рамзи эканлиги ҳақидаги гап: жуда алламбало.

Бак Маллиган стол тагидан Стивеннинг оёғини туртди ва жўшиб кетиб, деди:

— Сиз, Ҳейнс, унинг Ҳамлет ҳақида нима деганларини бир эшитсангиз эди.

— Мен жуда жиддий айтяпман, — деди Ҳейнс ҳамон Стивенга қарата. — Анов кампиршо келганда мен худди шуни ўйлаб турган эдим.

— Қалам ҳақи бўладими? — сўради Стивен.

Ҳейнс кулиб юборди ва каравотининг илгагидан кўкимтир похол шляпасини олди-да, деди:

— Бунисини билмадим, лекин.

У эшикка томон юрди. Бак Маллиган Стивенга қараб энгашди-да, унга шахд билан қаттиқ гапирди:

— Нега тентаклик қиялсан? Нега унга буни айтдинг?

— Нима бўпти? — деди Стивен. — Мақсад пул топиш. Кимдан оламиз? Ундан ёки сутчи кампирдан. Жуфтми, тоқ.

— Мен унга сени жуда кўкка кўтариб мақтаяпман, — деди Бак Маллиган, — сен эсанг куйдирган каллага ўхшаб турасан, иеузитча майнавозчиликлар қиласан.

— Унча ишонгим келмайди, — деди Стивен, — на унга ва на кампирга.

Бак Маллиган жуда қийналиб кетгандай хўрсинди-да, қулини Стивеннинг елкасига қўйди.

— Сен менга ишон, Кинч.

Кейин бутунлай бошқача оҳангда қўшимча қўшди:

— Очиғини айтганда, балки сен ҳақдирсан. Э, борсин ҳамма си, туёғини шиқиллатсин, бошқа нимага ҳам яради. Нега уларни ўрта бармоғингда ўйнатмайсан, мендан ўргансанг бўлмайди-ми? Э, бари қуриб кетмайдими! Бироқ вақт бўлиб қолибди, юрайлик-чи, энди.

У ўрnidан турди, белбоғини савлат тўкиб ечиб, елкасидан халатини олди, итоаткорона товушда деди:

— Маллиган ўзини фош қилади.

У халат чўнтагидан нарсаларни чиқариб столга қўйди.

— Ма, сурткингни олиб қўй, — деди у.

Крахмалланган ёқа ва сирғалиб кетаверадиган тихир бўйинбоғини тақаркан, уларга таъна-дашномлар берар, соатининг узун занжирига ҳам гап қотиб қўярди. Менинг тоза рўмолчам қани деб, қўллари билан чамадон ичини кавларди. Кўнгилнинг чирки. Биз ўз ролимизга муносиб кийинишимиз керак. Мен қизилжигарранг қўлқоп ва кўк этик кийишни хоҳлайман. Зиддият. Мен ўз-ўзимга қарама-қаршиманми? Майли, нима қилибди, ўз-ўзимга қарама-қарши борсам. Малаки Уторуд. Унинг гудранаётган қўлларидан юмшоқ қора нарса учиб чиқди.

— Э, мана сенинг Париждан олган шляпанг, — деди у.

Стивен уни илиб олиб бошига кийди. Ҳейнс эшикдан чақирди:

— Бўлдингларми, юрасизларми?

— Мен тайёрман, — жавоб берди Бак Маллиган эшик томонга юра туриб. — Юр, Кинч. Ҳойнаҳой, қолган-қутганларини ҳам еб бўлдинг шекилли. — У виқор билан қадам ташлаб, итоаткорона ташқарига чиқди. Овозига хазин тус бериб, деди: — Ва у ўз йўлида Баттерлини учратди.

Стивен шумтол таёқчасини олиб улар изидан чиқди, улар зинадан тушиб боришаркан, эшикни ёпиб, калитни буради. Каттакон калитни у ички киссасига солди.

Пастга тушишгач, Бак Маллиган сўради:

— Калитни олдингми?

— Олдим, — деди Стивен.

У олдинга ўтиб олди. Орқа томонда Бак Маллиган залворли катта сочиқ билан ўт-ўланлару қирқ қулоқларнинг уч тепасига уриб бораётгани эшитилиб турарди.

— Тиз чўкинг, сэр. Бу нима қилиқ, сэр.

Ҳейнс сўради:

— Минорага ижара пули тўлайсизми?

— Ўн икки фунт, — жавоб берди Бак Маллиган.

— Ҳарбий вазирга, — деб қўшди елкаси оша Стивен.

Улар тўхташди. Ҳейнс минорага бошдан-оёқ кўз югуртирди-да, деди:

— Қишда жуда қоронғи бўлса керак. Сиз унга нима деб ном қўйгансиз — «Мартелло» дейсизми?

— Уни Билли Пит қурган, — деди Бак Маллиган, — французлар денгиз томондан ҳужум қилмоқчи бўлишган эди. Аммо биз уни «Омфалос» деб атаймиз.

— Хўп, сиз Ҳамлет ҳақида нима деб ўйлайсиз? — сўради Ҳейнс Стивендан.

— Йўқ, йўқ, — куйманиб қичқирди Бак Маллиган. — Ҳозир Фома Аквинатнинг эллик бешта далилини бир бошдан эшитишга тоқатим етмайди. Мен уч-тўрт қултум ютиб олай, ана ундан кейин гаплашамиз.

У оч сариқ нимчасининг бурчакларини тортиб саранжомла- наркан, Стивенга қараб деди:

— Сен-чи, бунинг учун қанча отишинг керак?

Буни анча вақт кутилди, — бепарво деди Стивен, — яна биров кутсак кутамиз-да.

— Хеч сабрим чидамайпти, — илтифот билан деди Ҳейнс. — Биронта парадокс фикрдир-да, а?

— Нима деяпсиз! — деди Бак Маллиган. — Биз аллақачон Уайлдлар ва парадокслардан ўтиб кетганмиз. Бу жуда содда. Гап шундаки, у алгебра ёрдамида Ҳамлетнинг набираси Шекс- пирга бобо — унинг ўзи эса ўз отасининг руҳи, деб ишонтирмоқ- чи бўлади.

— Нима? — деди Ҳейнс бармоғи билан Стивенни кўрсатиб. — Унинг ўзи-я?

Бак Маллиган сочиқни бўйнига ўрар каби ўраб хандон таш- лаб куларкан, Стивен томонга эгилди-да, унинг қулоғига деди:

— О, Катта-Кинчнинг шарпаси! Отасини қидирган Ёфат!

— Эрталаб кўпинча биз ўзимизни ҳорғин ҳис қиламиз, — деди Стивен Ҳейнсга, — буни узоқ ҳикоя қилиш керак.

Бак Маллиган яна олдинга ўтиб олди ва қўлини кўтарди

— Фақат муқаддас косагина Дедалнинг тилини еча олади, — деди у.

— Гап шундаки, — дея тушунтирди Ҳейнс Стивенга яна ол- динма кейин йўлга тушишгач, — манави минора ва манов қоялар нимаси биландир менга Элсинор²ни эслатди. «Унинг таги ден- гиз билан туташган» тўғрими?

Бак Маллиган ярқ этиб Стивенга қаради-ю, ҳеч нарса дема- ди. Мана шу яркироқ жим-жит лаҳза ичида Стивен ўзини таш- қаридан уларнинг оч оқиш либослари аро арзон ғубор босган мотамсаро кийимда кўрди.

¹ Ёфат — Инжил ривоятларида Нухнинг катта ўғли.

² Элсинор — «Ҳамлет» трагедиясида қирол саройининг номи.

— Бу жуда ажойиб эртак, — деди Ҳейнс яна қадам ташлашдан тўхтаб.

Денгиз каби оқиш кўзлар, шамол сийпалаб ўтиб яна ҳам оқаринқираган, ишонч билан қарайдиган, эҳтиёткор кўзлар. У денгизлар ҳукмдори, жанубга, қўрфаз томонга кўз тиккан, у ёқда эса ёрқин осмон бағрида қорайиб турган почта кемаси узра тунун амомаси-ю, Мағлинс яқинида бурилиб кетаётган елкандан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

— Мен бир диний талқинни ўқиган эдим, — деди у паришонҳол бўлиб. — Падар ва ўғил ғояси. Падар воситасида гуноҳларга кафорат топишни истаган ўғил.

Бак Маллиганнинг чеҳрасида кенг-кушод табассум ёйилди, у худди кулги ниқобини таққанга ўхшарди. Уларга қараганча у роҳатланиб чиройли оғзини очди, чексиз қувончдан ўзга ҳеч нарса акс этмаган кўзларини пир-пир учирди. У худди кўғирчоқдек бошини сарак-сарак қилди, панамасининг қирғоқлари калтираб кетди ва шу кўйи у беписанд телбанамо бир алфозда хузур қилиб куйлай бошлади:

Отам кабулар эди, онам қиз бола
Чаққон болакай бўлдим ажабмас жуда
Юсуф дурадгор билан муштлашдик тинмай.
Кейин мен кетдим, хочга михлашди қўймай.

У бармоғини кўтариб пўписа қилди:

Мен худо ўғлидирман, ким ишонмаса
Мен билан текин асло ичиша олмас
Мен сувдан ароқ ясаб кўза тўлган кун
Томоғидан сув ўтмас ўзидан кўрсин.

У хайрлашаётгандай бўлиб Стивеннинг таёғини шитоб билан силкитди, кейин олдинга қараб жарлик томонга чопиб, худди ҳавога парвоз қиладигандай қўлларини балиқ сузгичлари ёки қуш қанотларидай ёзди-да, қўшиғини давом эттирди:

Энди сизга алвидо... Том билан Дикка
Айтиб беринг турганим тобутда тикка
Кўкка чиқмоғим керак. Сизга алвидо
Хайр, хайр! Ёзиб туринг, унутманг асло!

У кирк қулочли жардан пастга қараб сакраб-сакраб чопиб кетди, қўллариини худди қанот қоқаётгандек силкитар, тўсиқлардан дикирлаб сакраб ўтарди, салкин шаббода унинг Аторудий қалпоқчасини силкитар, қушларга ўхшаб қийқирган товушларини узоқларга олиб кетарди. Ҳейнс Стивен билан ёнма-ён бораркан, босиқлик билан кулиб қўярди.

— Менимча кулмаганимиз тузук эди, — деди у. — Шаккоқлик қияпти. Мен-ку, ўзим даҳрийман. Лекин у жуда кулгили қилиб айтапти, рост, мен бунни зарарли деб ўйламайман. Номинима бунинг? Юсуф дурадгорми?

— Шўх Исо ҳақида баллада, — жавоб берди Стивен.

— Ох, — дейди Ҳейнс, — сиз уни илгари ҳам эшитганмисиз?

— Ҳар куни уч марта таомдан кейин, — қуруққина деди Стивен.

— Сиз худога ишонмайсиз, тўғрими? — сўради Ҳейнс. — Мен айтмоқчи эдимки, сўзнинг тор маъносиди. Ҳеч нарса йўқ жойда яратиш, яна мўъжизалар, яна шахсий худо.

— Бу сўзнинг маъноси менимча битта, — деди Стивен.

Ҳейнс ялтироқ кўк тошли кумуш портсигарини чўнтагидан олиш учун тўхтади. У бош бармоғи билан босиб уни очди, таклиф қилди.

— Сизга ташаккур, — деди Стивен папирос оларкан.

Ҳейнс папирос олиб қопқоқни ёпди. У портсигарни яна ён чўнтагига солиб қўйди, нимчасининг киссасидан ялтироқ замигалкани чиқарди, уни очиб, папиросини ўт олдирди, кейин алангачани ховучи орасига олиб Стивенга тутди.

— Ҳа, албатта, — деди у яна йўлга тушишгач. — Ишониш ҳам мумкин, ишонмаслик ҳам, тўғрими? Шахсан менга шахсий худо тушунчаси ҳеч нарсанга англамайди. Умид қиламанки, сиз бу гапга қаттиқ турмасангиз керак?

— Менга келсангиз, — деди Стивен тунд норозилик билан, — менинг қиёфамда ўта ҳурфикрликнинг нохуш бир мисолини кўриб турибсиз.

Стивен шумтол таёғини ерда судраганча, гапнинг давомини кутиб олдинда борарди. Таёғининг темир учи товони тагида вириллаб овоз чиқарарди. Ошнам мени қақирар, ингичка овоз: «Стиииииии-вин!»

Сўқмоқ бўйлаб кетган илонизи чизик. Қоронғи тушгач кечқурун яна шу йўлдан қайтиб ўтишади. У калитни олмоқчи. Ка-

лит — меники, ижара ҳақини мен тўлаганман. Бироқ мен унинг нонига шерик бўляпман. Луқмаси аччиқ. Унга калитни ҳам бер. Вассалом. У ўзи сўрайди. Унинг кўзидан билиб турибман.

— Охир-оқибат, — деди Ҳейнс.

Стивен орқасига ўгирилди ва ўзига синовчан тикилиб турган нигоҳ у қадар ғаддор эмаслигини кўрди.

— Охир-оқибат, чамамда, эркин бўлиш ўзингизга боғлиқ. На заримда сиз ўз-ўзингизга хўжасиз.

— Мен икки бойнинг хизматидаман, — деди Стивен, — инглиз ва италиялик.

— Италиялик? — сўради Ҳейнс.

Эсини еб қўйган қиролича, қари ва рашкчи. Менинг олдимда тиз чўк.

— Яна учинчиси ҳам бор, — деди Стивен, — мен унинг малайиман.

— Италиялик? — қайта сўради Ҳейнс. — Сиз бу билан нима демокчисиз?

— Британия империяси, — жавоб берди Стивен кизариб, — ва муқаддас Рим католик апостол черкови.

Ҳейнс яна гапга оғиз очишдан олдин пастки лабига ёпишиб қолган тамаки парчаларини сидириб олди.

— Мен сизни яхши тушунаман, — деди у хотиржам. — Ирланд инсоннинг шундай фикрлашида таажжубланарали ҳеч нарса йўқ. Биз, инглизлар сизларга нисбатан у қадар адолатли муносабатда бўлмаганимизни тушунамиз. Эҳтимолки, бунда тарих айбдордир.

Мағрур, қудратли анвонлар Стивеннинг хотирасида мис қўнғироқларнинг тантанавор жаранглари билан акс садо берарди: *et unam sanctam catholicam et apostolicam ecclesiam*¹ — расм-русум ва қоидаларнинг худди ўз эзгу ўйлари каби тадрижий ўсиб бориши, юлдузлар кимёси. Папа Марцеллий шарафига адо этилган ибодат кунларидаги апостолларнинг рамузотлари, юксак тасаддуқда бирлашиб жам бўлган қуйчиларнинг саслари ва у қуйларнинг ортидан жангжўй черковнинг мудроқ билмас фариштаси шаккоқларни мусаххар қилар ва уларга таҳдид солар. Ёпинчиқлари ёнларига қийшайиб тушган шаккоқлар издиҳоми тирақайлаб қочиб жон сақламоқ пайида булар: Фотий ва масха-

¹ Ва ягона муқаддас умумжаҳон апостол черкови.

рабозлар тўдаси, Маллиган уларнинг бири ва Арий ҳам бир умр Падар ва ўғил ягона моҳиятга эгаллиги таълимотига қарши курашиб келган, Валентин ҳам Исо Масихнинг тирик жон эканлигини инкор этган, ва африкалик маккор шаккоқ Собеллий Падарнинг ўзи айна чоқда ўғил ҳам эди деб нах урган. Маллиган ҳозиргина хорижлик бегонага майнавозчилик қилиб айтган сўзларнинг айна ўзи. Бекорчи масхарабозлик, кимки шамолни тикишга уринса, бари бўшлиққа гирифторм бўлур. Хавф-хатар чоғида найза-қалқонларини кўтариб доимо черков ҳимоясига отланган Микоил малоика етакчи бўлган черков самовий чериклари томонидан енгилурлар, курол-яроқларидан маҳрум бўлурлар, таҳдид ва хавф остида қолурлар.

Эшитинглар, эшитинглар. Давомли гулдуром қарсақлар. Zut! Nom de Dieu!¹

— Ҳа, албатта, мен британияликман, — дерди Ҳейнснинг овози, — барча британияликлар каби фикрлайман. Мен ҳам она Ватаним немис яҳудийларининг чангалига тушишини истамайман. Қўрқаманки, ҳозир энг катта хавф айнан шунда.

Икки киши жар ёқасида туришарди: тадбиркор ва қайиқчи.

— У Баллокка боряпти.

Қайиқчи кўрфазнинг шимолий ёғига қараб менсимаганнамо бош силкиди.

— У томоннинг чуқурлиги 30 қулочдан ошмайди, — деди у. — Сув кўтарила бошлаганда у юзага чиқади. Бугун тўққизинчи кун.

Сувга чўккан. Кема хувиллаган кўрфазда кезиб юрибди, шишиб кетган жасад юзага чиқишини, туздай оқарган, кўпчиган бети офтобда қалқиб туришини кутяпти. Мана мен ўзим.

Улар илонизи сўқмоқдан кирғоққа эниб боришарди. Бак Маллиган яланг кўйлақда шамолда бўйинбоғлари ҳилпираб харсанг тош устида турарди. Бир ёш йигит унинг ёнидаги қоянинг четини ушлаб чуқур яхдай сувда худди курбақадай оёқларини кимирлатарди.

— Оғайнинг кўринмайди, Малаки?

— У Уэстмитда. Бэннонларникида.

— Ҳалиям ўша ердами? Мен Бэннондан хат олдим. Бир навнихол жононни топиб олдим, деб ёзибди. Уни фотомодель деб таърифлаган.

¹ Французча сўкиниш. «Лаънат! Жин урсин!»

— Лаҳзалик суратми? Бир зумда олинган?

Бак Маллиган ўтириб оёқ кийимининг боғичини еча бошлади. Қоядан бироз нарида ёши ўтинқираган кекса кишининг бўғриқ башараси кўринди. У тошдан-тошга сакрар, тепакал бошида, бошини саватдек қуршаган оқарган сочларида сув томчилари йилтирарди, сув кўкраги ва қорнидан оқиб тушар, белига ўраган салқи қора лунгидан шариллаб қуйиларди.

Бак Маллиган уни ёнидан ўтказиб юбориш учун йўл бераркан, Ҳейнс билан Стивенга қараб қўйди-да, бош бармоғининг тирноғи билан манглайи ва кўксини чўқинтирди.

— Сеймур шаҳарга қайтиб келди, — деди ёш йигит яна тошнинг четига ёпишиб. — Табобатга тупурди, энди ҳарбий хизматга кирмокчи.

— Топган гапингни қара, — деди Бак Маллиган.

— Келаси ҳафта казармага жунайди. Анов сариқ қизни билардинг-ку, а? Лили Карлайл?

— Биламан.

— Кеча кечгача у билан кўтармада ачомлашиб ўтиришди. Қизнинг отасининг пули мил-мил.

— Нима, қизнинг сабри чидамаяптими?

— Буни, яхшиси, Сеймурнинг ўзидан сўра.

— Сеймур — ким бўпти, шўрлик бир зобитда, — деди Бак Маллиган.

У бошини чайқаб, иштонини ечди, оёққа туриб, уятсизларча деди:

— Малла хотинлар ановни эчкига ўхшаб қилишади.

Шамол шишираётган қўйлаги остидан белини чангаллаб, у ҳадиксираб хитоб қилди:

— Ўн иккинчи қовурғам йўқолиб қолди. Мен олий одам. Биз тиши тушган Кинч билан иккимиз — олий одамлармиз.

У қўйлагини ечиб орқасидаги кийим тўпига улоқтирди.

— Сен шу ерда сувга тушасанми, Маллиган?

— Ҳа. Сал нарироқ сурил.

Ёш йигит ўзини орқага отди ва кенг шахдам қулоч уриб кўрфазнинг ўртасига бориб қолди. Ҳейнс тош устига ўтириб чекди.

— Нима, сизлар чўмилмайсизларми? — сўради Бак Маллиган.

— Кейинроқ, — деди Ҳейнс. — Нонушта сал нарига кетсин. Стивен кетиш учун ўгирилди.

— Мен кетялман, Маллиган, — деди у.

— Бизга калитни қолдир, Кинч, — деди Бак Маллиган. —
Кўйлагим учиб кетади.

Стивен унга калитни узатди. Бак Маллиган уни кийим уюми
устига қўйди.

— Икки пенс ҳам бер, — деди у, — пиво ичаман. Ташла бу
ёққа.

Стивен икки мис чақани кийим устига ташлади. Кийинишади,
ечинишади. Бак Маллиган қаддини ғоз кўтариб, қўлларини ол-
дига қовуштирди-да, оҳанжамали қилиб деди:

— Йўқсилдан умарсанг, худога бергил. Зардўшт шундай зикр
қилган.

Унинг хўппа семиз гавдаси сувга шалошлаб қулади.

— Биз ҳам яна кўришамиз, — деди кетаётган Стивен томонга
бошини буриб, қаҳрли ирландга кулиб қараркан.

Бука мугузи, от тепкиси, бритт табассуми билан уради.

— «Кема»да, — деб қичқирди Бак Маллиган, — соат ўн икки
яримда.

— Яхши, — деди Стивен.

У иланг-биланг сўқмоқдан юқорига ўрлади.

Liliata rutilantium
Turma circumdet
lubilantum te virginium!

Қоя тош ортида рухонийнинг йилтироқ оқарган боши, у
ерда панада уятини яшириб кийиняпти. Мен бугун бу ерда
ётмайман. Уйга ҳам боролмайман.

Оҳангдор, босинки овоз уни денгиз ёқдан чақирди. Сўқмоқ
бурилишида у қўл силкитди. Овоз яна чорлади. Сип-силлик
қорайган калла, худди тюлень каби, денгизда узоқда, дум-ду-
малоқ.

Зўравор.

¹ Оқ оқиш издиҳом.

Порлоқ тавба қилувчилар.

Шод-хуррам парилар.

2-ВОҚЕА

- Энди сиз, Кокрэн. Қайси шаҳар уни чақирди?
- Тарент, сэр.
- Яхши, кейин.
- Жанг бўлди, сэр.
- Хуш, қаерда?

Боланинг бўш юзи бўш деразага бўш қаради.

Хотира қизларининг масаллари. Яна ким билади, балки ма- салнинг ўзи эмасдир. Зардали қайнаб чиққан сўзлар, Блейк¹ нинг муболағадор қанотлари шувиллайди. Қулоғимга чалинар: макон тўзийди, ойналар чил-чил. Қулайди деворлар, вақт эса энг сўнгги шаффоф аланга. Бизга нима қолади?

— Қаердалиги эсимда йўқ, сэр. Милоддан илгари 279 йилда.

— Аскулум ёнида, — деди Стивен қонли жароҳатларга тўлиб тошган китобдаги ном ва санага қараб.

— Ҳа, сэр. Кейин у: Биз яна шундай битта ғалаба қозонсак, ҳалок бўламиз, деган.

Бу сўзларни дунё эслаб қолган. Ақлнинг аҳмоқона мамнуния- ти. Водий ўликларга тўлган. Генерал адир устида найзасига тая- ниб туриб, ўз сардорларига сўзлайди. Ҳар қандай генерал ҳар қандай сардорга, улар жим қулоқ солишади.

— Кани энди, сиз, Армстронг, — деди Стивен. — Пирр охи- рида нима бўлди?

— Охирими, сэр?

— Мен биламан, сэр. Мендан сўранг, сэр, — деди Комин.

— Сиз шошманг. Қани, Армстронг, сиз Пирр ҳақида нима- ларни биласиз?

¹ Уильям Блейк (1757–1827) — англиз шоири.

Армстронгнинг дарс халтасига узум солинган. У узум доналарини кафтида юмшатиб дам-бадам оғзига солиб бекитиқча ютади. Унинг лаблари четида узум пүчоқлари ёпишиб қолган.

Боланинг ширин нафаси. Бадавлат хонадондан. Оила тўнғич ўғил денгиз флотиди хизмат қилаётганидан фахрланади. Вико-роуд, Далки.

— Пирр¹ми, сэр? Pier — кўтарма².

Болалар гуриллаб кулишди. Таъсирсиз, чинқирган, бадхох кулги. Армстронг ўртоқларига ўгирилиб қаради, юзи бемаъни кулиб турибди. Менинг ҳукмим ўтмаслигини, оталари ўқиш учун пулни тўлаб қўйишганини билишади, шунинг учун ҳозир яна ҳам қаттиқ кулишади.

— Менга айтинг-чи, — деди Стивен китобнинг қирраси билан Армстронгнинг ўмизига енгилгина уриб, — кўтарма нима дегани?

— Кўтармами, сэр? Бу — бу денгизга чиқиб туради, кўприкка ўхшаган. Кингстаун-пирс, сэр.

Кимлардир яна кулиб юборишди. Бетаъсир, лекин маънодор. Иккита бола орқада пичир-пичир қилишарди. Ҳа. Улар билишадди, тотмай туриб ҳали, маъсумликни йўқотиб билишади. Ҳаммаси. Уларнинг чеҳраларига ғашланиб назар солди. Эдит, Этел, Герти, Лили. Худди уларга ўхшашади. Чой ва мураббо ичган нафаслари ширин. Бир-бирлари билан олишганда қўлларидаги такинчоқлари жиринглаб туради.

— Кингстаун-пирс, — деди Стивен. — Ҳа, омадсиз юзага чиқмаган кўприк.

Бу сўзлардан уларнинг кўзларида талмовсираш пайдо бўлди.

— Нега ундай, сэр? — сўради Комин. — Бу кўприк дарё устига қурилган.

Бу сўзлар Ҳейнснинг ёндафтарига тушса арзийди. Бу ерда ҳеч ким тушунмайди. Бугун кечда бўладиган маст-аласт баҳсларда унинг сип-силлиқ ақл қалқонига найза уриш. Хўш, нима бўпти? Хўжасининг саройидаги масхаравоз, хўжайин ўзини

¹ Гап Эпир ҳукмдори Пирр (319–272) ҳақида боряпти. У Италияни забт этиш учун жангларда римликлар устидан ғалаба қозонган. Аускул (279 й.) жангида ғалаба қозонган, лекин бутун аскарлари қирилиб кетган эди. «Пирр зафари» деган кинояли сўз шундан қолган.

² Пирр — инглизча «кўтарма».

катта олиб менсимай қарайди, хўжайиннинг марҳаматига, илтифотига, мақтовига зор. Нега уларнинг ҳаммалари шуни маъкул қўришади? Муросасозлик эркаликлари учунгина бўлмаса керак? Улар учун ҳам тарих қулоққа кўп чалинган зарбулмасал, ватан эса — қарз бериб турадиган ғазна бўлиб қолган.

Ахир Пирр аргослик жодугарнинг қўлида ажал шарбатини ичмадими ва Юлий Сезар ханжарлар зарбаларидан ҳалок бўлмадими? Уларни хотирадан қувиб чиқариб бўлмайди. Вақт уларга киздириб тамға босди, ўзлари рад этган битмас-туганмас имкониятлар ичида занжирбанд ҳолда яшайдилар. Ҳеч қачон амалга оширилмагани учун уларни имконият деб аташ мумкинмикин? Балки фақат амалга ошган нарсагина имкон бўлгандир? Тикувчи, шамолингни тик.

— Бизга бир нарса айтиб беринг, сэр?

— Илтимос, сэр. Шарпаларни айтиб беринг.

— Биз қаерга келган эдик? — деб сўради Стивен бошқа бир китобни очиб.

— «Лисидос ўлгани йўқ»¹ — деди Комин.

— Жавоб беринг, Талбот.

— Тарих-чи, сэр?

— Кейин, — деди Стивен, — Талбот, жавоб беринг.

Қорачагина бола дарс халтаси тагига яширилган китобни билинтирмай очди. У дам-бадам китобга кўз қирини ташлаб тутилиб-тутилиб ёд ўқий бошлади:

Лисидос ўлгани йўқ —
ғойиб бўлди сув остида
Қўй, йиғлама, қўйчивон!
Руҳи яшар доимо!
Ва қараб туради бизга...
Ҳар қалай жуда яқин...

Демакки, ҳаракат зарур, бўлиши мумкин бўлган нарсанинг бўлиши мумкинлиги. Ичида ғўнғиллаб шеър айтар экан, унда Аристотелнинг ғояси ўз ифодасини топа бошлар ва авлиё Женевева кутубхонасининг осуда сукунати бағрига сингиб кетар, бу ерда у Парижнинг шарру балосидан қочиб, ҳар оқшом мук ту-

¹ «Лисидос» (1637) — Жон Милтон достони.

шиб китоб ўқирди. Унинг ёнида юлқагина сиёмлик стратегия дарслигининг мағзини чақарди. Атрофимни тўқ ва тўқланаётган миялар қуршаган; чарогон чироқлар остида тўғноғич билан қадаб кўйилган, улар пайпаслагичларини оҳиста қимирлатишади; менинг онгим зулматхонасида эса беўхшов, ёруғликдан қўрқадиган, устидаги пўсти тангаларини ғижирлатадиган ер ости аждаҳоси жойлашиб олган. Фикр ва яна фикрдан чиқадиган фикр. Мунаввар осудалик. Жон — бу моҳият эътибори билан жамики бор нарсаларнинг бари: жон шаклларнинг шакли. Кутилмаган, жами борлиқни қамраб олувчи осудалик: шаклларнинг шакли.

Талбот ҳамон ёд ўқирди:

Сувлар узра юрганнинг
Буйруғи шундай бўлмиш
Шундай бўлмиш буйруғи.

— Нариги бетни очинг, — вазмин деди Стивен. — Мен ҳеч нарсани кўрмаяпман.

Нима, сэр? — анқовлик билан сўради Талбот биров олдинга эгилиб.

Унинг қўли саҳифани варақлади. У ўзини орқага ташлаб, сув узра ким юрганини эслаб давом этди. Бу ерда ҳам, мана шу мурғак юракларда ҳам унинг сояси ётади, инчунин кофирнинг лафзида ҳам, менинг ҳам. Унга бир динор бермоқчи бўлган ғаддорларнинг башараларида ҳам у соя ётади. Қайсарга қайсар ҳақи, худога худо ҳақи. Узоқ-узоқ термулган қора кўзлар, сирли каломлар, кейин уларни черков дастгоҳларида тўхтовсиз тикадилар, тикаверадилар. Ҳақиқатан ҳам.

Топишмоқ, топишмоқ, айт менга топишмоқ,
Дон эқмоқни амр этмиш падарим менга.

Талбот китобни ёзиб дарсхалтасига солди.

- Ҳамма жавоб бердимми? — сўради Стивен.
- Ҳа, сэр. Соат ўнда хоккей, сэр.
- Вактли тугатамиз. Бугун пайшанба, сэр.
- Сизга топишмоқ айтайми? — сўради Стивен.

Болалар қаламларини шақир-шуқур қилиб, варақларни шалдиратиб шоша-пиша китобларини жойлашарди. Улар тўдала-

шиб, дарсхалталарининг қайишларини тортишар ва баравар қичқиришарди;

- Топишмоқ айтинг, менга, менга, сэр.
- Йўқ, менга, сэр!
- Қийинини айтинг, сэр!
- Бўпти, эшитинглар, — деди Стивен.

Хўроз қичқирди
Шафак ҳам ўчди
Янгради жом садоси
Ўн бир бўлди косаси
Вақт етди, унинг жони
Кўкка учсин шу они.

- Қани, топинг, бу нима?
- Қандай, сэр?
- Яна бир айтинг, сэр. Биз эшитмай қолдик.

Шеър айтилгани сайин уларнинг кўзлари катта-катта очиларди. Сукут чўкди, кейин Кокрэн деди:

- Бу нима ўзи, сэр? Биз тан бердик.

Стивен томоғига нимадир тиқилганини ҳис қилиб, жавоб берди:

- Тулкиой бувисини қоратол тагида кўмади.

У ўрнидан турди, қаттиқ асабий хахолаб кулди, хафсаласи пир бўлган болаларнинг ғовир-ғувури эшитилди.

Хоккей таёқчаси билан уриб эшикни тақиллатишди, ташқаридан чақирган овоз келди:

- Хоккейга чиқинглар!

Болалар парталар ичидан тарақа-турук чиқиб, улар устидан ошиб, дувиллаб тарқадилар. Бир зумда ғойиб бўлдилар, ташқарида тасир-тусур қадам товушлари, таёқларнинг тақирлаши, қий-чув овозлар янгради.

Хонада ёлғиз Саржент қолган эди. У очик дафтарни узатганча, оҳиста яқинлашди. Сочлари тўзғиб ётганлиги, бўйни ингичкалиги унинг журъатсиз эканлигидан дарак берарди; яхши тозаланмаган ойнақдан узоқни кўрмайдиган кўзлари мунғайиб ночор боқарди. Оқариб турган юзининг чўнқирчасига думалоқ сиёҳ изи худди шиллиққуртнинг юзидай нам тортиб билиниб турарди.

У дафтарини узатди. «Вазифалар» сўзи биринчи қаторга ёзиб қўйилган эди, тагида бесўнақай сонлар қалашиб ётар, улар-

нинг остига сиёҳ томизилган ҳолда қиғир қийшиқ қилиб Сирил Саржент деб қўл қўйилган, муҳр босилган эди.

— Мистер Дизи кўчириб чиқишимни, кейин сизга кўрсатишимни айтди, сэр.

Стивен дафтарнинг хошиясига қўл тегизди.

Бефойда нарса.

— Энди тушуниб олдингизми, қандай қилиш кераклигини? — сўради у.

— Ўн бирдан ўн бешгача бўлган мисоллар, — жавоб берди Саржент. — Мистер Дизи уларни доскадан кўчириб олишимни айтди, сэр.

— Ўзингиз уларни еча оласизми?

— Йўқ, сэр.

Хунук ва бефойда, ингичка бўйин, патила сочлар, сиёҳ доғи, шилликқурт изи. Ахир кимдир уни суйган, бағридан қўймаган, қўлида кўтариб юрган. Агар она бўлмасайди, югурик дунёнинг шиддатли қадамлари бу суяксиз шилликқуртни босиб, янчиб-мажақлаб ташларди. Она ўзининг батнидан пайдо бўлган унинг нимтатир сувчил қонини суйган. Демак, бу ҳақиқатан ҳам ўшанинг ўзи. Ҳаётдаги бирдан-бир ҳақиқий нарса чапараста ётган она танасининг муқаддас чирашиш ва кучанишларидан қадам ранжида қилди жозибадор Колумбанус¹. Она энди йўқ. Гулханда ётган шохнинг тиграб-қалтираган қолдиғи. Гул дарахти ва ҳўл кулнинг ҳиди. Она уни оёк ости бўлиб кетишига иўл қўймади, сўнг худди иси-миси ҳеч бўлмагандай дом-дараксиз йўқолди. Унинг жони кўкларга учди-кетди.

Энди юлдузлар им коққан осмон остида ҳувиллаган овлоқда қизил тулки мўйлари тикка-тикка бўлиб, кўзлари раҳмсиз ёниб ерни таталаб қазийди, қулоғини динг қилади, таталаб қазийди, қулоғини динг қилади, қазийди, қазийверади.

Стивен унинг ёнида ўтириб масалани ечарди. У алгебра воцитасида Шекспирнинг руҳи Ҳамлетга аждод бўлишини исботлайди. Саржент қийшиқ кўндирилган кўзойнагидан унга ғилайланиб қараб ўтирарди. Омборхона томонда таёқларнинг қарсиллаши, қийқириқлар, майдончада коптокнинг гурсиллаб урилишлари эшитиларди.

Риёзиёт белгилари худди шўх хабаш ўйинга сакрагандай саҳифа узра ўйноқлашар, квадрат ва кублар ажойиб қалпоқчали

¹ Колумбанус — Ирланд авлисси (VI аср).

кўзбойлогич ниқоблар кийиб олганга ўхшарди. Қўлни қўлга берингиз, ўтингиз ҳамда ўз хонимингизга таъзим бажо келтирингиз, ҳа, мана шундай; хабашнинг хаёлхонасида туғилган жинқарчалар! Улар ҳам бу дунёдан ўтиб кетишди, ўша Ибн Рушдлару Мусо Маймонийлар, ҳаракатлари ва чехралари зулмоний зотлар, ўзларининг кулгули кўзгуларида дунёнинг тушуниб бўлмас дилини акс эттирганлар, нур ичида нурланган зулмат ва зулмати қоринмаган нур.

— Энди билдингизми? Иккинчисини ўзингиз еча оласизми?

— Ҳа, сэр.

Саржент узун, ҳилвиروق ҳарфлар билан мисолни кўчириб ўтирди. Унинг қўли доим бир кўмак кутиб қинғир-қийшиқ сонларни тиришиб қоғозга туширар, рангсиз чехрасида билинар-билинмас ориятнинг нимтатир қизиллиги зуҳур қиларди. Amor matris¹ — субъектив ва объектив қараткич келишиги. Она ўзининг сувчил қони ва ивиган сути билан уни катта қилди, унинг тагликларини бегона кўзларга кўрсатмади.

Мен ҳам шундай эдим, елкаларим шундай пастга букилган, ўмизларим шундай туртиб чиққан эди. Ёнгинамда энқайиб турган болалик. Шундай бир зум енгилгина бир марта бўлсин қўл тегизиб қўяй деса, нақадар, нақадар узоқ олис у. Меники — жуда олис, уники — ғоятда сирли, баайни бизнинг кўзларимиз каби. Қалбларимиз қора қўрғонларида қўрғонлаган қайғули хира сиру асрорларимиз. Ўз зулмидан чарчаган сирлар; ўз тахту бахтидан ағдариб ташланмоққа муштоқ золимлар.

Мисол ечилди.

— Бу унчалар қийин эмас, — деди Стивен ўрнидан кўзгаларкан.

— Ҳа, сэр. Катта раҳмат, сэр, — деди Саржент.

У дафтар бетига юпқа босма қоғоз босди-да, жойига олиб кетди.

— Таёғингизни олиб, болалар билан бирга ўйнанг, — деди Стивен боланинг елкаси чиққан жуссаси ортидан эшикка юраркан.

— Хўп бўлади, сэр.

Ташқарида Саржентни чақиришаётгани эшитилди:

— Саржент!

¹ Она муҳаббати (лот).

— Югуринг, — деди Стивен, — мистер Дизи сизни чакир-
ряпти.

Стивен эшик остонасида қараб турарди, кечиккан ўсмир
ўйинга шошилар, ўйдим-чуқур ялангликда болалар алмойи-
алжойи қичкиришиб қаттиқ-қаттиқ тортишар эдилар. Болалар-
ни гурухларга бўлинди, шундан сўнг мистер Дизи гетр илган
оёқлари билан ўтлар устидан сакраб-сакраб ялангликдан чи-
киб кетди. У мактаб биносига етиб борган ҳам эдики, тортишаёт-
ган болалар яна уни чақиришди. Унинг дикрайган мўйловла-
ри зарда билан болаларга ўгирилди.

— Яна нима гап? — деди у шовқин-суронга қулоқ солмай
бақириб.

— Кокрэн билан Холидей бир томонга кириб қолишибди,
сэр, — деб кичқирди Стивен.

— Илтимос, бирпас менинг хонамда кутиб туринг, — деди
мистер Дизи, — токи буларни тартибга солай.

У ташвишга ботиб ўтлоқдан юриб кетди, йўл йўлакай қар-
тайган овози билан жиддий қиёфада кичқириб борарди:

— Хўш, нима гап ўзи? Яна нима бўлди?

Унинг теграсида болаларнинг чинқирган овозлари янграр,
уларнинг нари-бери бориб келаётган жуссалари уни ўраб олди.
Қуёшнинг ўткир шуълаларида унинг наридан бери бўялган қиз-
гиш сочлари хира тортиб кўринарди.

Унинг хонасининг ҳавоси дим ва бўғиқ, эски юмшоқ ўрин-
диқлардан сийқаланиб кетган тернинг хиди анқирди. Биринчи
марта келганимда у мен билан шу ерда савдолашган эди, ўшан-
да ҳам шундоқ эди, бошда қандоқ бўлса, ҳозир ҳам шундоқ.
Буфет устидаги патнисда Стюартларнинг тангалари, ирланд бот-
қоқликларининг ночор хазинаси, ҳозир ва мангуга. Бинафша-
ранг барқутга ўралган, ранги ўчиб кетган қошиқлар қутисида
ун икки ҳаворийнинг сурати, улар барча мажусийларга хушха-
бар тарқатганлар: абадулабадга.

Йўлак томонда ва тош зинада шошилиш қадам товушлари
эшитилди. Сийрак мўйлабларига пуфлаган кўйи мистер Дизи
стол ёнида тўхтади.

— Аввало пул ишларимизни ҳал қилиб қўяйлик, — деди у.

У камзулининг киссасидан тасма билан бели ўралган кар-
монини чиқарди. Кармон икки ёққа очилиб, мистер Дизи ун-
дан икки қоғоз пулни чиқарди, бири ўртасидан яхшилаб елим-
ланган эди, — у пулни авайлаб столга қўйди.

— Иккита, — деди у ва кармонни яна тасмалаб чўнтагига солди.

Энди у темир сандикдан олтин тангаларни олади. Стивен андак хижолат тортиб совуқ тош кувачадаги чиғаноқларни кўли билан ўйнаб ўтирди: найзашохлар, илонбошлар, қизилқошлар, манавиниси худди амирнинг салласидай, манови эса тўлқиннинг тароғига ўхшайди. Қари сайёҳнинг ўлжалари, ўлик хазина, пўчок.

Йилтирок, янгигина тилла танга — соверен дастурхоннинг юмшоқ бурмалари устига тушди.

— Учта, — деди мистер Дизи кўлида муъжаз ақчадонни ўйнаганча. — Қулай нарса. Қаранг. Мана бунда соверенлар. Бу ерда эса шиллинглар, сикспенслар ва ярим кронлар, бу ерда — кронлар¹. Қаранг-а!

У икки крон ва икки шиллингни чиқарди.

— Учта ва ўн иккита, деди у. — Менимча тўғри бўлди.

— Ташаккур сизга, сэр! — деди Стивен қисинганча шоша-пиша тангаларни оларкан, уларни шимининг чўнтагига солиб.

— Арзимаиди, — деди мистер Дизи, — сиз уларни ишлаб топдингиз.

Стивеннинг кўли ақчадан бўшаб яна ичи ҳавол чиғаноқларни ўйнай бошлади. Булар ҳам гўзаллик ва ҳукмдорлик тимсоллари. Чўнтагимда ёғимланиб туради. Очофатлик ва зиқналик ҳаром қилган тимсоллар.

— Пулни бундай олиб юрманг, — деди мистер Дизи, — бирон жойда тушириб қўясиз. Манавинақа нарса сотиб олинг. Жуда қулай олиб юришга.

Бир нима деб жавоб қил.

— Олсам, доим бўш туради-да, — деди Стивен.

Ўша хона, ўша соат, ўша доно гап, мен ҳам ўша-ўшаман. Бу учинчи марта энди. Бўйнимга солинган уч сиртмоқ. Ҳай майли. Агар хоҳласам, ҳозирнинг ўзида бу сиртмоқни улоқтириб ташлашим мумкин.

— Нега деганда сиз пул йиғмайсиз, — деди мистер Дизи бармоғини юқори кўтариб. — Сиз ҳали пул нималигини билмайсиз. Пул — бу давлат. Биламан, биламан. Агар ёшликда одам билсайди. . . Шекспир буни нима дейди? «Ҳамёнда пул бўлса бас».

— Яго, — гудранди Стивен.

¹ Ирланд танга пул birlikлари.

У кўзини эрмак чиганоқлардан узди ва қариянинг тик қараб турган нигоҳига дуч келди.

— Пул нималигини у биларди, — деди мистер Дизи. — У пулни босиб кўярди. У шоир эди, шу билан бирга инглиз ҳам эди. Биласизми, инглизлар нимадан гурурланишади? Биласизми, инглизларнинг оғзидаги энг мағрур сўзлар нима?

Денгизлар ҳукмдори. Унинг худди денгиздай совуқ кўзлари ҳувиллаган кимсасиз гаванга тикилган эди: тарих айбдор; менадан ва менинг сўзларимдан куфри кўзғамди.

— Унинг салтанати узра, — деди Стивен, — қуёш ҳеч қачон ботмагай, шундайми?

— Бекорчи гап! — хитоб қилди мистер Дизи. — Буни инглиз эмас, буни келт айтган, — у ақчадони билан бош бармоғининг тирноғига уриб-уриб қўйди. — Мен сизга айтиб қўяй, — деди у тантанавор, — у ҳаммадан ортиқ нимадан ифтихор қилишини. Мен ҳеч кимдан қарз эмасман.

Қойил, қойил.

— Мен ҳеч кимдан қарз эмасман. Бутун ҳаётимда мен бир тийин ҳам қарз олганим йўқ. Сиз ўзингиз ҳақингизда шундай дея оласизми? Мен ҳеч кимдан қарз эмасман. Шундай айта оласизми?

Маллиганга тўққиз фунт бериш, уч жуфт пайлоқ, иккита пойабзал, бўйинбоғлар олиш. Керранга ўн гиней бериш. Мак-Кэннга бир гиней, Фред Райенга икки шиллинг. Темплга икки понуштага, Расселга бир гиней. Казенсга ўн шиллинг. Боб Рейнолдсга ярим гиней. Келлерга уч гиней. Миссис Мак Кернанга беш ҳафта учун. Менинг букланган пулларимдан фойда йўқ.

— Айни дақиқада йўқ, — жавоб қилди Стивен.

Мистер Дизи ақчадонини чўнтакка солиб, хахолаб кулди.

— Ўзим ҳам билган эдим, — деди хушчақчақлик билан — Лекин бир кунмас бир кун барибир айта оласиз. Биз олийжанобмиз, лекин биз адолатли ҳам бўлишимиз керак.

— Мен бундай баландпарвоз сўзлардан кўрқаман, — деди Стивен. — Улар бизни бахтсиз қилади.

Мистер Дизи бир неча дақиқа камин тепасидаги шотланд костюми кийган қадди-қомати келишган эркакнинг суратига жиддий назар солиб турди: бу Уэлс шахзодаси Алберт Эдуард эди.

— Сиз мени эскяриб алжираб қолган бир одам деб уйлайсизми, — деди у ўйчан оҳангда. Мен О'Коннелл замонидан

бери уч авлодни кўрдим. Очарчилик эсимда бор. Сиз биласизми, оранжчилар (сариклар) ложаси (гуруҳи) О'Коннеллдан йигирма йил бурун иттифоқдан ажралиб чиқишга чақирган эдилар, динимизнинг уламолари уни улардан ҳам олдинроқ сафсатабоз деб эълон қилишган эди? Сиз, фенийлар¹, айрим нарсаларни эсдан чиқариб қўясизлар.

Шонли, ифтихорга тўлиқ, ўлмас хотира.

Улуғвор Арм²даги Олмос ложаси, у папачиларнинг ўликларига тўлган эди. Босқинчиларнинг хириллаган қасамёдлари, қуролланган, ниқобланган тўдалари. Қора шимол ва чин мовий Библия (Инжил). Қирдирилганлар³, таслим бўлинг!

Стивен кескин бурилди.

— Менинг ҳам томиримда исёнчи қони оқади, — деди мистер Дизи. — Она томондан. Аммо менинг аждодим Жон Блеквуд иттифоқ учун овоз берган. Биз ҳаммамиз — ирландлармиз, ҳаммамиз — қирол авлодларимиз.

— Эвоҳ! — деди Стивен.

— «Per vias rectas»⁴ — шахд билан деди мистер Дизи, — унинг шиори эди. У иттифоқ учун овоз берди, қўнжи баланд этигини кийди ва бунинг учун Арсоф-Даундан Дублинга от чоптириб борди.

Лал де рал де рал.

Тошлоқдир Дублин йули.

Серзарда сквайр⁵ ярақлаган ботфортларда от чоптириб боряпти. Гўзал кун бўлди, сэр Жон. Гўзал кун, жаноби олийлари. Кун... Кун... Икки ботфорт, Дублин йулида йўртиб бораётган от. Лал де рал де рал. Лал де рал де ралли.

— Дарвоқе, — деди мистер Дизи. — Сиз мистер Дедалус, адабиётчи танишларингиз ёрдамида менинг бир катта ишимни

¹ Фенийлар — Ирландия мустақиллиги учун кураш олиб борган махфий жамият.

² Арм — Ирландиядаги шаҳар, бу ерда протестант ва католик черковларининг архиепископлари истиқомат қилганлар.

³ 1798 йилда Ирландия кўзғолончилари, ўзларини билдириб, бошларини қирдирган эдилар.

⁴ «Тўғри йўлдан» (лот).

⁵ Сквайр (эсквайр) — Англияда фахрли унвон. Ўрта асрларда ричарднинг қуролбардори. Ҳозирда «жентльмен» маъносига.

битириб беришингиз мумкин. Мен редакцияга хат ёздим. Бир зум ўтириб туришг. Мен охирини чиқарай.

У дарча олдидаги иш жойига ўтди, курсини суриб ўтирди-да, машинкага ўрнатилган варақдаги бир неча қатор сўзларни ўқиди.

— Ўтирсангиз-чи, ахир! Мени маъзур кўринг, — деди у елкаси оша сўйлаб. — Бир соғлом фикр-да. Бир дақиқа.

У осилиб тушган қошлари тагидан тирсаги остидаги қўлёзмага назар солиб, ичида ниманидир гўлдираб, машинка тугмаларини бирин-бирин шахд боса бошлади, ҳар гал хатоли тўғрилаши керак бўлганда, гупчакни айлантираман деб, пихилларди.

Стивен олий шон хилқат ҳузурида секингина ўтирди. Деворлардаги ромларда аллақачон ўлиб кетган отларнинг бошларини маъсумона кўтариб турган суратлари осилган эди. Лорд Гастингснинг Раддия деган оти, герцог Бофортнинг Цейлон деган отлари, Prix de Paris¹, 1866. Отларда буйруқ берилишини кутиб увоқ чавандозлар ўтиришарди. У отларнинг ғайратини кўриб турар, шоҳона рангларга пул тикар ва аллақачон ўлиб кетган одамлар тўдаси билан бирга кичкирарди.

— Нуқта! — буюрди мистер Дизи ҳарф тугмаларига қараб. — *Лекин бу муҳим масаланинг зудлик билан ҳал қилиниши...*

Мени Крэнли дарров бойиб кетасан деб, қаерга олиб келди... Ҳаммаёғига лой сачраган киракаш аравалар, букмекерларнинг² айюҳаннос солиб қичқиришлари ва йилтираган балчиқлар узра озик-овқатларнинг димоғни ёрадиган ҳидлари орасида энг учкур отни топишнинг ўзи бўлмайди. Фейр Ребелга биттага қарши битта, бошқаларига биттага қарши ўнта. Биз, қиморбоз ва лўттибозлар, узанги-тақалар, картузлар, камзуллар ортидан чопардик, ютоқиб апельсин ямлаётган, юзи хом гўштга ўхшаган, қассобнинг ўйнаши бўлган хотин ёнидан югуриб ўтардик.

Майдончадан қичқирган овозлар таралади; хуштакнинг ўткир овози янграрди.

Ютук: бу ҳам мақсад. Мен улар ўртасида, ахлатхонада курашаётганлар орасидаман: ҳаёт мусобақаси. Мен ўша ойисининг эрка ўғли — ўлаксаман, бироз бўқоқдорман. Мусобақалар, жанг жадалларнинг лойи ва қасирғаси, ўлганларнинг қот-

¹ Пойга призи (мукофоти) (франц.).

² Букмекер — пойгага тикилган пулларни қабул қилиб олувчи хизматчи (ингл.).

ган қусуғи, найзага илинган ичак-чавоқлардан оққан қонлар ва дод-фарёдлар.

— Тайёр, — деди мистер Дизи ўрнидан кўзгаларкан. У ва рақларни тартиблаб стол ёнига келди. Стивен ўрнидан турди.

— Мен бу ерда мухтасар қилиб масаланинг моҳиятини ёз-дим, — деди мистер Дизи. — Оқсим ҳақида. Илтимос, бир кўринг. Бу масалада бошқача фикр бўлиши мумкин эмас.

Ҳурматли газетангизнинг илтифотидан фойдаланган ҳолда — *Laisser faire*¹ ақидаси, таассуфки, бот-бот учраб туради. Биз-нинг чорва саноатимиз худди бошқа барча хўжаликларимиз каби. Ливерпул тўдаси Голуэй портидаги карантинга қарши. Мараз бизга Европадан кириб келяпти. Ем-озуқани биз қитъа-дан оламиз. Ер ишлари идораси лоқайд, беғам. Мумтоз мисол келтирганим учун маъзур кўринг. Кассандра. Аёл кишининг бошқалардан ортиқ жойи йўқ. Энди масаланинг моҳиятига тўхталамиз.

— Мен улар билан ади-бади айтишиб ўтирмайман, сизнинг-ча қандай? — сўради мистер Дизи.

Стивен бошини кўтармай ўқиб ўтирарди.

Оқсим. Худди Кох дориси каби маълум. Серум² ва вирус³. Вакцина қилинган отларнинг фоизи. Чорва молларнинг вабоси. Қуйи Австриянинг Мюрцштеге қасабасидаги императорнинг от-лари. Ветеринар врачлар. Мистер Генри Блеквуд Прайс. Лутфан текшириб кўришни таклиф этади. Соғлом ақл овози. Улкан аҳа-миятли масала. Сўзнинг тўла маъноси — кўндалангига ҳал этиш. Менга кўрсатилган марҳамат учун миннатдорлик билдираман.

— Мен буни босиб чиқаришларини ва ҳамма ўқишини истай-ман, — деди мистер Дизи. — Мана кўрасиз, кейинги эпизоотия-даёқ⁴ Ирландия чорвасига эмбарго эълон қилинади. Оқсимни эса даволаш мумкин. У тузаладиган касал. Менинг қариндошим Блейквуд Прайснинг ёзишича, Австрияда ветеринарлар чорвани даволашар экан. Улар ёрдам беришга тайёр. Мен Департаментга буни уқтиришга ҳаракат қиляпман. Энди яна матбуотдан ҳам ёрдам

¹ Совуққонлик, масъулиятсизлик (франц.).

² Серум — қон зардоби, эмдори (лот.).

³ Вирус — юқумли касаллик кўзғатувчи микроб.

⁴ Эпизоотия — ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликнинг кенг тарқа-лиши.

сўрамоқчиман. Менинг бошим қийинчиликлардан... фитналардан... майда чуйда ғаламисликлардан чиқмай қолди...

У кўрсаткич бармоғини юқори кўтариб кимгадир пўписа қилиб кўйди.

— Сизга шуни айтиб кўяйки, мистер Дедалус, — деди у кўшимча қилиб, — Англия яҳудийлар кўлида. Улар барча муҳим ўринларни, молияда ҳам, матбуотда ҳам эгаллаб олишган. Бу эса — миллатнинг таназзулидан дарак. Яҳудийлар бирлашиб олган жойда улар миллатнинг бутун қонини сўриб оладилар. Мен буни олдиндан кўрган эдим. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, яҳудий чайковчилар бизни хароб қилувчи қори бадларини аллақачон бошлаб юбордилар. Кўхна Англия жон беряпти.

У тезгина ўзини бир четга олди, унинг кўзига офтоб нури тушиб мовий бир тусда порлаб кетди. У яна ортга қайтди.

— Ўляпти, — деди у, — балки ўлиб бўлгандир.

Қизларнинг саси келур —
баданларин сотурлар,
Кўхна Англияга кафан,
тинмай кафан тикурлар.

Унга офтоб нури тушиб турар, катгайиб очилган кўзлари бўшлиқда бир нуқтага оғир боқарди.

— Чайковчи, — деди Стивен, — арзонга сотиб олиб қимматга сотувчи одам. Жухуд ёки мажус шундайми?

— Улар мангу нурга куфрони неъмат қилдилар, — тантанавор деди мистер Дизи. — Уларнинг кўзларини қоронғилик босган. Мана шунинг учун ҳам, улар то шу кунга қадар ўз маконларига эга эмаслар.

Париж биржасининг зиналарида қизил танли кишилар узук таққан бармоқларини нуқиб бир-бирларига жорий пул курсини кўрсатишади. Ҳозлар ғағолайди. Улар тўдаланиб, шовқин-сурон солиб эҳромни ҳаром қиладилар. Уларнинг цилиндр ўнғайсиз кўндирилган каллаларида фойда келтирадиган ишлар битади. Бу кийим-кечак, бу гап-сўзлар, бу қилиқлар — уларники эмас. Уларнинг қотиб қолгандай сокин кўзлари тилларидан чиқаётган сўзларни инкор этади, уларнинг хатти-ҳаракатлари — бесаранжом, лекин таҳқирли эмас. Лекин улар атрофларида разолат тўпланаётгани ва ўз уринишлари беҳуда эканини билади

лар. Йиғиш ва босиб қўйиш бефойда. Вақт яна барини сочиб юборади. Йўл бўйида йиғилган, орттирилган, жамғарилган барини сочиб ташлайди. Талаб олинган ва улоқтириб ташланган нарсалар Уларнинг кўзлари кўп йиллар дарбадарликларни кўрган, сабр-тоқатга ўрганган кишилар, улар ўз нафсларининг ҳаром ва беномуслигини биладилар.

— Қай биримизнинг гуноҳимиз йўқ? — деди Стивен.

— Сиз нима демоқчисиз? — сўради мистер Дизи.

У бир одим ташлаб, стол олдига келди. Унинг энгқайи саволомуз осилди. Хўп, бу қадимги ҳикматми? У менинг жавобимни кутяпти.

— Тарих, — деди Стивен, — бу ваҳшат, мен ундан кўз очмоқчи бўламан.

Ўтлоқда бақир-чақирлар эшитилди. Ҳуштак баланд чуриллади. Мақсад. Бу ваҳшат ўзингга қайтиб келиб урилса-чи?

— Яратганнинг йўлларини билиб бўлмайди, — деди мистер Дизи.

Тарих бир улуғ мақсад — Худонинг Зухуроти сари ҳаракат қилади.

Стивен бармоғини дераза томон нуқиб, деди:

— Мана, Худо.

— Ура! Ҳей! Ув-в-ув!

— Нима? — сўради Дизи.

— Кўчада шовқин, — деди Стивен елкасини қисиб.

Мистер Дизи ерга қаради, бармоқлари билан бурнини ушлади. Кейин нигоҳини кўтарди ва қўлини бурнидан олди.

— Мен сиздан кўра бахтлироқман, — деди у. — Биз кўп гуноҳлар қилдик, кўп хатоликларга йўл қўйдик. Хотин киши орқали гуноҳ ер юзига чиқди. Бошқалардан кўра яхши жойи йўқ Менелайнинг тутқун хотини Елена туфайли, хотин киши туфайли греклар ўн йил трояликлар билан жанг қилдилар. Хиёнаткор хотин илк бора бизнинг заминимизга бегоналарни бошлаб келди, Мак-Мерроунинг хотини билан зинокор О'Рурке, шахзода Бреффин. Парнеллни хотин киши хароб қилди. Хатолар кўп, ютқириклар кўп, лекин фақат шу гуноҳнинг ўзи эмас, йўқ. Эндиликда ҳаётим охирлаб қолганда, мен адолат учун курашаман ва охиригача жанг қиламан.

Ўз ҳақини Улстер

Жанглар қилиб қозонар.

Стивен варақларни кўтарди.

— Хўп, демакки, сэр... — деб бошлади у.

— Олдиндан кўриб турибманки, сиз бу ерда узоқ қолиб кетмайсиз, — деди мистер Дизи. — Сиз муаллимлик қиладиган одам эмассиз. Эҳтимол, мен янглишаётгандирман.

— Туғрироғи, ўқувчи бўлиб денг, — деди Стивен. — Бу ерда яна нимани ҳам ўрганиш мумкин?

Мистер Дизи бошини чайқади.

— Ким билсин? — деди у. — Ўқиш учун тоқат керак. Ҳаёт — буюк муаллим.

— Манавинга келганда... — бошлади у.

— Ха, ха, — деди мистер Дизи. — Мен сизга икки нусха бердим. Иложи бўлса, иккаласини ҳам жойлаштиринг.

Телеграф. Ирландия қўрғони

— Уриниб кўраман, — деди Стивен. — Сизга эртага айтаман. Мен иккита муҳаррир билан бироз танишман.

— Қандай яхши, — деди мистер Дизи жонланиб. — Кеча оқшом мен парламент аъзоси мистер Филдга мактуб ёздим. Бугун «Сити Армст отел»да чорвадор саноатчилар Уюшмасининг йиғилиши бўлади. Мен ундан мактубимни уларга ўқиб эшиттиришни сўрадим. Хатимни шу икки газетада чиқаришга ҳаракат қилинг. Улар қандай газеталар?

— «Кечки телеграф».

— Жуда соз, — деди мистер Дизи. — Вақт кетмасин. Хўш, майли, энди мен қариндошимнинг хатига жавоб ёзиб юборишим керак.

— Кўришгунча, сэр, — деди Стивен варақларни чўнтагига соларкан. — Ташаккур сизга.

— Арзимаиди, — жавоб берди мистер Дизи иш жойидаги қоғозларни титкиларкан. — Сиз билан найзабозлик қилиш менга ёқади. Гарчи биз энди қариб қолдик.

— Кўришгунча, сэр, — дея такрорлади Стивен унинг қуйи эгилган елкасига қараб.

У очиқ турган эшикдан чиқиб, дарахтлар остидаги тош ётқизилган йўлқадан юриб кетди, кулоғига майдончада ўйнаётган болаларнинг кичқириқлари, таёқларнинг тарақа-туруқлари эшитилиб турарди.

Устунлардаги арслонлар тамғаси ёнидан ўтиб, у дарвозадан чиқди. Тиши йўқ махлуқлар. Нима бўлмасин, мен унга курашида кўмак кўрсатаман. Маллиган менга яна янги лақаб қўяди. Шоир Буқалар Валинеъмат.

— Мистер Дедал!

Орқамдан югуриб келаётир. Наҳот яна хат?

— Бир пас тўхтаг!

— Лаббай, сэр, — деди Стивен дарвозадан орқага қайтиб.

Мистер Дизи ҳарсиллаб нафас олиб, тўхтади.

— Мен фақат сизга эслатиб қўймоқчи эдимки, — деди у, — айтишларича, Ирландия ҳеч қачон яҳудийларни таъқиб қилмаган бирдан-бир мамлакат. Бундан хабарингиз борми? Йўқ. Нега ундай, биласизми?

У хўмрайиб қуёшга қаради.

— Нега экан? Сэр, — жилмайиб деди Стивен.

— Чунки Ирландия уларни остонасига ҳам яқинлаштирмаган, — тантанавор деди мистер Дизи.

Унинг бўғзидан йўтал аралаш портлаган қаҳқаҳа отилиб чиқди, кейин ўхи-ўхилаб сўлак тупурди. У тезгина юзини ўгириб олди, у йўталар, кулгисини сира тўхтатолмас, қўлларини ҳавода силкитарди.

— Остонага ҳам яқин келтирмади, — деб хитоб қилди у яна кулгидан тўхташга уриниб, оёғидаги қўнжи қадама бошмоқлари билан шағал тўкилган йўлкани босиб бораркан. — Ана шунга.

Қалин барглар оралаб қуёш унинг дониш ортилган елкасига ўз ўйноқлаган шуъла тангачаларини ёғдирарди.

3-ВОҶЕА

Борлиқ Зухуротнинг энгиб бўлмас тарзда эҳтимол тутилиши, яшаш, фикрлаш майллари: оз деганда, агар кўп бўлмаса, кўз билан фикрланган, англанган нарсалар. Ҳамма нарсаларнинг муҳрли излари, мен уларни бу ерда ўқишим керак, денгиз чиганоклари ва денгиз сув ўтлари, сувнинг кўтарилиш пайти ва манов зангин этик. Мишиқи-кўк, кумушсимон-мовий, қизғиш-сарик: рангин муҳрли излар. Шаффофликнинг меъёрлари. Аммо, деб кўшимча қилади у: жисмларда. Бинобарин, у уларни жисм тариқасида аввалроқ англаган, кейин рангинликни уққан. Қандай қилиб? Ўйлашимча, уларга боши билан урилган бўлса керак. Пастроқ тушинг, пастроқ тушинг. Тепакал эди у ва миллионер, *maestro di color che sanno*¹. Шаффофликнинг меъёри «в».

Нега «в»? Шаффоф, шаффоф эмас. Агар сен бешала бармонинг билан буни тешиб ўтолсанг, демак, панжара, агар тешиб ўтолмасанг, — демак, эшик. Кўзимизни юмайлик ва қарайлик.

Стивен ботинкасининг пошнаси остида ғовак чиганоклар ва сувўтлари қандай қисирлаётганини эшитиш учун кўзларини юмди. Қандай бўлмасин, сен бунинг орасидан ўтасан. Ҳа, ҳар сафар бир қадамлаб. Унчалар кўп бўлмаган вақт ичида, унчалар кўп бўлмаган макон бўлаги. Беш, олти: *nacheinander*². Айнан шундай: худди мана шунинг ўзи қулоқ билан эшитилар нарсаларнинг энгиб бўлмас яшаш-фикрлаш майллари. Кўзингни оч. Йўқ. Ё Худо! Агар мен тагини денгиз ўпириб турган жардан қулаганимда-чи, *nebeneinander*³ аро энгиб бўлмас даражада қулаганимда. Мен қоронғида бемалол юраман. Ёнимда ёғоч қиличим осиглиқ. У билан йўлни тўртқилайман — улар шундай қилишади.

¹ Билгичларнинг устози (*итал.*). Дантенинг «Дўзах»идан.

² Бирма-бир (*нем.*)

³ Ёнма-ён (*нем.*).

Унинг ботинкасида менинг товоним билан унинг оёғи тугайди, nebeneinander. Афтидан, жуда мустаҳкам Демиурглар¹ тўқмоқ уриб қоққанлар. Сэндимонт қирғоғидан мангуликка қарабми юраман? Қарс-курс, қисир-қисир. Денгиз сочиб юборган сочқи пуллар. Ота Дизи уларнинг барини билади.

Юр, борайлик Сэндимонт
Байтал отим Маделин!

Кўрдингми, оҳанг туғиляпти. Қулоғимга эшитиляпти. Каталект ямбнинг тетраметри, одимлаб. Йўқ, йўртиб: «байтал от Маделин».

Энди кўзингни оч. Яхши. Бир дақиқа. Э, шу дақиқада ҳамма нарса ғойиб бўлган эса-чи? Э, мен кутилмаганда уларни очсам-чи ва абадулабад қора ношаффофликда қолиб кетсам-чи? Бас! Кўраман, агар мен кўрсам.

Энди қара. Бу ерда сенсиз ҳамма вақт бўлган ва доим бўлажак, абадулабад.

Улар Лихи-Террэ зиналаридан оҳиста эҳтиёткорлик билан тушиб келардилар. Frauendienst² Қиялик қирғоқдан ясси товонларини юмшоқ лой қумга ялқовлик билан ботириб эниб боришарди.

Худди мен, худди Олжи каби пастга қудратли онамиз хузурига тушиб боришяпти. Биринчи рақамли қиз — ўзининг акушерлик сумкасини оғир силкитиб қадам ташлайди, иккинчиси эса — соябонини қумларга тиқиб ўйнайди. Дам олгач ишга. Мис Флоренс Мак-Кэйб марҳум Патка Мак-Кэйбнинг хотини, унга Брайд-стритда аччиқ алам билан қайғуришади. Унинг дугоналаридан бирови кўз ёшларимни оқизиб юрганимда мени ҳаётга қайтарган. Унинг сумкасида нима бор экан? Қон сачраган пахтага ўралган, киндиклари ўралиб ётган чақалоқмикин? Ҳар кимнинг киндиги бўғим-бўғим буралиб орқага кетади, вужуд деб аталмиш ҳар қандай нарсанинг чилвир толалари. Мана шунинг учун роҳибларнинг авлиёлари. Худонинг жамолига етишни истайсизми? Омфалосингизга³ назар солинг. Алло. Кинч гапиряпти. Жаннатни уланг. Алиф, альфа, ноль, ноль, бир.

Адам Кадмоннинг⁴ завжаси ва маҳрами. Ҳавво, яланғоч Ева. Унинг киндиги йўқ эди. Назар солинг. Бағир, топ-тоза, улкан,

¹ Демиурглар — илоҳий кучлар, илоҳлар.

² Хотинлар (нем.).

³ Омфалос — киндик (يونان.).

⁴ Одам алайҳиссалом.

бахри дилни очади, оппоқ ярқирайди, чарм иплар билан тортилган қалқон, йўқ, шарқнинг ўлмас оппоқ кўпирган буғдойи, абад-азал мавжуд, абад-азал мавжуд. Журмнинг қурсоғи.

Мен-да, журм қоронғи қурсоғида яратилган, лекин туғилмаганман. Уларки, овози менинг овозимга, кўзи менинг кўзимга ўхшаган эркак ва шарпа каби нафасидан кул иси келиб турган аёл. Улар бир-бирларига чирмашар ва ажралишар, ақду банд қилганнинг хоҳишини адо этишарди. Вақту замонлар ибтидоси қадар у мени хоҳлади, энди-энди эса, эҳтимол абадулабад хоҳишидан айирмас. Мангу қонун у билан бирга. Эҳтимолки, бу ўша илоҳий моҳиятдирки, унда Падар ва Валад ягона моҳиятдирлар? Эй, оқкўнгил, кўҳна Арий¹, қайдасан, хулосалар қилайлик ахир?

Бутун умри давомида ўша ягона қайтабинобинобино таълимотига қарши курашган Бадбахт шаккок. Юнон бадрафхонасида унинг охирги нафаси чиқиб кетди: эвтаназия². Дуру жавоҳирлар қадалган ёпинчиғида қўлида асо тутиб ўз тахтида ўтирган, кўзичоқларини етим бўзлатган, олди туртиб чиқиб турган, орқаси булганган кўйчибон.

Унинг ён-верида ҳаво шувулларди, қакиб, узиб оладиган бераҳм ҳаво. Улар келишяпти, тўлқинлар. Оқ ёлли отлар, жиловлари кўпикдор, Мана Ананнинг шамоласов тулпорлари. Унинг газетага ёзган хатини унутмасам бас.

Кейин-чи? Кейин, «Кема»га ўн икки яримда. Айтганча, пулингни ўйлаброк сарф қил, ёш бетамизга муносиб иш бўлсин. Ҳа, шундай қилмоқ керак.

У қадамини секинлатди. Шу ерда. Сара холамнинг олдига борайми, бормайми? Мен бирлан моҳияти бир отамнинг овози. Сиз ўз биродарингиз Стивенни, биласизми, ўша, апов қаламкашни, кўрмадингизми анчадан бери? У оббохолом, ҳойнаҳой Страсбург-террэсда, Салли холасининг уйида эмасми мабодо? Э, нахотки у ҳалиям шушча саёз юзада сузиб юрган бўлса-я?

Ҳа-я, яна, яна, яна бизга айт-чи, Стивен, Си амакининг аҳволлари қандай? Ё Худойим, кимлар билан мени қариндош қилдинг! Болалар тепада, хашақхонада. Ичкиликбоз шўрлик

¹ Арий — Александриянинг йирик уламоси. Ливияда туғилган. Исо Масих ҳақида ўз таълимотини тарғиб қилган. 318—327 йилда бир неча бор черковдан қувилиб, яна тикланган. Ундан шеъррий-насрий йўл билан ёзилган «Фалея» («Базм») деган асар қолган.

² Эвтаназия — осон, фароғатли ўлим.

адвокат ва унинг найчи укаси. Жуда ўзига бино қўйган гондо-
лерлар¹. Филай Уолтер эса унча-мунча эмас, нақ сэр деб чақи-
ради. Сэр. Ха, сэр. Йўқ, сэр. Исо масиҳо кўз ёшлари: ҳеч ажаб-
ланмаса ҳам бўлади, мени Христос урсин!

Мен уларнинг ёғоч қопқалар билан ихоталанган коттежла-
рининг хирқираган кўнғироқ илини тортиб, кутиб тураман. Улар
мени қарз берган кимса деб ўйлаб, ўз кузатиш нуқталаридан —
КН — мўралаб қарашади.

— Стивен экан, сэр.

— Стивен кирсин. Стивенни кирит.

Лўкидон сурилди, мени Уолтер қарши олди:

— Биз сизни бошқа одам деб ўйлабмиз.

Ричи амаким чорси тушакда ётибди, ҳаммаёғига ёстиқлар бос-
тирилган, адёллар билан чирмаб ўралган, у туртиб чиқиб турган
тиззалари оша менга бақувват қўлларини чўзади. Кўкраги тоза.
У белидан тепасигача ювинган.

Хайрли эрта, қариндошим.

У олдидаги ёзув тахтасини бир четга суради, бунинг устига у
уста Гофф ва уста Жэкланд Тэнди учун ҳисоб варақлари ёзади,
тилхатлар, ижро қоғозлари ва суд чақириқларини елимлаб қўяди.
Унинг тепакалбоши тепасида денгиз болути ёғочидан ясалган
чорчўп: Уайлднинг «Гурингда тинч ёт» шеъри. У одамни ҳайрон
колдириб ҳуштак чалади, ҳуштак овозига Уолтер келади.

— Лаббай, сэр?

— Онангга айт, Ричи билан Стивенга пиво берсин. У қайда?

— Криссини чўмилтиряпти, сэр.

Отажониси билан бир тушакда ётади. Суюкли қизча.

— Йўқ, Ричи амаки...

— Мени одми қилиб, Ричи деб чақир. Қуриб кетсин бу гулоб-
ларингиз, жонимга тегиб кетди. Бутун кучингни қирқади. Виски!

— Ричи амаки, ҳожати йўқ...

— Ўтир жойингга, бўлмаса, қасам ичаманки, бошлаб таъзи-
рингни бериб қўяман.

Уолтер кўзини филайлатиб беҳуда курси қидиради.

— Унга ўтирадиган жой йўқ, сэр.

— Ўзиникини у қаерга қўйишни билмайди, тентак. Чип-
пендейл курсимизни олиб кел. Озгина отасанми? Ҳадеб қиси-

¹ Гондола қайиғини ҳайдовчи.

наверма, меҳмонга келганинг йўқ-ку. Тузланган балиқ билан доғланган думба бор, емайсанми? Қандай яхши. Уйимизда бе-логриғи дорисидан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Аллерта¹.

У Фернандонинг чиқиш ариясини оҳиста хиргойи қилади. Бутун Операда энг яхши жойи шу, Стивен. Мана, қулоқ сол.

Яна унинг оҳангдор ҳуштаги эшитилади, барча пардадан-пардага утиладиган ерларда нозик жарангли тебранишлар акс этади, кўтарилиб турган тиззаларида зарбларни уриб ифодалайди.

Бу шаббода насимроқ.

Тушкунлик уйлари, менинг уйим. Унинг уйи, бари. Сен Клонгаус дворянчаларига бир амаким судья, иккинчиси — генерал деб айтган эдинг. Улардан ўзингни четга ол, Стивен. Гузаллик бунда эмас. Марш кутубхонасининг кўлмакларида ҳам эмас, сен у ерда аббат Иоахим²нинг сўлғин башоратларини ўқиган эдинг. Улар кимга? Жоменинг панжара девори олдида юзбошли издиҳом. Худди у каби гурбатзада инсон, кавмлардан телбалик ўрмонларига қочган, унинг ой нурида оқ кўпирган ёллари, кўз қорачиғлари — мисоли юлдуз. Гуигнгим, отбашара. Отгардишли башаралар: Темпл, Бак Маллиган, Фокси Кэмкбелл, ичига ботган бетлар. Ота аббат, қаҳрли декан³, қайси ҳақорат уларнинг миясини алангалатди? Пафф! Пастга туш, кал, калинг кўпаймасдан бурун⁴. Унинг қисмат ҳукми ўқилган бошларида сочларнинг оқ савати; мен уни кўриб турибман, пастга қараб сўқмоқдан сакраб-сакраб тушяпти, қўлида туҳфадонни маҳкам тутган. Кўзига тик қараган одам ўлади. Пастга, шўрлаган бош!

Жўровозлар қўшиқ куйлаб меҳроб томондан хавлу пўписа ёғдиради, хос кимхоб либослар кийган баланд қомат, тепа сочлари текис олинган, хушбўй мойлар суртилган, ахталанган ва буғдой миртакларининг мойидан симириб, ёғ босган кашишлар лотин сўзларини гўнғиллашади.

Балки худди шу дамларда аллақайси кўча муюлишларида кашиш кулчани қўлига олаётгандир. Данг-дунг! Бу ердан икки

¹ Тезрок (*итал.*).

² Иоахим — насроний сўфийлардан (1132—1202).

³ Жонатан Свифт назарда тутилади. (1667—1745) — Дублиндаги авлиё Патрик жомеси декани, «Гулливернинг саёхатлари» (1726) ҳажвий ҳаёлий асар муаллифи.

⁴ Оригиналда лотинча берилган.

куча нарида эса бошқа яна бирови уни тухфадонга беркитаётгандир. Даранг-дурунг! Она худо жомесида эса бошқа яна биттаси кулчани жағига тиқиштираётгандир. Данг-дунг! Пастга, тепага, олдинга, орқага. Вилгелм Оккам¹ шуни уйлаган, енгилмас доктор Англиянинг туманли тонг чоғлари эврилишнинг иблиси унинг миясини қитиқлар эди. У келган меҳмонини пастга кузатиб қўяркан, ўз қўнғироғишнинг иккинчи жаранги билан қўшимча ён меҳробдаги жаранг қўшилиб кетишига қулоқ соларди (у ўз қўнғироғини кўтаради), кейин тиззасидан туриб эшитади (энди мен кўтараман), кейин яна тиз чўкади ва икки қўнғироқ жаранги уйғун туташади.

Жияним, Стивен, сиз ҳеч қачон руҳоний бўлмайсиз. Авлиёлар ороли. Сен жуда ҳам художўй эдинг, тўғрими? Бурним қизил бўлмасин деб, Авлиё Онага ёлворгансан. Сен олдинда бораётган эрсиз лобар хотин кўлмакдан ҳатлаб ўтаётганда этагини яна ҳам юқорироқ кўтаришини сўраб иблисга ёлворгансан... О, si, certo!² Шунинг эвазига имонингни сот, ирkit андом атрофини ўраб тўғноғичлар билан қадаб қўйилган рангбаранг латта-лутталарга сот ўзингни. Яна ҳикоя қилиб бер менга, яна! Биттаси трамвайда бора туриб ёмғирга қараб қичқирарди: яланғоч хотинлар! Буниси қандай бўлди, а?

Қайси «буниси»? Нимага бўлмаса уларни уйлаб чиқаришган?

Ҳар оқшом етти китобдан иккитадан саҳифасини ўқирдинг, а? Мен ёш бола эдим. Чалиниб турган қарсақларга пешвоз чиқаркан, сен ойнага қараб ўз-ўзингга башаранг жуда ажойиб деб мақтаярддинг. Яшасин ҳаммадан ўтиб кетган жинни! Ура-а! Ҳеч ким кўрмаган; ҳеч кимсага айтма. Сен ёзмокчи бўлган китоблар, сарлавҳалар ўрнига ҳарфлар қўймоқчидинг. Сиз унинг F ини ўқиганмисиз? Ҳа, лекин менга O маъқулроқ. Лекин ҳаммасидан ҳам W яхшироқ, O ҳам яхши, W. Эсингдами кўк тўғарак қоғозлардаги чуқурчуқур эпифаниялар³. Сен вафот этган тақдирда уларнинг нусхаларини дунёнинг барча йирик кутубхоналари, жумладан, Искандария кутубхонасига жўнатиш ҳақидаги гап. Минг йиллар ўтгандир сўнг, манвантарадан кейин кимдир уларни ўқир, ахир. Пико делла

¹ Инглиз файласуф, диншуноси (1285 – 1347).

² О, бўлмасам чи! (Итал.)

³ *Эпифания* кўрипиш, намоён бўлиш; худо, илоҳий кучларнинг кўрипиши.

Мирандолага¹ ўхшайди. Баайни булут парчаси китга ўхшагани каби. Неча-неча замонлар илгари ўтиб кетган кппи томонидан ёзилган бу ғалати сўзларни ўқиркансан, ўша бир маҳаллар яшаган кимса билан бир хил ҳаёт кечираётгандек бўласан...

Майда кум йўл тугади. Унинг оёқ кийими остида яна мачталарнинг нам босган парчалари, ўткир чиғаноқлар, ғичирлаган шағал тошлар, ҳалокатга учраган кемаларнинг қуртлар кемириб ташлаган ёғочлари ғирч-ғирч қилади. Чирик кумлар кўлмаклар уфунатини таратиб, унинг пошналарини ютиб юборгудай бўлардилар. У кўлмакларни эҳтиёткорона четлаб ўтади. Қотиб қолган кум хамирига кўмилган пиво шишаси яримидан юқори кўтарилиб турарди. Соқчи; чанқоғи қонмайдиган юҳо орол. Соҳилдаги ғилдирак тўғини парчалари; буралиб-буралиб кетган ғайр тўрлар; сал нарироқда бўр билан белги қўйилган орқа эшиклар ва ундан юқорироқда, қирғоқда иккита қўйлак осилган арқон. Ришгсеид: офтобда қорайган лоцманлар ва денгизчиларнинг қўралари. Одам чиғаноқлари.

У тўхтаб қолди. Мен Сара холамни кўришим керак эди. Унинг уйига боряпманми? Чамаси, йўқ. Атроф кимсасиз. У шимоли-шарқ томонга бурилди. Қотиб қолган кумларни кесиб ўтиб Каптархонага қараб юрди.

— Ким сизни бундай расво аҳволга солди? — деди у французчалаб. — Кабутар, Юсуф.

Патрис дам олиш учун уйга келиб «Мак-Магон» барида мен билан бирга илиқ сут ичарди. Ёввойи ғознинг ўғли, парижлик Кевин Эган. Менинг отам кабутар эди, у гўдаклардай қизил тили билан қайноқ ширин сутни хўплаб ичарди: юзи худди қуёнга ўхшаб лўппи. Хўпларди қуён. У катта лотереяда ютмоқчи. Мишлени ўқиган аёллар табиати хусусида. Аммо у менга Лео Таксилнинг «Исонинг ҳаёти» китобини жўнатиши керак, ошнасига ўқишга берибди.

— Кула кула ўласиз, биласизми? Мен социалистман. Мен худога ишонмайман. Буни отамга айтманг.

— У худога ишонадими?

— Менинг отам — ишонади².

Тамом.

¹ Уйғониш даври италиян мутафаккири (1463—1494). Унинг «900 фикр» асари машҳур.

² Бу парча оригинал текстида французча ва немисча келтирилган (тарж.).

У хўплайди¹.

Париждан олган шляпам. Лотин кварталидан. Биз ҳар ҳолда ўйнайдиган ролимизга муносиб кийинишимиз керак. Мен қизил қўлқопни яхши кўраман. Сиз студент бўлгансиз, тўғрими? Пэ-сээн. P.C.N., биласизми: *phiziques, chimihues et naturelles*¹. Аҳа. Арзонгина овқат ердим. Миср заминида гўпг қайнаган қозонлар, шундоқ биқинингда баланд кекирган аравакашлар. Шундай жуда оддий мен Парижда бўлганимда деб айтиш керак. Сент-Мишел хиёбонида мен ҳамиша. Баайни шундай, доим чўнтакда ҳилвираган трамвай чипталарини олиб юрардим, мабодо одам ўлдиришда гумон қилиб қўлга олишса, алиби борлигини кўрсатиш учун. Одил судлов. 1904 йил 17 февраль куни тунда гумондорни икки гувоҳ кўришган. Бошқаси мана бундай қилган: бошқаси бу мен. Шляпа, бўйинбоғ, пальто, бурун. У — бу мен. Ўйлашимча, у ерда вақтинг чакки ўтмаган.

Мағрур қадам ташлаб, юришингда тақлид қилгансан: кимга? Эсимда йўқ. Хусусий мулким йўқ. Онанг саккиз шиллинг пул жўнатган экан, қоровул почта эшигини нақ бурнинг рўпасида қарсиллатиб ёлди. Очлик — тиш оғриғи. Яна икки дақиқа. Соатингизга қаранг. Жуда шошиляптими? Ёпиқ. Занжирдаги ит! Тепкини кўтар, ўк уз. Деворга сачраган қон, мия парчалари, мис тугмалар. Қон мия парчалари қорраҳ чах, яна ҳаммаси ўз жойида. Мен сизни йиқитиб юбормадимми? Майли, майли, ҳечқиси йўқ. Сиздан бешта. Майли, майли, худо ҳақи, ҳечқиси йўқ.

Сен муъжизалар кўрсатмоқчийдинг, шундайми? Қаҳрли Колумбан изидан Европада миссионерлик қилмоқчийдинг. Фиакр ва Скот ўз муаллақ осма табуретларида ўтириб лотинчасига қийқириб хахолашар, кружкаларидан пиво тўкишарди. *Euge!* *Euge!*² — деб лотинчалаб, хахолаб кулишарди. Нюхэвеннинг сирғанчик кўтармасидан чамадонингни кўтариб бораётганда бузилган инглиз тилида сўйладинг, ҳаммолга уч пенс бериш керак. *Comment*³? Ўзинг билан бирга бой ўлжалар олиб келдинг⁴. «Ле туту», «Панталон Бланк» ва «Кулотте Руже»нинг бешта титилган сонлари. Кейин ғалати бир нарсани кўрсатаман деб сақланган француз кўк телеграммаси:

¹ Физика-химия ва илмий-табиёт (франц.)

² Қани! Қани! (лот.)

³ Нима? (франц.)

⁴ Француз порнография журналлари.

Холанг сени онасини ўлдирди деб ҳисоблайди. Шунинг учун у хоҳламайдик...

Дўтар, ичайлик хола учун,
Бордир холаси Маллиганнинг...
Саранжом-саришта рўзғори,
Хонадони Ханиганнинг.

Унинг оёқлари жанубий деворнинг қоятошлари бўйлаб қум дўнгликлари узра қутилмаган мағрур алфозда одимлаб кетдилар. У мамонтларнинг уймаланиб ётган тош чанокларини бошини баланд кўтариб томоша қиларди. Денгиз, қумлар, қояларда заррин шуълалар ўйнайди. У ёқларда куёш, қоматдор дарахтлар, заъфар уйлар.

Париж намхуш кўз очади, унинг лимуранг уйларига кўзни қамаштириб офтоб нури тушади. Янги ёпилган ноннинг юмшоқ обияти, қўқимтир-бўз эман, у эрталаб ишлатадиган ладаннинг (кундур) муаттар ҳиди ҳавони қитиқлайди. Belliomo ўз хотинининг жазманининг хотини тўшагидан туради, бекач рўмол ўраб олган, қўлида сирка кислота (тезоб) идишчаси билан нимадир қилади. Ивонна билан Мадлена Родо дўқонида ўз эзилган, гижимланган латофатларини тузатишади, тилла тишлари билан тишлаб пирожний қусирлатишади, лабларига «флен бретон» кремли тортчасининг сарик шираси юккан. Атроф-теварақдан парижликларнинг башаралари липиллаб ўтиб боради, уларнинг бўйсунган, бўйсундирувчилари, гажакдор конквистадорлар¹.

Мудроқ пешин. Кевин Эган босмахона бўёқлари юккан бармоқлари билан сигаретасини эзади, Патрис оқ, у эса қўқ шербатини тортади. Турт томонимизда хўрандалар зираворли нўхатларини чапиллатиб ейишади. Яна ярим коса. Ялтираган қозондан қаҳва буғи париллаб отилади. У ишора қилади ва қиз қошимга келади. У ирландми? Голландми? Йўқ, пишлоқ. Биз иккита ирланд, биз Ирландия, биласизми? О, албатта²!

Официант қиз булар голланд пишлоғи келтиришни сўрашяпти, деб ўйлабди. Баъдаз таом дегандай, сизга танишми бу

¹ Боскинчилар (лот.).

² Жумла оригиналда французча (тарж.).

сўз? Баъдаз таом. Барселона¹ да менинг бир танишим бор эди, фирт жинни, у буни доим баъдаз таом, деб айтарди. Хуллас, саломат бўлайлик! Мармар столлар теграсида спирт анқиган нафаслар томоқларнинг кекириши бирлан қўшилишиб кетади. Унинг нафаси бизнинг совиб қолган қайлаларимиз устида тўзғийди, оғзи ичкилик юқи. Ирландия, Далкассия ҳақида, умидлар, фитналар ҳақида, Артур Гриффитс ҳақида, энди. Менга, унинг замондошига бизнинг жиноятларимиз, бизнинг умумий ишимиз оғир юк. Сиз ўз отангизнинг ўғлисиз. Бу овоз менга таниш. Унинг бумазий узун кўйлаги қон мисоли қизил гуллари япроқлари юрак армонларини тинглаб титрайди. Жаноб Дрюмон машҳур журналист, Дрюмон биласизми, қиролича Викторияни нима деган? Тишлари сарғайгаён қари жодугар. Мод Фин чиройли хотин, La Patrie², жаноб Милвуа, Феликс Фор, биласизми, у қандай ўлганини? Бузук эркаклар. Фрекен, *bonne a tout faire*³, Упсала⁴даги ваншахонада яланғоч эркакни ювадиган ходима, *Moi faire*⁵, дейди ходима. *Tous les messieurs*⁶. Ҳамма жанобларни. Лекин манави *monsieur*ни эмасдир, дейман мен. Фавкулудда шармандали одат. Чўмилиш — бағоят хилват иш. Мен туғишган акамга, ҳатто туғишган акамга ҳам бунга йўл қўймаган бўлардим, бу ўта кетган уят иш. Кўк кўзлар, сизни кўриб турибман. Нишингизни сезаман. Бузук одамлар.

Унинг ҳовучи ичида мовий пилта имиллаб ёнади, кейин аланга баландлайди. Тамаки толалари ўт олади: бизнинг пучмоғимизни аччиқ тутун ва аланга ёруғи тутуди. Айвончаси кенг шляпа остидаги суякдор ёноқлари бўртиб чиққан башара. Фитначилар бошлиғининг қочиши. Энг ишончли маълумотлар. Янги никоҳдан ўтган келин никобида, оқ тўрлар, либослар, Малагайд йўлида. Рост, рост, чин сўзим. Ҳамма ташлаб кетиб, бир ўзи қолган дохийлар, орқа олдига карамай тирақайлаб қочиш. Либосларни ўзгартириб, чангалдан чиқиб, қочади, изи йўқолади.

Рад этилган маъшук. Унда мен балаид бўйли барзанги эдим, гапимга ишонинг, вақти-соати келса, сизга суратимни кўрсата-

¹ Барселона — Испанияда Каталония вилоятининг маркази.

² Ватан (франц.).

³ Ҳаммасига хонимлар жавобгар (франц.).

⁴ Упсала — Швециядаги шаҳар.

⁵ Мен қилган (бузилган франц.).

⁶ Барча жанобларни (франц.).

ман. Рост, рост, рост айтаман. Маъшуқ қизнинг муҳаббатини қозониш учун ўз қавмининг оқсоқоли полковник Ричард Бэрк билан бирга у Клеркенвилл кўрғони деворларигача пусиб борган, беркиниб пойлаб ётганида қасос алангаси уларни туман ичра кўкка итқитганини кўрган. Ойналар чил-чил, деворлар қулаган. Париж деган қувноқ шаҳарда яшириниб юрибди, мендан бошқа ҳеч ким қидирмайдиган парижлик Эган. Кундузи — ифлос ҳарф териш иши, ўзи ёқтирган учта қовоқхона, кечаси — Монмартрдаги қўндоғида қуш уйқуси; уйнинг деворларига ўлиб кетган одамларнинг суратлари осилган, уларга папшшалар утиравериш қорайган. На ватан, на муҳаббат ва на хотин қолган. Бу хотин ўзининг қочқин эрини ташлаб, мана шу ерда яхши жойлашиб олган, унинг сайроқи қуши ва икки ижарачиси бор. Ёноқларини майин тук қоплаган, йўл-йўл парчали кўйлак, қизчалардай шўхлик қилади.

Рад этилган-у, умидсизланмаган. Патга мени кўрганлигини гизни айтинг, майлими? Бир марта мен Патни ишга жойламоқчи бўлдим. Менинг ўғлим француз солдати. Мен уни қуйлашга ўргатдим. Килкеннилик болалар ҳеч вақодан тап тортишмайди. Анов эски қўшиқни биласизми? Мен Патрисни ўша қўшиқни айтишга ўргатдим. Қадим Килкенни: авлиё Каннис, шимолий соҳилда граф Стронгбауннинг қасри. Мазмуни шундай:

О, о! Нэппер Тенди қўлимдан тутди

О, о! Килкенни азаматлари...

Кафтимда ожиз, сўлғин қўл. Улар Кевин Эганни унутишди, у эса унутмади. Наҳотки сени унутсам, эй Сион.

У денгизга яқинроқ келди, намчил қумга оёқлари ботиб кетарди. Унинг таранг тортилган асабларини зингиллатароқ янги қуй уни саломларди. Шамол, телба шамол, музика чалиб эса сан. Нима, сен сувда сузиб юрувчи Киш маёғига қараб боряпманми? У таққа тўхтади, унинг оёқларини дарҳол қум юта бошлади. Орқанга қара.

Орқага ўгирилиб, у жанубий соҳилни кўздан кечирди, унинг оёқлари янги тушган изларга оҳиста бота бошлади. Миноранинг совуқ кунгурадор хонаси кутмоқда. Шинаклардан тушаётган қуёш нурлари жуда секин силжийди, худди менинг оёқларим аста ботиб бораётгани каби; кун ботарда улар зал саҳнидаги қуёш соати чизикларига етиб келадилар. Мовий кеч оқшом, хуфтон тушади, зангори кеча қиради. Кунгурадор қоронғида

улар кутишади, уларнинг буш қолган курсилари, тарелкалари йиғиштирилмаган стол ёнидаги менинг тик турган чамадоним. Ким йиғиштириб олади? Қалит унда. Мен бугун кечаси у ерда ётмайман. Гунг миноранинг берк эшиги, бунда уларнинг қур жасадлари қумилган, қоплон, соҳиб ва унинг пойнтери¹. Чорла, жавоб йўқ. У оёғини тортиб кетаётган қумдан суғуриб чиқарди ва қоятошлар териб ётқизилган туғон ёқалаб юрди. Ҳаммасини олинглар, барига эғалик қилинглар. Менинг жоним мен билан бирга, шаклларнинг шакли. Муташаккил. Қора-қумуш либосларга чулғаниб Ой қўрғон қурган кечалар баланд қоялар узра мен бориб келаман орқа-олдинга, чорлайди Элсинор сувлари имлаб, ночор қулоқ тутаман.

Сув менинг ортимдан кўтарилади. Бу ердан унинг қандай кўтарилиб келишини кўриб тураман. Унда Пулбег йўли билан то соҳилгача орқага борайлик. У буталар ва қамишлар орасидан ўтиб қоятош курсисига ўтирди, таёғини ёнидаги ўйиққа тираб кўйди.

Пўпанак босган сув ўтлари устида итнинг узала тушган, пишиб чириётган лоши ётарди. Унинг шундоққина олдида қумларга қумилган кема парчаси. Қумга ботган кема Луи Вейо ёзувчи Готйенинг прозасини шундай деб таърифлаган. Шу зил-залворли қумлар — сўзларки, улар бунда сув ва шамол ўйинлари боис қават-қаватланиб ётурлар. Ана у ерда эса энди ўлик қурувчилар уюб ташлаган тош тепалар, сассиққузанлар²нинг уялари. У ерга олтинингни яшир. Бўлади. Сенинг олтининг бор. Қум тошлар. Уларда ўтмишнинг юки, залвори. Сэр Лаутнинг ўйинчоқлари. Кўзингга қара, яна қулоқ-чакканга солишмасин. Мен ўша даҳшатли улкан одамман, шу тош қояларни мен ағдарганман, сенинг суякларинг узра мен сувга тушиб бораман. Уф-уф-уф! Қон иси келаётир, ирланд қонининг иси.

Нукта қўз ўнгида катгайиб борарди, ит экан, у қумлоқ бўйлаб лўкиллаб чопарди. Э, ивлис, ҳали бирдан менга ташланиб қолмасайди? Итнинг эркини ҳурмат қил. Сен ҳеч кимнинг ҳўжаси бўлмассан, ҳеч кимнинг қули бўлмассан. Менинг таёғим бор. Қимирламай ўтир. Узоқда, кўтарилиб келаётган сув тожи узра қирғоқ томон икки қора ҳаракат қилади, иккита. Икки Мария. Улар гўдакни ҳеч ким кўрмасин деб, қамиш-қиёлар орасига яшир-

¹ *Пойнтер* — юнги қалта овчи ит.

² Мўйнали денгиз ҳайвони.

дилар. Ку-ку! Мен бўлсам сени кўриб турибман. Йўқ, ит. У орқасига қайтиб, улар томон чошиб кетди. Ким?

Бу ерларда ўлжа кидириб, лохлашларнинг кемалари қирғоқда тўхташарди. Уларнинг қонга бўялган тумшуклари қўрғошиндай эриган шиддатли тўлқин узра узиларди. Дания викинглари¹, ихчам ўткир ойболталари кўкракларида йилтирарди. Малаки ўша чоғлар олтин бўйинбоғ таккан. Териси дағал китлар подаси, улар айни иссиқ чоғи соҳилга чиқдилар, тумшук тешикларидан сувларни фонтан қилиб отдилар, саёзликда ўмбалок ошдилар. Ўшанда оч шаҳар каталакларидан камзул кийган паканалар менинг аждодларим тўда бўлиб сурон солиб чиқишиб, ўткир катта пичоқлари билан китларнинг териларини сўйиб, кўкимтир пўрсилдок гўштларини нимталашди. Очарчилик, вабо, қирғинлар. Қони уларнинг менда, уларнинг хирсу ҳаволари менда мавжланур. Мен музлаган Лиффи узра улар орасида юрганман. Мой чарсиллатиб гуриллаган гулханлар оралаб кезган алвастиман. Мен ҳеч кимса билан сўйлашмадим, ҳеч кимса менга сўз қотмади.

Итнинг акиллаши яқинлашар, тўхтар, яна узоқлашарди. Менинг душманнинг ити. Мен юзим оқариб, индамай, аламзада турардим *Terribilia medians*². Ёмон ўйга ботиб. Оч сарик камзул, таппон ваlet менинг қўрқинчларим устидан куларди. Сен бунга ташнасан, уларнинг қарсақларини ташна истайсан? Ҳозирунлар; уларга ўхшаб яша. Брюснинг биродари ипакдай валломат Томас Фитсжералд, Йоркнинг сохта меросхўри оқ атиргул рангида ипак иштон кийган, бир кунлик мўъжиза Перкин Уорбек ҳамда бозоргонлару ой қизлар тўдалашиб қуршаган Ламберт Симнел, тож кийган ошпаз. Барча қиролларнинг фарзандлари. Ҳозирунлар учун жаннат, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам. У сувга чўкканларни қутқарган, сен эса бир лайча ит хурса, қўрқиб қалтирайсан. Аммо Ор-сан-Микеледа Гвидо устидан кулган сарой аёнлари ўшанда ўз уйларида эдилар. Ўша уйдаки... Сенинг ўрта асрга доир даҳмазаларинг бизнинг жонимизга тегди. У қилган нарсани, сен қилоласанми? Қайик шу яқинда туради, қутқариш белгиси. Албатта, фақат сен учун. Қиласанми ё қилмайсанми?

¹ *Викинглар* – Скандинавларнинг денгиз юришларида (VIII–XI асрлар) қатнашган жангчилар. Россияда уларни «варяг», Европада «норманн» деб юритишган.

² Ёмон хаёл (франц.).

Қиз қояси ортида тўққиз кун илгари бир кимса чуқиб кетган. Энди унинг юзага чиқишини кутишяпти. Мен истардимки. Мен уриниб кўраман. Мен сузишни унчалик билмайман. Сув совук, майин. Клонгаусда мен унга, тосга юзимни ботирганимда. Хеч нарса кўрмаялман! Орқамда ким бор? Орқага, орқага, тез! Кўряпсанми сув жуда тез ҳар томондан кўтарилиб келяпти, қуйи паст қумлоқларни тез ютяпти, қўнғир ранг? Агарда оёқлар остида ер бўлсайди. Майлига унинг ҳаёти уики бўлсин, меники менинг. Сувга чуққан. Ўлимнинг кўрқинчи ичра унинг кўзлари менга боқар. Мен... у билан биргаман, у томонга... пастга... Мен уни қутқариб қололмадим. Сувлар: аламли ўлим: ҳалок бўлди.

Аёл ва эркак. Мен аёлнинг этагини кўряпман. Баҳс бойлашаман, этагига тўғноғичлар қадалган.

Уларнинг ити қиялаган қумлоқ бўйлаб майда одимлаб юриб борар, тумшугини кўтариб хавони искарди. Ўтган ҳаётида йўқотган нарсасини қидиряпти. Бирдан ит куёндек юқорига сакради, қулоқларини динг қилди, паст шўнғиб учаётган чағалайнинг соясини тутмоқчи бўлди. Эркакнинг чинкириқ ҳуштак товуши унинг энди шалпайган қулоқларига етди. У айланди, бир сакради, панжалари хавода бир кўтарилиб, дам тушиб охиста яқин борди. Қўнғир тусли далада югураётган мугузсиз буғу, ранги асл, соғф. Кўтарилаётган сув тўқийётган тўрларнинг попуклари олдида у тўхтади. Олд тўёқлари таранг, тик, қулоқлари денгиз томонга қараб дикрайган. Унинг кўтарилган тумшуги долғалар шовқини, моржлар тўдасига қараб ақилларди. Долғалар унинг оёқлари остида илондай ўралар, ўз гажакларини туқир ва ўркач бўлиб тожланар, ҳар ўркакнинг тўққизинчиси майда-майда кукунларга тўзғиб парчаланиб кетарди, улар бу тўлқинлар олислардан, узоқ узоқлардан келаётирлар, тўлқинлар ва яна тўлқинлар.

Чиғаноқ ояловчилар. Улар энгашиб сувга тушишди, қопларини сувга чуқтиришди-да, кейин юқорига кўтаришиб сувдан чиқишди. Лайча уларга яқинлашиб ақиллар, орқаларидан чопқиллар панжалари билан уриб-уриб қўяр, кейин яна тўрт оёғида туриб сўнг яна эргашиб айиқлардай гунг ялтоқланиб югурди. Унга ҳеч ким эътибор бермас, улар куруқ қумга томон боришар, у эса ликиллаб эргашарди, тили бўриникидай қизил латта каби пастга осилган эди. Унинг олачипор жуссаси олдинда ликиллаб кетиб борар, кейин олға ташланиб, бузоқчадай сакрашга тушди. У ўлган итнинг лошига дуч келди. У тўхтаб, ҳид

олди, аста яқинроқ келди, ўзимизнинг қавмимиз экан-ку, яна яқинроқ сурилиб исқади, атрофни айланиб чиқди, итнинг ифлос лошини бошдан оёқ тез-тез ислади. Лайча калласи, лайча тумшуғи, кўзи ерда, бир улуғ мақсадга интилади. Шўрлик лайча! Бунда шўрлик лайчанинг ожиз мурдаси кўмилган!

— Бароқ! Қайт, ярамас!

Бақиріқ овозини эшитиб, у орқага хўжаси томон эмаклаб кетди: хўжаси ялангоёғи билан юмшоққина қилиб бир тепди, лайча ярим букчайган ҳолда қум тепасидан омон-эсон ошиб тушди. Кейин сал четроқдан юриб, яна орқага қайтди. У мени кўрмаяпти. Туғон четида у ерга ағанади, туриб роса силкинди, тошни искалади ва орқа оёғини кўтариб унга чоптирди. У олдинга караб ликиллади-да, кейин оёғини кўтариб, бошқа ҳали искалмаган тош устига қиска, тез-тез ҳўллади. Бечораларнинг оддий қувончлари. Унинг орқа панжалари қумни титкилади; кейин олдинги оёқлари кавлаб, қазиди. У бу ерга ниманидир қўмган, бувисимикин. У кавлаб, қазиб қум ичига кириб борарди. Кейин тўхтади, ҳавога қулоқ тутди, яна шиддат билан тирноқларини ишга солиб қазий кетди, кейин бас қилди, зинодан туғилган қоплон, мурда тирновчи.

Ўтган кеча у мени уйғотгандан сўнг, ўша тушмиди ё бошқа? Аҳа, эсимга тушяпти. Хорун ар-Рашид. Худди, худди ўзи. Ўша одам мени етаклади, гаплашди. Мен ундан кўрқмадим. Унинг қовуни бор эди, менинг юзимга тутди. Табассум қилди: қовун ҳиди анқиди. Бу ернинг одати шундай, деди. Кирайлик. Ерга қизил гилам тўшалган. Сиз кўрасиз ким.

Қопларни елкаларига ортишиб судралиб боришарди қизил танли мисрликлар. Унинг шими қайрилиб кетган, қуқарган оёқлари сирғанчиқ қумда шилқиллаб борар, хира-қизғиш рўмоли соқоли ўсиб кетган бўйнини сиқарди. Ортидан аёлманд кадам ташлаб бир қиз келарди: дайди дайдиой бирлан. Қизнинг елкасида ўлжа силкинарди. Унинг яланғоч оёқларига қумлар ва чиганокларнинг парчалари ёпишган эди. Шамол ялаб кетган юзига сочлари патила-патила осилиб тушганди. Ўз хўжаси ортидан ҳамроҳ бўлиб пойи пиёда Рим деган шаҳри азимга йўлга тушган канизак. Тун қоронғисида бўй-бастининг хунуқлиги билинмас бўлганда, у қора шол рўмолга ўралиб ит қумалоқлари сочилиб ётган дарвозахона тагидан эркакларни имлаб чақиради. Унинг мушуги Дублин қироллик полкининг икки аскарини меҳмон қилади. Сассиқ увадаларга ўралган урғочи иблиснинг оқ бада-

ни. Бугун кечаси Фамбаллис-лэйн деган жойда: тери заводи-нинг ҳидлари таралган маъвода.

Оппоқ кўллар, ақик лаб

Ширин бадан лаззатли.

Ўтир бунда уқалаб

Сени севай бир тогли.

Қийшиқ қорин ҳазрат ота Аквинат, *frate porcospino*¹, буни баттарин лаззатлар деб атаган. Ич эти куйиб ўлсин: барибир ширин бадан лаззатли. Тил уникадан сира қолишмайди. Роҳибона сўзлар, белларида тасбеҳлари шиқирлайди; беҳаё замзамалар, адабсиз жиринглар тангалар уларнинг чўнтакларида.

Нариги ёққа ўтиб кетишяпти. Менинг ҳамлетча шляпамга қарашяпти. Агар мен ҳозир, шу тобда бу ерда кип-яланғоч ётганимда, нима бўларди? Мен урэн эмасман. Таъқибкор куёшни олов қиличидан қочиб, бутун дунё қумларин кечиб тун ўлкалари сари, мағрибга кетиб борурлар. Қиз тортади, шипиллайди, шилқиллайди, ташна инқиллайди, ташийди ўз юки-тошини. Унинг ортидан ой этагида мағрибга боради кўтарилган сув. Унда барча кўтарилган сувлар минглаган ороллар, меники эмас бу қон, ойнопа понтон², қорамтир шароб янглиғ уммон. Мана, ойнинг канизи. Вақт бўлди, уйғотар уни ҳўл косид, турғизар амр этиб ўрнидан. Никоҳ тушаги, кўз ёриш тушаги, ўлим тушаги, ёритади шамнинг шарпаси. *Omnis caro ad te veniet*³. Унинг бўронли кўзлари ичра окиб, у келар, оқарган қонхўр, унинг шабпарак елканлари денгизни қонлатар, оғзим оғзига босиб ўпаман.

Тўхта. Қадаб қўй уни тезроқ тўғноғичга. Менинг лавҳларим. Оғзим босиб оғзига оғзини ўпаман. Йўқ. Улар икки киши бўлиши керак. Яхшилаб ёлиштир уларни. Оғзим босиб оғзига оғзини ўпаман.

Унинг лаблари ҳавонинг ҳавойи лабларини эркалаб лаболаб эди: коми андомида эди. Андом, тобут андоми. Унинг коми унинг анфоси сўзсиз мушаккал қилди: оооооо: шаршара сайёраларнинг шалдираб, думалоқланиб, оловланиб, уввооосолиб кўз илғамас олисларга ўзоқлашлари.

¹ Биродар-жайра (*итал.*).

² Қоронғи денгиз (*грек*).

³ Хар бир жон сенга қайтади (*лот.*).

Қоғоз. Банк қоғозлари, қуриб кетсин. Қария Дизининг хати. Илтифот билан имконият берганингиздан миннатдорман қоғознинг ёзилмай қолган охириги қисмини йиртиб олиш. Қуёш нурига орқасини ўгириб, мрамор столга энкайиб, у сўзларини ёзишга тушди. Кутубхонадан китоб ёздириб оладиган варақларни олиш яна эсимдан чиқибди, иккинчи марта.

У пешоб қистовидан бўшаниб энкайганда унинг сояси қояларга тушди. Нега соя поёнсиз эмас, нега ҳатто энг олис юлдузларга етиб бормайди. Улар бу ёруғлик ортида қора, ёруғлик бағрида порлаган қоронғи, Кассиопея делтаси¹, оламлар. Ўз Меним август² асосин тутиб оёғига бировнинг сандалини кийиб ўтирар бунда, улик тусли денгиз бўйида кундуз, ташланмай ҳеч кимсанинг кўзига, нафармон кечалар кезар у бароқ юлдузлар салтанатида. Мен бу мислсиз одамсимон сўнги чекли шарпани ўзимдан улоқтириб ташлайман, уни орқага чорлайман. Мабодо охири бўлмаса у меники бўлармиди, менинг шаклимнинг шакли? Ким мени кўряпти бу ерда? Ким қачондир қайдадир ушбу ёзилган битикларни ўқийди? Оқ саҳифадаги белгилар. Оқкўнгил епископ Клойн³ ўз қавмий шляпаси тагидан ибодатхона пардасини чиқарди: рангдор тамғалар билан ниқобланган макон пардаси. Диққат. Рангли, ясси. Ҳа, бу шундай. Мен ясси сатҳни кўраман, кейин масофани фикрлайман, узоқми, яқинми, мен ортда, шарқ томонда ясси сатҳни кўряпман. Аҳа, ана энди тушундим: стереоскопда қотиб қолган эди, энди бирдан тушиб кетди. Триқ — бор-йўғи шимилтириқ. Менинг сўзларим сизга тушунарсиз туюлади. Дилларимизда қоронғилик бор, тўғри эмасми? Янада сабизгага яқинроқ бўлсинми? Гуноҳ уятдан яраланган кўнгилларимиз бизни янада каттиқроқ тутуди, ўз жазманига маҳкам, маҳкам ёпишган хотин каби. У қиз менга ишонади, унинг қўли ипакдай майин, кўзларининг киприклари узун-узун. Худо урсин агар, мен уни парда остидан қаерга олиб чиқаман? Мислсиз шартлиликнинг мислсиз зухуротига. Ўша қиз, ўша қиз, ўша қиз. Қайси ўша қиз? Душанба куни Ҳежс-Фиггиснинг витринаси олдида сарлавҳа ўрнига ҳарф қўйилган китоблардан бирини қидираётган ўша қиз, сен ёзмоқчи эдинг бу китобни. Сен унга ташна нигоҳ билан боқдинг.

¹ Кассиопея юлдуз туркуми ва унинг бир юлдузи.

² Рим башоратгўй, қоҳинлари.

³ Жон Беркли (1685—1753), инглиз файласуфи.

Шамсиясининг тўқилган тўрлари орасидан билагги балиғланиб кўринади. У Лизон боғида туради, муҳаббат ва атиргул барглари унинг таоми, у қаламқаш. Айтавер, Стиви: енгилтак кўча қизларидан де. Гаров ўйнайман: жуда ярамас боғичли бөлдамча тутади ва дағал жундан тўқилган сариқ жўроб кияди. Яхшиси, тезроқ хамирга солинган олма хақида сўйлаш. Бошинг борми ўзи?

Менга яқин кел. Майин боққан кўзлар, майин, майин, майин кўллар. Мен ёлғизман бунда. О, сурил менга тезроқ, ҳозир. Ҳамма эркаклар биладиган ўша қайси сўз? Мен ювош, бу ерда ёлғиз. Ва ғамгин яқин сурил, яқин сурил менга.

У ўткир қиррадор қоялар узра узала тушиб ётди, ёзиб тўлдирилган варақлар билан қаламни чўнтагига солди, шляпасини суриб кўзига бостирди. Мудроқ босган Кевин Эган шундоқ қилган бўларди, шанба уйқуси. Ва худо кўрдики, бу яхши экан¹. Алло! Bonjour², худди май ойидаги гуллар каби ёқимли. У шляпаси бостирмаси остидан тустовуқдай товланган киприклар аро жануброқ сурилган қуёшни кузатарди. Мени шу алангали саҳнада кўришди. Пан³нинг соати, тушдан сўнг фавн⁴ истироҳати. Ёпишқоқ ширадор чирмовуқлар, сути оққан нозли мевалар, қизил қуртлар ғужғон ўйнаган, юзида ҳар томонга барглар ёйилган сувлар аро. Дард узоқ қочган.

Хўрсиниб орқанга қарама

Унинг нигоҳи тумнуғи тўмтоқ ботинкасига сарасоф соларди. Олифтадан қолган матоҳ, nebeneinander⁵. У гижим терининг бурамларини санади, бунда илгари бошқа бировнинг оёғи макон топган эди. Замиини тантанавор рақс тушиб топтаган оёқ, мен бу оёқни хуш кўрмайман. Аммо сен Эстер Освалтнинг оёқ кийими сенга лоп-лойиқ келганда роса суюниб кетган эдинг, мен у қизни Париждан билар эдим. Tiens, quel petit pied⁶. Содик дўст, қадрдон кўнгил. Уайднинг ўзини нима деб аташни билмаган муҳабба-

¹ «Инжил» («Ибтидо», 1).

² Салом (франц.).

³ Пан (юн.) — чўпонлар, чорва илоҳи, ўрмон демони, париларни таъқиб этган, сибизғани ўйлаб топган. Ундан айниқса пешин чоғи эҳтиёт бўлишарди.

⁴ Фавн (лот.) — қадимги Италияда ҳосил, чорва, деҳқончилик илоҳи, лаззатпараст.

⁵ Бири ёнида бошқаси (нем.).

⁶ Оҳ, мунча кичкина оёқ! (фр.).

ти. Энди у мени ташлаб кетади. Хўп ким айбдор? Менинг борим ўзи шундай. Борим менинг шундай. Ё ҳаммаси, ё ҳеч нарса.

Кок кўли томондан сув бир маромда оҳиста кўтарилиб, узун сирғалиб сиртмоқ ташлаб, занглагандай олтин тусга кириб қумлоқларни ямлаб ютарди. Таёғимни оқизиб кетади. Кутиш керак. Йўқ, кўпирган жуганлар бир ёндан, паст қоялар остидан сув ўрамида ўтиб кетарлар. Тезроқ тугаллаш керак. Эшит: тўлқинларнинг турт сўзли нутқлари: сее-соо, хрсс, рссе-еисс ооос. Илон чинқиргандай хўл зарраларнинг шиддатли нафаси, отларнинг кишинаши, қояларнинг увлаши. Қоялар жомига сувин тўкар у: шалп, шулп, шап: долғалар долғаланур. Мана — унинг ҳорғин товуши, у нутқини бас қилар. Шалдираб у бир маромда кўтарилар, кўпириб оппоқ ҳовузлар ясар, гул барғларини очар-да, ёяр.

Кучли кўтарилиб бораётган денгиз ичра у тўлғанаётган сув ўтларини кўрарди, улар беҳол толаларини хумор ёйиб, тебраниб силкинишар, яшил кўйлақларини баланд кўтаришар, тўлқинлар алласида камбар нуқра япроқларини бураб биланглатишарди.

Уззу кунлар, уззу тунлар кўтарилар, сузар, яна тушарди. Худоё, улар чарчади: шивирлаган садога қулоқ тутиб, хўрсинарлар. Долғалар ва япроқлар оҳини тинглар эди авлиё Амброзий, ахир улар интизор кутар эдилар. Келмоғини қачон вақту соатларини, сабртоқат айлаб ҳақсизликларга кун-тун демай оҳ урар¹. Мақсадсиз йиғилган, мақсадсиз ташланган, дам орқа-дам олға, дам тубанга ботиб, дам юзага қалқиб ойнинг этагида сузар эдилар. Жазманлар, у бузук эркакларнинг қарашидан чарчаган ўша яланғоч хотин, мухлислар даврасида яшнаб-яшариб, сувларни ўзига тортар эди у.

Бу ерда ўттиз қулоч. У ерда ўттиз қулоч: унда отанг сенинг мангу маскан топган. Бояги айтди: соат бирда деб. Сувга чўккан. Дублин саёзлигида сув тўла кўтарилади. Майда тошларни тўдалатиб, чавоқ балиқларни издиҳомга солиб, чағаноқларни уюм уюм кўтариб денгиз кўтарилиб боради. Чекинаётган долғалар тубидан мурда сузиб чиқар мисоли оппоқ туз, худди делфин каби қирғоққа қаричма-қарич яқинлаб келур. Мана у, тез тортиб ол. У яна шўнғиб кетди сув тагига. Аҳа, ниҳоят тутилди. Аста, аста.

Денгизнинг қўланса сувига тўлган, мурда иси анқиган қанор. Илвирик мурда танасини чўқиб семирган чавақи балиқчалар тўдалари шим почаларидан чарх уриб чиқишади. Худо одам бўлади,

¹ Жумла лотинча.

балиқ бўлади, денгиз қуши бўлади, уқпар бўлади. Мен, тирик жон, ўликлар дами билан нафас оламан, ўлик ўликларнинг пешоб қўлансаси анқиган сарқитларини ейман. Уни кема палубаси устига тортиб олишади, ундан кўк мозорнинг сассиғи гуркийди, моховдай илвираб чириган бурун катаклари офтобда ўрадай ўраяди.

Денгиз эврилишлари, қора кўзларни туз емириб кўкартирган. Инсон ўлимлари ичида энг осони денгизда ўлиш. Океан кўхна падар. *Paris de Paris!*: тухфаларнинг ясамаларидан сақланинг. Текшириш ўтказишни сўрайман. Биз вақтни жуда соз ўтказдик.

Кел. Ташина бўлдим. Булутдай осилдим. Ҳеч қайда кўринмас бир парча қорайган булут. Бўрон туриб, чакмоқ чакқанда. Тубан тушганда ҳам нурафшон мағрур ақл чакмоғи. Люцифер, дейман мен, ботмоқ нелигин билмас². Йўқ. Таёғим менинг ва пат қадалган шляпам, ҳам уники-ҳам меники оёқдаги сандалим. Қайга? Шом ўлкаларига. Ўз-ўзини толиб олур шом.

У таёғининг дастасидан тутди, уни беозор уриб турди ва ҳамон товсилланарди. Ҳа, шом топади менда ўзини менсиз. Барча кунлар охирлайди, тугайди. Айтмоқчи, яна қачон? Энг узун кун сешанба бўлур, бахтиёр ул йилнинг энг яхши куни, о она, татата, тата, тата, та. Лаун Теннисон; жентлмен-шоир. *Gia*³. Тишлари сарғайган ялмоғиз кампирга. Жаноб Дрюмон ҳам жентлмен-журналист. *Gia*. Менинг жуда тишларим ёмон. Қизик, нега ундай экан? Ушлаб кўр. Мановниси ҳам ишдан чиқяпти. Милклар. Манов пулга тиш дўхтирга борилсамикин? Манови ҳам. Тиши тушган Кинч, аъло одам. Қизик, бу нимадан бўларкин, балки бунинг бирон бир маъноси бордир?

Рўмолчам. У рўмолчани ташлади. Ахир мен уни кўтариб олмадимми? Уни қўли ҳеч сабабсиз чўнтагини титкилайверди. Йўқ, кўтармади. Янгисини олиш керак. У бурнидан қотган қасмоқни чиқариб, қоянинг тоқчаси устига авайлаб қўйди. Э энди ким кўрса ўзи билади, кўраверсин.

Орқада. Балки орқада бехос кимдир бордир?

У бошини буриб, елкаси оша қаради, *tere regardant*⁴. Уч мачтали елканлари билан ҳавони ёриб оқим бўйлаб юқорига қараб сассиз кема юрт сари сассиз қайтиб келарди.

¹ Париж тухфаси (*фр*).

² Жумла лотинча. Люцифер — Иблис.

³ Бўлдимми? (*Итал.*)

⁴ Орқага қараб (*фр*), тамғашунослик термини.



Иккинчи қисм

4-ВОҚЕА

Мистер Леополд Блум ҳайвонлар ва қушларнинг ички аъзоларини жуда яхши кўриб ерди. У ичак-чавоқлар солиб қайнатилган шўрва, ёнғоқ мазаси келувчи киндиклар, қийма қилиб қовурилган юрак, котган нон билан пиширилган жигар, треска балиғининг ёғда қовурилган увулдириқларини роҳат қилиб тановул қиларди. У ҳаммасидан ҳам лаққа чўғ устида қовурилган қўй буйрагидан лаззат олар, ундан андак пешоб ҳиди келиб турар, оғизга нозикроқ аччиқроқ маза берарди.

Ошхона ичида шовқин чиқармай юраркан, у буйракни ўйлар, хотинининг нонуштаси учун барча керакли нарсаларни қийшиқ патнисга ҳозирларди. Ошхона салқин, офтоб тушиб турар, юмшоқ ёз тонги отган эди. У очикқанидан ютоқди.

Чўғ ланғиллади.

Яна саримой суртилган нон бўлакчалари: уч, тўрт: яхши. Хотини тақсимчада овқат кўп бўлишини ёқтирмайди. Яхши. Патнисни қўйиб, чойнакни учоқдан олиб, уни ўтга бироз ёнлатибгина қўйди. Япаскироқ чойнак олов биқинида хурпайиб, бурнини олдинга чўзиб турарди. Ҳозир чой тайёр бўлади. Яхши. Унинг оғзи қурукшади.

Мушук думини хода қилиб, елкасини кўтариб, столнинг оёғига суйканарди.

— Миёв!

— Оҳ, сен ҳам шундамисан, — деди мистер Блум унга ўгирилиб қараркан

Мушук бунга жавобан миёвлаб ва яна орқасини букчайтириб столнинг оёғи атрофида айланди ва яна миёвлади. У менинг ёзув столим атрофида ҳам шундай айланади. Мр-р. Қулоғимни қашиб қўй. Мр-р.

Мистер Блум юмшоқ қора махлуқни кизиқиб ва эркалаган нигоҳ билан кузатди. Қурғур озодагина: силлиқ жунлари йилти-

райди, думи остида ок тангачаси бор, кўзлари кўкиш ёнади. У қўлини тиззаларига тираб мушукка қараб энкайди.

— Миёвхон сут ичадилар, — деди у.

— Миёв-в! — қичқирди мушук.

Уларни аҳмоқ деб билишади. Улар бизнинг тилимизни яхшироқ тушунишади, биз уларни шунчалар тушунмаймиз. У ўзига нима кераклигини жуда яхши билади. Эсидан ҳам чиқармайди. Қизик, унга қандай кўринаркинман? Баланд минорадайми? Йўқ, у устимга бемалол сакраб чиқади.

— Жўжачалардан кўрқамиз, — деди унинг қитиғига тегиб, — чип-чиплардан кўрқамиз. Миёв-миёвлар ичида биздан кўра тентак миёв йўқ.

Бераҳм. Қонида бор. Қизик, сичқонлар пишилламайди-я. Худди уларга хуш ёкадигандай.

— Миёв! — деб баландроқ қичқирди мушук.

У очофат кўзларини уялинқираб ярим юмиб, сузилар, ингилагандай чўзиб миёвлар, сутдай оппоқ тишларини кўрсатарди. Унинг очофат қорачиқлари кичрайди, кўзлари кўктош тусига кирди. Шундан кейин Блум жовон олдига бориб, ҳозиргина Хенлондан келтирилган, сут билан тўлдирилган идишни олди-да, кўпириб турган илиқ сутни мушукнинг овқат ялоғига кўйиб оҳиста ерга қўйди.

— Хир-р! — деб овоз чиқарди мушук ва ўзини сутга отди.

Мушукнинг мўйловлари эрталабки ёруғда худди сим толасидай йилтирар, у уч бора ялоқни тумшукчаси билан туртиб, оҳиста сутни лиқиллатиб хўплай бошлади. Агар мушукларнинг мўйлаблари қирқиб ташланса, улар сичқон овлай олмас эканлар. Нега? Балки мўйлаблари қоронғида нурланармикин? Ёки қоронғида улардан худди қискичдек фойдаланишармикин?

Мушукнинг хўлп-хўлп хўплагани эшитиларди. Чўчка гўшти ва тухум. Йўқ. Бундай қурғоқ вақтида яхши тухум йўқ. Тоза янги сув керак. Пайшанба, Бэклидан бу вақтда кўй буйрагини топиб бўлмайди. Жиндай қалампир солиб ёғда қовурсанг, қани. Яхши — Длугачдан чўчка буйраги олиш. Унгача чойнак қайнайди. Мушук сутни жуда секин авайлаб ичади, кейин ялоғини топ-тоза қилиб ялаб қўяди. Нега уларнинг тили бунақа шуршок, дағал? Хўплашга осонроқ, гадир-будир чуқурчалари бор. Бу ерда ҳеч нарсани еб қўймасмикин? У атрофга кўз югуртирди. Йўқ, ҳеч нарса.

У ботинкасини оҳиста гичирлатиб, зинадан даҳлизга чиқди, ётоқнинг эшиги олдида тўхтади. Балки хотини оғзига ёқади-

ган бирон нарса егиси келар. У эрталаб устига сариёғ суртилган, ингичка кесилган нон бўлакларини ёқтиради. Йўқ бўлмасам, бу сафар...

У ҳеч ким йўқ даҳлизда оҳиста овоз чиқарди:

— Мен гузарга чикиб келаман. Тез қайтаман.

У ичидан шу сўзлар чиққанини эшитгач, яна қўшиб қўйди:

— Чойга бирон нарса олиб келайми?

Уйқусираган англамсиз сас эшитилди:

— Мим-м.

Йўқ. Хотини ҳеч нарса хоҳламайди. Кейин унинг кулоғига илик чукур хўрсиниш чалинди. У каравотда ёнига ағдарилганда янада муҳамроқ овоз келди, каравотнинг бўшаб қолган мис шарлари чанғирлади. Бас, уларни тузатиб қўйиш керак. Афсус. Жабалтариқдан олиб келганмиз. Озгина испанчани биларди, шуни ҳам унутаёзди. Айтмоқчи, ўшанда унинг отаси қанча тўладийкин? Эскича ясалган каравот. Ҳа, албатта кимошди савдода вилоят ҳокимидан олган. Қари Твиди бир чақа ошиқча тўламайди. Ҳа, сэр. Бу Плевна остонасида бўлган эди. Мен оддий аскарлардан чиққанман, сэр, бу билан фахрланаман. Қаранг, маркалар билан олди-сотди қилишга ақли етганини. Узокни кўролганини қаранг.

У козиқдан шляпасини олди, бу ерда унинг бош ҳарфлари туширилган қалин кишки пальтоси ва топилма нарсалар дўкони-дан сотиб олинган енгил ёмғирпўши осилиб турарди. Маркалар: йилтироқ суратлар. Чамаси, бир талай офицерлар шу билан шуғулланишади. Бўлмасам-чи. Шляпа ичидаги тер юққан ёзувни у яна бир карра ўқиди: «Пласто олий нав шл». У тезгина чарм хошия ичини қаради. Бир парча оқ қоғоз турибди. Ишончли жой.

Остонада у шимининг орқа чўнтагини уриб кўрди, ташқи эшикнинг калити турибдимикин? Йўқ-ку. Анави ечиб қолдирган шимда шекилли. Уни олиш керак. Картошкамиз бор. Жовон гичирляпти. Уни уйғотиб юбормай. Ҳозиргина тўшакда у ёқдан-бу ёққа ағдарилди. У ниҳоятда аҳтиёткорлик билан эшикни ёпди. Уни остонагача тақаб қўймади. Ташқаридан ёпикка ўхшаб кўринади. То келгунимча ҳеч нарса қилмайди.

У октябрўя томонга ўтди, 75-уй ертўласининг ланг очилиб ётган туйнуғи ёнидан ўтишни истамади. Қуёш авлиё Журжи черковининг найзадор қуббасига яқинлашиб қолган эди. Дарвоқе, кун исийди чоғи. Боз устига бу қора костюм қора иссиқни тез ютади, тез ўтказади. Аммо таъзияга оқ либосларда бориб

бўлмайди-ку. Худди сайрга чиққандай. Йўл-йўлакай у майин илиқликдан роҳатланиб кўзларини юмиб юмиб қўярди. Болендинг усти ёпиқ арвалари бизга ҳар куни ризки рўзимизни етказиб туради. Лекин у курсилдоқ қилиб ёпилган кечаги кулчаларни маъқул кўради. Ўзини ёшдай сезади. Шарқнинг аллақайларида: Эрта тонг; тонг отар-отмас йўлга тушсанг, қуёшдан олдинда борсанг, ундан бир кунни ютиб олсанг. Қани энди доим шундай бўлса, нафсиламрга бир кунга ҳам ёшинг катта бўлмаса. Соҳил бўйлаб юрсанг; шаффоф диёр; шаҳар дарвозасига етасан, бу ерда қари аскар қоровуллик қилади, қария Твидникига ўхшаган узун мўйловли, узун найзасига таяниб туради. Усти ёпиқ айвончали кўчаларда кезасан. Баланд салла ўраган кишилар ён-верингдан ўтади. Худди ғорга ўхшаган қоронғи дўконлар, гиламлар, гирдиғум одам, қўрқинчли турк, чордона қуриб ўтиради, чилим тортади. Кўчаларда бозоргонларнинг шовқин-суронлари. Шивит мазали шарбат ичасан. Кун бўйи дайдийсан. Балки, қароқчига дуч келарсан. Нима бўпти, учратсам. Оқшомни кутасан. Тўсинлар бўйлаб масжидларнинг кўлагалари. Қўлтиғига ўралган қоғозларни қистирган мулла Дарахтларнинг япроқлари шивирлайди. Азон овози, кечки шабада. Мен ёнлаб ўтиб кетаман. Олтинранг осмоннинг туси ўчади. Бир хотин эшикдан мўралайди. Тушунарсиз тилда болаларини уйга чақиради.

Баланд девор, девор оша тор овози эшитилади. Тунда ой чиқади, нимқизил, худди Моллининг ипак боғичи каби. Торлар. Тингла. Бир қиз ўша асбоблардан бирини чалапти, оти нима эди: уд, шекилли. Мен ўтиб кетаман.

Аслида эса бундай бўлмаса керак. Китобларда ёзилганга ўхшайди. Қуёш изидан. Титул варақда чарақлаган офтоб. У мамнун бўлиб жилмайди. «Фримен»даги бош мақола тепасига чизилган сурат тўғрисидаги Артур Гриффитснинг гапидай. Шимоли ғарбдан чиқаётган гомрул¹ офтоби. Ирланд банки орқасидаги кичкина бир кўчадан кўтарилади. У ҳамон мамнун жилмаярди. Жухудча алланарса: Шимоли-ғарбдан чиқаётган гомрул офтоби.

У Ларри О'Руркнинг барига етиб келди. Подвал панжараси орасидан қора пивонинг майин қуйилаётган овози чиқарди. Бар-

¹ *Гомрул* — ўз-ўзини бошқариш. Ирландия мухторияти дастури (инглизча: Home Rule). Жойс бу сўзни Ларри О'Рурк исмига қофиядош қилади (*тарж.*).

нинг ланг очик эшигидан занжабил, чой чанги, бисквит ушоқларининг хиди кўтариларди. Умуман, ёмон жой эмас. Трамвай йўлларининг баайни охирида. Пастдаги Маколи ковоқхонаси томондаги ерлар сарик чақага арзимаиди. Лекин улар шимолий айлана йўл бўйлаб, қорамол бозоридан соҳил бўйигача трамвай йўли ўтказишса, унда баҳоси дарҳол кўтарилиб кетади.

Парда оша тепакал бош. Муғамбир курумсоқ чол. Эълон беринг деб, унинг ёнига йўлаб бўлмайди. Дарвоқе, бу унинг иши. Мана, ўзлари, азамат Ларри, кўйлакчан, қант солинган яшикка суяниб, хизматчи боланинг қандай супуриб-сидираётганини кузатиб турибди. Саймон Дедал уни боплаб ўхшатган.

Бир зум тўхтаб у билан мотам ҳақида икки оғиз сўйлашсамикин. Мистер О'Рурк, Дигнам шўрликни эшитдингизми?

У Дорсет-стритга буриларкан, ўктам овоз билан эшик ёққа қичқирди:

- Хайрли кун, мистер О'Рурк.
- Хайрли кун.
- Ҳаволар яхши, сэр.
- Нимасини айтасиз.

Улар пулни қаердан олишади? Лейтрим вилоятидан қизил бошли хизматкорлар келади, бўш шишаларни чайқашади, сувларни тўкишади. Кейин бирдан қарабсизки, тап-тайёр, худди барча анов Адам Финдлетерлар ёки Дан Таллонларга ўхшаб яйраб-яшнаб яшашади. Ҳолбуки рақобатни қаранг. Ҳамма ташнаком. Жуда ажойиб бир жумбок: барнинг ёнидан ўтмай Дублинни кесиб чиқса бўладими? Нимани ҳам йиғасан? Ичкиликхўрларнинг ёнларини қоқлаб олишармикин? Учта беришади — бешта ёзишади. Чақалар. Шуям пул бўлдими? У ердан бир шиллинг — бу ердан бир шиллинг, тийинлаб йиғилади. Ё балки улгуржи савдодан тушармикин? Катнаб мол келтирувчилар билан тил бириктиришади. Хўжайин билан ҳисоб-китобни тўғриланг, фойдасини ўртада арра қиламиз, розимисиз?

Бир ойда қора пиводан қанча даромад тушади? Айтайлик, ўнта кўп бўлсин. Айтайлик, у ўнта орттиради. Йўк, кўпроқ. Ўнта. Ўн бешта. У авлиё Юсуф мактаби ёнидан ўтди. Болаларнинг шовқин-сурони. Деразалар ланг очик. Тоза ҳавода осон ёдлаб олиш мумкин. Ёки ҳамма баравар қироат қилса: Эйбиси, диефжи, кулумен, энопи, арэстию, видеблю. Бу нимадир,

болалар? Ҳа, Айништертк, Айнишарк, Айнишбоффин¹. Жўр-рофия. Менинг тоғим. Слив-Блум².

У Длугач дўкони дарчаси олдида тўхтади. Осиб қўйилган қора ва оқ сосискалар, колбасалар шодаларини кўздан кечирди. Элликни еттига кўпайтирсак. Масала ечилмай миясидан ғойиб бўлди. Ўзидан норози бўлди-да, уни ечиб ўтирмади. Қийма тўлдирилган шодалар унинг кўзини тўйдирди, шунинг учун димоғига урилган қуюлтирилган чўчка қонининг илмилик чучмал ховури унинг ғашини келтирмади.

Мовий гулли хитой чинни идишига буйракдан суюк қон томчиларди. Охиргиси бўлса керак. У қўшни уйнинг хизматчиси ёнига пештахта олдига бориб турди. Хизматчи аёл қўлидаги буюртма ёзилган қоғозга қараб, нимани харид қилишни аниқларди. Қўллари сода ишлатавериб ёрилиб кетган. Яна бир ярим қадоқ сосиска олиш керак. Унинг кўзи хотиннинг бўлиқ ларзон сонларига тушди. Қўшинининг оти Вуде. Билмайман, нима билан шуғулланади. Қизик, у нима қиларкин? Хотинининг ёши ўтганроқ. Ўзи ёш, қони қайноқ. Унга эркакларни уйга олиб келмайсан дейишган. Қўллари кучли. Гиламни арқонга осиб қоқади. Азбаройи худо, роса қокса керак. Ҳар қок-қанда этаги лап-лап кўтарилади. Шуни кўрсанг.

Кўзи сассиққузанга ўхшаган қассоб гўштдор, ғўдда-ғўдда бармоқлари билан шодадан ҳозиргина узган сосискаларни тахларди. Яхши боқилган бузоқ гўшти.

Кесиб қўйилган қоғоз тахламидан бир варағини олди. Тиве-риад кўли³ соҳилида жойлашган Киннеретдаги намунали ферма. Қишки санаторий учун ниҳоятда қулай жой. Мусо Монтефиоре. Билардим ўзим ҳам, бу ўша. Молхона кўраси, атроф кўрғон билан ўралган, семиз моллар ўтлаб юради. У варақни ўзидан нари сурди: қизик: яна ўзига яқинроқ тортди, семиз моллар ўтлайди, қоғоз шитирлайди. Ёш оқ бузоқ. Эрта тонгда қорамол бозорида кўтондаги моллар бўкиришади, тамға босилган қўйлар маърашади, пилчиллатиб тезак тапшлашади, чорвадорлар пошнасига мих қоқилган этикларда шиптир босиб юришади, қўлларидан янги кесилган қамчи таёқ, молларнинг ялтираб турган семиз сағрига уриб-

¹ Ирландия соҳилларига яқин ороллар.

² Ирландия жанубидаги тоғлар.

³ Яқин Шарқдаги кўл (Генисарет кўли ҳам дейилади). Иордан дареси шу кўлдан оқиб ўтади

уриб қўйишади, манов ҳақиқатан аъло нав. У қоғозни қиялатиб сабр-тоқат билан тутиб турар, қонё-қаноатли кўзларини бир нуктадан узмас, ўз хоҳиш-истакларини жиловларди. Хотиннинг этаги буралиб кўтарилади: лап, лап, лап.

Қассоб тахламдан иккита қоғоз олиб, қизариб кетган башарасини бужмайтирганча, сара сосискаларни ураб берди.

— Марҳамат, олинг, ойим, — деди у.

Аёл бўлиқ билакларини чўзиб, шўх кулиб, танга узатди.

— Раҳмат, ойим! Манави бир шиллинг уч пенс қайтим сизга. Қани, сиз нима дейсиз, хизмат?

Мистер Блум шоша-пиша жавоб берди. Узоқ кетиб қолмаган бўлса, ҳали улгураман, ларзон селкиллаган думбалари ортидан етиб бораман. Эрталабдан шундай нарсаларга қарасанг, кўзинг қувонади. Тезроқ бўла қолсанг-чи, имилламай. Темирни қизигида бос. Қиз офтоб тушиб турган дўкон олдида тўхтади да, сўнг эринчоқлик билан ўнг томонга юрди. Блум бурни билан хўрсинди: улар ҳеч балони тушунишмайди. Қўллари сода ишлатавериб ёрилган. Оёғининг тирноқлари кир. Йиртиқ камзулига ўраниб олган. Блумнинг кўнгли совиди. Менга тўғри келмайди. Постидан бушаган полициячи қизни Экклс-лейнда кучоқлаб бағрига босган. Улар шунақа семиз дўмбоқларни ёктиришади. Аъло навли сосиска. Оҳ, жаноб полисмен, мен адашиб қолдим.

— Уч пенс, марҳамат қилинг.

Блум муздак, юмшоқ тангани олди-да, ён чўнтагига солди. Кейин шимининг чўнтагидан учта танга чиқарди-да, сотувчи олдидаги резинка идишчага қўйди. Тангалар олинди, тез ҳисоблаб чиқилди ва шитоб билан касса ичига кириб кетди.

— Раҳмат, сэр. Яна келиб туринг.

Тулки кўзларда миннатдорликнинг олов учқуни лип этиб ўчди. Яна шу заҳоти нигоҳини четга олди. Йўқ, арзимамайди, келаси сафар.

— Хайр, — деди Блум чиқиб кетаркан.

— Хайр, сэр.

Қизнинг қораси ҳам кўринмайди. Аллақачон кетиб бўлибди. Садқаи сар.

У қайтишда Дорсет-стрит бўйлаб юрди. Кўзига дуч келган нарсаларни диққат билан ўқиб борди. Агенда Нетаим: плантаторлар¹ жамияти. Турк ҳукуматидан катта кумлоқ ерларни сотиб олиб, уларга эвкалипт кўчатларини экиш. Ҳам соя-салқин, ҳам ўтин,

¹ Ер эгалари.

хам қурилиш оғочи. Яффа'нинг шимолида апельсинзор боғлару чексиз қовун полизлари. Сиз саккиз марка пул тўлайсиз-у, кейин сизнинг номингизга бир парча ерга зайтун, апельсин, бодом ёки лиму ниҳоллари экиб беришади. Зайтунларнинг парвариши осонроқ, апельсинларни эса доим сўғориб туриш керак. Ҳар йили сизга ҳосилнинг бир қисмини жўнатишади. Сизнинг номингизни бир умр ер эгаси сифатида Жамиятнинг дафтарига ёзиб қўйишади. Фақат унтасини нақд тулаш, қолганини ҳар йили бадал сифатида тўлаб турилади. Блейбтрейштрассе 34 Берлин В 15.

Менга тўғри келмайди. Аммо бунда бир маъно ҳам йўқ эмас. Унинг кўзига кумушранг ҳовур ичида жимирлаб пода кўринди. Гард қўнган нуқра каби зайтун дарахтлари. Тинч, узун кунлар: буташ, етилиш. Зайтун меваларини пиша идишларга солиб сақлашади, тўғрими? Менда Эндрюдан озгина қолган. Молли татиб кўрган. Мазаси нимада эканлигини билган. Юққа юмшоқ қоғозга ўраб яшикка терилган апельсинлар. Лимулар. Айтганча, Сент-Кевин-Прэдлик шўрлик Цитрон тирикмикин? Мастянский-чи, ҳалиям эски цитра²сини чалиб юрганмикин? Ўша пайтлар оқшомлар хўп ажойиб ўтарди. Молли Цитроннинг кажава курсисида ўтирарди. Мумдай юмшоқ салқин мевани ушлаб туриш қўлингга хуш ёқади. Қўлингга тутиб бурнингга олиб бориб ҳидини тўйиб ҳидлайсан. Шунақа ўткир, лазиз, маст қилувчи ҳид. Йиллар ўтса ҳам, ўша-ўша, узгармайди. Майзел айтган эди, уларни яхши пуллашади деб. Арбутус майдони; Плезентс-стрит; қандоқ яхши эди эски замонлар. Яна мева доналари тоза, текис бўлиши керак экан. Жуда узок йўл босишади: Испания, Жабали тарик, ўрта Ер денгизи, Левант. Яффада денгиз бўйида қатор терилган яшиклар, ҳисобчи уларни дафтарига ёзади, юк ташувчилар кўтариб кетишади. Э, анов киши чиқиб қолди-ку. Ассом. Кўрмайди. Яхши таниш эмасмиз-да; унга қараб одам зерикиб кетади. Орқасидан анов норвегиялик капитанга ўхшайди. Айтмоқчи, уни бугун кўрармикинман? Кўчага сув сепар машиналар. Ёмғир қақришади. Ерда ҳам худди кўкдаги каби.

Қатта булут аста қуёш бетини тўсади, тобора кўпроқ тўсади. Қулранг булут. Жуда йироқ.

¹ Яффа — ўрта Ер денгизи бўйидаги қадимги порт шаҳар. Қуддусдан 37 қақрим. Кўхна номи Ионния. Яффа апельсинлари, қовунлари, анорлари машҳур.

² Цитра — чолғу асбоби.

Йўқ, унчалар эмас. Бехосил ер, яланғоч сахро. Вулқондан пайдо бўлган кўл. Ўлик денгиз: на балиқ, на ўсимлик бор, ерга чуқур кириб кетган. Шамол бу тўлқинларни силкимайди, бўз-кўрғошин, туманли-захарли сувлар. Водий шахарлари: Содом, кўмурра, Эдом буни олтингугурт ёмғири деб аташган. Бари ўлик номлар. Ўлик мамлакатдаги ўлик денгиз, бўзарган, қадим. Энди қадим. У энг қадимги илк қавмни туғди. Букчайган қари қарға Кассидининг дўконидан чиқиб, қўлида шишанинг бўғзидан тутганча кўчани кесиб ўтди. Энг кўхна қавм. Ер юзида дарбадар, асирликдан-асирликка, кўпаяди, ўлади, ҳамма ерда туғилади. Мана, ниҳоят у ётибди. Энди бошқа туғмайди. Туссиз, чурра ташлаган ернинг бағри: ўлик, мисоли кампир андоми.

Шип-шийдонлик.

Бўз аёз унинг жонидан ўтди. Қоғозни икки буклаб киссасига тикди ю. уйга шошилиб, Экклс-стритга бурилди. Оғир ёр қонини совитиб томирлари ичра ғимирларди; йиллар пўстлоқ узра пўстлоқ қатлайди, туз йиғади. Мана менда ҳам бошланяпти. Оғзим ачийди, хаёл бузуқ. Чап оёқ билан турдим. Яна бадантарбия қилишга тўғри келади Сэндоу бўйича. Оёқни тик кўтариб қўлда туриш. Чириган қизил ғиштин уйлар. Саксонинчи ҳали ҳам битмаган. Қизиқ. Нархи бор-йўғи йигирма саккиз. Тауэрс, Бэттерсби, Норс, Мак-Артур: пастки ойналарга эълонлар ёпиштириб ташланган. Касал кўз елимлаб қўйилгандай. Чойнинг хушбўй исини, ошхонанинг бурқсиган уфунатини, чарсиллаган ёғ дудини димоғингга торт. Кўрпа иссиғида ҳароратга тўлган бўлиқ сўлқилдоқ бадан яқинида бўл. Ҳа, ҳа.

Беркли-роуд томондан илиқ, чопағон куёш шуъласи югургилаб келмоқда, оёқларида енгил сандал, офтоб ёритган йўлқадан чусту чакқон чопқилламоқда. Югурмоқда. Олтин сочлари шамолда ҳилпираб учган қиз менга пешвоз чопмоқда.

Даҳлизда иккита жилдли хат билан битта очик хат сочилиб ётарди. У эгилиб уларни қўлига олди. Миссис Мэрион Блумга. Юрак қаттиқ урди, тўхтағудай бўлди. Шахдам ёзув. Миссис Мэрион.

— Полди!

Ётоққа кириб у кўзларини ярим юмди, илиқ сарғимтил қоронғилиқдан ўтиб хотинининг папила сочларига яқин борди.

— Хатлар кимга?

Блум уларга қаради. Мэллингер. Милли.

— Миллидан менга хат, — деди у эҳтиёткорона, — сенга очикхат, яна бир конверт.

У иккала хатни хотинининг букилган тиззалари ёнидаги мато адёл устига қўйди.

— Пардани кўтарайми?

У енгил ҳаракатлар билан қалин пардани деразанинг ярмигача кўтараркан, хотини хатга қараб уни ёстиғи тагига тикиб қўйганини кўрди.

— Буладими шу? — сўради у орқасига айланаркан.

Хотини тирсагига таяниб очикхатни ўқишга тушди.

— Қизимиз совғани олибди.

Блум, хотини хатни бир чеккага қўйиб, секин мулойим керишиб, хумор хўрсиниб, гулдай буралиб олгунча қараб турди.

— Чой тезроқ, — деди хотини. — Томоғим қақраб кетди.

— Қайнаб қолди, — деди у.

Блум стулни бўшатаман деб, ушланиб қолди: йўл йўл қўйлак, гижимланган ички кийимлар; ҳаммасини бир буклаб кўтариб тўшакнинг оёқ томонига қўйди.

Блум ошхонага тушиб бораркан, тепадан хотинининг овозини эшитди:

— Полди!

— Лаббай?

— Чойнакни қайноқ сувга чайқа.

Э, ана қайнабди: тумшуғидан пориллаб буғ кўтариляпти. У қайноқ сув қўйиб чойнакни чайқади, сувни силкитиб тўкди, тўрт қошиқ тўла куруқ чой солди, катта човгумдан қайнаган сув тўлдирди. Чойнакдаги чой дам еркан, у човгумни ўтдан олди, ланғиллаб турган чўғлар устига товани қўйди-да, бир булак ёғ сирғалиб эрий бошлаганига тикилиб турди. У буйракни ўртасидан бўларкан, мушук оч миёвлаб оёғига суйканаверди. Унга кўп гушт берсанг, сичқонларни овламай қўяди. Улар чўчка гуштини емайди, дейишади. Ҳаром. Ма, ол! У қонга булганган қоғозни мушукка ташлади-да, буйракни чарсиллаётган товага солди. Қалампир керак. У тухум солинадиган дарз кетган идишчадан бир чимдим майда қалампир олиб айлантириб сепди.

Кейин конвертни очиб, хатга кўз югуртирди. Раҳмат: янги берет; жаноб Коҳлен; Оуэлл кўлидаги сайр; ёш талаба; Блэз Бойлен соҳилидаги қизлар.

Чой дам еди. У мўйлабли одам ичишига мосланган Дерби-Корон чиннисига тақлидан ясалган идишчасига юзида ҳамон

табассум билан чой куйди. Бу идишни туғилган кунида қизи ширинтой Милли ҳадя этган. Ўшанда қизчаси бешга чиққан эди. Йўқ, шошма: тўртда эди. Унга ўшанда қахрабо маржон тортиқ қилган эдим, у дарров ипини узиб юборди. Унинг учун хат қутисига коғоз парчаларини икки буклаб ташлардим. У чой қуяркан, лабидан жилмайиш аримасди.

О Милли Блум, азизим болам!

Доимо ёнимда, хаёлимдасан.

Кэт Кеог ким бўпти, эшиги, боғи,

Пул йўқ-ку, лекин сен жонимдасан.

Бечора қари профессор Гудвин. Мункиллаган чол, нима бўлса ҳам, у ҳар қалай илтифотли қария эди. У эскича таъзимтавозе қилиб Моллини саҳнадан кузатиб қўярди. Цилиндр ичига солинган кўзгу. Ўшанда оқшом пайти Милли уни меҳмонхонага келтирган эди. Вой, қаранглар а, мен профессор Гудвиннинг шляпасидан нима топиб олдим. Ҳаммамиз кулишган эдик. Ўшандаёқ қизчада аёллик белгилари ниш бера бошлаган эди. Тирмизак қиз.

У санчқини буйрак бўлагига санчиб, уни орқасига ағдарди; кейин чойнакни патнисга қўйди. Қийшайиб қолган патнис тараклаб кетди. Ҳаммасини олдикми? Тўрт бўлак ёғ суртилган нон, қант, қошиқча, қаймоқ. Балли. У бош бармоғига чойнак бандини илинтириб, ҳаммасини кўтариб юқорига йўл олди.

Эшикни тиззаси билан италаб очиб патнисни кўтариб ичкарига кирди-да, уни каравот бошидаги стул устига қўйди.

— Мунча имилладинг, — деди хотини.

У тирсагини болишга тираб, шахдам ўрнидан турди, каравотнинг мис зўлдирлари шарақлаб кетди. Блум тунги кўйлак остидан худди эчкининг эмчагидай осилиб турган унинг катта юмшоқ кўкраклари орасидаги чуқурчага сипо сарасоф солди. Хотинининг сўлқилдок баданидан ҳарорат ҳавога кўтарилиб, ўткир дамланган чойнинг муаттар исларига қўшилиб кетарди. Босилган болиш остидан очилган конвертнинг учи чиқиб турарди. Кета туриб, у аёлни туғрилаш учун тўхтади.

— Хат кимдан? — сўради у.

Алл ёзув. Мэрион.

— Э анов Бойландан, — деди хотини. — Дастурни олиб келмоқчи.

— Қайси қўшиқларни айтасан?

— «La ci darame»¹ Ж. Дойл билан, кейин «Муҳаббатнинг эски ширин қўшиғи».

Унинг бўлиқ лаблари жилмайган кўйи чой ҳўпларди. Чекавергандан кейин эртасига кўланса ҳид ўтириб қолади. Гул кўйилган вазанинг сувидай сассик.

— Деразани қия очиб кўяйми?

Хотини оғзига икки букланган нон бўлагини соларкан, сўради:

— Кўмиш маросими қачон?

— Чамаси ўн бирда, — жавоб берди у. — Мен ҳали газета-ларни кўрганим йўқ.

У хотини бармоғи учи билан кўрсатаётган томонга қаради-ю, ўрин устидан унинг кир лозимини кўтарди. Бумасми? Унда кўк бурама боғичли пайпоқ бўлсамикин: товони ғижимланган, йилтираб турибди.

— Йўқ, китоб.

Пайпоқнинг иккинчи пойи. Калта кўйлак.

— Балки тушиб кетгандир, — деди хотини.

У кўли билан пайпаслади. *Voglio e non vogrei*². Айтмоқчи, у *voglio* деб тўғри талаффуз қилаётганмикин? Китоб тўшакда йўқ. Ерга тушганмикин. У пастга эгилиб, чойшабнинг тўр ҳошиясини кўтарди. Варақлари очилган китоб сариқ доғлар тушган тунги тувак олдида ётарди.

— Бу ёққа бер. Белгилаб кўювдим. Сендан бир сўзни сўрамоқчийдим.

У идишни бир четидан тутиб чойдан ҳўплади-ю, кейин бармоқлари учини бамайлихотир чойшабга суртди-да, тўғноғичини сатрлар устидан юрита бошлади, кейин керак сўзни топди.

— Бор эканми, нима ўзи? — сўради Блум.

— Мана, — деди хотини. — Бу нима дегани?

Блум энгашиб, хотинининг бўялган тирноғи қадалган сўзни ўқиди:

— Метемпсихоз?

— Ҳа. Бу ўзи қандай махлуқ?

— Метемпсихоз, — деб такрорлади Блум қошлари чимири-либ. — Бу юнон сўзи, юнонча. Жоннинг кўчиши деган маънода.

— Вой, худойим-эй! — деди хотини. — Ўз сўзинг билан соддароқ тушунтир-чи.

¹ Моцартнинг «Дон Жуан» операсидан «Кўлингни бер, гўзалим» дуэти.

² Хоҳламайману хоҳламас эдим (*итал.*).

Блум хотинининг кулиб турган кўзларига қия назар ташлаб, жилмайди. Ўша-ўша ўйноқи кўзлар. Эсингдами оқшомги ўйин, ундан кейин. Долфинс-Бари. Ўшанда у титилиб кетган китобни варақлаганди: «Руби: саҳна майдони ифтихори». Манави сурат. Қамчисини кўтарган шаддод италиялик Руби дегани шу бўлса керак. Ерда яланғоч ағанаб ётган ифтихор. Илтифот қилиб чойшаб билан ёпиб қўйишган. «Қутурган жаллод Маффеи бир кадам ортга ташлади-ю, ўз қурбонини ўқирганча итқитиб юборди». Ҳамма ёқда раҳмсизлик. Қутуртирилган махлуқлар. Хенглар циркидаги осма арқон. Журъат қилиб каролмадим. Юзимни бурдим. Бошқалар оғизларини ланг очиб томоша қилишди. Қани бир бўйнингни синдир-чи, биз мазза қилиб хахолаб кулайлик. Оила-оила бўлиб боришади. Ёш чоғларидан баъзиларнинг суякларини синдириб қийшайтиришади, ана ундан кейин метемпсихоз бўлади. Биз ўлгандан кейин ҳам яшаймиз. Руҳимиз юради. Бу одам ўлгандан кейинги унинг жони. Дигнамнинг руҳи...

— Охиригача ўқидингми? — деб сўради у.

— Ҳа, — деди хотини. — Қизиқ жойи йўқ экан. Нахотки, ўша хотин ҳалиям ўша кўз очиб кўрганини яхши кўрса?

— Ўқимаган эдим. Бошқасини олиб келайми?

— Ҳа. Пол де Кокнинг бирон нимасини олиб кел. Номи чиройли.

Хотини яна ўзига чой қуйди, чой жўмракдан қандай қуйилаётганига қараб турди. Кейпл-стритдаги кутубхонадан ўқиш муддатини чўзиб келиш керак. Бўлмаса менга кафил бўлган Карнига ёзиб юборишади. Кўчиш. Ҳа, кўчиш, кўчириш дейди буни.

— Шундай одамлар борки, — деб бошлади Блум, — улар биз ўлганимиздан кейин бошқа бир киёфага кириб яшаймиз, деб ишонишади, илгари ҳам биз шу танага кириб яшаганмиз. Мана шуни кўчиш, эврилиш дейилади. Биз ҳаммамиз қачонлардир Ер юзиде ёки бошқа бир сайёрада умр кечирганмиз. Кейин буни эсимиздан чиқариб юборганмиз. Баъзи бир одамлар биз аввалги ҳаётимизни биламиз, дейишади.

Қаймоқ чой юзида оҳиста буралиб, айлана ҳосил қиларди. «Метемпсихоз» сўзини ёдида сақлаб қолсин. Бир мисол келтириш лозим. Қандай?

Каравот тепасига «Чўмилаётган пари» сурати илинган. «Фотоангиликлар»нинг ҳайитга чиқарилган иловаси: ноёб рангли сурат.

Ҳали сут солинмаган чой; сочлари сочилиб турганда у парига ўхшаб кетади: паридан ҳам чиройлироқ. Суратнинг роми учун уч шиллинг олти пенс бердим. Хотини каравот тепасига осиб қўяйлик, яхши бўлади, деди. Яланғоч парилар. Юнонистон ва айтайликки, ўша заминларда яшаган барча одамлар. Мана сизга мисол.

У китобни яна бир карра варақлади

— Метемпсихоз, деди у, — қадимги юнонлар буни шундай деб аташган. Улар дарахтга ё бўлмаса, дейлик, ҳайвонга айланиб қолиш мумкин, деб ишонишган. Мисол учун манови парилар, уларни нимфа деб айтишган.

Хотини бирдан қошиқчаси билан чойни айлантиришни бас қилди. У бурун катаklarини кериб, олдига диққат билан разм солиб димоғини торта бошлади

— Нимадир куйяпти, — деди у. — Оловга бир нима қўйиб келганмидинг?

— Буйрак! — деб қичқириб юборди Блум.

Китобни шоша-пиша қўйин чўнтагига тиқиштириб, хид келаётган пастга қараб югурди, йўл-йўлакай лиқиллаб қолган кичкина жовонга оёқ учида қоқилди, у худди бирдан қўрқиб кетган лайлак каби алпанг-талпанг чопқилларди. Тованинг бир четидан аччиқ тутун буруқсиб кўтариларди. У буйракнинг тагини бўшатди ва санчки билан иккинчи томонига ағдариброқ қўйди. Озгинагина тагига олиб, куйибди. У буйракни товадан тарелкага силкитиб туширди-да, қорайиброқ турган қайлани силкитиб оқизди.

Энди чой ичиб олса бўлади. У ўтириб, бир бўлак нон кесиб устига сариёғ сурди. Буйракнинг куйган жойини пичоқ билан ажратиб, мушукка ташлади. Кейин бир бўлак этни санчкида санчиб олиб оғзига солди-да, иштаҳа билан чайнай бошлади. Айни вақтида олибмиз-да. Энди бир ҳўплам чой. Сўнг у нонни гўлалаб майдалаб, қайла ичига ботириб еди. Қизимиз ёш студент ва сайр ҳақида нима деб ёзаяпти? У хатни очиб, тарелка ёнига ёзиб қўйди-да, нонни майдалаб чайнаганча ўқий бошлади, кейин яна бир бўлак нонни қайлага ботириб оғзига солди.

Жоним адажоним.

Туғилган кунимга қилган ажойиб совғангиз учун катта раҳмат. Менга роса ярашди. Ҳамманинг ҳаваси келиб, янги бететда жудаям чиройли бўлиб кетибсиз, дейди. Онажоним бир қўти жудаям ширин попук қант жунатибдилар — хат ёзиб раҳмат айтаяман. Бирам ширинки. Сурат буляпти. Жаноб Коҳден қизи

билан мени суратга туширди, тайёр бўлгач, сизга жўнатаман. Кеча пойга бўлди. Ҳаво бирам ажойиб, одамлар ясаниб олишган, ҳоли жонингга қўйишмайди. Душанба куни Оул кўлида сайр қилмоқчимиз. Онажонимга мендан салом айтиб қўйинг. Сизни қучоқлаб ўпаман ва миннатдорчилигимни билдираман. Пастда роял чалишяпти. Шанба куни Гренвил Армсда концерт бўлади. Кечқурунлари бизнинг олдимизга бир талаба йигит чиқиб туради. Унинг оти Баннон, ота оналари қандайдир катта одамлар. У Бойланнинг денгиз бўйидаги қизлар ҳақидаги қўшиғини айтади. Бойланни ҳурмат қиламан, унга кичкина Миллиннинг саломини етказиб қўйинг. Майли, хайр, сизни ачомлаб ўпиб қўяман.

Сизни жондан севган
қизингиз: Милли.

P.S. Ажи бужи қилиб ёзганим учун кечиринг, шошиб турибман. Хайр, хайр.

Қизим кеча ўн бешга тўлди. Буни қаранг, сана ҳам худди ўн бешинчи-я. Биринчи маротаба туғилган кунини уйдан узокда ўтказяпти. Фирок. Эсингдами, у туғилган қуёш чирақлаб турган кун. Дензиел-стритта чопганман, миссис Торнтонни уйғотиб келиш учун. Тиниб-тинчимас кампир қанча чақалоқларнинг дунёга келишига кўмақлашган. У Рудининг аҳволи чатоқлигини дарров сездим. Нима ҳам қилардик. Худонинг хоҳиши, сэр. Кампир шу захоти билди. Агар Руди тирик қолганда, ҳозир ўн бирни тўлдирган бўларди.

У маъжус тортганча хатнинг P.S.сига қарарди-ю, кўзи кўрмасди. Ажи-бужи ёзганим учун узр. Шошиб турибман. Пастда роял чалишяпти. Пилласидан энди чиқяпти. Билак тақинчоғи учун кафедра уришиб берган эдик. Овқатига қарамади, оғзига сув солгандай ўтирди. Ҳали ўзини қандай тутишни билмайди. У қайлага яна бир неча булак нонни ботирди-да, буйракни майдалаб еди. Ҳафтасига ўн икки шиллингу олти пенс. Кўп эмас. Бундан баттарроқ бўлиши мумкин эди. Мюзик-холлда қўшиқчи. Ёш талаба йигит. У совиётган чойдан ҳўлади. Кейин хатни яна икки марта ўқиди.

Хўп майли. Ўз ташвишини ўзи қилсин. Агарда-чи? Аммо ахир ҳали ҳеч гап йўқ. Албатта, нималар бўлмайди дейсиз. Бирон нарса рўй берса, кейин кўраимиз. Зумраша. Кўз ўнгига қизчасининг зинадан чопқиллаб чиқаётгандаги тикмачоқдай оёқлари келди. Тақдир-да. Раста бўляпти. Шўх-ўйинқарок, ўзига етгунча.

У ошхона деразасига боққанча меҳрибон ташвишли чехра билан табассум қилди. Бир куни кўчада кўриб қолганимда икки

юзим қизарсин деб, тукларини юлиб турган эди. Андак камқонлиги бор. Эмчақдан кеч ажралди. Бир куни «Киш» маяги атрофида «Қирол Эрин»да айланганимиз-чи. Чурук кема имиллаб сузган эди. Заррача ҳам кўрққани йўқ. Ўшанда оч кўкимтир бўйин рўмолини ўраган, шамол тўзғиган сочларини ўйнарди.

Ёноқлари кип-қизил, сочлар кўнғироқ
Чарх уриб айланар шўх-шап қизалок.

Денгиз бўйи қизлари. Очилган хат. Қўли чўнтагида худди ичиб олган извошчидай хиргойи қилади. Хонадоннинг шинавандаси. «Чах уриб» дейди. Чароғон кўтарма, ёз оқшоми. Музыка ўйнайди.

Ох, сиз шўх қизлар, шўх сиз қизлар
Денгиз бўйида ўйнайсизлар...

Милли ҳам шундай. Раста ёшнинг бўсалари: илк бўсалар. Қачонлар эди. Ойимқиз Мэрион. Энди эса тўшақда ётиб китоб ўқийди, сочининг толимларини ўйнайди, кулади, соч ўради.

Мубҳам бир ғашлик; борган сари кучайиб умуртқасини жизиллатиб ўтди. Ҳа, шундай бўлса эҳтимол. Йўл қўймаслик. Фойдаси йўқ; барибир ўзгартириб бўлмайди. Раста кизнинг майин, ширин дудоқлари. Буям ўшандоқ бўлади. У бутун вужудини ноаён бир ғашлик чулғаб келаётганини сизди. Ҳеч нарса килиб бўлмайди: бефойда. Ўпилган дудоқлар, ўпгувчи дудоқлар. Фунчадай тўлиққан аёл лаблари.

У узокда, шуниси ҳам тузук. Ҳар қалай, бир эрмак. Ўйнатгани кучук бокмоқчи бўлди. У ерга бориб келса бўлармиди. Августнинг биринчи душанбаси банк байрами, бориб-келишга бор-йўғи икки шилингу олти пенс. Лекин бунга ҳали бир ярим ой бор. Газета гувоҳномасини кўрсатиб текин олиш ҳам мумкин. Ё бўлмаса, Маккой орқали.

Мушук ўзини обдан ялаб бўлгач, гўшт юқи қоғозни яна бориб ҳидлади-да, кейин беписандлик билан эшикка қараб юрди. Унга ўтирилиб боқиб, бир миёвлади. Чикмоқчи. Эшикда кутиб тур, очилса чиқасан. Майли кутсин. Негадир асабийлашмоқда. Ялт-юлт чакмоқ чақяпти. Оловга орқасини тутиб қулоқчасини тозалайди.

У ўзини оғир сизди: кўп овқат едикми. Кейин ёзилгиси келди. У шимининг олдини ечиб, ўрнидан қўзғалди. Мушук унга миёвлади.

— Миёв! — деди мушукка тегажоғлик қилиб. Тўхтаб тур, мен ишимни битирай.

Оғир босди: бугун кун исийди. Тепага чиқиш шарт эмас.

Газета қани. У ёзилиб ўтириб ўқишни ёқтирарди. Шояд мен, ишни бажаргунимча биронта ҳам бетавфиқ халал бермас.

Стол тортмасидан «Янгиликлар»нинг эски бир сонини топди. Уни буклаб қўлтиғига кистирди-да, эшик томон бориб уни очди. Мушук юмшоқ-юмшоқ сакрай-сакрай зинадан юкорига чиқиб кетди. Э-ҳа, тепага чиқмоқчи экан-да, тўшакда кулча бўлиб ётмоқчи, шекилли.

У кулоғини динг қилиб туриб, хотинининг овозини эшитди:

— Кел, кел, момигим. Кел.

Блум ошхона эшигидан боққа чикди; кўшни боғда нима гап экан деб, кулоқ солиб турди. Тик этган товуш йўқ. Балки кирларини дорга ёйяптими. Қиролича боғда кир ёйяпти. Гўзал тонг.

Девор ёқалаб ўсган сўлғин ялпизларга эгилиб қаради. Бу ерга кўшк солиш керак. Турк ловияси, ёввойи узум экиш керак эди. Ҳаммасига гўнг, ўғит солиш даркор, тупроқ касалланган. Олтингугурт сепса яхши бўлади. Ўғит солмаса ҳар қандай тупроқ ишдан чиқади. Уйдан чиққан чиқиндилар. Чиринди — нима дегани? Кўшнининг товуклари бор: товук тезаги ер учун энг яхши ўғит. Лекин кунжара бериб боқилса, қорамол гўнгидан яхшиси йўқ. Компост. Чиринди. Аёлларнинг майин тери қўлқоплари яхши тозалайди. Ўзи гўнг, лекин тоза қилади. Кул ҳам тозалайди. Ерни ёпласига яхшилаш керак. Ҳов анов бурчакка читти гуллар билан салат экса бўлади. Доим кўкатлар бўлса, қандай яхши. Лекин томорқанинг ҳам ўзига яраша ноқулайликлари бор-да. Анов Рух-Арвоҳлар кундаги асаларимиди ёки гўштга келадиган кўк пашшамиди?

Блум нари юрди. Дарвоқе, бошим қани? Бошқатдан яна қозикқа илган бўлсам керак. Ёки настда қолдиргандирман. Қизиг-а, нега эсимда йўқ. Дахлиздаги қозикда осадиган жой қолмаган. Тўртта соябон, шамсия, унинг ёмғир юқмайдиган пальтоси. Хатларни ердан йиғиштириб олдим. Дрэго магазинидаги қўнғироқ жанг-жунг қилаверди. Қизиг-а, худди ўша пайтда ўйлаб турган эдим. Ёка узра тўкилиб турган мой суртилган қора сочлар. Ҳозиргина сартарошхонадан чиққан чамаси. Бугун ваннага тушишга улгурармикинман? Тара-стрит. Айтишларича, анов кассада ўтирган кимса Жеймс Стивенснни йўқотишга ёрдамлашибди. О'Брайен.

Бу Длугач деганларнинг овози мунча паст? Агенда... нима бу ўзи? Келинг, келинг, хоним. Шавақи.

У оёғи билан ҳожатхонанинг лиқилдоқ эшигини итарди. Иш-қилиб, таъзия маъракасигача шимни расво қилмасак, бас, эҳтиёт шарт. Шифт паст бўлгани учун бошини эгиб ичкари кирди. Деворларнинг сувоғи кўчиб, моғорлаб ётар, ҳамма ёқли ўргимчак түри босган эди, уфунат ичида у шимининг боғичини туширди. Ўтирмасидан бурун девор ёруғидан қўшинининг деразасига муралади. Ўлтирарди қирол ғазнада. У ёқда зоғ йўқ.

У ҳожатдонга ўрнашиб ўтирди-да газета саҳифаларини ёйиб, яланғоч тиззалари устига қўйди. Янгироқ ва енгил-елпироқ бир нарсани топайлик, шошиб нима қилдик. Бироз сабр қил. Биринчи мукофот. «Мэтчемнинг зўр зарбаси». Муаллифи жаноб Филипп Бофой, манзили Театрчилар клуби, Лондон. Бир устунга бир гиней¹ қалам ҳақи уч ярим. Уч фунт² уч. Уч фунт, ўн учу олти.

Кечаги андак ич қотишдан асар ҳам қолмабди. Бали, бари жойида. Ич қотса, каскар саград дорисидан бир дона ичилса, кифоя. Ҳаётда ҳам шундай бўлиши мумкин эди. Мақола унга таъсир қилмади, юрак қилларини чертмади, лекин енгил ва жонли ёзилган. Ҳозир ҳамма ёзаверади. Ўлик мавсум. Ўздан таралаётган хидлар оғушида у бемалол ўтириб газетага кўз югуртирарди. Жуда жонли экан, қаранг: «Мэтчем бир сўйлаб юз куладиган бу соҳира қизни бир зарб билан қандай бўйсундиргани тўғрисида тез-тез ўйлаб қоларди, мана энди эса бу қиз». Бошланиши ҳам, охири ҳам насихатомуз. «Қўлни қўлга бериб». Қойил. У ўқиб чиқиб яна бир кўз югуртирди да, буни ёзиб, уч фунту ўн уч ва олти қалам ҳақи олган жаноб Бофойга чин дилдан ҳаваси келди.

Мен бир скетч³ ёзиб ташлашим мумкин эди. Имзо: Жаноб ва хоним Л.М. Блум. Бир мақолни олиб унга ҳикоя ёзиш. Қайси мақол? Бир пайтлар у хотини кийина туриб айтадиган гапларни ўз енгига ёзиб борарди. Биргаликда кийиниш яхшимас. Соқол киртишлай туриб, кесиб олди. Хотини этагининг илгақларини қадар қан, пастки лабини тишлаб қимтинарди. Унинг хатти-ҳаракатла-

¹ *Гиней* — инглиз тилла тапгаси (21 шиллингга баробар) Гвинеядан келтирилган олтиндан ясалган. Номи шундан.

² *Фунт* — Англия ва Ирландияда пул бирлиги. Бир фунт 100 пенсга баробар.

³ *Скетч* — кулгили, ҳазил мазмунида ёзилган ихчам эстрада асари (кичкина пьеса).

рини соатга қараб ўлчарди. 9.15. Нима, Робертс хали пулни тўла-мадими? 9.20. Грета Конрой қандай либосда эди? 9.23. Нимага ҳам шу тароқни олган эканман. 9.24. Карам ичимни дам қиляпти. Унинг локланган ботинкасидаги чанг доғи. Туфлиснинг тумшугини бирма-бир пайпоқ кийган болдирига тез-тез суртади. Хайрия зиёфатининг эртасига Мэйнинг оркестри Понкиеллининг соат ўйинини ижро этаётган эди. Хотини шундай деб тушунтирди: бу эрта-лабки соатлар, туш пайти, кеч киради, кейин тун тушади. Тишини тозалаган эди. Бу биринчи кеча эди. Унинг боши айланарди. Ел-пиғич шиқирларди. Нима, анов Бойлан бадавлатми? Унинг пули бор. Нима бўпти? Биз рақс тушаётганимизда унинг димоғидан ҳид келаётган эди, дейди хотини. Хиргойи қилиш керакмас, бўлмаса эсига тушади. Кечаги музика жуда ғалати-я. Кўзгу қоронғироқда эди. Хотини ўзининг кичкина ойпачасини тўлғин кўкраклариди сиртилиб турган тивит жакетига артди. Ўзини кўзгуга солди. Кўзи қамашиб, барибир ҳеч нарса кўринмади.

Оқшом чоғлари кизлар кўкиш газ либос кийишган. Тунги соатларда қора либосларда ханжарлар тақиб, ярим ниқоб тутиб чиқишади. Жуда шоирона: олдин оч қизил, кейин тилларанг, сўнг бўз тусли ва қора. Ниҳоятда табиий. Кун кейин тун.

У газетадан тақдирланган ҳикоянинг ярмини шариллатиб йиртиб олди-да, суртинди. Кейин шимини кўтариб, боғичларни қадади. Хожатхонанинг лиқирлаган эшигини ёпиб, ярим қоронғидан ёруққа чиқди.

Кўз камаштирадиган ёруғда у енгил ва бардам тортиб, ўзининг қора шимини, тиззалари, почалари, болдирларини яхшилаб кўздан кечирди. Кўмиш маросими қачон? Газетадан қараш керак. Тепаёқдан, ҳаводан бўғиқ қасирлаган сас эшитилди. Авлиё Журжи черковининг жом садоси. Темир тиллар вақтни мезонга солиб даранглайди:

Даранг-дурунг! Донг!

Даранг-дурунг! Донг!

Даранг-дурунг! Донг!

Чорак кам. Кейин яна ва яна: ҳаво зириллаб акс садо беради. Терция¹.

Шўрлик Дигнам!

¹ Терция — музикада диатоник гамманинг учинчи поғонаси.

5-ВОҶЕА

Жаноб Блум сэр Жон Рожерсоннинг соҳил бўйидаги аравалар, Уиндмиллейн, Лискнинг ёғ заводи, алоқа-телеграф идораси ёнидан сипо қадам ташлаб бамайлихотир юриб борди. Манави манзилга ҳам мумкин эди. Кейин у денгизчилар уйи ёнидан ўтди. Кейин соҳил бўйининг эрталабки шовқин-суронларини орқада қолдириб, Лайм-стрит бўйлаб юрди. Бредди коттежларида бир бола ўралишар, қўлида ахлат челаги осилиб турар, чайналган папирос қолдигини тутарди. Ёши ундан кичикроқ пешонасида чилла ярасининг изи қолган бир қизча синган чамбарагини паришон ушлаб ундан кўз узмасди. Айтайми унга, агар шу ёшдан чексанг, ўсмай қоласан деб. Э, худо хайрини берсин! Хаёти унчалар ҳам ширин эмасдир. Отасини уйга етаклаб кетиш учун қовоқхоналар эшигида пойлаб ўтиргани ўтирган. Юринг, ота, ойим кутиб ўтирибди. Ўлик дам, афтидан у ерда одам кўп бўлмаса керак. У Таунсэнд-стритни кесиб ўтиб, Бетэл черковининг хўмрайган дарвозаси ёнидан ўтди. Ҳа, эл, унинг уйи: алиф, бет. Энди Николснинг кўмиш идораси олдидан ўтиб кетамиз. Маросим ун бирга тайинланган. Ҳали вақт анча бор. Чамаси бу ишни О'Нилга Корни Келлехер тўғрилади. Кўзини юмиб ашула айтади. Корни. Уни бир куни шаҳар боғида учратиб қолдим. Улар жуда исиб, терлаб кетишган экан. Мана сизга қуюлмаган қиз. Полиция айғоқчиси. Кейин ўзининг исми ва тураржойини айтди самимият билан тамтара-рам пам-пам. Ҳа, албатта, у ҳаммасини ўз қўлига олган. Уни бирон бир жойга арзонроққа кўминг, қаерни хоҳласангиз ўзингиз биласиз. Самимият ила тамтара-рам тамтара-рам.

Вэстлэнд-роуга етгач у Белфаст ҳамда Шарқ чой компаниясининг кўرғазмаси олдида тўхтади-да, зар қоғозга ёзилган сўзларни ўқиди: энг яхши, олий нав, оилавий чой. Намунча иссиқ. Чой. Том Кернандан олиш керак. Ҳар қалай, маросимда сўраш

ноқулай. Маъсум кўз қараш билан ўқиркан, у бошидан шляпа сини олиб, сочларининг мойли ҳидини хотиржам хидлади ва ўнг қўли билан мағлайи ҳамда сочларини оҳиста келиштириб силади. Эрталабдан иссиқ одамнинг дамани қайтаряпти. Унинг ярим юмилган кўзлари ўзининг олий сифатли шляпасининг ич томонидаги камбаргина чарм гардишини топди. Унинг бармоқлари чарм гардиш ичига кистириб қўйилмиш қоғоз парчасини тезгина чиқариб олди да, уни нимчасининг киссасига тикди.

Мунча иссиқ. Унинг ўнг қўли аввалгидан ҳам оҳистароқ тарзда яна сочларини силаб сийпалади: Сейлоннинг энг аъло навларидан қўшиб тортилган чой. Узоқ Шарк. Жуда ғаройиб ўлка бўлса эҳтимол: дунёнинг жанинати, шалпаңглаган катта япроқлар, уларнинг устига ўтириб сувда сузиш мумкин, кактуслар, чаманзор ўтлоқлар, илон чирмовуклар, улар шундай деб аталади. Ўзи асли шундаймикин? Сарандиб одамлари соя-салқинларда роҳат килиб ётишади, dolce for niente¹ дегандай, кун бўйи хатто жимжилоқларини ҳам қимирлатиб қўйишмайди. Йилига олти ойни ухлаб ўтказишади. Шунақанги иссиқки, жанжаллашгинг келмайди. Иқлимнинг таъсири хушсизлик. Дангасалик гуллари. Ҳаво — энг яхши озиқ. Азот. Ботаника боғларида оранжереялар. Менга тегма, дейдиган ўсимликлар. Сув сафсарлари. Гулбарглари шунчалар ҳолсизки, қўяверасиз. Ҳаво уйқу касалига тула. Тўкилган гул япроқларини босиб борасан. Улар қани бир бузоқ ичак-чавоқларию оёқ-туёқларини татиб кўрсинлар чи.

Қаерда эди, анов йигитча. Мен уни қандайдир бир суратда кўрган эдим? Эҳ-ҳа, ўлик денгизда эди-я, елкаси билан сувга ётиб шамсия тутиб китоб ўқирди. Агар хоҳласанг ҳам, чўкиб бўлмайди: сув шунчалар шўр. Бунинг сабаби шуки, сувнинг оғирлиги, йўқ, жисмнинг оғирлиги сувга чўккан пайтда шундай оғирликка тенгки... Ёки ҳажм вазнга баробармикин? Ҳар ҳолда, шунга яқин бир коида бор. Вэнс мактабда дарс пайтида бармоқларини шиқирлатарди. Машғулотлар. Қисирлаган машғулот. «Вазн» деганда моҳиятан қандай вазн назарда тутилади? Сонияда ўттиз икки фунтми, ё сония ичидами? Жисмларнинг қулаш қонуни. Сониясигами, сониядами? Барча жисмлар Ерга қулайди. Ер. Ернинг тортиш қонуни, вазн дегани мана шу.

У ўгирилиб, кўчанинг нариги бетига ўтди. У сосискаларини кўтариб қандай юриб борди-я? Қандайдир мана мундайроқ. У йўл-

¹ Лаззатли эринчоқлик (итал.).

йўлакай қўйин чўнтагидан букланган газетани чиқарди-да, уни ёйиб, найча қилиб ўради-да, ташлаётган қадамларига мослаб шимининг ёнига ура бошлади. Бепарво шундай бир қараб қўйиш учун. Сониядами, сония ичидами. Сонияда. Ҳар бир сонияда дегани. У девор оша алоқа бўлими эшигига тап тортмай қаради. Кечиккан хатлар яшиги. Алоқа бўлими шу ерда. Ҳеч ким йўқ. Қирамиз.

У мис панжара аро гувоҳномасини узатди.

— Менга хат борми? — деб сўради.

Алоқа хизматчиси уяни титкилаб қараркан, у аскар ёлловчи плакатга тикилиб қолди: унда барча аскар турларининг паради тасвирланган эди. У думалоқланган газета ўрамини тумшуғига тутди, бурнига босмахона рангларининг латта қоғоздан келаётган хиди урилди. Афтидан, жавоб келмаган. Охирги сафар анча мунча ҳаддидан ошган эди.

Хизматчи ойимқиз панжара орасидан гувоҳномага қўшиб хат узатди. У миннатдорлик билдириб, дарров хат манзилига кўз югуртирди:

Генри Флауэр жаноблари, талаб қилиб олгунча, Вэстлэнд-роу ал бўлими, Сити.

Ҳар қалай жавоб ёзибди. У гувоҳнома ва хатни ён чўнтагига солди, яна бир бор парадга тизилган аскарлар суратига қаради. Қария Твидининг полки қаерда? Истеъфодаги аскар. Мана: айик терисидан қалпоқ ва хўроз патлари. Йўқ, у гренадер¹. Енгида ўткир учбурчак қайтармалар. Мана у: қиролнинг Дублин ўқчилари. Қизил калта камзуллар. Ҳаддан ортик олифта булар. Шунинг учун қизлар уларни таллашиб ўзларини осиб қўйишади. Мундир. Ёллаш ва чиниқтиришга қулай. Мод Гоннинг мақола-си. Уларни кечаси О'Коннел-стритга чиқармаслик ҳақида: Ирландия пойтахти учун уят-шармандалик. Граффитснинг газетаси ҳам энди шуни чайнагани чайнаган. Таносил касалликларидан чириб бораётган қўшин: денгизлар мамлакати, ҳолбуки денгиз унинг тўпиғига чиқмайди. Ташқаридан қарасанг, уларнинг акли жойида эмасга ўхшайди: худди гипноз қилингандай. Гўддаинг! Қадам! Стол: ол. Каравот: от. Ҳазрат олийларининг хос мулки. Уни ҳеч қачон полиция либосида кўрмаганман. Масон², ҳа.

¹ Пийёда ва отлик сара ҳарбий қисмларнинг жангчиси.

² *Масонлар* — диний ахлоқий жамият аъзолари. Ахлоқий камолот тарғиботи махсус яширин расм русумлар билан қўшиб олиб борилган.

У алоқа бўлимидан оҳиста чиқди-да, унғ томонга бурилди. Эзмачурук гаплар: гуё шундан бирон нарса узгарадигандай. У қўлини чўнтагига тикди — кўрсаткич бармоғини хат филофининг қопқоғи тагига сукди, туртиб-суртиб филофни йиртиб очди. Хотинлар ҳар қалай мана бундай эҳтиёткорлик қилмасалар керак. Бармоқлари хатни илаштириб олиб чиқди-да, хат филофини чўнтакда ғижимлаб қўйди. Нимадир қадаб қўйилганми: суратмикин балки? Соч толасими? Йўқ.

Маккой. Ундан тезроқ қутулиш керак, халақит қилади. Вақтимни олишларига сира тоқатим йўқ. Ишим кўп.

— Алло, Блум. Йўл бўлсин?

— Алло, Маккой. Ўзим шундай, айланиб.

— Ишлар қалай?

— Қойил. Ўзингиз қандай?

— Аста-секин, ёмон эмас, — деди Маккой.

У қора бўйинбоғу қора кийим-бошга назар солиб, ҳурматан овозини пасайтириб сўради:

Тинчликми, ҳаммаси яхшими ишқилиб? Сиз мундай...

— О, йўқ, — деди жаноб Блум. — Шўринг қурғур, Дигнам, сиз уни танирдингиз-ку. Бугун ерга қўйишади.

— Э, ростдан-а! Бечора. Рост, рост. Соат нечада?

Йўқ, сурат эмас. Балки қандайдир бир тамға памғадир.

— Ў... Ўн бирда, — жавоб берди Блум.

— Улгуриб борарман балки, — деди Маккой. — Ўн бирда дейсизми? Мен кеча кечда эшитган эдим. Хаҳ, кимам айтди-я? Э, Холохан... айтди. Шумтакани танийсиз-ку, а?

— Танийман.

Жаноб Блум кўчанинг нариги бетида «Гровнор» меҳмонхонаси эшиги олдидаги кэб аравага қаради. Эшик оға чамадонни ўриндиқлар орасига қўйди. Хотин бир четда қимирламай қараб турар, унга ўхшаган бир одам, эрими, акаси, чўнтагини кавлаб, танга-чақа изларди. Гардиш ёқа замонавий тикилган пальто, ҳозирга иссиқлик қилади, албатта, кўринишидан пахмоққа ўхшайди. Қоплама чўнтагига — ҳозир шунақа кийишяпти, — қўлларини суқиб, бепарво турибди. Поло¹ мусобақасидаги анов кеккайган хотинга ўхшаб. Нуқтасига урмагунингча ҳамма хо-

¹ Чавгон ўйини (от миғиб ўйналади).

тинлар ҳам димок-фироқ қилишади. Келишган хотин экан, туриши чиройли. Жисми чиройлининг иши чиройли.

Бир ҳамлага чидайдиган қалъа Хурматли бекойим ва Брут ҳам хурматга лойиқ. Бир марта кунглини олсанг, дарров димок-фироқни бас қилади.

— Мен Боб Дорэн билан бирга эдим, у яна мук тушиб ичяпти. Яна оти ким эди — Бентам Лайонс ҳам бор эди. Бу ердан узоқ эмас, Конвэйникида эдик.

Дорэн, Лайонс Конвэйникида. Анов хотин қўлқопдаги қўлини сочларига теккизди. Шунда шумтака кириб қолди, томоғини ҳўллаб улгурибди. Блум бошини орқасига ташлаб, ярим юмилган қовоқлари остидан узоқларга сарасоф солиб, у куёш шуълларида ярақлаб кетган ёрқин қизғиш сахтиён қўлқопни, унинг кенг очик тикилган хошияларини кўрди. Бугун мен узоқларни ҳам яхши кўряпман. Балки намгарчиликдан бўлса керак. Нимадир деяпти. Кибор зодагоннинг қўли. Хотин кэбга қайси эшикдан ўтираркин?

— У дейдики, жуда қайғули хабар эшитдик. Унга жуда ачинаман. *Бечора Падди ўзимизнинг одам эди! Қайси Падди?* — дейман. *Шуринг қураур, бечорагина Падди Дигнам, дейди у.*

Чорбоққа кетишяпти. Бродстоун орқали боришса керак. Баланд қизғиш бошмоқ. Иплари осилиб турибди, оёғи чиройли. Мунча бу имирсилайди пул қидириб? Қараётганимни пайқади. Илинж билан қарагани доим сезишади. Ҳар эҳтимолга қарши керакли юкнинг оғири йўқ.

— *Қандай?* — дейман. *Унга ўзи нима бўпти?* — дейман.

Мағрур: бой-бадавлат: ипак жўра.

— Шундай, — деди жаноб Блум.

У Маккойнинг жағи очилган калласидан ўзини биров нари олди. Ҳозир чиқиб ўтиради.

— *Унга нима бўпти?* — дейди у. — *Ўлибди, дейди у.*

Вой, онагинам-а, у шу захоти ўзига қуйиб ичди. *Наҳотки Падди Дигнам?* Дейман мен. Эшитиб, қулоғимга ишонмадим. Кунни кеча ахир, ўтган жумада эди, йўқ, пайшанбада у билан бирга «Камалак»да ўтирган эдик. *Тўғери, дейди у. Бизни ташлаб кетди. У душанба кунни кўз юмди, бечорагина.*

Қара! Қара! Ипак порлоқ оқ пайпоқ! Қара!

Чанғироқларини жаранг-журунг қилиб трамвай ўтди ва уларни тўсиб қўйди.

Кўринмай қолди. Тумшугингдан ўргилдим сен трамвайнинг! Хейнсоннинг кечинмаси билан иши йўқ. Жаннат ва пари. Ҳамиша шундай. Айни дамда. Юстейс-стритда дарвозахонада турган киз, душанба куни эди, боғичларини тўғриларди чамаси. Томоша. Дугонаси ёнида уни тўсиб турарди. *Esprit de corps*¹. Хўп нега кўзингни лўқ қилиб турибсан?

— Шундай, шундай, — деди жаноб Блум оғир хўрсиниб. — Яна биримиз бизни ташлаб кетди.

— Яхшиларнинг яхшиси эди, — деди Маккой.

Трамвай ўтиб кетди. Кэб Лун-Лайн кўприги томонга шитоб елди, бежирим қўлқоп кийган аёлнинг қўли араванинг пўлат дастасини тутиб турарди. Порлоқ, порлоқ, аёл шляпасининг ялтур-юлтурлари офтоб шуълаларида порлоқ: порлоқ, порлоқ.

— Аёлингизнинг соғликлари яхшими? — сўради Маккой мавзуни ўзгартириб.

— Яхши, яхши, — деди жаноб Блум. — Жуда ҳам яхши, раҳмат сизга.

У ўралган газетани эринчоқлик билан ёйди, паришон чайна-либ ўқий бошлади:

Пломтриннинг гўшт
Консервалари
Улар бўлмаган уйда
Рўшнолик йўқ.
Улар бўлган жой
Жаннатга айланади

— Оиламга катта концерт учун таклиф тушди. Яқинда ҳал бўлади.

Ҳозир чамадондан гап очади. Бошлайвер, бошлайвер, торти-ниб ўтирма. Менга бу қилиғинг кетмайди.

Жаноб Блум ковоқлари оғир уюлган кўзларини унга бамай-лихотир ва дўстона тикди.

— Менинг аёлим ҳам шундай, — деди у. — Йигирма бешинчида Белфастдаги Улстер саройида қайсидир катта концертда қатнашади.

— Э шундайми? — деди Маккой. — Мен жуда хурсандман, ойна. Ким буни ташкил қиляпти?

¹ Дўстлик удуми (франц.).

Миссис Мэрион Блум. Хали ўринларидан турганлари йўқ. Қиролрича хоним ўз ётоғида ётибдир, ёғ ва мураббо. Китоб йўқ. Қирланган қарта, фақат суратлари қорайган қироллар, моткалар, саллотлар унинг бели ёнида еттитадан қаторлашиб турарди. Қорасоч ва оқсоч. Мўйнали мушук қора дигирчак. Жилди очилган хат парчаси.

Муҳаббатнинг эски
Ширин
Ширин
Қўшиғи
Муҳаббат қай да-са-а-и...

— Биласизми, бу турнега ўхшаган бир гап, — деди жаноб Блум ўйчанлик билан. — *Муҳаббат қўшиғи*. Бутун бир комитет ташкил бўлган. Харажатлар ҳам тенг, фойда ҳам тенг бўлинади.

Маккой мўйлабининг учини тортқилаб ўйнаганча, бошини қимирлатди.

— Э-ҳа, шундай денг, — деди у, — хушхабар.

Хозир жўнайди.

— Хўп, майли, мен жуда хурсандман омадингиз келганидан, — деди у. — Мен олдингизга албатта, кириб ўтаман.

— Бош устига, — деди жаноб Блум.

— Айтмоқчи, яна бир нарса демоқчи эдим, — деди Маккой. — Маросимга борсангиз, илтимос, мани ҳам рўйхатга киритиб қўйинг, майлими? Жуда ҳам боргим келяпти, лекин, чамаси, иложим йўқ. Сэндикоувда биров чуқиб кетган экан, агар мурдасини топишса, терговчини олиб у ёққа боришга тўғри келади. Мабодо мен етиб келолмасам, сиз номимни шундоқ рўйхатга қўшиб ёздириб қўйинг, яхшими?

— Яхши, — деди жаноб Блум кетишга чоғланиб. — Ёзиб қўямиз.

— Маъкул, — хурсанд бўлди Маккой. — Раҳмат, қадрдон. Иложини қилсам, албатта, бораман. Хўп, хозирча. К.П. Маккой деб қўшиб қўйсангиз, бас.

— Адо этамиз, — қатъият билан ваъда қилди жаноб Блум.

У мендан ўзмоқчи эди, эпллмади. Пона уриб кўрди. Лақиллатмоқчи бўлди. Ақлим ҳали жойида. Бу чамадон менинг жону дилим. Сахтиён тери. Барча бурчакларга темир қоқилган, зихларига қатор майда қалпоқли мих уриб чиқилган, қулф-

калити иккита. Елканли қайиқларнинг Уиклоудаги мусобақаси куни бериладиган концертда Боб Каули унга чамадонини қарз бериб турган эди, мана шу кунгача ундан дарак йўқ.

Жаноб Блум Брунсвик-стрит томонга пошилмай йўл олди, унинг лабларида табассум ўйнади. Хотин пошпа ҳозиргина олдилар. Занг босган, гичирлаган сопрано. Бурун худди пишлоқнинг пўстлоғидай. Қисқа баллада учун ўзига яраша, ёмон эмас. Шираси йўқ. Ҳар иккимиз, тушундингизми? Битта қайиқда. Совун сурмай, суркалади. Аччиғинг чиқади-да. Нахотки у ўртадаги фарқни сезмаса? Чамаси, унинг ўзининг ҳам бунга майли бор. Мен эсам бундай ҳазилларни ёқтирмайман. Билган эдим Белфастни айтсам таъсир қилишини. Сувчечак маддалаб кетмагандир у ерда, хойноҳой? Бирдан у яна қайтадан эмлатишга кўнмаса-чи. Сизнинг рафиқангиз ва менинг рафиқам.

Анов орқамдан кузатмаяптими?

Жаноб Блум чорси муюлишида Кантрелл ҳамда Кокрейннинг Занжабил зирavorидан тайёрланган (муаттар) пивоси рангин рекламаларига кўз югуртириб турди. Клери ҳузурида ёзги улгуржи савдо. Йўқ, биз тўғрига юрамиз. Аҳа! Бугун оқшом «Лия» да ойимиз Бэндмен Палмер. Жон деб яна бир карра уни кўрган бўлардим. Кеча у «Хамлет»ни ўйнади. Эркак роли. Балки, Хамлет хотин киши бўлгандир. Нега Офелия ўзини ўлдирди? Шўрлик отам! У шу ролни ўйнаган Кэйт Бейтмэнни кўп гапирарди! Шу томошага тушиш учун Лондонда уззу кун «Аделфи» театри олдида кутиб турарди. Бу мен дунёга келмасимдан бир йил бурун бўлган: олтмиш бешинчи йилда. Венада эса Ристори. Тўғри аталмиши нима эди? Мозенталнинг «Рахил» асари эмасмиди? Йўқ. У ерда яна бир кўриниш бор. Отам доим шуни ҳикоя қиларди; кўзи кўрмай қолган қари Иброҳим алайҳиссалом овозидан таниб, кафти билан унинг юзини пайпаслайди.

Натаннинг овози! Унинг ўғлининг овози! Мен Натаннинг овозини эшитаётирман, у менинг қўлимда йўқчилик ва ғамаламдан жон бераётган отасини ташлаб кетди, у ўз отасини ташлаб кетди, у ўз отасининг уйини, отаси сиғинган худонинг уйини ташлаб кетди.

Бу ерда ҳар бир сўз шунақанги теранки, Леополд.

Шўрлик отам! Шўрлик! Мен хурсандман. Мен унинг хонасига кирмадим ва юзини кўрмадим. Ох, ўша кун, ўша кун. Худойим, худойим! Уфф-эй! Балки шу унинг ўзига яхши бўлгандир.

Жаноб Блум муюлишга бурилди-да, боши солинган извош кирчангилари ёнидан ўтди. Бошқа буни ўйлаб ўтиришнинг хожати йўқ. Хозир уларга ем беришяпти. Афсус, мен анов Маккойга дуч келиб қолдим-да.

У яқинроқ келгач, сариқ арпанинг киртиллаши, от жағларининг юмшоқ хўрт-хўртини эшитди. От пешобларининг ширинак арпа ҳиди оралаб ўтаркан, отларнинг буғу каби катта-катта кўзлари уни кузатиб қоларди. Бу улар учун Элдорадо олтини. Шўрлик жиннивойлар! Дунёдаги ҳеч нарса билан ишлари йўқ. Хуржун ичига узун тумшукларини тиқишса, бас. Семизликдан гапиришни ҳам хоҳламайдилар! Овқатлари вақтида тайёр, отхоналари доим шай. Ўзлари бардам ва тентакнамо.

У хатни чўнтагидан чиқарди-да, қўлидаги газета ичига тиқди. Яна хотиним рўпарамдан лоп этиб чиқиб қолмасин. Ёнкўча тинчрок.

У извошчилар қовоқхонаси ёнидан ўтди. Извошчиларнинг ҳаёти жуда антиқа, ҳар қандай об-ҳавода қайга деса боради, вақтнинг ҳам фарқи йўқ, ихтиёрлари ўзларида эмас. *Voglio e non.* Уларни мен папирос билан сийлайман. Муомалани билишади. Ўтиб кетаётиб албатта бир нарса деб кўнгил учун қичкириб қўйишади. Блум хиргойи қилди:

La ci darem La mano

Ла ла лала ла ла.

У Камберленд-стритга бурилди-да, бир неча қадам юргач, вокзал девори олдида тўхтади. Ҳеч ким йўқ. Мид деганнинг ёғоч омбори. Хари ёғочлар қалашиб ётибди. Нариси вайроналар ва казарма уйлари. У тўсиқ девордаги болалар чизмаси устидан эҳтиёт бўлиб ошиб ўтди. Бир жон кўринмайди. Ёғочхонадан сал нарида ёлғиз бир болакай чўккалаб майда тошларни ўйнар, йўғон бармоғи билан тошчаларни юқорига чаққон иргитарди. Ақлли тарғил мушук кўзини сфинксдай пирпира-тиб иссиққина зинада ётиб болакайни кузатарди. Уларга халал бермаган маъқул. Муҳаммад алайҳиссалом мушукнинг фароғатини бузмаслик учун тўнининг этагини қирқиб қўйганлар. Энди очай. Бир пайтлар ҳов анов кекса хонимнинг мактабига қатнаганимда, мен ҳам тўп-тош ўйнаганман. Хоним қалампиргулни яхши кўрар эдилар. Миссис Эллис. Э, мистери ким экан-а? У газета орасидан чиқармаган ҳолда мактубни очди.

Чечак гул. Бу гул, чамаси... Япрокчалари эзилган сарик гул. демак, хафа эмас экан. Қани, нима деб ёзибди?

Азизим Генри.

Сенинг охирги хатингни олдим, бунинг учун сендан жуда миннатдорман. Охирги ёзган хатим сенга ёққанлигидан жуда таасуфдаман. Нима учун марка ёпиштириб юбординг? Сендан қаттиқ хафаман. Шунинг учун сени қаттиқ таъзирингни бергим келяпти. Мен сени ёмон бола деб атаганимнинг сабаби, мен ана шу бошқа дунёни яхши кўрмайман. Марҳамат қилиб, менга тушуштириб бер чи, бу сўз нима дегани? Менинг шўрлик, кичкина, ёмон болакайим, ахир сен оилавий турмушингда бахтиёр эмасмисан? Сенга ёрдам берсам деган эдим. Мен тўғримида нима деб ўйлайсан, илтимос қиламан, шуни менга ёзиб юбор. Сенинг номинг қандай ажойиб, кўпинча шуни ўйлайман. Азизим Генри, биз энди қачон учрашамиз? Сани қалчалар бот бот ўйлашимни тасаввур ҳам қилолмайсан. Ҳеч бир эр киши ҳеч қачон хаёлимни шунчалар банд қилган эмас. Бунинг учун ўзимга-ўзим қаттиқ танбеҳ бераман. Илтимос, менга узун хат ёзиб, ҳаммасини ҳикоя қилиб бер. Эсингда бўлсин, агар шундай қилмасанг, ботлаб таъзирингни бераман. Ана энди сен, ёмон бола, билиб олдинг агар хат ёзмасанг, сени нима қилишимни. Сен билан кўришишни қанчалар орзиқиб кутаман. Генри, азизим, менинг сабр косам тўлиб-тошмасин десанг, ўтинчларимни адо эт. Ўшанда сенга барини сўйлаб бераман. Хўп бўлмаса, хайр, менинг суюкли, ёмон болакайим. Бугун бошим жуда қаттиқ оғриятти, кейинги почта билан албатта, хат жўнат, сени соғинган

Мартанг.

Боки: Хотининг ўзига қандай атирлар сепади, менга шуни ёзиб юбор. Билгим келади.

У чечак гулни тўғнағичдан олди, искаб кўрди, ҳиди йўқ хисоби, кейин кўкракчўнтагига солиб қўйди. Чечак гуллар тили, улар уни севарлар, зеро ҳеч ким бунга англамас. Балки уни ўлдириш учун заҳарланган гулдаста. Кейин у секин-секин одимлаб хатни қайтадан ўқиди, дам-бадам баъзи сўзларни шивирлаб такрорлади. Лола сендан хафа жонидан норгул таъзирингни бераман кактус агарда сен илтимос шўрлик бўтакўз орзиқиб кутаман бинафша азизим атиргул бот-бот ўйлайман айиктовон кўришгунча ёмон бола мингдевона хотин Марта атир-

лар. У хатни ўқиб бўлгач, газета ичидан олди-да, яна қайтадан чўнтагига солиб қўйди.

Лабларида осуда илжайиш асорати кўринди. Биринчи хатини жўнатгандан бери ўзгарибди. Ажабо, хатни ўзи ёзганмикин. Ўзини жаҳли чиққандай қилиб кўрсатади: мендек туппа-тузук нозанин аёл, ўзини тутиб олган, феъл-атвори келишган. Бирон бир кун якшанбада черковдан чиққач, кўришсак бўлармиди. Сизга ташаккур: бундай ниятим йўқ. Одатий ишқ можароси. Кейин бурчак-бурчакка чопиш. Молли билан бошимиздан ўтган, ҳавас қиладиган жойи йўқ. Сигара одамни тинчлантиради. Оғу. Келаси сафар пича олға силжиймиз. Ёмон бола: таъзирингни бераман: сўзлардан кўрқади, албатта. Бераҳмлиқ, шундай эмасми? Ҳар қалай уриниб кўраман. Аста-секин, ювош-ювош.

У хатни бояги-боягича қўли билан пайпаслаб, ичидан тўғнағични суғуриб олди. Одми тўғнағичми, ишқилиб? Уни ерга ташлади. Бирон кийим-бошдан олингандир, ҳаммаси қадаб қўйилган. Кулгинг кистайди: тўғнағичлари мунча кўп уларнинг. Тикансиз гул бўлмас.

Дублиннинг ўқтам овозлари унинг боши ичида сурон соларди. Кумда кечаси кўрганим анов иккита қиз қўл ушлашиб ёмғирда кетиб боришарди.

Ох, Мэ эри иштонидан тўғнағич тушди
Нима қилсин бечора
Йиқилмагай ишқилиб
Йиқилмагай ишқилиб.

Ўша қизми? Ўша қизларми? Бошим қаттиқ оғрийди. Анов хотинлар касали бўлса керак. Ёки кунбўйи ўтириб машинкада ёзади. Бир нуқтага тикилиб ўтиравергандан кейин қоринга ҳам оғриқ киради. Хотининг қандай атирлар сепеди? Ол-а, ол-а.

Йиқилмагай ишқилиб

Марфа, Марйам. Қаердадир бир сурат кўргандим, кимлиги эсимда йўқ, эски рассоммиди ё тақлидан ясалган. Исо улар қошида ўтириб гаплашяпти. Асрорий гап. Кумлик анов иккита қиз ҳам жон деб унинг гапини тинглашган бўларди.

Йиқилмагай ишқилиб

Оқшом ҳавоси ажойиб. Бошқа ҳеч қайга боргинг келмайди. Ётсанг ётаверсанг: осуда хуфтон: қўй, бари қандай борса шундай борсин. Унут. Кўрган жойларингни ҳаммасини ҳикоя қилсанг, ўзгаларнинг турмуш кечиришларини. Бошқа бири, бошида кўза кўтаргани кечки таом тайёрларди. Мева-чевалар, зайтун, тош қудукдан олинган сув муздай, ажойиб, Эштаундаги девордан чиқариб қўйилган булоқ сувидай мазали. Кейинги сафар чопишга чиққанамда қоғоз идишча олволишим керак экан. Анов хотин қора меҳрибон кўзларини катта очиб гапингни эшитади. Унга ҳикоя қилиб беришим керак: ҳамма-ҳаммасини, яна ва яна. Кейин у хўрсиниб қўяди: жим бўлиб қолади. Узок, узок, узок тин.

Темир йўл кўприги тагидан ўта туриб у хатни чўнтагидан олдида, уни тез майда-майда қилиб йиртиб, йўл устига ташлади. Хат парчалари учиб кетдилар; туманларга чўмдилар: оппоқ парвоз айлашиб, сўнг бари чўкди, ғойиб бўлди.

Генри Флауэр. Юз фунтли чекни ҳам шундай оппа-осон майда-лаб йиртиб ташлаш мумкин. Арзимаган қоғоз-да. Лорд Айви бир куни Ирланд банкидан еттита сонли чек олган. Бир миллион. Ана сизга портердан келган мўмай даромад. Бошқа акаси лорд Арвилон эса кунига қўйлагини шалаббо бўлиб кетганидан тўрт мартадан ўзгартирармиш. Бўлмаса терисига бит билан сирка тушармиш. Миллион фунтми, қани, гўхтанг-чи. Бир пинти икки пенс, бир кварталаси тўрт пенс, бир галлон портери саккиз пенс, йўқ, бир галлон портери бир шиллингу тўрт пенс бўлади. Бир ва тўртни йигирмага: тахминан ўн бешта. Тўғри, шундай. Ўн беш миллион бочка портер.

Бочка деяпманми? Бочкамас, галлон. Барибир миллион бочкага яқин.

Унинг боши устидан оғир гулдираб поезд ўтди: вагон кетидан яна вагонлар. Унинг калласи ичида бочкалар қалдирарди: улар ичида хира портер чайқалиб шалоқлар ва кўпикланарди. Тиқинлари очилиб кетди, хира суюқлик бир қудратли оқимга айланиб отилиб оқишга тушди, ботқоқ текис ўтлоқларда айлана-бурала ўзига йўл топди, қуюндан ғужғон ўйнаб ўз кўпирган издиҳоми тўлқинларида шапалоқ баргли гулларни окизиб кетди.

У барча авлиёларнинг очиқ турган орқа эшиги олдида тўхтади. Ҳавоза остига чиқиб, шляпасини ечди, чўнтагидан суратни олиб, уни яна чарм гардиш орқасига қистириб қўйди. Эҳ, шайтон! Нега мен Маккойдан Мэллингерга текин билет топиб беришни сўрамадим.

Эшик тепасида уша-уша ёзув. Ҳазрат Жон Конмининг авлиё Питер Клэвер ҳамда Африкадаги тарғиботлар мавзуидаги сўзи. Хитойда миллионларни кутқариш. Қизиқ, улар буларнинг ҳаммасини галча хитойликларга қандай қилиб тушунтиришаркин. Қиттай гиёҳни афзал қўришади. Осмон ўғиллари. Улар учун бу кип-қизил бидъат. Гладстон беҳуш бўлиб ётганда, унинг динга киришини сўраб худога илтижо қилишган. Протестантлар ҳам худди шунақа. Ҳуқуқ доктори бўлмиш доктор Вилям Ж. Уолш-ни ҳақиқий дин кучоғига ўзинг қайтар, худоё. Уларнинг Худоси Будда музейда ёни билан ағанаб ётибди. Қўлига юзини қўйиб қулай жойлашиб олган. Ифор ҳид таратувчи шамлар ёқилган. Одамий Исо Масихга сира ўхшамайди. Буники тиканли гулчам бар ва хоч. Яхши ўйлаб топишган — авлиё Патрик ҳамда себарга. Таом ейдиган хитой чўпларими? Конми: Мартин Каннингхем уни билади: салобатли одам. Моллини қўшиқчилар хорига жойлаштиришни бекор унга айтмабман, нега ҳам патер Фарлига айтдим, ўзи тентак бўлмаса ҳам, тентакка ўхшаб туради. Уларни шунга ўргатишади. У қоратанлилари динга киритиш учун кўк кўзойнак тақиб ҳеч қачон қора терга ботиб ўтирмасди. Кўзойнаги ярқираб уларнинг диққатини жалб қилган бўларди. Уларнинг давра қуриб, қалин дўрдоқ лабларини чўччайтириб, сеҳрлангандай бўлиб ўтиришлари ҳам қизиқ бўлса керак. Натюрморт. Худди сутдай чалпиллатиб ичишса эҳтимол.

Муборак тошларнинг совуқ мазаси уни ўзига тортарди. У сийқаланиб кетган эшаклардан юқорига кўтарилди, орқа томондан ўтиб эшикни итарди.

Нимадир бор бунда: аллақандай биродарлик. Афсус, ҳеч ким йўқ, бўм-бўш. Ажаб холи жой, ёнингда бир қизча бўлса, янаям яхши. Менинг қўшним ким экан? Сокин янграган музика остида доим ёнма-ён турасан. Тунги ибодат чоғидаги анави хотин. Еттинчи осмон. Хотинлар ўриндиқлар олдида бўйинларига қизил ленталар ташлаб, бошларини қуйи эгиб туришарди. Яна бир тўдаси нақ меҳроб панжараси яқинида тиз чўкинганди. Кашиш қўлида анов асбобини ушлаганча гўнғиллаб улар ёнидан ўтиб кетди. У уларнинг ҳар бири олдида тўхтаб, баҳраи неъматни чиқариб ундан бир-икки томчи томизиб (улар сувга солиб қўйилганми?), кейин оғизларига авайлаб тутарди. Аёлнинг шляпаси ва боши эгик. Кейин навбатдагиси бу — синчалоқдек кампир. Кашиш унинг оғзига баҳраи неъматни

солиш учун энгашди, нималардир деб тинмай гулдиради. Лотинча. Яна навбатдаги аёл. Кўзингни юм, оғзингни оч. Нима? Corpus¹. Тана, жисм. Лош. Лотинни хўб ўйлаб топишган. Дархол гаранг қилади. Ўлаётганларга паноҳ. Улар, чамаси, чайнаб ҳам ўтиришмайди: филт этиб ютиб юборишади. Хўб ўйлаб топишган: тана парчаларини ютиш, одамхўрлар, кейин улар жуда шод-хуррам бўлишади.

У бир чеккада холи турар, уларнинг сўқир ниқоблари бири кетидан бири йўлақдан ўтиб бориб, ўз жойларини қидиришаётганини кузатарди. У ўриндиқ томонга одимлади, бурчакка ўтирди-да, кўлидаги шляпа ҳамда газетага машғул бўлди. Мана шунақа қозондай нарсаларни бошимизда кўтариб юрамиз. Шляпаларни тўғри бошининг ўзига қўйиб бичиб чиқаришса ҳам ҳарнава эди. Қизил тасмали шляпалар уни ҳар томондан қуршаган, ҳамон таъзимда эгилиб-букилишар, анов баҳраи неъмат ошқозонларида ҳазм бўлиб кетишини кутишарди. Мисоли лўппи оппоқ нон: ноннинг ўша бир тури: талабга мос лўппи оқ нонлар. Уларни бир қаранг-а. Гаров ўйнайман: улар ҳозир ўзларини жуда бахтли сезишяпти. Обаки. Рост. Ҳа я, унинг номи ҳам ўзи шунақа: фаришталанган, айтайлик — ичимиздаги Худонинг салтанати. Дин неъматидан илк баҳрадорлар. Музқаймоқ. Бир бўлаги бир пенни. Ўзларини бир оиланинг аъзосидай ҳис қилишади, худди театрга тушгандай ҳаммалари умумҳаяжонда. Шундай бўлса керак. Ишончим комил. Ҳеч ким ёлғиз эмас. Биз биродарлармиз. Кейин бу ердан ўзларини бироз галати сезиб чиқишади. Енгил тортишади. Сен, ҳақиқатан, бир нимага ишонсанг, ўша нарса, ҳақиқатан, мавжуд. Лурд деган жойда шифо топишади; унут сувлар, Нок ҳодисаси, қон сирқираган ҳайкаллар. Иқрор хонаси олдида бир чол ухлаб қолган. Хуррак отяпти. Кўр-кўрона эътиқод. Худо салтанатига муяссар бўлганман.

Бу барча азоб-уқубатларга малҳам. Мени янаги йил худди шу пайтда уйғотингиз.

У, кашниш баҳраи неъмат солинган косани оҳиста ёнига қўйиб, бир зум хотиннинг олдида тиз чўкканини кўрди, кашниш катта туссиз ёстиқни унга кийдирилган гулпарчадан суғуриб олди. Ишқилиб, иштонининг тўғнағичини тушириб қўймасмикин. Нима қилиш керак-а, нима. Сочининг орқаси кирди-

¹ Жисм, вужуд, тана (лот.).

рилган. Елкасига И.Н Р.И. ҳарфлари ёзилган. Йўқ. И.Х.С. экан. Бир куни Молли буни тушунтириб берган эди, мен сўраган эдим. Иродаси Халоскор Сиймо: шундай ўқиш мумкин. Наригиси-чи? Изидёрни Нодонлар Раҳмсиз Итобладилар.

Якшанба куни ибодатидан кейин учрашсак ҳам бўларди. Илтимосимни ерда қолдирма, дейди. Юзига қора тўр тутиб, қўлида қора сумка кўтариб келади. Унинг орқа томонида чала қоронғулик ва ёруғлик барқ уради. Бу ерга у бўйнига тасма солиб ҳам келиши, кейин бошқа анов иш билан машғул бўлиши мумкин. Уларнинг феъл-атворига нима деб бўлади. Кэри деган анов бирови «енгилмаслар»ни сотиб, яша ҳар куни эрталаб баҳраи неъмат топиш учун келарди. Худди мана шу черковга Питер Кэри, йўқ, мен Питер Клэверни назарда тутяпман. Дэнис Кэри. Буни қаранг, уйда хотини ва олтига боласи бор-а. Уззу кун одам ўлдиришга тайёргарлик кўради. Қора каламушлар деб бекор айтишмаган, кўзлари доим у ёқ-бу ёққа жаланглаб туради. Ишда ҳам фирромлик қилишади. Йўқ, бу ерда у йўқ: гулчечак: йўқ, йўқ. Айтгандай, хатни йиртиб ташладимми? Ҳа, йиртдим, кўприк тагида.

Кашиш косани тўкди: кейин тагида қолган сувни яхшилаб силкитди. Май. Киборларга хос. Мисол учун Гиннеснинг оддий портери ёки қандайдир алкоғолсиз бемаза бир ичимлиги, Уитлининг Дублинда чиқарилган ачиқ ардоби ё бўлмасам Кендрелл билан Кокреннинг занжабилли пивосини (хушбўй) ичгандан кўра вино маъқулроқ. Лекин уларга бир томчи ҳам бермайди, бу талаб ва эҳтиёж майи, фақат бошқача. Совуқ бир таскин. Ҳалол ёлғон, лекин умуман, ҳаммаси мутлақо тўғри: акс ҳолда бир-биридан баттар барча бадмастлар йиғилиб келишиб, бизга ҳам ичкилик беринг, деб тўполон чиқаришарди. Жуда ғалати бир аҳвол. Мутлақо тўғри. Бунинг бари бутунлай тўғри.

Мистер Блум кўшиқ хорига ўгирилиб қаради. Музыка бўлмайдиганга ўхшайди. Аттанг. Органни ким чаларкин бу ерда? Қария Глинн эсингадир, асбобни сайратиб юборарди, усули ўзи шунақа эди; Гардинер-стритда йилига эллик фунт олган экан дейишади. Ўша куни Моллининг овози тоза очилган эди. Айниқса, Россинининг *Stabat Mater*¹ини олганда. Аввал патер

¹ *Stabat Mater (dolorosa)* — қайғули Биби Марйам (лом.). Католик гимнининг илк сатри.

Бернард Воэнинг тарғиби. Христосми ёхуд Пилат? Албатта, Христос, лекин барака топинг, кечгача чўзиб юборманг. Одамлар музика эшитишмоқчи. Оёқларини ҳам тапиллатмай қўйишди. Тўғноғич ерга тушгани эшитилиб турди. Мен Моллига овозингни ҳов анави бурчакка қараб йўналтир, дедим. Мен ҳавода гаранглик пайдо бўлганини сездим, овоз роса янграб чиқди, одамлар бошларини кўтаришди:

Quis est homo!

Эски черков музикасининг айримлари жуда ажойиб. Масалан, Меркаданте: Охирги етита сўзи. Моцартнинг ўн иккинчи мессаси: У ерда шундай Gloria² бор. Илгариги вақтларда Папалар музика, санъат, ҳайкаллар, ранг-баранг суратларни роса яхши тушуниб қадрига етишган. Ёки, мисол учун Палестрина. Уларнинг замони келган эди. Қўшиқ айтиш саломатликка ҳам фойдали, жадвалга аниқ риоя қилишган, кейин ликёр тайёрлашган. Бенедиктин. Кўк шартрез. Хорда хезлар ҳам қатнашган, албатта, бу сал ҳалигиндақароқ да, хе. Бу қандай овоз бўлди? Уларнинг роса дўриллаган овозларидан кейин эшитиш ҳам балки ғалати бўлса керак. Билафонлар. Афтидан, кейин ҳеч нарсани сезишмаган. Худди тинчлантирувчи дори ичгандай. Ҳеч қандай кечинма йўқ. Семириб кетишади, тўғрими? Жуда очкўз бўлишади, ўзлари ҳам йирик-йирик, оёқлари узун. Ким билсин? Хез.

У кашини эгилиб меҳробни ўпганини кўрди. Кейин атрофга нигоҳ ташлаб жамоатни дуо қилди. Ҳамма чўқиниб олгач, ўрнидан турди. Мистер Блум ҳам атрофига назар ташлаб, кўтарилган шляпалар устидан кўзини югуртириб жойидан кўзгалди. Инжил ўқиладиганда ҳам албатта, тик оёқда турилади. Кейин ҳамма яна тиз чўқди, у эса бамайлихотир ўрнига чўқди. Кашини анов нарсасини қўлида тутиб меҳробдан чиқиб келди-да, ёрдамчиси билан лотинчалаб сўйлашди. Кейин кашини тиз чўқиб, лавҳга қараб қироат қила бошлади:

— Худоё, ўзинг паноҳимиз ва қурб-қудратимизсан.

Мистер Блум сўзларни яхши илғаш учун олдинга қараб энкайди. Инглизча ўқияпти. Уларга суяк ташлаяпти. Эс-эс билан. Черковга келмаганинга қанча вақт бўлди? Глория ва

¹ Ким ўша Одам! (лот.) Иоанн инжили, 5:12.

² Шараф (лот.).

Бокира Ожиза. Юсуф, унинг эри. Петр ва Павел. Гап нима ҳақда эканлигини тушунсанг, анча қизиқ кўринади. Зўр ташкил этишган, тан бериш керак, соатдек аниқ ишлайди. Истиффор. Ҳар ким ҳам истайди. Бўлмаса сизга ҳаммасини айтиб берай. Мени жазоланг, илтимос. Уларнинг қўлларида жуда кучли қурол бор. Суд ёки врачга қараганда ҳам кучлироқ. Хотинлар-ку, ҳатто ўлишга ҳам рози бўлишади. Мен нима қилай шунушунушу. Сен-чи шашашашашаша? А, нега энди сен?.. Бармоғидаги узугига тикилиб ўзини оқламоқчи бўлади. Хавозаланган шивир-шивирлар, деворнинг қулоғи бор, ахир. Эри эшитиб тоза ҳайрон бўлади. Худойимнинг ҳазили. Кейин хотин тавба қилиб бўлгач, чиқади. Вужуд вужудига тавба-тазарру сиғиб кетган. Уятнинг лаззати. Меҳробга сиғиниш. Шодлангил ожиза ҳамда улвий Ожиза. Гуллар, хушбўй ладан, оқиб тушаётган шамлар. Қизарганини яширади. Қутқариш қўшини — қўпол бир тақлид. Тавба-тазарру қилган фоҳиша ҳозир сўз айтади. Мен худойимни қандай топдим. Римда ўтирганлар тентак эмас: бу томонларни бошдан охиригача бошқариб туришди. Пулни ҳам супуриб олишади. Васиятларни айтмайсизми: ҳозир мавжуд бўлган папанинг ихтиёрига тўла ўтказаман. Очиқ эшикларда мени дуо қилиб худойимдан мағрифат сўрашсин. Эркак ва аёллар монастирлари. Васият масаласида кашини гувохликка ўтади. Уни ҳеч ким чалғитолмайди, ҳаммасига жавоби тайёр. Бизнинг Муқаддас Онамиз черковнинг эркинлиги ва юксалиши. Анов черков алломалари: ўз илоҳиёт илмлари ни етук ишлаб чиқишган. Кашини дуо ўқийди:

— Муқаддас Мекоил маликимиз, бизни азоб-уқубатлардан ўзинг ҳимоя қил. Бизни турли ёвузликлар ва шайтон васвасаларидан паноҳингга ол (Яратган Эгамдан бизни бунлардан ўз паноҳида асрашини илтижо қиламиз); сен ўзинг осмон қўшинларининг малики муқтадири худойимнинг қодир қудрати ила Иблис лаъинни ва у билан бирга арз самода дайдиб инсон болаларини ҳалокатга гирифтор этгувчи барча ёвуз арвоҳларни жаҳаннамга улоқтиргайсан.

Кашини ва ёрдамчиси шундан сўнг ўрниларидан туриб чиқиб кетишиди. Ҳаммаси тугади. Аёллар шунда қолишиди. Буёғи шукроналик дуо-ибодати.

Яхшиси секин чиқиб кетиш. Биродар қани бунда кел, шу онда тарелкасини кўтариб келади. Ўз улушингиз закотингизни беринг.

У ўрнидан турди. Ана холос! Наҳот нимчанинг икки тугмаси боядан бери ечилиб кетибди? Хотин кишининг кулгиси қис-тайди. Агар саришта юрмасанг, жаҳллари чиқади. Нега менга олдинроқ айтмадингиз? Ҳеч қачон айтмайдилар. Биз эса. Кечиринг, ширин киз, сизга (пуфф) кичкинагина (пуфф) қилча ёпишибди. Ёинки ширин қизнинг этаги орқа томондан андак очилиб қолибди. Этининг оқи кўриниб турибди. Ойнинг гардиши кўринибди. Уст-бошинг тартибсизроқ бўлса, ҳар қалай кўпроқ ёқасан. Жудаям пастга тушиб кетмагани яхши. У тугмаларини киши билмас қадаганча йўлақдан ўтиб борди ва катта эшикдан ёруққа чиқди. У совуқ қора мрамардон олдида кўзи камашиб бир зум туриб қолди, бу орада икки художўй унинг орқаси ҳамда олдида ўтиб мрамар идишининг тагидагина қолган муборак сувга қўлларини бамайлихотир тикиб ҳўллашди. Трамвайлар; Прескотт бўёқчилик дўконининг усти ёвнқ араваси; мотам кийимидаги бева хотин. Бунинг кўзимга ташлангани ўзим ҳам мотам либосини кийганман. У шляпасини бошига илди. Соат неча бўлдийкин? Чорак. Вакт етарли. Ҳозир бориб юз-бетга суриш учун об-атир айтиб кўяман. Қаерда эди? Э-ҳа, анов сафар. Свени ёнида, Линколн майдонида. Аптекачилар жойларини камдан-кам ўзгартиришади. Уларнинг кўк, тилла ранг йилтироқ шарчаларини бир жойдан иккинчи жойга ташиб юриш жуда қийин. Хамилтон Лонг дунёни сув босган йили асос солинган, Гугенотлар мазорига яқин. Бир ўтиб қўйишимиз керак.

У Уестленд-роу бўйлаб жанубга қараб юрди. Дорининг қоғози бошқа шимнинг чўнтагида қолибди. Эҳ, ташқари эшикнинг калитини ҳам унутибман. Кўмиш маросими одамни чарчатади. Лекин шўринг қурғур марҳум бунга айбдор эмас. Охири марта бу дорини қачон олган эдим? Тўхта-чи. Эсимда, бир соверен пулимни майдаладим. Демак, ё биринчи ёки иккинчида бўлиши керак. Э-ҳа, рост, буни буюртмалар дафтарига қараб ўзим аниқласам бўлади.

Аптекачи дафтарни варақлашга тушди. У худди қум ичидан чиққанга ўхшайди, ҳаммаёғига қандайдир қуритилган нарсаларнинг ҳиди уриб қолгандай. Пешонаси тиришган. Ўзи қари. Киме тошини излайди. Кимёгарлар. Гиёҳлардан олдин жунбушга тушасан, кейин қаримсиқ бўлиб қоласан. Кейин ҳушингни йўқотасан. Нега? Таъсири шунақа. Бир кеча ва бир умр. Фель-атвор ҳам аста ўзгаради. Кун бўйи ўтлар, сурткилар, тозаловчи мод-

далар орасида. Манави албастр идишчалар ўртасида. Ховонча ва дастаси. Ада Dist. Fol. Laur. Te Virid¹. Ҳидининг ўзи шифолайди, тиш докторига бормоқчи бўлсанг, шундай бўлади. Доктор Пак. Ўзингни даволасанг-чи. Томчи ва суюклик. Даволанман деб, биринчи бўлиб ўтга мурожаат қилган одам дунёдаги энг тенгсиз жасур киши. Шифобахш ўсимликлар. Эҳтиёт бўлган маъкул. Бу ерда одамни қотириб қўядиган дори-дармонлар кўп. Далил: кўк лакмус қоғози қизариб қолади. Хлороформ. Оғунинг жуда кучли дозаси. Ухлатувчи воситалар. Ишқ-муҳаббат суюқликлари. Парагорик, кўкнор эритмаси, йўтал қўзғайди. Тана тешиқларини беркитади, хилт пардасига ўтиради. Заҳарлар — бирдан-бир ҳақиқий дори. Ҳеч тузалади деб ўйламаганинда касалингни тузатади. Оқил табиат.

— Икки ҳафтача илгари бўлса керак, а, сэр?

— Шундай, — деди мистер Блум.

У тахта тўсиқ олдида димоғига дориларнинг ўткир ҳидлари, чипталар ва пўстлоқларнинг қуруқ ғуборли ислари урганча турарди. Оғриқларинг, дардларингни ҳикоя қилишга қанча вақтинг кетади.

— Бодом ёғи ва бензой суюқлиги, — деди мистер Блум, — яна норанж гули...

Ростдан ҳам, шунинг учун хотинининг териси жуда майин ва оппоқ, худди шамдай.

— Яна оқ мум, — деди у.

Оқ мум кўзларини яна ҳам қорароқ қилиб кўрсатади. Менга испанчасига адёлни бурнигача тортиб, ўз бўйларини ўзи искаб қараб турди, мен унғача тўғнағичларни тешиқдан ўтказдим. Кўпинча уйда тажрибадан ўтган нарсалар энг ишончли бўлади: мисол учун тиш оғриганда маймунжон: кичитки ўт билан ёмғир суви; мойнинг зардобига қорилган сули уни ҳам яхши дейишди. Терини қувватлантиради. Қари қироличаниннг ўғилларидан бирови, герцог Олбэни эди шекилли, бечораниннг фақат терисининг ўзи қолган. Леополд, ҳа. Бизда улар учта. Хуснбузарлар, сўгаллар, қадоқлар терини бузади. Сениннг ўзингга ҳам атирлар керак. Хотининг қандай атирлар сепеди? *Peau d'Espagne*². Норанж рангида. Кимёвий тоза совун. Сув шундай мусаффо. Со-

¹ Дистилланган сув, лавр япроғи, кўк чой (*лот.*).

² Испан териси (*франц.*).

вуннинг ажойиб хиди бўлади. Муюлишдаги ҳаммомга тушиш мумкин, ҳали вақт бор. Жуда иссиқ. Турк ҳаммоми. Уқалаш. Киңдик қотган кирга тулиб қолади. Дундиққина қиз уқалаб қўйса янаям соз. Мен ўйлаяпман, мен. Ҳа, мен. Ваннада бўлса ҳам, майли. Фалати майл. Сув сувга урар. Ёқимлини фойдалига қўш. Афсус уқалатишга вақт етмайди. Кейин кун бўйи ўзингни бардам сезасан. Ўлик кўмиш — оғир машғулот.

— Тўғри, сэр, — деди аптекачи. — Икки ва тўққиз туради. Шиша идишча олиб келдингизми?

— Йўқ, — деди мистер Блум. — Илтимос, тайёрлаб қўйинг, мен кундузи сал кечроқ келаман, яна манави совундан ҳам бир бўлак оламан. Қанча туради?

— Тўрт пенс, сэр.

Блум совун бўлагини бурнига тутди. Хушбўй лимонли мум.

— Манавини оламан, — деди у. — Ҳаммаси бўлиб, демак Учу бир.

— Ҳа, сэр, — деди аптекачи. — Қайтиб келганингизда ҳаммасига бира-тўла тўласангиз ҳам бўлади.

— Яхши, — деди мистер Блум.

У оҳиста одимлаб дўкондан чиқди, қўлтиғида ўралган газета, мум қоғоздаги совун — чап қўлида.

Унинг елкаси оша Бентам Лайонс қўл узатиб овоз берди:

— Алло, Блум, кани, нима гаплар? Бугунгими? Қани бир кўрай-чи.

Худо ҳаққи, яна мўйловини кирибди! Устки лаби узун ва совуқ. Ёшроқ кўринай дейди. Аҳмоқона башара. Мендан кўра ёш.

Бентам Лайонснинг тирноқлари қора, сарғайган бармоқлари ўралган газетани очди. Буям ювиниб олса ёмон бўлмасди. Қават-қават кир-яғир, қиртишлаш керак. Қатрон. Салом, сиз «Пирс» совуни билан ювиндингизми? Елкаларига соч қазғоғи тўкилиб ётибди. Бошига мой суриш керак.

— Бугун пойгада чопадиган анов француз оти ҳақида ёзишган бўлса, ўкимокчийдим, — деди Бентам Лайонс. — Қани, қаерда экан-а, курғур?

У газета варақларини шалдиратди, баланд ёқасидан чиқиб турган бўйнини у ёқ бу ёққа бурди. Соқол олгандан сўнг қичишади. Ёқаси қаттиқ, унинг сочи тўкилиб кетади. Унга газетани бериб, хайр-маъзур қилиб кетган маъқул.

— Ўзингизга ола қолинг, — деди мистер Блум.

— Дарвеш. Олтин соврин. Тухтанг чи, — деб гўлдиранди Бентам Лайонс, — ҳозир. Бир зум.

— Барибир ташлаб юбораман, — деди мистер Блум.

Бентам Лайонс бирдан бошини кўтарди, кўзлари ғилайланди.

— Нима гап ўзи? — қичқириброк сўради у.

— Ўзингизга ола қолинг деяпман, — жавоб берди мистер Блум. — Мен уни энди ташлаб юбормоқчи эдим.

Бентам Лайонс бир зумга ғилайланиб иккиланди: кейин газета варақларини мистер Блумнинг қўлига тутди.

— Таваккал қилиб кўраман, — деди у. — Олинг, раҳмат.

У Конвэй-стрит муқолишига томон югургилади. Омадингни берсин!

Мистер Блум газета варақларини бафуржа тўрт буклади-да, лабидан кулги аримай, унга совунни ўради. Нуханг курғурнинг башараси жуда аҳмоқона-да. Гаров. Югурдак болалар олти пенс қўйиш учун ўғирлик қилишади. Сокка ўйнаб катта юмшоқ ғул-ғул товук ютиб олиш мумкин. Мавлуд зиёфати уч пенс Жек Флеминг давлат пулини ўйинга бой бериб, сўнг Америкага қочиб кетди. Ҳозир меҳмонхона очган. Улар ҳеч қачон қайтиб келишмайди. Мисрнинг гўшт кувачалари.

У турк ҳаммомига қараб шахдам юриб кетди. Мачитга ўхшайди, қизил гишт, минорлар. Бугун, чамаси, университет мусобақалари. У университет боғи дарвозаси устидаги тақага ўхшаган плакатга кўз югуртирди: қуриган қалампирдай букчайган велосипед ҳайдовчи. Фоятда бемаъни реклама. Филдиракка ўхшатиб доира яшаш керак эди. Филдиракни маҳкамлайдиган таранг симлар ўршига мусобақа, мусобақа, мусобақа деб ёзса хўб чиқарди. Кейин университетга дахлдор катта тикин шундай кўзга яққол ташланиб турадиган бир нарса.

Ана қоровулхона олдида Хорнблауэр турибди. Салом бериб борсанг, текинга қўйиб юборади. Салом, мистер Хорнблауэр. Салом, сэр.

Худо ярлақаган ҳаво бўлди-да. Хаёт ҳам доим шундай бўлгандайди. Крикет¹ ўйнайдиган ҳаво. Айвон тагида ўтиришади. Овер, яна овер. Аут. Бу ерда улар ўйнашолмасди. Капитан Кролер Килдер-стритдаги клубнинг деразасини чапдан зарба бериб синдирди. Бундай ўйинчиларга кўпроқ Доннибрукдаги

¹ Бир хил тўп ўйини.

бозор ярашади. Майдонга Жек чиқиши билан биз бошларни қайириб ташлаймиз. Иссиқ тўлқин. Узоқ чўзилмайди. Мангу оқар ҳаёт оқими. Ҳаёт оқида бизнинг нигоҳимизни излар, у бизга ҳаммасидан қимматлироқ.

Шу тобда ҳаммомда чўмилиб олсангми: сув тўла тоза ванна, муздек сирли эмал, юмшоқ, илиқ жилдираган сув. Мана менинг вужудим.

У ваннада ётган ўз оппоқ вужудини тасаввур қилди: яланғоч ҳарорат оғушида. Тез эриб кетадиган хушбўй совун суртилган, майин сувлар ювиб чулганган. У чайқалган сув ачоқлаган ва аста-аста юқорига суриб кўтарган ўзининг сарғимтил лимудай бадани ва узвларини кўз ўнгига келтирди; ўз киндиги, танасининг ғунчаси; чалкашиб, чирмашиб сув ичра сузган кўнғироқдай сочлари, ивиб толмаланган насл отасини ювиб утаётган мавжлар, юзиб бораётган толмачагулни кўрди.

6-ВОҶЕА

Мартин Каннингем цилиндр кийган бошини ғижирлаб турган каретага биринчи бўлиб суқди, чаққон сакраб чиқиб, утирди. Унинг ортидан мистер Пауэр узун гавдасини оҳиста букиб кирди.

— Ўтиринг, Саймон.

— Ўтиринг, ўтиринг, — деди мистер Блум.

Мистер Дедал апил-тапил цилиндрини кийиб, каретага кўтарилди ва:

— Ҳа, ха, — деди.

— Ҳамма келдими? — сўради Мартин Каннингем. — Ўтиринг, Блум.

Мистер Блум кириб бўш жойга утирди. У ўзининг орқасидан эшикни тортиб қарсиллатиб маҳкам ёпди. У қўлини илгакнинг сиртмоғига ўтказди-да, каретанинг очиқ ойнасидан бутун кўча бўйлаб тушириб қўйилган қўшни уйларнинг дераза тавақаларига диққат билан қаради. Бир тавақа бироз сурилиб кўтарилди-да кампирнинг боши кўринди. Унинг ойнага босилган бурни оқариб турарди. Бу сафар ажал уни чақирмаганига суюнса керак. Ҳайрон қоласан, улар ўлганларга жуда қизиқишади. Биз ўтиб кетаётганимизга шукур қилишади, бизнинг дунёга келишимиз уларга жуда қийинга тушади. Чамаси, бу иш уларга маъқул. Бурчак-бурчакда шивирлашиб туришади. У ёк-бу ёкка шипиллаб ўтишади, ўлик уйғониб қолмасин деб, оҳиста кадам босишади. Кейин ўликка қарашади. Либослар кийдиришади. Молли билан мисс Флеминг кўрпа-тўшакни тўғрилашади. Озгина ўзингизга тортинг. Бизнинг кафан. Сен ўлганингдан сўнг ким биринчи бўлиб сенга қўл теккизишини ҳеч қачон билмайсан. Майитни ювишади. Бошини тозалашади. Тирноқ, сочларини олишса керак. Жилдчага солиб қўйишади. Барибир кейин яна ўсиб чиқади. Ифлос иш.

Ҳамма кутар, ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Гулчамбарларни олиб чиқишяпти, шекилли. Мен қаттиқ бир нарса устида ўтирибман. Э-ҳа, бу орқа чўнтагимдаги совун экан. Уни бошқа чўнтагимга солсаммикин. Қулайроқ вақт бўлсин.

Ҳамма кутарди. Кейин олдинда филдиракларнинг ғичирлаши эшитилди; яқинроқ келишди; сўнг тақаларнинг чақиллаган овози келди. Бир силкиндик. Ғижирлаб ва чайқалиб карета ўрнидан жилди. Орқа ёқда ҳам тақалар тарақлаб, филдираклар қасирлади. Кўчанинг парда тавақалари сузиб ўта бошлади; ана, туққизинчи номер, эшик зангига қора тасма боғланган, сал қия очилган. Қадам-бақадам.

Улар ҳамон кутишарди, тиззалари бир-бирига тегиб турарди, сўнг карета бурилиб, трамвай йўлидан юриб кетдилар. Три-тонвиллроуд. Тезлашдик. Филдираклар тош ётқизилмиш йўлда қалдирар, дарчаларнинг бўшашиб қолган ойналари қасир-қусур қилиб зирилларди.

— Бизни қандай олиб боради? — деб сўради мистер Пауэр икки томон дарчаларга қараб.

— Айриштаун, — деди Мартин Каннингем. — Рингсенд. Брунсвик-стрит.

Ойнага қараб мистер Дедал бош қимирлатди.

— Эски одатларимиз қандай яхши, — деди у. — Йўқолиб кетмаганига шукур.

Тўртовлари ҳам дарчалардан ўткинчи йўловчиларнинг шляпа ва цилиндрларини кўтариб қўйишларига қарашарди. Хурмат-эйтибор, Уотери-лейндан ўтгач, карета трамвай йўлидан текисроқ кўчага бурилди. Мистер Блум мотам либосидаги, кенг гардишли шляпа кийган қадди-қомати келишган йигитга сергак нигоҳ ташлади:

— Ана сизнинг бир танишингиз келяпти, Дедалус, — деди у.

— Ким?

— Ўғлингиз ва меросхўрингиз.

— Қани? — сўради мистер Дедал ойнага қараб чўзилиб.

Карета қазиб ташланган қувурлар, чуқурлар, тураржойлар рўпарасида ўйиб ташланган ерлардан айланиб ўтиб, муюлишга бурилди ва яна трамвай йўлига чикди, филдираклари дақир дуқурлаб йўлда давом этди. Мистер Дедал жойига ўтиргач, сўради:

— Анов калтадум Маллиган ҳам борми ёнида? Ўғлимга *fidus Achates*¹ бўлади.

¹ Содик Ахати (*лот.*). Вергилийнинг «Энеида» достонида Энейнинг ҳамроҳи.

— Йўқ, — деди мистер Блум. — У бир ўзи кетяпти.

— Салли холасиникига бораётгандир, — деди мистер Дедал, — Гулдинг тудаси, арокхўр, алжиган адвокат ва отасининг суюкли кумалоғи Криси. Ҳеч кимга эмас, отасига тортган.

Мистер Блум нохуш жилмайди. Рингенд-роуд. Ака-ука Уоллесларнинг ойна заводи. Доддер кўприги.

Ричи Гулдинг ва қоғоз тўла портфель. Гулдинг, Коллис ва Уорд — у фирмасини шундай атайди. Унинг ҳазилларидан моғор хиди келади. Бир пайтлар унинг олдига тушадиган одам йўқ эди. Якшанба кунлари эрталаб Стеймер-стритда ўзи ижарада турадиган уй бекасининг иккита шляпасини бошига қўндириб Игнатиус Галлахер билан бирга ўйинга тушарди. Тун бўйи тинмай дайирди. Энди-энди буларнинг бари билипяпти: елкаси тўхтовсиз симиллаб огрийди. Хотини орқасини дазмол қилади. Хапдорилар билан даволанмоқчи. Хапдориси ноннинг юмшоғидан бошқа нарса эмас. Олти юз фоиз фойда ўмаришади.

Фирибгарлар галасига илашиб қолди, — тўнғилларди мистер Дедал. — Анов бемаъни мишиқи Маллиган ашаддий аблах сифатида отнинг қашқасидай танилган. Дублинда унинг номиши эшитгилари ҳам келмайди. Лекин мен худо хоҳласа шу яқин кунларда унинг онасигами ёки хола-поласигами, кимига бўлмасин, шундай бир мактуб ёзиб юбормоқчиманки, ўқиғач, кўзлари оқиб тушади. Ўшанда кўрамиз унинг илон чаққадай сакрашини.

У араванинг қалдир-кулдирини босиб, ҳамон қичқирарди:

— Бу ит эмган ўғлимнинг ҳаётини барбод қилишига йўл қўймайман. Кимсан мирзанинг ўғли эмиш. Отаси амакимнинг дўконида жияк тасмалар сотиб ўтирарди. Кўрамиз ҳали ҳолини.

У жим бўлди. Мистер Блум унинг титраб дикрайган мўйловидан кўзини узиб, мистер Пауэрнинг ювош чеҳрасига, бамайлихотир чайқалиб ўтирган Мартин Каннингемнинг кўзлари билан соқолига назар солди. Бакироқ чолнинг бевош ўғлидан бошқа ғам-ташвиши йўқ. Туғри қилади. Кетида қоладигани бор. Жажжи Руди тирик бўлгандайди. Ўсиб-унганини кўрармидим. Уйни тўлдирган овозини эшитармидим. Итон коллежи кийимида Молли билан ўйнаб юрармиди. Ўғлим. Унинг кўзига қандай эдим. Бу ҳам ғалати туйғу эҳтимол, менинг пушт-камаримдан. Фирт тасодиф. Ўша куни эрталаб Реймонд-тэрресдаги уйда Молли дераза олдида иккита ит кўча деворига қапишиб

ановнақа иш қилаётганига қараб турган эди. Ёмонликдан қочинг. Тиржайиб турган полициячи. Моллининг эгнида йиртилиб кетган оч сариқ кўйлак, кейин уни тузаттириб ҳам олмади. Қани, бўла қол, Молли. Э, худойим, қанчалар жонимга тегди. Ҳаёт шундай бошланади.

Ана ушанда бўйида бўлиб қолган эди. Грэйстондаги концертлардан воз кечишга тўғри келди. Қорнида менинг ўғлимни кўтариб юрди. Мен уни оёққа бостирган бўлардим. Одам қилардим. Таъминлаб қўярдим. Немис тилини ҳам ўргатардим.

— Кечикмаяпмизми? — сўради мистер Пауэр.

— Ўн дақиқага, — деди Мартин Каннингем соатига қараб.

Молли. Милли. Айнан ўзи, фақат суюқроқ. Худди болалардай сўкади. О, Зевс зўравон! Қодир илоҳлар, чарх урган тирмизаклар. Барибир яхши қизча. Тез орада бўйи етади, Меллинггер. Менинг дадажоним... Ёш талаба. Ха, ха, у ҳам аёл-да. Ҳаёт, ҳаёт.

Карета орқага ва олдинга силкинди. Тўртовлоннинг гавдалари баробар чайқалди.

— Корни бизга тузукроқ арава берса бўларди, — деди мистер Пауэр.

— Камайиб қолмасди, — деди мистер Дедал, — фақат кўзини бошқа ёққа қисиб қараган-да, қисталоқ. Галимни тушундингизми?

У чап кўзини қисди. Мартин Каннингем тиззаси тагига тушган нон ушоқларини қокди.

— Худо ўзи кечирсин, — деди у, — бу қандоқ бўлди? Нон ушоқларими?

— Кимдир бу ерда зиёфат қилган бўлса керак, — деди мистер Пауэр.

Хаммалари оёқларини кўтариб моғор босган сийқа ўриндиқларни норози қиёфада кўздан кечира бошлайди.

Мистер Дедал бурнини жийириб жаҳли чиққан ҳолда пастга қаради:

— Сиз нима дейсиз, гапим тўғрими? Мартин?

— Гапингиз ростга ўхшайди, — деди Мартин Каннингем.

Мистер Блум тиззасини туширди. Яхшиям, ваннага тушганим. Оёғингни ювсанг, кўнглинг равшан бўлади. Фақат миссис Флеминг пайпоқни тузукроқ ямамабди.

Мистер Дедал тақдирга тан бергандай хўрсинди.

— Анов Том Кернан келганми? — сўради Мартин Каннингем соқолининг учини хиёлгина тутамлаб.

— Келди, — жавоб қилди Блум. — Нэд Ламберт ва Хайнс билан бирга орқада келяпти.

— Корни Келлехернинг ўзи-чи? — сўради мистер Пауэр.

— Мозорда, — деди Мартин Каннингем.

— Мен бугун эрталаб Маккойни учратдим, — деди мистер Блум. — У боришга ҳаракат қиламан деди.

Карета бирдан тақа-тақ тўхтади.

— Нима бўлди?

— Тиқилиб қолдик.

Мистер Блум бошини дарчадан чиқарди.

— Катта Канал, — жавоб берди у.

Газ заводи. Кўкйўталга даво дейишади. Яхшиямки, у Миллига юкмади. Бечора болалар! Бўғриқиб, қорайиб кетишади, қалт-қалт титрашади. Жуда ёмон. Милли яна осон қутулди. Қизамиқнинг ўзи тошди. Зиғир уруғининг қайнатмаси, томоқ оғриқ ва қизилча кўп тарқалди. Ўлим хабарқашлари. Вақтни бой берманг. Ана итлар ётадиган жой, шўрлик қари Атос! Атосни унутма, Леополд, бу сенга охирги васиятим. Иродангни адо этганим бўлсин.

Улар гўрга кирганда, биз уларга бўйсунамиз. Ўлим олдидаги ажибужи хат. У ғамга ботди, алам-қайғу билан ўлди. Чиройли келинган махлуқ. Чоллар етаклаб юрадиган итлар доим шундай бўлади.

Ёмғир томчиси унинг шляпасига тушди. У бошини панага олиб, қисқа ёмғир бўзарган тош йўлни савалаб ўтганини кўрди. Сийрак. Қизиқ. Худди ғалвирдан тушгандай. Ўзим ҳам шундай ўйлаган эдим. Энди эсладим, оёқ кийимим ғижирлаган эди.

— Ҳаво айнияти, — хотиржам деди у.

— Узокрок туриб бермади-да, — деди Мартин Каннингем.

— Экинларга керак, — деди мистер Пауэр.

Мана, яна кўёш чиқди. Мистер Дедал кўзойнаги билан булутлар ўрамидаги кунга қараб, осмонга сўзсиз лаънат ўқиди.

— Гўдакнинг кўтакидай ишончсиз, — деди у.

Кетдик. Каретанинг таранг ғилдираклари яна ғириллади, йўловчиларнинг гавдалари яна чайқалди. Мартин Каннингем соқолининг учини тез-тез тутамлай бошлади.

— Кеча Том Кернан роса ўзини кўрсатди, — деди у.

Падди Леонард бўлса кўзига тик қараб уни мазах қилди.

— Уни тасаввур қилинг, Мартин, — жонланиб деди мистер Пауэр. — Сиз бир эшитиб кўринг, Саймон, «Қирма»ни Бен Доллард қандай айтади.

— Мислсиз, — деди таптанавор тарзда Мартин Каннингем. — *Шу содда балладани бундан ҳам ширалироқ айтилганини умрим бўйи ҳеч қачон эшитмаганман.*

— Ширали, — деди кулиб мистер Пауэр. — Бу унинг суйган сузи. Яна ўтмишга қараб мослаштириш, деб ҳам қўяди.

— Дэн Даусоннинг нутқини ўқидингизми? — сўради Мартин Каннингем.

— Йўқ хали, — деди мистер Дедал. — Қаерда чиқди?

— Бугунги газетада.

Мистер Блум ички чўнтагидан газетани олди. Моллига бошқа китоб олиб бориб беришим керак.

— Йўқ, йўқ, — деди мистер Дедал. — Кейин, раҳмат.

Мистер Блум газетанинг четига қараб ўлим хабарларига кўз югуртирди. Арбрайт, Дигнам, Коулмен, Келлен, Лаури, Наумани, Пик, ким бўлди бу Пик? Кросби билан Эллан қўлида хизмат қилган кишими? Йўқ, Секстон Фаусет. Сийқаланган юмшоқ қоғоз даги йўғон ҳарфлар тез ўчиб кетади. Муъжаз Чечак¹ ка шукрона билдирамиз. Фамбодалар. Қайғуриб таъзим билдирадилар. Узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 88 ёшида. Куинленга таъзим маросими. Исойи ширинзабон унинг жонига раҳм эт.

Бир ой ким унинг макони осмон

Азиз Генри кетди-да ташлаб.

Йўқотиб сени йиғлар хонадон

Абад висолга стармиз қачон.

Мен конвертни йиртиб ташладимми? Ҳа Ваннада ўқиганимдан кейин хатни қаерга қўйдим? У ички нимчасининг чўнтагини каради. Э, хайрият-эй, бу ерда экан. Азиз Генри кетди-да ташлаб. То сабрим косаси тўлгунча.

Маҳалла черков мактаби. Миднинг ёғоч омбори. Киракаш извошлар биржаси. Фақат иккитаси турибди. Мудрашяпти. Қоринлари тўк. Миялари сокин ишлайди. Учинчиси судралиб келяпти. Бир соат олдин бу ердан ўтган эдим. Извошчилар шляпаларини кўтариб қўйишди. Мистер Блум қараб турган ойна тагида трамвай бекатининг ёнида кутилмаганда из алмаштирувчи трамвайчининг елкаси тиккайди. Филдиракларнинг ўзи

¹ Авлиё Антоний тамғаси.

бошқа изга утадиган қандайдир бир автомат ўйлаб топишса бўлмасмикин. Анча қулайлик бўларди. Шундайку-я, лекин унда манови киши ишдан айрилади-ку? Шундайку я, лекин унда бошқа бир одам янги асбоб ясайдиган ишлик бўлади.

Эншент концерт зали. Ҳозир бўм-бўш. Енгига мотам белгиси таққан киши. Қайғураётганга ўхшамайди. Чала мотамда. Хотин томонидан қариндош бўлса керак.

Авлиё Маркнинг тумтайган кафедраси ёнидан, гишт кўприк тагидан, Қиролича театри олдидан жимгина ўтиб кетишди. Афишалар. Южин Стрэттон. Миссис Бэндмен-Палмер. Бугун ҳали «Лия»га улгуришим мумкин, тушсаммикин? Мен айтдим, мен. Ёки «Килларни лилияси»га. Элстер Граймс опера труппаси. Дастур тўла янгиланган. Келаси ҳафтанинг ранго-ранг ҳўл афишалари. «Бристол эрмаклари». Мартин Каннингем Варьетега чипта олиб бериши мумкин. Бир-икки марта меҳмон қилишим керак. Бири бирининг ўрнини тўлдиради.

У кундузи киради. Молли саҳнага чиқади.

Пластоу шляпалари. Майдон. Сэр Филип Крэмptonга қўйилган фавворали ҳайкал. Ким бўлган бу зот?

— Салом, — деди Мартин Каннингем қўлини саломлашиш учун пешонасига кўтариб.

— У бизни кўрмаяпти, — деди мистер Пауэр. — Йўқ, ана, кўрди. Саломатмисиз.

— Ким? — деди мистер Дедал.

— Буян Бойлан, — жавоб қилди мистер Пауэр. — Ана сочи-ни шамолда ҳилпиратиб турибди.

Мен эса ҳозиргина ўйловдим.

Мистер Дедал саломлашиш учун дарчага чўзилди. Унга жавобан Рэд-Бенк эшиги томондан поҳол шляпанинг оқ дуғаси ярк-юрк этиб кетди ва нарига ўтди.

Мистер Блум чап қўлидаги, кейин ўнг қўлидаги тирноқларига кўз солди. Бу тирноқлар-да. Унинг нимасига ҳайрон қолишади, Молли нимасига унинг ром бўлган? Шайтон васвасаси. Дублиндаги энг расво одам. Тирикчилиги шундан. Хотинлар баъзан туйғу билан билишади. Табиий туйғу. Вой, бу туркинг қурғур! Менинг тирноқларим. Уларга карасам, яхшилаб олинган. Кейин ёлғиз ўтириб хаёлга толади. Баданидан тароват қочяпти. Мен кўриб-билиб турибман-ку, эсимда-ку, унинг қандай бўлгани. Эт салқий бошлагач, тери яна таранг торти-

либ улгурмаса керак дейман-да, ҳойнаҳой. Лекин қолип ўша. Қолип ҳамон ўша-ўшандай. Елкалар. Бел. Биққи. Балга бормоқчи бўлиб кийинаётгандаги кеча эсингдами? Қўйлаги дўмбоқлари орасига қисилиб қолувди.

У икки тиззаси орасига қўлини суқиб қисди, сўнг мамнун бир қиёфада паришонлик билан ўтирганларнинг чехраларига кўз ташлади. Мистер Пауэр сўраб қолди:

— Концерт қандай ўтяпти, Блум?

— О, жуда соз, — деди мистер Блум. — Бу ҳақда кўп гапиришяпти. Бу кўп яхши гап экан, биласизми...

— Сиз ўзингиз ҳам турнега борасизми?

— Йўғ-а, — деди мистер Блум. — Клар графлигида ишим бор, шунга ўтиб келаман. Буни қарангки, улар йўл-йўлакай барча қатта шаҳарларга ўтишмоқчи. Бирида бўлмаса, бошқасида албатта муваффақият қозонишади.

— Баракалла, — деди Мартин Каннингем. — Мэри Андерсен ҳам ҳозир сафарда.

— Яхши одамлар борми?

— Ҳаммасини Луис Вернер бошқаряпти, — деди мистер Блум. — Бари ўз ишига уста одамлар. Ж.К. Дойл дегани бор, яна умид қилиб турибман Жон Маккормак ҳам бош қўшар. Буларнинг олдига ўтадигани йўқ.

— Мадамнинг ўзларини айтмайсизми, — деди мистер Пауэр табассум қилиб. — Барибир madam баридан олдинда.

Одоб билан норозилик билдиргандай мистер Блум қўлини ёзди, кейин яна уларни қисди. Смит О'Брайен. Кимдир пойига гуллар қўйибди. Аёл киши. Чамаси ўлганига йил тўлган. Худо хоҳласа, кўп йиллар омон бўлинг. Карета Фаррел ҳайкалини айланиб ўтаркан, уларнинг тиззалари қаршиликсиз бир-бирига тегиб кетди.

Тизиимчалар: йўлка четида ночор кийинган бир чол қўлида сотиладиган молини узатиб турарди, оғзи очилиб қолган: тизиимчалар.

— Тўрт тизимча бир пенни.

Қизиқ, нега уни суддан ҳайдаб юборишган? Хюм-стритда ўз дўкони бор эди. У ерда Моллининг фамилиядоши Твиди яшайди. Уотерфорд судида қирол прокурори. Унинг бошида ўша-ўша цилиндр. Ўтмиш улуғворлик асорати. У ҳам мотам либосида. Шўрликнинг роса омади кетган. Қўтир итдай ҳамма ёқдан ҳайдашган. Сўнгги нафасини олаётган О'Каллахан.

Madam ҳам. Ўзларини айтмайсизми. Ўн бирдан йигирма минут ўтибди. Молли ўрнидан турди. Миссис Флеминг уй йиғиштиргани келган. Молли ашула айтиб сочини тарайди: *Voglio e non vorrei*. Йўқ: *Vorrei e non*¹. Сочларининг учини қарайди: тўзимадимикин? *Mi trema un poco it*². Мана шу *tre* деганда унинг овози гўзал жаранглайди: худди хўнграгандай. Ай кумри, вой кумри. Ҳа шундай сўз бор: кумри деган, ўша хўнграшни гўзал ифодалайди.

Унинг кўзлари мистер Пауэрнинг нуроний чеҳрасига қараб қолди.

Чакка сочлари оқаряпти. У *madame* дейди-ю, табассум қилади. Мен ҳам кулиб қўйдим. Табассум билан кўп нарсани айтиш мумкин. Балки, шунчаки назокат ифодасидир. Омон бўлсин. У бир аёлни таъминлаб туради дейишади, рост гапмикин? Уйдаги хотинига бу ёқмайди, албатта. Кимдир менга айтдики, ўрталаридаги муомала сиз-биздан нарига ўтмас эмиш. Аксинча, ҳаммаси дарров жонларига тегиб кетарди. Э, анов Крофтон бир куни кечкурун уни ўша хотинга юмшоқ гўшт олиб кетаётганини кўрган экан. Ким экан ўша хотин? «Мойра»да официант эмиш. Ё Жури қўлида ишлармикин?

Улар ҳилпираган кенг плашдаги «Халоскор»³ ҳайкали тагидан ўтишди.

Мартин Каннингем тирсаги билан мистер Пауэрни туртди.

— Рувимларнинг туёғидан, — деди у.

Баланд бўйли қора соқол одам ҳассага таянганча Элвери хайвонот боғи ёнидан муюлишга оқсоқланиб ўтди, унинг елкаси ва акашакдек букилган қўли кўзга чалинди.

— Анавининг ўтган бутун ҳусну жамолини кўринг, — деди мистер Пауэр.

Мистер Дедал чўлоқланиб бораётган кишининг орқасидан қаради да, юмшоққина қилиб деди:

— Илоҳим, шайтон қовургангни синдирсин!

Мистер Пауэр карета Грей ҳайкали ёнидан ўтаётганда совуқдан қалтираб, юзини дарчадан тўсди.

— Биз ҳаммамиз у ерда бўлганмиз, — деди очиқлик билан Мартин Каннингем.

¹ Истардим-у, лекин йўқ (*итал.*).

² Аста қалтирайди менинг... (*итал.*).

³ Дэннисел О'Коннелл назарда тутилмоқда.

Унинг кўзи мистер Блумнинг кўзи билан тўкнашди. У со-
колини силади-да:

— Ҳа, ҳисоби ҳаммамиз.

Мистер Блум йўлдошларининг башараларига қараб бирдан
тўлқинланиб кетди-да, тилга кирди:

— Ж. Рувим билан унинг ўғли ҳақида битта қизиқ латифа бор.

— Нима, бу қайиқчи билан бўлган воқеами? — сўради мис-
тер Пауэр.

— Ҳа. Ростдан ҳам қизиқ, а?

— Нима ҳақда ўзи? — сўради мистер Дедал. — Мен эшитма-
ганман.

— Уртада битта қиз бўлган дейишади, — бошлади мистер
Блум. — Отаси ўғлини гуноҳ иш қилиб қўймасин деган хаёлда
Мэн оролига жунатмоқчи бўлади, лекин икковлари...

— Нима? — сўради мистер Дедал. — Ўша сўтак чала миши-
кими?

— Ҳа, — деди мистер Блум. — Икковлари бирга кемага чиқ-
моқчи бўлишади, шунда бирдан ўғли ўзини сувга ташлайди...

— Вараввани чўктир! — кичқирди мистер Дедал. — Худо
ҳақи, мен ҳеч қарши эмасман!

Мистер Пауэр оғзини қўли билан тўсиб узоқ қиҳ-қиҳлаб кулди.

— Йўқ, — деди тушунтириб мистер Блум, — ўғли шундай
қилмоқчийдики...

Мартин Каннингем унинг гапини шартта бўлди:

— Ж. Рувим ўғли билан бирга жўнаб кетаётган кемага соҳил
бўйидан югуриб кетишаётган эди, шунда денг, анов сўтаги шарт-
та ўзини сувга отибди.

— Э худо сақласин-ей! — кўрқиб кетиб деди мистер Дедал. —
Чўкиб кетганми?

— Чўқармиди! — кичқирди Мартин Каннингем. — Ҳечам-да!
Қайиқчи уни илгак ташлаб иштонбоғидан тортиб чиқариб олиб
тўғри отасининг олдига соҳилга элтибди. Бола ўлар ҳолатда экан.
Бутун шаҳар томошага йиғилибди.

— Шундай, — деди мистер Блум. — Лекин энг кулгили го-
мони...

— Ж. Рувим эса, — деди Мартин Каннингем, — қайиқчига
ўғлини қутқаргани учун икки шиллинг берибди.

Мистер Пауэрнинг оғзини тўсган қўли остидан бўғиқ хўрси-
ниш эшитилди.

— Ростдан ҳам берган, — такрорлади Мартин Каннингем. — Худди қаҳрамондек кўриб берган. Битта кумуш танга.

— Қаранг, энг қизиқ жойи ҳам шу эмасми? — тўлқинланиб деди мистер Блум.

— Бир шиллинг у саккиз пенс кўп берибди, — деди курук қилиб мистер Дедал.

Каретада мистер Пауэрнинг босиқ кулгиси янгради.

Нелсон куббаси.

— Бир пеннига саккизта олхўри! Бир пеннига саккизта!

— Бу яхшимас, ноқулай, жаноблар, келинлар сал жиддий-роқ бўлайлик, — деди Мартин Каннингем.

Мистер Дедал уф тортди.

— Нима қилибди, — деди у, — шўринг курғур Падди озгина ҳазил-хузул қилганимизга хафа бўлиб ўтирмасди. Унинг ўзи ҳам соқоли ерга тўкилгунча қанчадан-қанча латифаларни айтмаган дейсиз.

— Худоё худовандо, ўзинг мен гуноҳкорни кечир! — деди мистер Пауэр бармоқлари билан намланган кўзларини ишқалаб. — Шўрлик Падди! Бир ҳафта бўлди уни кўрганимга, соп-па-соғ эди, у ўлади деб, ҳатто хаёлимга ҳам келмаганди. Бизни ташлаб кетди.

— Дунёдаги энг маъқул одамлардан биттаси эди, — деди мистер Дедал. — Кутилмаганда жон берди.

— Юраги, — деди мистер Каннингем: юрак!

У кўкрагига маъюс чертиб қўйди.

Юзи бўғриққан: иссиғи оташ-аланга. Пиво, ароқ деса, ўзини томдан ташларди. Буруннинг қизаришига дори. Ичаверади бурни шолғомдек бўлмагунча. Бурнини эпақага келтираман деб, қанча пулларнинг бошига етган.

Мистер Пауэр лип-лип ўтиб турган уйларни зерикиб, хавотирланиб кузатиб ўтирарди.

— Кўз очиб-юмгунча ўлиб кетди, бечора, — деди у.

— Энг яхши ўлим шу, — деди мистер Блум.

Ҳамроҳлари унга кўзларини катта-катта очиб қарашади.

— Ётиб азоб чекмади, — деди у. — Ҳозир бор эди — бир пастда қарасангиз йўқ. Ухлаб ётганда ўлгандай.

Ҳеч ким индамади.

Кўчанинг бу ёғида ҳамма нарса ўлган. Кундуз бўлса ҳам, кимсасиз, ер ўлчов идоралари. Ичкилик ичилмайдиган меҳ-

монхона. Фалконернинг темир йўл маълумотномаси. Савдо билим юрти. Гилл. Католиклар клуби, кўрлар уйи. Нимага? Қандайдир сабаблар бўлса керак. Қуёш ёки шамол. Кечкурун ҳам шундай. Мўри тозаловчилар ва ошпаз аёллар. Мархум ҳазрат Мэтью раҳнамолигида. Парнеллга келажакда қўйиладиган ҳайкалнинг тоши. Юраги, юрак тўхташи. Калласига оқ шокила тожлар осилган оқ отлар Ротода муюлишидан чопиб чиқиши. Кичкинагина тобут липиллаб ўтди. Лошни тез кўмиш. Мотам каретаси. Уйланмаган йигит. Уйланган йигитларга қора от. Бўйдоқларга чавқар. Роҳибага бўз қирчанғи.

— Жуда кайғули, — деди Мартин Каннингем. — Сабий бола.

Митти юз, кўкарган ва буришган, кичкинтой Рудининг ҳам юзи шундоқ эди. Қотган мойдай, юмшоқ, митти тана, оқ мато қопланган қарағай тобутча. Дафн этиш суғурта ширкат ҳисобидан. Бир парча ер учун ҳафтасига бир пенни. Ўзимизники. Гудак. Тирмизак. Бемаъни. Табиатнинг хатоси. Онасига тортса, соғлом бўлади. Отасига тортса, аксинча Майли, яна худо берар.

— Бечорагина, — деди мистер Дедал. — Омонатини топширди.

Карета оҳиста Ратлэнд-сквер тепасига кўтариларди. Тоза суякларни жойига туширди. Тош йўл усти. Энди ҳеч кимники эмасан. Кичкина алдоқчи.

— Айни кучга тўлган пайтида, — деди Мартин Каннингем.

— Лекин энг ёмони, — деди мистер Пауэр, — одамнинг ўз жонига ўзи қасд қилиши.

Мартин Каннингем шошилиб киссасидан соатини чиқарди, йўталиб қўйди-да, яна киссасига солди.

— Бутун хонадон учун оғир шармандалик, — деб қўшиб қўйди мистер Пауэр.

— Вақтинча ақлдан озиш, албатта, — деди қатъият билан Мартин Каннингем, — буни қаттиқ қоралашнинг ҳожати йўқ.

— Шундай иш қиладиган одамни қўрқок дейишади, — деди мистер Дедал.

— Хукм чиқариш бизнинг ишимиз эмас, — деди Мартин Каннингем.

Мистер Блум алланима демоқчи эди, лекин оғзини юмди. Мартин Каннингемнинг катта катта кўзлари. Бошқа ёққа қараяпти. Юмшоқ оқкўнгил киши. Аҳмоқ эмас. Шекспирга ўхшайди. Доим яхши бир сўз айтади. Ўзига қасд қилиш, бола ўлдиришни бу ерда кечиринмайди. Насронийча кўмишни ҳам рад эти-

шади. Илгари мазорда юракка козиқ санчишарди. Худди бечоранинг юраги вайрон бўлгани етмагандай. Баъзан улар охирги дақиқада пушмон бўлишади. Дарёнинг тагидан топилган, қамишлар орасида ётган тиқилиб. У менга қараб турарди. Унинг хотини жуда расво арокхўр. Неча марталаб уйини бебаб чиқди, хотини эса деярли ҳар шанба куни унинг номидан мебелларни гаровга қўяди. Яшаш эмас, дўзах. Мунақага тош ҳам чидамайди. Душанбадан яна барини янгидан бошлаш керак. Бўйинтуруқ ҳам шунақа бўладими. Дедал айтиб берган эди уша куни кечкурун уларникига кирган экан, ана сизга томоша, дейди, у хонадан бу хонага чопиб Мартиннинг зонтигини ҳадеб силкитар эмиш:

Мен Осиё дурдонасиман,
Осиёда
Гейшаман.

У юзини четга буряпти. У билади. Суяклар жойига тушади.

Ўша тергов, текшириш ўтказишган-ку. Стол устида қизил ёрлик ёпиштирилган шиша. Меҳмонхона хонаси, деворларда ов тасвирланган суратлар. Кун дим эди. Дераза дарпардалари тиркишларидан офтоб тушиб турарди. Терговчининг қулоқлари катта ва жун босган. Хизматчи гапириб беряпти. Ухлаб ётибди, деб ўйлабди олдин. Кейин юзини худди пайса-пайса сариқ босганини кўрибди. Каравотнинг оёқ томонига сирғалиб тушибди. Хулоса: ҳаддан ташқари кўп оғу ичган. Бахтсиз ходиса. Хат. Ўғлим Леополдга.

Энди азоб йўқ. Қайтиб ўйғонмайсан. Бошқа ҳеч кимники эмассан.

Карета Блессингтон-стритдан шитоб билан қалдираб ўтди. Тош йўлдан олиб боришади.

— Шамолдек учяпмиз, — деди Мартин Каннингем.

— Йўл ўртасида тўнтарилиб кетмайлик-да, ишқилиб, — деди мистер Пауэр.

— Ундай бўлмасов, — деди Мартин Каннингем. — Эртага Германияда катта пойга бўлади. Гордон Беннет.

— Ҳақиқатан шундай, — деди мистер Дедал. — Бир кўрсак эди.

Улар Беркли-стритга бурилишганда Катта ҳовуз муюлишида турган шарманка улар ортидан шўх, чулдираган музикасини

чалиб қолди. Дўмбоққина Келлини курган борми бу ерда? Ка е иккита ли. Келли. «Саул»дан олинган мотам марши. Хасис-дир ул мисли Антонио сариқ чақа бизга бермадиё. Оёғинг учида айлан! Mater Misericordiae¹ Экклз-стрит. Менинг уйимга якин. Катта бино. Бедаволар бошпанаси. Тасаллини қаранг. Улим тўшагида ётганлар учун Биби Марям касалхонаси. Ўликхона шу ернинг ўзида, пастда. Қари кампир Рийордан шу ерда ўлган. Шўринг қурғур хотинларнинг афт-ангорига қараб бўлмайди. Товоқдаги таом, қошиқни касалнинг оғзига тикишади. Каравот парда билан тўсилган, ўлса ўлаверсин. Ёқимтой талаба йигит: мени ари чақиб олганда боғлаб қўйиб эди. Ҳозир туғуруқхонага ишга ўтганмиш. Ўздан кутулиб сувга тутилган.

Карета елдек учиб, муюлишда бурилди ва тўхтади.

— Яна нима бўлди?

Тамғаланган қорамол подаси иккига бўлиниб арава дарчалари ёнидан мўрашиб, шилта туёқларини оғир-оғир босиб, суяклари туртиб чиққан яғир сағриларини думлари билан аста елпиганча ўтиб борарди. Поданинг чеккасида буқалар билан аралаш-куралаш тамғаланган қўйлар қўриқиб баърашарди.

— Кўчманчилар, — деди мистер Пауэр.

— Ҳо-ов, ҳо-ов! — подачининг овози янграр, камчиси шарақлаб мол қўйларнинг биқинига тушарди. — Ҳо-ов! Бўл! Қимирла!

Эҳ-ҳа, бугун пайшанба Эртага кушхоналар ишлайди. Буқалар. Кафф ҳар бош қорамолни сал кам йигирма етти фунтдан сотган эди. Ливерпулга бўлса керак. Кўҳна Англия учун рост биф². Обдан семиртирилган молларни сотиб олишади. Кейин уларнинг териси, ёғи, шохлари, жуни арзонгаровга кетади ё чикитга чиқади. Бир йилда анча-мунча пул бўлади. Ўлик гўшт савдоси. Кушхоналардан чиққан чиқиндилар тери, совун, маргарин ишловчи корхоналарга ўтади. Қизиқ, бу хийла-найранглар ҳали ҳам давом этади, Клонсиллда тўғри поезднинг ўзидан ҳидланган гўштларни кўтара савдо қилишади.

Карета пода оралаб юрди.

— Тушунмайман нега шаҳар кенгаши қўй-қўтон манзилидан соҳилга трамвай йўли ўтқазишмайди, — деди мистер Блум. — Мол-ҳолни кемаларга чиқариш анча осонлашарди.

¹ Раҳмдил Биби Марям (лот.). Дублиндаги касалхона.

² Молнинг биқини гўшти.

— Кўчалар ҳам подалардан холи бўларди, — деди Мартин Каннингем. — Тўғри айтяпсиз. Бу жуда зарур иш.

— Шундай, — деди мистер Блум, — мен яна бошқа бир нарсани ҳам ўйлайман, худди Миландагидек мотам трамвайлари ташкил этилса. Трамвай йўлини тўғри қабристон дарвозасигача олиб бориш керак: махсус трамвайлар тобутни элтиб берсин, кареталар бемалол юрсин ва ҳоказо. Мен нима демоқчи бўлаётганимни тушуняпсизми?

— Ўйлаб топган нарсангизни қаранг, ҳавойи гап, — деди мистер Дедал. — Ётадиган жойлари, вагон-ресторан ҳам бўлсин дерсиз ҳали.

— Корнининг келажаги аянчли, — деб қўшиб қўйди мистер Пауэр.

— Ие, унда нима? — сўради мистер Блум мистер Дедалга қараб. — Кўчаларни мана шундай пода чангитиб юриши кулай экан-да?

— Бир ҳисобда сизнинг гапингиз ҳам тўғри, — рози бўлди мистер Дедал.

— Жилла курса, — деди мистер Каннингем, — турли-туман нохуш воқеалар рўй бермасмиди, эсингиздами, Данфининг дуқони олдидаги муюлишда ўлик олиб кетаётган араванинг ағанаб кетгани, тобут йўлнинг ўртасига қулаб тушган эди.

— Жуда хунук бўлган эди, — деди мистер Пауэр башарасида титроқ туриб, — майит йўлда думалаб ётди. Даҳшат!

— Данфининг ёнидаги қайилишда биринчи, — деди мистер Дедал маъқуллагандай бошини силкитиб, — Гордон Беннет совринига.

— Худое, ўзинг кечир! — художўйлик билан илтижо қилди мистер Каннингем.

Қарс-курс! Арава ағдарилди. Тобут гумбурлаб йўлга тушди. Қопқоғи отилиб кетди. Гавдасига унча ярашмаган костюм шимда ерга ғўладай думалади. Ҳаётлигида икки юзи қип-қизил эди: Энди эса докадай оқарган. Даҳани очилиб қолган. Э, нима бўлди, деб сўрагандай. Яхшиям, энгакини боғлаб қўйишади. Оғзи карракдек очилиб ётса, ёмон. Ички аъзолари ҳам тез бузилади. Яхши-си, барча тешик-туйнуқларни маҳкам беркитиш. Кейин. Беркитиш учун мум ҳам ярайди. Орқа чиқиш заифлашади. Барини тамғалаб шиббалаб ёпиб ташлаш керак.

— Данфи Бари, — деб эълон қилди мистер Пауэр карета уннга бурилгач.

Данфи Бари қайилишда. Мотам кареталари қаторлашиб ти килиб турибди, кайғу-аламларини май билан ювишяпти. Бу ерда тўхтаб ўтишади. Ичкилик дўкони учун жойни хўб топиб танлаган. Қайтаётганда, соғлиқ-саломатлик учун қадаҳ кўтар-сак, ажаб эмас. Айланади юпанч косаси. Ҳаёт иксири.

Э, нима, ростдан ҳам, шундай бўлса-чи? Мабодо одам ҳодис, бу силкинишда, айтайлик, миҳ кириб кетса, нима бўларди, қон чиқармиди? Билиш қийин. Жойига қараб. Қон айланиши тўхтайдими-ку. Лекин ҳар қалай, йўғон томирдан қон силқиб чиқиши мумкин. Шунинг учун тобутга кизил кийимда, қорамтир кизил кийдириб ётқизиш керак.

Улар Фибсборо-роуд бўйлаб жим ўтиб кетдилар. Бўш тобут арава кабристондан қайтяпти. Худди юкни ташлаб енгил торгандай боряпти.

Кроссганс кўприги. Қирол канали.

Сув тўғонлардан ҳайкириб отиларди. Бир одам сувга аста ўтираётган сол устида торф уюмлари орасида тик турарди. Канал ёқалаб кетган сўкмоқ йўлда чилвири салқи боғланган от. Солнинг ёнига «Бугабу» сўзи ёзилган.

Улар кўзларини солчидан узишмасди. У ўз солида балчик босган, қамишлар ўсган, имиллаб оқадиган каналдан бутун Ирландияни босиб ўтиб, денгизга қараб боряпти, қамишзорлар, лойга ботган шишалар, ит ўлаксалари, қалин балчиклардан арқон тортиб йўл босяпти.

Атлон, Моллинггар, Мойвэлли, канал ёқалаб пиёда юриб Миллини кўриб келиш мумкин. Велосипедда борса ҳам бўлади. Эскироқ бирортасини ижарага олса, қулайроқ. Рен кимошди бозорида битта шунақаси сотишга қўйилган, фақат аёллар минадигани. Сув йўлларини яхшилаш. Жеймс Макканна мени солда олиб юришга ишқивоз. Арзон нақлийёт. Масофалар узоқ эмас. Сузиб юрувчи уйлар. Сайру саёҳат. Эркин ҳаво. Тобут аравалар. Сувдан самога. Нафсламрга, хат ёзиб огоҳлантириб ўтирмайман, қутилмаганда кириб боравераман, Лейкслип, Клонзилла. Бир тўғон кейин иккинчиси, то Дублингача шундай плюзлардан ўтиб борилади. Ирландия ботқоқлари торфлари билан. Солкаш Падди Дигнамнинг хурматига униққан похол шляпасини кўтариб қўйди.

Улар Брайен Бороиме уйи ёнидан ўтишди. Энди яқин қолди.

— Қизик, дўстимиз Фогарти ҳозир нима қилаётган экан-а, — деди мистер Пауэр.

— Буни Том Кернандан сураш керак, — деди мистер Дедал.
— Нима буларди? — деди Мартин Каннингем. — Юм-юм кўз ёшларини тўкаётгандир?

— Кўздан йирок бўлса ҳам, — деди мистер Дедал, — хар қалай кўнгилга яқин.

Карета чапга Финглас-роудга бурилди.

Кабристонга кўйиладиган ёдгорликлар устахонаси унга. Сўнгги кадамлар. Унсиз, оппоқ, ғамбода, мотамсаро ҳайкалчалар, тош қотган кўлларини имдодга чўзиб, қайгули тиз букиб, бармоқларини огоҳ қилиб юқори кўтарганча бир парча ерда тикилишиб турарди. Тошдан йўнилган ҳайкалларнинг узвлари. Ок сукутга ботиб нола қилурлар. Хоҳлаганингизни танлаб ясадинг. Том. Х.Деннани, қабртошлар, ёдгорликлар устаси.

Ўтиб кетишди.

Кабристон қоровули Жимми Гирининг уйи олдида йўлка четида, бир нарсаларни ўзича ғўнғирлаб, қари дайди утирар, гард босиб йиртилиб кетган каттакон оёқ кийимидан қум ва тош майдаларини қоқарди. Ер узра саргузаштлар мана шу жойда тугайди.

Бирин-сирин ўтди тумтайган боғлар, тумтайган уйлар.

Мистер Пауэр кўрсатди.

— Манов ерда Чайлдс ўлдирилган, — деди у. — Охирги уй.

— Ҳа, — деди мистер Дедал. — Жуда қўрқинчли воқеа. Биродаркушлик. Сеймур Буш уни чиқариб олган эди. Ишқилиб, одамларнинг гапи-да.

— Бўйнига кўйишолмади, — деди мистер Пауэр.

— Далиллар етарли бўлмаган, — деди Мартин Каннингем. — Одил судловнинг қондаси шу.

Битта бегуноҳни айбдор деб топишдан кўра тўқсон тўққизта гуноҳкорни оқлаган маъқул.

Улар кўз югуртиришди. Қатлгоҳ. Этни жунжиктирдию орқада қолди, мудҳиш жой. Дераза тавақалари ёпик, пардалар туширилган, кимса яшамайди, боғ қаровсиз, ҳувиллаб ётибди. Ҳаммаси остин-устун бўлиб кетган. Бегуноҳ ҳукм қилинган. Одам ўлдириш. Мақтулнинг қорачиқларида қолган қотилнинг сураги. Бу ҳақда ёзилганларни мук тушиб ўқишади. Боғ сўқмоғидаги эркакнинг калласи. Ўлдирилган аёлнинг устидаги кийимбош. У ўлимни қандай қарши олди. Зўравонлик асоратлари. Қотилнинг қуроли. Пойабзал чизимчаси. Жиноятчи тутилма-

ган, ҳали кидирилмоқда. Далиллар. Жасадни қазиб олиб текширишга кўрсатма берилган. Қотиллик очилмай қолмайди.

Каретанинг ичи тор, оёқ увишади. Агар мен огоҳлантирмай бирдан кириб борсам, аёл норози бўлиши мумкин. Аёллар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Худо кўрсатмасин, иштонини ечаётганда устидан чиқиб қолишни. Ҳеч қачон кечирмайди кейин Ўн беш.

Қабристон панжарасининг баланд ихоталари кўзни чалкаштиради. Қора тортган тераклар, унда-мунда оқ мрамор ҳайкалчалар. Ҳайкалчалар кўпроқ, дарахтлар орасига тиқилишган оқ жуссалар, оқ ҳайкаллар ва уларнинг парчалари сассиз ёнингдан сузиб ўтади, котиб қолган қўллари қайгадир маъносиз чўзилган.

Филдирак гардиши йўлка четига тегиб кисирлади: карета тўхтади. Мартин Каннингем қабзага чўзилди, уни бураб арава эшигини тиззаси билан итарди. У пастга тушди. Мистер Пауэр ва мистер Дедал унга эргашдилар.

Энди совунни бошқа чўнтакка солса бўлади. Мистер Блумнинг қўли шимнинг орқа чўнтагини тез тугмадан ечди-да, устидаги қоғози ёпишиб қолган совунни камзулининг ички чўнтагига солди. У йўлкага гушди, ҳамон қўлида турган газетани юзадаги чўнтагига тиқди.

Файзсиз маросим: битта тобут арава ва учта карета. Барибир эмасми. Ҳашамдор ўртук, зарҳалланган тизгинлар, мотам музикаси, милтиқлардан ўк узини. Ўлим маросими. Охирги каретанинг ортида аравачасида турли пишириқ ва мева-чевалар келтирилган сотувчи турарди. Бир-бирига ёпишган ширинлик, пишириқлар, марҳумлар учун ширин пишириқ. Ит таоми. Ким ейди буларни? Кузатиб келганларми қабристондан чиқаётганда. Мистер Кернал билан Нед Лэмберт уларнинг изидан юришди, орқада Хайнс, Корни Келлехер очиқ тобут арава олдида тўхтаб ундан икки гулчамбарни олди. Биттасини ўсмир болага берди.

Анов ўлган болани олиб кетаётган тобут арава қайда қолди?

Финглас томондан аравага қўшилган отлар кўринди, устига улкан мрамартош ортилган юккаш аравани отлар гўристон сукунатида оғир-оғир одимлаб гичирлатганча тортиб келадилар. Юкчи аравакаш шляпасини қўлига олиб отлари ёнида боради.

Ана энди тобут. Ўлик бўлишига қарамай биздан илгари етиб келди. От унга олайиб қарайди, оқ туғлари ёнига сурилиб турибди. Отнинг кўзи хира нурсиз. Югани бўйини қисади, қон томирларини қияди, яна аллашимабало. Улар ҳар куни бу ерга

нима олиб келишларини билишармикин? Кунда йигирма ёки ўттиз ўлик келса эҳтимол. Яна протестантлар учун Маунт-Жером қабристонини ҳам бор. Бутун дунё бўйлаб ўлик кўмилади, ҳамма ерда, ҳар дамда. Арава-арава қалаштириб келтириб шоша-пиша тўнтариб кетишади. Ҳар соатда минглаган. Дунёда ҳаддан ташқари одам кўп. Ўлик ҳам.

Деразада кузатиб келувчилар кўринди: бир хотин ва қизча. Хотиннинг жағи йирик, бунақалар ҳеч кимга ҳақини бермайди, шляпаси ёнига қийшайиб қолибди. Қизчанинг чеҳраси кўз ёшлардан қирланган, хотиннинг қўлидан ушлаб олган, йиғлаш керакми, дегандай унга қараб-қараб қўяди. Бамисоли балиқнинг юзи, бўздай оқ, қонсиз.

Тобуткашлар тобутни елкаларига олиб, дарвозадан ичкарига олиб киришди. Ўлик юк. Мен ҳам ваннадан чиқа туриб, ўзимни оғир сездим. Аввало ўлакса: сўнг ўлаксага дўст ўлаксалар. Корни Келлехер билан ўсмир бола гулчамбарлар ортидан юришди. Уларнинг олдидаги ким бўлса? Э-э, қайниси.

Ҳаммалари олдинма-кейин боришди.

Мартин Каннингем шивирлаб деди:

— Блумнинг олдида сиз ўз жонига қасд қилиш устида сўз очганингизда мен ўзимни қўярга жой тополмадим.

— Нима? — овозини пасайтирди мистер Пауэр. — Нега?

— Унинг отаси заҳар ичган, — шивирлади Мартин Каннингем. — Эннисдаги «Қиролича отели»нинг эгаси эди. Эшитдингиз-ку, ҳали Клерга бораман деди. Йилини ўтказди.

— Худоё, ўзинг раҳм қил! — пичирлади мистер Пауэр. — Эшитмаган эканман. Заҳар ичганми!

У орқаларидан изма-из кардинал мақбарасига томон келаётган кўзлари ўйчан, қорамтир кишининг юзига қия қараб қўйди. Оғзи тинмайди.

— Э, у суғурта қилдирганмиди? — сўради мистер Блум.

— Шундай бўлса керак, — деб жавоб берди мистер Кернан, — аммо суғурта полиси юз марта гаровга қўйилган. Мартин унинг кенжасини Артэйнга жойлаштирмоқчи.

— Болалари нечта?

— Бешта. Нэд Лэмберт қизчаларнинг бировини Тоддга жойлаштираман деб, ваъда қилди.

— Жуда қайғули воқеа, — раҳмдиллик билан деди мистер Блум. — Бешта бола-я.

— Бечора хотинига ёмон зарба бўлди, — қўшиб қўйди мистер Кернан.

— Нимасини айтасиз, — қўшилди мистер Блум.

Энди эрини бошига урадим.

У ўзи ялтиратиб артган оёқ кийимига қаради. Эрининг орқасида қолди, эрдан айрилди. Мендан кўра ҳам, унга эри икки бора ўлганрок. Кимдир барибир биринчи бўлиб ўлади. Ақлли одамлар шундай дейишади. Дунёда эркаклардан аёллар кўпроқ. Унга таъзия билдириб қўяйин. Аянчли оғир йўқотиш. Умид қиламанки, тез орада унинг ортидан йўл оласиз. Бу ҳинд беваларига тегишли удум. Бу хотин бошқа бировга эрга тегиши мумкин. Ановингами? Йўқ. Яна ким билсин. Қари қиролича вафот этгандан бери бева юришга ишқивозлар камайди. Тўп-тўпхонага ўликни қўйиб олиб боришган эди. Виктория билан Алберт. Фрог морда йиллик таъзия маросими ўтди. Лекин ҳар ҳолда охирига дақиқада у шляпасига бир даста бинафша тақиб қўйган эди. Юрак тубига жойлашган нафсоният ҳаммаси бир шарпа учун. Қироличанинг эри бор-йўғи — аммо қирол эмас. Ҳаётининг бутун маъно-мақсади ўғлида эди. Иншонса бўладиган, ўтмишга ўхшамаган қандайдир бир янгиликни у кутган эди. Лекин энди ҳеч қачон ўтмиш қайтиб келмайди. Кимдир албатта олдин кетади: ер остида ёлғиз ётади. Энди хотинининг иссиқ тўшагидан маҳрум.

— Яхши юрибсизми, Саймон? — мулоим сўрашди у билан Нед Лэмберт қўлини қисиб қўяркан. — Сизни кўрмаганимга ҳам бир аср бўлди.

— Ёмон эмас, шекилли. Номи тилларда дoston Корк шаҳрида нима гаплар?

— У ерга ҳайит кунлари душанбада от пойгасига борган эдим, — деди Нед Лэмберт. — Ҳамон ўша-ўша эскича: олти шиллинг саккиз пенс. Дик Тайвида қўноқ бўлдим.

— Дик-ўткир қалай?

— Боши очиқ юрибди, — деб жавоб берди Нед Лэмберт.

— Вой авлиёлар отқиёлар! — Ҳайратини жиловлаганча деди мистер Дедал. — Дик Тайвининг сочи қолмабдими?

— Мартин сабийларга ёрдам бўлсин деб, иона тўпламоқчи, — деди Нед Лэмберт бармоғини олдинга нуқиб. — Ҳар калладан бир неча шиллинг. Суғуртаси нималиги аниқлангунча болаларга қандайдир кўмак бериб туриш керак.

— Маъкул, маъкул, — деди бироз ишончсизроқ оҳангда мистер Дедал. — Анов бораётган ким, тўнғич ўгли эмасми?

— Ҳа, — деди Нед Лэмберт. — Ёнидаги қайин акаси. Орқада бораётган Жон Ҳенри Ментон. У бир соверен иона қилди.

— Барака топсин, — деди мистер Дедал. — Бечора Паддига неча марта айтдим мана шу жойни қаттиқ ушла деб. Жон Ҳенридан кўра ҳам бешбаттарроқлар бор.

— Нега жойни қўлдан чиқарди? — сўради Нед Лэмберт. — Ичкиликка берилиб кетдимиз?

— Кўп яхши одамлар шу балога йўлиққан, — деди мистер Дедал афсусланиб.

Улар кичик жомхона олдида тўхташди. Мистер Блумнинг кўзига гулчамбар кўтарган боланинг янгигина ёқа таққан, сочлари силлиқ қилиб таралган, ингичка бўйнидаги чуқурчаси яққол ташланиб турарди, шўрликкина! Отаси ўтганда, тепасида турдимикин? Икковлари ҳам эс-хушларини йўқотишган. Охирги дақиқада ҳуши ўзига келиб, кўзини очиб, охирги марта ўз яқинларининг дийдорига қарайди. Яна нима қилсин. Мен О'Грэдидан уч шиллинг қарзман. Ўлаётганини билдимикин? Тобуткашлар тобутни жомхона ичкарасига олиб киришди. Унинг боши қайси томонда?

Бир зумдан сўнг у ғира-шира ёруғда кўзини қисганча бошқалар билан бирга ичкарига кирди. Тобут меҳроб олдидаги баландликка қўйилган, тўрт бурчакда катта сариқ шамлар ёнарди. Доим биздан олдида. Корни Келлехер гулчамбарларни олдинги икки бурчакка ўрнаштирди, болага тиз чўкиш кераклигини ишора қилди. Кузатиб келувчилар лавҳлар олдида тиз чўкишди. Мистер Блум ҳавзча ортида туриб, барча тиз чўкканда, чўнтагидаги букланган газетани билинтирмай ерга туширди-да, унга ўнг тиззасини қўйди. У қора цилиндрни чап тиззасига яхшилаб жойлаштирди-да, унинг четидан кўли билан тутган кўйи бошини художўйлик билан қўйи эгди.

Черков ходими ичига нимадир солинган мис челақчани кўтариб эшикда пайдо бўлди. Унинг ортидан кашини бир кўли билан бўйнига ташланган сажжода матосини сийпалаб, иккинчи кўлида салки қорнига ҳафтияк китобини босиб чиқиб келди. Қироатни ким қилади? Мен, деди хўроз ўрнидан туриб.

Улар тобут олдида тўхташди, шунда кашини китобчасини очиб тез-тез қуриллай кетди.

Падар Грабб. Эсимда, тобутга қараб. Domine-pamine¹. Сурбет бет. Томошани бошқаради. Мушакдор насроний. Унга сал қинғир қараб кўринг-чи, адабингизни беради. Рухоний. Шундай сенинг номинг бўлсин Петр. Беда еб қорни шишган кўйда тарс ёрилиб кетгай. Дедалус у ҳақда дейдики. Қорни худди заҳарланган кучукдай шишган. Ғалати-ғалати гапларни айтади бу одам. Хи-хи-и и, тарс ёрилиб кетасан.

— Non intres in iudicium cum tuo, Domine².

Лотинчалаб дуо ўқиётганда, ўзларини жуда аллабало сезишади. Мотам куйи. Шоҳи матоларда мотамона тикмалар. Қора ҳошияли почта қоғози. Мангу хотира ёзуви. Бу ер совук экан. Тўйиб овқатланиб олиш керак, бу ерда қоронғида эрталабдан бери ҳақ деб ўтиради, навбатдагиси қачон келаркин деб, зўриқиб, зерикиб кутади. Қани, марҳамат қилинг. Кўз худди чўл бақасидай. Нега қорни мунча қаппаяркин? Моллининг қорни қарамдан шишади. Бу ернинг ҳавоси нима, шундаймикин? Ел билан тўлган чоғи. Ҳар қалай, бу ерда ел мўл-кўл, беҳисоб. Қас-соблар, мисол учун, худди юмалоқланган хом қиймага ўхшаб қоладилар. Ким айтиб берган эди менга буни? Мервин Браун. Авлиё Уэрборо хилхоналарида ажойиб қадимий арғанун бир юз эллик йил, тобутларда вақти-вақти билан туйнук очишга тўғри келади, елни чиқариб юбориб, сўнг ёқиб юборилади. Ел қуюндай кўтарилади, кўкимтир. Бир мартаба димоғингга ўтириб қолса — паймонанг тўлди деявер.

Тиззасининг кўзи оғриди. Оҳ. Э, мана шундай.

Кашиш бола кўлида кўтариб турган челақдан учига сўтак боғланган таёқчани чиқарди-да, тобут узра сув сочди. Кейин нариги ёғига ўтиб яна сув сочди. Кейин у аввалги жойига қайтиб таёқчани яна челақчага ташлаб қўйди. Сен то раҳматли бўлгунингча қандай эдинг? Булар бари китобчада ёзилган: Ҳаммасини оқизмай-томизмай адо этиши керак.

— Et ne nos inducas in tentationem³.

Хизматчи бола ингичка овоз билан унга жўр бўларди. Мен югурдакликка болаларни танлаган маъқул деб кўп ўйлардим. Ўн беш ёшгача. Ундан каттаси, албатта...

¹ Раббимнинг номи (лот. Буз.).

² Ўз банданги гуноҳкор этма, ё Раб (лот.).

³ Бизни васвасага солмагайсан (лот.).

Муборак сув, шекилли. Одамнинг уйқусини келтиради. Бу иш жонига тегиб кетган бўлса керак, келган барча ўликларни сув сепиб поклаш. Ниманинг устига сув сочаётганини нега у кўрмасин? Худонинг ҳар бир куни янги-янгиси етиб келади: қариган эркаклар, кампирлар, болалар, хотинлар, туғолмай ўлганлар, соқолдор кишилар, боши тақир кордонлар, кўкси жўжанинг кўкрагидай сил-варам қизлар. Йил бўйи уларнинг тепасида туриб шу бир хил сўзларни ғунғирлайди, кейин устларига сув сепи: тинч ухланглар. Мана, Дигнамнинг ҳам гали келди.

— In paradisiium¹.

Жаннатга кирасан дедими ёки жаннатдадирсан деб айтдимиз? Ҳар бир майитга шуни ўқийди. Зерикиб кетмагани. Лекин у ниманидир гапириши лозим-ку.

Қашиш китобчасини ёпиб, хизматчи бола билан бирга чиқиб кетди. Корни Келлехер ёнбошидаги эшикни ланг очди, тобуткашлар кириб, тобутни кўтаришиб ташқари чиқаришди-да, бояги юк аравага ўрнатишди. Корни Келлехер бир гулчамбарни ўсмир болакайга, иккинчисини қайниси қўлига тутқазди. Ҳаммалари унинг ортидан ён эшикдан бўз тусли, юмшоқ ҳавога чиқдилар. Мистер Блум букланган газетани яна чўнтагига солиб ҳаммадан сўнг чиқди. Тобутли арава то сўл томонга бурилмагунча у оёғи тагидан кўз узмади. Араванинг темир филдираклари ғичирлаб майда тошларга ботар, бир неча оғир*этик кийган оёқлар хилхоналар оралаб арава орқасидан борарди.

Та-ритара, та-ри та-ра та-ру. Э худойим-ей, мен нима бу ерда ашула бошлаб юбормасам.

— О'Коннелнинг макбараси, — деди мистер Дедал унинг ёнида туриб.

Мистер Пауэрнинг мулойим бокқан кўзлари баланд ёдгорликнинг тепасига қаради.

— Қария Дэн О' раҳматга эришди, — деди у, — халқининг бағрида тинчланди. Бироқ унинг юраги Римда дафн этилган. Қанча вайрон кўнгиллар бу ерга кўмилган, Саймон!

— Хотинимнинг макони анов ерда, Жек, — деди мистер Дедал. — Тез орада мен ҳам ёнига келаман. Қазову қадар етган кун Худойим ўз ҳузурига чақирсин.

¹ Жаннатга кириб (лот).

У кўнгли бўшашиб, унсиз йиғлади, йўлни кўрмай қоқилиб-қоқилиб кетди. Мистер Пауэр унинг кўлтиғидан олди.

— У ерда тинч ётибди, — секин деди у.

— Илоҳим шундай бўлмай, — деди мистер Дедал ҳикиллаб. — Шояд осмондадир, осмон бордир, ахир.

Корни Келлехер ўзини бир қадам четга олди ва ёнидан кузатувчиларни ўтказиб юборди.

— Учрашган жойимизни қаранг, — одоб билан сўз қотди мистер Кернан.

Мистер Блум кўзини юмди ва икки бора бошини маъюсона эгди.

— Ҳамма шляпасини кийиб оляпти, — деди мистер Кернан. — Менимча, биз ҳам кийсак бўлар. Сиз билан мен ҳаммадан кейинда қолибмиз. Бу қабристон — бевафо бир жой.

Улар цилиндрларини кийишди.

— Ҳазрат падаримиз хизматни ҳам юмалоқ-ёстиқ қилиб адо этдилар, тўғрими? — таъна қилгандай деди мистер Кернан.

Мистер Блум унинг жайноқлаган, қон қуюлган кўзларига тик боқиб бош силкиди.

Гизли кўзлар, гизли, синчков кўзлар. Менимча, бу кишим хилватий масонлардан, яна ким билсин. Яна у билан ёнма-ён бўлиб қолдим. Ҳаммадан орқада қолибмиз. Қўш ҳўкиз. Имоним комил, ҳали у яна бир нарса дейди. Мистер Кернан қўшиб қўйди:

— Маунт-Жеромдаги Ирланд черковида маросимлар. Соддароқ, менга қолса, таъсирлироқ ўтади.

Блум босиқлик билан маъқуллади. Тил бағоят сермаъно бир нарса.

Мистер Кернан болохонадор қилиб деди:

— Менким, тирилиш ва ҳаётдурман. Бу инсон юрагининг энг чуқур қаърларигача етиб боради.

— Дарҳақиқат, — деди мистер Блум.

Балки сенинг юрагинг қаърларигадир, икки қулоч қутига тушиб ётган шўринг қурғур сўзларни бошига урадимиз? Сўзлар у ерга етиб бормади. Эҳтирослар маъъади. Вайрона юрак. Босқон. Бир кеча-кундузда минглаган литр қонни ҳайдаб оқизади. Яна бир кун қарайсанки, қон тиқилиб, тўхтаб қолган — опоқи, тайёргарлигингизни кўринг. Манов ерда қанчадан-қанча ўпкалар, юраклар, жигарлар ётибди. Эски, занглаган, чириган босқонлар, бошқа нима ҳам бўларди. Тирилиш ва ҳаёт. Ўлган

ўлди. Бунинг устига қиёмат даҳшатини ҳам ўйлаб топишган. Жамики ўликлар гўридан тикка чиқиб келади. Лазар, сенга айтаман: тур ўрингдан! Лазар ўрнидан туриб кетди ва жойсиз қолди. Турингиз! Қиёмат! Ҳаммалари бир бўлиб чарх уришадди, ўзларининг жигару ўпкаларини яна бошқа ашқол данқолларини жийпаб юришади. Шундай қиёмат қоимда сочилиб кетган ҳамма абзоларининг қани бир йиғиб кўр-чи. Миянинг бош чаноғида 0,05 унсия кукун. Ўн икки грамму пол юзда беш унсия. Уч ҳисса оғирлик.

Корни Келлехер унинг ёнида баравар кадам ташлаб борди.

— Ҳаммаси аъло ўтди, — деди у. — А?

Уларга у оғир сузилган кўзларини тикди. Сумбати полициячига ўхшайди. Ўзига яраша намоси бор: тра-ла-ла, тра-ла-ла.

— Эшовига яраша тушови, — деди мистер Кернан.

— А? Нима? — деди Корни Келлехер.

Мистер Кернан уни юпатди.

— Том Кернан билан орқада келаётган нусха ким? — сўради Жон Ҳенри Ментон. — Башараси таниш.

Нед Лэмберт ўгирилиб қаради.

— Блум, — деди у. — Мадам Мэрион Твиди эсингиздами? Шунақа бир кўшиқчи бор, дарвоқе, у ҳозир ҳам айтади, сопра-но. Блумнинг хотини.

— Э-ҳа, эсимда, эсимда, — деди Жон Ҳенри Ментон. — Анча бўлди уни кўрмаганимга. У билан рақсга тушганман, ҳозир, ўн беш-ўн етти йиллар чамаси илгари Раундтаунда Мэт Диллоннинг уйида. Офатижон эди, ушласанг, кўлинг роҳат қиларди.

У ҳамроҳларининг елкалари оша орқага қаради.

— Бу каллаварам ўзи ким? — сўради у. — Нима иш қиларди? Қоғоз корхонасининг савдо-сотик ишлари билан шуғулланарди, шекилли? Бир кун соққа ўйнаб у билан сўкишиб қолган эдик.

Нед Лэмберт жилмайди.

— Тўғри айтасиз, — деди у, — босма қоғозлар сотиб юрарди ҳар ерларда.

— Худоё ўзинг ҳақсан, — деди Жон Ҳенри Ментон, — нозанинга шу сўтакдан бошқа эр қуриб қолган эканми? ўт-олов хотин эди-ку.

— Ҳозир ҳам шунақа, — деди Нед Лэмберт. — Эри реклама учун эълонлар йиғиб юради.

Жон Ҳенри Ментоннинг кагта катта кўзлари тўғри ўз ол-
дига боқади.

Арава ён томондаги хиёбонга бурилди. Қабрлар ўртасида тур-
ган баланд бўйли киши ҳурмат юзасидан бошидан шляпасини
олди. Гўрковлар кўлларини қалпоқларига теккизиб қўйишди.

— Жон О'Коннел, — деди мистер Пауэр мамнун бўлиб. —
Ҳеч қачон биродарини эсидан чиқармайди.

Мистер О'Коннел илдаммай барчанинг кўлини қисди. Мистер
Дедал оғиз очди:

— Мана мен яна келдим сизнинг ҳузурингизга.

— Қадрдон Саймон, — деди паст овоз билан қабристон назо-
ратчиси. — Сизнинг бу ерга мижоз бўлишингизни истамас эдим.

У Нед Лэмберт билан Жон Ҳенри Ментонга таъзим қилиб,
орқадаги кўлида иккита қалитни ўйнаганча Мартин Каннингем
билан ёнма-ён одимлади.

— Сизлар анов воқеани эшитдингларми, — сўради улардан. —
Кумлик Малкэхи ҳақида?

— Йўқ, эшитмадим, — деди Мартин Каннингем. Барча ци-
линдрлар унга томон энкайди, Ҳайнс ҳам қулоғини тутди. На-
зоратчи бош бармоғини осма соатининг тилла занжири ҳалқа-
сига киргизди-да, ҳамроҳларнинг лоқайд табассумларига қараб
босиқ товушда ҳикоя қилди:

— Айтишларича, — деди у, — туман тушган окшомлардан
бирида икки ичкиликбоз ошналарининг мазорини излаб кели-
шибди. Қабр қаердалигини сўрашибди, уларга кўрсатиб қўйи-
шибди. Туманда бироз адашиб юриб алоҳа қабрни топиб бори-
шибди. Бирови қабрдаги ёзувни амал-тақал қилиб ўқибди: Те-
ренс Малкэхи. Иккинчиси қабрга ўрнатилган Халоскор
хайкалини у ёқдан-бу ёққа ўтиб томоша қилибди.

Назоратчи ўтиб бора туриб шу яқин орадаги қабрга сузилиб
қаради. Кейин ҳикоясини давом эттирди:

— Кўзини қисиб Исога хўб қарабди. *Бунинг нимаси Малкэхи,
ўла қолса ҳам ўхшамайди, дебди, билмадим бунга қайси аҳмоқ
чизган.*

Ҳамроҳлар бир кулиб қўйишгач, назоратчи улардан орқа-
роқда қолиб Корни Келлехер билан гаплашди, ундан қандай-
дир қоғозларни олди, йўл-йўлакай уларга кўз югуртирди.

— Латифани у бекорга айтмайди, — тушунтирди Ҳайнсга
Мартин Кеннингем.

— Биламан, — деди Ҳайнс. — Мен биламан.

— Кўнгилни кўтариш учун, — деди Мартин Каннингем, — юракдан чиқариб айтди, бор гап шу.

Мистер Блум назоратчининг йирик жуссасидан кўзини узмасди. Ҳамма у билан яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қиладди. Оккўнгил Жон О'Коннел яхши инсон. Калити худди Клит фирмасининг эълонида айтилгандай: ҳеч ким бу ердан қайтиб чиқмаслигига кафолат берамиз; чиқишга рухсатнома топширилмайди. Habeas corpus¹. Маросим ўтгандан кейин ўша эълон бўйича кириб аниқлаш керак. Мен хатжилдига Болбриж деб ёздим, Молли кириб қолди, Мартага аталган хатни шу жилд билан беркитдим. Эгаси топилмаган хатлар ичида йўқолиб кетмас ахир? Соқолимни олсам булармиди. Соқол оқаряпти. Соч тагидан оқара бошлаганда, одамнинг феъл-атвори айнайди, бу ҳаммадан олдин билинади. Кумуш тола порлайди. Назоратчининг хотини қандай буларкин? Сизга уйланаман деб айтишга бети қандай чидадийкин? Кел, мазорда яшаймиз, деб айтдимикин? Уни ўзига ром қилдимикин? Олдинига бу қизиқ туюлган бўлиши ҳам мумкин. Ошиқ-ўлим... Тун шарпалари учади, атроф-теварақда шунча ўликлар. Гүристонлар коми очик, қабрлар соя ташлайди, Дэниел О'Коннелл ҳеч шубҳа йўқки, зурриёд. Кимдир айтиб берган эди, у жуда серпушт одам экан, яна ашаддий католик ҳам дейишади, зулмат ичра улкан одамнавидай. Тентираган ўт-чироқ. Мозорларнинг еллари. Хотинининг фикрини чалғитади, акс ҳолда бўйида бўлмайди. Хотинлар ўта таъсирчан халқ. Уйқуга ётишдан аввал унга арвоҳлар ҳақида ҳикоя қилиб берсангми. Сен ҳеч арвоҳни кўрганмисан? Мен эса кўрганман. Тун шу қадар зулматки, кўзингни минг йирсанг ҳам ҳеч нарса кўринмайди. Минорадаги соат ярим тунда занг урди. Ҳечқиси йўқ — хотинларни яхшилаб тобига келтирсанг, ўпишаверишади. Турк қабристонларидаги фоҳишалар. Ёшлиқда яхши кордон кишининг қўлига тушсалар, ҳамма нарсани ўрганишади. Бу ерда ёшгина бевани илинтириш мумкин. Эркакларга бу ёқади. Мозор тошлари аро муҳаббат. Ромео. Лаззати ўткирроқ бўлади. Ўликлар салтанатидаги биз тириклар. Зиддиятлар туташади. Шўрлик ўликларга эса жаҳаннам азоблари. Ўз ич-этини кемираётган оч-

¹ Вужуд эгаси (лот.). Ўрта асрларда шахс камоққа олишганда шу сўзлар билан бошланувчи ҳуқуқий қоида айтилган.

лар ва бифштекс иси. Истакларни қитиқлаш. Молли дераза олда томоша қила туриб бирдан хирси жуңбушга келди. Хар ҳолда унча-мунчамас саккизта боласи бор, ахир.

Қанча-қанчалар кумилган унинг кўз ўнгида, унинг теграсида қанча-қанчалар шудгор-шудгор бўлиб ётибди. Муқаддас шудгорлар. Мабодо тик турғизиб кумсалар, қанча жойлар ортарди. Ўтирган ё тиз чўккан ҳолда кумиш мумкин эмас. Тиккасигами? Ер очилиб қолса, унда ўликнинг калласи ташқаридан кўрилади. Қўлларини кўкка чўзган ҳолда. Бунда ер худди ари уясидай ҳаммаси чўзиқроқ катакчалар. Анча саришта жой экан, яшил буталар, чимзор ўтлоқ майор Гэмбл менинг боғимни Маунт-Жером дейди. Нима, арзимайдими. Уйқу келтирувчи гуллар эксаммикин? Хитой мазорларида улкан гиёҳлар ўсади, ундан энг яхши оғу олишади. Мастянский менга гапириб берган эди. Шу яқин ўртада ботаника боғи бор. Қон ерга сингиб, янги бир ҳаёт яратади. Хар бир нарсанинг ўз баҳоси бўлади. Маишатпараст жентелменнинг яхши сақланган семиз мурдаси мевали боғлар учун энг соз ўғит. Ўзаро фойдали битишув. Яқинда жони узилган, инспектор ва бухгалтер бўлиб ишлаган марҳум Уилям Уилкинсоннинг лоши уч фунт ўн уч шиллингу олти пенс туради. Олдиндан миннатдор...

Мурдалар кумилган ер жуда семириб кетса керак, суяклар, эт, тирноқ, умумқабрлар. Даҳшат. Ириб, чириб, кўкариб чиқиб, гуллашади. Нам тупроқда тезроқ чиринади. Чайир чоллар мустаҳкамроқ бўлади. Сўнг худди мисоли чўчка ёғидай, пишлоқ мисол. Кейин қорайиб, йиринг оқади. Сўнгра қотади. Ўлик капалакнинг боши. Албатта, ҳужайралар, оти нима эди ҳаҳ, яшашни давом эттиришади. Лекин ўзгаришади. Нафсиламрга, мангу яшашади. Озука йўқ, лекин ўз-ўзларини озукага айлантиришади.

Бироқ бу ерда қуриб кеткур қуртлар ғиж-ғиж бўлса керак. Ҳаммаси манов чуқурларда уймаллашиб ётади. Чуқурчали ёноқчалар, жингалак сочлар. Чарх уриб айланади дундиқчалар. Назоратчининг кўриниши бардам. Бошқа бировлар ундан илгарирок нариги дунёга кетаётганликларини кўриб, ўзини кучлироқ деб сезади. Қизик, у ҳаётга қандай қараркин. Латифалар айтади: бундан юраги ором олади. Мисол учун, бугунги хабарлар. Бугун наҳорги соат 4 да Спаржон жаннатга кирди. Кечки соат 11 да мазор дарвозаси ёпилади. Ҳали келгани йўқ. Петр. Ўликларнинг ўзлари, айниқса, эркаклар янги бир хангомалар бўлса жон деб

эшитадилар, аёллар эса ҳозир қандай либослар кийилаётганини билгилари келади. Серсув ёки қайпоқ, ўткир, ширин аёллар ичимлиги. Захдан сақлайди. Баъзан кулиб ҳам туриш керак, шундай бўлгани яхши. «Ҳамлет»даги гўрковлар. Иисон қалбини нақадар теран билишини кўрсатади. Жилла қурса икки йилча марҳумлар устидан кулмаган маъқул. De mortuis nil nisi prius¹. Майли мотам тугасин. Назоратчининг ўлигини қандай кўмишади, тасаввур қилиш қийин. Латифага ўхшайди. Агар ўзининг ўлганинг ҳақида хабар ўқисанг, узоқ яшайсан дейишади. Нафас ростлаш керак. Ҳаёт билан шартномани чўзиш зарур.

— Эртага яна қанча келади? — сўради қабристон назоратчиси.

— Иккита, — деди Корни Келлехер. — Ўн ярим ҳамда ўн бирда.

Назоратчи қоғозларни чўнтагига солди. Арава юришдан тўхтади. Кузатувчилар иккига бўлиниб, эҳтиёткорлик билан қабрлар оралаб ўтиб, қазиб қўйилган ўра атрофига турдилар. Гўрковлар тобутни кўтариб, унинг бош томонини ўранинг четига қилиб қўйиб, тагидан арқонни тортиб олдилар.

Уни гўрга қўймоқдамиз. Биз Цезарини кўмгани келдик. Унинг ой ўртаси 15 мартда ёки июнь ўртасида ўтадиган кунлари. У билмайди ҳозир бу ерга ким келгану ким келмаган, унга фарқи йўқ.

Узун бўйли макинтош кийган зот ким? Хўп, ким ўзи у? Хўп, бор-йўғимни берган бўлардим унинг кимлигини билишлик учун. Ҳар доим аллаким ё ердан чиққандай ё осмондан тушгандай қутилмаганда пайдо бўлиб қолади, тушингга ҳам кирмаган бўлади. Киши бир умр ёп-ёлғиз ўтиши мумкин. Ҳа, мумкин. Шу ҳар ҳолда кимдир уни гўр қазиб ерга кўмиши керак, холбуки гўрини ўзи ҳам қазиси мумкин эди. Ҳаммамиз шундай қиламиз. Фақат одамгина ўлганларни ерга кўмади. Айтганча, чумолилар ҳам. Ҳар бир одамнинг хаёлига келадиган биринчи нарса. Ўликни кўмиш. Ҳикоя қилишларича, Робинзон Крузо ҳақиқатда ҳаётда бўлган одам экан. Хўш, Жумавой уни ерга қўйди. Ҳар бир жума ўз пайшанбасини кўмади, агар таъбир жоиз бўлса.

Оҳ, шўрлик Робинзон Крузо
Нимадандир бўлдинг норизо.

¹ Ўлганлар ҳақида яхши гапир е чурк этма (лот.).

Шүрлик Дигнам! Қора қутига тушиб ер устида охирги марта ётибди. Буларнинг ҳаммасини ўйласанг, қанчадан-қанча ёғоч кетади бунга. Ҳаммасини кемириб ташланади. Ихчам тахта ишлаб ўшанда осонгина чуқурчага сирғантириб тушириш мумкин эди. Аммо бир марта ишлатилган нарсада кўмишларини асло истамайдилар чоғи. Одамлар ғоятда нозик ва инжиқ. Она ерга мени кумингиз, Муқаддас тупроқдан бир қафт ташлангиз. Фақат ўлик туғилган болани онаси билан қўшиб кўмишади. Нега шундайлигини мен тушунаман. Тушунаман. Болани ер тагида ҳам иложи борича узоқ ҳимоя қилишлик. Ирланднинг уйи унинг тобути. Ер ости мафораларда мўмиёланган мурдалар, мўмиёлар, ўша эски гап.

Мистер Блум қўлида цилиндрини ушлаб анча орқароқда турар, яланғоч бошларни саноқдан ўтказарди. Ўн иккита. Мен ўн учинчи. Йўк. Макинтошдаги кимса ўн учинчи. Ўлим сони. Алов қай гўрдан чиқди? Ҳеч ким билмайди. Кичик жомеда у кўринмаган эди, бошимни гаровга қўяман. Ўн учинчи рақамга келсак, бу энг аҳмоқона хурофот.

Нед Лэмбертнинг костюми яхши майин жундан тўқилган. Нафармонроқ ранг. Биз Ломбард-стритда турганимизда менинг ҳам шунга ўхшаш костюмим бор эди. Уэст. Бир пайтлар у жуда олифта эди. Кунига уч маҳал кийим алмаштирарди. Кулранг костюмимни Мизайесга бериб қайта тиктиришим керак. Э-ҳе. У қайта бўялган. Тикувчининг хотини, айтмоқчи, унинг хотини йўқ-ку, уй бекасими ишқилиб, ипларини сўтиб берса бас.

Тобут чоҳга тик шўнғиди, чуқур атрофида оёқларини кериб турган одамлар уни пастга туширишди. Кейин коматларини ростлаб, ўзларини орқага олишди ва бош кийимларини ечишди. Йигирмата.

Сукут.

Агар бизнинг ҳар биримиз бошқа бировга аллакимга айланиб қолгандайдик. Аллақайда узоқларда эшак хангради. Ёмғир ёғади, шекилли. Унчалар эшакка ўхшамайди. Айтишларича, ҳеч ким ҳеч қачон эшак ўлакчасини кўрмаган экан. Ўлимдан уялишади. Ўзларини яширишади. Шүрлик отам ҳам дорилбақога равона бўлди.

Майин ҳилвагай шаббода яланғоч бошлар узра шивирлаб ўтди. Шивир. Бола қабр тепасида чамбарни икки қўллаб ушлаганча қора чоҳ қаърига индамай қараб турарди. Мистер Блум баланд бўйли хушсурат назоратчининг ортидан бўйинини чўзди. Камзу-

ли хушбичим. Хаёлида энди ким бу ерга келишини чамаласа керак Майли, бу сўнгсиз сукунат. Ҳеч ким ҳеч нарсани ҳис қилмайди. Фақат ушбу сониянигина сезасан. Жуда ёқимсиз бир нарса. Аввал ишонмайсан. Хатодир, мен эмас, бошқа бировдир дейсан. Нариеқдаги уйдан суранг. Шошманг, мен ҳалиги. Мен ҳалиги улгурмадим. Кейин улим тушагида ётган кимсанинг қоронғи хужраси. Ҳолбуки, уларга ёруғлик лозим. Атрофда шивир шивир. Рухонийни чақиртирайликми? Кейин гўлдираш, хушдан кетиш. Бир умр ҳаммадан яшириб келган нарсаларингни алаҳлаб ошқор қиласан. Талваса. Унинг уйқуси ғайритабиий. Пастки миждасини тортиб қўй. Бурни сўррайдими, жағи тушмадими, оёғининг таги сарғаймадими, деб қарашади. Ёстиқни олиб ташланг, фойдаси бўлмагандан кейин майли жони ерда ётиб узилсин. «Мужримнинг ўлими» суратидаги иблис хотинга ишора қилади. Валангор ўляптию хотинни қучоқлашга интилади. «Лючия»даги охириги манзара. *Наҳот сен билан охириги марта?* Таппа. Ўзини орқага ташлайди. Ниҳоят жон берди. Бироз вақт сени гапириб юришади, сўнг эсларидан чиқаришади. Уни дуо қилишни унутма. Ўз дуоларингда уни ёдлаб тур. Хатто Парнеллни. Кейин навбат уларга келади, бирин-сирин чоҳга қулайдилар. Ҳозир уни раҳматингга ол, деб елворамиз. Хокингиз юмшоқ бўлсин ва сизни дўзах азобидан сақласин. Сизнинг иқлимингиз энди яхшиликка ўзгарди. Ўтдан қутулиб, сиз сувга тутилдингиз. Аросат.

У қачондир ўзи ҳам чоҳга тушишини ўйлармикин? Буни ўйласанг, офтобда туриб баданинг жунжикади. Кимдир менинг мозорим устидан босиб ўтади. Сизнинг галингиз. Жуда яқин. Меники анов ерда, Фингласга яқин, жой сотиб олинган. Онам шўрлик онам ва кичкинтой Руди.

Гўрковлар қўлларига бел олиб оғир-оғир тупроқ уюмларини тобут устига ташлай бошлашди. Мистер Блум юзини бурди. Нима, агар у тирик бўлса-чи? Ўҳ-ўҳ! Ана сизга даҳшат! Йўқ, йўқ, у ўлган, бунга шак-шубҳа йўқ. Ҳа, у ўлган. Душанбада жони узилган. Шундай бир қоида қилинсаки, юракка игна санчиб кўрилса, ишонч ҳосил қилиш учун, балки электр қўнғироқ ёки тобутга телефон ўрнатилса ва яна тобутнинг бир чети тешиб латта билан ёпиб қўйилса ҳам бўлади. Кулфат қўнғироғи. Уч кун. Ёз вақти бўйича кўпроқ. Асфаласофилинга кетгани аниқми, дарҳол жойига олиб бориб қўйиш керак.

Тупрок энди юмшоқроқ туша бошлади. Хотирадан аста кўтарилади. Кўздан йирок кўнгилдан йирок.

Мозор назоратчиси бир неча қадам орқага тисарилиб, бошига цилиндрини кийди. Бас энди. Кузатиб кетувчилар чехраларидан қайғуни қувиб охиста шляпаларини бошларига кўндирдилар. Мистер Блум цилиндрини кия туриб баланд бўйли мозор назоратчиси қабрлар оралаб айланиб ўтаётганини кўрди. У ҳасрат далаларидан ишонч билан дадил одимларди.

Ҳайнс нималарнидир дафтарга ёзаяпти. Э-ҳа, исми шарифи. Аммо у ҳаммани билади-ку. Йўқ, мен томонга юряпти.

— Мен келганларни ёзаяпман, — деди секин Ҳайнс. — Исмингиз ким. Мен унутибман.

— Л. — деди мистер Блум. — Леополд. Айтмоқчи, Маккойни ҳам ёзиб қўйинг. У мендан сўраган эди.

— Чарли, — деди Ҳайнс ёза туриб. — Биламан. У илгари «Фримен»да ишлаган.

Ҳа, тўғри, — ишлаган кейин Луис Берннинг ўликхонасига ишга кирган. Врачлар учун жуда қулай — бемалол очиб ёриб кўришади. Нималарнидир қидиришади, ўзларича гўё бир нарса ни тушунган ва топадигандай. У сешанба куни қазо қилди. Ҳисобкитобини тўғрилаб олди. Эълонлари учун пулларини чўнтакка урдию жуфтакни ростлади. Вой, азамат Чарли-ей. Шунинг учун мендан илтимос қилди. Майли, бизга нима. Эсимдан чиқарганим йўқ, Маккой. Раҳмат, ошна сенинг олдингда қарздорман. Қарздор бўлса ўзига, менга нима.

— Айбга буюрманг, — деди Ҳайнс, — анов киши ким эди, устида анови, у хов анов ерда турган эди, устида ҳалиги...

У атрофга аланглади.

— Макинтош. Мен ҳам кўрдим, — деди мистер Блум. — Қаёққа ғойиб бўлди?

— Мак-интош, — деди тез-тез ёзиб Ҳайнс. — Уни танимас эканман. Демак, Мак-Интош?

У теваракка аланглаб нари кетди.

— Ундаймас, — деб оғиз жуфтлаганча қолди мистер Блум турган ерида айланиб. — Унинг кимлигини билмайман.

Менга қаранг, Ҳайнс. Билмайман. Уни нима дейсиз? Қайга ғойиб бўлди? Изсиз йўқолди. Ол-а, ким кўрган уни? Ка е иккита эл. Ерга кириб кетдимиз, нима бало. Э, худо, қай гўрга кетди-я?

Еттинчи гурков ерда ётган белкуракни олиш учун Блумнинг ёнига келди.

— Кечиринг, кечиринг!

У чаққонлик билан ўзини четга олди.

Кизғиш, ҳўл тупроқ чуқур устида дўппайиб кўришиб турарди. Тўлди. То четигача ним тупроқ тобора балаид уюларди, ниҳоят гурковлар белкуракларини туширдилар. Яна бир неча сония ҳам-малари бошларини эгиб яланғочладилар. Бола қўлидаги гулчамбарни бурчакка тираб қўйди, қайни акаси ҳам чамбарни ерга ётқизди. Гурковлар бошларини кийиб, лой парчалари ёпишган белкуракларини аравага элтдилар. Белкурак юзини чимга уриб қокдилар, топ-тоза бўлди. Бирови белкурак қабзасидан узун ўт парчасини олиб ташлаш учун эгилди. Яна бирови белкуракни елкасига ташлаб секин-секин ўртоқларидан нари кетди. Белкурак бети тигдай кўкимтир йилтирайди. Яна бошқа биттаси қабр тепасида тобут туширилган арқонларни оҳиста айлантириб ўрарди. Мархумнинг киндаги. Қайни ака ўгирилиб гурковнинг бўш қўлига ниманидир тутқазди. Миннатдорчилик билдирыпти. Индамай. Овора бўлмасангиз бўларди, сэр. Бош устига. Мен билан, ахир қанчалар оғир. Хизматингиз учун ташаккур.

Майитни кузатувчилар ҳолсиз, оҳиста, йўл танламай тарқалишар, йўл-йўлакай қабрлардаги ёзувларни ўқиш учун тўхташарди.

— Юринглар сал нарироқдан Парнелл қабри ёнидан ўтайлик, — деди Хайнс. Ҳали вақтимиз бор.

— Юринглар, — деди мистер Пауэр.

Улар уз имиллаган басит фикрларига бўйсуниб, ўнгга бурилишди. Мистер Пауэр ғириллаган хира овози билан самимона деди:

— Айримлар Парнеллни бу мозорда эмас дейишади. Тобутга тош солинган эмиш. Яна бир кунмас бир кун у қайтиб келармиш.

Хайнс бошини чайқади.

— Парнелл ҳеч қачон қайтмайди, — деди у. — У мана шу ерда, барча фоний дунёнинг ўткинчиликлари билан бирга шу ерда. Худо раҳмат қилсин.

Ҳеч ким эътибор қилмаган мистер Блум хиёбондан ҳасратли фаришталар, хочлар, қуббаларнинг бўлаклари, шажара хилхоналари, тош қотган илтижолар, кўкка кўз тикиб нола қилув-

чилар, қадим Ирландиянинг қўтарилган қўлларию қалблари ёнларидан ўтиб борарди. Қайтага тирикларнинг кори хайрларига яратиш учун пул иона қилсалар, яхшироқ эди. Мағфират тилаб дуо қилинглар. Гўё кимдир ҳақиқатан ҳам? Кўмиб қўйишди, хайр-вассалом. Худди кўмир туширгандек. Агар вақтни тежайман десангиз, ҳаммасини битта тепага уюнглар. Мархумлар куни. Йигирма еттинчида унинг мазорига бораман. Бобонга ўн шиллинг бераман. Қабрни ёввойи ўт-ўланлардан тозалайди. Қариб қолган чол. Икки букилиб тоққайчисиши шақирлатиб юради. Ўлим қопусида. Жон таслим этмиш. У дунёга равона бўлмиш. Гўё буни улар ўз ихтиёрлари билан қиладигандай. Тепиб чиқариб ташлашди. Паймонаси тўлганлар. Улар ҳаётда ким бўлишган, нима ишлар қилишган — шуларни айтсалар, қизикроқ бўларди. Анов аравасоз. Мен линолеум савдоси билан шуғулланганман. Қарзга пул берганларга ҳар фунтига беш шиллингдан тўлаб турганман. Хотин кишининг идиш ўрнатилган қабри. Мен яна гўштни яхши пиширардим. «Қишлоқ қабристонини»¹ марсиясидаги каби, кимнинг шеъри эди бу. Вордсвортми ё Томас Кэмпбеллмиди? Раҳматга сазовор бўлди дейишади протестантлар. Қария Марреннинг қабри, доктор эди. Буюк ҳаким уни ўз ҳузурига чорлади. Ҳа, мархумлар учун бу ер худонинг майсазор макони. Шаҳар чеккасидаги тинч-осуда макон. Янги сувоқ қилинган, бўёқ берилган. Тамакини хотиржам чекиб «Черков хабарлари»ни бемалол ўқиб ўтирадиган ҳоли бир жой. Никоҳ ҳақидаги хабарларни ҳеч қачон бўяшмайди. Панжара найзаларига осилган занглаган чамбарлар, бронза зарқоғозидан ясалган шокилалар. Қаранг-а, пулларини аяшмайди. Ҳар қалай, тирик гулларнинг нафосати бошқачарок. Темир гуллар жуда ғашга тегади, улар ҳеч сўлишмайди. Бирон бир маънисини йўқ. Тураверади сўппайиб.

Бир куш терак бутоғида бемалол ўтирарди. Ясаб қўйилганга ўхшайди. Худди олдермен Хукер бизга тўйга қилган совғадек. Кишш! Қимирламайди. Бу ерда уни отмасликларини биледи. Махлуқларнинг ўлиги янаям аянчлироқ кўринади. Ширинтой Милли ўлган кушчани ошхонадаги гугурт қутичага солиб кўмди, дастор гуллар шодаси, қабрдаги қоғоз гуллар парчалари.

¹ Томас Грей деган шоирнинг «Қишлоқ қабристонинида ёзилган элегия» асарига ишора.

Исо Масих юраги кўзга ташланади. Ҳаммага кўз-кўзлагандай. Уни кўкракнинг ёнбошига солиб қизилга бўяш керак эди, ҳақиқий юракка ўхшарди. Ирландия унга бахшида, ёки буни яна нима деб атайдилар. Афтидан, унга унчалик ёкмаган. Бу хўрлик нега? Сават тула мева кўтарган боладай кушлар учиб келиб чўқирлар тинмай, лекин у деди йўқ, чунки кўрқишади улар боладан. Аполлон эди шундай.

Бунда ётганлар сон-саноксиз! Ҳолбуки, бир пайтлар ҳаммалари Дублинда сайр қилиб юришарди. Нариги дунёга кетган ҳудожўйлар. Бир замонлар биз ҳам худди сендек бўлган эдик. Бунинг устига ҳаммани эсда сақлаб бўларканми? Уша кўзлар, ўша юришлар, ўша овозларни. Овоз-ку, майли: граммафон. Ҳар бир қабрга биттадан граммафон қўйиш, уйга ҳам олиш мумкин. Якшанба кунлари тушдан сўнг. Қари бобокалонни қўйиб эшит. Ўра-араақ! Хеллоллекелло Хрхрсаннманн краак ждахрсанман сэни кргандан хеллохелло ждажда қихх. Овоз эслатиб туради худди сурат эслатгандай, одам юзини. Акс ҳолда айтайлик, ўн беш йил ўтгач юзини эслаб бўлармиди. Мисол учун, кимни? Мисол учун, мен Хелининг дўконида ишлаган пайтимдаги анов кимсани?

Қаср-қаср! Шағал ғачирлади. Тўхта.

У тош мақбарага разм солиб қаради. Қандайдир махлук. Тўхта-чи. Ана у.

Семиз кулранг каламуш шағал тошларни шиқирлатиб тош-мақбара девори ёқалаб югургиларди. Ҳа ярамас — қари кемиргич: ҳар тешиқдан хабардор каламуш пойдевор тагига тиқилди, уриниб суришиб тешиқка кирди. Ҳазиналарни яширса бўладиган боп жой.

Ким бу макон эгаси? Роберт Эмерининг лоши қўйилган экан. Бу ерда Роберт Эмерини машъаллар ёруғида сўнгги маконига қўйишган, шундай эди, шекилли? Каламуш соқчидай айланиб юрибди.

Ана, думи ҳам кириб кетди.

Бу бирпасда суробингни тўғрилайди. Ким экан деб қараб ўтирмайди, ҳаш-паш дегунча суюгингни кемириб ташлайди. Ўлим-тикни хуш кўради. Мурда ўлимтик гушт. Унда, пишлоқ нима? Пишлоқ сутнинг ўлимтиги. Мен «Хитойга саёҳат»ни ўқиганман, хитойликлар оқтанлилардан мурда иси келади дейишган. Ўтда куйдириш маъқулроқ. Бу руҳонийларга ёкмайди. Бошқа бир ташкилот учун жон койитишади. Кремация ва голланд печ-

лари, улгуржи савдо. Қора ўлим. Чуқур казиб, ўшанга ташланглар, куйдирилмаган оҳак барини емириб йўқотади. Ўлим камераси. Хоку хок. Ё денгизга кўмиш. Форсларнинг сукунат минораси қаерда эди? Қушлар еб кетади барини тупрок, ўт, сув. Ҳаммасидан ҳам сувга чўккан яхшироқ дейдилар. Бир сонияда бутун ҳаётинг кўз унгингдан ўтади. Лекин ичингга тўлган сувларни чиқаришаётганда... — йўқ, бундан худо асрасин. Лекин қаранг, ҳавога кўмиб бўлмайди. Тайёрадан туриб ҳам, қизиқ, у дунёда гилар янғиси келганда, билишармикин? Ер ости алоқалари бормикин? Биз буни улардан ўрганганмиз. Нима бўпти, ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Кундалик ризқ рўз, емиш. Жон чиқаётганда пашша босади. Дигнам келишидан хабар топишган чоғи. Уларнинг хид-пид билан иши йўқ. Мурданинг оппоқ илвиллаган лаҳми. Хидими, хиди хом тошқовоқнинг ҳидига ўхшайди.

Олдинроқда дарвоза оқариб кўринди: ҳамон очиқ турибди. Бу ёруғ дунёга қайтиш. Етар, бунда шунча юрдик. Ҳар сафар яна бир қадам яқинлашасан.

Охирги бор бу ерга миссис Синико ўлганда келган эдим. Бечора отам ҳам бор эди. Ўлдирадиган ишқ. Кечаси бўлишига қарамай ерни қазиб очаверишади, бир воқеани ўқиган эдим, яқиндагина ерга қўйилган хотинларнинг лошларини чиқариб олишадди, ириб-чириганига, йиринги оқиб ётганига ҳам қарашмайди. Бундай нарсалардан сочинг тикка бўлиб кетади. Мен ўлгач, сенинг қошингга келурман. Мен ўлгач, ҳузурингга шарпа бўлиб келаман. Мен ўлгач, арвоҳим сени доим таъқиб айлагай. Ўлгандан сўнг бошқа бир олам ҳам мавжуд, уни дўзах дейдилар ёхуд яна бошқа бир сўз ҳам бор: жаҳаннам. Мен ўша, бошқа сўзни ёқтирмайман. Мен ҳам ёқтирмайман. Ҳали қанча нарсаларни кўришим, эшитишим, ҳис қилишим керак. Ўз ёнингда тирик, ҳароратли, инсон хилқатларини ҳис этиб туриш. Қўяверинг, улар ўз қуртлаган тўшакларида ётаверишсин. Бу сафар мен уларга чап бериб ўтдим. Иссиқ тўшаклар: иссиқ, жўшқин ҳаёт.

Мартин Каннингем ён хиёбондан сипо гаплашиб келарди.

Э, анов нотариус шекилли. Башараси таниш. Мэнтон. Жон Ҳенри. Нотариус, қасам ичириб берилган кўргазмаларни тасдиқлайди. Бир пайтлар Дигнам унинг дўқонида ишлаган Мэт Диллонда ҳам ишлаганига анча замонлар бўлиб кетди. Очиқ, оқкўнгил қария Мэт ҳузурида оқшомлар қувноқ ўтарди. Овлаб келиб пиширилган қуш гўштлари, сигаралар, ичкиликлар-

нинг алламбало идишлари. Юраги тилла инсон. Анов, Мэнтон. Чимда соққа уйнаётганимизда жаҳли чиқиб қутуриб кетди, отган соққам унга тегиб кетса бўладими. Қип-кизил тасодиф: хато қилдим. Шундан бери мени негадир жини суймайди. Бир қарашда туғилган нафрат. Молли ва Флои Диллон. Сирен тагида қучоқлашиб хиринг-хиринг кулишади. Эркак хоним билан висол қилса доим шунақа.

Цилиндрининг ёни букилган. Аравада утирганда бўлган шекилли.

— Кечирасиз, сэр, — деди мистер Блум уларга етиб олиб. Улар тўхташди.

— Цилиндрингиз бироз эзилиб қолибди, — деди мистер Блум қўли билан кўрсатиб.

Жон Ҳенри Ментон тик турган ерида қимир этмай бир неча сония унга тикилиб турди.

— Мана, бу ери, — деди Мартин Каннингем ҳам қўли билан ишора қилиб.

Жон Ҳенри Ментон цилиндрни бошидан олди, букилган ерини тўғрилади да, пальтосининг енгига авайлаб ишқаб қўйди.

— Ана, энди тўғри бўлди, — деди Мартин Каннингем.

Жон Ҳенри Ментон бошини енгил силкиб қўйди.

— Раҳмат сизга, — деди у қуруққина қилиб. Улар дарвоза томон жўнашди. Мистер Блум кайфияти тушган ҳолда уларнинг гапларини эшитмаслик учун бир неча кадам орқароқда қолди. Мартин гапнинг кифтини келтиради. У бунақанги сўтакни қозикнинг атрофида шундай айлантирадики, одам тузоққа тушганини ҳам билмай қолади.

Кўзи балиқнинг кўзи. Менга нима. Кейин яхшилаб ўйлаб кўриб ўзи пушмон бўлади. Бизга шуниси ҳам кифоя қолади.

Раҳмат сизга. Бизнинг бугун эрталабдан шундай бағримиз кенг.

7-ВОҶЕА*

ИРЛАНДИЯ ПОЙТАХТИНИНГ ҚАЛБИДА

Трамвайлар Нелсон куббаси олдида юришларини секинлатар, бошқа изга ўтишар, ёйни бошқа симга ўтказиб Блэкрок, Кингстаун ва Долки, Клонски, Рэтгар ва Теренюр, Палмерстон парк ва юкори Рэтмайнз, Сэндимонт, Грин, Рэтмайнз, Рингсенд ва Сэндимонт-Тауэр, Горолдс-Кросс йўналишларига тарқалишарди. Дублин бирлашган трамвай компаниясининг томоғи хириллаб қолган диспетчерининг қичқирган товуши эшитилди.

— Рэтгар билан Теренюрга.

— Сэндимонт-Грин — йўлга чиқ!

Ўнгу сўлдан ёнма-ён жаранг-журунг қилиб қасирлаб охирги турган ерларидан бир қаватли ҳамда икки қаватли трамвайлар чиқишиб, ўз асосий йўлларига ўтишди-да, ёнма-ён жунаб кетишди.

— Палмерстон парк йўлга туш!

ТОЖВАР

Бош почтаamtнинг эшигида пойабзал тозаловчилар мижозларни чорлашар ва оёқларни ярақлатиб тозалашарди. Шимоллий Принс-стрит ёқалаб турган ён томонига қиролнинг E.R.¹

Изоҳ. Еттинчи фасл «Эол», яъни «Шамол» деб ҳам номланади. Бобнинг воқеалари кундузи соат 12 да «Фримен жорнэл» ҳамда «Ивнинг телеграф» редакцияларида бўлиб ўтади. Боб қисқа-қисқа газета хабарлари тарзида қурилган. Воқеа Хомер «Одиссея»сининг ўнинчи қўшиғига ҳамоҳанг. Қўшиқда Одиссей шамоллар худоси Эолнинг оролига тушиб қолади. Редакциялар шу оролга қиёсан тасвирланади. Бобнинг асосий тасвирий образи, бу — шамол. Матида жуда кўп ноширлар, журналистлар, жамоат арбобларининг номлари учрайди. 1904 йил 16 июнда газеталарда ёритилган, қайд этилган воқеалар эслатилади. Асосий фикр муҳаррир тимсолида мужассамланади. Воқеанинг шакли — ўпкани, ранги эса — қизилини эслатади (*тарж.*).

¹ Eduard Rex (*лот.*). Қирол Эдуард.

харфлари туширилган Олий ҳазратларининг тиниқ қирмиз ранг почта кареталари турли-туман очик ва ёпиқ хатлар, одми ва буюртма бандеролларга тўла тапир тупур иткитилаётган қопларни жойларга, вилоятларга, Англия ҳамда денгиз ортидаги ўлкаларга тарқатиш учун қабул қилиб олишарди.

МАТБУОТ ВАКИЛЛАРИ

Оғир этиклар кийган юкчилар Принс-стритдаги омборлардан бочкаларни қалдиратиб олиб чиқишар ва уларни пиво пиширувчи корхонанинг усти ёпиқ араваларига ортишарди. Принс-стрит омборхоналаридан чиқарилаётган қалдиरोқ бочкалар оғир этикли юкчилар томонидан араваларга гумбурлатиб тахланарди.

— Мана ўша, — деди Ред Мюррей. — Алессандро Ключчи.

— Буни менга қирқиб беринг, — деди мистер Блум. — «Телеграф» таҳририятига олиб бораман.

Ратлеж хонасининг эшиги яна ғичирлади. Каттакон плашч кийиб кўнғироқ сочлари устига кичкина энгил шляпа кўндирган миттивой Дэви Стивенс¹ камзули этаги остида бир даста тахланган қоғозларни кўтариб чиқди, қирол чопари.

Ред Мюррейнинг қайчиси тўрт бора равон сакраб газетадаги эълонларни қирқиб олди. Қайчи ва клей.

— Мен ҳозир босмахонага кираман, — деди мистер Блум газета қийқимини олиб.

— Мабодо у мақола истаса, — деди қулоғига пат қалам кистирган ҳолда Ред Мюррей жиддий равишда, — биз буни қилиб беришимиз мумкин.

— Майли, — бош силкиди мистер Блум. — Мен унга буни тушунтираман.

Биз.

ВИЛЬЯМ БРАЙДЕН, ЭСКВАЙР, ОКЛЕНД СЭНДИМАУНТ

Ред Мюррей ўз қайчиси билан мистер Блумнинг энгига туртиб қўйди-да, шипшиди.

— Брайден².

¹ Дэви Стивенс — Дублин матбуоти «Қироли» деб шуҳрат қозонган шахс. Қирол Эдуард VII Ирландияга келганда (1903 й.) у билан учрашган. «Қирол чопари» шундан қолган лақаб.

² Вильям Брайден — «Фрименс жорнэл»нинг ношири, юрист.

Мистер Блум ўгирилиб қаради-да, хос либос кийган эшик қоровули ичкарига кириб келган салобатли улуғвор зотга бош кийимини кўтариб таъзим бажо келтирганини кўрди. Зот киргач «Уикли фримен» ҳамда «Фрименс жорнэл» газеталари осилган тахталар орасидан юриб ўтди. Пиво бочкаларининг бўғиқ гумбурлагани эшитилади. Зот соқол қопланган башараси тошдай қотган ўта жиддий қиёфада ўзига шамсияси билан йўл очгандай бўлиб пиллапоядан улуғворона кўтарилиб борди. Нафис сукно сиртилиб турган яғринлари ҳар қадамида янада юқорироқ баландларди: инчунин яғринлар.

Унинг барча мияси энсасида, деб юради Саймон Дедал. Гарданида гўштлари қават-қават. Бўйинини қат-қат ёғ босган, қат-қат ёғ, қат-қат ёғ.

— Унинг башараси Халоскорнинг юзига ўхшаб кетади, тўғрими? — пичирлади Ред Мюррей.

Шунда Ратлеж кабинетининг эшиги фингшиди: гичир-гичир. Улар доим эшикларни юзма юз ўрнатишади: визиллайди кейин елвизаклар. Мана бу ердан кирилади. Бу ердан чиқилади.

Халоскор: соқол чулғаган думалоқ башара, хуфтон чоғидаги суҳбатлар. Биби Марям. Марфа. Шамширдек шамсияси билан ўзига йўл очиб, рампа олдида: кўшиқчи Марио.

— Мариога ҳам ўхшайди, — деди мистер Блум.

— Рост, — қўшилди Ред Мюррей. — Лекин Марио — қуйиб қўйган Халоскорнинг ўзи деб доим гапириб юришади.

Икки юзи қип-қизил, оёғи ингичка, камзул кийган баайни Иисус Марио.

Қўлларини кўксига босган. «Марта»¹ да.

Қайтгил менинг хижроним,

Қайт, о қайт, армоним.

АСО ВА ҚАЛАМ

— Рухоний ҳазрат олийлари эрталабдан буён икки маротаба кўнғироқ қилдилар, — деди Ред Мюррей эхтиром билан.

Улар кўз ўнгларидан тиззалару оёқлару оёқ кийимлар қандай ғойиб бўла бораётганига қараб турардилар. Кейин йўқ бўлди, гардан.

¹ XIX аср немис операси.

Телеграммалар ташувчи бола югуриб кирди, кўлидаги па кетни тахтага отди, телеграф тезлигида чиқиб кетди, фақат:

— «Фримен!» — деб қичқирди, холос.

Мистер Блум салмоқланиб деди:

— Ҳа, ростдан ҳам, бу зот бизнинг халоскорларимиздан бири.

У ўртадаги кичкина тўсикнинг тавақасини очиб, ён томондаги эшиклардан пиллапоя орқали қоронғи ва иссиқ йўлакка ўтиб, гичирлаб, лопиллаб қолган тахталарни босиб бораркан, юзидан мулойим табассум аримасди. Аммо у газета тиражини қутқариб қолармикин? Тақ-тақ. Машиналар тақтаки.

У ойнабанд эшик тавақаларини ўзидан итариб, бир тўда қоғоз ўрамлари устидан хатлаб ичкари кирди. Қасир-қусур қасирлаган машиналар орасидан у Наннетининг ёзув столи жойлашган тўсиқ томонга ўтди.

Ҳайнс ҳам шу ерда экан: кўмиш маросимлари ҳақида эълонлар бор шекилли. Тақ-тақ. Тақа-тақ.

Дублинлик муҳтарам зотнинг оламдан кўз юмганини чуқур қайғу билан маълум қиламиз.

Бугун эрталаб марҳум мистер Патрик Дигнамнинг жанозаси. Машиналар. Мабодо кўлига тушсанг, чангинг чиқади. Шулар дунёга эгалик қилади. Унинг машиналари ҳам ишлайди. Мановиларга ўхшайди: бўйсунмай қўяди, тентиб кетади. Даб дала. Ташқарига отилади. Анови қари кўк каламуш жони борича ҳаракат қилиб ичкарига кирмоқчи.

КУНДАЛИК КАТТА ГАЗЕТА ҚАНДАЙ ЧИҚАДИ?

Мистер Блум жуссаси кичкина босмахона ходимининг тепакал йилтироқ бошига тикилганча унинг ортида тўхтади.

Қизиқ, у ўзининг ҳақиқий ватанини ҳеч қачон кўрмаган. Менинг ватаним Ирландия. Коллежгириндан сайланган. Ўз ишини оёққа турғазини учун ўлар тириларига карамай уриниб-суринди. Ҳафталикни палағда янгиликлар эмас, эълонлар, рекламалар ҳамда қизиқ майда мақолачалар учун олишади. Қиролича Анна қазо қилди. Бир минг нечанчи йилда ҳам ҳукумат хабарларида чиққан. Розеналлис вилоятида жойлашган қўрғон, Тинначинч барон мулки. Барча манфаатдор шахслар ҳамда муассасаларга расмий маълумот: Баллинадан жўнатилган барча испан байталлари ва хачирларнинг аниқ миқдори. Табиат кундалиги. Кич-

кинтойлар учун Тоби амакининг саҳифаси. Қишлоқ ўқувчисининг хатлари. Хурматли жаноб муҳаррир, ич дам бўлишининг давоси ҳақида ёзиб чиқсангиз. Менга қолса, шу бўлимни олган бўлардим. Бошқаларга ўргатиб, ўзинг ҳам кўп нарсани билиб оласан. Аслзодалар ҳаётидан. Бутун дунё суратларда. Б.Д.С. Олтин қумлоқдаги таннозлар. Дунёдаги энг катта ҳаво шари. Опа сингилнинг бир кунда ўтган тўйи. Икки куёв бир-бирларининг устидан ҳазил қилиб кулганлари. Бунга қўшилган матбаа ишчиси Купрани. Ирландлардан кўра ҳам ирландроқ.

Машиналар уч зарбли оҳангда шанғилларди. Тук, тук, тук. Шошма, мабодо ишчи баногоҳ ҳушидан кетиб қолса-ю, ҳеч ким бу палакатни тўхтатишни билмаса, улар шундай тақирлаб ишлаб ётаверармикин, битта нарсани ҳеч тинмай босаверармикин, тавба. Тоза томоша бўлар эди-да. Қаллани аниқ ишлатиш керак.

— Кечки сонга қўйиб юборинг, уста, — деди Ҳайнс.

Кўп ўтмай уни лорд-мэр деб ҳам атасак керак. Узун Жон уни қўллаб-қўлтиқлаб турар эмиш. Ходим индамай варақнинг тепасига «босинг» деб ёзиб, ҳарф терувчига имо қилди. Ходим қирланган ойна тўсиқ устидан саҳифани индамай узатди.

— Яхши, раҳмат, — деди Ҳайнс ўзини орқага олиб.

Мистер Блум унга рўпара бўлди.

— Агар пул олмоқчи бўлсангиз, кассир ҳозир овқатлангани кетади, — деди у елкаси оша бош бармоғини нуқиб.

— Ўзингиз олдингизми? — сўради Ҳайнс.

— Химм, — деди мистер Блум. — Пайсалга солманг. Улгурасиз.

— Раҳмат, қадрдон, — деди Ҳайнс. — Мен тез бораёй бўлмасам.

У газета редакциясига жадал жўнади.

Маэрнинг дўконида унга уч шиллинг қарз берган эдим. Уч ҳафта ўтди. Учинчи бор эсига солишим.

РЕКЛАМА АГЕНТИ ИШ УСТИДА

Мистер Блум газета қирқимини мистер Нанеттининг столига қўйди.

— Узр, уста, — деди у. — Манави эълон. Ключчи эсингиздами?

Мистер Нанетти бирпас қоғозга қараб турди-да, сўнг бошини қимирлатди.

— Уни июлда беришимизни сўраяпти, — деди мистер Блум.

Шовқинда эшитмайди. Наннан. Асаби темирдан. Уста қаламини қоғозга чўзди.

— Йук, тўхтанг, — деди мистер Блум. — У ҳозир бошқача гап айтяпти. Ключчи деяптики. Тепада иккита калит бўлсин, дейди.

Шовқинни қаранг. Балки тушунаётгандир гапимни.

Уста яхшилаб эшитиш учун унга бошини бурди-да тирсағини кўтариб тева жунидан тўқилган нимчаси тагидан аста қўлтигини қашиди.

— Мана бундай қилиб, — деди мистер Блум кўрсаткич бармоқларини чалиштириб.

Майли, бемалол тушуниб олсин.

Мистер Блум кўзини бармоқларидан узиб, устанинг сарфимтил бўздай оқарган юзини кўрди, афтидан, сариқ бўлса керак. Унинг орқа томонида чархлар жуда катта қоғоз тахламларини ичига тортиб тинмай айланарди. Шарқ шарақ. Чақирим-чақирим қоғоз гир айланади. Кейин у қаёққа боради? Қаёққа бўларди? Гушт ўрайдиган қоғозлар, ҳар хил қоғоз халтачалар, ўраладиган нарсалар сон мингта.

Блум шарақлаган тақиллаган шовқин-сурон орасида усталик билан сўзларини айтишга улгуриб, чизиб, тирнаб ташланган тахта устига тезгина сурат чизди.

КЛЮЧЧИЛАР (КАЛИТЧИЛАР) УЙИ

— Мана бундай, тушуняпсизми? Мана бу ерда иккита калит устма-уст қўйилади. Кейин доира. Мана бу ерда эса Алессандро Ключчи деган номи ёзилади. Чой, май, ичкилик дўкони. Ва ҳоказо.

Ўқиганни ўқитиш — ишни бузиш.

— Унга нима кераклигини ўзингиз биласиз, уста. Кейин энг тепасига орасини катта-катта очиб: Калитчилар уйи деб ёзилади. Билдингизми? Яхши топилган фикр, тўғрими?

Уста қўлини белига қўйиб, бемалол қовурғаларини қашиди.

— Хамма гап шунда, — деди мистер Блум — Калитчилар уйи. Биласизми, уста, Мэн ороли парламенти. Гомрулга ишора. Биласизми, Мэн оролидан келган саёҳатчилар. Кўзга ташланиб туради, билдингизми? Шундай қилсак бўладими?

Афтидан, ундан voglio сўзи қандай талаффуз қилинишини сўрасам ҳам бўларкан. Балки у буни билмас, ноқулай аҳволга тушади. Яхшиси, сўрамайлик.

— Бажарса бўлади, — деди уста. — Сизда чизилган сурати борми?

— Топаман, — деди мистер Блум. — Бир Килкенни газета-сида кўргандим. У ерда ҳам унинг дўкони бор. Унга учрашиб, сўраб келаман. Демак, буни ва яна чоғроқ бир мақолача берсак бўлади, шундайми, одамларнинг диққатини тортиш учун. Биласизми, одатдагидай. Бақувват фирма. Анчадан бери етилиб келаётган зарурат. Шунга ўхшаган гаплар.

Уста бироз ўйланиб қолди.

— Бажарса бўлади, — деди у. — Уч ойга чўзиб берсин.

Ҳарф терувчи унга нам саҳифани олиб келди. Уста индамай уни ўқишга тутинди. Мистер Блум валларнинг ғичирлаб айланишини тинглаганча, ҳарф терувчилар ҳарф қутилари устига жимгина муккайганларига қараб унинг қошида бир зум туриб қолди.

ИМЛО ХУСУСИДА

Қандай тўғри ёзишни яхши билиш керак. Мусаҳҳихлар хато кидиришади. Мартин Каннингем бугун эрталаб бизга тўғри ёзиш ҳақида масала айтмоқчийди, нечук унутди? Извош «в» билан «ш» ёзилади, тўғрими? Югурдак болага айтдим «р» ва «д» ундан кейин «т» ва «д» келади. Қабристондан хазина топиб олсанг, ялло қилиб яшасанг бўлади, дедим. Қабристон қалбистон эмас, хазинами, ғазинами, ғазнами, ол-а, аҳмоқона гаплар. Хазина ғазина бари бир гўр эмасми? Бари бир гўрми?

У цилиндрини бошига илаётганда, айтишим керак эди. Миннатдорман. Мен эски цилиндр хусусида бирон нима десам буларди ёки шунга ўхшаш бирор гап жоиз эди. Балли, айтиш керак эди. Худди янги олинганга ўхшайди деб. Шунда унинг чеҳрасида нималар ифодаланарди, кўрсанг эди. В-ух. Биринчи станокнинг қуйи вали олдинга фалцаппаратни итариб чиқарди, у билан бирга буклаб қирқилган газеталарнинг биринчи саҳифаси чиқди. В-ух. Худди тирикдай ух тортади, эътиборни ўзига қаратади. Фақат гапирмайди, жонивор. Эшик ҳам ғичирлайди в-ух, ўзини ёпиб қўйишни сўрайди. Ҳар бир нарса ўзига яраша гап айтади. В-ух.

РУҲОНИЙ МУХБИР

Уста қутилмаганда саҳифани қайтарди.

— Тўхтаг! Руҳоний отанинг хати қаерда? Уни «Телеграф» да яна бир марта такрор бериш керак. Қани, анов, оти нимади? — деди.

У ўзининг сершовқин, лекин жавоб беришга кодир бўлмаган машиналарини кўздан кечирди.

— Монксни айтяпсизми, сэр? — деб сўради бир овоз куюв хонасидан.

— Ўша-ўша. Қани Монкс?

— Монкс!

Мистер Блум қирқим газетасини олди, энди кетайлик.

— Демак, мен суратни топиб келаман, мистер Нанетти, — деди у, — уни яхши кўзга ташланадиган жойда берасиз, деб ишонаман.

— Монкс!

— Лаббай, сэр.

Уч ойга чўзиш. Бунинг учун тер тўкиш керак. Бир уриниб кўрсак, асло зиён қилмайди. Августни мўлжаллаймиз. Қойил: отларнинг кўриги бўлади. Боллсбриж¹. Сайёҳлар пойгага ёғилиб келишади.

КУНДУЗГИ ИШ ОҚСОҚОЛИ

У ҳарф териш хонаси орқали олдига этак тутган, кўзига ой нақ таққан, мункайган чол ёнидан ўтди. Мўйсафид Монкс. Кундузги иш оқсоқоли. Йиллаб унинг қўлидан нималар ўтмади: ўлим хабарлари, ичкиликхона рекламалари, нутқлар, никоҳ, ажралиш ғалвалари, сувга чўкиб ўлганлар. Кўп ўтмай бу ишлардан ҳам қутулади. Жиддий, баъмани одам, андак жамғармаси ҳам бор. Хотини пазанда, ювиб-тараб бадастир қарайди. Қизи тикувчи, қувлик-шумликни билмайди, лақма.

ҲАЙИТ КУНЛАРИ. ПЕССАХ²

У бирпас тўхтаб ҳарфларни чакқон саранжомлаётган ҳарф терувчининг ишига қараб турди. Олдин ўнгдан чапга қараб ўқийди. Бирпасда қилади буни. Яхши одатланмаган одамга қийин манги Д кирта П. Раҳматли отам ўзининг Хаггадасини менга ўнгдан чапга бармоқларини юритиб ўқиб берарди. Пессах. Бир йилдан кейин Қуддус шарифда. О худойим, худойим.

¹ Боллсбриж — Дублин яқинидаги шаҳар. Бу ерда ҳар йили от пойгалари ўтади.

² Пессах — яҳудий ҳайитининг биринчи куни.

Бизнинг Миср еридан чиқишимизнинг узундан узоқ тарихи ва қуллик маконимизга етиб келишимизга салламно. Шема Исраэл Адонаи Элоҳим¹. Йўқ, бу эмас, бошқа. Кейин Ёқубнинг фарзандлари, ўн икки оғанини. Ундан сўнг кўзи, мушук, ит, таёк, сув ҳамда қассоб.

Ундан сўнг ўлим фариштаси қассобни ўлдиради, қассоб эса ҳўкизни ўлдиради, ит эса мушукни². Диққат қилиб ўйламанг, сариқ чақага арзимайдиган гапга ўхшайди. Гап ҳақнинг қарор топиши устида боради, аслида эса бир жонзод бошқа бир жонзодни ҳалок этади. Охир-оқибатда айни ҳаётнинг ўзи ҳам шу-да. Лекин чаққонлигини қаранг. Ҳаммаси миридан-сиригача ҳисобга олинган. Бармоқларининг кўзи борга ўхшайди.

Мистер Блум шовқин-сурон орасидан ўтиб йўлакка ва унда пиллапоя саҳнига чиқди. Трамвайга ўтириб шунча узоққа бориб нима қилдим, жойидан топанми, йўкми ҳали. Яхшиси, олдин кўнғироқ қилай. Рақами қандай эди? Ҳаҳ. Цитрон уйининг рақамига ўхшаш. Йигирма саккиз. Йигирма саккиз ва яна тўрт тўрт.

ЯНА ШУ СОВУН

У пиллапоядан пастга тушди. Қайси шайтон бу ерда бутун деворга гугурт чақиб ташлади? Худди биров билан баҳслашгандай. Манови биноларнинг ҳавоси доим оғир, дим. Том билан бирга ишлаганимда қўшни хонадан доим қайнатилган елимнинг хиди димоққа урарди.

У бурнини беркитиш учун киссасидан рўмолча олди. Цитрон лимони? Эҳ-ҳе, у ерга совун солиб қўйган эдим-ку. Чўнтакдан тушиб қолиши ҳам ҳеч гапмас. У рўмолчани қайтиб киссасига солди-да, совунни чиқариб, шимининг чўнтагига жойлади. Чўнтак тугмасини қадаб қўйди.

Хотининг қандай атирлар сепеди? Ҳалиям трамвайда уйга бориш мумкин бир нарса эсимдан чиқибди деб. Кийинаётганда — унгача — ҳаммасини кўрса бўлади. Йўқ. Тинчлан. Керакмас.

«Ивнинг телеграф» редакциясидан кутилмаганда қийқирган кулги эшитилди. Кимлиги маълум. Нима қилишяпти?

¹ Эшит, Исроил, Раббимиз Илох ягона (яхудий).

² Блум яҳудий ҳайити — седеднинг иккинчи куни бўладиган воқеаларни ва шу куни айтиладиган қўшиқ сўзларини эслаяпти.

Қўнғироқ қилишга бирпасга кираман. Э, Нед Лэмбертнинг ўзлари экан-ку.

У оҳиста қадам ранжида килди.

ЭРИН, ДЕНГИЗНИНГ КУМУШ ГАРДИШИДАГИ ЗУМРАД¹

— Шарпа келди, — деб шивирлади профессор Макхью печенье тўла оғзи билан чанг босган деразага қараб.

Мистер Дедал кўзини бўм-бўш каминдан олиб Нед Лэмбертнинг масхараомуз қийшайган башарасига тикаркан, норози оҳангда деди:

— Вой, худонинг қазаби, э бундоқда оркангиздан кекириб юборманг тагин?

Нед Лэмберт эса стол устига ўтириб олганча ўқишни давом эттирди:

— *Ёхуд, ана, боқингиз ул жилғанинг буралиб буралиб, чул дираб чулдираб оқишларига, шўх-шўх куйлай-куйлай олға чопишларига ким, майин майин насимий елларга ҳамроҳ бўлиб, ўз йўлида не не метин қоялару тўсиқлар билан баҳслашиб, енгиб, сирли Нептун салтанати шиддатли мовий уммонларига интилар, зумрад пўпанак босган соҳиллар аро, қуёш нурларининг порлоқ жилваларида ва ё унинг хаёл ўйнаган қучоғига мўъжизакор боғнинг кўк қуббалар ташлаган улкан сояларга чулғаниб югурар. Қани, бунга нима дейсиз, Саймон? — деб сўради у, газета саҳифаси оша кўз қирини ташлаб. — Услугубни қаранг-а, услубни?*

— Ичкилик бошига урган шекилли, — деди мистер Дедал.

Нед Лэмберт хахолаб кулиб, газетани тиззасига уриб, такрорларди:

— *Хаёл ўйнаган қучоқ ва мўъжизакор боғ эмиш! Вой, ўлиб қоламан! Вой ўламан!*

— Ул Ксенофонт кўз узмас Марафондан, — яна кўзини каминдан узиб деразага боқди мистер Дедал, — Марафон эса кўз узмас эди уммондан².

¹ Шекспирнинг «Ричард II» асаридан иқтибос.

² Байроннинг «Дон Жуан» асари сатрларига иқтибос.

— Бас, — деб қичқирди дераза рахида ўтирган профессор Макхю. — Бас қилинлар бу бемаъниликни.

У ярми тишланган печеньени оғзида китирлатиб, иккинчи қўлида ушлаб турган печеньени кемиришга тайёрланди.

Тумтароқ бемаънилик. Пучак гаплар. Нед Лэмберт бугун кўнглини хушламоқчи бўлибди-да. Ҳар қалай кишини кўмиб келиш учун бир кунинг кетади. Унинг қўли узун дейишади. Виде-канцлер мўйсафид Чэттертоннинг невараси ё эварасими экан. Қария тўқсонга яқинлашиб қолибди. Биринчи саҳифага некролог тайёрлаб қўйилган бўлса керак. Қариянинг жон таслим қилгиси йўқ. Балки хали ҳам яна қанчаларни нариги дунёга кузатар. Нарироқ сурил, Жонни, амакингга жой бер. Муҳтарам зот Ҳэжс Эйр Чэттертон. Менимча, қария ҳар ойнинг бошида қалтироқ қўллари билан унга бир-икки бор чек ёзиб берса ажабмас. Чол оёғини узатиб қўйса, шўрлик кейин нима қилади денг. Салламно.

— Мана яна бир зўракилик, — деди Нед Лэмберт.

— Нима экан бу? — сўради мистер Блум.

— Цицероннинг яқинда топилган парчаси, — деб жавоб берди профессор Макхю дабдабалироқ оҳангда. — *Бизнинг гўзал ватанимиз.*

ГАП ЭГАСИНИ ТОПДИ

— Кимнинг ватани? — соддалик билан сўради мистер Блум.

— Ўринли савол, — деди профессор жағини қимирлатиб. — Урғу «кимнинг» деган сўзда.

— Дэн Доусоннинг ватани, — деди мистер Дедал.

— Бу унинг кечаги нутқими? — сўради мистер Блум.

Нед Лэмберт бошини қимирлатди.

— Қаранг, мана буни эшитинг, — деди у. Эшикни кимдир итарди, қабза тутқичи мистер Блумнинг белига урилди.

— Узр, узр, — деди Ж. Ж. О'Моллой кира туриб.

Мистер Блум дарҳол ўзини четга олди.

— Кириг, марҳамат, — деди у.

— Омонмисиз. Жек.

— Келинг, келинг. Саломат.

— Яхшимисиз, Дедалус?

— Тузук, ўзингиз қалай?

Ж. Ж. О'Моллой бош чайқади.

МАЪЮСОНА

Ўз вақтида ёш адвокатлар ўртасида энг салоҳиятлиси эди. Ўпкаси касал бечоранинг. Жилва қилган бу қизиллик — қазонинг боши, жони қил устида. Нима шамол учирдийкин шўрликни? Пул керакдир.

— *Ё елкама-елка тизилган қурч чўққиларга чиқиб борур миз.*

— Кўринишингиз ниҳоятда яхши.

— Нима, муҳаррирни кўрса бўлармикин? — сўради Ж. Ж. О'Моллой кабинет эшигига назар ташлаб.

— Бўлмасам-чи, — деди профессор Макхю. — Кўрса ҳам, эшитса ҳам бўлади. У ўз даргоҳида, олдида Ленехан бор.

Ж. Ж. О'Моллой баланд стол томонга ўтиб, газетанинг қизғиш тахламини варақлай бошлади.

Иши ҳам орқага кетган. Омади юришмаган. Ҳафсаласи қолмаган. Қимор ўйнаяпти. Қарзга ботяпти. Ажрини кўради. Яхши миждозлари кўп эди. Илгари Д. ҳамда Т. Фитсжералдлар унга яхши ҳақ тўлашарди. Мияси зўрлигини билдириш учун парик (ясама соч) киярди. Қабристондаги бояги ҳайкал каби миясининг қатигини намоёниш қилиб кўрсатади. Чамаси, «Экспресс» учун Габриэл Конрой билан бирга мақолалар ёзаяпти. Кўп ўқиган зот. Майлс Кроуфорд «Мустақиллик»да иш бошлаган эди. Қизиқ, бу газетчиларнинг ҳаммаси шамолга қараб қуйруқ қилади. Шамолпаррақлар. Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам, жизбиз. Қайси бирига ишонишни билмайсан. Бирининг ашуласи яхши, иккинчисиники ундан-да аъло, газеталарига ёзиб чиқишади, бир-бирларининг бўғизларидан олишади, эртасига яна ҳеч нарса билмагандай, апоқ-чапоқ бўлиб, жилпанглаб юришади.

— Э, қанақасизлар ўзи, эшитсанглар-чи, манави гапни, — ёлворди Нед Лэмберт. — *Ё елкама елка тизилган қурч чўққиларга чиқиб борур миз.*

— Дўмбир-дўмбир, — аччиқланиб унинг сўзини бўлди профессор, — жонимизга тегиб кетди бу дўмбирачи.

— *Сарбаланд чўққилар,* — дея давом этди Нед Лэмберт, *мингашиб бир-бирларига юксала-юксала қалбларимизни оролар...*

— Ундан кўра тилини арраласин, — деди мистер Дедал. — Худоё ўзинг қутқар ва раҳм қил. Ол-а, ол-а. Бунга ҳали пул ҳам тўлашар?

— Юракларимиз Ирландиямизнинг чин хазиналарининг олам аро тенги йуқ мислсиз манзараларининг гувоҳи булиб, гарчи баъзи айюҳаннос солароқ кукларга кўтариб мадҳу санолар ўқил гувчи ажнабий ўлкаларча эмасдир балки, лек ўзининг соя-сал қин ўрмонлиқларининг ҳусну таровати, жонли водийларнинг қир адирларию кўклам зилоли билан лиммо лим шира-шарбат га тўла яйловлари, Ирландиямизнинг хаёлчан, майин жилва ларига ботган оқшомларию...

— Оҳ, — деди профессор Макхю. — У «Ҳамлет»¹ ни эси дан чиқарибди.

УНИНГ ЖОНАЖОН ШЕВАСИ

— Токи ойнинг жимир-жимир гардиши шоён пориллаб атро фу тумонатни ўз нурафшон нуқраларига ғарқ айлаб, олис олис кенгликлару кўз илғамас уфқларни қамраркан...

— Оҳ, — деди мистер Дедал ичидан бир ингроқ келиб. — Суюк тезак бу. Етар, Нед. Ҳаёт жуда қисқа.

У бошидан цилиндрини олиб, дикрайган мўйлабларига пихллаб, ирландчасига беш панжаси билан сочини таради.

Нед Лэмберт камоли мамнуният билан газетани улоқтириб юборди. Бир зум ўтмай профессор Макхюнинг соқоли ўсиб кетган, қора кўзойнакли башараси хирқироқ ақиллаган кулгидан тунтарилиб кетди.

— Дўмбоқкинам Доу, — деб қичкиради у.

ВЕЗЕРАП АЙТТАНДАЙ

Оппоқ қоғозга қоп-қора ҳарфлар билан ёзилган бояги сўзларни ҳозир ўқиб одамнинг кулгиси қистайди, буни ўз қулоғинг билан эшитсанг, оғзинг очилиб қолади. Афтидан, унинг новвой хонаси бор эди. Шунинг учун ҳам, уни дўмбоқ Доу деб аташарди. Уйини ҳам бошлаб қурган. Қизини Солиқ идорасидаги анов автомобили бор йигитга узатмоқчи. Усталик билан ўз тузоғига илинтирди. Меҳмондўст хонадон. Лаззатли ширин таомлар пишириб берамиз. Везерап доим шуни айтарди. Ушлаб қолмоқчи бўлсанг — корнидан тут.

¹ Даусоннинг бу ҳашамдор тасвири «Ҳамлет»да Ҳорационинг сўзларига уйқаш.

Кабинетнинг эшиги қарс этиб очилди ю хонага сочлари худди қушнинг патидек дикрайган қизил тумшук бир бош сукулди. Чакчайган кук кўзлар бу ерда йиғилганларга бирма-бир бақрайди-да, кўрс овоз билан сўради:

— Нима гап?

— Мана сохта бароннинг шахсан ўзлари! — тантанавор эълон қилди профессор Макхю.

— Наритурэйтуркингкурсин, чулдурвоки домла! — деб муҳаррир ўз миннатдорлигини билдирди.

— Юринг, Нед, — деди мистер Дедал шляпасини бошига кўндириб. — Шундан кейин ичмасак бўлмайди.

— Ичасизларми! — кичкирди муҳаррир. — Ибодат олди-дан ичкилик ичилмайди.

— Тўғриликка тўғрику-я, — жавоб берди мистер Дедал хонадан чиқа туриб. — Юринг, Нед.

Нед Лэмберт ёнлаб ўзи ўтирган стол устидан тушди. Муҳаррирнинг кук кўзлари аланглаб, мистер Блумнинг кулги жилва-ланган юзида тўхтади.

— Биз билан бирга юрмайсизми, Майлс? — сўради Нед Лэмберт.

УЛУҒ ЖАНГЛАР ХОТИРАЛАРИ

— Шимолий Корк кўнгилдилари! — деб кичкирди Нед Лэмберт ўзини камин томонга олиб. — Биз доим ғалаба қиламиз! Шимолий Корк ҳамда испан зобитлари!

— Бу қаерда бўлган эди, Майлс? — сўради Нед Лэмберт ўз оёқ кийимига ўйчан тикилиб.

— Оҳайода! — кичкирди муҳаррир.

— Ҳа, ўша ерда бўлган, худо ҳақи, — рози бўлди Нед Лэмберт.

Эшикка чиқа туриб у О'Моллойга шипшиди:

— Ичкиликнинг касофати. Одам ачинади.

— Оҳайо! — дея яна кичкирди муҳаррир хўрозланиб, ўпка-дай қизил афтини юқорига кўтариб. — Менинг ўлкам Оҳайо!

— Намунали танқидчи! — деб қўйди профессор. — Узун, узун ва қисқа бўгин.

¹ Ирланд ватанпарварларига кўп туҳматлар ёғдирган, сохта барон ва айғоқчи Фрэнсис Хоггинс назарда тутилган.

О, ШАМОЛНИНГ СОЗИ!

У нимчасининг киссасидан тиш тозалайдиган ип ғалтагини чикарди-да, ундан бир бўлагини узиб, ювилмаган тишлари орасига таранг тортиб киритиб тозалай бошлади.

— Қирт-курт, кирт-курт.

Мистер Блум йўл очилганини кўриб, кабинет эшигига қадам ташлади.

— Мен бир зумга, мистер Кроуфорд, — деди у. — Бир эълон бўйича кўнғироқ қилмоқчийдим.

У ичкарига кирди.

— Оқшом сонига бош мақола нима бўлди? — деб сўради профессор Макхю муҳаррирнинг яқинига бораркан, кўлини унинг елкасига дадил ташлаб.

— Ҳаммаси жойида бўлади, — деди Майлс Кроуфорд энди анча ўзини босиб олиб. — Ташвишланма. Салом, Жек. Бу ерда ҳаммаси дуруст.

— Саломатмисиз, Майлс, — сўзлади Ж. Ж. О'Моллой кўлини тахлам устига юшоқ тўкилган саҳифалардан тортиб. — Айтингчи, Канададаги муттаҳамлик ҳақида бугун кетяптими?

Кабинетдаги телефон жиринглади.

— Йигирма саккиз. Йук, йигирма. Қирк тўрт, ҳа.

ФОЛИБНИ ТОПИНГ

Ленехан «Спорт»нинг пойга ҳақидаги варақларини кўтарганча ичкаридан чиқиб келди.

— Олтин кубокни ким олишини аниқ билишни истайсизми? — сўради у. — Тож. Чавандоз О'Мэдден.

У варақларни стол устига ташлади.

Газета сотувчи яланг оёқ болаларнинг ташқаридан келаётган тапир-тупур шовқин-суронлари бирдан яқинлашиб, эшик ланг очилди.

— Тисс, — шипшиди Ленехан. — Нима бу, тап-туп.

Профессор Макхю хонани кесиб ўтиб, бўйинини қисиб турган боланинг ёқасидан тутди, қолганлари тирақайлаганча ташқарига қочишди, дўпир-дўпир қилиб пиллапоядан пастга тунишди. Елвизак қоғозларни шилдиратиб учирди, улар шамол қанотида ҳаворанг арғамчи ясаб, стол остига шилдираб қўнишди.

— Мен эмас, сэр. Мени анов найнов итариб юборди, сэр.

— Э, орқасига тепиб хайда уни, эшикни ёп, — деди муҳаррир. — Бўрон турди-ку, бу ерда.

Ленехан энгашиб, қиҳ-пих қилиб полда сочилган варақларни йиғиштира бошлади.

— Биз пойга ҳақидаги махсус сонга келган эдик, сэр, — деди болакай. — Мени бу ерга Пэт Фаррел орқамдан итариб юборди, сэр.

У эшик тирқишидан мўраллашиб турган икки зумрашани кўрсатди.

— Хув, анув, сэр.

— Бўпти, бўпти, қани жўна, — жаҳли чиқиб буюрди профессор Макхю.

У болани итариб туртиб чиқариб юборди-да, эшикни маҳкам ёпди.

Ж. Ж. О'Моллой ниманидир қидириб тахламни шилдиратар ва ўзига ўзи тўнғилларди:

— Давоми олтинчи бетда, тўртинчи устун.

— «Ивнинг телеграф» редакциясиданман, — деб сўзлашарди мистер Блум кабинетдаги телефонда. — Хўжайин-чи?.. Ҳа, «Телеграф»... Қаёққа? А-ҳа! Қайси аукционда?.. А-ҳа! Тушунарли. Яхши. Уни топаман.

ТЎҚНАШУВ БЎЛМОҚЧИ

У гўшакни жойига қўйган эди, телефон яна чириллади. У тез ичкарига кириб, иккинчи саҳифани ердан олишга уринаётган Ленехан билан тўқнашди.

— Пардон, мсйе, — деди Ленехан бир зум уни ушлаб ва юзини буриштириб.

— Айб менда, — жавоб берди мистер Блум, ўзини маҳкам қисаётганларига тоқат қилиб. — Ҳеч нарса қилмадимиз? Шошиб турган эдим.

— Тиззам, — зорланди Ленехан.

У юзига кулгили тус бериб, тиззасини ишқаганча шикоят қилишга тушди: ўлмасам, тузалиб кетар.

— Мени кечиринг, — деди мистер Блум.

У эшик ёнига келиб, тутқичга қўлини чўзди-ю, андак сарсилиб қолди. Ж. Ж. О'Моллой залворли газета тахламни ёпди. Бум-бўш ташқарида пиллапоя зинасига ўтирган иккита

боланинг чинқирган овозлари ҳамда пуфлаб чалинадиган гормоннинг саси акс садо таратарди:

Вексфорднинг болалари
Жаага кирса ботирлари¹.

БЛУМ ЖЎНАМОҚЧИ

— Мен Бэйчлора-уокка чопиб бориб келишим керак, — тушунтирди мистер Блум, — Ключчи реклама бермоқчи. Узил-кесил келишиб олмасак, бўлмайди. Билишимча, у Деллоннинг олдида экан.

Қандайдир бир сония ичида уларга журъатсизона қараб турди. Қўли билан бошини тираб каминнинг тоқчасига суяниб турган мухаррир иттифоқо қулочини кенг ёзиб қўлини олға чўзди.

— Борғил! — хитоб қилди у. — Бутун дунё сенинг қошингда².

Ж. Ж. О'Моллой Ленеханнинг қўлидан варақларни олдида, уларнинг орасини аста пуфлаб очиб, бир сўз демай ўқишга киришди.

— У рекламани жойлаштиради, — деди профессор Макхью зиҳи қора кўзойнаги билан дераза пардаси тепасидан ташқарига боқиб. — Ановини қаранглар-а, нобакор тирранчаларнинг ҳаммаси унга эргашиб кетяпти.

— Қани? Кўрсатинг! — деб қичқирди Ленехан дераза олдида югургилаб келиб.

КЎЧА ЮРИШИ

Улар дераза пардаси оша болаларга қараб барабар кулиб юборишди. Болалар мистер Блумнинг орқасидан гоздек диконгларшар, охирги боланинг қўлидаги думига оқ лентачалар бойланган қулгили варрак шаббодада у ёқдан бу ёққа силкинарди.

— Тирранчаларнинг масхарабозлигини томоша қилинг, — деди Ленехан, — вой, ўламан. Вой, пақ ёрилиб кетаман! Унинг лапанглаб юришига таклид қияпти. Зумрашалар!

¹ Вексфорд — 1798 йилги кўзғолоннинг маркази бўлган. Халқ балладасининг сатрлари.

² Милтоннинг «Йўқолган жаннат» асаридаги сатрларга иқтибос.

У масхараомуз рақс тушгандай бўлиб, оёқларини дупурлатиб уриб камин ўчоқ ёнидан Ж. Ж. О'Моллойга яқин борди, у эса варақларни унинг қўлига тутқазди.

— Нима гап бўляпти? — сўради Майлс Кроуфорд худди уйқудан кўзини очгандай. — Қолган иккови қани?

— Ким? — ўтирилди профессор. — Улар ичгани кетишди. Падди Хупер билан Жек Ҳолл ҳам ўша ерда. Кеча оқшом келишган.

— Ундай эса, юринглар, — бир қарорга келди Майлс Кроуфорд. — Қани менинг шляпам?

У пиджагининг этакларини қайириб, орқа чўнтагидаги калитларини шақирлатганча кабинетга ўтди. Кейин калитлар қўлга олинганда яна шиқирлаш эшитилди, кейин у тортмасини кулфлаётганда стол ёғочига урилиб яна тарақлади.

— У анча ўзига келиб қолди, — деди шивирлаб профессор Маккью.

— Шунақага ўхшайди, — ўйчан минғирлади Ж. Ж. О'Моллой сигара қутисини чўнтагидан оларкан. — Лекин биласизми, бизга шундай туюлгани билан бу доимо ҳам тўғри бўлавермайди. Кимнинг гугурти кўпроқ?

АМНИЯТ ЧУБУКИ

У профессорга сигарет тутди, биттасини ўзи олди. Ленехан дарҳол гугуртни ўт олдириб тутатиш учун бирма-бир уларга узатди. Ж. Ж. О'Моллой яна қутини очди-да, унга таклиф этди.

— Ташаккур, раҳмат, — деди Ленехан сигаретни оларкан.

Муҳаррир манглайига қийшиқ ўрнатилган похол шляпасини кийиб чиқди. У профессор Маккьюга қўлини жиддий бигиз қилиб оҳанжама билан ёд ўқиди:

Ҳа, қудрату шараф ром этди сени,
Империя қалбингни забт этди сени¹.

Профессор чўзиқ лабларини очмасдан кулумсади.

— Хўш, қалай? Эҳ, сен шўрлик Рим салтанати! — хитоб қилди Майлс Кроуфорд.

У очиқ портсигардан сигарет олди. Ленехан шу заҳоти унга усталик билан гугурт ёқиб тутди. Деди:

¹ Майкл Уильям Балф (1808–1870)нинг «Кастилия гули» (1857) операсидан сатрлар.

— Илтимос, бирпас жим туринглар. Ҳеч тутилмаган топишмоғим бор!

— Imperium Romanum, — паст овоз билан деди Ж. Ж. О'Моллой. — Бу Британия ёки Брикстон дегандан кўра олижаноброт бўлиб эшитади. Сўзлар нимаси биландир ўтга қуйилган мойни эслатади.

Майлс Кроуфорд сигаретни қаттиқ тортиб тутунини қуюқ қилиб шифтга уфурди.

— Жуда тўғри, — деди у. — Биз ҳаммамиз ўша моймиз. Сизу биз — оловга ташланган мой. Бизнинг имкониятимиз жаҳаннам алапчасига тушган қор уюмидан ҳам камроқ.

ШАРАФ СЕНИНГ НОМИНГ — РИМ¹

— Бир минут, — деди профессор Макхью икки осуда тирноғини кўтариб. — Сўзларга, уларнинг оҳангларига берилмаслик керак. Биз Рим империяси, императори, императиви² ҳақида ўйлаймиз.

У урналган ва кир енгидан қўлларини нотиклардек ёзиб, бир зум тек қолди:

— Аммо уларнинг цивилизацияси қандай эди? Тўғри, интихосиз: лекин руҳсиз эди. Клоака: мағзава оқадиган каналлар. Яҳудийлар биёбонда ёки тоғнинг зирваси устида шундай дейишарди: *Бу ер бизга сафолик, Иеговага қурбонгоҳ қўямиз*. Римлик эса, худди унинг изидан келаётган инглиз сингари қайси бир соҳилга унинг қадами етса (бизнинг соҳилга унинг қадами ҳеч қачон тушмаган) ўзи билан бирга клоака³сини ҳам олиб борган, клоакага муккасидан кетган⁴. У ёпинчиғини елкасига

¹ Эдгар Понинг «Еленага» шеърдан.

² *Императив* — талаб, амр, буйруқ, бурч.

³ *Клоака* — ахлат оқадиган ер ости канали

⁴ Херберт Уэллс Жойсининг «Сағъаткорнинг ёшликдаги қиёфаси» романига ёзган тақризида: «Худди Свифт ёхуд бошқа истаган ирланд ёзувчиси каби Жойс ҳам қозурот (ахлат) жинниси...» — деган эди. Шу хусусда суҳбатларидан бирида Жойс куйидагиларни айтган эди: «Қозурот шайдоси эканмиз-да! Менимча, бу Уэллснинг юртдошлари қайга борсалар, дарров ватерклозетлар қурадилар. Дарвоқе, мен хафа эмасман; Уэллс менинг ижодимга қизиқиш билан қараган танқидчилардан бири; танқидчиларнинг фақат бир тоифаси нафратимни келтиради. Мени самимий ёзмайди, дейдиган танқидчиларга тоқатим йўқ...»

ташлаб, атрофга нигоҳ югуртган ва: *Бу ер бизга сафолик. Бу ерда биз ватерклозет¹ қурамиз.*

— Қурганлар ҳам, — деди Ленехан. — Биз олис кўхна аждодларимиз, «Ичиш» китобининг биринчи бобида ёзилганидек, оқар сувнинг шайдоси булганлар.

— Улар табиатнинг оқил фарзандлари эдилар, — секин деди Ж. Ж. О'Моллой. — Лекин бизда Рим ҳуқуқи ҳам мавжуд.

— Унинг пайғамбари Понтий Пилат, — қўшилди профессор Макхю.

— Сиз ғазнахонанинг биринчи лорди Полленинг воқеасини эшитганмисиз? — сўради О'Моллой. — Кирил университетидан тантанали зиёфат бўлаётган эди. Ҳаммаси яхши кетаётган эди...

— Аввал топишмоқни топинг, — деб гапни бўлди Ленехан. — Тайёрмисиз?

Ташқаридан кенг хушбичим қора кулранг донегал костюмида баланд бўйли мистер О'Мэдден Берк кўринди. Унинг ортидан йўл-йўлакай шляпасини қўлига олганча Стивен Дедал келарди.

— *Entrez, mes enfants²* — кичқирди Ленехан.

— Мен арзагўйни бошлаб келяпман, — деди оҳангдор қилиб мистер О'Мэдден Берк. — Тажриба томонидан етакланмиш Ёшлик Миш-Миш хузурига келди.

— Яхшимисиз? — деди муҳаррир қўл чўзиб. — Киринглар. Отангиз ҳозиргина шу ерда эрди.

???

Ленехан барчага эълон қилди:

— Дикқат! Қайси опера оқсоқ? Ўйланг, бошингизни котиринг, фикр юритинг, сўнг жавоб беринг.

Стивен машинкада кўчирилган варақларни сарлавҳаси ҳамда муаллифини кўрсатиб узатди.

— Ким? — сўради муҳаррир.

Охири йиртилган.

— Мистер Ҳэрретт Дизи, — жавоб қилди Стивен.

— Қари дарвеш, — деди муҳаррир. — Ким буни йиртди? Нима қилиқ бу?

¹ *Ватерклозет* — унитазли ҳожатхона.

² Киринглар, болаларим! (*франц.*).

Буронларни қолдириб доғда
Уммонлар кўпирган чоғда
Қонимни ичмоққа жаллод
Лаб босди: ўт чиқди дуоғда¹.

— Салом, Стивен, — саломлашди профессор уларга яқин бо-
риб, елкалари оша нигоҳ ташлаб. — Оксимми? Нима бу, сиз ҳали..?
Кўтосларга ишқибоз бахши.

ҲАШАМАТЛИ РЕСТОРАНДАГИ ЖАНЖАЛ

— Салом, сэр, — жавоб қилди Стивен кизаринқираб. —
Менинг хатим эмас. Мистер Ҳэрретт Дизи илтимос қилди...

— Биламан, биламан уни, — деди Майлс Кроуфорд, — хоти-
нини ҳам танирдим. Дунё дунё бўлиб ҳали бунақа қарри қарғани
кўрмаган. Исо номига қасам ичаманки, оксим деганингиз ана
ўшанда-да! «Юлдуз ва белбоғ»да официантнинг юзига шўрваси-
ни сепиб юборгани эсингиздами? Оҳо-оҳо!

Хотин зоти ер юзига гуноҳ деган нарсани олиб келди. Мене-
лай даргоҳидан қочиб кетган Елена, юнонлар ўн йил. О'Рурк,
шаҳзода Брефни.

— Нима, у бева қолганми? — сўради Стивен.

— А-ха, хашаки, — жавоб берди Майлс Кроуфорд кўчи-
рилган варақларга кўз югуртириб. — Император отхоналари.
Габсбург. Венадаги калъа устида ирландиялик унинг ҳаётини
сақлаб қолди. Буни асло унутманг! Ирландияда Максимилиан
Карл О'Доннелл, граф фон Тирконнелл². Ҳозир у валиаҳдни
жўнатди, у эса киролга Австрия фельдмаршали деган унвон
келтирди³. Бир кунмас бир кун у ерда тўс-тўполон чиқади!
Ёввойи ғозлар. Э-ҳа, ҳар гал шу. Буни сира унутманг!

— Буни у унутганми, гап мана шунда? — секин деди О'Мол-
лой кўлидаги тақасимон босмани ўйнаб. — Подшоҳларни кут-
қариш — хайрли иш эмас.

¹ Ирланд шоири Дуглас Ҳайднинг (1860—1949) «Денгиздаги қайғу» шеърдан.

² 1853 йилда император Франц Иосифга суиқасд уюштирилган, уни ирланд муҳожирининг ўғли Максимилиан Карл О'Доннелл, граф фон Тирконнелл кутқариб қолган эди.

³ 1904 йил 9 июнда Франц Иосифнинг валиаҳди Франц Фердинанд Англия кироли Эдуард VII га фельдмаршал унвони берган эди.

Профессор Макхю унга ўғирилди.

— Аксинча бўлса-чи? — сўради у.

— Нима воқеа бўлганини мен сизга айтиб берай, — сўз бошлади Майлс Кроуфорд. — Бир венгриялик кунлардан бир кун...

ОМАДСИЗ КОРХОНАЛАР. ОЛИЖАНОБ МАРКИЗ ХУСУСИДА

— Биз ҳамиша ютқизган корхоналарга садоқат сақлаганмиз, — деди профессор. Ютуқ бизга доим оқиллик ҳамда тасаввурнинг ҳалокати бўлиб кўринган. Биз ҳеч қачон омади чопмаганларни ёқламаганмиз. Биз уларга думимизни ликиллатамиз. Мен тихир лотинчани ўқитаман. Мен фикр чўққиси афоризм бўлган ирқнинг тилида сўзлайман: вақт — пул. Моддий ҳукмронлик: Domine! Раббим! Рухоният қайда? Раббимиз Исо? Жаноб Солсбери? Уэст-Энд клубидаги диван. Бироқ юнонлар!

КЮРИЕ ЭЛЕЙСОН¹

Унинг зиҳи қора ойнакдаги кўзлари мунаввар табассумидан жонланди, чўзиқ лаблари янада чўзилгандай бўлди.

— Юнонлар! — такрорлади у. — Кюриос! Порлоқ сўз! Сомиёлар ва саксларда ҳеч қачон бўлмаган унлилар². Кюрие! Ақлнинг порлоқлиги. Мен юнон тили, ақл-идрок тилидан дарс беришим керак эди. Кюрие Элейсон! Ҳожатхоналару ахлатхоналарнинг қурувчилари ҳеч қачон бизнинг руҳимизга ҳукмрон бўлолмайдилар. Биз Трафалгарда денгиз тубига чўкиб кетган Европа католик валломатларининг ворисларидирмиз. Рухнинг салтанати бу сизга impregium эмас. Эгоспотамда³ юнон флоти билан бирга чўкиб кетган. Ҳа-ха, улар чўкиб кетди. Башоратгўй томонидан алданган Пирр Юнонистон тақдирини ўнглаш учун охирги марта уриниб кўрди. Ўз ютқизиғига содиқ қолди.

У дераза томонга ўтди.

— Жангга чиқди-ю улар, — кироат қилиб ўқиди О'Мэдден Берк сўник товушда, — ҳалок бўлди иложсиз.

¹ Худоё, мағфират қил! (юнон.)

² Юнон алфавитининг йигирманчи ҳарфи — ипсилон, на яҳудий ва на инглиз тилида унга мос унли товуш бор.

³ Эрадан аввалги 405-йилда Афина кемалари сирта томонидан тор-мор қилинган жой.

— Ув-ув! Оҳ-оҳ-хо! — ўкириб юборди Ленехан. — Томошанинг охирида калласига фишт билан туширдилар. Бечора, о бечора, бечора Пирр!

Кейин у Стивеннинг қулоғига шивирлади:

ЛЕНЕХАН ЁЗГАН ЛИМЕРИК¹

Профессор олимимиз донг таратмиш
Қовок солиб ойнагини тоза артмиш
Лекин қўнгли тусаб шароб
Ичиб холи бўлмиш хароб
Нега керак ойнак артиш — бефойда иш.

Саллюстий² га марсия, деб юради Маллиган. Онаси тиррак-дек қотган.

Майлс Кроуфорд қоғозларни чўнтагига тикди.

— Майли, бўлади, — деди у. — Қолганини ўкиб қўяман. Ҳаммаси яхши бўлади.

Ленехан қарши бўлгандай қўлларини силкитди.

— Менинг топишмоғим нима бўлди? — деди у. — Қайси операмиз оқсайди?

— Операми? — мистер О'Мэдденнинг мужмал афти яна ҳам мажхул бир қиёфага кирди.

Ленехан тантана билан эълон қилди:

— «Кастилия гули». Мағзини чақдингизми? Кести тилин ўлли. Хи!

У мистер О'Мэдден Беркнинг биқинига ҳазиллашиб туртиб қўйди. Мистер О'Мэдден Берк сохта бир ҳаракат қилиб ўзини орқага ташлади, соябонига тиралди-да, ўзини нафаси бўғилиб қолаётгандек кўрсатди.

— Ёрдам беринглар! — деб ихради у. — Мазам қочди.

Ленехан оёғининг учида туриб унинг юзини шитирлаган қоғозлар билан елпишга тушди.

¹ *Лимерик* — инглиз адабиётида кенг тарқалган жанр. Ҳазил-мутойиба, бемаънироқ йўналишдаги шеъринг шакл. Беш сатрдан иборат. Ирландиянинг Лимерик деган шаҳарининг номидан олинган бўлса керак. ААВВА тарзида қофияланади. Л. Кэррол, Ж. Голсуорси, Р. Киплинг лимериклари машҳур.

² *Саллюстий* — Рим тарихчиси (эр. авв. 86—34 йй).

Профессор газета тахламлари ёнидан ўтиб ўз ўрнига қайтаркан, Стивен билан мистер О'Мэдден Беркнинг кийшайиб кетган бўйинбоғларини оҳиста тўғрилаб қўйди.

— Парижнинг ўтмиши ва бугуни. Сизлар худди коммуналарга ўхшайсиз.

— Бастилияни қўпорган йигитлардай, — деди Ж.Ж. О'Моллой андак киноя билан. — Ёки бўлмасам, айнан сиз ўзингиз улар билан бирга Финляндия генерал-губернаторини отгандирсиз? Генерал Бобриковни. Афтингизга караганда, бу сизнинг қўлингиздан келади.

— Биз энди тайёрланаётган эдик, — жавоб қилди Стивен.

ҲАР МАХЛУҚНИНГ ЖУФТИ БОР

— Барча талантларнинг гулдастаси, — деди Майлс Кроуфорд. — Адлия, қадимги тиллар...

— Пойгалар, — қўшди Ленехан.

— Адабиёт, журналистика.

— Блум бўлганда, — деди профессор, — унда яна рекламанинг нозик санъати.

— Яна Блумхоним, — қўшимча қилди мистер О'Мэдден Берк. — Қўшиқ фариштаси. Дублиннинг маъшуқаси.

Ленехан томоқ қириб йўталди.

— Ии-ии! — бўғзидан товуш чиқарди у овозини пасайтириб. — Бир култур тоза ҳаво! Мен боғда шамолладим. Дарвоза очиқ қолган экан.

«БУ ҚЎЛИНГИЗДАН КЕЛАДИ»

Мухаррир Стивеннинг кафтига титроқ қўлини қўйди.

— Менга бирон нарса ёзиб берсангиз деган эдим, — деди у. — Ўткирроқ бир нарса. Бу қўлингиздан келади. Юзингиз айтиб турибди. Ёшликнинг луғатида...

Юзингиз айтиб турибди. Кўзингиз айтиб турибди. Кичкина ялқов чўпчакчи.

— Оксим! — деб хитоб қилди муҳаррир нафратомуз зарда билан. — Боррис-ин-Оссорида¹ миллатчиларнинг буюк қурултойи. Ҳаммаси ўлжа! Омгани думғазасига ур! Сочни тикка қиладиган

¹ Боррис-ин Оссори — Дублин яқинидаги шаҳарча.

бир нарса ёзинг. Ҳаммамизни қўшиб ёзинг, башараси қурсин! Падару Валаду Муқаддас Рух ва ҳамда Тиррақи Маккарти¹.

— Биз ҳаммамиз ақлга озука бера оламиз, — деди мистер О Мэдден Берк.

Стивен бошини кўтариб ғайир филтиллаган кўзларга дуч келди.

— У сизни газетчилар галасига қўшмоқчи, — деб тушунтирди Ж.Ж. О'Моллой.

БУЮК ГАЛЛАХЕР

— Бу қўлингиздан келади, — дея такрорлади Майлс Кроуфорд сўзларини ғайрат билан қўл силкитиб тасдиқлаб. — Қараб тулинг хали. Биз Европани қарахт қилиб қўямиз, дерди Игнатий Галлахер «Кларенс» меҳмонхонасида биллярд ўйнаб тирикчилик қилиб абгор бўлган чоғларида. Галлахерни журналист деса бўларди. Ана қалам. У қандай кўтарилганини биласизми? Сизга айтиб бераман. Барча замонлар журналистикасининг энг ўткир намунаси. Воқеа саксон биринчи йил олтинчи майда бўлган эди, енгилмаслар пайти эди, Феникс боғидаги қотиллик, билишимча сиз у замонлар хали она қорнида ҳам йўқ эдингиз. Ҳозир кўрсатаман.

У хонадагилар ёнидан ўтиб газета тахламлари олдига борди.

— Мана кўринг, — деди у орқасига ўгирилиб, — «Нью-Йорк уорлд» телеграф орқали махсус сўратиб олган. Эсладингизми?

Профессор Макхю бош қимирлатди.

— «Нью-Йорк уорлд», — сўзлади муҳаррир ҳаяжонга тушиб, шляпасини энсасига суларкан. — Одам ўлдирилган жой. Тим Келли, яна ҳам тўғрироғи, Кавана. Жо Брэди ва бошқалар. Эчки Тери отларни бошқарган жой. Уларнинг бутун йўли тушунарлими?

— Эчки Тери дегани, — деди мистер О'Мэдден Берк. — Бу Фитсхаррис. Ҳозир тунги меҳмонхонаси бор, Батт кўприги олдида, «Аравакаш қўноғи». Бунни менга Ҳолохан айтди. Ҳолоханни танийсизми?

— Сакра-тур, бу ўшамасми? — сўради Майлс Кроуфорд.

— Шўринг қурғур Гамли ҳам ўша ерда, менга ўзи шундай деди, шаҳарга керак тошларни қўриқларкан. Тунги қоровул.

Стивен хайрон бўлиб ўтирилди.

¹ Маккарти — реал шахс. Журнал ходими.

— Гамли дейсиэми? — қайталаб сўради у. — Йўғ-ей? У отамнинг оғайниси эмасми?

— Э, қўйинглар ўша Гамлини, — жаҳли чиқиб қичқирди Майлс Кроуфорд. — Тошларини кўриклаб ёта берсин, қочиб кетмасин тағин. Бу ёққа қаранглар. Игнатий Галлахер нима қилди денг? Сизга ҳозир айтаман. Дохиёна телеграф қилган. Бу ерда ун еттинчи мартда чиққан «Уикли фримен» борми? Қойил. Манавини кўряпсиэми?

У газета тахламини варақлаб бармоғини нуқди.

— Мана, айтайлик, тўртинчи саҳифа, «Брэнсом» фирмаси кофесининг рекламаси. Кўрдингиэми? Қойил.

Телефон жиринглади.

УЗОҚДАГИ ОВОЗ

— Мен оламан, — деди профессор кабинетга қараб бораркан.

— Б — бу боғнинг дарвозаси. Аъло.

Унинг қалтираган бармоғи бир нуқтага бир неча бор нуқиди.

— Т — вице-қирол қароргоҳи. К — одам ўлдирилган жой. Н — Нокмарун дарвозаси.

Бўйнининг салқиган гўшлари худди хўрознинг халқаларига ўхшаб кимирларди. Кўйлагининг кирланган кўкрак қадамаси сакраб чиқиб қолди, у дархол уни нимчаси ичига тикди.

— Алло? «Ивнинг телеграф»ми? Алло?.. Ким бу?.. Ҳа... Ҳа... Ҳа...

— Ф дан П гача — бу Эчки Тери алиби учун босиб ўтган йўл. Инчиғор, Раундтаун, Уинди Арбор, Палмерстон Боғи, Ранелла¹. Ф.А.Б.П. Тушунарлими? Х — бу юқори Лисон-стрит даги Дэви қовоқхонаси.

Кабинет эшигида профессор кўринди.

— Блум кўнғироқ қилипти, — деди у.

— Э, овозини ўчиринг, — оғзидан чиқмай ёқасига ёпиштирди муҳаррир. — Х — бу Дэви қовоқхонаси хўпми?

ҚОЙИЛ, ЖУДА ҚОЙИЛ

— Қойил, — деди Ленехан — Жуда қойил.

— Лаганга тайёр қилиб солиб берган, — деди Майлс Кроуфорд. — Мана шу шайтон чалган воқеани.

¹ Ранелла — «снгиластар» ўтган йўл.

Киши кўзини очирмайдиган даҳшат.

— Мен ўзим ўз кўзим билан кўрганман, — гурур билан таъкидлаб деди муҳаррир. — Ўзим ўз устида бўлганман. Яна анов Дик Адамс ҳам бор эди, тилла одам, Корк диёрида туғилган разиллар ичида энг яхшиси ва яна мен.

Ленехан хаёлан тасаввуридаги кимсага ғойибона таъзим қилди-да, хитобан деди:

— Ада, дада, адад, а. Қиз кизик зиқ.

— Ҳа, бутун тарихни қафтдай кўрсатди, — хитоб қилди Майлс Кроуфорд. — Анов Принс-стритлик кампир¹ ҳаммасини биринчи бўлиб кўрган. Йиғи-сиғи, тишлар ғижирлаган у ерда². Ҳаммаси битта реклама хабарларидан чиққан. Грегор Грэй³ унга эскизини ишлаб берган ва дарҳол ишлари юришиб кетган. Ундан кейин Падди Хупер Тэй Пэйни⁴ яхшилаб кўндиргану у уни ўзига «Стар»га олган. Ҳозир у Блюменфелдда⁵. Ана сизга матбуот. Ана сизга салоҳ. Пайетт⁶! Ҳаммасининг сиғинган отаси шу!

— Шов-шув кўтарадиган журналистиканинг отаси, — тасдиқлади Ленехан, — Крис Калининнинг куёви.

— Алло?.. Эшитяпсизми?.. Ҳа, у шу ерда. Ўзингиз кирақолинг.

— Ҳозир бундай муҳбирни қаердан топса бўлади, а? — хитоб этди муҳаррир.

У газета тахламини ёпди.

— Жуда чаккон, — деди Ленехан мистер О'Мэдден Беркка қараб.

— Жуда чаккон, — унга қўшилди мистер О'Мэдден Берк. Профессор Макхью кабинетдан чиқиб келди.

— Айтмоқчи, енгилмаслар ҳақида, эътибор бердингларми, бир қанча дўкончи вофурушларни бош судга чақирганмиш...

— Ҳа-ҳа, — жонланиб илиб кетди Ж.Ж. О'Моллой. — Леди Дадли боғдан уйига ўтиб бораётган экан, ўтган йилги бўрон дарахтларни қандай ағдариб ташлаганини кўргиси ке-

¹ «Фрименс Жорнэл»нинг ҳазил лақаби.

² Матто «Хушхабар»идан иқтибос.

³ Грегор Грэй — дублишлик рассом.

⁴ Тэй Пэй — журналист, ношир, сиёсий арбоб О'Коннорнинг лақаби.

⁵ Блюменфелд — Америка газетачиси.

⁶ Пайетт — Француз инқилобчиси, газетчи.

либди, кейин Дублин манзаралари тасвирланган суратча сотиб олмоқчи бўлибди. Суратлар эса чамаси Жо Брэди ё бўлмаса, Бош судми ё Эчки Тери шарафига чиқарилган экан. Уларни нақ вице-қирол қароргоҳи олдида очик сотишаётган экан, тасаввур қилинг!

— Эндигилар бари фақат икир-чикирлар бўлимида ёритишга ярайди, — деб давом этди сўзида Майлс Кроуфорд.

— Туф-эй! Матбуоти ҳам, суди ҳам бири-биридан баттар! Аввалгиларга ўхшаган юристларни энди қаёқдан топасиз. Уайт-сайдга ўхшаган, Айзек Баттга ўхшаган, булбулигўё О'Хейганга ўхшаган? А? Эҳ, худо урган бемаънилик! Туф-эй! Сарик чақага арзимади!

У жим бўлди, аммо лаблари ҳамон асабий ижирғаниб нафрат билан қийшаярди.

Бирон бир хотин шундай қийшайган лабларни ўпишни хоҳлармикин? Қайдам? Нега унда сен буни ёзгансан?

ҚОФИЯ-Ю ҚАЙРОҚЛАР

Лаб-лублар, кулублар. Лаблар қай бир тарздадир кулублар-дурми? Ёинким, кулубларким, бу — лаб-лабларму? Нимасидир ўхшаш, нимадир бордир. Кулублар, тублар, суюблар, ғурублар, кўрублар. Қофиялар: бир хил кийинган иккита одам, кўринишлари бир хил, иккитадан, жуфт жут бўлиб.

... .. сени айлади халос

... .. сухбат кур бирпас

... .. куюн жим, йўк бир сас¹.

У кўк, пушти, қорамтир қизғиш либосларга чулганган қизлар учовлон-учовлон бўлишиб, исмсиз зулматлараро, нафармон, қирмизи, олтин гиреҳларга оғушта юракка баттар ўт ёқиб² оҳиста яқинлашаётганларини кўриб турарди. Аммо мен мўсафид, иш-хушим тавба-тазарру, оёқ кўрғошиндай зил, тун зулматига беркиниб... лаб-лублар кулублар... мозорга асир.

— Фақат ўзингизни билинг, — деди мистер О'Мэдден Берк.

¹ Данте. Дузах. V.

² Данте. Жаннат. XXXI.

ҲАР БИР КУННИНГ ДАРДИ ЎЗИГА

Ж.Ж.О'Моллой синиқ жилмайиб чорловни қабул қилди.

— Қадрли Майлс, — бошлади у қўлидаги сигаретини ташлаб, — менинг сўзларимдан потўғри хулоса чиқарибсиз. Менинг зиммамга учинчи ихтисосни ҳимоя қилиш вазифаси юкланмаган, лекин ҳар қалай хаёлингиз ортиқча ҳаволаниб сизни узоқларга олиб кетаётир. Генри Граттан билан Флуд ёинки Демосфен билан Эдмунд Беркни эсласак бўлмайдимиз? Биз ҳаммамиз Игнатий Галлахерни биламиз, унинг Чейплизодалик отахони Хармсуортни ҳам биламиз, сариқ-суруқ газетчалар чиқариб юрарди, унинг маъзавапараст америкалик қардошини ҳам биламиз, мен ҳали «Падди Келли янгиликлари», «Пию саргузаштлари»ю уйку нималигини билмайдиган доим ҳушёр «Скиббери Бургути»ни айтмаёқ қўя қолай, биродар. Ҳимоя нутқлари билан яхши танилган Уайтсайдни албатта тилга олишимиз шартми? Унинг газетасининг дарди ўзига...¹

УЗОҚ ЎТМИШ САДОСИ

— Граттан билан Флуд айнан мана шу газета учун ёзганлар, — деб қичқирди муҳаррир тўғри унинг башарасига. — Ватанпарварлар ва кўнгиллилар. Қайлардасиз энди? 1763 йилда асос солинган. Доктор Люкас. Ҳозир Жон Филпот Коррэн билан кимни солиштириш мумкин? Туф!

— Хўп, майли, — деди Ж.Ж. О'Моллой, — айтайлик, ана, қиролик адвокати Бушни олинг.

— Буш? — ажабланди муҳаррир. — Майли, розиман. Буш бўлса, Буш, биз рози. Бу унинг қонида бор. Кендал Буш, яъники, мен айтмоқчимапки, Сеймур Буш.

— У аллақачон судья бўлиши керак эди, — деб гап қўшди профессор, — агарда у. Бўпти, майли, буни гапирмаймиз.

Ж.Ж. О'Моллой Стивенга ўғирилди-да, секин таъкид билан деди:

— Мен бутун ҳаётимда эшитган энг қайроқи гап Сеймур Бушнинг оғзидан чиққан, деб ўйлайман. Ака-ука ўртасида со-

¹ Дарди ўзига... — Матто «Хушхабар»и. 6.34. «Бинобарин, эртанги кун ҳақида ташвиш тортманглар. Эртанинг ташвиши эртанинг ўзига тегишлидир. Ҳар бир куннинг дарди ўзига стар» (Иброҳим Абаев таржимаси).

дир бўлган қотиллик ҳақидаги иш кўриляётган эди, анов Чайлдс-нинг иши. Бу уни ҳимоя қилган.

Ва менинг қулоғимга қуйиб юборди оғу

Айтганча, у буни қаёқдан билди? Ахир у уйқусида ўлиб қолган-ку. Ёинки анави икки кифтлик махлуқ ҳақидаги воқеани?

— Қандай воқеа экан у? — сўради профессор.

ITALIA, MAGISTRA ARTIUM¹

— У Рим ҳуқуқига мувофиқ далиллар асосидаги одил судлов қоидалари ҳақида сўзлади, — деди О'Моллой. — Уни анча қадимги Мусо қонунига, *Lex talionis*²га қарши қўйди ва шу ўринда Микеланжелонинг Ватикандаги Мусосини эслатиб ўтди³.

— Ҳм-ҳа.

— Бир неча жуда аниқ танланган сўз, — эълон қилди Ленехан. — Жимлик сақлансин!

Сукут чўкди. Ж.Ж. О'Моллой сигара қутисини чиқарди.

Нимасига тек қотиб туришибди. Беҳуда бир гап бўлса керак.

Хабар бергувчи нотик гугурт ёқиб, сигара тутатди.

Кейинчалик мен орқага қараб, мана шу ғалати кунлар ҳақида кўп ўйладим. Ўзи кичкинагина, ўз ҳолича олганда, арзимас гугуртни ўт олдиришдек пучак бир воқеа, нарироқ бориб икки турли умргузаронликнинг қисматини белгилаб берди⁴.

ҚАЙРАЛГАН ЖУМЛА

Ж.Ж. О'Моллой ҳар бир сўзни чертиб чертиб давом эттирди:

— У ҳақда айтдики, бу мрамарда қотган музика, инсон шаклидаги илоҳий, мугуздор ҳамда кўрқинчли тонн ҳайкал, бу до-нишмандлик ва башоратнинг яшашга муносиб ўлмас тимсоли, бу руҳоний қайта бино қилувчи ҳамда қайта бино қилинган ҳайкалтарош қўли билан мрамардан яратилган тасаввур кудрати билан лиммо-лим мангулик.

Унинг нозик қўли ҳавода тўлқин ясаб, жумланинг оҳангдор музикасини қайд этди.

¹ Италия, санъатлар устози (*лот.*).

² Қасос қонуни (*лот.*).

³ Микеланжелонинг Мусо ҳайкали Сан Петро саройига қўйилган.

⁴ Диккенснинг «Улкан умидлар» романидаги бир жумлага кинояомуз иқтибос.

- Аъло! — дарҳол акс садо берди Майлс Кроуфорд.
- Илоҳий илҳом, — деб қўйди мистер О'Мэдден Берк.
- Сизга ёқдими? — сўради Ж.Ж. О'Моллой Стивендан.

Тил ва ишорат гўзаллигидан чуқур мутаассир бўлган Стивен жим қизарди, холос. У очик турган сигара қутисига қўл узатди, кейин Ж.Ж. О'Моллой кутини Майлс Кроуфордга чўзди. Ленехан яна илгаригидек уларга ўт ёкиб тутди. Ва яна ўлжасини қўлга киритди:

- Кўпдан кўпона миннатдорона.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ЭГАСИ

— Профессор Мейженнис менга сиз ҳақингизда гапириб берган эди, — деди Стивенга мурожаат қилиб О'Моллой. — Менга ростиңгизни айтиңг-чи, мана шу тушқун сукунат шоирлари, барча ўша герметистлар ҳақида сиз қандай фикрдасиз? Уларнинг етакчи доҳийси А.Э.¹ шекилли? Ҳаммаси анов Блаватская хонимдан бошланди. Бу ўзи жуда сероҳанжама бир нарса эди-да. А.Э. бир америкалик билан қилган суҳбатда сизни ҳам тилга олиб ўтган эди. Бир куни ҳали тонг ёришмасдан унинг ҳузурига борган экансиз ва онг масалаларида сўраб-суриштирган экансиз. Мейженнис сизни А.Э.нинг устидан кулмоқчи бўлган шекилли, деб ҳисоблайди. Жуда юксак маънавиятли одам, Мейженнис.

Мен ҳақимда гапирибди-да. Лекин у нима деган? Нима деган? Нима деган экан мен ҳақимда? Йўқ, буни сўраб ўтирмайман.

— Ташаккур, — деди профессор Макхю сигара қутисини ўзидан нари итариб. — Андак шошманг. Майлими, бир гапни айтсам. Мен эшитган нотиклик санъатининг энг юксак намунаси Жон Ф. Тэйлорнинг университет тарих жамиятининг мажлисидаги нутқи бўлган. Аввал ҳозирги апелляция судининг раиси судья Фитсгиббон гапирди. Улар ўша пайтлар учун янгилик бўлган бир масалани қўйишган, ирланд тилини тиклашни муҳокама қилишган эди.

У Майлс Кроуфордга ўгирилиб қаради-да, деди:

— Сиз ахир Жералд Фитсгиббонни биласиз-ку, ана унинг нутқининг қандайлигини тасаввур қилаверинг.

¹ А.Э. — шоир Жорж Расселнинг лақаби.

— Эшитишимча, у Тринити коллежининг идора кенгашида, — деб кўшимча қилди Ж.Ж. О'Моллой, Тим Хили билан бирга иш олиб боради.

— У кўкрагига ёқача тутилган ширин ёқимтой билан иш олиб боради, — деди Майлс Кроуфорд. — У ёғини айтинг. Нима экан у ёғи?

— Эътибор беринг, — давом этди профессор, — бу овозини қойилмақом созлаган тажрибакор нотиқнинг назокатли, тақабуропа нутқи эди, ундан янги ҳаракатга нисбатан қаҳр-ғазаб алангаси демасам ҳам, ҳар нечук мағрур бир нафрат ёғилиб турарди. У замонда бу ҳали янги ҳаракат эди. Биз ҳали заиф адик ва ишчунин, ҳеч нарсага ярамасдик.

У бир зум ўзининг узун ингичка лабларини юмди, лекин худди гапини давом эттириш иштиёқини билдиргандай, қўлини кенг қулоч ёзиб ойнагига олиб борди-да, унинг қора зиҳига қалтираб турган жимжилоғи билан бош бармоғини теккиздий, андак тўғрилаб қўйгандай бўлди.

БАДОҲАТАН

У бамайлихотирлик билан Ж.Ж. О'Моллойга қарата деди:

— Билиб қўйишингиз керакки, Тэйлор у ерга касал ҳолида тушакдан туриб борган. У ўз нутқига олдиндан ҳозирлик ҳам кўрмаган, чунки бутун залда биронта ҳам нутқ ёзиб олувчи кўринмас эди. Унинг қорача башараси ориклаган, соқоллари ҳар томонга патила бўлиб тўзиганди. Бўйнига оқ ипак рўмолча боғланган, ўзи ҳам бамисоли жон таслим қилаётган одамга ўхшарди (лекин аслида бундай эмасди).

Шу заҳоти унинг нигоҳи шошилмайгина аввал Ж.Ж. О'Моллойга, ундан кейин Стивенга тушди, кейин шу заҳоти худди бир нимани кидиргандай, ер чизди. Бошини қўйи эгганда, сийрак сочларининг чирки ўтирган, тозалаб ювилмаган ва қотирилмаган қўйлак ёқаси кўриниб қолди. Худди ўшандай, худди ҳамон нимадир кидирган алфозда, у деди:

— Фитсгиббон нутқини тугатгач, Жон Ф. Тэйлор жавоб учун сўз олди. Эсимда қолганларини қисқача айтиб берай.

У қатъият билан бошини кўтарди. Унинг кўзлари яна хотираларга фарқ бўлди. Ойнакнинг қалин шишаларида акли йўқ

шилликқуртчалар ташқарига чикиш учун у ёқдан-бу ёққа су-
зиб утарди.

У гапини бошлади:

— *Жаноб раис, хонимлар ва жаноблар! Ҳозиргина менинг олим дўстим Ирландия ёшларига қарата айтган сўзлардан мен ҳайрат-ифтихор туйғуларига тўлдим. Назаримда, бизнинг ўлкамиздан жуда узоқ ерларга, ҳозиргидан кўра жуда олис замонларга бориб қолгандай, гўё ўзимни қадимги Мисрда тургандай ва гўё ўша заминнинг бош руҳонийси навжувон Мусога қарата айтаётган сўзларни эшитаётгандай бўлдим.*

Унинг сомеълари кўлларида тутаётган сигаретлари, бутун диққатларини жам қилиб тек қотдилар. Сўз айтиларкан, сигаретларнинг тутунлари ҳавода ингичка пағаланиб таралиб борарди. *Майли меҳроблардан дудлар таралсин!* Ҳозир гал олижаноб сўзларга келади. Кўрамиз. Агар ўз кучимни ўзим синаб кўрсам-чи?

— *Назаримда Миср бош қоҳинининг овозида менга кибр ва нурур жаранглаётган бўлиб эшитиларди. Шунда мен унинг сўзларини тингладим ва шунда уларнинг маъносига етгандай сездим ўзимни.*

ЧЕРКОВ БУЗРУКЛАРИДАН

Менга шунда аён бўлдики, фақат яхшилик агарда у мутлақ яхшилик бўлса, ёмон бўлиши мумкин эди ёхуд умуман яхшилик бўлмаганда, унда у ёмон бўлмаслиги мумкин эди. Э, қуриб кетсин! Бу ахир авлиё Августиндан-ку!

— *Не боис сиз, яҳудийлар бизнинг маданиятимиз ва бизнинг динимиз ва бизнинг тилимизни қабул қилишни истамай сизлар? Сиз — кўчманчи чўпонлар қабиласи; биз — гоят қудратли халқмиз. Сизнинг шаҳарларингиз йўқ ва бойликларингиз ҳам йўқ; бизнинг шаҳарларимизда халқ чумолидай қайнайди, бизнинг ранг баранг турфа кемаларимиз анвойи мол товарлар ортиб дунёнинг исон қадами етган барча ерларига пайдар пай қатнайди. Сиз ибтидоий шароитдан эндигина чиқиб кел моқдасиз; биз эса адабиёт, илоҳиёт, неча минг йиллик тарих ҳамда давлатчиликка эгамиз.*

¹ Шекспирнинг «Цимбелли» асаридан. V саҳна.

НИЛ

Бола — эркак — ҳайкал¹.

Нил буйида чўрилар тиз чўкдилар, қамишдан ясалган бешик оқиб келди — кейин ўктам эр етилди, жангларда моҳир — кейин тошмуғуз, тош соқол, сангдиллик.

— Сизлар мажҳул, номаълум бир санамга топинасиз; бизнинг фусункор, сеҳрсоз ибодатгоҳларимизда Изидда ҳамда Озирис, Гор ҳамда Амон Ра истиқомат этурлар. Қуллик, хўрлик, қўрқинч — сизнинг қисматингиз; бизнинг толейимиз — момақалдироқ ва уммонлар. Исроил ожиз ва унинг фарзандлари оз; Миср — чек чегарасиз жангбардорлар ва унинг қуроли даҳшатли. Сизни дайди ва чоракор деб аташади; бизнинг номимизни эшитганда дунё титрайди.

Унинг сўзини сассиз оч кекирик бўлди. У овозини баландлатиб уни босди:

— Бироқ, хонимлар ва жаноблар, агарда навжувон Мусо бу сўзларга қулоқ тутиб, ҳаётга шу қарашни қабул қилганда, агар у бошини эгиб, иродасини эгиб, шу такаббур ўғит қаршисида руҳан таслим бўлганда, унда ҳеч қачон худо сийлаган қавмни қуллик уйдан олиб чиқмаган ва куппа-кундуз куни булут қуббаси ортидан эргашмаган бўларди. Ва ҳеч қачон Тур Сино чўққисиди Азал ҳоким билан чақмоқлар аро сўйлашмаган ва ундан илоҳий илҳом шуълаларига чулғаниб, юзи ял-ял яшнаб, дароз дастларида қувғиндилар тилида битилмиш тамал лавҳларини кўтариб олиб тушмасди.

У тўхтади ва чўккан сукунатдан роҳатланиб, ҳаммага бир-бир қаради.

МАШЪУМ АЛОМАТ — УНИНГ УЧУН

Ж.Ж. О'Моллой афсусланган кўйи деди:

— Шундай бўлса ҳам, у аҳду паймон этилмиш заминга қадам ранжида қилмай ўлди.

— Гарчи — узоқ давом этган касалликдан бўлса-да — лекин ўша дамда — кутилмаган — кўпинча — олдиндан — юракка — ваҳима — соладиган — ўлим, — деди бўлиб-бўлиб Ленехан. — Аммо унинг ортида буюк келажак ястаниб ётарди.

¹ Мусо калимуллоҳ қисматига ишора. Қамиш беланчакда ётиб, эр етиб, Микеланжело ҳайкалигача ўтилган йўл.

Ташқарида бир гала яланг оёқларнинг дўпир-дўпири ва пиллапоядан юқорига қараб кўтарилгани эшитилди.

— Манавини нутқ санъати дейдилар, — деб қўйди профессор ҳеч ким эътироз билдирмагач.

Шамол созуриб учуриб кетмиш. Моллахмаст¹ ҳамда қирол Торазида одамлар издиҳоми. Кета кетгунча осилмиш қулоқлар. Нотикнинг овози гулдирайди ва шамол сўзларни олиб қочади. Қавм унинг овози ичра ўзига макон топди. Ўлган товушлар. Қачон қаерда қандай бўлмасин рўй берган барча воқеаларнинг Акаша-хабари². Унга сизининг, уни кўкларга кўтаринг — лекин менга етар энди.

Менинг пулим бор.

— Жентльменлар, — сўз қотди Стивен. — Кун тартибининг навбатдаги масаласига таклиф киритиш учун менга ижозат беринглар: мажлисни бошқа ерга кўчиришни таклиф этаман.

— Сиз мени ҳайрон қилиб қўйдингиз. Умид қиламанки, бу французча қуруқ такаллуф эмасдир? — дея сўради мистер О'Мэдден Берк. — Зеро, фикри ожизимча, сизнинг қўхна равоқингизда, ифодали қилиб айтадиган бўлсак, май кўзаси ўзгача бир роҳат бағишлайдиган вақт.

— Оғзингизга новвот ва шу билан масала узил-кесил ҳал. Ким қўшилди-ким қўшилмади, насибаси узилди, — хитоб қилди Ленехан. — Қолганлар бўлсин дим. Таклифингизга тўла кўндим. Айни қай майхонага таклиф этадилар?.. Мен Мунига қўл кўтардим!

У тўдани ўз ортидан эргаштирди, йўл-йўлакай гап сўқиб борди:

— Биз ўтқир ичимликларга ружу қўйишдан бош тортамиз, тўғри-ми, биродарлар? Ундай-мундай. Бунга сира йўл қўйилмайди.

Мистер О'Мэдден Берк у билан орқам-орқа бораркан, шамсиясини маҳрамона ўқталди.

— Ур, Макдуф!

— Отасининг ўғли! — хитоб қилди муҳаррир Стивеннинг кифтига қоқиб. — Юрдик. Қани бу қуриб кетқур калитлар?

У чўнтагини кавлаб, ундан ғижимланган қоғоз чиқарди.

— Оқсим, эсимда. Ҳаммаси жойида. Бўлади. Қани бу? Ҳаммаси жойида.

У қоғозларни яна чўнтагига солди-да, кабинетига юрди.

¹ Моллахмастдаги издиҳом — О'Коннэл нутқини эшитгани йиғилган одамлар, у Мусо билан қиёсланмоқда.

² Акаша-хабар — илоҳиётда универсал медиум. Табиатнинг мангу хотираси жамланган китоб.

УМИД ҚИЛАМИЗ

Ж. Ж. О'Моллой унинг изидан бормоқчи бўла туриб, Стивенга оҳиста шипшиди:

— Ишқилиб, тирик бўлсангиз, кўрарсиз мақолангизнинг чик канини. Майлс, сизда андак ишим бор эди.

У эшикни орқасидан ёпиб ичкарига кириб кетди.

— Юринг, Стивен, — деб чақирди профессор. — Жуда антиқа бўлди, а, туғрими? Худди лайғамбарона башоратларга ўхшайди. Fuit Num¹. Жўшқин Троянинг талон-торожи². Бу дунёнинг салтанатлари³. Ўрта Ер денгизининг ўтмиш ҳукмонлари. Энди фаллоҳ бўлиб юришар.

Биринчи газета соғувчи бола товонларини тапирлатиб зиналардан тушаркан, улар ёнидан учиб ўтиб, бор овозини қўйиб қичқирди:

— Махсус саҳифа. Пойга!

Дублин. Мен ҳали жуда, жуда кўп нарсаларни ўрганишим керак.

Улар Эбби-стритдан чапга бурилишди.

— Менга ҳам башорат келди, — деди Стивен.

— Ростдан-а? — деди профессор, унинг оёғига мос қадам ташлашга уриниб. — Кроуфорд орқамиздан етиб олади.

Улар ёнидан яна бир бола бақирганча чопиб ўтди:

— Махсус саҳифа. Пойга!

МУДРОҚ, ТИНЧ ДУБЛИН

Дублинликлар.

— Бокиралик аҳдини қабул қилган икки дублинлик художўй қариқиз, — деб бошлади Стивен, — Фамболлинда бири элликка, иккинчиси эллик уч ёшга киришган экан.

— Бу каерда? — сўради профессор.

— Блэкпиттс яқинида.

Нўввойхонанинг оч зах хавоси. Девор ёнида. Арзон шол рўмол ўранган чехра йилтирайди. Туғёнкор юраклар. Акаша-хабарлар. Тезроқ кимирла, бўталоқ!

Олға. синаб кўр, таваккал қил. Ҳаёт бор бўлсин.

¹ Илион ўтди (лот.). Вергилийдан.

² Теннисоннинг «Улисс» шеърдан.

³ Юханно Илжилидан. 18, 36.

— Қариқизлар Дублин манзараларини Нелсон қуббасининг тепасига чиқиб томоша қилмоқчи бўлишибди. Улар почта яшигига ўхшаш қизил тунука қутичага уч шиллинг ун пенс иона пул йиғинган экан. Улар қупчани ағдариб силкиб-силкиб уч ва олти пенс чақаларни туширишади, тушмаганларини пичоқнинг учи билан туртиб туширишга уринишади. Икки шиллинг уч пенс кумуш танга, бир шиллинг етти пенс мис танга тушади. Улар шляпачаларию якшанбалик либосларини кийишиб, ҳар эҳтимолга қарши ёмғирбоп шамсияларини олиб кўчага чиқишади.

— Оқила қизлар, — деб қўйди профессор Макхью.

БЕЗАКСИЗ ҲАЁТ

— Улар Малборо-стритдаги Шимол Ошхоналарининг эгаси мисс Кейт Коллинздан тўрт бурда нон билан пиширилган тўш гўшти сотиб олишади. Кейин Нелсон қуббасининг тагида мева сотаётган қизчадан йиғирма тўрт дона пишган олхўри олишади, тўш гўшти ташна қилса, олхўри еймиз дейишади. Кейин қуббанинг дарбонига олти пенс танга тўлаб, инқиллаб-синқиллаб, томоқларини қириб йўталиб, бир-бирларини суюшиб, нафаслари бўғзиларига тиқилиб, қоронғироқ жойларда бир-бирларига суқилишиб айланма пиллапоядан юқорига кўтарила бошлашади, бир-бирларидан тўш сизда эди-а, деб сўраб ҳам қўйишади, дам-бадам раббимизга ҳамда Биби Марям бокираи муҳтарамга ҳамду сано ўқишади, ўқтин ўқтин орқага қайта қолсакмикин-а, деб сўрашади. Қубба шинақларидан ташқарига мўралашади. Уф-ф, уф-ф эй! Худога минг қатла шукур. Шунчалар баландлигини хаёлимизга ҳам келтирмаган эканмиз-а, эгачи.

Бирининг исми Энн Карис, иккинчисиники Флоренс Маккейб. Энн Кариснинг оёғида боди бор, лурд сувини суртиб туради, бу сувин у бир хонимдан олган, хонимга эса бир шиша сувни таниш руҳоний роҳиб берган. Флоренс Маккейб эса ҳар шанба кечки таомга чўчка туёғини қовуради ва бир шиша пиво ичади.

— Муқояса учун, — деб сўз қўйди профессор икки бора бошини лиқирлатиб. — Бокира қизлар. Улар шундай кўз ўнгимда турибди. Лекин нега бу дўстимиз ҳаяллаб қолди?

У орқасига ўгирилди.

Бир гала учқундек сачраган болалар зиналардан зинғиллашиб тушиб, газеталарнинг оппоқ қоғозларини шалдиратиб, бақира-чақира ҳар томонга чошиб тарқалишарди. Уларнинг орқа

сидан зинада Майлс Кроуфорд кўринди, шляпасининг чамбараги остида қизариб бўғриққан башараси кўзга ташланар, у Ж.Ж. О'Моллой билан чала қолган гапини гаплашиб келарди.

— Етиб олинглар, — деб кичкирди унга профессор ва қўлини силкиди.

Кейин у яна Стивен билан ёнма ён юриб борди.

— Ҳа-ха, — деди у, — мен уларни кўриб турибман.

БЛУМНИНГ ҚАЙТИШИ

Мистер Блум «Айриш католик» ва «Дублин пенни жорнэл» редакциялари олдида газета сотувчи болаларнинг тўполон издиҳоми ўртасида қолиб иссиқлаб хансираган, ўпкасини қўлтиқлаган ҳолда қичқирди:

— Мистер Кроуфорд! Шошманг!

— «Телеграф»! Махсус сон! Пойга!

— Қани, нима гап? — сўради Майлс Кроуфорд қадамини секинлатиб.

Газетачи боланинг шундоқ бурни остидаги қичқириғи Блумнинг қулоғини батанг қилди:

— Рэтмайнсда даҳшатли фожа! Бир бола темир исканжасида қолди!

МУҲАРРИР БИЛАН СУҲБАТ

— Яна ўша реклама ҳақида, — деб оғиз очди мистер Блум зиналарда турганиб харсиллаганча киссасидан газета қирқимини чиқараркан. — Мен ҳозиргина мистер Ключчи билан гаплашиб келяпман. У икки ойга буюртма бераман деди. Кейин яна ўйлаб кўраркан. Лекин у «Телеграф»нинг шанба сониди мақола чиқишини хоҳлаяпти. Одамларнинг диққатини тортмоқчи. Мен буни уста Наннеттига ҳам айтдим. У агар кеч қолмаган бўлсак, «Килкенни пипл»га ўхшатиб чиқарамиз деяпти. Мен бу газетани Миллий Кутубхонадан топаман. Тушунасизми, Калитлар уйи. Унинг исми шарифи Ключчи. Сўз ўйини. Аммо у аниқ реклама беради. Ваъда қилди. Лекин буни бироз шиширмоқчи. Унга нима деб айтай, мистер Кроуфорд?

К.О.Ў.Г.

— Унга айтинг, келиб орқамни ўпсин! — шарт гапни кесди Майлс Кроуфорд, буни ифодали бир ҳаракат билан тасдиқлаб. — Худди мана шундай деб айтинг.

Бироз асабийлашяпти. Эҳтиёткорроқ бўлиш керак. Ҳаммалари ичгани кетишяпти. Қўлни қўлга бериб. Ленеханнинг денгизчилар қалпоғи текинни кўрса ўзини томдан ташлайди. Ялтоқликни ҳам жойига қўяди. Қизиқ, ким уларни йўлдан урдийкин, ён Дедалусми? Бугун оёғига тузукроқ кийибди. Ундан олдинроқ кўрганымда бошмоғининг товони тешилиб ётган эди. Яна лойга ҳам ботибди. Парвойи палак йигитча. Айриштаунда нима қилиб юрган экан-а?

— Майли, — деди мистер Блум яна кўзини муҳаррирга тикиб. — Мен чизмасини топсам, назаримда кичкина бир мақолача берса бўлар. Менимча, у ўша эълонини беради. Мен унга айтаман...

К.О.И.О.Ў.

— Бемалол келиб менинг олийжаноб Ирланд орқамни ўпаверсин! — ҳаммага эшиттириб бақирди Майлс Кроуфорд. — Мушлақо хоҳлаган вақтида келаверсин. Унга худди мана шундай денг.

Шу тариқ мистер Блум аҳволни чўтлаб, ботинмайгина жилмайиб тураркан, муҳаррир одатдагидай қийтонглаган юришини қилиб нари жунади.

ҚАРЗ ҚИДИРИБ

— Nulla bona¹, Жек, — деди у қўлини иягига чузиб. — Ўзим ҳам бугўзимгача қарзга ботганман. Бошим қотган. Ҳаммаёқ ишқал. Ўтган ҳафта векселим хисобидан ким кафолатга пул бераркин, деб қидирдим. Имкониятим бўлганда жоним билан. Хафа бўлманг, Жек. Бирон жойдан топсам, сиздан ҳеч аямайман.

Ж.Ж. О'Моллой юзини аччиқ буриштирди-да, йўлида давом этди. Улар бошқаларга етиб олишиб, ёнма-ён бирга кетишди.

— Қариқизлар гўштни нон билан ейишиб, барча бармоқларини бирма-бир нон ўралган қоғозга ҳафсала билан артишиб, шундан сўнг очиқ панжара олдига чиқишибди.

— Сизга асқотадиган бир воқеа, — дея тушунтирди профессор Майлс Кроуфордга. — Иккита дублинлик қариқиз Нелсон қуббасининг тепасига чиқишибди.

¹ Ҳеч вако йўк (лот.).

АНА, СИЗГА ҚУББА! — ХИТОБ ҚИЛДИ ҚАРИҚИЗЛАРДАН БИРИ

— Бу янгилик, — маъқуллади Майлс Кроуфорд. — Бундан мақола чиқади. Даглда этикдўзлар байрамини томоша қилишган. Иккита қариб қуюлмаган, кейин нима бўлибди?

— Аммо улар мишора қулаб тушса, нима бўлади, деб қўрқишибди, — давом этди Стивен. — Улар томларни томоша қилиб, қайси черков қаерда деб, тортишиб қолишибди: ҳов, анови мовий гумбаз Рэтмайнсда, анов Одам Ато билан Момо Ҳаво, анови эса Авлиё Лаврентий. Уларнинг томоша қила туриб, бошлари айланиб қолибди ва этакларини анча-мунча баланд кўтаришиб қўйибди...

ҚАРИҚИЗЛАРНИНГ ТИЙИҚСИЗЛИГИ

— Сал пастга тушинг, — деди Майлс Кроуфорд. — Шоирона муболағалар ишлатманг. Биз бу ерда ҳазрат отанинг мулкида турибмиз.

— Шундан сўнг қариқизлар ўзларининг йўл-йўл иштонлари билан бир чеккага ўтиришиб, бошларини юқори кўтаришиб бир қўлли хотинбознинг калласига қарашибди¹.

— Бир қўлли хотинбоз! — хитоб қилди профессор. — Менга ёқди бу. Маъносини тушундим. Сиз нима демоқчи эканлигингизни кўриб-билиб турибман.

ҚАРИҚИЗЛАР ДУБЛИН ФУҚАРОЛАРИГА ТЕЗ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҲАБДОРИЛАР ҲАМДА УЧАР ЮЛДУЗЛАР ҲАДЯ ЭТИШАЁТГАНДАЙ

— Лекин сал ўтмай қариқизларнинг бўйни оғриб қолибди, — давом этди Стивен, — бунинг устига шунчалар чарчашибдики, на пастга, на юқорига қараша олмасмиш, на оғизларини очиша олармиш. Улар олхўри солинган қоғоз халтани ўртага қўйиб, бирма бир еб ўтиришибди, оғизлари четидан оқаётган ширани рўмолчалари билан дам-бадам артишибди, данакларини шошмасдан панжарадан пастга туфлаб туришибди.

¹ Лорд Нелсон ҳамда Эмма Ҳамилтон муносабатларига ишора.

Охири Стивен қаҳ қаҳ уриб кулиб юборди. Ленехан ва мистер О'Мэдден Берк кулги овозини эшитиб, орқаларига қарашди, кейин қўл силташиб, йулни Муни тарафга буринди.

— Шу холосми? — сўради Майлс Кроуфорд. — Бундан бешбаттарини қилмасларидан бурун тугата қолайлик.

СЎФИСТОЯ МАФРУР ЕЛЕНАНИНГ ТУМШУҒИГА УРИБ ЖИМ ҚИЛАДИ. СПАРТАДА ТИШЛАР ФИЖИРЛАШИ. БИЗНИНГ ПЕН МУСОБАҚА ҒОЛИБИ ДЕБ, ИТАКАДА ҚАСАМ ИЧИШАДИ

— Сиз Антисфенга ўхшар экансиз, — деди профессор, — у сўфистоя Горгийнинг шогирди эди. У кўпроқ бошқаларними ёки ўзини ёмолаганми, шуни ҳеч қачон билишолмаган деган гаплар юради. У аслзода билан чўри хотиннинг боласи эди. У бир китоб ёзиб, унда малика Еленадан энг гўзал унвонини тортиб олиб, уни шўринг қурғур Пенелопага тақдим этган.

Шўрлик Пенелопа.

Пенелопа Рич!

Хамроҳлар О'Коннелл-стритдан ўтиш учун ҳозирланинди.

АЛЛО, МАРКАЗИЙМИ!

Саккиз темир изнинг ҳаммасида турли нуқталарда Рэтмайнс, Рэтфарнэм, Блэкрок, Кингтаун ҳамда Долкидан, Сэндимаунт Грин, Рингсенд ҳамда Сэндимаунт Тауэр, Доннибрук, Палмерстон Парт ҳамда юқори Рэтмайнсдан етиб келган ёки кетадиган трамвайлар сим ёйлари қимир этмай туришарди. Ёлланган экипажлар, кабриолетлар, почта ва юк аравалари, хусусий кареталар, минерал сув ташийдиган, яшиқларда шишалари шақирлаган аравалар қалдираб ўтишар, кўпирган отлар уларни шитоб билан тортиб боришарди.

Қандай? Ва айнан қаерда?

— Сиз буни қандай номлайсиз? — қизиқсинди Майлс Кроуфорд. — Улар олхўриларни қаердан олишган экан?

¹ Пенелопа Рич — ўрта аср инглиз шоири Филлон Сидни маъшукаси.

ВЕРГИЛИЙДАН, ДЕЙДИ МУАЛЛИМ. ИККИНЧИ КУРС ТОЛИБИ ЭСА ОЛХЎРИЛАР МУСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ БОФИДАН ЭДИ, ДЕЙДИ

— Бундай десангиз... Ҳозир, бир дақиқа, — деди профес-
сор ўйчан ҳолда чўзиқ лабларини қийшайтириб. - Шошманг.
Шошманг. Мана бундай деймиз: *Deus nobis haec otia fecit*¹.

- Йўқ, — деди Стивен. — Мен буни *Фасги тоғидан Фалас*
тин манзаралари ёхуд олхўри ҳақида ҳикоят, деб атайман.

- Мен тушунаман, — деди профессор.

У хахолаб кулди.

- Тушунаман, — деди у ғоят мамнун бўлиб. — Мусо алай-
ҳиссалом ва Муқаддас ер. Унга бу фикрни биз бердик чоғи, —
деб қўшиб қўйди у Ж.Ж. О'Моллойга қараб.

АЖОЙИБ ИЮНЬ КУНИДА ҲОРАЦИО ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Ж. Ж. О'Моллой ҳайкалга кўз қирини ташлади, аммо офиз
очмади.

— Тушунаман, — деди профессор.

У сэр Жон Грей ҳайкали пойида бир зум тўхтаб, тепага Нелсон
га қиё боқди, унинг ажин босган дудоқлари қийшиқ жилмаярди.

ҲАЗИЛКАШ ҚАРИҚИЗЛАР КАЛТА ОЛАТЛАРГА ШЎҲЛИК БИЛАН БОҚИШАДИ. ЭНН ЎРГИЛАДИ, ФЛО АЙЛАНАДИ — ЛЕКИН УЛАРНИ АЙБ ҚИЛИБ БЎЛАРМИДИ?

— Бир қўлли хотинбоз, — деб такрорлади у тунд иршайиб. —
Менга бу анча маъқул бўлиб қолди.

— Қариқизларга ҳам маъқул келган, — деди Майлс Кроу-
форд, — Худованди карим бизга ҳамма нарсани билиш имко-
ниятини бергандайди.

¹ «Бу роҳатни бизга худо етказди» (лот. Вергилий. Қўшиқлар. Экло-
га 1,6).

8-ВОҚЕА*

Ананас обакилар, лимонли қантлар, қаймоқли попуқлар. Ширали ширингина қизча. Насроний Биродарлар¹нинг муаллимига ҳовуч-ҳовуч ширинликлар солиб беради. Аллақандай мактаб байрами бўлса керак. Турган-битгани болаларнинг қорнига зарар. Ширинлик ва шакар сепилган мевалар. Қирол аъло хазратларининг ходими етказиб беради. Қирол. Ўзинг. Сақла. Худо. Бизнинг қирол. Тахтада ўтиради. Қизил попуқ қантларни тагигача шимади.

Томоқни қитиклаб бўғувчи чучмал хидлар анқиган Грэм Лемон қандолатхонасида дарбон бўлиб ҳушёр турган ЁНБ²нинг қовоғи солиқ ёш хизматчиси мистер Блумнинг қўлига аллақандай қоғоз тутқази.

Дилдан дилга хабар етади.

Блум... Менми? Йўқ.

Булутдай дайдиған бул ўғил... Қўзичоқнинг тўкилмиш қони...

У шошилмай дарё томонга қоғозни ўқиганча юриб борарди. Сен халос топдингми? Барча қўзичоқ қони билан покланди. Худо қонли қурбонликни хоҳлайди. Таваллуд. Бокиралик. Риёзат. Уруш. Бинонинг тамал тоши. Қурбонлик қилиш. Буйрақларнинг меҳроблари. Илёс қадам ранжида қилур. Сион эҳромини тикловчи доктор Жон Александр Дауи³ қадам ранжида қилур.

* Хомернинг «Одиссея»си бўйича саккизинчи фасл дostonнинг ўнинчи қўшиғига тўғри келади. Мажозий номи «Лестригонлар». Шамоллар худоси Эолнинг оролини тарк этиб, Одиссей одамхўр лестригонларга дуч келади. Одамхўрлик мавзуси бу фаслда бир неча бора тилга олинади. Блумнинг егулик таом ҳақидаги фикр тизмалари. Жойс ўзининг бу китобини замонавий «Одиссея» деб айтган эди. Воқеа кундузи соат бирда ковок хонада бўлиб ўтади.

¹ Камбағал оидаларнинг болаларини тарбиясига ўзини бағишлаган насроний биродарлар.

² ЁНБ — Ёш Насронийлар Бирлашмаси.

³ 1901 йилда Чикаго яқинида Сион шаҳарчасини қурган насронийлик намояндаси.

Келур! Келур!! Келур!!!

Чин дилдан таклиф этамиз.

Серфойда машғулот. Ўтган йил Терри билан Александр¹. Кўпхотинлилик. Унинг хотини дарров бунинг олдини олади. Анали рекламани қаерда кўрган эдим, аллақандай Бирмингем фирмаси хочга тортилган зотнинг ёғдуси. Бизнинг халоскоримиз. Кечаси қоронғида уйғониб кетасану уни деворда осилган ҳолда кўрасан. Пеппернинг шарпаси² ҳам ўша фикрнинг ўзи. Ва бизни бутунлай гуноҳлардан озод қилди.

Буни фосфор билан қилишса эҳтимол. Агар бир бўлак треска балиғини очиқ ҳавода қолдирсанг, мисол учун. Кўкимтир нур таратганини ўзим кўрганман. Анов кун кечаси қазноққа тушганда. Бадбуй, ҳамма ҳидлар у ерда йиғилиб қолган, эшикни очар очмас димоғингта уради. Унинг кўнгли нимани тусаган эди ўшада? Малага майизи. Испания ҳеч хаёлидан кўтарилмасди. Руди туғилмасдан илгари. Шундай фосфорланиш, мовий-кўкимтир. Мияга жуда фойдали. Ҳайкал ёнидаги Батлер уйининг муюлишидан у Бейчлорз-уок ёкқа кўз ташлади. Дедалнинг қизи ҳамон ўша ерда, Диллон аукционлари ёнида. Қандайдир эски мебелларни сотишяпти. Қизни кўзидан дарров танидим, худди отасининг ўзи. Тентиб юрибди, уни кутяпти. Доим она ўлгач, уйдан путур кетади. Унинг ўн бешта боласи бор. Туғишни бир йил ҳам қанда қилмаган. Уларнинг эътиқоди шунақа, аксинча кашини шўрлик хотинни гуноҳлар юкидан озод этмайди тавба пайтида. Туғинг ва кўпайинг. Бошқа бирон ерда шундай гапни эшитганмисиз? Ҳаммасини шипириб еб битиришади. Уларнинг ўзлари оилани боқмайдилар-да. Фаниматлардан қоринлари тўк. Уларнинг қазноқ ва оморлари. Уларни Йом Кипур³ да рўза тутишга мажбур қилиб кўринг-чи. Муборак Жума патирлари. Кун бўйи фақат нонушта ва тушлик, бўлмаса хатарли, меҳробга қулаб тушиши ҳам ҳеч гапмас. Бундай жанобларнинг уйда оксочлари бор, ундан қани бир нарсани ундириб кўр-чи. Ўла қолса, ундирилмайсан. Кашиндан пул чиқмайди. Ялло қилиб яшайди. Меҳмон кутмайди. Ўздан бошқани ўйламайди. Пешобини кузатиб юради. Нон ва ёғингизни ўзингиз келтиринг. Ҳазрат: мўмин-қобил, худди унга мос сўз.

¹ Америкалик қайта қуриш диний тарғиботчилари.

² Цирк ўйинларида фосфорли бирикмаларни ишлатиб, «шарпалар» ҳосил қилиш.

³ Йом Кипур — яҳудийлар рўзаси.

Худонинг меҳрибонлиги, шўрлик аёлнинг уст-боши турган-битгани увода. Қилтириқ бўлиб қолган. Маргарин билан картошка, картошка билан маргарин. Кейин билинади. Мевасидан маълум. Саломатлигидан путур кетади.

У О'Коннел кўпригига етганда, панжара устидан қуюқ тун кўтарилиб тарқалди. Пиво пиширувчи корхонанинг қора пиво ортган баржаси утяпди. Англияга олиб кетишяпти. Денгиз ҳавосида пиво ачиб қолади деб эшитгандим. Хэнкок орқали бир куни рухсат олиб пиво корхонасини бориб кўрсам, қизиқ буларди. Бошқача бир дунё бўлса керак. Ҳаммаёқда портер (қора пиво) солинган бочкалар, алламбало. Аммо каламушлар бунда ҳам тинч қўйишмайди. Роса ичиб, итдай шишиб кетиб, пиво бетида сузиб юришади.

Қайт қилишади, ярамаслар. Тасаввур қилинг, шуни ичишади! Бочкада каламушлар. Албатта, биз ҳамма нарсаши билаверсайдик.

У пастга қараб, соҳил ёқасининг гунгурт деворлари ёнида қанотларини патирлатиб чағалайлар учиб юрганини кўрди. Денгиз жуда салқин. Агар мен пастга ўзимни ташласам-чи? Ж. Рувимнинг ўғли бу ювиндиларни бўғзигача тўйиб ютгандир? Бир шиллинг у саккиз пенс ортиғи билан тўлаган. Ҳе-ҳе. Унинг ғалати одати бор экан, ўзидан ўзи ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ гап қўшиб туравераркан. Яна қизиқ қилиб айтади.

Чағалайлар айланиб қуйи шўнғишарди. Емак излашарди. Қани-чи.

У қушлар тўдасига думалоқланган қоғоз бўлагини итқитди. Илс келур, тезлик сонияда ўттиз икки фут. Булар алданмайди. Қушлар қайрилиб ҳам қарамаган қоғоз бўлаги пиликлаётган сув мавжларига тушиб, кўприк таянчлари тагига кириб кетди. Қушлар аҳмоқ эмас. Анов куни «Қирол Эрин» кемасидан қотган нон бўлагини ташлаганимда эллик қулоч наридан келиб чўқиб кетишган эди. Билади бу қушлар. Қанотларини тап-тап уриб айланишган эди.

Маъюс ориқ чағалай,
Қайга учар чағиллай?

Шоирлар шундай ёзишади, бир хил товушларни ўйнатишади. Шундайку-я, лекин Шекспирда қофия йўқ — оқ шеър. Бу тил оқими. Хаёллар. Тантанавор.

Отангинг арвоҳиман мен
Бир муддатга кечалар дайдиб юришга
Кундуэлари дўзахда куймоққа бандман¹.

— Олма олинг, олмалар, иккитаси бир пенни. Иккитасига бир пенни!

Унинг нигоҳи кампирчанинг саватига зич терилган ялтироқ олмаларга тушди. Шундай фаслда улар Австралиядан келтирилган бўлса керак. Ялтираб турибди. Латта-путта билан яхшилаб артган.

Шошма. Э, шўрлик қушлар-а.

У яна тўхтади, олма сотувчи кампирдан бир пеннига иккита ширин кулча олди-да, бурдалаб Лиффи тўлқинларига отди. Кўрдингизми? Иккита чағалай олдин шовқин-суронсиз учиб келишди, кейин бутун тўда шувиллаб ўқдек пастга шўнғиб, ўлжага ёпишди. Тамом. Битта қўймай чўқиб кетишди. Қушларнинг ютоқ очлигини ўз жонида туйганча, у бармоқларига ёпишган ушоқларни сувга қоқди. Қушлар буни кутишмаганди, осмондан ёрилган чалпак. Емишлари фақат балиқ. Уларнинг гўшtidан балиқ ҳиди келади, ҳаммаси чағалайлару гагаралар. Баъзан оққушлар Анна Лиффидан ўйнагани учиб келишади. Ҳар кимнинг дидифаросати ўзгача. Қизик, оққуш гўшти нимага ўхшайди? Робинзон Крузо уларни еб кўрган.

Қушлар қанотларини салқи ташлаб айланишарди. Йўқ, бошқа ташламайман. Бир пенни сарфладим, етар. Бир олам ташақур олдим. Чағ-чағ қилиб сайраб берса ҳам майлиди. Айтгандек, улар оқсим тарқатишлари мумкин. Мисол учун ғулғул товукни каштан ёнғоғи билан боқса, гўштининг мазаси ҳам каштанга (шаблуд) ўхшаб қолади. Чўчқага ўхшаб. Нега унда шўр сувда яшайдиган балиқларнинг мазаси шўр эмас? Қандай қилиб?

Унинг кўзлари жавоб излаб дарёга боқди, кичикроқ юк кемаси лангар ташлаб турар, унинг рекламалар ёпиштириб ташланган биқинлари куюқ мой ёйилган тўлқинларда оҳиста чайқаларди.

Ж. Кайноу
11 шиллинг
Шимлар

¹ Шекспир. Ҳамлет. Бешинчи сахна. (Мақсуд Шайхзода тарж.).

Ёмон фикр эмас. Қизик, бунинг учун шаҳарга пул тулармикин? Умуман сувга эгалик қандай? Сув ҳеч қачон кечагидай эмас, мангу оқади, оқимлар яратади, ҳаёт оқимида бизнинг нигоҳимизни излайди. Нега деганда, ҳаёт ҳам оқим. Реклама учун ҳар қандай жой ярайди. Бир пайт барча ҳожатхоналарга ёпиштириб ташланган варақларда бир қаллоб сўзакни даволайман, деб ёзганди. Ҳозир учрамайди, йўқ бўлди. Касаллик сири тўла сақланади. Д-р Гай Фрэнкс. Эълонига пул сарфлаб утирмаган, худди рақс ўргатувчи Мажиннига ўхшаб ўзини ўзи реклама қилади. Ёпиштириб чиқадиган одамларни топган ёхуд ўзи ҳожатга кирганда ёпиштириб чиққан. Тунги қароқчи. Яна жуда боп жойни топган. Эълонлар ёпиштириш ман этилади. Талонлар қапиштириш тан этилади. Сўзақдан қутулган бир тентак ёзган бўлса керак.

Балки мен ҳам?..

Ох!

Мабодо?

Йўқ... Йўқ.

Э, йўқ. Ишонмайман. У ҳеч қачон бундай...

Йўқ, йўқ.

Мистер Блум дарёдан хавотирнок кўзини узиб олдинга юриб кетди. Буни ўйламаслик керак. Соат бирдан ошибди. Порт бошқармасидаги соатнинг юмалоқ қапгири пастга тушибди. Дансинк вақти. Бу сэр Роберт Боллнинг¹ жуда яхши китоби, одамни қизиктириб қўяди. Параллакс². Ҳеч буни яхши тушуниб етмаганман. Мана кашишнинг ўзи ҳам кўриниб қолди. Буни ундан сўраш мумкин. Пар бу юнонча: параллел, параллакс. Топган гапни қара. Мен хотинимга кўчиш ҳақида тушунтираётганимда менга шундай деди. «Оҳанжама!» — деб кулиб, шу пайт порт бошқармасининг икки деразасига қаради. Тўғриси айтганда, у ҳақ. Одми, жўн нарсаларга аломат номлар қўйишади. Чиройли чиқсин деб. Хотинимнинг заковати ўткир деб бўлмайди. Ҳатто беандиша бўлиб кетади. Менинг ичимдагини билиб туради. Лекин барибир ишончим комил эмас. Мисол учун, у Бен Долларднинг овозини бас-баритон эмас, бас-бўритон, дейди. Нега десангиз, қўшиқ айтаётганда товушларнинг ярмини ичига ютиб юборади, бир сўзини тушунмайсиз. Қизик гап, тўғ-

¹ Кирил мунажжими.

² *Параллакс* — фазода ёриткичларнинг силжиши.

рими? Илгари уни Катта Бэн деб чақирган. Лекин бу бас-бўрма-тон дегандай қизик эмас, солиштириб ҳам бўлмайди. Альбатрос каби суллоҳ. Бутун биқин гўштини бир ўзи паққос туширди. Ичинга ҳам суяги йўқ, нокас бадмастдай ичади: пас-бадмаст. Бас-падмаст. Мана, яна келишяпти. Оқар сув ариғи ёқалаб унинг қаршисидан оқ кийимлар кийган, ҳар бирининг кўксига ўртаси тўқ қизил йўл қилиб бўялган реклама лавҳаси осилган бир гала одам оҳиста юриб келарди. Ким ошди савдо. Эрталаб учраган анов кашинга ўхшайди: биз гуноҳкорлармиз, биз азоб чекканмиз. Уларнинг баланд оқ шляпаларига туширилган бешта қип қизил харфни ўқиди: H.E.L.Y.S. Уиздом Хили. «У» сал орқароқда қолиб, лавҳаси тагидан бир бўлак нон чиқарди-да, оғзига солиб, йўл-йўлакай чайнай бошлади. Бизнинг асосий овқатимиз. Кунига уч танга, кейин мана шу мағзава ариқлар бўйлаб кўчама кўча кун бўйи сакиллайверасан. Бир бурда нон билан шўрвашилтага кифоя қилади, уйда очликдан сулайиб ётмайсан, ҳар қалай. Улар Бойлнинг одамлари эмас — йўқ, улар Макглэйднинг одамлари. Лекин савдо-сотикни бу билан жонлангириб, қизитиб бўлмайди. Мен унга реклама аравасини ясатишни таклиф этдим: ойнаванд баланд арава, унинг ичида иккита зебо қиз ўтириб, хат ёзишадн, атрофларида ранг-баранг дафтарлар, хатжилдлар, босма қоғозлар. Мана бу одамларнинг эътиборини тортмаса, мен кафил. Зебо қизлар жуда қизик бир нима ёзишяпти — бу ҳамманинг кўзига ташланиб туради. Ўтган ҳам, кетган ҳам қизикади: улар нимани ёзишаётган экан-а? Бир жойда қокқан қозикдек бўлиб битта нуқтага тикилиб турсанг — дарров атрофинга йигирмата одам тўпланади. Биз ҳам курук қолмайлик, дейишадн. Хотин-халажни-ку аста қўяверишг. Нимайкан, деб қизиқишадн. Туз устунн. Ҳа, эгаси қабул қилмади, сабаби бу ўзининг хаёлига биринчи бўлиб келмагани. Ё бўлмаса, яна бир нарсани таклиф қилдим: доғга ўхшаган целлулоид парчаси ёпиштирилган сиёҳдон. Йўқ, бўлмайди. Унинг реклама ҳақидаги фикрлари эса Слива паштетига берилган эълондан нарига ўтмайди. Униям таъзиялар тагида, хом гўштлар қаторида беради. Ялаб кўришингизнинг ҳожати йўқ. Нима? Бизнинг хатжилдларимиз. Ҳалло! Жонс, сизни бирпасга мумкинми? Иложим йўқ, узр, Робинсон, сиёҳни тез ва яхши ўчирадиган ажойиб «Канселл» ўчирғичини сотиб олгани кетяпман, Уни Хили ва Ко сотяпти, Дэйм-стрит, 85. Худоба шукур, бу тубсиз ўпқондан қутулдим. Ҳисобварағи бўйича

монастирлардан пул ундириш ўлимдан кийин. Трагиквилл монастири. У ерда хушмуомала роҳиба бор эди, чехраси ниҳоятда зебо. Қаллоқчаси лўлпигиша бошига жуда ярашган. Ҳамшира? Ҳамшира? Ишончим комил, у бахтсиз бир муҳаббатни бошидан кечирган, кўзлари айтиб туради. Шундай аёл билан иш-пиш ҳақида гаплашиш ёмон ноқулай. Ўша куни эрталаб унинг ибодатига халал бердим. Лекин ташқи дунёнинг одами билан гаплашишдан мамнун эди. Бугун бизда улуг кун, деди у. Кармел биби Марям байрами. Бу ҳам хуштатим ном: Карамел дегандай. У мен нима ни ўйлаётганимни билиб турарди, бу қиёфасидан маълум эди. Агар турмуш қурганда, у бошқача бўлиб, ўзгариб кетарди. Чама-си, уларни йўқчилик ростдан ҳам, жуда қийнаганга ўхшайди. Лекин шунга қарамасдан, овқатни энг яхши ёғ ишлатиб тайёрлашади. Хинзир ёғини яқин йўлатишмайди. Хаддан ташқари ёғлик таом есам, дарров мазам қочади. Улар ботиван ва зоҳиран масҳ тортишни яхши кўришади. Молли хинзир ёғини татиб кўрган эди. Кейин чехрасидан тўр пардасини кўтарди. Ҳамшира? Пэт Клэффи, судхўрнинг қизи. Тиканли симни аллақайси бир роҳиба ўйлаб топган дейишади.

У Уэстморленд-стритни кесиб ўтди, ёнгинасидан тутуқли «S» ҳорғин судралиб кечди. «Ровер» велосипедлари савдоси. Пойга бугун. Ўшандан буён неча йиллар ўтди? Ўша йили Фил Гиллиган ўлган эди. Биз Ломбард-стритда яшардик. Мен эса, тўхта-чи, мен Томнинг олдида эдим. Уйланган йилим Хилига ишга кирганман. Олти йил ишладим. Ўн йил бурун: у тўксон тўртинчида ўлди, ҳа, тўғри, Арнотнинг уйида катта ёнғин чиққан эди. Ўшанда Вэл Диллон лорд-мэр эди. Глэнкрида зиёфат бўлди. Маслаҳатчи Роберт О'Рейли эса ҳали ҳеч ким овқатга қўл урмасдан ўз олдидаги суяк ошга портвейн солган эди. Қани, ич, ичавер, Боббоббоб ичингда ўтирган маслаҳатчининг соғлиги учун хўп-хўп хўплаб ичавер. Оркестрнинг ҳам музика чалган овози эшитилмай қолди. Етказган барча нефматларингга шукур қиламиз. Милли унда гудак эди. Молли эса қурбақа гулли кулранг кўйлагини кийган эди. Матоси англизча, тугмаларини ўзи сиртиб тортган. Мен ўшанда йиқилиб оёғимнинг мушаклари чўзилиб оғригани учун Молли бу кўйлагини ёқтирмасди. Гуё бунга биринчи кийган кўйлаги айб дордай. Шугорлоф тоғидаги сайрда у ўз хори билан чиққан эди. Мўйсафид Гудвиннинг шляпасига қандайдир шилимшиқ нарса ёпиштириб қўйишган эди. Пашшаларга ҳам сайр. Кейин Молли

бундай кўйлақларни сира эгнига илмади. Ўша кўйлақ худди тор қулқопдай ҳаммаёқдан ҳаммаёғини сиртиб кўрсатиб турганди. Ўша чоғлар эндигина тўлишиб келаётган эди. Қуён гўшти солинган таом егандик. Ҳамманинг кўзи фақат унда эди.

Бахтли кунлар. Ҳозиргидан кўра бахтлироқ эди. Қизил қоғоз ёпиштирилган шинам хона. Бу қоғозни Докрелдан олган эдик, бир ўрама бир шиллингу тўққиз пенс. Кечки пайтлар Миллини чўмилтирардик. Ўшанда америка совуни сотиб олган эдим: маржон совун. Қизча тушган тосдаги сув жуда хушбўй хид таратарди. У ҳаммаёғи кўпик жуда қулгили кўринарди. Хушбичим. Суратини олиб кўйганмиз. Шўрлик отамнинг суратхонаси бўларди. Қизиқишларим отамдан мерос қолган менга.

У йўлка четидан юриб борарди.

Ҳаёт оқими. Анов қашишга ўхшаган ва ўтиб кета туриб доим деразамизга олазарақ қарайдиган йигитчанинг исми нима эди, а? Кўзи ожиз, аёл. Сент-Кевин-пэрэйд томонда Цитроннинг уйида ижарада турарди. Пен, пенга ўхшаган. Пенденнис¹ми? Эсим кетибди. Пен? Рост, кўп йиллар ўтди орадан. Афтидан, трамвайнинг шовқини таъсир қилган. Ҳар кун кўриб юрадиган кундузги иш оқсоқолининг помини эслолмагандан кейин қолганига нима дейсиз.

Тенор қўшиқчининг номи Бартел д'Арси² эди, у эндигина қўшиқ айта бошлаган эди. Моллини машғулотлардан сўнг уйга кузатиб келарди. Мўйловлари қотириб тарошланган калонди-моғ кимса эди. Моллига «Жануб шамоллари» деган қўшиқни берганди.

Мен Моллини олиб келиш учун борганимда, ўша кеча шамол кутурган эди. Гудвиннинг ратушадаги концертидан кейин лотерея чипталари ҳақида ложанинг йиғилиши бўлаётган эди, банкет залидаими ёки болут залида, эсимда йўқ. У киргач, кетидан мен кирдим. Моллининг қўлимдаги ноталарини шамол учуриб кетди. Лицей панжарасига урилиб ёпишиб қолди. Яхшиямки. Бўлмаса, тоза Моллининг таъби тирриқ бўларди. Кечадан олган таасуротларига путур етарди бундан. Олдинда профессор Гудвин Молли билан қўлтиқлашиб борди. Қари майхўрнинг оёқлари қал-

¹ Бу ерда Блум Пенроуз деган кимсанинг исмини эшлашга уриняпти. Шунга боғлиқ ҳолда унинг онгида Теккерейнинг «Пенденнис» (1850) романининг номи қалқиб чиқди.

² Бартел д'Арси Жойснинг «Ўликлар» ҳикоясининг персонажи.

тирайди. Унинг хайрлашув концертлари. Саҳнага катъиян охир-ги бора чиқиши. Бу эҳтимол бир ойгадир ёхуд то абад. Эсимда, Молли баланд ёқасига ўранганча шамолда қаҳ-қаҳ отиб куларди. Ёдингдами, Харкорт роуд муюлишида қаттиқ шамол тургани. Ўҳ! Фр-р! Фу! Моллининг бутун этакларини кўтариб ташлади, бўйнидаги шарф рўмолини учуриб кетди, у Гудвиннинг бўйнига ўралиб қолди, сал бўлмаса чол бўғилиб ўларди. Молли шамолда қизариб-бўртиб кетди. Эсингдами, уйга қандай етиб келганимиз.

Биз манқалдаги чўғларни аланга олдирдик, кейин унга қўйнинг биқин гўштини нордон қайлага қўшиб ковуриб бердик. Бундай қайлани у яхши кўради. Совуқ ромни ўтда илитдик. Мен манқалдон олдида Моллининг ётоқда оқ либосларини ечаётганини кўриб турдим.

Оқ корсетнинг боғичлари бўшалиб, майин шувиллаб тўшак устига тўкилди. Корсетда доим унинг баданининг ҳарорати сақланиб қоларди. Молли корсетини ечиб ташлаб ҳамини енгил тортарди. Кейин тўшакда то иккигачайин ўтириб сочларини турмаклардан бўшатарди. Милли эса ўз тўшакчасида мазза қилиб мириқиб ухлаб ётарди. Бахтиёр дамлар. Бахтли дамлар. Ўша кеча...

— О, мистер Блум, яхшимисиз?

— О, ўзингиз тузукмисиз, миссис Брин?

— Шикоятдан нима фойда? Молли яхши юрибдими? Уни кўрмаганимга бир аср бўлди.

— Аъло, — қувноқ жавоб берди мистер Блум. — Биласизми, Милли қизимиз Моллингарига жойлашди.

— Вой, қизи тушмагур! Бу унинг учун катта гап-ку, а?

— Шундай, бир сураткашга шогирд тушган. Ҳамма ишлари жойида. Ўзингизнинг жужуқларингиз қандай?

— Иштаҳалари карнай, — жавоб берди миссис Брин.

Унинг болалари нечта эди? Бошқа кўпайишмайди шекилли.

— Қора кийиб олибсиз. Мабодо ким...

— Йўқ йўқ, — деди мистер Блум. — Мен таъзиядан келяпман.

Энди кун бўйи шундай бўлади, сезиб турибман. Кимингиз ўлди, қачон, нима қилди? Қочиб қутулиш қийин.

— Бахтсизлик қурсин, — деди миссис Брин. — Ишқилиб яқинларингиздан биронтаси эмасми?

Асти шундай бўлса майли, унинг раҳмини келтираемиз.

— Дигнам, — деди мистер Блум. — Эски дўстларимдан. Бечора, тез ўсал бўлди. Юрак хуружи. Бугун эрталаб кўмилди.

Сени кўмиш эргага
Арпазордасан бугун
Трампам тамтам
Трамлам...

— Қадим дўстлардан айрилган ёмон, — аёлларга хос маънос ҳаёл ичида деди миссис Бирн.

Бас энди, бундан ортиғи ортиқча. Яхшиси, осонгина эриниңг аҳволини сўраймиз.

— Хўжангиз ва бардорингиз яхши юрибдиларми?

Миссис Бирн катта-катта кўзларини кўкка қаратди. Ҳар қалай бунақа нарсалар унда ҳали сақланиб қолибди.

— Ох, худо ҳақи, қўйинг! — деди у. — Ундан ҳаттоки бўлма илон ҳам тирақайлаб қочади. Ҳозир у ҳов анов ерда Кодексларини титиб ўтирибди, диффамацияга¹ қарши қонун излаяпти. Азобингизни беради. Шошманг-чи, мен сизга кўрсатай.

Гаррисоннинг кафесидан бузоқ гўшти солинган суюқ ош буғларини, янги пиширилган цирин кулчатоёлар, турли пудингларнинг хиди тараларди. Қиём пайти бўлиб қолибди. Уткир ҳидлар мистер Блумнинг иштаҳасини қитиқлади. Яхши пишириқ учун тоза ёғ, аъло навли ун, Демерардан келтирилган шакар керак, қайноқ чой билан ичаётганда мазаси оғзингда қолади. Ёки бу ҳидлар манави хотиндан келяптими? Панжара олдида бир яланг оёқ бола турар, бурни билан овқат ҳидларини шимиради. Ичини таталаётган очликни босишга уриняпти. Маза қияптими ё қийналяптими? Тушлик бир пенни туради. Санчқи билан пичоқ столга занжирча билан маҳкамлаб қўйилган.

Хоним сийқаланган сахтиён сумкасини очмоқчи. Шляпасига узун тўғноғич қадалган. Бунақа нарсалардан эҳтиёт бўлиш керак: трамвайга чиққанда бировнинг кўзига кириб кетиши мумкин. Кавлаштиряпти. Ҳаммаси очик-сочик. Пуллар. Хоҳласанг — олавер. Бир тийинни йўқотиб қўйишса, ақлдан озгудек бўлишади. Жанжал-тўполон чиқади. Эри жиғибийрон. Сенга душанба куни ун шиллинг берган эдим, қани уша? Нима, ҳамма жиянчаларингни боқяпсанми? Рўмолчаси кир, дори солинган шиша. Қандайдир ҳаб дори ерга тушди. Нима қияпти ўзи бу хотин?

¹ Диффамация шахсни бадном қилувчи маълумотларни матбуотда чиқариш.

— Ҳозир янги ой чиққандир, — деди хоним. — Бунака пайтда доим аҳволи чатоқ бўлади. Биласизми, бугун кечаси у нима қилди?

Унинг қўли сумкани кавлашдан тўхтади. Ташвишли каттайган, лекин кулиб турган кўзлари Блумга синовчан тикилди.

— Қани, айтинг-чи? — ўсмоқчиланди мистер Блум.

Майли гапирсин. Кўзига тик қара. Яъни: Сенга ишонаман. Менга бемалол айтавер.

— Мени кечаси уйғотди, — деди хоним. — Қўрқинчли туш кўрибди.

Еган овқати ҳазм бўлмаган.

— Зинадан қарға туз кўтарилиб келаётганмиш.

— Қарға туз! — ҳайратланди мистер Блум.

Хоним сумкасидан икки букланган қоғоз чиқарди.

— Мана, ўқиб кўринг, — деди хоним. — Бугун эрталаб почтадан олди.

— Нима экан бу? — сўради мистер Блум қоғозни айлантриб қараркан. — К.к.?

— К.к. ку-ку, — деди хоним. — Аллаким уни ақлдан озиб қолибсан деб, масхара қиляпти. Бу уят ва шармандалик, ким қилган бўлса ҳам.

— Албатта, — деди мистер Блум.

Хоним хўрсиниб унинг қўлидан почта қоғозини олди.

— У ҳозир мистер Ментоннинг идорасига кетди. Ун минг фунт жарима тўлатмоқчи.

Хоним қоғозни яна буклаб, уни эски сумкасига солиб, шикирлатиб ёпиб қўйди.

Икки йил бурунги мовий шевиот костюм, фақат матоси уникқан. Энг яхши кунлари ортда қолган. Сочлари қулоқларига сочилиб ёйилган. Манави ўнқовсиз шляпасини айтмай-сизми, сал бўлса-да чиройлироқ қилиш учун учта эски узум шингили қадаб қўйилган. Қашшоқ безак. Ваҳоланки, авваллари фаросат билан бежирим кийинарди. Лаблари четига ажинлар тушган. Моллидан бор-йўғи бир ёш ёки шунга яқин катта.

Аммо анов ўткинчи аёл унга қандай қараб қўйганини кўр. Бераҳм. Фаразгўй жинс.

У ҳафсаласи пир бўлганини яширишга уриниб хонимга қараб турарди. Бузоқ гўшти ва қуйруғи, масалликлар солинган таъ-

ми ўткир шўрва. Очиққанга ўхшайман. Хонимнинг костюми ёқаларида майда ушоқлар, оғзида шакарнинг излари қолган. Равоч ва бошқа турли мевалар қўшиб пиширилган пирог. Наҳот ўша Жози Пауэлл шу бўлса? Люк Дойлда, қачонлар эди. Долфинс-барн, топишмоқлар к.к.: ку-ку.

Мавзуни ўзгартирайлик.

— Сиз Бюфой хонимни кўриб турасизми? — сўради мистер Блум.

— Майна Пюрфойними? — қайта сўради хоним.

Хаёлим Филипп Бюфойга кетибди. Театр арбоблари клуби. Мэтчен ўша зўр зарбасини эслаб туради. Мен сувни туширганмидим? Ҳа.

Охирги парда.

— Ҳа.

— Ҳозир кела туриб йўл-йўлакай кириб ўтдим, кўзи ёриганини билмокчи эдим. У Ҳоллс-стритдаги туғуруқхонада ётибди. У ерга доктор Ҳорн жойлаштирди. Уч кундан бери тўлғоқ тутади.

— О! — деди мистер Блум. — Унга жуда раҳмим келади.

— Шунақа, — деб давом этди Брин хоним. — Усиз ҳам уйи тўла чурвақа. Бунисини жуда қийналиб туғяпти. Менга ҳамшира айтди.

— О! — деди мистер Блум.

Хонимнинг сўзлари унинг ачиниш тўла нигоҳида акс этди. Тили афсус чеккандай чиқиллади. Чик! Чик!

— Унга шунчалар ачинаман, — такрорлади у. — Шўрлик хотин! Уч кун-а! Бунга қандай чидаш мумкин.

Брин хоним маъқуллаб бош қимирлатди.

— Тўлғоғи сешанба куни бошланган...

Мистер Блум унинг кифтига енгил қўл текизди:

— Пича четланинг! Манави одам ўтиб кетсин.

Дарё томондан яқинлашаётган қотма одам катта-катта қадам ташлаб йўлкадан келар, қотиб қолган нигоҳи билан дағал чизимчали дурбинидан куёш доирасига тикиларди. Кичкина қалпоқчаси бош чаноғида таранг сиртилиб турарди. Буклоғлик плашчи, таёғи ҳамда соябони қадам олишига мос силкинарди.

— Эътибор беринг, — деди мистер Блум. — Фонар устунларини у доим кўча томондан айланиб ўтади. Қаранг!

— Ким ўзи, билсак бўладими? — сўради Брин хоним. — Эс-ҳуши жойидами ишқилиб?

— Уни Кэшел Бойл О'Коннор Фитсморис Тисдел Фаррел¹ дейишади, — жавоб берди кулиб мистер Блум. — Қаранг!

— Оти кўп экан, — деди хоним. — Бир кун келиб Дэнис ҳам шундай бўлиб қолади.

Кутилмаганда у сўзини бўлди.

— О-ҳа, ана узи, — деди у. — Мен унинг олдига борай. Яхши қолинг. Моллига саломимни етказинг, эсингиздан чикмайди, а?

— Албатта, — деди мистер Блум.

Рўпарадан келаётган одамларни четлаб ўтиб хоним витриналар олдига борди. Эски камзул, кўк латта бошмоқ кийган Дэнис Брин иккита қалин китобни кўксига маҳкам босган ҳолда оёқларини судраб Гаррисон кафесидан чикди. Худди ойдан тушгандай. Ноёб зот. Хонимни бу ерда учратганидан заррача ҳайрон бўлмай Брин шу захоти оқиш-кир соқолини олдинга нуқиб, ҳозир узилиб тушадигандай бўлиб калтираган иягини силкиганча жуда жиддий тарзда гап сўқишга тушди.

Мишиқи. Миясини еб қўйган.

Мистер Блум ўз олдида қуёш шуълаларида таранг сиртилган қалпоқ ҳамда ликиллаган соябон липиллаб бораётганини кузатганча енгил қадамлар билан йўлида давом этди. Жуда паранг олифта-да. Томоша қилинг! Яна йўлга айланиб чикди. Ҳаётда одим отишининг яна бир йўли. Ановниси-чи, каллаварам сочи узун тасқара. Турган-битгани хотинига азоб.

К. к. ку-ку. Онт ичаманки, буни Олф Берген ё бўлмаса Ричи Гулдинг қилган. Истаган нарсага гаров ўйнайман, буни улар Скотч-хаусдаги пивохонада ўтириб қизиқчиликка ўйлаб чиқаришган. Ўзи Ментон идорасига отланибди. Ҳалиги қоғозни кўрсатади, Ментон қисқичбақадай бақрайиб тикилади. Ана сизга атрофдагиларга текин томоша.

Блум «Айиш Таймс» редакциясидан ўтди. Балки у ерда янги жавоблар чикқандир. Ҳаммасига жавоб топсам девдим. Жиноятчилар бундан фойдаланишлари мумкин. Қулай тизим. Ҳозир у ерда тушлик. Кўзойнакли хизматчиси бор, у мени танимайди. Майли ётса ётаверсин, етилиб пишади. Шусиз ҳам оворагарчилик кўп, қирқ тўрт ҳам етиб келди. Адабий меҳнат билан шуғулланувчи жанобга тажрибали машинистка керак. Жонгинам, мен сени ярамас дедим, чунки менга ёқмас нариги дунё. Илти-

¹ Ҳаётда бўлган шахс: Дублиннинг машҳур қизиқчиси, уни «Энди-мион» ҳам дейишган.

мос, менга бунинг маъносини тушунтириб бер. Илтимос, ёзиб юбор хотининг қандай атирлар сепеди. Ким дунёни яратди, менга тушунтир. Уларнинг одати шунақа: сени саволга кўмиб ташлашади. Манавнисси бошқача, Лиззи Твичч. Менинг адабий машқларим машҳур шоир А. Э. (мистер Жор. Рассел)нинг мактовига сазовор бўлган. Сочи доим тўзғиб ётади, тарамайди, шеър китобчаларини ўкиб ўтириб суюқ бемаза чой ичади.

Кичикрок эълонлар бостириш учун бу энг яхши газета, ҳам масидан ўтади. Ҳозир чекка вилоятларда ҳам тарқалаяпти. Ошпаз аёл ва барча ишларни бажарувчи хизматчи, ходима бор, таомлар аёло, пивохонага чаққон хизматчи керак. Маъсума, одобли қиз (катол.) сабзавот ёки гўшт дўконидан иш излайди. Жеймс Карлайл ҳаммасини йўлга қўйган. Дивиденд олти ярим фоиз. Уоутслар акциясидан катта даромад қилди. Бунинг учун унча қаттиқ урингани йўқ. Муғамбир шотланд хасислари. Янгиликлар бошдан оёқ ялтоқ хушомад руҳида. Бизнинг саховатпеша барча учун суюкли вице-қироличамиз. Энди яна «Айриш филд»ни ҳам сотиб олибди. Леди Маунткэшел кўзи ёригандан сўнг соғлигини тиклади ва кеча овчилар жамияти Рэт-Хоутда ташкил этган исковуч итлар билан тулки овида қатнашди. Тулки гўшти ейилмайди. Лекин камбағал овчилар егулик топилганига хурсанд. Тулки кўркқанидан шира чиқаради, гўшти юмшайди, тановул қилса бўлади. Эркаклар эгариди. Эркакча ўтириш. Моҳир овчи. Аёлларга мос эгар қўймайди, ёстик боғлатмайди, сира ҳам. Биринчи бўлиб келади, биринчи бўлиб овни қувади. Бу аёл чавандозлар худди асл байталдай жуда чидамли бўлишади. Отхоналар теварагида айланиб юришади. Кўз очиб юмгунча бир стакан брэндини отиб қўйишади. Анави эрталаб Гравенорда кўрганим. Кетидан юмшюк извошига чиқиб биқинига ўтирсанг, шакаргуфторлик қилсанг. Катта тўсиқдан ёки икки қулочлик баландликдан лип этиб сакраб ўтиб кетади. Афтидан анов трамвайнинг бурни қанқайган ҳайдовчиси атай шундай қилгандир. У кимгадир ўхшайди. Э-ха! Ойимқиз Мириэм Дэндрейдга! Ундан Шелборн отелида эски кийим-кечаклар, эски қора чойшаблар сотиб олган эдим. У қизга испан-америка қони қўшилган. Кийим кечакларини титкилаб қараётганимда заррача уялгани йўқ. Назарида худди мен бир мебелдай. Кейин уни вице-қиролнинг зиёфатида кўрдим, қиролнинг ўрмонбеги Стаббс мени «Экспресс»даги Хилап билан бирга у ерга олиб кирган эди. Киборлардан кейин қолган дастурхонга ўтирганмиз. Тўйгунча овқат еб биқинимиз чиққан. Олхўри усти-

га майонез куйиб едим, буни сабайон деб ўйлабман. У хошим буни кўриб бир ойгача уялиб кулоғигача қизариб юргандир. Бундайларга кўтосдек бўлишинг керак. Туғилишдан танноз. Йўрғак латта-путталар унга туғри келмайди, ўзингизга сийлов.

Шўрлик миссис Пюрфой! Эри илоҳиёт услубчиси. Қаллава-рамлиги ҳам услубий йўналишда. Эрталабки нонушта оилавий қаҳвахонада, юмшоқ кўпчиган нон, сут, сув. АМХ. Соатига қараб овқат чайнайди, бир дақиқада ўттиз икки марта кавшанади. Со чини қулоқ чаккасигача ўстириб туширган. Яхши алоқалари, қариндош-уруғлари бор. Ота томондан жияни Теодора Дублин саройида. Ҳар бир хонадонда бир мансабдор қариндош. Ҳар йили хонимга бир хил совға-салом қилади. Қай бир кун уни «Уч сайёҳ» олдида бошяланг ҳолда кўрган эдим, орқасидан катта ўғли укасини халтага солиб кўтариб кетаётганди. Жувоналар. Шўрлик аёл! Кечаси билан бола эмизиб чиқади, йилига канда қилмай туғади. Ичкилик ичмайдиганлар ўта худбин бўлади. Фарамдаги ит. — Ўзи ҳам емайди, бошқага ҳам едирмайди. Менга чойга кичкина бир бўлакча берсангиз, раҳмат, миннатдорман.

У Флит-стрит чорраҳасида тўхтади. Нонушта қилиб олсам-микин? Роу олти пенс олади. Миллий кутубхонадаги рекламани кўришим керак. Саккиз пенсга Бертондан нонушта қилса ҳам бўлади. Йўл усти қулай.

У Уэстморленддаги Болтон дўкони ёпидан ўтиб борарди. Чой. Чой. Чой. Том Кернан билан гаплашиш эсимдан чиқибди.

Вой-й-й. вой ей, оҳ, оҳ! Уч кундан бери тўлғоқ тутиб, инграб додлаб ётган бўлса-я, қорни ёстикдай кўтарилиб тушади, бошига сирка ҳўллаб қўйишади. Оҳ-оҳ! Уф! Даҳшат-а! Хомиланнинг боши жуда ҳам катта бўлса керак — омбур керакмикин тортиб олишга. Она қорнида ўлардай букчайиб, кучаниб хали кўзи очилмаган бошини уради-уради, тимирскиланади, ташқарига, ёруғ дунёга йўл қидиради. Мен ўлиб қолган булардим. Бахтимизга Молли енгил қутулди. Бу қийноққа барҳам бериш учун нимадир чора кўришлари зарур. Абгор бўлиб, машаққатлар билан ҳаётга келади. Оғриқни қолдириш устида гаплар бор: кирилича Викторияда қўллаб кўришган. У тўққизта тукқан. Яхши товук. Яшаб чориқ ичида кампир гала-гала чурвақа туғди. Уни ўпкаси сил дейишади!

Бу ишлар билан жиддий шуғулланишнинг вақти аллақачон етган, кумушранг курсоғу хаёлкаш жилвалар ҳақида бошимизни

¹ Халқ ичида шаҳзода Альберт сил бўлиб ўлди деган гаплар юрарди.

қотириб нима қилишади. Тентакларнинг миясини ачитишади. Холбуки, осонгина катта-катта ишларни рўёбга чиқариш мумкин оғриқни қолдиришни амалга оширса бўлади, ундан кейин ҳар бир янги туғилган чақалоққа солиққа тушган пуллардан то вояга етгунча бир қанча фоизи билан беш фунт пул қўйилади, беш фоиздан ҳисоблаганда бу юз шиллинг бўлади, яна устига ўн каррали ҳисоб бўйича ҳалиги беш фунтни йигирмага кўпайтирсак анча нарса йиғилиб қолади, бу одамларни пул жамғаришга рағбатлантиради, то бола йигирма бирга киргунча бир юз ўнта ва тагин аллақанча маблағ, буни қоғоз олиб ҳисоблаш керак. Ҳа, анча-мунча нарса, холбуки бошида арзимасдек туюлади.

Ўлик туғилган чақалоқларга бу қўлланилмайди. Уларни ҳатто рўйхатга олишмайди. Бехуда иш.

Жуда қизиқ томоша бўлган эди, Молли билан миссис Мойзел ёнма-ён ётишганда, коринлари қаппайган. Оналар анжумани. Сил вақтинча тузалгандай бўлади, кейин яна қўзийди. Бўшанганларидан сўнг улар ялпайиб қолишади. Кўзлари ҳорғин, осуда. Кўкрагидан тош тушгандай. Рози ризолик. Миссис Торнтон ажойиб кампир эди. Булар ҳаммаси менинг жужуқларим дерди у. Болаларни овқатлантиришдан олдин биринчи қошиқни ўзининг оғзига соларди. Оҳ-оҳ, мунчалар ширин бу, оҳ-оҳ. Том Уоллнинг ўғли кампирнинг қўлини майиб қилди. Одамларга ўзини шундай кўрсатди. Боши ошқовоқнинг ўзи. Эски эзма доктор Моррен. Одамлар истаган вақтда уларнинг энгигини қоқиб келишаверади. Жон доктор, худо ҳақи, илтимос. Хотинимнинг тўлғоғи бошланиб қолди. Кейин ойлаб бечоранинг ҳақини тўлашмайди. Хотинингиз туғаётган вақтидаги врачлик хизматлари. Одамлар яхшиликни билишмайди, кўринамас бўлишади. Врачлар эса жуда инсонпарвар кишилар, ҳаммалари ҳам шундай.

Ирландия парламентининг катта, баланд эшиклари олдида бир гала кабулар парр этиб ҳавога кўтарилди. Донларни еб бўлишди. Энди кимнинг устига қумалоқ ташласак экан? Ҳов, анов қора кийгани боплаймиз. Қани, кетдик. Ана, нақ бошига тушди. Ҳавода туриб тезак ташлаш жуда қизиқ бўлса керак. Эсингдами, Эпжон, мен ва яна Оуэн Голдберг Гус Грин атрофидаги дарахтзорда маймун-маймун ўйнаганимиз. Улар мени ишбузармон дейишган.

Коллеж-стритда бир қатор бўлиб тизилиб келаётган полициячилар кўринди. Ҳоз қадамлар. Қорин тўқ, юзлари қип-қизил, темир қалпоқлар тагидан тер қуюлади, ҳарорат гупуради, таёқларини саланглатишади. Чамаси, ҳозиргина тўйиб овқатланиш-

ган, иссиқ шўрва қоринга жо бўлган. Полисменнинг қисмати кизик. Улар гуруҳларга ажралдилар-да, бир-бирларини саломлаб, ўз постларига равона бўдилар. Яйловга чиқишди. Уларга ҳужум қилиш учун энг қулай вақт шу — қорин тўқланган пайт. Ўнг биқинига зарб урсанг, тўғри еган овқатига тегади. Яна бир гуруҳ полициячилар ўз идоралари томон бетартиб кета туриб Тринити коллежи панжарасини айланиб ўтишди. Охурлар уларга мунтазир. Отлиқ аскарларга ҳужумга шайлан. Суюқ ошга ҳужум.

У Томми Мурнинг¹ шўх дароз дасти остидан кўчани кесиб ўтди. Унга ҳожатхона устида ҳайкал ўрнатиб тўғри қилишган: у шилта бу шилтага қўшилиб кетади. Хотинларга ҳам шундай жойлар қуриш керак. Доим қандолатхоналарга югуриб юришади. Гўё сочларини тузатишга киргандай. *Йўқ бутун дунёда бундайин водий.* Жулия Морканнинг машҳур қўшиғи. Овози охиригача ўзгармай сақланиб қолди. Майкл Болф унинг устози эди, чоғи?

У охирги полициячининг кенг елка-пўшига кўз ташлаб турди. Бундай мижозлардан узокроқ юрган маъқул. Жек Пауэр сирларга ошно: отаси унинг айғоқчи. Агар шер йигит қўлга тушганда уларга қаршилик кўрсатса, ичкарига олиб кирганларидан сўнг таъзирини берадилар. Аммо бундай ишлар учун уларни айблаб ҳам бўлмайди, айниқса, ёшлар уларни безори жон қилиб юборишади. Жо Чемберлен² Тринитида илмий даража олган куни анов отлиқ полисмен еган нониши тоза ҳалоллади. Тан бериш керак! Эбби-стритда орқамиздан қувиб келаётган отининг тақаси қандай тарақлаган эди. Бахтимга ўзимни четга олиб улгурдим, бўлмаса роса дахмаза орттирардим. Қандай от устидан отилиб тушди, зорманда. Тошларга тушиб боши ёрилган бўлса керак.

У ерда анов медиклар билан ўралашмасам бўларкан. Тринити коллежидан чиққан тўртбурчак шляпа кийган йигитчалар билан ҳам нима қилардим пачакилашиб. Ўзлари хаддан ошишади. Бирок

¹ Томми Мур (1779 – 1852) — англиз романтик шоири. «Ирландия наволари» шеърый китобида ирланд халқининг озодлик курашини куйлади. «Лалла Рук», «Халқлар қўшиғи», «Оқшом бонги» асарлари машҳур. Унинг ҳайкали ҳақиқатан ҳам ҳожатхона яқинида қад кўтарган.

² Жозеф Чемберлен (1836 – 1914) — англиз давлат арбоби, гомрулга қарши бўлган. *Гомрул* — ўз-ўзини бошқариш. Ирландиянинг Британия империяси доирасида ўз-ўзини бошқариши дастури. 1870 йили қабул қилинган. Ирландия реакцияси ва англиз ленд-лордларининг қаттиқ қаршичилигига учраган. 1919–1921 йиллардаги озодлик урушидан кейингина Ирландия ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини олди.

анов Диксон деган ёш йигитча билан танишганим яхши булди. Биби Марям касалхонасида куриб кетгур зирапчани чиқариб олди, хозир у Холлс-стритда, миссис Пюрфой қўлида. Тугарак ичидаги тугарак. Ўша пайтдаги полициячилар чалган хуштак овозлари ҳалиям қулоғимдан кетмайди. Ҳаммаси туёғини шиқиллатиб қолди. Шунинг учун у менинг ёнимдан кетмади. Сиз қўлга тушдингиз. Мана, мана шу ерда ўша воқеалар бошланган.

- Яшасин бур халқи!
- Яшасин Де Вету!
- Чемберленни дорга осамиз!

Тентак жиннивойлар: лайча итлар, томоқлари хириллаб қолгунча акиллайверадилар. Винигер Хилл¹.

Сут сотувчилар ширкатининг оркестри. Икки йил утар-ўтмас ўша ёшларнинг ярми судья ёки амалдор бўлди. Уруш бошланиб қолса — яна ҳаммалари миқ этмай аскарликка келишадди. — Яна ўша-ўшаларнинг ўзлари.

Агар бизни кутса ҳалоқат².

Ким билан гаплашаётганингни ҳеч қачон билолмайсан. Корпи Келлехер билан Харви Даффнинг тупроғи бир жойдан олинган. Енгилмасларни сотган анов Питер ёки Дэнис ё бўлмаса Жеймс Кэрига ўхшаганлар, шаҳар идорасининг аъзоси. Сирларини билиб олиш учун гўр ёшларни гижгижлаган, ўзи эса ҳамма вақт махфий полицияга ёлланиб ишлаган. Кейин унинг суробини тезгина тўғрилаб қўйишди. Одми кийим кийган хуфялар нимага уй хизматчиларининг атрофида айланиб-ўргилишлари маълум. Хизмат кийимидаги одам дарров кўзга ташланиб қолади. Уй ходимаси билан орқа эшикда тиллашади. Андак у ёқ-бу ёғини эзади. Кейин дастурнинг навбатдаги қисмига ўтади. Бу ерга тез-тез кириб турадиган анави жаноб ким ўзи? Ёш хўжайин бирон нарса дедими? Эшик тирқишидан мўралайди. Тузоққа қўйилган ўрдак. Уй ходимаси дазмол босганда ўтюрак навқирон талаба йигит унинг оппоқ момикдай қўллари атрофида қийшанглаб, айланиб ўргилади, унга эрмак керак, ахир.

— Манави иштон сеники эмасми, Мэри?

— Меники бунақа эмас... Қўйинг, бўлмаса сизни бегойимга айтиб бераман. Уйга ярим кечада келдингиз.

¹ *Де Вет (1854–1922)* — бур халқи саркардаси. Ирланд миллатпарварлари бур халқини қўллаб-қувватлаб чиққанлар. Винигер Хилл — 1798 йил кўзғолош бўлган ер.

² Т. Салливаннинг «Худо ўзинг қутқар Ирландияни» қўшиғидан.

— Алламбало замонлар келяпти, Мэри. Тез орада ўзинг кўрасан.

— Ха, ана ўша алламбало замонларингиз билан ҳазиллашинг. Хуфялар ичкилик ва тамаки сотувчиларни ҳам шундай кўлга олишади.

Жеймс Стивенс ҳаммасидан яхшисини ўйлаб топган. Уларни миридан сиригача яхши билган. Ўн кишидан ташкил топган гуруҳлар. Ҳар бири уз гуруҳини беш кўлдай билади. Шинн Фейн. Орқага йўл йўқ, пичок санчишади. Хуфя котил. Кетолмайсан. Отиб ташлашади. Қамоқхона бошлиғининг қизи уни Ричмонддан қочириб юборди: Ласк фювь оркали. Уларнинг шундоқ бурни тагидаги «Букингэм саройи» меҳмонхонасида турган. Гарибалди.

Одамларга ёқишда ҳам гап кўп. Парнелл. Артур Гриффит ҳалол, тўғри, яхши йигит, лекин у оломоннинг юрагини ўт олдирилмайди. Оломонга суюкли она диёр ҳақида бидир-бидир қилиб, уни лақиллатишинг керак. Ёлғонни асалга булаб едир. Дублин нон корхонасининг чойхонаси. Мунозара клублари. Энг яхшиси ҳокимиятнинг республика шакли. Иқтисодий масалалардан бурун, тил муаммоси ечилиши зарур. Қизларингиз уларни уйларингизга авраб олиб киришин. Тўйгунча едиринг, ичиринг. Авлиё Михаил кун қовурилган фоз гўшти беринг. Мана кўкатларга ўралган ажойиб гўнг бўлагини сизга асраб қўйибмиз. Соғиб қолмасин, мана қайла, устига солинг. Чалақурсоқ юртсеварлар. Бир бурда нон учун кун бўйи оркестрга эрганиб юр. Нон кесиб турган нондан қуруқ қолади. Пулини сеп тўламагансан, қайланинг энг яхшиси ана шу Худди ўз уйида ўтиргандек тутишади ўзларини. Ҳов алави ўриқлар билан шафтодиларнинг ҳаммасини бу ёққа олиб келинг. Ўша кун келади. Гомрул куёши шимоли-ғарбдан чиқади.

Блум олға қараб қадам ташлар, кўкда улкан қора булут куёш сари силжир, унинг чехрасидаги табассум хиралашар, Трипитининг мағрур пештоқи куюк сояга ботарди. Трамвайлар жангир-жунгир қилишиб, ҳар томондан келишар ва яна ҳар ёққа тарқалишар, узок йўлга тушишарди. Барча сўзлар беҳуда. Кун-бакун ҳеч нарса ўзгармайди: полицайлар у ёқдан-бу ёққа гурсиллаб ўтишади, трамвайлар боради-келади. Анов икки дарвеш шаҳар кезишади. Дигнам қазо қилди. Майна Пюрфой эса каравотда ётиб қорни мешдай кўпчиб қачон чақалоқни тортиб олишаркин деб, додлайди. Кимдир қайдадир ҳар сонияда ёруғ дунёга келади. Ҳар сонияда кимдир жон беради. Қушларга дон ташлаганимга беш

дақиқа бўлди. Шу орада уч юз тирик жон узилди. Уч юзтаси эса ингалаб туғилди, уларни қонини ювишяпти. Барча қурбонлик қўзичоқнинг қонига бўялмиш, барайдилар барабар бэ-э-э...

Бир шахри азимнинг халки йўқ бўлиб кетади, яна шунчаси пайдо бўлади, кейин булар ҳам ғойиб бўлур, кейингилари келур, сўнг ғойиб бўлур яна. Уйлар, кета-кетгунча уйлар, бора-боргунча кўчалар, қулоч-қулоч кўприклар, ғишт ва тошдан ясалмиш хирмонлар. Қўлдан қўлга ўтарлар. Бир эга, икки эга. Уй эгаси ўлмас, дегандай. Бирови уйга кириш учун қоғоз олади, бошқаси уйдан чиқиш учун. Ўз мулку мулкатларини олтин баробарига олишади, олтинларнинг ҳаммаси яна ўшаларнинг қўлида. Бунда қандайдир қаллоблик бор. Шаҳарларга канадай ёпишиб, торт-торт билан шуғулланишади. Қумлар узра эҳромлар. Нонни пиёзга қўшиб еб қурганлар. Қуллар Хитой деворини, Бобилни. Тупроқ тепа бўлиб ётади. Айлана минорлар. Колган бари ахлат, шоша-пиша эгри-бугри қуриб ташланган шаҳар чеккасидаги бош-бошдоқ уйлар. Кирвоннинг омонат чайлалари, шамол ўйнайди уларда. Кечасига ярайди лоақал, бошпана.

Ҳеч ким ҳеч нарса эмас.

Ҳозир куннинг энг наҳс вақти. Қайда ҳаёт қуввалари. Нохуш тумтайган ҳаммаёқ: ёмон кўраман шу вақтни. Сени худди чайнаб-чайнаб, сўнг тупуриб ташлашгандай.

Ректорнинг уйи. Мухтарам доктор О'Сётр¹: Консерва қилинган осётр. Бунда у мустаҳкам ўрнашган. Бамисоли қабристон бутхонаси. Шу ерда яшайман деб пул берсалар-да асло яшамасдим мен бунда. Оё, бу кун бунда улар жигар ҳамда хинзир гўштини ковуришар, табиат бўшлиқни ёктирмас.

Қуёш аста булут остидан чиқди, кўча нарисиди Уолтер Секстон витринасига ёйилган кумушлар узра нуқра шуълалар ўйнади, бу ерда эса Жон Хауард Парнелл² қуёш нурларидан кўзини юмганча ўтиб боради.

Ана ўзи: туғишган ака. Икки томчи сувдай ўхшап. Унинг башараси ҳар қайда мени таъқиб этади. Тасодиф, албатта. Юз марталаб бирон кимсани ўйлайсан-у, лекин уни учратмайсан. Қаранг, худди ухлагандай кетиб боради. Ҳеч ким уни танймайди.

¹ Бакрабалиқ

² Жон Хауард Парнелл (1843—1923) — Ирландия гомрули йўлбошчиси Чарлз Стюарт Парнеллнинг (1846—1891) акаси.

Бугун шахар идорасида мажлис бўлса керак. У сарой маросимларини бошқарувчи лавозимини эгаллагандан бери бирон маротаба махсус либосларини киймаган дейишади. Чарли Кавана эса улкан от миниб, учбурчак бош кийимини кийиб, соқолларини кирдириб, башарасига упа-эликлар чаплаб кибру ҳаво билан эл ўртасига чиқарди. Энди манавининг туршу талх кўринишига бир қаранг. Худди палағда тухум еган одамдай. Кўз ости салқиган, нақ шарпаннинг ўзи. Қайғусини кўтаролмаётган каби. Буюк инсоннинг акаси: укасининг акаси. Тулпор от минса, унга хўп ярашарди. Мажлисдан қаҳва ичгани ва шахмат ўйнагани қочиб қолса эҳтимол. Укаси учун одамлар мисли пиёдалар эди. Унга деса ҳамма етти букилмайдим. У ҳақда чурқ этиб оғиз очмасдилар. Бир қараб қўйса, тамом, турган жойларида қотиб қолишарди. Ном одамларга қаттиқ таъсир қилади. Уларнинг уруғида шундай бир ғалати хосият бор. Бир опаси Фанни савдойи эди, иккинчи опаси Дикинсон хоним кизил абзал-жабдуқли отларда юрарди. Қаранг: қаддини адл тутарди, худди жарроҳ Макардлнинг ўзи. Буни қарангки, Дэвид Шихи Жанубий Митадаги сайловда ундан ўзиб кетди, истеъфога чиқариш — сиёсатта шўнғиш. Юртпарвар шарафига зиёфат. Боғда апельсин қобиғини танаввул қилиш. Саймон Дедал парламентга олиб киришганда, айтган эканки, мени қўйи палатадан чиқариб ташлаш учун Парнелл гўридан туриб келади.

— Икки бошли саккизоёқ ҳақидаги зарбулмасал; бир бошида дунёнинг қутблари бирлашолмай сарсон, иккинчи боши эса шотланд лаҳжасида гаплашади. Қисқичлари эса...

Улар йўлқадан бора туриб мистер Блумни ёнидан айланиб ўтишди. Соқол ҳамда велосипед. Ёш хотин.

Яна анов билан дуч келдик. Тўғри келиб қолганини қаранг: иккинчи марта. Келажак ҳодисотларнинг шарпаси олдиндан кўрилади. Машхур шоир мистер Жор Расселнинг мақтови. Балки унинг ёнидаги Лиззи Твиччмикин. А. Э.: бу нима дегани? Бош ҳарфлармикин? Алберт Эдуард, Артур Эфмунд, Алфобес Эб Эд Эл Эсквайр. У нима деб алжиган эди? Шотланд лаҳжасидаги дунё қутблари. Қисқичлар, саккизоёқ. Фолбинликка ўхшаган бир нарса — рамзийлик. Эзмаланади. Анов хотин эса анқайиб ўтирибди. Чурқ этмайди. Ижодий ишларда жанубга кўмаклашиш.

Блум нигоҳини дағал либос кийган дароз кимсадан узмайди, соқол ҳамда велосипед, ёнида оғзини очиб тинглаётган жувон. Эт емаслар ошхонасидан келишяпти. У ерда мева чева,

ўт-чўп беришади. Йўк-йўк бифштекс керакмас. Агар уни есанг, бу сигирнинг кўзлари охир замонгача сени таъкиб этади, шундай овқатланиш сўхат-саломатликка фойдали эмиш. Ҳолбуки бунда ел ва сувдан бошқа ҳеч вако йўк, синаб кўрганман. Кун бўйи югурганинг югурган. Корни шишган кўйдаи бўлиб қола-сан. Кечаси билан туш кўриб чиқасан. Нега улар мен еб кўрган анов нарсани бобштекс дейишган? Бобрийларми? Мевагийларми? Сен худди ромштекс еяётгандек бўлишинг керак. Аҳмоқона гаплар. Намагига зўр беришади. Сода солиб тайёрлашади. Кечаси билан оғзинг жумракдан бўшамайди.

Жувоннинг пайпоғи болдирига осилиб тушган. Шуни ҳеч жиним суймайди: бориб турган фарҳатсизлик. Бу адабиётчи одамлар: ҳаммаси осмонда юришади. Туманли ҳавойи тимсолчилар. Гузаллик шайдолари. Бир кун келиб аллақандай бир таомнинг тури худди мисоли миядаги қандайдир тўлқинларнимикин, туғдиради деб исботлашга уринишса, бундан ҳеч ажабланмас эдим. Мисол учун анави полисменларни олинг: ҳаммаси қўй гўшти солинган шўрвани ичиб олгач, қўйлақлари жикқа ҳўл: қани ундан лоақал ярим сатр шеърни сиқиб чиқариб кўр-чи. Э, ҳатто шеър пер нималигини билмайди. Шеър деганинг учун ўзгача бир кайфият керак.

Туманли ҳавода чағалай

Учиб қайларга боргай?

У Нассау стрит муқолишида кўчани кесиб ўтди-да, «Йейте ва ўғли» дўкони витринаси олдида тўхтаб, дурбинларнинг нархларини кўздан кечира бошлади. Балки Харрисга борсакмикин, йигитча Синклер билан бироз гаплашиб келсакмикин? Бағоят тарбия кўрган йигит. Тушлик қилаётгандир. Ойнагим эскирди, тузатиш керак. Герц фирмасининг ойнаги олти гиней туради. Немислар ҳаммаёққа тикилишади. Бозорни эгаллаш учун имтиёзли нархлар қўйиб сотишади. Нархларни туширишади. Балки вокзалдаги унутилган нарсалар бюросидан бир жуфт ойнак топса бўлармикин омад чопиб? Одамлар кийим ечиладиган жойларда, поездларда нима-нималарни эсдан чиқариб қолдирмайдилар, вой тавба. Нега бунча хаёллари паришон? Аёлларни айтмайсиэми. Ажойиб жуда. Ўтган йили Эниссга кетаётганимда сумкага дуч келдим, анов фермернинг қизи унутиб қолдирган экан, Лимерик поездига ўтаётганда қўлига тутқаздим, ҳатто пуллари қолиб кетсаям келиб олишмайди. Банкнинг томига кичкина соатлар ўрнатиб қўйишган, манави дурбинларни синаб кўришади.

Блум кўзининг жиягини пастга туширди. Йўқ, кўрмаяпман. Агар уларни ўша ерда тасаввур қилсанг, унда кўрсанг бўлади. Барибир кўрмаяпман.

У қуёшга юзиини ўгирди, витриналар айвоши остида туриб қуёшга томон ўнг қўлини кўтарди. Анчадан бери бир синаб кўрмоқчи эдим. Ҳа, шундай, бутунлай. Унинг жимжилоғининг учи қуёш тўғарагини бутунлай тўсди. Бу ерда бутун шуълалар йиғиладиган фокус бўлса керак. Афсус, қора ойнак йўқ-да. Қизик. Биз Ломбард-стритда турганимизда қуёш юзидаги доғлар тўғрисида қанчадан қанча гап-сўзлар бўлган эди. Бу доғлар — жуда катта портлашлар натижаси. Бу йил кун тўла тугилади: кузнинг охирларида.

Ана, кўрдингизми, шуни ўйлаганимда дарров шар тушиб кетди. Гришвич вақти. Бу соат Дагсинкдан электр симлар орқали бошқарилади. Ойнинг биринчи шанбасида у ерни бир бориб кўрса ёмон бўлмасди. Профессор Жолига кириш ёки унинг оиласи тўғрисида нималарнидир билиш учун тавсиянома олинса эди. Бу ҳам таъсир қилса керак: кўнгил кўтарилади, ахир. Ҳеч қутилмаган ерда туғилган хушомад. Оқсуяк қирол маълумқасидан тарқалгани билан фахрланади. Донг таратган момо. Муҳими, хушомадга зўр бер. Эрка бузоқ икки онани эмади. Бунинг ҳам эви бор: осмондан тараша тушгандай қилиб айтсанг, ярашмайди, албатта. Параллакс нима дегани ўзи? Манави жанобга эшикни кўрсатиб қўйинг.

Эҳ.

У бўшашиб қўлини туширди.

Буни ҳеч ким ҳеч қачон билмайди. Вақт беҳуда кетади. Газ шарлар айланади, бирлашади, ҳар ёққа учиб кетади. Бу от ўйинининг сира бош-кети кўринмайди. Ҳаво: кейин қаттиқ зарралар: сўнг олам яралади: кейин совийди: кейин чексизликда ўлик бир пўст учиб юради, апанас обакига ўхшаши йилтироқ муз парчаси. Моҳ Апов хотин ҳозир янги ой чиққан, деди. Ростга ўхшайди.

У «La Maison Claire» либослар уйи ёнидан ўтди.

Мана кўр. Икки ҳафта бурун ўша якшанба кечасида ой тўлган эди. Демак, ҳозир аниқ янги ой чиққан. Толки бўйида юрган эдик. Фервюдаги ой чиққан кеча чакки эмасди. Молли хиргойин қилган эди. Май кечаси ой чиққан, о муҳаббат. У Моллининг нариги ёнида. Тирсак, қўл. У. Майса ичра ёнади кўнғиз, о муҳаббат. Қўллар қўлларга тегиб. Бармоқлар. Кафтлар. Савол. Жаноб. Майли.

Тўхта. Тўхта. Нима бўлса, ўша бўлди. Бўлиши керак эди.

Унинг нафас олиши тезлашди, қадамлари сустлашди — мистер Блум Адам-кортдан ўтди.

Озрок-озрок, уф-ф, тентак бўлма аста-аста ўзига келиб унинг кўзлари яна илғай бошлади. Бу кўча қиём чоғи Боб Дореннинг букик кифтлари. Йил бўйи маст-аласт, деб эди Маккой. Маст-аласт бўлиб нимадир демоқчи бўлишади ё бир ғалва-ғишо-ва чиқаришни мўлжаллашади ёки Cherchez La Femme. Кумга бориб ҳамтовоқлари ойимчалари бирга ўйин-кулги, ғала-говур қилишади, кейин бошқа пайтлар ойна синигидай йилтиллаб юришади. Худди ўзи. Айтганимдай. Эмпайрни мўлжаллаяпти. Ана кирди. Унинг аҳволида тоза сув ичгани яхши эди. Уитбрэд Кунз театрида бошқарувчи бўлмасдан бурун у ерда Пэт Кинселланинг «Арфа» мюзик-холл гуруҳи жойлашган эди. Яшавор азамат. Дайон Бусикога таклид қилиб, тулин ойдаё башараси билан калласига кичкина шляпача кўндириб одамларни кулдирарди. Учта қувноқ мактаб ўқувчи қизлари. Вактнинг ўтишини қаранг-а. Этаги остидан узун қизил иштони кўри-ниб турарди. Маст-аласт кимсалар ўтиришиб, ичишар, тупукларини сачратиб хахоланар, қийқиришарди. Бопла, бопла, Пэт. Афтангорлари ўпкадай қизарган — мастона майнавозчиликлар — қаҳқаҳа ва тамаки тутунлари. Манов оқ қалпоғингни еч. Кўзлари худди сувда қайнаган балиқдай. Қайларда экан ҳозир бечора? Қашшоқнинг жойи қайда бўларди. Ажиб арфа гирифтор айлади бизни очликка.

Унда мен бахтиёрроқ эдим. Гарчи ўша менмидим? Ҳозир ҳам мен ўзим менманми? Йигирма саккизга кирган эдим. Молли йигирма учда эди. Фарбий Ломбард-стритдан кўчган пайтимиз ўртада нимадир синди. Руди ўлгач, анов нарсадан ҳам ҳеч лаззат олмади. Вактни орқага қайтариб бўлмайди. Сув кафтнингда турмайди. Истармидинг? Ортга қайтишни. Энг аввалги пайтга. Хоҳлармидинг? Вой ҳали оилада бахтингни топмадингми, менинг шўрлик, шўртум-шук болақайим? Менинг тугмаларимни қадаб қўймоқчи. Жавоб бериш керак. Унга кутубхонада ўтириб хат ёзмади.

Витриналари, айвонлари, пештоқлари алвон-алвон яраклаган Грэфтон-стрит киши ҳиссиётларини ёқимли қитиқларди. Рангоранг муслин матолар, ипакка чулғанган чиройли хонимлар, ёши улуғ бева хотинлар, эгар-жабдуқларнинг жаранги, қизиган тош йўлга урилган тақаларнинг тарақ-туруқ саслари. Оқ пайпоқ кийган хотиннинг оёқлари намуноча семиз бўлмаса. Ҳадемай ёмғир қуйиб юборса, батамом шалаббо бўлса ажабмас. Нақ қишлоқнинг ўзи. Ҳамма семиз лобар хотинлар шу ерда. Сони бўлиқ оёғи қийшик. Моллининг оёқларини ҳам жилла келишган деб бўлмайди.

Браун Томаснинг ипак савдоси растаси ёнидан у ялло қилган каби кадам ташлаб борарди. Ранг-баранг тасмалар мисли шалола. Ҳавойи чиний ипақлар. Қиялаб ўрнатилган кўза комидан қирми-зи кизил поплин гўё мавж уриб оқиб чиқарди. Мавжланган қон. Буни бу ерга гугенотлар олиб келишган. Лақауз эсанг¹ тара-тара.

Ажойиб хор. Тари-и Тара. Фақат ёмғир сувига ювилсин. Мейербер. Тара: бум бум бум.

Тўғноғич-игналарга ёстикча. Анчадан буён унга олиб бер-моқчийдим. Бўлмаса уйнинг ҳаммаёғига игна кадаб ташлайве-ради. Пардаларнинг ҳаммаёғи игна.

У чап қўлининг енгини бироз қайирди. Тирналган: ўрни анча қотиб қолибди. Йўқ барибир бугунмас. Ҳали анави лосйонга ҳам қайтиб келиш керак. Балки унинг туғилган кунига олиб берарман? Июнь июль, август сентябрь саккизинчи. Ҳали уч ой бор қарийб. Балки бу унга сира ёқмаслиги ҳам мумкин. Хотинлар тўғноғич-ларни териб юришни ёқтиришмайди. Айтишларича, севмай қўй...

Порлок ипақлар, позик жимжима йилтир зар иплар ўтказилган этаклар, жимжимали зарли ипак пайпоқлар.

Эскини эслаб нима. Ўтган ўтти. Ҳаммасини менга айтиб бер.

Янгроқ овозлар. Қуёш киздирган шойи ипак. Жабдуқлар жаранги. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси, уйлару ўлан тўшаклар, ипақларнинг жилолари, кумуш идишлар, Яффадан келтирилган ширин-шакар лазиз мевалар — бари аёллар учун. Агендат Нетаим. Дунё бойликлари.

Инсон жисмининг юмшоқ шамоийли унинг миясини тўлдирди. Мия таслим бўлди. Қучоқларнинг мастона лаззати уни батамом титроққа солди. Ташнаком жисми яширин жунбишга келиб, у лолу ҳайрон севмоқни истарди.

Дюк стрит. Етиб келдик. Очман. Бертонда овқатланайлик. Шу заҳоти енгил тортасан.

У ҳамон ўзини қамраган шавқ васвасаси оғушида Комбриж муюлишидан бурилди. Жангир жунгир. Тақалар тақиллаши. Юмшоқ, иссиқ, муаттар баданлар. Бари қайноқ бўсаларга мушток, бари ви-сол иштиёқда: ёзнинг баланд ўсган майсазорлари, чалкашган, эзилган, босилган ўт-ўланлар аро, баланд қаватли уйларнинг намхуш йўлаклариди, тиззалар чўкиб кетадиган диванларда, гичир-гичир қисирлаган каравотларда оғушлар чирмашур мислсиз.

¹ Итальянча *La cauga e santa* — «муқаддас инн» сўзларининг бузиб айтилгани.

- Жек, жоним!
- Ширишим!
- Мени тез ўп, Регги!
- Кичкинтойим!
- Севгилим!

У юраги хаяжонлардан тўлқинланиб, кўкрак қафаси кўтарилиб-тушиб, Бертон емакхонасига етиб келди-да, эшикни итарди. Нафаси бўғиқ дим хидлардан қайтди. Гўшт пишган ўткир қайла. Эзилиб пишган турли сабзавотлар. Кўрингиз ваҳший махлуқлар қандай овқатланур.

Одамлар, одамлар, одамлар.

Мизлар олдида курсиларда кўнқайишганча шляпаларини оркага суриб, яна текин нон сўрашади, суллоҳларча хўр-хўр хўплашади, кўзлари ола-кула бўлиб, қон қуйилиб овқат бўлақларини нақ бўридай ғажишади, шошиб-пишиб ютишади, хўлланган мўйловларини артишади. Оқ йилтироқ юзли йигитча сочиқ билан ўзининг пичок, қошиқ, сағчки стаканларини ишқалаб йилтиратиб артади. Янги микроблар улунди. Ёқасига доғ-дуғ босган болалар сочигини қистирган киши қошиғини асло тиндирмай хўриллатиб суюк ош ичади. Бошқаси гўштнинг чандирини ютолмай қайтиб тарелкасига тупуради: оғзида тиши йўқ, қуруқ қизил милк: шўлқ, шўлқ, шўлқ. Лаққа чўёда тоблаб пиширилган юмшоқ тўш гўшти. Ямламай ютади, нафсини тезроқ қондириш пайида. Кўзлари маъюс, ноумид ичкиликбоз. Катта луқмани оғзига тиқиб энди чайнолма-япти. Мен ҳам шундайманми? Ўзингни бошқаларнинг кўзи билан кўр. Оч одам доим дарғазаб. Жағлар тинмай ишлайди. Секин! Ох! Суяк! Мактабларда ўқитиладиган анов шеърда ирландларнинг охири мажусий кироли Кормак бўғзига овқат тиқилиб, Бойн жанубидаги Слетти деган жойда ўлиб қолган. Қизик, нима еган экан-а, ўшанда. Ноёброқ бир нарсадир-да. Авлиё Патрик уни насроний динига киритди. Барибир луқмасини бутун ютиб юборолмади.

- Карамли ростбиф.
- Яхна гўшт.

Одам нафаси. Оёқ остига тўшалган, туфлаб ташланган кипиқлар, тамакиларнинг илмилик, ачимсик чийралган дудлари, чайналган тамакилар тўкилган пиволарнинг сассиқ уфунати, бижғиган, ачиган пиво аралаш сийдик хидлари.

Унинг томоғига фик бир нарса тиқилди.

Мен бу ерда бир луқма ҳам ютолмайман. Анов азамат кўзига нима кўринса ғажиб ташлаш учун санчқисига пичоғини қайрайди,

қария лиқирлаб қолган сийрак тишлари орасини зўр бериб кавлайди. Енгил кекиради, тўйган, сақич чайнайди. Таом олдидан ва кейин, таомдан кейин шукрона неъмат. Дуо. Мана икки тасвир: ана, яна ана. Анов киши эса овқатнинг қолган-қутганини хўлланган нон бўлаклари билан сидириб оғзига тикади. Бўла қол, оғайни, идишингни тозалаб ялаб қўй! Тоқатим йўк, кетаман.

У бурнини беркитиб, турган, ўтирган хўрандаларга бирма-бир кўз югуртирди.

— Иккита пиво.

— Карамли тузламали чўчка гўшти.

Хов анави қахрамон қўлидаги пичоқ билан карамни оғзига шундай италамоқдаки, гўё бутун ҳаёт-мамоти шунга боғлиқ. Ана боплади. Юрагинг орқага тортиб кетади булардан. Учта қўл билан эса жони бунча қийналмас эди. Торт-а, торт. Акс ҳолда яшилмайди. Қўйлақда тишида пичоқ тишлаб дунёга тушган. Кул-а, кул. Балки ундаймасдир. Қўйлақда туғилса, демак бахтли бўлади. Унда бундоқ дейлик: пичоқ бирлан туғилмиш. Намакнинг уволи бор.

Хизматчи олдига боғичлари бўшаган пешбанд тутиб ёғ босган идишларни тарақлатиб йиғарди. Суд ижрочиси Рок миз олдида туриб ичаётган пивосининг кўпингиди пуф-пуфларди. Кўпикни боплаб туширди, у этиги тагига сарғиш доғ бўлиб ёйилди. Хўрандалардан бири тирсагини столга қўйиб, санчки ва пичокни баланд кўтариб, доғ босган газета саҳифаси тепасидан овқатлар келтириляётган аравачага қараб турарди. Иккинчиди кутяпти. Шериги унга оғзи тўла овқат билан ниманидир ҳикоя қиляпти. Хайрихоҳ сомеъ. Дилкаш суҳбат. Чап-чап чап-лашамиз чражон ча-п-пайшанбада-чап. Нима? А? Э, нахотки?

Жаноб Блум ҳайрон бўлиб ишонқирамай икки бармоғини лабларига босди. Унинг нигоҳидан шу сўзларни уқиш мумкин эди.

— Бўлмайди бу ер. Уни кўрмаяпман. Кетдик бу ердан. Овқатни пала-партиш ейишларини ёқтирмайман.

У эшик томонга тисарилди. Дэви Бернга бораман. Ўша ерда овқатланган маъкулроқ. Ичингдаги оч илон тинчиса бўлди-да. Нега керак ортиқча дахмаза. Эрталаб тўйиб овқат еганман.

— Менга картишка билан бифштекс.

— Пиво беринг.

Бу ерда ҳамма ўзи учун тиш-тирноғи билан ёпишади. Ют. Тишла. Торт. Ют. Оч тумшуқлар.

У очик ҳавога чиқиб, орқага Графтон-стрит томонга юрди. Ол е, бўлмаса сени еб қўйишади. Ўлдир! Ўлдир!

Тасаввур қилайлик бир кун келиб жамоа бўлиб овқатланиш бошланса. Идиш-товоқларини кўтариб ҳамма овқат олишга югурса. Улгургани кўчанинг ўзидаёқ бошини овқатдан кўтармаса. Мисол учун Жон Хауард Парнелл ёки Тринитининг ректори бир биридан сира фарқи йўқ сизнинг ректорларингиз ҳамда Тринитининг ректори ҳақида дўстлар гапириб ўтирмаймиз, болалар ва аёллар аравакашлар ҳамда руҳонийлар католиклар протестантлар фельдмаршаллар архиепископлар. Эйлсбери-роуд, Клайд-роудлардан, хунармандларнинг маҳаллаларидан, шимолий етимхоналардан етиб келишади, лорд-мэр ҳаншамдор каретасида, паррихта қиролича филдиракли аравачасида келишади. Менинг тарелкамда ҳеч нарса йўқ. Мен сиздан кейинман, мана менинг идорадан берилган идишим. Сэр Филип Крэмptonнинг фавворасидай. Микробларни рўмолчалар билан артинг. Буни артиб улгурмай яна бир тўдаси йиғилади. Падар О'Флинн ўша заҳотиёқ ҳаммалари устидан кулди. Жанжал чиқаришади. Ҳар ким олдинга ўтмоқчи бўлиб тиқилади. Болалар қозонни ким тозалайди деб талашади — шўрва қайнайдиган қозон бу ерда Хумо боғидай катта бўлиши керак. Қайнаб чиққан катта гўшт бўлаклари, хишзир тўшларини кит овлайдиган найза-чангак билан илиб чиқарган маъкул. Атрофдаги ҳамма бир-бирини ёмон кўради. «Шаҳар тамғаси» кўноқ хонасида Молли буни таблдог деб атаган эди. Суюқ ош, коворма, ширинлик. Кимнинг фикрини чайнаб кавш қайтараётганингни ҳеч қачон билолмайсан. Кейин барча тарелкалару санчқи қошиқларни ким ювади? Балки у пайтлар келганда, ҳамма таблеткалар билан овқатланар. Тишлари тобора ишдан чиқиб боради.

Очиғини айтганда, этемаслар ҳақ — ерда ўсган нарса маза лироқ ва фойдалироқ албатта. Италияда куча мусиқачиларидан саримсоқ ҳиди келади. Пиёз қисирлайди, кўзиқоринлар, ширин картишкалар. Ундан кейин ҳайвонларни олсак, улар қийналади, ахир. Товуқнинг патини юлиш ичини тозалаш керак. Бечора қорамол бозорда қачон бошимга болта тушаркин деб кутади. Му-ў. Бузоқлар шўрлик қалт-қалт титрайди. Ме-е. Туртсанг қулайдиган ғунажинлар. Бузоқ гўшти ва сабзавотдан коворма. Қассобларнинг челақларида ўпкалар ликирлаб туради. Ҳов чангакдаги тўшни менга олиб беринг. Шалп-шулп. Қонли лаҳм. Териси шилиб олинган қўйлар кўзлари шишадай қотиб қолган, сон қисмидан осилган нимталар қонли қоғозларга ўралган қўй каллалари тумшуқларидан мишиқлари қипик

устига оқиб ётади. Юрак ва ичак-чавоқларни чиқариб ташлашади. Йигитча, менга қаранг, манавиларга эҳтиёт бўлинг.

Сил билан оғриганда янги иссиқ қон ичишни буюришади. Қон доим асқотади. Қалтис касаллик. Қайноқ тутаб турган ширин қуюк қонни яла, ичингга кирсин. Ташнаком руҳлар.

Оҳ, қанчалар очикдим.

У Дэви Берн ошхонасига кирди. Саранжом-саришта жой. Соҳиби эзмачурук эмас. Баъзан ўз ёнидан сийлаб ҳам туради. Ҳар кабиса йилида, тўрт йилда бир марта. Бир куни чекимни нақд пулга алмаштириб берган.

Мунақа вақтда нима олсамикин? У соатини чиқарди. Қани бир ақллашайлик-чи. Пиво билан занжабилли лимонадмикин?

— Салом, Блум, — саломлашди бурчақда ўтирган Флинн Узун Бурун.

— Салом, Флинн.

— Ишлар қалай?

— Жуда соз... Нима олсам экан. Менга бургунд виноси... Яна... Нима олсам...

Токчаларда сардин майда балиқлар оғзингни сувини келтиради. Сендвич олайми? Ветчинкер ва ўғиллари хантал ва нон билан бирга. Паштет. Сливи паштетларисиз уйда қандай яшайсиз? Ол а, аҳмоқона реклама! Яна нақ таъзияларнинг остида беришибди. Кўнглингни ғаш қилади. Дигнам паштети. Одамхўрлар учун, гурунч ва лимон билан бирга. Оқ танли дин даъватчиларини ейишмайди, бағоят шўр. Ҳаддан ортиқ тузланган хинзир гўштидай. Назаримда қабила бошлиғига яхши жойларидан ажратилса керак. Жуда кўп машқ қилганларидан гўштлири бироз қотиб қолган. Атрофда бутун хотин-халаж тўпланган, нима бўларкин деб, қараб туришибди, *Бўлган экан Занжи подшоҳи, Хўрак экан па дар жуссоҳи*. Улар билан ҳаёт мисоли жаннат. Ҳаммаси аралашқуралаш. Тоғай бўйин ичак-чавоқ ва қорин-порин ҳаммаси уюлиб майдалаб чопилган. Сирли манзара: гўшт бўлса топинг-чи. Кошер. Парҳез. Сут билан гўштни қўшиб еб бўлмас. Ҳозир буни гигиена дейишади. Йом Кипур рўзаси кўкламда ички аъзоларни тозалаш. Уруш ҳамда тинчлик аллакимнинг ҳазми таомига боғлиқ. Динлар. Мавлид айёмига ғулғул товуқлар ҳамда ғозлар. Гудакларни нобуд айлаш. Е, ич, хуррам бўл. Кейин врач қабулига кетма кет. Қаллалар боғланган. Пишлоқ ўзидан бошқа ҳамма нарсани ҳазм қилади. Сувинг қочди пишлоқ бўлдинг.

– Пишлокли сендвич борми?

– Бор, жаноб.

Агар бўлса зайтун меваси ҳам чакки эмас. Италиядан олиб келинган бўлса, янаям яхшироқ. Қадаҳ тула бургунд шароби билан бирга хўб кетади. Ёғдай жойлашади. Том Кернан жуда боплаб тайёрлайди. Салатга доим тоза зайтун ёғини солади. Бодрингдай диринг-диринг. Яхши бўлсин деб, тиришади. Милли менга тўқмоқлаб пиширилган лаҳм гўштига петрушка япроғи солиб берди. Кичкина бир бош пиёз қўшиб қўйилса, яна соз. Худо таомни, шайтон пазандаларни яратди. Шайтонча қисқичбақа.

– Рафиқангиз тузукми?

– Раҳмат, тузук... Хўп, сирли сендвич бўлди, а? Сизда горгонзол борми?

– Бор, сэр.

Узун Бурун ўз шаробини тортишдан тўхтамасди.

– Кейинги вақтларда ҳам қўшиқ айтяптими?

Фақат унинг лабларига қарасам бўлди. Ўз қулоғига ўзи ҳуштак чалса чаккимас. Шалпанг кулоққа жуда ярашади. Отқулок. Музыка. Хинзир апельсиннинг фарқига боргандай бу ҳам музиканинг фарқига боради. Лекин бир таърифлаб ўтсак, ўрни бор. Зиён бўлмас. Текин-арзон реклама. Тарғибот.

– Мана шу ойда у катта концерт сафарига чиқади. Балки қулоғингизга чалингандир.

– Йўқ, эшитмадим. Лекин, жуда соз бўлибди бу. А ким ташкил қиляпти?

Таом келтирилди.

– Қанча бўлади?

– Етти пенс, сэр... Ташаккур, сэр.

Мистер Блум ўз сендвичини майда бўлакларга бўлди. Ёз куни. Уларнинг суюқ холвайтар усулидан кўра шу тузук. У бир нима ютди-ю ўзини тетик тутди.

– Хантал берайми, сэр?

– Майли, раҳмат.

У ҳар бир таом луқмаси устига хантал томчисини жойлади. Ўзини тетик тутди. А-ҳа, ана тайёр. Боши ҳам шипга етди.

– Ким уюштиряпти дейсизми? — деб қайтариб сўради Блум. — Биласизми, пай бўйича қилишяпти. Фойда — харажатларни ўртада тенг кўтаришади.

Э, энди эсимга тушди, — деди Узун Бурун чўнтагига тиккан қўли билан човини кашиб. — Ҳаҳ. Ким менга айтди-я, буни? Айтганча, бу анави Буян Бойлан деган билан боғлиқми?

Хантал жазиллатдим, мистер Блумнинг юраги бир орзикиб тушди, ёмон гурсиллаб урди. У бошини кўтариб, девор соатнинг сариқ мили ўзига ғаш тикилиб турганини кўрди. Икки. Ковокхоналарда соат беш дақиқа олдинда бўлади. Вакт ўтяпти. Соат тикиллаяпти. Икки. Ҳали эмас.

Унинг кўксига нимадир аламангиз кўтарилди, кейин тўкилди, кейин яна ҳасратли кўтарилди, юраги сиқилгандан сиқилди.

Шароб.

У оғзида оромбахш майнинг таъмини туйди, уни култ этиб ютишга ўзини мажбур қилди-да, стаканни секин эҳтиётлик билан қўйди.

— Шундай, — деди у. — Ҳақиқатан ҳам, у ташкилотчи.

Ҳечқиси йўқ. Бунинг калласи ишламайди.

Узун Бурун мишиғини тортиб, тинмай қашинарди. Овқат еб тўйган бурга.

— Менга Жек Муни боксёрлар мусобақасида мўмай пул туширганини айтди, эсингиздами. Майлер Кео алов аскар йигитни болагаи эди. Бу йигитчани у Карлоу графлигида хуфя сақлаб турган экан, буни менга ўзи айтди, худо ҳақи...

Ҳойнаҳой, унинг бурни учида илиниб турган томчи тўғри стаканига тушмас дейман. Йўқ, орқага тортиди.

— Бир ойча ушлаб турган, билдингизми, то ўйин бошлангунча. Бир ой ўрдакнинг тухумини хомлигича ютишга мажбур қилган. Бир қултум ичкилик бермаган, буни каранг-а, золимини, а? Хўш, Буянингиз жуда қирриқ одам, худо ҳақи...

Тик тўсиқнинг ортидаги эшикдан кўйлагининг энгларини қайирган Дэви Берн оғзини коғоз билан арта-арта чиқиб келди. Қип-қизил гўшт. Унинг нима десак экан — қандайдир — юзида қувонч табассуми ўйнарди. Елим бўлиб кет-е.

— Қорин тўқ, кайф чоғ ва буршингдан тутун чиқиб турибди, — деб қарши олди уни Флинн. — Олтин Кубокка галак қандай бўлади, бизга айтиб беролмайсизми?

— Мен бу билан шуғулланмайман, мистер Флинн, — деб жавоб берди Дэви Берн. — Ҳеч қачон сариқ чақа ҳам тиккан эмасман.

— Тўғри қиласиз, — деди Флинн Узун Бурун.

Мистер Блум оёқ ҳиди анқиб турган кўк моғорли пиплок ҳамда аъло навли ундан тайёрланган янги нон билан сендвич бўлақларини оғзига соларкан, ханталнинг аччиқ жазиллатиши хуш ёкиб, афтини буриштирарди. Шароб ҳам андак куйдириб, унга енгиллик бағишларди. Аммо оғзини буриштирамасди. Бундай ҳавода совуқ бўлмаса, яхши навлар хуш келади.

Осуда яхши жой. Тик туриб еб-ичишга ҳам чиройли жой қилинган. Кўзингни қувонтиради. Айлана эгма чизиклари ҳам маъқул.

— Ўлсам ҳам, бу иш билан шуғулланмасдим, — гапини давом эттирди Дэви Берн. — Бу от жониворлар дунёда не-не одамларни хонавайрон қилмади.

Қовоқхоначининг ўзига яраша тикадигани бор. Шароб, пиво ва ўткир ичкиликларни қуйиб сотишга патент олган. Ўнг тушса — ютук, сўл эса — ютқизиқ.

— Рост айтасиз, — тасдиқлади Узун Бурун. — Агар олдиндан келишилган бўлса, бошқа гап. Ҳалол спортни энди топиш қийин. Баъзан Ленехан тўғри ганақларни айтиб туради. Бугун Тожга қўйишни маслаҳат берапти. Олд от — лорд Хауард де Уолденнинг Эпсомда ютган оти — Мускат экан. Жокей — Морни Кэннон эмиш. Икки ҳафта бурун агар Сент-Амантага қўйганимда етти баравар ютук чиқарди.

— Нахотки? — деди Дэви Берн.

У дераза томонга ўтиб, ҳисоб дафтарини олиб варақлай бошлади.

— Худо урсин, ютардим, — дерди Узун Бурун пишиллаб. — Жуда антиқа от Сент-Фрускендан келган, эгаси — Ротшилд. Чақмоқ чақиб турганда, ютди, қулоғини боғлаб қўйишди. Мо-вий камзил ва сариқ картуз. Шунда жин урдими девдай бўлиб Бен Доллард ўзининг Жон О'Гонти билан келиб қолса бўладими. У мени қайтарди. Нест бўлди.

Бошини ноумид чайқаб, у стаканидан ҳўплади ва бармоқлари билан уни тарақлатиб чертди.

— Нест бўлди, — такрорлади у оғир хўрсиниб.

Мистер Блум ўрнидан кўзгалди, кавшанаркан, хўрсинган каллага боқди. Худонинг бориб турган тентаги. Ленехан қайси отга тикканини айттайми? У аллақачон билган. Яхшиси эсидан чиқарсин. Яна борса, баттар ютқизади. Тентақда пул турмайди. Яна бурнининг томчиси осилди. Хотинларни бу сув томчиллаган бурун билан қандай ўпаркин? Эҳтимол бу хотинларга

ёқар. Соқолинг тиканакдек ботса, ёқади-ку. Итларнинг тум-шуғи доим ҳўл. «Шаҳар тамғаси» меҳмонхонасида кекса мис-сис Риорданнинг кичкина ити бўларди, итнинг қорни қачон қараманг қулдирарди. Молли уни тиззасига ўткизиб эркаларди. Оҳ, менинг кучукчагинам, вов-вов-вовчам!

Май нон хантал ва ҳидланган бемаза пишлоқ билан қоришиб, уларни алланечук юмшатарди.

Ўткир май. Унчалар ичкинг келмай турганда, унинг мазасини яхшироқ ҳис қиласан. Рост, ванна қилганим учун шундай таъсир берса керак. Майли, ҳай, озроқ тановул этдик. Кейин кеч олтиларда яна давом эттирармиз. Олти. Олти. Унда ҳаммаси бўлади. Молли.

Май майин ўт бўлиб томирларга ёйиларди. Менга шу нарса жуда етмай турганди. Қайфиятим тушиб кетганди. Унинг туқ кўзлари токчалардаги тунока идишлар устида югурарди: чавақ балиқлар, қисқичбақаларнинг йилтираган қисқич оёқлари. Қандай ғаройиб-ажойиб нарсаларни овқатга ишлатишмайди-я. Чиганоқлардан ичидагини илгакчалар билан чиқариб олишади, шиллиққуртларни йиғишади. Дарахтларнинг қуртларию елимларини тўплашади французлар ёйди буни, денгизга қармоқ хўрак ташлаб нималарни овлашмайди. Аҳмоқ балиқ минг йиллардан бери ҳам сабоқ олмайди. Агар олдиндан хабардор бўлмасанг, дуч келган нарсани оғизга тикавериш хавфли. Заҳарли тар мевалар. Дўлана. Думалоқ нарса ёқимли бўлади доим. Ўткир ранг хуркитади. Биттаси бошқасини оғоҳлантиради ва ҳоказо. Аввал итга бериб кўриш керак. Хиди ёки кўриниши билан ўзига тортади. Йўлдан оздирувчи мева. Стаканчаларга солинган музқаймоқ. Қаймоқ. Туғма сезги. Яна ўша апельсинзорлар. Сунъий суғориш зарур. Блябтройштрассе. Унда устрицалар нима бўлади? Жуда хунук-е. Қуюқ балғамдай. Ифлос чиганоқлар. Бунинг устига очиш жуда қийин. Ким ўйлаб топган уларни тановул қилишни. Мағзава сувларда ўсишади, жуда бемаза нарсаларни ёйди. Шампань ва Ред бэнк устрицалари. Ҳирсни жунбишга келтиради. Афроди. У бугун эрталаб Ред бэнкка борди. Балки устрицалар керакмасдир ипирик қуймоқ балки тўшақда роса тик эмасдиров, унчалик июнда нима қилсин на устрица ва на «эр» ҳарфлик. Лекин бунақасини ҳам яхши кўрувчилар бор. Хушбўй ўлжа. Кўвачага қўйилган қуён. Икки қуёнинг кетидан қувган. Хитойлар пўсти ҳам аллақачон кўкариб кетган юз йиллик юмуртқани ёйди. Бир тушликка ўттиз хил таом. Алоҳида олганда, ҳеч

бирининг зарари йўқ, лекин балки аралашгач ким билади, заҳарланиш ғояси акс этган детектив. Ким эди, ҳаҳ ҳа, чамаси Эрцгерцог Леопольд¹. Йўқ у эмас, ҳа у ёки бу анов габсбурглардан бўлган Оттомиди? Қисқаси ким эди у ўз бошидан тушган қазғоқни ейиш одатини чиқарган? Шаҳардаги энг арзон вонушта. Дарвоқе оксуяклар ва ундан сўнг бошқалар модадан қолиб кетмаслик учун тақлид қилишади. Милли ҳам нефть ҳамда ун. Хамирни мен ҳам яхши кўраман. Ушланган устрицаларнинг ярмини яна қўйиб юборишди бозорда нархларни туширмаслик учун. Арзон бўлса, ҳеч ким сотиб олмайди. Увулдирик. Ўзларини гўё аъён-ҳаёнлардай кўрсатишади. Кўк қадахларга қўйилган рейнвейн. Дабдабали зиёфат, базм. Фалончи хоним.

Бўйнига упа сепилган, дурлар. Elite. Creme de la creme². Ўзларини қандайликларини кўрсатиш учун алоҳида таомлар буюришади. Бир ҳовуч нўхот ва дарвешнафс туғёнларини енгил. Мени билмоқчи бўлсанг, бирга овқатлан. Қирол бакрабалиғи. Полиция бошлиғига маълум қилинишича, қассоб Коффига олий ҳазрат ўрмонларидан келтирилган кийик гўшти сотиш ҳуқуқи берилган, Полтуша унга етқизиб бериб туриши лозим. Қирол Архивариуси ошхонасида зиёфатга таомлар қандай тайёрланишини кўрганман. Оқ қалпоқ кийган шеф-ошпаз худди яҳудийлар раввинига ўхшайди. Ўрдакнинг устига коньяк қўйиб кейин ёкиб юборишарди. A la dicheesse de Parme³. Савой карами.

Нима еганингни билмоқчи бўлсанг, менюга албатта қараш керак, у ерда ҳаммаси батафсил ёзилган. Агар барини аралаш-қуралаш қилиб юборсанг, еб бўлмайди. Ўз бошимдан ўтган. Суюқ ошга Эдвардс ғулақларини ағдарганман. Ҳозларни тоза тентагини чиқариб семиртириб боқишади. Омарларни тириклай қайнатишади. Қа'ғанг кўғунг бу қиғовулни ўзиз. Мен башанг отелда официант бўлишга йўқ демасдим. Чойчақа дейсизми, оқшом пардоз-андозлари, ярим яланғоч хонимлар. Мана шу илонбалиқнинг таъмини бир кўрсангизмикин..., мисс Дюбеда? О, менми, ҳа майли Равшан-ку, у майли дейди. Бу қочоқ гугенотлар исм-шарифи. Эсимда, аллақандай мисс Дюбеда Киллинида яшаган эди. Дю деля бу фран-

¹ *Леопольд* — Бавария шаҳзодаси (1821—1912). Отто — Бавария қироли. Отто 1872 йилда савдойи деб тап олингач, Леопольд ҳукмдор шаҳзода бўлган. Лекин Отто Габсбурглардан эмасди.

² Олий табака. Жамият қаймоқлари (*франц.*).

³ Парма маликаси усули бўйича (*франц.*).

цузчада. Аммо балиғингиз ўша-ўша қари Мики Хэнлоннинг қачонлардир тутиб келганларидан пул деса ўзини осмондан ташлайди, ўзи тутади, ўзи тозалайди, чек кўрсатсангиз имзо чекишни шунча пайсалга солади, шунча оҳанжама қиладики, худди шоҳ санъат асари яратишни керакдай. Меқисқақилехели. А ҳа, ғирт тўнка, эллик минг сармоясини бор, ўласанми-куясанми.

Дераза ойнасига урилиб икки пашша ғўнғиллайди, дизиллайди, ойнага бош уришади.

Майнинг ўтли ҳарорати ҳали ҳамон танглайига таъм бағишлаб турарди. Май омборида бургунд виносини тайёрлашади. Унга худди қуёш ҳарорати кўчгандай. Менга оҳиста тегиниб кетди гапирганлари эсимда. Майин қўл уриб ҳиссиётларимни уйғотиб юборди ҳўлланганларим эсланади. Япроқлари улкан папаротлар тагига беркинганларимиз Хоут қўлтиғида кўрфаз ухлайди остимизда: осмон. Тик этган товуш йўқ. Осмон. Арслон бошида денгизнинг туси қорамтирқизил. Драмлекда эса кўкимтир. Саббон ёқда пистоқи. Сув ости чакалаклари, ўтлар ора гунгурт чиқиқлар, чўкмиш шаҳарлар. Унинг сочлари камзулим узра сочилиб тўкилмишди, қўлимни унинг энсасини остига қўйдим, арчагулдаги қўнғизчалар қўлимни қитиқларди, оҳ бутун кийимларимни эзиб юборасан. Нақадар ажойиб: унинг ипакдек майин муаттар қўли мени силар, эркалар, кўзлари кўзимга тинмай тикиларди. Жону жаҳонимни унутиб унинг устига энгандим. Лобар қайноқ лаблари очилиб колди, мен уларни ўпдим. Ўҳ ўм. У оғзида чайнаётган ялпизли печеньени оҳиста билинтирмай оғзимга солди. Унинг сўлагига омухта ширин-нордон иссиқ ғўлак оғзимни тўлдирди. Роҳат: мен уни ютдим. Роҳат. Шундай ёш, у лабларини чўччайтириб лабларимга босди. Худди майин исли роҳатлуқумдай лаблар шираланиб чиппа ёпишди. Унинг кўзлари гулга ўхшар, у кўзларда истаклар ёлқинланар, ол мени, ол деб майлланарди. Нарирокда майда тошлар шув тўкилди. У қимир этмади. Така, ҳеч ким йўқ. Баландда Бен Хоут рододендронларида эчки ўз уйида сакраб юрар, туёқлари билан майда тошларни думалатарди. Папаротнинг улкан япроқлари тагида ҳеч кимнинг кўзига кўринмай у қайноқ оғушларда қийқириб куларди. Унинг устида ётиб ўзимни ҳеч тўхтатолмай телбаворий бўсалар олардим: ўпардим, кўзлари, лаблари, томири уриб турган оқ бўйнилариини, нафис жун кийими остида тўлиб, тўлқинланиб, тик кўтарилган кўкрагининг қаттиқ учларини тўхтовсиз

ютокиб упардим. Тилим ўт бўлиб ёнар ва уни сийпаларди. У мени упарди. Мен упичлар олардим. У энди бутунлай таслим бўлиб сочларимни тўзғитиб ўйнарди. Уни бўсаларга кўмдим, бўсаларига кўмилдим.

Менман. Мана мен ўшаман.

Пашшалар патирлар, дизилларди.

Блум кўзларини қуйи солди:

Эман тахта тўсиққа ёпиштирилган қалин қоғоздаги сассиз жимжима чизиқларни кузата бошлади: гўзаллик мана шу айланада. Илоҳаларнинг баркамол тархлари: Венера, Юнона: бутун дунё бу айланалар олдида доим лол. Уларни кутубхона музейида доира саҳнда кўриш мумкин, яланғоч илоҳалар. Таом ҳазмига хизмат қилади. Ким қандай қарайди, уларга барибир. Ҳамма кўрсин деб қўйилган. Ҳеч қачон оғиз очинмайди. Айниқса, Флиннга ўхшаганларга. Мисол учун Молли Галатея билан Пигмалионга ўхшаган бўлганда-чи, биринчи айтган гапи нима бўларди? О, ўлишга маҳкум зот! Ўз ўрнингни бил. Илоҳлар билан дастурхон узра мангу ҳаёт сувини ичмоқ олтин идишлар амброзия. Бу сизга арзон нонушталар, қайнатилган қўй гўшти, сабзи ва шолғом, бир шишагина пиво эмас. Ҳаёт шарбати: тасаввур қил: худди электр токини ичгандай бўласан: худолар емиши, Юнонанинг шундай тенгсиз латофатли тархлари. Ўлмас гўзаллик. Биз эса овқатимизни тешикка тикамиз, олдиндаги кириш, орқадаги чиқиш: овқат, ошқозон ширалари, қон, ахлат, ер, овқат: буларсиз яшолмаймиз, ёқилғисиз паровоздай бўлиб қоламиз. Аёлларда бу йўқ. Қараб кўриш сира калламга келмабди. Бугун қарайман. Ҳазинабон билмайди. Бир нимани тушириб юбориб, энгашиб қарайман. Кўрай-чи, бормикин хонимда.

Унинг пешоб малтачасидан билинар-билинемас бир макирик келгандай бўлди ҳожатга борсинми бормасинми у ёққа борганда кирсинми. Шаҳду бастли эркак каби у ўз стаканини тўла сипқариб бўшатди-да чиқиб кетди, улар одми одамларга ҳам бераверадилар, эркакнинг қозигига интиладилар, ошиқ эркаклар билан ётадилар, ўсмир ундан лаззат олади, ташқарига чиқ.

Унинг қадам товушлари тингач, Дэви Берни дафтарида бошини кўтармай сўради:

— Ҳа бу тавиянинг ўзи нима? Суғурта бизнесда эмасми?

— Бу ишни ташлаб юборганига анча бўлган, — жавоб берди Флинн Узун Бурун. — Ҳозир «Фримен» да реклама агенти бўлиб ишлайди.

— Уни кўриб юраман, — деди Дэви Берн. — Нима бошига бирон ташвиш тушганми?

— Нима ташвиш? — Ҳайрон бўлди Флинн Узун Бурун. — Эшитганим йўқ. Нега ундай деяпсиз?

— Негадир қора кийиниб олибди.

— Наҳотки? — сўради Флинн Узун Бурун. — Э-ҳа, буни қаранг, рост айтасиз. Мен ундан уй ичлари тинчми, деб сўрадим. Худо урсин, гапингиз тўғри. Ҳақиқатан қора кийинган.

— Мен ҳеч қачон бунақа нарсаларни суриштирмайман, — одамгарчилик билан деди Дэви Берн, — айниқса, киши бир бахтсизликка учраган бўлса. Ярасини ортиқча тирнаб нима қиламан.

— Хотини эмаслиги аниқ, — деди Флинн Узун Бурун, — ўтган куни мен уни Генри-стритда кўргандим, «Ирландия фермаси» сут дўконидан чиқаётган экан, у ерда Жон Уайз Ноланнинг хотини ишлайди. Анов зот у ердан хотинига қаймоқ олиб кетаётган экан. Хотини қурғур жуда лобар-да, сизга айтсам. Кўкраклари бўлиқ қушча.

— Э, у, демак, «Фримен»да хизмат қиладими? — деди Дэви Берн.

Флинн Узун Бурун лабларини маънодор қисди.

— У туширган эълонларнинг пулидан нонуштага қаймоқ еб бўлмайди. Буни ҳаммага айтишингиз мумкин.

— Буниси қандай бўлди? — сўради Дэви Берн дафтарини кўйиб, унга яқинроқ келди.

Флинн Узун Бурун ҳавода бармоқларини кўзбўямачидай ўйнатди. Кейин кўзини қисиб кўйди.

— У яширин тўдага аъзо, — шипшиди у.

— Сиз буни жиддий айтяпсизми? — сўради Дэви Берн.

— Жиддий бўлганда қандок, — деди Флинн Узун Бурун. — Қадимий, эркин ва тан олинган биродарлар. Жуда ўрналик аъзо. Ёруғлик, Ҳаёт ва Муҳаббат¹, ҳа, ана шундоқ. Уни жуда ҳам қўллаб-қўлтиқлашади. Менга буни биттаси, э, кимлигини билишингиз шарт эмас, айтиб берувди.

— Лекин бу аниқми?

— Ў, биродарлар зўр уюшган, — деди Флинн Узун Бурун. — Бошингизга бир иш тушса, ҳеч қачон ёлғиз қолдиришмайди. Мен бир йигитни биламан, уларга қўшилмоқчи бўлувди, фа-

¹ Флинн яширин масонлар гуруҳининг (такясининг) маросим матнлари ва тимсолларидан мисол келтиряпти.

кат уларга кириш жуда қийин. Мисол учун, хотинларни яқинига ҳам йўлатишмайди, худо ҳақи, жуда тўғри қилишади.

Дэви Берн бирваракай ҳам жилмайиб, ҳам эснаб бош лиқирлатди:

— Ихувваҳаахх!

— Бир куни бир хотин уларнинг нима билан шуғулланишларини билиш учун катта соат ичига беркиниб олган экан, — деди Флинн Узун Бурун. — Лекин мени тўғмай онам ўлсин, улар сезиб қолишибди ва шу заҳоти гуруҳ Каттаси олдига тиз чўктириб, қасам ичиришибди, ҳеч кимга айтишмайсан деб. Ўша хотин Сент-Леже Донерайл уруғидан экан.

Ширин ҳомузадан кейин кўзига қалқиб ёш чиққан Дэви Берн унча ишонқирамай деди:

— Лекин барибир бу аниқ эмас-да. У жуда камтарин, одобикромли киши. Бу ерга у тез-тез келиб туради, бирон марта ҳам одоб доирасидан чиққанини кўрган эмасман, биласиз-ку.

— Уни маст бўлиб ичишга мажбур қиладиган азаматнинг ўзи йўқ, — қатъият билан тасдиқлади Флинн Узун Бурун. — Ишқал чиқишини сезиш билан ғойиб бўлади. Соатига қараб қўйганини пайқадингизми? Ҳа-я, сиз унда йўқ эдингиз. Уни бирга ичайлик деб, чақирсангиз, аввало соатини чиқариб қарайди, вақтга қараб нима ичишини белгилайди. Доим шундай қилади, худо урсин агар.

— Баъзан шунақа одамлар бўлади, — деди Дэви Берн. — Аммо у ҳамиятли одам, гапнинг пўстқалласи шу.

— Ёмон йигит эмас, — унга қўшилди яна Узун Бурун бурнини тортиб. — Тўғри келиб қолса, ҳамёнидан ҳам чиқариб беради. Эшовига яраша тушови. Шак-шубҳасиз, Блумнинг яхши томонлари ҳам бор. Лекин бир нарса борки, ўла қолса ҳам уни қилмайди.

Унинг қўли пиво стакани олдида худди имзо чеккандек бир ҳаракат қилди.

— Биламан, — деди Дэви Берн.

— Ҳеч қачон окни қора демайди, — деди Узун Бурун.

Ичкарига Падди Леонард билан Бэнтам Лайонс кириб келишди. Уларнинг изидан қирмизи нимчасини кафти билан силаб, юзини буриштириб Том Рочфорд кадам ранжида қилди.

— Хурматларим сизга, мистер Берн.

— Хурматлар сизга, жентлменлар.

Улар тахта миз олдида тўхташди.

— Ким қўяди? — сўради Падди Леонард.

— Ким қандай, билмайман, аммо менинг мазам йўқ, — жавоб қилди Флинн Узун Бурун.

— Майли, нима ичамиз? — сўради Падди Леонард.

— Мен занжабиллигидан ичаман, — деди Бэнтам Лайонс.

— Нима-нима? — хитоб қилди Падди Леонард. — Қачондан бери бу шундай бўлиб қолди, онасини эмсин? Сен-чи, Том?

— Канализация қандай ишляпти ўзи? — сўради Флинн Узун Бурун стаканидан ҳўплаб.

Том Рочфорд жавоб ўрнида қўлини кўксига босиб, баланд овоз чиқариб ҳиқиллади.

— Бир стакан сув беролмайсизми, мистер Берн? — илтимос қилди у.

— Бажонидил, сэр.

Падди Леонард ҳамшишаларига сарасоф солди.

— Шу ҳам иш бўлдими, — деди у. — Мен нимага ичкилик қўяётганимни кўриб қўйинг. Сув билан занжабил эмиш. Оёғинг-даги пўрсиллоқдан ароқ шимиб оладиган бўз йигитлар шундоқ деб ўтирса. Манавининг қўйнида Олтин Кубок отининг қандайдир қоғози бор. Зарба аниқ.

— Нима, Мускатми? — сўради Флинн Узун Бурун.

Том Рочфорд ўз стаканига букланган бир қоғоздаги оқ кукунни солди.

— Дардисар қорин, — деди у стаканини кўтаришдан олдин.

— Сода енгил қилади, — маслаҳат берди Дэви Берн.

Том Рочфорд бош силкиб, сувни ичиб юборди.

— Ростдан. Мускатми?

— Мен миқ этмайман! — кўзини қисди Бэнтам Лайонс. — Ўзим бу ишга ҳалол беш шиллинг тикдим.

— Ҳей, ахир одаммисан, бизга ҳам айт, жин ургур, — деди Падди Леонард. — Ўзинг кимдан била қолдинг дарров?

Мистер Блум эшик томон йўналаркан, саломлашиш йўсинида уч бармоғини юқори кўтарди.

— Кўришгунча! — деди Флинн Узун Бурун.

Бошқалар ўгирилиб қарашди.

— Мана манов кишидан билдим, — деб шипшиди Бэнтам Лайонс.

— Туф-эй! — ижирғаниб деди Падди Леонард, — мистер Берн, сэр, ҳўп, демак, бизга иккита «Жеймсон» вискисининг кичкинасидан беринг, яна ..

— Занжабилли, — такаллуф қилди Дэви Берн.

— Ана-ана, — деди Падди Леонард. — Ёш болалар сўради-гап сўрғичи ҳам бўлсин.

Мистер Блум Доусон-стрит томонга кетиб борар, тилини югуртириб тишларини тозалашга уринарди. Исмалокқа ўхшаш парча ёпишдимикин. Рентген нурлари билан курса бўлмай.

Дйюк-лейнда очкўз ит терьер тош йўл устига ирганч суюқлар ва тоғайлар қоришмасини қусиб, кейин яна суллоҳлик билан уларни ейишга киришди. Очкўзлик балоси. Ичимизга тўла-тўқис ютиб, яна раҳмат айтиб қайтариб ташлаймиз. Аввали ширинлик, кейин шунинг ўзидан газак. Мистер Блум ўзини эҳтиётлаб наридан ўтди. Чайновчи маҳлуқлар. У энди иккинчига айлантириб туширяпти. Улар юқори жағларини ишлатадилар. Қизиқ, анов Том Рочфорд узининг ихтироси билан бирон нимага эришармикин? Анов Флиннга тушунтираман деб, ўлиб бўлади унга эса ичига ютиб турса, бас. Ориқ эррайимнинг бўғзи улуг. Махсус бир зал ёки бошқа бир жой қилинсаки, унда ихтирочилар бўлиш вақтларида ўз ихтироларини бажарсалар. Рост, унда барча мияси айниганлар у ерни эгаллаб олишади.

У ҳар бир тактнинг охири ноталарини тантанавор акс садо билан чўзиб, хиргойи қила бошлади:

Don Giovanni, a cenar teco M'invitasti!

Энди бироз яхшиман. Бургунд шароби. Одамни хурсанд қилади. Майни ким биринчи бўлиб ўйлаб топган? Ғам-андухга ботган бирон жигарсўхтадир. Мастлик мардлик. Ҳозир Миллий Кутубхонага бориб анов «Килкенни пупл»ни топишим керак.

Уилям Миллернинг витриналарида топ-тоза ярақлаб турган, ўз вақти-соатини кутаётган унитазлар — ванналар ҳамда ҳожатхоналар асбоб-аппажомлари — унинг хаёлларини жойига туширди. Ҳа, буни қилиш мумкин: бошдан оёқ кузатса бўлади. Гоҳида бехос ютиб юборилган игна бир печка йилдан сўнг қайсидир қобирғанинг тагидан чиқиб қолади, бутун аъзойи баданингни айланиб юради сафро ва хилтнинг ҳаракатлари ўзгаради, қора талоқ, жигар зириллайди, меъда шираси худди резина қувурлар каби ичаклар айланаси. Фақат афтода қария ичак-чавоғини ҳаммага кўрсатиб тикка туриши керак бўларди бу вақтда. Илм-фаннинг равнақи учун.

— *A cenar teco.*

¹ О, Дон Жуан, зиефатингга таклиф этдинг мени (*итал.*).

Нима дегани экан тесо? Эҳтимол бугун кечқурун деганидир.

О, Дон Жуан зиефатингга
Таклиф эттинг мени бу кеч,
Та рам тара-рам.

Яхши чиқмаяпти.

Ключчи: агар Наннеттини икки ойга кўндиролсам. Бу ми-
сол учун икки фунту ўн ёки икки фунту саккиз бўлади. Хайнс-
нинг қарзи уч. Иккию ўн бир. Прескотт нилхонасининг фурго-
ни турибди ҳов ана. Агар Билли Прескоттнинг рекламасини
қилиб беролсам, бу: иккию ўн беш. Ҳаммаси бўлиб беш гишей.
Омад келганга ўхшайди.

Моллига анов шоҳи ички кўйлақлардан бирини боғичлари-
га мос қилиб олиб берсам соз бўларкан.

Бугун. Бугун. Ўйлаб ўтирма.

Кейин жануб сафари. Инглиз денгиз курортлари бўйлаб
юрилса, бунинг нимаси ёмон? Брайтон. Маргейт. Ой нури ёғил-
ган гаван. Унинг овози денгиз узра сузади. Ҳов ўша соҳил
гўзаллари. Жон Лонгнинг пивоҳонаси рўпарасида бир дайди
деворга суяшиб мудрайди, оғир ўй суриб сўгал бармоқларини
тишлайди. Моҳир уста иш қидирмоқда. Баҳоси қиммат эмас.
Одми таомларга қаноат қилади.

Мистер Блум Кэтрин Грэй қандолатхонасининг сотилмаган
тортлар қўйилган витринаси олдида бурчакка қайилди-да ҳаз-
рат Томас Коннелланнинг китоб дўконидан ўтди. «Нега мен
католик черков билан алоқани уздим», «Қуш уяси» У ерда
барча ишларни хотинлар қўлга олишган. Айтишларича, картошка
ҳосили бўлмаган йили улар йўқсилларнинг болаларини протес-
тантликка ўтишлари учун суюқ овқат билан боқишган; ундан
нарида яна бир жамоа бор, у ерга қашшоқ яҳудийларни насро-
нийликка ўтказиш учун папа борган. Ўша-ўша битта тузоқ. *Нима
учун биз католик черков билан алоқамизни уздик.*

Кўзи кўр йигитча йўлка четида туриб, ингичка таёғини
тўкиллатарди. Трамвай кўринмайди. Кўчани кесиб ўтмоқчи.

– Сиз нариги томонга ўтмоқчимисиз? – сўради мистер Блум.

Кўр йигит жавоб бермади. Унинг қотган юзи билинар-би-
линмас кимиради. У ишонқирамай бошини ўтирди.

– Сиз Доусон-стритдасиз, – деди мистер Блум. – Олдин-
гизда Моулсворт-стрит. Сиз ўтмоқчимисиз? Ҳозир йўл очик.

Таёк титраганча чапга йуналди. Мистер Блум уша ёкка қараб Дрейгонинг «Париж саргарошхонаси» олдида турган нилхонанинг усти ёпиқ аравасини кўрди. Уша унинг мой суртилган саватдай сочларини кўрувдим ушанда мен. Калласи солиқ от. Аравакаш — Жон Лонг дўконига кириб кетган. Томоғини ҳўлагани.

— Арава анави ерда, — деди мистер Блум, — лекин у жойида қимирламай турибди. Мен сизни кўчадан ўтказиб қўяман. Сиз Моулсворт-стритга боришингиз керакми?

— Ҳа, — деди йигитча. — Жанубий Фредерик-стритга

— Юринг, — деди мистер Блум.

У авайлаб унинг тирсагидан тутди — кейин башоратгўйларники каби юмшоқ қўлини ушлади, олға етаклади.

Унга бир нима десакмикин. Фақат раҳмдиллик қилаётгандай бўлиб ўзини кўрсатмаслик керак. Улар сўзларга ишонмайдилар. Жуда оддий бир сўз айтиш.

— Ёмғир бу ерни четлаб ўтди.

Ҳеч бир жавоб йўк.

Пиджаги доғ-дуғ. Овқатни тузук-қурук эплаб еёлмаса керак. Барча таъмларни бошқача туяди. Олдин қошиқчада овқатлантиришга тўғри келган. Қўли худди боланикидай. Илгари Миллининг қўли шундай эди. Сизгир. Назаримда кўлимдан менинг қандайлигимни билиб олади. Қизик исми бордир. Ёпиқ арава. Таёғи отнинг оёғига тегмаса бас: оғир юк тортган жонивор майли дам олсин. Ана шундай. Ҳаммаси жойида. Букани ортидан — отни олдидадан ўт.

— Раҳмат, сэр.

Мен эркаклигимни билади овозимдан.

— Жойида бўлдими? Энди биринчи қайилиш чапга.

Кўр йигитча таёқчаси билан йўлка четини топиб, уни тўқ тўқ уриб йўлида давом этди.

Мистер Блум нобино қадамлар ва арчагулли ҳалпиллаган твид костюм ортидан борарди. Бечора йигитча! Лекин у қандай муъжи за билан билди анав ерда ёпиқ арава турганини? Демак, қандайдир сезган-да. Балки уларнинг манглайларида кўрадиган кўзлари бордир: шарпа қорани ҳис қилишар балки. Қоронғилиқдан ҳам қоронғироқ алланарсани, вазн ва шаклни сезишар. Қизик, бирон нарсани олиб қўйилса у сезармикин. Бўшлиқ сезгиси. Тошларни дўқиллатиб уриб юриб у Дублинни қандай ғалати бир тарзда тасаввур қилсайкин? Тўғри йўлдан таёксиз юриб бора олармикин? Рухоний бўлишга тайёрланаётган одамдай юзи қонсиз ва итоатгўй.

Пенроуз! Анов йигитнинг исми шарифи шундай.

Кўр улар қанчадан-қанча турли-туман нарсаларни қила билишади. Бармоқ билан ўқишади. Роялларни созлашади. Биз эса уларнинг қандайдир ақли борлигига ҳайрон қоламиз. — Ҳар қандай ногирон ёки букир биз ўзимиз ҳам биладиган сўзни айта қолса, дарров бизга ақлли бўлиб туюлади. Албатта, бошқа ҳислар ўткирлашади. Тикишни билишади. Саватлар тўқишади. Одамлар уларга ёрдам беришлари керак. Мисол учун мен Моллининг туғилган кунига ишларини солиб қўядиган саватча тортиқ қилишим мумкин. Лекин унинг тикишга сира тоқати йўқ. Яна жаҳли чиқиб ўтирмасин. Уларни тағин сўкир ҳам дейишади.

Улар ҳид билишга ҳам кучли. Ҳар ёқдан ҳидлар ёпирилади, омухта бўлиб, қоришиб. Ҳар кўчанинг ўз ҳиди бор. Ҳар одамнинг ҳам ҳиди ўзгача. Кейин баҳор, ёз: ҳидлар. Таъм билиши-чи? Майнинг мазасини юмуқ кўз билан ёки тумов пайтида билиб бўлмас эмиш. Қоронғи ерда тамаки чексанг ҳам, роҳати унчалик татимас экан.

Мисол учун хотинлар билан қандай экан-а. Агар кўрмасанг, уяти камроқ бўлади. Ҳов ана, Стюарт Институти олдидан бир қизгина ўтиб боряпти, димоқ-фироқ осмонда. Кўриб қўйинг бизни. Мана мен ўзим, барча яроқ-аслаҳаларим шай. Бу жуда қизиқ бўлса керак-а, қизни кўрмасанг. Йигитчанинг тасаввурида шакл, тарҳ ҳақида қандайдир тушунча бор. Овоз, ҳарорат: йигитча қизчага қўлларини теккизганда, унинг тарҳи, дўмбоқликларини қарийб кўргандай бўлиши керак.

Мисол учун унинг сочларини силайди. Айтайлик, қизнинг сочи қора. Қойил. Буни Қора дейлик. Кейин унинг оқ баданини силайди. Бунинг сезгиси бўлак чамаси. Оқлик сезгиси.

Почта. Жавоб ёзиш. Бугун оворагарчилик кўп. Унга икки шиллинг ёки ярим крон пул жўнатсам. Мендан арзимас совғамни қабул эт. Мана, қоғоз дўкони ҳам шу ерда. Бироз шошмайлик. Аввал ўйлаб олай.

Унинг бармоқлари енгил ва жуда секин ҳаракат қилиб қулонинг тепасидан орқага таралган сочларини силади. Яна бир марта. Ингичкадан ингичка сомон парчаларидай. Кейин худди шундай енгил оҳиста ҳаракат билан ўнг юзининг терисини силаб қўйди. Бу ерда ҳам майин туклар ўсибди. Унчалар силлиқ ҳам эмас. Энг силлиқ жой қориннинг пастиди. Атроф кимсасиз. Фақат анов Фредерик-стритга буриляпти. Чамаси Ливенстоннинг рақс синфларидаги роялни созлаш учун боряпти. Балки мен шимимнинг тасмаларини тўғрилаб оларман.

Дореннинг қовоқхонаси олдидан ўта туриб, у қўлини шими билан нимчасининг орасига тез тикди-да, кўйлагини бироз кўтариб қорнининг андак қаватланган терисига тегиниб пайпаслади. Лекин мен биламан-ку, ахир у оқиш-сарик. Мабодо қоронғида бўлса нима бўларкин, кўриш керак.

У қўлини чиқариб, кийимларини тўғрилади.

Шўрлик! Ҳали оғзидан сут кетмаган. Бу ёмон. Жуда ёмон. Кўзи кўрмайдиган одамнинг тушлари қандай бўларкин? Унинг учун ҳаёт уйку. Сен шундай туғилган эсанг адолат қайда ўзи? Нью Йоркда денгиз саяҳати пайтида қанчадан-қанча хотинлар ва болалар ёниб, чўкиб кетди ҳаммаси¹. Гекатомба². Бу бахтсиз толе ўтмиш ҳаётингда содир этилмиш гуноҳларнинг ўтиши кўчириш метампсихоз метин пўлиса оз. Ё худойим, худойим, худойим. Албатта, жуда ачинарли — аммо қандайдир нимадир борки уларга ҳақиқий маънода яқинлашиб бўлмайди.

Сэр Фредерик Фолкинер масонлар биносига кириб кетяпти. Худди Трой³ каби жиддий. Эрлсфорт-террасдаги уйида тўйиб нонушта қилиб олган. Эски судья оғайнилари билан бирга шиша бўшатишган. Судлар ва кўчма сессияларнинг тарихлари, кўкмундирлилар мактабининг латифалари.

Мен уни ўн йилга кесдим. Менимча у боя ичган шаробимдан ичиб кўрса, тоза афтини буриштирарди. Уларга фирмаларнинг вино омборларидан олиб чиқишади, шишаларни ғубор босган, ҳар бирига солинган йили кўрсатилган. Суднинг адолати нима деганда, унинг ўз тушунчаси бор. Яхши пиятли мўйсафид. Полиция маълумотларида ишлар тикилиб ётибди, ўзлари учун фоизини оширишади, арзир-арзимас нарсалардан жиноятлар ясашади. У эса бунақа ишларнинг барини ўзларига қайтаради. Судхўрларни додиши беради. Рувим Ж ни бутунлай балчиққа қориштириб ташлади. Унинг жаззаси шу, ҳамон ифлос жухуд деб айтгандан кейин. Судларда ҳокимият катта. Ясама соч кийган жанжалкаш қари чоллар. Ўқрайиб қарайди. Худонинг раҳми келсин ширин жонингга.

Қара, афиша. Майрас хайр-саховат бозори. Генерал-губернатор ҳазрат олийлари. Ўн олтинчида. Демак, бугун. Мерсер ка-

¹ 1904 йил 16 июнда Ист-Ривер дарёсида кемада ёнғин чиқиб, 500 бола ва аёллар нобуд бўлишган эди.

² *Гекатомба* — қадимги Юлонистонда 100 та буқанинг қурбонлик қилиниши. Кўчма маънода улуғ қурбонлик.

³ *Трой* — Дублин архиепископларидан бири.

салхонасига ёрдам. «Мессия»нинг илк ижроси мана шу касалхонага ёрдам тариқасида бўлган эди. Ҳа. Гендел Э, балки у ерга бориш керакдир: Боллсбриж. Ключчига кириб ўтиш. Э йўқ, унга тикилинч қилиш керак эмас. Муносабатлар бузилиши мумкин. Кираётганда танишлардан биронтаси йўлиқиб қолса аҳтимол.

Мистер Блум Килдер-стритга чиқди. Биринчи галда шу ерга. Кутубхонага.

Похол шляпа офтобда йилтираб кетди. Қўнғиз нусха пойабзал. Манжетли шим. Худди шундай. Худди шундай.

Юраги андак ҳаприқди. Ўннга. Музей. Илоҳалар. У ўннга бурилди.

Э аниқми? Ишончим комил. Қарамайман. Юзим шаробдан қизарган. Менга нима бўлди? Тез юрдим чоғи. Ҳа, худди ўзи. Қадамлаб. Қарама. Қарама дейман. Юр, юравер.

У музей дарвозасига катта, лекин ишончсиз қадамлар билан яқинлашаркан, бошини кутарди. Қўркам бино. Сэр Томас Диннинг лойиҳаси бўйича қурилган. У орқамдан келмаяптими?

Балки мени пайқамагандир. Қўзига қуёш тик тушиб турибди.

У қисқа-қисқа ҳарсиллагандай нафас ола бошлади. Тезроқ, муздек совуқ хайкаллар: у ёқ тинч. Яна бир дақиқа ва мен қутулдим.

Йўқ, у мени кўрмади. Иккидан сўнг. Дарвоза ёнида.

Юрагим уриб кетди!

Унинг кўз қорачиқлари қисқариб тошдаги пушти жингала изларига тикиларди. Сэр Томас Дин грек меъморчилиги вакили эди.

Нимадир излайман мен.

Қўлини шошилишч қўнтагига тез суқди, олиб, шундоқ ўкиди. Агендат Нетаим. Қаерга кетяпман?

Ташвиш-ла бокиб.

Тезгила яна Агендатни жойига қўйди.

Хоним тушдан кейин деган.

Мен уни қидиряпман. Ҳа, уни, барча қўнтақларингни қара. Рўмолча. «Фримен». Қаёққа кетяпман? Эҳ-ҳа-я. Шимимда бир дона картошка. Ҳамён. Қайга?

Жадалла. Тинчлан. Яна бир зум. Қандай уряпти-я юрагим.

Тимирскиланган қўл ўша қаерга қўйдим шимнинг қўнтагидан совун бўлагини топиб олди лосйон олиш керак исиб кетибди қоғози ёпишиб қолибди. А ҳа, совун шу ерда мен ҳам. Дарвоза.

Қутулдим!

9-ВОҚЕА

Муҳиб-кутубхоначи уларни назокат билан тинчлантириб, овозини пастлатиб вирди забон қиларди:

— Ахир бизда бор-ку, «Вилгелм Мейстер»нинг ўша бебаҳо саҳифалари, тўғри эмасми? Улуғ шоирнинг — ўз санъаткор биродари ҳақида ёзганлари. Кулфатлар уммонига қарши беомон жангга кирган, жонли ҳаётдаги каби шубҳа-гумонлар ва қарама-қаршиликлар ичида ўрганиб-қуйган, иккиланган ҳаросон кўнгили.

У саҳтиён банимоғини бал рақсига тушаётгандай гижирлатиб бир қадам олдинга чиқди ва яна рақсни адо этаётгандай яраклаган паркет узра бир қадам ортга ташлади.

Индамас ёрдамчиси оҳиста эшикни очиб, унга сассиз бир ишора қилди.

— Бир зум, — деди муҳиб-кутубхоначи гирчиллатиб қадам ташларкан, яна одимларини секинлатиб. — Ҳаётга сира мослашолмаган гузал ҳаёлпараст шафқатсиз борлиқ билан азобли тўқнашувларда. Ҳаётнинг муҳокамалари қанчалар ҳақиқат бўлганлигига доим имон келтирасан киши. Уларнинг ҳақиқати янада те-ранроқ таҳлилларда аён бўлади.

У сарой залида рақс этаётгандай оёқ остини икки бора гижирлатиб таҳлилини ўзи билан олиб кетди. У ялтироқ бошини камоли эҳтиром билан эгиб, эшик олдида ёрдамчисининг сўзларига камоли диққат билан катта қулоқларини тутди: сўзларни тинглади: кириб кетди.

Икковлон қолдилар

— Мсё де ла Паллис, — заҳарханда кулимсади Стивен, — ўлимидан чорак соат илгари ҳали тирик эди.

— Сиз олтита валломат табобатчиларни топдингизми? — мияси ачиган чолларга ўхшатиб сўради Жон Эглингтон. — Улар сиз айтиб турсангиз, «Йўқолган Жаннат»ни ёзиб олишардими? Буни у «Шайтоннинг надоматлари» деб ҳам атайди.

Тиржайгил. Крэнли тиржайиши бирлан тиржайгил.

Аввал хўксига босди
Кейин силтади силаб
Қизчага у негадир
Найча қўйди уқалаб.
Булмаса ўзи доктор
Шўх йигит тенги йўқдир...

— Менимча, «Хамлет» учун сизга яна битта ошиқча керак бўлади. Етти рақаами фасихлар учун жуда қимматли. В. Б. ибораси билан айтганда, порлоқ еттилик.

Столдаги кўк чирок ёнида ўтирган олов сочли йилтиркўз ўзидан наридаги зумрад қоронғилиқдан юзини соқол босган, оллаб, қуддускўзни қидиради.

У секин қулди: Расмий Тринити коллежи толибининг қулгиси. Жавоб олинмаган қулги.

Серовоз иблис тинмай хўнграбон
Фариштадай йиғлади оқиб кўз ёши.
Ed egli avea delcui fatto trombetta¹.

Менинг телбаликларим унга гаровга қўйилган.

Аждодларнинг ерларини озод қилиш учун Крэнлига Уиклоудан ўн битта азамат керак.

Яна тўрт зумрад яйлов эгаси чўтир Кэтлинни²: унинг уйига бегона³ кирган. Уни қутлайдиган яна кимдир бўлиши керак: аве, равви:

Тайнахилидан келган ўн икки валломат у водийда сояда ғув-ғув сайраб уларни чорлайди. Қўнгил ёшлигини унга берганман: кечама-кеча. Худо мадақкор. Овингиз бароридан келсин.

Менинг телеграммам Маллиганда.

Телбалик. Қаттиқ тургаймиз телбаликда.

— Бизнинг ёш ирланд бахшиларига, — оғир ҳукм ўқигандай давом этди Жон Эглингтон, — англосакс Шекспирнинг Хамлети ёнида туришга сазовор сиймони яратишга ҳали вақт бор; гарчи мен худди мўйсафид Бен сингари унга қойил қоламан-у, лекин асло санам қилиб сиғинмайман.

¹ Орқасини қувур қилиб кўрсатди (*итал.*) Данте. Дўзах. XXI.

² Йейтснинг «Кэтлин» пьесасида Кэтлин эзилган, аммо гўзал Ирландия тимсоли. Тўрт зумрад ўтлоқ — Ирландиянинг тўрт вилояти.

³ *Бегона* — инглиз мустамлакачиси.

— Булар ҳаммаси соф илмий масалалар, — овоз чиқарди Рассел ўзи ўтирган коронги, бурчақдан, — Ҳамлетнинг кимлигини ё Шекспирнинг ўзи, Яков Биринчи, ё Эссекс айтсин. Черков намояндалари Иисуснинг тарихийлиги ҳақида баҳслашганлар. Санъат бизга шаклдан маҳрум бўлган ғоялар, руҳоният моҳиятларини очиб беришга чорланган. Санъат асарининг асос масаласи — уни дунёга келтирган ҳаётнинг қанчалар теранлигини кўрсатиш. Гюстав Моронинг рангтасвири — бу — ғоялар рангтасвири. Ҳамлетнинг нутқлари, Шеллининг бениҳоя теран шеърлари онгимизга мангу донишмандликка, Афлотун ғоялари оламига ошно бўлишимизга имкон беради. Шулардан бошқа ҳаммаси шогирдларнинг шогирдларининг бекорчи ўй-хаёлларидир.

А.Э. америкалик аллакимга берган суҳбатда шундай бир гапни орага қистириб ўтган: Х-ўўп, котирдингиз-да, Худо урсин проф!

— Ҳамма олимлар ҳам аввалда шогирд бўлишган, — деди Стивен ҳаддан зиёда одоб билан. — Аристотель ўз вақтида Платоннинг шогирди эди.

— Ишончим комилки, у кейин ҳам шундай бўлиб қолмиш, — такасалтанганиб деди Жон Эглинтон. — У одамнинг кўзига қўлтиғига мактов ёрлиғини қистириб юрган, ҳаммага ўрнак бўладиган ўқувчи бўлиб кўринади.

У соқолдор Зотнинг башарасига қараб кулди, жавобига ҳам кулги бўлди.

Шаклдан маҳрум руҳоният. Падар Калом ва Муқаддас Нафас. Умумпарвар, самовий инсон, Иёсос Кростос, гўзаллик афсунгари. Логос (калом) ҳар дамда биз учун изтироб чекур. Бу ҳақиқатан ҳам ўша. Мен меҳроб узра нур. Мен мойман қурбонлик учун.

Данлоп, Жаж, румолик эса ҳаммадан ортиқ олижаноб эди, А.Э., Арвал, Айтилмаган Исм, Олий шон самоларда: К.Х., уларнинг мурушиди, унинг кимлиги бохабарлар учун сир эмас. Буюк оқ тақянинг биродарлари бизнинг ёрдам керакмасми деб, кечакундуз кўз юймайдилар. Христос ҳамшира-қаллиқ билан бирга, дунё шабнами, бокира қиздан янгиланмиш қалб бирла дунёга келган, тавба-тавалло айлагувчи оқила, Будда томон йўл тутмиш. Эзотерий ҳаёт оддий одми одамга тўғри келмас. О. Ч. аввало ўзининг паст толейидан халос бўлмоғи жоиз. Бир куни миссис Купер Оукли бизнинг улуғвор ҳамширамыз Е. П. Б. нинг юлдузини бир зум кўришга муяссар бўлмиш.

Уф-ф, намунча бемаза! Pfuiteufel!!¹ Рост, яхшимас, оймиз, жуда ҳам яхши эмас хонимнинг юлдузи кўзга чалинганда унга нигоҳназар ташламоқ.

Мистер Супер кириб келди — ёш, дароз, енгил ва назокатли. Унинг қўли нафосат ила дафтарча тутиб турарди — катта, чиройли, тоза ва сараңжом.

— Ана ўша ўрناق бўладиган шогирд. — деди Стивен, — у Ҳамлетнинг ўз мунир қалбининг келажак ҳаёти борасидаги хаёлларини — шу нотабийй, нокерак, нотамом сўз шовваларини — худди Платон ёзувларидай сийқа — деб ҳисобласа, ажабмас.

Жон Эглингтон қовоғини солганча дарғазаб жўш урди:

— Мен онт ичаманки, Аристотелни Платон билан таққослашганларида томирларимда қоним қайнаб кетади.

— Айтинг-чи, улардан қайси бири, — сўради Стивен, — мени ўз давлатидан қувғин қиларди?

Таърифларнинг ханжарлари — қинлардан чиқарилсин!

Байталиийлик бу — умумбайталнинг нимавийлиги. Улар эонлар ҳамда майлларнинг мавжларига сиғинулар. Худо — кўча шовқини: перипатетиклар руҳига тўғри келади. Макон — сенинг истайсанми, истамайсанми, кўз ўнгингдаги нарса. Инсон қонининг кичик қизил қош таначалари Блэйкнинг икки думбаси билан изма-из маконлар оша абадиятга сизғиб ўтдилар, бунинг ушбу ўсимлик дунёси — фақат соя, холос. Шу ерда ва ҳозирни маҳкам тут, зеро мана шулар оралаб келажак ўтмишга қараб ботади.

Дўстона ҳиссиётларга тўла мистер Супер ўз ҳамкасбига ёндашди.

— Хейнс эса кетди, — маълум қилди у.

— Э шундайми?

— Мен унга Жюбенвилнинг анов китобини кўрсатган эдим. Биласизми, у Ҳайднинг «Коннахтнинг ишқий қўшиқлари» китобидан қаттиқ ҳайратга тушди. Уни бу ердаги мубоҳасани тинглашга олиб келолмадим. У Гиллнинг дўконига чолиб кетди ўша китобни сотиб олгани.

Димоғдор ўқувчи ҳукмига,
Китобим, сени йўлладим.
Ожиз ушбу англиз тили,
Чекингга тушганин ўйладим.

¹ Ёмон уят! (Нем.)

— Торф ботқоқларимизнинг уфунати унинг бошини айлан-тириб қўймиш, — тахминлади Жон Эглинтон.

Бизким, инглизлар, англаймиз — Тавба қилаётган ўғри. Кетди. Мен эса унинг тамакисига шерик бўлдим. Живирлаган кўк тош. Денгиз кўзига қўйилмиш зумрад.

— Ишқий қўшиқлар қанчалар хавфли бўлиши мумкинлигини одамлар билмайдилар, — Расселнинг тухумсимон шуълалари буни хурофан огоҳлантирмиш. Дунё тўнтаришларини келтириб чиқарадиган ҳаракатлар қандайдир бир деҳқоннинг қалбидаги орзу-хаёллари ва рўёларидан тепа ёнбағрида туғилади. Улар учун замин зироат экиладиган ер эмас, тирик онадир. Академиянинг ва саҳнанинг диққинафас ҳавоси икки чақалик роману кафешантан қўшиғинигина дунёга келтиради. Франция Малларме тимсолида бузуқликнинг бениҳоя нафис гулини яратади, аммо Ҳомер феаклар¹и яшайдиган орзу-аъмолдаги ҳаёт фақат бизнинг руҳиятимиз томонидан кашф этилур.

Шу сўзларни айтиб, мистер Супер Стивенга муроса назари билан боқди.

— Биласизми, — деди у, — Малларменинг ажойиб насрий шеърлари бор, Стивен Маккенна уларни менга Парижда ўқиб бермиш эди.

Уларнинг бири «Ҳамлет» ҳақида. У: «Il se promene, lisant au Livre de Lui-meme²» — дейди. Тушундингизми, ўзи ҳақида ўзи китобни ўқиб.

У француз вилоят шаҳарчасида «Ҳамлет»ни қандай қўйганларини тасвирлайди, тушундингизми, чекка бир шаҳарча. У ерда шундай афиша чиқаришган.

У буш турган қўли билан ҳавода майда нафис белгилар чизди.

HAMLET OU LE DISTRAIT Piесе de Shakespeare³

У яна бир карра тиришган Жон Эглинтоннинг манглайига қараб деди:

¹ Феаклар — Одиссей ўз саргузаштларида дуч келган қавм — тиш, бахтиёр умр кечирган. Ажойиб-ғаройиб Схерия деган оролда яшаганлар, ажойиб-ғаройиб кемаларда денгизларда сузишган.

² У ўзи ҳақида ўзи китобни ўқиб кезинур (франц.).

³ Ҳамлет ски паришон Шекспир пьесаси (франц.).

– Pice de Shakespeare, тушундингизми. Французлар шундай бўлишади, худди уларнинг руҳида. Hamlet ou...

– Беташвиш гадо, — тугатди Стивен.

Жон Эглинтон кулиб юборди.

– Ҳа, бу жуда тўғри келади, — рози бўлди у. — Ҳеч шакшубҳасиз ажойиб одамлар, лекин баъзи бир масалаларда ҳайрон қоласан, ҳеч узоқни кўришмайди.

Қотилликларнинг тантанали-тўпори ғарами.

– Роберт Грин уни юрак жаллоди деб атаган, — сўзлади Стивен. — У болтасини силкиб, қўлига туфлаб турган қассобнинг ўғли бўлгани бежиз эмас. Унинг отасининг битта ҳаёти учун — бошқа тўққизта ҳаёт қурбон бўлган. Арафотда Бузрук Падар бор бўлгай. Хаки кийган хамлетлар ҳеч иккиланмай отади. Бешинчи саҳнадаги конли қирғин — Суинберн куйлаган конлагернинг башорати.

Крэнли, мен унинг гунг жиловбардори, жангларни кузатар йирокдан.

Оналари ва болалари ғанимнинг

Биздан ўзга шафқат қилмас уларга...

Сакс табассуми ва ёки янки қиҳ-қиҳи. Сцилла ва Харибда.

– У: «Ҳамлет» бу — шарпалар воқеаси деб исботлашга уринади, — деб пшанг берди Жон Эглинтон мистер Суперга қарата. — У «Пиквик клуби»даги семиз йигитга ўхшаб бизнинг жисмимиз даҳшатдан қотиб қолишини истайди.

О, тингла, тингла, тингла!

Жисмим унга кулоқ тутар: тек қотиб эшитар.

Ва агарда сен...

– Шарпа ўзи нима, нима дегани? — деб сўради Стивен шахд билан, тўлқинланиб. — Ўлим боис ёки хулқларнинг йўқолиши ва ё ўзгариши туфайли сезилмас бўлган алланима-баломи? Бузуқ Париж маъсум Дублиндан қанча узоқ бўлса, Елизавета даврининг Лондони ҳам Стратсфорддан шунчалар йирок. Limbo patrum¹ дан бўлган, уни унутиб қолдирган дунёга қайтаётган ўша шарпа ким ўзи? Ким қирол Ҳамлет?

Жон Эглинтоннинг жиккак жисми кимираб тебранди ва чамасига етолмай ўзини орқага тортди.

¹ Оталар диёри (лот).

Чўкиди.

— Июннинг ўртаси, кундузги мана шу вақт, — деб бошлади Стивен диққат қилишни сўраб нигоҳини тез югуртириб. — Дарё бўйидаги театрнинг томида байроқ илинган. Нарирокда, Париж боғида айиқ Саккерсон ўз ўрасида бўкириб ётади. Илгари замонларда Дрэйк билан уммонларда бўлган қари денгизчилар одамлар ичида тикка туриб колбасаларини чайнашади.

Маҳаллий ўзига хослик. Нима билсанг, жағиллайвер. Иштирок этиш шарафини уйғот.

— Шекспир Силвер-стритдаги гугенотлар уйидан чиқиб келди. Мана у оққушлар боғчалари ёнидан ўтиб боряпти. Лекин у қамқушлар орасига полапонларини ҳайдаётган она оққушни боқиб учун тўхтамайди. Оққуш Эйвоннинг эса хаёллари бошқа.

Жой тасвири. Муқаддас Игнатий Лойола, тез ёрдамга кел!

— Томоша бошланади. Ярим қоронғида сарой олифтасининг эски сипарини кийган, овози паст, бақувват бир эр актёр пайдо бўлади. Бу — шарпа, бу қирол, қирол ва қирол эмас, актёр — бу Шекспир, беҳуда ўтмаган бутун умрининг йилларини «Ҳамлет» ни ўрганишга, шарпа ролини ўйнашга бағишлаган Шекспир. У ўз ролининг сўзларини айтиб, унинг олдида ўлим пардасининг орқасида турган ёш актёр Бербегга мурожаат этади ва унинг исмини тилга олади:

Ҳамлет, мен ўз отангни руҳи бўламан

ва унинг гапига қулоқ беришни талаб қилади. У ўз ўғлига, дилбандига, навқирон шаҳзода Ҳамлетга, пуштикамарида бўлган фарзандига мурожаат қилади. Стратфордда ўлган Гамнет Шекспирга, унинг номини ўзига олган мангу яшайди деб, мурожаат қилади.

Наҳотки, актёр Шекспир, ўзи бўлмагани боис шарпа, кўмилган Дания подшосининг либосларини кийган, ўлим боис шарпа, ўзига мансуб сўзларни ўзига мансуб ўғилнинг (агар Ҳамнет Шекспир тирик бўлганда, у шаҳзода Ҳамлетнинг эгизаги бўларди) номини кўтариб юрган кимсага айтаётганда, наҳотки, деб сўрайман мен, наҳотки мана шу сабаблардан келиб чиқиб у мантикий хулосалар чиқармаса ёки буни назарда тутмаса, яъники: сен тахтдан жудо қилинган ўғил — мен ўлдирилган ота — сенинг онанг жинояткор қиролча, яъники, қизлик номи Хэтуэй бўлмиш Энн Шекспир, — наҳотки, наҳотки шундай бўлмоғи мумкин?

— Аммо бу буюк инсоннинг шахсий ҳаётини титкилаш, — сабрсизлик билан орага қўшилди Рассел.

Ўҳў, қария, ҳали сен ҳамми?

— Бу фақат маҳкама котибига қизиқ туюлиши мумкин. Бизнинг пьесаларимиз бор. Бизнинг олдимизда «Қирол Лир»нинг поэзияси турганда, шоирнинг қандай яшагани билан нима ишимиз бор? Вилйе де Лил айтгандай, одми ҳаётни биз учун бизнинг хизматкорларимиз яшаса ҳам бўлаверади. Нима кераги бор искаб топишни: шоир ичарди, шоир қарзга ботганди. Бизнинг қўлимизда «Қирол Лир» мавжуд ва у абадийдир.

Сўзлар аталган кимса — мистер Супернинг юзи розилик аломатини билдирди.

Сенга тобе сувларни оқизгил бошимиздан
Мананаан, Мананаан, Мак-Лир...

Ҳой, омон бўлгур, сен оч қолганда, у бир фунт берган эди, ўша нима бўлди?

О, бўлмасам-чи, мен ёмон муҳтож бўлмиш эдим.

Шу тилла танга сеники, ол.

Валдирашни қўй! Сен уни кашишнинг қизи Жоржина Жон соннинг тўшагида қолдириб келгандинг. Кўнгил патоси.

Сен қарзингни тўламоқчимисан?

О, ҳеч шубҳасиз.

Қачон ахир? Ҳозирми?

Хўп... Ҳозир эмас.

Унда қачон?

Мен ҳеч кимдан қарз эмасман. Қарз эмасман.

Тинчлан. У Бойннинг нариги қирғоғидан. Шимоли-шарқдан. Қарз эса елкангда.

Йўқ, шошма. Беш ой бўлди. Молекулалар бари ўзгаради. Мен энди бошқа менман. Қарз олганда бошқа эдим.

Наҳотки? Оҳ-оҳ-оҳ!

Аммо мен энтелеҳия¹ман, шаклларнинг шакли, хотирам ту файли сақлайман, зотан шакллар тўхтовсиз ўзгариб туради.

Мен, ўша гуноҳ қилган, ибодатга турган, рўза тутган менман.

Ота Конми саваланишдан қутқарган бола.

¹ Ички ҳаёт қуввати. Мисол учун, жон, дил табиий тананинг ҳаёт кучи, энтелеҳияси.

Мен, мен ва мен. Мен.

А.Э. Мен сиздан қарздорман.

— Сиз уч юз йиллик анъанага қарши чиқмоқчимисиз? — захарханда килиб сўради Жон Эглингтон. — Хонимнинг шарпаси ҳеч кимни ҳеч қачон безовта қилмаган. У адабиёт учун — тамом бўлган — ҳар ҳолда ўзи шуғулланмасдан бурун.

— Хоним ўлган, — қайтарди Стивен, — ўзи туғилгандан олтиш етти йил кейин. Хоним унинг ҳаётга кириб келаётгани ва ундан чиқиб кетаётганини кўрган. Хоним унинг илк маъшуқаси эди. У ўлим тушагида ётганда хоним қовоқларига чақалар қўйиб, унинг кўзларини ёпган.

Ўлим тушагида ётган онам. Шағам. Парда тортилган кўзгу. Менга ҳаёт ато этган хилқат кўзларига чақалар босилганча, арзон гуллар кучоғида ётадир бунда. *Liliata rutilantum*.

Мен ёлғиз йиғладим.

Жон Эглингтон ўз чироғи олдидаги жизғинак бўлган парвонага тикилиб турарди.

— Шекспир хато қилган деб ҳисоблашади, — сўзлади у, лекин хатосини иложи борича тезроқ тузатиш пайида бўлган.

— Бекор гап! — кескин гапирди Стивен. — Даҳо хато қилмайди. Унинг тентирашлари атайин, улар кашфиётларнинг дарвозаси.

Кашфиёт дарвозаси ғирчилламай очилди ва сочи тўкилган, шалпангқулоқ, кордон муҳиб-кутубхоначи ичкарига кирди.

— Қайсар хотинни, — деб қайсарона эътироз билдирди Жон Эглингтон, — кашфиётлар дарвозаси деб тасаввур қилиш жуда қийин. Қизик, Сократ қандай кашфиёт қилган экан. Ксантиппа туфайли?

— Диалектикани ихтиро қилган, — жавоб берди Стивен, — волидаси туфайли эса тафаккурнинг туғилиши санъатини. У ўзининг бошқа хотини Миртодан (*absit nomen!*¹), Эпипсихидион Сократид-идиондан нимани ўрганганлигини на биронта эркак ва на биронта аёл киши билади. Бироқ на доясининг ақл-фаросати ва жаҳл аралаш айтилган ўғит-насихатлар уни Шинн Фейн архонт²ларидан ва на гулкосада тутилган захар цикута³дан қутқара олди.

¹ Номини тушириб қолдирамиз! (*Лот.*)

² Олий мансабдор шахс.

³ Сократга ичирилган захар.

— Аммо ҳар қалай Энн Хэтуэй? — янгради мистер Супернинг паст мурасисиз овози. — Чамаси, биз уни упутиб қўяётир-миз худди илгари Шекспир уни унутгандай.

У пигоҳини хаёл чулғаган соқолдан оғудай йилтираган сочсиз бошга олди, самимий эслатиб қўйгиси ва танбеҳ бергиси келди, кейин назари бегуноҳ тақир тепада тўхтади.

— Чақага чакса унинг ақли анча-мунча қиммат турарди, — деди Стивен, — хотираси ҳам унчалар илма-тешик эмасди. У «Ташлаб келдим маъшуқамни» куйини хуштак чалиб пойтахт шаҳарга кириб келган маҳалда, ўз хотираларини ўзи билан бирга олиб келганди. Вақтини ер қимирлаган кунга қараб айтмаганда ҳам, буларнинг бари қаерда бўлиб ўтганлигини биз билишимиз керак эди — кучуклар тинмай акиллайди, шўрлик қуёнча кавакда биқиниб қалт қалт титрайди, рўпарада эса ранго-ранг от жилов ва араванинг икки мовий дарчаси. Мана шу эсдаликлар, «Венера билан Адонис» ҳар бир лондонлик ойимқиз хобхонасининг қўли етадиган жойда турарди. Ахир, ҳақиқатан ҳам, қайсар Катарина шунчалар кўримсизми? Ҳортензио уни навниҳол ва гўзал деб атайди. Ёки сиз «Антоний ва Клеопатра»нинг муаллифи, эҳтиросли сайёр, бутун Уорикширдаги энг палакат мегажини ўз ёстиқдоши қилиб танлаб, бирдан бутунлай кўр бўлиб қолди, деб ўйлайсизми? Тан олайлик: у эркаклар дунёсини бўйсундириш учун хонимдан юз ўгирди. Аммо унинг йигитчалар ўйнаган аёл қаҳрамонлари — булар йигитчаларнинг аёл қаҳрамонларидир. Бу аёлларнинг ҳаёти, уларнинг фикри, сўзлари — булар ҳаммаси эркак тасаввурининг маҳсулларидир. У яхши қизни танламабдими? Менинг назаримда, у танламаган, уни танлашган. Бизнинг Вилл ўзи эркалатиб юрган бошқа қизларни, лекин фақат Энн бўйнига солган арқон. Баҳс бойлашаманки, айб фақат қизнинг ўзида. Йигирма олти ёшли шўх-шан қиз уни бошлаб ўзига боғлаб олган. Йигитча Адонис узра эгилган кўк кўзли илоҳа куйи тушар эгалламоқлик учун, бўлиб бу юксалмоқнинг бир дебочаси, худди мана шу стратфордлик ойимқизнинг ўзгинаси, у ўзидан анча ёш ошиқни буғдойзорда ерга босиб...

Менинг навбатим келдими? Қачон?

Кел-эй!

— Жавдарзор эди, — дея тўғрилади мистер Супер ўзининг янги дафтарини тепага чароғон ва шодумон кўтариб чароғон ва шодумон ҳолда.

Кейин ҳамманинг эътиборига қарата оқпарона кўнгилхушлик билан овозини пасайтириб эслатди:

Жавдарзорда лаблар ёпишди,
Кўкраклар ҳам маҳкам қапишди.

Парис: кўнгил овловчи, кўнглини хўб овладилар.

Дағал жун либосли давангир қоронғидан қад кўтарди да, ўзининг ясама соатини чиқарди.

— Афсус, мен «Хомстед»га боришим керак.

Қаёққа дейди? Ишлов берилгувчи тупрок.

— Сиз кетяпсизми? — сўроқланиб кўтарилди Жон Эглингтоннинг ўйноқи қошлари. — Оқшом Мурникида кўришармиз? У ерга Пайпер келади.

— Пайпер? — қайта сўради мистер Супер. — Пайпер қайтиб келдими?

Питер Пайпер масту мустағрақ бўлиб, тўкди шафтолилар узра ковулларни.

— Қайдам, улгурмасман. Пайшанба. Мажлисимиз бор. Агар вақтлироқ кетишнинг иложини қилсам.

Жўғилоҳшир Доусоннинг мебелли хоналарида жойлашган экан-да. «Чодирсиз Изида». Уларнинг пали тилида ёзилган муқаддас китобини биз қандай бўлмасин беркитиб қўйишга уриндик. Дангалига пул тикиб соябон остида оёқларин чордана қуриб ацтек малики ўлтирар, ул Логос аниқлаб буржларнинг даражаларин, олийшон жон, маҳамахатма. Мусаддиқларнинг биродарлари, шогирд тушмоқлик учун етилган герметистлар унинг теграсида қўшиқ айтиб ўйинга тушдилар, нур ёғилишини кутадилар. Луис Х. Виктори, Т. Колфилд Ирвин¹. Нилуфар қизлари² асиру мафтун бўлишиб уларнинг кўзларига термуладилар, уларнинг гуддасимон ишк безлари алангаи оташ бўлиб ёнади. У эса ўз илоҳига фарқ бўлиб, шохлик қилади, бамисоли банан соясидаги Будда. Кўнгилларни ўз комига тортгувчи ва гирифтор этгувчи. Эркакларнинг кўнгиллари, хотинларнинг кўнгиллари, кўнгиллардан кўнгил озурда. Қуюн чирпирак қилиб учуриб кетаётиб, фарёдлари ер-кўкни тутаётиб, улар чарх уриб нола-афғон чекаётирлар.

¹ Луис Х. Виктори, Т. Колфилд Ирвин — XIX аср ирланд адабиётчилари.

² Нилуфар қизлари — ҳинд асотирларида парилар.

— Адабиёт оламида бизни бир ғаройиб воқеа кутаётганини айтишяпти, — дўстона ва жиддий оҳангда сўз қотди муҳиб-кутубхоначи. — Овозаларга қараганда, мистер Рассел бизнинг ёш шоирларимизнинг мажмуасини тайёрлаган эмиш. Биз жуда қизиқиб кутяпмиз.

У чироқнинг шуълалари ёритган, йилтираб турган уч башарага ҳам катта қизиқиш билан қараб қўйди.

Кўргил ҳам эсингда тутгил.

Стивен тиззаси орасида таёқча учида қимирлаб турган ҳали каллага қўнмаган таъвия шляпага бошини эгиб нигоҳ ташлади. Менинг дубулғам ва шамширим. Кўрсаткич бармоқ учи билан аста тегиниб қўяйлик. Аристотель тажрибаси. Биттами иккитами? Нарсаларга бошқача бўлишнинг сира имкони бўлмаган ҳол бу — зарурат. Мавжуд битта шляпа, демак, бу — битта шляпа.

Диққат қилгил.

Ёш Кодем билан Старки Жорж Робертс савдо билан боғлиқ ташвишларни ўз устига олибди. Лонгворт «Экспресс»да бу ҳақда бошлаб жар солади. О, чинданми? Менга Кодемнинг «Сорбон»и ёқди. Афтидан, унда мана шу даҳоликнинг ғаройиботлари ҳа, борга ўхшайди, ҳа. Нима сиз унда даҳонинг учқунлари бор деб ҳисоблайсизми? Йейте унинг бир сатрига қойил қолиб юрарди: «Шундай ернинг қора қаърида гоҳо антик мрамор порлайди». Чинданам шундайми? Умид қиламанки, сиз ҳам бугун борасиз. Мэйлахи Маллиган ҳам келади. Мур ундан Ҳейнсни олиб келишни сўради. Сиз Мур ҳамда Мартин ҳақидаги Митчелл хонимнинг ҳазилини эшитгандирсиз? У Мур бу — Мартиннинг ёшлик чоғларидаги гуноҳлари, дебди? Жуда топиб айтган, туғрими? Улар икковлон Дон Кихот билан Санчо Пансага ўхшашади. Доктор Сигерсон кўп такрорлагандай, бизнинг миллий эпосимиз ҳали яратилмаган. Мур бунга қобил одам. Дублиннинг маъюс тамизлик валломати. У заъфарон этак-қўйлақдами? О'Нил Рассел? У қадим улуғ лаҳжада сўзлани керак-ку. Ахир, унинг Дулсинейси-чи? Жеймс Стивенснинг ёзаётган очерклари ёмон эмас. Ҳар қалай, биз маълум даражада салмоққа эга бўлиб боряпмиз.

Корделия. Cordog Lio¹. Лирнинг қизлари ичида энг ёлғизи.

¹ Ғам-қайғу (итал.).

Овлоқ. Энди эса ўзининг Парижда орттирган ялтир-юлтирларингни курсат.

— Сиздан ғоятда миннатдорман, мистер Рассел, — деди Стивен ўрнидан қўзғаларкан. — Агар сиз ўша хатни мистер Норманга бериб қўя олсангиз эди ..

— О, албатта. Зарур деб топса, чиқаради. Биласизми, хатларимиз шу қадар кўпки.

— Тушунаман, — деди Стивен. — Раҳмат. Худо етказсин. Хинзиртахлит газетча. Ҳаддан ортиқ буқасевар.

Синг ҳам менга «Дан» учун мақола ваъда қилди. Лекин бизни ўқишармикин? Назаримда, ўқишар. Гэлл лигаси ҳам ирландча ёзилган нарса сўраяпти. Кечқурун келарсиз деб умид қиламан. Старкини ҳам олакелинг.

Стивен яна ўтирди.

Хайрлашаётганлардан қутулиб муҳиб-кутубхоначи қайтиб келди. Қизаринқираган киёфада деди:

— Мистер Дедал, сизнинг мулоҳазаларингиз буларнинг ҳаммасига ажойиб тарзда равшанлик бағишлади.

У оёқ учини ғичир-ғичир қилиб у ёқдан-бу ёққа кўтариб босар, пошна баландлиги даражасида кўкларга интиларкан, узоқлашиб бораётган қадам товушларига қоришиқ ҳолда секингина сўради:

— Демак, сизнинг фикрингизча, хоним шоирга вафосизлик қилганми?

Қаршимда ташвишли нигоҳ. Нега у яна қайтиб келди? Одоб сақлаганими бу ёки ички бир иштилишими?

— Муроса бўлган ерда, — оғиз очди Стивен, — ундан аввалроқ айрилиқ бўлиши тайин эди.

— Тўғри айтасиз.

Дағал сахтиён шим кийган Лис Христов, қувғинди, таъқибдан тезак ҳиди сасиган уяларда кочиб юрибди. Маҳрами йўқ, таъқиб этувчилардан бир ўзи кочиб боради. У ўзига хотинларни, майин жинс эгаларини, Бобул бузуқларини, судьяларнинг хонимларини, кўрс ковоқхоначиларнинг хотинларини оғдирган. Ҳозлар ва тулки ўйини. Мана энди Нью-Плэйсда — куч-қуввати кетган, шон-шавкатидан айрилган бир хилқат, бир маҳаллар у худди навнихол каби шунчалар мунис, шунчалар тоза ва шунчалар кўркем ва дилбар эди, энди эса барча барглари битта қолмай тўкилган, қоронғи гўр азобидан ваҳимага тушган, кечириб бўлмас бир зот.

— Тўғри. Демак, сизнингча...

Кетган кимса ортидан эшик ёпилди.

Хилват, кошинкор хужрага бирдан жимлик чўкди, бу тинчлик ва илиқлик хаёл суришга ундарди.

Маъшуқа ёққан шам.

Шунда у юзага чиқмаган бир воқеани ўйлайди: агар Цезар башоратчи фолбинга ишонганда, қандай яшаган бўларди, деб хаёл суради: ўшанда нималар бўлиши мумкин эди, бўлиши мумкин бўлган нарсаларнинг қандайдир имконлари — номаълум ноён нарсалар — Ахилл хотинлар орасида яшаган вақтларда уни қандай ном билан чақиришгани ҳақида ўйларди.

Менинг теграмда тобутлар, мақбараларга солинган, хушбўй сўзлар билан мўмиёланган хаёллар кезади. Илоҳ Тот, кутубхоналар ҳомийси, бошига ой қўндирилган худо-тайр. Ва мен Миср бош коҳинининг сасин эшитдим. Сопол китоблар уюлиб ётар *нақшинкор қасрларда*.

Улар кимири этмасди. Бир замонлар қайнар эди одамларнинг ақлларида. Энди тек қотган: Лек ўлим васвасаси кемирар уларни ҳамон: Ҳақиллаб қулоғимга шивирлар ўз зарбулмасалларин, иродасин зўрлаб ўтказар менга.

— Шак-шубҳасизки, — фалсафа сўкади Жон Эглинтон, — барча улуғ одамлар ичида у энг сирли бўлиб кўринади. Биз у ҳақда ҳеч нарса билмаймиз, яшаганию азоб чекканини биламиз, холос. Тўғрироғи шуни ҳам билмаймиз. Бошқалар беришар саволимизга жавоб, қолган барчаси қоронғиликка чўмган.

— Аммо ахир «Ҳамлет» — шахсий нарсалар унда шунчалар кўп, сизга шундай туюлмайдими? — Тилга кирди мистер Супер. — Мен демоқчиманки, бу худди кундаликка ўхшайди, тушундингизми, шахсий ҳаёт кундалиги. Мен демоқчиманки, мени унда ким жинояткор эканлиги ёки ким ўлдирилганлиги сира қизиқтирмайди, тушундингизми...

У стол қирғоғига гард юкмаган оппоқ дафтарини кўйди ва кескин сўзларини кулимсаб юмшатди. Шахсий кундаликнинг асли нухаси. Та ан bad ar an tir. Таим имо shagart¹. Болакай Жон, сен бунга инглиз тузидан сеп. Кичкинтой Жон Эглинтон сўз айтади:

— Мэйлахи Маллиган бизга айтиб бермиш ҳикоядан сўнг, мен кутилмаган нарсаларни кутгандим. Бироқ мен сизни огоҳлантириб қўяй: мабодо сиз Шекспир бу — Ҳамлет деган ме-

¹ Кема соҳилга келди. Мен коҳинман (ирл.).

нинг ишончимга путур етказмоқчи бўлсангиз, бу оғир вазифа, кўлингиздан келмайди.

Андак сабр-тоқат сўрайман. Стивен чимирилган қошлар остидаги заҳарли йилтираган кўзларнинг ҳеч нарсага ишонмовчи оғир нигоҳига дош берди-да, «аждаҳо, калтакесак» деб ўйлади. E quando vede L'uomo L'attosca¹. Мессир Брунетто, керакли сўзни топиб берганинг учун ташаккур.

— Худди биз, ёки — Дананинг² онасими? — деди Стивен, — молекулалар кечаю кундуз у ёқдан-бу ёққа ҳаракат қилувчи жисмоний вужудимизни тўхтовсиз тўқиб борганимиз каби ижодкор ҳам тиним билмай ўз асарини тўқиб ёзади. Худди кўксимдаги хол туғилган чоғимда қандай бўлса, ҳозир ҳам унги ёғимда шундай турганидек, бутун танам бу пайт ичида кўп марталаб янги тўқималардан қайта тўқилиб чиққанига қарамасдан, худди шундек, руҳи безовга отанинг шарпасида марҳум ўғилнинг сиймоси жонланади. Олий завқу илҳом онларида, Шелли сўзлари билан айтганда, бизнинг руҳимиз худди лангиллаб турмиш чўғ каби, илгари ким бўлганим ва эндиликда кимга айланганим ва ниҳоят келажакда кимга эврилишим ҳаммаси бирлашиб жам бўлади. Шундай қилиб, ўтмишнинг дояси бўлмиш келажак замонда мен эҳтимол, ўзимни яна бир қарра шу ерда ўтиргандай кўра биларман, лекин буни ўшанда ким эсам, унинг кўзи билан кўражакман.

Болохонадор услубга доир бу ўхшатма — Хоторденлик Драммонд³ ёрдамида амалга оширилди.

— Э-ҳа-ҳа, — мистер Супернинг навқирон саси жаранглаб чиқди. — Ҳамлет менга жуда ёш бўлиб кўринади. Эҳтимолдирки, аламлари унга отасидан ўтгандир, бироқ Офелия билан кечган воқеалар — ҳеч шаксиз ўғилнинг ўзидандир.

Осмонга нуқилмиш бармоқ. У менинг отамда. Мен унинг ўғлида.

— Мана бу қора хол ҳаммадан кейин йўқолади, — дея садо берди Стивен кула кула.

Жон Эглингтон норози бўлиб афт-башарасини буриштирди.

— Агарда бу даҳонинг белгиси бўлганда, — деди у, — даҳолар бозорда жуда арзонга сотиларди. Шекспирнинг Ренанни ҳайратга солган кейинги асарлари бошқача руҳ билан суғорилган.

¹ Одамга нигоҳ ташласа, уни заҳарлайди (*итал.*).

² *Дана* — ирланд асотирларида ер илоҳаси.

³ *Драммонд* — XVI аср шотланд шоири.

— Муроса руҳи билан денг, — шивирлади тўлиқиб муҳибкутубхоначи.

— Муроса мумкин эмас, — деди Стивен, — агар аввалда айрилиқ бўлмаса.

Бу олдинроқда айтилмиш эди.

— Агарда сиз «Қирол Лир», «Отелло», «Ҳамлет», «Троил ва Крессида»нинг қўрқинчли замонларида қандай воқеа-ҳодисаларнинг шарпа-соялари ётганлигини билмоқчи бўлсангиз, — у ҳолда ушбу соялар қачон ва қандай тарқалишини фаҳмлашга ҳаракат қилиб кўрингиз. Дунёнинг бўронларида далва-далва бўлиб кетган, худди Одиссей каби кўп нарсани кўрган, Периклдай Тир шаҳари князи бўлган кимса юрагини нима билан юмшата олади?

Чўққи қизил калпоқ кийган, қулоқчинлари туширилган, кўз ёшлари шашқатор калла.

— Болақай, қизалоқ унинг қўлида, Марина.

— Сўфистоияларнинг апокрифларнинг¹ холи сўқмоқларига ишқивозлиги бу — ўзгармас миқдор, — дея кашфиётини баён этди Жон Эглингтон. — Катта йўллар зерикарли, аммо айни улар шаҳарга олиб боради.

Мўйсафид Бэкон: бутунлай моғор босган. Шекспир — Бэконнинг ёшликдаги гуноҳлари. Рақамлар ва тамғаларни кўзбойлогич қилиб ўйновчилар катта карвон йўлларида одим отарлар. Синчков ақллар буюк изланишда.

Шаҳарингизнинг оти нима, муҳтарам алломалар? Номларга бурканмиш: А.Э. — Эон²; Сеҳргарлар — Жон Эглингтон. Қуёшнинг шаркроғи, ойнинг ғарброғи. Тиг па п-ог³. Иккаласи этик кийган, асо кўтарган жуфт⁴.

Дублингача неча мил?

Уч мартаба бешу беш

Қийинми кечга етиш?

— Жаноб Брандеснинг фикрича, — деди Стивен, — бу охириги даврнинг илк пьесаларидан.

— Йўғ-е? Бу ҳақда Сидней Ли, баъзи бировларнинг гапича, Симон Лазар нима дейди?

¹ Черков тан олмайдиган диний адабиётлар, маноқиблар.

² Эон — аср, давр (юнон.).

³ Ёшлик диёри. Бу ерда Ғарбий Ирландия маъносида (ирл.).

⁴ Рассел ва Эглингтоннинг либосларига ишора.

— Марина, — давом этди Стивен, — бурон фарзанди. Миранда — муъжиза, Пердита — қўлдан кетган. Нима қўлдан кетган бўлса, унга қайтиб келди: қизининг боласи. Перикл айтган: «Менинг азиз завжам шу кизга ўхшарди». Сўраш мумкинмики, одам онасини севмаса, қизини сева оладими?

— Бобо бўлиш санъати, — ғўлдиради мистер Супер. — *L'art d'être grandp*¹...

— Бу хотин сиймосида ўзга бир тимсол ҳамда шу билан бирга ўз ёшлигининг ёди қайта тирилганини кўрмаяптимики?

Нима ҳақида гапираётганингни биласанми? Ҳа, севги. Бу сўзни ҳамма биледи. *Amor vero alihuid alicni bonum vult unde et ea huae concupiscimus*²...

— Кўксида мана шу даҳолик деган ғаройиб нарса бўлган ҳар бир киши учун ҳар қандай руҳий ҳамда амалий тажрибанинг мезони фақат унинг ўз сиймоси ҳисобланади. Бундай турдаги ўхшашлик уни тўлқинлантиради. Лекин унга кондош бўлган бошқа кишиларнинг қиёфалари унга таъсир қилмайди. Табиат менга ўхшаш одамларни дунёга келтириш учун бекорга зўриқяпти, деб ўйлайди.

Муҳиб-кутубхоначининг хайрихоҳ чехраси умиднинг пушти ранглари билан ёришиди:

— Умид қиламанки, мистер Дедал омманинг маърифати учун ўз назариясини янада ривожлантиради. Шу билан бирга биз яна бир ирланд шарҳчисининг ҳам номини эслаб ўтишимиз жоиз — у ҳам бўлса Жорж Бернард Шоу. Бу ўринда Фрэнк Харрисни ҳам эсламай илож йўқ: «Сатердей ревью»да унинг чиройли мақолалари чиқди. Қизиқ жойи шундаки, у ҳам сонетларда тилга олиниши қорача хоним билан бахтсиз роман бўлиб ўтганлигини қайд этади. Вилям Херберт, граф Пембрук — бахтли ракиб. Лекин мен аминманки, шоир мабодо рад этилган бўлса ҳам, бу — нима деб айтсам тўғрироқ бўларкин — бизнинг рўй бермаслиги керак бўлган нарсалар ҳақидаги тасаввурларимизга кўпроқ мос келади.

У мамнун ҳолда жим бўлди, тақир бошини маъсумона тарзда олдинга чўзди, баайни оқ чарлоқнинг тухуми, баҳсда ютиб чиққанга бериладиган соврин. Мабодо у эрлик вазифалари тўғрисида сўйласа эди, бу инжилона ғоятда жиддий янграган бўларди. Сен шу завжни севарсанми, Марям? Уни сенга Раббинг етказди.

¹ «Бобо бўлиш санъати» (франц.). Виктор Ҳюго шеъри.

² Севги ҳар кимга яхшилик тилайди, нима учун биз қаттиқ истаган нарсалар... (лот.).

— Шу билан бирга бу мустасно эмас, — давом этди яна Стивен, — Ҳётенинг мистер Маги мисол келтиришни яхши кўрадиган хикматли сўзи бор. Ёшлик чоғларингда интиладиган нарсаларингдан эҳтиёт бўл, зеро, сен уларга камолга етган пайтингда тўла эришасан. Нега у эл-юртга отнинг қашқасидай маълум *буологоба*¹ ҳузурига аллақандай майда лорд зотни менинг ўрнимга сиз унга меҳрибонлик қилинг деб, жўнатади? — бу соҳилга куп эркаклар лапгар ташлашган эди-ку ва бу хотин ҳали қизлик чоғларидаёқ ёмон донг чиқарганди-ку? Ахир, унинг ўзи нафис адабиётнинг лордига айланмаганмиди, азамат йигит бўлиб етишмаганмиди, «Ромео ва Жулетта»ни ёзиб битирмаганмиди? Хўш, у ҳолда нега? У ўз-ўзига ишончини бевақт йўқотган эди. У буғдойзорда (кечирасиз, жавдарзорда) ерга қулатилгандан сўнг — ҳа, худди мана шундан бошлаб энди ҳеч қачон ўзини ҳеч нарсада ғолиб деб ҳис қилолмайди ва доим ўйин-кулгилардан кейин келадиган тўшак шўхликларида ҳеч вақт ўзини ғолиб топмайди. Зўраки донжуаплик уни кутқаролмайди. У қайта ясалмайдиган қилиб ясалганди. Унинг ишқ қони оқиб турган аъзосига тўнғиз сўйлоқ тишини уриб яралаганди. Хотини қийиқ бўлса ҳам, бўйсундирилган бўлса ҳам, барибир ихтиёрида аёл зотининг кўзга кўринмас қуроли бор эди. Мен унинг ҳар бир сўзи ортида уни нафс ва ҳирс худди санчки билан янгидан-янги эҳтиросларга ҳайдаб бораётганини сезаман, шуниси борки, бу эҳтирослар аввалгисидан ҳам баттарроқ, мужмалроқ, хатто ўзи ҳақидаги тушунчаларни ҳам қоронғилаштириб юборадиганроқ бўлиб туюлади. Уни худди шунга ўхшаш қисмат кутади ва ҳар иккала телбалик ягона бир қўнғига дўнади.

Улар тинглашяпти. Қулоқларига қуяётирман.

— Унинг жони ҳали аввалроқда қаттиқ жароҳатланганди, заҳар ухлаб қолган кимсанинг қулоғига қўйилганди. Лекин уйқу пайтида ўлдирилганлар қай усулда ўлдирилганликларини билолмайдилар. Мабодо Парвардигор келгуси ҳаётда уларнинг кўнглига бунинг хабарини етказса, бу бошқа гап. Қирол Ҳамлетнинг шарпаси унинг ўлимига сабаб бўлган на заҳар қўйиш ва на икки кифтли ваҳшийдан хабардор эди, буни унга факат яратган эгам маълум қилган бўлиши мумкин эди. Худди мана шунинг учун ҳам, унинг сўзи (унинг нўноқ инглиз сўзи) доим қайларгадир

¹ Ёш чиройли аёл (*итал.*).

четлаб кетади, қайларгадир орқага қайтади. Зўравон ва жабрдийда, у истаган, лекин истамаган нарсалар унга тўхтовсиз эргашади, кўк томирли фил суяги тусидаги Лукреций яримшарларидан беш қирмиз хол нуқталари ёйилган Имогенанинг яланғоч кўкрагига ча бораверади тўхтамай. У ўзидан ўзини яшириш учун уюб ташлаган барча асарлардан ҳориб-толиб, яна орқага қайтади, қари ит каби кўҳна яраларини ялайди. Аммо унинг йўқотганлари — булар унинг топганлари, унинг қалби, шахсияти қуриш нималигини билмайди ва инчунин ўзи яратган донишмандликдан ва ўзи кашф этган қонуниятлардан ўзи учун ҳеч нарса олмай мангулик сари ҳаракат қилади. Унинг дубулғаси юзидан кўтариб қўйилган. У ҳозир шарпа, у ҳозир соя, Элсинор қояларида увланган шамол ёхуд бошқа ҳар қандай нарса, денгиз нидоси, унинг шарпасининг моҳияти бўлмиш кимсагагина, падари бирлан ягона ялакат мағиз бўлмиш ўғилгагина бу нидо эшитилур.

— Омин! — Эшик ёқдан жавоб садоси эшитилди.

Фанимим, мени топиб келдингми!

Танаффус.

Жоме черкови бошлиғиники сингари тумтайган, наҳс бир башара: Бак Маллиган масхарабозлардай ранго ранг уст-бошда ўзини саломлагандай табассумларга пешвоз юриб борарди. Менинг телеграммам.

— Янглишмасам, сиз бу ерда заррасимон умуртқали махлук ҳақида гапираётгандингиз чоғи? — деб сўради у Стивендан.

У сариқ нимча кийган ҳолда панамасини худди шоҳ асосидек силтаб барчага саломлар йўлларди.


Улар уни хушҳол қарши олишарди. WAS Du verlachet wirst Du noch dienen¹.

Бир тўп хангоматалаб: Фотий, сохта-Малахия, Иоганн Мост.

Тот. Муқаддас Рух воситасида ўз-ўзини урчитган Зот. Ўз-ўзини ўзи ҳамда бошқалар ўртасида балогардон айлаган Зот. Ўз фанимлари томонидан таҳқирланмиш, яланғочланиб бичилмиш, кўршапалак мисол омбор эшигига парчинланмиш ва хоч узра очликдан ўлим шарбатини ичмиш Зот. Ўзини кўмғали бермиш ва тобутдан бош кўтариб чиқиб келмиш, жаҳаннам эшигини ёпмиш ва самоларга ҳаволанмиш ва мана ун тўққиз асрдан бери унда ўнг томонда ўз-ўзидан мақом тутмиш, бироқ ҳали

¹ Ниманинг устидан кулсанг, шунга хизмат қиласан (нем.).

яна қайта турган ва охирзамон етганда барча тириклар улик бўлганда тириклару ўликларни савол-сўроққа тутувчи Зот.



Glo—o— — — — — gi— — — — — a in ex—cel—sis De—o'.

У қулочини кўтарди. Пардалар тушди. О, гуллар! Жом садоси, жом садоси, оламни тутган Жом садоси.

— Баайни шундай, — жавоб қилди муҳиб-китобдор. Бағоят қимматли ибратомуз суҳбат. Ишончим комилки, мистер Маллиганнинг ҳам пьеса ҳамда Шекспир бораларинда ўз ғоялари бор. Хаётнинг барча томонларини ҳисобга олмоқ даркор.

У мафтункор табассум қилди, табассумини ҳар томонга баробар тақсимлади.

Бак Маллиган ҳайратланиб ўйга ботди.

— Шекспирми? — қайта сўради у. — Назаримда, бу номни қаердадир эшитгандайман.

Унинг кўпчиган юзида йилт этиб кулги ўйнади.

— Э ҳа! — қувонч билан эслади у. — Бу анов худди Синг каби ёзадиган зот эмасми?

Мистер Супер унга ўгирилди.

— Сизни Хайнс қидирди, — деди у. — Уни сиз кўрмадингизми? У сиз билан учрашмоқчи эди. Ҳозир у Гиллнинг дўконига кетди, Хайднинг «Коннахтнинг ишқий қўшиқлари»ни сотиб олмоқчи.

— Мен музейдан ўтиб келдим, — жавоб берди Бак Маллиган. — Э, у бу ердамиди?

— Буюк нозимнинг ватандошларини, — деб гапга қўшилди Жон Эглингтон, — бизнинг ажойиб ғояларимиз зериктириб юборган бўлса керак. Эшитишимга қараганда кеча Дублинда бир актриса Ҳамлетни тўрт юзу саккизинчи маротаба ўйнабди. Вайнинг шахзода гўё хотин киши бўлган деб исботлашга урин-

¹ Салламно самоларда Илоҳо (лот.)

ган. Қизик, нега ҳеч ким шу пайтгача уни ирландияли деб чиқмади? Эсимда, судья Бартон шу мавзуда изланишлар олиб борган. У — мен аъло ҳазратларини эмас, ҳазрат олийларини назарда тутаман — авлиё Патрик номи билан оит ичяпти.

Аммо ҳаммасидан ажойиби — бу Уайлднинг ҳикояси, — деди мистер Супер ўзининг гаройиб бокира дафтарини юқори кўтариб. — «В. Х. сурати»да у сонетлар Вилли Хюз деган аллаким томонидан ёзилган деб исботлайди. Барча рангу жилвалар ушбу Эрнинг ҳукм ҳиккасида экан.

— Сиз Вилли Хюзга бағишланган демоқчимисиз? — такроран суради муҳиб-китобдор.

Балки Хилли Вюзгадир? Ёхуд Вилиям ҳофизнинг ўз-ўзигадир? Топ, мен кимман?

— Ҳа-ҳа, албатта бағишланган, — деб тан олди мистер Супер ўзининг олимона тадқиқотига бажонидил тузатиш киритаркан. — Биласизми, буларнинг ҳаммаси бутунлай парадокслардан иборат, Хюз ва News, яъники, у кесади, ва пьес, гулларни, лекин бу унга шунчалар хоски, ўзи ҳам буларнинг барини шундай боғлайди. Биласизми, бунда Уайлднинг айна моҳияти намоён. Ҳавойи енгиллик.

Унинг кулиб турган нигоҳи атрофдагиларнинг чехраларига ҳавойи енгиллик билан шарпа солиб ўтди. Окпариди эфеб¹. Уайлднинг бемаза мағзи.

Мунча сўзамол бўлмасанг. Магистр Дизиинг тангасига бирикки қадах май отиб олгач.

Қанча сарфладим ўзи? Кўп эмас, бир неча шиллинг.

Газетчилар издиҳомига. Ҳушёр ҳамда маст юмор.

Сўзамоллик. Сен ақлнинг беш турини, уни ҳам истисно этмай, ёшликнинг мағрур либосларига алмашар эдинг ўйлаб ўтирмай, у эса ушбу либосларда ороланиб чиқади. Кондирилган истакнинг белгилари.

Улар ҳали бўлмай бис. Уни мен учун сен қил. Қўшилиш палласида. Муштарий, висол чоғи уларнинг ишқ ўтини совут. Оҳа, у билан севги тилида сўзлаш.

Ҳавво. Буғдой андомли яланғоч гуноҳ. Илон уни кулча бўлиб ўрайди, муччилайди, ўпиб тишлайди.

— Сиз бунга фақат парадокснинг ўзи деб биласизми? — сўроқланди муҳиб-китобдор. — Баъзан масхарабоз айнан жиддий бўлган чоғларда уни жиддий қабул қилмайдилар.

¹ Эфеб — балоғат ёшига етмаган ўсмир.

Улар масхарабознинг жиддийлигини жиддий туриб мухокама қилишарди.

Буқа Маллиган юзининг ифодаси қотиб, Стивенга оғир тиклиди. Сўнг бошини сарак-сарак қилиб унга яқин борди-да, чўнтагидан буклоғлик телеграммани чиқарди. У лабларини тез-тез қимирлатиб ва яна хурсандчилик билан кулиб уни ўқигали тушди.

— Телеграмма! — хитоб қилди у. — Ажойиб илҳом! Телеграмма! Рим папаси фатвоси!

У чироқсиз столлардан бирининг устига ўтирди-да, кувнок баланд овоз билан ўқиди:

— Ўз қилмиши учун масъулият оғирчилигини бўйнига олмайд лаззатланишга қодир бўлган кимсани сентиментал¹ одам деб аташ мумкин. Имзо: Дедал. Буни қай гўрдан топдинг? Қайси ивирсиқхонадан? Йўқ. Грин коллежи. Тўрт тилла тангани аллақачон ичиб бўлдингми? Холанг сенинг шўри қуриган отанг билан гаплашмоқчи. Телеграмма! Мэйлахи Маллиганга, «Кема», Қуйи Эбби-стрит. О, ўхшаши йўқ масхарабоз! Клиникйлар ичидан поп бўламан деб чиққан зот!

У телеграммани жилди билан шартта чўнтагига солди-да, бирдан одми халқ лаҳжасида чулдирай кетди:

— Мен ҳам шуни айтаман-да, барака топгур, Хайнс билан ўтириб у ёқ-бу ёқдан отамлашаётувдик, қарасак ёнимиздан олиб ўтишяпти савилни. Ичимиз қуриб кетяпти, томоғимиз тақиллаб, бунақасига роҳибни олиб келиб қўйсанг ҳам чидолмайди кечаси билан тер тўкиб энди хўл латтадай бўлиб ўтиргандан кейин. Биз бўлсак Коппнерида ҳақ деб ўтирибмиз, ана ўтирдик, мана ўтирдик, илҳақ бўлиб кутяпмиз, қачон бизга ҳам томоғимизни хўллаш насиб бўларкин деб.

У гингшиб шикоят қила кетди:

— Ўша ерда ўтирибмиз сарғайиб, жонингдан сенинг, сени бўлса парвойингга келмайди, яна денг манавнақи номалар жўнатади, бизнинг тилимиз бир чақирим осилиб қолган билан иши-хуши йўқ, авлиёсини топиб олган шекилли, томоғимизга бир томчи томизғиси йўқми бу таъвиянинг!

Стивен хахолаб кулди.

Буқа Маллиган унга томон тез лўписа қилиб энгашди.

¹ Хассос, таъсирчан.

— Анов дарвеш Синг сени кидириб юрибди, ўлдираман дейди, — деди у. — Унинг Гластулдаги эшиги тагига сен сийиб кетган эмишсан. Ҳаммаёқни қараб юрибди, тутсам, жонини оламан дейди.

— Меними! — фарёд қилди Стивен. — Бу адабиётга қўшган сенинг ҳиссанг эди-ку.

Бука Маллиган бениҳоя мамнун бўлиб, ўзини орқага ташлади-ю, унинг кулгиси ҳушёр зехн солиб турган коронғи шипга урилди.

— Ўлай агар, суробингни тўғрилайди! — хихиларди у.

Сент-Андре-дезар кўчасида ичак-чавоқдан бўлган шўрвани ичиб ўтирганимизда қадим алвастиларни эслатадиган япалоқ ба шара менга лўқ тикилди. Сўзлардан сўзлар сўзлар учун, *palabras*¹. Ойсин билан Патрик. У Кламар ўрмонида бир шиша майни силкитаётган фавн²ни қандай учратди. *C'est vendredi saint!*³ Ирланд тилини мажаклайди. Адашиб юриб у ўз образини учратди. Мен эса — ўзимникини. Мен ҳозир ўрмонда ҳазилкашни учратдим.

— Мистер Листер, — чақирди ёрдамчи эшикни қия очиб.

— ... унда ҳар ким ўз дидига мос нарсани топиши мумкин. Худди шундай судья Мэдден ўзининг «Магистр Вилиям Сайленснинг мактублари»да овга дахлдор сўзларни топмиш... Хуш-хуш, нима гап ўзи?

— Бир жаноб сўраб келди, сэр, — деди ёрдамчи яқинроқ келиб ташриф қоғозини узатаркан. У «Фримен»да ишларкан, «Килкенни пипл»нинг ўтган йилги сонларини кўрмоқчи эдим дейди.

— Марҳамат, бемалол, бемалол. Э, нима, у жаноб...?

У ташриф қоғозни олди, қаради, ҳеч нарсани кўрмади, қарамай четга сурди, яна қаради, сўради, ғичирлади, сўради:

— А у... А, хов анави ерда!

У ракс тушаётгандай диконглаб ташқарига одимлади. Йўлакда, йўлак ёруғида у барча мавжуд муҳиблар ичра энг хизматбарор, энг оққўнгил ва энг ҳалоли ўз бурчини тўла хис қилган ҳолда жонқуярлик ҳамда самимона бир тарзда болохонадор қилиб сўзлаша бошлади.

— Шу жанобми? «Фрименс жорнэл»ми? «Килкенни пипл» керакми? Марҳабо, марҳабо. Салом, сэр. «Килкенни...» Хуш, албатта, бор, албатта...

¹ Сўзлар (*исп.*).

² *Фавн* — Рим асотирларида ҳосилдорлик илоҳи, дала ўрмонлар, чорва ҳомийси. Юнон асотирларидаги Паига тўғри келади.

³ Бу кун муборак жума! (*Франц.*)

Соил сабр-тоқат билан кутар, эшитарди.

— Барча етакчи вилоят нашрлари... «Нозернвиг», «Корк икземинер», «Эннискорти гардиан». Ўтган йилги, минг тўққиз юз учинчи... Кўрмоқчимисиз? Ивенс, жанобга кўрсатинг... Шу киши билан боринг... Ёинки, майли, мен ўзим... Бу ёкка... Марҳамат қилинг, сэр...

У хизматбарорлик ҳамда шакарзабонлик ила уларни барча вилоят газеталари уюмлари томон бошлади, кифтлари бироз букчайган қора соя унинг илдам қадамларига шошилиш эргашди.

Эшик ёпилди.

— Э анов олғир-ку! — деди Буқа Маллиган.

У шарт ўрнидан туриб таширф қоғозга қаради.

— Оти нимади? Ицка Мойше?¹ Блум?

Шу заҳоти у бидирлай кетди:

— Тананинг иркинди-сирқинди аъзоларини йиғиб юрадиган яҳузо энди йўқ. Мен музейга кўпик ичра туғилган Афродитани кўргали киргандим, уни ўша ерда учратдим. Дуо айлаган чоғи ҳеч қачон қийшаймаган юнон дудоклари. Уни биз ҳар доим шарафлашимиз даркор. «О ҳаётлар ҳаёти, дудокларинг ёндирар сенинг».

Бирдан у Стивенга ўгирилди.

— У сени билади. Отангни ҳам танийди. Ўхў, кўрқаманки, у юнонларнинг ўзидан кўра ҳам юнонроқ. У оқ юзли галилеяликларга ўхшайди, унинг кўзлари гўзал ойимқиз хайкалининг пас-тадаги дўмбоғига тикилган эди. Венера Каллипига². О, белнинг шу чақини, «Париларни кувади така, беркингали қочади улар».

— Биз давомини эшитсак деган эдик, — деб фикрини айтди Жон Эглинтон, уни мистер Супер маъқуллади. — Бизни миссис Ш. қизиқтириб қўйди. Биз уни илгари вафодор Гризелда ёки ўчоқбошидаги Пенелопа бўлса керак, деб ўйлаган эдик (албатта ўйлашга тўғри келган пайтларда).

— Горгийнинг шогирди Антисфен³, — деб бошлади Стивен, — подшоҳ Менелайнинг хотини аргивлик Еленадан гўзалликда биринчиликни тортиб олди, Троянинг ушбу бияси ён-атрофида бир туман қахрамонлар айланишган эди, — кейин Антисфен бирин-

¹ XIX аср охирида турли асарларда акс этган яҳудийнинг жамланма номи.

² Каллипига — гўзал бел (юнон.).

³ Боккачонинг «Декамерон» асаридаги бир қанча ҳикояларнинг қаҳрамони.

чиликни соддагина Пенелопага берди. Шоир Лондонда йигирма йил яшади ва шундай вақтлар бўлдики, у Ирландиянинг лорд-канцлеридан кам маош олмади. У жуда бой турмуш кечирди.

Уитмен феодализм санъати деб атаган унинг санъатини хайли ҳашам санъати деб айтиш тўғрироқ бўларди. Қиймали таомлар, кўк кадаҳларга солинган херес майлари, асал қайлалар, атиргул япроқларидан мурабболар, мағизли попуқлар, ичига маймунжон солинган кабутарлар, шакарга ботирилган илдиэ-томирлар. Сэр Уолтер Релини қамокқа олиш учун келишганда, унинг эғнида ярим миллион турадиган либослар, жумладан, охирги модадаги корсет бўлган. Судхўр хоним Элиза Тюдор кийим-кечакларининг ҳашамати Сабо маликасини юз бора аро йўлда колдириб кетган.

Шоир йигирма йил қувончлари мусаффо завжа тўшаги билан бузук лаззатларга оғушта шармандали муҳаббат орасида капалакдек учди. Сиз Маншинхемнинг анов тарихини биласизми? Шаҳарлик бир фуқаронинг хотини «Ричард Уч»да уйнаган Дик Бербежни кўриб қолибди, уни уйига тўшақда бирга исинайлик, деб таклиф қилибди. Буни Шекспир эшитиб турган экан, ҳеч унча кўп шовқин-сурон чиқариб ўтирмай, дарҳол сигирнинг шохидан маҳкам тутибди. Бербеж тайинланган вақтга келиб, эшикни тақиллатибди. Шунда Шекспир алданган эрнинг кўрпаси тагидан овоз чиқариб нима дермиш денг: *келавер, билиб қўй, Вилгелм Музаффар Ричард Уч*инчидан олдин *подшоҳлик қилган*. Шўх дилкаш миссис Фиттон эса унинг устига миниб олиб, қичкирибди: О! Унинг дилбар қушчаси Пенелопа Рич, ҳамда танноз кибор хоними актёрга ярайверади, соҳилбўйи қизлари ҳам унчалик қиммат эмас, бир чақага бир марта.

Кур-ля Рен. *Encore vingt sous. Nous ferons de petites cochonneries. Minette? Tu veux?*¹

— Киборлар дунёсининг гуллари. Оксфордлик сэр Виям Дэвенантнинг онаси ҳам, ҳар бир нарга бир жом май тутади.

Бука Маллиган кўзини осмонга қаратиб, дуо ўқигандай хитоб қилди:

— О, раҳмдил Маргарита Мария Ксамцускок!

— Олти марта уйланган Генрихнинг қизи ҳам, олижаноб шоир Лаун-Теннисон кўйлаган унинг яқин атрофлардаги кўрғонлардан

¹ Яна йигирма су қўш. Андак бузуқчилик қиламиз. Хоҳлайсанми, асалим? (Франц.)

чиққан бошқа дугоналари ҳам. Аммо сиз нима деб ўйлайсиз, мана шу йигирма йил ичида шўрлик Пенелопа Стратфордда гиштин дераза ромлари ортида нималар билан машғул бўлдийкин?

Ҳаракат қил, ҳаракат қил. Қилмиш. Мана, кўнғир сочлари оқара бошлаган зот ботаник Жерарднинг Феттер-лейндаги гулхонасида айланиб юради. Қизнинг томирларидан ҳам мовийроқ кўнғирроқгул. Юнона киприкларидан ҳам нафисроқ бинафшалар. Сайр этмоқда. Ҳаёт бизга фақат бир марта берилган. Ва берилган битта тана. Ҳаракат қил. Аммо фақат ҳаракат қил. Узоқ эмас, ана — ифлос, ҳирсининг анқиган ўтқир ҳиди, оқ баданни ачоклайди қўллар.

Буқа Маллиган Жон Эглинтоннинг столига қарсиллатиб урди.

— Шубҳа кимнинг устига тушяпти? — шиддатли сўради у.

— Фараз қилайлик, у сонетларда рад этилмиш ошиқ. Бир бора рад этилмиш, кейин яна бир бора. Аммо сарой оғимтилласи уни лордни деб ташлаб кетди, унинг менингбебахомуҳаббатими деб.

Ўз номини аташга журъати етмаган муҳаббат.

— Сиз демокчисисизки, — гап қўшди Жон бурбон¹ Эглинтон, — у ҳар бир инглиз олифтаси каби ўз лордини севади.

Кўхна деворларда калтакесаклар питирлаб югургилайди. Шарантонда мен уларни кузатган эдим.

Афтидан, шундай бўлса керак, — жавоб берди Стивен, — худди отбоқар айғирга кўмаклашиб юборгандай, у ҳам унга-да ва бошқа ҳаммага ҳам, ҳали ишлов берилмаган сўкка андомга савоб учун ёрдам беришга ҳозир у нозир. Эҳтимолки, унинг худди Суқрот каби қийиқ-қайсар хотинигина эмас, балки доялик қиладиган онаси ҳам бор эди. Аммо анов қийиқ шўх шаддод хотин бирон марта ҳам садоқатини бузмади. Шарпани икки фикр ўртайтиди: бурчнинг бузилгани ва тўмтоқбош эррайим, хоним мархум эрининг шу акасига кўнгил берганди. Аминманки, дилбар Эннинг қони ғоятда қайноқ эди. Бир марта йўлдан урган, иккинчи марта ҳам урмай қўймайди.

Стивен курсида ўтирганча кескин бурилди.

— Далиллар сиз томонда эмас, мен томонда, — деди у қошларини чимириб, — агар сиз «Ҳамлет»нинг бешинчи кўринишида хонимга беномуслик тамғасини босганлигини инкор қилсангиз — унда менга тушунтириб беринг-чи, нега бутун ўттиз тўрт йил мобайнида хоним борасида чурқ этиб оғиз очмади,

¹ Собитқадам.

унга хотин бўлиб теккан кундан бошлаб, то эрини қабрга қўйгунича оз фурсат ўтдими? Бу хонимларнинг бари эрларни қабрларга кузатиб қўйишган: Мэри — вафодор Жонни, Энн — шўрлик қимматли Виллини (эсингиздадир Вилли биринчи бўлиб ўлишини сезиб дарғазаб ҳолда хотини ёнига қайтганди), Жоан — тўртала акасини, Жудит — эри билан бирга барча фарзандларини, Сюзен ҳам — эрини, унинг қизи Элизабет эса, бобосининг айтишига қараганда, биринчи эрини нариги дунёга жўнатиб, иккинчисига тегди. О, албатта, эслатмалар бор. Шоир ўша йилларда Лондонда орқа-олдини кенг қўйиб яшаган чоғларда, хоним қарзини тўлаш учун отасининг чўпонидан қирқ шиллинг пул сўраб олгани рост. Энди буларнинг барини тушунтириб кўринг-чи. Яна шунча ҳам тушунтириб беринг-чи, унинг наслларга хоним ҳақида қолдирган сўнгги сўлим қўшиғини нима дейсиз.

Стивен уларнинг сукунатига кулоқ тутди.

Бунга Эглинтон шундай жавоб берди:

Сиз васият ҳақида айтяписизми,
Юристарлар тушунтириб ўтишган бунини
Беванинг улуши хонимга теккан
Ҳаммаси қонуний.
У биларди қонун-қоидаларни.

Иблис унга шипшиди:

Майнавозчи. Ҳазилвон.

Шунинг учун илк нусхада.

Номи йўқдир хонимнинг.

Аммо унда батафсил айтилмиш.

Ҳадяларки, набираю барча қизларга,

Опа сингиллару Лондон

Ҳамда стратфордлик эски дўстларга.

Ниҳоят, уни хонимнинг номини қайд этишга кўндиришганда,

Хонимни эслади ва унга

васият қилди: тўшаксиз

эски каравот.

Punkt¹.

¹ Нукта (нем.).

Мерос қилди
Хотинга каравот
Бетўшак
Ўз каравотин
Мероскаравот
Тушакмерос
Эски мероват.

Дирр!

— У замонларда қишлоқда яшовчиларнинг мол мулклари у қадар кўп бўлмасди, — деди Жон Эглинтон, — ҳозир ҳам қишлоқ ҳаётидан ёзилган пьесаларимизга қараганда, кўп эмас.

— У бой ер-мулк эгаси эди, — деб эътироз қилди Стивен. — ўзининг туғриси, Стратфордда ерлари, Ирландия маҳаллотида қўрғони бор эди. Молиявий ишларда пайчилик қиларди, ўлпонлар билан шуғулланарди, Парламентда қонунларнинг ўтишига ўз таъсирини кўрсата оларди. Хотинига қолган қунларини тинч-хотиржам хуррак отиб ўтказсин деб, нечук унга энг яхши каравотни мерос қилиб қолдирмадийкин?

— Афтидан, ҳойнаҳой, иккита каравот бўлган шекилли, бири яхшироқ, иккинчиси эса ўзига яраша мундоқроқ, — нозик тахмин билдирди ўзига яраша мистер Супер.

— *Separatio a mensa et a thalamo*¹, — тахминни янада камолга етказди Буқа Маллиган ҳамманинг кулгисини қистатиб.

— Қадимгиларда машҳур кўрпа тушаклар эслатилган. Ҳозир эслашга ҳаракат қилиб кўраман, — пенюнасини тириштирди ўзига яраша Эглинтон тушак равиш табассум этиб.

— Қадимгиларда эслатиладики, — унинг сўзини бўлди Стивен, — шалпангқулоқ ўқувчи, мажусийларнинг боши ялтироқ донишманди стагирлик ҳақим қувғинди ўлим тушагида ётиб, қулларини туҳфалар бериб озодликка чиқарган, аждодларни ёдлаб кор-хайр қилган ва мени хотинимнинг ёнига қўйинглар деб, васият айлаган. Дўстларидан эса ўзининг узоқ йиллик маъшуқаси (шу ерда янги Херпиллис, Нелл Хвиниларни эслаб ўтайлик) ҳақида ғамхўрлик қилиш ва унга ўз боғ қўрғонида истиқомат этишига имкон беришларини сўраган.

¹ Стол ҳамда такадан четлатиш (лот.).

— Э, сиз ҳам у шундай ўлиб кетган деб ҳисоблайсизми? — деб сўради мистер Супер бироз ташвишланиб. — Мен шуни назарда тутаяпманки...

— У ҳушдан айрилгунча булиб ичиб улган, — деб масалага чек қўйди Буқа Маллиган. — *Чоракта қуюқ ширали пиво — шоҳона таом.* Йўқ, майли, мен яхшиси, сизларга Доуденнинг гапини айтиб бераман.

— Нима гап экан? — сўради Супер Эглингтон.

Виялям Шекспир ҳамда Ко, акционерлик жамияти. Ҳамага баробар Виялям. Шартлашув учун сўралсин: Э. Доуден, Хай-филд-хаус...

— Қойил! — ҳайратга тушиб хўрсинди Буқа Маллиган. — Мен ундан шоирни болавозликда айблашаётгани ҳақидаги фикрини сўрадим. У қўлларини хавога ёзиб шундай деб жавоб берди: *Биз фақат шуни айта оламизки, ўша пайтларда ҳаёт бу лоқдай қайнарди.*

Қойилмисиз!

Бузуқ. Айниган.

— Гўзаллик туйғуси бизни эзгулик йўлларидан четга оғдиради. — деди маъюсчиройли Супер бесўнақай Қирғиртонга.

Тебранмас Жон эса сиполик билан жавоб берди:

— Бу сўзларнинг маъносини бизга доктор тушунтириб беради. Бўрилар ҳам тўқ, қўйлар ҳам бут бўлиши сира мумкин эмас.

Шундай суҳан қилурсизми? Наҳотки улар биздан, мендан гўзалликда биринчиликни тортиб олмоқчилар?

— Ўзлик туйғусини ҳам тортиб олишмоқчи, — деб қўйди Стивен. — Шейлокни у ўзининг бепоён чўнтақларидан чиқарди. Судхўр ва ундириб янчилган бугдой сотувчи аллофнинг ўғли ўзи ҳам судхўр ва дон сотувчи аллоф бўлди, оч қолган халқнинг ғалаёнлари пайтида ўн чора донни яшириб қўйди. Четтл Фалстаф айтган турли эътиқодга эга бўлган шахслар унинг барча ишларни ҳалол юритганига гувоҳлик берганлар — ҳеч шубҳа йўқки, уларнинг барчалари ундан қарздор бўлганлар. У ўзининг актёр биродарларидан бирини бир неча қоп янчилган бугдой учун судга берган эди, у ҳар бир қарз кўтарган кимсадан қарзига яраша фоиз тўлашни талаб қиларди, ё буни гўшт ҳисобида ундирарди. Аксинча бўлса, отбоқар (Обри бўйича) ва суфлёр ёрдамчиси қандай қилиб бундай тез бойиб кетишарди? Нима иш қилинмасин, у ҳар бир нарсадан ўзига фойда чиқишини

кўзларди. Қироличанинг табиби Лопесни дорга осиб, кейин кўл-оёғини чошиб, бошидан жудо қилганларидан сўнг яҳудийларни қисти-бастига ола бошлашди, бунинг акс садосини Шейлокда кўриш мумкин, шўрликнинг жони узилмай туриб, юрагини кўксидан суғуриб олишди. «Ҳамлет» ва «Макбет»да алвасти-ларни гулханда ковуришни яхши кўрадиган шотландиялик файласуфнинг тахтга чиқиши воқеалари акс садо беради. «Севгининг самарасиз кучанишлари»да у Буюк Армаданинг ҳалокати устидан кулади. Унинг болохонадор таърихлари Мафекинг руҳида ҳайратларнинг тўлқинлари узра сузади. Уорикшир иезуитларини суд қилишаётган бўлса — шу ернинг ўзида дарбон муҳмал қочиримлар назариясини қоралаб сўкади. «Ботир денгизчи» Бермуд оролларида қайтиб келдими — шу заҳоти кейин Ренанни қойил қилган пьеса ёзилади ва унда бизнинг америкалик жиянимиз Пэтси Калибан чиқади. Чучмал сонетлар Сидни сонетларидан сўнг пайдо бўлди. Пари қиз Элизабет ёки «Виндзор ҳазилкашлари»нинг ёзилишига илҳом берган сочлари ҳумро ўйинқароқ қиз Бессга келсак, бунинг теран маъноларини олмонистонлик герр-меррлар ифлос кийимлар ташлаб қўйилган кир сават ичидан кавлаштириб қидираверсин.

Не қилдик, муҳокамаларинг ҳар қалай ёмон эмасга ўхшайди. Фақат яна бироз теологофилологологикага оид бир нималарни ҳам орасига қистириб юбор, яна ҳам соз фаранг бўлур. *Mingo, minxi, mistum, mingere*¹.

— У яҳудий бўлганини исботланг, — ботиниб таклифини айтди Жон Эглингтон. — Мана, сизнинг деканингиз, у католик эди деб, айтяпти.

*Sufflaminandus sum*².

— Германияда, — деб жавоб қилди Стивен, — уни Италиянинг серғалва масалаларини бўяб-бежаб кўрсатувчи намунали фарангга айлантириб қўйишди.

— Чексиз қиёфали инсон, — топқирлик билан эслатди мистер Супер, — Колриж уни чексиз қиёфа деган эди.

*Amplius. In societate humana hoc est maxime necessarium ut sit amicitia inter multos*³.

¹ Сняман, сиярдим, сийилган, сийилмоқ (*лот.*).

² Кўндир мени (*лот.*).

³ Кейин. Инсон жамиятида кўлчиликнинг дўстлик ришталари билан боғланиши беҳад зарурдир (*лот.*).

— Авлиё Фома, — оғиз жуфтлади Стивен...

— Ога про nobis¹, — ғўнғиллади роҳиб Маллиган юмшук ўриндикка чўкаркан.

Кейин йиғламсираб увиллаб қироат қилди:

— Pogue mahone! Acushia machree!² Бизни худо урганга ўхшайди, хароб бўлдик. Худо урди, хароб бўлдик!

Барчалари жилмайишиб қўйдилар.

— Мен, — деди жилмайиб Стивен. — авлиё Фоманинг семиз жилдларини ўз тилида ўқишни яхши кўраман. У яқин қариндошлар ўртасидаги жинсий алоқалар тўғрисида мистер Маги айтган янги Вена мактабига қараганда бошқачароқ фикр билдиради. Ўзининг оқилона ва оддий ўзгача усулида бу нарсани у туйғуларнинг етишмаслиги билан изоҳлайди. Бунда назарда тутилган нарса шуки, қони яқин кишига муҳаббат қўйиб, бу билан қони узоқроқ одам четлаштирилади, ҳолбуки қони узоқроқ кимса бу муҳаббатга сазоворроқ эди аслида. Насронийлар яҳудийларни хасисликда айблашади, улар бошқа миллатларга қараганда кўпроқ яқин қариндошлар ўртасида никоҳ ўқитадилар. Аммо бу айблашларнинг сабаби қаҳр-ғазаб, холос. Яҳудийларга бойлик тўплашга шароит яратган (ахир, улар билан лоллардлар³ бузук ҳаводангина паноҳ топишган) насроний қонунари уларнинг бурчу мажбуриятлари ни ҳам пўлат чамбарак билан чирмаб ташлаган.

Бу гуноҳми ёхуд яхшилиқми — Кўхна Умумпадар буни бизга фақат Қиёмат куни маълум қилгай. Лекин ўз ҳуқуқлари деб атаётган ва ўзига тегишли деб билаётган нарсаларни тутган инсон ўзи хогиним деб атаётган кимсага бўлган ҳуқуқлари дейдиган нарсани ҳам қаттиқроқ тутади. Шунинг учун яқин-атрофдаги фалончи-писмадончи ҳеч қандай сэр Смайл на унинг ҳўкизи ва на хотини ва на чўриси ва на кули ва на эшагини кўзи остига олишни хаёлига келтирмасин.

— Ва на моча эшагини, — жўр бўлди Бука Маллиган.

— Бизнинг серилтифот Виллига ёмон қаттиққўллик қилишган, — деб орага қўшилди латифона латофат билан мистер Супер.

— Қайси Ихтиёр⁴ни назарда тутяпсиз, — назокат билан деди Бука Маллиган. — Биз чалкашиб кетадиганга ўхшаймиз.

¹ Бизни дуо қил (*лот.*).

² Мени орқамдан ур! Юрагимнинг уриши!

³ *Лоллардлар* — XIV асрда католикларга қарши курашган халқ тарғиботчилари.

⁴ «Вилл» (*will*) инглиз тилида «ихтиёр»ни билдиради.

— Яшаш ихтиёри, — деди олимона фалсафа сўқиб Жон Эглингтон, — Виллдан бева қолмиш бечора Энн учун ўлиш ихтиёрига айланиб кетди.

— Requiescat!¹ — дуо ўқиди Стивен.

Яшашга йук ихтиер

Кўп йиллар шудир қарор...

— Ҳар қалай, хоним ана ўша одмироқ каравотга қизиқмаган кўринади: Сиз буни хўрланган малика деб исботламоқчи бўласиз, лекин у замонларда каравот худди ҳозир автомобилдай камёб нарса эди ва унинг ўймакор нақшлари етти маҳалланинг ҳавасини келтирарди. Ёши улғайган чоғларда хоним даъватчилар билан яқиндан топишиб қолди (уларнинг бирови Нью-Плэйсда турар ва шаҳар ҳисобидан чоракта херес майи оларди; аммо у қайси каравотда ётганини суриштириб ўтириш шарт эмас) ва ўзида жон деган нарса борлигини билди. Хоним унинг сафар халтасидаги китобларни ўқиди ёки унга ўқиб беришгандир, бу китоблар «Ҳазилкашлар»га қараганда унга маъқулроқ туюлди, тунлари тувакка ўтириб бўшанаркан, у «Чин Диндорнинг Иштони учун Илғақлар ва Илмоқлар» ҳамда «Энг Тақводор Кўнгилларни Акса уришга Мажбур этувчи Энг Тоза Тар Тамакидон ҳақида» сингари китоблар устида хаёлга толарди. Илоҳа Венера лабларини дуога бурди. Кўнгил чирки: виждон қийноқлари. Куч-қувватдан қолган бузуқлик художўйликка тутинадиган вақт.

— Тарих буни тасдиқлайди, — *inhuit Eglintonus Chronologos*². — Бир ёшнинг ўрнини иккинчи ёш эгаллайди. Аммо биз кўп обрў-эътиборга сазовор манбалардан биламизки, одамнинг энг ёмон душманлари — унинг оила аъзолари, унинг хонадони. Фаҳмимча, Рассел ҳақ. Унинг хотини, отаси билан бизнинг нима ишимиз бор? Менимча оилавий ҳаёт оила ўчоғини куйлаган шоирлардагина мавжуд. Фалстаф оила ўчоғи кишиси эмасди. Менга қолса семиз валломат — у яратган сиймоларнинг гултожи.

Озгин-ориқ зот ўзини орқага ташлади.

Кўрқок, ўз қардош қабиладошларингдан, қаҳри қаттиқ тақводорлардан юз ўгир. Кўрқок, худони танимаганлар билан бир

¹ Раҳматга ёр! (Лот.)

² Сўйлади солиномачи Эглингтон (лот.).

дастурхонда ўтираркан, жом кўтармасликка уринар, Антрим графлигидаги Олстримдан бўлган падари унга шундай буюрган эди. Шу кутубхонага ҳар уч ойда уни кўргани келади. Мистер Маги, сэр, сизни бир жаноб сўраяпти. Меними? У сизнинг отангизман деяпти, сэр. Менга Вордсвортни олиб беринг. Дағал матодан дағал камзул кийган, иштонининг барча тугмалари қадалган оқ сочлари ҳурпайган дағал жаноб Маги Мор Мэтью кириб келади, пайпоғига етти ўрмоннинг лой-тупроғи сачраган, қўлида ёввойи олманинг шохчаси.

Сенинг отанг-чи? У сенинг отангни билади. Сўққабош эр.

Шўх-шодумон Париждан ўлим тўшагида ётган хонимнинг кашшоқ кулбасига шошилишч келарканман, соҳилбўйида менининг қўлига тегиб кетдим. Кутилмаганда янграган меҳрибон овоз. Хонимни доктор Боб Кенни муолажа қиляпти. Менга яхшилик тилаган нигоҳ. Бироқ у мени билмайди.

— Падар, — деди Стивен умидсизликни енгишга уриниб, — бу муқаррар ёмонлик. У отасининг ўлимидан сўнг кўп ўтмай машҳур пьесасини ёзди. Сочлари оқарган отанинг турмушга берадиган иккита етилган қизи бор, елкасига умрнинг ўттиз беш йилини ортиб олган, *per mezzo del cammin di nostra vita*¹, лекин аслида эллик йилдан ортиқ ҳаёт тажрибасига эга шундай одамни сиз мурти ниш урмаган Виттенберг талабаси-ку, деб айтсангиз, унда унинг етмишга кирган қари онасини ҳирсу ҳаволик қиролича дейишингизга тўғри келади.

Йўқ. Жон Шекспирнинг мурдаси ярим кечаларда сайр қилиб юрмайди. У дам сайин-соат сайин чириганча чириб ётибди. Қурол анжомидан айрилган ота тинч, у оталикнинг эҳсосий ҳолатини ўз ўғлига ўтказди. Италиянинг мўғамбир ақли Европанинг авом ақли тўдаларига ғажимоқ учун суяқдек ташлаган мадоннада эмас, баайни мана шу сир-асрор узра черков барқарор истиқомат этадир, зеро, бамисоли коинот каби, бамисоли олам сағиру олам кабирлар каби у бўшлиқ узра истиқомат қилур. Ақл бовар қилмас, ишониб бўлмас нарсалар устига қурилгандир. Эҳтимолки, *amor matris*² ҳолис ва хусусий тушум келишиги — бирдан бир ҳаёт ҳақиқатидир. Эҳтимол оталик — фақат

¹ «Ҳаёт йўлларининг ярмини ўтиб...» (итал.). Данте «Илоҳий комедия»нинг боши.

² Она севгиси (лот.).

хуқуқий бир ходисадир. Дунёда ўзи биронта ўғилнинг биронта отаси бормикин бу ўғил томонидан севилган ва уни севган?

Сен нимага шама қиляпсан ўзи, башаранг қурғур?

Билдим, билдим. Жим бўл. Қани туёғингни шикиллат! Де-мак, шундай қилиш зарур.

Amplius. Adhus. Iterum. Postea¹.

Ёки пешонанг сенинг шунақами?

– Жисмоний уят хисси бизнинг ўртамизга шунчалар мустаҳкам тўсиқлар қўядики, қариндошлар орасидаги турли яқин алоқалар ҳамда айнишлар тўғрисидаги хабарлар билан тўлиб-тошган дунё ахбороти бу тўсиқларни бузиб ўтиш борасида лом-мим демайди.

Ўғиллару оналар, оталару қизлар, бир-бирини яхши кўрган опа-сингиллар, ўзини айтиш, ошқор қилишга ҳадди сизмайдиган севги-муҳаббатлар, жиянлару бувилар, маҳбуслару қалит соладиган тешиклар, қироличалару рекордчи ғолиб буқалар.

Гўдак туғилмагунча она жуссасини кийшайтириб туради; туғилаётганда мислсиз оғриқ қўзғайди, кейин бурчу мажбуриятлар тақсимланади, ташвишлар ортгандан ортади. Кейин у янги нав эркак: унинг кўтарилиши бу — отанинг чўкиши; унинг ёшлиги — отанинг рашикини келтиради, унинг дўсти — ота ғаними.

Мен буни рю Мсе-ле Пренсда ўйлаб топдим.

– Табиатда уларни нима боғлаб туради? Бир зумлик ваҳший ҳирс.

Мен отамикинман? Агар бўлганимда-чи?

Буришган қалтироқ қўл.

– Дала-туз махлуқлари ичида энг айёр ересиарх Савеллий Афригий Отанинг ўзи — ўғилнинг ўзи деб айтарди. Баҳсларда ҳеч қачон кураги ерга тегмаган булдог ит мавлоно Аквиний уни рад этган. Хўб: ўғли бўлмаган ота — ота бўлмаганидай, отаси бўлмаган ўғил — ўғил бўлоладими? Ратлэндбэконсаутхемптон-шекспир мана шу янглиш хатолар комедиясидан чиққан шундай ном билан аталувчи бошқа қандайдир бир бахши «Хамлет»ни ёзгандайди, у ўз отасининг шунчаки ўғли бўлибгина қолмай, бироқ энди бошқа ўғил бўлмай, у ўзини бутун ўз уруғ-аймоғининг отаси деб англаган, ўз бобосининг отаси, ўзининг ҳали туғилмаган набирасининг отаси (бу ерда қавс ичида айтиб ўтайликки, бу набира ҳеч қачон дунёга келмади), чунки мистер Магининг айтишича, табиат баркамолликни ёқтирмайди деб англаган эди.

¹ Кейин яна. Яна. Ундан кейин (лот).

Эглинтоннинг кўзлари бир зум жонланиб яширинча мам-
нуният учқунларини сочди. Порсонинг нигоҳи шод ва хиро-
мон, гарчи гапларнинг тони игналар индирур.

Мақташ. Аҳён аҳён. Лек мақта.

— Ўзи ўзига ота, — ғўдинглади ўз-ўзига ўғилмаллиган. —
Тўхтанглар-тўхтанглар. Мен иккиқат бўлиб қолдим. Миямда ту-
ғилмаган бола бор. Афина-Паллада! Пьеса! Мана буни пьесса
деса бўлади! Кузим ёрисин, ёрдам беринг.

У ўзининг корнупешонасини акушерларга ўхшаб қисди.

— Унинг хонадонига келсак, — давом этди Стивен, — онаси-
нинг уруғлари ҳали-ҳанузгача Арден ўрмонида яшашади. «Корио-
лан»даги Волумния билан боғлиқ сахна онасининг ўлимини эсла-
тиб туради. Унинг маъсум ўғлининг ўлими «Қирол Иоанн»да
ёш Артур ўлимининг худди ўзгинаси. Қора шаҳзода Ҳамлет бу
айни Ҳамнет Шекспирдир. «Бўрон»даги, «Перикл»даги, «Қиш
эртаги»даги қизлар ким бўлганлигини — биз биламиз. Клеопатра
ким эди, Миср заминидаги лиқ тўла гўшт қозон, яна Крессиди
ким, Венера ким, биз фақат тусмол қила оламиз буни. Лекин унинг
хонадонининг яна битта аъзоси борки, унинг излари саҳифаларда.

— Фитна чигаллашмоқда, — деб қўйди Жон Эглинтон.

Муҳиб китобдор-сакрамажон қайтиб келди, оёқ учида ди-
кир-дикир сакрайди, башараси тинмай учади, қимирлайди,
ғимир-ғимир вақирлайди.

Эшик ёпилди. Хужра. Шуълалар.

Улар тинглашяпти. Учовлон. Улар.

Мен. Сен. У. Улар.

Бошлаймиз, афандилар.

Стивен. Унинг уч акаси бор эди, Гилберт, Эдмунд, Ри-
чард. Қариган чоғларида Гилберт олижаноб муҳтарам зотларга
хикоя қилиб ўтирарди: бир куни ҳурматли жаноб ҳисобчи қўлим-
га текинга чипта тутқизса бўладими ўшанда ўша Лоннонда ука-
гинамни кўрсам бўладими ҳа, жаноб Вилл пьессалар ёзади ка-
медиялар қўяди, уриш жанжал-тўполонни тоза авжига чиқара-
ди Виллнинг елкасига эса сўқимдай эркак миниб олган бўладими.
Партерда сотилаётган колбасадан Гилбертнинг шунчалар оғзи-
нинг суви қочибдики, асти қўяверасиз, қувончини ичига сиғди-
ролмай ҳадеб илжаярмиш. Гилберт изсиз йўқолди, лекин фа-
лон кас Эдмунд ва фалон кас Ричард меҳр-муҳаббатли Вияля-
нинг битикларида ҳамон кўзга ташланиб туришади.

Магиглинжон. Номлар! Нима дегани ном?

Супер. Ричард, биласизми, бу менинг исмим. Ишончим комилки, сиз Ричард ҳақида яхши бир сўз айтасиз, мен учун бу, биласизми.

Кулги.

Буқа Маллиган (piano. diminuendo).

Шунда медик Дик
Дэвига айтди утрик ..

Стивен. Фитначи ғаламислардан бўлган қора Вилларнинг училигида Ричард-букир, Яго ва «Қирол Лир»да Эдмунд, икки-сига тажаиғ амакиларнинг номлари берилган.

Ха, дарвоқе, мана шу охирги пьесани у акаси Эдмунд Сау-туоркда ўлим тўшагида ётганда ёзган ёки ёзиш пайида юрган.

Супер. Ишонаманки, Эдмунднинг бошида калтак синади. Мен истамайманки адашим Ричард...

Кулги

Квакерлистер (a tempo). Бироқ кимда-ким менинг шарафли номимни ўғирлаб олса...

Стивен (stringendo). У ўз номини, ўзининг чиройли Виям деган номини ўз пьесалари ичига беркитган, қаердадир уни статистга, қаердадир масхарабозга берган, кўхна италияликларнинг суратларида рассом гоҳида ўзини ўзи билинар-билимас қилиб бир жойда чизиб кетади. Лекин сонетларда у номини кўз-кўзлади, бунда ҳар ерда Виямга дуч келасиз. Худди Жон О'Гонтга ўхшаб, унинг номи ўзи учун жуда қадрли, худди мисоли қалқону туғро каби қимматли, илло шу қалқону туғро учун у қанча ялиниб ёлвормади, қора белбоғда учи кумуш олтин найза, honorificabilitudinitatibus¹ — мамлакатдаги энг улўғ саҳнани ларзага солувчининг² шуҳратидан ҳам қимматлироқ. Номнинг маъноси нима? Болалик чоғида биринчи маротаба ўзига берилган номни ёзаётганда, ҳар бир бола бу саволни ўзига-ўзи беради. Кун ёруғида ҳам порлаб турувчи юлдуз, комидан ўт сочган аждар у туғилганда кўкда балкиди. Куппа-кундузи у ёлғиз ягона ярқираб

¹ Хурмат-эйтибор ёғилган ҳолдаги маком (лот.).

² Шекспирнинг маъноси — найза силкитмоқ, шекисен дегани эса — саҳнани ларзага солмоқ маъносида.

турди, у тунда чикадиган Венерадан ҳам ярқироқ эди, кечалар у Кассиопея туркумининг делтаси узра яракларди, бу туркум юлдузлар аро унинг номининг бош ҳарфини тасвирлаб ёнарди.

У ярим кечада Шоттеридан хонимнинг кучоқларидан чиқиб мудраган дала йўлларида қайтаётганда унинг нигоҳи Катта Айиқдан шарқроқда уфқ тубида ястанмиш бу туркумга тушар ва ўз номини ўқирди.

Улар икковлари мамнун. Мен ҳам.

Бу ёркин юлдуз у тўққиз ёшга тўлганда ғойиб бўлганини уларга айтма.

Айрилди ой юзли оғушларидан ҳам.

Сени йдириб кўндиргунларича кутасан. Эҳ, сен писмиқ. Ким сени авраб кўндирарди?

Самоларда ўки. Ауонтимор-уменос. Боус Стефаноуменос¹. Қани қайда сенинг туркуминг? Стиви-Стиви сув ўтларини еди.

S.D.: Sua donna. Gia: Di Lui. Gelindo risolve di non amar S.D.².

— Аммо ўша нима эди, мистер Дедал? — сўради муҳиб-китобдор. — Қандайдир самовий ходисами?

— Кечаси — юлдуз, — жавоб берди Стивен. — Кундузи эса — булутлар устуни.

Яна нимани айтсин?

Стивен шляпаси, асоси, чоригига кўзини тикди.

Стефанос³, менинг тожим. Менинг шамширим. Манави чоригим оёқнинг заволи. Янгисини олиш керак: Пайпоқлар йиртиқ. Рўмолча ҳам зарур.

— Сиз унинг номини яхши ўйнатдингиз, — тан олди Жон Эглингтон. — Сизнинг ўз отингиз эса бирмунча ғалати. Назаримда, у сизнинг кутилмаган ақлий заковатингиздан дарак беради.

Мен, Маги ва Маллиган.

Афсонавий афсунгар. Лочин инсон. Сен учгансан. Қайга ахир? Нью-хейвен — Дйеп, арзон одми вагон. Париж ва яна ортга.

Кўршапалак. Икар. Pater. ait⁴. Қулади, тўлқинларда чайқалади, бўғзига сув тикилади. Шабпарак, мана сен кимсан. Шабпарак бўлмоқ.

¹ Ўз-ўзини қийновчи. Стивен — буқа юраги (юнон.).

² С. Д.: ўз хоними. Ха-ха: уни. Кўнгли совиган С.Д. ни севмай қўйди (итал.).

³ Гулчамбар (юнон.).

⁴ Ота, айтади (лот.).

Мистер Супер осуда тўлқинланиб, бокира дафтарини юқори кўтарди:

— Бу жуда ҳам кизик, чунки ака мотиви қадимий ирланд асотирларида ҳам учрайди. Худди ўша сиз айтаётган нарса. Уч оға-ини Шекспирлар. Ака-ука Гриммларнинг эртақларида ҳам худди шунақа, билдингизми? У ерда учинчи ака — ҳақиқий зўр қаҳрамон, у уйқудаги гўзал маликага уйланади, ҳаммаси шунақа гаплар.

Супер-акалардан супер. Яхши, яхшироқ, суперроқ.

Муҳиб-китобдор сакраб-дикирлаб яқин келди.

— Мен бағоят қизиқиб қолдим-ку, — деб бошлади у, — ака-укаларнинг қайси бирини айтяпсиз... Ақли ожизимча, оға иниларнинг бири билан ҳалигиндақароқ иш бўлганми, шунга ишора қияпсизмикин... Ёинки, балки, мен вақтидан бурунчанг чиқаряпманмикин...

У ўз-ўзини тумшугидан илинтирди — ҳаммага бирма-бир каради — жим бўлди.

Ёрдамчиси уни эшик остонасидан чақирди:

— Мистер Листер! Ҳазрат Дайнин сўраяпти...

— Оҳ, ҳазрат Дайнин! Ҳозир-ҳозир!

Илдам қадамлар ташлаб қарс-қарс оёқ уриб, шахд ила ғачирлатиб, қарс қарс қарс-қарс чиқиб кетди.

Жон Эглинтон жабҳага турди.

— Хўп майли, — оғзини очди у. — Ричард билан Эдмунд ҳақида қандай гапингиз бор экан, кўрамиз. Афтидан, сиз бу гапни охирига қолдирганга ўхшайсиз?

— Ҳар икки олижаноб оға-иниларни, амакимиз Ричи билан амакимиз Эдмундни сиз эслаб қоласиз, деб кутиш, — деб жавоб қайтарди Стивен, — кўришиб турибдики, жуда кўп нарсани кутиш билан баробар. Соябонни осон унутиб қолдиргандек, оға-иниларни ҳам тез эсдан чиқарадилар.

Кўршапалак¹.

Аканг қаерда? Аптекачининг олдида. Менинг хачирим. У, сўнг Крэнли, сўнг Маллиган — энди мановлар. Сўзлар, сўзлар. Аммо ҳаракатингни қил. Сўз айтиб ҳаракат қил. Улар сени си-наб, ҳазил-мазах қилишяпти. Ҳаракат қил. Ҳаракатга жавоб айт.

¹ *Кўршапалак* — сир сақловчи қуш ҳам ҳисобланган. Икар парвоз килолмай қулаганда, илоҳа Афина унга раҳм қилиб, уни шабпаракка айлантириб кўйган.

Кўршапалак.

Менинг овозим Исав овози¹, мен ўз овозимдан чарчадим.
Бир ютим ош учун — ярим салтанат.

Олға.

— У ўз асарлари учун воқеаларни тарихлардан оларди, сиз ўша номларни улардан олган дейишингиз мумкин. Унда нега у бошқасини эмас, айни шу номларни танлади? Ярамас букри Ричард, тамомила айниган одам бева қолган Энига шилқимлик қилади (номнинг кучини кўринг) ширин сўзлар айтиб мақтайди, баттарин кимса шўх бевани йулдан уради, учинчи акаси босқинчи Ричард мағлуб Виямдан кейин подшоҳлик қилади. Драманинг қолган тўртала сахнаси мана шу биринчи сахнага боғлиқ бўлибгина қолмай, балки тўппа-тўғри унда осилиб туради.

Кироллар ичида фақат Ричардни Шекспир дунёнинг ўзидай беҳуда қарздорлик эҳтироми билан қуршамайди. Нима учун «Кирол Лир»даги Эдмунд чиқадиган кўшимча воқеа Сидни яратган «Аркадия»дан ўғирлаб олиниб, тарихдан илгариги замонларнинг келт афсонасига улаб юборилган?

— Вилл шундай қилганда-да, — шоирни ёқлади Жон Эгlington. — Бу биз бугун скандинав сағасини Мередит романидан олинган парчага елимлаб ёпиштиришимиз керак дегани эмас. *Que voulez-vous?*² — Мур шундай деган. Унда Богемия денгиз қирғоғида жойлашган, Одиссей эса Аристотелдан мисоллар келтиради.

— Нега? — давом этди Стивен ўз-ўзига жавоб бериб. — Чунки сотқин ака ёки босқинчи ака, ёки хиёнаткор ака, мавзулари ёки бу учаласи бир бўлиб ҳеч қачон Шекспирни тарк этмайди. Қувғин, ҳайдалиш мавзуси, юракдан ҳайдалиш, уйдан ҳайдалиш мавзуси «Икки вероналик»дан бошлаб то «Бўрон»гача барча драмаларидан бирма-бир ўтади, «Бўрон»да эса Просперо ўз таёғини синдиради. Уни ерни жуда чуқур казиб кўмиб ташлайди, ўз китобини денгизга улоқтиради. Унинг камолга етган чоғларида бу мавзу шохлайди, бошқа мавзулар орқали акс садо беради, такрорланади, кетма-кет протазис, эпитазис, катазис, катастрофа. У гўр ёқасига бориб қолганда, бу мавзу

¹ *Исав* — Инжилда Исҳоқ пайғамбарнинг ўғли. Тўнғич ўғил бўлиб туғилганлик ҳуқуқини, яъни ота тахтига ворисликни нўхот шўрвага алиштирган.

² Сиз нима истайсиз? (*Фран.*)

яна узоққа тушмас экан, бу пайтлар унинг турмушга чиққан кизи Сюзенни эрига хиёнат қилди, деб айблашади. Илк гуноҳ унинг бошини айнитди, иродасини сусайтирди ва ёмонликка каттик ружу қўйишга ундади. Майнутлик милорд епископларнинг тили билан айтганда, илк гуноҳ бошқа бир аллаким томонидан қилинган илк гуноҳга ўхшаганда, ўша гуноҳкор гуноҳларини такрорлаган бўлади. Бу у ёзган охириги сўзларнинг ичига яшириниб ётади, бу сўзлар унинг қабр тошига нақшлаб қўйилди, аммо бу тош остида унинг хотинига жой топилмади. Вақт унга ҳоким эмас. Гузаллик ва осудалик уни суриб чиқаролмади. У яратган оламларда минглаб қиёфаларда сочилиб яшайверади, хоҳ «Йуқ ерда кўп шовқин»да бўлсин, хоҳ икки бора — «Сизга бу ёқадими?»да бўлсин, хоҳ «Бурон», хоҳ «Ҳамлет», хоҳ «Чорага чора»да бўлсин ва мен ўқимаган бошқа барча асарларида бўлсин, яшайверади.

У кулди, ақли ўз ақлининг кишанларини итқитиб ташламоғи учун кулди.

— Ҳақиқат ўртароқда, — хулоса чиқарди ҳакам Эглинтон. — У шарпа ва шахзода. У — ҳамма нарсада мавжуд.

— Айнан шундай, — деб тасдиқлади Стивен. — Биринчи пардадаги бола — бешинчи пардадаги балоғатга етган эр. Бари барида мавжуд. «Цимбелин» билан «Отелло»да у қўшмачи ва алданган эр. У ҳаракатда ва ҳаракатларга жавобда. У идеалга ёки бузукчиликка кўнгил қўйиб, худди Хозе каби чин Кармени ўлдиради. Унинг бўйсунмас идроки — бу алданишдан ўлардай кўрқадиган, ҳабашнинг андак тинчлик, хотиржамлик билмай азоб-изтиробда қийналишини истайдиган Яго.

— Ал-доқ! Ал-доқ! — уятсизларча ўқирди бўкирик Маллиган. — Хавфли сўз! Эрларни қилади ёмон дилсўз!

Коронғи шипдан акс садо қайтди.

— Ҳа, Яго! Қаранг унинг феълени! — яна журъатланиб деди Эглинтон. — Барча гаплар айтилиб бўлганда, фақат Дюма-ўғилга қўшилишгина қолади. (Ёинки Дюма-отагами?). Парвардигори оламдан кейин ҳаммадан кўпроқ яратган кимса бу Шекспирдир.

— У эркакларга қизиқмайди, хотинлар билан ҳам иши йўқ, — яна сўз олди Стивен. — Бутун ҳаётини бошқа ёқларда ўтказиб, ниҳоят у ўзи туғилган бир парча ерга қайтди, лекин на ўсмир ва на балоғат чоғларида бу ердан асло узилмаган ва доим тилсиз гувоҳ бўлиб турган эди. Шу ерда унинг ҳаёт саргузаштлари ту-

гайди ва у бунда тут дарахтини экади. Кейин ўлади. Ҳаракат тугади. Гўрковлар Ҳамлет-отани ҳам, Ҳамлет-ўғилни ҳам ерга кўйдилар. Ниҳоят, қирол ва шахзода ўлим ҳукмида, мотам музикаси чалинади. Барча мунисалар ва мушфиқалари — гарчи уни ўалари сотган, ўлим ёқасига келтирган бўлсалар-да — унинг дарди фироғида кўз ёшларини тўкадилар. Илло Дублин аёлларида бўладими ё Дания аёлларида — жон таслим этганларга ачиниш, раҳм-шафқат — уларнинг ҳеч қачон ажралишни истамайдиган бирдан-бир рафиқаларидир. Агар сизга эпилог ёкса, унга узоқроқ тикилиб қаранг: гуллаб-яшнаган Просперо — тақдирланган эзгулик, Лиззи — бобонинг кичкинтой-эрмак овунчоғи, Ричи амакижон — шоирона адолатли суд томонидан ёмон қоралар учуп мўлжалланган овлоқ ерларга жўнатилган иллат, катта парда тушади. У ўз ички дунёсида имконият каби яшаган нарсаларни тапқи оламда мужассамини топган ҳолда кўрди. Метерлинк¹ айтади: Агар бугун Сукрот уйидан чиқса, эшиги остонасида донишманд утирганини кўради. Агар ҳозир Иуда² йўлга тушса, бу йўл уни Иудага олиб келади. Ҳар бир умр — биринкетин келувчи кўп-кўп кунлардир. Биз ўз-ўзимиз оралаб, ҳар дамда қароқчилар, шарпалар, девлар, чоллар, ўсмирлар, хотинлар, бевалар, руҳан яқин биродарлар билан кўришиб борамиз, лекин ҳар сафар ўз-ўзимизни учратамиз.

Бу дунёнинг фолиосини³ ёзган, дарвоқе жуда ёмон ёзган (У аввал бизга ёруғлик берди, Қуёшни эса — икки кун ўтгандан сўнг ато этди) ўша драматург борлиқ нарсаларнинг ҳукмдори, уни ҳақиқий римликларнинг католиклари *die bona*, жаллод-худо деб атайдилар, ҳеч қандай шак-шубҳа йўқки, у ҳар биримиздаги ҳамма нарсада мавжуд, у отбоқар ва у қассоб, шу жумладан, мабодо Ҳамлет башораг этгандай самовотнинг қору борида ниҳоҳларнинг бошқа йўқлиги ҳалал бермаганда ва бунда одам қайта яралиб фаришта-андроғинга⁴ айланмаганда, яъни ўз-ўзига хотин ҳам бўлмаганида, у қўшмачи ҳамда алданган эр ҳам бўлиши мумкин эди.

— Эврика! Топди! — бўқирди Буқа Маллиган. — Эврика!

¹ *Метерлинк Морис (1862–1949)* — Бельгия драматурги, шоири. Нобель мукофоти лауреати (1911) — символик шеърят вакили.

² *Иуда* — Янги Аҳд илоҳий китоби ҳаворийлардан бири, устози Исо-ни 30 кумуш тангага сотган. Кўчма маънода: сотқин, хиёнатгар.

³ *Фолис* — жуда катта китоб. Юнонча Фолиум — улуғ китоб

⁴ *Андроғин* — эрлик.

У кутилмаганда чехраси чараклаб очилиб, ўрнидан дик этиб турди да, кўз очиб юмгунча Эглинтон столи олдида пайдо бўлди.

— Майлими? — сўради у. — Илоҳ Малахияга садо берди.

У кутубхона қоғозига алланимани ёзишга киришди.

Кетаётганида кутубхона қоғозларидан ола кет.

— Кимки никоҳга кирибди, — деб хабар килди шавқийёр валломат мистер Супер, — биттасидан ташқари, майли шундай яшайверсин. Бошқалар майли, бундан ўзларини тийишсин.

У ҳали никоҳ нималигини билмаган зот санъат бакалаври ҳамда бўйдоқ бўлмиш Эглинтон Иоанига қараб кулиб юборди.

Улар на хотин ва на ишқий ўйинлар нелигини билмай, ҳар қадамда тузоққа тушиб қолишдан қўрққан ҳолда икковлари тун бўйи «Қийиқ қизнинг қийилиши»ни турли нусхаларию изоҳлари билан эзгилаб муҳокамадан ўтказишади.

— Сиз бизни хўп товлаб доғда қолдирдингиз, — гапнинг пўст-калласини айтди-қўйди Жон Эглинтон Стивенга. — Охирида бориб энг жўп ва одми учликни кўрсатиш учун бизни бутун мана ишу йўлни босиб ўтишга мажбур қилдингиз. Сиз ўзингиз шу назариянгизга ишонасизми, ахир?

— Йўқ, — жавоб берди Стивен дарҳол.

— Сиз буларни ёзмайсизми? — сўради мистер Супер. — Сиз буни диалог тарзида яратишингиз керак, биласизми, Уайлдининг платоник диалогларига ўхшаган бўлади.

Жон Эглинтон ўзгача эътиборли табассум қилди.

— Ундай бўлса, — деди у, — модомики ўзингиз бунга ишонмасангиз, нега унда қандайдир ҳақ кутишингиз керак, мен билолмаяпман. Доуден «Ҳамлет»да қандайдир бир сир борлигига ишонади ю, лекин шундан бошқа ҳеч нарса демайди. Пайпер Берлинда учрашган анов жаноб Бляйбтрой Ратленд борасида бир тусмолни илгари суради ва ҳамма сир Стратфорд ҳайкалида яширинган, деб ўйлайди. У ҳозирги герцог ҳузурига бормоқчи эканлигини ва барча пьесалар унинг бобокалони томонидан ёзилганлигини исботлаб бермоқчилигини Пайпер айтган эди. Бу олий ҳазратлари учун ҳеч кутилмаган воқеа бўлади. Бироқ у ўз назариясига ишонади.

Раббим, имон келтиргайман, менинг ишонмасимга ёрдам қил. Яъники, менинг ишонишимга ёрдам қил ёхуд менинг ишонмасимга ёрдам эт? Ишонишга ким ёрдам қилади? Ego men¹. Ишонмасга эса — ким? Бошқа бир азамат.

¹ Ўзим мен (лот.).

— Сиз «Диана» муаллифлари орасида жарақлаган ҳақ талаб қилувчи ягона кишисиз. Яқин сонларда чиқишига ишончим комил эмас. Фред Райен иқтисодий мақоласи учун жой қолдиришимизни сўраяпти.

Фредрайн. Менга иккита жарақлаган танга қарз берган. Ўзингни унғариб ол. Иқтисод.

— Биттагина гиней учун, — деди Стивен, — сиз ушбу суҳбатни босиб чиқаришингиз мумкин.

Буқа Маллиган табассум қилиб ёзишдан тўхтади ва табассум этиб ўрнидан турди. Вазмин овоз, ширингуфтор маккорлик билан у маълум қилди:

— Мен шоир Клинк ҳузурига унинг юқори Мекленбург-стритдаги ёзги қароргоҳига ташриф буюрарканман, у «Summa contra Gentiles»¹ни ўқиётгани устидан чикдим. Унинг қошида бир жуфт сўзак хонимлар ҳам бор эди, диркиллаган Нелли билан Розали, соҳилбўйи кўмирхоналари фоҳишалари.

У оғзини юмди.

— Юр, энди Клинк, юр, дайди кушбозим, Энгус.

Юр, кетдик, Клинк. Биздан кейин қолиб барини еб битирдинг. О, албатта, мен ичак-чавоқлару саркитлардан сен учун қолдиришларини сўрайман.

Стивен ўрнидан кўзғалди.

Умр бу — адоқсиз кунлар. Буниси тугаяпти.

— Биз сизни оқшом кўрайлик, — деди Жон Эглинтон. — Notre ami². У ерга Мэйлахи Маллиган келади деб, Мур кутяпти.

Буқа Маллиган панамасини ва кутубхона қоғозларини кўтарганча таъзим қилди.

— Мсйе Мур, — деди у, — ирланд ёшларини французлардан хабардор қиляпти. Мен бораман у ерга. Кетдик, Клинк, шоирларга қадаҳ уриштирмоқ жоиз. Сен ўзи тўппа-тўғри юроласанми?

Тиржайган калла...

Соат ўн биргача итдай ичиш. Ирландларнинг кечки маишатлари.

Масхарабоз кўғирчоқ...

Стивен шу кўғирчоқ ортидан одимларди. Бир сафар миллий кутубхонада баҳс бўлган эди. Шекс. Сўнг. Менинг кўғимнинг елкаси: ортидан бораман мен. Товонларига тегиб туртиниб кетаман.

¹ «Сумма мажусийларга қарши» (лот.).

² Бизнинг дўстимиз (франц.).

Стивен ичкарида хайрлашиб чиққандан сўнг худди сувга буктирилгандай, қўғирчоқ ортидан, шу сочи силлиқ таралган, соқоли янги кирдирилган, кунгурадор ҳужрадан ёруғ кунга чиққан, қалдираган ва мияси пушт ташлаган ҳазилвоннинг ортидан юриб борарди.

Мен нима топдим? Улардан? Ўзимдан?

Энди худди Ҳейнс каби юр.

Доимий кутубхоналар зали. Таширф китобида Кэшел Бойл О'Коннор Фитсморис Тисделл Фаррелл жингалак дастхат билан ўз туроқларини такмил этади. Савол: Ҳамлет телба савдойи эди-ми? Аббатча билан тепакал Муҳибнинг чучмалкитобий суҳбати:

— О, ҳақиқатан, марҳамат қилсинлар, сэр... Бошим бени-хоя осмонга етади...

Башарасини ўйинқароқ қийшайтирганча Буқа Маллиган ўзи ўзи билан бекор бозорлашар, ўзига-ўзи мамнун бош силкирди:

— Ўзидан хурсанд қўнг.

Турникет.

Нахотки...? Тасмаси зангори аёл шляпаси?.. Шошилмай бе-малол ёзилганми?.. Нимайкан?.. Қараб қўйдими?

Нақшинкор панжара айлапаси, жимжит оққан Минций.

Пақ Маллиган панама дубулғаси остида зиналар оша зина-ларга сакраб ўтар ва ямб вазнида хиргойи қиларди:

Жон Эглинтон, жонажон Жон

Нега хотин олмас у ҳамон?

Кейин бирдан тариллади:

— Ох, анов ияги йўқ хитойлик! Чин Чон Эг Лин Тон. Биз бир куни Ҳейнс билан уларнинг слесарлар залидаги театрча-ларига нимаям бўлиб кириб қолдик. Илгариги юнонлардай, худди бизнинг М. Метерлинкдай актёрларимиз Европа учун янги санъат яратмоқдалар. Аббатлик театри! Димоғимга роҳиб-ларнинг нозик жойларидан чиқаётган ҳидлар урилди.

У шалпиллатиб тупурди.

Унутибман: анов ярамас Люси қандай калтаклаганини у ҳеч унутмайди. Ва яна: у ташлаб кетди *Le femme de trente ans*¹. Нега бошқа болалар бўлмаган? Тўнғичи нега қиз?

Кеч кирувчи ақл. Югур, қайт.

¹ Ўттиз яшар хотин (франц.).

Чимирилган зоҳид ҳамон унда (ўз хаста насибасига эга) ва лазиз пайкар, хур жиловдор, Федоннинг ипак жингалаларин силамоқ бағишлар роҳат.

Э-э... Шу ерда мен... истардимки... айтиш эсимдан чиқди...
Э-э...

— Лонгворт билан Маккерди Аткинсон ҳам бор эди ..
Пақ Маллиган енгил рақс тушиб, чирилларди:

Тор кучадан келади сўкин овози,
Ойимча ўтади — ишқининг гаммози.
Эсга тушар шунда баногоҳ дарров
Ф Маккерди деган Аткинсон биров
Оёғи ёғочдан ишланган мисол
Яна бирови бор, у ҳам бетимсол.
Бир қултум май ичмай, таъмин билмай
Маги деганимиз ияксиз қолгай.
Хотинга тоби йўқ икковнинг чунон
Капаки қилишар яшириб ҳамон.

Майнавозчилик қилавер. Ўз-ўзингни бил.

У бир поғона пастда тўхтаб, менга масхараомуз разм солади. Мен тўхтаб тураман.

— Мозордан чиққан ҳазилкаш, — гингшиди Буқа Маллиган. — Синг энди қора кийим киймаяпти, бошқаларга ўхшай деяпти. Қорадир фақат қарғалар, қашишлар ва инглизнинг кўмири.

У хирқираб, хириллаб кулади.

— Анов қари каламуш Грегорини ёзганинг учун, — маълум қилди у. — Лонгвортнинг жони чиқишига оз қолди. Эҳ, сени териси шилинган жухудиезуит, инквизиция намояндаси! У сени журналда чиқармоқчи, сен кўрнамак эса унинг жимжима ашъорини тасқарасини чиқарибсан. Ахир буни Йейтс усулида қилсанг бўлмасмиди?

У ҳамон қийшанглаб, қийтанглаб, қўлларини кенг ёзиб зинадан пастга тушиб борарди:

— Менинг замонамда ва менинг мамлакатимда бунёд бўлган китобларнинг энг гўзали. Баногоҳ Хомер эсингга тушади.

У зинанинг пастки қаватида тўхтади.

— Мен пьеса туғдим! Шайтоннинг тўқиган ривоятлари! — зўлон этди у тантанавор суратда.

Зангибар усулидаги устунлар тиккайган зал, бир-бирлари билан кесишган соялар. Тўртбурчак, учбурчак қалпоқлар кийган тўққиз раққоснинг зангиборона ўйини охирига етди.

Буқа Маллиган оҳангдор тиниқ овози билан ўз лавҳини ўқишга киришди:

Хар ким ўз-ўзига хотин
ёки
қўлдаги асал ойи
(уч оргаэмли миллий
ахлоқсизлик)
Тентак Маллиган
асари

У иршайган тумшуғини Стивенга бурди.

— Мен ниқоб ҳаддан ташкари шаффоф деб қўрқяпман. Лекин давомини эшит:

У ўқишда давом этди, *parcato*:

— Иштирок этувчилар:

ТОБИ ДРОЧИНСКИЙ (жулдурвақа поляк)

МАНДАВОШ (ўрмон қароқчиси)

МЕДИК ДИК

ҳамда

МЕДИК ДЭВИ (биттасига иккита)

КАМПИРШО ГРОГАН (сув ташувчи)

ДИРКИЛЛАГАН НЕЛЛИ

ҳамда

РОЗАЛИ (қўмирхона қирғоғидаги фоҳиша)

У хаҳолаб кулганча, бошини дам у ёққа-дам бу ёққа сарак-сарак қилиб Стивеннинг олдида борар — ҳамда шарпаларга, одамларнинг руҳларига қувлоқ-шўх мурожаат этарди:

— О, ўша Кэмден-Холлдаги кеча! Эриннинг қизлари сенинг устингдан сакраб ўтиш учун калта этакларини кўтаришлари керак эди, сен эса ўз майгун, ранго-ранг ва ҳар томонга ёйилган қусуғингга ёнбошлаб ётардинг!

— Эрин ўғлонлари ичида энг-энг маъсуми, — садо берди Стивен. — қачонлардир уни деб, белдан пастда этаклар кўтарилмиш эди.

Дарвозага етай деганда, у орқасида кимнингдир келаётганини сезиб, ўзини четга олди.

Ажрашмоқ Айши пайти. Хўб, энди қаёққа? Агар бугун Суқрот уйдан чикса, агар ҳозир Иуда йўлга тушса. Нима фарқи бор? Муқаррар макон кутар мени муқаррар вақтда — қутулиб бўлмас.

Менинг ихтиёрим ва унинг ихтиёри, қозма-юз. Ўртада чоҳ тубсиз.

Бир одам одоб билан таъзим қилиб улар орасидан ўтиб кетди.

— Яна бир қарра салом, — жавоб қилди Буқа Маллиган.

Устунли айвон.

Мен бу ерда қушларнинг учишларига қараб фол очдим. Қушбоз Энгус. Улар учиб келади, учиб кетади. Мен ҳам учдим бу кеча. Енгил парвоз қилдим. Одамлар лол қолдилар. Кейин ойим-қизлар маҳалласи. У менга худди қаймоқдек майин қовун тутди.

Киргил. Ўзинг кўргайсан.

— Сайёр жуҳуд, — Буқа Маллиган кулгили тарзда даҳшатга тушиб шивирлади. — Унинг қўзини кўрдингми? У сенга хирс билан қаради. О, кекса денгизчи, мен сендан кўрқаман. Клиик, сен ҳалокат ёқасида турибсан. Маъсумлик камарбанди бирла белингни маҳкам қил.

Оксенфордча қилиқлар.

Кун. Қуёш аробаси кўприк ёйи узра.

Олдинда қора қифт борарди. Қоплон қадамлари, пастга тушиди, дарвоза остидан папжаранинг ўткир найзалари тагидан ўтди.

Улар изма-из боришарди.

Ҳақоратлайвер мени, давом эт. Гапир.

Очиқ ҳавода Қилдер-стритдаги уйларнинг бурчаклари аён кўзга ташланарди. Битта ҳам қуш йўқ. Уйлар узра кўтарилган қувурлардан патларини ёйиб икки ҳарир пар юксалар ва насимланган насимда насим эриб кетарди.

Жанг қилишни тўхтат. Цимбелин друидлари¹ дунёси: мистериаллар: кенг замин — меҳроб.

Тангрига ҳамду сано!²

Меҳроблардан ҳовурлар

Самоларга ўрласин!

¹ Шекспирнинг «Цимбелин» асаридаги охириги кўринишга ишора Бунда башир башират айтади.

² «Цимбелин»нинг сўнги сатрлари.

10-ВОҚЕА

Ректор, олий ҳазрат руҳоний Жон Конми, О.И. уй эшигининг зиналаридан туша туриб, япасқи соатини яна ички чўнтагига солиб қўйди. Беш дақиқа кам уч. Артейнга сайр килиш учун энг қулай вақт. Айтгандай, боланинг исми шарифи нима эди? Дигнам. Ҳа. Vere dignum et instum est! Биродарим Свонни зиёрат қилишим керак. Мистер Каннингемнинг мактуби. Ҳа. Иложи борича унга кўмак бермоқ лозим. Имонли католик, расм-русум, фарзларни адо этади, хайр-саховат ишларида қатнашади.

Қўлтиқтаёғини олдинга эринчоғлик билан иткитиб аста одимлаётган бир оёғи йўқ чўлоқ матрос қандайдир хиркираган овоз чиқарди. Шафқат ҳамширалари монастири олдида у сакрашдан тўхтаб хайр-садақа учун шапкасини олий ҳазрат руҳоний Жон Конми, О.И. га чўзди. Ҳазрат Конми саховат билан нур сочаётган қуёш остида чўнтагидаги қопчиғида фақат бир дона кумуш танга борлигини унутмаган ҳолда, уни яхшилаб дуо қилди.

Ҳазрат Конми Маунтжой-сквер томонга бурилди. Бир зум унинг хаёли оёқ-қўллари тўп ўқларига дучор бўлиб, эндиликда қолган кунларини ғарибхоналарда азоб-укубатда ўтказаетган аскарлар ҳамда матросларга оғди, кардинал Волсининг сўзларини эслади: *Агар мен Худованди Каримга худди қиролимга хизмат қилгандай ғайрат билан хизмат қилсайдим, қариган чоғимда У мени ташлаб кетмасди.* Ҳазрат япроқлар қарсак чалиб тангачаларини ўйнаётган дарахтлар соясида юриб борар, унинг рўбарўсидан эса худди шу тобда мистер Дэвид Шихи, Ч П. нинг рафиқаси яқинлашиб келарди.

— Ташаккур сизга, жуда ҳам яхши. Ўзингиз тузукмисиз, руҳоний отам?

¹ Муносиб ва такводорона (лот.) ҳам кўп хурсанд бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳазрат ота Конми ўзини бағоят яхши ҳис қилмоқда эди. Дарвоқе, Бакстонга сув муолажасига борса ҳам эҳтимол. Хонимнинг ўғлонлари қандай, Белведерда барча ишлар жойидами? Шундайми? Ҳазрат ота Конми буни эшитиб ростдан ҳам кўп хурсанд бўлди. Э, мистер Шихининг ўзи яхшими? Ҳалиям Лондондами. Э, ҳа, рост, парламент мажлислари давом этяпти-ку. Ҳаво қандай соз, ростданам ғоятда бе-назир. Хўб, ҳазрат Бернард Вохен эҳтимол ўз тарғиботларини яна давом эттирса керак. О, албатта: зўр муваффақият. Чиндан ҳам ғоят ажойиб инсон.

Ҳазрат ота Конми ҳақиқатан мистер Дэвид Шихи, Ч.П. нинг рафикасини соғ-саломат, эсон-омон кўриб боши осмонга етди, менинг энг яхши тилакларимни жаноб Дэвид Шихи, Ч.П. га лутфан етказиб қўйишингизни илтижо қиламан, деди. Хўб, хўб, албатта уйингизга ҳам бораман.

— Яхши қолинг, миссис Шихи.

Ҳазрат ота Конми ўзининг шоҳи шляпасини кўтарди-да, - хонимнинг қуёш шуълаларида тўсдай яраклаган тўр рўмолининг шиша мунчокларига тикилганча хайрлашиб табассум қилди. Бурилиб кета туриб, яна бир жилмайди. У ўзининг тишлари пальма мойи аралашмасидан тайёрланган паста билан тозалаб ювилганини биларди.

Ҳазрат ота қадам отаркан, ҳазрат ота Бернард Вохеннинг ғалати филтиллайдиган кўзлари ҳамда унинг лондонча ширали сўзларини эслаб кулиб қўйди.

— Пилат! нега сен бу шум галаларни бўйнига уриб қувмадинг?

Аммо ғайратига тан бериш керак. Қойил, қойил. Ҳеч шакшубҳасиз ўз йўлига кўп фойда келтирган. Бундан кўз юмиб бўлмайди. У Ирландия ва ирланд халқини севаман, дейди. Қаранг-а, жуда яхши оиланинг фарзанди, кимнинг хаёлига келибди дейсиз? Чамаси, Уэлсдан-ов.

Э ҳа, эсдан чиқмасин-да ишқилиб. Ота вилоятга¹ мактуб жўнатиш керак.

Ҳазрат ота Конми учта ўсмир мактаб ўқувчисини Маунтжойсквер муқолишида тўхтатди. Ҳа: улар Белведердан экан. Тайёрлов синфидан, а-ҳа. Мактабда яхши ўқияписизларми? О-о, баракалла, азаматлар. Э, сенинг отинг нима? Жек Сохан. Сен-

¹ Ота вилоят — иезунтлар мазҳабида муҳим лавозимлардан бири.

чи? Жер, Галлахер. Бу йигитчанинг исми? Унинг оти Бранни Лайнем экан. Қандай чиройли от.

Ҳазрат ота Конми ич чўнтагидан хатни олиб, Бранни Лайнемга берди-да, унга Фитсгиббон-стритнинг муюлишидаги қизил почта қутисини кўрсатди.

— Фақат эҳтиёт бўл, ўзинг ҳам яшиқ ичига тушиб кетма тагин, болакай, — ҳазиллашди у.

Болакайлар ҳазрат ота Конмига кўзларини ғилай қилиб қараб, кулиб юборишди:

— О, сэр!

— Қани, бир кўрай-чи, сен хат жунатишни билармикинсан? — деди ҳазрат ота Конми.

Болакай Бранни Лайнем йўлнинг нариги бетига чошиб ўтди-да, ҳазрат ота Конмининг ота вилоятга хатини кип-қизил почта қутисининг ичига ташлади.

Ҳазрат ота Конми табассум қилди, бошини силкитди, яна табассум қилди-да, Маунтжой-сквернинг шаркий тарафидан илгарилаб кетди. Бошига цилиндр, устига оч мовий ипак қайтарма ёқали камзул, оч сиёҳранг шим, сап-сарик кўлқоп ҳамда учи ўткир боғичли башмоқ кийган, оқ бўйинбоғ таққан, рақс муаллими ва ҳоказо мистер Дэнис Ж. Мажинни салобат билан қадам ташларкан, Максвелл хонимдан Дигнам корт муюлишида олдинга ўзиб ўтаётиб камоли иззат-икром билан ўзини йўлка четига тортди.

Э, афтидан бу хоним миссис Макгиннесга ўхшайди-ку?

Қадди қомаги келишган, сочларига оқ оралаган миссис Макгиннес ўзи улуғвор кетиб бораётган нариги йўлқадан туриб ҳазрат ота Конмига таъзим бажо келтирди. Ҳазрат ота Конми табассум қилди ва бошини эгди. Яхши юрибсизми, хоним?

Хонимнинг савлатини қаранг. Худди Мария Стюартга ўхшайди, нимасидир бор. Ҳайрон қоласан киши — шундай шоҳона аёл — судхўр. Ана холос, ана холос! Шунақанги... нима деса бўлади... Шунақанги шоҳона рухсор билан...

Ҳазрат ота Конми Грейт Чарлз-стритдан борар, икки кўзи чап томондаги ёпиқ протестант черковида эди. Санъат бакалаври, ҳазрат Т.Р. Грин (D.V.)¹ ваъз ўқийди.

Улар буни бенифициарий дейишади. Лотинчасига, олийҳиммат. Ваъз билан художўйларга олийҳиммат кўрсатмоқчи. Бироқ,

¹ *Deo Volante* — Худонинг хоҳиши (ном.).

келинг, бағри кенглик қилайлик. Енгиб бўлмас жаҳолат. Ўзлари ҳам билишмайди нима қилишаётганини.

Ҳазрат ота Конми муюлишда бурилиб, Шимолий айланма йўлдан юриб кетди. Мана шундай муҳим катта йўлда трамвай юрмагани қизиқ. Албатта, юриши керак.

Бир гала ўқувчи болалар елкаларида сумкалари билан Ричмонд-стритга дувиллаб чиқишди ва ҳаммалари бирваракай гижим бош кийимларини кўтаришди. Ҳазрат ота Конми уларга бир неча бор илтифот кўрсатиб, бош силкиди. Насроний биродарлар мактабининг болалари.

Ўнг томондан ҳазрат ота Конмининг димоғига кундур (ладан) ҳиди урилди. Муқаддас Иосиф черкови. Портленд-роу. Қартайган ва саховатпеша соҳибалар учун. Ҳазрат ота Конми Муқаддас Сир амали қошида бошини яланғочлади. Шундай, булар мурувватпеша — лекин баъзан ишлари тоқатдан ташқари.

Олдборо саройи ёнидан ўтаркан, ҳазрат ота Конми бойлигини режасиз совурган ушбу оксуякни ўйлади. Мана энди бу ерга қандайдир идора ёки муассаса жойлашибди.

Ҳазрат ота Конми Шимолий Стрэнд-роудга чиқди, бу ерда у билан ўз дўконининг остонасида турган мистер Виллям Галлахер саломлашди. Ҳазрат ота Конми мистер Виллям Галлахер билан сўрашди ва бекон гўштлари ҳамда йирик мой қатламларидан таралаётган ҳидларни сизди. У Гроганининг тамаки савдоси дўконидан ўтди, бу ерга суяб қўйилган лавҳларга ёпиштирилган газеталар Нью-Йоркда рўй берган даҳшатли фалокат ҳақида хабарлар босишганди. Америкада шундай ҳодисалар дам бадам бўлиб туради. Одамларнинг шундай беҳос ўлиб кетиши қанчалар бахтсизлик. Дарвоқе, ғам-ғуссанинг алами боқий қолади.

Ҳазрат ота Конми Дэниэл Бергинининг қовоқхонаси ёнидан ўтди, тақя деразаси олдида икки бекорчи эркак деворга суяниб туришарди. Улар ҳазратга таъзим қилишди, ҳазрат саломни қайтарди.

Ҳазрат ота Конми Г.Ж. О'Нилнинг дафн идорасини ёқалади, бу ерда оғзига чўп солган Корни Келлахер ҳисоб дафтарига яқун чиқарарди. Маҳаллани айланиб юрган констебль ҳазратга салом берди, ҳазрат ҳам у билан омонлашди. Хинзир гўшти сотувчи Юкстеттернинг дўкони ойнасидан ичкарига назар ташлаб, ҳазрат ота Конми ораста шодалаб қўйилган оқ, қора ва кизил колбаса ўрамларини кўрди. Чарлвилл-мэлл дарахтлари соясида ҳазрат ота Конмининг кўзи торф ташувчи баржа соҳил-

да тўхтаб турганига тушди, қайиш тасмали отнинг калласи қуйи осилган, кир-чир похол шляпа кийган қайиқчи баржада ўтириб тамаки тутатар ва боши тепасидаги терак шохини томоша қиларди. Манзара содалиги билан мафтункор эди ва ҳазрат ота Конми Яратганининг ботқоқларда торф бунёд қилган оқилона башорати ва марҳамати хусусида ўйга толди, одамлар уни қазиб олсин, шаҳарларга ёқилғи қилиб олиб борсин, бева бечора, камбағалларнинг уйларини иситсин деган-да, ахир.

Олий ҳазрат Жон Конми О И Ньюкомен кўпригига чиқиб, Юқори Гардинер-стритдаги авлиё Франциск Ксаверий черковидан марказдан келаётган трамвайга ўтирди.

Шимолий Вилям-стритдаги авлиё Агата черковининг викарийси ҳазрат Николас Дадли марказдан келаётган трамвайдан Ньюкомен кўпригида тушди.

Ньюкомен кўпригида ҳазрат ота Конми марказдан келаётган трамвайга чиқди, илло у Мадайленд ёқалаб ўтувчи лой-ифлос йўлдан яёв юришни ёқтирмасди.

Ҳазрат ота Конми трамвайнинг бурчагига ўтирди, кўкимтир чиптани у қалин ва юмшоқ қўлқопининг тикмасига сунди, тўрт шиллинг, олти пенс ва беш пенни қайтим тангалари эса чиптачининг қалин юмшоқ қўлқопидан унинг пул қопчиғига сирғалиб тушди.

У чирмовук чирмалган черков олдидан ўтиб бораркан, мабодо чиптани бепарво ташлаб юборганда, албатта худди шу пайт — назоратчи келиб текшириб қолиши ҳақида ўйларди. Бундай қисқа ва арзон йўлда кетаётган йўловчиларнинг ғудайиб тантанавор ўтиришлари ҳазрат ота Конмига ортиқча бир нарсасидай туюларди. Ҳазрат ота Конми самимий ҳолатларни ёқтирарди.

Осуда кун Ҳазрат ота Конмининг рўпарасида ўтирган кўзойнакли жаноб нималарнидир тушунтиришини тўхтатди-да, бошини қуйи эгди. Бу хотини бўлса керак, ўйлади ҳазрат Конми. Кўзойнакли жанобнинг хотини андак ҳомуза тортиб оғзини билинарбилимас очди. У қўлқопдаги кичкина муштчасини кўтариб яна ўшандоқ назокат билан ҳомуза тортди, мўъжаз кафти билан оғзига уриб-уриб қўйди-да, билинар-билимас жилмайди, юмшоқ-юмшоқ.

У сепган атирнинг иси ҳазрат ота Конмининг диққатини тортди. Шу билан бирга у аёлнинг нариги ёнидаги бесўнақай эркак ўриндиқнинг нақ чеккасида ўтирганига эътибор берди.

Ҳазрат ота Конми минбарда туриб боши қалтироқ ва ўзи ковушмаган чолнинг оғзига қийинчилик билан ширинлик солди.

Трамвай Эннсли кўпригида тўхтаб энди ўрнидан қўзғалмоқчи бўлганда, бир кампир кутилмаганда ўрнидан туриб эшик томонга юрди. Чиптачи унга трамвайни тўхтатиш учун кўнғироқнинг ипини тортди. Кампир саватлари билан тушиб кетди. Ҳазрат Конми чиптачи саватларни кўтаришга кўмаклашаётганини кўриб турди, кампир тўлаган тангасига қараганда, мўлжалдан нарига ўтиб кетишига сал қолди, шунга қарамай ҳазрат Конми биладики, кампир кўнгли тоза кишилардан бири, буларга доим ҳар куни икки марта сени дуо қиламан, қароғим, деб такрорлаш, гуноҳларингни худо кечиради деб юпатиш зарур, мени дуо қил. Аммо у бечораларнинг ҳаёти шу қадар ташвиш, югур-югур уринишларга тўла, бояқишлар-а.

Мистер Южин Стрэттон афишалардан қалин қора дўрдок лабларини намойиш қилароқ ҳазрат ота Конмига иршаярди.

Ҳазрат ота Конми барча қора танли, мис танли, сарик танли кишиларнинг дили ҳақида ўйга ботди, ўзининг авлиё Петр Клавер О.И. ҳамда Африка миссияси мавзусидаги тарғиботи ҳақида, чин динни тарқатиш, миллионлаган қора, кўнғир ва сарик жонлар, уларнинг қора тунда ўғридай бостириб келган ўлим соатида сув билан покланолмай, тавба-тазарру қилолмай ўтганликлари тўғрисида ҳаёлларга толди. Ҳазрат ота Конмининг назарида белгиялик Иезуитнинг «Le nombre des elus»¹ деган китобида анча-мунча жўяли фикрлар баён қилинган эди. Ахир Худонинг иродаси (D.V.) билан чин динга кирмаган миллионлаб жонлар айни вақтда Парвардигори оламнинг сиймосига ўхшаш ва монанд этиб яратилган жонлар эди. Буларнинг бари Худо яратган Худога тегишли жонлар эди. Ҳазрат ота Конми афтидан уларнинг таъбир жоиз бўлса, мисоли ортиқча чиқиндилар сингари изсиз йўқ бўлиб кетишларига ачинарди.

Хоут-роуд бекатида ҳазрат ота Конми тушди ва чиптачининг хайрлашиб қилган таъзимига жавобан таъзим бажо келтирди.

Малахайд-роуд кимсасиз эди. Ҳазрат ота Конмига бу кўча ҳам, унинг номи ҳам ёқарди. Малахайд узра сузар шўх кўнғироқлар садоси. Лорд Толбот де Малахайд яқин атрофдаги денгизлар ҳамда Малахайднинг тўғридан-тўғри меросхўр лорд-адмиралли бўлади. Тўй хабарини берган жом садолари ва яна худди шу соатда бошланган жанг ва оқибат хоним бир дамнинг ўзида ҳам тул қиз, ҳам рафиқа ва ҳам бева хотинга айланади.

¹ «Мўътабарлар сони» (франц.).

Булар олис ўтмиш кунлар, беташвиш, беқайғу шаҳарлар замони, тинч, осуда замонлар, баронларнинг узоқ қадимияти.

Ҳазрат ота Конми йўлида давом этаркан, ўзининг «Барон қадимияти» деган чоғроқ китоби ҳақида ўйлади, шу билан бирга Иеузитларнинг уйлари ҳамда лорд Маулсвортнинг қизи Мэри Рочфорт, биринчи графиня Белведер тўғрисида ёзиш мумкин бўлган китобни хаёлидан ўтказди.

Энди ёши бироз ўтиб қолган маҳзун аёл Эннел қўли соҳилларида ёлғиз кезар, бу Мэри, биринчи графиня Белведер оқшомлар қайғуга ботиб сайр этар, қундузнинг сув бетиде шалошлаб шўнгишлари аёлни на ҳайратга солар ва на кўрқитарди. Ким биледи асл ҳақиқатни? Ҳойнаҳой рашиқ ўтида ўртанган лорд Белведер эмасдир, бу унинг тавбасини қабул этган руҳоний ота ҳам эмасдир чоғи? Мабодо у ўз эрининг акаси билан токи ejaculatio seminis inter vas naturale mulieris¹ хиёнат гуноҳига охиригача жазм этмаган бўлса? Агар охиригача узил-кесил гуноҳга ботмаган эса, у фақат чала ярим тавба қилган бўларди, зеро, хотинлар шундай йўл тутишади. Шунда буни фақат Худо, фақат хотиннинг ўзи, фақат эрининг акасигина биларди.

Ҳазрат ота Конми бетийиқ хирсий майллар ҳақида фикрлар, бироқ ер юзиде шусиз инсон наслининг давом этиши асло мумкин ҳам эмас, зеро, худовандонинг тариқи батаҳқиқ бизнинг моҳиятан тариқимиз ҳам эмас.

Дон Жон Конми ҳамон йўлин қатъ айлаб, хаёлан узоқ ўтмиш замонларни кезди. У пайтлар у хурмат эътиборга сазовор ва самимий эди. У ўз хотираси пучмоқларида тавба-тазарруларнинг сирларини саклар, меҳмонхона залларининг шипларига сарғайиб пишган меваларнинг чамбарлари осилган, паркет поллари мойланган саҳнларида олижаноб чехраларнинг табассумларига табассум ила жавоб қайтарарди. Ва яна олижаноб эр ва олижаноб аёл бўлмиш келин ҳамда куёвнинг қўлларини ковуштирар эди дон Жон Конми.

Ажойиб кун.

Даладаги четан орасидан ҳазрат ота Конмига қарам сафлари кўринди, улар пастки япроқларини кенг ёйиб унга таъзим қилардилар. Кўк юзиде паға паға барра оқ булутлар подасини шамол оҳиста ҳайдаб борарди. Moutonner², дейишади французлар. Аниқ сўз, жуда шинам.

¹ Аёл фаржиге то эрлик уруғи тўкилгунча (лот.).

² Кўпирган жингала булут (франц.).

Ҳазрат ота Конми дуо сўзларини ўқиркан, Рэткоффи узра сузган барра булутларни кузатарди. Клонгауз далаларининг чўкиртак илдиз-поялари юпқа пайпоқдаги оёқларига қаттиқ ботарди. Окшомлар у ўша ерда сайр этар, дуолар ўқир, ўйин билан машғул болаларнинг қичқириқлари, сокин кечки ҳаво бағрида жаранглаган овозларини эшитарди. У уларнинг ректори эди — уларни ҳалимлик билан идора этарди.

Ҳазрат ота Конми қўлқопларини ечиб, бурчаклари қизил дуо китобини чиқарди. Фил суягидан ясалган китоба китоб саҳифасини кўрсатиб турарди.

Соат тўққиз. Буни боя тушликкача ўқиш керак эди. Аммо леда Максвелл келиб қолди.

Ҳазрат ота Конми Падаримиз ва Аве Марияни ичида такрорлади-да, чўкиниб қўйди. *Deus in adiutorium*¹.

У хотиржам кўнгил ила соат тўққизда айтилувчи дуони ичида ўқиб тинмай одим отар, ўқир, яна одим отар ва ниҳоят Решга етиб келди *Beati immaculati*:

— *Principium verborum veritas: in eternum omnia indicia iustitiae tuae*².

Қизариб-бўртиб кетган йигитча кўк четан орасини ёриб ўтиб, сўқмоққа чиқди, унинг ортидан қўлида сўлиган мойчечак дастасини ушлаган қизча пайдо бўлди.

Йигитча шоша-пиша бошидаги шляпасини кўтарди; қизча шошилиб таъзим бажо қилди ва эстагига ёпишган хасни олиб ташлашга тутинди.

Ҳазрат ота Конми ҳар икковни сиполик билан дуо қилди-да, дуо китобининг юпқа саҳифасини варақлади Шин:³

— *Principes persecuti sunt me gratis: et a verbis tuis Formidavit cor meum*⁴.

* * *

Корни Келлехер катта ҳисоб-китоб дафтарини ёпди-да, солинган ковоқлари остидан худди соқчидай бурчакда турган то-

¹ Худоё, таъжил айла мени халос этмоққа (*лот*).

² Маъсумлар бахтиёрдир:

— Сенинг каломинг матни ҳақдир: сенинг ҳақиқатингнинг ҳар хукми мангудир (*лот*).

³ Яҳудий алифбоси ҳарфи.

⁴ Боёнлар мени бегуноҳ қуварлар, аммо дилим сенинг каломингдан кўрқар (*лот*).

бутнинг карағай қопқоғига каради. У кадини ростлаб, унинг яқинига борди-да, ўки атрофида айлантириб, бўртиқлари ҳамда мис безакларини кўздан кечирди. Оғзидаги чўпни чайнаганча, у тобут қопқоғини кўйди-да, эшикка йўналди. Бунда у кўзини пана қилиш учун шляпасини пешонасига бостирди да, эшик кесақисига суяниб эринчоқлик билан кўчани кузатди.

Ҳазрат ота Конми Нью Комен кўпригида Доллимаунтга олиб борадиган трамвайга ўтирди.

Корни Келлехер улкан бошмоқларини чалиштириб, манглайига бостирилган шляпа остидан атрофга кўз югуртирар, оғзидаги чўпни тинмай чайнади.

Констебль 57 С, кўча соқчиси унинг қошида бир зум тин олди, ҳол-аҳвол сўрагиси келди.

- Хўб кун бўлди, мистер Келлехер.
- Оҳо, — пўнғиллади Корни Келлехер.
- Фақат бироз димроқ, — деди констебль.

Корни Келлехер тишлари орасидан чўп чайнашдан ҳосил бўлган сўлакни чирт этиб тупурди, саховатли оппоқ қўл эса деразадан Экклс-стрит кўчасига танга ташлади.

- Хўш, нима яхши гаплар бор? — деб сўради Корни Келлехер.
- Мен фалон кишини кеча кечқурун кўрдим, — деди овозини пасайтириб констебль.

* * *

Чўлоқ матрос Макконнел аптекасининг бурчагига тўкиллаб ўтди, Рабайотти музқаймоқ сотувчисининг аравачаси ёнидан айланиб, қўлтиқтаёқларида Экклс-стрит кўчасида сакрай бошлади. У ўз эшиги олдида валангар турган Лалли О'Руркка яқинлашиб, атайлаб чинқирди:

- Англия учун...

У қаттик силтаниб олдинга ҳаракат қилиб, Кейти ва Буди Дедал ёнидан ўтиб, қичқирди:

- Уйимиз ва гузаллигимиз учун.

Ж.Ж. О'Моллойнинг оқариб, ташивишга ботган башарасига қараб мистер Ламберт омборхонада эканлиги, ҳузурида одам борлигини хабар қилишди.

Тўладан келган хоним йўлидан тўхтаб, ҳамёнидан чақа танга чиқарди-да ўзига томон узатилган шапка ичига ташлади.

Матрос тўнғилаб миннатдорчилик билдирди-да, хиссиз деразаларга қовоғини уйиб боқди-ю бошини қўйи солинтириб яна сакраб-сакраб тўрт кадам олдинга жилди.

Кейин тўхтаб қаҳрли қичқирди:

— Англия учун...

Икки яланғоёк бола узун чўплардаги обакиданонни сўришаркан мажрух чўлтоққа сўлакайлари оққан оғизларини очиб тикилишди.

Матрос яна адл-адл силтаниб олға силжиди да, тўхтаб, калласини юқорига кўтарди ва паст дўриллаган овоз билан бақирди:

— Уйимиз ва гузаллигимиз учун.

Дераза ортидаги қувнок ялла ва хиргойи яна андак давом этиб турди-да сўнг тўхтади. Дераза пардаси четга сурилди. «Мebelсиз квартиралар ижарага қўйилади» деган лавҳа тахтача сирғалиб пастга тушиб кетди. Яланғоч ва бўлиқ саховатли қўл оқ ички қўйлак ҳамда қўйи этакнинг таранг боғичлари орасидан лип этиб кўринди. Хотин кишининг қўли панжара орасидан танга ташлади. Танга йўлгага тушди.

Болақайлардан бири югуриб келиб, тангани олди-да, тиланчининг шапкасига ташлади:

— Олинг, сэр.

* * *

Кейти ва Буди Дедал буғ тўла ошхона эшигига сукулишди.

— Сен китобларни олиб бордингми? — сўради Буди.

Мэгги плита олдида туриб билкиллаган совун кўпикларидаги туссиз кир уюмини икки марта таёқ билан титкилаб, пешонасини артди.

— Уларни олишмаяпти, — деди у.

Ҳазрат ота Конми Клонгоуз далаларидан юриб борар, чўкир-так илдиз поялар юпқа пайпоқдаги оёқларига тикандек ботарди.

— Сен ўзи қаерга олиб бординг? — сўради Буди.

— Макгиннесс олдига.

Буди оёғини тапиллатиб ерга урди-да, сумкасини стол устига отди.

— Илоҳим, семиз жинни ёрилиб ўлсин! — қичқирди у.

Кейти плита олдига келиб, чўзилиб қаради.

— Қозонда нима бор? — сўради у.

— Кўйлақлар, — деди Мэгги.

Будининг жаҳли чиқиб бақирди:

— Қуриб кетсин, ейишга ҳеч нарса йўқми?

Кейти декчанинг қолқоғини ҳўл этаги билан ушлаб кўтарди-да, сўради:

— Бу нимаикан?

Декчадан хушбўй куюк буғ кўтарилди.

— Нўхат шўрва, — деди Мэгги.

— Қайдан худо ярлақади? — сўради Кейти.

— Ҳамшира Мэри Патрик берди, — деди Мэгги.

Хизматчи қўнғироқ чалди.

— Жингг!

Буди столга ўтирди-да оч қичқирди:

— Қани бу ёққа ол!

Мэгги декчадан куюк сарғиш шўрвани унинг тарелкасига солиб берди. Кейти хотиржам ҳолда Будининг қаршисига ўтириб, нон увоқларини бармоқлари учида оғзига соларкан, оҳиста деди:

— Яхшиям, шу бор экан. Дилли қани?

— Отамни кутиб олгани чиқди, — деб жавоб берди Мэгги.

Шўрвага нонни майдалаб соларкан, Буди қўшиб қўйди:

— Осмонда йўқ падаримизни...

Кейтининг идишига ош соларкан, Мэгги норози бўлиб деди:

— Буди! Уялмайсанми!

Илиё келур деб, қоғозни буклаб ясалган қайиқча енгилгина тебраниб, силкиниб Лиффидан қуйига қараб сузиб борар, Айланма кўприк тагидаги йўғон устунлар атрофида бурама ҳосил қилиб қайлаган сув тўлқинларидан сакраб ўтиб, кемалару лангарлар занжирларини ёнлаб, эски божхона доки билан қирол Георг соҳили орасидан шарққа томон йўл оларди.

* * *

Торнтон дўқонида оқ-сарикдан келган қиз тўқилган сават остига шилдираган ялтироқ қоғоз тўшарди. Буян Бойлан қизғиш қоғозга ўралган шиша билан кичкина атир идишчани узатди.

— Ҳаммасидан олдин мана буларни, — деди у.

— Хўп, сэр, — деди сарик қиз, — меваларни тепасига қўяман.

— Қойил, бу аини муддао бўлади, — деди Буян Бойлан.

Қиз дўмбоқ нокларни жуфт-жуфт қилиб, думларини ҳар томонга қаратиб авайлаб, чиройли қилиб жойлади, улар ора-

сига уятдан кизариб кетган ғарк пишган шафтолиларни ўрнаш-тирди.

Буян Бойлан мева-чеваларнинг хушбўй исларига тўлган дўкон ичида янги тўқ қизғиш ботинка кийган ҳолда айланиб юрар, мевалар, диркиллаб турган, серэт, серсув думалок помидорларни ушлаб кўрар, бурнига яқин олиб бориб, ҳидлаб кўярди.

М.Х.Э.Л.И. сафланиб оқ цилиндр қалпоқларда Танжер-лейн бўйлаб ўз кўзлаган манзиллари сари салқи қадамлар ташлаб унинг кўз унгидан тизилишиб ўтдилар.

Бойлан бирдан кулупнай солинган идишдан юзини бурди-да чўнтагидан тилла соатини чиқариб, занжири имкон берган-ча илгарига чўзиб, кўз ташлади.

– Буни ҳозирнинг ўзида жўната оласизми? Трамвайда?

Мерченге-арч растасида елкаси қорайиб кўринган бир кимса кўча сотувчисининг аравачасидаги китобларни титкилаб варақларди.

– Ҳа, албатта, сэр. Бу шаҳардами?

– Ҳа, шундай, — жавоб берди Буян Бойлан. — ўн минут-лик йўл.

Оқ-сарик киз қоғоз билан қалам узатди.

– Қаердалигини ёзиб бермайсизми, сэр?

Буян Бойлан қоғозни тахта устига қўйиб, манзилни ёзди ва кизга берди.

– Фақат дарров жўнатиб, келишдикми? — деди у. — Бу бемор кишига.

– Хўп, сэр. Бажараман, сэр.

Буян Бойлан шими чўнтагидаги тангаларни шўх жаранглатди.

– Энди айтиб-чи, мени қанчагача туширдигиз? — сўради у.

Қизнинг нозик қўллари меваларни яна бир бошдан санаб чиқди.

Буян Бойлан қизнинг очиқ ёқасидан ичкарига мўралади.

Кушча. У баланд кўзадан бир дона қизил чиннигулни олди.

– Менга ярашадими? — деб сўради у олифтанамо.

Оқ қиз унга қиё боқди, сиполик билан қаддини ростлади, бироз четга қийшайган бўйинбоғига кўз кирини ташлади, қизаринқиради.

– Ҳа, сэр, — деди у.

Энкайиб у яна биққи ноклару бўртган шафтолиларни қай-тадан санади.

Буян Бойлан унинг очилиб қолган қўйнига яна ҳам майл кўрсатиб боқди, иршайган тишларида қизил гул бандини иш-тахта билан чайнади.

— Мен сизнинг телефонингизга икки оғиз сўз айтай, майлими, мисси? — деди у бепарволик билан.

* * *

— Ma! — деди Алмидано Артифони.

У Стивеннинг елкаси оша Голдсмитнинг гуддасимон бошига паришон назар ташлади.

Саёҳатчилар тушган икки вагон секинлаб ўтди, аёллар олдинда бандни ушлаб ўтиришарди. Октандилар. Эркакларнинг қўллари уларнинг ингичка белларини тортинмай кучарди. Улар Тринити томондан Ирланд банкининг хилват серустун пештоқи га боқишар, бунда кабутарларгина ғув-ғувуллашарди.

— Anch' i ho avuto di queste idee — дерди Алмидано Артифони, — quand' ero giovane come Lei. Eppoi mi sono convinto che il mondo e una bestia. E peccato. Perche La sua voce... sarebbe un cespite di rendita via, Invece, Lei si sacrifica².

— Sacrificio incruento³, — деди Стивен табассум қилиб ва шумтол оғочидан ясалган асосининг ўртасидан тутиб аста чай қаганча.

— Speriamo, — деди думалок, мўйловдор башара дўстона. — Ma, dia: retta a me. Ci rifletta⁴.

Гратаннинг тўхтанглар! деб амр айлаган қаттиқ тош дастпанжаси тагида Инчикордан келган трамвай Шотланд тоғ полки оркестрининг бир талай тўп солдатларини туширди.

— Ci riflettero⁵ — жавоб берди Стивен пастга кенг иштонга қараб.

— Ma, sul serio, eh?⁶ — дерди Алмидано Артифони.

Унинг оғир қўли Стивеннинг қўлини қаттиқ қисди. Одам нигоҳи. Бир зум нигоҳ ғоятда синчков боқди. Кейин шу заҳоти Долкидан келаётган трамвайга тез ўтди.

¹ Аммо! (итал.).

² — Менинг ҳам хаёлимга шундай фикрлар келганди... унда мен худди сиз каби ёш эдим. Мен у пайтларда шунга амни эдимки, дунё бу — ҳайвон. маъзур тутинг. Бироқ, сизнинг овозингиз... даромад маибайи бўлиши мумкин эди, кўринг-а. Бунинг ўрнига сиз ўзингизни қурбон қилмоқдасиз.

³ — Бу ўйланган қурбон (итал.).

⁴ — Умид қиламиз... Бироқ менинг сўзимга киринг, ўйлаб кўринг (итал.).

⁵ — Ўйлаб кўраман.

⁶ — Фақат жиддий бўлсин, хўпми? (итал.)

— Eccolo — шошилиб дўстона деди Алмидано Артифони. — Venga a trovarmi eci pensi. Addio, caro¹.

— Arrivederla, maestro², — жавоб берди бушаган қули билан шляпасини кўтариб. — E grazie.

— Di che? — сўради Алмидано Артифони. — Scusi, eh? Tante belle cose!³

Алмидано Артифони найча қилиб ўралган ноталарни худди сигнал бергандай кўтариб, кенг иштонини ҳалпиллатганча Долкидан келаётган трамвайга югурди. У беҳуда уринар, беҳуда ишоралар қиларди. Зеро, ҳаммаёқни ўз мусиқа асбоб анжомларини Тринити дарвозасидан ташиб ўтаётган болдирлари яланғоч тоғликларнинг издиҳоми тутганди.

* * *

Мисс Данн Кейил-стритдаги кутубхонадан олинган «Оқ либосли аёл»ни тортманинг узокрок ичкарисига суриб қўйди-да, ёзув машинкасига почта рангли қоғозининг варағини жойлади.

Бунда сирли нарсалар хаддан зиёд кўп экан. Анов эркак Мэрионни яхши кўрармикин, йўқми? Яхшиси бошқасини олган маъқул, мисол учун Мэри Сесил Хэйнинг китобларидан.

Соатнинг кафгири уясида сирғалиб пастга тушди, андак силкиниб турди, сўнг тўхтаб дарчада олти рақами кўринди.

Мисс Данн тугмаларни тақиллатиб босди:

— 1904 йил 16 июнь.

Вульф Тоннинг ўрнатилмай қолиб кетган ҳайкалининг тагпойдевори билан Монипени ўртасидаги муюлишда оқ цилиндр кийган беш қомат реклама лавҳаларини кўтарганча иланг-биланг қилиб ўтишди, М.Х.Э.Л.И. ни кўрсатишди, кейин қаердан келган бўлсалар, шу ёққа ғойиб бўлишди.

Кейин у жозибадор танноз Мария Кендалл тасвирланган катта афишага қараб қолди, у ўзини ўйсиз орқага ташлаган, олдидаги дафтарга ўн олти рақами ҳамда «S»с бош ҳарфларини қиртиллатиб ёзарди. Тўқ сарғиш сочлар ва упа суртилган юзлар. Бунинг нимаси ёқади? Этаги тўрт энлик, яна шуни ҳам юқори кўтаради. Ҳа-я, у бугун музикага келармикин? Кийим

¹ — Мана келди... Келинг, гаплашамиз. Ўйлаб кўринг. Хайр, азизим.

² — Хайр, маэстро... Ташаккур сизга.

³ — Нима учун?.. Хафа бўлмадингизми? Яхши қолинг! (итал.)

тикувчини кундирсам, Сюзи Нэглиникига ўхшатиб бурмали этак қилиб берармикин? Жуда алламбало. Шаннон билан яхт-клубдаги барча тузлар ундан кўзларини узишолмайди. Ё худо, у мени бу ерда соат еттигача олиб ўтирмас, ахир.

Телефон қизнинг қулоғи остида чинқириб жиринглади.

— Алло. Ҳа, сэр. Йўқ, сэр. Ҳа, сэр. Мен уларга бешдан кейин кўнғироқ қиламан. Фақат шу иккаласи, сэр, Белфаст билан Ливерпулга. Хўп бўлади, сэр. Демак, агар сиз келмасангиз, мен олтида кетсам бўладими? Ўн бешта ўтганда. Ҳа, сэр. Йигирма етти-ю олти. Мен унга айтаман. Шундай: бир фунт, етти-ю олти.

Қиз конвертга учта рақамни ёзди.

— Мистер Бойлан! Бир зум! Анов «Спорт»даги жаноб кирган эди, сизни сўради. Ҳа, мистер Ленехан. У соат тўртда «Ормонд»да бўламан деди. Йўқ, сэр, Ҳа, сэр. Мен уларга бешдан кейин чиқаман.

* * *

Гира-шира чироқнинг милтиллаган шуъласида икки қизаринган чеҳра чиқиб келди.

— Ким бу? — сўради Нед Лэмберт. — Бу Кротти эмасми?

— Рингабелла ва Кроссхейвен, — овоз берди оёқлари билан зиналарда пайпасланаётган кимса.

— Э, бу сизмисиз, Жек, салом! — деди Нед Лэмберт ўзининг юмшоқ таёқчасини жимирлаган шип тоқларига кутлаб кўтариб. — Бу ёққа келинг. Эҳтиёт бўлинг, у ерда зина бор.

Руҳоний отанинг юқорига кўтарилган қўлидаги гугурт узун тиниқ айлана аланга сочди-ю, сўнг иткитиб юборилди. Унинг охириги учқуни оёқлари остида сўнди — яна улар бўғиқ дим ҳаво ўровида қолдилар.

— Жуда ажойиб-ку! — деди бийрон бир овоз коронғида.

— Шундай, сэр, — дарҳол тийрак илиб кетди Нед Лэмберт. — Биз сиз билан ўша муқаддас Мария аббатлигининг тарихий палатасида ўтирибмиз, бу ерда 1534 йилда бўлган кенгашда ипак Томас исён бошланганини эълон қилганди. Бутун Дублинда бундан кўра тарихийроқ жой йўқ. О'Мэдден Берк тез орада у ҳақда бир нарса ёзмоқчи. Уния¹ бўлгунча бу ерда эски Ирланд банки жойлашганди, энг биринчи яҳудий ибодатхонаси ҳам шу ерда эди, кейин улар Аделаид-Роудда ўз синагоғларини қуриб

¹ Уния — лот. бирлашиш; икки давлатнинг бирлашуви.

чиқиб кетишди. Жек, сиз ахир илгари бу ерга ҳеч келмаган эдингиз, тўғрими?

— Биринчи келишим.

— У Дэйм уок томондан кириб келган, — деди бояги бийрон овоз, — эс-эс хотирлайман. Килдерларнинг қасри Томас-кортда эди.

— Жуда тўғри, — деди Нед Лэмберт. — Мутлақо ҳақсиз, сэр.

— Сиз шундай марҳамат кўрсатиб турсангиз, — деди руҳоний ота, — балки сиз келаси сафар менга ижозат беришингизни сўрардимки...

— Ҳа, албатта, — деди Нед Лэмберт. — Қачон хоҳласангиз, фотоаппаратингиз билан келаверинг. Мен манави қопларни ромлардан олиб қўйишларини айтаман. Сиз манави ердан ёки у ердан бемалол суратга олаверасиз.

У заиф липиллаган чироқ ёруғида таёкчасини дон тўла қоплар ҳамда полнинг суратга олиш кулай ерларига тўқ-тўқ уриб у ёқ бу ёққа юриб турарди.

Шахмат тахтаси устига узунчоқ башаранинг соқоли осилган, кўзи бир нуктага қадалган эди.

— Сиздан ғоятда миннатдорман, мистер Лэмберт, — деди руҳоний ота. — Қимматли вақтингизни бошқа олиб ўтирмай...

— Доим тортинмай келаверинг, — деди Нед Лэмберт. — Фақат хурсанд бўламиз. Хоҳласангиз, кейинги ҳафтада келинг. Сизга кўриняптими?

— Ҳа, ҳа. Хайр бўлмаса, жаноб Лэмберт. Танишганимиздан бошим осмонга етди.

— Мен ҳам жуда хурсандман, сэр, — жавоб берди Нед Лэмберт.

У меҳмонни эшиккача кузатиб қўйиб, ҳовлида юмшоқ таёкчасини устунлар тагига улоқтирди. Кейин Ж.Ж О'Моллой билан бирга шошилмай Муқаддас Мария аббатлиги томонга ўтди, бу ерда юкчилар О'Коннор учун усти ёпиқ араваларга алғарроб ҳамда пальма унлари солинган қопларни ортишарди. Вексфордга жўнатилади.

У қўлида тутиб турган ташриф қоғозчасини ўқиш учун тўхтади.

— Ҳазрат ота Хю К. Лав, Рэткоффи. Ҳозирда манзили: Сент-Майклс, Соллинс. Кўп яхши одам кўринади. У менга Фитсжералдлар тўғрисида китоб ёзаётганлигини айтди. Худо ҳақи, тарихни беш қўлдай билади.

Қизгина ҳафсала билан этагига ёпишган хашакни олиб ташлади.

— Мен ўйлабманки, бу ерда сиз порох йиғиб янги фитна тайёрлаясизми деб. — деди Ж.Ж. О'Моллой.

Нед Лэмберт бармоқларини ҳавода шарақлатди.

— Ўх, қуриб кетсин! — хитоб қилди у. — Мен унга герцог Килдерни гапириб бермабман-ку. У Кэтсидаги бош жомени ёқиб юборган эди. Бунинг воқеасини биласизми? Мен буни қилганимдан жуда ёмон ўқинчдаман, у шундай деб айтган эди, лекин қасам ичиб айтаманки, мен архиепископ жоменинг ичи да деб ўйлабман. Балки бу руҳоний отага ёқмаган бўлармиди. Лаббай? Йўқ, барибир буни унга хикоя қилиб бераман. Бу ахир герцог Фитсжералд эди. Улар ҳаммаси юрагида ўт-олов қайнаган одамлар эди, Жералдайнлар бари шундай эди.

У абзал қайишлари бўшалиб безовта силкиниб турган отлар ёнидан ўтди. У кўкин холдор отнинг дириллаб турган сағрисига шапатилаб, қичқириб қўйди:

— Хе-е, тўполовчи!

Кейин Ж.Ж. О'Моллойга ўгирилиб қаради да, сўради:

— Хўп, майли, Жек. Нима бўлди? Ох, бирпас тўхтаг. Шошманг чи.

У бошини анча орқага тортиб, оғзини катта очиб, бир зум қотиб қолди, кейин каттиқ акса урди.

— А-апшу! Ох, қуриб кетсин!

Бу қопларнинг чағги, — одоб сақлаб деди Ж.Ж. О'Моллой.

— Унақамас, — зўрға нафас чиқарди Нед Лэмберт, — қайдан дучор бўлдим... Совуқ кеча ўтган... Вой шайтон... Ўтган куни кечаси... шундай совуқ шамол бўлдики...

У аксирик яна хуруж қилиб келаётганини сезиб рўмолчасини чиқарди...

— Мен... эрталаб... Гласневинда эдим... анов бечора... оти нимаиди... А-апшу!.. Вой қисталоқ!

* * *

Том Рочфорд ўзининг қирмизи нимчасига босиб турган тахламдан устки дискни олди.

— Қўрдингизми? — сўради у. — Олайлик, ҳозир олтинчи сон кетяпти. Уни мана бу ерга қўяман, қаранг. Саҳнда номери чиқади.

Уларнинг кўз ўнгида у дискни сўл уяга жойлади. Диск ариқчадан пастга сирғалиб тушди, андак силкиниб турди-да, сўнг тўхтади ва уларга дарчадан олти рақамини кўрсатди.

Ўтган замонларнинг калонпо ва калондимоғ юристлари қонунга боғлиқ ишларни адо эта туриб Ричи Гулдинг бошқармасидан фуқаролик судига қараб Гулдинг, Коллис ва Уорд фирмасининг папкасини кўтариб ўтишига боқиб туришар, шунингдек, улар ёши катта улўғсифат бир аёл оғзидаги ясама тишларини кўрсатиб бадғумон илжайганча, кенг қора шоҳи кўйлагини шилдиратиб қирол судининг адмиралтея бўлиmidан апелляция суди тарафга ўтаётганини кузатишарди.

— Кўрдингизми? — қайтарди у. — Қаранг, охирги туширганим энди у ерда тепага чиқди: Ўтган Рақамлар. Босим. Дастак усули. Тушунарлими?

Уларга ўнг томондаги тобора кўпайиб бораётган дисклар тахламини кўрсатди.

— Усталик билан ўйлаб топишган экан, — деди пишиллаб Флинн Узун Бурун. — Демак, ким кеч қолган бўлса, ҳозир қайси рақам эканлиги ва қайсилари ўтиб бўлганини шундок кўриши мумкин.

— Кўрдингизми? — такрорлади Том Рочфорд.

У яна бир карра томоша қилиш учун дискни қайта туширди — диск пастга шўнғиб, силкиниб, тўхтаб, сўнг тўрт рақамини кўрсатганини кузатди. Рақам саҳида.

— Мен уни ҳозир «Ормонд»га борганимда кўраман, — деди Ленехан, — Қани кўйнига бир қўл солай-чи. Керакли рақам тағин чиппакка чиқиб ўтирмасин.

— Бўпти, — маъқуллади Том Рочфорд. — Унга айтиб кўй, мен бу ерда ўзим Буян бўлиб қолдим, сира сабрим чидамаяпти.

— Хўп, мен ухлагани кетдим, — деди такаллуфсизлик билан Маккой. — Иккингиз бир иш бошладингизми, тамом...

Флинн Узун Бурун дастак устига энгашиб пишилларди.

— Э манавиниси қандай юради, Томми? — сўради у.

— Ғув-ғув, кабутарлар, — деди Ленехан. — Тезда кўришгунча.

У Маккой билан изма-из Крэмптон кортнинг кичкина чорси ҳовлисидан ўтиб кўчага чиқди.

— У қаҳрамон, — деди у содда қилиб.

— Биламан, — деди Маккой, — Сиз оқава аригини айтяпсиз.

— Оқава арик дейсизми? — сўради Ленехан. — Э, бу копқокли қудукда рўй берган.

Улар Дэн Лаурининг мюзик-холли ёнидан ўтишди, бу ерда афишада гўзал танноз Мария Кендалл уларга бўяма табассумнинг жозибасини сочарди.

Сайкмор-стритнинг йўлкасидан пастга эниб бораркан, Ленехан «Эмпайр» мюзик-холл олдида Маккойга воқеа қандай бўлганини тушунтирди. Мана шу оғзига қопқок қўйилган қудуқларнинг газ қувуридан фарқи йўқ. Бир пешанаси шўр одам қувурга тикилиб қолибди, канализация газларидан бўғилиб улар ҳолатга келибди. Шу пайт Том Рочфорд келиб қолиб, устидаги кийимларини ҳам ечмай қудуққа тушибди, фақат ўзини арқон билан боғлаб олибди. Худо ҳақи денг, амал-тақал қилиб ҳалиги бечорани арқонга илиштириб боғлабди. Кейин ҳар икковларини ташқарига тортиб олишибди.

— Қаҳрамонлик қилибди, — деб хулоса чиқарди у.

Улар «Делфин» олдида тўхташди ва Жервис-стрит томонга тасирлаб чолган тез ёрдам каретасини ёнларидан ўтказиб юборишди.

— Бу ёққа, — деди у ўннга томон буриларкан. — «Тож»га бошламасига қанча қўйишаётганин? Пайнемнинг олдига кириб билиб чиқай. Занжирли тилла соатингиз нечани кўрсатяпти?

Маккой аввал Маркус Терциус Мозеснинг қоронғи дўконига қаради, кейин О'Нилнинг соатига кўз ташлади.

— Тўрт бўляпти, — деди у. — Жокей¹ ким?

— О'Мэдден, — жавоб берди Ленехан. — Оти ютадиган отлардан.

Темпл-барда қолган Маккой йўл устида ётган банан пўчоғини оёғининг учи билан аста оқава ариққа туширди. Кечаси биров кайф устида босиб олса, сирғалиб ариққа тикилиши ҳеч галмас. Бўйни синади.

Вице-киролнинг отлиқ ҳамроҳлари учун қароргоҳ панжарасидаги дарвоза ланг очилди.

— Бирга бир, — деди Ленехан қайтиб келиб, — У ерда мен Бэнтам Лайонсни учратиш қолдим. У қаёқдаги бир қирчанғига қўйибди, аллаким унга айтганмиш, лекин бу отдан ҳеч қандай умид йўқ. Биз бу ёққа кирамиз.

Улар пиллапоялардан кўтарилиб, Мерченстс-арч растаси оралаб ўтдилар. Елкаси қорайиб кўринган кимса китобфуруш арвачасидаги китобларни титарди.

— Э, мана унинг ўзи, — деди Ленехан.

— Қизиқ, у нимани сотиб олмоқчийкин? — сўради Маккой орқасига қараб.

¹ Пойгачи чавандоз.

— «Леопольдо ёхуд улбулумлашган кангул тарихи», — деди Ленехан¹.

— У шунақа ёймачилар бозорларини ўлгудай яхши кўради, — деди Маккой — Яқинда у билан Лиффи-стритга бордик. У аллаким бир чолдан икки шиллингга китоб сотиб олди. Ўша китобдаги суратларнинг ўзи икки баравар қиммат эди, ҳаммаси юлдузлар, ой, думли кометалар. Астрономияга ўхшаган бир нарса экан.

Ленехан кулди.

— Мен сизга ҳозир думли юлдузлар ҳақида бир ажойиб воқеани айтиб бераман, — ваъда қилди у. — Офтобга чиқайлик.

Улар чуян кўприкдан ўтиб, Веллингтон соҳили бўйлаб пан-жараларни ёқаладилар.

Раста йигитча Патрис Алоизус Дигнам Манганнинг (собик Ференбах) гўшт дўконидан бир ярим қадок хинзир қийма котлети харид қилиб чиқди.

— Гленкридаги болалар колониясида чиройли зиёфат бўлаётган эди, — бийрон гап бошлади Ленехан. — Биласиз, ҳар йили шундай зиёфат беришади. Ҳамма ясан-тусан кийинган. Меҳмонлар орасида лорд-мэр ҳам бор эди. У пайтда Вэл Диллон лорд-мэр эди, сэр Чарлз Камерон ҳам шу ерда, Дэн Доусон маъруза қилди, кейин концерт бўлди. Бартел Д'Арси ашула айтди ва Бен Доллард...

— Мен биламан, — деб унинг сўзини бўлди Маккой. — Менинг азизам у ерда бир марта саҳнага чиққан.

— Ростдан-а? — деди Ленехан.

«Мебелсиз уйлар ижарага берилади» деб ёзилган лавҳа яна дераза ромида пайдо бўлди. Экклс-стрит.

У бир зум жилмайиб қолди, лекин шу заҳоти хахолаб кулди.

— Майли, мен ҳикоямни айтмай, — деб яна бошлади у. — Кэмден-стритлик Делехант дастурхонни ноз-неъматлар билан таъминлади, каминангиз эса қадаҳларга май қуйиб турдим. Блум ҳам хотини билан келган. Ичкилик дарё денг — портвейн дейсизми, херес, кюрасо, ҳаммасини ҳурматини жойинга қуйиб армонсиз ичдик. Ўйнадик, кулдик. Суюк нарсалардан қуюқ нарсаларга ўтдик. Яхна гўшту қийма таомлар, э, асти қўяверинг... тоғ-тоғ уқулиб ётарди...

— Мен биламан, — деди Маккой. — Ўша йили менинг азиз рафиқам ҳам ўша ерда бўлган...

¹ Ленехан Блум номини аския қияпти.

Ленехан унинг тирсаги тагидан жўшиб кучоқлади.

— Келинг, майли, хикоямни давом эттирай, — яна бошлади у. — Мана шу кайфу сафодан кейин биз яна ярим тунда енгил овқатландик, биз ўрнимиздан қузғалганда, кечаси соат ўн иккидан ошган эди. Ажойиб қиш кечаси эди, уйга Фезербед тоғи орқали келдик. Блум билан Крис Каллинан каретанинг нариги ёғида, мен эса унинг хотини билан бу ёғида ўтирардик. Байту лапарлар айтишдик: *Қара, тонг ҳам ёришди*. Хотини Делехант портвейнидан яхшигина отган эди. Шу денг, ярамас арава ҳар сафар ўнқир-чўнқирга тушиб силкинганда, хоним нукул менинг устимга қулайди денг. Бунақа эрмак қайда бор! Иккала кўксини айтмайсизми, э, Худо берган унга. Мана бу — ундай.

У кафтларини айлана қилиб ўзидан бир қулоч нари кўтарди-да, пешонасини тириштирди:

— Мен бўлсам ҳадеб унинг белию оёқларини шоли рўмоли билан ўрайман, бўйнидаги шарфини тўғрилайман денг. Тушуняпсизми, менинг гапларимни?

Унинг қўллари ҳавога кўтарилиб бўлиқ, думалоқ бир нарсани кўрсатмоқчи бўлади. У маза килиб кузларини юмди, бутун гавдаси билан олдинга энкайди-да, ингичка хуштак чалиб юборди.

— Узун гапнинг қисқаси, бой назар бола рўздайиб турди денг, — деди у хўрсиниб. — Хоним ўзига етгунча жуда шўх. Тўғриси ҳам шу. Бу орада Блум денг Крис Каллинан билан аравакашга осмонлардаги турли юлдузлар ва кометаларни кўрсатади денг: мана-манави Катта Айиқ, анави Геркулес, анави Катта Илон ва ҳоказо ва ҳоказо алмойи-алжойи гаплар денг. Мени айтмайсизми, мен Сомон йўлида бутунлай адашиб-улоқиб кетдим. Блум ҳамма юлдузларни номма-ном билади, худо урсин агар. Бир маҳал хоним шу қоронғиликда осмоннинг ит топмас узоқ бурчагидаги кичкина юлдузчани топиб кўрсатди да, анави-чи, Полди¹, у қандай юлдузча? — деб сўради. Блум миқ этолмай қолди, гапнинг очиги. Сиз ҳов анов юлдузчани айтяпсизми? — дейди Крис Каллинан. — Э, нима бўларди, қоронғидаги бир қозик да. Айни нуқтасига урди гапни азамат.

Ленехан тўхтаб, ўзини кулгидан тўхтата олмай кўча панжарасига суюниб қолди:

— Вой, ўламан, — нафаси тиқилиб дерди у.

¹ *Полди* — Блумнинг Леопольд исмининг кичрайтириб айтилиши.

Маккойнинг туси қочиб, сал-пал жилмайгандай бўлди-ю, дархол жиддий тортиди. Ленехан йўлида давом этди. У узун ёқасини кўтарди-да энсасини қиртиллатиб қашиди. У офтобнинг ўткир тиғида Маккойга кўзини қисиб қаради.

— Блум жуда билағон ва маданиятли киши, — деди у жиддий тортиб. — Кўчада лақиллаб юрган бир валакисаранг эмас... билдингизми... Бизнинг қария Блум, ўзи қандайдир артистларга ҳам ўхшаб кетади.

* * *

Жаноб Блум «Мария Моикнинг кўрқинчли фош этилиши», Аристотелнинг «Органон» китобларини эринчоқлик билан варақлаб турарди. Ҳарфлари бўлмағур босилган, жингалак. Рангли расмлар: гўдак гумоналар қон-қизил рангли курсоқда, кассобхонадаги янги сўйилган буканинг жигарини эслатади. Худди мана шу дақиқаларда бутун дунёда мана шунақалар жуда кўп. Ҳаммалари бошчалари билан туртинишади, у ердан чиқмоқчи бўлишади. Ҳар дақиқада қайдадир бир гўдак туғилади. Миссис Пюрфой.

У иккала китобни четга қўйиб, бошқасига қаради: «Гетто кундаликлари». Леопольд фон Захер-Мазох¹.

— Буни ўқиганман, — деди у китобни четга суриб.

Сотувчи унинг олдига иккита китоб жилдини ташлади.

— Манавиларни кўринг, жуда бошқача, — кизиқтирди у.

Китобфурушнинг тишлари чириган, оғзидан пиёз ҳиди келарди. У энгашиб бир даста китобни нимчасига босиб кўтарди-да кир парда ортига ўтиб кетди.

О'Коннел кўпригида кўпчилик йўловчилар рақслар устаси ва ҳоказо жаноб Дэнис Ж. Мажиннининг қоматдор дароз гавдаси ва рангдор либосларига кўз қирларини ташлаб ўтишарди.

Жаноб Блум ёлғиз қолиб, китобларнинг номларини кўздан кечирди. «Мафтункор кийповчилар», Жеймс Лавберч. Гаврон-параст. Нималиги маълум. Уйда бормиди бу? Ҳа.

У китобни очди. Худди ўшанинг ўзи.

Кир парда ортида аёл кишининг овози. Эшитайлик-чи. Эр-как ҳам бор.

Йўк, хонимга бундай китоб унча ёкмайди. Мен унга олиб борганман.

¹ *Захер Мазох (1836–1895)* — Австрия романисти.

У бошқа сарлавҳаларни ўқиди: «Гуноҳнинг лаззатлари». Афтидан унга бу тўғри келади. Қани, кўрайлик-чи.

Тусмоллаб очиб, у ўқиди:

— У эри қўшқўллаб, ҳовучлаб берадиган долларларни мага зинлардан қимматбаҳо кийим-кечаклар ва турли-туман безак тақинчоқлар сотиб олишга харж қиларди. Фақат унинг учун! Фақат Раул учун!

Ха. Айни муддао. Давомини кўрайлик-чи.

— Лабларини ташна ва лаззатли бўса жипс қовуштирди. Унинг қўллари эса ҳарир ички кўйлак остидаги бўлиқ сўлқил лаган аъзоларини силаб-сийпаб эркаларди.

Ха. Ярайди. Охири нима бўларкин?

— Сиз кечикдингиз, — тўнғиллади у хирилдоқ овоз билан хотинга ёмон шубҳали боқиб.

Гўзал танноз майин сувсар мўйнаси тасмачалари қадалган мантосини ечиб ташлади, бўлиқ ажойиб елкалари ҳамда сўлқил лаб тик турган кўкраклари кўзларни қамаштирарди. Нозанин унга қараб хотиржамгина бурилганда унинг тарҳи ниҳоятда чиройли дудоқлари янада жозибалироқ кўринди.

Жаноб Блум яна бир карра ўқиди: *Гўзал танноз...*

Унинг баданига қандайдир юмшоқ ҳарорат югурди, жисми бўшашди. Либослари тўкилиб тушган баданлар эгилиб таслим бўлади; кўзларга хирс қони тўлади. Ўлжани туйган бурун катакларни кенгайди; хушбўй таратган кўкраклар резаланани (*унинг учун! Фақат Раул учун!*) Қўлтиқдан ўткир пиёз иси таралади. Балик шилимшиғи (*лорсиллаган беллар!*) Ушла! Ээ! Кучинг борича мах кам сиқ! Арслон тезагидан чиқаётган хид! Ёшлик! Ёшлик!

Ёши бироз ўтинқираб қолган басавлат аёл лорд-канслер суди ҳамда қироллик суди, солиқ суди, фуқаролик суди биноларини тарк этди, биринчисида у Поттертоннинг ақлан заифлиғи ни тап олиш, иккинчиси, адмиралтея¹ бўлимида, тарафлардан бири қатнашмаган ҳолда, «Леди Кэрнс» мулкдорларининг «Мона» кемаси мулкдорларига даъвосини ва ниҳоят апелляция судида — Харвининг Денгиз суғурта компаниясига қарши ишини кўриб чиқишни кечиктириш кабиларни эшитди.

Китоб дўконида дўриллаган йўтал ҳавони зириллатди, кир пардани мавжлантирди. Парда сурилиб китобфурушнинг тароқ урилма

¹ Денгиз флоти бошқармаси.

ган оплоқ оқарган боши кўринди, унинг башараси йўталнинг зўридан қизариб-бўзариб кетган эди. У қаттиқ томоғини қириб, кўчган балғамни полга тупирди. Кейин балғамни этигининг пошнаси билан эзиб-суртиб, сочлари сийрак бошини қуйи солди.

Жаноб Блум унинг калласига боқди.

У ўзининг жунбишга келган ҳирсини босишга уриниб:

— Мен мана буни оламан, — деди.

Китобфуруш сурункали шамоллашдан ёшланган кўзларини унга кўтарди.

— «Гуноҳ лаззатлари», — деди у муқовага шапатилаб уриб. — Зўр китоб.

* * *

Диллон аукцион залининг эшигидаги хизматчи яна қўнғирокчасини икки маротаба чалди-да муъжаз безак столчанинг бўр билан чизилган ойнасига қаради.

Кўча йўлкасида турган Дилли Дедал қўнғирокчанинг жиринглагани ва аукционерларнинг залдан чиқаётган овозларини эшитиб турарди. Тўрту тўккиз. Мана ажойиб пардалар. Беш шиллинг. Жуда чиройли ораста пардалар. Янгиси икки гиней турган бўларди. Беш шиллинг, ким кўпроқ? Сотилди беш шиллингга.

Хизматчи қўнғирокни кўтариб, силкитди:

— Жиринг!

Пойганинг сўнгги давраси ҳақида хабар бериб чалинган қўнғирок пойгачиларни шитоб билан олға ташланишга чақирди. Ярим чақиримга чопишда Ж.Э. Жексон, У.Э. Уайли, Э. Монро ҳамда Х.Т. Гахан бўйинларини ҳар томонга чўзиб Университет кутубхонаси олдидаги айланадан чарх уришарди.

Мистер Дедал узуи мўйлабини тутамлаб Виямс-роу тарафдан чиқиб келди. У қизининг олдига бориб тўхтади.

— Вақтингиз бўлди, — деди қизи.

— Ҳазрат Исо ҳақи-ҳурмати қаддингни тик тут! — деб хитоб қилди мистер Дедал. — Ёки сен бўйинингни елканга қисиб найчи амакинг Жонга ўхшамокчимисан? Мунча зериктирдинг, э, Худо!

Дилли елкасини қисди. Мистер Дедал қизининг кифтига қўлини қўйиб орқага қайирди.

— Қаддингни кўтар, қизалоғим, — такрорлади у. — Бўлмаса умуртқанг қийшайиб қолади. Ташқаридан қараган одамга қандай кўринаётганингни биласанми?

У бирдан бошини олдинга ва қуйи эгди, елкаларини букчайтирди ва даҳанини пастга туширди.

— Бас қилинг, дада, — деди Дилли. — Одамлар сизга кара шяпти.

Мистер Дедал қаддини кўтариб, яна мўйлабини тутамлади.

— Пул топдингизми? — сўради Дилли.

— Қаердан топаман? — жавоб берди мистер Дедал. — Дублинда бирон кимса менга сариқ чақа ҳам қарз бермайди.

— Йўқ, сиз топганга ўхшайсиз, — деб қўйди Дилли отасининг кўзига тикилиб қараб.

— Сен буни қаердан биласан? — деди мистер Дедал юзига сирли тус бериб.

Мистер Кернан эса, иш ўнгидан келганидан мамнун бўлиб, Жеймс-стритдан қаддини фоз тутиб, кеккайганча кетиб борарди.

— Қуришиб турибди, — деди Дилли. — Сиз ҳозир Скотчо хаусда эдингизми?

— Йўқ, мен у ерга борганим йўқ, — деб қўйди мистер Дедал жилмайиб. — Нима, роҳибалар ўргатиб қўйишдими адабсизлик қилишни? Ма, ол.

У кизига бир шиллинг танга узатди.

— Бунга бирон нима эпланглар, — деди у.

— Манимча, сиз беш шиллинг топгансиз, — жавоб берди Дилли. — Менга яна озгина беринг.

— Э, ҳали шошмай тур, — нўписа қилди мистер Дедал. — Нима, сен ҳам бошқаларга ўхшаб қолдингми? Онангиз шўрлик қазо қилгандан бери одамни худди қутурган лайчалардай талайсиз. Ҳали тўхтаб турунг-чи! Тезда мен билан гаплашиш қандай бўлишини билиб оласиз. Одамни куппа-кундуз куни шиласиз! Лекин тезда сизлардан қутуламан. Мен гўрга кираманми, бу билан ишингиз йўқ. Ўлди кетди вассалом Тепадаги уйда яшовчи ўлди, тамом.

У орқасига қайрилиб, нари кетди. Дилли шу заҳоти унга чопиб етиб олди да, енгидан ушлади.

— Яна нима? Нима дейсан? — деди ота юришдан тўхтаб.

Кимошди хизматчисининг кўнғироқ чалган овози уларнинг елкалари оша эшитилди.

— Жирингг!

— Э, йўқол-е, тусинг курсин! — хитоб қилди мистер Дедал аукцион хизматчиси томонга ўгирилиб.

Хизматчи унинг сўзларини пайқади, кўнғирокни яна силкитди, лекин бу сафар пастрок:

— Жингг!

Мистер Дедал кимошди хизматчисига диққат билан тикилди.

— Ановини қаранг-а, — деди у. — Бу жуда ибратли. — Худо хоҳласа, ҳали бизни гаплашгани кўяди.

— Сиз ахир кўпроқ топгандирсиз, дада, — деди Дилли.

— Мен тез орада ҳаммангизни боппайман, — ўдағайлади мистер Дедал. — Христос жухудларни ташлаб кетгандай, ташлаб кетаман сизларни. Мана кўр, бор-йўғим шу. Мен Жек Пауэрдан икки шиллинг қарз олдим, икки пенсни таъзиядан олдин сокол олдиришга ишлатдим.

У тажанг бўлиб ёнидан бир ҳовуч чақаларни чиқарди.

— Сиз яна бирор жойдан пул қидириб кўрмайсизми? — сўради Дилли.

Мистер Дедал ўйланиб туриб, бош силкитди.

— Ҳаракат қилиб кўраман, — деди у жиддий қиёфада. — Мен бутун кўчани қидириб чиқдим, мағзава ариқ ёқаларини ҳам қарадим. Энди манов кўчани излаб кўраман.

— Ҳалиям ҳазилингизни қўймайсиз, — деди Дилли лабини қийшайтириб.

— Мана, ол, — деди мистер Дедал қизига икки пенни тангани узатиб. — Ўзинг сут олиб ич, юмшоқ нон олиб е, оч юрма. Мен тезда уйга бораман. У қолган тангаларни чўнтагига солиб, ўз йўлига кетди.

Вице-киролнинг отлик аъёнлари Бог дарвозасида кўринди, полисменлар уларга хушомадгўйлик билан эгилиб таъзим қилишди.

Мен аниқ биламан чўнтагингизда яна бир шиллинг бор, — деди Дилли.

Кимошди хизматчиси кўнғироқни баланд чалди.

Мистер Дедал кўнғироқ садолари остида орқага қарамай кетиб борар, лабларини чўччайтирганча ўз ўзига алланелар деб гўлдиради.

— Роҳибагиналар-а! Нозиккина ширингина азизалар! Оҳ, нима деяпсиз! Оҳ, ҳеч қачон ундай бўлмаган! Нахотки бу ҳамшира онамиз Моника!

* * *

«Пулбрук ва Робертсон» фирмаси учун ўзи тузган шартномадан мамнун бўлган мистер Кернан Жеймс-стритдан қаддини ғоз тутиб қуёш соати томондан Жеймс-гейтга Шекстон дўкони ёнидан ўтиб борарди. Ҳаммасини хамирдан қил суғургандай адо этди. Аҳволларингиз яхшими, мистер Кримминс? Аъло, сэр. Мен сиз-

ни Пимликодаги идорангиздамикин, деган хаёлга борган эдим. Ишларингиз яхшими? Аста-аста боряпти. Бугун ҳаво жуда гузал. Ҳа, ҳаво гузал. Дала ишлари учун қулай-да. Биласиз-ку, фермерлар доим тўнғиллаб юришади. Менга қолса, фақат сиздагина топиладиган ўткир жин ичимлигидан бир қултум ичсам, деган эдим, мистер Кримминс. Андаккина жин бўлсин, дейсиз-да, сэр. Шундай, сэр. «Генерал Слокум»даги портлашни айтмайсиэми, сэр, жуда ёмон фожиа бўлди-да. Жуда ёмон, жуда ёмон! Мингга яқин одам ҳалок бўлди. Одамнинг юрагини ёриб юборадиган ҳолатлар. Болалар ва хотинларнинг устидан топтаб қочаётган эркаклар. Бориб турган ваҳшийлик. Нима дейишяпти, сабаби нима экан? Кутилмаганда ёниб кетибди. Турли жанжалли ҳолатлар аниқлашибди. Қутқариш қайиқларининг биронтаси яроқли эмас экан, барча ўт ўчириш шланглари илма-тешик бўлиб ётган экан. Лекин мен ҳеч бир нарсани калламга сиғдиrolмайман, назоратчилар бундай хароб кемани қандай қилиб денгизга чиқаришган... Аҳа, мана сиз мистер Кримминс, масаланинг энг оғриқ жойини топдингиз. Биласизми, нега? Керакли одамларга қистиришган. Наҳот шу рост бўлса? Заррача шак-шубҳа йўқ. Бир ўйлаб кўринг а. Яна Америка — озод инсонлар мамлакати дейишади. Мен ҳамма нарса фақат бизда чағоқ деб юрарканман.

Мен бу гапга табассум билан жавоб бердим. Америка, дедим мен унга, ўзи асли нима деган нарса? Барча мамлакатлардан чиққан супуринди, шунинг ичида биз ҳам бормиз. Нима, тўғри эмасми? Чин гап.

Бу коррупция, муҳтарам жаноб. Рост, қаердаки пулнинг ҳиди чиқса, дарров ўмаришга тайёр кимсалар топилади.

У менинг редингот¹ камзулимга оғзи очилиб қараб қолди. Энг аввало — камзул. Муҳими, кўринишинг саз бўлсин. Аниқ нишонга уради.

— Эҳ-а, Саймон! — деди ҳазрат ота Каули. — Ишлар жойидами?

— Дўстимиз Боб келяпти, — деди тўхтаб мистер Дедал.

Мистер Кернан қадамларини Питер Кеннедининг сартарошхонаси олдида секинлатиб, ўзини қия ўрнатилган катта кузгуга солиб қаради-да, мамнун бўлди: нимасини айтасиз, жуда кетворган камзул. Доусон-стритдаги Скот тикиб берган. Унинг учун Нирига

¹ *Редингот* — отлик юриш учун мўлжалланган узун камзул.

ярим соверен бердим, арзийди. Булинг янгисини тикишга уч гинейдан кам олмайди. Ярашганини қаранг. Килдер стритдаги клубнинг олифталари ҳавас қилса арзийди. Кеча Гиберни банкининг бошқарувчиси Карлайл кўпригида менга кўзини лўқ қилиб қараганча қолди, худди менга бир нарсани кўрсатиб қўймоқчидай.

Оҳ-ҳо! Бу жаноблар олдида обрўни сақлаш керак. Жентлмен-тужжор. Катта йўллар валломати. Мабодо, мистер Кримминс, бизга яна буюртма беролсангиз, бошимиз осмонга етарди. Бу қадах хурсанд қилса қиладики, асло маст қилмайди, дейилгандай эски мақолларда.

Ғижим қоғоздан ясалган кемача паромдан таралган тўлқинларда чайқала-чайқала Шимолий қалъа девори ва Жон Рожерсон соҳили ёқалаб турли кемалару лангарлар занжирлари орасидан ғарбга сузиб борарди. Кўкдан Илес келур.

Мистер Кернан ўзининг аксига хайрлашгандай назар ташлади. Тўғри, юзимиз қизил. Мўйловларимизга оқ оралаган, Ҳиндистондан қайтган зобит. У елкаларини азаматларча кериб олға босди, кўнжли узун пайпоқ кийган оёқлар яғриндор гавдани қушдай енгил кўтариб борарди. Анов ёқдаги ким бўлди, Нед Лэмбертнинг биродари Сэм эмасми? Лаббай? У эмасми? Жуда ўхшар экан. Йўқ. Қуёш нурларида автомобилнинг олд ойналари ярақлаб кетди. Кўзим камашди чоғи. Бу бошқа одам.

Оҳ-ҳо! Қора арча уруғидан ясалган шарбат — жиннинг ўтли кучи унинг димоқлари ва ичини қиздирарди. Бир қадах жин қанчалар соз! Қуёшнинг порлоқ нурларида унинг рединготининг этаклари қадам олишига уйғун тарзда липилларди.

Ҳов анов ерда Эммет осилган ва тўрт бўлак қилиб чопилган эди. Қора кир арқон. Лорд-ҳокимнинг хотини ўз экипажида ўтиб бораётган чоғда, итлар ҳали кўчага тўкилган қонларни ялашарди.

Оғир замонлар эди. Нима қилиб бўларди. Энди буларга барҳам берилди. Ўша пайтлар ўлардай бўкиб ичишган. Хумларнинг тагида думалаб ётишган.

Тўхтанг-чи. Уни қаерда дафн қилишган эди, авлиё Мичендами? Ундаймас. Ярим тунда Гласневинда кўмилмаганмиди ахир. Жасадни девордаги яширин эшиқдан олиб киришган. Энди Дигнам ҳам ўша ерда. Кўз очиб юмгунча ўлди-кетди. Қўлимиздан нима келарди. Яхшиси, шу ердан бурила қоламан. Айланиб ўтаман.

Мистер Кернан бурилиб, Уотлинг-стритдан қиялаб пастга эна бошлади, бу ерда Гиннесга келувчилар учун кутиш зали жойлаш-

ганди. Дублин май-ичимлик компаниясининг омборлари олдида усти очик аравалар турар, аравакашлар кўринмас, жилов тизгинлари филдиракларга ўраб қўйилганди. Э, бу жуда ҳам хатарли ку! Типпереридан келган қишлоқи аллақандай тўнка фуқароларнинг ҳаётига хавф соляпти. Отлар бирдан олиб қочса борми.

Жон Генри Ментоннинг идорасида бир соатдан ортиқ ўз қалин китобларини кўтарганча кутиб чарчаган Дэнис Брин шу тобда Коллис ва Уорднинг дўконига О'Коннел кўприги оркали йўл олган, орқасидан хотинини ҳам эргаштириб борарди.

Мистер Кернан Айленд-стритга чиқди. Нотинч серғулув замонлар. Нед Лэмбертдан сэр Иона Баррингтоннинг хотираларини олишни сўрасам булар экан. Ўша олис ўтмиш замонларга ҳозирнинг тартиботи-танзилоти нуқтаи назари билан қарасанг. Дэлидаги қартавозликлар. Фирромлар у вақтлар йўқ эди. Битта муттаҳамнинг қўлига ханжар уриб столга санчиб қўйишган. Қаердадир худди мана шу ерда Лорд Эдвард Фитсжералд майор Серрнинг кўзини шамғалат қилиб қочган. Мойра саройи ортидаги сайисхоналар.

Ёмон ўткир экан-а, бу жин қурғур.

Жуда зўр навқирон ботир йигит. Насл-насабининг зўрлигини айтмайсизми. Анов нафармон қўлқоп кийган ярамас бадбахт зодагон уни сотиб ўтирса-я. Рост, улар ноҳақ иш учун курашишган. Чекларига ёвуз ва нотинч замона тушган. Инграмнинг гўзал шеъри бор. Улар ҳақиқий номусли одамлар эди. Бен Доллард жуда таъсирли қилиб айтган ўша балладани. Ижроси ҳам қойилмақом.

Ҳалок бўлди ота Росс остонасида.

Пембрук соҳилбўйидан аъёнлар отларни майда йўрттириб ўтишарди, эгарларда, эгарларда арава ҳайдовчилар бир меёрда силкинишар — сакраб, сакраб силкинишарди. Рединготлар. Сарғиш шамсиялар.

Мистер Кернан оғир ҳарсиллаганча қадамларини жадаллатди.

Аъло ҳазратлари! Омаднинг чопмаганини кўринг! Бир зумга кечикдим, бир зумга! Эҳ, шайтон! Мунча ачинарли!

* * *

Стивен Дедал чанг-ғубор ўтирган деразадан туриб заргарнинг бармоқлари вақт ўтиб хира тортган занжирчани пайпаслаб кўраётганини кузатарди. Дераза ойналари ва витрина токчалари қалин чанг билан қопланган эди. Тирноқлари худди лочин чангали-

дай ҳаракатчан бармоқлар ҳам ғубордан қорайганди. Бронза ва кумушларнинг хира жимжималари, қизил рух ва ёкут парчалари, занг еган қорамтир-қирмизи тошларни ҳам чанг босганди.

Буларнинг бари кurt босган ернинг зулмат чоҳларида булғид бўлган, ёвузликнинг совуқ алангалари, зулмат қўйнида жилваланиб туради. Қувғинди малак бунда ўз манглайдан юлдуз узади. Хинзирнинг ифлос тумшуғи, қўллари қазийди, тинмай қазийди, чангал ташлаб, ташиб кетади.

Ёнаётган мум ва саримсоқ хидлари араланган бу сассиқ хуфтада раққоса ўйин тушади. Соколи супургидай қизғин матрос кўзачадан ром ҳўплаганча ундан юҳо кўзларини узолмайди. Денгизчининг ўлардай ютоққан гунг ҳирси. Раққоса чарх уради, сонларини дириллатади, белларини ўйнатади, бўлик корни устида тухумдай ёкут селкиллайди.

Қари Рассел тошни эски духоба латта билан артди, уни айлантириб ўзининг мусавий соқолининг учига олиб келди. Орангутанг бобо ўғирланган бойлик томошасига берилади.

Ахир сен мазористонлардан кўҳна сиймо суратларни қазиб топиб чиқмайсанми? Суфистоияларнинг довдираган каломлари: Антисфен. Ақлни ухлатиш санъати — Шарқнинг буғдойи ва мангулиги, азал-азал борлиғи азалий.

Икки кампир зол денгизнинг сарин зарротларидан тўйиб нафас олиб Айриштаун орқали Лондон-бриж роуд томонга судралишар, уларнинг бири кум ёпишган шамсия, иккинчиси ичига ўн битта чиғаноқ солинган доялар халтасини кўтариб олган эди.

Трансмиссияларнинг чатирлаши, электростанция динамомашиналарининг зинғиллаши унинг қулоғига чалинар, нари одимлашга чақирарди. Мавжудсиз мавжудотлар. Шошмагил! Сендаги ва сенсиз мангу зарблар. Ҳамон ўз юрагингни куйлайсан. Улар аро мен. Бу қайда? Гулдираган икки олам аро, бир гирдоб ичра улар бирланган жойда бу — мендирман. Уларни заррага айлантир, аввал бирини ва сўнг иккинчисин. Аммо мени-да зарб ила гумдон этур. Кимнинг қўлидан келса, мени ҳам ғуборга айлантирсин. Қўшмачи ва қассоб, дедим мен. Бўлмасам-чи! Аммо андак кут. Атрофга бок.

Ҳа, мутлақо тўғри. Жуда катта, ажойиб, гўзал юриш. Мутлақо, тўғри, сэр. Душанба кун ирталаб, ўзингиз айтгандай.

Стивен Бедфорд-роу ёқалаб тушиб келар, шумтол асосининг дастаси билан курагига уриб-уриб қўярди. Клохиссидаги витринага қўйилган 1860 йилнинг туси ўчган гравюраси унинг диққа-

тини тортди, унда Хинен билан Сейерс ўртасидаги бокс кураши тасвирланганди. Арқон тўсиқлар ортида бобомнинг замонидан қолган шляпаларни бошига қўндирган, ўйинга пул тиккан томошабинларнинг қўзлари жайноқланарди. Белига тор лунги ўраган оғир вазнлилар бир-бирларига одоб билан чўнг зўлдирдай қўлларини узатишарди. Бу — уриб турган қаҳрамонлар юраги.

У муюлишда бурилиб, қийшайиб турган китобфуруш арава-часи олдида тўхтади.

— Ҳар бири икки пенсдан, — дерди китобфуруш. — Олти пенсга тўртта.

Титилиб кетган саҳифалар. «Ирландия асаларичиси», «Арслик дарвешининг ҳаёти ва мўъжизалари», «Килларни чўнтак китоби».

Бу ерда менинг мактабда олган мукофотларим гаровга қўйилиб думалаб ётган бўлиши ҳам мумкин.

Stephano Dedalo alumno optimo, palmam ferenti¹.

Ҳазрат ота Конми кичик дуоларни хатм қилиб, Донникарни қишлоғидан кечки дуоларни ўқиб ўтиб борарди.

Манави муқова жуда ажойиб экан, нима бўлса экан? Ҳазрати Мусонинг саккизинчи ва тўққизинчи китоблари. Сирлар сири. Довуд юлдузи. Кўп варақланган саҳифалар: қайта-қайта кўп бора ўқилган. Мендан илгари бу ердан ким ўтдийкин? Қўл ёрилса, қандай тузатиш керак? Оқ майдан сирка тайёрлаш усули. Аёл кишининг муҳаббатини қозониш. Айни мен боп экан. Қўлни қовуштириб уч маротаба мана бу дуони ўқиш:

— Se el yibo nebrakada feminium! Amor me solo! Sanktus! Amen².

Ким ёзган буни? Дарвешлар дарвеши аббат Питер Саланкиннинг дуо ва тасхирлари, чин эътиқод эгалари учун босиб чиқарилди.

Бошқа аббатларнинг тасхир илмидан ҳеч қолишмайди, ҳар ҳолда Иоахимнинг довдирашларидан тузукроқ. Ҳей кал, тез пастга туш, бўлмаса жунингдан калава ясаймиз.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз, Стивен?

Дилли, ўзи бўйдор, кийимлари эски Дилли.

Тезроқ ёп бу китобни, у кўриб қолмасин.

¹ Стефан Дедалга, аълочи ўқувчига, мукофот учун (лот.).

² Менинг мўъжаз осмоним, роҳатбахш аёл андоми! Ёлғиз мени севгил! Муқаддасим! Омин (лот. бузилган испанча, арабча).

— Ўзингиз нима қиялсиз? — деди Стивен.

Мислсиз Чарлзнинг стюартмонанд юзи, текис тушган, силлик ўримлар. Олов қаршисида ўтириб, эски бошмоқларни ташлаб ёқаётганида, унинг юзлари қип-қизил ўт бўлиб ёнарди. Мен унга Парижни ҳикоя қилиб берардим. Эски-тускиларни устига ташлаб кўрпада узоқ ётишни яхши кўрарди, Дэн Келли унга тортиқ қилган тилласимон билагузукни тинмай ўйнагани ўйнаган эди. Nebrakada feminium.

— Нима бу? — сўради Стивен.

— Анов дўкончадан бир пеннига олдим, — деди Дилли асабий илжаяркан. — У бир нарсага ярармикин?

Унинг кўзлари меникига ўхшайди, дейишади. Бошқалар мени мана шундай алфозда кўришармикин? Тийрак, мард ва бегона. Ақлимнинг кўланкаси.

У Диллининг қўлидан муковаси йиртилган китобни олди. Шарденал. Бошловчилар учун француз тили.

— Нега олдингиз буни? — сўради у. — Француз тилини ўрганмоқчимисиз?

Дилли дув кизариб, лабларини қимтиб, бош силкитди.

Ҳайрон бўлганингни билдирма. Бу жуда табиий ҳол-ку.

— Олинг, — деди Стивен. — Нега ярамасин, ярайди. Эҳтиёт бўлинг, Мэгги уни гаровга қўйиб келмасин. Менинг китобларим ҳаммаси гаровга кетган бўлса керак.

— Бир қисми, — деди Дилли, — Мажбур бўлиб қолдик.

Дилли шўрлик чўкяпти. Абгорлик. Уни қутқар. Абгорлик. Ҳаммаси бизга қарши. У мени ҳам ўзи билан бирга чўктиради, кўзлару сочлар. Сув ўтларининг силлик сўлим ўрамлари мени чирмаб олади, чирмар юрагим, жопимни. Аччиқ яшил ўлим.

Бу биз.

Кўнгил абгорлиги. Абгорланган кўнгил.

Алам! Алам!

* * *

— Вох, Саймон! — деди ҳазрат Каули. — Ишлар қалай?

— Қария Бобни кўряпман, — деди тўхтаркан мистер Дедал.

Улар «Редди ҳамда қизи» дўкони олдида кафтларига қарсиллатиб уриб кўришдилар. Ҳазрат Каули кафтларини қайиқча қилиб мўйлабини оҳиста силади.

— Қандай яхши гаплар бор? — сўради мистер Дедал.

— Узига яраша, — жавоб берди ҳазрат Каули. — Саймон, мен бу ерда иккита азаматдан беркиниб ўтирибман, улар уйим ни пойлашяпти, ичкарига киришмоқчи.

— Қизик-ку, — деди мистер Дедал. — Уларни ким юборган?

— Шунақа, — деди ҳазрат Каули. — Танишларимиздан бир судхўр.

— Анов қайирма қозикми? — сўради мистер Дедал.

— Худди ўзи, Саймон, — жавоб берди ҳазрат Каули. — Рувим уруғидан бўлган Рувим. Мен бу ерда Бен Доллардни кутиб ўтирибман. У Узун Жоннинг олдига бориб икки оғиз менинг тарафимни олмоқчи, манов гўрсўхталардан қутқармоқчи. Менга биров вақт беришса бўлгани.

У ноаён бир умид билан соҳилбўйининг дам у дам бу тарафига кўз ташлади. Унинг йирик кекирдаги томоғида лақирлаб бўртиб кўринарди.

— Биламан, биламан, — деди бошини қимирлатиб мистер Дедал. — Эски жонкуяримиз Бен. Доим меҳрибончилик қилиб юради. Шошманг-чи!

У кўзига пенсне кўндириб, бир зум чўян кўприк томонга қараб турди.

— Келяпти! — хабар берди у. — Ўз кетини ўзи кўтариб келяпти, Худо ўзи кечирсин. Чўян кўприк томондан соҳил бўйлаб эскича шляпа, қопдай ҳалпиллаган шими устида кенг калта мо вий камзули этаклари ҳилпираган Бен Доллард елиб келарди. У чот тагларини зўр бериб қашиганча йўртоқлаб яқинлашарди.

Мистер Дедал саломлашди.

— Ушланглар манов қанор шимликни.

— Қани-қани, ушлаб кўринг-чи, — деди Бен Доллард.

Мистер Дедал Бен Доллардга бошдан оёк совуқ нафрат сочиб кўз югуртирди. Кейин ҳазрат Каулига уни ишора қилиб, заҳарханда деди:

— Ёзнинг кийими бундан ортиқ бўлса ўлсин!

— Нима-нима? — ўдағайлади Бен Доллард. — Тилингизга тирсак чиқсин, мен умрим бино бўлиб шунча кўп костюм-шим кийганманки, сиз уларни тушда ҳам кўрмагансиз.

У уларнинг ёнида туриб қарияларга, ўзининг қанор қопдай либосларига қараб хандон-хушон кулар, мистер Дедал эса унда-бунда ёпишган қилларни олиб ташларкан: — Йўк, нима десанг ҳам, Бен, бу кийим балоғат ёнидаги эркак учун тикилган, — дерди.

— Буни тиккан жухуднинг кўли синсин, — деб маъқуллади Бен Доллард. — Худога шукур, унинг ҳали пулини тўлаганим йўқ.

— Basso profondo яхши юрибдими, Бенжамин? — деб сўради ҳазрат Каули.

Кэшел Бойл О'Коннор Фитсморис Тисделл Фаррел кўзига монокл¹ такиб Килдер-стритдаги клуб ёнидан нималарнидир ёўлдираб ўтди.

Бен Доллард қошларини чимирди, кейин оғзини кўшиқчи-лардай чўччайтириб, хуштак чалди.

— О-о! — гулдиради у.

— Қойил-е! — деб кўйди мистер Дедал маъқуллаб бош силкиб.

— Хўш, қалай? — сўради Бен Доллард. — Занглаб қолмабманми? А?

У галма-гал ҳар икки қарияга қаради.

— Жуда соз, — деди ҳазрат Каули ва бош қимирлатиб кўйди.

Ҳазрат Хю К. Лав муқаддас Мария аббатлиги жомесининг собиқ биносидан ўтиб, Жеймс ва Чарлз Кеннеди спирт тозалаш заводи ёнидан чорва кечиги ортидаги Фолсел деган жойга борар, тасаввуридан бири-биридан барнаста ва бири-биридан мард-жасур Жералдайнларнинг авлодлари утарди.

Бен Доллард магазинлар витриналари томонга вазмин оған холда бармоқларини шўх-шўх ўйнатиб қарияларни олға бошлади.

— Мен билан бирга полицияга борасизлар, — дерди у. — Рок яқинда бир барно йигитни пристав қилиб кўйди, шунинг сизларга кўрсатаман. Бир қарасангиз, зулусларнинг подшоҳига ўхшайди, бир қарасангиз, Жек талончига ўхшайди. Кўриб кўйсангиз, арзийди. Юринглар. Мен ҳозиргина тасодифан Жон Генри Ментонни Бодегада кўриб қолдим, бу менга жуда қимматга тушиши мумкин, агарда мен... Сал шошманг... Бизнинг ишимиз ҳақ иш, Боб, менга ишонаверинг.

— Унга айтинг, менга бир неча кун вақт берсин, — деди ҳазрат Каули юраги сиқилиб.

Бен Доллард тақа-тақ тўхтаб, оғзини катта очиб унга бақрайиб қолди. У яхшироқ эшитиш учун ёшланган кўзларини артаркан, кенг камзулининг ипига осилиб қолган битта тугма-си ялт-юлт қимирларди.

¹ Монокл — кўзойнак ўрнига кўзга тутиб қараладиган линза ойнак.

— Бир неча кун вақт нима дегани? — гулдиреди у. — Уй эгаси пулни тўлатиш ҳақида ариза бермадимми?

— Берди, — жавоб қилди ҳазрат.

— Унда биродаримизнинг ижро варақаси у ёзилган бир варақ қоғознинг нарҳига арзимаёди, — деди Бен Доллард. — Биринчи бўлиб даъво қилиш доим уй эгасининг ҳақи. Мен унга барча маълумотларни бердим. Винздор авеню, 29. Унинг фамилияси Лавми?

— Ҳа, ҳа, — деди ҳазрат Каули. — Мистер Лав ҳазратлари. У бир вилоятда руҳоний. Лекин сизнинг ишончингиз комилми?

— Мендан Варавва'га етказиб қўйинг, — деди Бен Доллард, — у ўша варақасини маймунлар ёнғоқ яширадиган ерига беркитиб қўйсин.

У бикинига ёпишган ҳазрат Каулини шахт билан судраб борарди.

— Менимча бу ўрмон ёнғоғи бўлуви керак, — дея пўнғиллади мистер Дедал уларга эргашиб бораркан, бандли ойнагини камзулининг қайтарма ёқасига иларкан.

* * *

— Боланинг иши ҳаммаси жойида, — деди Мартин Каннингем Касл-ярд дарвозаси ёнидан ўтиб боришайтганда.

Полисмен қўлини шапкасига тегизди.

— Худо хайрингизни берсин, — деди маъқуллаган кўйи Мартин Каннингем.

У кутиб турган аравакашга имо қилди, у жиловни силтаб Лорд-Эдвард-стрит томонга йўл олди.

«Ормонд» меҳмонхонасининг дарпардаси ортида аввал мис, кейин олтин, кейин мисс Кеннедининг бошчаси ва ортидан мисс Дуснинг бошчаси пайдо бўлди.

— Ҳа-ҳа, — деди Мартин Каннингем, соқолини уйнаб. — Мен ҳазрат ота Конмига хат ёздим, ҳаммасини унга баён қилдим.

— Сиз биродаримизга ҳам айтиб ҳаракат қилсангиз бўлармиди, — деди кечикиброк мистер Пауэр.

— Бойдгами? Э, раҳмат сизга, — рад қилди дарҳол Мартин Каннингем.

Варавва — ҳазрат Исо замонида Байтул-Муқаддасда яшаган жиноятчи. Пилат томонидан Исо билан бир вақтда судланган. Ҳайит муносабати билан оломон ҳазрат Исони эмас, Вараввани озод қилишни сўраган.

Руйхатни ўқишга овора бўлиб орқада ҳаяллаб қолган Жон Уайз Нолан Корк-хилл бўйлаб уларни тез қувиб етди.

Ратушанинг зиналарида маслаҳатчи Наннетти пастга тушиб, тепага чиқаётган олдермен Каули билан маслаҳатчи Брахам Лайонни қутлади.

Ичи бўш муниципал араваси Юқори Экс-чейнж-стритга бурилди.

— Ўзингиз кўринг, Мартин, — деди Жон Уайз Нолан уларга «Мейл» редакцияси олдида етиб олиб. — Мен бу ерда Блум беш шиллингга ёзилганини кўрдим.

— Мутлақо тўғри, — деди Мартин Каннингем ундан варақани олиб. — Яна бунинг устига у пулни дарҳол тўлади.

— Айюҳаннос солиб ўтирмай, — деди мистер Пауэр.

— Ғалати кўринади-ю, лекин бор гап, — дея қўшиб қўйди Мартин Каннингем.

Жон Уайз Нолан жуда ҳайратга тушиб кўзларини катта очди.

— Жухуднинг яхшилиги кўп, десак бўлади, — деб иқтибос айтди у.

Улар Парламент-стрит бўйлаб юришди.

— Мана Жимми Генрининг узи, — деди мистер Пауэр, — Каванага шошилиб боряпти.

— Ундай бўлса, — деди Мартин Каннингем, — биз ҳам унинг изидан борамиз.

Буян Бойлан La maison Claire олдида Жек Мунининг букри куёвини тутиб олди, у яхшигина ичиб ширакайф бўлиб ҳозир Либертизга қараб кетаётган эди.

Жон Уайз Нолан энди мистер Пауэр билан орқароқда боришар, Мартин Каннингем эса кулранг жилвир костюм кийган кичкина ораста бир одамни қўлтиқлаб олди, у Микки Андерсоннинг соат дўкони олдидан андак гандираклаган ҳолда шошиб ўтиб борарди.

— Кўриниб турибди, муниципал мирзаси ёрдамчисининг оёғидаги қадоқлари азоб бераётганга ўхшайди, — деди Жон Уайз Нолан мистер Пауэрга.

Улар Жеймс Кавананинг май қовоқхонасига бора туриб, муолишни айланиб ўтишди. Эссекс-гейтда турган муниципалитетнинг усти ёпиқ бўш араваси олдидан чиқишди. Мартин Каннингем ҳамон обуна варағини кўрсатиб, Жимми Генрига сўйлар, бу бўлса варакага бир марта бўлсин ўгирилиб қарамасди.

— Ана Узун Жон Феннинг ҳам шу ерда, — деди Жон Уайз Нолан, — бугун савлату шоп шалоппи билан.

Узун Жон Феннингнинг басавлат гавдаси эшикни тула тўсиб турарди.

— Яхшимисиз, жаноб бош нозир, — деди Мартин Каннингем, сўнг ҳаммалари саломлашиш учун тўхташди.

Узун Жон Феннинг уларга йўл бермади. У кескин бир ҳаракат билан оғзидан катта сигарасини олди, унинг зўлдирдек думалоқ кўзлари уларга ўқдек қадалиб, ақлли ва бетамиз боқди.

— Римнинг сенаторлари тинч суҳбатга фарқ бўлиб юришиб дими? — деди у муниципал мирзаси ёрдамчисига қарата янғроқ овоз билан истехзоли оҳангда.

— У ерда тоза шовқин-сурон кўтаришди, — деб гап бошлади ирланд тилининг тавқи лаънатга қолганидан дарғазаб бўлган Жимми Генри. — Мажлислар залида тартиб-интизомни сақлаб туриш ўрнига Жон Парнелл нима билан шуғулланади ўзи? Ҳокимият асосини сақловчи қари чол Барлоунинг эса астмаси тутиб қолади, асони столдан қидириб топиб бўлмайди, ҳамма ёқ ғалва-тўполон, кўпчилик овоз йиғилмайди, лорд мэр Хэтчинсон эса Ландуднога кетган ва ўзининг ўрнига анов ёш бола Лоркан Шерлокни қолдирган, қуриб кетсин, шу аждодларимизнинг тили, минг лаънат.

Узун Жон Феннинг оғзидан уқпар тутун чиқарди.

Мартин Каннингем соқолининг учини бураб, яна гапга тушди, у дам бош нозирга, дам муниципал мирзасининг ёрдамчисига мурожаат қилар, Жон Уайз Нолан эса мик этиб оғиз очмасди.

— А анов Дигнам қанақа? — сўради Узун Жон Феннинг.

Жимми Генри башарасини буриштириб, чап оёғини хавода кўтариб силкитди.

— Оҳ, менинг кадоқларим! — шикоятомуз ингранди у. — Худо ҳақи, юринглар тепага чиқайлик, мен бирпас бўлса ҳам ўтирай! Ув-ув! Оҳ-оҳ-хо! Қани!

У тажанг бўлиб Узун Жон Феннингнинг биқинидан сиқилиб ўтиб, зинадан юқорига кўтарилди.

— Ҳа, юринглар, тепага чиқайлик, — деди Мартин Каннингем бош нозирга. — Назаримда сиз уни билмасдингиз, гарчи, албатта эҳтимол.

Мистер Пауэр билан Жон Уайлз Нолан уларга эргашди.

— У камтарин ва ҳалол яхши инсон эди, — гап бошлади Жек Пауэр Узун Жон Феннингнинг кенг яғринига, Узун Жон Феннингнинг қомати рўпарадаги катта тош ойнада акс этиб турарди.

— Ўзи унча йирик одам эмасди. Дигнам анов Ментон деганинг ишхонасида хизмат қиларди, — деб тўлдирди Мартин Каннингем.

Узун Жон Феннинг уни сира эслолмади.

Кўкдан от тақаларининг тарақлаган саси эшитилди.

— Нима бу? — сўради Мартин Каннингем.

Ким қаерда турган бўлса, ҳамма ўгирилиб қаради. Жон Уайз Нолан яна пастга тушди. У долоннинг салқин соясида туриб отларнинг Парламент-стритдан кетиб бораётганини кўрди, уларнинг эгар-жабдуқлари ва йилтираган бақайлари офтобда ярақларди. Улар шошилмай, шод-қувноқ ўтиб кетишди, у совук ва ғаш назар билан кузатиб қолди. Олдинда отлар югурар, олдинда эгарларда ўтирган чавандозлар бир маромда сакрашарди.

— Хўп нима экан ўзи? — сўради Мартин Каннингем яна юқорига чиқа бошлашганда.

— Лорд-ноиб билан Ирландиянинг генерал-губернатори, — жавоб берди Жон Уайз Нолан зина пастада туриб.

* * *

Улар қалин гилам устидан юриб боришаркан, Буқа Маллиган панамаси билан оғзини тўсиб Хейнсга шипшиди:

— Парнеллнинг укаси. Ҳов анов бурчакда.

Улар деразага яқин мўъжаз столни танлашди, рўпарада башараси чўзинчоқ, соқоли ва нигоҳи шахмат тахтасига тўкилган бир одам ўтирарди.

— Э, у шуми? — сўради Хейнс ўтирган ерида ўгирилиб.

— Шундай, — деди Маллиган, — Бу киши Жон Хауард, унинг укаси, шахримизнинг церемонимейстери (маросим сардори).

Жон Хауард Парнелл оқ филни хотиржам сурди да, яна тирпоқлари қорайган панжасини пешонасига тиради ва қимирламай ўтирди. Бир зумдан сўнг унинг кўзлари панжа остидан рақибга тез йилт этиб нигоҳ ташлади-ю, яна шу замон тахтанинг жанг қизиган нуқтасига тикилди-қолди.

— Менга венача қаҳва, — деди Хейнс официант қизга.

— Венача иккита қаҳва, — деди Маллиган. — Яна бизга саримой, юмшоқ қулча ва қанақа бўлмасин, ширинликлар келтиринг.

Официант қиз кетгач, Маллиган кулиб деди:

— Биз БСҚ деганда, Бемаза Совуқ Қаҳвани назарда тутамиз. Шундайку-я, лекин сиз Дедалнинг «Ҳамлет» ҳақидаги сўзларини эшитмадингиз-да.

Хейнс ўзи янги сотиб олган китобни очди.

— Афсусланиб қолдим, — деди у. — Шекспир ҳаётда мувозанатини йўқотган одамлар учун доим аскотади.

Чўлоқ матрос Нелсон-стрит, 14 га яқинлашиб қичқирди:

— Англия кутар...

Буқа Маллиганинг лиму тусли нимчаси унинг кулгисидан силкинди.

— Сиз уни бир кўришингиз керак, — деди у, — баъзан вужуди мувозанатни йўқотиб қўяди. Мен уни Дайди Энгус деб юраман.

— Ишончим комилки, унда қандайдир бир *idée fixe*¹ бор, — деди Хейнс даҳанини бош ва кўрсаткич бармоқлари билан уқалаб. — Бу нима бўлса экан деб кўп ўйлайман. Бундай одамларда доим шундай фикр бўлади.

Буқа Маллиган жиддий тортиб стол оша ҳамсуҳбатига эгилди.

— Жаҳаннам азоблари манзараларини қулоғига қуйиб, — деди у овозини пасайтириб, — бошини ишдан чиқаришган. Энди у ҳеч қачон эллинлар даражасига етолмайди. Эллин овози бизнинг шоирларимиз ичида фақат Суинберн²да бор эди, «ўлимнинг оқлиги, туғилиш қизили, маъзи бир, ягона». Дедалнинг фожиаси шунда. У ҳеч қачон шоир бўлолмайди. Ижоднинг завқи...

— Мангу изтиробларда, — деди Хейнс одоб билан бош силкиб, — ҳа мен тушунаман. Бугун эрталаб мен уни дин мавзуйида бироз қийнадим. Миясида нимадир ўтиргани аниқ билиниб туради. Буларнинг ҳаммаси анча-мунча қизик, чунки Венада профессор Пакорний бу нарсалардан жуда ғалати хулосалар чиқаради.

Буқа Маллиган официант қиз келаётганини сезгирлик билан пайқаб, унга патнисни бўшатишга кўмаклашди.

— Қадимги Ирландия асотирларида у ҳатто жаҳаннам ишорасини ҳам тополмади, — деб қўйди Хейнс қаҳванинг тетик хушбўйидан роҳатланиб. — Афтидан, асотирларда маънавий ғоя ҳам йўқ, толе, қасос ҳиссиёти ҳам йўқ. Унда баайни шундай *idée fixe* ўрнашиб қолгани жуда ғалати. У сизнинг адабий ҳаракатингизга қатнашиб турадими?

У бир ёндан чакқонлик билан икки бўлак қандни устига қаймоқ солинган қаҳва идишига ташлади. Буқа Маллиган иссиқ

¹ *Идэ фикс* — мияга ўрнашиб қолган ва сира кетмайдиган фикр (лот.).

² *Алжернон Чарлз Суинберн (1837—1909)* — инглиз шоири, ҳиссиётлар ва мажусиёна гедонизмин (роҳатпарастлик) қуйлаган, маънавий эркинликни сиёсий эркинлик билан боғлиқ деб ишонган.

кулчани ўртасини ёриб, қайноқ ичига мой суртди. Иштаҳа билан катта тишлади.

— Ўн йил, — деди у кулиб оғзидаги луқмани чайнади. — Ана шунча вақт ўтгандан сўнг у ниманидир ёзади.

— Анча узок муддатни айтдингиз, — деди Хейнс қошиқчасини ўйланганча юқори кўтариб. — Шундай бўлса ҳам, охири оқибат у буни эплашига ишонаман.

У ўз финжони юзасидан қаймоқ кўпикчасини йиғиштириб олиб, қошиқчасини ялади.

— Ҳақиқий ирланд қаймоғи шекилли, — деди у риоя оҳангида. — Мени лақиллатишларини асло ёқтирмайман.

Ғижимланган енгилгина қоғоз қайиқча, Илёс келур, катта-кичик кемалар ёнларидан бир дунё пўкаклар ичра сузиб борар, Нью-Воппинг-стритдан ўтиб, Бенсон пароми ва Брижуотердан гишт ортиб келаётган уч мачтали «Роузвин» шхунаси билан бирга шарқ томонга интиларди.

* * *

Алмидано Артифони аввал Холле-стритдан, кейин Сюэлл ҳовлисида ўтди. Кэшел Бойл О'Коннор Фитсморис Тисдалл Фаррелл қўлидаги плашасосоябонни силкитганча унинг орқасидан юриб, мистер Лоу Смитнинг уйи олдидаги фонар ёғочидан анчагина ўзиб кўчани кесиб, Меррион-сквердан одимлаб кетди. Унинг орқароғида анча узокда кўр йигит университет боғининг панжараси бўйлаб ўз йўлини тўқиллатиб топиб борарди. Кэшел Бойл О'Коннор Фитсморис Тисдалл Фаррелл мистер Люкс Вернернинг чароғон витриналарига етди-да, кейин ўгирилиб қўлидаги плашасосоябонни силкитганча орқага Меррион-сквер йўлига қайтди.

Уайлд уйининг муқолишида у тўхтаб қолди, Метрополитен-холлнинг деворига ёзилган Илия номига қоғоғини уйиб қаради, кейин Ҳерцог саройининг олисдаги кўк деворига боқди. Унинг тумтайган ойнаги офтобда ярақлаб кетди.

Каламушникидай тишларини кўрсатиб у ғунғиллади:

— Coactus Volui¹.

Кейин у ўзининг жасур сўзларини ямлаб Клэр-стрит томонга нари одимлаб кетди.

У тиш доктори мистер Блумнинг деразаси қаршисидан ўтаётганда, унинг силкиниб бораётган плашчи кўр йигитнинг тўқил-

¹ Мажбурият остида мен истадим (лот.).

лаётган ингичка таёғини кескин суриб юбориб, ориқ-тиррик жуссасига ҳам шартиллаб урилди. Кўр йигит касалманд башарасини ўткинчи киши томонга қаратди.

— Ким бўлсанг ҳам, лаънат сенга! — деб қичқирди қахр-ғазабга тўлиб. — Мен эмас, сен кўрсан, итдан тарқаган!

* * *

Раста йигитча Патрик Алоизиус Дигнам бир ярим фунт думалоқланган хинзир киймасини бағрига босиб Рогги О'Донохунинг емакхонаси қаршисидан Уиклоу-стритга ўтиб борар, куннинг илиқлигидан роҳат қилиб, теварак-атрофга аланг-жалаң қарарди, қийма гўштни у собиқ Ференбах, ҳозирда эса Манганнинг гўшт дўконидан олганди. Мотам бўлаётган залда миссис Стор ва миссис Квигли ҳамда миссис Макдауэлл билан ўтириб диққинафас бўлиб кетасан, дарпардалар ҳаммаси туширилган, улар эса юм-юм йиғлашади, бурунларини қоқишади ва аъло навли херес майини тортишади, буни Барни амаки Таннидан олиб келган. Мевали пирогларни охиригача еб, қимирламай лўқ этиб ўтиришаверади, яна фақат бир хил гапларни тинмай гаплашаверишади, дам-бадам хўрсиниб-хўрсиниб қўйишади.

Уиклоу-лейндан ўтгач, унинг диққатини сарой тикувчиси Дойл хонимнинг витринаси тортди. У бокс тушишга тайёр турган, белигача яланғоч иккита рақибга тикилиб қолди. Ёлбошдаги ойналардан қора мотам либоси кийган иккита ёш Дигнам бўзрайиб боқарди. Дублиннинг арзандаси Майлер Кео Портобелнинг тўқмоғи сержант Беннет билан учрашади, соврин эллик соверен, ўх-ўх, қойил, мана буни жанг деса бўлади, қани энди кўриб томоша қилсанг. Майлер Кео дегаши анови кўк белбоғга ҳужум қилаётгани. Кириш икки шиллинг, солдатлардан бир шиллинг. Ойимни-ку осонгина қундираман-а. У ўгирилди, чап ойнадаги ёш Дигнам ҳам ўтирилди. Э, мотам кийимидаги менман-ку. Қачон бўларкан? Йигирма иккинчи майда. Эҳ, омад келмаганини, кечикибман. У яна ўгирилди, бошидаги шапкаси ёнига кийшайди, ёқаси ечилди. У ёқасини қадаб қўйиш учун томоғини кўтарди, боксчилардан нарироқда мафтункор нозанин Мария Кендаллнинг суратини кўрди. Бундай ойимқизларнинг суратлари сигарет қутиларида кўп. Оғайним Стор сигарет қолдиқларини йиғиб юради, бир марта чекиб турганда отаси қўлга тушириб, ўлардай калтак еган.

Раста йигитча Дигнам ёқасини қадаб олди-да, йўлида давом этди. Зарбасининг зўрлиги жиҳатидан боксчилар ичида Фитс-симмонс биринчи ўринда туради. Бунақаси биқинингга бир туширса, бир ҳафта ўзингга келолмайсан, оғайни. Лекин усталик-да Жем Корбеттга етадигани йўқ эди, кейин Фитссиммонс унинг барча устомонликларини бурнидан булок қилиб чиқарди, ичак-човоқларини бошига кийдириб қўйди.

Грэфтон-стритга етганда, йигитча Дигнам оғзига қизил гул тишлаган башанг бир олифтани кўрди, оёғидаги ботинкаси ҳам қошиқдай, қандайдир ширакайф киши унга алланималарнидир жавраб тушунтиради, у эса нуқул тиржайди.

Сэндимаунт трамвайидан ҳалигача дарак йўқ.

Йигитча Дигнам хинзир қиймасини бошқа қўлига олиб, Нас-сау-стритдан кетди. Ёқаси яна ечилиб кетиб, уни қўйлаги ичига бостириб қўйди. Ярамас тугма, ҳеч тешигига тўғри келмайди, жуда жонимга тегди. Йўлда сумкаларини осган мактаб ўқувчилари учради. Эртага яна бормайман, душанбагача қоламан. Қаршисидан яна ўқувчилар келишди. Қизиқ, улар мотам киймида эканимни пайқашдимикин? Барни амаким бугун газетага эълон бераман деди. Унда ҳамма газетада менинг ва отамнинг номи босилиб чиққанини кўради.

Унинг доим қип-қизил бўлиб юрадиган башараси ҳозир бўздай оқарган, ўнг бетида пашша кўзига қараб ўрмаларди.

Тобутга миҳларни бураб маҳкамлашаётганда ёмон ғичирлади, уни пастга олиб тушаётганларида хунук гумбураб турди.

Отам тобут ичида ётарди, онам залда юм-юм кўз ёши тўкарди, Барни амаким эса тобутни бурилишдан қандай олиб ўтишни кўрсатарди. Тобут шунақа катта, баланд, кўринишдан оғир эди. Ҳаммаси қандай бўлди? Охирги кеча отам ичиб маст бўлди, зина тепасида туриб оёқ кийимимни топиб беринглар, Таннининг дўконига бориб бош оғриғи қилиб келаман, деб бақирди, отам яланг қўйлагида шундай семиз ва пакана бўлиб кўринарди. Бошқа ҳеч қачон уни кўрмайман энди. Буни ўлим дейишарди. Отам ўлди. Менинг отам ўлди. У менга онамга яхши ўғил бўл деди. У яна нималар деганини мен яхши тушунолмадим, лекин гапирмоқчи бўлаётганини тили билан тишларидан кўриб турдим. Шўрлик отам. Бу мистер Дигнам, менинг отам эди. У ҳозир арофатда бўлса керак, чунки у ҳазрат Конройнинг олди-га шанба оқшомида бориб тавба-тазарру қилиб келган эди.

Вилиам Хамбл, граф Дадли, ва леди Дадли нонуштадан сўнг полковник Хеселтайн етакчилигида вице-кирол қароргоҳидан чиқиди. Кейинги каретага муҳтарама миссис Пэжет, мисс де Курси ва муҳтарам Жералд Уорд, навбатчи адъютант тушган эди.

Аъёнлар асъасаси полисменларнинг серхушомад таъзимлари остида Феникс-паркнинг қўйи дарвозасига йўл олиб, Қирол кўпригидан ўтиб, шимолий соҳилбўйи ёқалаб кетди. Вице-кирол пойтахт кўчаларидан ўтиб бораркан, ҳамма жойда самимий қўтловларга дуч келди. Мистер Томас Кернан Ўонли кўприкда туриб, дарёнинг бериги ёғидан, узоқдан ўз саломларини йўллашга жонжаҳди билан уринарди. Лорд Дадлининг вице-кирол кареталари Қиролича кўприги билан Уитворт кўприги орасидан ўтишди, бу ерда улар ҳуқуқ бакалаври ва санъат магистри мистер Дадли Уайтнинг қўтловларига муяссар бўла билинмади, бу зот Аррон-стрит бурчагидаги судхўр хотин миссис М.И. Уайт уйининг ёнидаги Арран-куэйда туриб, хаёл ичида бурнини ишқалар, Фибсборога уч маротаба чиқиб-тушиб булса ҳам, трамвайда тезроқ етармикинман, ё извоида борсам яхшимикин, ё Смитфилд орқали яёв ўта қолсаммикин, Конституция тепаси билан Бродстоун вокзалдан ўтсам бас, деб бир қарорга келолмасди. Суд палатасининг устунли пешайвони олдида «Гулдинг, Коллис ва Уорд» фирмасининг папқасини кўтарган Ричи Гулдинг асъасага ҳайрон бўлиб қараб қолди. Ричмонд кўпригининг орқасида ёқловчи адвокат, Ватанпарвар суғурта компаниясининг агенти Рувим Ж. Додднинг идорасига кираверишда ёши бироз ўтиб қолган хоним ичкарига кирмоқчи бўлиб турди-ю, яна фикри ўзгариб, келган изидан ортга қайтди-да, Кинг идорасининг деразалари ёнида тўхтаганча, Олий ҳазратларининг ноиб томонга вафодор бир табассум йўллади.

Тэм Деваннинг идораси остида жойлашган Вудкуэй деворидаги повдан ўтган Поддл сойи ўз сасиған оқими оқава суви билан садоқатини ифодалади. Бронза узра олтин, мисс Кеннедининг бошчаси ортида мисс Дуснинг бошчаси «Ормонд» меҳмонхонаси дарпардаси оша дабдабани шод-хуррам томоша қилишарди. Мистер Саймон Дедал Ормонд-куэйда кўча ҳожатхонасидан полиция бошқармасига ўтаркан, шляпасини қўйи тушириб, кўчанинг ўртасида лолу ҳайрон қотиб қолди. Ҳазрат Олийлари мистер Дедалга шоён назокат ила жавоб саломи йўллади. Кахилл босмахонаси бурчагида санъат магистри ҳазрат Хю К. Лав узоқ замонларда

донгдор боёнлар саховатли қўллари билан эътиборли черков имтиёзлари тарқатганликлари устида ўйларга ботганча, таъзим бажо келтирди, ammo унинг таъзими эътиборга тушмади. Граттан кўпригида Ленехан ва Маккой хайрлашмоқчи бўлиб туришар, ўтиб бораётган кареталарга қарашарди. Рожер Грин идораси билан Доллард босмахоначининг катта қизил биноси ёнидан ўтиб, ўзининг бемор отасига хатлар ҳамда Кэтсби линолеумлари намуналарини олиб бораётган Герта Макдуэлл кареталарнинг кўринишидан лорд-ноиб рафиқаси билан бирга кетаётганлигини фахмлади-ю, бироқ барибир Ҳазрат Олиялари қандай либослар кийганлигини ажрата олмади, чунки баайни лорд-ноиб туфайли трамвай ҳамда Спрингнинг катта сариқ араваси унинг олдини тўсиб қўйишганди. Ланди ва Фут фирмаси уйининг орқасида Кавана ковоқхонасининг қоронғи эшигида турган Жон Уайз Нолан лорд-ноиб билан генерал-губернаторга совуқ табассум йўллади, лекин улар буни пайқашмади. Муҳтарам Зот Виллям Хамбл, Викториянинг Катта Хоч ордени нишондори граф Дадли Микки Андерсоннинг тўхтовсиз занг уриб турган соати ҳамда Генри ва Жеймсининг мум хайкаллари ёнидан ўтишди, жентлмен Генри ва *dernierci* Жеймс кўркам костюмлар кийишган, икки бетлари қип-қизил эди. Деймгейтга орқа қилиб туришган Том Рочфорд билан Узун Бурун Флинн асъаса-дабдабанинг яқинлашиб келишини кузатиб туришарди. Леди Дадлининг нигоҳи ўзига тушганлигини сезган Том Рочфорд катта бармоқларини дарҳол қизил нимчасининг киссасидан чиқариб, бошидан шапкасини олди. Мафтункор позанин, улуғ Мария Кендалл икки юзи бўялган ва этаги кўтарилган ҳолда ўз афишасидан туриб Виллям Хамблга, граф Дадлига, жумладан, полковник Х. Ж. Хеселтайнга, айни чоқда хурматли навбатчи адъютант Жералд Уордга бўялган табассумини инъом этарди. ДХК деразасидан Буқа Маллиган ва Хейнс вице-қирол дабдабасини бири майнавозчилик қилиб, иккинчиси эса ғоятда сиполик билан томоша қилишар. Хаяжонга чулганган хўрандалар шахмат тахтасига тушиб турган ёруғни тўсиб қўйишган, Жон Хауард Парнелл эса ҳамон диққат билан тикилган кўзларини тахтадан узмасди. Фаунс-стритда бошини Шарденалнинг француз тили дарслигидан кўтарган Дилли Дедал очилган шамсиялару айланаётган филдирақларнинг яраклаган симларини кўрди. Савдо палатаси эшигида турган Жон Генри Ментон май ичавериб балиқнинг қузидай бурдайган нигоҳини тикиб қимир этмай турар, йўғон чап

қўлида овчиларнинг қалин тилла соатини тутган, шу ҳолида на унга қарар ва на унинг борлигини ҳис қиларди. Қирол Билли отининг олдинги оёғи юқорига кўтарилган ерда мисс Брин фореитор отининг туёқлари остидан эсанкираб қолган эрини тортиб олди. У эрининг қулоғига кичқириб воқеани баён қилди. Эри тушунди, ўзининг қалин эски китобларини сўл қўли билан бағрига босди-да, иккинчи аравага таъзим йўллади. Ҳурматли навбатчи адъютант Жералд Уорд бундан ҳайратга тушиб дарров жавоб қилди. Понсоби яқинидаги бурчақда оқ идишча Н хориған кўйи тўхтади, унинг ортидан яна тўрт цилиндр кийган оқ идиш ҳам тўхтади, E.L.Y.S. Бу орада улар олдидан отлар ва кареталар елиб ўтдилар. Пиготтнинг музика асбоблари савдоси қаршида рақс муаллими ва ҳоказо мистер Дэнис Ж. Мажинни ялтироқ либосларда салмоқли қадам ташлар, вице-қирол уни танимай от чоптирганча ўтиб кетди. Ректор уйи қошида бепарво юрган Буян Бойлан кўринди, унинг қорамтир-қизғиш ботинка ва мовий-кўк чизикли пайпоқ кийган оёқлари «Йоркширлик офатижоним» деган қўшиқнинг оҳангида кўтарилиб-тушарди. Суворийларнинг шиддатли забтига ва мовий-кўк лачакларнинг хил-пирашига қарши басбойлароқ Буян Бойлан мовий-кўк бўйинбоғи, чаккасига чапаниларча қийшайтириб бостирилган айвони кенг похол шляпаси, нафис шевиотдан тикилган мовий костюмини кўз-кўзлади. Унинг костюми чўнтақларига солинган қўллари пляпани ечишни эп кўрмади, бироқ у ҳар учала хонимга уларни маъқул кўриб сурбетларча нигоҳ отди ва оғзида тишлаган қизил гулни намойиш этди. Нассау-стритдан ўтаётганларида Ҳазрати Олийларининг эътибори Ҳазрати Олияларига тушди, ул Олия Зот тўрт томонга ва хусусан, Коллеж-паркда ижро этилаётган музика дастурига марҳаматли бош силқир эдилар. Бу ердан жуссалари кўринмаётган Шотланд тоғларининг шоввоз солдатлари карнайлар ва ноғораларни кифтини келтириб чалар, гулдирос оҳанглар йўртган отлар изидан эрганарди.

Севгилим — оддий ишчи
Содда, одми кийинган.
Тарарабум.
Аммо кўнглимни ром этган
Йоркширлик ўша қушча.
Ўша менинг севгилим.
Тарарабум.

Тўсиқнинг нариги томонида чорак чақирим масофага аралаш пойганинг иштирокчилари М.К. Грин, Х. Шрифт, Т.М. Пейти, К. Скейфи, Ж. Б. Жеффс, Г.Н. Морфи, Ф. Стивенсон, К. Эдрли ва У.К. Хаггард навбатма-навбат пойгани бошлашди. Финн меҳмонхонаси ёнидан бораркан, Кэшел Бойл О'Коннор Фитсморис Тисдалл Фаррелл тажанг ойнагини экипажлар оша Австрия-Венгрия вице-консуллигининг деразасидаги мистер Е.М. Соломонсинг калласига тўғрилади. Ленстер-стритнинг ичкарасида, Тринитининг орқа дарвозасида Аъло Ҳазратларининг содиқ фукароси Хорнблоузэр ўзининг овчилар бош кийимига қўлини теккизди. Силлиқ ялтираган отлар Меррион-сквердан йўртиб чопишганда, шу ерда кутиб турган раста йигитча Патрик Алоизиус Дигнам ҳамма цилиндр кийган жанобга таъзим бажо келтираётганини кўриб, у ҳам хинзир қиймаси ўралган қоғоздан ёғ юккан қўллари билан янгигина қора шапқасини кўтариб қўйди. Унинг ёқаси яна ечилиб кетди. Мерсер касалхонасининг фойдасига Майрас хайр-саховат бозорини тантанали суратда очиш учун йўлга чиққан вице-кирол ўз аъёнлари билан бирга Қуйи Маунт-стрит томонга юрди. Бродбент дўкони ёнида улар кўр йигитча олдидан ўтишди. Қуйи Маунт-стритда жигарранг макинтош кийган пиёда йўловчи қораноннинг қобиғини чайнай-чайнай шитоб билан вице-киролнинг йўлини кесиб ўтди, унга ҳеч ким халал бермади.

Кирол каналидаги кўприкда қалин чўччайган лабларини табассумга ёяркан, мистер Южин Стрэттон афишадан барча Пембрук маҳалласига келувчиларни қутларди. Хэддингтон-роуднинг муъолишида уст-бошларига қум юккан, қўлларида соябон ва ичида ўн битта чиганок думалаган сумка тутган икки аёл лорд-мэр ҳамда унинг рафиқасини, уларнинг олтин занжирсиз эканликларини кўриб хайрон бўлиб тўхтаб қолишди. Ҳазрат олийлари Нортемберленд-роуд ҳамда Лэнддаун-роудда сийрак эркак йўловчилар, унинг таъзимларига, марҳума қиролича 1849 йилда эри, шахзода-консорт билан бирга Ирландия пойтахтига ташриф буюрганда, айтишларича таҳсин-тасаннолар билдирган уйнинг боғ эшиги олдида турган икки кичик ёшли мактаб ўқувчисининг таъзимига, ва шунингдек, Алмидано Артифонининг кенг шимининг таъзимига сира қанда қилмай жавоб берди, сўнг лип этиб кўринган бу шимни эшик ютиб юбориб кетидан қарсиллаб ёпилди.

11-ВОҶЕА

Бронза ва олтин тақа-тақа жаранг туқа-туқ туёқ товушин эшитдилар.

Хирахандон дондондон.

Кир тирноқ тагидан кирни қитирлатиб қириб, Кирлик.

Қуриб кетсин! Олтин янада олтинроқ кизарди.

Найдан гириллаган товуш уфурди.

Уфурди. О, Блум, бул-булумғаш кўнгил.

Сочларнинг олтин тожи.

Шоҳи кийган, шоҳи кўкракда атиргул қимирлар, Кастилия атиргули.

Тараннумдан тараннум: Адолорес.

Қани, айтинг, ким бизда... олтинсоч?

Афсусланиб бронза кўнғироқ чалинди мунгли.

Мусаффо, чўзиқ, титраган товуш. Охиста тиниб борган бир сас.

Оҳанрабодай. Нафис сўз. Қарасанг-чи: юлдузлар сўниб бо ради. Ноталар, вижирлаб айтади жавоб.

О, атиргул! Кастилия гули. Сутдай тонг отади.

Қисирлаб, ғижирлаб коляска келар.

Танга жаранглади. Ҳаққуш кукулади.

Изҳор Sonneз. Сен билан бирга. Боғичлар орқага тортилган. Айрилиб кетолмасман. Гул. La cloche! Гул этиб сонига урди. Изҳор. Иссиққина. Азизим, яхши қол!

Коляска ғижирлайди. Блу.

Гумбурлади сўнгги оҳанглар. Муҳаббат аланга олганда. Уруш! Уруш! Қулоқ пардаси. Елкан! Тўлқинлар узра ҳилпирган рўмол.

Йўқолди. Майна сивизга чалади. Баридан ажралди энди.

Кичишади-ей. Унинг бадани.

Келиб кўрдик. Ёху!

Биратўла ол. Тўлақонли зарблар.

Чуруллайти товланади қуш овози. Оҳ, имлар! Ўзига тортар.
Марта! Кела қол, энди!

Гупгуп. Гупгупгуп. Гупупуп.

Худоё ҳеч қач онухаёт даэшитма. Пэт кал қарқара бювар¹
келтирди пичоқ олди.

Ойдин тунда чорлаган овоз: олисда, олисда.

Қайғуга ботдим. P.S. Ёлғиз ўзи бу — улоқиб.

Тингла.

Денгиз карнай чалади, буралиб, шохланиб, саринлашиб. Сен-
дами? Ўзига, сўнг бошқа, шалдирар ва гунг бўлиб ўкирар.

Дурдоналар: у куйлаганда. Лист рапсодиялари. Ш-ш-шип.

Ахир сиз?

Йў-йўк, йўк — ишонмаган — Лидлид. Хўроз топтайди, қичқи-
ради кукуку.

Қора. Паст октавалар. Қани, Бен, қани.

Зўр берадию хизматни қилади. Хи-хи. Ишлар ёмон эмас.

Бироқ шошма!

Зулмат мағора, ер қаърларида. Тўда рудалар.

Naminedamine. Руҳоний.

Барча ҳалок бўлди. Жангда жон берди. Мўъжаз жингилалар,
қиз бола сочларининг титроқ гажаклари.

Омин! Фазабдан тишлар ғижирлар.

Ортга. Олдинга-ортга. Муздек қозик дикқаяр.

Бронзалидия олтинмайна ёнида.

Теран уммонларнинг зумрад сояларида бронза ва олтин ёни-
дан Блум. Кадрдон ошно Блум.

Тўк тўк, эшик тақиллайди, босмоқ, қуқулаб қичқирмоқ.

Уни дуо қилингиз! Дуо қилингиз, яхши одамлар!

Унинг ғудда-ғудда бармоқлари қасирлайди.

Улкан Бенабен. Улкан Бенбен.

Кастилия ёзининг охирги атиргулин ташлаб кетди блум
ҳасратли ёлғизлик ичида қолдим.

Пи-и! Кичкина шамол келди чўзилиб и-и.

Ҳалол фуқаролар. Лид Кер Кау Де ва Долл. Ана-ана, худ-
ди сенингдек.

Кўтаришар сенга тегишли данғ ва дунғни.

¹ Папка, портфель.

Пффф! Ох!

Яқиндаги бронза қани? Узоқдаги олтин қани? Қани тақалар?
Пурррр. Жингг. Грамғр.

Ана ўшанда, аммо ўшандадан илгари эмас. Бўлур мислипф-
фис. Менинг эпрриталфффиям.

Тугатдим.

Бошла.

Емакхона дарпардаси узра бронза кетидан олтин, ойим Кенне-
дининг бошчаси ойим Дуснинг бошчаси ортидан вице-қирол тақа-
лари ўтиб боришини томоша қилишар, жабдуқлар жарангларди.

— Анави ўшами? — сўради ойим Кеннеди.

Ойим Дус ҳа, деб жавоб берди, ўтирибди хожасининг ёнида,
буз марварид либослар ичра, eau de Nil¹.

— Қапчалар нафис ранглар, — деди ойим Кеннеди.

Бирдан ойим Дус ҳаяжонга тушиб, тўлқинланиб деди:

— Қара чи, ана у, цилиндрда!

— Қани-қани? Қайси? — янада тўлқинланиб сўради олтин.

— Иккинчи каретада, -- деди ойим Дус офтобда йилтираган
лабларини кулгидан йиғиштиролмай. — Вой, бу ёққа қараяпти.
Нари тур, мен ҳам кўрай.

У худди бронза ўк ёй каби нариги деразага ўзини отди, юзи-
ни ойнага босди, ҳаяжонли қайноқ нафасидан ойнада хира ту-
манли доира қолди.

Сўлим лаблар шивирлади:

— Кўрди! Жонидан жудо бўлди!

У хихилаб кулди:

— Йиғлагим келади! Бу эркакларнинг ҳаммаси ўлгудай тентак!

Ҳар қалай, қайғули эмас.

Ойим Кеннеди деразадан тушиб турган ёруғликдан чиқиб, у
ёқдан бу ёққа ҳасратли қадам ташлар, тўзғиб тўкилган соч тола-
ларини қулоғининг орқасига қистирарди. У ҳасратли айланар-
кан, энди олтиндай товланмас, жамалакларини бураб ўрарди. У
бўйсунмай тўзғиган олтин ранг соч толасини ҳасрат-ла ўраб на-
фис қайрилган қулоғининг ортига жойларди.

— Нима қилсалар — эрклари ўзларида, — деди у ҳасрат
тўла эътирозли оҳангда.

Эркак.

¹ Зумрад-мовий рангларда (франц.).

Блуким Муленг қувурлари ёнидан ўтиб борар, кўксида гуноҳ лаззатларини сақлар, Уайн мозийхонаси атрофидан ўтар, хотирасида гуноҳ сўзларнинг лаззатларини асрар, Кэрролнинг хира йилтираган эгик ошхона кумуш анжомларини ортда қолдирарди, Раул учун.

Уларга, емакхона ичида турганларга, бармен ойимларга хизматчи ходим яқинлашди. Ойимлар унга эътибор беришмади, у улар учун қўлидаги идишчалар тўла патнисни миз устига қарсиллатиб қўйди, чинни идишлар шакирлаб кетди. Хўб.

— Мана, чойларингиз, — деди.

Ойим Кеннеди қўлларини оҳанжама қилиб ўйнатиб, патнисни бегона кўзлардан узоқроқ олиб, пастдаги минерал сувлардан бўшаган тўнтарилган яшик устига қўйди.

— Нима бор у ерда? — деб овозини баланд кўтариб қизиқди оҳанжама қилиқларни билмайдиган хизматчи ходим.

— Ўзинг ўйлаб кўр, — унинг гапини бўлди ойим Дус ўз кузатиш жойини тарк этаркан.

— Маъшуқингми дейман-а?

Бронза бунга жавобан бурнини танқайтирди:

— Сени миссис де Мессига айтиб бераман, қани иккинчи марта шундай дегин, бетамиз.

— Хирахандон дондондан, — масхара қилгандай ўдағайлади бетамиз башара келган жойига қайтиб равона бўларкан ойимнинг пўписасига жавобан.

Блум.

Ойим Дус гулчаси устида қовоғини солиб, деди:

— Бу пакана патти жуда суюлиб кетди. Ўзини яхши тутиб юрмаса, қулоқларини кесиб оламан.

Хонимнинг ярашиқли нафис ранглари.

— Эътибор берма, — унинг кўнглини кўтарди ойим Кеннеди.

У чойни чинни идишчага қўйди, кейин идишчадан яна чойнакка солиб қайтарди. Икковлон то чой яхши дам егунча баланд миз ортида оёқларини яшиқлар устига қўйиб тик кутиб туришди. Кўкракларини қора шоҳи бурма кўйлақларини тўғрилашди, бу шоҳи матонинг бир қулочи икки шиллинг тўққиз пенс, чой ўбдан чиқишини пойлашди, бу икки шиллингу етти.

Ха, шундай, бронзанинг берисида, олтин ранг парисида, жабдуқлар саси яқинида, тақалар товуши узусида, тақатўқларни, тақалар жаранглашини эшитиб туришар, от туёқлари дарангларди.

— Мен, ростдан, жуда қорайиб кетибманми?

Ойим бронза буйнидан ёқасини очди.

— Йўқ, — деди ойим Кеннеди, — дарров эмас, кейин секин қораяди. Сен борат билан лавролча сувини аралаштириб суртиб кўрмадингми?

Ойим Дус оёқ учида туриб рамасида олтинбронза белгилар туширилган, рейн ҳамда бургон майлари тўлдирилган қадахлар турган катта раковина акс этган бар кўзгусига ёнламасига қаради, терисини кўздан кечирди.

— Их, кейин изи қўлимда қолсинми, — эътироз билдирди у.

— Кейин глицерин билан тозалайсан, — таклиф этди ойим Кеннеди.

Ойим Дус буйни ва қўлларини хайрон кўздан кечириб

— Бундай дорилардан тошма тошади, холос, — деб қабул қилмади ва жойига қайтиб ўтирди.

— Мен анави қари бойқушдан терига сурадиган яхши дори топиб беришини илтимос қилган эдим.

Ойим Кеннеди ўбдан дам еган чойни чинни идишчаларга қуяркан, юзини қийшайтириб ўпкаланди:

— Ох, худо ҳақи, эслатма уни менга!

— Йўқ, тўхта, барибир айтиб берай, — қўймасди ойим Дус.

Ширин чойнинг устига сут қуйиб, ойим Кеннеди қулоқчаларини бармоқчалари билан ёпди.

— Ох йўқ, керакмас! — қичқирди у.

— Эшитмайман, эшитмайман! — яна қичқирди у.

Лекин Блум?

Ойим Дус қариб қолган одамларга тақлид қилиб ёқимсиз мингирлади:

— Нима учун, нима учун? Менга айтган гапи. Ойим Кеннеди эшитиш учун, гапириш учун бармоқчаларини туширди — лекин яна қайтарди, яна ёлворди:

— Ох, уни гапирма менга, сира чидай олмайман! Ярамас қари тасқара! Эсингдами, ўша кеча Эншент залида.

Юзини нафратланиб буриштириб, у қайноқ аччиқ чой ҳўплади — ютиб бўлиб — ширин чой ҳўплади.

— Мана ўзинг кўр унинг қандайлигини, — деди ойим Дус бронза бошчасини ёнига қийшайтириб ва бурун катакларини кериб. — Хр-р! Хр-р!

Ойим Кеннедининг буғзидан қаттиқ қаҳқаҳа отилиб чиқди. Ойим Дус пишиллаб, бурун катаклари билан хўрхўр қилиб, хирахандон дондондоннинг искаётган, титаётган тумшуғини қилиб кўрсатди.

— Вой ўламан! — чинқириб инграрди ойим Кеннеди. — Эсингдами, унинг кўз сокқаси қандай отилиб чиққанини?

Шунда ойим Дус ҳам ўзининг янгроқ бронза кулгисини ҳеч тухтатолмади:

— Ох, ишқилиб, бизга кўзи тегмасин-да!

Блумий қора кўзлар шу номни ўқиди: Арон Фигфурт. Нега мен доим буни Фигфунт деб ўқийман? Фунт фиг бўлса керак-да, балки шунинг учундир. Проспер Лоре — гугенот исм-шарифи. Блумнинг қора кўзлари Бассининг витринасидаги муқаддас библиларга нигоҳ ташлади. Мовий плашч, тагида оппоқ бадан, кела қўйингиз менга. Улар ишонишади, бибини худо деб билишади — ё илоҳа? Ҳозирги илоҳалар. Яхши кўролмай қолдим. Анов йигит халал берди, студент. Кейин у Дедалнинг ўғли билан кўришди. Балки бу Маллиган бўлса керак. Жуда ёқимтой библилар. Бу бузуқларни шу парса жуда ўзига тортади: оқ бадан.

Унинг кўзлари тобора ичкарироққа мўраларди. Гуноҳнинг лаззатлари. Лаззатларнинг лаззати.

Гуноҳлар.

Кўнғироқдай жаранглатиб кулишаркан, ёшларнинг икки овози Дус ҳамда Кеннедини, олтину бронзани бир тану бир жон қилиб юборди, ох, ишқилиб, кўз тегмасин-да. Қаҳ қаҳ уриб бошларини орқага ташлаб, бронзакулги билан олтинкулги, кулги тўсиқсиз янграсин деб, биргаликда баравар кийқиришарди, ишқилиб, кўз тегмасин-да, бир-бирларига имо-ишоралар қилишар, хандон ташлаб хахолашарди.

Во-оҳай, зўрға нафас ростлашади, пастлашади. О-оҳ, аста сўниб, аста ўчиб, қувонч-кулгилари ҳам тугади.

Ойим Кеннеди яна чойини оғзига олиб борди, лекин ҳўплаб-ҳўпламай яна қикирлай бошлади. Дус ойим эса бошини патнисга эгиб, яна бурнини жийриб, шоҳқосасидан чиққан кўзларини кулгили қилиб айлантиришга тушди. Хихикеннеди эса, яна эгилиб сочларини тагигача кўрсатиб, эгилиб, энсасига қадалган тошбақа тароғини намойиш этиб, кулгисининг зўридан оғзидagi чойини сочиб юборди, томоғига чойи ва кулгиси тикилди, қалқиб кетди, энтиқди, ўхи-ўхи йўталди, чинқирди:

— Мой босган кўзлар! Эринг шундай бўлишини бир тасаввур қил! Яна така соқол бўлса!

Бунга жавобан Дуснинг бугъздан шаркираган бир чинкириқ отилиб чиқди, бу чинакам аёлларча чинкириқ эди, унда завқ-шавқ, шод-хуррамлик, нафрат мужассамлашган эди.

— Ёғлик буруннинг хотини, — деб кийқирди у.

Дам овозларини пасайтириб хихилаб, дам товушларини баланд қўйиб хахолаб, дам бронза каби, ва дам олтин каби жараңглаб, улар бир-бирларини тинмай қаҳқаҳа уришга қитиқлашар, гоҳ бронза-олтин бўлиб, гоҳ олтин-бронза бўлиб янгроқ акс садо таратишар, гоҳо баланд, гоҳо паст, шарақ-шурақ яна шарақлаган кулги овозлари самони тутарди. Ва яна ҳеч тўхтамай хандон отишарди. Оҳо, жуда ёғлик, мен биламан. Ниҳоят гамом ҳолдан тойиб, нафаслари томоқларига текилиб, улар титраган бошларини миз тахта устига қўйдилар, тож мисоли баланд турмакланган соч ўримларини ялтироқ идиш таҳлагичга тирадилар. Улар кулгининг зўридан кип-қизил бугъриқиб (уф-эй!), жиққа терга ботиб, оғир нафас олиб (уф-эй!), икковлари базур ўзларига келишарди.

Ёғ мой босган Блум деганга эрга тегишни айтишг!

— Вой, худо кўтарсин! — хўрсиниб сўлиш олди ойим Дус таққан гулини қимирлатиб. — Бундай кулишга бало борми менга. Жиққа ҳўл бўлдим.

— О, ойимчам Дус! — норози бўлди ойим Кеннеди. — Мунча ҳам ёмон бўлиб кетмасангиз!

Шунда у янада қаттиқроқ бўртиб қизариб кетди (уф, башараси қурсин!), янаям тиллароқланди.

Ёғлиблум Кантвелл идораси ёнидан мойбўёқлардан йилтираган Чеппи қизлари олдидан оёғини судраб босиб ўтди. Отам шўрлик Наннеттининг қўлида мойбўёқ ташиб сотарди, худди менга ўхшаб эшикма эшик юрарди. Дин-даромадли иш. Ключчи маса ласида яна унинг олдига бориш керак. Аммо олдин тамадди қилиб олайлик. Очқидим. Йўқ ҳали. У соат тўртга деган. Вақт тўхтамай ўтяпти. Соат тинмай текиллаяпти. Юра қол. Қаерда овқат еб олсак экан? Кларенс, Дельфин. Юра қол. Раул учун. Еб ол. Апави рекламалардан беш гиней ишлаб олсак эди. Пушти ички ипак қўйлакка қурбимиз етарди. Ҳали қайда. Гуноҳ лаззатлари.

Қизиллик озайди — янада озайди — олтин оқарди.

Бекорчи одамлардай қадам ташлаб емакхонага мистер Дедал кириб келди. Катта бармоқнинг қораймиш тирноғидан гард

ни киртишлаб, киртишлаб гардни. Гардлар, Бекорчилардай қадам ташлаб.

— Э ҳа, яхши қайтиб келдингизми, мисс Дус.

Қизга қўлини узатди. Яхши дам олдингизми?

— Мазза қилдик.

Ростреворда ҳаволар жуда яхши бўлгандир, деб мулозамат қилди у.

— Ҳаво шундай ажойиб, — деди ойим Дус. — Менга қараб ҳол сўрайверинг, кўринишим яхшими, қалай? Кун бўйи қумда ётдик.

Оқарган бронза.

— Биз бечораларга раҳмингиз келмади, — қизнинг қўлини илтифот билан силаркан, гина қилди мистер Дедал. — Шунча қийноқларга солдингиз.

Ипак ойим Дус қўлини майинлик билан бўшатди.

— Оҳ, қўйинг, ундай деманг, — деди у таманно билан.

Сизми ҳали бечора, ким ишонади бунга.

У эса шундай эди.

— Э, йўқ, биласизми, — деди у гапни чўзиб, — мен барибир бечораман. Беланчақда ётганимда, шунчалар мўмин-қобил эканманки, мени шундай бечора Саймон деб атаб қўя қолишган.

— У пайтда сиз роса ширинтой бўлгандирсиз, — жавоб берди ойим Дус. — Бугун сизга доктор нимани буюрган?

— Биласизми, — гапдан қолмасди у, — бу ёғи сизнинг фикрингизга ҳавола. Мабодо сизга малол келмаса, мен тоза сув билан ярим стакан виски сўраган бўлардим.

Жангир-жунгир.

— Хўп ҳозир, — деди ойим Дус.

Кантрелл ҳамда Кокрейн маҳсулотлари акс этиб турмиш четига тилла суви югуртирилган тошойнага у ҳозиржавоблик билан чакқон ва чиройли ўгирилди. Биллур идишдаги тилларанг товланган вискидан чакқон ва чиройли қўйди. Мистер Дедал бу орада камзулининг этагини кўтариб, чубук ва тамаки халтачасини чиқарди. Хизматни чуству чакқон адо этади. У чубукни оғзига солиб хириллаб уфлади.

— Ростини айтсам, — дерди у гапини давом эттириб, — мен Моурн тоғларига бораман деб, бир неча марта отланганман. У ернинг ҳавоси жуда яхши, одамни тетик қилади. Лекин узок отлансанг, бир куни омон эсон етиб борасан, дейишади. Рост-рост. Ҳа, рост.

Рост. У чубук ичини сув париси Виржиниянинг малла сочларидай ингичка толачалар билан тўлдирди. Толалар. Сочлар. Фикр қилароқ. Сассизроқ.

Ҳеч ким миқ этмади. Рост.

Ойим Дус қадаҳларни қувноқ артар ва куйларди:

— О, Адолорес, машриқ уммонлар гўзали!

— Бугун жаноб Лидуэлл бу ерга кирдимиз?

Емакхонага мистер Ленехан кирди. Теваракка назар солди. Мистер Блум Эссекс кўпригига етиб келди. Ҳе-ҳ, мистер Блум Ҳэссекс кўпригидан ўтди. Мартага хат ёзиб юбориш керак. Қоғоз олиш. Дэлдан. У ернинг сотувчиси ширин қиз. Блум. Кадрдон Блум. Қалби бўлим бўлим Блум.

— У тушлик учун кирган эди, — деди ойим Дус.

Ленехан миз тахта олдига келди.

— Мени жаноб Бойлан қидириб келмадимиз?

Сўради у. Қиз жавоб қилди:

— Мисс Кеннеди, мен тепада юрганимда жаноб Бойлан кирмадимиз?

Сўради қиз. Ойим Кеннеди яна бир аёқ чой ичиб ўтирар, кўзлари китоб саҳифасига қадалган, шу ҳолда жавоб йўллади:

— Йўқ, киргани йўқ.

Ойим Кеннедининг ўзи кўринмас, аммо овози эшитилар, у китобдан бошини кўтармасди. Ленехан ўзининг думалоқ гавдасини сендвичлар солинган идиш қопқоғи теграида чаққон айлантирди.

— Хўш-хўш, қани бу ердаги ким бўлди?

Қиз унга ўгирилиб ҳам қарамади, у яна бир карра уриниб кўрди. Нуқталарни унутманг. Манави кора-кура белгиларни ўқинг: думалоғи бу о, эгилгани бу — эс.

Коляска арава шўх фичирларди.

Олтинқиз атрофга боқмай, китоб ўқирди.

Эътибор берма. Қиз эътибор бермасди. У эса худди мактаб ўқувчисидай бўгин-бўгин қилиб, чўзиб, оҳангга солиб, қизга зарбулмасал ўқигани тушди:

— Бир куний тулкий лаҳлакни кўйиб қолди-и. Шунда тулкий лаҳлак-ка ди-ди: тум-шу-ғийни томо-ғим-га тик ва ти-қилган суякни тор тиб ол-л.

Унинг ҳаракатлари зое кетди. Ойим Дус нарироқда турган чой идишга юзини ўгириб олди. У четга қараб хўрсинди:

— Ох, шүрим курсин! Ох, бахтсиз бошим.

У мистер Дедалга салом берди, у уз навбатида алик олди.

— Шарафли ўғилдан шарафли отага саломлар!

— Ким бўлди бу? — қизикди мистер Дедал.

Ленехан бениҳоя самимият билан қўлларини ёзди. Ким бўларди?

— Ким бўларди? — қайтариб сўради у. — Сўраганингизни қаранг. Ким бўларди, сизнинг ўғлингиз Стивен-да, ёш шоири замон.

Қурук.

Шон-шухратга чулганган ота мистер Дедал қурук гамаки тўлдирилган чубугини бир чеккага қўйди.

— Тушунарли, — деди у. — Аввал ақлимга келмабди. У таниқли одамлар даврасида бўлармиш деб эшитаман. Сиз уни ҳозир яқинда кўрдингизми?

Кўрибди.

— Худди шу бугун биз у билан бирга амброзия ичдик, — деб ҳикоя қилди Ленехан. — Муни ҳузурида эдик en ville кейин Муни sur mer¹. Назмининг ютуқлари унга кейин ютуқ музд келтирди.

У бронзанинг чой ичиб ҳўпланган лабларига ва диққат билан тинглаётган кўзларига кулиб боқди.

— Эрин аслзодалари унинг оғзидан тўкилган ҳар бир сўзни жон қулоғи билан тинглашди. Аларнинг ичинда шаҳримизнинг машҳур ёзувчиси ва маншури профессор Хю Макхю бирлан ёввойи ҳамда захкаш қарбнинг анов навқирон куйчиси, хушлаҳ-жа исмли О'Мэдден Берк деган ҳам бор эрди.

Ўртага чўккан бироз жимликдан сўнг мистер Дедал стаканини кўтарди-да:

— Назаримда бу жуда қизик бўлгандир ҳойнаҳой, — деди у. — Энди мен кўриб турибман.

У кўриб турибди. У ҳўплади. Унинг нигоҳи узоқ ҳасратли тоғларда, Моурн тоғларида кезарди. Стаканини қўйди.

У салоннинг очиқ эшигига қаради.

— Роялни бошқа жойга кўчирибсизлар-да.

— Бугун созловчи уста келган эди, — тушунтирди ойим Дус, — ресторан дастурига мослаб берсин деган эдик. Бундай нафис чалганини ҳаётимда биринчи эшитишим.

¹ Шахарда... сўнг денгизда (франц.).

— Ростдан-а?

— Тўғрими, мисс Кеннеди? Ҳақиқатан зўр чалди. Буни қарангки, у кўр экан. Болапақир ҳали йигирмага ҳам чиқмаган кўринади.

— Ростдан-а? — такрор деди мистер Дедал.

У ичкиликни ҳўплаганча нари кетди.

— Бечоранинг юзига қарасангиз, одам ачиниб кетади, — юраги куйиб деди ойим Дус.

Минг лаънат сенга, ит эмган.

Таассуфки, кўнғирок инграгандай жиринглади, официантни чақиришяпти. Емакхона зали эшигига бошида туки йўқ Пэт йўл олди, ташвишга ботган Пэт йўл олди, официант Пэт йўл олди. Мижоз пиво сўраяпти. Қиз пивони шошилмасдан қуйди.

Ленехан бесабр баттол Бойланни сабр-тоқат билан кутарди, қулоғи эшикнинг шўх кўнғироғида эди.

У (ким?) роялнинг қопқоғини кўтариб, тобут (тобут?) ичига қараб, уч қатор (роялнинг) бўлиб қия тортилган торларни кўздан кечирди. У (қизнинг қўлини илтифот билан силаган одам) уч клавишини силади, оёғида педални юмшоқ босган кўйи уларга бармоқларини ботирди, юмшоқ фетрнинг олдинга қандай силжиши, болғачаларнинг оҳиста даранглаб тушишини эшитиш учун энгашди.

Мен Хилийнинг қўлида ишлаб юрганымда доно Блум Генри Флауэр Дэлининг дўконидан икки варақ (биттасини кейин ишлатишга) аъло навли калин оқ сарғиш қоғоз иккита хатжилд сотиб олди. Нима оилавий турмушингда сен бахтсизмисан? Менга таскин учун гулчечак қолди, тўғноғич эса узар муҳаб. Нималардир бордир бу гуллар тили. Ўша дасторгул эдими? Демак бокиралик. Ибодатдан сўнг маъсума қиз муштоқ кутади. Раҳмат-э-э сизга-а. Доно Блум эшикда реклама кўрди, сув париси тўлқинларда чайқалиб чекади. Сув парисини чекинг, бу энг енгил сигарет. Тўлқинланиб тўкилмиш соч толалари — бахтсиз севги. Қандайдир эркак туфайли. Раул учун. Унинг кўзи узокда Эссекс кўпригида енгил коляска арава узра йилтираган шляпани илғади. Худди ўзи. Яна. Учинчи марта. Тўғри келяпти.

Коляска арава қурч пиналарда тебраниб, жангир-жунгир қилиб кўприқдан Ормонд соҳил бўйига бурилди. Орқасидан борамиз. Таяккал фақат тезроқ Соат тўртга яқин қолди. Бошла.

— Сиздан икки пенс, сэр, — журъат қилиб эслатди сотувчи қиз.

— Ох, ростдан ҳам... Эсим қурсин... Кечиринг...

— Яна тўрт.

Хотин тўртда, сотувчи киз бўўлимбўлимблумга офатижон кулди. Бўл-блум бўлиб табассум билан тез чик. Кундуз. Сен ўзингни унинг филдирагидаги асосий симқўга деб ўйлайсанми? Бу хотин ҳаммага шундай. Ҳамма эркакларга шундай.

Мудрок сукунат ичра олтин саҳифа узра эгилмиш эди.

Салондан оҳиста сўниб бораётган узоқ янграган оҳанг эшитилди. Бу созловчи уста унутган, у тегиб кетган камертоннинг (нохун) овози эди. Яна товуш. Бу товушни у чиқарди, ҳозир шу товуш титраб тараларди. Эшитяпсизми? Товуш яна ҳам соф ва софрок, яна ҳам майин ва майипроқ икки шохобчаси билан зириллаб титради. Яна товуш узоқ сўнди.

Пэт қурч пўкакли шишага мижоз учун тўлади да — ва ниҳоят мана патнис, қадах, қаттиқ пўкакли шиша узра, сочсиз боши ташвишли оҳиста ойим Дуснинг хиргойисига оғушта тарада залга ўтди. Ичкаридан қўшиқ овози келар ва унга эргашарди:

— Оҳиста сўнар юлдузлар,
оппоқ тонг отар...

Сезгир бармоқлар остидан қанот қоқиб учиб чиққан оҳанглар галаси янграб жўр бўлди. Биллурий қувноқ оҳанглар уйғунликда бир-бирлари билан туташиб, шудринг тушган тонгни, ёшликни, севги фиरोқини куйлаш учун, ҳаёт тонги ва муҳаббат тонгини куйлаш учун овозларни чорларди.

— Ва биллур шудринглар...

Тахта миз олдида турган Ленеханнинг лабларидан секин чорловчи ҳуштак товуши учди.

— Лекин қаранглар-а, — деди у. — О, Кастилия атиргули.

Коляска арава йўл четида шалдираб тўхтади.

Кастилия атиргули ўрнидан туриб, кўлидаги китобини ёлди. Гамбода ва ёлғиз, у ўйга ботиб ўрнидан кўзғалди.

— Хотиннинг ўзи йиқилдими ёки уни итариб юборишдими? — сўради киши.

Қиз тепадан жавоб қилди:

— Ёлғон эшитмайман десанг, гап сўрама.

Худдий хонимлардай, ҳақиқий хонима.

Баттол Бойланнинг чиройли қўнғир бошмоғи майхона полини гичирлатиб босди. Ҳа, олтин яқин, бронза олис. Ленехан эшитди, билди, саломлади:

— Ботир келур буйсундириб.

Коляска арава билан дераза орасида пуסיб, биқиниб Блум ўтиб борарди, буйсунмаган мард. Кўриб қолиши мумкин. Манави ўриндиқда ўтирган: ҳали иссиқ. Қора нарра мушук саломга папкасини кўтарган Ричи Гулдинг томонга ўзини пана қилиб ўтарди.

— Ва биз иккимиз...

— Шу ерда эканингни билган эдим, — деди Баттол Бойлан.

Оқпар ойимқиз Кеннедини саломлаб у бошидаги қийшиқ кўндирилган кийимига қўл тегизиб қўйди.

Ойимқиз унга табассум йўллади.

Бироқ бронза дугонаси ундан-да ўтиброқ тушди табассумда, ойимқиз келишган йигит учун ўзининг булутдай кўпирган сочларини тузатди, кўкраklarини ва атиргулини кўтарди.

Йилтироқ Бойлан ичкилик буюрди.

— Айт, кўнглинг нима тусайди? Тахир пиво дейсанми? Ё ўткирроғидан бўлсинми, менга эса тиканолхўридан ясалган жин бўлса, бас. Телеграмма ҳали келмадими?

Йўқ ҳали. Хотин соат тўртда. Тўрт деб ким айтди?

Полиция бошқармаси эшигида Каулининг қизил қулоғи ва кекирдаги кўзга ташланади. Унинг кўзига кўринма. Гулдинг келиб колгани эса, бу — омад. У Ормондда нима қилиб юрибди? Коляска арава кутяпти. Кутиш керак.

Салом. Йўл бўлсин? Овкатгами? Мен ҳам шунга боряпман. Мана бу ерга. Нима, Ормондгами? Дублиндаги энг яхши жой. Ростданми? Ресторанга. У ер — тинч. Кўзингга қара, сени кўришмасин. Майли, мен ҳам сиз билан бора қолай. Олға. Ричи биринчи бўлиб кирди. Блум папка кетидан эрганди. Шаҳзодага лойиқ зиёфат.

Ойим Дус графинни олиш учун чўзилди, ипак қўллар жони борица кўтарилди, кўксидаги кўйлаги тирсиллаб ситилиб кетай дейди, курсин жуда баланд.

— О! О! — вақилларди Ленехан қизнинг уринишларини кўриб.

— О!

Бироқ қизойим ниҳоят идишни қўлга киритди ва уни мамнуният ила пастга қўйди.

— Ҳалиям буйингиз етмайдими, ойимқиз? — сўради Баттол Бойлан. Бронзасочли ойимқиз унга графиндан куюқ ширали ичимликни қуяркан, унинг чўзилиб оқиб тушаётганига

қараб (ёқасига гул тақиб олибди, қизиқ, ким берган экан-а?) овозини ширин қилиб нозланди:

— Кичкина деманг бизни... Ўзини айтяпти. Шарбатни томизмай яхшилаб қуйди.

— Соғ бўлинг, — деди Буян.

У миз тахта устига йирик танга ташлади. Танга жаранглади.

— Шошманг-шошманг, — деди Ленехан, — Мен ҳам...

— Соғ бўлинг, — деди у кўпирган пиво идишни кўтариб.

— Тож албатта ютади, гаров ўйнайман, — деди у ишонч билан.

— Мен ҳам андак таваккал қилдим, — деди Бойлан ва кўзини кисиб қўйиб, қадахни кўтарди. — Рост, ўзим учун эмас. Бир дўстим хоҳлаб қолди.

Ленехан пивони тортаркан, дам пивога, дам ойимқиз Дуснинг денгиз қушиғини оҳиста хиргойи қилган ярим очик дудоқларига қараб илжаярди. Қиз олдинроқ бу қўшиқни жарангдор овоз билан куйлаган эди: Адолорес. Машриқ уммонлари.

Соат шовқин солди. Ойимқиз Кеннеди идишлар қўйилган патнисни кўтариб унинг (лекин гулни унга ким берган ўзи) ёнидан ўтди. Ҳаққуш хуҳулади.

Ойимқиз Дус тангани олди-да, кассанинг дастагини тез айлантди. Касса жаранглади. Ҳаққуш яна хуҳулади. Миср гўзали хумор буралиб, яшчикдаги тангаларни жаранглатиб, куй-куйлаб қайтимни санади. Шафақ ёйилган уфққа умид билан қаради. Вақт бўлди. Мен учун.

— Соат нечага занг урди? — сўради баттол Бойлан. — Тўртми? Соат тўртми.

Ленехан кичкина кўзлари билан куйлаётган қизга, куйлаётган кўкракка еб қўйгудек бўлиб тикиларкан, Бойланнинг енгидан тортди.

— Келинг соатнинг занг уришини эшитайлик, — деб таклиф қилди у. Гулдинг, Коллис ҳамда Уорднинг папкаси Блумнинг бўлинган кўнглини қаққайган столлар орасидан эргаштириб борарди. Боши тақир Пэтнинг мунтазир нигоҳи остида ҳаяжони тобора ортиб эшикка яқин столни танлади. Яқинроқ бўл. Соат тўртда. Нима, унинг эсидан чиқдими? Ё айёрлик қиялпими? Бормаса, иштаҳа яна ҳам очилади. Мен бундай қилолмасдим. Лекин кут, кут. Пэт мунтазир кутарди.

Учқунлаган бронзанинг зумрадлари Попушакбойланнинг тиниқ кўк кўзлари ва бўйинбоғига назар солди.

— Қани, бўлинг, — қўймасди Ленехан. — Ҳозир ҳеч ким йўқ. У эса ҳеч эшитмаган.

— ...Қуёш келди тиккага.

Баланд ва мусаффо товуш юксаларди.

Бронза қиз Дус андак қизаринқираган атиргул билан сирлашиб, Буяннинг кўзига, унинг гулчечагига синовчан боқди.

— Сўраймиз, сўраймиз.

У қиздан қайта-қайта сўрарди.

— Ташлаб кетмайман сени.....

— Ҳозир эмас, кейинроқ, — ваъда қилди моҳпора Дус.

— Йўқ-йўқ, ҳозир! — қўймай сўрарди Ленехан. — *Sonnez La cloche!*¹ Илтимос! Ҳеч ким йўқ-ку.

Қиз аланг-жаланг қаради. Кўзлари ялт юлт қилди. Ойим-қиз Кен эшитмайди. Шахт билан эгилди. Йигитларнинг юзлари лов-лов ёнар, кўзларини қиздан узолмас эдилар. Қуйнинг оҳанглари тентираб адашди, яна ўз йўлига тушди, яна адашди, яна қоқилиб, ўз йўлини топди. Адашиб-улоққан оҳанг.

— Ҳа, бўлинг! Тезроқ! *Sonnez!*

Қиз энгашиб, калта қўйлаги этагини тиззасидан юқори кўтарди. Тўхтади. Энкайиб, кутиб, муғамбирона боқиб, уларни яна бироз кийнади.

— *Sonnez!*

Гуп! Қиз кутилмаганда таранг боғични тортиб бирдан қўйиб юборди, боғич қизнинг ҳароратли сонига шапатлагандай урилди, шапатлашга чорлагандай бўлди.

— *La cloche!* — шўх қичқирди Ленехан. — Ўзи ўрганган! Қипиқ эмас бу сизга.

Қиз кибр билан кулиб илжайди (йиғлагим келади! Бу эркаклар ўзи...), аммо юзи ёришиб, Бойланга эркаланиб кулди.

— Жуда уятсиз бўлиб кетибсизлар, — деди қиз сирғалиб.

Бойлан қиздан кўзини узолмасди. У қадахини дўрдоқ лабларига олиб борди. Кўкимтир, қуюқ қатраларни ичига тортди. У бар залидан кўзгулар томонга сирғалиб ўтган қизнинг чиройли бошчасига сеҳрлангандай қараб тўймас, кўзгуларнинг тилларанг равоқида қора пиво, рейн, бургон майлари тўлдирилган қадахлар, мугузли садаф живирлаб акс таратарди. Қизнинг бронзаси кўзгуларда акс этиб, ундан ҳам нурафшонроқ бошқа бронза билан қўшилиб кетди.

¹ Қўнғироқни жириңглатиңг (*франц.*).

Ҳа, бронза шундай яқин, ёндош.

— ... *Азиз ошно, хайр энди...*

— Бўлди, кетдим, — деди сабрсизлик билан Бойлан.

Олдидаги қадахни нари сурди, қайтим пулини олди.

— Озгина тўхтаб тур, — безовта бўлиб қолди Ленехан, шоша-пиша қадахни охиригача ичиб. — Сенга айтадиган гапим бор. Том Рочфорд...

— Э, бор, кўп бошни қотирма, — энсаси қотиб силтади Буян. Ленехан шошиб қолган-қутганини ҳам ичди.

— Ит қувиб келяптими сени, нима бало? — Ҳайрон бўлди у. — Шошма, боряпман.

У ғарчиллаган бошмоқлар ортидан йўрта кетди, лекин осто-нага етганда, ориқ ва семиз икки одамга дуч келиб, товсиллади, саломлашди.

— Сизга ҳурматларим, мистер Доллард!

— Нима-нима? Ҳурмат! Ҳурмат! — йўгон овози билан парижон жавоб берди Бен Доллард бир зум ота Каулининг ташвишларидан холи бўлиб. — У сизни ҳеч нарса қилолмайди, Боб. Олф Берген найнов билан гаплашиб қўяди. Бу сафар Иуда Искариотга дум бойлаб учириб юборамиз.

Мистер Дедал салондан қовоғини силаб ўтди.

— Ҳо-хо, эй-эй, — тиролча оҳангни замзама қилди Бен Доллард. — Саймон, бизга қўшиқ айтиб берсангиз бўлармиди. Роял овозини эшитдик.

Мунтазир официант, тақир бош Пэт ичкилик буюришларини кутарди. Хўп, Ричига — виски. Блумга-чи? ўйлаб қўриш керак. Ортикча овора қилиб не ҳожат. Ҳойнаҳой, оёғининг қадоғи безовта қилса ажабмас. Тўртта. Қора кийимлар исиб кетди. Албатта, асаблар ҳам чатоқ. Қора кийим иссиққа иссиқ қўшади (ҳар қалай шунақароқ).

Каллалашиб қўрайлик. Сидр. Бир шиша сидр ёмон бўлмайди.

— Қўйсангиз-чи, — эътироз билдирди мистер Дедал. — Мен шунчаки бармоқларимни машқ қилдим.

— Майли-майли, чалаверинг, — қўймасди Бен Доллард. — Ташвишларни йиғиштиринг. Юринг, Боб.

Бен Доллард улкан шалворини ҳилпиратганча (агар ҳушинг келса, менинг мановимдан ушлаб тур, қани, ҳа) уларнинг олдига тушиб салонга ўтди.

У Доллард, ўзини курсига ташлади. Бўғимдор қўллари клавишларни босди. Босди-ю тек қотди.

Тақир бош Пэт эшикда олтинсочни учратди. Мунтазир официант виски ва сидр истарди. Бронзасочли дераза олдида ўтирар, бронза нарироқда эди.

Кояска арава шарақлаб ўрнидан кўзгалди.

Блум шарақлаганини эшитди, элас-элас кетяпти. Гунг кўклаган чечакларга унинг ожиз титрок хўрсиниши етиб борди. Шақирлади. Кетди. Шақирлаб. Қулоқ сол.

— Худди эски замонларда бўлгандай, — деди мистер Дедал. — Ишқ ва урушдан оламиз, Бен.

Журъатли ойимкиз Дус барча нигоҳлардан холи қолиб, ўз нигоҳини кўзни қамаштирувчи шуълалардан четга олди. Ўйчан (ким билсин?), фаромуш ҳолда (қамаштиргувчи шуълалар), у тизимчадан тортиб дарпардани туширди. Ўз бронзаси ва барни хаёллар соясига чулғади (нега анов йигит тезгина кетиб қолди, ахир мен?), барда эса боши тақир билан олтин соч ёнма ён туришар, бир-бирларига сира қовушмас, инжа нафислик бузилган, сокин салқин ноаён кўкимтир мавжланган теран соя, eau de Nil.

— Ўша кечада шўрлик Гудвин жўр бўлган эди, — деб эслади ота Каули ҳам. — Фақат у роял билан унча тил топишмаган эди.

Унчамас.

— Ҳамма ёқни бошга кўтариб баҳс қилишган эди, — қўшиб қўйди мистер Дедал. — У пайтда унга бас келадиган топилмасди. Андак отиб олса, чоли тушмагур жуда ҳаволаниб кетарди.

12-ВОҶЕА

Шундай қилиб, мен Арбор-хилл муюлишида ДШПда¹ ишлайдиган отахон Трой билан офтобда исиниб утирсам, аллақаёқдан ярамас мўркон тозаловчи пайдо бўлиб, супургисини ўйнатиб сал бўлмаса кўзимни чиқариб қўяёзди. Боплаб сўкмоқчи бўлиб, бошимни бурган эдим, кўзим Стони-баттер кўчасидан саланглаб келаётган кимсан Жо Ҳайнсга тушса денг.

— Ў-ху, Жо, ўзингмисан, — дейман — Тирикмисан ишқилиб, хумпар? Манави эшшак мўркончини кара, қўйиб берса, кўзимни чиқараёзди.

У нима дейди денг:

— Қора қурум бахт келтиради. Жа шакаргуфторлик қилиб утирганинг бу эзма-чурук чол ким бўлди?

— Трой амакинг, — дейман унга, — илгари полицияда ишлаган. Мен манави шоти кўтарган рўдапони супурги-сидиргиси билан бирга ҳаммага халақит бераётгани учун ёқасидан тутсамми деб турибман.

У нима дейди денг:

— Ўзинг бу томонларда нима қилиб юрибсан? Қайси шамол учирди?

— Э, қўявер, — дейман, — арзимаган бир иш. Шу ёқда бир шайтон урган товламачи туради, анов Чикен-лейнда, гарнизон черковининг орқасида, мана, Трой амакинг унинг қилмиш кидирмишлардан гапириб ўтирган эди. Ўша қаллоб менинг Даун томонда катта бой фермам бор, анча чой ва шакар йиғиб қўйганман, уларни пакана-пачақ Моше Ҳерцог дегандан ҳафтасига уч шиллингдан тўлаб тураман деб кўтарага олганман дермиш, Моше деганинг анов ёқда Хейтсбери кўчаси яқинида турармиш.

— Чул-чул қилинганми? — сўрайди Жо.

¹ Дублин шаҳар полицияси.

— Балли, — дейман. — Жиндай учидан чиноқ қилинган. Хиротий деган бир уста мисгар. Икки ҳафтадан буён орқасидан югураман, қани энди думини тутқазса, қисталоқ.

— Сен ҳали шунақа ҳунар чиқарганмисан? — дейди гапнинг тагига етиб Жо.

— Балли, — дейман. — Зўрлар қулагандан бери! Ашаддий ва шубҳали қарздорлардан қарзларни ундириб бераман. Лекин манависи десанг — ғирт ғасбчи, бунақа қароқчини кундуз чирок ёқиб тополмайсан. Башарасини ҳам шундай чўтир босганки, ёмғир ёғса челаклаб сув йиғилади. Унга айтиб қўйинг, дейди, эҳтиёт бўлиб юрсин, сизни бу ёққа жўнатишдан минбаъд ўзини тийсин, дейди, мабодо яна сизни юборса, мен уни рухсатсиз савдо сотик килаётгани учун судга бераман, унғ қулоғи-чап қулоғи билан яхшилаб эшитиб қўйсин, дейди. Ўзи бўлса, унинг ҳисобидан пунчалар қорин қўйганки, тарс ёрилиб кетмаганига хайронман. Жухудбой тушмагур сочини битталаб юлаётганини кўриб, кула-кула ўлай дебман. «У бўлса маним шо-йимни ишати. Тағин маним қантимни шимати. Шу тағин пийа маним манатимни бермайти?» эмиш.

Дублин шаҳрида, Сент-Кевин-пэрейд кўчаси, 13-уй, Вудкуэй маҳалласида муқим истиқомат қилувчи, бундан кейин «сотувчи» деб аталувчи сотувчи Ҳерцог Моисейдан сотиб олинган тез айнимайдиған товарни Дублин шаҳрида, Арбор ҳилл кўчаси 29-уйда яшовчи, эсквайр, бундан кейин «харидор» — деб номланувчи Э. Майкл Хиротийга сотилган ва етказиб берилган, яъни сотилиш вазни беш кадоқ миқдорида ҳар фунт вазнининг қиммати уч шиллинг ноль пенс бўлмиш олий навли чой ҳамда сотилиш вазни қирк икки фунт миқдоридаги сотилиш вазнининг ҳар бир фунти уч пенс бўлмиш майда шакарга мазкур харидор мазкур сотувчига бир фунт стерлинг беш шиллинг ва олти пенсдан иборат мазкур товарнинг баҳосини тўлаши шарт, ушбу пул мазкур харидор томонидан мазкур сотувчига ҳар ҳафтада маълум миқдорда, яъни ҳар етти кунда бир маротаба уч шиллинг ноль пенс миқдорида тўланиши шарт. Мазкур тез айнимайдиған товар гаров сифатида фойдаланилиши ёки гаровга қўйилиши мумкин эмас, аини чоқда мазкур харидор томонидан чайқовга солиниши, бировга оширилиши ҳам ман этилади, яъни мазкур сотувчининг ҳар томонлама ҳамда мутлақ эғалигида туради ва сақланади, токи мазкур харидор мазкур сотувчига мазкур пулни юқорида қайд этилган тартибда тўла тўлаб бўлмагунча шул қоида амал қилаверади, ушбу қоида ушбу санада

мазкур сотувчи, унинг меросхўрлари, ворислари, ишончли киши-лари, мирзалари билан бир томондан ҳамда мазкур харидор, унинг меросхўрлари, ворислари, ишончли кишилари билан иккинчи томондан, келишиб олинди ва қабул қилинди.

— Сен қалай, ичкиликни бутунлай ташлаб юборганмисан? — сўрайди Жо.

— Икки қадахнинг ўртасида бир томчи ҳам ичмайман, — дейман унга.

— Унда ташналабларнинг дўсти олдига бормаймизми? — дейди яна Жо.

— Қандай бўларкин? — дейман. — Балки у йўқсил Жоннинг олдида тентаклар билан эсини еб ётгандир, шўрлик...

— Ўзининг захар дамламасиданми? — дейди Жо.

— Ана-ана, топдинг, — дейман. — содали виски миясига урган.

— Унда Барни Кирианга борамиз, — дейди Жо. — Мен анов Фуқарони кўришим керак.

— Бўпти, Барни жонон йигит, — дейман. — Нима қизик гаплар бўляпти дунёда?

— Ҳеч вақонинг тайини йўқ, — дейди Жо. — Мен мана «Шаҳар тамғаси» клубидаги йиғилишдан келяпман.

— Нима гаплар бўлди? — дейман.

— Чорвадорлар оқсим касалидан ташвишга тушишган, — дейди Жо. — Анов Фуқарога шу аччиқ ҳақиқатни айтмоқчиман.

Шундай у ёқ-бу ёқдан вақир-вуқур қилишиб, биз Линенхолл казармаларини айланиб ўтиб, орқа томондан суд биноси ёнидан кетиб боряпмиз. Жо тушмагур жуда аломат йигит, кармонида кумуш тангалар жиринглаб турса, унга тенг келадигани йўқ, лекин калламини гаровга қўйиб қасам ичаманки, унинг чўнтагида танга жиринглаганини ҳеч ким эшитган эмас. Жин чалган лўтти-воз Ҳиротийнинг таъзирини бериб қўймоқчи эдим, бўлмади. Куппа кундузи одамларни шилади. Рухсатномасиз савдо-сотик билан шуғулланиб юрганини қаранг.

Гўзал Инисфайл¹ диёрида бир макон бор. Ул шоён ўлка авлиё Миченнинг ерларидир. Унда кўриқчилар кўрғони узоқлардан кўриниб туради. У ерларда улканлар ухлар, ўлигида

¹ XIX аср Ирландия шеърлятида псевдоромантик услубга тақлид. Романтик шоир Мэнгеннинг «Олдфрид йўли» шеърлигидаги юксак кўтаринки оҳанг насрий йўл билан баён этилади.

тирикдай шон-шуҳратга кумилган жангчилар, князлар. Унда эркин жилғалар кўшиқ куйлайди, чарх уриб айланар балиқлар, ўйноқлайди маслиқ ва пикша, лиманда ва палтус, оддий зоғора ва қалқонли, оқ чавақлару сайди ва тинда, ҳар турли жайдари ойнакўзлар сузади, сакрайди, яна суя салтанатининг ранго ранг махлуқлари чир-чир айланар, ҳеч кимса уларнинг сон-саногига етмас. Мағрибу машриқдан тинмай эсан насим шабадалар учи осмонга туташган улкан дарахтларнинг олий нав қуюқ япроқларини аллалайди, Лубнон кедрларию қарағайлари, мушк-анбар таратган хушбўй заранг ва анжир буталари, юксак чинорлару шифобахш эвкалифтлар — бу ернинг гўзал беазаги бўлмиш ранго-ранг оғочлар тебранар, солланар шаббода кўйнида. У ерда жонона қизлар жонон дарахтларнинг хузурбахш соясида ўлтириб, жон олғувчи куйларни куйлашар, ҳар турли малоҳатли ўйинчоқларни ўйнашар, ёмби олтинлару нукра балиқчалар, идишлар лиқ тўла киличбалиқлар, тўр тўла илон балиқлар, трескаю лосос чавақларига лим-лим саватлар, ум монларнинг қирмизи ҳадяларию шўх учган қўнғиз кумурскалар. Эблдан то Сливмарггача, дунёни турли чеккаларидан донгдор валломатлар ул паривашларнинг назарига тушмоқ учун от ўйнатиб еларлар, улар орасида бор бўйсунмас Мунстер ва Такводор Коннахтнинг тенгсиз шаҳзодалари, Лейнстернинг ипак водийлари, Краухан юрти, улуғвор Арма, шуқуҳли Бойлдан келаётган олийнасаб шаҳзодалар, шонли йигитлар.

У ерда ҳашаматли яркироқ улкан сарой қад кўтарган, унинг шаффоф биллур куббасида минглаб чироқлар порлайди, шу ерларга етиб келиш учун атай ясалган кемаларда дунё океанларини кезган денгизчилар ушбу чироқларга умтилади, бу ерлар томон барча подалар ва сурувлар гусурлаб оқиб келади, бу ерларнинг ҳосил самаротлари шу томонга интилади, алҳол, йўлбошчи ва ота-боболари йўлбошчи О'Коннел Фицсаймон улардан божхирож ундиради. Улуғвор араваларда далаларнинг ҳосилларини элтадилар, қоп-қоп карамлар, гулкарамлару брүссел карамлари, колраби карамлари, ғарам-ғарам исмалоқлар, идишларда тайёрланган ананаслар, рангун ловиялари, тоғ-тоғ помидорлар, анжир шодалари, тўда-тўда қовоқлар, қовоқсимонлар, сават-сават қўзиқоринлар ва қўзиқоринсимонлар, шолғомлару бодринглар, арпа, сули, дум думалоқ картошкалар, боғ-боғ қизғиш товланган пиёзлар ер юзининг тожлари ва қизил кўк сариқ

тўқ сарик нимпушти устини майин ғубор қоплаган ширин қими-
зак пишган йирик зарнигор олмалар, саватчалар ва ғалвирлар-
га тўлдирилган тук босган шарбат тўла маймунжонлару қора-
ғатлар, шоҳлару шаҳзодаларга пешкаш қилса арзигулик шун-
доққина шоҳдан узиб келтирилган анвойи мева-чевалар.

*Унга айтиб қўйинг, дейди, эҳтиёт бўлиб юрсин, дейди, мин-
баъд эҳтиёт бўлсин, дейди.* Хей, сен Ҳиротиймисан, қани, бу
ёққа чиқ, сен йўлтўсар қароқчининг устига мен бир ўйнаб қўяй!

Яна ўша томонларга оқиб-улоқиб боради наслдор қўйларнинг
сон-саноксиз подалари, бўйнига қўнғирок осилган улкан қўчқор-
лар, қўзичоқлар, ғунажинлар, юнги янги олинган совлиқлар, бўз
ғозлар, айқирган сўлим буқалар, сур ташлаган байталлар, тўкол
(бузоқчалар) меринослар, бўрдоқи қўйлар, Каффанинг соғин си-
гирлари, чала чорполар, бўғоз хинзирлар, ғўштга боқилган чўчка-
лар ва тўнғиз уруғининг яна бошқа кўпдан-кўп хоназот наслдош-
лари, Энгуснинг наслдор ғунажинлари ва зотдор буқалар, семир-
тирилган ўжак бузоқлар ва рекорд қўйган соғин сигирлар; Ласка
ва Раша ва Каррикмайнснинг поёнсиз ўтлоқларидан, Томонд-
нинг серсув яйловларидан, Макгилликадди-Рикснинг қадам ет-
мас тизмаларидан, улуғвор ва теран Шаннон дарёси соҳиллари-
дан, Кир уруғи юртининг хушхаво ёнбағирларидан ер топтаб,
оғир тўзон кўтариб келаётган чўчка, қўй, чорва тўдаларининг гул-
дуриси, шовқин-сурони, тўполони, маъраши, бараши, ўкириши,
бўкириши, хўриллаши, чинқириси ҳеч қачон босилмагай, соғин
сигирларнинг сут тўла елинлари тирсиллайди ва яна худди шу
ерларда ёғ-мойларга тўла саркублар уюлиб ётади, каллаланган
пишлоқлар, сўйилган қўйларнинг нимталари, қанор-қанор дол-
дунлар, юз-юз минглаб турли рангдаги, турли катталикдаги,
чўзинчоқ ва думалоқ тўхум-юмуртқалар¹.

Шундай қилиб, Барни Кирнанинг дўконига кириб бора-
миз, бу ерда Фуқаро одатдагидай ўзи билан ўзи овоз чиқариб
сўйлашади, исқирт ити Гарриоун² ҳам шу ерда, ҳар икковлари
емак-ичмакдан бирор нима тегиб қолишини пойлашади.

— Қаранг, ўз инида ўтирибди, — дейман, — қўлидан қўймай-
ди идишин, олдидаги бир уюм қоғоз, тер тўкади улуғ иш учун.

¹ Бу ерда ирланд сагалари, тарихий дostonларининг баён усуллари,
улар поэтикасига тақлидий тасвир онгли суратда яратилган, замонавий
ўта жўн ҳаёт тарзига киноя кўзда тутилган. (Тарж.)

² Гарриоун — қопагон, жажлдор ит маъносида. (Тарж.)

Бизни кўриб ярамас ит жони борича ириллади, жағлари калтиради. Қани энди бир азамат уни бўғиб ўлдириб қўя қолса. саво-бига қоларди. Бир куни у патент олишга оғоҳлантириш учун келган полисменнинг шимини далва-далва қилиб йиртиб ташлабди.

— Тухта, ким келяпти? — дейди у.

— Тинчлан, Фуқаро, — дейди Жо унга. — Биз ўзимиз.

— Жой-жойингга ўтир, — дейди у бунга жавобан.

Кейин кўзларини кафти билан ишқалаб, сўрайди:

— Ҳозирги вазият ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

У тоғ-тошларда пистирма қўйган ватанпарвар жангари Рори¹ киёфасига киради. Лекин ўлай агар бунда Жо ҳам бўш келмайди, боплаб жавоб беради.

— Менимча, акциялар кўтариляпти, — дейди у олдини қашиб.

Шунда, ўлай агар, Фуқаро тиззасига гурсиллатиб урди-да, бор овози билан қичқирди:

— Хориждаги урушлар², ҳаммасига сабаб шу!

Жо эса бошмалдоғини чўнтагига тикиб дейди:

— Ҳаммасини ўрислар қиляпти, дунёга дасиса, дағдаға солиш-моқчи.

— Менга қара, — дейман мен, — ҳадеб маҳмаданагарчилик қилаверма, Жо. Менинг томоғим қақраб кетди.

Жо эса:

— Нима ичамиз, айт, Фуқаро, — дейди.

— Ватанимизнинг майини ичамиз, — деб жавоб беради у.

— Сен-чи? — сўрайди Жо мендан.

— Мен олдинги нотиқнинг сўзига қўшиламан.

— Демак, уч қадахни тўлдириб қуй, Терри, — дейди Жо. — Соғлиқларинг ўзи қалай, Фуқаро?

— Энг аъло, жонажоним, — дейди у. — Хўш, қалай, Гарри? Биз ютамизми? Ў-ўн!

У шундай деб яғир итининг бўйнидан чунонам сиқдики, сал бўлмаса шўрликнинг жони чиқиб кетай деди.

Думалок кўрғон остида буюк харсангтош устида ўлтирган зот кенг яғринли кўкраклари гунчакдай ҳар бир аъзосидан куч-

¹ Ирландияда XIX асрнинг 80-йилларида ер ислохоти учун курашган жангариларнинг умумлашган номи.

² 1904—1905 йилдаги рус ялон урушига ишора. Бу уруш Россиянинг ҳукмронликка интилиши деб қаралган.

кудрат ёғилган ўткир кўзли олов сочли қуюқ сепкилли пахмоқ соқолли оғзи ўрадай бурни бўридай калласи гуваладай овози ингичка тиззалари яланғоч панжалари пулатдай оёқларини жун босган башараси қизарган қўлларининг мушаклари сапчадай-сапчадай ўйнаб чиққан қахрамоннинг нақ ўзи эди. Унинг елкалари қийшайиб бир неча қўлоч чўзилган, худди бошқа аъзолари каби кўзга ташланиб турган тоғ қоялари сингари тиззалари қуюқ кўнғир ғўдир қатқалоқ билан қопланган, унинг туси ва қаттиқлиги ёввойи тиканга ўхшарди (*Ulex Europaeus*). Унинг карракдек бурун тешиқларидан кўнғир туклар осилиб турар, улар шунчалар катта эдики, бу қоронғи гўшада дала тўрғайи бемалол ин курса бўлаверарди.

Унинг йиғи ва табассум мангу ўрин талашган кўзлари энг катта карам бошидан ҳам каттароқ келарди. Унинг тубсиз кўкракларидан қудратли қайноқ нафас мухтазам отилиб турар, унинг улкан юрагининг азамат зўрабор зарблари бир маромда гулдираб, яшин қалдироқлари каби заминни ларзага солар, юксалиб кўкка бўй чўзган қўрғонни зир-зир титратар, ундан ҳам юқори-роқ бўй чўзган ғор деворларини қақшатарди.

Унинг эғнида янгигина шилиб олинган буқа терисидан энгсиз либос худди совут каби тиззасигача тушиб турар, белини қамиш ва қиёқдан чирмалган белбоғ ўраганди. Бу либос остида буғу терисидан мушак толалари билан дағал қилиб тикилган чолвор кўринарди.

Унинг болдирлари қирмизи сув ўти билан безалган болбригеннинг баланд жўроби билан ўралганди, оёқларига эса ошланган мол терисидан тикилган бошмоқ кийдирилган, бошмоқ мол ўпкасидан ишланган тизимча билан боғланганди. Унинг даҳшат солувчи гавдасининг ҳар қимирлашида белбоғига осилган денгиз чиғаноқлари қўрқинчли шалдирарди. Уларда дағал бўлса-да ажиб маҳорат билан қадим Ирландия, Кухулин, 103 жанг ўтган Коинн, тўққиз асир олган Найл, Кинкорли Брайен, Буюк Малахия, Арт Макморр, Шейн О'Нил, Жон Мерфи ота, Оуэн Роу, Патрик Сарсфилд, Сарик Хю О'Доннел, Сарик Жим Макдермот, Соггарт Оуэн О'Трони, Майкл Двайер, Френси Хиггинс, Генри Жой Маккракен, Голиаф, Хорацио Уитли, Томас Коннеф, Пег Уоффингтон, Қишлоқ Темирчиси, Тунги Капитан, Капитан Бойкот, Данте Алигери, Христовор Колумб, авлиё Ферс, авлиё Брендан, маршал Макмагон, Буюк Карл, Теобалд Вулф Тон, Макка-

вейлар онаси, Охирги Могикан, Роза Кастилия, Чин Холуэйс, Монте-Карлода Катта Пул Ютган Киши, Дарвоза Соқчиси, Журъат Этмаган Хотин, Бенжамин Франклин, Наполеон Бонапарт, Жон Л. Салливен, Клеопатра, Savougneen Deelish¹, Юлий Цезар, Парацелс, сэр Томас Липтон, Вилгелм Телл, Микеланжело Хейс, Муҳаммад пайғамбар, Ламмермур Келини, Дарвеш Пётр, Қаллоб Пётр, Қорача Розалин, Патрик В. Шекспир, Брайен Конфуций, Морт Гутенберг, Патрисιο Веласкес, Капитан Немо, Тристан ва Изолда, биринчи Уэлс Шаҳзодаси, Томас Кук ва ўгли, Шоввоз Аскар Йигит, Arrah na Rogue², Дик Терпин, Людвиг Бетховен, Colleen Bawn³, Маймоқ Хили, Худо Кули Энгус, Доллимаунт, Сидни Катта Кўчаси, Хоут Кўрфази, Валентин Грейтрейкс, Одам ва Момо Ҳаво, Артур Уэлсли, Дука Крокер, Херодот, Бола Пақир, Гаутама Будда, Леди Годи ва Лилия Килларни, Бейлор Ёмон Кўз, Сабо Маликаси, Экки Нэгл, Жо Нэгл, Алесандро Волта, Жереми О'Донован Росс, Дон Филип О'Салливен Бир сингари қабилалар раҳнамолари, қадим қаҳрамон Эрлар ва аёлларнинг қиёфалари чизилганди. Унинг ёнгинасида тарашланган тошдан ишланган учи ўткир найза ётарди, оёғининг тагида эса ит уруғидан бўлмиш қаҳрли ваҳший ҳайвон узала тушган, махлуқ хавотирли уйқуга чўмган, хириллаб нафас оларди — бўғзидан хирқираган товушлар отилар, вужуди ваҳшиёна калтирарди, хўжаси қўлидаги палеолит тошидан ясалган қудратли чўқмори билан унинг бу хуружларини вақт-бевақт тинчлантириб турарди.

Шундай қилиб, Терри уч қадахни тўлдириб келди, Жо эса ҳамон тикка серрайиб турар, шунда мен, биродарлар, унинг чўнтақдан бир гиней чиқарганини кўриб, ўлай агар, ўлай дедим. Ишонмасангиз, қасам ичаман. Ростакам тилла танга.

— Бу чиққан жойда бунақалар яна кўп, — дейди у.

— Черков газнасини ўмармадингми, мабодо? — дейман.

— Ҳалол меҳнат самараси, — жавоб беради у. — Ақлли бир нусха илтифот килди.

— Сен келмасдан бурун мен уни кўрган эдим, — дейман. — У Пилл-лейн билан Грик-стрит орасида санқиб юрувди, думалоқ кўзи билан думалоқ нарсаларга қарагани-қараган эди.

¹ Вафодор севгили (ирл.)

² Бўсаларга Мубтало (ирл.).

⁴ Чиройли Сочли Қиз (ирл.).

Қора қалқонни ёпиб ким эди у Мичен ерларини кезган? О'Блум, Рори ўғли — бу ўша. Қўрқув нелигин билмас ўшал Рори ўғли, юраги оқилдир унинг.

— Принс стритдаги кампир учун¹, — дейди Фуқаро. — Ўша пули тўлаб турилган кичкина газета учун. Палатада келишувга риоя қилишади. Анови бемаъни рўдапога каранг, — дейди у. — Йўқ, сиз бир каранг, — дейди яна у. — Сизга ёқади-ку, «Айриш индепендент» мустақил ирланд газетаси, ишчиларга хизмат қилсин деб, унга Парнелл асос солган эди. Ана энди Ирландиянинг ирландлар учун чиқариладиган газетасига бир каранг, ҳаммаси рўйхат, ўлганлар ва туғилганлар рўйхати, яна тўйлар, каерда қандай тўй бўляпти, рўйхат.

У баланд овоз билан ўқийди:

— Гордон, Барнфилд-Креснт, Эксетер; Редмейн, Иффли, Сент-Энн-он-Си: Виям Т. Редмейннинг рафиқаси ўғил туғди. Бунга нима дейсиз, а? Райт ва Флинт, Винсент ва Жиллет Роза ҳамда мархум Жорж Алфред Жиллетнинг кизи Рота Мэрион билан, Клафам Роуд, 179, Стокуэлл, Плейвуд ва Рисдейл, Сент-Жуд, Кенсингтон, никоҳ Вустер Жоме черкови хатиби доктор Форрест хазратлари томонидан ўқилди. Э-ҳа? Таъзиялар Бристоу, Уайтхолл-лайн, Лондон; Кэrr, Стоук Ньюингтон, қорин оғриғи ва юрак боди; сўзак, Мот-хаус, Чепстоу...

— Бу йигитни биламан, — дейди Жо, — аччиқ тажриба.

— Сўзак. Димси, Дэвид Димси рафиқаси, Флот бошқармасида хизмат қилган; Миллар, Тоттнем, саксон беш ёшда; Уэлш, 12 июн, Кэннинг-стрит, 35, Ливерпул, Изабелла Хелен. Қанчалар ярашади булар ҳаммаси миллий газеталарга, башарасини ел есин? Шундан кейин анов бентрилик сиёсатдон ярамас Мартин Мэрфи энди ким бўлди, нима дейишимиз керак?

— Ҳай, майли, — дейди Жо қадахларни биз томонга суриб. — Биздан кўра илгарилаб кетганлари учун хурсанд бўлайлик. Сен, яхшиси, манавини ур, Фуқаро.

— Жоним билан, — дея жавоб берди ул муҳтарам эр.

— Қани, олдик, Жо, — дейман. — Маросимни очиқ деб эълон қиламан.

¹ Ирланд миллатпарварларининг «Фримэнс жорнэл» деган нашрини кинояли номи.

Ўх! Бормисан-ей! Сўз йўк! Менга фақат шу икки қултум етмай турганди. Хўп, расмап маълум қиламан, бу жонон ичимга кириб, етадиган жойига етиб, гулк этиб тушди яна.

Аммо қаранглар-а! Улар хуррам бодани тотар-тотмас хузур ларига худди айнулсамо каби порлоқ соҳибжамол бир йигитча илоҳий бир элчи мисол учиб кирди, унинг ортидан Муқаддас Қонун ўрамларини кўтарган кадди-басти тик мағрур бир қария ва унинг рафиқаси, насли-насаби тоза, ўз қавмининг яқдонаси бўлмиш аёл келишарди.

Йигитча Олф Берген эшикдан шамол янглиғ отилиб кириб, худди ёрилиб кетадигандай кула-кула ўзини Барнининг орқа хонасига урди. Мен бўлсам, ким экан дебман, аввал пайқамаган эканман, бурчак томонда ҳеч нарсани билмай бир бадмаст хуррак отиб ухлар, афтидан Боб Доренга ўхшарди. Нима антиқа воқеа рўй берганини сира уқолмайман, Олф эса эшикда туриб нукул қандайдир имо-ишоралар қилгани қилган. Шунда эшикда кимнинг қораси кўринди денг, биродарлар, худди тентаги чиққан Дэнис Бриннинг ўзи, оёғида ҳаммомнинг чориғи, қўлтиғида эса, онасини эмсин, иккита катта жилд қистирган, орқасидан эса бадбахт ночор хотини худди кумурсқадай судралиб эргашган. Бу Олфни кўрмайсизми, ичаги узилиб-узилиб кулади.

— Э, томоша қилинглар буни, — дейди у. — Бу ўзимизнинг Брин. Кимдир унга очиқ хат жўнатибди, унда фақат куку! деб ёзилган эмиш. Энди бутун Дублинда кирмаган жойи қолмади, даъво кў... кўта... а...

У хахо-хахо қилиб бўғилиб кулади.

— Анимани? — дейман.

— Даъво қияпти, — дейди у тушунтириб. — Бор-йўғи ўн минг фунт талаб қияпти!

— Иштаҳаси карнай-ку! — дейман.

Ўўски ит бегона кишининг шарпасини туйиб, одамнинг юрагини чиқариб яна каттиқ ириллади, аммо Фуқаро унинг биқинига боплаб бир тепди.

— *Bi i dho husht!*, — деди Олф.

— Хўп, ким экан у? — сўрайди Жо.

— Брин, — дейди Олф. — У Жон Генри Ментонга борди, кейин Коллис ва Уорлд билан учрашди, кейин Том Рочфорд

¹ Ўчир овозингни! (Ирл.)

билан кўришди, Том уни кулги учун полиция бошлиғига жўнатди. Вой кула-кула ичагим узилди. К. к.: ку-ку. Янаям апов найнов кувиб чиқармай қабул қилди, қамаб қўйса нима бўларди, раҳмат десин. Энди бу миясини еган Грин-стритга кетяпти, айғоқчи ёлламоқчи.

— Қачон Узун Жон бу азаматни Маунтжойга¹ осаркин? — сўрайди Жо.

— Берген, — мўнғирлайди Боб Дорен уйғонаркан. — Кимсан ўзинг, Олф Бергенмисан?

— Ҳа, менман, — дейди Олф. — Осади дейсизми? Шошманг, сизга бир нарсани кўрсатаман. Ҳой, Терри, менга ҳам битта қуй. Йўк, вой бу тентак, вой жинни! Ўн минг фунт эмиш. Узун Жон унга қандай қилиб қараганини кўрсангиз эди. Ку-ку...

Яна хахо-хахолаб кулади.

— Сен кимнинг устидан куляпсан? — хириллаб дейди Боб Дорен. — Кимсан ўзинг, Бергенмисан?

— Терри, олиб кела қол тезроқ, — сўрайди Олф.

Теренций О'Райен унинг илтимосига биноан ўша заҳоти усти кўпикланиб турган қора эл пивосини биллур идишда лиммо-лим ола келди, қора элни қадим-қадим замонлардан бери ўзларининг ғаройиб дошқозонларида Пивоайви ва Пивоарди-лон деган икки олижаноб эгизак пиширишар, улар ўлмас Леданинг ўғиллари каби жуда ақлли ва муғомбир эдилар. Зеро улар кулмоқнинг шарбат тўла меваларини териб, тозалаб, ёйиб, жувалаб, сўнг дошқозонда қайнатиб, уларга ўтқир шарбатлар қўшиб, аралаштириб, шу аталани муқаддас ўтга қўярлар, тунларча, кунларча улар узра тер тўкарлар ақлли, муғомбир эгизаклар, улкан дошқозонларнинг соҳиблари.

Сен эса, о валломат Теренций, ўз туғма назокатинг билан унга амбар каби гулобни биллур қадаҳда тутдинг ўша ташна-лаб, валломат қалб мангу ўлмаслар каби мангу гўзал йигитга.

Аммо О'Бергенларнинг навқирон шоҳи олиймақом ишларда бошқаларнинг ўзидан ўзиб кетишини истамас, шу боис саховат қўлини кенг ёзиб, бебаҳо йирик бронза тангасини тортиқ қилди. Мисгарнинг моҳир қўллари шул бебаҳо танга юзига Брунсвиклар хонадонидан чиққан, исми Виктория бўлган Олийшон аъло ҳазратлари, Худойимнинг ҳукми-иродаси би-

¹ Дублиндаги қамоқхона.

лан Буюк Британия Бирлашган Кириллиги ҳамда Ирландия, денгиз орти ўлкалар қироличаси, дин ва дунё химоячиси, Хиндистон маликаси, сон-саноқсиз тобе халқларнинг ҳукмдори ва уларнинг маҳбуби, зеро уни қуёш чиқадирган ва ботадирган кавну маконларда оқтанлилар ва қоратанлилар, қизил танлилар ва ҳабашлар тан олган, севиб қолган эдилар.

— Анави итвачча фармазон, — дея тўнғиллайди Фуқаро, — нима қилиб ташқарида изғиб юрибди?

— Ким ким, нима? — сўрайди Жо.

— Мана, — дейди чўнтагидан танга чиқариб Олф. — Сиз демак осий ҳақида гапиряпсизми? Унда мен сизга ҳозир бир нарсани кўрсатаманки, бунақасини ҳеч қачон кўрмагансиз. Одамларни дорга осадиганнинг хати. Мана, қаранг.

У шундай деб чўнтагидан бир талай кирланган хатлар ва қоғоз жилдларни чиқарди.

— Бизни лақиллатяпсанми? — дейман.

— Чин сўзим, — дейди у. — Олинг, ўзингиз ўқинг.

— Қани, — Жо хатларни қўлига олди.

— Сен кимдан куляпсан, — деб ўдағайлайди Боб Дорен.

Кўнглим бир ишқал чиқишини сезади. Боб хурмачасига сиққанча ичиб, кейин жанжал чиқаради. Шунинг учун у чалғисин деб, иложи борича хотиржам туриб дейман:

— Анов Вилли Мерри деганнинг ишлари қандай, Олф?

— Билмадим, — дейди у мента. — Мен уни ҳозиргина Кейл стритда Падди Дигнам билан учратдим. Аммо шошиб кетаётган эдим...

— Нима нима? — Жо бошини хатдан кўтариб қаради. — Ким билан учратдим дединг?

— Дигнам билан, — қайтарди Олф.

— Анов Падди деганими? — сўрайди Жо.

— Ҳа ўша-да, — дейди Олф. — Хўш, нима бўлибди?

— Ахир сен билмайсанми, у ўлган-ку, — дейди Жо.

— Падди Дигнам ўлганми? — дейди Олф.

— Баайни шундай, — дейди Жо.

— Э, икки-уч дақиқа бурун мен уни ўз кўзим билан кўрдим, — дейди Олф. — Қасам ичаманки, мана сизни кўриб тургандай уни ҳам кўрдим.

— Ким ўлибди? — сўрайди Боб Дорен.

— Сен унинг арвоҳини кўрибсан-да, — дейди Жо. — Худо-йим ўзи сақласин.

— Қандай-қандай? — ғўлдирайди Олф. — Худоё Худовандо, ахир мен уни hozиргина... Қандай бу?... Унинг олдида яна Вилли Мерри бор эди, улар билан анов, ҳаҳ, отинг курғур, бирга турган эди... Нима бўляпти ўзи? Дигнам ўлдимми?

— Нима бўпти Дигнамга? — яна Боб Дореннинг овози дўриллади. — Ким бу ерда уни ғийбат қил...

— Ўлди! — дейди Олф. — Э, у сендан кўра тирикроқ.

— Қайдам, — дейди Жо. — Лекин бугун эрталаб бурчимизни бажариб, жойига қўйиб келдик.

— Қандай, ахир, Падди? — дейди Олф.

— Шундай-да, — жавоб беради Жо. — Худонинг иродасини бажо келтирди, ўзи раҳмат қилсин.

— Оҳ, Исо парвардигорим! — дейди Олф.

Худо ҳақи, йигитча лолу ҳайрон бўлиб, ағрайиб қолган эди.

Коронғилиқда руҳнинг¹ қўли титраётгани сезиларди, тантра маросими бўйича ибодат маълум бир соҳага қараб йўналтирилгач, ёқутранг тусдаги ёруғлик аввалига заифроқ тарзда, сўнг борган сари оҳиста-оҳиста кучайди. Ҳаво қатламларида одамнинг эши айниқса калла ва башарадан таралаётган кўзга кўринмас зарраларнинг таъсирида ҳаётсимон бир шакл касб этарди. Алоқа гипофиз беши воситасида рўй бермоқда эди, кўкрак чуқурчаси ва сирли ерлардан чиқаётган ним қизил ва арғувоний рангларга чулганган шуълалар алоқани яна кучайтирмоқда эди. Унинг ҳаёт чоғидаги номини айтиб чақирдилар, руҳоний оламлардаги кечмишини сўрадилар, у hozирда пралайа, яъни қайтиш йўлидан ўтаётганини айтди, аммо йўлнинг аввалида қуйи юлдузлар муҳитида қандайдир қонхўр хилқатлар ҳукмига тобе эканлигини билдирди. Кавну маконларнинг буюк босқичларидан ўтаётган чоғда нималарни ҳис қилаётганини сўралганда, у олдин худди хира ойна ортидан кўраётгандай бўлганлигини айтди, аммо бир босқич поғонасидан ўтгач, атма² тараққийсининг энг олий имкониятлари намоён бўлади. Ундан каввиот ҳаёти бизнинг ердаги турмуш кечиришимизга ўхшайдими, деб сўрадилар, у руҳоний оламнинг юқорироқ поғоналаридаги хилқатлардан эшитишимча, уларнинг маконлари энг замонавий уйларнинг

¹ Спирит сеанслар тақлиди.

² *Тангра, пралайа, атма* — қадимги ҳинд диний фалсафасига оид атамалар.

қулайликларига, чунончи, талафонтра, лифтра, сортиртра ва атапалентраларга эгалигини айтганлар, энг олий поғоналарга муяссар бўлганлар эса туганмас энг мусаффо лаззатларга чўмар эканлар. Шарпа бир кўза қайнатилган сут сўради, буни дархол бажо келтирдилар ва ўртага анча енгиллик кўчди. Кейин ундан, ер юзида тирик юрганларга қандай истакларингиз бор, деб сўрашди, шунда у ҳамон ёлғон томонда яшаётган, Майя эхтиросларига кўмилганларни ҳақиқат йўлига киришга чақирди, зотан, девон доирларида маълум бўлишича, Миррих ҳамда Муштарий бир-бирларига зиддиятли мақомда туриб, Ҳамал ҳукмронлик қилаётган Машриқ хонасига хавф солаётган эмиш. Ундан мажиди раҳматга сазовор бўлмишларнинг тилакларини сўралганда, жавоб шундай бўлди: *Бизнинг ерда қолган биродарларимиз, сизга саломлар йўллаймиз, сизки ҳамон хоки туроб қобигида сиз. Фақат К.К. деган зот қуюшқондан чиқиб кетмагай, эхтиёт бўлгайсизлар.* Маълум бўлишича, кўрсатилган бош ҳарфлар Г. Ж. О'Нилга тегишли кўмиш идорасининг бошқарувчиси, маййитнинг дўсти Корнелиус Келлехерга мансуб бўлиб, у кўмиш маросимини бошдан-оёқ ўзи бош бўлиб ўтказган эди. Шарпанинг кетадиган вақти бўлгач, у суюкли фарзанди Пэтсига бир илтимосини етказиб қўйишни ўтинди, ўгли қидириб юрган бошмоқнинг иккинчи пойи бурчакдаги хонада комод тагида ётибди, оёқнинг ҳар иккала пойини уста Колленга олиб борсин, тагчармлар ҳали бус-бутун бўлгани учун фақат пошнасини тутатсин. Шарпа ўзга оламда худди шу нарса унинг руҳини оғир қийноққа солганини айтиб, ўтинчимни албатта адо этгайсиз, деб илтижо қилди. Уни барча зарурий ишлар адо этилгай, деб ишонтирилгач, бундан мамнун ва рози бўлингани сезилди.

У бебақо дунёни ташлаб кетди, О'Дигнам, тонгги куёшимиз. Сенинг енгил қадамларинг энди ўрмон гиёҳларини босмас, о, манглайи порлаган Патрик. О, Банба, унга шамолларинг ила кўз ёшларингни тўк, бўронларингни чорла, о, Океан.

— Ана у яна ўралашяпти, — дейди Фуқаро ойнага қараб.

— Ким? — дейман.

— Анов Блум-да, — жавоб қилади у. — Худди боғлаб қўйган соқчидай ўн дақиқадан буён нари боради-бери келади.

Шунда мен, худо ҳақи, унинг нусхаси бирдан кўриниб, яна бир зумда ғойиб бўлганини пайқадим.

Йигитча Олфнинг эса бошига биров тўқмоқ билан ургандай, ҳамон ҳеч ўзига келолмасди.

— Вой, Меҳрибон Худойим-ей! — дейди. — Қасам ичишга тайёрман, худди унинг ўзи эди.

Шунда яна Боб Дорен, шапкаси орқасига тушиб, ўдағайлади; унга бир тегса, тамом, ҳаммаёқнинг тўс-туполонини чиқаради, зўравон-да.

— Қани, ким бу ерда «Вой, Меҳрибон Худойим-ей!» деди?

— Пердон, афандим, — дейди Олф.

— Сенингча, бу меҳрибонлик экан-да, — деб ғудинглайди Боб, — шўрлик Вилли Дигнамни орамиздан юлиб кетгани меҳрибонлик бўладими?

— Биласизми, нима, — деб тилёғламаликка ўтади Олф вазиятни юмшатишга уриниб, — унинг энди ҳеч қандай ташвиши йўқ.

Шунда Боб яна вағирлаб берди:

— Сассиқ пасткаш; бечора Вилли Дигнамни биздан тортиб олганлар шунақа дейдилар.

Терри ичкаридан чиқиб, унга кўзини қисиб, ўпкангни бос, оғайни, бизнинг дўконда бундай гап-сўзларга ўрин йўқ, дегандай бўлди. Шунда Боб Дорен, ўлай агар, чин сўзим, Падди Дигнамни эслаб, ростакам кўз ёш тўкиб, дийдиё қилди.

— Қандай яхши одам эди, — дейди инграб, пиқиллаб Боб, — шундай пок, шундай ҳалол инсон.

Кўзларда ёшинг шашқатор. Ҳамон тинмай итдай гингшийсан. Ундан кўра ўз қанжигнинг олдига борсанг бўлмасми. Сени ўша жинни Муни, чекка ёқлардаги аллақандай бир приставнинг қизига уйлантириб қўйишмаганми. Онасининг Хардвик-стритда анавнақа меҳмонхонаси бор эди, менга Бентам Лайонс ҳикоя қилиб берган, Муни пиллапояларда қанқиб юраркан, баъзан кечалар соат иккида кип-яланғоч чиқиб, ўзини кўрсатаркан, қани, ким бор, кел, ҳаммангнинг керагича ҳожатинг чиқади.

— Энг ҳалол, энг олижаноб инсон, — ҳамон ҳиқиллайди Боб. — Энди орамизда у йўқ, шўрлик Вилли, бечора Падди Дигнам бизни ташлаб кетди.

У самоларнинг сўнган машъаласига оғир ва аччиқ алам, туганмас қайғу ичида шундай мотам тутарди.

Шунда қариган қўсқи ит Гарриоун яна эшик остонасида ўралашаётган Блумга ириллади.

— Э дадил киравермайсизми, еб қўймайди, — дейди Фуқаро.

Блум итга олазарак қараб, ичкарига кираркан, Терридан бу ерга Мартин Каннингем келмадими, деб сўради.

— Ох, Худойим Мак-Кеун! — дейди Жо ҳамон хатлардан бошини кўтармай. — Манавни эшитинглар-а, ўқиб берайми? У ўқишга тушади.

Ливерпуль
Хантер-стрит, 7
Дублин полициясининг бошлиғига,
Дублин

Исбат-ҳурматли Сэр эслатилган нозик иш бўйича хизматингизни бажо қилишга тайёрман. 12 февраль 1900 йилда Бутл қамоқхонасида мен Жо Ганни осганман кейин яна...

— Кўрсат, қани, кўрсат-чи, Жо, — дейман.

— ... *Пентонвилл қамоғида Жесси Тилзитни ўлтириб қўйган Артур Чейсни ҳам осдим.*

— Ё алҳазар, — дейман.

..бундан ташқари вашиий қотил Тод Смитни Биллингтон осганда ҳам унинг ёрдамчиси бўлганман...

Шу ерга келганда Фуқаро унинг қўлидан хатни тортиб олмакчи бўлди.

— Сабр қил, — деди Жо унга ва ўқишда давом этди: — *Яна сиртмоққа солишнинг пошқа усилени ўйлап топқанман, минг қиғанда чиқип кетмайди шуларни айтип сизнинг марҳаматингизга мунтазирдурман яна айтип қўяйинким, менинг нархим беш гиней.*

Х. Рамболд,
Сартарош.

— Кўрсанг магар шундай сартарош, аямай ур бошига тош, — дейди Фуқаро.

— Ифлос ярамас махлуқ, — тупурди Жо. — Ма, — дейди, — Олф, ол, кўзимдан нари йўкот. Саломлар, — дейди, — Блум, нима ичасиз?

Улар бири олиб-бири қўйиб илтифотга зўр беришди, Блум, мен ичмайман, дейди, менга мумкин эмас, дейди, сиз кўнглингизга келтирманг ва ҳоказо, ҳоказолар дейди, ниҳоят, ҳеч иложи қолмагандан кейин, майли, унда мен битта сигара ола қоламан, дейди. — Худо ҳақи, жуда ақлли бамаъни бола-да шу, қойил қолмай илож йўқ.

— Бизга энг яхши тамаки тутатқидан бер-чи, Терри, — дейди Жо.

Олф эса бу орада ҳалиги сартарошга ўхшаганлардан бири таъзия билдириб хат жўнатгани, хатининг ҳошиясини қора тасма билан ўраганини ҳикоя қилиб берди.

— Мана шу сартарошларнинг бари, — дейди, — қоралар мамлакатларидан чиқади, улар йўл харажатларига қўшиб, беш фунт учун отасини ҳам осишга тайёр.

Иккитаси пастда туриб, деб ҳикоясини давом эттиради у, сиртмоқ яхши тортилсин деб, маҳбуснинг оёғига осиладилар, кейин арқонни майда-майда кесиб, ташқарида сотишади, аллақанча шиллинг пул ишлашади.

Тигнинг қасоскор валломатлари қоронғи ўлкаларда яшашар. Ўлим арқонларин тайёр тутишар, кимки бировнинг қонини ёвузларча тўккан эса, қўймай улар жонини жаҳаннамга отишар, зеро, бундайларга ҳеч тоқатим йўқ, деб айтади Худо.

Шунда улар ўлим жазоси ҳақида баҳслаша бошладилар ва Блум нимага-ю қандайлар устида гап сўкиб кетди ва оғзини бу ишнинг аҳмоқона ҳуқуқий-инсоний томонлари билан тўлдирди ит эса ҳеч тўхтамай уни ҳар томондан искайди менга бу жухудлардан қандайдир бошқача бир ис анқийди деб айтишганди, буни итлар жуда сезишаркан. Кейин у қўрқитиш воситалари ва чоралари тўғрисида нималарнидир узоқ чайналади ва ҳоказо ҳозал қиёс.

— Мен бир нарсани биламан, унга ҳеч қандай қўрқитиш таъсир қилмайди, — дейди Олф.

— Қанақасига? — сўрайди Жо.

— Шўрлик осилганнинг олати, — жавоб беради Олф.

— Ростингми? — дейди Жо.

— Худо урсин, — дейди Олф. — Мен ўзим бош нозирдан эшитганман. У енгилмас Жо Брэдини Килмаинхемда осишганда, ўз кўзи билан кўрган экан. Шўрликни сиртмоқдан чиқариб олишганда унинг олати шағамдай тик туриб, уларнинг бурунларига тегиб кетай дебди.

— Ҳирс ҳокимдир ўлимда ҳам, деган экан машойихлар, — дейди Жо.

— Илм-фан буларнинг барини тушунтириб берган, — дейди Блум. — Бу табиий феномен, биласизми, бунинг сабаби шуки...

У феноменлару илму фанлар, яна анов феномендан келиб чиқадиган манов феномен ҳақида шунчалар пешдаҳан қилдики, ҳар бир сўзи камида дандон синдиради.

Машхур олим герр профессор Луитполд Блюмендуфт шундай бир тиббий асослар келтирдик, уларга кўра бўйин умуртқаларининг кутилмаганда синиши ва шу билан боғлиқ ҳолда орқа мия томирларининг ёрилиши тиббиёт фанининг ишончли ва аниқланган қоидаларига кўра олат тизими нерв марказларини кучли ганглион қувватлантиришга муқаррар тарзда олиб боради, натижада соғрога *savegnosa*¹ қайишқоқ уялари шиддат билан кенгаяди, бу ўз навбатида пенис ёхуд жисмоний олат деб аталувчи эрлик аъзосига қон оқимининг қўйилишини кучайтирадики, буни тиббиётда патологик филопрогенитив тик-кия эрекция *in articulo mortis per diminutionem capitis*² деб аталади.

Турган гапки, Фукарога шундай бир баҳона керак бўлиб турган эди, у шу заҳоти енгилмаслару эски гвардия, олтмиш еттинчи йил қаҳрамонлари туғрисида гап сука кетди, тўқсон саккизинчи йилни ҳам абадул-абад эсимиздан чиқармаймиз, Жо ҳам унга қўшилиб маъқуллаб туради, кимни осишган, кимни қийнаб ўлдиришган, кимни ҳарбий-дала судида ҳукмини ўқишган бўлса, ҳаммасини эслашди, янги Ирландияни яратамиз, янгиликлар қиламиз ва ҳоказо-ҳоказолар дейишди. Агар сен янги Ирландия бўлишини истасанг, энг аввало ўзингга янги бир ит топиб ол, кейин гапир, мен, мисол учун, шундай деб ҳисоблайман. Овозинг ўчгур қўтир ҳамма ёқни ҳидлаб чиқади, сулагини оқизади, тўхтовсиз кичинади, кашинади, мундоқ қарасам, Олфга ичкилик олиб бераётган Боб Дореннинг оёғига суйкалади. Турган гапки, Боб ит билан майнавозчилик қилади:

— Қани, қўлингни бер! Қўлингни бер, кучуквой! Чиройли, яхши кучук! Бўл, бўла қол, қўлни чўз!

Аггаһ³, у итнинг панжаларини силаб-сийпаламоқчи бўлиб, курсида ўтирган қўйи нақ лаънати итнинг устига ағдарилиб тушай деди, Олф уни базур ушлаб қолди, ўзи эса тинмай бемаънидан бемаъни қилиб алжирайди, наслдор, ноёб ит, ақлли ит, уни эркалаб, силаб-сийпаб ўргатиш керакмиш, вой ўргилдим, кўнглинг айнайди бу гаплардан. Кейин Терридан олдин ака-ука Жекобларнинг ширин кулчаси солинган эски тунука қутичани сўраб олди да, унинг ичида қолган-қутганларини итга

¹ Порали таначалар (*лот*).

² Калла кесилганда, ўлим онда (*лот*).

³ Майли (*ирл.*).

кокиб беришга тушди. Ит эса уларни хап этиб паққос туширди-да, тилини узун осилтириб, яна сўрай бошлади. Тунука-пунукаси билан ютиб юборай дейди шаллақи.

Фукаро эса Блум билан ака-ука Ширслар, шу яқин атрофда Арбор-ҳиллда яшаган Вулф Тон, Роберт Эммет ва ватанга фидо бўлиш, Томми Мурнинг Сэра Каррэнга бағишланган «У ўша ердан узоқда» деган йиғлоқи шеъри ҳақида узундан-узук баҳслаша кетдилар. Блумни кўрсангиз, қойилмақом сигараси, ёғ томчиллаган семиз башараси билан шунақанги чиранадик, асти қўяверасиз, ўзини худди аслзодалардай кўрсатмоқчи бўлади. Феномен! Унинг хўппа семиз хотини бир хум ёғ — бу ҳам ажойиб феномен, елкасида хўп бошлаб шар думалатсанг бўлади. Менга Секун Берк деган гапириб берганди, улар «Шаҳар тамғаси»да туришганда ёнларида жиннисанғирок жияни билан бир кампир яшаркан, Блум ўзини нуқул касалга солиб кампирни ийдиришга, у билан авраш ўйинини ўйнаб, кейин ўзига бир нималарни васият қилиб қолдиришларини кўзларкан, кампир ўта тақводор бўлгани учун унга ёкамандеб, жума кунлари гўшт емас анов жиннисанғини сайр қилдириб ўйнатиб келаркан. Кунлардан бир кун жиннивойни худди ақлли қўйчивондай Дублиннинг барча ковоқхоналарига олиб борибди, тоза пишқирадиган қилиб итдай ичирибди, уйга ғирт жишшасини чиқариб олиб келибди-да, унга оғунинг зиёни ҳақида сабоқ бердим дебди.

Худо ҳақи, учта хотин — ҳалиги кампир, ўзининг хотини ва меҳмонхона бекаси Миссис О'Дауд бир бўлиб уни еб қўйишларига оз қолибди, нақ циркнинг ўзи дейсиз. Анов Берк деган уни ўхшатиб сўйлаб берганда кула-кула ўлай дебман, хотинлар бири олиб-бири қўйиб юмма талашса, Блум нуқул нима дермиш денг, *ҳа энди қарачайсизми, ҳа энди бир чеккаси*. Яна энг қизиғи нима денг, анави жиннисанғи улгуржи вино сотувчи Коун-стритлик Пауэрнинг қўлида ишлаб худонинг берган куни уйга оёқда туrolмайдиган ғирт маст бўлиб қайтар, ишида ҳамма винолардан бирма бир тотинмагунча қўймас экан. Феномен!

— Ҳалок бўлганлар хотираси учун, — дейди Фукаро ва ўзининг қадахини кўтариб Блумга тикка қарайди.

— Тўғри, — деб қўшилади Жо.

— Лекин сиз менинг фикримни илғамадингиз, — дейди Блум унга. — Мен айтмоқчи эдимки...

— Sinn Fein! — унинг гапине бўлади Фуқаро. — Sinn Fein
ambain!¹ Жонажон дўстлар биз билан ёнма-ён, қаттол душман
турар юзма-юз².

Сўнгги видолашув беҳад ҳаяжонли бўлди.

Барча узоқ-яқин жомхоналардан мотам бонг садолари эшитиларди, мотам белгиланган жой теварак-атрофларидан юзларча дўмбираларнинг бўғиқ тарақлаши машъум башорат каби таралар, уларга тўпларнинг гулдираган садолари жўр бўларди. Момақалдироқнинг қулоқни батанг қилувчи гумбурлашлари ва яшиннинг кўзни қамаштирадиган чакнашлари мудҳиш сахна юзини ёритиб, шусиз ҳам киши юрагига титроқ солган томошани янада ваҳималироқ қилиб кўрсатиш учун само тўпхонаси ўзининг фавқулодда қудратини намоён этишга қарор бергандай эди. Дарғазаб кўк ўз дарвозаларини очган каби йиғилган оломоннинг бошига челақлаб ёмғир қуяр, баъзи одми хомчўтларга қараганда, издиҳомда беш юз мингдан кам бўлмаган одам жам эди. Дублин шаҳар полиция қўшилмаси шахсан бош комиссар раҳбарлигида бош-кети кўринмас ушбу издиҳомни тартибга солиб турар, Йорк-стритнинг катта оркестри эса асбоб-анжомларини мотам тасмалари билан безаб жамоатни зериктирмаслик учун бизга беланчакдан буён кадрдон бўлиб қолган Сперанцанинг йиғлоқи музаси тортиқ қилган мислсиз оҳангларни улуғвор бир тарзда ижро этарди. Тезюрар саёҳат поездлари ва юмшоқ ўринли йўловчи кареталар бизнинг вилоятлардаги биродарларимиз хизматида бўлиб, улар томошагоҳга тўда-тўда етиб келардилар. Дублин шинавандаларининг суюкли Сайёр кўшиқчилари Л-н-х-н ва М-лл-г-н ўзларининг «Ларри осиладиган тун арафасида» деган кўшиқларини ҳамон ўшандай жўшқин ва қувноқ ижро этиб, ҳамманинг юрагига ҳаяжон солди. Бизнинг икки бетакрор кулги усталаримиз кулги муҳибларидан ақл бовар қилмас пул тўплардилар, улар ўзларининг шоҳ кўшиқларининг сўзи ва музикасини алоҳида варақага ёзиб тарқатдилар, жиндак бўлсин ҳамоқат аралашмаган ирланд ҳажвининг қалблари меҳр-муҳаббатга тўла шинавандалари пешона тери тўкиб беш танга топиш учун жон куйдирган санъаткорларига ҳеч қачон таъна-дашном қилмаслар. Ташландиқлар етимхонасининг эркак ва хотин жин-

¹ Биз ўзимиз!.. Фақат биз ўзимиз! (Ирл.)

² Томас Мурнинг «О, шундай қул бормикан» шеъридан.

сидан бўлган болакайлари воқеа майдонига қараган деразаларга мўр-малахдай ёпишиб куннинг асосий томониасига кутилмаган ушбу қўшимчалардан бошлари осмонга етиб қувонишар, биз худди мана шу ўринда ота-онадан маҳрум шўрликкина болакайлارга ҳақиқий маънодаги ибратли ажойиб томоша кўрсатиш ғояси билан қалблари ёнган роҳиба тарбиячиларнинг шаънига чин миннатдорчилик сўзларини айтишимиз керак. Орасида кўп порлок кибор хонимлар бўлмиш вице-киролнинг меҳмонлари олий ҳазратларининг етакчилигида катта трибунадаги қулай жойларга ўтиб ўрнашдилар, айти чокда Зумрад Орол Дўстлари сифатида маълум-машҳур ранго-ранг либослардаги хорижий делегация қарама-қарши томондаги трибунага жойлашди. Делегация таркиби тўла йиғилган бўлиб, унинг ичида командор Бачибачи Бенинобене (гуруҳнинг дуайени гавдасининг ярми фалажланган ҳолда бўлиб, ўз жойига буғ билан ишлайдиган кучли кўтарма кран ёрдамида ўринлатилганди), мейе Пиер-Пол Птиқорин, улук ҳазилбон Владимир Сморгальников, эски ҳазилбон Леополд Рудолф фон Шванценбад-Ходенталер, графиня Мара Вирага Кишасони Путрапешти, Хайрем А. Бомбуст, граф Атанатос Карамелпулос, Али Бобо Бакшиш Роҳат Луқум Афанди, сенйор идалго кабалеро дон Пекадило-и Палабрас-и-Патерностер де ла Малора де ла Маларча, Хокопоко Харакири, Чан Чик чик, Олаф Кобберкеделсен, мингерр Трик ван Трумпс, пан Польски-Педеревски, гусьподин Прклстр Кратчинабритчисич, Барбос Гопников, герр Бардакдиректорпрезидент Ханс Хуэхли-Стоитли, ординарприватдоцентдавлатгимназияларимузейларисанаторийларисуспензорийлариумумийтарихэкстраординарпрофессор-доктори Кригфрид Юбералгемайнлар ҳозир эдилар. Делегатларнинг истисносиз ҳаммалари ўзлари баногоҳ гувоҳ бўлишларига тўғри келган кўз кўриб қулоқ эшитмаган ваҳшийликни ранг-баранг тиллар ҳамда ранг-баранг ифодаларда қораладилар. Шундан сўнг ЗОД аъзолари ўртасида Ирландия авлиёси ва раҳнамосининг муборак таваллуд кунини саккизинчими ё тўққизинчи мартми деган савол устида қизғин баҳс кетди. Баҳсда барча фаол катнашди. Баҳс асносида замбарак ўқлари, эгри ётағон қиличлар, бумеранглар, аркебузлар, тутунли ғовлар, ойболталар, шамсиялар, палахмонлар, кастетлар, тўқмоқлар, чўян ғўлалар дидил қўлланди; зарбалар самимий ва дўлдай ёғилди. Бутерстаундан махсус чопар орқали қақирилган Бола-пақир деган миршаб

Макфадден бир зум ичида тартиб-интизомни тиклаб, ажойиб бир топкирлик билан ҳар икки тарафни тенг-баробар қониктирувчи таклиф киритди, авлиё раҳнамонинг таваллуд куни ўн еттинчи март бўла қолсин деди. Бўйи икки метрли ёмби Болапақирнинг таклифи барчага маъқул тушди ва бир овоздан қабул қилинди. Барча ЗОД аъзолари мишаб Макфадденга чин самимий ташаккурлар билдиришди, уларнинг қўплари жароҳатлар олишганди. Коммандор Бенинобене раислик курсиси тагидан тортиб чиқарилди. Унинг юрисконсулти Аввокато Пагамининг маълум қилишича, Бенинобене уттиз иккита чўнтагидан чиққан турли-туман нарсалар тўс-тўполон пайтида ёшроқ ҳамкасбларнинг ёнларидан тортиб олинган бўлиб, ёшларни шу йўл билан ақл-идрокка чақириш мақсадини кўзланган экан. Мазкур нарсалар бари (шу жумладан, бир неча юзлаб эркак ва аёлларнинг олтин ҳамда кумуш соатлари) дарҳол эга-эгаларига қайтарилиб, ўртада муросою мадора тантана қилишига олиб келди.

Одми иш кийими кийган, ёқасига ўзига сеvimли *Cladiolus Cguentus*¹ таққан Рамболд жазо саҳнига сипо ва расо кўтарилди. У тепага чиқиб, соф Рамболдчасига ёқимтой йўталиб қўйди, унинг қисқа, ясама, такрорланмас, фақат унинг ўзига хос бу йўталига кўп одамлар тақлид (албатта, унчалар ўхшатомай) қилишга уринишарди. Бутун дунёга машҳур жаллоднинг келиши йиғилган улкан издиҳом томонидан гулдурос олқишлар, кий-чувлар билан кутиб олинди, вице-қирол ўрамидаги хонимлар ҳаяжон ичида рўмолчаларини силкитишар, улардан ҳам кўпроқ хурушга минган хорижий қўноқлар ёлибона кийкиришар, овозлар талотумида *хоҳ, банзай, эйлен, живио, чинчин, полла крониа, гит-гит, вив, Тангри* деган ҳар турли нидо сўзлар эшитилар, улар орасида қўшиқлар диёридан ташириф буюрган делегатнинг *эвива* деган жарангдор ҳайкиригини осон ажратиб олиш мумкин эди (унинг юксак ва узоқ фа оҳанги бир замонлар бичилган Каталани бизнинг қадим момо-момоларимизни ўзига мафтун этган ўша ғаройиб ўткир ноталарни эслатарди). Соат роппа-роса ўн еттида мегафонлардан дуо ўқишга чақирилди ва шу заҳоти ҳамма бошлар яланғоч бўлди. Риенци кўзғолони замонларидан бери коммандор хонадонига тегишли бўлмиш кўҳна сомбреро элчининг шахсий навбатчи врач

¹ Қирмизи гладиолус (лот.)

доктор Пипли томонидан унинг бошидан эҳтиёткорлик билан ечиб олинди. Қатл остонасида абгор қахрамонга бизнинг муқаддас динимизнинг сўнги тасаллиларини етказиш учун етиб келган олиму уламо прелат қора ридоси этагини оқарган бошига тортиб ҳақиқий насроний сабр-тоқат билан ёмғир кўлмагига тиззасини қўйганча раҳмат салтанати саждагоҳига ўтли ёлворишлар йўллади. Кунда ёнида қатл этгувчининг мудҳиш жуссаси қакқайган, унинг бошига икки кўз учун икки тешик қолдирилган қатта кўва кийдирилган, ўйикдан икки кўзи қаҳрли йилтираб боқарди. У охири ҳукми кутиб ўзининг кўрқинчли қуролининг қанчалар ўткирлигини синаб кўрар, тигни дам мушаклари бўртиб чиққан елкасига ишқалар, дам унинг қаттол, аммо заруратли ҳунарининг ишқибозлари томонидан сўйиш учун келтирилган қўй-қўзичоқларнинг қаллаларини шартта-шартта узиб ташларди. Унинг олдидаги қизил оғочдан ясалган нафис стол устида нимталаш учун пичоқ, ичак-чавоқларни чиқариб олиш учун махсус ускуналар (Жон Раунд ва ўғилларининг машҳур Шеффилд фирмаси томонидан махсус буюртма бўйича энг моҳир усталар томонидан олий навли пўлатдан тайёрланган) ўн икки бармоқли ичак, йўғон ичак, ингичка ичак, кўр ичак ва ҳоказолар бирма-бир чиқариб жойланадиган сополдан ясалган хумча, яна бебаҳо қурбонлиқнинг бебаҳо қони солинадиган икки кўзача турарди. Мушуклар ва итларнинг бирлашган етимхонасининг ҳўжалик бошлиғи бу кўзачалар қон билан тўлғач, уларни ушбу эҳсон уйига етказиш ҳақида кўрсатма олганди. Қайнатилган тухум ва гўшт, пиёз билан қовурилган мазали бифштекс, иссиқ курсилдоқ нон ҳамда тетиклик бағишловчи қайноқ чойдан иборат таомлар фожианинг бош қахрамонига маросимни ташкил этувчилар томонидан пешкаш этилди.

Мақтул ўлимга ҳозирланаркан, аъло кайфиятда эканлигини кўрсатиб, рўй бераётган ҳодисанинг барча тафсилотларига қизиқиш билан қарарди; бироқ шу онларнинг улуғворлигини англаган ҳолда бизнинг кунларимизда кам топиладиган фидокорлик туйғуларини намоён этиб, у ўзининг сўнги хоҳишироқасини намоён қилароқ (унинг хоҳиши дарҳол бажо келтирилди) менга аталган таомлар ҳурмат эътиборимнинг рамзи ўлароқ Беморлар ҳамда Йўқсил Уй ижарачилари Жамияти аъзолари ўртасида тенг тақсимлаб берилсин, деган ихтиёр билдирди. Унинг аҳд паймон қилган қайлиғи томошабинларнинг

зич каторларини ёриб ўтиб, қозлари оловдай ловуллаб унинг мардона кўксига, офатижон кўзлар учун бир зумдан сўнг ўлим шарбатини ичадиган марди майдон кўксига ўзини отганда, оломон сўнг даражада тўлқинланароқ неc plus ultra, non plus ultra¹ аҳволига етди. Қаҳрамон унинг ишгичка белини муҳаббат билан кучароқ, эркалаб шивирлади: *Шейла², менинг севгилим.*

Қаҳрамони унинг номини тилга олганини эшитгач, қайлиқ йигитнинг зиндонбоп кийим кечагига ҳам қарамасдан қайси жойи тўғри келса, шу жойини эҳтиросли бўсаларга кўмиб ташлади, уларнинг аччиқ кўз ёшлари жилғага айланиб бир оқимга бирлашди, қиз йигит хотирасини мангу кўксига сақлашга онт ичди, ўзининг ўлим дақиқаларини худди Клонтерк паркидаги хоккей ўйинига кетаётгандай лабида оташин қўшиқ билан қаршилаган ботир йигитни ҳеч қачон унутмасликка қасамёд қилди. Қиз қаҳрамон йигитга Анна Лиффи бўйларида шўх ва маъсум ўйинлар ўйнаб бирга ўтган болалик дамларини эслатди. Рўй бераётган воқеанинг бутун даҳшатини унутароқ, ҳар икковлари хандон ташлаб тинмай кулишаркан, барча йиғилганлар ҳазрат пастор ҳам қўшилган ҳолда улар билан бирга чексиз шод-хуррамликка берилдилар. Мудҳиш издиҳом том маънода ичаги узилиб куларди, бироқ кўп ўтмай қайғу-алам ўз ишини қилди; мана икковлон сўнгги бора қўлларини бирга қовушгирдилар, яна кўз ёшлари ариқ ариқ бўлиб отилди ва шунда сонсаноғи йўқ оломон юрагининг қаърларига мислсиз ларза тушиб, юраклари ёрилиб кетгудай ўкириб-ўкириб йиғлай бошлади. Худонинг юмушларини адо этгувчи қария уламнинг ўзи юрак-юракдан тўлқинланарди. Ирландия қироллик полициясининг тобланган азамат сиёқли эрлари, жамоат тартиб-интизомини сақловчи девқомат алпбардорлар, ҳеч яшириб ўтирмай рўмолчалари билан кўз ёшларини артардилар, бинобарин, росмана тан олиб айтиш жоизки, ушбу бепоён издиҳомда кўзига ёш олмаган бирон кимса қолмади. Не сўз билан айтмайликки, шундан сўнг энг фусункор бир ходиса содир бўлди: навқирон ҳуснда якто йигитча, Оксфорд университетининг битирувчиси, гўзалларга ўзининг валломатларча муносабатлари билан машҳур навқирон ҳусну малоҳатда якто йигитча жаҳд билан олдинга чиқди-ю,

¹ Бундан ортиғи бўлмас (*лот*).

² Ирландиянинг яна бир шоирона мажозий номи.

шаҳодат коғози, чек дафтари ҳамда шажара аъмолини тақдим этароқ бахтиқаро навнихол оймқизнинг қўлини сўради ва дарҳол тўй кунини белгилашини илтижо қилди. Унинг таклифи жон-дилдан қабул бўлди. Оломон ичидаги ҳар бир хонимқизга чаноқ ва суяклар расми ўйилган нафис тўғноғич тортиқ этилдики, воқеага чандон мос бу саховатли хадя барчани яна янгидан янада жўштириб юборди. Оксфорднинг ўта назокатли толиби — йўл-йўлакай айтиб ўтайликки, у Албион тарихида энг донгдор хонадон соҳибларидан биридир, — лоладай яшнаган қиз қайлиқнинг нозик бармоғига тўрт япроқдан иборат зумрад салоса узукни тақиб қўйган чоғда оломоннинг тулқинланиши барча кирғоқлардан тошиб кетди. Нима ҳам дейсиз, қайғули маросимни бошқариб турган, ҳарбий полициянинг қаҳрли раҳбари подполковник Томкин-Максвелл Ффренчмаллен Томлинсоннинг ҳатто ўзлари, ҳа-ҳа, ўша, сипойиларни киприк қоқмай замбараклар оғзига боғлаб нақ жаҳаннамга тўда-тўдалаб жўнатган ўша азаматнинг ўзи хиссиётларини тутиб туролмай кўзлари намланди. Темир қўлқоп кийган унинг қўллари беҳос қалқиган ёшни сидириб ташлади ю, унинг атрофини қуршаб *entourage*¹ турган шаҳарнинг сара казо-кузаролари унинг томоғи хириллаб шивирлаганини ўз қулоқлари билан эшита олдилар:

— Воҳ, Худойимнинг қовурғаси-я, Худойимнинг қовурғаси, воҳ шундай оймтилла-я. У шундай деб, Худонинг қовурғаси-я, деб хирилладики, бу жононга қараб туриб, Лаймхаусдаги уйда мунтазир ўтирган эски тоғорани нечук эслайсан, ахир.

Мана шунда Фуқаро ирланд тили тўғрисида сўз очиб қолди, муниципалитетдаги мажлисни гапирди, яна алланимабалолар, кейин *shoneens*² дейди — ўз она тилини билишмайди. Жо орага понасини суқади, бир гал аллакимга бир фунт жарима солгани ҳақида кўпиради, Блум ҳам бўш келмайди, томоғини қиради, Жонинг пулига келган сариқ чақага арзимайдиган сигарасини бурқситади, Гэлл лигаси ҳақида супрасини ёзади, ичиришга қарши лигани оғзига олиб, гапни айлантиради, нима эмиш, ичкилик-бозлик — Ирландиянинг нақ тавқи лаънати эмиш. Ичирмасанг, ошна-оғайни олдига ичкилик қўймасанг, вассалом, ҳаммаси жойида бўлади қўяди. Гапни олиб қочишини бир қаранг, нимани так

¹ Давра олиб (франц.).

² Сохта жаноблар (ирл.).

лиф қилма, йўқ демай лўқ этиб томоғига ташлайди, ўзи лоақал кўпикни олдингга қўймайди, унга ишонсанг, Исо Масихонинг қайта тирилиб келишини кутишинг керак. Бир куни мен ошнам билан уларнинг мусиқа тўгарагига бордим, ракс ўйинлару кўшиклар денг, қиз ётади фарамга, йигит, қани, қаранг-а, ундан кейин Хушёрлар жамиятининг тамғасини таққан бир арбоб зўр бериб ирландчасига олиб гап сўқади, атрофда эса бир талай colleen bawns алкоғолсиз ичимликлар кўтариб айланиб юришади, қанақадир тамғаларми ей, оранжад, лимонадми-ей, уриниб қолган ширинликларми-ей, узун гапнинг қисқаси, сотиб юришади, тўкчилик, flahoolagh¹ хайлу хашам, эрмак. Ирландия хушёр — Ирландия эркин². Кейин қари такага ўхшаган аллаким сурнайни чўзди, кейин бу гўрковлар бари бирваракай оёқ тапиллатиб ракс бошлади, сигир мабодо буни кўрса, тили осилиб ўлади.

Бу ҳам майли-я, иккита узун ридо кийган рўдапо ҳеч ким хотинларга тегиша кўрмасин деб, кўз-қулоқ бўлиб туришади, бунисига нима дейсиз, белингиздан пастига боплаб тепган билан баробар.

Узун гапнинг қисқаси, бир боғдан бир тоғдан дегандай, мен нимани айтаётгандим, ҳа, қари ит шўрлик, тунука идишда ҳеч нарса йўқлигини кўриб, мен билан Жо иккимизга ялтоқланиб суйкалади. У менинг итим бўлганда, эркалаб, силаб-сийпалаб тавбасига таянтирардим, шундай қилмасам, мен — мен эмасман. Яхшилаб бир тепсанг, кейин эсдан чиқмайдиган қилиб яна бир сўқсанг, бинойи умр эсидан чиқармай унутмайдиган бўлади.

— Нима, кошиб олади, деб кўрқаяпсанми? — дейди Фуқа ро иршайиб.

— Йўғ-ей, нега, — дейман. — Фақат менинг оёғимни кўча чироғининг устунини деб ўйламаса, бас.

Ити тушмагурни чақириб олди.

— Нима бўлди сенга, Гарри, нима бўлди? — дейди у ити тушгурга.

Кейин уни ерга ағанатиб, жунлари, бўйинларини пийпалаб, силаб-сидириб, ирландчасига нималарнидир уктиради, ити эса хурпайиб ириллайди, икковлари шундай қараб турсанг, операда дуэт айтишаётганга ўхшайди. Уларнинг ўртасида бўлиб ўтаётган

¹ Князчасига (ирл.).

² Кенг тарқалган Ирландия шиори.

ир-ир, ак-акларни бошқа ҳеч ерда ҳеч қачон эшитмайсан. Бошқа иши йўқ, қули бўш одам газеталарга хат ёзиб жўнатсайди, *probo publico*¹ токи мана шунақа қопагон итларнинг тумшугини тур билан боғлаб юрсинлар. Ириллайди, вағиллайди, ташналиқдан кўзига қон тўлган, тумшугидан қутурган сўлак оқади.

Бизнинг қуйи тараққиёт босқичида турган жондош биродарларимизга (уларнинг эса сон-санови йўқ) одамзод маданиятини сингдиришга қизиқувчилар илғари *sobriquet*² деб маълум-машҳур қизғиш-сарик ирланд сеттер-бўрибосари томонидан намойиш этилган кинантропиянинг ҳайратомуз кўринишларини ҳеч қачон эътибордан қочирмасликлари керак. Бироқ, Гаррион таниш-билишларнинг кенг доираси томонидан яқинда номи ўзгартирилиб, Оун Гарри деб аталади. Ҳар томонлама диққат билан ишлаб чиқилган овқатлантириш усули ҳамда эркалаб таълим-тарбия беришнинг кўп йиллардан бери амал қилиб келётган хулосаларининг хотимаси бўлган юқоридаги кўринишлар бошқа бир қатор ютуқлар сирасида шеър ўқишликни ҳам ўз ичига олади. Фонетика бўйича ҳозир саломат бўлган энг йирик мутахассиси (унинг номи ичимиздан омбир билан тортсанг ҳам чикмайди!) ўқилган шеърларни қиёсий таҳлил этиш учун ҳайратомуз меҳнатлар қилди ва буни қарангким, уларнинг қадимги келт бахшиларининг байтларига *варойиб бир тарзда* ўхшашлигини қайд этиб ўтди (курсив бизники).

Биз бу ерда Нозик Ниҳол деган мафтункор таҳаллус остида юзига парда тутган муаллиф бутун китобсеварлар дунёсига таништирган гўзал ишқий шеърлар ҳақидагина эмас, балки ундан-да ортиқ барча кескин ва шахсий (бу ҳақда бизнинг оқшомги нашрларимиздан бирида мистер Д.О.К деган кимса қизиқ маълумот бериб ўтади) мотивлар борасида-да тўхталинади, бизга ушбу оҳанглар илғари машҳур Рафтрининг ҳажвий тараннумлари, шунингдек, Донол Макконсидайннинг назмларидан таниш эди, биз бу ўринда кундан кунга маърифатли жамоатчиликнинг назар-эътиборини тортаётган бизнинг замонавийроқ лирик шоиримиз тўғрисида айтиб ўтирмай кўя қолайлик. Қуйида биз ҳозирча исми-шарифини ошкор қилишга ҳақимиз бўлмаган кўзга кўринган йирик олим томонидан бажарилган таржиманинг бир парчасини эътиборингизга ҳавола этамиз, ишончимиз

¹ Жамоатчилик тинчлиги учун (лот.).

² Лакаб.

комилки, китобхон айрим маҳаллий ишоралардан чайнаб берилганга қараганда, кўпроқ маълумот ола билади. Ит аслиятининг вазн тузилиши валлия энглин шеърининг оҳанжамадор аллитератив ва изосиллабик қоидаларини эслатса-да, ундан кўра мураккаброқ қурилишга эга бўлиб, биз шунга аминмизки, китобхон аслиятнинг руҳи аъло тарзда акс эттирилганини тан олмай иложи йўқ. Яна шуни қўшимча қилиб қўяйликки, агар Оунинг шеърларини қаҳрли бўғиқ ириллашга ўхшаш овоз билан оҳиста ва ноаён бир тарзда ўқилса, унинг таъсири эҳтимол янада кучлироқ бўлади.

Қаҳрим келиб ириллаб
Томоғимни қираман
Бўғзинг қурсин, Барни Кирнан
Сени ёмон қарғайман.
Бир қултум сув бермас баттол
Бўғзим қуриб қақшайман
Ичакларим ўтдай енар
Ичак-чавоқ берсанг, нетар.

Шу ерга келганда, у Терридан итга сув келтиришни сўради, итнинг сув ичишини кўрсангиз, Худо ҳақи, шалпиллатиши бир чақирим наридан эшитилиб турди.

Жо эса ундан яна бир мартадан ичкилик чақирсак, қарши эмасмисиз, деб сўради.

— Жоним билан, — жавоб берди у, — *chaga*¹, йўқ десам, кўнглингга олиб ўтирма тагин.

Худо ҳаққи, у ўзини елкасида худди бир бош карам эмас, калласи бордай тутади. Қари чол Гилтрапнинг мана шу кучуги билан ҳамма ковоқхоналарда санғиб юради, кўз очиб юмишга улгурмай уни ичкилик билан сийлагинг келиб қолади, буни ўзингга шараф деб биласан, шу алфозда сайловчилар ва солиқ тўловчиларнинг бўйнида ўтиргани-ўтирган. Одам ва махлук учун мангу байрам. Жо эса мендан ҳам сўрайди:

— Қалай, яна битта оласанми?

— Ўрдак сузишни билмайдими? — деб сўрайман ундан.

— Бизга яна олиб кел, Терри, — дейди Жо. — Совутилган ичкиликлар бўлса, сизга кетмайдими, нима дейсиз? — деб сўрайди у Блумдан.

¹ Ошнам (ирл.).

— Йўқ, раҳмат, — жавоб қилади у. — Очиғини айтсам, мен бу ерга Мартин Каннингем билан кўришгани келгандим, шўрлик Дигнамнинг суғурта ишларини маслаҳатлашиб олмоқчи эдим. Мартин гаров қўйиш идорасига кириб чиқишимни сўраган эди. Гап шундаки анов Дигнам бечора суғурта қоғозини гаровга қўйган экан, суғурта компаниясини эса бундан огоҳлантирмаган экан, ана шундай ҳолларда қарздор гаровга қўювчи киши қонун бўйича ҳеч нарса ололмас экан.

— Ана, кулги, — хиринглайди Жо, — ана, найранг. Қари Шейлок ўзига ўзи панд берибди-да. Унда хотинининг омади келган бўлади, тўғрими?

— Ҳар қалай, — дейди Блум, — бу унинг ошиқ-маъшуқларининг иши.

— Қанака ошиқ-маъшуқлар? — дейди Жо.

— Қонунчилар демоқчиман, унинг хотинининг адвокатлари, — деб гапини тўғрилайди Блум.

Кейин гаровга қўйиш қонунчилиги ҳақида гапни олиб қочади, Лорд-Канцлернинг қандай қарор чиқаришини, марҳум бевасининг манфаатларини, жамғарма ташкил этилганини тушунтиради, бошқа бир томондан Дигнам бир миқдор пул Брижмендан қарздор бўлиб қолган, мабодо энди беваси ёки хотини гаровга қўювчи қарздорнинг ҳақ ҳуқуқини шубҳа остига қўймаса деб, бошимни ўша гаров қонунчилиги билан тоза қотириб ташлади. Ўзини айтмайсизми, калтадум, қонун сиртмоғига тушмаганингга хурсанд бўлиб юр, ҳей қаллоб ва санғи, раҳмат де, ошнанг судда қутқариб қолди. Венгрия қирол лотереяси деб, қандайдир сохта чипталар сотган, ҳокимиятдан имтиёзлар олган. Ишонмайсизми, онт ичаман. — Йўқ, гапирманг менга жуҳудларни! Ҳокимият имтиёзи остида Венгрия қироллигининг талончилиги!

Шу пайт гандираклар Боб Дорен пайдо бўлди ва Блумдан миссис Дигнамга ўз ҳамдардлигини билдириб қўйишни сўради, минг афсус мен кўмиш маросимида қатнашолмадим, менинг шу гапларини таъзиядорга етказинг, Дигнамни билган ҳар бир инсон ундан кўра яхшироқ, ундан кўра ҳалолроқ кимсани ҳеч қачон кўрмаганлигини албатта айтади, бизнинг шўрлик Вилли ана шундай бебаҳо одам эди-да, дейди сўзларни чалкаш-чулкаш қилиб, оғзибурнидан сўлак оқиб. Башарасига аламли фожиона тус бериб, Блумнинг қўлини қисади, шуларни айтиб қўйинг дейди. Биродар, қўлни ташла, қўлни. Сен ҳам фирибгар, мен ҳам фирибгар.

— Афандим, умид қилишга журъат этаманки, — дейди у, — танишлигимиздан фойдаланяпти, деб уйламанг (танишбилишчилигимиз ҳам вақт тақозосига кўра унча узоқ деб бўлмаса ҳам, ҳар қалай ишончим комилки, ўртамиздаги ўзаро ҳурматга асосланади), шу боисдан сиздан марҳаматингизни дариф тутмасликни сўрайман. Мабодо, мен бахтга қарши, камтарлик чегарасидан чиққан бўлсам, унда ҳиссиётларимнинг тўла маънода самимий эканлиги ҳамоқатимни кечиринингизга хизмат қила олади, деб умид билдираман.

— Марҳамат айлангиз, афандим, — дейди унинг суҳбатдоши. — Сизни орзиқтирган ҳиссиётларни мен бағоят эъзозлайман, сизнинг илтимосингизни адо этмак учун жонимни ҳам аямайман, баҳонаи сабаб қанчалар қайғули бўлмасин, каминга билдирган ишонч-эътиборингизнинг ўзи бу зардобга тўла аламли қосани эгасига етказмоғимга инод бўлажак.

— Ундай бўлса, изн беринг, қўлингизни қисиб қўяй, — деб хитоб айлайди ул. — Заррача шубҳа қилмагаймен, ки сизнинг қалбан олижаноблигингиз менинг ожизона сўзларимдан кўра тўғрироқ йўлни кўрсатгай, шояд мени оғир қийноқларга солган изтиробларимни ифодалаб бермоқ йўлини топгайсиз, зеро бу аламли ҳиссиётларга кўмилган кўйи менинг тилим сўз айтмоқдан ғоят ожиздир.

Шундай деб, у ўзини тўғри тутишга ҳаракат қилганча туёғини шиқиллатади. Соат энди беш бўлди, у эса ўлардай маст. Бир куни кечаси қамоққа тушишига оз қолди. Омади келиб, Падди Леонард ўша 14 А тамғали миршабни таниркан. Брайд-стритдаги қовоқхонада итдай ичган, қовоқхона беркилгандан кейин ҳам иккита суюғоёқни ёнига олиб тоза ҳангома қилган, қаҳвахона мушуги ҳам улар билан бирга бўлган, катта-катта жомларда портер шаробини тинмай сипқоришган. Ойимтиллаларга ўзини француз Жозеф Манюо деб таништирган, католик динини таҳқирлашга тушган, буни қаранг, ўзи эса болалигида Одам Ато ва Момо Ҳаво черковида ибодат чоғида хизмат қилиб юрган, кўзини чирт юмиб Янги Аҳд билан Эски Аҳдни ким тўқиб чиқарганини ифшо қилган, ўртада ойимтиллаларни эзиб, ачомлаб, хурушга кирган. Ойимтиллалар кикир-кикир кулишади, лакалангининг чўнтақларини қоклашади, у эса каравотга шаробларни тўқади, қийқиришади, хахолашади, ҳингирлашади ўзида йўқ.

Қани, бизга кўрсат Аҳдингни! Жуда эскириб қолибди ку, бу сенинг Аҳдинг? Яхшиямки, ўша ердан Падди ўтиб қолибди.

Якшанба кунлари унинг суюёеқ хотини билан черковга борганини кўрсангиз, хотини орқасини у ёқдан-бу ёққа силкитиб ўтади, оёғида унча-мунча эмас локли туфли, кўкрагига бинафшалар қадалган, бўғирсоқдай ёқимли, ўзини бека ойимлардай кўрсатмоқчи бўлади. Жек Мунининг сингилчаси. Онаси эса эски бузуқ, кўча бузуқларига жой тайёрлаб қўяди. Жек ўзича унинг танобини тортиб қўйди. Қилғиликни килиб қўйиб, агар уйланмасанг, бошлаб адабингни берамиз, деб янди.

Инчунин Терри уч қадахда тўлатиб ичкилик келтирди.

— Олинглар, — дейди Жо бизни сийлаб. — Қани, олинг, Фукаро.

— Slap Leat¹, — деб жавоб беради у.

— Жо, омадингни берсин, — дейман. — Соғ-саломат бўл, Фукаро.

Онасини эмсин, у дарров ярмини уриб қўйибди. Уни ичириш учун чўнтагингда миллионинг бўлса тузуқ.

— Найнов кимни мэр қилиб кўтармоқчи, Олф? — сўрайди Жо.

— Сенинг бир оғайнингни, — жавоб беради у.

— Наннетти? — сўрайди Жо. — Аъзони-я?

— Отини айтмаймиз, — дейди Олф.

— Ўзим ҳам ўйлагандим, — дейди Жо. — Мен уни ҳозиргина бир депутат билан кўрдим, чорвадорлар йиғинида Вилли Филд билан ўтирган эди.

— Сочи узун Иопад², — дейди Фукаро, — отилиб турган вулқон, барча мамлакатларга суюкли, ўз диёрининг маъбуди.

Шундан сўнг Жо Фукарога оқсимдан гап очиб, чорвадорлару шошилиш чора-тадбирлар кўриш борасида сайрай кетди, Фукаро э, қўйсанг-чи, шу чора-тадбирларингни, деб қўл силтайди, Блум эса кўтир қўйларни даволашда олтингугурт суви ҳақида олимона гап сўқади, бузоқларга йўталга нима ардоб ичириш, актиномикозга³ қарши нима асил малҳамлиги устида суҳандонлик қилади. Бир маҳаллар у қассобхонада ишлаган. Қўлига дафтар-қалам кўтариб санғиб юрган, одамларнинг оёқлари остида

¹ Соғ бўл (*ирл*).

² Қадимги Рим шоири Вергилийнинг «Энеида» достонида тилга олинган номлардан бири.

³ Йилтироқ замбуруғлар келтириб чиқарадиган йирик қорамолларнинг юқумли касаллиги. (*Тарж.*)

ўралашган, кейин бир чорвадорга кўрслик қилгани учун Жо Кафф унинг кетига бир тепиб хайдаган. Олган нишони шу. Мистер Билагон. Хоҳлаган кишингни товукни соғишга ўргатади. Секун деган ошнам айтиб берган эди, унинг хотини «Шаҳар тамғаси»да нукул ойимқиз О'Даудга мени қат-қат ёғ босяпти, деб кўз ёши қиларкан. У хотинини ҳатто бемалол артиниб олишга қўймайди, атрофида айланиб-ўргилиб, майдалаб, қандоқ қилиш кераклигини ўргатиб туради. Бугунги режаларинг қандай? — деб сўрайди. Э ҳа. Инсоний муносабат. Ахир, шўрлик ҳайвонларнинг жони оғрийди, мутахассисларнинг сўзларига қараганда, махлуққа озор бермайдиган энг яхши воситалардан бири, касал жойини қўл билан юмшоқ қилиб қашлаш. Худо ҳақи, унинг қўли фақат товук пайпаслашга ярайди.

Қут қут қут-қутук. Қо қо қо, товугим. Мана бу, Қора товук. У бизга тухум туғиб беради. У тухум қўйганда хурсанд бўлади. Қақаҳ-қаҳ қаҳ. Қо қо қо. Ана яхши амаки Лео. У қўлини Қора товукнинг тагига тиқиб, тухумни олади. Қақаҳ-қаҳ-қаҳ қут қутух. Қо қо қо-о.

— Ишқилиб нима бўлмасин, — дейди Жо, — Филд билан Наннетти бугун Лондонга жўнашади, жамоа палатасига савол билан чиқишмоқчи.

— Рост айтяпсиэми, — сўрайди Блум, — маслаҳатчи бугун кетяптими? Аттанг-а, мен уни кўрмоқчийдим.

— Бугун кечда почта кемасида кетяпти, — деб жавоб қилди Жо.

— Аттанг, аттанг, — дейди Блум. — Зарур ишим бор эди. Балки, фақат мистер Филднинг ўзи кетаётгандир. Мен қўнғироқ қилолмадим. Йўқ. Ростдан ҳам аниқ гапми?

— Наннан ҳам жўнаяпти, — дейди Жо. — Лига унга вази-фа топширган, полиция комиссари паркда спортнинг ирланд турларини ўйнашни тақиқлаган, эртага у шу масалани кўтармоқчи. Бунга нима дейсан, Фуқаро? Sluagh na h-Eireann¹.

Мистер Шохбоз-Скотт (Молтифарнэм, миллатчи): Менинг ҳурматли дўстим, Шиллела депутати кўтарган масала муносабати билан Муҳтарам ҳамкасбимдан сўрамоқчи эдим; ҳукумат ҳақиқатан ҳам, молларнинг паталогик ҳолатининг тиббий белгилари бўлмаганига қарамасдан уларни забҳ этишга кўрсатма берганми?

¹ Ирландия қўшини (ирл.).

Мистер Чала-Туёк (Тамошант, консерватор): Хурматли палата депутатлари Парламент кўмитасига такдим этилган маълумотларга эгадирлар. Ушбу маълумотларга жиддий бир қўшимча қила оламан, деб ўйламайман. Хурматли палата аъзосининг сўровига жавоб ижобий.

Мистер Орелли О'Рейли (Монтенотте, миллатчи): Айнан шундай кўрсатмалар Феникс паркида спортнинг ирландча турлари билан шуғулланишга журъат этган инсон наслига кирувчи махлуқларни забҳ этиш учун берилганми?

Мистер Чала-Туёк: Бунга жавоб салбий.

Мистер Шохбоз-Скотт: Муҳтарам ҳамкасбнинг машҳур Митчелстаун телеграммаси¹ газнахонадаги жапобларнинг сиёсатига ўз таъсирини кўрсатмадими? (Залда шовқин-сурон.)

Мистер Чала-Туёк: Бу масалада мен материалларни кўришим керак.

Мистер Сийқа-Ҳазил (Банком, мустақил): Ҳеч иккиланиб ўтирмай ўт очинг. (Оппозиция жойидан кинояли чапаклар.)

Раис: Тартиб! Тартиб! (Мажлис ёпилади. Қарсақлар.)

— Манови одам, — дейди Жо, — ирланд спортини тирилтирди. Бизнинг ичимизда ҳеч нарсани билмагандай ўтирибди. Бу Жеймс Стивенснни турмадан чиқариб олган инсон. Ўн олти фунт оғирликдаги чўян ғўлани отиш бўйича бутун Ирландиянинг ғолиби. Энг узоққа отганинг қанча эди, Фуқаро?

— Na bacleis², — деб жавоб беради Фуқаро ўзини камтарона кўрсатиб. — Илгарилар мен ҳам бошқалардан қолишмас эдим.

— Бу гапларни қўй, Фуқаро, — дейди унга Жо. — Бошқаларнинг тушига ҳам кирмасди сени қувиб етиш.

— Нима бу, рост гапми? — сўрайди Олф.

— Ҳа-ҳа, — жавоб беради Блум. — Ҳаммага маълум гап. Нима, сиз билмасмидингиз?

Шундан сўнг спортнинг ирландча турлари ҳақида гап бошланиб, қизигандан қизиб кетди, shoneensларнинг эрмаги бўлиб

¹ 1887 йилнинг сентябрида Парнеллнинг сафдоши Жон Диллон Митчелстаун деган жойда нутқ сўзлашга уришганда, полиция ўт очган. Уч киши ўлган. Митинг қатнашчилари норозилик билдириб, парламентга телеграмма жўнатишган. Шундан буён бу телеграмма Конституциявий ҳуқуқлар учун кураш рамзи саналиб келади.

² Арзимайди (ирл.).

қолган ўша лаун-теннис ўйини дейсизми, ирландча хоккей ва тош отиш дейсизми, асил тупроқ ва янада бўлсин миллат¹ дейсизми, ҳаммаси шунақа гаплар.

Блум шу ерда ҳам жим турмайди, юраги заиф кишиларга куч ишлатиладиган машқлар зарарли, деганга ўхшаш гапларни айтмаса, кўнгли жойига тушмайди. Ўзимнинг ички иштоним билан қасам ичаманки, агар ердан бир парча хасни олиб, мана шу Блумга кўрсатиб: *Буни қара, Блум, манави хашакни кўряпсанми? Бу хашак бўлади*, — десанг, энамнинг энаси номига қасам ичаманки, у сизга буни роса бир соат тушунтиради, мен сизга аниқ айтяпман, ҳеч қачон тили ҳам тutilмайди.

Срод-Бретон-Вегдаги Брайен Д'Кирноннинг кўхна саройида Sluagh na h-Eireann ҳамкорлигида қадим гэлл спорт турларини ва жисмоний маданиятни тиклаш миллатнинг ўсиши учун қанчалар аҳамиятга эга эканлиги ҳақида мунозара бўлиб ўтди. Жисмоний тарбия Қадим Юнонистон, Кўхна Рим ва эски Ирландияда қандай тушунилгани устида гап борди. Обру-эйтиборли ассоциациянинг мухтарам президенти раислик курсисиде ўтирар, тумонот одам йиғилганди. Жўшиб ва қотириб сўзлаган раиснинг мазмундор нутқидан сўнг қадимги ўйинлар ҳамда кўхна панкельт аждодларнинг спорт машғулотларини тиклаш имкониятининг зарурияти борасида ўта қизиқ ҳамда беҳад сермазмун баҳс кетди. Мунозара бу доираларга одатий бўлиб қолган одоб-икром руҳида ўтди. Бизнинг қадим тилимиз соҳаларида кенг танилган ва теран ҳурматга сазовор бўлган мистер Жозеф Маккарти Хайнс қадимги гэлнинг спорт ўйинлари ва машқларини тирилтиришга қизғин даъват этди, уларни эрта тонгда ва кеч тушганда Финт Мак Кул берилиб машқ қиларди, шу тарика асрлар қаъридан бизгача етиб келган куч-қудрат, ирода-матонатнинг энг яхши анъаналарини тиклаш, жонлантириш мумкин бўлади. Л. Блум эса ҳам қарсақлар, ҳам ҳуштаклар билан қарши олиниб, қарама-қарши нуқтаи назарни ифода қилди, шундан ўзи овоз (вокал) устаси бўлган раис одамлар билан лиқ-лиқ тўла залнинг барча томонларида янграган қарсақлар ҳамда кўпдан-кўп илтимосларни ҳисобга олиб, мунозарани ўлмас Томас Осборн Дэвиснинг сўзига ёзилган ҳақи-

¹ Ирланд шоири Томас Осборн Дэвис (1814 — 1845) кўшинининг номи, аслида, миллий мадҳияга айланган.

қатан ҳам, ҳеч қачон қаримайдиган «Янада бор бўлсин милла тимиз» деган қўшиғини ажиб бир тарзда ижро этиш билан яқунлади (қўшиқнинг сўзлари ҳаммага маълум бўлгани учун бу ерда такрорлаб ўтирмадик). Зиддиятга бориб қолишдан чўчимасдан, бу ўринда қайд этиб ўтайликки, бизнинг Фахримиз, Ватанпарваримиз, чемпионимиз бўлган зот бу ижроси билан ўз-ўзидан ҳам ўзиб кетди. Ирландларнинг Карузоси-Гарибалдиси шундай камолга етган эканки, униг момогулдиракдек овози замона муқаддас айлаган мадҳияда ўзини тула намоён қилдики, бунга фақат Ирландия фуқароси бўлган Зотгина қодирдир. Қўшиқчининг шусиз ҳам жуда юксак даражада бўлган обрў-эътибори қўшиқнинг энг олиймақом ижросидан сўнг янада юқори кўтарилиб, анжуман қатнашчиларининг алангали олқишларига сазовор бўлди, улар орасида кўплаб кўзга кўринган динимиз намояндаларини, айни чоқда матбуот ходимлари, суд ва ҳуқуқ табақалари вакиллари ва бошқа маърифатли доираларни кўриш мумкин эди. Шу билан анжуман охирига етди.

Рухоний-диний доираларнинг намояндалари орасида улуғ ҳазрат Виям Делани, нафис адабиёт доктори О.И.; илоҳийшунослик доктори ҳаз. Жералд Моллой; Муқаддас Рух жамоасидан ҳаз. П.Ж. Кавана; викарий ҳаз. Т. Уотерс; черков хатиби ҳаз. Ж.М. Айверс; франциск мазҳабидан ҳаз. П.Ж. Клири; тарғиботчи биродарлар мазҳабидан ҳаз. Л.Ж. Хикки; франциск-капуцинлар мазҳабидан улуғ ҳаз. биродар Николас; ялангоёқ кармелитлар мазҳабидан улуғ ҳаз. Б. Горман; ҳаз. Т. Махер, О.И.; улуғ ҳаз. Жеймс Мерфи, О.И.; вазифадор викарий ҳаз. Жон Лейври; илоҳиёт доктори улуғ ҳаз. Виям Дозэрти; марианлар мазҳабидан ҳаз. Питер Фейган; августин мазҳабидан ҳаз. Т. Бранган; викарий ҳаз. Ж. Флавин; викарий ҳаз. М.Э. Хэкетт; викарий ҳаз. В. Хэрли; бош викарий монсенйор Макманус; Бокира Биби Марям мазҳабидан ҳаз. Б.Р. Слэттри; черков руҳонийси ҳаз. М.Д. Скалли; тарғиботчи биродарлар мазҳабидан ҳаз. Ф.Т. Перселл; черков руҳонийси, каноник улуғ ҳаз. Тимоти Горман; викарий, ҳаз. Ж. Фланган бор эди. Фуқаролар орасида П. Фэй, Т. Кверк ва бошқа яна кўплаб кишиларни кўриш мумкин эди.

— Айтганча, куч ишлатиб қилинадиган машқлар дедингиз, — дейди Олф, — сиз анави Кео — Баннет учрашувида бўлдингизми?

— Йўқ, — дейди Жо.

— Эшитишимча, мистер Фалончи шу учрашувда мўмайгина юз фунт ишлаб олганмиш.

— Ким экан? Буянмасми, мабодо? — сўрайди Жо.

Шу ерда Блум гап кистиради:

— Мисол учун теннисда кўз ўткир бўлиши, чакқонлик керак.

— Ким бўларди, Буян-да, — дейди Олф. — Майлерга қўйишмасин деб, эртадан кечгача ичиб ётган эмиш деб миш-миш тарқатди. Ҳақиқатда эса Майлер кечаю кундуз тайёргарлик кўраётганди.

— Уни биламиз, — дейди Фуқаро. — Сотқиннинг боласи. Биламиз чўнтагидаги инглиз тиллалари қаердан келаётганини.

— Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, — унинг гапига қўшилди Жо.

Шу ўринда Блум яна лаун теннис ва қон айланиши борасида гап кистирди-да, Олфдан сўради:

— Сиз бунга нима дейсиз, Берген?

— Майлер уни ерга парчинлаб ташлади, — деб ўзиникидан қолмайди Олф. — Агар солиштирсангиз, Хинен-Сейерс учрашуви болаларнинг ҳазил-мазахи. Шундай дўппосладик, ановга сичқоннинг ини минг танга бўлди. Бунинг томошасини кўрсангиз ади, бирови қалампирдай буришган, ҳарифининг киндигидан келмайди, буниси эса қулондай гижинглаб турибди. Эҳ, охирида бўксасига шундай урдик, ичак-чавағи ағдарилиб кетай деди. Лекин Куинсбери қоидасига тўғри келади, ҳаммаси жойида. Эсда қоладиган, раҳмсиз жанг бўлди, Майлер ва Перси эллик соверенли байроқ учун майдонга тушдилар. Дублин ишқибозларининг эркатойи ҳарифига қараганда анча енгил вазнда бўлиб, бу етишмовчилик ўрнини афсонавий маҳорати билан тўлдирарди. Охирги чиқишнинг хайлу ҳашами сал бўлмаса ҳар икки чемпион учун ғурбатга айланарди. Ундан олдинги чиқишда оғир вазнли замбаракчи эркатойнинг тумшугига боплаб тушириб бошламасига қизил қонини бироз оқизиб қўйди, шу боисдан Бош Талабгор Кео, у ёғидан қараганда ҳам, бу ёғидан қараганда ҳам, худди ғирт маст одамдай оёқда туролмай қолди. Аскар бола сўлдан қисқа кучли зарба бериб ишини давом эттирди, лекин шунда ирланд гладиатори Беннетнинг жағи остини мўлжаллаб, тўғридан чакмоқдай мушт туширди. Қизил мундир сапчиб ўзини четга олди, аммо шунда бизнинг дублинлик азамат чапдан энкайиб, ҳарифнинг кўксига зарб урди. Рақиблар яқиндан тирама жангга киришдилар. Майлер ҳариф-

га қоплондек ташланиб, уни кўз очирмай қўйди, чиқиш охирлаганда азамат арқонларга чўзилиб қолган, зарбалар унга дўлдай ёғиларди. Ўнг кўзи батамом юмилиб қолган инглиз ўз бурчагига бориб турди-да, тўйиб сув ичиб олди, занг урилган маҳали яна тетик ва жасоратга тўла эди, у эбланлик жангчини бир зумда нокаут қилишига заррача шубҳа қилмасди. Жанг то галаба қозонгунча эди, галаба эса ўз голибини кутарди. Ҳар икков йўлбарсдай олишдилар. Томошабинлар ҳаяжони сўнг нуқтага етди. Жангчи Перси рақибига осилиб бутун оғирини ташлагани учун судья уни икки бора огоҳлантирди, бироқ эркатой ғоятда чаккон эди, унинг оёқлари қандай ишлаганини бир кўрсангиз эди. Енгил қарс-курс зарбалар давомида аскарнинг ўта нозик апперкот зарбидан сўнг Майлернинг оғзидан қон дарё бўлиб оқди, шунда эркатой ҳар томонлама қаттиқ ҳужумга ўтди ва Беннетнинг қорнига чапдан ҳайратомуз зарб урди. Жангчи ерга бир боғ фарамдай қулади. Бу соф ва моҳирона нокаут эди. Таранг сукунат ичра портобеллик Зурабор устида сониялар санала бошлади. Аммо худди шу пайт Беннетнинг секундантти Оле Пфотте Ветштейн рингга оқ сочиқ улоқтирди, шундан сўнг Сентридан чиққан азамат эр голиб деб эълон қилинди, рингга гулдурос-гулдурос қарсақлар, кийкириқ-ҳайкириқлар ёғилди, қаҳрамон оёқлар остида топталиб кетишига оз қолди.

— Бойлан устмон, фойдасини қўлдан чиқармайди, — дейди Олф. — Бир гап эшитдим, у шимол томонларда концерт қўярмиш.

— Мен ҳам эшитдим, — дейди Жо, — тўғри эканми?

— Ким? — дейди Блум. — Эҳ, ҳа. Жуда тўғри. Ёзги гастроль дегандай, тушундирганими? Шундай, сайру саёҳат.

— Б. хоним энг порлок, энг ёруғ юлдуз бўлсалар керак, шундай эмасми? — деб сўрайди Жо.

— Менинг хотинимми? — дейди Блум. — Ҳа, у қўшиқ айтади. Менимча, ҳаммаси жойида бўлар. Анов шундай яхши ташкилотчи. Яхши.

Оҳо-ҳо, мана гап қаёқда дейман ўзимга ўзим. Буни топинг, дусларим. Буян най чалади. Концерт қўйишади. Айлен-бритлик қари Дэн, сассиқ товламачининг ўғли, бурлар билан уруш бўлганда отларини икки қайтадан ҳукуматга пуллаган қаллоб. Мистер Нима-нима, Сизнинг олдингизга солиқлар масаласида келдим, мистер Бойлан, сув солиғи ва камбағалларга ёрдам. Нима дедингиз? Солиқ, сув солиғи ва камбағалларга ёрдам,

мистер Бойлан. Нима-нима? Ҳа, ўша сурбет олифта анов хотинни бошлаб ўйнатади, мен бунга кафиллик бераман. Ҳамма гап ўртамизда қолади, жуҷачам, дейди.

Қояли Калпа тоғларининг фахри, сочлари қора қарғанинг қанотидан ҳам қорароқ ойимқиз, Твидининг мохпораси. Ҳаво-си мушмула ва писта дарахтларининг муаттар ҳидлари билан тўлган ўша ерларда қиз камолга етди, ҳусну чиройда тенгсиз соҳибжамол бўлди. Аламеда боғларида қундай учиб юрди, зайтунзорлар унга отино бўлди, чиройли бутоқларини эгиб таъзимлар қилди. Ўшадир Леополднинг бокира жуфти ҳалоли, ўшадир кўкраклари гуркираган гўзал Мэрион.

Ие, ие, қаранглар-а, О'Моллойлар қавмидан бўлган оқ юзли, келишган, икки бетига ҳарир қизиллик югурган, аъло ҳазратларининг маслаҳатчиси, қонунларни сувдай ичиб юборган эр қадам ранжида қилаётир, унинг қаватида олижаноб Лэмбертлар уруғининг шаҳзодаси ва меросхўри келмоқда.

— Салом, Нед.

— Салом, Олф.

— Салом, Жек.

— Салом, Жо.

— Худо мададкор, — дейди Фуқаро.

— Сизларга ҳам ўзи мадад берсин, у Меҳрибон, Раҳмли Зот, — дейди Ж.Ж. — Сиз нима хоҳлайсиз, Нед?

— Менга андак ярим қадах, — дейди Нед.

Ж.Ж. Ўзларига ичкилик буюради.

— Судга борган эдингизми? — сўрайди Жо.

— Ҳа, — деб жавоб беради Ж.Ж. — У ҳаммасини тўғрилайди, Нед, — дейди У Недга қараб.

— Умид қиламиз, — дейди Нед.

Инчунин, буларнинг нима иши бўлиши мумкин? Ж.Ж. бировни вакиллар рўйхатидан чиқартиради, биров эса унинг чўнтагини тўлдириб қўяди. Унинг номи аллақачон Стаббсга¹ тушган. Бир кўзли ойнак таққан олифта капалаклар билан қарта-қурта ўйинлар, маишат, шампанлар дарё бўлиб оқади, охири нима буларди пайдар-пай тўлов қоғозлари, судга чақирувлар ёғилади. Фрэнсис-стритдаги Камминсга тилла соатини гаровга қўйган, бу ерда уни ҳеч ким билмайди, мен эса у ерга Маскун билан бирга бориб

¹ Стаббс нашр қилган «Дейли пейлер» газетаси назарда тутилади.

колгандим, у ушанда гаровга қўйилган этигининг пулини тўлаб, қайтариб олаётган экан. Исми шарифингизни айтинг, сэр? У эса: Тоув, деб жавоб беради. А-ҳа, дейман мен қараб туриб, бу ҳам тайёр бўлибди-ку, ҳа, тайёр, дейман. Худо ҳақи, бир кунмас-бир кун у аччиқ афсус-надомат чекади, мана мени айтди дерсиз.

— Э, сиз у ерда каллаварам Бринни кўрмадингизми? — сўрайди Олф. — К.К.: Ку-ку.

— Кўрдик, — дейди Ж.Ж. — Хусусий детектив излаб юрибди.

— А-ҳа, — деб давом этади Нед, — у тўғри суднинг олдига кирмоқчи бўлиб турган экан, Корни Келлехер учраб қолиб, орқага қайтарибди, аввал дастхатни текширтириш керак дебди.

— Ўн минг фунт-а! — кулади Олф. — Эҳ, қани энди унинг суд ҳамда вакиллар олдида турганини бир кўрсам, бошқа сира армоним йўқ эди.

— Мабодо, бу сенинг ишинг эмасми, Олф? — сўрайди Жо. — Тўғрисини айтинг, фақат тўғрисини, тўғрисидан бошқасини гапирманг, ана ундан кейин мадад берсин сизга Жимми Жонсон.

— Менми? — Норози бўлди Олф. — Менинг поку мусаффо шаънимга заррача доғ солмасликни сўрайман.

— Сизнинг ҳар қандай сўзингиз, — дейди Жо унга қараб, — Сизга қарши далолат сифатида фойдаланилиши мумкин.

— Унинг даъвосини албатта, қабул қилсалар керак, — дейди Ж.Ж. — Ахир у ерда унинг *compos mentis*¹га эга эмаслиги назарда тутилади. К. К.: Ку-ку.

— *Compos*-ингни бурнингга тик! — кулади Олф. — Сен, нима билмайсанми, унинг каллаварамлигини? Унинг калласига қарасанг, бас. У эрталаб шляпасини кияётганда, уни пойабзал қошиғи билан калласига дўндиради, биласанми?

— Ҳа, — эътироз билдиради Ж.Ж., — аммо қонуннинг кўз ўнгида маломатга қўювчи маълумотларнинг ҳақиқийлиги уларни ошкор қилганлик учун суд олдида масъулиятдан озод қилмайди.

— Ай-яй ай, Олф, — ачинади Жо.

— Аммо, ҳар қалай, — дейди Блум, — унинг шўрлик хотинига қийин, хотин киши-да, минг қилса ҳам.

— Ҳа, ачинарли, — дейди Фуқаро. — Умуман эри на ундок, на мундок хотинларнинг ҳаёти ачинарли.

¹ Соғлом ақл (*лат.*) айланган.

— На ундок, на мундок дегани нима? — сўрайди Блум. — Сиз айтмоқчисизки...

— Мен айтмоқчиманки, на ундок, на мундок, — такрорлайди Фуқаро. — Яъни, на сих ва на кабоб

— Икки жаҳон овораси, — дейди Жо.

— Ҳа, худди шундай, на ўлик, на тирик, — дейди Фуқаро. — Pishogue¹, агар бу сўзнинг маъносини тушунсангиз.

Кўринг-а, сезиб турибман, секин арининг ини бузиляпти. Блум эса тушунтиргани-тушунтирган, бечора хотинга жуда қийин, ўзининг жин урган дудук эри орқасидан судралиб ҳамма ерда юриш, бу шафқатсизлик, мен шуни назарда тутгандим. Бу чиндан-да махлуқларга нисбатан шафқатсиз муносабат, шу йўқсил савдойи — Бринни ўтлоққа чиқариб юбориш нима деган гап, соқоли ерда судралиб юрса, бундай аҳволдан осмон йиғламай ким йиғласин? Шу хотин унга турмушга чиқаётганда, жуда бурнини юқори кўтарган эди я, ҳа, нима дейсизки, эрининг узоқ амакиси — кимсан, Папа ҳузуридаги церковнинг ходими. Саммерхиллик синйор Брини, шопмўйлов, ўзи италянлардан аъло ҳазрат ҳузурида Папанинг зуави, махсус сарбози, унинг сурати деворда осиглик, у соҳилбўйи уйини тарк этиб, Мосс-стритга кўчиб ўтган. Қани, айтинг-чи, у ким бўлибди ўзи? Э, ҳеч ким, учинчи қаватда уйи бор, ҳафтасига етти шиллинг тўлайди, деразаси ховлига қараган, у бутун дунёга иддаоси бордай кўкрагига аллақандай турли тақир-туқирларни осиб кўча айланиб юради, ўргилдим.

— Почта хати, — дейди Ж.Ж давом этиб, — иш ошкор этилганини билдиради. Сэдгроувнинг Хоулга қарши кўрилган маълум ишида буни ёвуз ниятнинг етарли далолати деб тан олинди. Менинг фикримча, даъвони қабул қилишлари мумкин.

Яна йигирма беш, келдик. Кимга керак сенинг фикринг? Қуймайсанми ахир, пивомизни хотиржам ичайлик. Худо ҳақи, шунга ҳам қўйишмайди, шекилли да.

— Сизнинг соғлигингиз учун, Жек, — дейди Нед.

— Сизнинг ҳам, Нед, — дейди Ж.Ж.

— Э, ана, яна унинг ўзи, — дейди Жо.

— Қани қани? — сўрайди Олф

Ие, худо урсин агар, анов савдойи яна ташқаридан имиллаб ўтиб боряпти, қаппайган икки жилдини қўлтиғига қистирган,

¹ Айниган (ирл.)

ёнида хотини билан Корни Келлехер, у қалайга ўхшаган кўзлари билан биз томонга бир ўқрайиб қаради, ўзи ёнидаги кишига тўхтовсиз нималарнидир оталарча тушунтиряпти, бир марта ишлатилган тобутни яна унга гиқиштирмоқчи.

— Канададаги қаллоблик яна кўриладими? — сўрайди Жо.

— Кечиктирилди, — жавоб қилади Ж.Ж.

Бу кирғийбурун биродарлардан Жейм Воут деган кимса Шапиро ҳам шу, Спарк ҳам шу, Спайро ҳам шу, газеталарда эълон чиқарибди: Хар ким йигирма шиллинг тўласа, унга Канадага бориш таъминланади. Вой-бў? Нима, сиз мени аҳмоққа чиқаряпсизми? Буларнинг ҳаммаси ғирт товламачилик-ку. Нечук дейсизми? Ҳаммани — ғирт чув туширган, фақат уй хизматкорлари-ю Мит графлигидаги содда эркакларнигина эмас, ўз қавмқариндошларини ҳам доғда қолдирган. Ж.Ж. хикоя қилиб берган эди, Зарецкий деган отинг қурғур бир қадим яхудий бошида шляпаси билан гувоҳлар ўтирадиган ерда туриб кўз ёш қилар эмиш, Мусо Калимнинг номига қасам ичармиш менинг икки фунт пулимни умариб кетишди деб.

— Ишни ким кўрди? — сўради Жо.

— Бош судья, — жавоб берди Нед.

— Шўрлик қари сэр Фредерик, — дейди Олф, — уни оғзидан сути кетмаган бола ҳам лақиллатиб кетиши мумкин.

— Олф, унинг юраги жуда катта, филникидан ҳам катта, — дейди Нед унинг гапини тасдиқлаб. — Унга ижара қараларию хотини касал ётгани ва бола-чақаси кўплиги ҳақида кўпиртириб чўпчак айтиб беришса, бас, курсида ўтирган жойида йиғлаб юборади.

— Худди ўзи, — деб кўшилади Олф. — Ж. Рувимнинг иши ўнгидан келиб турган экан, Гамли бечорани хонавайрон қилгани учун ҳеч бўлмаса қамокда ўтириши керак эди, ҳозир Гамли Батт кўпригида тош кўриқлаб ўтирибди.

У мўйсафид бош судьяга тақлид қилиб, дийдиё ўқийди:

— Ҳеч замонда бўлганми! Шўрлик заҳматкаш! Қанча болангиз бор? Ўнта, дейсизми?

— Шундоқ, тақсир. Хотиним ичбуруғ.

— Хотини ичбуруғ бўлиб ётибди! Шармандалик! Дархол бу залдан чиқиб кетинг, сэр. Йўк, сэр, ундириб олиш ҳақида қарор чиқармайман. Бу ерга шундай даъво кўтариб келишга қандай ҳаддингиз сиғди, сэр! Қўли ишдан бўшамаган бечора меҳнаткаш! Мен ишни тўхтатаман!

Шахло кўзли илоҳа ойининг ўн олтинчи куни эди, Яктан ва Якто Учлик (Салоса) мунаввар байрамининг учинчи ҳафта-си, самоларнинг қизи, малика моҳнинг биринчи чораги Худо ярлакади ва Маъруф судьялар қонуи чиқарувчи ҳарамларига қадам ранжида қилдилар.

Ўша ерда палатада мажлис қилаётган магистр Кортни ўз мулоҳазасини ҳавола этди, мерос ишлари бўйича судда маслаҳатчиларсиз иш кўраётган магистр Эндрюс тасдиқланиши лозим бўлган васиятнома ҳамда вафот этган майфуруш, ҳозирда марҳум Жекоб Холлидейнинг кўчмас ва кўчар мулкига оид сўнгги васият фармойишида қайд этилган мол-мулкка бўлган биринчи даъвогарнинг ҳуқуқини вояга етмаган руҳий касал ва компаньон Ливингстоннинг ҳуқуқига қарши ҳар томонлама диққат билан кўриб чиқди. Мана, ниҳоят, Грин-стритдаги суднинг тантанавор равоқлари остига сэр Фредерик Қушбеги ўз пойкадамини қўйди. Бутун вилоят ва унинг теварак-атрофлари ҳамда Дублин шаҳар графлиги учун қўйилган комиссияда брехонлар қонунлари бўйича адолатли судни амалга ошириш учун у кеч соат бешларга яқин ўз хизмат вазифасига ўтирди. Ва унинг билан биргаликда Иарлар ўн икки бўғинининг буюк сипедриони кўр ташлади, ҳар бир бўғиндан бир эр иштирок этди, Патрик бўғини ва Хюг бўғинидан, Оун бўғини ва Конни бўғинидан, Оскар бўғини ва Фергус бўғинидан, Финни бўғини ва Дермот бўғинидан, Кормак бўғини ва Кевин бўғинидан, Куилти бўғини ва Оссиан бўғинидан ҳаммаси бўлиб ўн икки софдил ва тақводор эрлар қатнашди. Улар соғлом ақл билан адолатли суд қилсинлар ва ўз ҳукмдорлари бўлмиш қиролнинг судланувчига қарши кўрилаётган ишида одил ҳукм чиқарсинлар ҳамда барча кўргазмаларга мувофиқ адолатли қарорга келсинлар деб, уларни Хочда ҳалок бўлган Зот номидан қасамёд қилдирди, шояд Худо мадакдор бўлгай ва унинг китобини бўси муборак қилингиз. Бинобарин, шул ўн икки Иар бўғинлари ўринларидан турдилар, Воҳид Худо номидан унинг одил судини амалга оширишга қасам ичдилар. Шундан сўнг қонун миршаблари дарҳол одил суд изқуварлари олинган маълумотларга биноан тутиб келтирган кимсани қалъа зиндонидан олиб чиқдилар. Унинг оёқ қўллари кишанланган, на гаров ва на кафолат эвазига чиқарилган, ёлғиз суд ихтиёрига топширилган, зеро у баттол ва ёвуз эди.

— Хўп ғалати ишлар бор-а, — дейди Фуқаро. — Ирландия-мизга ҳар турли қаланғи-қасанғилар келишиб, бургаларни кўпай-

тиришади, холос. Шунда Блум ўзини ҳеч нарсани эшитмагандай тутади, кейин Жога қараб анов майда-чуйда устида биринчигача тапшиш чекмасангиз ҳам бўлади, лекин сиз мистер Кроуфордга мабодо бир оғиз сўз айтиб қўя олмасмикинсиз, дейди. Жо эса олам тургунча туринг деб, жамики авлиёю анбиёлар номидан қасам ичиб, сиз учун жонимни ҳам аямайман, дейди.

— Нега деганда, биласизми, — деб тушунтиради Блум, — реклама такрор билан тирик. Ҳамма сир мана шунда.

— Менга ишонаверинг, — ваъда беради Жо.

— Дехконларни алдашади, — деб ўз айтганидан қолмайди Фуқаро, — ирланд қашшоқларини талаб, бойишади. Биз энди уйимизда бегоналар бўлишини хоҳламаймиз.

— О, ишончим комилки, ҳаммаси яхши бўлади, Ҳайнс, — дейди Блум. — Бу Ключчи шуни хоҳлаяпти-да, билдингизми.

— Иш битди деб, ҳисоблайверинг, — дейди унга Жо.

— Илтифотингиз учун катта раҳмат, — миннатдорчилик билдиради Блум.

— Етти ёт бегоналар, — деб қўймайди гапини Фуқаро. — Э, айбдор ўзимиз. Уларни ўзимиз киритганмиз. Ўзимиз ча қирганмиз. Анави манжалақи ўзининг ўйнаши билан бу ерга англосаксларни бошлаб келди, бизни итдай талатишди.

— Иш қайта кўрилади, — дейди Ж.Ж.

Энди Блум ўзини бурчақдаги алланимани, ўргимчак инидир балки, жуда қизиқиб томоша қилаётганга солади, Фуқаро унга чақчайиб қарайди, оёғида ётган ити эса бошини кўтаради, би ровга ташланадиган вақт келмадими дегандай.

— Шарманда хотин, — дейди Фуқаро, — бизнинг барча кулфатларимизнинг сабаби мана шунда.

— Ана ўша хотиннинг ўзи, — дейди Олф, улар Терри икковлари пештахта олдида «Полис газетт»ни варақлаб хихилашарди, — юзига чапламаган бўёқ қолмаган.

— Қани, биз ҳам кўрайлик-чи, — дейман.

Улар америкаликлар ишлаган уят расмлардан бирини томоша қилишаётган экан, бундай расмларни Терри Корни Келлехердан олади. Нозик аъзоларни катталаштиришнинг сири. Кибор жононнинг шўхликлари. Чикаголик бадавлат ишбилармон Норман В. Таппер ўзининг офатижон, бироқ бевафо хотинини капитан Тэйлорнинг қўйнидан топди. Нафис иштончалар кийган ҳуриликко шўхликларга берилади, маълуқ уни силаб-сийпалайди, Норман В. Таппер

эса тўппончасини ўқталиб отилиб киради, ҳурилиқо эса бу пайт капитан Тэйлор билан айни човли-чамбар ўйнаётган бўлади.

— Оҳ, Женни, оппоғим, — дейди Жо, — шамоллатма оёғинг!

— Кўнглинг суст кетяптими, Жо, — дейман унга. — Бу-зоқчанинг юмшоқ жойи бўлса йўқ демасдинг, а?

Ундан-бундан валақлашамиз, бу орада Жон Уайз Нолан билан Ленехан келиб қолишди, Ленеханнинг башараси чўзмадай чўзилиб кетган.

— Хў-ўшиш, — дейди Фуқаро, — воқеа жойидан тез хабарлар айтинг. Муниципалитет косиблари ўз йиғинларида ирланд тилини нима қилмоқчи бўлишди?

Ялтир-култир либослар кийган О'Нолан буюк ва қудратли, қаҳрли Эрин ҳукмдорига таъзим бажо келтириб, мадҳлар ёғдирди-да унга бугун рўй бермиш барча нарсаларни сўйлай кетди, бутун салтанатда иккинчи ўринда турувчи дунёда энг итоатгўй шаҳри азимнинг кўркам оқсоқоллари уларни Фолсел саройи равоқлари остида қарши олиб, илоҳу илоҳаларга манзури назар тиловатлар қилишиб, тантанавор кенгаш юритишди, агар имконият жоиз бўлса, мумкинмики, бу омонат дунёда денгизлар бўлиб-парчалаб ташлаган келтларнинг қанотли сўзу сўзликларини яна тикламоқ, улуғламоқ.

— Иш юришди, — дейди Фуқаро. — Э, онасини палон бу валақлаган саксларнинг.

Бироқ шунда Ж.Ж. Ўзини гўё маърифатли хўжасаролардай кўрсатиб, ўзи бунда ҳар турли нуқтаи назарлар бўлиши мумкин, одамлар фактлардан юз ўгирадилар, Нелсоннинг нима қилганини эсланг, кўр кўзи билан дурбин қаради¹, ахир бир бутун миллатни ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ялписига қоралаш тўғри бўлармикин, Блум эса меъёр лозимлиги, ишқаллар кўплигию уларнинг мустамлакаларию цивилизациялари ҳақида гап айлантириб, унга қўшилади.

— Сифилизация, мана қандоқ дейиш керак! — ўкиради Фуқаро. — Э, онасини палон-пистон! Бу тумса ҳаромиларнинг башараси қурсин! На мусиқаси, на адабиёти, на тасвирий санъати, ҳеч бирида ҳеч вақо йўқ, ҳаммаси зўрма-зўраки нарсалар.

¹ 1801 йил 2 апрелда Копенгаген ёнида Дания флотига ҳужум қилган Нелсон чекиниш ҳақида буйруқ олиб, унга буйсунмайди. У буйсунмай бу жангда ғалаба қозонди.

Цивилизациясида бор-йўқ ҳамма нарсалар — биздан олиб ўғирланган. Айниган манқалар тўдаси!

— Европа халқлари оиласи, — вақиллайди О'Моллой...

— Улар ҳеч қандай европалик эмас, — шарт кесади Фуқаро. — Мен паришлик Кевин Иген билан Европада бўлганман. Ҳеч қайда Европада на уларнинг биронта изи бор, на тили бор, мабодо cabinet d'aisance'да бўлмаса агар.

Жон Уайз бўлса бундай дейди:

— Шунчалар кўп гулларни кўрмас ҳеч кимнинг кўзи.

Ленеханнинг эса бунақа нарсаларга суюғи йўқ, унга жўр бўлади:

— *Conspez Les Anglais! Perfide Albion!*²

У шундай деди-ю, катта, дағал ва кучли қўлида ўткир, қора, кўпикланган эл (пиво) қадаҳини баланд кўтариб, ўз қавми *Lamb Dearg Abu*³нинг жанговар чорловини қичқирди ва уни душман устидан ғалаба қозониш, денгизларда ҳукмронлик қилган, албастр тахтларда ўтирадиган, худди ўлмас худолар каби маскун, қудратли ботир қаҳрамонлар қавми устидан ғалаба қозониш учун сипқорди.

— Сенга бир нима бўлдими ўзи? — сўрайман Ленехандан. — Уч юзни кутиб, пуч сўзга дуч келган одамдай кўринасан.

— Олтин соврин, — деб жавоб беради у.

— Ким ютди, мистер Ленехан? — сўрайди Терри.

— Реклама, — жавоб беради у. — Бирга йигирма тўланади. Соф аутсайдер (итнинг орқа оёғи). Қолган барчанинг қўли қуп-қурук.

— Баснинг байтали-чи? — Терри яна сўрайди.

— Яқинда етиб боради, — дейди Ленехан. — Биз ҳаммамиз чув тушдик. Бойлан менинг маслаҳатим билан Тожга икки фунт кўйди, ўзи ва яна бир хоним учун.

— Мен ўзим ҳам ярим крон қўйган эдим, — дейди Терри, — Мускатга, менга мистер Флинн маслаҳат берди. Лорд Хауард де Уолденнинг оти.

— Бирга йигирма, — такрорлайди Ленехан. — Шундай бе-маза бир ҳаёт. Реклама, — такрорлайди у, — ҳамманинг бошини айлантириб, ҳаммасини ўз жиғилдонига урди. Эй, Тож, отинг сенинг — маккорлик.

¹ Холи жой (*франц.*).

² Нафратланг англиздан! Маккор Албион! (*Франц.*)

³ Қизил Қўлга Ғалаба (*ирл.*).

Шундай деб, у Боб Дореннинг ту누ка қутисини қўлига олиб, нима қолганинкин деб қарайди, исқирт ит эса ифлос оғзини ланг очиб, бирон нарса тегиб қолармикин, дегандай мўлтайиб туради. Ўчоқ бошида кампир итга суяк қарайди.

— Сенга шимилтирик ҳам йўқ, итвой, — дейди у.

— Думингни хода қилавер, — юпатади Жо. — Мана шу қанжиқ бўлмаса, Тож ютиб чиқарди.

Ж.Ж. билан Фуқаро эса ҳамон тариху қонунлар устида гап сотишади, Блум эса, албатта четда қолмайди, бурнини тикади.

— Айрим кишилар, — дейди Блум, — бировнинг кўзига чўп тушганини кўришади, ўзининг кўзидаги ходани эса ҳатто пайқашмайди.

— *Raimeis*¹, — деб жавоб беради Фуқаро. — Кўрга ойнак танлаб бўлмайди, деб бекор айтмаганлар. Бизнинг йигирма миллион ирландларимиз қаёққа кетди, ҳолбуки ҳозир фақат тўрт миллионгинамиз, қолган бўғинларимизни йўқотдик. Қани бизнинг дунёдаги энг яхши кўзачиларимиз, бизнинг матоларимиз? Бизнинг сукноларимизни ҳали Ювенал замонларида Римда сотишарди, бизнинг канопларимиз, Антримда тўқиладиган камчатти полотноларимиз, Лимерикда тикиладиган тўрларимиз, бизнинг ошланган териларимиз, Баллибох яқинидан келадиган флинтгласимиз, Лионлик Наккар пайтларидан буён бор гугенот поплинимиз, бизнинг тўқилган ипакларимиз, фоксфорд твидимиз, Нью-Россдаги кармелитлар монастирида ишланадиган крем гиппюримиз, бунақаси дунёнинг ҳеч бир ерида йўқ! Ҳозир Гибралтар деб аталадиган ва инсониятнинг душмани томонидан босиб олинган Геркулес устунларидан ўтиб келадиган Вексфорддан сузиб ўтиб улуғ Кармен бозорида Тир алвонлари ва олтин билан савдо-сотик қилувчи грек савдогарлари қани? Тацит билан Птолемейни ўқинг ё лоақал Гиралд Камбрэнлига бир кўз ташланг. Шароблар, мўйналар, Коннемари мраммларлари, Типперэрининг мутлақо тенгсиз нуқра қумушлари, бизнинг отларимиз эса ҳанузгача машҳур, ирланд юкчи зотлари, бизнинг сувларимизда балиқ овлаш учун испан қироли Филипп бизга божхирож тўлагани тайёр эди. Бизнинг барбод бўлмиш савдо-тижоратимиз, бизнинг харобага айланган кулбаи вайроналаримиз учун тиррақи Жон Булл биздан қанча қаралигини ким ҳисоблаб беради? Барроу ва Шанноннинг ўзанлари-чи, улар

¹ Махмадоналик (ирл.).

буни тозалаш ва чуқурлаштиришни истамайдилар, улар бизга миллионлаб таноб ботқоқликларни қолдирмоқчилар, бизни сил-варам бўлиб қирилиб кетишимизни истайдилар.

— Кўп ўтмай Португалиядагига ўхшаб бизнинг ўрмонлари-миздан асар қолмайди, — деб орага гап қистирди Жон Уайз, — ёки худди аллақандай Гелголанд каби биттагина дарахт қўққай-ган ўлка бўлиб қоламиз. Агар ўрмонлар ўстирмасак. Арчалар, эманлар, игнабарглиларга мансуб барча дарахтлар кўз ўнгимизда тугаб боряпти. Мен лорд Кеслтауннинг маърузасини ўқиган эдим...

— Уларни тез қутқариш керак, — дейди Фукаро. — Голу-эйдаги улуғвор шумтол, Килдердаги авлиё Бригиттанинг гу-жуми, кучоқлайман, десанг, қирқ қулоч, бўйига ўлчасанг, юз қулоч, ирландларнинг келажак наслларига Ирландия дарахт-ларини асрамоқ керак, Эйренинг гўзал адирларида! О!

— Европа сизга қарамоқда, — дейди Ленехан.

Бу оқшом бутун Европанинг асл киборлари Ирландия Мил-лий Ўрмонлик Мулклари олий бош нозири буюк шевалие Жон Уайз де Нолан билан Қарағай Водийсидан мисс Санубар Кара-гайн ўрталаридаги никоҳ маросимига йиғилдилар. Леди Эктам Қораўрмон, миссис Куюк Ўрмонли, миссис Ўланой Эрмон, ойи-мқиз Манон Ўрмонча, Миссис Ҳилда Чирик Бутук, миссис Эдна Сен-Шохли, ажралмас дугоналар Норма Қурук-Ўтун ва Порция Занг, миссис Қайин Пўстли, таниқли адиба Жейн Тоғтерак, мис-сис Жулия Тош-Болут, мисс Энн Қорақайин, миссис Элен Ва-ранг, миссис Силвия Улуғ-Чипор, миссис Тебена Ёнғоқ, мисс Урук Топ, мисс Сара Қарағай, мисс Полли Оққарағай, мисс Кит-ти Кедри, миссис Мона Гул-Барг, опа-сингил мисс Лилия ва мисс Виола Ниҳол-Нек, миссис Чирмовуқ Ўрал-Ёпиш, мисс Лаура Мирт, мисс Орхидея Тоғли, миссис Майра Лол-Лоло, миссис Гортензия Флок, ойимқиз О'Мимоза-сан ҳамда Эрман толлик миссис Глория Тўнка-Нав никоҳ тантаналарининг чин беагаи бўлдилар. Катта Ёнғоқлик муҳтарам эсквайр Лоло-Қарағайнинг қизи бўлмиш келин нафислик ва малоҳатнинг мислсиз тимсоли бўлиб, кулранг қопламали бурама Зумрад шохи либосда чорси зумрад-кўк белбоғ ўраган, ундан бироз тўкроқ рангда уч қатор кежим-бурама солдирган ва барча бу гўзалликлар устига нозик бели атрофига ҳалқачалару шаболуд тусли попукчалар қатор ти-зиб тикилганди. Қарағайлар хонадонидан бўлмиш мисс Пиния ва мисс Туя қаллиқнинг яқин қариндошлари бўлиб, улар ҳам келинга рангу-рабада айни мос либослар кийишган, фақат либос-

ларга нимпушти резалар тортилган, ушбу нафис ишланмалар яшил яшм тусли, Турна патларининг оқиш маржонларидан ясалган укпарлар билан безатилганди. Арғанун чалиб ўтирган сенйор Энрике Флор ўзининг донғи кетган санъатини намойиш этиб, никоҳ маросимида одатда доим ўйналадиган музыкага қўшимча қилиб, «Ўрмончи, ўрмончи, сен бу болутни кесмагил» деган қўшиқни ажойиб бир тарзда янги йўсинда ижро этди. Ёшлар Папанинг фотиҳасини олиб, эманзордаги Авлиё Фақир черковини тарк этишаркан, қувноқ ҳазиллар билан уларни бошларидан ҳар турли ёнғоқлар, уруғлар, лавр япроқлари, тол қўзиқулоқлари, мажнунтол новдалари, акас мевалари, омела чўпичаклари ҳамда пастак арча куртакларини дув-дув сочдилар. Мистер ва миссис Уайз Қарағайн Нолан ўз асал ойларини биргаликда Қора Ўрмонлиқда ўтказдилар.

— Биз эса Европага қараймиз, — дейди Фуқаро. — Шу лайчалар ҳали кўзи очилмаган кучук эканида биз Испания билан ҳам, французлар ва ҳолландлар билан ҳам савдо-сотик қилганмиз, испан кемалари Голуэйга кайфиятни чоғ қилувчи нарсаларни кўтариб, арғувоний денгиз узра арғувоний майлар ортиб етиб келишган.

— Ҳали яна сузиб келишади, — дейди Жо.

— Бокира қиз Биби Марямнинг мадади билан яна келишади, — деб такрорлайди Фуқаро тиззасига қарсиллатиб уриб. — Ҳувиллаб қолган бандаргоҳларимиз яна гавжум бўлади, Куинстаун, Кинсейл, Голуэй, Блэксод-бэй, Вентри Керри графлигида, дунё бўйича катталиқда учинчи Киллибегс ҳаммаси-ҳаммаси, кемаларнинг мачталари ўрмон бўлиб кўринади, Голуэйлик Линчлар тўпининг, Кавана О'Рейли, дублинлик О'Кеннедиларнинг қатор-қатор кемалари, граф Десмонд билан эса император Карл Бешинчининг ўзи иттифоқ тузганди. Ҳа, сузиб кетишади, — деб эзади у, — одамлар ҳали биринчи ирланд зирҳли кемасини ҳам ўз кўзлари билан кўражаклар, у Хенрих Тюдорнинг қарғиш урган арфа шакли туширилган байроғи билан эмас, йўқ, бизнинг ўзимизга тегишли байроқ, мовий дала узра уч олтин тож, Милезийнинг уч ўғлони тасвирланган Десмонд ва Томонд вилоятларининг энг қадимги байроғи остида денгизларни ёриб ўтажак.

У шундай деб, қадахни тўла сипқоради. Моуа¹. Худди гўн-қўнғиз каби қаҳрли. Бизни лақиллатмоқчи бўлади. Ўзининг сарик

¹ Наҳотки (ирл.).

чақага арзимайдиган валдиранши билан Шейноголденда халқ ол-дига қани чиқиб кўрсин-чи, у ерда қорасини ҳам кўрсатмайди, нега десангиз, Молли Магуайр унга кўрғошин уруғини ҳозирлаб кўйган, шеригини кувиб мол-қолини босиб олгани учун.

— Ўху, ўху, — дейди Жон Уайз, — бу гапни бир эшитинг-а. Нима ичасан?

— Қирол суворийлари далда учун ичадигани бўлсин, — жавоб беради Ленехан.

— Яримтани ёнига қўшиб олиб кел, Терри, — деб буюради Жон Уайз. — Ҳой, Терри! Ухлаб колдингми?

— Хўп бўлади, сэр, — дейди Терри. — Яримта виски билан бир шиша эль. Олиб боряпман, сэр.

У Олф билан анови битлиқи газетчадан бошини кўтаролмайди, хизматни жойига қўйиш ўрнига бузук расмларни қидиради. Бир-бирларига калла уриб уришаётган одамлар, бирови бошқасига калласини буқадай эгиб ҳужум қиляпти. Яна бир сурат: Жоржия штатининг Омаха шаҳрида қорамолни мана шундай ёкиб юбордилар. Ковбой шляпаларини кўзларигача бостириб кийган бир тўда шоввозлар дарахтга осилган қора танлига ўқ ёғдиришади, бечоранинг эса тили осилиб қолган, пастда гулхан ёқилган. Вой-ей, уни энди денгизга чўктириш, электр курсига ўтказиш ва хочга ёпиштириш қолибди, холос, шуларни ҳам қилсалар кўнгиллари жойига тушарди, ғалабага ишончлари ортарди.

— Енгилмас флот нима бўлади, — сўрайди Нед, — барча душманларни титроққа солган?

— Мен сизга бу ҳақда бир гапни айтиб бераман, — дейди Фуқаро. — Бу ер юзидаги энг ваҳший жаҳаннам. Портсмутдаги машқ кемаларида таёқ билан калтаклашлар тўғрисида газеталарни ўқиб кўринг. «Норози» деган имзо қўйиб аллаким ёзган.

Шундан кейин бизга қийноққа солиб жазолашлар ҳақида кўпира кетди, бутун команда на зобитлар саф тортишади, уч-бурчак бош кийимидаги адмирал ҳам шу ерда, протестантлар Инжилини қўлида тутган пастор ҳам бор, қисқаси, жазо чоғида ким бўлиши зарур бўлса, барчаси ҳозир. Тинмай бўралаб сўкинаётган шўрлик йигитчани келтиришади, замбаракнинг лафетига ётқизишади, ўраб боғлашади.

— Буни эски бандит сэр Жон Бересфорд чекилган лаққа гўшт ва қайноқ камчилар деб атаган, — дейди Фуқаро. Ҳозирги Кромвеллар буни денгиз расм-русуми дейишади.

Жон Уайз орага гап қўшади:

— Сақлагандан кўра йўқотган маъқул одат.

Анов эса ҳикоясини давом эттиради, узун таёқ кўтарган кема нозири чиқади ва бечорани бўкиртириб савалашга тушади.

— Мана сизга шон-шуҳрати кетган Британия флоти, — дейди Фуқаро — У ер юзида ҳукмрон. Булар эса ҳеч қачон кул бўлмайдиган азамат йигитлар, Худонинг ёруғ дунёсида уларнинг биттагина меросий палатаси бор, барча ерлар эса ит овидан бошқа ҳеч нарсани тушунмайдиган димоғидан қурт ёққан баронлару буқамўйинларнинг қўлида, улар мақтанган буюк империя мана шу, оғир меҳнат билан калтаклаб абгор қилинганларнинг — қулларнинг империяси.

— Унинг узра ҳеч қачон қуёш чиқмагай, — қўшиб қўяди Жо.

— Бутун фожиа мана шундаки, — деб давом этади Фуқаро, — уларнинг ўзлари бунга ишонадилар. Шўрлик ёввойилар ишонадилар бунга.

Таёқни тарбия деб билиш, терини шилиб олиш, ер юзини дўзахга айлангиришга, ўткинчининг боласи, қорни оч Мэри бузук дунёга келтирган матрос Жекка ишонадилар, кироллик флоти учун туғилган, қийма гўшт ва қайноқ дарра азобини тортган, бичилган, тўқмоқланиб абгор қилинган, ваҳший ҳайвон мисоли бўкирган, қўлланма бўйича учинчи куни каравотидан турган, бандаргоҳга келиб, таёқлар зарбидан зир қақшаган орқасини ерга қўйиб яна буйрукни кутиб ўтирган ана шу бола бўлади, кейин яна бир бурда нон учун у кўрадиганини кўраверади.

— Аммо ахир, — орага суқилади Блум, — тартиб-интизом ҳамма жойда бир эмасми? Мен айтмоқчиманки, агар сиз кучга қарши ўз кучингизни ишлатсангиз, яна шундай натижага эришмасмидингиз?

Ана, мен сизга нима девдим? Шу ичиб турган шаробим менга насиб қилмасин, агар у охириги қатра нафасигача сизга қорани оқ деб исботлашга уринмаса.

— Биз кучга қарши куч қўямиз, — дейди Фуқаро. — Бизнинг океан ортида улуғ Ирландиямиз бор¹. Мудҳиш қирк еттинчи йилда уларни кадрдон уйлари, она юртларидан қувиб чиқаришди. Уларнинг лойдан ясалган кулбалари ва йўл бўйларигаги хужра, капаларини ер билан яксон қилишди. «Таймс»да эса юраксиз сакс-

¹ Ирландлар XIX асрда оммавий суръатда АҚШга кучиб борганлар. Ирландлар Қўшма Штатларни шундай деб атаганлар.

ларга яқинда Ирландияда ирландлар Америкадаги қизилтанлилардан ҳам камайиб кетади, деб хабар беришди. Ҳатто турк подшоши бизга қўлидан келганча ёрдам кўрсатди. Аммо сакслар миллатни атайлаб очарчиликка гирифтор этиб, уни бўғиб ташлашга уринишди, гарчи ердан мўл ҳосил олинган бўлса-да, Британия чиябўрилари ҳаммасини кўтара сотиб олиб, Рио-де-Жанейрода пуллашди. Улар деҳқонларимизни тўда-тўдалаб ҳайдашди! Уларнинг йигирма минги сузувчи тобутларда ҳаёт билан видолашди. Аммо озод одамлар диёрига етиб олганлар, қулдай ҳаёт кечирган ерларини унутмадилар. Улар ҳали қайтиб келишади ва қасдларини олишади. Булар сизга сувга бўккан товуклар эмас, Грануйлнинг ўғлонлари, Кэтлин-ни-Хулиханнинг ҳимоячиларидир.

— Жуда тўғри, — яна Блум ўз айтганидан қолмайди, — лекин мен шуни назарда тутган эдимки...

— Ҳа, биз буни қачонлардан бери кутамиз, Фуқаро, — деб орага киради Нед. — Шўрлик кампирино бизга французлар кирғоғимизга тушишди, деб хабар берганидан буён кутамиз. Ўшанда улар Киллалага тушган эдилар.

— Тўғри, — дейди Жон Уайз. — Биз Сткюартлар учун жанг қилдик, улар бизни сотиб, вилямчиларга тутиб беришди. Пирмерикни ҳам эсланг, тош шартномасининг бузилишини эсланг. Бизнинг энг яхши йигитларимиз Франция ва Испания учун кон тўкишди, ёввойи ғозлар! Фонтенуа жангининг ўзи нималарга арзимади! Сарсфилд-чи, О'Доннел-чи, Испанияда герцог Тетуан-чи, Камуслик Улисс Браун чи, Мария Терезия лашкарининг фелдмаршали. Лекин биз буларнинг эвазига бирон марта бирон нима олдикми?

— Французлар! — пиркирлайди Фуқаро — Билмагандай гапирасиз-а. Ирландия учун уларнинг сариқ чақалик қиммати йўқ. Ҳозир улар улардай жон куйдиришяпти, *entente cordiale*¹ деб, маккор Англия билан оғиз-бурун ўпишяпти, худди Тэй Пэй зиёфатларидай. Улар Европанинг биринчи ўринли ғаламислари, доим шундай бўлиб келган!

— *Conspuez Les Francais!*² — дейди Ленехан пиво кружкасини кафтлари орасига олиб.

¹ Юракдан муроса (фран.).

² Нафратланинглр французлардан! (Фран.)

— Пруссаклар ва ганноверликларни айтмайсизми, — маъкуллайди Жо, — тахтимизда бастард-колбасачилар оз ўтирдими? Курфюрст Георгдан тортиб анов немисгача, ундан анов қорни қаппайган қари манжалақигача, яхши, яқинда тиррак-дек қотибди?

Кейин у пушти ойнак такқан кампиршо Викни шундай тасвирлаб бердики, Худо урсин, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулиб-миз, қаранг, дейди, канда қилмай хар оқшом кампир қирол саройида бир кўзача тугамай иккинчисини очтириб шаробу шарбатни лўқ-лўқ ичади, улардай ичиб, чийиллашга тушгандан кейин аравакаши келиб шартта кўтариб олади-да, тўпакка бўғчадай итқитади, кампиршо эса унинг соқол мўйловларидан тортиб Рейн бўйидаги Эрен ҳақидаги моғор босган ашулаларини айтади, у ерларда арзон ичкилик бисёр, дейди.

— Нима ҳам қилдик! — дейди Ж.Ж. — Зеро, энди тепа-мизда Эдуард сулҳпарвар ўтирибди.

— Тентакларга айтинг бу чўпчакни, — дейди унга Фуқаро. — Бу айғирнинг тинчлик у ёқда турсин, сўзак юқишидан бошқа дарди йўқ. Эдуард Гвелф-Веттин!

— Ановлар-чи, улар ҳақида нима дейсиз, — пичинг қилади Жо, — мен анов авлиё таъвияларни, ирланд поплари ва епископларини айтяпман, улар қиролнинг Мэйнутдаги харамини уларнинг сассиқ кўзиқоринлари, яъники Британия аъло ҳазратларининг пойга тамғалари-ю, чавандозлари минадиган барча отларнинг суратлари билан безатиб чиққанларига нима дейсиз?

— У ерга у минган барча хотинларнинг ҳам суратлари қўйил сайди, — деб таклиф киритади Олф.

Бунга Ж.Ж. сиполик билан жавоб беради:

— Уларнинг ҳазрат ҳузурларидан жой етишмагани боисидан бу фикрдан қайтганлар.

— Яна битта оларсан, Фуқаро? — сўрайди Жо.

— О, албатта, сэр, — дейди анов.

— Сен-чи? — дейди Жо менга.

— Чексиз миннатдорман, — дейман. — Худо давлатингни мундан ҳам зиёда қилсин.

— Бизга яна олиб кел, — буюради Жо.

Блум эса калласига қорақўнғирлойботқоқ рангли бош кийimini кўндирганча Жон Уайз билан гуфтигўни авжга миндиради, хурушга киради, кўзлари соққадай соққадай бўртиб чиқади.

— Таъқиб-тазйиклар, — дейди, — бутун дунё тарихи улар билан тўлиб ётибди. Миллатлар орасига низо, нифоқ солишади.

— Сиз биласизми ўзи, миллат нима дегани? — деб сўрайди Жон Уайз.

— Ҳа, — дейди Блум.

— Унда нима бу? — сўрайди Жон Уайз яна.

— Миллатми? — дейди Блум. — Миллат бу бир ерда яшовчи одамлар.

— Вой, ичагим узилиб кетди-ей, — кулади бунга Нед. — Ундай бўлса, миллат бу мен эканман, мен беш йилдан бери бир ерда яшайман.

Шунда ҳаммалари Блумни кулги қилдилар, у эса ноқулай аҳволдан чиқишга уринади:

— Балки, турли ерларда яшовчи кишилардир.

— Бунисига мен тўғри келаман, — дейди Жо.

— Билсак бўладими, сизнинг миллатингиз нима ўзи? — сўрайди Фуқаро анунақароқ бир писмиқлик билан.

— Ирландман, — жавоб беради Блум, — Мен шу ерда туғилганман. Ирландияда.

Фуқаро индамади, лекин оғзини очиб шундай кўлоблатиб тупурдики, денгизнинг катта чиганоғи узоқ бурчакка бориб тушгандай бўлди.

— Хўп, қани, олдикми, Жо, — дейди у бўйнини артиш учун чўнтагидан рўмолчасини чиқариб.

— Олдик, биродар, — деб жавоб беради у. — Буни ўнги кўлингизга олиб, мен билан бирга манави сўзларни такрорланг.

Ирландларнинг сирли кашта билан қопланган кўҳна бебаҳо гаврапўши, уни ривоятлар Баллимот Битигининг муаллифлари дромалик Соломон ва Манус Томалтах-ог-Мак-Данох номларига олиб бориб тақашади, бағоят эҳтиёткорлик билан ташқарига олиб чиқилди, ҳамма оҳ-воҳ қилиб ҳайрат бармоғини тишлади. Унинг чор бурчи мислсиз маҳорат чўққиси, лекин биз шуҳрати самоларга ёйилган бу мафтункор гўзалликни таъриф-тавсиф қилиб ўтирмаймиз; фақат шуни айтиб ўтамизки, уларда тўрт устазодага ўзларининг тезобланган эман таёғи, Шимолий Америка сиртлони (йўл-йўлакай шуни ҳам эслатиб ўтайликким, бу Британия туғросига сурати нақшланган махлуқнинг акси ўлароқ хайвонларнинг олижаноб шоҳидир), Керри буқаси ҳамда Каррантухилл олтин бургути сингари хушхабарга оид рамзларини

топираётган түрт Хушхабар котибларини аниқ кўриш мумкин эди. Бўялган майдон эса бизнинг қадимги дунлар, ратлар, кром-лехлар ва гринонлар¹, шунингдек, бошқа маърифатгоҳлар, бўлиб ўтган кулфатларнинг тош қубба ёдномалари билан қопланган бўлиб, улар Слайго мусаввирлари ўз хаёлий тасаввурларини жиловсиз қўйиб юборган Бармоқийлар кўҳна замонларидаги каби шунчалар нафис ва бўёқлари ҳам шунчалар нозик-ингичка эди. Глендалох, мафтункор Килларни кўллари, Кланмакнойс харо-балари, Конг аббатлиги, Глен Ин ва ўн икки Қайроғоч, Ирландия Нигоҳи, Талл Кўк Адрлари, Крок-Патрик, Артур Гиннес, ўғли ва Компаниянинг (МЧЖ), пиво пишириш фирмаси, Лох-Ней соҳиллари, Овоки водийси, Изолда минораси, Мейс эҳ-роми, сэр Патрик Дун касалхонаси, Клир кўрфази, Ахерлоу водийси, Линч қасри, Скотч-хаус, Локлинстаундаги Рэтдаун ётоқхонаси, Толламор турмаси, Касл-коннел, Килбал-лимак — шонакилл тош соҳиллари, Монастербойс Хочи, Жури отели, Муқаддас Патрик Аърофи, Буғу Сакраган, Мэйнут коллежи ош-хонаси, Кэрлис-хоул, герцог Веллингтон биринчининг учта ту-ғилган ери, Кэшел қояси, Аллен ботқоғи, Генри-стрит омборхо-налари, Фингал мағораси — ушбу жойларнинг ҳаяжонли тас-вирлари ҳамон нигоҳлар ўнгида. Неча-неча замонлар ўтган бўлса ҳам, қанча-қанча жала ёмғирлар остида қолса ҳам, не-не қатлам-лар устига қат-қат ўтса ҳам, улар ҳамон гўзал ва борган сари янада гўзал бўлиб бораверади.

— Идишларнинг қайси бири кимшики? — дейман Жога қа-раб. — Бизга ажратиб бер.

— Манави меники, — дейди Жо, — шайтон ўлик поли-сменга шундай деб айтган.

— Шунга ҳам айтишим керакки, — деб гапини давом эттирди Блум, — мен одамлар унча хуш кўрмайдиган, таъқиб-таъйикқа оладиган қавмга ҳам тегишлиман. Ҳали ханузгача тинч қўйиш-майди. Шу тобда ҳам, ҳатто шу ернинг ўзида ҳам.

Вой худойим-ей, сигараси тутаб тутаб бармоқларини куй-дирипти я.

— Талон торож қилишади, — деб давом этади Блум. — Талашади, тортиб олишади. Таҳқирлашади. Таъқиб этишади. Бизга тегишли нарсаларни тортиб кетишади. Айни мана шу да-

¹ Кўрғонлар, қалъалар, тош саройлар, очиқ саҳналар (ирл.).

қиқада, — дейди у ва муштини кўтаради, — Марокашда кимошди савдосида худди қулдек, қорамолдек сотишади.

— Сиз нима, янги Қуддусни гапиряписизми? — ўсмоқчилайди Фуқаро.

— Мен адолатсизликни айтяпман, — жавоб беради Блум.

— Майли, — дейди Жон Уайз. — Унда қаршилик кўрсатинг, куч ишлатинг мундоқ эркакка ўхшаб.

Ана унда хўп томоша бўларди-да. Ўпирувчи ўққа нишон. Замбараклар оғзида турган қари салқиган башара. Лекин қўлига узун супурги тутқизиб қўйилса, жуда ярашарди-да. Яна тасмалари боғланган пешбанд ҳам тутган бўлса. Кейин бирпасда унинг юраги орқасига тортиб кетади, энди у бутунлай бошқача нарсаларни айлантиради, шўринг қурғур ожиз банда, латта.

— Лекин фойдаси йўқ буларнинг барининг, — жавоб беради у. — Куч-қудрат, нафрат, тарих, ҳаммаси. Ҳақоратлар ва нафрат, одам бундай яшамаслиги керак. Ҳақиқий ҳаёт — бутунлай бошқа нарса, буни ҳамма билади.

— У қандай бўлади? — сўрайди ундан Олф.

— Муҳаббат, — жавоб беради Блум. — Мен нафратнинг акси бўлган нарсани айтяпман. Мен ҳозир боришим керак, — дейди у Жон Уайзга қарата, — шу яқин орада, судга кириб чиқаман, Мартинни кўришим керак. Агар у келиб қолса, илтимос, унга айтиб қўйинг, мен тезда қайтиб келаман. Бораману келаман.

Э, ҳей, ким сени ушлаб турибди ўзи? У йилт этган йўғон йилдиримдек дик этиб ёйиб бўлди.

— Мажусийларнинг янги ҳаворийси, — миғирлади Фуқаро, — Ҳаммага муҳаббат.

— Нима бўлибди, — дейди Жон Уайз, — бу бизнинг қулоғимизга қоқишаётган нарсанинг худди ўзи-ку? Ўз яқинингни сев.

— Ким дейсиз? Мана шу ўрдакми? — дейди Фуқаро унга. — Биласизми унинг шиори нима? Ўз яқинингни тала. Manim муҳаббатим! Ромео ва Жулетта, тоза нусха.

Севги севгини севишни севади. Тиббий ҳамшира янги аптекачини севади. 14 А тамғали констебль Мэри Келлини севади. Гerti Макдауэлл велосипедли йигитчани севади. М.Б. чиройли сариқ кишини севади. Ли Чи Хан яхши кўради ўлиб қўяди Ча Пу Чжони Юмбо деган фил Алиса деган филойимни севар, қулоғига эшитиш учун овоз чаноғи таққан қария Вершойл ясама кўз қўйган кампир миссис Вершойлни севади. Жигарранг

макинтош кийган одам ўлиб кетган аёлни яхши кўради. Кирил Олий ҳазратлари Қиролича Олия ҳазратларини севадилар. Миссис Норман В. Таппер капитан Тэйлорни севар. Сиз кимдир сеvasиз. Ўша кимдир яна аллакимни яхши кўради, чунки ҳар ким аллакимни севади, Худо эса ҳаммани севади.

— Майли, бупти, Жо, — дейман, — соғ бўл ва кўниқ айт. Сенинг эса куч-қувватинг ортсин, Фуқаро.

— Яшасин! — букиради Жо.

— Худо, Мария ва Патрик сизга ёр бўлсин, — дейди Фуқаро.

Кейин томоғини ҳўллаш учун чоғирни оғзига тўнтиради.

— Биламиз биз унинг ашулаларини, — дейди у. — Насихатни коқлайди, ўзи чўнтагингни коқлайди. Дрогедда барча хотинхалаж, бола бақрани қиличдан ўтказган анов художўй Кромвел билан унинг Темирбелларига ўхшайди. Уларнинг замбаракларининг оғзига Инжилдан олинган «Худо муҳаббатдир» деган сўзлар ёзиб қўйилганди. Инжил! Бугунги «Юнайтед айришмен»да зулус қабила бошлигининг Англияга келгани ҳақидаги маколани ўқимадингизми?

— Йўқ, нима дебди? — сўрайди Жо.

Фуқаро ўзининг шахсий архивидан газетанинг сонини чиқариб, бизга ўқишга тушади:

— Манчестер шахрининг энг йирик пахта магнатларининг бир гуруҳи кеча Протоколнинг навбатчи бошлиғи Кераксиз-Жойдаги Кераксиз Процедурадан келган лорд Процедур томонидан Аляки Обеакут аъло ҳазратларига тапиштирилиб, инглиз савдо-саноат доираларининг унга тегишли мамоликларда катта имтиёзлар яратиб берилгани учун кайноқ миннатдорчиликлари аъло ҳазратларига изҳор этилди. Гуруҳ аъзоларига пешкаш қилинган зиёфат охирида қора танли ҳукмдор ёрқин нутқ ирод айлади, унинг нутқи британ капеллани ҳазрат Аланий Худотарс Барбон томонидан эркин таржима қилиб турилди. Аъло ҳазрат ўз сўзида масса Процедурага миннатдорлик билдириб, Обеакут билан Британия империяси ўртасидаги муносабатларнинг самимийлигини таъкидлади, унинг учун оқ танли аҳолининг йўлбошчи маликаси, буюк скво Виктория хотун томонидан Саодатманд Тухфадорнинг шахсий дастхати билан лутфан тақдим этилган суратли Инжил, Англиянинг қудрати ҳамда Худо каломини муҷассамланган Китобни мен ўзим учун энг улуғ бебаҳо тухфа деб биламан деб қизгин ташаккур айтди. Шундан сўнг ҳукмдор

Алаки «Оқлар ва қоралар» учун қадах кўтариб, аёло навли ирланд вискиси билан тулдирилган чанокни бир қултум қолдирмай бўшатди, бу ерда шуни ҳам эслатиб ўтишимиз керакки, ушбу чанок Какачакачаклар сулоласининг тахтида ундан олдин ўтирган Қирқ Учук номи билан танилган ҳукмдорнинг бош суягидан ясалган эди. Шундан сўнг у Пахтаполисининг энг йирик фабрикаларидан бирида бўлиб, Ташрифномалар китобига ўз кўшув аломатини чекди, сўнг Обакутнинг энг қадимги мафтункор жанговар рақсини ижро этди, рақс чоғида жуда кўп пичоклар ҳамда санчқиларни бўғзига тикиб ютиб юборди, навқирон ишчи қизлар бундан беҳад завқланиб тинмай чапак чалиб туришди.

— Бева малика, — дейди Нед, — ҳар қандай шубҳадан холи. Аммо қизиқ, аёло ҳазрат Инжилни менга ўхшаб ишлатмаганмикин?

— Шундай ишлатган, балки ундан ҳам яхши ишлатган, — ишонч билан сўзлайди Ленехан. — Зеро, ўшандан сўнг ўша ҳосилдор бўлиқ ерда япроқлари супрадай манго дарахти қулф уриб кўкарди.

— Ким ёзибди, Гриффитми? — сўрайди Жон Уайз.

— Йўқ, — дейди Фуқаро. — «Шангана» деб имзо чекилмаган. Фақат П. ҳарфи қўйилган.

— Қаранг, қойилмақом имзо, — дейди Жо.

— Уларнинг қиладиган ишлари шундай, — дейди Фуқаро. — Байроқ орқасидан савдо-сотик боради.

— Шундай, — деб тасдиқлайди Ж. Ж., — агар улар ўзларини Конгодаги белгияликлардай тутсалар, унда ҳаёт хароб бўлади. Сиз анов маърузани ўқимадингизми, ким ёзган эди...

— Кейнсмент, — эслатади Фуқаро. — Айтганча, у ирландиялик.

— Тўғри, тўғри, ўша, — деб давом этади Ж.Ж. — Аёллар, қиз болаларни зўрлашади, ерликларнинг қорнига уришади, шундай қилсак, улардан охирги қизил каучукни ҳам сиқиб оламиз, дейишади чоғи.

— Билдим унинг қаёққа кетганлигини, — дейди кутилмаганда Ленехан ва бармоқларини касирлатади.

— Ким? — деб сўрайман ундан.

— Блум, — дейди у. — Судга бораман дегани кип-қизил ёлғон. У Рекламага пул тиккан, ўшанга фойдасини супуриб олгани югуриб кетди.

— Нима, анов кўзи оқ занжими? — ишонқирамайди Фукаро, — Э, ўла қолса ҳам, ҳатто отга пул тикмайди у, ҳатто зардаси қайнаса ҳам, тикмайди.

— Йўқ, у ўша ёққа жўнади, — айтганидан қолмайди Ленехан. — Мен ҳали Бэнтам Лайонсни учратган эдим, у худди ўша отга пул тикмоқчи бўлиб турган экан, мен уни қайтардим, у менга Блум мени шунга ундади, деди. Нимага хоҳласанг, шунга гаров ўйнайман, у ҳозир қўйган беш шиллингини юз шиллинг қилиб йиғиштириб оляпти. Бутун Дублинда бундан ортиқ катта пул ўмарган йўқ. Номаялум отга пул тикканини қаранг.

— Унинг ўзи жин чалган номайлум от, — тўнғиллайди Жо.

— Қани, мени ўтказиб юбор-чи, Жо, — дедим. — Бу ердан чиқишнинг кириши қаерда?

— Хўв, у ёқда, — бошини қимирлатади Терри.

Яхши қол, Ирландия, мен Горт томонга кетдим. Хўб, орқа томонга бўшангани чиқдим, э Худо урсин агар (беш шиллингга юз шиллинг) у ерда чоптириб турганимда (Реклама йиғирмага аллақанчани уриб қўйди), захарим танғигани ариб ўз-ўзимча бир нималарни ҳисоблаган бўламан, Худо ҳақи у (Жо қовоқ хонасида икки пинт¹ ва Слэттерида бир пинт ичди), бирон ёққа чиқиб кетгиси келади-да (юз шиллинг деганинг ҳам ахир беш фунт да) улар (иси миси номайлум) жойда яшашганда Секун айтиб берган эди қарта ўйнаб ўтиришаркан ўзларини боласи касалдай кўрсатишаркан (бунинг устига ичгани беш литрдан асло кам эмас) шунақа пайтда унинг думбадор хотинчаси ички телефондан хабар бераркан менинг аҳволим яхши ёки аҳволим (оҳ!) ёмон деб бу гапнинг режаси шуки, эрим қулай пайтни топиб ютиб турганда қочиб қолсин деркан, бунинг устига (пешоб қопчаси ёрилиб кетмаганини қаранг) патент олмай туриб савдо-сотик қилади (оҳ!), Ирландия менинг миллатим дейди (пурр! пўкпўкпўк!), йўқ бу жинчалган Иерусалим мўғизбардорларидан (уф!) ҳеч қачон (оҳ-ей, охиргиси ҳам чиқди) ўзиб кетолмайсан.

Узун гапнинг қисқаси, мен ичкарига қайтиб кирдим, ҳам-малари вағир-вуғур гап сўқишяпти, Жон Уайзнинг бидир-бидир ҳикоя қилишича, гўё Блум шинфейнчиларнинг қулоғига шипшиб қўйган эмиш, Гриффит ўзининг газетасида вакиллар

¹ Пинт — ярим литрдан ошиқроқ (тарж.).

гуруҳининг турли-туман найраиғлари, қаллобликларини фош қилиб ташласин ёхуд солиқлар борасидаги фирибгарликларни рўйрост очсин, ундан кейин ҳамма мамлакатларга вакиллар жўнатиб ирланд товарлари савдосини кучайтирсин. Хуллас, бигиз сотиб совун олсин. Бу ёғи мен сизга айтсам, ғирт зимистон, агарда анов кўзи қисик таъвия бизнинг ишларимизга бурнини суқа бошласа борми, сўнг асти қўяверинг. Қўйинг, бизга қандай ўлишни ўргатманг. Худоё-худовандо, Ирландияни жир босган шумлардан ва уларга ўхшаганлардан ўзинг асра. Мистер Блум ва унинг шахер махерларидан ўзинг паноҳ бер. Ундан илғари отаси муттаҳамлик қилиб кун кўрган, қари Мафусаил Блум, йўлтўсар бизнесмен, заҳар ичиб ўлди, лекин ўла-ўлгунча бутун мамлакатни тақир-туқурларга, сариқ чақага арзимайдиган бриллиантларга тўлдириб ташлади. Қулай шартлар билан почта орқали қарз кўтариш. Тилхат орқали истаган миқдорда пул жўнатилади. Масофа чекланмайди, Кафолат талаб этилмайди. Нақ Ланти Макхейлнинг кучукчасига ўхшайди, ким кўринса шунга думини ликиллатади.

— Бу чин гап, — дейди Жон Уайз, — Мана, бу нарсаларнинг барини ипидан игнасигача биладиган одам ҳам келиб қолди, Мартин Каннингем.

Ҳақиқатан ҳам, бино олдиға муниципалитет кэби келиб тўхтади, унинг ичида Мартин, Жек Пауэр ва яна бир нусха ўтиришарди, бу тусинг қурғурнинг оти Крофтерми ё Крофтонми, шунга ўхшаганрок, ўзи норанжбардорлардан, божхона идорасидан нафақа олади, яна Блэкбернинг юмушларини бажаради, унга бутун мамлакат бўйлаб давлат ҳисобидан лақиллаб юрганиға пул тўлашади, ё оти Крауфорд эдими, а?

Йўловчилар карвонсарой олдида тулпорлардан ерга тушишди.

— Ҳей, хизматкорлар! — деб қичқирди янги келганлардан бирови, кўринишдан у буларнинг йўлбошчисига ўхшарди. — Ярамас ландавурлар! Бери келинглар!

Шундай деб қичқириб, у қиличнинг сопи билан очиқ деразанинг панжарасини тақиллата бошлади.

Унинг чақириғига жавобан дарҳол йўл-йўлакай плашчининг белбоғини боғлаган қовоқхона хўжайини лаббай деб чикди.

— Хайрли оқшом, марҳаматли жаноблар, хуш келибсиз! — деб қарши олди уларни ялтоқланиб таъзим қилиб.

— Тез қимирла, жонинг борми, ишёқмас! — деб қичқирди унга панжарани тақиллатаётган. — Айт бизнинг от-аравамизға

қарашсин, нималаринг бор бу харобангда, нима яхши парсанг бўлса, ҳаммасини олиб кел, қорнимиз оч.

— Афсус, марҳаматли жаноблар! — деб жавоб берди бунга ковоқхоначи. — Ғариб уйимизда ҳеч вақо йўқ, омборхона ҳам, қазноқ ҳам бўм-бўш. Бошим қотиб қолди, сиз жанобларга нима таклиф қилсам экан?

— Сен нима деб вақиллаяпсан ўзи? — деб қичқирди бу сўзларни эшитгач келувчиларнинг иккинчи бирови, бу одамнинг истараси иссиқ, чехраси ёқимли эди. — Сен ҳали қирол чопарларини шунақа қарши оляпсанми, қорнингни қара, муттаҳам!

Кўз очиб юмгунча хўжайиннинг туси ўзгарди.

— Марҳабо, марҳабо, азиз валломатлар! — мулойим ўтинди у. — Сиз қиролимизнинг (Олий ҳазратларини Худо ўз паноҳида асрасин!) чопарлари бўлсангиз, бор-йўғимизни муҳайё қиламиз. Қирол (Олий ҳазратларини Худо ўзи ёрлақасин!) ҳазратларининг дўстлари менинг уйимни ўз уйларидай билсинлар.

— Қани, бўлмаса тез-тез ҳаракатишгни қил! — деб буюрди олдин индамай турган йўловчилардан бири, унинг бутун қиёфасидан яхши еб-ичишга суяғи йўқлиги кўриниб турарди. — Қани, бизни нималар билан меҳмон қилмоқчисан?

Хўжайин яна бури ерга теккунча таъзим қилиб, жавоб берди:

— Эй, мухтарам валломатларим, марҳамат қилгайсиз, ёш кабутар гўштидан қиймам бор, буғу гўштидан бифштекс, бузоқнинг бели, қип-қизил беконда ковурилган ўрдак, писта солинган тўнғиз калласи, ширин қайнама крем, қора четан шарбати билан пудинг ва кўзаларда кўҳна рейн виноси. Бўладими?

— Яшавор! — қичқирди бояғи киши. — Буни тушунса бўлади! Писталар-а!

— Ўху! — кулди истараси иссиқ йўловчи. — Ана сизга ғариб кулба-ю, бўм-бўш қазноқ! Бу ярамас тоза ҳазилкаш чиқиб қолди.

Шулардан сўнг Мартин кириб келиб, Блум қани, деб сўради.

— Қаерда бўларди? — жавоб қилди Ленехан. — Бева-бечораларнинг чўнтагини қоқлаб юрибди.

— Мен Фуқарога Блумнинг Шинн Фейн билан алоқаси борлигини айтиб турган эдим, — дейди Жон Уайз. — Шу гап тўғрими, йўқми?

— Ҳа, рост гап, — дейди Мартин, — ҳар қалай, шундай узунқулоқ гаплар юради.

- Ким узунқулоқ гап қилади? — сўрайди Олф.
- Мен, — дейди Жо. — Менинг узун қулоқчиним бор.
- Бирок, ҳар қалай, — деб минғирлайди Жон Уайз, — нега энди яҳудий худди бошқалардек ўз юртини севмасин?
- Нима халал беради унга? — дейди Ж.Ж. бунга жавобан. — Агар ватани қаердалигини билса, севаверсин.
- Унинг ўзи ким, яҳудийми ё мажусийми ёки католик ё методист ёки жин урсин, яна бошқа бир нарсами? — сўрайди Нед — Умуман у ким ўзи? Сиз мендан хафа бўлманг, Крофтон.
- Жуниус дегани ким? — дейди Ж.Ж.
- Биз уни хоҳламаймиз, — дейди Крофтер, ўша норанжбар-дорми-ей ё яна алламабаломи-ей, деганимиз.
- У ажралган яҳудий, — тушунтиради Мартин, — Венгрия-нинг қаеридандир чиққан, венгер тизимига доир барча режаларни у ишлаб чиққан. Бизнинг шаҳар идорамизда бунни билишади.
- Э, у тиш доктори Блумнинг қариндоши эмасми? — сўрайди Жек Пауэр.
- Йўқ, фамилиялари ўхшаш, холос, — дейди унга Мартин. — Унинг ҳақиқий фамилияси Вираг. Бу ўша заҳар ичиб ўлган отасининг фамилияси. У фамилиясини ўзгартириш учун рухсат олган, мен унинг отасини айтяпман.
- Ўргилдим Ирландиянинг янги халоскоридан! — дейди Фуқаро. — Донишмандлар ва авлиёлар ороли!
- Ҳар ҳолда, улар ҳалигача ўз халоскорларини кутишяпти, — дейди Мартин. — Шу маънода биз ҳам уларга ўхшаймиз.
- Тўғри, — дейди Ж.Ж., — ҳар бир янги дунёга келган гўдакка улар мана шу халоскоримиз бўлса керак деб қарашади. Шунини ҳам тахмин қилса бўладики, ҳар бир яҳудий ота ё она бўлганини аниқ билмагунча ер юзида ўзини қўйгани жой тополмайди.
- Ана-мана гўдак келгай, деб кутади, — қўшиб қўяди Ленехан.
- Вой, онам-ей, — эслаб қолди шунда Нед. — Сиз ўгли туғилмасдан илгари Блумни кўрсангиз эди, анов ўгли-чи, кейин ўлган. Эсимда, мен уни жанубий бозорда учратдим, у ердан болаларбоп озиқ-овқат олаётган экан, ҳолбуки ҳали бола туғилишига бир ярим ой вақт бор эди.
- En ventre de sa mere¹, — дейди Ж.Ж.

¹ Она курсоғида ётган (франц.).

— Шу ҳам сизнингча эркак бўлдимиз? — сўрайди Фуқаро.
— Қизик, ўзи бирон марта ҳеч боплаб босганмикин? — дейди Жо.

— Ҳар қалай, иккита боласи туғилди, — дейди Жек Пауэр бунга.

— Бировдан гумони бормикин? — сўрайди Фуқаро.

Ўлай агар ҳар бир ҳазилнинг таги зил. У ҳам эмас, бу ҳам эмас, бориб турган хунаса у, Секун айтиб берганди у ўзининг меҳмонхонасида ҳар ой бошим оғриди деб ётиб оларкан худди хотинлар ҳайз кўргандай. Гапнинг ўғил боласини айттайми сизга? Мана шунақанги хунасаи даргоҳни ғиппа томоғидан олиб мушук боладай денгизга ташлаб юбориш керак, асаканг кетмайди, хўп кулинг ўргулсин соз иш бўлади. Одам ўз-ўзини ҳимоя қила билиши керак-да, ахир. Бўлмаса нима, шу ҳам иш бўлдимиз, мўмайгина беш фунт пулни қўйнига урса-да, шартта қочиб қолса, одамларга томоқни хўллаш учун бир қултум ичкилик қўймаса. Эй, Худойим, ўзинг раҳм қил! Чўнтакда ҳемири колмаганини қара.

— Якин кишиларимизга раҳм-шафқат қилишимиз ҳақида эслайлик, — дейди Мартин ўртани босиб. — Лекин қани қаерда унинг ўзи? Кутиб ўтиришга вақтимиз йўқ.

— Қўзи терисини кийган бўри у, — дейди Фуқаро. — Хунгариялик Вираг! Агасфер¹ десам ҳам ҳақим кетмайди! Худонинг қаҳрига қолган.

— Андак томоқ хўллаб олишга вақтингиз бўладими, Мартин? — деб сўрайди Нед.

— Андак бўлса майли, — дейди у. — Биз шошиб турибмиз. Ж.Ж. билан С.га ҳам келтиринглар.

— Сиз-чи, Жек? Крофтон? Демак, буларга ҳам ола келинг, Терри.

— Авлиё Патрик яна Балликинлар соҳилига тушсайди ва бизнинг ақлу хушимизни жойига келтирсайди, — дейди Фуқаро, — акс ҳолда манавиндақалар юртимизни наҳсга бостириб юборди.

— Бўпти, олдик, — дейди Мартин шошилганча безовта бўлиб қадахни кўтараркан. — Бу ердагиларнинг ҳаммасидан Худо ўз марҳаматини дариф тутмасин.

¹ Ўрта асрлар Фарбий Европа адабиёти ва афсоналари қаҳрамони — «Мангу жүхуд» Исо Масих хоч кўтариб бораётганда унга шохид бўлган, мадад бермаган.

— Омин, — хулоса қилади Фуқаро.

— Дариғ тутмас, дариғ тутмас, шубҳа қилманг, — дейди Жо.

Шундай қилиб, муқаддас қўнғироқ садолари остида хочбардор етакчилигида хонишчилар, бухрбардорлар, кемабардорлар, кироятхонлар, эшикбонлар, дякон ва иподяконлар, улар ортидан эса митрофор аббатлар, приорлар, черков бош руҳонийлари, роҳиблар боришарди ва улар изидан ғариб мазҳабларнинг қаландарлари қадам ташларди: Венедикт Нурсият роҳиблари, картузийлар, камалдуллар, систерсийлар ва оливетийлар, ораторийлар ва валломброзийлар, августин биродарлари, бриггиттинлар, премонстранлар, сервитлар, тринитарийлар ва муқ. Петр Коланнинг болалари келишарди; шунингдек, Кармел тоғидан епископ Алберт ҳамда Тереза Авил етагида Илёс пайғамбарнинг оёқяланг ва оёғи бут қизларию ўғиллари одимлашарди; яна қўнғиртобу бўзбош биродарлар, ғариб Францискнинг ўғлонлари, капусинлар, корделерлар, минимлару обсервантлар ҳамда Клоранинг маъсумалари; Доминик ўғлонларию даъватчи оғалар, тағин Винсент болалари; муқ. Волстан роҳиблари; Игнатий жужуқлари; ҳазрат Эдмунд Игнатий Райс етагидаги насроний биродарлар жамоалари. Улар ортидан барча авлиёлару жабборлар, санамлару таввоблар қадам ранжида қилишарди: муқ. Кирик ва муқ. Исидор Омоччи ва муқ. Ёқуб, Раҳмон ҳабиби, ва муқ. Фока Синопий, ва муқ. Юлиан Мусофирпарвар, ва муқ. Феликс Канталий ва муқ. Симеон Пясиво ва муқ. Стефан Муаззиб ва муқ. Иоанн Боғий ва муқ. Ферреол ва муқ. Лигард ва муқ. Феодот ва муқ. Вулмар ва муқ. Ричард ва муқ. Винсент де Пол ва муқ. Маргин Тодий ва муқ. Мартин Турий ва муқ. Алфред ва муқ. Юсуф ва муқ. Дионисий ва муқ. Корнклий ва муқ. Леополд ва муқ. Бернард ва муқ. Терентий ва муқ. Эдуард ва муқ. Оуп *Capiculus*¹ ва муқ. Аноним ва муқ. Эпоним ва муқ. Псевдоним ва муқ. Омоним ва муқ. Пароним ва муқ. Сионим ва муқ. Лаврентий О'Тул ва муқ. Иаков Дингл ва Компостел ва муқ. Колумсиллий ва муқ. Колумба ва муқ. Селестин ва муқ. Колман ва муқ. Кевин ва муқ. Брендан ва муқ. Фригидиан ва муқ. Сенан ва муқ. Фахтна ва муқ. Колумбан ва муқ. Гэлл ва муқ. Ферси ва муқ. Финтан ва муқ. Фиакр ва муқ. Иоанн Непомук ва муқ. Фома Аквиний ва муқ. Ив Бретоний ва муқ.

¹ Кучукча (лот.).

Мичен ва муқ. Герман Иосиф ва ўсмирларнинг уч муқаддас раҳнамоси, муқ. Алоизий Гонзага ва муқ. Станислав Костка ва муқ. Иоани Берхманс, ва муқ. Гervasий, Сервасий ва Бонифаций, ва муқ. Брайд ва муқ. Киран ва муқ. Канисий Килкенчий, ва муқ. Иарлат Туам ва муқ. Финбар ва муқ. Паппин Баллимуний ва биродар Алоизий Сулҳпарвар ва биродар Людовик Мубориз ва муқ. Роза Лим ва Роза Витерб ва муқ. Марта Вифаний ва муқ. Мария Мисрий ва муқ. Лукия ва муқ. Бригитта ва муқ. Аттракта ва муқ. Димпна ва муқ. Ита ва муқ. Мэрион Жабалтариқия ва Сабий Исо ҳамшираси обида Заифа Тереза ва муқ. Варвара ва муқ. Макулот ва муқ. Урсула ёнида ўн бир минг бокира бирлан. Ва уларнинг ҳаммалари бошлари узра ҳолалар, чамбарлар, шарафалар намоён бўлиб, қўлларида палма бутоклари, арфалар, шамширлар ва зайтун чамбараклар элтишар, улар хизматларининг муқаддас рамзлари тикилган ёпинчиқ либослар кийишган, уларда доволар, камон ўқлари, нон-насибалар, кўзалар, кишанлар, болталар, оғочлар, кўприклар, тосда чўмилаётган болакайлар, чиғаноқлар, қопчиқлар, қайчилар, калитлар, аждаҳолар, лилиялар, замбарак ўқлари, соқоллар, бўрдоқи чўчкалар, шамлар, сандонлар, асалари кутилари, ёғоч қошиқлар, юлдузлар, илонлар, босқонлар, вазелин кутичалари, кўнғироқчалар, қўлтиқтаёқлар, жарроҳлик қисқичлари, буғу мугузлари, резина этиклар, калхатлар, тегирмон тошлар, патнисдаги кўзлар, мум шағамлар, сув сочар чўткалар, яккашоҳлар тасвирланганди. Улар Нелсон устунни ёнидан Генри-стрит, Мэри-стрит, Кэйпл-стрит, Кичик Бритн-стрит бўйлаб Surge, illuminate¹дан бошланувчи Eriphania Domini²даги чиқиш куйини куйлаб боришаркан ва ундан сўнг de Sava veniet³ деб садо берувчи энг лаззатли ҳамда вазмин Omnes оҳангидаги куйини ижро этишаркан, жин-ажиналарни ҳайдашиб, ўлганларни тирилтириб, балиқларни увилдириқларидан кўпайтириб, нобинолар ва ожизларни даволаб, турли-туман йўқолган нарсаларни топиб, Инжилни куйлаб, айни чоқда талқин этиб, дуолар ва башоратлар айтиб мўъжизалар кўрсатардилар.

Ушбу карвоннинг охирида зарҳал чодир остида Ҳазрат ота О'Флинн ҳазрат Малахия ҳамда Патрик ҳамроҳлигида бори-

^{1 2} — Тур, ёғдулан (*лот*); Худонинг кўриниши; ҳаммаси...

³ Сабодан келур (*лот*).

шарди. Табаррук оталар Бернард Кирнан ва К^о мас. чекл. уйи, баққоллик ашёлари билан улгуржи савдо қилувчи, винолар ва коньяклар сотувчи, пиво, вино ҳамда ўткир ичимликларни эркин пуллашга патенти бўлган Кичик Бритн-стритнинг 8, 9, 10-уйлари ёнидан ўтиб боришаркан, руҳоний бу уйларни дуо қилди ҳамда унинг деразалари, ромлари, тавақалари, току равоқларнинг бўртмалари, чиқиқлари, туташ жойлари, шарафалари, тик устунларнинг тепа қошлари, фронтонлари, карнизлари, тароксимон гумбаазлари, найзадор учлари, куббалари ва уларнинг мураббаларини табаррук сув сепиб муборак қилди, Худо Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб хонадонларини қандай ёрлақан бўлса, бу хонадонни ҳам шундай ёрлақасин, уларга ўзининг нурдан бўлган фаришталарини туширсин ва уларга макон қилсин деб дуо фотиҳа ўқиди.

Алалхусус, у хонадон ичига муборак пойқадамини қўйиб лазиз неъматлар ва шарбатларни алқади ва жамики орифлару солиҳлар унинг дуоларини такрорлашиб турдилар.

- *Adiutorium nostrum in nomine Domini.*
- *Qui fecit coelum et terram.*
- *Dominus vobiscum.*
- *Et cum spiritu tuo*¹.

У солиҳлар ва орифлар бошларига қўлини қўйди, уларга раҳмат тилади ва дуо қилди ва барчалари бирга дуо фотиҳа ўқишди:

— *Deus, cuius verbo sanctificantur omnia, benedictionem Tuam effunde super creaturas istas; et proesta ut quisquis eis secundum legem et voluntatem Tuam cum gratiarum actione usus fuerit per invocationem sanctissimi nominis Tui corporis sanitatem et animae tutelam Te auctore percipiat per Christum Dominum nostrum*².

- Биз ҳаммамиз шундай фикрдамиз, — дейди Жек.
- Умрингиз узоқ бўлсин, Лэмберт, — дейди анов Крофтон ёки Кроуфорд.

¹ — Бизга мадад Худо исмларида.
— Замину самони яратган Зотда.
— Худо биз билан.
— Сенинг Руҳинг билан (*лот.*).

² Худоё, нарсаларни табаррук қилган каломинг билан ўзинг яратган ушбу нимарсаларга раҳматингни ёғдир Кимки Сенинг Шукрингни айтиб, Сен буюрганинг ва Сен ирода этганинг каби, муқаддас исмларингни ёд айлаб неъматларингни истифода қилса, Исо Масиҳо воситасида Сенинг мададинг билан сихат-саломатлигини зиёда қилгайсан (*лот.*).

— Яхши иш, — жавоб беради Нед виски тўла қадаҳини кўтариб. — Еб-ич, даврингни сур.

Кимнингдир калласига жуяли бир фикр келиб қолмасмикин деб атрофга олазарак қарайман, шунда ана холос, қуриб кетсин, яна худди оёғини қўлига олиб чопиб келгандай, у кириб келди.

— Мен бўлсам, — дейди, — ҳозиргина сизни қидириб судга бордим. Мен ишқилиб, кеч...

— Йўқ-йўқ, — деб жавоб беради Мартин. — Биз тайёрмиз.

Судда эдим дейди-я, қани, бир кўзимга қара-чи, киссаларинг тилла тангаларга тўлиб кетгандир ахир. Қизталоқ эиқна, чала тушган. Ўлиб қолсанг ҳам, яримта қўймайсанми! Бир мири чиқмайди чўнтагидан! Жухуд бўлмай кет! Фақат фойда олсам дейди. Ҳожатхонадаги каламушдан баттар ис олади. Бешига юз-а.

— Ҳеч кимга айтма, — дейди Фуқаро.

— Кечирасиз? — дейди Блум унга.

— Юринг, юринг, — шоширади Мартин латта тутай бошлаганини кўриб. — Йўлга тушайлик, вақт бўлди.

— Ҳеч кимга айтма, — такрорлайди Фуқаро зардаси қайнаб, тутақиб. — Сир сақла.

Бу итнинг жигига тегади, у ириллайди.

— Хўп, биз кетдик, кўришгунча, — дейди Мартин. У Жек Пауэр ва анов отинг қурғур Крофтонмиди ва уларнинг ўртасидаги таъвияни тез ташқарига караб итаради, Блум эса гўё тушунмагандай ўзини билмаганга солади, ҳаммалари ўша қуриб кетгур кэбга тикилишади.

— Ҳайда, — дейди Мартин аравакашга.

Қордай оппоқ дельфин бошини бир силкитди-да, кемачи олтин ўрнига ўтиб, елканларни шамолга тўлдирди-ю, олға елиб кетди. Барча елканлари тўлиб кема ўнгу сўлга қулай қайишиб учиб боради. Ўнгу сўлдан гўзал сув парилари тўда-тўда бўлиб сузиб ёпирилиб комрон кема сари яқинлашарлар, худди устмон филдирак ясовчи филдиракка равон текис тиргаклар тиркагандай порлоқ кема ковуғаларига муодил тиркаларлар ва ботир эрларнинг шитоб қадамларига йўллар очилар хоҳ шиддатли жанг майдонлари ва хоҳ тортишувлар қизиган ошонлар сари, улар истайдилар гўзал хонимларнинг табассумларин ҳадя олмокни. Шундай сузиб келиб беозор жойлашарлар хайрихоҳ сув парилари, мангу опа-сингиллар. Оқ кўпикли тўлқинларда шўх ўйин тушиб хандон отиб қуларлар, кема эса шахт билан ёриб борур денгиз пўртаналарин.

Лекин шунда мен қадахимни стол устига қўйиб улгурмай, Фуқаронинг ўз ўрнидан туриб, пишқириб, кўпириб, бўғриқиб эшик томон гандирақлаб ташланганини кўриб қолдим, а анов таъвия томонга Кромвел сўқишларини ирландчасига олиб тупук сочиб ёғдирар, тинмай лаънат ўқир, болохонадор қилиб ҳақоратлар, худди кутургандай тўрт томонга туқураар, кичкина Олф билан Жо эса унга зулукдай икки томондан ёпишиб, тўхта-тиб қолишга уринишарди.

— Қўйиб юборинглар мени, — деб ўқирарди у.

Ўлай агар, у то эшиккача юлкиниб борди, шериклари икки томондан уни маҳкам қучоқлаб олишган, кутилмаганда у бирдан овозининг борича қичқирди:

— Яшасин, яшасин Исроил!

Аграh, Худо ҳақи, жимгина орқангни босиб ўтир, бутун шаҳарга ўзингни кулги қилиб нима обрў топасан. Ўлай агар, ҳар ерда доим бир безбет бефаросат топилади, арзимас нарсалардан ишқал чиқариб ҳамманинг ўтақасини ёради. Бутун дўконга тиррақилаб ташлайди, бир қултум пиво ичгинг келмай қолади.

Дарров эшик атрофида Дублиннинг жами ялангоёқ суюғоёқлари тўпланди. Мартин аравакашни туртади, тез ҳайла, Фуқаро шалақ бўкиради, Жо билан Олф уни босишга уринишади, анов таъвия эса аравада ўтирганча ҳамон жухудлар ҳақида гап сўқади, бекорчилар қани, нутқ сўзла, азамат деб, атрофдан гижгижлашади, Жек Пауэр тилингни тий деб енгидан тортади, кўзи боғланган, қийшиқ, букри томошабинлардан бири «Бориб қолса агар жухуд ойга» деб хиргойи қилиб бакиради, бир фоҳиша эса чинқиради:

— Ҳей, йигит! Олдинг очилиб қолибди! Йигит!

«Йигит» эса арава кетидан овоз беради:

— Менделсон яҳудий эди, Карл Маркс, Меркаданте, Спиноза ҳам яҳудий. Халоскор яҳудий эди, отаси ҳам яҳудий. Сизга Худо бўлади.

— Унинг отаси бўлмаган, — дейди Мартин. — Бас, бўлди, кетдик.

— Кимнинг Худоси? — сўрайди Фуқаро.

— Унинг амакиси яҳудий бўлган, — деб тилини бермайди анов — Сизнинг Худоингиз яҳудий бўлган. Исо Масиҳ худди менга ўхшаб яҳудий эди.

Фуқаро бу сўзларни эшитиб, ўзини яна қовоқхона ичига урди.

— Худо ҳақи, қасам ичаманки, — деб ириллайди, — Худо номини булғгани учун бошини уриб ёраман, миясининг қати-

ғини чиқараман. Худо ҳақи, қасам ичаманки, мен уни хочга қоқиб ташлайман. Кани ҳалиги бўшаган тунука қути?!

— Тухта! Тухта! — қичкиради Жо.

Дублин ва унинг атрофларидан жуда катта ва баобрў жамоат, дўстлару таниш-билишлар Надяшагош урам Липоти Вираг¹ билан хайр хўшлашгани тўпландилар, зеро, Олий ҳазрат матбаачиларидан, жж. Александр Том ва К^о корхонасининг собиқ хизматчиси бўлмиш бу жаноб узоқ ўлкаларга, Сажарминч-брюгуляш-Дугулаш² (Чулдираб Оққан Сувлар Водийси) томонларга сафар ихтиёр этмиш эдилар.

Жонли вазиятда ўтган хайрлашув маросими самимият ва меҳру муҳаббат билан йўғрилганди. Анжуман аҳлининг аксарияти томонидан атоқли феноменологга тухфа этилган, ирланд усталарининг миниатюралари билан безатилмиш қадим ирланд пергаментининг ўрами ва шунинг билан биргаликда қадим келт орнаментлари усулида нозик безаклар билан жило берилган кумуш қутича бу ноёб асарларни яратганлар ва хусусан, Жекоб Agus³ Жекоб жанобларга буюк шараф ато этажак. Сафарга отланган меҳмонни гулдурос қарсақлар билан олқишладилар, бизнинг энг яхши журначиларимиздан ташкил топган оркестр таниш ва кадрдон «Эринга қайт»ни ижро этаркан ҳамда унга Рако Цимарти уланиб кетаркан, йиғилган одамларнинг кўплари қайноқ кўз ёшларини тиёлмадилар. Тўрт денгизнинг барча қирғоқлари бўйлаб ва шунингдек, Хоут тепалигининг юксакликларида, Брэй-Хед бўғозининг Трирок тоғи ва Шугарлоф тоғларида, Морн, Галти ва Окс тоғларида, Донегал ва Сперрин чўккиларида, Нэгл ва Богра тоғларида, Коннемари тепаликларида, Макгилликадди-Рикс тоғларида, Оти тоғларида, Берн тоғи ҳамда Блум тоғида мана шу воқеа шарафига қорамой бочкаларида машъалалар ёқилганди.

Само тоқларини зириллатиб силкитган тантанавор олқишлару, Кембрия ҳамда Каледониянинг олис адирларига ёйилган кўпдан-кўп сафдошлар, ҳамфикр маслакдошларнинг қалбдан отилиб чиққан акс садолари остида улкан сайёҳлар кемаси соҳилдан оҳиста жилди, унинг изидан соҳилга тўпланган сон-саноксиз гўзал хонимларнинг хайрлашув тухфалари, ўсимлик-

¹ Жаноб олийлари аъло ҳазрат Леопольд Чечак (венгр.).

² Бир юз ўттиз бузоқ чўпон — Қўналға (венгр.).

³ Ишланган (лот.).

лар, ўт-ўланлар дунёсининг ажойиб ҳадялари ёғилди. Сон-саноксиз баржалар қуршовида йўлга чиққан кеманинг байроқларини туширган ҳолда Порт бошқармаси ҳамда Божхона оққишлаб қолдилар, уларга Каптархонадаги электростанция ҳамда Пулбер маёқ-машъали қўшилдилар.

Visszontlatásra kelves baratom!

Visszontlatásra! У юракларимизни ўзи билан ўғирлаб олиб кетди.

Ўлай агар, у ўта лаънати тунука идишни чангаллаб олиб орқага қайтди, ҳеч ким уни тўхтагиб қололмасди, Олф унинг орқасига осилиб елкасидан кучоқлаб олган, бадбахтнинг бўкиришини кўринг, худди сўйилаётган чўчканинг ўзи, Кироллик театрида ҳам бундай томоша ўйналмаган асло.

— Қани у, ҳозир ўлдираман!

Нед билан Ж.Ж. хахолаб кулишади.

— Вой, ўламан, — дейман. — Қўйиб юборинглар, жуда бўлмаса, охирини кўрай.

Бироқ шунда аравакаш ниҳоят аравадини буриб, отларни ниқтай бошлади.

— Хей-хей, Фуқаро, — дейди Жо, — шошма.

Қаёқда, Фуқаро қўлидаги тунука идишни қулочкашлаб отади — қарс! Яхшиямки, офтоб унинг кўзига тушиб турганди, акс ҳолда бошини ёрарди. Мисол учун, айтайлик, Лонгфорд графлигигача донг таратарди. От кўрқиб олға интилди, жонинг чиққур ярамас ўзини арава орқасидан отди худди қутурган итдай, атрофни ўраб олган одамлар қаҳ-қаҳ уришади, қичқиришади, лаънати тунука идиш эса тош йўлда тарақлаб думалайди.

Ҳалоқат бир зумда рўй берди, оқибати жуда даҳшатли бўлди. Дансинк обсерваторияси ҳаммаси бўлиб ўн битта ер қимирлашни рўйхатга олди, Меркалли шкаласи бўйича уларнинг ҳар бири беш баллга етарди. Бизнинг оролимизда 1534 йилдан бери, яъни Ипак Томас исёнидан буён ер бундай қаттиқ қимирламаганди. Чамаси, фалокат маркази пойтахтнинг Инн-куэй маҳалласи билан муқ. Мичен бутхонаси атрофларида эди ва, афтидан, қирк бир акр, икки руд ва бир квадрат перч майдонни эгалларди. Одил суд саройи яқинидаги барча мухташам қароргоҳлар бари вайрон бўлди, ҳалоқат рўй берган пайтда муҳим суд ишлари ўтаётган

¹ Хайр, хайр, қадрли дўст! Хайр! (Венгр.)

кўркем комрон саройнинг ўзи эса куз очиб юмгунча хароба тепага айланди, энг аянчли ва хатарли жойи шундаки, бино ичида бўлганларнинг ҳаммалари тириклай тупроқ тагида қолган бўлсалар эҳтимол. Тирик қолган гувоҳларнинг шаҳодат беришларича, сейсмик ларзалар чоғида ҳаво қатламларида жуда кучли ўзгаришлар рўй берган, улар тўфон тусини олган. Қироллик ҳамда муроса судининг мухтарам котиби мистер Жорж Фотрелга тегишли эканлиги кейинчалик аниқланган бош кийими, шунингдек, улуғвор аллома ва беҳад ҳурматли зот, уч ойлик суд йиғилишларининг раиси, Дублин шаҳрининг бош судяси сэр Фредерик Фолкинернинг бош харфлари, тўғриси ҳамда уй рақами қайд этилган олтин сопли шоҳи соябон қидирув гуруҳлари томонидан оролимизнинг узоқ нуқталаридан қидириб топилди. Чунончи: юкорида эслатилган ашёларнинг биринчиси Улканлар Шоҳ кўчасидаги учинчи тош қубба устида, иккинчиси эса, Кинсейл кўрфазидаги қадим қоялар ёнидаги Хоулопен қўлтигининг қумлоқ соҳилида тирсак бўйи чуқурликда кўмилиб ётган ҳолда топилди. Бошқа бир гувоҳларнинг шаҳодат беришларича, чўғдек оппоқ оқарган бениҳоя йирик бир номаълум жисм ҳаво қатламларида шиддат билан ҳаракат қилиб, ғарб-жанубий-ғарб томонга қараб жуда ғалати бир тарзда оғиб қийшайиб учиб ўтган. Дунёнинг ҳамма тарафларидан таъзия ва ҳамдардлик сўзлари ҳар соатда ёғилиб келмоқда. Табаррук ҳазрат Папанинг марҳаматли эзгу амрига кўра, Муқаддас Тахтгоҳнинг ҳукми фармонида бўлган барча епархияларнинг Жоме ибодатгоҳларида бизни мана шундай ҳеч қутилмаган тарзда тарк этган, черковнинг садоқатли тобеинларининг руҳларини ёд этиб, диний ходимлар томонидан ҳамма бир вақтда алоҳида *missa pro defunctis*'ни адо қилиш топширилди. Қутқариш ишлари, бузилган ерларни тозалаш, ўликларни йиғиш ва дафн этиш ва ҳоказолар Майкл Мид ва ўғли фирмаси зиммасига юкланди: фирма Катта Брансвик-стрит, 159 уйда жойлашган; шунингдек юмушлар Т. ҳамда К. Мартин фирмаси томонидан ҳам адо этилади: фирма Норс-Волл, 77, 78, 79 ва 80 да жойлашган Ушбу фирмаларга кўмак тариқасида Қирол аъло ҳазратларининг умумий кўмондонлиги остида, юксак ҳурматли контр адмирал сэр Геркулес Ганнибал Хабеас Корпус Андерсоннинг герцог Корнуол енгил пиёдалар полкининг аскарлари ҳамда офицерлари сафарбар қилинди.

¹ Жаноза ибодати (лот.).

Б.О.К., М.П.О.К., С.О.В., М.М., Ҳ.О.К., П.А., М.С., Т.Б., Б.Х.О.К., Т.О.У., И.Ж.Б.Х., Х.Б., М.Д., Х.Ж.Н., Д.Т.К.Ф.Д., К.П.У.Ф.Д., Қ.П.В.К.Ф.Д., Қ.И.Ж.К.Ф.Д.¹

Сиз дунёга келиб бундайини кўрмагансиз ва кўрмайсиз ҳам. Ўлай агар, ушбу лотерея билети унинг чекига тушганди, у албатта олтин кубокни эслаб қолган бўларди, ўла-ўлгунча эсидан чиқармасди, лекин ўлай агар, унда Фуқарони қўл кўтариб ҳақорат қилганликда, Жонни эса уни қўллаб насвасага солганликда айблаб қамоққа тиқишарди. Аравакаш отни қамчилаб уни балодан қутқарди. Бу Худо Мусони Яратганидай аниқ гап. Нима, нотўғрими? Ўлай агар, қутқарди. Яна уларнинг орқасидан ачиб-сасиб, бўралаб сўкиб қолганини айтмайсизми?

— Боплаб адабини бердимми, тўғрими? — сўрайди у.

Кейин бурга босган итига қараб бўкиради:

— Ол, ғусс! Ғус-ғусс! Гарри! Ғус-Ғус уни! Ғаж! Тишла!

Охири нимани кўрдинг денг. Арава муъолишда бурилди. Анов таъвия бошини қўйга ўхшаб сарак-сарак қилиб, ҳалиям ўз гапини маъқуллайди, қўлларини силкитиб боради, манави тирриқ эса диконглаб ўша ёққа югуради, қулоғини қисиб ириллайди, далва-далва, бурда-бурда қилиб ташлагиси келади. Бешга юз эмиш! Ўлай агар, қасам ичиб айтаманки, у жазосини олди, ўл бу кунингдан!

Шундай қилиб, улуғ ёғду кўринди, улар ўша аробани кўрдилар, Ул ўшал аробада туриб алҳол кўкка кўтариларди. Ани ароба узра шон-шавкат ёғдусига бурканган ҳолда кўрдилар, либослари бамисоли офтоб эди, ойдай гўзал эди ул ва қаҳрли, титрашиб алар анга кўз тикиб қаролмас эди. Шундай қилиб, самолардан садо келарди: Илиё! Илиё! Ул буюк наъра тортиб ҳайқирарди: Авва! Адонаи! Шунда алар кўрдилар, кўрдилар анинг ўзини алар, бен Блум Илиё фаришталар ичра учарди, шон-шараф ёғдуларини кучарди, бу Кичик Грин-стритдаги Доноху пивохонаси узра қирқ беш даража бурчак ясаган ҳолда юз берарди ва мисоли бир курак тезакка ўхшарди.

¹ Боғлам Ордени Кавалери. Муқ. Патрик Ордени Кавалери. Сажадоғхонишинлар Ордени Валломати. Махфий Маслаҳатчи. Ҳаммом Ордени Кавалери. Парламент Аъзоси. Муроса Суди. Тиббиёт Бакалаври. Беминнат Хизмат Ордени Кавалери. Бачча. Тулки Ови Устаси. Ирланд Журналист Биродарлари Ҳомийси (ёхуд Менинг Олижаноб Ирланд Кетим) Ҳуқуқ Бакалаври. Музика Доктори. Хайрия Жамияти Нозир. Дублин Тринити Коллежи Фахрий Доктори. Қирол ирланд Университети Фахрий Доктори. Қирол Ирланд Врачлари Коллежи Фахрий Доктори ҳамда Қирол Ирланд Жарроҳлари Коллежи Фахрий Доктори.

13-ВОҚЕА

Ёз оқшоми оламни сирли ёғдулари билан чулғай бошлади. Куёш ғарбга қараб оққан, афсус кўз очиб юмгунча ўтиб бораётган куннинг сўнгги шуълалари денгиз сатҳи-ю қумлоқ соҳил, кўрфаз сувларини садоқат билан мангу кўрикловчи кўхна Хоутнинг мағрур туртиб чиққан дўнги, денгиз чалчиғи билан қопланган Сэндимаунт соҳил бўйи қояларини ва ниҳоят, ҳаммадан ҳам муҳими, кўримсизгина бутхонани эркалатиб ёритиб оҳиста хайрлашарди; оқшом сукунатида бутхона кўйнидан одамларнинг тириклик уммони узра сарсари кезган қалбларини худди мангу машъала мисол мусаффо ёғдуси билан нурафшон этган зот — Уммонлар Юлдузи Марямга қарата янграган дуоларининг саслари ёйиларди.

Соҳилбўйи тошлари узра уч қиз, уч дугона ёқимли сарин денгиз шаббодаси ва ажойиб оқшомдан роҳатланиб ўтиришарди. Денгиз майин мавжланиб, енгил тўлқинлар соҳилга чўлпиллаб урилар, Сисси Кэффри ва Эди Бордмен бу ерга келиб дам олиб ўтиришни яхши кўришар, ўзларининг қизларга хос турли иш-юмушларини сўйлашар эдилар, улар аравачага солинган гўдак билан бирга денгизчилар кўйлакчаси ҳамда устига АҲК¹ «Беллайл» деб бир хилда ёзилган денгизчилар қалпоқчасини кийган жингалаксоч икки болакайни ҳам бирга олиб келишарди. Томми ва Жеки Кэффри деган бу болакайлар эгизак бўлишиб, эндигина тўрт ёшга чиқишган, ўтакетган ўйинқароқ ва шўх бўлишларига қарамай жуда ёқимтой ва ширин, юзкўзларидан қувноқлик ёғилиб турарди. Улар белкураклари ва челақчаларини тарақлатиб қумда ўйнаб юришар, қалъалар ясашар, барча болалар каби катта рангдор коптокни отишар, диноқлари тозаям чоғ эди. Эди Бордмен эса аравачадаги дўмбок

¹ АҲК — Аъло Ҳазрат Кемаси.

чакалокни тебратар, ёш жентлмен маза қилиб миқиллаганча ухларди. У эндигина ўн бир ой-у тўққиз кунни тўлдирган, ҳали жуда мурғак, лекин шунга қарамай, бир нарсалар деб гувраниб гапирмокчи бўларди. Сисси Кэффри унинг кичкинагина думалок қоринчаси билан даханидаги чиройли ўймачасини китик лаб қўйиш учун унга энгашди.

— Вой, менга қара-чи, думбоғим, — деб жилмайди у. — Қани, менга сув беринг деб, бир бақириб бер-чи.

Болақай унга бу-булаб жавоб берди:

— Був-був дий.

Сисси Кэффри гўдакни майин эркалаб қўйди, у кичкина болақайларни жонидан ҳам яхши кўрар, улар шамоллаб нетиб қолсалар атрофида гиргиттон бўлар, шунинг учун ҳам Сисси дан бошқа ҳеч ким Томми Кэффрига буринчасидан секин тутиб туриб суюқ дорини ўлақолса ҳам ичиролмас, ҳар қанча ширинлик, асал кулча ваъда қилмасин фойдаси йўқ эди. Бу киз шунчалик устомон эди! Аммо, кафил бўлиш мумкинки, жажжи Бордмен, ҳақиқатан ҳам, жуда ширин, нақ этак таққан фариштачанинг ўзгинаси эди. Сисси Кэффрининг ўзи эса Флора Макфлимсига ўхшаган бурни кутарилган гердайган гўзаллар тоифасидан эмасди. Унинг юрагини табиатан тилла деса арзирди, лўлиларникидай катта-катта кўзлари кулиб турар, лаблари пишган гилосдай бўртган, иссиқ истараси қўймай ўзига тортарди. Эди Бордмен ҳам унга қўшилиб жажжи укачасининг бидирлашига қотиб-қотиб куларди.

Аммо шунда тойчоқ Томми билан тойчоқ Жеки ўзаро тортишиб қолишди. Ўғил бола — барибир ўғил бола-да, бизнинг эги закларимиз бу қоидадан заррача ҳам мустасно эмасдилар. Жанжал тойчоқ Жеки ясаган Қум қалъадан чиқди, тойчоқ Томми эса янаям яхшироқ бўлсин деб, қалъани такомиллаштириш фикрига тушди ва унга худди Мартелло кўргонидагидай каттакон дарвоза қурмокчи бўлди. Томми айтганидан қолмади, бироқ Жеки ҳам чакки йигитчалардан эмасди, у ҳар бир кичкинтой ирланд бола-сига унинг уйи — унинг айни қалъаси деган хикматга амал қилиб, дарҳол ярамас рақибга ташланди, буни кутмаган ислоҳотчи бир зумда ерга қумалатилди, у билан бирга нечоғлик ачинарли бўлмасин, жанжал сабабчиси қалъа ҳам вайрон этилди. Мағлуб Томмининг дод-фарёди дарҳол хушёр дугоналарнинг қулоғига етиб борди, бўлмасам-чи.

— Томми, қани, бу ёққа кел-чи! — жиддий қичқирди опаси. — Тез-тез! Ҳой, Жеки, сенга нима бўлди, нега уканг шурликни ифлос қумга ағдардинг. Шошмай тур, ҳали сени татай-татай қиламан.

Кўзлари гилқ ёшга тўлган тойчоқ Томми опасининг олдига борди, зеро эгизаклар катта опанинг сўзидан чиқмасдилар. Талафотдан сўнг тойчоқнинг аҳволи ғоят ачинарли ҳолда эди. Кўйлак-иштонига батамом қум ёпишганди, аммо Сисси аввалдан бундай майда-чуйда ишкаликларни дарров тузатишга моҳир бўлиб кетган эди, кўз очиб-юмгунча тойчоқнинг энгил-бошида қумдан асар ҳам қолмади. Аммо болакайнинг кўзларида ёш ҳалқоб бўлиб, хўнграб йиғлашга тайёр турар, шунинг учун Сисси болакайнинг хўрлиги арисин деб, маҳкам кучиб ўпиб қўйди-да, ёмон бола Жекига бармоғи билан пўписа қилди, сен ҳали қараб тур, мендан кўрасан, деди ва ковоғини солди.

— Ярамас тўполончи Жеки! — овозини кўтарди у.

Кейин кичкинтой денгизчини бағрига босди-да, секин эркалаб сўради:

— Опасининг кими бу? Опасининг попуқчасими ўзи?

— Қани, бизга айтгин-чи, — деди орага қўшилиб Эди Бордмен. — Кимни ҳаммадан кўп яхши кўрасан? Ҳаммадан кўп Сисси опангни яхши кўрасанми?

— Йў-ў, — чўзилди фингшиб Томми.

— Унда Эди опангними? — сўради Сисси.

— Йў-ў, — фингшиди Томми.

— Мен бўлсам биламан, — деди унчалик суюнмай Эди, унинг узокни яхши кўрмайдиган кўзларида муғамбирлик ўйнади. — Биламан, Томми ҳаммадан кўп кимни яхши кўришини, у Гертини яхши кўради.

— Йў-у, — чўзилди Томми ўкириб йиғлашга чоғланиб.

Аммо Сисси оналик туйғуси билан бу ерда ишқал нимада эканлигини сезди да, Эдига тойчоқни аравача панасига олиб ўтишни шипшиди, қараб тур, янги бошмоқчасини ҳўл қилиб қўймасин, деб тайинлади.

Аммо Герти деган қиз ўзи ким?

Герти Макдауэлл дугоналаридан сал нарироқда узок-узокларга хаёлчан боқиб ўтирарди. Ирланд қизининг бундан ҳам мафтункорроқ сиймосини чизинга ҳатто энг хассос рассом ҳам ожиз эди. Барча таниш-билишлар бир овоздан уни гўзалларнинг гўзали деб аташарди, ҳолбуки баъзи кезлар қиз Макдау-

эллардан кўра кўпроқ Гилтрапларга тортган деб ҳам кўйишарди. Унинг қадди-қомати ингичка ва жуда нафис, ҳатто ҳаддан ташқари нозик эди, у темир моддаси қўшилган дори ича бошлаган ва бу (Бева Велчнинг ҳаб дориларидан фарқли ўлароқ) илгаригига ўхшаб шилимшиқ кетишини камайтирган ва жони зирқираб оғришини тўхтатганди. Фил суюғидай тоза ва оппоқ юзи бу дунёнинг хилқатига ўхшамас, бироқ илоҳий тарх тортиб турган дудоклари шунчалар баркамол эдики, кишининг ёдига беихтиёр қип-қизил гунча билан ёй тортиб турган болакайни туширарди. Унинг нафис бармоқлари кўк чизиклари билинар-билинмас силлиқ мрамарни эслатар ва тагин шу қадар оқ эдики, бунақасига фақат лиму жавҳари ҳамда Қиролича кремани суртгандагина муяссар бўлиш мумкин эди, лекин шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, у кечаси лайка қўлқоп кийиб ётади ва оёғини сутга чаяди, деган ғаламис гаплар қип-қизил бўхтондан бошқа нарса эмасди. Бир куни Берта Сапл оғзини тиёлмай Эди Бордменга шундай дебди, лекин бу тўқима гап холос, чунки ўша кезлари у Бертига аччиқ-тиззиқ қилиб юраркан (албатта, бу дугоналар ўртасида ҳам бошқа ҳамма қатори ўз майдачуйда араз-гинахонликлар бўлиб турарди). Яна у бу гапни ким айтганлигини унга ҳеч қачон билдирмасликни сўраган, акс холда сен билан бир умр гаплашмайман, деб пўписа қилган. Қўя қолсин. Ҳар кимнинг қилмишига яраша. Герти қандайдир табиий нафис-назокатли эди, французлар Nauteur¹ дейдиган бир хумор бор эди, буни ҳатто маликаларга хос бир нарса деса ҳам бўлади, қўлларининг бағоят нафислиги, оёқларининг бўртиб туриши ҳеч шак-шубҳасиз шундан далолат бериб турарди. Мабодо бахт-икболи ёр бўлиб, аслзодалар хонадонида дунёга келганида ва баркамол тарбия кўрганида Герти Макдауэлл бутун мамлакатнинг энг ёрқин хонимлари билан бемалол тенглашган, ҳашамдор либослар кийиб, пешонасига тиллақош тақса, не-не кибор ошиқлар унинг оёқлари остида ётиш бахтини бир-бирлари билан талашмасми эдилар. Унинг инжа, нафис чехрасида гоҳ-гоҳ сирли маънога тўла аллақандай дилтанглик ифодаси зуҳур этар, фусункор кўзларида ғариба бир андух пайдо бўлар, буларнинг ажиб жозибасига ҳеч ким туриш беролмасди, буларнинг барига сабаб ахтарсак, баайни ана ўша армон

¹ Кибр (франц.).

бўлиб қолган муҳаббатга бориб тақаларди эҳтимол. Қиз кўзларининг афсункор сеҳр-жодуси қайдан пайдо бўлади? Гертининг кўзлари ирланд ложувардидан ҳам ўтиб тушган ложувард бир нур сочиб порларди, шуъла таратиб турган киприклари ва маънодор учган қора қошлари кўзларига ўзгача бир гўзаллик бағишларди. Аммо мафтункор қошлар азалдан шундоқ эди деб бўлмасди. Бу Вера Верайти¹ хоним ўзининг «Малика янгиликлари»даги Гўзаллик Бурчагидан қизга биринчи маротаба қошга қандай буюк суртишни маслаҳат берган, бу нигоҳингизга сеҳр-жоду бағишлайди, шохона модага риоя қилувчилар бундан устомонлик билан фойдаланадилар деганди. Герти унинг маслаҳатига кириб кейин бундан ҳеч афсусланмади. Яна ўша ерда қизариб-бўзариб юрмасликнинг илмий воситаси ҳам баён қилинган, яна ҳар ким бўйини ўстириши мумкинлиги, бўй баланд бўлса чеҳра ҳам жозибадор кўриниши айтилган эди, аммо бундан нима бўлади? Бу охиргиси айниқса Дигнам хоним оғимга жуда асқотармиди, чунки унинг бурунчасининг тугмачадан асло фарқи йўқ. Лекин Гертининг шуҳратини таратган унинг пўрим сочлари эди. Қорамтир кўнғир бу сочлар туғма тўлқинланиб турарди. Қиз янги ой чиқиши муносабати билан шу куни эрта-лаб андак қирқиб кўйган, улар сон-саноксиз кўнғироқчалар каби чиройли бошини чулғаган эди. У бугун пайшанба бойлик келтиради деб, тирноқларини ҳам олди. Мана ҳозир шу топда Эдининг сўзлари таъсирида унинг ёноқлари худди атиргул япроқларидай енгил ва майин қизариб ёнди ва унинг қиз болага хос ширин ийманиши шу қадар латофатли эдики, Худо ўз паноҳида асраган бутун Ирландия диёрида гўзалликда унга тенг келади-ган кимсанинг топилиши амримаҳол эди.

У яна бирпас бошини маъюс эгиб жимгина ўтирди. У жавоб бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, лекин нимадир уни сўзлашдан тутиб қолди. Унинг гапиргиси келарди, бироқ ғурури гапиришга йўл қўймасди. Олчадай лаблари андаккина бўртди, лекин шу заҳоти кўзини юқори кўтариб, май ойининг эрта тонги каби шўх жаранглатиб кулиб юборди. У нима учун ғилай кўзли Эди бояги гапни айтганлигини жуда яхши биларди, билмай ўлибдими: чунки йигит унга совуқроқ муомала қилган, аслида бу эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши дегандай

¹ Ҳақиқат (ингл.).

бир гап. Ўзи доим шундай бўлади, анов велосипедли бола Гер-тининг деразаси олдидан лип-лип айланишиб утадиган бўлиб қолгани учун ўзини қўярга жой тополмаётганлар йўқ эмас. Аммо ҳозир унга отаси кеч кирганда уйда ўтириб, имтиҳонларда мукофот олиш учун яхшилаб тайёргарлик кўришни тайинлаган, холос, у мактабни битириб, докторликка ўқиш учун Тринити коллежига кирмоқчи, акаси У.И. Уайли ўша ерда ўқиган, у университет велосипед пойгасида қатнашган. У балки қизнинг кўнглидан нималар кечаётганини унча билишни истамас, гоҳи-гоҳида киз қалби қанчалар бўм-бўш бўлиб қолиб, бутун жони-ни тешиб юборгудай оғриқ туришини балки ўша йигит хаёлига ҳам келтирмас. Аммо у ҳали жуда ҳам ёш-да, яна ким билсин, балки вақти-соати келганда, севиш нималигини ўрганиб қолар. Йигитча протестантлар хонадонидан эди, Герти эса, албатта фахмларди Ким биринчи ўринда туришини ва ундан сўнг — Улвий Марям, ундан кейин эса — Улвий Юсуф. Аммо шакшубҳасиз йигитчанинг ташки кўриниши жуда кетворган, ўзига тортиб туради, бурни чиройли қаламдай тўғри, ундан танқари тирноғининг учидан тортиб ҳамма-ҳаммаси чинакам рисоладаги йигит, боши курғурни айтмайсизми, айниқса, боши яланглиги-да орқасидан қарасангиз, қандайдир жудаям бошқача кўринади, ҳар қандай жойда ҳам таниб олса бўлади. Ундан кейин у рулни қўли билан ушламай велосипедини фонарнинг олдидан чакқон айлантиради, унинг қимматбаҳо сигаретлари ҳам шунчалар яхши ҳид таратади, ундан кейин ҳар икковларининг буй-бастлари ҳам худди қуйиб қўйгандек бир-бирларига барабар, шунинг учун ҳам, Эди Бордмен ўзини жуда ақлли деб ўйлайди, лекин шундай бўлса ҳам, негадир йигитга Эдининг кўримсиз боғчаси атрофи-да велосипедда айлангиси келмайди.

Герти одмигина кийинган эди, Мода Олий Ҳазратларининг содиқ қуллари одатда шундай беҳато дид-фаросат билан либос танлайдилар, кизнинг кўнгли сезиб турардики, бугун уни кўриш учун кичкина бўлса ҳам имконият туғилади. У кўкракка кийиладиган кўкимтир кулранг нафис калта кўйлакчасини ўзи энг яхши сифатли бўёқ билан бўяган (ўшанда Аёлларнинг Суратли журна-ли кўкимтир кулранг электрик тезда модага киради деб ёзган-ди), кўйлакча то кўкрак чуқурчасигача чиройли қилиб қийил-ган ва рўмолча солиш учун мўъжаз киссача тикилган (аммо рўмолча дўмпайиб тургани учун Герти бу киссачага доим ўзи-

нинг севимли атирлари сепилган бир чимдимгина пахта солиб юрарди), этаги бирмунча кенгайтирилган учу чорак узунлигидаги тўқ мовий юбка унинг келишган ипақдек қоматини янада чиройлироқ қилиб кўрсатарди. Унинг бошига илган ғоятда хушбичим ясанчоқ шляпачаси қора похолдан йирикрок қилиб тўқилган бўлиб, пастки томони кўк-сарик бахмал ип билан чамбарак солиб уралган, икки ёни эса худди шу ранглардаги мўъжаз бантчалар билан безалганди. Қиз мана шу рангдаги бахмал попуқни топиш учун ўтган сешанбада ярим кун вақтини сарф этган ва ниҳоят кўнглидагини ёзги Клери ёйма бозоридан топганди, тўғри попуқ тасмача ёймачида ётавериб бироз униққан, лекин бу дафъатан қараганда унча билинмас, нархи ҳам бир қулочига икки шиллингу бир пенс эди. Ундан кейин у бунинг барини ўзи ўз қўли билан мослаб чиқди, кейин илк бора ўлчаб кўраётганида юраги қувончдан орзиқиб кетди, ойнада акс этган латофатли қиёфасини кўриб табассумини асло яширолмади! Кейин либосни тархи текис турсин деб, катта доира чамбарга тортиб кийгизаркан, тез орада ўзининг айрим таниш-билишлари димок-финоқларини камайтиришга мажбур бўлишларини аниқ-таниқ биларди. Унинг бошмоқчаси энг янги усулда тикилганди (Эди Бордмен менинг оёғим энг *petite* деб ўлгудай қариллаб юради, лекин Гертининг оёғидай ўттиз учинчи оёқ унда ҳеч қачон бўлганмас ва то дунё охир бўлгунча ҳам бўлмайди), бошмоқчанинг уч қисми табиий теридан ясалган ва баланд қайрилма дўнгаси устида битта чиройли илгак қўйилганди. Унинг юбкаси остидан худди йўниб ишлангандек чиройли тўпиғи кўриниб турар, товони қалин ва боғич қисми кенг юпқа пайпоғи бир текис сиртилган болдирлари фақат керакли бир меъёردа кўзга ташланарди. Ички кийимларга келганда, Герти уларни ҳаммадан кўпроқ ташвиш чекиб танлар, гарчи мунис ун етти ёшнинг (гарчи Герти ун етти ёши билан аллақачон хайрланган бўлса ҳам) бутун ҳаяжонли умид-аъмоллари ва кўркинчларига ошно бўлган қайси кимса тошбағирлик қилиб Гертини бу нарсаларда айбита оларди? Унинг жимжима тўртли ва безакли ва ҳар бири уч турли нарсадан иборат тўрт ички либослари ҳамда бунинг устига тунги қўйлаги бўлиб, ҳаммасининг тасмабандлари пушти, зангори, нимкўк баргикарам, очбинафша сингари ранго-ранг эди, уларни кирхонадан олгач, ўзи қуритар, ўзи рангга солар ва ўзи дазмолларди; у бир

ғиштча ғамлаб қўйган, дазмолчасини шу ғишт устида сақлар, кир юувчи хотинлар нарсаларнинг қанчалар уладасини чиқариб юборишларини кўрганидан уларга бу ишларни сира ишонмасди. Ва ҳеч нарсага қарамай, у бахт келтирсин деб, мовий қўйлагини кийди, бу у яхши кўрадиган ранг ва бунинг устига келинлар киядиган ранг агарда қайдадир унинг мовий ранг кийими бўларкан нега десангиз хув ўша куни у яхши қўйлагини кийганда бу бахт келтирмади, чунки отаси ўғлини кўчага чиқармай мукофот олсин деб, уйда дарс тайёрлагани ўтқазиб қўйди, нега десангиз киз ўладидики, балки ниҳоят у бугун кўчага чиқиб қолар, нега десангиз киз эрталаб кийинаётганда анави эски қўйлагини сал бўлмаса тескарисини киярди, бу эса нуқул бахт келтиради ва севишганлар учрашишади, мабодо сен қўйлакни тескари кийиб қўйсанг, бахтинг очилади, фақат бу жума куни бўлмаса, бас.

Ва лекин! Ва лекин! Нечук чехраси бунчалар танг бўлмаса! Худди аллақандай яширин бир дард уни тинмай кемираётгандай. Унинг бутун юраги кўзларида акс этиб туради, у ҳозир ўзининг осуда ёт кўзлардан йироқ хонасида ҳеч кимга кўринмай ёлғиз қолишни истар, чамаси, бунинг учун ҳамма нарсага рози, юрагини эзган ҳиссиётларни яширмай, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келар, лекин бунда ҳам асло ҳаддидан ошмагани маъқул, албатта, нега деганда, у ойна олдида туриб қандай қилиб чиройли кўзёши қилиш кераклигини ўрганарди. Томойна ҳам унга, о Герти, ўзинг ҳаммадан чиройлисан, деб айтган. Ботаётган куннинг шуълалари унинг мислсиз маъюс ва хаёлчан чехрасини ёритади. Бекорга изтироб чекапти Герти Макдауэлл. Ҳа, у бошданок биларди турмушга чиқиш тўғрисидаги орзулари рўёбга чиқмаслигини, Д.Т.К¹миссис Регги Уайлининг тўйи ҳақида хабар қилиб дарангдурунг жомлар чалинмайди (чунки миссис Уайлига унинг катта акаси уйланажак) ва киборлар ҳаётидан бериладиган эълонларда миссис Гертруда Уайли мовий тулки мўйнасидан чиройли безаклар тақиб ясатилган кўкиш либосларда пайдо бўлдилар деганга ўхшаш сатрлар ҳам чиқмайди. Буларни тушуниш учун йигит ҳали анча ёшлиқ қилади. Бунинг устига у севгига ҳам ишонмаса керак, бу аёлларнинг қисмати. Қачонлар эди, Сторлар хонадонидаги меҳмондорчиликда (у ўша пайтларда ҳам калта иштонда юрарди), у билан юзма-юз ёлғиз қолишганда, у

¹ Дублин Тринити Коллежи.

Ўғринча белидан кучоклаб олган, қизнинг эса ранги қумдай оқариб кетганди. Йигитча ўзгариб кетган, гириллаган товуш билан уни ширинтой деб атаган ва шоша пиша лабларини андак теккизиб муччи олганди (бу қиз ҳаётидаги илк бўса эди!), лекин бунда бурнининг учи тегди, холос, кейин шу захоти егулик келтирай деб нимадир минғирлаб тез хонадан чиқди-кетди. Нима бало, довдир-совдирми-ей! Регги Уайли ҳеч қачон кучли феъл-атвори билан ажралиб турмасди, ҳолбуки Герти Макдауэллни бўйсундириб, ўзига эргаштириб кета оладиган кимса, албатта, ҳеч шакшубҳасиз ҳақиқий эркак бўлиши керак. Шунинг учун фақат кутиш зарур, сенга эътибор қаратишларини кутишга тўғри келади, бунинг устига мана кабиса йили ўтиб боряпти, хаш-паш дегунча тугаб ҳам қолади. Йўқ, унинг идеалидаги опшиқ оёқлари тагига севгисининг ажиб ва ноёб тухфаларини тўкадиган кўркабой шаҳзода эмас, йўқ, тўғриси, бу қатъиятли, вазмин ва кучли чиниққан эр киши, у ҳаётда ўз орзуларига эришолмаган бўлиши мумкин, балки эҳтимол унинг чакка сочларига оқ ҳам оралагандир, мана шундай кимса қиз юрагини яхши тушунарди, уни ўз бағрига маҳкам босарди, қайноқ қалб эҳтирослари билан кучоғидан бир зум чиқармас, дудокларидан узоқ ҳеч туганмас бўсалар оларди. Жаннатда ҳам топилмасди бундай лаззат. Мана шу хаёлчан ёз окшомида шулар ҳақида гизли орзуларга чўмган эди қиз. То ўлаўлгунча, хоҳ камбағаллик ва хоҳ давлатмандликда, хоҳ ожизнотавонлик ва хоҳ сиҳат-саломатликда қиз шу куёвнинг ёлғизягона, пешонасига битган ёри вафодори бўлишни чин юракдан хоҳлайди ва худо хоҳласа, шундай бўлажак.

Эди Бордмен кичкинтой Томми ва унинг аравачаси билан овора экан, Герти шундай бир кун келармикин, мен ўзимни унинг хотини деб аташга муяссар бўлармикинман, деб хаёл сургани-сурган эди. Ана ўшандан кейин Берта Сапл ҳам, Эди ҳам оғизларига сиққанча гапираверишсин, Эдини айтмайсизми, жуда заҳар қиз бўлган, нега деганда, ноябр ойи келса, йигирма иккига киради-я. Герти эрига ҳамма қулайликларни яратган бўларди, истаганча ғамхўрлик қиларди, чунки Худога шукур, Гертининг ақли-ҳуши жойида, аёлнинг қиладиган ишини билади, ҳар қандай эркак ўз уйида саранжом-саришталикни яхши кўришини тушунади. Унинг қип-қизил лоладай қилиб пиширилган оладиялари, янги қаймоқ ҳидини таратиб турувчи Киरोлича Анна деган мазали пудинглари доим мақтовларга сазовор бўлган, нега деганда унинг

қўли доим енгил, олов ёқишга уста, нега деганда ун юпқа қилиб сепилади, қуруқ хамиртуруш сочилади, кейин доим бир томонга қараб аралаштирилади, ундан кейин сут билан яхши ийланган оқсил қўшилади, ўзи гап овқат устида кетганда бу унга унчалар ёқмайди, ҳам қисинади одамлар олдида, нега ажойиб бинафшалару атиргуллар билан овқатланишмайди-я, деб қўяди ичида, яна ўзи меҳмонхоналарини жуда чиройли қилиб безатади, ҳар хил суратлар гравюралар қўяди, Гилтрап бобонинг ити Гарриоуннинг суратини илади, нега деганда бу ит нақ одамнинг ўзи, гапириб юборай-гапириб юборай деб туради, кейин ўзи курсиларга чиройли гулдор қопчиқлар қоплайди ва бойларнинг уйларида бўладиган кумуш тостер олади. Клери улгуржи савдо растасида у шундай нарсани кўриб кўз остига олиб қўйган. Эри баланд бўйли, елкалари кенг бўлади (у доим эри кенг елкали бўлишини орзу қиларди), мўйлаблари чиройли қузалган, кулганда оппоқ тишлари ярқираб кетади, кейин улар асал ойларини ўтказиш учун катта ерга боришади (роҳатбахш уч ҳафта!) ундан кейин ўзларига чоғроқ бўлса ҳам чиройли шинам бир бошпана олишади, ундан кейин ҳар куни эрталаб бирга нонушта қилишади, нонушта жуда оддий лекин кам кўстсиз тайёрланади ва фақат икки кишига мўлжалланади, бошқа ҳеч ким таклиф қилинмайди, эри кейин хизматта отланаркан, жоним деб хотинини маҳкам бағрига босади ва бир зум унинг кўзларига чуқур-чуқур термилади.

Эди Бордмен кичкинтой Томми Кэффридан ҳаммасини бажариб бўлдингми, деб сўради, болакай ҳа, деди. Шундан сўнг унинг иштони тугмасини кадаб қўйди-да, бор энди Жеки билан яхши бола бўлиб ўйланглар, уришманглар, деди. Аммо Томми коптогимни олиб бер, деди, Эди коптокни кичкинтой ўйнаяпти, олиб қўйсак, жанжал-тўполон чиқади, деб кўнмади. Аммо Томми йўк, бу менинг тўпим, менга тўпимни олиб бер, деб оёқларини тапиллатди. Ол-а, бу зумрашани қаранг-а? Вой, қайсар-ей! Бу Томми тушмагур ҳали йўргакдан чиқмай туриб эркаклик қилмоқчи бўлади-я. Аммо Эди унга уч карра йўк, йўк, йўк, деб жавоб берди, хархашани йиғиштир деди ва Сиссига ҳам сен унинг ёнини олма, деб қўйди.

— Сен опам эмассан, — деди қулоқсиз Томми. — Коптогимни олиб бер.

Аммо шунда Сисси Кэффри кўзичоқ Бордменга: мана, мана, менга қара, бармоғимни кўрдингми, деди-да, дарров коптокни

тутиб олди. Уни кумда думалатиб юборди, Томми ғалаба қозо-
ниб, копток орқасидан чопди.

— Муҳими, қулоғимиз тинч бўлсин, — деб кулди Сисси.

У қўзичоқ тезроқ эсидан чиқарсин деб, унинг дўмбоқ юзчала-
рини китиклаб эркалади-да, у билан зағизғон-қарға ўйинини ўйнай
бошлади: зағизғон бўтқа қилди, болаларига берди, унга берди,
мунга берди, ановга берди, энг кичкина синачалоққа бермади. Аммо
шу ерга келганда Эдининг жаҳли чиқди, бу ёмон бола ўз айтгани-
ни қилдиради, ҳамма уни эркалайверса охири нима бўлади.

— Ҳали шонимай турунглар, — деб пўписа қилди у, — мен
уни бир жойига ата-та қиламан.

— Орқасига ата-та, — қувноқ кулди Сисси.

Герта бошини қуйи эгди, дув қизариб кетди, Сисси ойимқиз-
ларга ярашмайдиган сўзни айтди, деб ўйлади, мен ўла қолсам
айтмасдим бундай сўзни, яхшиси уятдан ўлардим, унинг юзи ўтдай
қизил тусга кирди, Эди Бордмен эса, анов яқин ерда ўтирган
киши ҳаммасини эшитган бўлса керак, деди. Аммо бундан Сисси
зиғирча ҳам тап тортмади.

— Эшитса эшитаверсин! — деб хитоб қилди у бошини бефарқ
силкиб, бурунчасини шўх жийираркан. — Унинг ҳам ўша жойи-
га бошлаб туширамиз. Мен буни боплайман.

Сочлари қўнғирок шўх-шаддод Сисси. Кулдиравериб ўлдира-
ди. Мисол учун, сен лимонад ич, мен бўлсам шайтон билан чой
ичаман, дейди. Ёки кизил бўёқ билан бир тирноғига қадахни
чизади, иккинчисига эса эркак расмини, ҳамма бундан қотиб-қотиб
кулади ёки ҳожат қистаб қолса, бирдан мен мисс Пишш ҳузурига
боришим керак деб қўяди. Ана шунақа-да турган-битгани бу Сис-
сикумс ойимқизнинг. Вой, ҳеч одамнинг эсидан чикмайди, бир
қуни окшом у устига отасининг кийими ва шляпасини илиб, ти-
қинни куйдириб ўзига мўйлов ясаб сигарета чакиб Трайтонвилл-
роуд бўйлаб сайр юриш қилса бўладими! Ҳазил-мазоқ ўйинларда
ҳеч ким унга тенг келолмайди. Лекин айти замонда ўзи жуда ҳам
софдил қиз, Худо яратган махлуқлар ичида энг мард ва садокат-
ли хилқатлардан биттаси, ҳаддан ортиқча назокати тўғри иш
қилишга йўл қўймайдиган иккиюзлама кимсалардан эмас.

Шу ерга келганда ҳавода хонишлар ва арғанун овозлари ян-
ради. Бу ҳазрат тарғиботчи Жон Хюз, О.И. раҳбарлик қилувчи
эркаклар ҳушёрхонасида Табаррук Тухфаларни муборақбод этиш
ҳамда хутба ўқиш, ибодат қилиш маросими адо этилмоқда эди.

Бу ерда улар ҳеч қандай табақаларга ажралмаган ҳолда бирга тўпла-
нишар (бинобарин бу ғоятда ибратомуз йиғилиш эди), зотан улар
нинг ҳаммаларини дунёнинг бўронлари, тўлқинлар қирғоқдаги
ушбу камтарин хонақога чиқариб ташлаган ва ҳаммалари Бокира-
нинг оёқларига тиз чўкиб, Лорет Модар Худосига дуо ўқишар,
Муқаддас Мария, Муқаддас ва Мутаҳҳар Мария Она сингари
жуда кўхна ҳамда ғоятда таниш каломлар билан мурожаат қили-
шиб, ҳимоят тилашарди. Шўрликкина Герти бу саслардан қанча-
лар қайғу ҳасратга чўммасди! Қанийди, оҳ, отаси аҳд қилибми,
қасам ичибми ёки «Пирсонс уикли»да ёзилган майхўрлик бало-
сидан халос этадиган ҳаб дорилардан ичибми, ишқилиб, ўша ёвуз
аждаҳонинг комидан бутунлай халос бўлсайди, кизгина ҳозир
ҳеч кимдан қолишмай, кам бўлмай ўз ҳашаматли каретасида сай-
ру саёҳат тортиб юрмасмиди, ахир. Қизгина ўти ёниб охирлаёт-
ган камин олдида маъюс ўйларга ботиб ўтираркан, буларни ўз-
ўзига сон-саноксиз бир тарзда тўхтовсиз такрорлар, шу ҳолда у
чироқни ҳам ёқмас, зеро икки ёқдан тушадиган ёруғликни ҳеч
жини ёқтирмасди, ёхуд гоҳо ёмғир занглаган ахлат қутига тасир-
лаб урилаётганига дарчадан соатлаб термулиб ўтирар ва шундай
тубсиз ўйларга бериларди. Аммо шунча ўчоқлару қанчалаб оила-
ларни барбод этган машъум ичкилик оғуси қизгинанинг маъсум
болалик чоғларига оғир соя ташлаб улгурганди. Ҳазил эмас, қиз-
гина ўз қадрдон уйида маст-аласт жанжал-тўполонларни кўрган,
жонажон отаси ичкилик зўридан тамомила эс-ҳушини йўқотган-
нига ўзи гувоҳ бўлган ва бинобарин Герти бу ёруғ дунёда бир
нарсани ҳаммадан ҳам қаттиқ билиб олганди: агарда, эркак киши
аёлга меҳру мурувватдан бўлак бир тарзда муомала қиларкан, у
ҳолда энг тубан аблаҳ номигагина муносибдир.

Овозлар ҳамон Муқадлар Биби, Муфарраҳ Биби шарафига
дуолар ёғдириб хониш қилишарди. Ўз ўй-хаёлларига чўмган
Герти эса гўё буларни эшитмас ва на дугоналари, на шўх ўйна-
ган эгизак болакайлар ва на Сэндимаунт Грин томондан пайдо
бўлган бир кишини кўрарди. Сисси бу кишини унинг отасига
ўхшатди, у соҳил бўйлаб оҳиста кезинарди. Албатта, отаси ҳеч
қачон одамлар кўзида маст-аласт юрмасди, лекин барибир киз-
гинага у ота сифатида ёқмасди, балки ҳаддан ташқари қари
бўлгани учундир, ёки яна бошқа бирон нарса боисдир, ёки эҳ-
тимол башараси хунуклиги сабабдир (ҳар ҳолда бу ерда доктор
Фелл ҳодисаси бўлса керак), ёки ғўдда-ғўдда бўжамаси кўпчи-

ган буршими, ё бурни остидаги оқара бошлаган қўнғир мўйлови-ми, хуллас, нимасидир ёқмасди. Бечора отам! Қанча айблари бўлмасин, кизгина уни яхши кўрарди, отаси «О, Мэри, айт, сенга қандай етайин» ва «Менинг уйим ва севгим Ла Рошелита яқин» кўшиқларини айтганда, кизгинага бу хуш ёқарди, кечки дастурхонга димланган чиғаноқлар ва майонез солинган салат қўйилган, отаси мистер Дигнам билан бирга «Ой чиққанда»ни айтишарди, шўрлик Дигнам юраги хуруж қилиб бирдан ўлиб қолди, дарров кўмиб ҳам келишди, Худо раҳмат қилсин. Онасининг таваллуд кунини эди, Чарли таътилга чиқиб уйда эди, Том ҳам, мистер Дигнам хотинини билан келинганди, Пэтси ва Фредди Дигнам ҳам шу ерда эди, кейин ҳаммалари бирга суратга тушишди. Ким ўйлабди ҳаёти шундай охирлаб қолган деб. Ҳозир гўрда ётибди. Онаси эса отасини огоҳлантирди, абадул-абад бу сенга огоҳлантириш ва ибрат бўлсин, отаси эса ҳатто таъзияга ҳам боролмади, оёғи оғриб ётиб қолди, шунинг учун кизгина унга идорасидан хатлар билан Кэтсби линолеумлари намуналарини келтириб берди, унинг бадий безаклари саройга қўйса ҳам ярашади, ўзи жуда мустаҳкам, уйни ҳам ёруғ ва чиройли қилади.

Герти қиз эмас, хазина эди, уйнинг иккинчи фариштаси деса ҳам бўлади, ҳар бир ишда мададкор ва ҳимояткор, қалби олтин эди. Онасининг боши нақ ёрилиб кетай деб ёмон оғриб қолганларида, Герти дарров унинг пешонасини ялпизли олқинди билан ишқарди, аммо онасининг тамакини бурнаки қилишини сира ёқтирмас, ёлғиз мана шу хусусдагина она-бола ўртасида доим тортишувлар бўлиб турарди, ҳа, бурнаки. Барчалари кизгинани ширин муомаласи учун оғизларидан бол томиб макташарди. Уйда фақат Герти газни кечаси учирарди, уйдаги нозик бир жойни ҳам Герти ҳар икки ҳафтада бир марта хлор сепиб тозаларди, кизгина айни мана шу жойнинг деворига баққол Танны амаки совға қилган «Идиллия замонларида» деган таквимли суратни осиб қўйди. Мана шу суратда эскича кийинган, бошига учбурчак тумоқ қўндирган ёш йигит ўз суюкли кизига дераза панжарасидан ўша замонларга хос ҳақиқий одоб-икром ҳамда назокат билан бир даста гул узатарди. Шундоқ кўриниб турибди — бунинг тагида бир гап бор. Бўёқлари ҳам чиройли танланган! Қиз сирилиб турадиган майин оқ либосда, кўркам ва нафис бир киёфада, азамат эса жигарранг тусдаги уст-бошда сочидан тирноғига аслзода эканлиги ошкор. Кизгина бу ерга у-бу эҳтиёж билан кириб қолган

чоғларида уларга хаёл оғушида тикилиб қолар, енгларини андак шимариб суратдаги қизниқига ўхшаш оппоқ ва юмшоқ қўллари-ни ушлаб кўярди-да ўша кўхна замонлар ҳақида ўй сурарди, нега деганда бобоси Гилтрапдан мерос қолган Уокернинг талаффуз луғатида идиллия нима деганини топиб ўқиган эди.

Эгизак болакайлар энди оға-инилардай бўлиб бирга ўйнашар, уларга қараб кишининг ҳаваси келар, лекин мана ниҳоят ҳақиқатан ҳам жуда шўх тирмизак бўлган, бундан қаёққа ҳам қочиб қутулиш мумкин, кичкинтой Жеки қитмирлик билан коптокни жони борича пўпанак босган қоя тошлар томонга қараб тепди. Ўз-ўзидан равшанки, бечора Томми дунёни бошига кўтариб норозилик билдирди, аммо, бахтни қарангким, ўша ерда ёлғиз ўтирган қора кийимдаги амаки шартта ўрнидан сакраб туриб ёрдамга шошилди-да, коптокни тутиб қолди. Ҳар икки мурғак рақиб шу заҳоти бақириб-чақириб жонажон коптокларини қайтариб беришни талаб қилишди. Болаларни тинчитиш учун Сисси Кэффри амакига коптокни менга ташланг, деб илтимос қилди. Амаки бир-икки мўлжал олди-да, тўпни кум устидан Сисси томонга думалатди, лекин тўп қияликка думалаб бориб, қоя остидаги қўлмакча яқинида тўхтади, бу худди Гертининг этаги олдида эди. Болакайлар ҳамон беринг, беринг, деб қичқиришарди, шунинг учун Сисси коптокни болаларга тепиб юбор деб сўради, ким ушласа, ушлаб олсин, деди. Шунинг учун Герти оёғини йиғиштирди аммо тентак тўп унинг олдига келишни истамасди оёғи билан тўпни тепиб юбораман деди-ю, лекин удасидан чиқмади, Эди билан Сисси кулиб юборишди.

— Бошқатдан теп, — деди Эди Бордмен.

Герти маъқул дегандай табассум қилди-да лабини тишлади. Унинг нафис ёноқларига қизиллик югурди, бироқ уларга кўрсатиб қўйгиси келди, кейин халақит бермасин деб, юбкасини салпал кўтариб яхшилаб мўлжаллади-да, оёқчаси билан тўпни каттиқ тепиб юборди, тўп узоқ-узоққа бориб тушди, болакайлар шағал устидан унга қараб югуришди. Албатта, бу ерда орага жиндаккина рашк ҳам аралашди, у нарироқда кузатиб турган амакининг эътиборини тортишни истади. Қизгина икки юзи ўтдай қизариб, алангаи оташ бўлиб ёнганини ҳис қилди, бу эса Герти Макдауэлл учун доим хатарли бир белги эди. Ҳозирча улар бир бирларига кўз учида боқиб қўйишганди, лекин энди қизгина янги пляпачасининг соябони остидан у то-

монга тикилиброқ қарашга журъат этди. Назарида умри бино бўлиб ҳеч қачон бундайин ғамгин башарани қурмагандай эди, секин ёйилиб келаётган оқшом ёруғида унинг юзи қизнинг назарида қандайдир ғалати чўзилган ва ўта ҳорғин эди.

Черковнинг очик дарчаларидан муаттар ҳидлар тараларди, ва улар билан бирга бокира онанинг анбарин бўйли исмлари ёйиларди, ё раҳбоний Заврақ кема, бизни дуо қил, ё Заврақи саждагоҳ, бизни дуо қил, ё тақво Заврақи, бизни дуо қил, о сирли-синоатли атиргул. Унда эди ташвиш паришонҳол айлаган диллар, унда эди ризқ-руз учун заҳмат чекмиш жонлар, бесару сомон саргардонлар, уларнинг чашмаи айнлари тавба-тазаррулардан намланмиш эди, ва яна умид муждаси бирла фараҳланарди, зеро ҳазрат ота Хюз уларга буюк валий Бернарднинг Биби Марямга қарата айтган дуосидан хабар бермишди: Бокира Она ҳар қачон ҳар кимни шафоат айлар, унга нидо қилгувчи, уни чорловчи ҳеч кимса ҳеч бир замонда нажот топмай қолмагай.

Болакайлар ҳамон бемалол шўх ўйнардилар, зеро, болалигимизда бизнинг озорларимиз худди ёз ёмғири каби тез ўтиб кетади, Сисси ҳалиям жажжи Бордменни ўйнатарди, жужук эса қўлларини ҳавода силкитиб, мазза қилиб қийқирарди. Сисси аравача копчиғи ортига яшириниб, тук-тук! деб овоз берар, Эди эса, қани, қаерга кетди Сисси деб сўрарди, ана шунда Сисси бошини чиқариб, мўралаб ку-ку! деб қичқирар, жужукча эса роҳат қилиб қичқирлаб куларди. Кейин Сисси унга дада дегин деб ўргата бошлади.

Қани, жужук, дада де. Айт: да-да-да да да-да-да.

Дўмбоқ эса зўр бериб дудуларди, нега деганда, ҳамма бола энди ўн бир ойлик бўлганига қарамай яхши ўсяпти, тили чиқяпти, ўзи бақувват ва соғлом, қараб тўймайсан, шундай ажойиб ширинтой дейишар ва ҳаммалари бу катта бўлганда, улуғ одам бўлса керак, деб қўйишарди.

— Ала-ла-ла-ала.

Сисси унинг оғзини рўмолча билан артди-да, қулайроқ қилиб ўтқизиб қўймоқчи бўлди, шунда да-дани яхшилаб айтади, деб ўйлади, лекин жужукни ўрнидан қўзғаша билан у бай-байлаб юборди, вой, азиз авлиёлар, бу тагини жикқа ҳўл қилиб қўйибди-ку, тезроқ тагини янгилаш керак, турган гапки, ушбу тузатишлар жужук ҳазратларини тинчини бузиб ёмон ғашига тегдики, бу ҳақда ҳеч пайсалга солмай оламга жар солинди:

— Увааа ува-ува, ааа.

Унинг кўзларидан иккита катта-катта думалоқ ёш юзини ҳўл қилиб оқиб тушди. Овутишнинг иложи бўлмади, нима бўлди, а, нима бўлди шириним, вов-вов, миёв-миёвлар ҳеч бир кор қилмади, аммо Сисси узоқ ўйлаб ўтирмай дарҳол унинг оғзига шиша сўрғични тутди, шундан сўнг митти тўполончи дарров жим бўлди.

Герти улар тезроқ йиғлоқи чақалоқни уйга олиб кетишларини хоҳларди, асабинга тегишади, умуман миттининг уйга қайтадиган вақти бўлди, манави мишиқилар ҳам ўйнаб чарчашди. Қизгинанинг нигоҳи денгиз уфқларига қадалганди. Бу манзаралар кўча рассоми йўл устига рангдор бўрлар билан чизган суратларни эслатарди ва жуда ҳам ачинарли эди уларнинг кўча бетида қолиб, сўнг ўчиб кетиши, оқшом, сузиб юрган булутлар, кўрфаз томондаги Бейли маёғи, сен эса шундай осуда ўтириб, музика оҳангларини эшитасан, димоғингга хушбўй хидлар урилади, улар черковда кундур тутатишяпти. Аммо олисларга кўз ташлаган сайин унинг жажжи юраккинаси тинмай дукур-дукур урарди. Ҳа, у киши фақат менга қаради, қарашлари ҳам яна бир бошқача-ей. Унинг кўзлари юрагининг тубтубига боккандай ва уни англамоқчи бўлгандай кўнглига ўт ёкарди. Бу кўзлар жуда ажойиб эди, улардан мислсиз бир ифодавийлик ёғилиб турарди, фақат уларга ишониб бўлармикин? Одамлар жуда ғалати-я. Унинг қора кўзлари ва оқариб турган зиёли чехрасидан бу ерларнинг одами эмаслигини дарров билиб олса бўлади, қизгинада энг машҳур актёр Мартин Харвининг сурати бор, агар мўйловлари демаса бу киши унинг худди қуйиб қўйган ўзи, аммо бу мўйловлар қизгинага бирам ёқади, нега деганда қизгина Уинни Риппингамга ўхшаб театр жинниси эмас. Уинни ҳатто кел, иккаламиз бир хилда кийинамиз дейди, нега деганда пиесада шунақа экан, бироқ қизгина ўтирган жойдан қараганда актёрнинг бурни қандайлигини, шунқордайми ёки бироз *retrousse'*ми, билиб бўлмайди. У бошдан-оёк мотам либослари кийган, қизгина буни дарров пайқади, юзидан ҳам қайғу ва азоблар қиссасини ўқиш мумкин. Қизгина дунёдаги бор нарсасини беришга тайёр эди бунинг сабабини билишлик учун. Нигоҳини узмай қаттиқ тикилиб қаради-я. Қизгина коптокни қандай тепиб юборганини у кўрди, шунинг учун қизгинанинг туфличасидаги тамғачалари қандай ярақла-

¹ Тапқайган (франц.).

ганига кўзи тушгандир, хойнаҳой, агар мана бундай қилиб учини пастга қилиб қимирлатиб ўтирса, айниқса. Эрталаб мана шу шаффоф пайпоқни кийишни кўнгли сезиб айтиб турди, бирам яхши-я, лекин унда балки Регги Уайлини кўриб қолармикин-ман деб ният қилганди, аммо энди булар ҳаммаси орқада қолди. Қизгина шунча орзу қилган кимса мана кўз ўнгида намоён бўлди. Шу киши ва фақат шу киши унинг кўзлагани қизгина-нинг чеҳраси шодликдан ял-ял ёнарди, нега деганда қизгина ёлғиз шу кишини дерди, нега деганда қизгина бутун юраги ва жон-жаҳони билан ўзининг яккаю яғонаси, атовлиси эканлигини сезиб турарди. Бор аёллик қизлик қалби билан қизгина унга, орзуларида ардоқланган ёрига талпинарди, нега деганда бир қарашдаёқ бу ўша ўзининг ёлғизи эканлигини билганди. Агар у киши дардга ботиб, бошқалар олдида гуноҳкор бўлмаса, аксинча, фақат бошқалар унинг қошида айбдор эса, мабодо ҳатто бунинг аксича бўлсин, мабодо ҳатто илгари унинг ўзи гуноҳкор, чакки одам бўлсин, бу қизгинани асло тўхтатиб қололмасди. Мабодо у киши қизгинани чин юракдан севса ҳаттоки у протестант ёки методист бўлганда ҳам, барибир қизгина уни ўзига осон оғдириб ола билади. Жароҳатларни даволашга қодир биттагина юрак малҳами бор. Қизгина чинакам аёл эди, у зиғирча ҳам латофати бўлмаган ҳозирги енгилтакларга ўхшамайдди, у кишим билса ҳам керак шу велосипед минадиган ҳамма нарсаи очик-сочик кўзга ташланиб турадиган қизларни. Алқисса, қизгина ҳаммасини билишга ташна эди, ҳаммасини кечириш ўтида ёнарди, қанийди у кишим чин дилдан севишига эришса, қизгина буларнинг барини адо этарди, ўша ўтмиш хотиралар кучини йўққа чиқара оларди. Ана ўшанда эҳтимол у кишим уни ҳақиқий эр йигитлардай авайлаб-ардоқлаб қучган, нозик белларидан маҳкам ўзига тортиб бағрига босган, жажжи қизчам, ёлғизим деб суйган, эркалаган бўларди.

Мужримлар паноҳи. Барча ғамбодалар саодати. Ога рго nobis¹. Қандай яхши айтилган-а, унга имон-эътиқод билан чин дилдан ибодат этган кимса ҳеч қачон ора йўлда қолмас ва рад этилмас, ва яна қанчалар яхши-я, у барча аламдийдаларни ўз хиёзми ҳимоятига олади, уларга паноҳ беради, нега деганда Бибимизнинг қалбини етти ғам алам тешиб ўтган. Гертти чер-

¹ Бизни дуо қил (лот.).

ковдаги бутун манзарани, деразаларда жилоланган рангдор ойналар, шамлар, гуллар ва Муқаддас Биби мазҳабининг мовий туғроларини шундоқ кўз ўнгига келтирди, меҳроб томонда эса ота Конрой ҳазрат Каноник О'Ханлонга кўмаклашади, бошини қўйи эгиб турли-туман ашёларни олиб келади ва олиб кетади. У авлиёга ҳам ўхшаб кетар, унинг изҳорхонаси доимо бирам тоза ва осуда бўларди; бу ерда майин нимқоронғилик ҳоким эди ва унинг қўллари ҳам худди оппоқ шағамдан ясалгандай кўринарди, мабодо бир кунмас-бир кун уларнинг оқ либосларини кийиб, Доминик роҳибаси бўлиб қолса, унда балким у кишим дайрхонага авлиё Доминик пучмоғига уни кўргани келармиди баногоҳ. Анов бир сафар қизгина ҳазрат ота хузурига бориб изҳори дил айтаркан, ҳайз ҳақида сўради ва сочининг тағигача дув қизариб кетди, у ҳозир менга тикилиб қарайди деб юраги пўкиллади, ҳазрат бундан ташвиш чекманг, деб жавоб берди, бу табиатнинг муждаси, холос, ухровий ҳаётимизда биз ҳаммамиз унинг қоидаларига бўйсунамиз, бунинг ҳеч қандай айби йўқ, нега деганда Худо аёлнинг табиатини қандай яратган бўлса ўшандан келиб чиқади, ҳазрат шундай деди ва ҳаттоки бизнинг ҳукума Онамиз Жаброил алайҳиссалом ҳазратларига айтдики, майлига, менинг ҳолим Сенинг Сўзингдек бўлмай. Ҳазрат шундоқ нуроний ва шундоқ меҳрибон эдики, қизгина тез-тез унга қандайдир совға-тортиқлар қилгиси келар, кашталар солиб тикилган чойнак филофими, ёки соатми, гарчи ундоқ деганда уларнинг соатлари бор, қизгина бу соатни каминнинг токчасида кўрган олтин халли оқ соат тепасида кичкина уячаси бор, ҳар ярим соатда у ердан қушча учиб чиқади-да, янғрок овоз солиб қичқиради, қизгина ўша куни қирқ соатлик таъзим ибодати учун гуллар ҳақида сўрагани кирганди, нега деганда ахир совғот учун нарса танлашнинг ўзи қийин-да, балким Дублин ёки бошқа бирон чиройли жойнинг кўринишлари тасвирланган альбом олиш керакмикин.

Афтинг қурғур тирмизаклар яна шовқин-сурон кўтаришяпти. Жекки тўпни денгиз томонга бор кучи билан тепди, кейин икковлари копток кетидан чопиб кетишди. Баттол маймунлар, куздаги қўлмақлардек жонга тегишди. Уларнинг бошлаб таъзирини бериб қўйиш керак, вақт етди. Эди билан Сисси ҳозир тўлқин ёпирилиб келиб уларни кўмиб кетмасин деб, қўрқиб, ҳовлиқишиб, орқага қайтларинг, деб қичқира бошлашди.

— Жеки! Тёмми!

Қайрилиб ҳам қарашмайди! Ўзларига етгунча ақлли булар! Шундан кейин Сисси энди сизларни ҳеч қачон ўйнатгани олиб чиқмайман, деб қичқирди. У сакраб турди-ю, сочларини йўл-йўлакай елкасидан ошириб силтаб ташлаб, уларнинг орқасидан нишоблик томон югурди, сочларининг ранги-туси ёмон эмас, лекин яна бирозгина узунроқ бўлгандайди; айтмаса, сочига нима нималарни сурмади я, қайсинисини айтасиз, лекин барибир тирноқча ҳам ўсгани йўқ, нега деганда тагида бори ўзи шу, нима ҳам қилсин бечора, чидайди-да. Сисси худди турнага ўхшаб оёғини силтаб чопар, бунақа чопишда юбкасининг тириллаб йиртилиб кетмаганига ҳайронсан, Сисси Кэффрининг кўп қилиқлари ўғил болаларга ўхшар, бунинг устига доим ўзини бир кўрсатиб қўйгиси келиб турар, ҳозир эса ўзича ҳаммадан ҳам чиройли чопаётгандай булар, анов кишим кўриб қўйсин деб, жони борича тиришар, ички қўйлагининг этакларини ҳилпиратар болдирларини уялмасдан яланғоч жойларигача кўз-кўзларди. Хўб ажаб бир иш буларди-да, агарда ҳозир унинг баланд ингичка французча пошнаси бирон нарсага илиниб, қоқилиб, бурни билан йиқилса, ана унда бўйини доим баланд қилиб кўрсатиш нималигини биларди.

Ана томоша! *Tableau!* Тўйгунигча қара, эркак кишининг кўзлари қувонади.

Фаришталар маликаси, бузрук оталар маликаси, набийлар ва барча валийлар маликаси, деб дуо ўқишарди улар, уч қарра Муқаддас Чорбоғнинг маликаси, шундан сўнг ҳазрат ота Конрой бухрдонни ота каноник О'Ханлонга узатди ва у идишга кундур тутатиб, Муқаддас Ҳадяларни табаррук этди, Сисси Кэффри эса шумтакаларни тутиб олди, яхшилаб уларнинг қулоқларини чўзиб қўймоқчи бўлди, лекин яна бу фикридан қайтди, нега деганда анов кишим менга қараб турган бўлса керак деб ўйлади, лекин сираям у уйлагандек эмасди, нега деганда Герти қарамай турибоқ у кишимнинг ўзидан асти кўз узолмай турганини сезаётган эди, ундан сўнг ота Каноник О'Ханлон яна бухрдонни ҳазрат ота Конройга қайтарди-да, тепага, Муқаддас Ҳадяларга қараб тиз чўкди, шунда хонишчилар *Tantum ergo* ни қўйлай бошладилар ва шунда Герти музика оҳангига берилиб оёғини қимирлата бошлади, *тантум эрго сакраментум*². У мана шу пай-

¹ Томоша! (Франц.)

² *Tantum ergo sacramentum* - Мана буюк синоат (лот.).

покни уч шиллингу ўн бир пенс бериб Жорж-стритдаги Спэрроу дўконидан харид килди, бу сешанба, йўқ, душанба куни эди, мана ҳозиргача барча илгаклари жойида, шаффоф таги кўринадиди, анов кишим мана шунга қараган, анов қизнинг нимасига қарайди, на тарҳи на жисмининг тайини йўқ (вой бети қаттиқ!) у кишим кўр эмасдир-ку, ахир, фарқласа керак ўзи.

Сисси денгиз томондан икки шумтакани етаклаб коптокни кўлида тутиб келарди, бошқа ҳар қандай стрил¹дан сира фарқи йўқ эди, чопганидан шляпаси ёнига қийшайган, икки ҳафта бурун сотиб олган нафис уст кўйлаги ғижимланган ва булар ҳам етмагандай орқасидан ички кўйлагининг этаклари чиқиб турарди, нақ кулгили суратларда чизилгандай. Ва худди мана шу онда Герти сочларини тўғрилаш учун бошидан бир зумга шляпасини олди. Худо шоҳид, бундан кўра нафисроқ, мафтункорроқ бошни қиз елкалари ҳеч қачон кўтариб юрган эмас, ўзининг латиф малохати билан ақлдан оздиришга қодир мўъжиза каби порлаган чехра. Нимтатир ёнғоқ тусидаги бундайин соч, жамила соч жамалаklarини топаман деб уринган кимса ер юзини жуда узоқ айланиб қидириши керак. Қизгина ул кишимнинг кўзларида бунга жавобан ҳайрат учқунлари ялт этиб чақнаб кетганлигини кўргандай бўлди-да, бундан бутун юрагининг қиллари титраб, таранг тортилди. У яна шляпасини бошига илди-да, нигоҳи билан кузатиб туриш қулай бўлсин учун соябони тарҳини манглайига андак бостириброк кўйди, бошимоқ тўқаси ярақлаган мўъжазгина оёқлар энди андаккина тезроқ чайқала бошлади, нега деганда ул кишимнинг кўзларида чақнаган ўша ўтни кўрганда, Гертининг нафаси ичига қайтиб кетди. Бўғма илон ўз емишига қандай қараса, у ҳам қизгинага шундай қарамокда эди. Қизгина аёллик кўнгли билан ул кишимнинг ичидаги шайтонни уйғотиб юборганини сизди ва шу фикр хаёлидан ўтиши ҳаманоқ қайноқ қон унинг бўйнидан пешонасига томон кўтарилди-да, юзи қип-қизил атиргул тусига кирди.

Бу ҳолат Эди Бордменнинг назаридан қочмади, нега деганда у лабини қийшайтириб кулганча қариқизларга ўхшаб кўзойнак остидан сира Гертдан кўзининг қирини узмасди, шу билан бирга ўзини гўдакни аллалаётгандай қилиб кўрсатарди. Ҳар қандай нишдор чивиндан ҳам хирароқ бу қиз бундан ке-

¹ *Стрил* — палпис хотин (ирл.).

йин ҳам шундай бўлиб қолади, мана шунинг учун ҳам ҳеч ким билан чиқишолмайди, нега деганда ҳар доим бировларнинг ишига аралашиб юради. Шунда Эди Гертига:

— Вой, қизик бўлиб кетди-ку, ниманинг хаёлини суряпсан? — деди.

— Нима — деб оппоқ тишларини кўрсатиб табассум қилди Герти. — Кеч бўлиб кетмадим деб ўйлаб ўтирган эдим.

Нега деганда қизгина манов мишиқи тирмизаклар билан анави гўдак ниҳоят қачон уйга омон эсон жўнашаркан, деб маҳтал бўлиб кутар, шунинг учун ҳам жуда одоб билан кеч бўлмадим деди. Сисси уларнинг ёнларига қайтиб келгач, Эди ундан соат неча бўлди деб сўради, оғзидан чиққанини ёқасига ёпиштирадиган мисс Сисси эса бешта бўса кам бўса оладиган вақт бўлди деб ҳазиллашди. Аммо Эди аниқ билишни истар, негаки унга вақт-лироқ қайтинглар деб тайинлашганди.

— Унда тўхтаб тур, — деди унга Сисси, — чопиб бориб ҳув анави қўнқайиб ўтирган амакимдан сўраб келаман, осма соатингиз неччи бўлди дейман.

Шундай деб Сисси анов киши томонга юрди, у киши Сисси ўзи томонга келаётганини кўриб, қўлини чўнтагидан чиқарди-да, безовталаниб қолди, осма соатининг занжирини ўйнаб, черков ёққа қараб олазарак бўлди, Герти буни сезди. Рост, бу кишим жуда қизикқон одамга ўхшайди, шунга қарамасдан у ўзини фоятда вазмин ва сипо тутарди, бу Гертига аён кўринарди. Ҳозиргина у қизгинага росмана мафтун бўлиб, сира ундан кўзини узолмай турганди — мана энди кўз ўнгимизда ниҳоятда жиддий жентлменга айланди-қолди, басавлат гавдасининг ҳар бир чизигидан ўзини яхши тутадиган одам эканлиги кўринарди.

Сисси узр сўраб, ундан соат неча бўлди, айтолмайсизми, деди, у соатини чиқарди-да, қулоғига тутди, кейин кўзини кўтариб, йўталиб қўйганча, минг афсуски, соатим тўхтаб қолибди, лекин назаримча ҳозир саккиздан ошиб қолди, нега деганда, кўёш ботди, деб айтди. Герти буни кўриб турди. У босиқ овоз билан гап оҳангини келиштириб сўйларди, лекин шунга қарамасдан унинг мулойим гап йўсинида қандайдир титроқ сезиларди. Сисси унга ташаккур айтиб қайтиб келди-да, тилини чиқариб, амакимнинг осма соати ётиб қолибди, деди.

Сўнг улар «*Tantum ergo*»нинг иккинчи бандини куйладилар ва ота каноник О'Ханлон яна ўрнидан туриб Муқаддас

Ҳадяларга кундур тутатди-да, тиз чўкди, шунда у ота ҳазрат Конройга битта шам қоғоз гулларга яқин ёняпти, деб қўйди, шунда ҳазрат ота Конрой ўрнидан туриб шамни ҳам, гулни ҳам тўғрилаб қўйди Герти эса анов кишим соатини бураб юряптимикин деб қулоғига тутганини кўрди-да, яна музика товушига мослаб оёқларини ликиллата бошлади. Анча қоронғи тушиб қолган, лекин барибир у кишимга ҳамон ҳаммаси кўриниб турар, шунинг учун у соатини бураркан ё бошқа нима ҳам қилаётган экан, қизгинадан кўзларини узмасди, кейин у соатини яна қайтиб киссасига солди-да, яна қўлини чўнтагига тикди. Қизгина бутун вужудида нимадир жимирлаётганини ҳис қилди: боши тўхтовсиз қичишар, белидаги тасмалари қисар ва қизгина энди анов касали бошланаётганини аниқ билди, нега деганда бу охириги маротаба янги ой чиққан кези сочларини калта қилиб кесганида рўй берганди. У кишимнинг қора кўзлари яна қизгинага қадалди-да, худди уни ютиб юборадигандек ва худди уни илоҳдек кўриб таъзим қилгандек бўлди, буни қиз аниқ-таниқ билди. Ва умуман эр кишининг нигоҳи қачондир эҳтирос билан суюб, очиқ-ошкора тикиларкан — мана ҳозир худди шундай ҳол рўй бермоқда эди, бу унинг башарасига ёзилганди. Ушбу суюш хирожи сенга, Гертруда Макдауэлл, буни ўзинг ҳам яхши биласан.

Эди йўлга отлана тушди, вақт алламаҳал бўлиб қолганди, Герти ўзининг бояги гапи нишонга текканини сезди, нега деганда қумлоқ соҳилдан то бола аравачаси олиб чиқиладиган ергача анча-мунча бор эди. Сисси эса эгизакларнинг бош кийимларини ечиб, уларнинг сочларини ҳафсала билан тарай бошлади, албатта, у ўзини чиройли кўрсатишни жуда яхши кўради, ота каноник О'Ханлон эса тиз чўккан еридан турди, унинг узун хиркаси йиғилиб, елкаси устида дуппайиб қолди ҳамда ота ҳазрат Конрой унга бир ёзилган варақни узатди ҳамда ота Каноник *Panem de coelo praestitisti eis*¹ни қироат қила бошлади. Эди билан Сисси эса ҳануз вақтни сўрашар ҳамда Гертини ҳоли-жонига қўйишмасди, аммо Герти уларга боплаб жавоб берди. Эди энг яхши ошиғинг кутилмаганда ташлаб кетиб юраккинангни вайрон қилиб юбормадими, деб сўраган эди, қизгина одамнинг житарини эзадиган одоб билан қисқагина жавоб қила қўйди, лекин юрагига худди ханжар санчилгандай ғужанак бўлиб

¹ Уларга самовий ўтмак ҳадя этдинг (лот.).

қолди. Кўзлари шу ондаёқ мислсиз нафрат ёғдириб, совуқ ўтлар чақнатди. Бўлмасам-чи, бу унга азоб беряпти, бу вужудини қий-малаяпти, нега деганда бу Эди нақ маккор мушук, худди ҳеч нар-сани билмагандай бўлиб одамнинг юрагини қиймалайдиган, одамни ўлдирадиган гапларни гапиради, буни ўзи жуда яхши билади. Гертининг дудоқлари очилди, сўзлар ҳам отилиб чиқишга тайёр эди, лекин айтолмади уларни, ўкраб йиғлагиси келди, томоғи ғиппа бўғилди, ҳар қандай мусаввирни ҳайратга солишга қодир шундай узун ва мавзун ажойиб юмшоқ бўғзида айтар сўзлари тикилди-қолди. Ўша бола қизгина уни қанчалар қаттиқ севиши-ни билмасди. Енгилтак бетайин алдоқчи, шу жинсга тегишли барча кимсалар каби бевафо йигитча шу қизгина учун дунёда ҳамма нарсадан қимматли эканлигини ҳеч қачон хаёлига ҳам кел-тирмасди, шунда қизгинанинг кўзларини бир зумгина куйилиб келган аччиқ ёш ачиштирди. Лекин рақибалар бераҳм кўзларини ўқдай тикиб унга қараб туришарди, шунинг учун у ўзини қаҳра-монларча енгиб босиб олди-да, атай уларни куйдириш учун ўзи-нинг янги валломатига ййдириб юборадигандай сузилиб боқди.

— О, — чақмоқдек тез жавоб қайтарди Герти кулиб, боши-ни мағрур кўтарганча, — бу кабиса йили ку, кимни хоҳласам, ўзим шуни танлайман.

Қизгина ёввойи кўкарчиндек молиш қилиб, соф жарангдор овоз билан сўзлади, шунга қарамай орага чўккан сукунатда унинг сўзлари кескин ва совуқ эшитилди. Бу навқирон сасда нимадир аниқ-равшан сезилди ва шундан очиқ дарак бердики, қизгина ҳеч қачон ҳеч кимнинг қўлида ўйинчок бўлмаёжак. Мистер Реггини эса қизгинанинг барча бойликларию мақтап-чоқликлари билан бирга қўшиб, кўчадаги ахлатни сургандай оёғи билан осонгина бир четга суриб қўя биларди, кейин ҳеч қачон эслаб ҳам ўтирмасди ҳамда анави қуриб кеткур хатини ҳам майда-майда қилиб йиртиб ташларди. Ва мабодо йигитча қачондир яна хиралик қиладиган бўлса, қизгина унга шундай бир нафрат билан боқар эдики, у турган жойида тахтадай қотиб ўлиб қоларди. Шўринг қурсин, мисс Эдининг юзи мунча чўзи-либ кетмаса, ҳатто қора булутдан ҳам қорароқ деса ҳам бўла-ди, Герти кин-адоват зўридан унинг паққос ёрилиб кетай деб турганини кўрди, лекин кичкина киннат¹, ўзига сув юқтирмай

¹ Манжалақи (ирл.)

ди, нега деганда унинг энг нозик жойи кунчилигига тегиб кетди, бўлмаса, ҳар икковлари ҳам билишади, бу ишларга у сира ҳам бефарқ қаролмайди, ахир ва мана шу ҳаёт байрами унга мангу бегона ва яна аллаким ҳам буни жуда яхши билади ҳамда кўриб туради, шундоқ экан, энди фақат бурнингни артиб олсанг, ўзингга яхши бўлади, холос.

Эди уйга отланиб, гўдакни қулайроқ ётқизди, Сисси белкурлар, челакчалар, тўпларни йиғиштирди, вақт аллақачон бўлди, кичкина Бордмен ухлайдиган чоғ етди. Сисси ҳам унга шипшиди, шу яқин атрофда Вилли Кўзингни Юм ҳам айланиб юрибди, демак, ширинтойлар алло қилишади, аммо ширинтой гапга ҳеч кўнмай, кўзларини катта-катта чарақлаб очиб қийқириб куларди, бундан Сиссининг ҳам кулгиси кистади-да, гўдакнинг дўмпайган қоринчасини енгилгина таталаб қўйди, ширинтой эса ҳеч кимдан сўраб нетиб ўтирмай жўшқинлик билан янгигина тутилган фартукка сўлакларини оқизди.

— Ана, холос! — хафа бўлди Сисси. — Қилар ишимизни килдик. Фартук расво бўлди.

Бу енгилгина *contretemps*¹ унинг қўлини ушлади, аммо у бирпасда яна тартибга келтириб қўйди.

Гертининг бўғзидан бўғиқ бир индов эшитилди, у асабий йўталиб қўйди, Эди ҳам шу заҳоти нима-нима деб сўради, қизгина унга карлар учун ибодат икки карра ўқилмайди демокчи бўлди, аммо у ҳеч қачон одоб-икром доирасидан чиқмасди, шунинг учун назокат билан дуо-фотиҳа ўқилипти деб қўйди, нега деганда худди мана шу дамда соҳил узра сукунат бағрида черков жоми бонг урди, нега деганда каноник ота О'Ханлон ҳазрат ота Конрой унинг елкасига ташлаган либосда меҳробга кирди-да, қўлида Муқаддас Ҳадяларни тутган ҳолда дуо-фотиҳа ўқирди.

Ёпирилиб келаётган шом қоронғилигида бу манзараларнинг бари, ва ҳам Эринанинг видолашаётган гўзаллиги, ўйларга ботирувчи жомнинг хуфтон садолари, ва ҳам чирмовуқ чирмаган жомхонанинг пучмоқларидан чиқиб учиб юрган кўршапалакнинг пириллаган шарпаси юракларни ҳаяжонга соларди, кўршапалаклар ранг-қути ўчиб бораётган осмон бағрида шикояткор бенажот чириллаб чарх уриб айланишарди. Узоқ-узоқларда машъал маёқларнинг чироқлари шундай чиройли шуъла сочарди, қизгина буларнинг ҳаммасини бўёқлар билан чизгиси келарди, ахир бу

¹ Ишқал (франц.).

одамни чизишта караганда осон-да, хали тезда фонусчи черков ёнидан ўтиб йўлга тушади, кейин жуфт жуфт бўлиб серсоя Трайтонвиллда сайр этиб юрганлар орасидан ўтади, кейин қизгинанинг дарчаси яқинидаги фонарни ёқади. Регги Уайли доим велосипедни мана шу ердан қайтариб кетади ва ҳаммаси мисс Камминс ўзининг «Фонусча» деган китобида ёзгандек давом этади, бу хоним ойим ундан ташқари «Мейбл Вохен» деган китоб ва бошқа асарлар ҳам ёзган. Гап шундаки, Гертининг ўз сирли орзулари бўлиб, уларни ҳеч кимсага ошкор этмасди. У шеърларни севарди, бир кунни Берта Сапл унга турли фикрларни ёзиб юриш учун маржон муковали жуда шинам пушти альбом тортиқ қилди, қизгина альбомни ўз безак қутчасига солиб яшириб қўйди, безак қутиси албатта у қадар ҳашамдор бўлмаса ҳам, лекин ҳар доим саранжом-саришта, чиннидай тоза, ярақлаб турарди. Қизгина қутичада ўзининг қизлик хазиналарини сақларди, бу ерга тошбақа қалқонидан ясалган тароқлари, Мария болалари тамғаси, «Ок атиргул» атри, қошининг бўёқлари, атир соладиган қутчаси, ювилган кийим-кечагига тақадиган тасмаларини жойлаб қўярди, альбомига турли чиройли сўзлар ёзилганди, у хикматли сўзларни Дэйм-стритдаги Хили дўконидан сотиб олган бинафшаранг сиёҳ билан ёзарди, у ўзини худди шеър ёза оладигандай ҳис қиларди, қанийди анови шеърдагидай қилиб силлиқ, чиройли ёза олсайди, ўша шеърни у тасодифан мева-чева ўралган газетада кўриб қолди, шеър шунчалар ёқиб қолдики, дарров бошидан охиригача кўчириб олди. У «Гўзалим маним, сен армонимсан» деб аталарди, уни Маэртфелтлик Луис Жо Уолш деган ёзганди, у «оқлом чоғлари, о сен, о қачон ахир?» — деганга ўхшаш сўзлар билан давом этарди, ўзининг нафис гўзаллигида шунчалар маъюс бу сатрларни ўқиганда қизгина кўзларида сассиз ёшлари ҳалқаланар, нега деганда йиллар тўхтамай бири кетидан яна бири ўтиб борар, у буни жуда ҳам қаттиқ ҳис қилар ва агарда мана шу биттаю битта камчилиги демаса унга ҳеч қандай рақиб дош беролмасди.

Ҳаммасига ўша Долки-хиллдан тушиб келаётганда рўй берган воқеа сабабчи бўлди, энди қизгина буни қандай қилиб бўлмасин яшириш, билдирмасликка урингани-уринган. У сезиб юрибди, қачонгача бундай аҳвол давом этади, ахир. Агар қизгина анов кишимнинг кўзларида чақнаган фусункор чорловни илғаб олсайди, унда ҳеч нарса уни тўхтатолмасди. Севгини қулфлаб бўлмайди. У ўзини тамомила бағишлаб юбориши мумкин. Бутун куч-қувватини сарфлаб, унга ҳамфикр бўлишга интилади. Унинг учун

дунёдаги ҳамма нарсадан кўра ҳам қимматлироқ одамига айланиши, унинг кунларини бахту саодат билан лиммо-лим тўлдириши мумкин. Бироқ бу ўринда яна бошқа бир муҳимдан муҳим масала ҳам кўндаланг турарди, у кишим уйланганми ёки сўққабошми, қизгина қандай бўлмасин, буни аниқ билиши керак, балки хотиндан айрилгандир, балки бирон фожиа рўй бергандир, анов кўшиқлар диёридаги аслзодага ўхшаб, севгилисини жиннихонага элтишга, ҳам раҳм-шафқат ва ҳам тошбағирлик қилишга мажбур бўлгандир. Бундай қараганда, хўп, нима қилибди? Ўртада фарк унча катта эмас, шекилли? Юраги тубида жуда чуқур ўрнашган ҳиссиёт уни андак бўлсин андишасизлик, кўполлик қилишдан сақларди. У тубан кетган аёллардан нафратланарди, улар Додлер соҳилида айланиб юришади, аскарлару ҳар хил эркакларнинг кўйнига киришади, номусларини унутишади, қизлик шаънига доғ туширишади, уларни ҳатто полиция тутиб олиб кетади. Йўқ, йўқ, нима бўлса бўлсин, фақат бу эмас. Улар икковлари яхши дўст бўладилар, худди вояга етган ака-сингилдай, бошқа ҳеч қандай унақа нарсаларнинг ҳожати йўқ, катта ҳарф билан ёзиладиган Жамиятнинг бутун одатларига зид ўларок, худди шундай бўлади. Балки эсдан чиқиб ҳам кетган кунларда бошидан кечирган ўтмиш ҳою ҳавасларини хотирлаб шундай қора кийиб юрармикин? Қизгинанинг назарида у буни англагандай эди. Қизгина уни тушунишга уринган бўларди, нега деганда, эркаклар бири-биридан фарқли бўлади. Аввалги севги кутар, ҳамон кутар, чўзар пешвоз оппоқ нозик кўлларин ва ёлворар, ёлворар мовий кўзлар олға боқиб. Оҳ юрагим! Қизгина ўз севгиси, орзуси деб ҳеч орқага қарамай кетган бўларди, фақат юрагининг амрига қулоқ соларди, юраги эса ул кишини бутун дунёда ёлғиз, ягона дерди, ҳамма-ҳаммаси ўшанда дерди, зотан оламда фақат муҳаббат ҳаммасига ҳоким. Бошқаси ҳеч нарсага арзимайди. Нима бўлса бўлаверсин, қизгина барча занжирларни, барча тақиқларни узиб ташларди, озод бўларди.

Каноник ота О'Ханлон Муқаддас Ҳадяларни ҳадядонга қайтариб қўйди, тиз чўкди, хонишчилар «*Laudate Dominum omnes gentes*»¹ни куйлашга тушди ва у ҳадядонни ёпди, нега деганда дуо-фотиҳа маросими тугади ва ота ҳазрат Конрой унга шляпасини узатди. Анави Эди бўлса, ярамас мушук, нима, сен кетмайсанми, деб сўради аммо шунда Жеки Кэффри кичкириб юборди:

— Вой, Сисси, анавини қара!

¹ Раҳмонни ҳамд айлангиз бандалар (*лот.*).

Хамма ўша ёққа қаради, балки бу ёлқинлардир, лекин Томми ҳам буни кўрди, ўша ёқда, дарахтлар ва черков орқасида қизил ва мовий ва яшил шуълалар порилларди.

— Эй, бу мушак-ку, — деди Сисси

Шундан сўнг ҳаммалари кумлоқдан ўша ёққа чолиб кетдилар, черков ҳамда уйлар оша ёлқинларни кўришга ошиқдилар, Эди гўдак Бордмен тушган аравагани тортди, Сисси Томми билан Жекининг қулидан ушлаб етаклади, бўлмаса югураман деб йиқилишлари ҳеч гапмас.

— Герти, бу ёққа кел, — чақирди Сисси. — Хайрия байрамига мушак отишяпти.

Аммо Герти ўз айтганидан қолмади. Уларнинг орқасидан бўйнига бўйинтуруқ солингандай чолишга тоқати йўқ Сизларга ёқса, ўзларинг ит қувгандай югураверинглар, мен шу ерда ўтираман, менга шу ердан ҳам яхши кўринади. Унга қадалган кўзлар қизгинанинг юрагини ёқиб, қонини жўштирмоқда эди. Бир зум қизгина у кишимга тик боқди, шунда уларнинг кўзлари тўқнашди, бутун вужудини чакмоқ ич-ичдан ёритгандай бўлди. У кишининг нигоҳида ёндирувчи бир ўт ёнарди, у мисоли қабр каби сассиз эди ва мана шу ўт қизгинани унга опуфта қилди. Ниҳоят икковлон ёлғиз қолишди, энди бошқалар халал беришмас, жонларига тегишмасди, қизгина мана шу одамга ҳаёт ва ўлим онида тўла ишониш мумкинлигини биларди, у шундай садоқатли ва маҳкам, ҳар бир тукига қадар номусли инсон. У кишининг қўллари ва башараси титрарди, шундан қизгинанинг вужудига қалтироқ кирди. Қизгина мушакни кўриш учун орқасига қаттиқ энгашди, мувозанатни йўқотмаслик учун тиззаларини қўли билан кучоқлади, бошқа ҳеч ким мутлақо кўрмайди, фақат у киши-ю ўзи, у чиройли оёқларини бутунлай очди, мана шундай қилиб, оёқлари ипакдай майин, худди сайқал берилгандай нафис ва бўлиқ эди, қизгина назарида у кишининг оғир ҳансираган нафасини, юрагининг гурсиллаб ураётганини эшитгандай бўлди, нега деганда у мана шундай қони жўшқин, эҳтиросли эркаклар тўғрисида аллақачон эшитганди, нега деганда Берта Сапл бир куни ҳеч кимга ҳеч қачон оғиз очмайсан деб, ўлардай яшириб бир гапни айтиб берганди. Аҳолиси зич Районлар бўйича Комиссияда ишлайдиган бир киши ҳақида, уларнинг уйида ижарада яшаркан, у журналлардан яланғоч ва яримяланғоч, оёғини кўтарган ашулачи ва ўйинчи хотинларнинг суратларини қирқиб йиғаркан, Берта,

у аллақандай бемаза, ёмон ишлар билан шуғулланарди, энди ўзинг билиб олавер унинг тўшақда ётганда гоҳида нималар қилишини, деди. Лекин ахир ҳозир бу ерда бутунлай бошқача-ку, нега деганда жуда катта фарқи бор, нега деганда қизгина у киши юзини ўзига тортганини ҳис қилиб турарди, бу ўт каби куйдирувчи чиройли дудоқларнинг илк маротаба шиддат билан жазиллаб босилганини бутун жони билан туйди. Агарда, анави нозик ишларга то никоҳ ўқилгунча йўл қўйилган бўлса, ахир ота руҳоний томонидан гуноҳларнинг кечирилиши ҳам йўқ эмас-ку, ундан кейин руҳонийлар ҳам аёллардан бўлса яхшийди, уларга ҳаммасини сўз билан тушунтириб ўтиришнинг ҳожати қолмасди, улар шундоғам тушуниб туришади. Сисси Кэффрининг юзи ҳам баъзан шундай мулойим бўлиб қолади, кўзларидан ҳам мулойимлик ёғилади, шундай экан, сен ўзинг ҳам, азизам, анави Уинни Риппингам-чи, актёрларнинг суратини кўрса, жинни бўлиб қолади, ундан ҳам қолаверса ҳаммасининг сабаби анави иш бошланиб қолганидан, ҳаммаси ўшандан.

Шунда Жеки Кэффри ана, каранглар яна, деб қичқирди, шунда қизгина ўзини янада орқага ташлади, тасмалари мовий эди бу шаффоф пайпоққа ғоят ярашарди шунда барчалари каранглар, каранглар, ана, у ерда деб бақирдилар ва кўрдилар, қизгина эса мушакка қарайман деб, орқасига яна кўпроқ эгилди, шунда ҳавода қандайдир тушуниб бўлмайдиган қора бир нарса ҳаракатга келиб, у ёққа-бу ёққа лап-лап бориб келарди. Шунда қизгина дарахтлар узра кўтарилаётган улкан Рим шамини кўрди, у тобора, тобора баланд ҳаволарди, ҳамма лол қолиб нафасини ичига ютганча овоз чиқармай шамнинг янада ва янада юкорирок кўтарилиб боришини оғизларини очиб кузатишар, қизгина эса то шам деярли кўздан йўқолгунча тагин, тагин юксалиб учинини кўриб қолиш учун яна ҳам, яна ҳам ўзини то кураги ерга теккунча орқага ташлар ва мана шундай ҳолатдан қизгинанинг юзига ажиб бир фусункор қизиллик югурарди, ана шунда у киши ҳам энди кўп ғариба нарсаларни кўрди, матоси одамнинг баданига ёқадиган ва анов қидириб-қидириб топилган ва тўрту ўн бирга олинган кўк матоҳдан минг марта яхши батист иштон, бунинг устига ўзи ҳам оппоққина, қизгина шундоқ, у кишимга йўл кўярди ва кўраётганини ҳам кўрарди, ҳам эса шунчалар баландлаб кетдики, бир зумга бутунлай кўздан ғойиб бўлди ва мана шундоқ ўзини чалқанча ташлаганидан қизгинанинг барча пайлари титрай бошлади, у кишимнинг кўз ўнгида эса қизнинг

тиззасидан юқори барча жойлари тўла очилган қизгина бунақасини ҳеч кимга ҳеч қачон кўрсатмаган ҳатто арғимчоқ учганда ёки сувни кечиб ўтганда ҳам тиззасидан юқорини сира очмаганди, аммо қизгина бундан заррача уялмасди, у киши ҳам еб қўядигандек тикилиб турганидан асло тортинмасди, кўз ўнгида ҳаммаси бунчалар худди оёқларини қип-яланғоч очиб юборадиган раққосалар каби очик-ошкора намоён этилаётгани боис у бундай ажиб томошадан ўзини тўхтатолмасди. Қанчалар уят бўлмасин, эркаклар уларга қарашади, у кишим ҳам ҳеч кўзини узмай тикилгани-тикилган эди. Қизгина қичқиргиси келар, қалтираган овоз билан уни чақирмоқчи бўлар, келинг ахир, деб оққушдек оппоқ нозик қўлларини ёзишни истар, ўзининг тиниқ пешонасида унинг лабларининг алангасини ҳис қилгиси келар, барча замонлар ва давру давронлар оша жаранги ҳали ҳамон акс садо бераётган, беихтиёр унинг кўксидан отилиб чиққан ожиз, босинки, навниҳол қиз севгисининг қичқириғини туйсам дерди. Шунда ракета тиккасига осмонга учди, бир зум кўзларни қамаштирди, Оҳ! ва Рим шами поқ этиб ёрилди, хўрсиниш овози келди, худди Оҳ! тортгандай ва шунда ҳеч ким ҳавас ҳаяжондан ўзини тўхтатолмади, Оҳ! Оҳ! Ва ўша ёқдан тилла иплар ёмғири ёғилди, улар ярақлаб оқиб борар, оҳ! ва пастга худди зумрад-олтин юлдузларнинг шабнам томчилари каби учиб тушарди, оҳ, бу қандай гўзал! Оҳ, бу ажойиб, эртақ мисол, мўъжиза!

Ва худди шабнам томчилари каби қуюқлашаётган оқшом қоронғилигида эриб кетдилар-да, сўнг жимлик чўкди. Оҳ! Қизгина апил-тапил қад ростлади ва у киши томонга майин иболи бир таъна, журъатсизгина норозилик билан тўла андишали нигоҳ ташлаб ялт этиб қаради, бу қарашдан у кишим мисоли қиз боладай дув қизарди. У елкаси билан қояга суяниб турарди. Леополд Блум (ҳа, бу кишим айни унинг ўзи эди) қизгинанинг мусаффо, маъсум нигоҳи остида индамай бошини қуйи эгганди. Қандай ярамас нусха! Яна эски қилиғини бошладими? Навниҳол моҳпора бир қизгина уни ўзига чорлади, у нотавон бўшбаёв бандаи ожиз, бунга жавобан нима қилди? Ўзини энг тубан махлуқ каби тутди! Яна ким денг? Ўзи! Аммо қизгинанинг нигоҳларида чексиз бир раҳмдиллик чарақларди, майлига у адашган ва гуноҳ ишлар қилган бўлсин, майлига йўлини йўқотгандир, бу нигоҳлар ҳамма-ҳаммасини кечиришга тайёр эди. Ахир қиз буни сўйлаб берсинми? Йўқ, минг карра йўқ. Бу уларнинг сирини, шахсий ўз сирини, уни оқшом қоронғиси ёпиб кетди, уни

фақат икковларигина ва яна ёлғиз хуфтон чоғи кўршапалагигина билади, ана у дам у ёқ-дам бу ёққа майин чарх уради, ҳар ҳолда кўршапалаклар сир сақлашни биладилар.

Сисси Кэффри ўғил болаларга ўхшаб хуштак чалди, ўзининг фавқулодда қобилиятларини кўрсатиб қўйгиси келди-да, овозини баландлатиб чакирди:

— Герти! Герти! Биз кетяпмиз, юр! Биз ҳали яна тепадан туриб ҳам томоша қиламиз.

Шунда Гертининг миясига бир фикр келиб қолди, севгининг шунақа хийла-найранглари бўлади. У бармоқларини кўкрак киссасига суқди, атир сепилган пахта бўлагини чиқарди-да, гўё унга жавобан пахтани кўтариб силкитди, кўзлари билан у кишини таъқиб қилиб турди, кейин пахтани яна жойига солиб қўйди. Дарвоқе, у кишигача бу ердан ағча узоқмасмикин? Қизгина ўрnidан кўзгалди. Хайрлашадиган пайт бўлдими? О йўк, ҳозир кетиши керак, лекин улар яна кўришадилар, яна шу ерда кўришажаклар, унгача ўша дақиқалар келишини орзу қилиб яшайди, эртан яқинда рўй берган воқеани орзулайди. Қизгина қадди-бўйини ростлади. Уларнинг қалблари сўнгги, узун ва хумор нигоҳда бирлашди, унинг ғалати сирли шуъла сочган кўзлари қиз юрагининг энг тубига бориб етди ва ўзи худди сеҳрлаб қўйилгандай қизнинг гулдай нафис юзидан асло узилолмади. Қизгина унга заифгина табассум қилди, бу мунис ва ҳаммасини кечирувчи табассум эди, сал ўтмай кўзёшларга айланадиган табассум эди, — сўнг улар айрилдилар.

Қизгина орқасига қарамай нотекис қумлоқдан Сисси, Эди, Томми, Жек Кэффри ҳамда бўбак Бордмен томонга оҳиста юриб кетди. Хийла қоронғи тушиб қолди, қумлоқнинг ҳар қадамида дам тошлар, дам ёғоч бўлаклари, дам шилимшиқ сув ўтлари учрарди. Қизгина табиатига сингиб кетган вазмин ғурур билан ва шу билан бирга ғоятда эҳтиёткор ва ниҳоятда секин кадам ташларди — нега деганда Герти Макдауэлл...

Туфлиси қисмоқдамикин? Йўк. У чўлоқ-ку! О-о!

Мистер Блум чўлоқланиб бораётган қизнинг орқасидан қараб турарди. Бечорагина! Ҳамма югуриб кетганда шунинг учун жойидан турмай ўтирган экан-да. Ўзим ҳам ўйлаган эдим-а, қизнинг равиш-рафторига қараганда нимасидир бошқача деб. Ташлаб кетилган ойимча. Аёл зоти бунақада жуда чатоқ бўлади. Бошқа бир ёқдан жуда хушмуомала бўлиб қолишади. Қизгина намойишини бошлаганда буни билмаганим ҳам тузук бўлган экан. Лекин барибир жуда ўт-олов экан, қурмағур. Йўк

демасдим. Ажойиб-гаройиблар тоифасидан, Роҳиба дейсанми, Қора Занжи дейсанми ё анов кўзойнак тақадиганларданми дейсан. Анови кўзи қийиғи, айтганча, жуда хипча экан. Ой кўрадиган куни яқин, шекилли, бундай пайтда қитиқлари кўзийди. Бугун бошим қаттиқ оғрияпти. Қаерга қўйдим анов хатни? Бу ерда экан, ҳаммаси жойида. Ҳар хил алмойи-алжойи қилиқлар чиқаришади. Тангаларни ялашади. Трапквилл монастиридаги роҳиба ҳикоя қилиб берганди, ўша ердаги бир ойимқиз қорамойнинг ҳидини жонидан ҳам яхши кўраркан. Қариқизларни-ку қўяверинг, охири бориб эс-хушларидан айрилишади. Ҳамширанинг оти нимаиди? Дублиндаги қанча хотин-қизлар ҳозир шуни бошларидан ўтказишаётган экан-а? Анов, Марта. Ҳавонинг ўзида нимадир бор. Ой таъсир қилади. Унда нима учун ҳамма хотинлар бир пайтда ҳайз кўрмайди? Ойнинг чораклари бир хил-ку? Афтидан туғилган пайтига ҳам боғлиқ бўлса керак. Балки аввалига ҳамма бир хил бошлаб, кейин тартиб бузилса эҳтимол. Молли билан Миллида бир пайтда бошланади. Қандай бўлмасин, мен ўзим вазиятдан фойдаланиб қолдим-ку. Эрталаб ҳаммомда унинг аҳмоқона мактубига қараб ўтирмай тўғри қилдим, мен сенга ўргатиб қўяман эмиш. Эрталабки анави трамвай эвазига бу менга таскин. Тентак Маккой майда-чуйдалар билан бошимни қотирди. Унинг хотини вилоятда концертлар бермоқчи, бир чамадон таклиф, чийилдоқ овози белингни арралаб қок иккига ажратиб ташлайди. Андак ёрдам кўрсатганингиздан миннатдорман. Бунинг устига жуда арзон. Гапимни қайтармадингиз. Нега десангиз, ўзлари шуни хоҳлашади. Табиий истак. Ҳар куни кечқурун идоралардан гала-гала бўлиб чиқишади. Ўзингни сақлаганинг маъқул. Агар орқаларидан чопмасанг, ўзлари ёпишиб олишади. Иссиғи кетмай бағрингга бос. Эҳ, афеус, улар ўзларини ўзлари кўришмайди-да. Ичига иштаҳани очадиган гўшт тўлдирилган бир нарсалар бўлса уларга. Қаердайди? Ҳа-ҳа. Кейпл-стритдаги ёйма бозордаги суратлар, фақат эркаклар учун. Томнинг кўзи нимага тушди. Виллининг шляпаси ва қизлар уни қандай ўйин қилганлари. Уларни шундай қилиб суратга олишармикин ёки бу шунчаки бир оҳанжамами? *Lingerie*¹ жуда чиройли кўрсатади. Ҳарир қўйлақлар устидан унинг кўкракларини силадим. Бундан улар жўшга тушишади. Қара, қандай оппоққинаман, кел,

¹ Ички либос (франц.).

булга мени. Ўзларини қурбон қилишдан олдин бир бирларини роса безантиришади. Моллининг янги қўйлагига Миллининг хурсанд бўлгани. Бошламасига. Ҳамма нарсани кияди, кейин ҳаммасини ечади. Молли. Нега ҳам унга кулранг боғичлар сотиб олдим. Биз ҳам чакки эмасмиз: бўйинбоғини кўринг, шимининг почасига қаранг, пайпоқлари мунча чиройли. Ўша биринчи учрашувга у янги гетр кийиб келди. Қўйлаги посон, сочининг жингалаларига, нима деб ўйлайсиз? — гулжамалак. Сочининг тўғноғичини тушириб қолдирса, назарида севгилисини йўқотиб қўйгандай бўлади. Қадаб қўйишади. Эҳ, Мэрининг иштони, фақат тўғноғич қадалган. Ким учундир худди мода кўғирчоқдай ясанган. Кўпинча мода ҳисобига мафтункор кўринишади. Мода жонларига тегса, уни дарров ўзгартиришади. Шарқда эса ундай эмас: Мария, Марфа, илгари қандай бўлса ҳозир ҳам ўшандай. Ҳеч қандай жиддий таклифдан юз ўгирилмайди. Анов қиз ҳеч қаёққа шошгани йўқ. Улар фақат учрашувга шошишади. Кейин буни ҳеч эсдан чиқаришмайди, чамаси, шунчаки ўз бахтини синагани чиққан бўлса керак. Уларнинг ҳаммалари тасодифга ишонишади, бу табиатларида бор. Дугоналари анов қизга нуқул кесатиб гапиришди. Сабокдош дугоналар доим кучоқлашиб, қўлларини бир-бирларига чалкаштириб юришади, дам-бадам ўпишишади. Биронта хонақо монастирнинг боқчасида ўлардай махфий қилиб, бир-бирларига бўлар-бўлмас олди-қочдиларни пичирлашиб айтишади. Тоза ўраниб чирманган, юзларини бўр солинган сутда чайган роҳиба қизлар тасбиҳларини айлантиришиб, ўзларига ман этилган барча нарсалардан аччиқлари чиқади. Тиканли сим. Ғам чекма ва менга хат ёзиб тур. Мен жавоб қиламан. Фақат ёзармикинсан? Молли ва Жози Пауэлл. Ўзига топиб олмагунча, кейин йилда бир маротаба кўришиб туришади ваъда бўйича. Tableau! Оббохолам, йўқ, қаранг, бу ким экан! Қани қандай, сен нечуксан? Сен томонларда аҳвол қалай? Ўпишишади, вой мунча яхшисан, ўпишишади, яхшиямки, сени кўрдим — бир-бирларидан камчилик қидириб, тоза зеҳн солишади. Мунчаям чиройли бўлиб кетибсан, жонажон кўнгиллар жононча табассум қилишади. Қани-қани, тишларинг ҳаммаси бутми? Бир-бирларидан бир чимдим тузни аяшмайди.

Эҳ!

Улар ҳайз кўрганларида азбаройи шайтонлаб қолишади. Юзлари тунд, иблисона тусга киради. Арзимаган нарсалар худди бир тонна юк бўлиб кўринади, дейди Молли. Ёки, қани, ме-

нинг оғимнинг тагини қитиқла дегандай. Аҳа, аҳа, ана шундай! Оҳ, қандай яхши! Менда ҳам шундай бўлиб туради. Ўзига яраша нафас ростлаш, қизиқ, улар билан шундай кунлари алоқа қилиш зарарли эмасмикин? Бир чеккаси, беҳавотир. Шундай кунларида сутлари ивиб қолади, гижжакнинг қиллари узилиб кетади. Қаердадир ўқигандим, боғда очилиб ётган гуллар сўлиб қолармиш. Агар хотин гул тақса-ю, гул тез сўлиб қолса, демак, у хотиннинг кичиғи зўр дейишади. Э, уларнинг ҳаммаси ҳам. Анов қизча мени пайқаб қолди-ёв. Бунақа ишга иштиёқинг келиб турган бўлса, албатта, рўпарангдан чиқади. Нима, у қизга ёқиб қолдимми? Улар доим қандай кийинганингга қарашади. Агар эркак кимгадир илакишиб юрган бўлса, шу заҳоти пўрим ясан-тусанидан аниқлашади. Табиатда ўзи шунақа хўрозлару арслонлару ёки кийиклар дейсизми, ҳаммаси шунақа. Агар баъзан бўйинбоғингми, ё бошқа бирон буюминг қийшайиб қолган бўлса, бу уларга бирдан ёқиб қолади. Шимингми? Э, мабодо бирдан мен анави ҳолда, анави аҳволимда? Йўқ-йўқ. Жуда эътиборли бўлиш керак. Хайвонга ўхшаб ташлансанг, ёқтиришмайди. Кеча қоронғисидаги бўса ва мангу сир. Анави қизгинага мен ёқиб қолдим чоғи. Нима ёқдийкин? Аллақандай назмбоздан мен тузукрокман-да, сочларига айиқнинг мойини суртади, пешонасига жингала соч ёпиштириб юради. Жентлменга адабиёт ишларида ёрдамчи. Менинг ёшимда одам ўзига эътибор бериб юриши керак. Мен қизгинага тик қараганим йўқ. Лекин бу ишларни билиб бўлмайди. Туппа-тузук қизлар бадбашара одамларга турмушга чиқишади. Тасқара ва офатижон. Кейин мен ҳар қалай Молли эмасдирман. Қизгина сочларини кўз-кўзлаш учун бошидан шляпасини олди. Айвони кенг шляпа. Бунақаси танишини кўриб қолса, юзини яшириш ёки, воя, хиди мунча ўткир, деб гулдаста ҳидласа, бошини куйи эгиш учун сотиб олинади. Ишқ муҳаббат чоғида сочларни. Ҳолле-стритда ночор яшаётганимизда мен Моллининг тукилган сочларини ўн шиллингга пуллаган эдим. Нима бўлибди? Ё ки у Моллига пул берди дейлик. Нима бўлибди? Эскича қарашлар. Моллига қанча деса шунча, ўн, йигирма ё анча кўпроқ берса арзийди. Ҳадеб теп-текинга бўлаверадими. Хатининг ғўдайганлигини айтмайсизми. Ойимқиз Мэрионга. Мен хатда кўрсатилган жой номини унутганим йўқ, акс ҳолда худди Флиннга жўнатилган анов очиқ хатдай бўлиб қоли-

ши мумкин. Эсингдами, бир куни Дримминг хузурига йул олиб, буйинбоғ такиб олишни унутганинг? Лекин ўшанда мен Молли билан бўлган жанжалдан адойи тамом бўлгандим. Йук, эсимда, ёзиб қўйгандим. Ричи Гулдинг эса ундай эмас. Ҳаммасини тарозуда тортиб кўради. Қизик, соатим тўрт яримда тўхтаб қолибди. Чанг утирган. Акула жигаридан олинган ёғ билан мойлашади. Ўзимнинг ҳам қўлимдан келади. Ҳам арзон. Балки бу худди у Моллининг олдига борган пайтидир?

Ҳа, у Молли билан бўлди. Олдига кирди. Молли у билан бирга қўшилди.

Эҳ!

Мистер Блум кўйлакнинг нам тортган этагини ҳафсала билан тўғрилади. Ҳаммасига чўлоқ шайтон айбдор. Нам тушяпти, эт жунжикади. Оқибати унчалар ҳам хайрли эмас. Нима қилиш керак, ўзини нима биландир чалғитиши керак-ку. Улар бундан уялмайдилар. Балки бундан кўнгиллари кўтарилади. Кейин қизгина уйга қайтади, кечки пайт сутга қўшиб юмшоқ нон ейди, уйқуга ётишдан олдин болалар билан бирга дуо ўқийди. Нима, уларни бошқача деб ўйлайсанми? Уни қандай бўлса шундайлигича кўрсанг, таъбинг тирриқ бўлади, холос. Бу ўринда хайлу хашам, либослар ва упа-эликлар, муқом ва музика керак бўлади. Ном ҳам муҳим. Актриса аёлларнинг иштиёқлари. Неел Гвинн, миссис Брейс — Гердл, Мод Брэнском. Парда кўтарилади. Кумуш зарларини сочган ой. Андоми ўйчан актриса чиқади. Қучоғимга кел, ширинзабоним. Лекин ҳар қалай, сезилади. Одамга куч-қувват беради. Бунинг бутун сеҳри мана шунда. Дигнамникидан чиққанимда девор тагида роҳат қилиб бўшаниб олдим. Ширин сув. Бошқачасига чиқмас эди. Ундан сўнг қўшиқ айтгинг келади. Лакауз эсанг¹, тара-тара. Борингки, қизгина билан гаплашдим ҳам дейлик. Лекин нима ҳақда? Қандай тугатишни билмасанг, яхшиси, гап бошламаган маъқул. Бир нарсани сўрасанг, дарров бошқа нарсани сўрашади. Гапнинг қаловини топсанг, яхши. Албатта, сен унга хайрли оқшом, деб айтсанг, бу жуда яхши, у ҳам дарров хайрли оқшом, деб жавоб қайтарса, қандай соз. Оҳ, бир куни Аппий йўлида кечки пайт миссис Клиничга гап отганим эсимга тушса борми, уни ҳалигиндақа хотин деб ўйлабман. Дахшат! Эртасига кечда Мит-стритда ойим-

¹ La causa e santa (итальянча бузилгани) — иш мукаддас.

тиллани гапга солдим. Ҳар хил маза-бемаза сўзларни такрорлатдим. Менинг тумбам дейди ановисини. Бошқачасини кидириб топиш қийин. Ҳа-ҳо! То кўникиб кетмагунча биров билан гап бошлани мушкул бўлса керак. Ким ҳам унга эътибор берарди дейсиз. Икки шиллинг ошиқча берган эдим, қўлимни ўпди. Автоматлар. Тугмачасини боссанг, куш учиб чиқиб, чирқиллайди. Лекин сэр деб атамагани тузук эди. Қоронғида унинг лаблари қандай эди-я, о! Уйланган эркак ва енгил оёқ қиз. Уларга уйланган бўлсанг, ёқади. Бошқадан унинг эрини тортиб олаётгандай ҳис қилади ўзини. Ёки бунинг ҳикоясини эшитгиси келади. Менда бунақа одат йўқ. Бировнинг хотинига илакишиб юрмайман. Бегона кишининг саркити. Ошхонада анов кишининг олдидаги чала чайналган кемирчакларга ўхшайди. Муҳофазам эса ҳамон чўнтагимда турибди. Ишингнинг ярмини енгиллатади. Лекин бир кунмас-бир кун рўй бериб қолиши мумкин-ку, тўғрими? Кириб борасан. Ҳамма нарса тайёр. Мен бунда кўзим илинибди, дейди. Нима? Ҳаммасидан қийини нимадан бошлаш. Дидига тўғри келмайдиган одамни кўришса, бирпасда сеҳрлангандай ўзгаришади. Савол ташлайди: сиз кўзиқоринни яхши кўрасизми, бу аллакимнидир танирдим дегани. Ёки яна шундай: сиз нима деб ўйлайсиз, ўша аллакимдир бирдан айниб қолиб, ишни бажармай қўйганига нима дейсиз? Лекин ниятинг жиддий бўлса, хоҳлайман деб айт, гапни ўғил болача қил. Дангалига ўт. Буни у тушунади. Унинг жигига теккандай бўл. Кейин сипориш қил. Ниманидир жонингдан ҳам яхши кўргандай қилиб кўрсат ўзингни, кейин айни уни деб бундан воз кечаётганигни билдириб қўй. Буни улар жуда ёқтиришади. Бу орада у ҳамма вақт кимнидир аллакимнидир ўйлаётган бўлади. Нима бўлибди? Ўйлашни ўрганганидан бери уни бўлмаса, буни ўйлайди. Ҳаммасини биринчи бўса ҳал қилади. Сирли дам. Таранглик кетади. Киши билмас эриб кетади, ҳамон бўш келмаса ҳам, кўзидан эригани билинади. Илк бўсани бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. То ўла ўлгунча эсида туради. Мавритания девори ёқасидаги боғда лейтенант Малви Моллини илк бора ўпганда, шундай бўлган. Ўзининг айтишича, ўшанда ўн беш ёшга кирган экан. Аммо кўкраклари чиққан. Кейин жуда қаттиқ ухлаб қолибди. Эсинглами, Фезербед тоғи устидан йўлда кетаётганимиз, ўшанда Гленкридаги зиёфатдан кейин уйга қайтаётган-

дик. Уйқусида тишларини ғижирлатарди. Лорд мэр ҳеч ундан кўзини узолмасди. Вэл Диллон. Қоқшол.

Ана, қизгина шериклари билан бирга мушакларни томоша қиляпти. Менинг ҳам мушакларим жунбушда, худди ракетадай кўтарилиб, индай осилиб тушяпти. Болақайлар эса худди эгизакларга ўхшашади ва бир майнавозчилик томоша бўлишини кутишади. Катта одам бўлиб қолишни исташади. Ойисининг кўйлақларини устиларига илишади. Ҳали вақт бор, ҳали дунёда ҳамма нарсалар қандай қурилганлигини билиб улгуришади. Анави сочлари тўзғиган қора қизни қаранг, лаблари занжиникидай дўрдоқ. Ўзим ҳам билувдим унинг ҳуштак чалишини. Лаблари ҳам шунга мос. Худди Моллига ўхшаган. Анов Жамметдаги офатижон фоҳиша қиз, аммо нега унинг юзига тушган тўри мунчалар калта, фақат бурнигача тушган? Айбга буюрманг, соат неча бўлди, айтолмайсизми? Ўз вақтида албатта айтаман, фақат пана бир жой топайлик. Агар лабларинг қалин дўрдоқ бўлса ҳар куни эрталаб қирқ марта: питир-питир, пир-пир деб такрорла. Гўдакка жуда меҳрибон экан. Ташқаридан яхши кўринади. Рост улар ҳайвонларни гўдакларни қушларни яхши тушунишади. Бу уларнинг маҳрига тушган.

Қумлоқдан ўтаётганда қизгина ўгирилиб қарамади. Ўзига эп кўрмади. Шимол денгизи бўйларидаги анов гўзаллар-чи. Қизгинанинг кўзлари чиройли, чарақлаган. Одам кўзининг оқи кўзга ташланади, қорачиқлар унчалик эмас. Ҳар қалай, қизгина сездимикин мени? Билмасинми-я? Мушук шундай ит етолмайдиган жойга сакраб чиқади-да, унга караб туради. Хотинлар бизнинг Уилкинсга ўхшаганлардан эҳтиёт бўлиб туришади, у мактабда Венеранинг расмини чизади, ўзи эса гўдайиб туради. Балки маъсумликнинг ўзи шудир? Бетамиз шўрлик! Ҳали хотинига томоша бўлади. Улар ҳеч қачон янги бўялган ўриндиққа ўтирмайдилар. Бутун атрофга кўз югуртириб чиқишади. Ўзлари ҳам негалигини билмай қаравот тагига қарашади. Доим ўтқир бир нарсаларни қидириб юришади. Ўзлари ҳам худди игнадай ўтқир бўлишади. Кафф-стритнинг муюлишида учратган кишимиз келишган одам экан деб Моллига айтсам, унга ёққандай бўлиб кўринган эди, нима деб жавоб берди денг, қўллари унинг ясама-ку. Ҳақиқатан ҳам. Уларнинг бундай нарсаларга қандай ақллари етаркин-а? Рожер Гриннинг котибаси зинапоядан икки ҳатлаб кўтарилади, орқа томондан

барча латофатларим кўрииб турсин дейди. Одатлар отадан, тўғрироғи, онадан болага ўтади. Уларнинг қонида бор. Миллини олсак, у дастурмолларини дазмоллаб ўтирмаслик учун ойна устида қуритади. Агар аёлларнинг бирор нарсасини реклама қилиб кўрсатмоқчи бўлсанг, бунга ойнадан яхши жой йўқ. Ёки Миллини шотланд шол рўмолини Прескоттдан олгани юборганимизда, дарвоқе унинг ҳақидаги эълонни жойлаштириш эсимдан чиқмасин, қайтиб келаётганда, ортган пулни пайпоғига беркитибди. Ўлгудай айёр! Ҳеч ким буни унга ўргатган эмас. Бирон нарсани қўлида кўтарса, чиройли, осон қилиб кўтаради. Бунақа нарсалар эркакларнинг эътиборини тортади. Агар қўли кизариб қолган бўлса, юқорига кўтариб силкитади, қон қайтиб, кизаргани йўқолади. Буни сенга ким ўргатди а? Ҳеч ким. Менга энага айтди. Уларни ўқитиш ҳам ортиқча! Уч яшар пайти бир куни онасининг безак столчасига ўтириб олибди, ўшанда қарбий Ломбард-стритдаги уйимиздан кўчмоқчи бўлиб турган эдик. Мен чилойлиман дейди. Маллинггар. Ким билади? Ҳаёт ўзи шундай. Ёшгина талаба. Лекин нима бўлганда ҳам, маҳкам оёққа турди, анави қизгинага ўхшаган эмас. Лекин бу қизгина ҳам чаккимас. Э, худойим-ей, мунча нам бўлмаса. Қурғур, яна қандай денг. Оёқлари дўмбоққина. Пайпоқлари шаффоф, шунчалар тортиб боғлаганки, худди ситилиб кетаётгандай. Анов тасқара А.Э. эмас. Пайпоғи оёғида йиғилиб қолган. Ёки анави Грэфтон-стритда учраган хотиндай. Оқ пайпоқ. Фу! Лакқа гўшт!

Чарсиллаб учқунлар сачратиб мушак пақиллади. Пақ-пақ — парақ! Шу заҳоти Сисси ва Томми Жеки билан томоша қилгани чопишди, улар ортидан Эди аравагани тортиб югурди, кейин Герти қоятошни айланиб ўтиб уларга эргашди. Ўгирилиб қарармикин? Бир қараб қўй! Қарасанг-чи. У каради. Худди сезгандай. Гўзалим, мен сени хўб кўриб олдим. Ҳамма-ҳаммасини кўрдим.

О, Худойим-эй!

Нима деманг, мен ҳар қалай, енгил тортдим. Кирнандан сўнг, Дигнамдан сўнг жуда бўшашиб кетгандим. Кайфимни чоғ қилганингиз учун сиздан миннатдорман. «Ҳамлет»дан. О, Худойим-эй! Ҳаммаси бир вақтга тўғри келганини қаранг. Одамни жуштиради. Унинг энқайганини кўриб тилимнинг учигача жимирлашиб кетди. Шўрлик қизгинанинг бошини айлантиришади. Буни тўғри айтди. Бундан баттарроқ қилиши мумкин

эди бемаънидан бемаъни бидир-бидир қилгандан кўра шу ҳам яхшироқ. Ўшанда сенга ҳаммасини айтиб бераман. Бир ёқаси, бирозгина муомала ҳам қилганмиз. Айтганча, тагин унинг ўзи бўлиб чиқмасин? Йўғ-эй, уни ўртоқлари Герти деб чақиришди. Яна ким билади, меникига ўхшаган сохта ном бўлса ҳам ажабмас, Долфинс-барн деган манзилимиз ҳам ахир ясама.

Қизлигида оти эди Жемма Браун,
Келинг, дерди, маконимиз Айриштаун.

Шу жой хаёлимни олиб қочди. Уларнинг бари бир гур. Патларини пайпоқларига суртишади. Лекин копток худди билгандай унинг оёғи тагига думалаб борди. Ўқ ўзи нишонини топади. Рост, мен мактабда ҳам коптокни туғри отолмасдим. Доим бошқа ёққа бориб тушарди. Одамнинг ичи ачийди, уларга икки-уч йил гуллаш вақти берилган, ана ундан кейин идиш-товоқ бошланади ота-сининг иштони Виллига лоп-лойиқ келади гўдакни «а» қилгани ўтказиш кейин оёқлари орасига упа селиш дегандай. Ҳаёт канду новвот эмас-да. Бироқ Халоскор. Имондан чиқишдан сақлаб туради. Жисмоният. Гўдакларни чўмилтиришади, ўликларни ювишади. Дигнам. Этакларидан бола аримайди. Бошлари худди ёнғоқдай, ҳали миялари қотмаган, маймунчанинг худди ўзи, тагликлари сузмага тўла, ачимсиқ чучмал ҳид. Анави гўдакка ичи бўш сўргични бермаслик керак эди. Бу уларнинг ичини дам қилади.

Миссис Бюфой, Пюрфой. Туғруқхонага ўтсам бўлармиди. Анави ҳамшира Каллан ҳам ўша ердамикин. Молли қаҳвахонада ишлаб юрганида, гоҳо болага қараб тургани келарди. Ҳа анави ёш доктор О'Хейр, бир куни ўша ҳамшира унинг пальтосини тозалаётганини кўрдим. Бир замонлар миссис Брин билан миссис Дигнам ҳам худди мана шундай узатиладиган қизлардай эдилар. Энг ёмони кечалар, менга миссис Дугган «Шаҳар тамғаси» да сўйлаб берган эди. Эр уйга оёқда туролмайдиган бўлиб келади, унга қовоқхонанинг ҳидлари ўтириб қолган, худди сас-сиқкузандек сасийди. Тун бўйи шу бадбўй уфунатни ҳидлаб ётишдан бошқа чора йўқ. Эр эрталаб кўзини очиб, кеча андак отиб қўйибманми? — дейди. Лекин барибир ҳаммасини эрнинг устига ағдариш ҳам туғри эмас. Ўхшатмасдан учратмас. Пес песни коронғида танийди. Аёлларни ҳам айбсиз деб бўлмайди. Шу ерда Моллига ҳеч тараф йўқ десак бўлади. Жануб қизи. Марокаш гўзали. Чехраси, қоматини айтмайсизми. Сўлқилдоқ хо-

тин, қўлларим эркалаб тўймайди. Ҳеч қиёси йўқ. Баъзилар хотинни коксуяк қилиб уйга яшириб кўяди. Аммо ижозат этинг, хотинимни сизга танитай. Шунда бир нарса сузиб, сузилиб чиқадики, нима деб аташингни ҳам билмайсан. Эркакнинг нозик жойларини доим хотинидан билиб олса бўлади. Бошқа бир томондан, бу пешонага ёзилгани, кимни севиб қолишингга боғлиқ. Ҳар бир эр-хотиннинг ўз сири-синоати бор. Агар хотин киши маҳкам тутмаса, баъзи эркаклар аллақачон чўкиб кетардилар. Ёки олингни, хотинни читтак, эри ҳам читтак. Худди бир-бирлари учун яратилгандай. Бундай қарасанг, болалари ноппа-нозандай, будли-шудли. Нимчорак, пимчорак, чорак. Ёки етмишга етай деб қолган бадавлат чол — унинг ёнида лоладай очилган навниҳол қиз. Мияси айнаб уйланиб, эртасига қолади айниб. Ух-ух, чилпиллаган нам хўпам ёқимсиз-да. Чип-чип ёпишади. Яхшиямки чиппа эмас. Қани, аста кўчирайлик-чи.

Им-мо!

Ёки айтинг, марди калонча, хотинчаси эса келмас киндигига-ча. Узун ва қисқа. Калон ва чучалон. Бу соатимга бир бало бўлди ўзи. Қўлсоатлар узоққа чидамайди. Балки одамлардан қандайдир магнит тўлқинлари ўтиб таъсир қилса керак, э ахир худди шу дамларда анов. Ҳа, ўйлашимча бирданига Мушукнинг қочгани — сичқоннинг байрами. Эсимда, мен Пилл-лейнга қараб турган эдим. Ҳозирги нарса ҳам магнетизм. Ҳар бир нарсанинг ортида магнетизм яширин. Мисол учун ер, ўзи ҳам тортади ҳамда тортилади. Ҳаракат шундан ҳосил бўлади. Вақт-чи? Бу ҳам тушунарли. Ҳаракат бўлгандан кейин унга вақт керак. Демак, қайлардадир нималардир тўхтаб қолса, бутун астрология ҳам шундай секин-аста тўхтайдди. Шундай қурилган бу дунё. Магнит мили кўёшу юлдузларда нима бўлаётганлигини билдириб туради. Бир парча оддий темир. Магнитни аста темирга яқин олиб борсанг. Яқин. Яқин. Хўп! Худди эркак билан аёлдай. Магнит ва темир. Мен ва Молли. Ясан-тусан қилишади, кўзларини сузишади, нозишва, кўзингни ўйнатишади, китингига тегишади, қани, яхши-лаб қарасанг-чи, эркакмисан, йўқми, бу ёғи худди акса ургинг келгандай, оёқлари, тикиласан, тикилаверасан, ёғоч эмассан-ку, эркаксан-ку, ахир. Хўп-пала! Дунёдан умидингни уз.

Қизик, позик жойларининг аҳволи қандай экан? Уялгандай бўлиб фақат томошабинга кўринишади. Аслида кўпроқ пайпоғидаги тешикни ўйлайди. Моллини олинг, бошини орқага

ташлаган, лаблари қимтилган, у отлар кўргазмасига борганда ўзини шундай кўрсатганди анов кўнжли этигига ниқа таққан фермернинг олдида. Фарбий Ломбард-стритда рассомлар бор эди. Биттасининг овози зўр эди. Жульини бошида шундай куйларди¹. Менинг бўёгимни бир ҳидлаб кўр. Худди гулдай. Ҳа, рост. Бинафша ҳиди келади. Бўёққа қўшилган новшадилдан чиқса керак. Нима ҳунарлар қилишмайди-я. Бу ишлар билан шуғулланганда, улар эшитишмасин деб, полда юмшоқ шиппагини судрарди. Менимча, уларнинг кўплари жазавани охирига етказишмайди. Соатлаб давом этишади. Жазава бутун аъзойи бадани билан орқа белидан ўтади.

Тўхта-чи. Хим-хим худди ўзи. Унинг атир ҳиди. Қўли билан шуни силкитаётган экан-да. Мен узоққа кетганимдан кейин, кўрпа тагига кирганимдан кейин мени эсла, мени ўйла, шунинг учун сенга эсдалик қилиб қолдирдим. Бу ниманинг ҳиди бўлди? Хаворанг қуёш кукмаразими? Йўқ. Сунбулми? Эҳм-м. Атиргул шекилли. Қизгина шундайини севса эҳтимол. Арзон ва таранг, ўткир, лекин тез айнайди. Шунинг учун Молли опопонакс²ни маъқул кўрса керак. Озгина ёсуман қўшилса, унга жуда ярашади. Худди унинг овозидаги қуйи ва юқори ноталар каби. Молли у билан танса кечасида танишган, соатлар тансаси. Иссиқда ҳидлар ўткирроқ кўтарилади. Молли қора кўйлагини кийганди, кўйлақда илгари сепилган атирнинг иси сақланиб қолганди. Қора яхши ўтказувчан бўлади. Ё бўлмайми? Ёруғ ҳам шунақа. Балки бунинг алоқадорлиги бордир. Мисол учун, қоронғи ертўлага тушсанг, биласан. Умуман сирли. Мен нега ҳозир пайқаб қолдим? Худди унинг ўзи каби аста, лекин оғишмай ҳаракат қиладди. Ахир буни тасаввур қилиш мумкин, миллионлаб-миллионлаб кўринмас зарралар ҳавода учиб юради. Баайни шундай. Нега деганда Зираворлар Ороллари, айтгандай, эрталаб сингалез одамларини эсладим, узоқ-узоқ чакиримлар наридан сезилади. Ҳозир бунинг нима эканлигини айтаман.

Бу уларни бошдан-оёқ чулғаб олган ҳарир тўр ёки ўргимчак уясига ўхшайди, жуда-жуда ҳарир, қандай-қандай дейми, бами-соли унинг ҳарир рўмоли каби ва улар бу ҳаво каби нозик бу

¹ *Антонио Жульини* — XIX асрда яшаган итальян тенор кўшиқчиси.

² *Опонакс* — Ўрта ер денгизи теварагида тарқалган, соябонли кўп йиллик ўсимлик. Илдизидан парфюмерияда фойдаланилади (*тарж.*).

нарсани ўзларидан чиқариб тинмасдан тўқийдилар, ўзлари сезмаган ҳолда камалакнинг сингари рангларга чулғайдилар. Ва у ўз жисмидан ечган ҳар бир нарсада йўқолмайди, қолади. Пайпоғининг товонлари. Илиқ туфлича, Белдам. Лозим. Уни ит қитиб ташлаш учун аста оёғини силтайди. Хайр, кўришгунча. Мушук ҳам унинг либосларига бошини тиқишни яхши кўради. Минглаб хидлар ичида унинг ҳидини топиб олардим. У ваннада чўмилган сув. Маймунжон ва қаймоқ иси келади. Қизиқ, қаердан чиқаркин бу хид? Анави ёқданми, қўлтиқданми, ёки икки кўкраги орасиданми? Худди барча тешикчалардану барча чуқурчалардан келаётгандек бўлиб туюлади. Чамаси, сунбул атрини унинг буғланган мойидан яшади. Мушк каламуш. Унинг думчаси остида кичкина халтачаси бўлади, унга уруғчалар жойлашган, ҳар биридан чиққан хид йиллаб сақланиб туриши мумкин. Итлар бир-бирининг орқасидан келади. Пақ пук. Ҳурматимиз. Сизга ҳам. Ҳидлаб маза қилдингизми? Пақ-пук. Пақ-пук Жуда соз. Мишнатдорман. Ҳайвонларни сезги бошқаради. Яхшилаб зеҳн солсанг, ўзимиз ҳам шундай. Мисол учун баъзи аёллар ҳайз кўрганда, олдида туриб бўлмайди. Яқинига борсанг, димоғингга шундай бир хид уриладики, қорнингни ёриб ташлагинг келади. Нимага ўхшайди? Сасиган балиқ хидигами? Пуф-ф! Мана шу гулхонага қадам босманг, илтимос.

Улар эса бизнинг эркаклик хидларимизни сезишар балки. Нимаси бор бунинг? Сигара хиди анқиган қўлқоп, Найнов Жоннинг столи устида ётувди. Оғиздаги нафасми? Ундан фақат нима ичган ва нима еган бўлсанг, шунинг иси келади. Бу эмас. Эркакнинг хиди маъносиди. Анов иш билан боғлиқ бўлса керак, нега деганда, бу иш билан шуғулланмайдиган рухонийлардан бошқача хид таралади. Аёллар қиёмга ёпишган пашшалардай уларнинг атрофида айланишади. Меҳробга киритишмаса, бошқа ҳар қандай йўлини топиб яқинлашадилар. Ман этилган поп уларга жуда ширин. Оҳ, падарим, хоҳлайсизми? Мен кўз очиб кўрганингиз бўлай. Буларнинг бари вужудга нечукдир тарқайди ва ҳар бир хужайрага сингиди. Ҳаёт булоғи. Ҳиди ҳам шундай ажойиб, бир ғалати. Селдер қайласидай. Қани бер-чи.

Мистер Блум бурниши тикди. Пақ-пук. Нимчасининг. Пақ-пук. Қўлтиғига. Писта хидими? Йўқ. Лиму хиди. Э-ха, совун-ку.

Айтмоқчи, айтмоқчи, лосйон-чи. Эсимда, бошимда бир нарса турганди. Кирмадим, совуннинг ҳам пулини бермадим. Анави қарға кампирга ўхшаб эрталабдан шишалар кўтариб юришни

ёқтирмайман. Хайнс энди уч шиллингни берса бўларди. Эсига солиш учун Маэрни тилга олсам бас. Лоақал у анави эълонга ёрдам берсайди. Икки-ю тўққиз. Энди у мен тўғримда нима деб уйлайди? Эртага кириб ўтиш. Сиздан қанча қарзман? Учу тўққизми? Икки ю тўққиз, сэр. Э-ха. Бошқа маҳал у қарзга бермаслиги мумкин. Шундай қилиб мижозлар камайиб кетади-да. Қовоқхоналарда ҳам аҳвол шундай. Баъзи бировлар қарз ҳисоби бир қулоч бўлиб кетишини кутишади, кейин бошқа қовоқхонани топишади, бунисини эса доим четлаб ўтишади.

Яна анов сипо ўтяпти. Нима шамол учирди? Ҳозиргина ўтганди, дарров қайтяпти. Кечки овқатга ўз вақтида боради. Сип-силлиқ йилтираб турибди. Иштаҳа билан овқат еган. Энди табиатдан роҳатланади. У овқатдан сўнг бир чақирим пиёда юришни қанда қилмайди. Банкда ўзининг ҳисоб рақами бор, давлат хизматчиси. Унинг орқасидан изма-из бориб, бугун болалар кетимдан дувиллаб юришгандай. Ўнғайсиз аҳволга солиш мумкин. Лекин бу нимагадир ўргатади. Унинг ва бошқаларнинг нигоҳи нималарни кўраркин? Фақат хотинлар кулмаса бўлди, қолганининг нима аҳамияти бор? Шу йўл билан билиб олиш мумкин. Ё шундоқ ўтириб унинг кимлигини тахмин қил. «Қумлоқ соҳилдаги ғалати киши», мистер Леополд Блумнинг мукофот олган ҳикояси. Бир устунига бир гиней қалам ҳақи. Бугун мазордаги анов жигарранг макинтош кийганга ўхшаган. Афтидан унинг омади пўст ташлаганга ўхшайди. Аммо соғлом одам енгиб ўтади. Ҳуштак ёмғир чақиради дейишади. Бирон ерда балки ёғаётгандир. «Ормонд»даги туз нам. Одамнинг бадани ҳаводаги ўзгаришни сезади. Бетти кампирнинг суяклари қақшайди. Онахон Шилтон кемалар борасида башорат қилди, бир зум ичида ер юзини айланиб чиқади деди. Йўқ. Ёмғир ҳиди келяпти. Киролича башоратчиси. Шунда узоқ адирлар яқиндай бўлиб қолди.

Хоут. Бейли маёғи. Икки, тўрт, олти, саккиз, тўққиз. Чироғи пирпираши керак, бўлмаса буни уй деб уйлашади. Қутқарувчилар. Грейс Дарлинг. Одамлар қоронғидан кўркишади. Йилтироқ кўнғизлар, велосипедчилар улар ҳам чироқларини ёқадиган вақт бўлди. Ҳаммасидан ҳам қимматбаҳо тошлар, олмослар яхши ярқирайди. Хотинлар. Ёруғ кишини тинчлантиради. Хатар қочгандай бўлади. Албатта ҳозир илгаригига қараганда яхши. Катта йўлда. Ичак-чавоғингни ағдариб кетишади ҳеч қандай сабабсиз. Тўқнаш

келадиган одамлар икки турли бўлади. Бадқовоқлар ва чеҳраси очиклар. Пардон! Йўқ, йўқ, ҳечқиси йўқ. Усимликларга сув қуядиган энг яхши пайт, қуёш ботгандан кейин. Ҳали бироз ёруғ. Ҳам мадан узун қизил шуълалар. Уқитарди бизни Вэнс, бир кун келиб Жак Зангчи калла уриб фонарни қулатди: қизил, зарғалдоқ, сарик, кўк, мовий, ҳаворанг, бинафшаранг. Ана, юлдуз ҳам чиқди. Зухроми? Ҳали билиб бўлмади. Ана, иккинчиси кўринди, учта бўлганда тун чўккани. Тунги булутлар, улар олдин ҳам бормиди? Худди кема шарпаси. Йўқ. Шошма. Балки бу дарахтлардир? Баъзан кўз алдайди. Сароб. Бу ер кунботар мамлакати. Гомрул қуёшни жануби шарққа ботади. Она ерим, сенга хайрли тун.

Шабнам тушди. Қизгина, сенга тошда ўтириш зарарли. Оқиб мараз оқмалар. Чақалоқ туғилишда қийналади, мабодо паҳлавон бўлсагина зўр бериб ташқарига чиқади. Ўзим ҳам бавосил орттириб олишим ҳеч гапмас, ёзги тумов каби ё лабларнинг қалтираши каби одамга қаттиқ ёпишиб олади. Агар қоғоз ёки қуриган хашак тилиб кетса ундан ҳам чатоқ. Ўтирган ўрнинг силлиқланади. Қанийди, қизгина ўтирган қоя бўлиб қолсам. Оҳ, дилбар шакарим, қанчалар ширин бўлганингни сен ўзинг ҳам билмайсан. Менга шу ёшдаги кўргина қизчалар ёқа бошлади. Нима десанг, ҳаммасига кўнади. Менимча, фақат мана шу ёшдагина оёқларини чалиштириб ўтиришни ёқтиришади. Бугун кутубхонадаги диплом ёзаётган қизларни кўрсанг. Уларнинг тағларидаги курсиларга маза. Лекин бунга оқшом ҳам таъсир қилади. Улар ҳаммалари буни ҳис қилишади. Ўз вақти-соатларини билишади, худди гуллар каби очилишади, кунгабоқарлар, ноклар, улкан заллардаги қандиллар, хиёбонлардаги фонарлар ми-соли ял-ял ёнишади. Мэт Диллоннинг боғидаги турфа тунги чечак, мен Моллининг елкасидан ўпгандим ўшанда. У ўша пайтлар қандай бўлса шундай бор бўйича мойбўёқ билан ишланган суратини чиздирсам эди. Мен унга ошику беқарор бўлиб юрганимда шундай июнь ойи эди. Йил қайтади. Тарих қайтади. О, тоғ зирвалари, мен яна қайтиб келдим ҳузурингизга. Бизнинг кичкинагина куррамиз атрофида ҳаёт ва муҳаббат айланиб юради. Бу галгиси нима бўлди? Унинг чўлоклиги ачинарли, албатта, аммо эҳтиёт бўлмоқ жоиз, ҳаддан зиёд раҳм-шафқатга берилиш яхши эмас. Улар бундан фойдаланишади.

Хоут кўрфази жим-жит. Узоқ адирлар холи. Биз ўша ердამиз. Рододендронлар. Балки мен эшакдирман. Унга олхўрининг меваси тегди, менга данаги. Менинг насибам. Кўҳна адир

бундай нарсаларни кўп кўрган. Номларигина ўзгаради, холос. Ошиқ-маъшукларга чўлп чўлп.

Негадир хоридим. Ўтиравераманми ҳадеб? Ох, шошма-чи. Қизгина бутун эркаклик кучимни суғуриб олди. У мени ўпди. Менинг ёшлигим. Бошқа қайтмайди. Ҳаётда бир марта. У ҳам шундай. Эртага у ерга борсамикин? Йўқ. Бу унчалик ўхшамайди. Ёўдак она курсоғига қайтмайди ку. Янгиси бўлсин дейсан. Ёруғ дунёда ҳеч нарса янги эмас. Долфинс-барн, талаб қилувчига. Сен шундай оилавий ҳаётингда бахтсизмисан? Менинг ёмонгинам, менинг асалгинам. Долфинс-барнда Люк Дойл қаҳвахонасида топишмоқ топалоқ ўйнардик. Мэт Диллон бир гала қизлари билан иштирок этарди: Тайни, Этти, Флуи, Мэйми, Луи, Гетти. Молли ҳам қатнашарди. Ўшанда саксон еттинчи йил эди. Тўйимиздан бир йил олдин. Андак андак отишни яхши кўрадиган кекса майор Қизиги шуки, у ҳам, мен ҳам оилада ёлғиз фарзандмиз. Қайтар дунё. Қочиб қутулдим дейсан-у ўз-ўзинга тугиласан. Уйга қайтишнинг энг қисқаси — айлана йўл. У анов билан бирга бўлганда. Баайни циркнинг оти майдон бўйлаб айланаётгандай. Биз Рип ван Винкл ўйнадик. Рип — Хенни Дойлнинг белига сурп ўрадик. Ван — уйдаги ванна. Винкл — Ювин ва Кул. Охирида мен Рип ван Винклнинг қайтишини кўрсатиб бердим. Молли жавонга суянганча томоша қилиб турарди. Ҳабаший кўзлар. Уйқу ғорида йигирма йил ухлаб қолди. Ҳаммаси ўзгарди. Уни унутишди. Ёшлар қариди. Шудринг тушиб, милтиқ занглади.

Пирр. Нима бу учиб юрган? Қалдирғочми? Кўршапалакка ўхшайди. Шабкўр мени ёғоч деб ўйлаяпти. Қушлар ҳид билмайдими? Метемпсихоз. Кўчиш. Улар дарду ғамдан дарахтга айланиб қолиш мумкин деб ишонишарди. Мажнунтолга. Ана, ана, учяпти. Вой, сени қара-ю, митти Чифой. Қизик, у қаерда яшаркин? Жомхона шу ердан кўриниб турибди. Ўша ерда яшаса, эҳтимол. Оёғида осилиб туради авлиёдай қимир этмайди. Жом садоси чўчитиб юборган, шекилли. Ибодат тугаганга ўхшайди. Ҳаммаси эшитилиб турди. Бизни дуо қил. Ҳа, бизни дуо қил. Такрорлаш қимматли усул. Худди рекламадай. Биздан сотиб ол. Ҳа, биздан сотиб ол. Рухонийнинг уйдаги даричадан ёруғ тушиб туради. Камтарингина дастурхон устида кечки таом. Эсимда. Томнинг кўлида ишлаётганимда мен баҳо беришда адангандим. Аслини олганда, у ерда йигирма саккизта. Уларнинг уйи иккита. Габриэл Конройнинг акаси викарий (сўфи) бўлиб ишлайди. Пирр. Яна кўршапалак. Нима учун улар тунда сичқон-

дай доводиращади? Алланечук бир турли чатишма. Қушлар худди сакраб сакраб чопаётган сичқонлардай. Улар нимадан қўрқаркин, ёруғданми, ё товушданми? Яхшиси жим турилса. Анов қушни айтаман, ташна бўлгач, кўза ичини тош билан тўлдириб, сув ичгандай, ҳар бир инстинкт (савқ) худди шунга ўхшайди. Қўллари кичкина-кичкина, устига чопон ёпинган митти одамнинг худди ўзи, суякчалари ингичка. Йилтираб кўриниб туради, нимтатир кўкиш. Ёруғлик қандай ёритишга қараб бўлади. Мисол учун кўзингни юммай, худди бургутдай қуёшга тик қара, кейин оёқ кийимингга кўз ташла: сарғиш соя парчасини кўрасан. Ҳар нарсага ўтириб ўз изини қолдиришни истайди. Айтайлик, эрталаб зинада ўтирган анов мушук. қалати қўнғир ботқоқранг. Уч хил рангдагиси бўлмайди дейишади. Ёлғон. «Шаҳар тамғаси»даги шерзод мушук, қўнғир, қора ва оқ, манглайида эм ҳарфига ўхшаш тамғаси бор. Эллик хил рангдаги мўйна. Хоут ҳозиргина худди сафсар каби товланди. Маёқ нур сочди. Анов донишмандни айтаман, отинг қурғур, кемаларни ойнаси билан ёндириб юборган. Баъзан буталар ўзидан ўзи ёниб кетади. Биров гугурт чакмаган бўлмаса. Унда нимадан? Балки тўхтовсиз шамолда қуруқ шохлар бир-бирига ишқаланавериб ўт чиқар. Ёки буталар орасида ётган синган шиша парчаси, қуёшнинг нури тушгач, у қуруқ буталарни ёндириб юборади. Архимед. Топдим! Хотирам ҳали чакки эмас.

Пирр, яна. Ким билади, нега улар тинмай учади. Ҳашарот овлайдими? Ўтган ҳафта хонага ари учиб кирди, шипдаги ўзининг соясини қувиб юрди. Мени чакқан анов ари мендан хабар олгани кирдимикин? Қушлар-чи? Нима демоқчи эканликларини ҳеч билолмайсан. Бизнинг чурқиллашимиз-чи? Мен нима дедим, у нима деди? Океан ошиб у ёққа, сўнг бу ёққа учиб ўтиш учун қанча куч керак. Бўронларда, симларга урилиб қанчалари ўлиб кетади. Денгизчиларнинг ҳам ҳаёти ҳаёт эмас. Улкан океан кемалари тун кучоғида пишқириб олдинга интилади, худди денгиз сигирлари каби ўкиришади. Faugha ballagh!¹ Қоч йўлдан, э, онангни палон-пистон! Елканлари болаларнинг кўйлакчаларидай бошқа кемачалар кучлироқ шамол турса, тўлкинлар бағрида худди пўкакдек сакрашади. Уйида хотини қолганларни айтинг. Йилларча уйларига боришмайди, ер юзининг турли бурчакларида санғишади. Ернинг эса охири йўқ, у

¹ Йўл бўлсин! (Ирл.)

дум-думалок. Хар бир портда уларнинг хотини бор дейишади. Денгизчи хотинининг ҳаёти каттиқ, агар Жоини қайтгунча ўзини ўзи овунтириб юрмаса мабодо. Ҳали қайтадими йўқми, бу ҳам номаълум. Унга энди барча бандаргоҳларнинг овлоқ кўчалари ҳидлари ўрнаб қолган. Денгизни яхши кўриб нима қиларкин? Аммо яхши кўрадилар. Лангарни кўтардилару денгизга чиқадилар, бўйинларига хочу қўлтиқларига тумор осиб оладилар омад учун. Хўп, ана нима бўлибди. Шўрлик отамнинг отаси — катта дадамнинг эшиги тепасида, анов, оти нимаиди, тефилим, йўқ, бошқачароқ эди, осилиб турар, унга тегилиб ўтиларди одатда. Миср маконидап чиқиш ва қуллик уйига кириш. Мана шу хурофотларнинг ҳаммасида нимадир бор, йўлга чиқа туриб, билмайсан ахир, бошингга нималар тушишини. Бир парча тахтага ёпишиб ё бир ёғоч устига ўтириб, ҳаво тўлдирилган қутқариш нимчасини кийиб абгор бўлган ҳаётини сақлаб қоламан дейди, томоғига дам-бадам денгизнинг шўр суви тикилади, унинг охириги ичган нарсаси шу, кейин шўрликни акулалар парча-парча қилиб ташлайди. Қизиқ, балиқлар денгиз касаллиги билан оғришарминкин?

Кўп ўтмай — денгиз ажиб тинчийди, теп-текис, осмонда бир парча булут йўқ, ҳаммаёқ тинч, осуда, сукунат. Кемачилар ва уларнинг юклари денгиз подшоҳининг қурсоғига тушиб майда-майда бўлиб сингиб кетган. Самода ой осуда боқади. Азаматлар, бу менинг ишим эмас дегандай. Мерсер касалхонасининг эҳтиёжлари учун хайрия йиғишга отилган Майрас хайрия бозорининг кечиккан охириги мушаги ҳавога кўтарилиб сўнг пастга ок юлдузчалардай сочилар, улар ичида биттаси цукрадай ярақларди. Юлдузчалар осмонда учишар, қуйига шўнғишар, ўчишарди. Қоронғи хуфтон, кучоқлашлар, ўпичлар, ваъдалар палласи. Хат ташувчи кечки хатларни кўтариб эшикма-эшик юради, одати бўйича икки марта тақиллатиб одамларни қувонтиради, лавр буталари оралаб унинг белидаги фонарчаси дам у ер дам бу ерда ярқ-юрқ қилади. Фонарчи Лихи-террасда бешта ёш дарахт қуршовидаги фонарни қўлидаги пиликни балапд кўтариб ёқади. Чироқлар ёруғи тушиб турган деразалар, ғира-шира боғчалар оралаб ингичка янгроқ қичқириқлар жаранглайди: «Ивнинг телеграф! Шошилинич хабарлар! Олтин Кубок пойғасининг яқунлари!» Дигнамлар уйининг эшигидан бир бола югуриб чиқиб, уларнинг орқасидан чопади. Кўршапалак чийиллаб у ёқдан-бу ёққа чарх уради. Кўрфаз суви кўтарилиб, кўпириб, ифлосла-

ниб тобора кутуриб олис-якин кумларни ямлайди. Узок чўзилган кун, рододендронлар орасида чўлп чўлп ўпишлар чарчатган қария Хоут тунги уйқуга ётар, унинг қамиш-қиёқларини шитирлатиб сийпаб ўтаётган майин тун шамоли унга ғоят хуш ёқарди. У чироғни оламга ёкиб, кўриқлаб, охиста, босинқи нафас олиб, бир вақтнинг ўзида ҳам мудраб, ҳам кўзларини юммай оромга толди. Узокларда Киш саёзлигида сузиб юрувчи маёқ мистер Блумга кўзларини кисиб им қоқарди.

У ердаги йигитларга осон эмас. Худди бойлаб қўйилгандай ўтир. Ирландия маёқлар бошқармаси. Қилган гуноҳларининг жазоси. Соҳил соқчилари. Уларнинг мушаклари, илгаклари, сув белгилари, қутқарувчи қайиқлари бор. «Эрин қироли»да денгиз саёхатига чиққанимизда уларга бир боғлам эски газеталарни ташлаб келганмиз. Қафасдаги айиқлар. Бемаъни бир сайл. Жигарларини тозалаш учун чиққан ичкиликбозлар. Бортдан туриб қусишади, балиқларни боқишади. Денгиз касали. Барча аёллар титраб-қақшаб туришди. Милли эса ҳеч нарса бўлмагандай қикирлайди. Зангори рўмолчаси шамолда ҳилпирайди. Бу ёшда ўлим нималигини билишмайди. Бунинг устига ҳали қоринлари соғлом. Фақат йўқолиб қолиш уларни кўрқитади. Кромлинда дарахт орқасига беркиниб олганимизда шундай бўлган. Мен рози бўлмадим. Ойи! Ойижон! Ўрмонга борган болалар. Уларни яна ниқоб кийиб кўрқитишади. Ёки осмонга отиб яна тутиб олишни айтинг. Ў-ў, ҳозир отиб юбораман, ерга кулаб тушасан. Бунинг нимаси эрмак? Уларнинг ўзлари эса уруш-уруш ўйнашади. Ростакмига. Қандай қилиб одамга милтиқ ўқталиш мумкин? Баъзан ўзидан ўзи отилиб кетади. Шўринг қурғур болалар. Қизим ҳеч оғримаган, фақат қизамиқ ва қизилча тошган. Эсимда дори олиб келганим. Дарров енгил тортди, Моллининг ёнида ухлаб қолди. Она-боланинг тишлари бир хил. Болаларни нимага яхши кўришаркин? Ўзига ўхшагани учунми? Бир кун унинг орқасидан соябон кўтариб югургандим. Балки шунчаки, оғритмасдан. Қизчамнинг томири қандай уришини ушлаб кўрганман. Дукирдукир уради. Қўлчалари кичкина-кичкина эди — энди каттайган. Қимматли отажоним. Қўлини ушласанг, ҳамма нарсани айтиб беради. Нимчамдаги тугмаларни сапашни яхши кўрарди. Биринчи этакли қўйлак кийгани эсимда. Хўп кулган эдик. Кўкракчалари энди раста бўла бошлаганди. Чамаси, чап кўкрак сезгирроқ. Менда ҳам шундай. Юракка якин бўлгани учунми? Агар бўлик кўкрак модада бўлса, пахта қўйишади. Балоғатга етаётган кезла-

ри кечалари оғриб чиқарди, инграрди, мен уйғониб кетардим. Табиат биринчи марта ўз кучини кўрсатганда, қандай кўрқиб кетган эди-я. Бечорагина болакай! Онаси учун ҳам бу ғалати бир ҳол. Ўзининг қизлик пайтларини эслайди. Гибралтар. Буэн Вистадан кўринадиган манзаралар. О'Хара минораси. Денгиз узра чағалайлар чағиллаши. Маймунлар, битта эркак маймун барча болаларини еб қўйган. Қуёш ботади, тўп отилади — ҳамма қалъага қайтсин дегани. Менга жавобини айтаётганда, денгизга қараб турди. Худди бугунгидай оқшом эди, фақат бундан ҳам тиниқроқ, бундан кўра ҳам булутсиз эди. Мен доим ё лордга, ё ўзининг чиройли кемаси бор бой кишига турмушга чиқаман деб ўйлардим. Buenas noches, senorita. El hombre aupa la muchacha hermosa¹. Унда нега мен? Сен ҳаммадан бошқача эдинг.

Нега мен бу тошга шиллиққуртдай ёпишиб олдим? Бундай хавода миянг ишламайди. Ёруққа қараганда, соат кечки тўққизлар. «Лия»га ҳам, «Лилия Килларни»га ҳам энди кеч бўлди. Уйга. Э, йўқ, ҳали уйкуга ётмагандир. Касалхонага кирман, кўриб чиқаман. Кўзи ёриган бўлса, ажабмас. Бугун мен учун жуда узун кун бўлди. Марта, ҳаммом, ўлик кўмиш, Клитлар уйи, музей ва илоҳалар. Дедалнинг қушиғи. Кейин Барни Кирнан дўконидаги анов бакирок. Лекин мен уларга бўш келмадим. Бадмаст пўсироқлар. Унинг Худосини бопладим, башараси қийшайиб кетди. Зарбага зарба билан жавоб қайтариш — хато. Ё ундаймасми? Йўқ-йўқ. Яхшиси, уй-уйга тепа тўйга тарқалиб, кейин қотиб-қотиб, ичак узилгунча ўз-ўзингдан кулиш керак. Бир қисм тўда бўлиб олиб, ундан кейин кучаниш истаги. Худди ёш болалардай ёлғиз қолишдан кўрқишади. Агар отган нарчаси менга текканда-чи? Бунга унинг нуқтаи назаридан қарайлик. Унда ҳеч кўрқинчли ери йўқ. Балки у мени уришни, жонимни оғритишни хоҳламагандир. Исроилга уч карра шон-шарафлар. У оғзидан бол томиб мақтаган, оғзида охирги учта тиши қолган унинг қайлиғига уч карра шон-шарафлар. Гузалликнинг ўша нусхаси. Киборона зиёфатнинг дилбар аҳли Борнеолик ёнвойининг қайинсинглиси шаҳарга келибди. Эрталаб туриб ёнжинангда шунақасини бир кўз ўнгингга келтириб кўр-чи. Сигирнинг тумшуғини ялаб, дид-фаросат ва ранг танлашнинг ўртоғи йўқ деган экан. Моррис. Аммо Дигнамникига бориб тоза ҳолдан той-

¹ Хайрли оқшом, сеньорита. Эркак киши чиройли аёлни яхши кўради (исп.).

дим. Мотам ичидаги уй одамни жуда эзиб юборади, нега деганда нима кераклигини билмайсан. Аммо бекага пул зарурлиги аник. Ваъда бериб қўйдим, энди «Шотланд бевалари»га кириб утишим керак. Қизик ном. Биз албатта олдинроқ кетишимиз назарда тугилади. Крамернинг яқинида бир бева — қачон эди, душанбадами? — менга шундай бир қарадики. Эрини ерга топшириб, энди суғуртасига кун кўряпти. Беванинг ҳиссаси. Нима бўлибди? Ундан нима истайсан? Яшаш учун буёғига нимадир қилиши керак-ку. Эркак беванинг аҳволини Худо кўрсатмасин. Эс-хушини йўқотгандай галдираб юради. Бечора О'Коннорнинг хотини билан бешта боласи чиғаноқ еб заҳарланишди. Оқава сувлар. Аҳволи жуда почор. Биронта шляпа кийиб юрадиган раҳмдил тижоратчи хотин уни ўз бағрига олса бўларди. Юзлари тўлин ойдай, олдига каттакон этак тутган хотин абгоргина шўрликни паноҳига олса нима қилибди. Бир жуфти уч шиллинг турадиган, бунақа арзонини асти топиш қийин, кўкиш фланелдан тикилган лозим-иштон. Хунук хотинни яхши кўриб қолсанг, кейин айнимайсан дейишади. Фақат биронтаси ҳам ўзини хунук деб ҳисобламайди. Сев, алда ва чиройли бўл, нега деганда, эртага ўламиз. Бир неча марта кўрдим, ҳалиям ким унга оғир ҳазил қилганини билмоқчи бўлиб изғиб юради. К.К.: ку-ку. Пешонаси. Унинг бошига тушди, менга етса бу бало нима қилардим? Кўпинча биронта савдо-сотик билан шундай бўлади. Худди аччиқ қисматдай ёпишиб олади. Бу кеча бирон-бир туш кўрдимми? Тўхта. Қандайдир чалкаш бир нарса. У оёғига қизил шиппак илган. Турклар тиккан. Эркаклар шимини кийган. У балки бир кийиб кўрар? У енгил уй кийимида менга ёқармикин? Бунга жавоб бериш жуда қийин. Наннетти жўнади. Почта поездида. Ҳозир Холихедга етгандир. Ключчи учун анов рекламани утказиш керак. Ҳайнс билан Кроуфордни кўндирсам, бас. Моллига ички кийим, кийса кийгудай бўйига ярашади. Бу нима экан? Балки, пулдир?

Мистер Блум энгашиб қумда ётган қоғозни кўтарди. Кўзига яқин келтириб диққат билан тикилди. Хатми? Йўқ. Ажратиб бўлмайди. Жўнай энди. Начора. Жуда чарчадим. Қимир этгани ҳолим йўқ. Эски дафтарнинг варағи. Бу чуқурчалар, тошчалар, ким уларнинг ҳисобига етади? Истаган нарсанг топилади. Кема чуқаётганда сувга ташлаб юборилган, кўмилган хазиналар ҳақида қоғозча солиб оқизилган шиша. Жўнатиладиган нарсалар почтаси. Болалар ҳар турли нарсаларни денгизга таш-

лашни яхши кўришади. Ишонувчанликми? Сувларга оқизилган нон. Э, манави нима? Ўйинчоқ куракчами?

Оҳ, бу моҳина мени адои тамом қилди. Ёшлигим ўтиб кетганга ўхшайди. Эртан қизгина келармикин бу ерга? Бирон ерда уни бир аср кутсанг. Қайтиб келиши керак. Қотиллар доим қайтади. Мен-чи?

Мистер Блум кичкина куракчани олиб, эринибгина уни қумга тикди. Агар қизчага бирон сўз ёзиб қолдирсам-чи? Балки ўчиб кетмас. Фақат нима деб?

Мен.

Барибир биронта маймоқоёқ эрталаб босиб кетади. Фойдаси йўқ. Ё ювилиб кетади. Сув кўпайганда шу ергача келади. Қизгинанинг шундоқ оёғи остида сув кўлмакчаси бор экан. Бошини андак қуйи эгса, кўлмакнинг қора ойнасида юзини кўради, пуфласа кўлмак бети мавжланади. Атрофда тирналган, расм чизилган, ёзиб ташланган қоятошлар. Оҳ, унинг шаффофлиги! Бунинг устига улар билмайдилар. Ўша шуъла нима эканлигини. Мен сени ярамас бола дедим, нега деганда менга мутлақо ёкмайди.

Ҳа А. бор.

Жой йўқ. Бўлмаса бўлмас.

Мистер Блумнинг оёқ кийими ҳарфларни аста ўчирди. Қум — чатоқ нарса. Унда ҳеч нарса ўсмайди. Ҳаммаси сўлади. Бу ерда катта кемалардан кўрқмасанг ҳам бўлади. Фақат Гиннеснинг баржалари. Киш атрофида саксон кун. Худди атайлаб қилингандай. У ўз таёғини қулочлаб силкитди, куракча сирғанчиқ қумга тик ботди. Бошқа вақтда мана шундай қилиш учун ҳафталаб уриниш керак бўларди. Тасодиф. Биз бошқа ҳеч қачон кўришмаймиз. Аммо мазза қилдик. Хайр, моҳина, раҳмат сенга. Мен яна ўзимни яшаргандай сездим.

Яна озгина мизғиб олсайдим. Ҳозир тўққизга яқинлашиб қолди. Ливерпулники кетиб бўлди. Тутуни ҳам кўринмай қўйди. Қизгина кетди. Майли. Айтганча, у аллақачон. Бел-фаст. Мен бормайман. У ёққа шошиб бориш, у ердан шошиб қайтиш Эннисга. Бўларича бўлди. Майли у. Бир зумгина кўзларимни юмай. Ухламайман, фақат мизғиб оламан. Уйқу аниқ икки марта такрорланмайди. Яна кўршапалак. Ҳеч зарари йўқ. Мен сал-пал.

Оҳ шириним сенинг бутун оқ иштонун кўйлақларингни кўрдим фоҳиша брейсгердал мени мажбур қилди сев ёпишқоқ

биз икковлон ярамас Грейс Дарлинг у билан ерда ётди итнинг думи остига тақир-тукирлар Раулга сенинг хотининг қандай атир қора сочлар кўпирарди баланд кўтарилиб тушарди унинг бўлиқ сенйорита Малвининг маъсум кўзлари дўмбоқ-дўмбоқ тушлар қайтади овлоқ кўчалар Агендат шўхшанг шириним менга кўрсатди нозик келаси йил иштонда келиб яна келаси йил ўз келаси йил.

Кўршапалак пир этиб ўтди. У ёққа. Бу ёққа. Яна у ёққа. Мистер Блумнинг оғзи очилиб қолган, чап оёғининг пойабзали кумга тикилган, ёнига ёнбошлаганча аста хуррак отарди. Мен сал-пал. Қоронғида узоқдан соатнинг жом чалгани эшитилди, унинг бир маромда бом бум қилишидан равшан бир садо келарди

Шо-хи бор

Шо-хи бор

Шо-хи бор

Рухонийнинг уйида камин тоқчасидаги соат ҳам занг урди, бу ерда каноник О'Ханлон, ота Конрой ва ҳазрат Жон Хюз, о.п. устига ўткир қайла қуюлган қўйнинг юмшоқ этини тано вул этишар, бўлиқ кулча еб, чой ичишиб, шу ҳақда суҳбат қуришардики

Шо-хи бор

Шо-хи бор

Шо-хи бор

Нега деганда худди шу соатларда қушча ўз уячасидан сакраб чиқиб шунчалар қичқирардики Герти Макдауэлл бу ерда бўлганида уни пайқаганди нега деганда у ҳаммасини дарров пайқарди, шундай қиз эди-да Герти Макдауэлл, у яна шу заҳоти пайқаган эдики, тош устида ўтириб ундан кўз узмаган бояги хорижий жентльменнинг бошида

Шо-хи бор

Шо-хи бор

Шо-хи бор¹

¹ Шохи бор — бу ерда «алданган эр», «гўсхўр», «хотини хиёнат қилган эр» маъносида қўлланган (тарж.).

14-ВОҚЕА

Туш чоғида Ҳоллсга етгаймиз. Туш чоғида Ҳоллсга етгаймиз.
Туш чоғида Ҳоллсга етгаймиз.

О, нурафшон равшан нигор Ҳорхорн, бизни юкимиз ва гумонимиздан халос қил. О, нурафшон равшан нигор Ҳорхорн, бизни юкимиз ва гумонимиздан халос қил. О, нурафшон равшан нигор Ҳорхорн, бизни юкимиз ва гумонимиздан халос қил.

Хуппа-ла эр йигит хўппа-ла! Хуппа-ла эр йигит хўппа-ла!
Хўппа-ла эр йигит хўппа-ла.

Ҳар қачон ва ҳар қайда шундай одамни ҳар бир нимарсалардаким ақли кўтаҳ саналарким, тирик жонлар ичра билгичлари аларни ўрганмак учун энг фойдали деб топуларким билмаганни ўрганургаким илми донишнинг нозикфаҳмлари ва ақлу идрокнинг бебаҳо зийнатларига эга бўлганликлари боис бағоят эҳтиромга лойиқ зотлар шу ақидада турурлар ва доим бир оғиздан тасдиқлаб келмишларким, бошқа барча ҳол-аҳволлар тенг бўлган шароитда мамлакатнинг гуллаб яшнамоғи ҳашамату бархурдорлиғ бирла эмас, балки шул марому меъёр билаким то наслларнинг давом этмоғи ва тинмай кўпаймоғи борасинда гамхўрлик қилиниб ва тобора ўсиб борур илло бунга нуксон етур тақдирда барча ямонликларнинг илдизига чеврилур илло хайрли тарзда давом эттирилур ҳолда ушбу ҳукмфармо зоту бобаракотларнинг туганмас хайрли нишонига айланур. Бинобарин ҳеч ерда шундоғ бир кимса топилурмики, гарчи андаккина ақл юришиб ҳашамат ва бархурдорлиғ қинғирлик йўли эканини англамас ва тубанлик ёпинчиғи эрканлигини билмас ва аксинча ким нечоғлик ақли қосир ҳамда маърифатсиздирки, табиат неъматлари ичида ҳеч қайси бири урчимок неъматини бирла тенг бўлолмаслигини англаб етмас ва шу боисдан ҳар бир фазлу фаросат соҳиби ўз қавму қардошлари ўртасида бунга рағбат уйғотмоғи ва мавъизалар айламоғи лобиддур ва кўшиш қилмоғи лозим-

дур, зеро, аввалда салтанатда шундоғ улуғвор тарзда бошланган иш келгусида ғайратсизлик орқасида залолат ботқоғига ботиб кетмағай ва замон-замонлар оша або-аждодлар саъй-ҳаракати бир-ла бизгача етиб келмиш босафо одатлар разолатта чўкмағай, зеро шундоғ бир улуғ жасорат зарурат бўладурким, дунёда ўшал васият ва демак ўшал ўғит ва демак ўшал аҳдни беғайратлик бир-ла унутмоқдин ташламоқдин ортиқ разил қабих иш йўқлигини баралла айтиб жар солмоқ лозим келадурким, ушбу сас ўлим шарбатини тотгувчи барча жонларга ё фараҳмандлик башоратини қилур ва ё мангу қашшоқлик ва ғурбат ахборини етказур ва аларнинг қайтмас энг улуғвор бурчи наслни тўхтовсиз ҳолда тинмай давом эттиришлик эканлигини уктирур.

Инчунин, бизга ажабланиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, зеро, бағоят эътимодли йилномаларда ривоят қилинмишки, келтлар ўртасида табиатан мақталишга лойиқ бўлмаган нимарсаларни кўкка кўтариб мақташ одати йўқ экан, улар табобат ҳунарини ҳар томонлама эъозлаганлар. Етимхоналар, пес-моховлар учун беморхоналар, иссиқ ҳаммомлар, вабо чуқурлари қуриш ва ташкил этишни гапирмаганда ҳам, уларнинг О'Шил, О'Ли ҳамда О'Хикки хонадонларидан чиққан донг таратган табиблари беморлар ва айни чоқда касали қайталайдиганларни тузатиш, сиҳат-саломатлигини қайтариш йўлида кўп ранг-баранг даволаш чора-тадбирларини топдилар, ҳатто сил ва пешобини тутиб туролмайдиганларни ҳам дардини енгиллатдилар. Авомнинг умумий манфаати андаккина бўлсин муҳим аҳамиятли бўлган ҳар бир ишда жиддий тайёргарчилик кўриш ғоятда зарурлиги ҳеч қандай шак шубҳадан холи бўлгани боис улар шундай режа-тадбирларни кўриб чиқдиларки (бу тадбирлар ё узоқни кўрганликданми ва ё болиғ тажрибакорлик орқасидами ўйлаб топилди, буни ҳозир айтиш қийин албатта, ҳар нечук энг кейинги текширувчиларнинг муҳокамалари ўзаро ранг-баранг бўлиб ва ҳаттоки айни кунларга довура равшанлик киритилмаган) унга кўра оналик ҳар қандай ишқал қийинчиликлардан халос этилиши жоиз, зероки, ҳар бир аёл учун юкдан халос бўлишнинг ушбу энг муқаҳхар дамларида қандай ёрдам талаб этилмасин, у энг оз харажат ҳисобига бўлса-да, дарҳол сира кечиктирилмай кўрсатилиши керак, зеро, катта давлатга эга бўлганларгина эмас, шу билан бирга маблағ тополмай, гоҳо қашшоқ ва гоҳо қашшоқликдан кўра ҳам ночорроқ қисматда кун кўраётганлар

хам бу ёрдамдан баҳраманд бўлгайлар. Ҳозирда ва бундан сўнг уларга ҳеч қандай оғирчилик, мушкуллик етказилмагай, зеро барча шунга рози бўлиб, қарор қилдиким, фаровонлик ҳамда амну эминлик кўзи ёрийдиган оналарда бўлмас эса, у ҳеч қачон бўлмагай, бинобарин, мангулик фақат Худога ярашур, махлуқларга эса насл қолдириш муносиб бўлгани боис ҳомиладорга гамхўрлик кўрсатмоқ ва вақти-соати етганда уни аробада олиб бормоқ туғуруқ ерига омон-эсон еткизмоқ учун ҳаммалари кўшиш ва ғайрат кўрсатмоқлари, бир-бирларини даъват қилмоқликлари лозим келадур. Оқил ва одил мамлакатнинг белгиси шулким, буларни фақат назарда тутганидагина эмас, балки ҳатто уни ташқаридан билганда ҳам бисёр-бисёр мақтовларга сазовордурки, улар олдиндан билиб, уни она каби эъзозладиларки, она буни дарҳол кўрди ва сездики, энди у ҳар ёқдан муҳофаза қилинмиш ҳамда ороланмиш!

Бувак ҳали туғилмади, аммо талабгор ҳаводорлар ғайрати авжида. Ҳали она курсоғида ётур, одамийлар муҳаббати уни аллалар. Бунга дахлдор нарсалар бари мадохил қунту ихлос била амалга оширилди. Тинч жой ҳозирланган, жонбоз энагалару доялар қувватли озуқалар билан тоза тагликлар, йўрғакларни олдиндан тайёрлаб қўйдилар, ҳаммаси осон бўшаниш учун бўлди, яна шулар билан бирга зарур бўлган барча табобат дори-дармонлари жамланди ва туғиш билан боғлиқ табибларнинг турли-туман асбоб-анжомлари шай қилиб қўйилди. Ер юзининг барча кенгликларига ҳос жойларнинг унутилмас тарзда адо этилмиш ҳақиқий ёқимли манзаралари илоҳий ҳамда инсоний гўзаллигини томоша қилиш баробарида хилватдаги аёлларнинг қони жўш урадирким, бу бўшанишни хайрли тарзда енгиллатади, ушбу тўлғоқ қўрғонларининг энг юксак маъноси ва моҳияти қуёш нурлари билан моҳирона ёритилиши ва безаклар билан безатилиши қорни улғаймиш аёлни туғилиш соати яқинлашганда дардини осон қилади.

Мужиб ва ғариб бир эран келиб дард тутган маҳалда туғуруқ уйининг остонасида турди. У ер юзи пучмоқларида дарбадар кезмиш Исроил қавмига тегишли одамлардан бўлиб, бу ерга жуда жуда олислардан етиб келмишди.

Шул туғилиш фурсатини кўзлаб ёлғиз йўл босиб, ушбу тўлғоқ қўрғонига қадам ранжида этмишди.

Ушбу эв ҳужаси Хорндир. Ушбу тўлғоқ ерида у сони етмишта бўлмиш жой ва тўшак ҳозирлатмиш, уларнинг барчасида ҳоми-

лали бўғоз хотинлар ётурлар ва дард чекиб олам ёруғига одам болаларини келтирурлар, уларни мулойиклар ва Биби Марям қўллар. У ерда оппоқ кийинган энагалар уйкудан кечиб тўлғоқ азобида ётганларга тез ёрдам берурлар. Ун икки ойда етмиш ҳамшира оналар азобини енгиллатурлар. Туғуруқнинг ушбу меҳрибон ходималари Ҳорн даъвати ва номи билан туғуруқ жойларида тинчлик осойишталик озодаликни сақлаб турурлар.

Ходима бошини чоршаб билан чирмамиш ўшал раҳмдил эран келганлигини эшитиб дарвозани унга очгани чикди. Шунда кўрдики, кўз очиб юмгунчалик вақт ўтмай Ирландия ғуруби кўкини улуғ бир йилдирим чақнаб ёритди. Ходима бағоят кўрди, неъматлар яратувчи Қодиру Қаҳҳор жамики одамзод қавмининг залолату гуноҳлари учун сувга юттириб ҳалок қилмоқчидир деб хаёл қилди. Уни қўллари билан чўқинтириб, тезда уй ичкарисига олди. Шунда ўша Эран Ҳорн кўрғонида ҳамма нарса хайрли қурилмишини кўрди.

Бемаҳал келиб бу ердагиларнинг тинчлигини буздим деган хавотирда эран хижолатда туриб қолди. Бир замонлар у мана шу ходима билан қўшинчиликда суюкли хотини ҳамда суюмли қизи билан яшарди, бироқ мана тўққиз йилдан бери турли мамлакатлар ва денгизларда саёҳат қилиб юрмиш эрди. Бир куни уни шаҳар бандаргоҳида учратиб қолиб, у билан саломлашмай ўтмиш эди. Шунинг учун ундан ёлвориб ўзини кечиришини илтижо қилди ва уни шундоқ кўргани замон шу нарса эсига тушганини айтди. Унинг бу сўзларидан ходиманинг кўзлари порлаб, икки ёноғи қизарди.

Зеро у эраннинг қора кийганини кўриб, унинг бошига кулфат тушганмикин деб кўрқмиш эрди. Бироқ ундай эмаслигини кўриб қувонди. Нега табиб О'Хейр узок соҳиллардан хушхабарлар юбормади, деб сўради. Бунга аччиқ хўрсиниб, эндиликда табиб О'Хейр боқий дунёга йўл олганлигини айтди. Буни эшитиб эран кўп қайғурди, ич-ичидан бисёр ачинди. Ходима унга ўшал ошнанинг ёш ўтиб кетганлигини тўла айтиб берди, кўз ёшларини шашқатор оқизди, аммо қайғу-ғам канча оғир бўлмасин, Худонинг иродаси ҳақ деди. Худо уни мағфират қилсин ва гуноҳлар юкидан халос этсин. Шундан сўнг эран ходимадан мағфур қандай ўлим билан ўлганлигини сўради, роҳиба у Моне оролида қориндаги саратон оғриғидан жон таслим этганлигини айтди, бу воқеа сабийлар қирилган кунда бун-

дан уч йил аввал руй берибдир. Раҳмдил Худо уни мангу раҳматига олсин, деб дуо қилди. Эран бу қайғули сўзларни эшитиб, бошидан буркини олди, кўзларида ёш ғарқоб бўлди. Бир замон шундай ғамга ботиб туриб қолди.

Зеро, ҳар ким охири ўлим шарбатини тотади, хотин кишининг қурсоғидан тушган ва дунёга теп-тек яланғоч келган зот охири дунёга қандай келган бўлса худди шундай қайтади.

Шундай қилиб, пайшанба, июннинг ўн олтинчи куни. Патк. Дигнам миясига қон қуюлиб ўлди, қора ерга қўйилди. Қаттиқ қурғокчиликдан сўнг, Худога минг қатла шуқур, ниҳоят кетмакет ёмғирлар ёғди, эллик чақирим ё шунга яқин йўл босиб солда торф олиб келишди, солкаш на адирлар ва на пастликларда экинлар унмаётгани, далалар қуриб ётгани, ҳаммаёқ аянчли кўрингани ва сассиқ тарқалаётганлигини айтиб берди. Нафас олиб бўлмайди, узоқ вақт бир томчи ёмғир сувига зор бўлган навниҳол экинлар сўлиди, ҳеч ким илгарилар ҳам шундай бўлганини эслолмади. Атиргулларнинг ғунчалари қорайиб қуриди, адирларда нимжон ўтлар сарғайиб буталар қовжиради, учкун тушса ёниб кетадиган даражага келди. Ўтган йилги февралдаги мамлакатни хароб қилган даҳшатли довулдан ҳам бу қурғокчилик офати ёмон бўлди деб одамлар гапириб юришди. Аммо мана энди, эслаб ўтилганидек, қуёш ботгандан сўнг ҳамон ўша-ўша ғарб шамоли тўхтамай эсиб, аста-секин оғир ҳайбатли булутлар йиғила бошлади, осмон китобини ўқийдиган билгичлар улардан кўз узмай тикилишарди, кейин тунга яқин осмонда ялт-қолт этиб чақинлар чақнади, ундан ҳам кечроқ, соат ўн бирларда бирдан момақалдиروقнинг қудратли садоси эшитилди, худди ўт тутаётгандек бўлиб жала қуйиб юборди ва ҳамма бир зумда уй-уйларига тумтарақай қочди, эркаклар сомон шляпаларини рўмолчалари ва ёки қандай бўлмасин латта билан тўсар, аёл зоти эса ёмғир қуя бошлаган заҳоти этакларини баланд кўтара дикирлаб югуришарди. Ҳозиргина худди Саҳройи Кабир сингари қуриб ётган ерларда, Или плейс бўйлабми ё Бэггот-стрит, Дюкс-қўлтиғиданми, бу ердан эса Мэррион Гринга

ва ундан Холлс-стрит ёкларга ёмғир суви дарё бўлиб оқарди, атрофда на извош ва на катта-кичик аробалар қолган, бироқ момогулдирак ўша биринчи зарбасидан сўнг қайта такрорланмади. Муҳтарам судя Фитсгиббоннинг (у суд хизматчиси мистер Хили билан биргаликда коллежга ажратилган ерлар тўғрисида муҳокамага кириши керак эди) эшиги рўпарасида олижанобларнинг энг олижаноби Мал. Маллиган адабиётчи мистер Мурнинг (собик Папа тарафдори, ҳозирда узунқулоқ гапларга қараганда садоқатли Вилиямхонлардан) уйдан чиқиб, сочили калта олдирган Ал. Баннонга (ҳозир сочи қисқа олдириш кечки кўк твид плашчлар билан бирга урф бўлмоқда) дуч келди, у эса почта аравасида ҳозиргина Маллингардан келиб турганди, у ерданинг амакиваччаси ва биродари Мал. М. яна бир ой, то авлиё Свитингача турар экан, у сизни бу ерларга қайси шамол учирди, деб сўради, мен уйга кетяпман, мен эса Эндрю Хорн томонга боряпман, у ерда оғайнилар зиёфатга таклиф қилишган, аммо сизга бир қулинг ўргилсин жонон ҳақида гапириб бергим келяпти, ўзи жуда кетворган, ёшига қарамай биққигина, ёмғир эса бу орада қуйгандан қуяр, шунинг учун улар тўғри Хорн томонга йўл ола қолишди. Бу ерда Кроуфорднинг газетасида хизмат қиладиган Леоп. Блум жанжал-тўполонга суяги йўқ бир тўда бевош бақироқлар даврасида қўр тўкиб ўтирарди, булар ичида Мотамсаро Биби Марямнинг талабаси кичкина Диксон, асли шотландиялик азамат Вин. Линч, Вил. Мэдден, пойгачи зотдор бир отга пул тикиб қуйиб ўтирган Т. Ленехан ҳамда Стивен Д. йиғилган эдилар. Леоп. Блум эса булар орасига ҳаддан зиёд ҳолдан тойиб чарчаш орқасида тушиб қолганди, бироқ ҳозир яна димоғи чоғ, ўзини ўнглаб олганди, ўтган кеча эса у ўзининг ойбалдоғи миссис Мол. ҳақида кўп ғалати туш кўриб чиққанди, унда ойбалдок қизил духоба шиппак ва туркча шалвор кийганди, бу эса билгичларнинг айтишларича ўзгаришнинг белгиси, миссис Пюрфой ҳам ҳамон шу ерда эди, у бу ерга ўз курсоғининг даъвати билан қадам ранжида қилмишди, эндиликда у шўрлик муддатидан икки кун ўтиб кетган бўлса-да, чалқанча ёйилиб ётиб урингандан уринар ва ҳамон кўзи ёримас, доялар зир югуришар, қайнатилган гуручдан ҳомиладорнинг кўнгли озар, ҳолбуки бу сувни қочиришликнинг энг яхши чораси эди, оғир, қийналиб нафас олар, аммо туртинишига қараганда, ҳомила — соппа-соғ, Худойим унинг омон-эсон қутулишига ма-

дад берса, бас. Эшитишимча, бу унинг тўққизинчи туғиши, охир-гисининг тирноғини эса Хушхабар куни олишган, демак, ўшанда у бир яшар бўлган ва худди анов кўкрак бериб боқилган учтаси каби у қазо қилган ва Қирол Яков Инжилига чиройли қилиб ёзиб қўйилганди. Унинг эри эликлардан ошган методист бўлиб, черковга қатнар, ҳаво очиқ якшанба кунлари эса уни икки ўғил-часи билан доим Баллок соҳилида кўришар, у қирғоқдами ё таги ясси қайиқ ичидами оғир ғалтакли қармоқ ташлаб, оққуйруқ ва қалқон балиқ овларди, у қармоқни жуда оҳиста эҳтиёт бўлиб ташлар, айтишларича ови доим бароридан келарди. Хуллас, гапнинг қисқаси, челақлаб жала қўйди, табиат яна жонланди ва яна мўл ҳосил кутса бўлади, аммо турли-туман билгичлар шамол билан сувдан сўнг ўт келади деб фол очадилар, модомики Малахия календарининг башоратича (менга яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, мистер Россел ўзининг деҳқонлар учун чиқарадиган газетасида шунга ўхшаш башоратни ҳиндустоний лаҳжасидан тайёрлаб босиб чиқарибди) ушбу учала табиат ҳодисаси доим бирга келармиш, бироқ бу қари кампирлар ва лақмалар учун эски бир чўпчак, сира жўяли жойи йўқ, гарчи улар гоҳо-гоҳо ўз мўъжизалари билан айни ҳақиқатни баён этсалар да, лекин қандайлигини ҳеч ким билмайди.

Шунда столнинг нариги бошидан оқшом саҳифасидаги мактуб ҳақида гапириб бермоқчи бўлиб Ленехан ўрнидан турди ва ўзини хатни гўё у ёқ-бу ёғидан қидиргандай қилиб кўрсата бошлади (у хат ўзини ҳаддан ортиқ тўлқинлантирганини айтиб зўр бериб қасам ичар, ўлай агар дерди), аммо Стивеннинг маслаҳатига кириб, қидиришни тўхтатди-да, келинг, ёнимда ўтиринг, деган таклифга дарров кўнди қолди. У ўзига етгунча серғалва афандилардан бўлиб, ўзини жуда жангари қилиб кўрсатар ва қаланғи-қасанғи ишларга суяги йўқ эди, гап хотинлар, отлар ва яқинда бўлиб ўтган жанжал-туполон борасида кетганда у доим ҳозиру нозир эди. Гапнинг пўсткалласини айтганда, унинг сармоясини юпқа эди ва кўпроқ вақтини ковоқхоналару қаҳвахоналарда одам ёлловчилар, аравакашлар, текинхўрлар, малайлар, устазодалар, пойга айғоқчилари, кўча ва фоҳишахона қизлари ҳамда шуларга ўхшаш турфа хил авомуннос билан апоқ чапоқ ўтказар, баъзан эса тун бўйи дуч келган жосус ё суд хизматчиси билан вақиллашиб ўтирар, томоқни дам-бадам ҳўллаш асносида улардан энг янги гийбат, олди-қочдиларни эшитарди. У энг арзон емакхоналарда қорнини тўйғизар ва гоҳо охирги сариқ ча-

қасига қолган-қутган сарқитлар билан овқатланишга тўғри келса да, тили қапгирдек айланишдан тўхтамас, кайфиятини туширмас, суюқоёқ хотинданми ё яна бошқа аллақимдан қулоғига илиб олган қизиқ сўзни такрорлаб, ҳаммаинг ичагини узарди. Улар билан ўтирган Костелло дегани бу гапларни эшитиб, нима бу шиғирми ёки бўлган воқеами, деб сўради. Ундай эмас, Фрэнк (ҳалигининг оти шундай эди), деб жавоб берди шериги, гап ирланд сигирлари устида кетяпти, вабо тарқатаётганлиги туфайли уларни сўйиб ташлашни буюришяпти. Э, қуриб кетмайдими ҳаммаси, дейди Фрэнк ва кўзини қисади, менга деса сигир гўштини, бошқами, ҳаром қотмайдими. Мана, бизнинг балиғимиз бор, балиқмисан балиқ, бунақасини ҳали ҳеч ким овламаган, деди да, у ёнида турган чавоқ балиқларни зўр илтифот билан улаша бошлади, у қорни қачондан бери сурнай чалаётгани учун боядан буён минг оҳанжама билан бир амаллаб балиққа етиб борган эди. *Mort aux vaches*¹, деб қўйди кейин Фрэнк француз лаҳжасида, у илгари Бордо шаҳрида омборлари бўлган шаробфуруш қўлида ёрдамчи бўлиб ишлаган, французчани худди жентлменлардай қойил қиларди. Ушбу Фрэнк энг мурғак чоғларидан буён бориб турган шалпангқулоқ эди, даҳа назоратчиси бўлмиш отаси уни ўқитиш, харита танитиш, мактабга юбориш учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилар, кейин ниҳоят уни механикани ўрганиш учун университетга жойлади, бироқ шу ерга келганда тирмизак худди асов тойчоқдек нўхталарини узиб, бош бермай қўйди, бинобарин, ўша пайтларда суд хизматчилари ва тунги қоровуллар билан тил топишган, уларни ўзи ўқиётган фанлардан кўра яхшироқ биларди. Бир вақт у артистликни хоҳлаб қолди, кейин кўнгли бозоргонликни, кейин қартабозликни, кейин бир қарасангиз, хўроз уриштиришу айиқ овига берилиб кетади, кейин денгиз-океанларни кезиш, йўлларда лўлилар билан дарбадар юришни кўнгли тусаб қолади, бу лўли халқи тинч ўтирмайди, дам бойларнинг ўғилчасини ўғирлайди, дам дорга осилган кийим-кечакларни ўмарайди, дам девор ортидап пусиб бориб, товуқларнинг бўйнини қайириб келади.

У тапгрининг инсонларга насияти қанча бўлса, шунча мароғаб саргузаштларга бош олиб кетади-да, ҳар сафар яна қари отасининг ҳузурига икки қўлини бурнига тикиб қайтади, у бечора эса

¹ Сигирларга ўлим (франц.).

хар сафар дарё дарё кўзёшлари тўкади. Йўғ-эй! — деб хитоб қилади қўлларини кўксига чалкаштириб ва чиндан ҳам ташвишга тушиб, наҳот уларнинг бари сўйилиб кетса. Мен норозилик билдираман, дейди у, мен уларни бугун эрталабнинг ўзида кўрдим, уларни Ливерпул кемаларига ҳайдаб боришарди. Мен буни тузатиб бўлмаслигига сира ишонмайман, дейди у. Билъакс, бу борада, наслдор қорамоллар борасида, бузоқлар, буқалар, юнги олиндиган қўй-қўзилар борасида у ғоятда катта тажрибага эга эди, зеро бундан бир неча йил бурун мистер Жозеф Кафф деган боқарам тижоратчи зотнинг қўлида мирза бўлиб ишлаганди, бу зот молларни атрофдаги фермалардан сотиб олиб, уларни Праша-стритлик мистер Гэвин Лоунинг кўрғони ёнида фойдасига қайта пулларди. Бу масалада менинг фикрим бошқача, дейди у. Назаримда, бу ерда вабо эмас, қандайдир нафас йўлларининг касалланганлиги ёки актиномикоз ҳақиқатга яқинроқ. Бу гап бироз китиқ патига теккан мистер Стивен унга қамоли назокат билан жавоб бериб дедикки, ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин йўқ. Зеро, унинг ихтиёрида император кўрасининг бош дум ҳодавозидан келмиш маълумот борким, унда меҳмондўстлик учун чин миннатдорлик баён этилиб, бу томонларга бутун Московия сигирларини забт этган маълуму машҳур доктор Эпизоотиев икки чирпит дори-дармон билан бирга жўнатилганлигини хабар қилмишди, зеро у сигирларнинг энасини кўрсатар эмиш. Гапнинг пустиқалласини айтадиган мистер Винсент орага қўшилиб, э, оласиз, деди. Ирландия сигирига иши тушгандан кейин унинг ўзи ҳали онасини кўради. Зоти ҳам, номи ҳам ирландчасига денг, деди тўлқинланиб мистер Стивен, чайқалганча қўлидаги пивосини тўкиб юбориб. Инглиз чинни дўконига кириб қолган ирланд буқаси. Фикрингизни тушундим, деди мистер Диксон. Бу ўша тумшугидан зумрад ҳалқа ўтказилган, бизнинг оролимизга барча чорвадорларнинг энг шоввози фермер Николай юборган буқа-да. Ҳақ гапни айтдинг, дейди столнинг нариги бошидан мистер Винсент, мен буқанинг қулоғи билан қасам ичаманки, дейди у, уч япроққа (себаргача) чоптирадиганлар орасида ҳеч қачон бундай сирт тизиз силлиқ буқа бўлган эмас. Унинг мугузларига киши қараб тўймас, териси олтиндай ялтирар, бурун тешикларидан қайноқ буғ отилиб чиқардики, оролнинг жамики хотинлари тўкув сўкув асбобларини ташлаб буқайи аълони капалакгуллар чамбараги билан безаб унинг орқасидан жон ҳалпида югуриб юришди. Бун-

дан нима чиқарди, деди мистер Диксон, ахир уни буёкка жўна-тишдан олдин фермер Николай ўзи ҳам бичилган бўлгани учун уни ҳам яхшилаб моякдан халос қилишни буюрди ва бу вазифа-ни докторлар хайъатига топширди, булар ҳам маълум маънода барчалари бирваракай Николайнинг айнаи ўзи эдилар. Ана энди боравер, дейди фермер Николай, менинг укам Искирт-Гарри ни-мани буюрса, ўшани қил, ундан сўнг мана бу сенга бизнинг фер-мерлик йўлловимиз бўлсин деган сўзлар билан унинг юмшоқ жойига яхшилаб шаппалаб уриб қўйди. Аммо оқ йўл ўрнига ўтган бу шаппати унга омад ҳам келтирди, дейди мистер Винсент, ахир анов уни йўқотганидан кўра яхшироқ нарсага ўргатган бўлса ке-ракки, то бугунги кунгача хотин ҳам, қиз ҳам, бева ҳам, чўри ҳам, бари бир оғиздан жўр бўлиб айтадики, қоронғи охурда унинг қулоғига эркалаб шивирлаш ва бунинг эвазига у уларнинг мўйин-ларини узундан-узун қўл қутлуғ тили билан ялаб сийпалаб қўйиши Ирландия тўртала подшоҳлигининг энг азамат йигити билан ўпи-шиш, апоқ-чапоқ қилишдан яхшироқ дейишади. Шу ерга келган-да ҳамсухбатлардан яна бирови орага сўз қўшди: хотин халаж бариси унга тўр қўйлак ички ипаклар кийгизишди, дейди у, усти-ни тўр, кажава тасмалар билан безашди, манглайига жингала ясал-ди, бутун баданини мушк-анбар билан мойлашди ва йўлнинг ҳар бир айрилишида унга олтин тослар ўрнатилган охурлар қуриш-ди, уни бозордаги энг яхши хашакларга тўлдиришди, яхшилаб ухлаб олсин ва роҳат қилиб белини бўшатсин дейишди. Аммо бу вақтга келиб, вафодорларнинг отаси (уни шундай деб аташарди) шунчалар семириб кетдики, ўтлоққа зўрға етиб борарди. Унинг аҳволини енгиллатиш учун бизнинг хонимларимиз ва ойимқиз-ларимиз озуқани этакларига солиб унга олиб келишни одат қилиш-ди, қорнини яхшилаб тўйғизгандан сўнг, у баъзан орқа оёқлари-да тик турар, олий иқтидорли хонимларга унинг бутун сир-синоати намоён бўлар, ўзининг буқаларча тилида ўқиради, химранар ва барчалари унга жўр бўлишарди. Баайни ҳақиқат, деди суҳбат-дошлардан бошқа яна бирови, у ниҳоят шундай эрка бўлиб ке-тибдики, мамлакатда менинг эҳтиёжим учун кўк ўтдан бошқа ҳеч нарса ўсмасин деб талаб қўйибди (кўк ўт рангидан бошқа барча рангларга унинг сира тоқати йўқ эди), шунинг учун оролнинг қоқ марказида баланд тепа устида босма ҳарфлар билан шундай эълон ўрнатишибди: Искирт-Гаррининг иродаси билан ер юзида кўклаган барча кўклар кўкат бўлсин. Мистер Диксон эса бунга шундай

қўшимча қилди: агар Роскоммон ёки Коннемарининг овлоқ пуч-моқларида мол ўғриси пайдо бўлганлигини пайқаса ёким Слай-годаги биронта деҳқон бир ариқ рапс ва ё хантал экканлигидан хабардор бўлиб қолса, у шу заҳоти дарғазаб қутуриб ўша ерда ўсган зироатни мугузлари билан таг-тугидан қўпориб ташлаш учун бутун оролни ҳайханнос босиб ўтишга тайёр эди ва буларнинг бари Искирт-Гаррининг амри-иродаси билан адо этиларди. Бо-шида улар унча келишмай юришди, дейди мистер Винсент, Ис-кирт-Гарри фермер Николайни йўқолсин, башарасини кўрмай ўша етти фоҳиша яшайдиган қўранинг эгасини дер ва ҳали унга кўрса-таман, барча хуфиёна ишларини очиб ташлайман, деб пўписа қиларди. Мен отамдан мерос қолган манави гўдайган зорманда билан, деб дўк урарди у, бу ҳайвонга дўзах хиди қандай бўлиши-ни кўрсатиб қўяман. Аммо бир куни кечқурун, деб ҳикоя қилар-ди мистер Диксон, қайиқда сузиш пойгасидан қайтиб, тамадди қилиш тараддудида қиролларча қашиниб ўтираркан (албатта, у пойгада ҳаммадан устун чиққан, сузиш қондалари ҳам шунга яра-ша тузилган, яъники, у эшкак ўрнида катта бел ишлатар, қолган лар эса паншаха санчки билан сув шопирардилар), қазноқда ту-радиган эскириб яғири чиққан қўҳна эртақлар китобини титиб, у кутилмаганда ўзида буқага фавқулудда ўхшашликни сезиб қолди, ҳеч шубҳа қолдирмайдиган таразда ўзига маълум бўлдики, Ис-кирт-Гарри бир тармоғи билан румоликларнинг машҳур *Bos Bovum*¹ деган (ошпазларнинг соф лотинчасида бу барча буқаларнинг боши дегани бўлади) пойгачи буқасидан тарқалганини билиб қолди. Шундан сўнг, деб ҳикояни давом эттирди мистер Винсент, Ис-кирт-Гарри барча сарой аъёнларини чакириб, улар ҳузурида бо-шини сигирнинг ем тосига тикади-да, кейин у ердан калласини кўтариб, ўзининг янги отиши эълон қилади. Сўнг уст-боши қури-май туриб, катта момосидан қолган эски қўйлак нимчани кийиб, буқа тили дарслигини сотиб олишга шошилади, фақат китобдан биринчи шахс олмошидан бошқа биронта ҳам сўзни ўрганолмай-ди, зотан шу биргина сўзни у йирик қилиб ёзиб қаттиқ ёдлаб олади, ўйнагани кўчага чиққанда ҳам чўнтагига бўр солиб, кўнгли қаерни тусаса, ўша ерга ёзаверади, тош устига дейсизми, қовоқ-хона столигами, пахта тойларигами ё қармоқларнинг пўкагигами, майли-да. Узун гапнинг қисқаси, у билан ирланд буқаси шу қадар

Буқаларнинг буқаси (лот.).

апоқ-чапоқ бўлиб кетишадикки, нафсиламрига иштон деган кетга бунча яқин бўлмайди. Яқинликка яқин-а, дейди хикояни давом эттириб мистер Стивен, бироқ бу ишларнинг оқибати шу бўлдики, оролдаги эркаклар ҳамон барча хотинлар нокаста эканликларини кўриб, бошқа ҳеч қаердан мадад йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, жуда катта сол ясашиди-да, унга барча ашқол дашқолларини ортишди, тик мачталар ўрнатишди, асбобларни бошқарадиган команда тузишди, солнинг олдинги бурнини йўлга тўғрилашди, кўзғалишга ётишди, томоқни ўтли шароб билан ёқишди, бурунларини бел чизикдан қуйи эгишди, лангарни тортишди, рулни бортга караб сўлга буришди, қароқчилар байроғини кўтаришди, уч карра урралаб қичқиришди, пат-патни ишга туширишди, лайча итни бир тепиб, ана шундай чиғин Американи очишга равона бўлишди. Шу муносабат билан, деб хикояни якунлади мистер Винсент, уларнинг боцмани шўх бир лалар тўқиди, яъни:

Эҳ, тезак есин Папа Петр

Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Муҳибларимиз юқорида хикоя қилинган шоҳномани тугатиб улгурмай остонада бизнинг муҳтарам танишимиз мистер Мэйлахи Маллиган ўзи ҳозиргина учратган ошнасининг ҳамроҳлигида пайдо бўлди. Қайсики бу кимсанинг исми Баннон Алек бўлиб, шаҳарга у бугун кечкурун келган, ўзига ҳарбий кўшилмадан прапоршик ёки поручик уивонини сотиб олсаму бирон ерларда жангу жадал исини ҳис қилсам, дерди Мистер Маллиган ушбу истакни хийла маъқуллади ва уни ўз кўзлаган ишига асло зид эмас деб топди, инчунин бу ишни у биз юқорида тахлил этиб ўтган кори бадни бартараф этмоқлик учун ўйлаб чиқармишди. Шу сўзларни айтиб, сўнг у йиғилганларга қаттиқ картондан ясалган бир қанча шапалокдек қоғозларни кўрсатди, уларни у матбаачи мистер Квинеллга яساتган бўлиб, чиройли, йирик ҳарфлар билан шу сўзлар босилганди: Мистер Мэйлахи Маллиган. *Қочирувчи Нар ва Инкубатор*. Лэмби ороли. Эслаб ўтилган иш юмуш баробарида такасалтанг ялло-тараллолардан тамомила воз кечиши кераклиги бўйнига қўйилмишди, бундай ишлар билан эндиликда сэр Сатанг Таралло ҳамда сэр Баёв Бачча хоҳлаганча шуғулланаверсинлар, ул эса бундан буён олий мақом юмушларга ўзини тўла бахшида этсин, зеро, бизнинг жисму жонимизнинг ўзи ҳам худди шунга мослаб бино этил-

мишдир. Э, қойил, ошнажон, қани, бу ҳақда бизга бир ҳикоя қилиб бер-чи, дея майл билдирди мистер Диксон, ишюнчим комилки, бу ишга қизлар ҳам аралашса керак. Э, ўтиринглар, икковларинг ҳам, тик оёқда тургандан нима фойда. Мистер Маллиган ушбу таклифни бажонидил қабул қилиб, ўзи ўйлаган иш тўғрисида гап очди. Қулоқ тутиб ўтирмишларга унинг маълум қилишича, илк маротаба бу ғоя насл қолдирмаслик сабаблари устида бош қотириб ўтирмишида хаёлига келибдирки, наслсизлик атайлаган ҳамда атайламаган тўсиқлар орқали ҳосил бўлади, зеро ўз навбатида аларнинг биринчиси оилавий уриш-жанжаллар ва ёхуд зикна ҳисоб-китоблар орқасида юзага чиқур, кейингиси эса ёхуд туғма камчиликлардан, ёхуд ўрганиб қолинган ношоё одатлардан туғилур. Унинг жоннисор айлаб айтишича, никоҳ тўшагини унинг энг қимматли хизматидан маҳрум қилганларида унинг юрак-бағри эзилиб кетар экан; бева қолган бойлигини қаерга сарфлашни билмаган гулдай нозик бойвучча хонимларни айтмайсиэми, уларнинг кўплари анов ярамас бонзаларнинг тайёр ўлжасига айланмайди дейсиэми, улар ўз гулнорларини қоронғи зиндонларига беркитиб қўядилар ёхуд гўзал нигорларнинг сеҳрли нигоҳларини хўппоз бир олифтанинг кўйнида сўндирадилар, уларнинг қўлларида битмас туганмас роҳат-фароғатнинг калитлари бор, атроф-тумонатда ишқибозликка бағоят талабгор келишган кўркам азаматлар турган ҳолда ўз андомлари гўзалликларини қурбон айлайдирлар, — мана шу нимарсаларнинг бари унинг юрагини тинимсиз тирналаб, аёвсиз қийноққа солганини қай сўз билан ифодаласин, ахир. Мана шу қайфиятни бартараф этишлик учун (бу нарса унинг таҳқиқ этишича, ичида ёнаётган алангани ўчириш асносида вужудга келганмиш) у ўз ишини билгич ва қадри баланд кишилар бирлан маслаҳат қилибди, тегишли ва тегишли бўлмаган нимарсаларни хўб диққат билан тарозига солиб чиқибди ва ниҳоят мерос мулк бўлмиш Лэмби оролини мангуга сотиб олишга қарор берибди, оролнинг ҳозирги эгаси лорд Толбот де Малахайд торийларга мансуб дворян бўлиб, ҳозирги ҳоким партиямиз уни нечукдир сиқувда сақлайди. Мэйлахи Маллиган оролда «Омфал» номида миллий қочириш фермасини ташкил қилиш, унда худди Мисрдагига ўхшаш устун йўниб ўрнатиш ва табиат тақозосини адо этиш учун унинг қошига кадам ранжида қилган ҳар бир аёл зотига тоифа-табақасидан қатъи назар қочириш бўйича хизматлар кўрсатишни мўлжаллайди. Гап даромад олишда эмас, дейди

у, ўз меҳнатлари эвазига у бир тийин ҳам ҳақ олмайди. Камбағал ошпаз хотинми, гул-гул яшнаган кибор хонимми, модомики жисму жонлари ва миждозлари уларнинг илтимосларини бажаришга ишонч билан даъват этаркан, унинг сиймосида тенг-баробар ўз эркакларини топажаклар. Бериладиган озиқ-овқатлар борасида уларга таомлар сирасини тақдим этади, лаззатли мевачевалару ширинликлар, лаққа балиқлару қуёнлар тортилади, зеро, жуда кўп ва тез болалайдиган ушбу кемирувчи жониворнинг гўшти кўзланган ишлар учун бағоят фойдали, айниқса, хоҳ чўпга тиқиб чўғда пиширилсин, хоҳ яхнагина ейилсин, боз устига агарчи мушқу андак ширин қалампир сепилсин, бай-бай, минг дардга даво денг. Ушбу маърузасини илҳом билан жўшиб ирод этаркан, мистер Маллиган шляпасининг устига ташланган рўмолчани силтаб тортиб олди. Шунини пайқаш ҳам қийин эмасдики, ҳар иккала ошина кутилмаганда ёмғир остида қолган, бошларини қанча тез шоша-пиша панага олмасинлар, бироқ барибир шилтаю шалаббо бўлишган, мистер Маллиганнинг костюмининг этаги шундан далолат берар, зеро, унинг кулранг дағал матоси ола-ола бўлиб кетганди. Воқеан, лойиха хушвақтлик билан қабул қилиниб, барча тингловчиларнинг самимий мақтовига сазовор бўлди. Фақат Мунгли Биби Марямдан келган мистер Диксонгина холис қолди, зотан ушбу охиргимиз муғамбирона такаллуф бирлан сўрдиким, мабодо мистер Маллиган шулар билан бир қаторда яқин атрофдаги Лиффи дарёсига сув олиб бормоқчи эмасмилар? Аммо бу ўринда мистер Маллиган мумтоз намояндалардан муносиб бир мисол келтириб, биродарларнинг маъруф қисмини ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлди, у хотирасида сақланиб қолмиш ўшал иқтибосда ўз мўлжалларига ғоят нозик ва бағоят тўлақонли мустаҳкам далолат топишни орзуларди: *Talis ac tanta depravatio hujus seculi, Ohuirites, ut matres familiarum nostrae Lascivas cujuslibet semiviri Libisi titillationes testibus ponderosis athue excelsis erectionibus centrurionum Romanorum magnopere anteponunt*¹, қайсарроқларни эса у ҳайвонлар салтанатида мисоллар келтириб ишонтирди, зеро, булар ёввойи ўрмонлардаги нару мода кийикни, фер-

¹ Ушбу замон ёмон бузилди, о, қувирийлар, бизнинг ойжамолларимиз Румо кентурионларининг залворли шашварлари ва салмоқли асбобларидан чала эркак галларнинг ҳирсу хавасли силаб-сийпашларини афзал кўрадилар (лот.).

ма ҳовлисидаги мода ўрдагу нар ўрдакни еса бўлади деб ишонишарди.

Йиғинда ҳозир бўлганлар ўзлари эшитган лойиҳани офизларидан бол томиб мақташар, бизнинг ҳақиқатан қуйиб қўйилгандай келишган қиссахонимиз ўзининг олифта-посон либосларию олижаноб қилиқлари хусусида анча баланд фикрда бўлганидан ўз уст-бошини бир чеккадан таърифлашга тушди, ора-орада табиатнинг кутилмаган хурмача қилиқларидан қанчалар озурдалигини ҳам билдириб турди. Унинг ойнаси бўлмиш ёш жентлмен ўзи яқинда бошидан кечирган саргузаштдан ёқимли нафис ҳаяжонга тулиб тургани боис ўзини тўхтатолмай ёнида ўтирган шеригига бошидан кечирганларини сўйлашга тушди. Мистер Маллиган эса олдидаги столга нигоҳ ташлаб, бунча балиқ ва егуликлар кимга, деб сўради, кейин ўзига нотаниш кишига кўзи тушиб, унга одоб билан таъзим қилиб, шундай деди: сиздан илтимос қиламан, сэр, айтинг-чи, сизни бу ерга доялик хизматига эҳтиёж олиб келмадим, бу хизматни сизга биз ҳам кўрсатишимиз мумкин эди-ку? Унга жавобан ҳалиги киши ўзини улфатона кайфиятдан баланд ва муносиб тутиб, самимий миннатдорлик билдирди ва Хорннинг муассасасига ҳозир шу ерда ётган бир хонимнинг аҳволидан хабар олгани келганлигини айтди, негаки хотин кишининг оғир қисмати (шу ўринда у вазмин хўрсиниб қўйди) уни ғалати бир ҳолатга қўйиб, эндиликда бахтли бир соат етишиб, балки енгиллашгандир, мақсадим шуни билиш эди, деди. Алҳол, мистер Диксон ракибига муносиб тарзда жавоб қайтариш учун мистер Маллигандан шундай деб сўради: унинг вентрал тарзда аксланган сфероидсимон корпуленциясини простата утрикуласидаги, бошқача айтганда, эркаклик курсоғидаги овобластик гестация натижаси деб қарасак бўладими ёинки, номдор медик мистер Остин Мэддонда учрагани каби эндоген филофагиясининг ўсиб борувчи синдроми симптоми деб қарашимиз керакми? Жавоб ўрнида кайфи ғоятда чоғ мистер Маллиган ўзининг чолворига қараб туриб кўкрак қорин тўсиғидан пастроққа шаппатилаб уриб, башарасида онахон Гроганнинг (айтиб қўяйлик, жуда жонон хотин, лекин афсуски, енгил табиатли) ўта кулгили қичиқ қилиғини ифодалади-да: манави курсоқ ҳеч қачон қанчиқни катта қилмаган! — деб қичқирди. Бу ажойиб ҳазилдан ҳамма шарақ-шарақ кулиб юбордики, ниҳоят яна ҳамма кутиш залида тамом ўзларидан кетганча хурсандчиликка бе-

рилдилар. Бу ғавво туполон, торт-торт, масхарабозликлар то эшик шарақ-шуруқ очилгунча давом этди.

Айни шу ерга келганда сочлари худди канопдек оқ, бағоят жушқин йигит, шотланд талабаси ёш жентлменни ниҳоятсиз жушиб муборақбод қилди ва энг қизиқ жойида унинг ҳикоясини тўхтатиб, ёнидаги шеригига оловли эликсир (оби замзам) солинган идишни бу ёққа узатиб юборолмайсиэми, деб назокат билан сўради-да, айни замонда бошини саволомуз қўйи эгди, шу заҳоти май шишаси ҳам тесқари томонга энқайди, — бир аср нафосат тарбияси билан машғул бўлганда ҳам бундай мислсиз назокатни ўрганиб бўлмайди асло — қиссахонга сўз билан айтгандан кўра минг карра маънолироқ тарзда май қадаҳи таклифини қилди. Mais bien sur, олижаноб нотаниш, бажонидиллик билан жавоб берди анавниси, et milla compliments¹. Айни муддао. Мана шу бир қадах майсиз кўнглим тўлмаётганди. Аммо, меҳрибон осмон, агарда менга хуржун тагида бир бўлак қотган нону қудуқда бир қултум сув қолган бўлса, ана ўшанда ҳам, ё Худойим, уларга қаноат қилиб, юрагим буюрганча тиз чўкиб, неъматлар ато этгувчидан етган ушбу бахт-саодат учун илоҳий кучларга шукрона айтган бўлурдим. Шу сўзлар билан у қадахни дудоғига олиб борди-да ғоятда мамнуният билан бир қултум ютди, кейин турмакланган сочини тўғри-лаб, қўйнига қўл сукиб, суюкли сиймо сурати сақланган ипак тизимчага осилган медальонни кўрсатди, уни суюклиси ўз қўли билан бағишлов ёзиб берганидан бери ёнидан қўймай олиб юрарди, шунда у суратдаги қизнинг гўзал чеҳрасига чексиз мунислик билан бокиб, кўксидан шу сўзлар отилиб чиқди: Оҳ, мсе, сиз уни худди мен каби ўша ҳаяжонли дақиқада бир кўрганингизда эди, у чиройли қўйлак кийган, бошида шўхроқ бир шляпача (та бассум билан менга айтишича, буни унга фаришталар кунда сова қилишган экан) ва яна буларнинг ҳаммасида чиройли бир бепарволик кўзга ташланар, сизга онт ичиб айтаманки, юрагим эриб тўкилиб бўлди, мсе, ишонинг, сизнинг ҳам олижаноб табиатингиз мана шундай рақиб қўлига батамом таслим бўлишга ва ёхуд жанг майдонини бутунлай ташлаб кетишга кўндирган бўларди. Сизга жоним қурбон бўлсин, мен ҳеч қачон ҳаётимда бунчалар таъсирланмаган эдим.

Худойим, сенга Ҳамду Санолар бўлсин, кунларимнинг Ярагувчиси ва битмас-туганмас Чашмаси ўзингсан! Мана шундай

¹ Ха, албатта .. Минг бора ташаккур (*франц.*).

муъжизакор хилқат кимга кўнгил берса, ўша уч карра бахтлидир. Майин хўрсиниш унинг сўзларини янада латофатлироқ қилиб кўрсатди, медальонини яна қайта кўксига яшириб, у кўзларини артди-да, яна хўрсинди. Эй, ўз махлуқларига чексиз яхшиликлар етказувчи Қодир Худовандо, Сенинг бу лаззатли азобинг нақадар улуғ ва нақадар чексиз, у озодни ҳам, қулни ҳам, содда кишлоқи ва пойтахт олифтасини ҳам, эҳтирослари жўшиб тошган йигитчаю турмуш тажрибаларида чиниққан кадхудони ҳам ўз занжиридан бўшатмайди. Аммо, хос-сатан, сэр, мен анча ташқарига чиқиб кетдим. Бу сарзамин узра бизнинг қувончларимиз канчалар ўткинчи ва заиф! Лаънатлар бўлсин! Нега кўнглим менинг плашч олмоқни сездирмади, Худовандо Каримга шу маъқул эканми? Бунини ўйласам, ўкириб йиғлагим келади. Ахир ўшанда етти қават осмон ёрилганда ҳам, бу бизга ҳеч қандай зиён-заҳмат еткизмас эди. Бирок майли, шамол учирсин уни, деб қичқириб юборди у манглайига қаттиқ шапалоқ уриб, бугун бўлмаса эртага, мен битта marchand de capotes¹ни биламан, оти мсе Пойнс ундан арзиманган бир ливр пулга французлар тиккан энг қулай плашчни сотиб оламан, у хонимойимни қор-ёмғирдан ҳаммадан яхши сақлайди. Те-те-те! Унинг сўзини бўлди Le Fecondateur², менинг дўстим мсе Мур, дунёга донғи кетган саёҳатчи (биз ҳозир aveclui³ мана шу шаҳарлик кўзга кўринган қизиқчилари даврасида яримтани бўшатдик) мени ишонтириб айтдики, Горн қўлтиғида, ventre biche⁴ шундай ёмғир ҳам бўлар эканки, у ҳар қандай мустаҳкам плашчни тешиб ўтаркан. Унинг менга айтишича, бундай қутурган жалаларда колган одам Sans blague⁵ бир зум ичида нариги дунёга равона бўларкан.

Пуф-эй! Бир ливр-а! Қичқириб юборди шунда мсе Линч. Умуман, шу беўхшов нарсалар бир тийинга ҳам арзимайди. Биттаю битта қўзиқорин салласидек соябон мингта плашчингдан яхши. Биронта ақлли-хушли хотин бундай нарсаларни хохламайди. Азизам Китти менга бугун нима дейди денг, бундай халоскор кема ичида очликдан азоб чеккандан кўра дунёни сув босгани яхшийди дейди, нега деганда (пориллаб учаётган ка-

¹ Плашч сотувчи (франц.).

² Қочирувчи (франц.).

³ Биргаликда (франц.).

⁴ Эчки қорни (франц.).

⁵ Беҳазил (франц.).

палаклардан бошқа ҳеч ким, гарчи бизни эшитмаётган эса-да, у ажиб бир тарзда қизариб қулоғимга шивирлади) она табиат Худонинг иродаси билан дилимизга шуни солганки ва бу ҳатто топишмоққа айланиб кетганки, il y a deux choses¹, бизнинг туғма либосимизнинг бокиралиги бошқа баъзи бир ҳолатларда одоб расмини бузиб бўлса ҳам, энг зарур ва ҳатто якка-ягона муносиб либос бўлиб кўринади. Уларнинг биттаси шуки, деди у (менинг мафтункор донишмандим, уни тилбюрига ўтқизарканман, диққат-эътиборимни ўзига яхшироқ тортиш учун тилининг учи билан қулоғимнинг ичиши енгилгина ялади) аввало бу ванна... Лекин гап шу ерга келганда эшик ёқдан эшитилган кўнғироқ овози билимларимизни беқиёс бойитиши мумкин бўлган унинг мана шу ҳикоясини бўлиб қўйди.

Хуллас, бекорчи такасалтанглар авжга миндирган вағир-вугур анжуманнинг нақ ўртасида бирдан кўнғироқ жаранглаб, ҳамма бунинг сабаби нима бўлдикин деб қараб турганда ойимқиз мисс Каллан кириб келди-да, ёш мистер Диксонга оҳиста бир нималар деб яна чуқур таъзим қилганча чиқиб кетди. Бир зумгагина бўлса-да, камтарликнинг барча фазилатлари билан безанган, қанчалар гўзал бўлса, яна шунчалар хушфеъл бу қизнинг сатанг авбошлар ичида пайдо бўлиши ушбу бетийиқ бетавфиқларни бирмунча хушёр торттирди, бироқ у чиқиб кетиши биланоқ бепарда уят гап-сўзларнинг бари яна авжга минди. Худо мени жуда катта болға билан уриб ўлдирсин, деб бўкирди башараси пачақ Костелло маст-аласт ҳолда. Ўлай агар, мана буни жонон деса бўлади! Худо ҳақки, у сени учрашувга чақирди-ёв. Ундай эмас, дейсан-да, а айғир! Сен уларни эплай оласанми ўзи! Худо урсин. Сендан кўра тузукроқман, деди Линч. Улар ахир мунгулуг Она қошида кўрпа-тушак нималигини анча тушуниб қолишган. Ҳайё хуйт, эй, анов доктор О'Гагл ҳамшираойларни томоғини қитиқлаб холи-жонига қўймайди. Жоним қурбон бўлсин, майли, менга ҳаммасини Китти айтиб берган, у ерда ўзи етти ойдан бери энагалик қилади. Ох, доктор, Худо ёрлақагур доктор, деб нидо қилди сарик нимчадаги анов йигитча, бутун танасини қийшанглатиб, ҳар турли кичиқ ва уят қилиқлар қилиб, ох, мунча менинг қитиғимга тегасиз! Ўлиб кетсин дунёда ҳаммаси! Вой, Худойим-ей, нега мунча кўзичоқдай қалтирайман. Вой, сиз жуда ҳам хатарли ёмон одам экансиз, Бўсанинг Отаси-

¹ Икки нарса борки (франц.).

мисиз, нима бало! Мана шу май косаси томоғимга тиқилиб ўлай, деб яна бўкириб юборди Костелло, унинг бўйида бор. Мен ойим-қизни биламан, унга шундай бир қарасам, бас, бўғозлиги менга маълум. Бирок шу ўринда ёш жарроҳ жойидан турди-да, мен боришим керак, ҳамшира айтди, палатада бўлишим зарур, деб жамоатдан узр сўради. Меҳрибон Ҳаллоқи Оламнинг розилиги еңсеинте¹ бўлмиш ойимнинг дардлари ниҳоят ариб, намуна бўларли ирода-матонат кўрсатиб, ёруғ дунёга соғлом ўғил чақалоқни келтирибди. Мен истардимки, деди ул, ҳаёт беришга матонати ва илм беришга илми етмайдиган, Кодир Худойимга иззат-ҳурмат кўрсатишни истисно қилганда, ер юзида бахт келтирувчи энг қудратли куч бўлган олижаноб касбни қораловчи кимсаларга нисбатан менга сабр-тоқат берсин. Сизни ишонтириб айтаманки, агар зарурат бўлса, унинг энг муносиб ва эзгу хизмат эканлигига ҳеч қийинчиликсиз булутлардан ҳам бисёр далолат келтирган бўлардим. Зеро, ушбу хизмат беписанд айбситишларга эмас, одамлар қалбида фараҳ ва ифтихор уйғотишга сазовордир. Мен уларни эътибордан соқит қилолмайман. Нечук ахир? Ўз жинсининг кўрки ва биз эркаклар учун мўъжизамиз, илтифотлиларнинг илтифотлиси ойимқиз мисс Калланга ўхшаган инсонни қоралаш, ёмонлаш мумкинми? Яна бу жони муваққат ва ожиза хилқатнинг қисматига тушадиган энг қимматли дақиқада-я? Бу ҳақда фикрнинг ўзи даф бўлсин! Шундай хайрсиз уруғлар сочилган қавмнинг келажагини ўйлаганимда, то Хорннинг ушбу даргоҳида ҳам ҳатто аллақачон она билан қизни муносиб эъозлашни унутганларидан алам-изтиробга тушаман. У ўз даъват ва инкорини шу тарика ўқиб, қолганлар билан хайр-хўшлашди-да, эшикда ғойиб бўлди. Ҳар томондан гувиллаб маъқуллаган овозлар эшитилди. Баъзилар анов разил бадмастни шу заҳоти ҳайдаб чиқаришни талаб қилдилар ва бу дарҳол амалга оширилиши тайин эди ва мабодо агар ўзи шоша-пиша орқага қайтмаганда, қилиғига яраша тўла жазо олган бўларди. Ҳаммаларига Худо номи билан ёмон қасам келтириб (сўкиш-лаънат ҳеч унинг тилидан тушмасди), муқаддас ва чин черковнинг у каби созу мумтоз ўғлони минбаъд бўлган эмас, деб онт ичди. Турган еримда тил тортмай ўлай, деб бўкирди, сизнинг қошингизда гурган бу Фрэнк Костелло ҳар доим юракдан ҳис қилади ва ота-онани ҳаммадан ҳам ортиқ ҳурматини жойига қўяди онам

¹ Қочирим сўзлар (франц.).

чўчка гўшти устига мураббо куйиб пиширишни бопларди ямла-май ютиб юборардинг уни доим эслаб йиғлайман.

Аммо мистер Блумга қайтайлик, бу ерга кириб келган пай-тида у баъзи уятсиз ҳазил-хузулларни пайқади, лекин уларни ёшликнинг тийиқсизлигига йўйиб, тишини тишига босди, ахир кўпчиликка маълум бундай ёшда киши бераҳм бўлади. Очик гап шуки, ёш ошқовоқлар худди катта болалардек шўх-зил ҳазилларни ҳаддан оширишарди; уларнинг шовқин-сурон би-лан тўлган айқаш-уйқаш тортишувларида янграётган сўзларни англаб бўлмас, аксари одобдан ташқари эди; уларнинг терс кўполлиги, ҳақоратомиз motsлари ғашга тегарди; боз устига улар одоб-икромга ҳам риоя қилиб ўтирмасдилар. Шунга қара-масдан, уларнинг қайнаб турган навқирон куч-қудрати худди оҳанрабодай ўзига тортарди. Бироқ у мистер Костелло гап-сўзларининг равиш рафторига сира тоқат қилолмай энсаси қотар, турқига қараса кўнгли айнар, кўзига у чиноккулок бир ножинс бўлиб кўринар, шундай жуда бедаво букри, кимдан туғилганининг тайини йўқ, дунёга худди букрилардай оғзида тиши билан оёғини олдинга чўзган ҳолда келган, бунинг дали-ли ўлароқ унинг бош чаноғида тортиб олинаётганда қискич-ларнинг изи мухрланиб қолган, бинобарин, марҳум мистер Дар-виннинг ихтирочи ақли излаган, яратилиш тизимида йўқолиб кетган деб тахмин этилган ўша оралиқ махлуқ шу Костелло эмасмикин деб ўйларди. У бизга тақдир ато этмиш умр мудда-тининг ярмидан ошиб ўтди, турмушнинг сон-саноксиз эври-лиш, синовларини кўрди; у эҳтиёткор одамлар сирасидан бўлган ни ва айни замонда ўз юрагини ноёб бир тарзда олдиндан кўра олгани учун анчадан буёқ ўзини қаҳр-ғазабга берилмасликка ўргатган, аксинча, бундай ҳиссиётларни дарҳол кечиктирмай усталик билан жиловлар, кўксига ҳар тасодифга кўникувчи ажиб бир осудалик, хотиржамликни сақларди, аммо худди мана шу нарсани баъзи одамлар қоралайдилар, тез хулоса чиқарув-чи кишилар эса жирканадилар ва шундоқ бўлса ҳам, барча бу нарсаларга чидаса бўлади деб қарайди, аммо шунга қаноат ҳосил қилиб нарига ўтмайди. Аёлларнинг устидан кулиб, майнавоз-чилик қилувчиларнинг (бундай муносабат унга бутунлай бего-на эди) на номус-ориятли номи ва на олижаноб тарбиясини тан оларди; бошвоғини йўқотиб энди бутунлай йўқотадиган нарсаси қолмаганларга қарши туроладиган унинг биргина ўткир

яроғи қолганди — у ҳам бўлса тажрибакорлик эдики, унинг воситасида тарбиясизлик ва қўполликни шармандаларча орқага чекинишга мажбур қиларди. Лекин бу жўшқин ёшликка унинг хайрихоҳлигини асло инкор этмас, ёшлик қариб-чуриганларнинг минғир-минғири, жиддий одамларнинг танбех-койишларига қарамай (Муқаддас Адибнинг бокира сиймоларида акс этгани каби) ман этилмиш мевани тотиб кўриш учун ҳар доим интилади; бироқ ўз зиммасидаги вазифани адо этаётган олижаноб хоним аёлга нисбатан бу қадар менсимай қараб одамийликни барбод этишга ҳеч қачон журъат этмаган бўларди. Хуллас, хулоса ясайлик: гарчи ҳамширанинг олдин айтган сўзлари тез орада яхши бир натижа рўй беришига умид уйғотган эсада, лекин шулар баробарида, шунча оғир синовлардан сўнг хайрли тилаклар рўёбга чиққани ва шу орқали Ягона Олий Вужуднинг меҳрибончилиги ва саховати яна бир қарра намоён бўлганлигини билгач, у ўзини мислсиз енгил сезди.

Шу воқеа муносабати билан у ўз фикрларини ёнида ўтирган қўшнисига айтиб беришни лозим кўрди, шу нарса юзасидан ўз тушунчаларини баён этди (асли баён этмагани ҳам тузук эди), унинг фикрича, фақат юраги бир парча муз ва бутун руҳияти ҳиссиётдан маҳрум одамгина аёлнинг кўзи ёриганини эшитиб хурсанд бўлмайди, ахир аёл бечоранинг бошига ҳеч қандай айби бўлмай туриб қанча шафқатсиз синовлар тушди-я. Ясанган йигитча ўша қийноқларнинг барчасига унинг эри айбдор ёки ҳар қалай айб унда бўлиши керак, мабодо аёл анов Эфесдан чиққан холамбувишнинг бошқача бир нусхаси эмасдир ахир, деди. Сизга айтиб ўтишим керакки, деб сўз бошлади шунда мистер Кроттерс ва ўз сўзларини мустаҳкам қоқиш учун столни чертиб тарақлатди, аёлнинг қари Алласи бугун яна келди, ёши анча ўтиб қолибди, икки чаккасида мўйлари осилган, нуқул пинғиллаб гапиради, бир оғиз билгани келдим, Вилгелминанинг аҳволи қалай, у менинг бор ҳаётим, дейди хотинини. Мен унга тайёр туринг, тезда иш пишади, дедим. Ана сизга масала. Ўз хотинининг супрасини яна бир бора қоқиштиришни эплаган бу чол, унинг белидаги куч-қувватига қойил қолиш керак. Барчалари бир оғиздан қарияни мақтай кетишди. Фақат ясанган йигитчагина олдингидек ўз фикрида турди, бу ишда хотиннинг қонуний эри эмас, бошқа аллаким ўзини кўрсатган, балки у руҳонийдир, балки фонусчи (савоб учун) ёки уй бекаларига зарур

рўзгор ашёларини сотиб юрувчи дайди бозоргондир. Воҳ, ажаб! Аёллар канчалар ҳайратомуз товланиб, териларини ўзгартириб туришади, деб ўз-ўзига сўйланарди меҳмон, ахир болапарвар осудалик ва мурда қийиш театри ҳозир уларда ахлоқсиз енгил-таклик академиясига айланиб кетган, инчунин бу илмий корпорацияга киришнинг ўзи етарли, такасалтанг эрмакларнинг қули бўлган бир зум ичида шундай бир айланиб, кўп шарафли эрларга ғоят муносиб кўринган ўша санъатнинг ҳавасланарли ходималарига чевриладилар. Бироқ, деб давом этди у шундан сўнг, бу одми турмушда уларни эзиб ётадиган ҳисларни асраб ўтирмаслик учун бир баҳонайи сабаб бўлади, зеро, мен бунинг исботини неча-неча бора кузатганман, баайни балиқчи балиқчининг ёнида хурсандчилик қилади.

Лекин, унинг раҳнамоси бўлмиш олижаноб лорддан бир оғиз сўрашга ижозат беринг, саховатли раҳбарнинг раҳм-шафқати билангина фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган манов келгинди наҳот ўзини бизнинг ички ишларимизга олий ҳакам қилиб кўрсатмоқчи? Тобе одам холис бўлиши керакмасми? Шуми унинг миннатдор бўлгани? Яқинда уруш бўлганда, гоҳида душман ўзининг гранаталари билан устунликка эришганда, бу ўз қавмига сотқинлик қилган кимса ҳар гал қулай вақт топса, империяга қарши қурол ишлатмадимми? Ҳолбуки, бу ерда унинг бошини силашди, у эса ўзининг тўрт фоиз фойдасидан бошқа қайғуни билмайди. Ёки у ўзига берилаётган барча қулайликларни унутаетгандек, буни ҳам унутиб қўйдими? Ёки бошқаларни бурнидан ип ўтказиб юришга ўрганмиш бу зот, ниҳоят ўз-ўзини ҳам алдаб қўйдимикин? Агар миш-мишлар рост бўлса, ўз баданидан фақат ўзи лаззат олар эмиш ахир? Жасур майорнинг қизи бўлмиш муҳтарам хонимнинг ётоғига бостириб кириш — камтарликка қарши ўлароқ қилинган шак-шубҳасиз гуноҳ, ёхуд ўнвал хонимнинг моҳпоралигини шубҳа остига олиш ҳам ярашмаган иш, бироқ бунга унинг ўзи бизнинг диққатимизни тортаркан (бундан у чиндан ҳам ўзини тийиши лозим эди). Майли, унда шундай бўла қолсин. Шўрлик хотин, унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳаддан ортиқ узоқ ва ҳаддан ортиқ қаттиқ туриб тан олмай келган эдиларки, эндиликда унинг таъна-дашномларига умидсизликка тушганларнинг нафратидан ўзгача муносабат билдиролмасди. Ушбу ахлоқ-одобнинг қўриқчиси, эзгуликнинг чин лайлаги, унинг ўзи-ку уларни ташлаб кетадиган, у-ку табний

алоқаларни унутиб, виждон овозига қулоқ солмай, жамиятнинг энг паст табақаларидан олинган чўри қиз билан ғайриқонуний муносабатларни қидириб юрган! Агарда ушбу ойимқиз ўз сургуиси тимсолида ҳақиқий халоскор фариштасини топмаса эди, мисрлик Хожарнинг аччиқ қисматига шерик бўлиши тайин эди! Яйловларга келганда эса, унинг қайсар жангарилиги шу қадар жонга теккан эдики, чорвадорлардан бири азбаройи фигони чиққанидан уни роса бўралаб сўккан ва мистер Кафф бунинг гувоҳи бўлган эди. Бунақа битикни тарғиб қилишга унинг ҳақи йўқ. Ахир унинг шу яқин атрофда кўриқ бўлиб ётган ерлари йўқми ва уларни омов солиб ҳайдаш керак эмасми? Киши балоғат ёшига етаётганида ўрганадиган ярамас қилиқ вояга етганда шармандаликдир, аммо, афсуски, бу унинг иккинчи табиатига айланган. Оғзидан она сути кетмаган бузуқларнинг сиҳат-саломатлигини тиклаш учун у Галааддан келтирилган малҳамини ишониб бўлмайдиган таъриф у тавсифлар билан кўкларга кўтариб мактаб таркатмоқчи экан, унинг бу ишлари ўзи ҳозир эътиқод этаётган таълимотларга энг яхши маънода мос ва муносиб бўлиши керакмасми? Унинг эрлик юрагида помуслик одамлар тилга олишга ор қиладиган хуфя сирлар сақланади. Аллақандай сулиган ойимқизнинг ҳаёсиз гаплари рад этилмиш ва йўлдан озмиш рафиқасининг ўрнига унга таскин-тасалло бера олади, бироқ янги чиққан ушбу иллатларни даволовчи ва яхши хулқлар тарафдори қиёфасида у нари борганда қандайдир ғалати экзотик дарахтга ўхшар, у она Шарқнинг заминига илдиз отган, барқ уриб кўкариб, гуллаб ўзидан мўл-кўл малҳам чиқарган, аммо мўътадил иқлим шароитига кучириб ўтказилгач, илдизлар аввалги куч-қувватидан айрилиб, ундан сизиб чиқувчи малҳам эса чириб, ачиб, ўз кучини йўқотганди.

Порлоқ Порта саройлари удумларига муносиб буюк эҳтиёткорлик билан янгилик иккинчи энага томонидан даволаш бўлимининг навбатчиларидан ёрдамчи энагача маълум қилинган, у ўз навбатида вакилларга меросхўр валиаҳд туғилганидан хабар берганди. У аёллар бўлимига йўлдошни ажратиш олиш тантанали маросимида ички ишлар бўйича давлат котиби ҳамда яширин кенгаш аъзолари билан бирга қатнашиш учун чиқиб кетди, улар хорғин сукут ичида бу ишни бир овоздан маъқуллашарди, депутатлар узок сукут сақлаб, кутиб туришдан зерикишиб, ниҳоят қувончли воқеа ўзларини расм-русум зулмидан озод қили-

шига умид боғлаб ва бунинг устига сарой хоними ва аъённинг йўқлигидан фойдаланиб, дарҳол вағир-вуғурни авжга миндирдилар. Комиссионер Блумнинг юмшоқлик, сабр қаноат, тинчликни сақлашга чақирган овозини ҳеч ким эшитмасди. Шунақа нутқларни машқ қилиш учун ушбу дамлар ғоятда қулай эди, бир-бирига сира ўхшамаган бу одамларни уларнинг маърузаларигина бир-бирларига боғлаб турарди. Мавзунинг лоақал бирон-бир тафсилоти уларнинг ўткир тигидан четда қолмади: бир курсокдан тушган оға-иниларнинг туғма равишда бир бирларини кўролмасликлари, болани ёриб олиш, ота ўлиmidан сўнг ёки камроқ бўлса ҳам, она ўлиmidан сўнг бола туғилиши, адвокат жаноб Бушнинг эҳтиросли нутки боис оқланган ва шухрат қозонган, ака-укалар кони тўкилган Чайлдснинг иши, иккита ёки учта эгизак бола туғилганда биринчи бўлиб туғилганнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ёрдам пуллари олиш, қасддан ёки хуфя бола тушириш ва ўлдириш, юраги йўқ foetus in foetu¹лар, қатта қонтомирларидаги тикилиб қолиш натижасида пайдо бўладиган апросопия, аллақайси хитойларнинг нияксиз агнатияси (жаноб Кандидат Маллиган томонидан хабар қилинган ҳодиса), бу жағчиқиқларининг медиал чизиқ бўйлаб яхши чатишмаслиги оқибатида туғилади, бундай ҳолларда (бу унинг гапи) бир кулоқ иккинчиси гапирганда эшитади, уйқу дорилар воситасида туғишни енгиллатиш, вена қон томирига босим тушиши натижасида охирги босқичда дард тутишнинг узайиши, сувнинг бевақт қочиши (ҳозирги ҳолатда кузатилади) игна ёрдамида сунъий уруғлантиришда киннинг хавfli қисқариши, ҳайз кўриш чоғида киннинг букилиб қолиши, зўрлаш оқибатида хотин кишининг бўйида бўлиб қолганда, буни туғиш ё туғмаслик, бранденбургликлар sturzgeburt² дейдиган туғишнинг энг серқийноқ тури, монстрлар туғилишининг маълум-машҳур мисоллари, туғишганлар ўртасида ва ҳайз кўриш пайтидаги алоқалар оқибатида икки мойкли ва кўп эгизакли болаларнинг туғилиши — хуллас инсон дунёга келишининг барча ранг-баранг шакл-шамойиллари бирма-бир тилга олинди, булар асли Аристотелдан қолган кўҳна гаплар, унинг рангли суратлар билан безатилган китобларида ҳам акс эттирилган. Акушерлик илми ва суд медицинасининг

¹ Шаклланаётган гумона (лот.).

² Тез туғиш (нем.).

энг теран масалалари таҳлидан ўтказилди, айни замонда ҳомиладорликка дахлдор оддий халқнинг хурофий қарашлари ва расм-русумлари ҳам диққат-эътибордан четда қолмади, чунончи ҳомиладор аёл шох-шабба босилган четан девордан ошиб ўтмаслиги керак, акс ҳолда чақалоқнинг бўйнига ичак ўралиб қолиши мумкин ёки ҳирси қўзғалиб майл истаги жўш урса, қўлини оналар қадимдан шаппатилаб урадиган аъзосига маҳкам боссин ва ҳоказо. Айрим ҳолларда қуён тумшук, туғма йирик ҳоллар, оқ қора қизил тожлар, маймоқлик, кўпбармоқлик, кук парча, ангиома сингари ғайритабиий нарсаларни йиғилганлардан кимдир гоҳида чўчкабошлар (шу ерда мадам Гриссел Стивенс ҳам эслаб ўтилди) ёки териси ит терисига ўхшаган болаларнинг туғилиши билан қай бир тарздадир ўз-ўзидан боғланиб кетишини тушунтиришга уринди. Каледониялик вакил томонидан ўртага қўйилган плазма хотира гипотезаси у мансуб мамлакатнинг метафизик аъъаналарига муносиб бўлиб, юқоридагидай ҳолларда ҳали қандайдир одам киёфаси шаклланиб етмаган босқичда эмбрионал ўсишни тўхтаб қолишини англади. Хориждан ташриф буюрган депутат бу ҳар иккала назарияни инкор этиб хайвонларнинг нарлари билан хотинларнинг қўшилиши борасидаги назарияни қизғин ишонч билан ёқлашга тушди, Минотавр ҳақидаги афсоналар аслида бўлган воқеа, буни лотин шоирининг нафис даҳси яратган «Метаморфозалар» асарида бежиз ҳикоя қилмаган деди. Унинг сўзлари дарҳол, аммо ҳавойи таъсир қилди. Жаноб Кандидат Маллиган ўзининг бекиёс ўйноқи услубида нутқ ирод этиб, бояги гап қандай туғилган бўлса, худди шундай пуфакдек ўчди, жаноб Маллиган ҳаммадан яхшиси бу — озодагина, сариштагина чол, деди. Шу билан айни бир вақтнинг ўзида жаноб Депутат Мэдден ва жаноб Кандидат Линч қўшалок Сиём гўдақлари туғилганда, улардан бирининг ўлими оқибатида юзага чиқадиган диний ҳамда ҳуқуқий масалалар туғрисида алангали баҳс бошлаб юборишди, улар ўртада туғилган чигалликни дарҳол жаноб Комиссионер Блумга маълум қилдилар, у эса ўз навбатида буни дарҳол жаноб Коадютор Диакон Дедалга етказди. Ушбу жаноб эса ички овозга бўйсунибми ёки ўз либосининг ғалати бир даҳмаздорлигини таъкидлаб кўрсатиш учунми, ҳаддан ташқари ўзига жиддий тус бериб шу чокқача индамай турмоқда эди, на илож, ундан сўрашгандан сўнг, йиғилганлар назарида белисандлик билан мухтасар тарзда Худо қўшган нарсани инсон айирмасин, деган черков ақидасини баён қилди.

Бироқ Малахиянинг қиссаси уларнинг юракларини тўлқинлан-тирмоқда эди. Бутун саҳна уларнинг кўз ўнгида жонланди. Кутилмаганда камин (оташгоҳ) ёнидаги деворнинг бир қисми товуш чиқармай четга сурилди-да, ортида махфий йўлак очилди ва ичкарида... Ҳейнс кўринди! Ким вужуди даҳшатдан тош қотиб қолмаганини ҳис қилмабди? Унинг бир қўлида хуржун, иккинчисида — «Заҳар» деб ёзилган идиш. У ҳаммага ўликнинг тиржайиши билан боқар, одамларнинг башараларида ҳайрат, нафрат, ҳаяжон акс этарди. У иблисларча хаҳолаб, мен шундай бўлишини кутган эдим, деди, менимча, бу ҳали воқеанинг ярми. Ҳа, сиз янглишмадингиз. Мен Сэмюэл Чайлдснинг қотилиман. Аммо ёмон жазоландим! Мен дўзахдан қўрқмайман. Мана, менинг башарам! Жаҳаннам ва мангулик, ғудраниб деди у, қачон мен осуда бўлгайман, Дублин маъволарида қўшиқларимни ортмоқлаб юрурман, у мени ҳар қайда таъкиб этур, худди south¹ каби, худди bullawurgus² каби. Менинг дўзахим ва Ирландиянинг дўзахи — шу дунёнинг ўзида. Мен унутиб юбориш учун ўзимни нималарга мажбур қилмадим! Ўйин-кулги, қарға ови, гэлл тили (бу тилда у бир неча жумла сўз айтди), оғу (у идишни оғзига тутди), саёхатлар. Ҳаммаси бекор! Унинг шарпаси мени таъкиб этаверади. Банг — бирдан-бир умидим шу... О-о! Ҳалоқат! Қора қоплон! Шунда у бирдан қўрқинчли кичкириб ғойиб бўлди, девор яна сирғалиб жойига қайтди. Бироқ бир зум ўтмай унинг боши нариги қарама қарши томондаги эшикда пайдо бўлди-да, шу сўзларни айтди: Мени Уэстленд-роу бекатида ўн дақиқа кам ўн иккида кутинглар. У кетди! Бевош йиғиннинг кўзидан дув-дув ёш оқди. Бапоратчи қўлларини кўкка чўзиб, шивирлади: Мананааннинг қасоси! Донолар такрорлашарди: Lex talionis. Қилиб қўйган иши учун масъулиятни бўйнига олмай роҳат-фароғат қилишга қодир бўлган кишини кўнгилчан деб аташ керак. Ҳаяжондан титраган Малахия жим қолди. Сир очилди. Оғаниларнинг учинчиси ҳам бор эди, ана шу учинчиси — Ҳейнс, унинг асл исм-шарифи — Чайлдс. Қора қоплон ҳам унинг ўзи, ўз отасининг шарпаси. У ҳаммасини унутиш учун оғулар ичиб юради. Дардимни енгиллатганингиз учун миннатдорман. Мозор ёнидаги ёлғиз кулба кимсасиз. Бирон тирик жон у ерда

¹ Арвоҳ (ирл.).

² Ўлим хиди (ирл.).

яшамайди. Унда ёлғиз ўргимчак уя тўкийди ва гоҳо кечалари каламуш инидан бош чиқариб мўралайди. Қарғиш теккан бу ерга. Бунда шарпа кезиб юради. Бу қотилнинг ери.

Одамзотнинг жони неча ёшда? Атроф-тумонатда ҳар вақт ўзгариш бўлганда, у ҳам буқаламун каби ўзгаради, бу унинг туғма салоҳияти, қувноқлар орасида қувноқ, сўлғинлар ичида сўлғин, ўзи ҳам кўринмайди, унинг ёши ҳам худди кайфияти каби ўзгариб туради. Мана шу ерда ўтирган Леополд, ўйга ботиб, тинмай хотира саҳифаларини варақлайди, у энди матбуотнинг вазмин ходимигина эмас, инвестициялар шаклидаги камтаргина сармоянинг эгаси ҳам эмас. Йиллар учиб кочиб кетдилар. У — навқирон Леополд. Мисоли у орқага қайтиб, худди ойна ичидаги ойна каби (хўп — бошладик!) у бир бошидан тартиб билан ўзини томоша қилади. Ўша олисда қолган йиллар, ўша навниҳол болакай, ёшига нисбатан улуғсифат кўринади, Клэнбрасл-стритдаги эски уйдан чиқиб тиниқ тонг аёзида мактабга шошади, бўйнига сумкасини ўқдори камаридай осган, унда онаси солиб қўйган бир бурда буғдой нон. Бир-икки йил ўтиб, мана яна ўша киёфада, у бошига янги ихчам шляпа илган (о, қандай кун эди-я!), ишга тушган, отасининг фирмасида росмана тижоратчи, ёнида буюртмалар дафтари, атир сепилган рўмолча (фақат кўз-кўзлаш учунгина эмас), халтасида ранг-баранг йилтироқ майда-чуйдалар (афсус, энди ортда қолди!), ҳар бир сотиб олишга мойил бўлиб турган ва нарсанинг баҳосини бармоқларини букиб санаб кўраётган ҳар бир бекач ёки сўзларни ва унинг мулоким илтифотларини ийманибгина тинглаётган, гул-гул яшнаган ёш қизгина (аммо юрак садоси? Тан олинг!) унинг жуда ёқимли жилмайишлари ва хушомадларига беш кетади. Хушбўй атирлар, нафис табассумлар ва ҳаммадан ҳам қора кўзлару майин илтифотлар кечга қараб фирма бошлиғига жуда кўп буюртмалар келтиради, у уй тўрида бамисоли Иаков (Ёқуб) каби шундай меҳнатлардан сўнг қўр тўкиб ўтиради (хамир кесиб солинган суюқ ош тезда пишиб қолади алҳол) ва бурнига мугуз ойнагини қўндириб қитъадан келтирилган бир ой бурунги эски газеталарни ўқийди. Аммо ойнага нафас уфурдилар, ойна хира тортди: ана, бошладик! — Навқирон саргузаштчи тожир ортга сурилади, тобора, тобора кичрайиб-кичрайиб боради ва туманлар ичида йилт этган зарра каби эриб кетади. Энди унинг ўзи оила бошлиғи, унинг атрофидаги манави ёшлар ўғиллари бўлиши

мумкин эди. Ким нима дейди? Ўз боласини биладиган ота до-нишманддир. Унинг ёдига ёмғир шивалаб турган кеча тушади, дарвозалари берк омборлар ёнида, ўша ўзининг биринчи кўз очиб кўргани. Икков бирга (уй-жойсиз бечора киз, шарманда лик кўчасига чиққан, унга ҳам, бунга ҳам бўлаверади, озгина чақасини берсанг, бас), бирга қоровулларнинг оғир қадам то-вушларига қулок тутишади, бошига ёпинчик ёпган икки шарпа қирол университети ёнидан ўтиб боради. Брайди! Брайди Кел-ли! Ҳеч эсидан чиқмайди бу ном, бу кеча, илк бора қўшилиш кечаси ҳеч қачон унутилмайди. Зим-зиё тун қўйнида улар ачом-лашиб бир вужудга айланадилар, ўлжа ва овчи, сўнг кўз очиб юмгунча (fiat!) оламини ёруғлик денгизи қоплади. Аммо қучди ми юрак юракни? Эвоҳ, гўзал малагим, ўқувчи! Ҳаммаси бир нафасда содир бўлди — бироқ тўхтанг! Орқага! Керакмас! Шўрлик қиз зулмат қўйнида ғойиб бўлди. У тун келини, зул-мат қизи. У куннинг қуёш юзли бўбагини кўтармайди. Йўқ, Леопольд! На хотира ва на исм сенга таскин беришга қодир. Ўз куч-қудратининг навқирон масаррати батамом ўтди. Пушти ка-марингдан бўлган ўғилча йўқ энди. Леополд Рудолф учун ота эди, лекин ким энди Леополдга ота бўлолади?

Товушлар туманли сукунат, бепоён маконларнинг сукунати-да қўшилиб эриб кетади, жон илгари яшаб ўтган сон-саноксиз авлодларнинг номаълум ўлкалари узра шиддат билан ҳеч сас чиқармай учиб ўтади. Ўлкаки, унда говгумнинг оқаринқираган ғира-шираси мангу тушиб келади-ю, аммо ўз қоронғилигини ёйиб, юлдузларнинг ўлмас шудрингларини тўкиб ҳеч қачон экин-зорларнинг тиник кўк кенгликларига ёйилмайди. Қизча ноте-кис қадамлар ташлаб она ортидан боради, гўё байталга эрганган тойчокдай. Фусункор гўзалликнинг шаклларига чулганган ғира-шира тасвирлар, келишган думалок сағир, мушакдор чиройли ба-ланд бўйин, тарҳида маъсум хавотирлик акс этган бош. Маъюс ҳаюлолар, улар ўчади; мана бари ғойиб бўлди. Агендат — қурук, беҳосил саҳро, тунги бойқушлар ва кўзлари шилпиқ бойўғил-лар макони. Олтин Нетайим ортиқ йўқ. Булутли сўқмоқлардан боради қорамолларнинг шарпалари, уларнинг исёнкор ўқирик-лари босинқи янграйди. Ў-ўў! Ур-р! Ў-ўў! Осмон камалаги улар-ни орқадан ҳайдаб боради, унинг чақмоқлари худди чаёндай ча-

1 Бўлсин! (Лат.)

қади. Ўўтослар, буғулар, Васан ва Бобил буқалари, мастодонтлар ва мамонтлар тигиз пода бўлиб *Lacus Mortis*¹, ўлик денгиз пойига тушиб борадилар. Мудҳиш, қасоскор жангжў Бурж! Улар булутлар узра туёк ботириб ўкирадилар, қувушшоҳлар ва такашоҳлар, хартумдорлар ва сўйлоқдорлар, арслон ёлликлар ва узуншоҳлар, судралувчилар ва тўнғизтумшуклар, кемирувчилар, қавшанувчилар ва қалқонликлар, айюҳаннос солиб пишқирган оломон, қуёш қотиллари.

Улар ўлик Денгиз сари сув ичгани гувиллаб борар, даҳшатли ҳаприқиб сув ичар ва унинг шўр, мудраган, туганмас сувларини ичиб ҳеч тўймаслар. Шунда Тулпор туркуми яна юксалиб, яна самоларнинг саҳроларида бош кўтарур, бутун коинот кенгликларини эгаллар, сўнг унинг ўрнига Сунбула Уйининг ҳайханноси ёйилур. О, ана, қарагил, о Эврилиш мўъжизаси, дам у бокира Қайлик, дам Кун юлдузининг элчиси, Қайлик ва Бокира киз. Дам у, Мартадир, менинг йўқотганим, дам Миллисентдир, навниҳол, мунис, мунаввар. У тонг оқариб келаётганда Сурайё туркумида пайдо бўлур ўз шоҳона либосларида ва нақадар осудадир у, оёқларида ярақлайди олтин бошмоқ ва ҳилпирар шаффоф рўмоли. Савр уни чулғаб олур, юлдуз жисми узра сузур, Каҳрабо ва Зумрад, Зилол ва порлоқ қуёшли нурлар билан уйнар, юлдузлар буржлари аро учган муз каби совуқ шамолларнинг забтида тўлқинланар, айланар, гирдобланар, шўрлик юлдузларнинг бошини айлантирар, бутун само бўйлаб сирли хатлар битиб буралар ва ниҳоят, рамузотлар чексиз ўзгаришлари, буқаламунликларидан сўнг Савр манглайи даги ёқут салоса энг ёруғ юлдуз сўнур.

Шу ерга келганда, Фрэнсис Стивенга Конми замонларида мактабда бирга ўқиганликларини эслатди. У Стивендан Главкон, Алкивиад, Писистрат ҳақида сўради. Уларнинг тақдири нима бўлган? Икковлон ҳам билмас эдилар. Сен ўтмиш ва унинг шарпалари ҳақида сўраяпсан, деди Стивен. Уларни нима деб ўйлайсан? Агар мен олис Унут замонлар сувлари аро уларни ҳаётга чорласам, ахир шўрлик ҳақололар тўда-тўда бўлиб келмагайларми менинг чорлов овозимга? Улар узра ким ҳоким? Мен-ким, Бус Стефануменосдурман, буқаларни севгувчи бахши, мен уларнинг хўжаси ва ҳаётбағишловчидурмен. Шунда у Винсент-

¹ Ўлик Денгиз (лот).

га табассум қилиб ўзининг қайсар жипгалак сочларига узум япроқларидан чамбар кийдирди. Сен бир талай ўйноқи қасидалар ёздинг, улар сенинг даҳонгни падар деб атагали лойиқмидирлар? Сенинг жавобинг, деб сўйлади Винсент, ва сен бошингга кийган чамбар янада кўпроқ, ха, янада кўпроқ асарлар яратганинда, сенга янада кўпроқ ярашган, сен унга янада кўпроқ муносиб бўлур эдинг. Сенинг барча мухлисларинг умид билан сендан шуни кутарлар. Ҳамма сен ёзаётган асарга илҳақ. Уларнинг умидлари рўёбга чиқишини чин дилдан истайман. О, ундай эмас, Винсент, деди таскин бериб Ленехан ва қўлини ёнидаги қўшинининг елкасига қўйди. Хавотир олма. У онасини ёлғиз ташлаб кетмайди. Ёш нозимнинг чеҳраси тундлашди. Унга берган ваъдаларини писанда қилишлари ва яқинда бошидан кечирган жудоликни эслатишлари қанчалар оғир ботганлигини ҳамма кўрди. Агар теварагидаги шовқин-сурон овозлар уни чалғитиб, оғриқни босмаганда, у даврани тарк этган бўларди. Мэддэн Тожга беш пул қўйиб бой берди, у чавандознинг исми ўзига ғалати туюлиб, шу отга тикканди; Ленехан қарийб шунча пулини бой берганди. У пойга ҳақида ҳикоя қила бошлади. Байроқ тушди-ю, шу заҳоти, у-ух, ҳамма отлар югурди, байтал шахдам дадил олға интилди, уни чавандоз О'Мэддэн бошқарарди. Байтал пойганинг олдида борар, ҳамманинг юраги тасирлаб урарди. Ҳатто Филлис ҳам ўзини тўхтатолмас, у шарфини силкиб: Ур-ра! — деб қичқирарди, Тож ғолиб чиқяпти. Отлар охириги масофага чиқдилар, улар бир-бирларига зич, тигиз чопишарди, бирдан уларга Реклама деган қора от яқинлашиб, Тожга етиб олди ва ундан ўтиб кетди. Ҳамма бой берди. Филлис индамас, унинг кўзлари маъюс бинафшага ўхшарди. О Юнона, хитоб қилди у, мен хароб бўлдим, мен ўлдим. Бироқ хуштори унга олтин қутича узатди, қутида шакарли, думалоқ олхўрилар солинганди, қиз жон-жон деб ундан бир нечасини еди ва тезда таскин топди. Фақат унинг киприкларидан бир томчи ёш оқиб тушди. Энг чапдаст чавандоз, деди Ленехан, бу У. Лейн. Кеча тўрт ютук, бугун учта. Қим унга бас келолади? Уни туя ёки ёввойи қўтосга ўтқизиб қўйсанг ҳам, у барибир шошилмай биринчи бўлиб етиб келади. Бироқ қазонинг шафқатсизлигига чидаймиз, қадимгилар шундай қилишган. Омадсизларга раҳм-шафқат! Шўрлик Тож! — деб у енгил хўрсинди. Байтал чарчаган, шекилли, гаров ўйнайман, бошқа бунақа от бўлмайди. Қандай эди-я, сэр! Тож эмас,

тождор! Эсингдами у, Винсент? Афсус, сен менинг маликамши бугун кўрмадинг, жавоб қилди Винсент, у ёш, яшнаб кетганди (Лалага ҳам унинг олдида ип эшолмасди) оёғида кахрабо туфлича, эғнида муслин кўйлак, билмайман, бунақа фасонни нима дейдилар. Теварак атроф ҳаммаси шаболудлар (каштан) гуркираб гуллар ва ҳар ёққа ўткир ифорини сочарди, уларнинг енгил ҳовури тўрт томонга тараларди. Октобрўяда тошлар шу қадар қизигандики, уларнинг устига майизли кулча нон ёпсанг, пишарди. Бундай кулчаларни Периплепоменос¹ кўприк олдидаги дўкончасида сотиб ўтиради. Аммо қизалоқнинг тишлаб ўтиришига яроқли ҳеч нарса йўқ, уни кучоқлаб ўтириб, қаттиқроқ сиксам, у шўхлик қилиб қўлимни тишларди. Бир ҳафта бурун у касал бўлиб, тўрт кун тўшақда ётди, лекин бугун у қувнок ва беғам, ҳар қандай хавф-хатар устидан баралла куларди. Бундай пайтларда у янада лобар бўлиб кетади. Унинг гулдасталари-чи! Биз ўт-ўланларга етганимизда, унинг қанчалар чечак терганини кўрсангиз эди. Оғайним, қулоғингга секин айтиб қўяй, даладан қайтаётганимизда кимни кўриб қолганимизни айтсам, сира ишонмайсан. Олдимиздан Конми чиқса бўладими! У четан ёқалаб юриб, алланимани ўқирди, балки ўзининг баёзидир, ишончим комилки, баёзнинг орасига китоба ўрнига аллақайси Хлоя ёки Гликериядан келган мактубларни жойлаган бўлса, эҳтимол. Ширин қизалоқ уялиб бошини қаерга қўйишни билмай қолди, ўзини кўйлагини тузатган қилиб кўрсатди, этагига қандайдир хас-хашак ёпишган, шекилли, ўзини худди орқасида дарахт судраб бораётгандай тутарди. Конми ўтиб кетгач, у ҳар доим ёнида олиб юрадиган ойначасини чиқарди-да, малоҳатли аксига боқди. Аммо Конми уришмади. Бизни дуо қилди. Худо меҳрибон, деб сўз қўшди Ленехан. Агар байталдан омадим келмаган бўлса, балки Бассинг дориси мени даволар. У шу заҳоти қўлини яқинда турган май шишасига узатган эди, бироқ Малахия буни кўриб уни тўхтатди ва нотапиш одам билан қизил ёрликни кўрсатди. Жим, шивирлади у, друднинг тинчлигини бузманг. Унинг жони бу ерлардан узоқда. Балки рўёлардан уйғониш бу ёруғ дунёга келиш сингари ғоятда азоб-уқубатли. Ҳар қандай нарсани узоқ тикилиб кузатсангиз, муроқаблага кетсангиз, илоҳларнинг мангу маконларига элгувчи дарвозалар очилгай. Сен бунга қўшиласанми, Стивен? Мени бундан Теософий хабардор қилган, деб жавоб берди Стивен, унинг

¹ Мевалар сотувчи чорбозорчи (юпон).

аввалги эврилишида Миср кохинлари қазо сирларидан огоҳ этдилар. Ойнинг шаффоф қахрабо ҳукамолари, дерди Теософий, Ой даврасининг Алфа сайёрасидан учиб келиб зарротларнинг эгизаклари бўлишига йўл қўймайдилар, шунинг учун ушбу охиригилар иккинчи буржнинг тўқ қизил Эгоси билан чулғанмиш эди.

Бироқ аслини олганда, у гипноз ёхуд хаёл қочиш ҳолатида бўлган эди, деган қовушмаган фикр юзаки қараш ва адашишнинг оқибати бўлиб, сира ҳақиқатга туғри келмасди. Булар ҳаммаси рўй бераётганда кўриш аъзолари мана шу ҳолатларда жонлана бошлаган шахс бошқа ҳар қандай тириклардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас, ҳушёр эдики, кимда ким бунинг тескарисини айтса, угирилиб қарашга улгурмай кўлмакка ўтириб қолган бўларди. Кейинги тўрт дақиқа ичида (эхтимол, беш дақиқа-дир) у ўзининг йилтироқ қизил ташки кўриниши билан диққатни тортадиган ва шундоққина рўпарасида бошқа шишалар орасида турган «Басс, биринчи сон» деб номланган, «Бертон-он-Трент-даги Басс ва К» фирмаси чиқарган пивога қаттиқ тикилиб қолди. Кейин маълум бўлишича, фақат унинг ўзигагина аён бўлган ва рўй бераётган воқеаларга тамомила бошқача тус бағишлаган сабабларга кўра, у ўзининг ўсмирлик ва пойга кунлари ҳақидаги ўйловларидан шунчаки оддий алла-алайна икки ёки учта ўз бошидан кечган воқеалар хусусида хотираларга чўмди, бу воқеаларнинг рўй беришида анов иккови худди туғилмаган гўдақдай бегуноҳ эдилар. Бироқ охир-оқибат уларнинг тўрт кўзи тўқнашди ва анов ҳам шишани қўлга киритишни мўлжаллаб турганини сезиб қолди-ю, қутилмаганда уни ўзи эгаллагиси келди-да, пайсалга солмай ўртача катталиқдаги ичи тўлиб турган шишани бўғзидан тутиб, бирваракай ярмигача бўшатди ва бир томчиси ҳам ерга тўкилмаслиги учун бутун диққат-эътиборини қаратди.

Бундан кейинги мусохабалар мазмуни ва ривожига кўра айни ҳаётнинг ўзини эслатиб юборди. Анжуман ўрни ҳам, унинг иштирокчилари ҳам, шубҳасиз, ўз манзурликларини намоён айладилар. Мусохиблар мамлакатнинг энг кўзга кўринган кишилари қаторида туришар, баҳслари ҳам олижаноб ва муҳим эди. Ҳорн хиргоҳининг юксак равоқлари ҳеч қачон бундай обрўли ва атовли ранг баранг кишилар жамиятини кўрмаган ва ушбу кўҳна муассасанинг қадимий устунлари ҳеч қачон бундай қомусий маърузаларни эшитмамиш эди. Чиндан ҳўб ажаб-товур манзара. Бу ерда столнинг у четида Кроттерс азамат ўтирар, у шотландча либослар кийган, юзларини Малл-оф-Галло-

вей шамоллари ялаб бўрттирганди. Унинг рўпарасида Линч жойлашган, унинг афт-башарасида эрта бузуқлик йўлига кирган ва шу ёшидаёқ кўп балоларни бошидан кечирган одамнинг нуқслари аён кўзга ташланарди. Шотланднинг ёнидаги жойни феъл-атвори галати Костелло деган нусха эгаллаган, унинг ёнида эса Мэддэннинг тўладан келган вазмин қадди бўй ростларди. Ушбу хиргоҳ соҳибининг оташгоҳ (ками) олдидаги ўрни бўш турар, лекин унинг икки ёнида бир-бировига мутлақо ўхшамайдиган икки зот қўр тўкишганди, уларнинг бири Баннон худди сайёҳ каби устига твид чалвор ва оёғига қалин чарм бошмоқ кийганди, иккинчиси қаҳрабон нимчали Мэйлахи Роланд Сент-Жон Маллиган бўлиб, хушсурат, хушбичим ва қилиқлари пойтахтга хос. Ниҳоят, столнинг тўрида навқирон шоиримиз қад ростлаган, у сукротона суҳбатнинг дўстона вағир-вуғурида муаллимлик машаққатлари ва асрорий мувоқабалардан тин оларди, унинг ўнг ва сўл томонида бу ерга тўғри отчопардан етиб келган якто ва бепарво башоратгўй ҳамда бизнинг йўллар ва жанглار ғуборига ботган, шармандалик ва шармисорлик аламларини беҳисоб тотган ҳормас-толмас сайёҳимиз жойлашган ва бу сўнггиси бутун насвасалар ва қўрқинчлар, хавотирлар ва хўрликларга қарамай ўз садоқатли ва матонатли кўксига ўша мафтункор ва фароғатли сиймо қиёфасини қўймай сақлаб келардики, у сиймо келажак асрлар учун Лафайетнинг илҳомёр қалами билан ўлмас қилиб муҳрланмиш эди.

Бошданок шу ернинг ўзида кўрсатиб ўтмоқ мақсадга мувофиқдирки, мистер С. Дедалнинг (Илоҳ. Ҳақ.) муҳокамаларида кўзга ташланиб турган, афтидан, унинг бедаво бир тарзда берилганлигини кўрсатадиган трансцендентализм қабул қилинган илмий методларга тўғридан тўғри зиддир. Шунини тўхтовсиз таъкидламоқ даркорки, илм-фан фақат ҳиссий феноменларни кўздан кечиради. Илм-фан кишига, худди бошқа одамлар каби энг оддий фактлардан келиб чиқади, уларни ҳеч қачон четлаб ўтолмайди ва уларга ҳаммадан кўра яхшироқ тушунтириш беради. Мутлақо ҳақиқатдирки, илм-фан ҳали жавобини топмаган айрим масалалар ҳам йўқ эмас, мисол учун мистер Л. Блум (Рекл. Аг.) томонидан қўйилган биринчи масала, бу чақалоқнинг қайси жинсга тегишли эканлигини олдиндан билиш. Бунда биз Тринакриниялик Эмпедоклнинг нуқтаи назарини қабул қилишимиз керакмикин, унинг фикрича, ўнг мойка (бошқа бир қарашларга кўра, ҳайз кўришдан кейинги даврда) ўғил болалар туғилишини таъмин-

лайди ёки узоқ муддатлардан бери етарлича тан олинмай келинаётган манийларни (сперматазоид) ажратиб берувчи омил сифатида хизмат қилади, бошқача айтганда, булар (немасперма) немаманийлардирки ёхуд жуда кўп эмбриологлар, хусусан, Калпеппер, Спалланцани, Блюменбах, Ласк, Хертвич, Леополд ҳамда Валенти тахмин қилишларича, униси ҳам, буниси ҳам, ўз ўрнига эгами? Охиргиси, яъни *pisus for, formativus*¹ немаманий, бир томондан, ва пассив элементнинг муваффақиятли ҳолат топиши, *succubitus felix*², — иккинчи томондан, — қўшилиши билан тенгбаробар кучга эга буларди. Айни тадқиқотчи томонидан кутарилган иккинчи муаммо ҳам айниқса муҳимдир — бу ғудакларнинг ўлими. Эътиборга лойиқки, унинг ғоят теран бир мулоҳазасига кўра, биз ҳаммамиз бир хилда туғиламиз, аммо хийла бошқабошқа бир тарзда ўламиз. Мистер М. Маллиган (*Hug. et Eug. Doc.*³) айбни санитария шароитларида кўради, шу боис ўпкаси кўкарган шаҳар аҳолиси аденоидларга дучор бўлади, чанг-тўзон ичида тўлиб-тошиб ётган бактериялардан нафас олиб, нафас аъзолари касалликларига учрайди.

Унинг таъкидлашича, худди мана шу факторлар ва шу билан бирга, бизнинг кўчаларимиздаги жирканч манзаралар — хунукдан-хунук рекламалар, барча турдаги динларнинг ранг-баранг ходимлари, мажруҳ аскарлар ва денгизчилар, баданини қора яра босган извошчилар, ўлган ҳайвонларнинг осиб қўйилган лошлари, савдойи салт буйдоқлар ва уруғдонига уруғ тушмаган сифинди хотинлар — унинг сўзларига қараганда мана шулар ҳаммаси миллат таназули ва бахтсизлигининг ҳақиқий сабабчиларидир. У, тез орада каллипедия барча томонидан тан олинади, деб башорат қилади, ўшанда ҳаётнинг энг яхши неъматлари, чинакам зўр музика, қизиқарли саргузашт адабиётлар, энгил фалсафа, ибратли суратлар, Венера ҳамда Аполлон сингариларнинг мумтоз ҳайкалларидан ишланган нусхалар, чиройли ғудак болаларнинг рангли бадий суратлари, — мана шуларнинг бари эътибор билан тақдим этилганда, боши қоронғи бўлган хонимларга ой-кунларни тинч-осуда ўтказишга ёрдам қилади. Мистер Ж. Кроттерс (*Disc. Vass*⁴) муҳокама қилинаётган ғудакларнинг

¹ Шакл ясовчи импульс (*лот.*).

² Қулай қуйида ётиш (*лот.*).

³ Гигиена ва севгеника доктори (*лот.*).

⁴ Риторика бакалаври (*лот.*).

Ўлимига дахлдор нарсаларнинг маълум бир қисмини ишчи хотин — қурсоғидаги захалар натижасида келиб чиқади деб ҳисоблайди, улар ишда оғир меҳнатга, уйда эса — хотинлик вазифаларини бажаришга мажбур этилади, аммо кўпчилик қисми ҳафсаласизлик ва бепарволик (ҳам расмий ва ҳам хусусий шахслар томонидан) оқибатида рўй беради, буларнинг чўққиси эса, янги туғилган чақалоқни иткитиш, жинорий тарзда бола олдириш ва мудҳиш бола ўлдириш ҳолларидир. Гарчи охириги ҳол (биз ҳафсаласизлик ҳақида сўзламоқдамиз) ҳеч қандай талашиб-тортишиб ўтиришга ўрин қолдирмаса-да, лекин унга ишора қилувчи мисоллар ҳам йўқ эмас; агарчи ҳар куни учрамаса-да, лекин ҳамширалар қорин бўшлиғида пўкакларни қайта ҳисоблаб чиқишни унутиб қўйганликлари каби ҳодисалар оз бўлса ҳам, рўй бериб туради. Ҳақиқатда эса яқинроқдан қараганда, шу нарса аввало ажойиб бўлиб туюладики, кўп ҳомиладорлик ва туғиш ҳоллари ғоятда муваффақиятли кечади, ҳолбуки, бизнинг инсоний нуқсонларимизни қўшиб ҳисоблаганда, барча факторлар, табиатнинг ўзи буюрган ҳодисанинг рўй беришига бошдан-оёқ тўсқинлик қилади. Мистер В. Линч (Васс. Arith¹) бошқа бир бағоят теран ғояни илгари сурди, унга кўра, туғилиш ва ўлиш, шунингдек, эволюциянинг бошқа турли феноменлари, жумладан, сув кўтарилиши ва пасайиши ҳаракатлари, ой фазалари, қон ҳарорати, турли касалликлар — ҳуллас, табиатнинг чексиз устахонасида юз берувчи ҳодисалар — кўз илғамас олис маконларда юлдузларнинг ҳалокатидан тортиб, то шаҳар боғларимизни безаган гулзорларнинг энг кичик чечагигача, — булар ҳаммаси маълум бир сонларнинг қонуниятига бўйсунди, аммо афсус, бу қонуният ҳали очилмаган. Бироқ, бошқа бир томондан, нима учун соғ-саломат, рисоладаги ота-оналарнинг болалари, ўзлари ҳам соғлом бўлишлари, яхши парвариш қилинаётганликларига қарамай, тушуниб бўлмайдиган бир тарзда гўдак чоғларида ўлиб кетадилар (гарчи ўша бир никоҳдан туғилган бошқа болалар бунга дучор бўлмайдилар) деган оддий ва тўғри савол, шоирнинг сўзи билан айтганда, олдиндан бизни ўйлашга ундайди. Ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмаски, табиат ўзининг ҳар бир ҳаракатида эзгу ҳамда асосли сабабиятларга эга ва эҳтимолки, бундай ўлимлар аллақандай олдини олиш қонунияти туфайли юз беради, унга кўра касаллик қўзғовчи бакте-

¹ Арифметика бакалаври (лот).

риялар томонидан яшаш макони қилиб танланган аъзолар (ҳозирги илм-фан тўла исбот этдиким, протоплазманинг фақат биттагина моддаси ўлмайди) — ривожланишнинг анча илгариги босқичларида йўқ бўлиб кетишга мойилдирлар — бу бизнинг ҳиссиётларимизни (ва биринчи навбатда оналарга) азоб етказувчи хусусият бўлса ҳам, бироқ айримларимизнинг ишонч билдиришларича, охир-оқибатда, туғиш учун хайрлидир. Зеро, энг чидамлиларнинг яшаб қолишини таъминлайди. Шу ўринда мистер С. Дедалнинг (Илоҳ. ҳақ.) луқмасини (ёки буни ўртага аралаштириш деб айтсак, туғрироқ булармикин?) кўриб ўтамиз, унингча, ҳар нарсани еяверадиган, парво қилиб ўтирмай чайнаш, ютиш, ҳазм айланиш ва одатий канал орқали ташқарига чиқариб ташлашга қодир хилқат, худди туғишда ҳолдан тойган канкре-ноз аёллар, эркин касбли кориндор эркаклар, сарғайиб кетган сиёсатдонлару камқонли роҳибалар каби ширвоз баррасини паққос тушириб, ўз қорнида енгиллик сезиши биз юқорида эслатган анъананинг ҳақлигини ҳаммадан кўра равшанроқ ва ҳаммадан кўра салбийроқ тарзда кўрсатади. Шаҳар кушхонасининг туриш-турмуши билан маиёв эмбрион шаклидаги файласуф, ҳиссиёти варам инжиқ эстет, илмий ишларида ўзига шуҳратпарастларча бино қўйган, аммо кислота (тезоб)ни ишқордан ажратолмайдиган кимсачалик таниш бўлмаганларга маълумот учун айтиб ва тушунтириб ўтайликки, бизнинг энг тубан қовоқхоналаримиз эгаларининг дағал лафзида ширвоз барраси деганда, онасининг қорнидан янги тушган овқатга яроқли бузоқ гўштини тушунадилар. Мистер Л. Блум (Рекл. Аг.) билан Марказий Туғуруқ Уйининг (Ҳоллс-стрит, 29, 30 ва 31), директори, бизнинг машҳур ва истеъдодли тиббиётчимиз доктор Э. Хорн — (Вр. — Ак. И. В. Қ. Ж.С.В.П!) катта залида бўлиб ўтган очик баҳс чоғида қатнашган кишиларнинг айтишларича, у агар хотин зоти хуржунига мушукни жойлаган бўлса (бизнинг эстетимиз энг мураккаб ва ажойиб табиий жараёнлардан бири, жинсий алоқа ҳолатига ишора қилаётганлигини тушуниш қийин эмас), ундан кейин мушукни чиқариб юбориши ҳам керак бўлади, деб уқтирди-да, ёки унга ҳаёт ато этиши зарур, чунки деб қўшимча қилиб қўйди у, бу билан ўз жонини қутқаради. Туғуруқоғи, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, деб унинг суҳбатдоши жўяли луқма ташла-

¹ Врач-Акушер, Ирландия Врачлари Қирол Жамиятининг Собиқ Вице-Президенти.

дики, луқманинг салмоғини унинг вазмин ва муносиб оҳанги янада оширди.

Бу орада врачнинг маҳорат ва сабр-тоқат билан олиб борган иши боис ҳомиладорнинг кўзи омон-эсон ёриди. Тинимсиз дард чекиб турганга ва унинг докторига бу қанчалар қийин, жуда қийин бўлганлигини бир Худонинг ўзи билади. Акушерлик маҳорати нимани талаб қилса, ҳаммаси адо этилди, жасур аёлнинг ўзи ҳам эркаклардан қолишмайдиган матонат билан ғайратига ғайрат қўшиб турди. Биз буни дадил айта оламиз. Аёл зур мардликка ноил эди ва энди у ниҳоят ўзини бахтиёр сезар, тўла маънода бахтли эди. Чамаси, бу дунёни тарк этганлар, биздан олдин кетганлар ҳам, бу тўлқинлантирувчи маъзарога кўклардан табассум билан боқиб, улар ҳам бахтиёру комрон туюлар эдилар. Биз ҳам фараҳ тўла назар билан боқамиз: мана, заҳматкаш аёл болишларга ҳорғин ёнбошлади, унинг кўзларида оналик туйғулари чуғ бўлиб ёнади, жужукнинг кичкина бармоқчаларига қараб тўймайди, ташналиги босилмайди (о, қанчалар лаззатли бунга боқиш) у яна бир карра гул-гул очилган оналик боғидан туриб Кўклардаги Ягонага қараб юракдан шукрона — дуо ўқийди. У ўз жужуғига битмас туганмас майинлик билан нигоҳ солиб, яна бир меҳр кутади — унинг жонажон Додиси¹ шу ерда, ёнида бўлишини, қувончини бирга баҳам кўришини, қутлуғ севги муҳаббатларини меваси, Худованд лойидан ясалмиш Заррали кучиб бағрига босишини истайди. Энди Доди қариди (биз ҳам буни секин бир биримизнинг қулоғимизга шипшиймиз), елкалари бироз чўкди, ва ҳар қалай нима бўлмасин, Олстер банкининг Коллеж-Гриндаги бўлимининг тиришқоқ кичик ҳисобчиси йиллар гирдибодиди ўз муносиб даражасига, обрў-эътиборга эришди. О, Доди, ўтмиш кунларнинг суюқлиси, эндиги чоғларнинг содиқ ҳамроҳи, ўша узок гуллар чаманлар замони энди ҳеч қачон қайтарилмас! Аёл чиройли бошчасини силкиб — илгаридан қолмиш одати! — хаёлларга толади. Худоё, қанчалар гўзал эди у кунлар, энди олис йиллар туманида ортда қолди! Айни чокда унинг тасаввурида тушаги теварагида ўзи ва Додининг болалари ғужғон ўйнашади, Чарли, Мэри, Элис, Фредерик Алберт (қанийди у тирик бўлса), Мейми, Бажи (Виктория Фрэнсис), Том, Виолетта Констанция Луиза, суюкли жужук Бобси (Жалубий Африка урушининг қаҳрамони лорд Бобси

¹ Эри дейилмоқчи (тарж.).

Уотерфорд Кандахорий шарафига кўйилганди бу исм), ва мана улар муҳаббатининг янги гарови. Энг покиза Пюрфой, ноёб ва ягона, бурничасидан ҳам кўриниб турибди, асл Пюрфой. Бу ганжинайи давлатни Мортимер Эдвард деб аташади амакиси мистер Пюрфой шарафига, у Дублин қасрида, газнанинг қарзлар бўйича идорасида хизмат қилади. Вақт шундай ўз йўли билан судралиб боради, аммо бу ерда Вақт (Хронос) илоҳининг қўли енгил келди. Йўқ, кўксингдан оҳ отилиб чиқмасин, о меҳрибон Майна! Сен эса, эй Доди, ўз вақти-соатинг етганда (у кун хали узок бўлсин!), ўз севган эски чубуфингни қоқиб кулини тук-да, ёруғида Илоҳий Китоб ўқилган шамиш учир. Зеро, шамдоннинг мойи охирлаб қолди ва пок дил билан мангу осудалик тўшагига чўзил. У сени биледи ва сени ўзи хоҳлаган вақтда ҳузурига чорлайди. Сен эзгу матонат билан яшадинг ва эр номини шараф билан оқладинг. Мана, сизга менинг қўлим, сэр. Ҳаммаси яхши, эзгу ва садоқатли банда!

Одам унутишни, кўпгилнинг энг яширин пучмоқларига беркитиб қўйишни истайдиган гуноҳлар (уларни дунё қандай атаса, шундай деймиз) ёки ёмон хотиралар бўлади — бироқ улар яшириниб ётиб, ўз вақт-соати етишини кутади. У уларни хиралаштириш учун хотирави мажбур қилиши, уларни ташлаб қўйиши, гўё улар ҳеч қачон бўлмагандай ўзини паққос ишонтириши ёки улар умуман бўлмаган эди-ку, нари борса улар тамомила бошқача эди деб, ўйлаши мумкин. Аммо тасодифий бир сўз кутилмаганда уларни уйғотиб юборади-ю, унинг кўз ўнгида улар энг ақл бовар қилмас ҳолатларда, рўёларда ёхуд уйқуда, ёхуд най ва арфа куйларини тинглаб юраги шодланиб урганда, ё кумушдай тиниқ оқшомнинг салқин масарратида, ё базм чоғлари май сархуш айлаганда намоён бўлади. Ва бу рўё унинг бошига ғазаб ва қаҳр билан ёпирилмайди, ҳақорат қилмайди, тириклардан тортиб олиб, ўчини олмайди, йўқ, у қайғу ҳасрат либосида кўрингай, ўтмиш кафанида сассиз ва ёт таъна-надомат этгай.

Нотаниш одам ҳамон кузатиб турарди, у ўз қаршисида кўриб турган чехрадан ясама осудалик оҳиста ғойиб бўлиб борар, афтидан, одатланиш бўйича ва касб этилган равиш-рафтор билан айтилаётгандай сўзларнинг қаҳрли кескинлик билан янграши сўзловчининг турмушнинг шафқатсиз томонларига носоғлом қизиқиш, *flair*¹, билан қарашини фош қилиб турарди. Кузатувчининг хоти-

¹ Сезим (франц.).

расида шу қадар одми ва содда суз туфайли тирилган бир манзара ўз-ўзидан гавдаланардики, ўша олис кунлар ўз жонли роҳат-фароғатлари билан чиндан ҳам, ўша ерда (айримларнинг бунга ишончи комил) мавжуд эди, деб ўйлаш мумкин. Баҳаво май оқшоми, майсаси қирқиб текисланган ўтлоқ, Раундтаунда очилган сиренлар, гуркираб купириб тошган гуллар, оқ ва пушти ранглар, ўйиннинг келишган, ўзларидан хушбўй таратган томошабинлари, улар кўм-кўк майсалар узра секин думалаб бораётган соққаларни шоён кизиқиб кузатадилар, соққалар тўқнашиб, зир титраб бир-бирларининг олдида қотиб тўхтайдилар. Нарироқда кўкимтир фавворанинг мавзун сувлари чулдираб оқади, бу ерда яна бир ажиб гулдаста хушбўй таратади, булар опа-сингиллар Феун, Этти, Тайни ва улар ёнида қорасоч дугоналари; ўшанда бу қизнинг туриши, иқоматида нимадир ўзига қўймай тортарди. Олча таққан Мадонна, унинг қулоғида икки нафис олча осилиб турарди, қизнинг бу ерларга хос бўлмаган иссиқ бадани муздек қизариб турган меваларни жуда нозик бир тарзда бўрттирарди. Ярим юнгли костюмча кийган беш ёки тўрт яшар болакай (гул айёми, лекин тез орада соққаларни йиғиб, жойига жойлаб қўйилгач, оташгоҳ олдида дўстлар билан ўтириш ҳам мароқли) фаввора ёқасида меҳрибон қизларнинг меҳрли қўллари чамбариде туради. У ҳозир мана шу йигитчанинг худди ўзидай андак хўмраяди, чамаси, хатардан онгли тарзда жуда ҳам роҳатланади, бироқ ўқтин-ўқтин гулзор олдидаги piazzetta¹ га қараб-қараб қўяди, у ерда онаси ўтириб унга боқади, унинг қувноқ нигоҳида ҳуз-қадар ва таънанинг энгил шарпаси кезади (alles Vergangliche²).

Келажак учун буни белгилаб қўй ва эсингда турсин. Туганч тўсатдан келади. Бу туғилишнинг арафасига кир, у ерда маърифат олувчилар йиғилган, уларнинг башараларига боқ. Афтидан уларда ҳеч қандай шошилиш, ҳеч бир тийиқсиз тикилиш йўқ. Аксинча, соқчилари шу уйдаги хизматларига яраша сезгир, хушёр, вазмин кўринадилар, Яҳудия Вифлеемидаги хонақоҳлар теграсида узоқ замонларда чўпонлару фаришталарнинг посбонлигидай. Бироқ момақалдирак қасирғасидан олдин қора булутлар йиғилади, намга ҳаддан ортиқ тўлиб улкан тўпга айланади, еру осмонни қурч қамраб олади, сувга ташна экинзорлар, мудроқ буқалару сўлгин буталар ва ўт-ўланлар узра осилиб туради. Кейин бир зум

¹ Майдонча (итал.).

² Ҳаммаси ўтқинчи (нем.).

ичида чакмок чақинлари улар бағрини тилади ва гулдурос қасиргалар ичида шовуллаб жала куяди, — сўз оғиздан чиқар-чикмас худди мана шундай ҳамма нарса шиддат билан бирдан ўзгарди.

Бёрк сари борамиз! Чорлов нидосини ҳайқириб айтиб биринчи бўлиб милорд Стивен сакраб ўрнидан турди, шу ердаги ҳийлагар ва фирибгар, барча уришқоқ ва қўрс, қаланғи-қасанғилар унинг ортидан чопдилар, улар изидан олифта Блум, ҳаммалари баравар шляпалар, қиличлар, ҳассалар, панамалар, филофлар, алпенштоклар — нима дуч келса, барини бирдан қўлга кўтардилар. Жўшқин ёшлик, сут ва қон, мовий томирлар. Йўлакда ҳайрону лол ҳамшира Каллан ва айни чоқда хушхабар билан пастга тушган жарроҳ уларни йўлдан қайтариб тутиб қолишдан ожиз.

Чақалокнинг йўлдоши осон ажратиб олинди, вазн жойида, миллиграмм ками йўқ. Қани, бошла! Кетимиздан юр! Буйрук шундай. Эшик! Очқикми? Ҳа-ҳа. Ҳамма — ташқарига, тез қадам ташла, қани, югур. Бёркка борамиз, Дензилл ва Ҳоллс томонга, ҳаммамиз! Диксон уларни сўққани-сўққан, лекин кўп ўтмай ўзи тукириб, ҳапприқиб, уларга эргашди. Блум бахтли онани янги меҳмон билан табриклаш учун ҳамшира олдида ушланиб қолди. Муҳими — яхши таом ва тишчилик. Онанинг ранг рўйи жойидами? Ҳорн ҳарамларида ётиш одамнинг рангини паға қилиб юборади. Атрофда ҳеч ким қолмади. Блум кези келган да икки оғиз ҳазил қилгиси келиб, ҳамширанинг қулоғига шипшийдди: Хоним, сиз томонга лайлак қачон учиб келади?

Ташқарида ҳаво ёмғирли намчил, ҳаётбахшида зарралар, юлдузлар яшнаган ёрқин само остида Дублин харсангтошлари узра томчилар ялтирайди. Худонинг ҳавоси, ҳамма-ҳамма нарсаларнинг падари, учқунлар сочувчи, ҳар ёққа кириб борувчи, ҳаёт туғдирувчи ҳаво. Чуқур нафас ол. Худо шоҳид, сен Теодор Пюрфой, сен ишни койил қилдинг, юзингни ерга қаратмадинг! Онт ичаман, сен буқаларнинг энг яхшисисан, мана шу гийбат фитна билан тўлган, ҳамма нарсани ўз ичига сиғдирган, ўта-ўта чалкаш воқеа ичида сен ҳеч қандай истисносиз бошладинг. Сенга ҳасанот! Пошшахоннинг ичида Худо ато этмиш ва Худо узук шаклига киритмиш буюк Имкон ётарди, сен камтарин эрлик қувватинг билан уни тўлдириб уруғлантирдинг. Хотининг этагидан маҳкам тут! Хизмат қил! Меҳнатингни аяма, садоқатли итдай тинмай эргаш, қуриб кетсин барча малтусчилару уларнинг илмлари. Сен кўп боланинг отаси, отажонисан, Теодор.

Оғир турмуш тўрваси елкангда, қассобнинг ҳисоб китобидан бошинг қотган, банкда олтин қуймаларини (бировники) санаб чарчайсан. Бошингни баланд кўтар! Ҳар янги ташлаган уруғинг учун ботмон-ботмон оқ бугдой олгайсан. Боқ, жуналаринг нам тортибдир. Умид қиламанки, сен Дерби Далмер билан унинг жуфайи Жоанга ҳасад қилмасанг керак? Уларнинг бақироқ тўтию ифлос итидан бошқа нимаси бор. Туф-эй, ҳеч кимга кўрсатмасин! Сабий болаларни ўлдирган Ироддан нима фарқи қолди? Нақ хачирнинг ўзи, на қорнида, на оёғида кучи бор, ўликдан фарқ қилмайди, баҳоси синган сариқ чақа. Уларнинг жимосида ҳеч нима йўк! Ҳа, йўк, йўк! Дейман мен! Қаранг-а, бу сабзавотларни — боласиз хўжалик! Хотинига қони силқиб турган хом, қип-қизил бифштекс керак. Барча касалликлар унинг учасига мишиб олган, томоқ оғриғи, бош оғриғи, пўст ташлаш, учук тошиш, без келиш, гўшт қотиш, тож тушиш, безгак, бўқоқ, пес, буйрак кучиши, ўтқопининг тошга тўлиши, жигар оғриғи, семириб кетиш, томирларнинг кўпчиши. Таъзия мотамлари йиғи-сиғию гўянда-мўяндаю ҳаммаси йўқолсин! Йигирма йил хўб буларни кўрдинг, эшитдинг. Сен бошқаларга ўхшамайсан, улар бир нарсани истаб-истамайди, қилиб-қилмайди, ўйлаб охирига етолмайди. Сен топдинг ўз Американи, ишинг тайин, жуфайинг асалдонини меҳнаткаш асаларидек қанда қилмай тўлдириб турасан. Зардушт нима деганди? Deine Kuh Trebsal melkest Du. Nun trikest Du die sesse Milch des Euterg! Боқ! Бошингга мўл-кўл ёғляпти. Ич уни, эй одам, бу тўлган елинда қанча бўлса, борини ич. Пюрфой волиданинг сути, инсоннинг меҳр сути, ёмғир зарралари ора-лаб ярақлаб кўринган Сомон йўли юлдузларининг сути, ковоқ-хонада авбош таррорлар боши билан шўнғийдиган қутурган сузонғич сигир сути, ва телбалик сути, ва Ханаан Заминининг сути ва боли. Сигирингнинг эмчаклари шунча тирсиллаганми? Майли, аммо унинг сути ҳам иссиқ ҳам ширин ҳам куюк. Унча мунчамас, ҳақиқий ёғлик bonnyclaber². Қари бузруквор, унинг лаззатини тот! Ич! Per deam Partulam et Pertundam nune est bibendum!³

¹ Сен ҳасрат помли сигирингни соғасан. Сен энди унинг эмчагидан ширин сут эмасан (нем).

² Ардоб (ирл).

³ Партула ва Пертунда илоҳлари ҳақи сиз ҳозир ичингиз! (Лот.)

Хорнинг ҳарамларидан барча маҳрамлар қўлни қўлга бериб шовқин-сурон солиб, бўкириб чиқиб келдилар. Одат шуки, бе-маҳал келган йўлчиларга ҳам қарайдилар. Қайда бугун тунқотиш?

Тим пачак идиш. Тўлган курсоқ. Урамизда борми биладиган? Қани у даюс суякчи билан чайқовчи? Ҳузур, мен невилай. Ҳурра, ана, уна, Дикс! Тез бўл, етиб ол баққол. А Панч қани? Мунғайган қинғайган. Ийя, ийя, пасторни каранглар, туғуруқдан пашша босиб чиқаётир! *Benedicat vos omnipotens Dens, Pater et Filius*¹. Садақа, мистер. Қойил дензил-лейнликлар. Сон минг шайтон! Қоч йўлдан! Абрам, йўқот уларингни ярамас саҳнадан. Биз билан борасизми, афандим? Бурнимизни сукмаймиз бировнинг ишига. Э бу Лу қўли очик ғулув. Битта тосда қорилган. *Enavant, mes enfants*² Зўмбарак бир, от! Бёркка борамиз! Қисқаси, улар беш фарсах босдилар. Слэт три отлик пиёдалари. Қани анув ярамас Зубот! Истив-пастор, бизга Кофирларинг динини тушунтир! Тўхта, Маллиган! Ана, кемада! Олға бос! Вақт зик! Ҳали ҳайдайди. Малли! Нима бўлди сенга? *Ma mere m'a mariee*³.

Британия роҳиблари! Трам тарарам парапапам. Ххейсни китобчага. Харид Друид нашриёти босиб чиқаради. Муқоваси келишган икки қиз муқовалайди. Муқоваси бузоқ териси пешоб ранг кўкимтир. Ҳозирги рангтасвирда алламбало. Менинг замонамда Ирландиянинг энг соз китоби.

*Silentium*⁴ Югуриб етамиз. Тек қот! Вазифа: энг яқин қовоқхонани ишғол этиш, ёнилғи омборини эгаллаш. Бошладик! Трух турух, ҳаммамиз (сафлан!) пивога. Бутилка, бифштекс, бизнес, библия, булдог, броненос, бардак ва бархудолар. Ажал майдонига чиқамиз. Бутулка ва бифштекс Библиёдан ўтади. Магар жонажон Ирландия учун. Осганларни осамиз. Алвастисиймо! Саф бузилмасин! Ўламиз. Бархудога бочкамас бутулка. Тўхта! Ёт. Регбидай. Айқаш-уйқаш. Ўйинчилар тепилмасин. Вой-йай, қўлим! Оҳ, сизга тегиб кетдимиз? Уч ботмон узрлар!

Шундай савол. Ким бизга қуяди? Мой суртилган шишнинг мағрур эгаси. Синганини маълум қиламан. Қоқ боши қолди. *Миа Ниодина солди.*

¹ Сизни Қодир Худо қўлласин (*Лот.*).

² Олға, пўвоқларим! (*Франц.*).

³ Ойим мени эрга берди (*Франц.*).

⁴ Сукут (*Лот.*).

Хафтанинг охирига сариқ чақа. Сизга-чи? Ъbermensch учун оталар ичкиси. Шуни қайтаринг. «Басс биринчи сон»дан бешта пиво. Сизга чи, сэр? Алкоголсиз имбир. Мени ушланг, из вошчиларнинг дориси. Куввати зур. Тақ-туқдан бўшамайди. Тўхтаб колди чолининг вақти-соати. Менга абсент, ферштейн? Карамба! Яхшиси, шўртак хўрдани хўпла. Нима бўлди? Гаровга қўйилди олтин. Ўнтакам. Ўлардай раҳмат — тузук, арзитайди. Жароҳат ўпкасидами, Дике? Маълум нарса. Боғда ухлаб қолипти кетини ари чақипти. Мунгли Она ёнида падар. Бўйнида жилов. Фрауни кўрган? Албатта-салбатта кўрган. Эшикка базўр. Пошшани кўйлаксиз кўрсанг. Зур товар. Қизларнинг шираси яхши бўлар тўласи. Мунисига нима дейсиз, ориғига тўймайсиз. Пардани торт, асалим. Ардилондан иккита. Бизга ҳам. Кўзингга қара, сирғанчиқ. Йиқилсанг, тур, ётма. Беш, етти, тўққиз. Тайёр! Йигит эмас, олабуқа, сакратворади. Шу қизни қўлтиқласам, бир хум шароб қучокласам. Кўрмагунча кўймайсан. Ўйноқлаган кўзларингу оққушдайин мўйнингни кўрсам шамдай эрийман. Лой лашала — ботиб қашала. Сэр, ҳов сэр? Картишкани ярайсизми артишка? Қофиясини қиртишла. Сиз кечиринг мен нима дейман, лекин бу икки пулга қиммат. Ҳой-полойларга-да! бу гап. Яна ким билади-ю, сиз шалпангқулоқ қовоқ мия бўлсангиз керак. Хўп, нима дейсиз, док? Родляндиянгдан бош кўтариб чиқдингми? У ерда сендай товонтумшуқларга ҳаммаси окэйми? Кети қизил бўвакларни анов сиво (хотин) нима қияпти? Яна биронтаси бўшандими? Тўхта, отаман. Парол. Асбобни тўғри тут. Бизга ўлим оқ, туғилиш қизил. Салом ҳой. Қўлтиғингга туфлама ҳой. Масхарабоздан хабар. Чўмилган Мередитда кўмилган. Вой бу исосимон, мояксимон кана ғажиган езуит! Холам унинг додасига мени чақади. Таёқ ўйин. Чиллак. Тирриқ Стивен эркатой Малахияни йўлдан урди.

Хур-ра! Коптокка ёпиш, хом-хатала зормандани айлантир. Ҳей, тоғдан тушган пиво билан ўпишган, мана сенга бўзангни ур. Ўчоғинг икки минг йил сасийди, шароб унда ҳамон пишйди! Мен кўяман. Мерси. Бизнинг соғлиғимиз. Эй, қаёққа? Ўйиндан ташқари ҳолат. Э менинг этагимга тўкма, янги кийганман. Ҳой, ўтирганлар, қалампирни узат. Тут. Бу гармдори кайфга дори. Билдинг? Чўнқир сукут. Ҳар азаматнинг

¹ Халойиқ, қора халқ (юнон.).

кўзлагани бир қиз. Венера Пандемос. Les petites Femmes¹. Маллингардан чиқди қиз қизик. Кулоғига секин айт мен унга кашол. Охуни майин кучоклади у. Малахайд йўлида шундай бўлди. Менми? Асир этган эди бир маҳал колмадими энди ҳеч бағал. Тўққиз пенсингга тезак берадими сенга? Мачри Макрускин². Хўрагина Молли тўшагида диконглар балли. Ҳаммамиз бир бўлиб эшкак эшамиз. Баллимиз!

Қарзга қуй, хўжайин. Косада узат. Диқирчагингга гаров. Зўпписини чиқарди тепкисини олсин. Чучундингми? Хов ановнинг занчаси адлиб³. Боядан бери кўзимни олади унинг уч қизил чирвони бор. Ким бизни бу ерга хуштак чалиб олиб келди, сенми сен эмасми? Қани ғирдак атаганингни чиқар. Капуста пўстагингни ўзинг е. Икки йиртиқ бир думалок. Ҳазилингни қуй, ким қурвақахўр! Аклимиз етади. Болакай маъюс. Тагимизга қора бостириб келяпти. Туллак экансан қўчқортой. Мана ҳов кайфимиз ошди. Кайф ҳов кайф-да. Тарақ-парақ. Орезервуар, мусю. Коттакон ахлат.

Сўз сўрай. Ғўлдираб қолдим, билдингми? Қовоқхона бошпана. Тўйгунча ич. Ўлгунча ич. Билдингми, падлаъ. Бэнтам, икки кун оғзига олмади факат бордо ичаман дебди. Ўйна, кул! Қара бу ёққа, ҳей. Худойинг борми, мен ўлай. Ичдим санчдим, гум экан бу оғзига дум. Шериги ёнида тумсайган тасқара. Хов, шунақа денг! Операни яхши кўрадими? Кастилия атиргули. Афти қийшиқ. Полиция! Н₂О беринг жентлмен хушдан кетти. Боқ, Бэнтамнинг чигтий гуллари. Жон оғайнилар, томоғимни бир хўллай. О Коллин бон. Оҳ Коллин бон. Ҳей сен, тек тур! Ким бор, буни оғзига этик тикинглар. Унга зўрни топиб бердим, ютган отга қўймоқчи экан. Стивен Хэнднинг бошини шайтон узсин, мени битлиқи қирчанғига рўпара қилди. Хат ташувчи шумтакани қўлга тушир, у бутун Басс отхонасининг хўжайинидан даҳа миршабига хуфя хат олиб кетаётган экан. Кафтига порани боссанг, ҳаммаси сен айтганча бўлади. Байтал айни тобида. Илло-биллога келтирмай боплайди. Хатинима бўпти, ахлат. Ўлай агар. Жавобгарлиги борми? Мен шундай дебман. Ха. Ўйлайдиган жойи йўқ. Қонунчилар кавласа, жойи турма. Мэдден қўйди Мэдденга, чуви чиқди аттанг-а. О,

¹ Кичкина хотинлар (юнон.).

² Юрагим менинг (ирл.).

³ Истаганча топилади (лот.).

илинжу хоҳишимиз бизнинг паноҳимиз ва қудратимиз. Кетаман. Нега шошасан? Ойим кутиб қолди. Ох, тўхтанг. Юзим қизарганини унга кўрсатманг. Агар изимга тушган бўлса, ўлдим. Бэнтам, уй-уйга, тепа тўйга. Адйю, мовйю¹. Айиқтовонларингни унутма. Қани, бир тан олиб айт. Анов тойчани ким шипшиб қўйди сенга. Орамизда қолади. Арвоҳ ҳам билмайди. Байталнинг қари айғирига Қани, ёрил. Лео, миқти дўстим. Ҳалоллига, а? Ўлай агар бировга миқ этсам. Сен бизнинг энг улфати, дилкаш авлиё отамизсан. Оғзинга қозик қоқилганми димсан? Ҳа, гирра, адабингни берамиз. Худо рози бўлсин, омин!

Таклифинг борми? Стиви, бўталоқ, сен бизнинг газнамизсан. Ярамас ичкиликдан борми яна? Бизнинг ақобиру ашроф бўсабозимиз ўзини тўла ва якто ҳамда ғайрифавқулодда мудавварий тарзда шаробга бахшида айлаган ақобир ақлбозимизга фавқулодда ҳашамдор ва фойдали базмимизни охирлатиб яқунлашларига ижоза берадиларми мабодо?

Уф-эй, терлаб кетдим-а. Хўжайин, бўл тезроқ, шароб бер, тўла бўлсин қадаҳлар, лим-лим тўлсин қадаҳлар, Стабу Стабелла! Олдин бир мазасини тотиб курайлик, бир хўплам, бир хўпламдан қуй. Яна қуй. Олдик, Бонифаций! Ҳаммага қуй. *Nos omnes biberimus viridum toxicum, diabolus capiat posteriora nostra*². Жентлменлар, биз яқунлаймиз. Нима? Бойвачча Блумга мушқу анбар. Қани ким келиштириб айта олади ақобиру ашроф олий ҳазратлари деб? Блу? Реклама эланиб юрадиганми? Фотомоделнинг отасими? Қулинг ўргилсин. Кетамиз, кетворамиз бу ердан. Жўнаймиз. *Bonsoir la compagnie*³. Бадбахт касал сифилиснинг фитналаридан нарироққа. Қайга кетди анов Буқа сўлақайи оққан бўз бола билан? Пўст ташлашдими? Қочиб қолишди. Майли, ҳар кимга йўл берсин. Шоҳ ва мот. Қирол руҳга қарши. Ҳой, яхшилар, хужрасининг калитини оғайниси олиб қўйган бўз болага ёрдам қилинглар, етти карра чамбар кийган қимматли бошга бошпана берингизлар. Тилим тутиляптими? Алжиб қолдимми? Вой хувари. Жуда алламбало алланечук ғаройиб базм жамшид қилдик, сен бунга қўшилмасанг кел, иштонимнинг почасидан торт, эй санғи ит. Ҳой,

¹ Adieux, mon vieux сўзининг бузиб айтилгани — хайр, қария (франц.).

² Биз ҳаммамиз кўк оғу ичамиз, биздан кейингилар иблисга учрағайлар (лот.).

³ Оғайниларга хайрли кеч (франц.).

қовоқхоначи, манав ширин тойга жичча шира бер. Маза қилсин, нима, йўкми? Тишга босгудай бир нарса-я? Унинг сифилисини жаҳаннамга улоқтир ва барча сотишга рухсат этилган ичкиликлар ҳам қўшмозор бўлсин. Жентлменлар, вақт бўлди! Эй олам санғилари. Барча ҳозир у нозирлар учун. А La votgre!

Во ажабо, оғайнилар, анов макинтош кийган қасанги ким эди? Тўзонда қолган Родси. Қайси ахлатхонадан бу жандани топиб олибди? Вой, онам! Топган-тутгани шуми? Тантанага кўзичок. Э, ана қара, Боврил. Ўз ёғинга қоврил. Вой жонингдан, бўларингча бўлибсан. Сизга танишми ўша йиртиқ пайпоқлар? Ричмонддан илдиз-пилдизи билан суғурилган кўзикорин эмасми мабодо? Гаров ўйнайман, ўша! Асбобим кўрғошиндан қуйилган дерди. Балки найрангдур. Биз уни Бартл-Нонхўр деб чакирардик. О сэрлар, илгари у бинойидай ҳурматли одам эди. Иштони йўқ бебағал етимча бўб кашол. Аммо етимча қочиб кетди. Этагин очиб кетди. Қаршингизда турар ташландик. Хилват жарликларда тентирайди Макинтош. Ўмаради-ю думалайди. Ёлди-ёпди қилишади. Миршаб бор жойда иш ишқал. Нимаёкан? Бугун кўмиш-пўмишга ўралашганини кўрдингми? Сен юрагимни ўртама, Полди жўра! Юм-юм кўзёш тўқдик шилта бўлиб унга чўқдик, дўстимиз Падни, шўрлик ётар қора ерда яшиқда ўзи бўлиб парчагина қошиқдай. Барча қора авом ичинда Падни эди энг яхшимиз очунда. Дунёга келибманки, ундайини кўрмадим. Tiens, tiens².

Лекин буларнинг ҳаммаси жуда қайғули, қайғули, оғайни. Э, тўкмай қуйсанг-чи, тепага чиқишда зўр бер, оласан бирингга тўққиз. Ўқи айланадиган автонинг чўзма хамирдан фарқи йўқ. Бирга қарши икки. Енатси олдида ёш боладай бурнини тортади. Жапанларми? Юқоридан тикка ўқ ёғдир, inyah!¹ чўқтириб юборишди, махсус ахборотда айтишди. Қрисга эмас, ўзига ёмон дейди. Вақт битди. Ўн бир киши эди. Қўзғалинг, қўзғалинг. Қинғир кирчанғилар, қимирла! Хўб. Хўб. Аллоҳ таоло бу кеча сени ўз паноҳида асрасин.

Шошма-чи! Тоза кайф бўлмиз. Қани айт-чи: полицай таёк кўтариб шай. Қувласо полицо. Ҳазир бўлинглар, бургутлар,

¹ Тўғри! (Ирл.)

² На илож, на илож (Франц.).

³ Рост! (Ирл.)

бу ерга у қусяпти. Курсок ичинда мисён, Хўппа. Яхши. Мона, вафодор муҳаббатим. Хўпа. Мона, сен ёлғиз муҳаббатим. Пам.

Эшитяпсизми? Сандукчангни сал беркит. Бўмм! Бўмм! Чироклар. Ана югуриб кетяпти. Ўт ўчирувчилар! Шотини кўтар, аравангни қайтар. Меррион-сквер орқали. Кесиб ўтамиз. Бўмм! Кетдикми? Сиз-чи, қола? Сакрат, чоптир, ким олдин. Бўўмм!

Линч! Хўш? Кел ёнимга. Мана бу ёкка, Дензил-лейнга — Байт Латафда¹ тушамиз. Ойимқиз айтдики, биз икковимиз зўр ишратхона топамиз, кутиб олар унда жонона Мэри. Мен нима, бир дилкаш одам. *Laetabuntur in cubilibus suis*² Сен қаердасан? Қуриб кетсин, менинг қулоғимга айт, ким анов қора кийган мажзуб? Тишш! Нурга қарши гуноҳ қилди ва энди дунёни у ўт бирлан тергаш учун келадиган кун яқин. Бўмм! *Ut implerentur scripturae*³. Анов байт эсингдами, айт. Шунда табиб Дик ўз ҳамкасби Дэвига деди. Тухумлар Худога яқин, бу яна қандай ахлат, Мерион-Холлдаги анов бачки инглиз даъватчи? Илиё келур! Қўзи конига бўялиб. Ҳаммаларингиз келингизлар, майпарастлар, пивопарастлар, жинпарастлар баринг тапнакомлар! Ҳаммаларингиз келингизлар итқулоқлар, ҳўкизтуёқлар, қўнғизпешана, пашшабош, чўқкатумшуқ, тулкикўзлар, қартабозлар, валақлаган маҳмадоналар ва бошқа барча қаланғи-қасанғилар! Келингизлар одамзоднинг энг сара пасткашлари, тубанларнинг тубанлари! Бу мен, Александр Ж. Масихо Дауи, мен Сан-Францискодан то Владивостокка қадар сайёрамининг улкан бир қисмини халоскорлик сари бошлаб келгандирман. Худо сизга ўйин сандиғи эмас, ваъдани катта қилиб, сўнг бошмалдоғини кисиб кўрсатадиган. Сизга айтар гапим шуки, Худо бу ҳайратомуз бизнес, олди-берди ва ҳаммаси ҳалолидан. У энг улуғ асоби сабабдирки, мунини миянгиизга қуйиб олингиз. Ва ҳаммамиз бир бўлиб қичқирайлик: Халоскоримиз Исо-Масиходир, у подшоҳдир. Эй, журм қилган, сен эрта сахарлаб тур, оҳ жуда эрта ўрнингдан қўзғал, агар Қодир Худони ийдирмоқчи бўлсанг, эрта тур. Блум! Нима бўлипти. Сенга, ошнам, унинг чалворининг орқа чўнтагида йўталга қарши бир дори ғамлаб қўйилганки, зумда дардингни олади. Тезроқ олу ичиб кўр.

¹ Фоҳишахона дейилмоқчи (тарж.).

² Ўз тушакларида роҳатланур (лот.).

³ Битиклар сўзи рост чиқсин деб (лот.).

15-ВОҚЕА

Тунги шаҳарга Мэббот-стрит томондан кириш. Олисроқ-да трамвай айланаси, излар нақ ернинг ўзига ётқизилган, қизил ва кўк липирлаган чироқлар хатарнинг белгилари. Ис босган қора уйлар, эшиклари валангар очиқ. Фонуслар сийрак, уларнинг ойналарида аланга пилпиллайди. Рабайоттининг муз гондоласи турибди, унинг атрофида ориқ суриқ рангар эр хотин кишилар. Устига асал ва лавлагининг оқ кукуни сепилган вафлиларни талашиб-тортишиб олишадилар. Аста уларни шимийдилар ва секин тарқаладилар. Болалар. Гондоланинг оққуш тожи юксакка бўй чўзиб кеча зимистонини ёриб ўтади ва маёқ шуьлаларида оқ ва мовий тусда порлайди. Ҳуштак овозлари бир бирига акс садо бериб жаранглаб чорлайди.

Чорлов. Тўхта, шириним, сенда ишим бор.

Акс садо. Орқа томонда, отхона ортида

Кўзининг соққаси ирғиб чиққан гунг телба лаблари осилиб тушган оғзидан сўлагини оқизиб қийтанглайди, диринглайди ва ража тутгандай.

Болалар **Kithogue!** Яхшимисан!

Телба (қалтироқ чап қулини кўтаради, гўнғиллайди). Апахухэ!

Болалар. Қайда қайда ёруғ ёрийди?

Телба (сўлакайлари оқиб сачраб).

Апахухэ-хэ.

Болалар телбани ўз ҳолига қўядилар. У қийшанглаб нари кетади. Четанлар ўртасида тортилган арқон арғамчида митти-пакана учиб, овозини чиқариб санаб беради. Ахлатхонада аллаким қўли ва бўрки билан узини тўсиб чўзилиб ётади; у хўр-хўр хуррак отади, ағдарилади, ўхрайди, тишларини вижирла-

¹ Чапақай! (Ирл.)

тади ва яна хуррак тортади. Ахлат титаётган пакана зина устига чиқиб йиққан латта путта, эски-тускисини қонга жойлаб орқаламоқчи бўлиб туради. Унинг олдида қари шумкамтир мойчироқни тутатиб пакананинг қопига яна битта шишани тиқишга уринади. Пакана улжасини орқалаб, бошига қалповини қийшиқ ўрнатиб, индамай жунаб қолади. Шумкамтир чирөөини ликиллатиб ўз қўналғасига тиқилади. Остонада ўтирган ориқ ипириқ бола қовоз коптогини қорнига босганча унинг орқасидан ёнламасига сакраб-сакраб боради, этагидан тутади ва тик оёқда туради. Маст фабрика ишчиси гандираклаб икки қўли билан четанга ёпишади. Муюлишда гавдали икки соқчи ёмғирпўшда қўлларини тўқмоқларидан олмай туришади. Қаердадир чинни синади; хотин киши чинқиради; бола ҳиқиллайди. Эркак киши бақириб сўкинади, тарақа-туруқ қилади, кейин шовқини босиб, жим бўлади. Соялар сирғалади, уеринча шўнғийди, ўралардан бош кутаради. Кулба ичида шишага тиқилган шам ёруғида жувон сепкил босган боланинг бошини қазвоқдан тозалайди. Ич кўчадан Сисси Кэффрининг ёш ўткир овози эшитилади.

Сисси Кэффри.

Дастурхон устида чакқон
Моллига атаб шу он
Қоз оёғин бергайман
Эҳ, ғоз оёғини.

Оддий аскар Карр билан оддий аскар Комптон таёқларини қўлтиққа қистириб, қоқилиб-суқилиб судралишади, кейин баро бар ўгирилишиб, баробар бўрсиллатиб ел чиқаришади. Ичкўчадан эркак кулгиси эшитилади. Хўппа семиз акабачча уларни сўкади.

Акабачча. Хўппоз чиксин, ўсироқлар. Каванадаги кизнинг белига худо қувват берсин.

Сисси Кэффри. Омадим келди. Каван, Кутхилл, Белторбет. (Ашула айтади.)

Курпа ичида чакқон
Неллига атаб шу он
Ғоз оёғин бергайман
Эҳ, ғоз оёғини.

Оддий аскар Карр билан оддий аскар Комптон орқаларига қараб сўқинишади, хира фонус шуъласида уларнинг мундирлари қип қизил қон рангида кўринади, қирдирилган оқ-сарик бошлари бош кийим тагида қораяди. Стивен Дедал билан Линч қизил мундирлилар яқинида одамлар ичидан ўтиб боришади.

Оддий аскар Комптон (бармоғини нуқиб). Аъламга йўл беринг.

Оддий аскар Карр (ўгирилиб чақиради). Хе-ей, аълам! Сисси Кэффри (унинг овози баландлайди).

Дарровгина кўнар у
Фоз оёғин бирпасда
Кор жойига сунар у.

Стивен чап қўлида тутган шумтол таёғини силкитиб ўйнаб ҳайит маросимининг кириш қўшиғини шод-хуррам хиргойи қилади. Линч бошидаги чавандозлар қалмоғини пешонасига бостирганча унга масхараомуз норози қиёфада эргашади.

Стивен. *Vidi aguam egredientem de templa a latere dextro. Alleluia*¹.

Эшикдан қари қўшмачининг оч синган ёўлатишлари кўринади.

Қўшмачи (хириллаб шипшийдди). Тшш!

Буёкка кел, гапим бор. Бу ерда пардаси тешилмаган моҳпайкар бор. Фақат жим-м!

Стивен (*altius aliquidantum*). *Et omnes ad quos pervenit aqua ista*².

Қўшмачи (уларнинг орқасидан заҳарханда қилиб тунуриб). Тринитилик тирриқлар. Қувури бузуқлар. Чўнтагида ҳемири йўк, ғўдайган.

Эди Бордмен бурнини тортиб Берта Сапл ёнида ўтиради, тумшугини рўмол билан елпийди.

Эди Бордмен (аччиқ қилиб). Анув-чи, менга нима дейди, сени кўчада хушторинг билан кўрдим, дейди, анов-чи, ялтоқи-шалтоқи, бошига юр тушакка ётамиз нусхасидаги шляпа кийган. Қўйсанг-чи, шу гапни, дедим унга. Кимнинг сигири мўнграяпти ўзи дедим. Мени ҳали фоҳишахонада уйли-жойли шотланд эр-

¹ Эҳромнинг ўнг ёғидан жорий бўлмиш сувни кўрдим. Салламно (*лот*).

² (бироз баланд овозда). Кимни босди ўша оқим сув (*лот*).

как билан ҳали ҳеч ким тутиб олганича йўқ. Шундай дедим унга. Вой, савил! Чақимчилик ҳам қилади. Эшакдай қайсар! Яна бир-варакай иккита йигит билан юрганини айтмайсанми.

Стивен (*triumphaliter*). *Salvi facti sunt*¹.

У шумтол таёғини силкитиб, фонус шуъласини чайқалти ради, дунё узра ёруғликни ёради. Оқ қизғиш ит унинг орқасидан тўқиниб бориб, ириллайди, Линч уни тепиб ҳайдайди.

Линч. Хўп, нима бўпти?

Стивен (*атрофга қараб*). Гап шундаки, баайни ишора, ҳа, музика эмас, ҳидлармас, баайни ишора универсал тил бўлиши мумкин эди, бу тилларнинг шундай бир тухфасики, у одми маънони эмас, айни илк энтеллеҳияни, тартибий ритмни кўзга кўринарли намоён қилади.

Линч. Порнософик филотеология. Мекленбург-стрит кучасининг фалсафаси. Метафизика! Тасаввуф!

Стивен. Шекспир ўжар хотиннинг зулми остида яшарди. Суқротни унинг мегажини чўқилаб ташлади. Ҳатто донолар доноси Стагирийни палончи жонон маҳкам ушлаб, жиловлаб, эгар уриб мулойим қилиб қўйди.

Линч. Э-воҳ!

Стивен. Қандай бўлганда ҳам, ким бир бурда нон билан кўзани тасвирловчи икки ишорани истайди? Мана шу ҳаракат, бўлак нон ҳамда кўзани тасвирга олади, бу Умар Хайёмдаги нон ва кўзанинг худди ўзи. Таёкни ушлаб тур.

Линч. Жонга тегди бу сариқ таёк. Яхшиси айт, қаёққа кетяпмиз?

Стивен. Жоржина Жонсон олдига, *La belle dame sans merci*² ҳузурига, *ad deam qui Laetificat iuventutem meam*³, о фаҳш линкс⁴.

Унга таёқни зўрлаб тутқизиб, бошини орқага ташлайди, қўлларини чўзиб қулочини кенг ёзади, кесма сатҳ бўйлаб кафтлар пастга қаратилган, бармоқлар сал-пал очик, чап қўл баландроқда.

Линч. Хўш, қани бу ерда кўза билан нон? Бари бир гур. Нима бу, нима ҳов божхонами. Тасвирла, тасвирла. Қўлтиқтаёғинг ўзингга буюрсин, юр энди.

¹ (*Тантанавор*). Қутқариб олинди (*лот*).

² Бераҳм гўзал хоним (*франц.*).

³ Ёшлигимни шод-хуррам айлагувчи илоҳага (*лот.*).

⁴ Сиртлон (*лот.*).

Улар яна йулга тушадилар. Томми Кэффри чўккалаб фонус устунни олдига келади, уни қучоқлаб майда сакраб юқорига сирғалади. Энг тепага чиққач, пастга сирғалиб тушади. Жеки Кэффри юқорига чиқмоқчи бўлиб устунни қучоқлайди. Нариги томонда фонусга фабрика ишчиси гандираклаб мункайиб яқинлашади. Эгизаклар қоронғига қочишади. Ишчи гандираклаганча бурнининг бир ёғини бармоғи билан босиб қаттиқ мишқиради. Кейин у фонус устунини елкасига ортади да, оғир қадамлар ташлаб издиҳом оралаб чироқни кўтариб боради. Дарё томондан оҳиста туман таралади. Кўлмаклардан, уралар, оқава ариқлар, ахлатхона ва кирхоналардан сассиқ уфунат ёйилади. Дарёбошидан анча жанубда аллақайларда тонг ёғдуси оқаради. Ишчи оломон ўртасидан трамвай айланасига қараб маст чайқалиб боради. Олисда темир йўл кўприги остидан Блум кўринадди, у қизариб кетган, ҳарсиллайди, чўнтакларига нон ва шоколадларни тиқиштиради. Гиллен сартарошхонаси ойнасида у қаҳрамон Нелсоннинг суратини томоша қилади. Ён томондаги қабарик ойналар унга муҳаббатда шўрпешона сомондай сарғайган тутутумшайган Буфлуффумни намоён этади. Вазмин Гладстон унга сен қандайсан ўзи дегандай тик боқади. Блум Веллингтоннинг қаҳрли ўтқир нигоҳидан қунишиб нари кетади, қабарик кўзгуда сал ўтмай унинг лабларида кесатик аччиқ пичинг ўйнагани кўзга ташланади, хўпна семиз икки юзи лўппи лўппи болакай Полдининг чўчқача кўзлари яна жонланади. Блум Антонио Рабайотти зшигида тўхтайдди, симчироқнинг ёрқин ёруғида ундан оқаётган тер томчилари ялтирайди. Фойиб бўлади. Сал ўтмай яна пайдо бўлиб, йўлида давом этади.

Блум. Картишкали балиқ. Бўлмайди. А-ҳа!

Чўчқа гўшти дуконининг пардасини кутариб ичкарига кириб кетади. Кўп ўтмай парда ортидан пишиллаган Полди, адашган Блум шўнеиб чиқади. У ҳар бир қўлида биттадан туғунчак кутариб олган, бирида — чўқанинг ҳали иссиқ сон гўшти, иккинчисида — қўйнинг совуқ оёғи, унга майдаланмаган қаламтир сепилган. У пихиллаб тўхтайдди. Ёнбошига энкаядди, туғунчани биқинига босади, хирқирайдди.

Блум. Оҳ, биқиним санчяпти. Нима мен худди ит қувлагандай?

У тин олиб, ўзини ўнглагач, аста ёруғ тушиб турган трамвай изи томон одимлайди.

Блум. Бу нима бало? Ўт чақнааяпти. Катта чироқми?
Кормак олдида тўхтаб, аланг-жаланг қарайди.

Блум. Шимол ёғдусими? Ё пулат қуйишяптими? Э-ҳа, ўт
ўчирувчилар ўтишди-ку. Қаранг-а, жануб ёқда. Анча ёняпти. Бал-
ки унинг уйи бўлса-чи. Беггарс-буш томонда. Бизга хавфи йўқ.
(*Бардам хиргойи қилади*). Лондон, бутун Лондон ёняпти, ҳой одам-
лар, югуринглар! (*Талбот-стритнинг охирида оломон ичидан тур-
тиниб келаётган фабрика ишчисига кўзи тушади.*) Бунақада уни
кўролмаيمان. Чопдик. Тез. Яхшиси, бу ердан ўтаман.

*Кўчани кесиб югуради. Болаларнинг қичқирганлари эшити-
лади.*

Болалар. Ҳей, мистер, кўзинг қаёқда?

*Икки велосипед минган унинг ёнидан гизиллаб ўтишади, қозоқ
чироқлари чайқалади, қўнғироқлари жиринг жиринглайди.*

Қўнғироқлар. Қоч-қоч-қо-оч!

Блум (*кутилмаган оёриқдан тахтадай қотади*). Охҳ!

*Атрофга аланглаб қараб, кескин олдинга интилади. Қалин
қуюла бошлаган туман ичида унга пусганча аждаҳодай қум се-
пувчи машина кичик тезликда яқинлашади, тепасида катта
қизил чироғи литирлайди, чироқнинг сим ёйи вишиллаб, қисир-
лаб учқун сочади. Ҳайдовчи қўнғироқ тугмасини босади.*

Бонг. Динг-донг. Тар тур. Бум Булум.

*Тормоз зўр бериб ғачирлайди. Блум полисменларнинг оқ қўлқо-
пидаги қўлини кўтариб, излардан тезроқ ўтиб олмоқчи бўла-
ди, лекин кутилмаганда, оёқлари унга бўйсунмайди. Симлар,
ускуналар билан қуршалган ҳайдовчи олдидаги рул чамбарагига
чўччайган бурни билан урилади, жангир жунгир ўтиб кетар-
кан, бўхиради.*

Ҳайдовчи. Ҳов, онангни... тиррақи. Нима п... еяпсан бу
ерда?

Блум (*четга чиқиб, яна тўхтаб туради. Чўчқа гушти
кўтарган қўли билан юзига сачраган лойни артади*).

Ўтиб бўлмайди-я. Сал қолди босиб кетишига, аммо биқиним
санчгани ўтиб кетди. Яна Сэндоу услуги билан жисмоний машқ-
лар қилсам тузук эди. Қўлни ерга тираб оёқни тик кўтариш.
Кўчада бахтсиз ҳодисага суғурта тўлдириш. Провиденшелда.
(*Шимининг чўнтагини пайпаслайди.*) Шўрлик онамнинг тумо-
ри. Трамвай йўлида пошна тиқилиб қолиши мумкин, туфли
боғичи филдиракка илашиб қолиши ҳеч гапмас. Бир марта қора

қарға чоригимни гилдирак бостириб ўтган. Леонарднинг муюлишида эди. Учинчи марта омадим келиши. Тиррақи эмиш. Коски. Шикоят қилсак бўларди. Хайдовчилар зўриқиб асаблари ишдан чиқади. Эрталаб кўзимдан ойимқизни тўсган шу бўлса керак. Гўзалликнинг ўша нухаси. Аммо чакқонлик қилдим. Оёғим чалкашиб кетгани-чи. Ҳар бир ҳазилда ҳақиқат уруғи. Лэд-лейндаги анов расво оқава. Ёкмайдиган бир нима едим, шекилли. Омадсизликка йўйишади. Нега бўлсайкин? Балки гўшт чатокдир. Ҳайвон белгиси. (*Бир зум кўзларини юмади*). Негадир бош айланяпти. Ҳар ой сурункали бош оғриғи ё бошқа бир нарса таъсир қилади. Миям ичида туман. Жуда чарчадим. Ортиқ чидолмайман. Вой!

О'Бейри дўкони ёнида деворга суюниб бир мудҳиш гавда оёқларини чалкаштириб туради, башараси нотаниш, қора симоб билан тирналган. Кенг айвонли сомбреро шляпаси остидан унга ёвқараш қилиб хўмраяди.

Блум. *Buenas noches, senorita Blanca, que calle es esta?*¹

Гавда (қўл билан ишора қилиб, қуруқ овозда дейди). Парол. Срод Мэббот.

Блум. Аҳа. Мерси. Эсперанто. *Slan leath.* (*четга қараб.*) Гэл лигаси жосуси, анов ўлимса ҳазилкаш жўнатган.

Блум яна илгарилайди. Йўлини латта-путта кўтарган рўда по тўсади. Блум ўзини чапга олади, рўдапо ҳам чапга.

Блум. Ўтиб кетай.

Рўдаподан четланади, ёнлаб ўтади, яна илгарилайди.

Блум. Ўнгга, ўнгга, ўнгга қараб юр. Агар Стэпсайдда Турклуб йўл кўрсатувчи белги ўрнатган бўлса, бу яхши ишга ким сабаб бўлди? Мен туфайли бўлди бу иш, адашиб қолувдим, кейин «Ирландия велосипедчиси»да «стэпсайд чангалзориди» деб мақола ёздим. Ўнг, ўнг, ўнгдан юр. Рўдапо, Тун оққанда калонпо. Нима бало, деворми? Қотил қадам ранжида қиладиган биринчи жой шу. Фоний дунё гуноҳларини ювиш.

Томми Кэффрини қувиб келаётган Жекки Кэффри Блумга қаттиқ урилиб кетади.

Блум. Оҳ-ҳ!

Оёғи заиф Блум чайқалиб тўхтабди. Томми билан Жекки ғойиб бўлишади, Блум қўй гўшти кўтарган қўли билан пул ҳамён

¹ Хайрли оқшом, сеньорита Бланка, бу кўчанинг номи нима? (*Исп.*)

солинган чўнтагига уриб қўяди, соат солиб юриладиган киссасини қарайди, қўйин чўнтагини кўради, нозик лўкидонни атрофи ҳамда картишка совун турган чўнтагини пайпаслайди.

Блум. Киссавурлардан эҳтиёт шарт. Буларнинг эски усули шу. Сенга келиб урилиб, чўнтагингни кесиб кетади.

Атрофда дайди ит кезади, тумшугини ерга эгиб искаланади. Ноаён мубҳам гавда акса уради. Соқолдор қадди букчайган чол пайдо бўлади, устида Сион оқсоқоллари киядиган кенг узун этакли камзул, бошида олча попукли кук жухуд дўппи. Муғуз кўзойнаги бурни учига осилиб тушган. Заҳил юзида оғунинг сарғиш доғлари.

Рудолф. Яна акчани бекор сарфлаб келдингми. Бир кунда икки марта-я. Аммо сенга айтувдим: ҳеч қачон маст гойимлар билан юрма деб. Э? Сен бу аҳволда пул жамғара олмайсан.

Блум (*бошини солинтириб, орқасига қўлидаги тугунларни яшириб, елкасида чўчқанинг иссиғи ва қўйининг совуғини ҳис қилиб туради*). Ja, ich weiss, papachi¹.

Рудолф. Бундай жойда нима қилиб юрибсан? Ё сенинг юрагинг йўқми? (*Қалтираган бармоқлар. Блумнинг тумсайган юзини пайпалайди.*) Ғки сен менинг ўғлим эмасмисан, Леополд ўғли Леополд? Ё сен ўз ота маконини ташлаб кетган, аждод-аболари Авраам ва Иаковнинг ягона илоҳини қолдириб ёт элларга келган менинг азиз ўғлоним Леополдмасмисан?

Блум (*оҳиста*). Худди шундай, отажон. Мозентал. Ундан қолган-қутқани.

Рудолф (*қаҳрли, хўмрайиб*). Ҳар нечук бир куни сени уйга маст ҳолда ташлаб кетдилар, барча пулларингни харжлаб бўлган экансан. Пул яхши. Анов йигитчалар югуриб юришибди, улар ким?

Блум (*чиройли мовий Оксфорд костюмини кийган елкаси тор йигитча, нимчаси оқшошиялар ўтказиб тикилган, бошида жигарранг Тирол шляпаси, ёнида «Шаҳзода Алберт» деган қўшалоқ зан жирли, муҳрли ва осма кафғирли соф кумушдан ясалган Уотер бери соати. Костюмнинг бир томони ифлосланган, ифлоси қурий бошлаган*). Кроссменлар, ота. Бу бир мартагина холос.

Рудолф. Бир марта эмиш. Бошдан-оёқ лойга ботибсан. Қўлингни кесибсан. Тутқаноқ. Улар сени охири адоий тамом қилажак, Леополдлебен. Сен эҳтиёт бўл бу йигитчаларга.

¹ Ҳа, дода, биламан (*идиш*).

Блум (*ишончсиз*). Улар мени узоқ масофага югуришга кундиришди. Йул лой эди, мен беҳос сирғаниб йиқилдим.

Рудолф (*ижирғаниб*). *Goim pachez!* Онанг сени шундок курса нима дерди!

Блум. Ойи!

Элин Блум (*бошида худди халқ ўйинларидаги хонимойим каби тилла ипли шамшура рўмол ташлаган, от ёлидан туқилган Кринолин матосидан кўйлак кийган ва худди Твэнки бевасидай турнурда, елкасида тугмачали калта блуза кўйлак, енглари фонус каби кенг, кўкиш қўлқонда, қабарик яшим тоши; сочларини тўр билан ўраган. Хонимойим пиллапоя тепасидаги сахнчада қўлида шамдонни қийшиқ тутганча пайдо бўлади, қўрқиб қичқириб юборади*). Вой, раҳмдил Худойим, уни не кўйга солдилар! Менинг тузларим! (*Этакларини кўтариб, йул-йул ички кўйлагининг чўнтақларини апил-тапил кавлаштиришга тушади. Чўнтақдан мўъжаз шишача. Тангри қурбонлиги сурати туширилган тамга, буришган картмишка ва йилтироқ қовоз қўғирчоқлар чиқади.*) Вой азиз Биби Марям, эҳ оҳ, қайда, қайда эдинг, болам?

Блум нималарнидир гўлдираб кўзларини ерга тикканча тугунчаларини чўнтақларига тиқиштиришга уринади, бусиз ҳамлиқ тўла чўнтақларга бошқа ҳеч нарса сиғмайди, шу аҳволда гўнг-гўнг қилганча серрайиб туради.

Овоз (*кескин*). Полди!

Блум. Ким бу? (*Бошини эгиб, зарбадан узини базур олиб қочади.*) Хизмат?

У кўзларини кўтаради. Сароб янглив палмалар кўкка буй чўзган, улар олдида малаксиймо бир қиз турк гўзали либосида кўринади. Тилла ип билан тикилган кўйлак, қирмизи алвон шалвор узра бўлиқ лобар қадди-қомати тирсиллайди. Белини кенг каҳрабо шол билан сиқиб ўраган. Кеча қоронғисида нимтатир кўзга ташланган оқ чодраси юзини ёпади, фақат катта-катта қора кўзлари-ю қарға қанотидай тим сиёҳ сочларигина очиқ.

Блум. Молли!

Мэрион. Йўғ-эй? Шу кундан эътиборан, олтиним, мени энди миссис Мэрион деб чақирасан. (*Кулиб.*) Бизнинг бечора эримиз кўп сайр-томоша қилиб оёқларини шамоллатиб қўмадилармикин?

¹ Гойимнинг бахти (*идиш*).

Блум (оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб). Йўқ-йўқ.
Ҳеч ундай эмас.

У ҳавони ҳаприқиб симириб, чуқур нафас олади, ҳаяжони
жўш уради, у сўроқланади, умидланади, мана, сизга кечки ов-
қатга чўчка сонини олиб келдим, дейди, сизга шунчалар кўп
нарсаларни айтишим керак, мени маъзур тутинг, сизнинг сўзла-
рингизни тинглашни истайман, дейди, жўшиб ўзини қаерга
қўйишни билмайди. Онасининг манглайида танга ярқирайди,
оёғининг бармоқларига қимматбаҳо тақинчоқлар тақилган.
Тўпиғига нафис халхол ўтказилган. Унинг калласига баланд
қилиб салла ўралган туя, белида эгар ва кажава, кажавадан
пастга кўп пиллапояли ипак чизимча осилиб туради. Туя кўкси-
даги ёлларини силкитиб безовталанади. Хонимойим туянинг
сағрисиغا норози бўлгандай уриб-уриб қўяди, шунда билакла-
ридаги билагузуклари, тақинчоқлари майин ва зардали жиринг-
лайди. Хонима туяни ҳабашчасига уришади.

Мэрион. Nebrakada! Feminimum.

Туя олдинги икки оёғини кўтариб дарахт шохидан катта
анбаҳ мевасини узиб олиб, туёқлари орасида қисиб, хонимойим
га тутади, кўзларини пирпиратади. Кейин калласини қуйи эгиб,
бўйинини букиб пирқираб-пирқираб тиз чўкишга уринади. Блум
етти букилиб, тепки ўйини ўйнаётгандай орқасини тутади.

Блум. Мен сизга... Сизга меменежер бўлиб... Миссис Мэри-
он... мабодо сиз...

Мэрион. Ўзгаришни сездингми ишқилиб? (Безак тақин-
чоқлар билан безатилган белини оҳиста силайди. Майин маҳ-
рамона илжаяди.) Эҳ, Полди-Молди тўнкасан-да, тўнка йўнил-
маган! Сен ҳаётни кўришинг керак. Дунёни кезсанг кошкийди.

Блум. Доим анов лосйонни олиб келаман дейман, қаҳрабо
тусли мум. Пайшанба куни эрта ёпилади. Мен эрта эртаминан
биринчи галда шуни қиламан.

(Чўнтагини тапиллатиб уради.)

Бу адашган буйрак. А!

У жанубни, сўнг шарқни кўрсатади. Янгигина, тозагина
лимон совунининг олқиндиси кўкка кўтарилади, ўзидан ёғду ва
муаттар ҳидлар таратади.

Совун.

Мен ва Блум, кўринг, ҳаммадан
ҳам биз муҳим:

Ерни у ёритади, кўкда эса
мен муқим.

Қуёшнинг кунгурасида баққол Свени деганнинг сепкил босган юзи намоеън булади.

Свени. Учу бир пенни, олинг, мархамат.

Блум. Хўп-хўп. Бу рафиқам, миссис Мэрионга. Махсус тайинлаган.

Молли (*эркалаб*). Полди!

Блум. Лаббай, нима дейсиз, ойим?

Молли. *Ti trema un poco ilcuore?*¹

Лаббини буриб нари кетади, момикдай кўпчиган тошган бадани кийимидан ошган одамнинг шавқини келтириб майда одим отиб, «Дон Жуан»дан лапар айтиб боради.

Блум. Лекин анов *Voglio* деганингизга ишончингиз комилми? Мен айтмоқчиманки, талаффузи...

Унинг изидан искаланиб лайча уради. Қари қўшмачи Блумнинг энгидан ушлайди, унинг холи устидаги муълари йилтирайди.

Қўшмачи. Ўн шиллинг. Тепилмаган. Диркиллаган, ҳали ҳеч кимнинг қули тегмаган. Ўн беш. Ҳеч кими йўқ, ёлғиз отаси, тушак тишлаб ётибди.

Қули билан кўрсатади. Ичи қоронғи кулбасининг қия очилган эшигида ёмғирда ивиган Брайди Келли тортинибгина туради.

Брайди. Хэтч-стрит. Балки, бирон нима хоҳларсиз?

У оҳ-воҳ қилиб, шол рўмолини худди кўршапалак қаноти дай силкитиб қочиб кетади. Катта қўпол этик кийган барзанги унинг ортидан югуради. Зинага қоқилиб мункийди, кейин туриб зулмат қўйнида йўқолади. Аранг қаранг кулги эшитилади, кейин жимлик чўқади.

Қўшмачи (*унинг кўзлари бўридай ёнади*). Вой, бунинг қилиғини қаранг. Ҳей, менга қара, сен олифта бошқа ерда бунақа қизни тополмайсан. Ўн шиллингга-я. Мунча кўп бошингни қашийсан, қўлга тушиб қоламиз. Э, анави олтмиш еттидан бир қанжик.

Кўзларини мулойим сузиб Блумга Гертти Макдауэлл яқинлашади. Нозли ҳаракатлар қилиб кўзи билан моҳпора ерга боқиб орқасидан қонга беланган ичкиймларини чиқариб кўрсатади.

¹ Юрагинг аста калтирайдими? (*Итал.*)

Герти. Ер юзидаги бор бисотимни сенга ишониб топшираман охир сен (*Овозини пасайтириб*). Буни сиз қилдингиз. Ох, сизни кўргани кўзим йўқ.

Блум. Менми? Қачон? Тушингизга киргандир. Сизни биринчи марта кўриб турибман.

Кўшмачи. Қани, нари тур, фирибгар, жентлменнинг йўлини тўсма. Йигитларга алдам-қалдам хатлар ёзади. Куча четида йўлдан уради. Онанг бошлаб саваламабди-да, а, ҳой, афтинг курсин, суюғоёк.

Герти (*Блумга*). Сиз оёғимнинг орасидаги бор сирларимни кўриб олдингиз. (*Унинг енгини силаб, инграйди*). Уйланган шўрлик! Мени шундай қилганинг учун сени севаман.

Қиз ёнлаб сурилиб оқсоқлана нари кетади. Катта тош кўчанинг ўртасида чўнтаклари йирик йирик эркакча фриз пальто кийган миссис Брин туради. Унинг кўзлари катта-катта очилган, нигоҳида тубсиз маккорлик акс этади, оғзини очиб қулган да барча майсачайнар эчкинамо тишлари кўзга ташланади.

Миссис Брин. Мистер...

Блум (*вазмин йўталиб қўйиб*).

Хоним, биз ўзимизнинг ун олтинчидаги охирги ёзишмамизда шундай хулосага келган эдикки...

Миссис Брин. Мистер Блум! Сиз бу учига чиққан фаҳш уясида! Ҳа-ха, кўлга тушдингиз-ку! Вой, бу ярамасни қаранглар!

Блум (*шоша-пиша*). Бундай қаттиқ чақирманг. Нима деб ўйладингиз? Мени шарманда қилманг. Деворнинг қулоғи бор. Ишларингиз яхшими? Қанча замонлар бўлди кўришмаганимизга. Жуда чиройли бўлиб кетибсиз. Қандай яхши. Об-ҳаволар мавсумга яраша. Қора ранг иссиқни ўтказади. Биласизми, мен уйга шу томондан қисқарок деб кетаётгандим. Қизик жойлар. Мария Магдалина хонақоси, йўлдан озган хотинларни халос этиш. Мен котибман...

Миссис Брин (*бармогини норози бўлиб силкитади*). Кўйинг, кўйинг, бичиб тўқиманг! Биламан, бу ишлар ёқмай-диган одамни. Шошмай туринг ҳали, ҳаммасини Моллига айтиб бераман! (*маккорона*.) Хуллас, ҳозирнинг ўзида ё тўла ҳисоб берасиз ё ўлдим деяверинг!

Блум (*орқасига қараб қўйиб*). У кўргим келади, деб кўп айтарди. Худди қашшоқларнинг вайроналарига қадам ранжида қилган амалдорларга ўхшаб. Қизик кўринса керак-да. Агар бой хотин бўлганда либос кийган қора хизматкорларни сақларди.

Отелло, қора махлук. Южин Стрэттон. Ливермор ўйингоҳида ҳам ҳатто масхарабозлар қора бўлиб чиқишади. Оға-ини Боухлар. Мўркон тозаловчилардай.

Том ва Сэм Боух сакраб чиқишади, бу икки эстрада артисти оқ костюм, қип-қизил қўлқоп кийишган, самбо усулида крахмалланган кўкрак бурма тутган, ёқаларида катта қизил дастор гул қадалган. Ҳар бирининг бўйнига банжо музика асбоби осибди. Қораларга хос кичкина рангсиз қўллари тириглаган торларни тортади. Улар бир-бирларига елкама-елка туриб, бурунлари ва кўзларининг оқлари йилтираб, қўпол чориқларини дўпирлатиб, тарақа-туруққа зўр беришади, товонга бос — оёқ учи, товонга бос — оёқ учи, бирваракай тарақ туруқ, қалин, дўрдоқ лабларини чалтилатиб, чўлтилатиб чулдирашади.

Кимдир бордир уйда Динам олдида,
Кимдир бор уйимда, билдим, билдим.
Кимдир бордир уйда Динам олдида,
Эски банжосини чалаяпти-ку.

Улар ўзларининг семиз кўнгилчан башараларидан қора ниқобларини сидириб олиб ташлайдилар, тинмай сакраб, тинмай қизитиб, тинмай дўпир дўпир, тинмай тақ туқ қилиб улар кекуюка ўйинига тушадилар чуқ чуқи чуқ чириччи.

Блум (*ширин истеҳзоли кулиб*). Агар майли десангиз, бир яйрамайликми? Йўқ демайсизми агар бир зум сизни бағримга боссам — фақат бир зум, о?

Миссис Брин (*шўх-қувноқ чўчиб*). Боринг-е, шу ҳам ишми! Башарангизни кўринг, ойнага қаранг бир!

Блум. Эски пайтларни эслашиб, а? Тўрт киши бўлсак ёмонми? Икки жуфт эр хотин бирлашсак. Биласизми, сизга доим кўнглим суст кетарди (*ширин хаёлга ботиб*). Ахир кийик ҳақидаги ғазални сизга хатда ёзиб юборган мен эдим.

Миссис Брин. Вой, худойим-ей, аммо ҳозир худди лўттивозга ўхшайсиз! Кула кула ўласан (*қўлини узатади, жиддий сўроққа туттади*). Нимани беркитяпсиз боядан бери орқангизда? Яхши бола бўлиб, дарров жавоб беринг.

Блум (*бўш қўли билан унинг биллагидан ушлайди*). О, мана шу қиз Жози Пауэлл эди. Дублинда илк бора қандай чиққан эди-я! Вақт шунча тез ўтади! Ўтмишга шундоқ бир тартиб билан боқиб эслаб кўрмасмикинсиз, ўша олисда қолган янги йил

кечасини, Жоржина Симпсон янги уйга кучганини, ушанда Ирвинг Бишоп бўлиб ўйнаган эдик, бошқаларнинг нима деб ўйлаганини топган, кўзларимизни бойлаб туғноғич қидиргандик? Навбатдаги ўйинчига, қани топ, бу қутичада нима бор? — дердик.

Миссис Брин. Сиз гамгин-қувноқ қилиб шеър ўқигандингиз, ўша зиёфат кечасида ҳаммадан ўзиб кетиб биринчи бўлгандингиз. Ролни қотириб ўйновдингиз. Сизни ахир хотинлар доим яхши кўришарди.

Блум (*унак ёқачали смокинг кийган, ёқасига масонларнинг кук тамғаси қадалган, қора капалакнусха боғич ва садаф тугмалар таққан азамат йигит шампань тўлдирилган биллур қадаҳни баланд кўтаради*). Леди ва жентлменлар, мен Ирландия учун, уйимиз ва унинг гўзаллиги учун қадаҳ кутаришни таклиф этаман.

Миссис Брин. Ўша унутилмас азиз кунлар. Севгининг эски ширин қўшиғи.

Блум (*овозини маънодор пасайтириб*). Сизга айтсам, жуда кизиқиб қолдим, мисоли худди чойнакнинг ўзиман. Кимдадир нимадир ҳозир мабодо чойнак эмасми?

Миссис Брин (*зукколик билан пайрав бўлиб*). Чойнак бўлганда ҳам қандай! Мен худди Лондонга ўхшаб чойнак бўлиб турибман (*Блумни бели билан шўх туртади*). Кейин меҳмонхонада сир-сир ўйини бўлди, арчага шақилдоқлар осилди, кейин биз омеда бутаси тагида пиллапоя пастидаги ўриндиққа ўтирдик. Бизга ҳеч кимнинг кераги бўлмай қолди.

Блум (*наполеонча қизил уч қиррали, қаҳрабо яримойли шляпада, унинг қўллари қизнинг билагидан тутиб аста юмшоқ, майин, пўрсилдоқ кафтига сирғалади; қиз дилбарона изн беради*). Ҳозир тунги сеҳр-жоду пайти. Мен бу нафис қўллардан зирапчани оҳиста, авайлаб олиб ташладим. (*Қизнинг қўлига ёқут узук тақиб*) *La ci darem la mano.*

Миссис Брин (*ой ёвдусидай майин мовий ҳарир бутун бичилган бал либосида, манглайида силфиданинг йилтироқ диademаси, бал дафтарчаси мовий ой тусли шоҳи туфлича ёнида тушиб қолган. Кафтларини майин букиб, тез-тез нафас оларкан*). *Voglio e pop.* Оҳ, оловдай еняпсиз! Мени куйдириб юборасиз. Чап қўл юракка яқин.

Блум. Сиз кутилмаганда шундай қарорга келганингиздан сўнг, ҳамма бу эртакка ўхшайди деб юрди. Тасқара ва гўзал.

Йуқ, мен сизни бу учун ҳеч қачон кечиролмайман (*қўлини мушт тугиб пешонасига олиб боради*). Муни қарап-а! Сиз жону жахоним эдингиз! (*хириллаб*). Хотин киши, бу мени ўлдиради!

Денис Брин бошига оқ цилиндр қўндириб, Уиздом Хилининг реклама тахталарини кўтарганча улар ёнидан ўтади, унинг оёқларида тунги шиптак, чанг ўтирган пахмоқ соқоли олдинга туртиб чиққан, дам ўнг томон, дам сўлга қараб нималарни дир аудранади, чиллик туз тусида кийинган буз болакай Олф Берген унинг орқасидан изма из юриб, қадам босишига тақлид қилади ва азбаройи кулгисининг зўридан ёрилиб ўлай дейди.

Олф Берген (*масхара қилиб реклама тахтасини туртади*). К.К. Ку-ку.

Миссис Брин (*Блумга*). Пастда тортишиб фанта ўйнашарди (*айёрона нигоҳ отади*). Аммо сиз нега менинг кафтимни ўпиб қўймадингиз, ҳаммаси ўтиб кетарди? Сиз ахир хоҳлаб турган эдингиз-ку.

Блум (*таажжубда*). Яна Моллининг энг яхши дугонаси-я! Бунга қандай ҳаддингиз сиғади?

Миссис Брин (*унинг ширали тили лаблари орасидан чиқиб Блумга офатижон бўса ҳады этади*). Оҳ-оҳ. Бу саволингизни газетга юборинг. Анов менга совға эмасми?

Блум (*атай бепарволик билан*), шунчаки кечки овқатга. Таом. Сливи қиймаларисиз уйда қандай тирикчилик қиляпсизлар? Мен «Лия»га тушдим. Миссис Бэндмен Палмер. Шекспирнинг мафтункор ижрочиси. Эсиз, дастурини ташлаб юборибман. Шу яқин ўртада чўчка сони топиладиган ажойиб жой бор. Мана, ушлаб кўринг.

Ричи Гулдинг кўринади, унинг бошига учта хопимлар шляпаси қўндирилган, қўлида уни ёнига энкайтириб қўйган Коллис ва Уорднинг қора фирма портфели, бунинг устига оҳак билан бош чанови ва суякларнинг сурати чизилган. У портфелни очиб, ичи тўла чўчка сосискалари, юмшоқ треска, дудланган шўр балиқ ва хабдорилар солинган қутиларни кўрсатади.

Ричи. Дублиндан топса бўладиган энг яхши нарсалар.

Кал Пэт йўл чеккасида ташвишга ботган қуёнга ухшаб турибди, қўлида сочиқ, хизматга ҳозир нозир хизматкор.

Пэт (*яқинлашиб келади, қўлида қийшиқ тутган идишдан қайла оқоқоқади*). Буйракли бифштекс. Шинида пиво. Хихихи. Пэт хизматда, мижоз иззатда.

Ричи. Вой худойим-ей. Эрталабдан туз тотмадим.

Бошини солинтириб, нари кетиб боради. Фабрика ишчиси гандираклар унинг ёнидан ўтади, қўлидаги фонуснинг учи билан Ричининг биқинига туртиб юборади.

Ричи (*оериқдан қичқириб, биқинини чангаллайди*). Во-ой-вой! Биқиним! Олов!

Блум (*ишчини кўрсатиб*). Айғоқчи. Кўзига тушманг. Бемаъни издиҳомга тоқатим йўқ. Бу ерга эрмак кидириб келмадим. Аҳволим чатоқ бўлиб қолди.

Миссис Брин. Ялтоқланиш учун доим ҳар хил сабаб-баҳоналар кидириб юрасиз.

Блум. Бу ерга қандай келиб қолганимнинг кичкина бир сири бор, сизга айтиб бераман. Лекин орамизда қолсин. Моллига ҳам айтмайсиз. Бошқача бир сабаб бор-да, бу ерда.

Миссис Брин (*камоли қизиқиб*). Ҳечам, ҳечам айтмайман.

Блум. Балки бироз юрсакмикин, майлими?

Миссис Брин. Ҳа, албатта.

Кўшмачининг уринишлари бекор кетади. Блум миссис Брин билан нари юради. Лайча улар орқасидан ангиллаб, думларини ликиллатганча эргашади.

Кўшмачи. Чалавой!

Блум (*бошида кулранг котелок, эғнида кичик ёқасига тартаргул қадалган сарғиш спорт костюми, посон крем кўйлак, бўйнига Андрей хочли каттак шарф ташланган, оқ узун пайпоқ, жигарранг қизғиш башмоқ; кўксига дурбин осилган, қўлининг билагиде сарғимтир плаш*). Эсингиздами, бунга узоқ вақтлар бўлди, ёддан ҳам чиққандир. Ўшанда Миллини Эркатоё деб чақирардик, уни эндигина кўкракдан ажратган эди, ўшанда ҳаммамиз Фэрихаусдаги пойгага борганмиз.

Миссис Брин (*устиде посони жиддий жуда чиройли келишган қорамтир-мовий костюм, оқ велюр шляпа, юзига нафис тур ташлаган*). Лепардстаунда эди.

Блум. Ҳа-ҳа. Лепардстаунда. Ўшанда Молли «Сир» деган уч яшар отга қўйиб етти шиллинг ютганди. Кейин биз ҳаммамиз даккиюнусдан қолган жуда эски аравага тушиб Фоксрок орқали уйга қайтганмиз; ўшанда сиз бениҳоя малоҳатли эдингиз, бошингизда янги оқ велюр шляпа, четларига суғур мўйнаси чатилган уни сизга сотиб олишни миссис Хейнс маслаҳат берганда нархи ўн тўққиздан ўн бирга тушириб арзонлашти-

рилган деб сизни кўндирган эди, ҳолбуки ўзида бир сим бўлаги-ю велюр латтадан бошқа нарсаси ҳам йўқ эди, баҳс бойлайманки, буни атай сизни лақиллатиш учун қилган эди...

Миссис Брин. Тоза чув туширган мени, ёлғончи пишак ўлгур! Кўйинг, менга буни эслатманг! Бемаъни маслахатгўй!

Блум. Нега деганда у сизга унчалик ҳам ярашмаган эди, сизга анави жуда мўъжаз колибри пати қадалган кичкина шляпачангиз ғоят кетворганди мен ундан сира кўзимни узолмасдим о, сиз уни кийганда жуда мафтункор бўлиб кетардингиз, лекин нега деганда ўша тирноқча келадиган қушча жониворни ўлдиришганига жонингиз ачимасмиди, юрагингиз мунча қаттиқ бўлмаса, ўша бечора митти жоннинг жони ҳам лола донасидан ҳам кичикроқ келади ҳолбуки.

Миссис Брин (*унинг қўлини силаб, нозланиб*). О, рост айтасиз, мен жуда ҳам бераҳм эдим!

Блум (*оҳиста, овозини сирли тезлатиб*).

Молли эса миссис Жо Галлахернинг саватидаги гўштли сендвични иштаҳа билан ерди. Ҳақиқатини айтганда, унинг муҳлислари ҳам, бўлислари ҳам етиб ортиб ётса ҳам, унинг одатларига кўпда шайдо бўлган эмасман. У шундай эдики...

Миссис Брин. Қандайдир ҳаддан ортиқ...

Блум. Худди ўзи. Биз ферма ёнидан ўтиб кетаётганимизда Рожерс билан Таскара О'Рейли қуқувлаша бошлаганларида Молли ўзини тўхтатолмай хандон ташлаб куларди, шунда ёнимиздан чойфуруш Маркус Терциус Мозеснинг коляскаси ўтиб колди, коляскада унинг ўйинчи Мозес деб чакиришадиган қизи ҳам бор эди, қизнинг тиззасида ғоятда сипо лайча пудел кўр тўкиб ўтирар ва ўшанда сиз мендан сўрадингизки, сиз ўқиганмисиз, ё эшитганмисиз, ё кўргандирсиз, ё учратгандирсизки...

Миссис Брин (*ҳаяжонланиб*). Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа, ҳа, ҳа, ҳа.

Блум қошида турган унинг қомати ғойиб бўлади. Блум йўлини жаҳаннам дарвозаси томон, давом эттиради лайча ҳамон ингиллаб унга эргашади. Бир дарвоза олдида хотин киши тик турганча чатаногини йириб, олдинга энкайиб худди сигирга ўхшаб пешоб бўшатади. Эшиги ёпиқ қовоқхона олдида ўйнагани кўчага чиққан устазодалар бурни пачақ бўлган устанни ўраб туришади, уста томогини қириб, хириллаб уларга қандайдир бир масални ҳикоя қилиб бермоқда, ҳазил ҳузил гапириб шогирдларнинг димогини чоғламоқда. Иккита қўлсиз киши ордан ажраб чиқиб, бир-бирлари билан кураш тушиб, ағнаб, думалаб, масхарабозлик қиладилар, вагирлайдилар.

Уста (*букчайиб, манқаланади*). Шу денг Керне кўчада ёғоч устидан тушиб денг, нима қилди денг, кўча четида сувочилар бир челақ тўлдириб пиво қўйишган экан, тўғри бориб шу челаққа ўтириб қисталанг ишини бажарибди денг.

Устазодалар (*бўридай оғизларини катта очиб хахолаб куладилар*).

Хо-хо, э, ўла!

Уларнинг бўёқ чапланган қалтоқлари чайқалади. Майиб маж руҳлар уст бошларига кулбаларининг оҳак, елимлари сачраган қўйи уста теварагида сакрашиб, шўхлик қилиб ўйнашадилар.

Блум. Яна ўша гап. Улар буни кулгили деб ўйлашади. Шуям кулги бўлди-ю. Куппа-кундузи-я. Етиб олишга уриндим. Яхшиям, хотинлар йўқ эди.

Устазодалар. Қўйишини қаранг, падарлаънат, Бўшаштириб юборди. Пивога чўкиб ўлгур!

Блум йўлини давом эттиради. Рўмол ўраган, баъзилари боши очик фоҳишалар жуфт-жуфт бўлиб ё ёлғиз ўзлари барча ичкучалар, эшиклар, муюлишларда туриб одам чақирадилар.

Фоҳишалар

Жўра, бизга бир қара,
Қозиғинг бўлмас яра.
Борми сенда бир гугурт?
Турғиз десанг, турғизай.

Блум уларнинг кулбалари оралаб нарида кўриниб турган ёруе кўчага қараб юради. Дераза пардасини туртиб граммфоннинг пачақ мис бўйни чиқиб туради. Чеккароқда хуфя қовоқхонанинг бекачи фабрика ишчиси ва икки аскар бола билан гаплашади.

Фабрика ишчиси (*кекириб*). Қани қаерда ўша ярамас уй?

Бекач. Пердон-стрит. Бир шиша арақ — бир шиллинг. Мен ҳалол хотинман.

Фабрика ишчиси (*Аскарларни ёқасидан ушлаб олиб, гандираклаганча улар билан бирга ўрнидан жилади*).

Британия қўшинлари, олға!

Оддий аскар Карр (*унинг орқасидан*) Ўлардай ичибди.

Оддий аскар Комптон (*кулиб*). Гапирма!

Оддий аскар Карр (*ишчига*). Портобелло казармалари. Овқат беради. Каррни сўрайсан. Карр десанг, бўлди. Фабрика ишчиси (*бўжириб ашула айтади*).

Вексфордлик буз йигитлар.

Оддий аскар Комптон. Қара-я! Старшинага нима дейсан?

Оддий аскар Карр. Беннетми? У менинг жўрам-ку. Сўқим Беннет жону дилим.

Фабрика ишчиси (*бўжириб*).

Шарманда занжирлар

Она юртга озодлик.

Уларни судраб олга босади. Блум тайсаллаб тўхтайтиди. Тилини осилтириб ҳарсиллаган ит келади.

Блум. Топиб бўпсан энди. Уй айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Қай гўрга тушиб ётибдийкин. Фирт маст ҳам ундан тезроқ юриди. Бошдан-оёқ чалкаш-чулкаш. Аввалига Уэстленд-роуддаги анов томоша. Кейин чипта учинчи тоифа вагонга олинган бўлса ҳам, биринчи тоифага чиқдим. Кейин бекатимдан ўтиб кетдим. Паровози билан поезд орқада. Малахайдга ё бўлмаса тунги депога олиб кириб кетиши мумкин эди ёки бошқа бир поезд билан уришиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. Ҳаммаси иккинчи ичишдан. Бир мартаси — меъёрида. Нега мен унинг орқасидан юрибман? Анави қаланғи-қасанғилар ичида тузукроғи шу. Агар Бюфой- Пюрфой хонимни эшитмаганимда, у ерга кирмаган ва уни учратмаган бўлардим. Толе. У пулларининг барини совуриб юборади. Бу ерда камбағалларга ёрдам идораси бор. Ҳар турли қаллобликлар урчиб ётибди. Хўш-хўш, қийинчилик бўлиб қолдимиз? Бот келган бот кетади. Анов трамбангчироқ-чирёйизсимжаггернаут туфайли ўлиб кетишимга оз қолди. Яхшиям, ўзимни йўқотиб қўймадим. Гарчи огоҳлик ҳар доим ҳам қутқаравермаса-да. Ўша куни агарда Трулокнинг деразаси ёнидан икки дақиқа кечикиб ўтганимда, ўққа учган бўлардим, жисмининг йўқолиши. Агар фақат ўқ кўйлагимнинг ўзини тешиб ўтганда, беш юз фунт суд орқали ундиришим мумкин эди. Ҳаётини хавф остига қўйиш. У ердаги анов ким эди? Киллер-стрит клубига тегишли тузларданмикин? Худоё худовандо уларнинг овчиларини ўз паноҳингда асра. (*Деворга чизилган*,

тагига «Ширин уйқу» деб бўр билан ёзилган эркаклар олати суратини томоша қилади.) Масхарабозлар! Буни Молли чизсин-да! Унинг Кингстаунда вагоннинг музлаган ойнасига чизганига етмайди. Бу нима унинг олдида?

Упа-эликларга бўялган қўғирчоқлар деразалардан мўралашади, ланг очиқ эшиклар олдида арзон сигареталарни тутатишади. Ширин, кўнгилни оздирувчи тутун Блумга томон ҳалқа ҳалқа бўлиб, буралиб оқади.

Тутун ҳалқалар. Ширин-ширин, тотли-тотли. Гуноҳ ширинликлари.

Блум. Умуртқамга нимадир бўлганга ўхшайди. Яна юраверайми ё қайтсамми? Бу чўчка гўшти олганимга бало борми. Уни ейсан-у, ўзинг ҳам чўчкага айланасан. Қалла йўқ. Эсиз пул. Бир шиллингу саккиз пенс тўлаб кўйдик-да (*дайди ит думини ликиллатиб, муздек тумшуғини Блумнинг қўлига туртади*).

Кизик, нега улар ҳаммаси менга эргашаверади-я. Бугунги анов кўрқинчли ҳайвонни айт. Олдинига улар билан яхшилаб гаплашиш керак. Улар худди аёлларга ўхшайдилар, *gencontres*¹ни яхши кўрадилар. Фақат сассиқкузандек жуда сассиқ-да булар. *Chacun son gout*². Балки у қутурган итдир. Фидо. Нима қилишини билмайди. Яхши кучук, яхши! Гарриоун! (*Бўрибосар оёғини осмонга кўтариб ётади, ликонглайди, панжаларини чўзиб овқат сўрайди, узун қорамтир тилини чўзади*). Ташқи мухитнинг таъсири. Э, бериб қўя қол шунга, тамом. Ҳеч ким йўқмикин. (*У худди браконерга ўхшаб ўеринча ва ҳаракатлари қовушмай сассиқ аңқиб ётган бир четга итни авраб чақиради, ит унга эргашади. Бир тугунчани очиб чўчка оёғини ташламоқчи бўлади, кейин товсилиб, қўй оёғини олади*) Уч пенсга шунча нарса. Ҳа, чап кўлимда бўлгани учун вазминроқ туюлади. Кўпроқ куч кетади. Нимага шундай? Негаки, чап кўлда камроқ иш бажарилади. Майли, бўпти. Ташла. Иккию олти.

Чўчка оёғи ва қўй гўшти ўралган тугунни афсусланиб, ачиниб ерга ташлайди. Ит тугунни тумшуғи билан титиб, очкўзлик билан гўштга ташланиб, ириллаб суякларни қасирлатиб чайнайди. Ёмғирпўш ёпинган икки соқчи индамай, пусиб, эҳтиёт билан яқинлашади. Бир бирлари билан пичирлашади.

¹ Учрашув (франц.).

² Ҳар кимнинг диди ҳар хил (франц.).

Соқчи. Блум. Блумни. Блумга. Блум.
Иккови қўлини Блумнинг елкасига қўяди.

Биринчи соқчи. Қондани бузаётганда ушланди. Жамоат жойларини ифлос қилди.

Блум (*тутилиб*). Лекин мен бонқаларга яхшилик қиляпман.
Бақлонлар ва чағалайлар тўда тўда бўлиб Лиффи кўрфа зининг лойқа сувлари узра оч чағ чуғлашиб кўтарилишади, ҳар бири тумшугида ширин нон парчаларини кўтариб олган.

Чағалайлар. Чағ-чағ жуда ширрин нон.

Блум. Одамларнинг дўсти. Яхши тарбия қилинган.

Қўли билан кўрсатади. Баланд ўриндиқда чайқалиб ўтирган Боб Дорен чапиллатиб еяётган ит устига энгашади.

Боб Дорен. Вой искирт-ей. Қўлингни бер. Хўп, қўлингни бер.

Булдоғ ит ириллайди, бўйнидаги жунлари тикка тикка туради, чўчқа гўштини чайнаётган тишлари орасидан қутуриб сўлак оқади. Боб Дорен ертўлага олиб борадиган қора ўрада войиб бўлади.

Иккинчи соқчи. Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан сақлаш.

Блум (*қизғин*). Олийжаноб иш. Мен конка ҳайдовчини кўприқда уришиб бердим, у отга яхши қарамаган, жониворнинг бўйни шилиниб кетибди. Менга яна нима дейди денг, меҳрибончилигингни хотинингга қил эмиш. Бунинг устига совуқ эди, охирги вагон эди. Цирк ҳаётидан ёзилган барча ҳикоялар ўта ғайриахлоқий.

Синьор Маффеи устида олмос тугмалар қадалган кўйлак ва арслон ургатувчи либосларида отилиб олдинга чиқади, қўлида қоғоз ўралган ҳалқа, доира бўлиб турган қамчи ва тўппонча, у тўппончани овқат чайнаётган доғ итга юзи қаҳрдан оқариб ўқталади.

Синьор Маффеи (*дарғазаб иршайиб*).

Хонимлар ва жентльменлар, қаршингизда менинг ўргатилган итим. Пампасларнинг қаҳрли мустанги Аяксни мен бўйсундирганман, мих қадаладиган эгарни мен ўйлаб топганман ва патент олганман. Тугунланган қамчи билан от қорнига уришни мен очганман. Ҳалқага бўйнидан арқон билан тортиб осиб ҳар қандай қайсар арслонни қўлбола қилиб қўя олади, менга деса у нақ Ливия одамхўри Leo ferох¹нинг ўзи бўлмайдими. Чўғдай қилиб қизи

¹ Қаҳрли арслон (*лот.*).

тилган мисранг билан куйган жойларга суртиладиган алоҳида суртки бизга фикрловчи чиябури Фриц Амстердамни яратиб беролди (*кўзлари йлтирайди*). Ҳиндларнинг сеҳрлаш усули менга маълум. Таъсирчанликка кўзларимнинг порлаган нури ҳамда кўксимдаги мана шу олмосларнинг ярқираши билан эришилади (*мафтункор кулиб*). Энди эса аренамизнинг фусункор гўзали ойим киз Рубини сизга таништиришга ижозат этгайсиз.

Биринчи соқчи. Хуш. Исми шарифинг. Манзил.

Блум. Биласизми, эсимдан чиқиб қолди. Эҳ, ҳа! (*Башанг шляпасини ечади, таъзим қилади*) Доктор Леополд Блум, тиш доктори.

Сиз, албатта, фон Блюм пошани эшитган бўлсангиз керак. Санаб адо этиб бўлмас миллион-миллион пуллар! Доннерветтер! Австриянинг ярми уники. Миср ҳам унга қарайди. Амаким бўлади.

Биринчи соқчи. Исбот.

Блум шляпасининг ичидан бир парча қогоз тушади.

Блум (*Қози либосларида, бошида қизил фас, белда кенг яшил белбоғ, кўксиде ясама Фахрий Легион ордени, қогозни шошиб-пишиб ердан кўтаради ва соқчига тутлади*). Жоним билан. Қўшин ва Флотнинг Ёш Офицерлар Клубининг Аъзоси. Менинг вакилларим: Жон Генри Менгон фирмаси, Бэйчлорз-уок, 27.

Биринчи соқчи (*ўқийди*). Генри Флауэр. Яшаш жойи номаълум. Дайдидик, кўча ҳаракатига тўсқинлик қилиш.

Иккинчи соқчи. Алиби. Сиз огоҳлантириласиз.

Блум (*кўкрак чўнтагидан эзилган сариқ гулни чиқаради*). Флауэр, гул. Мана ўша гул. Уни менга бир одам берди, исми шарифини билмайман (*ишонч билан*). Сиз билсангиз керак анави эски ҳазилни, Кастилия атиргули.

Блум. Фамилия ўзгарган. Вираг (*махрамона ва ишонч билан овозини пасайтириб*). Сиз, сержант, тушунасизми, биз никоҳдан ўтганмиз. Бу ерда хотин киши аралашган. Ишқий ишқалликлар (*иккинчи соқчинини аста елкаси билан туртиб қўяди*). Албатта, баъзан Ватерлоо жанги ҳам бўлиб туради. Вақт топиб кечки пайт бир келинг, бир шиша эски бургон майи бор. (*Иккинчи соқчига дадил жаранглаган товуш билан.*) Мен сизни таништириб қўяман, инспектор. Адашмайсиз. Ҳаш-паш дегунча ҳаммасини бошлаб қўяди.

Қорамтир симоб тортилган башара пайдо бўлади, унинг ортида юзига тўрпарда тортган аёл.

Қора симоб. Уни қаерда кидиришяпти.

Уни армиядан шармандасини чиқариб ҳайдашди.

Марта (юзи қалин тўр парда остида, бўйнига алвон тасма осилган, қўлида «Айриш таймс» газетасининг сони; Блумни кўрсатиб, ўпкалаб). Генри! Леополд! Лионел! Айрилганим! Менга пок номимни қайтар.

Биринчи соқчи (қовоқ уйиб). Юринг идорага.

Блум (қўрқиб ўзини орқага олади, шляпасини кияди, кейин ўнг қўлини юраги устига қўйиб, тирсагини тўғри тутиб, иккинчи даражали масон ишорасини адо этади). Йўқ-йўқ, муҳтарам уста, бу аёл бузук. Шахсияти янглиш кўрсатилган. Лион почтаси Лезюрк ва Дюбюк. Сиз ўз биродарини ўлдирган Чайлдс ишини эслайсизми? Биз ахир медиклармиз. Болта билан чопиб ўлдирилган. Мен янглиш айбланганман. Тўқсон тўққиз одам айбсиз ҳукм қилингандан кўра яхшиси, бир айбдор қочиб кета қолсин.

Марта (тўр остида ҳўнграйди). Бу аҳдни бузиш. Менинг ҳақиқий исмим Пегги Гриффин. У менга жуда бахтсизман, деб ёзди. Бераҳмларча йўлдан урди, сени акамга айтаман, у регби ўйнайди, «Бектайв» ҳимоячиси.

Блум (оғзини хуфя беркитиб). У маст. Бу хотин ичкилик таъсирида (Ефремликларнинг ижозаномасини гўлдираб айтади). Вшиволет.

Иккинчи соқчи (кўзига ёш олиб Блумга). Уялинг-е, уялинг-е бундан кўра.

Блум. Жаноб вакиллар, тушунтиришга ижозат беринг. Булар бари чўпчак. Мени ногўғри тушунишди. Айбни менга ағдаршяпти. Мен ҳурмат-эътиборли, оилали кишиман, номимга ҳеч қачон доғ туширмаганман. Мен Экклс-стритда тураман. Рафиқам, хизмат кўрсатган саркарда, мард жентльмен ва соф виждонли инсоннинг кизи, оти нимайди, генерал-майор Брайен Твиди, у бизнинг қаҳрамонларимиздан бири, Британия учун жанг майдонларида кетма-кет зафарлар қозонган. Роркс-Дрифтни қаҳрамонларча ҳимоя қилгани учун унвонини оширишган.

Биринчи соқчи. Полкини айтинг.

Блум (тепадаги одамларга қарата). Дублин Кироллик ўқчилари, менинг болаларим, ер юзининг мағизлари, уларни бутун дунё танийди. Назаримда, орангизда эски қуролдош дўстларимдан айримларини кўраётгандай бўламан. Д.К.ў. Бизнинг тинчлигимизни қўриқловчи пойтахт полициямиз билан

бирга энг чаққон, энг жасур йигитлар подшоҳимизнинг хизматидалар.

Овоз. Сотқин! Яшасин бурлар! Жо Чемберленни ким хуштак чалиб безор қилган эди?

Блум (*қўлини биринчи соқчининг елкасига қўяди*). Менинг қари отам ҳам қози эди. Сиз каби мен ҳам, сэр, асл тош-метин британияликман. Мен генерал Гоф қумондонлигида бежавотир урушда бизнинг байроғимиз остида қирол ва салтанат учун жанг қилганман, генералимиз хозир паркда кўкрак кериб турибди, ўшанда Блум-фонтейн ҳамда Спайон-Кол ёнида ярадор бўлганман. Буйруқларда қайд этиб ўтилган. Оқ танли одамнинг қўлидан шима келса, барини қилдим (*секин. Ҳиссиёт билан.*) Жим Бладсо. Қайикни қирғоққа яқин ол.

Биринчи соқчи. Касбингиз, машғулотингиз.

Блум. Фаолиятим тури — адабиёт. Мен ёзувчи ва журналистман. Дарвоқе, худди ушбу кунларда биз мукофот олган ҳикояларнинг тўпламини чиқараётимиз, бу менинг ғоям, мутлақо янги бир нарса. Мен инглиз ва ирланд матбуоти билан боғланганман. Агар кўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз...

Майлс Кроуфорд қадамларини силтаб силтаб ташлаб, оғзида ғоз патини тишлаганча пайдо бўлади. Похол шляпа остида унинг қип-қизил тумшуги аланга олгандай кўринади. Бир қўлида испан пиёзлари боғини кўтарганча силкитиб боради, иккинчи қўли билан телефонни қўлоғига босган.

Майлс Кроуфорд (*унинг хўрозча монанд зираклари ли кирлайди*). Алло, етмиш етти саксон тўрт. «Уикли сор тир» ва «Фрименс дристалл» редакцияси, Европани танг қиламиз. Ким ким? Суддан? Ким ёзувчи? Бу Блумми?

Мистер Филип Бюфой ораста визиткада гувоҳлар ўрнида ранги оқариб туради, кўкрак чўнтагига учбурчак қилиб рўмолча жойланган. Кўкимтир шими яхши дазмолланган, оёғида локланган бошмоқ. Қўлида «Мэтченнинг моҳирона зарбала ри» деган қовғоз ёпиштирилган семиз портфель.

Бюфой (*сузларни чўзиб*). Йўқ, сиз заррача ҳам, сиз ҳеч қандай даражада ҳам, билишимча. Бундай фикр ҳатто хаёлимга келгани йўқ. Жентльмен бўлиб туғилган биронта одам, андак-кина бўлсин жентльменлик хусусиятларига эга бўлган биронта киши ҳеч қачон бундай шармандали вазиятга тушмайди. У шундайлардан, милорд Плагиатор. Ўзини ёзувчи деб кўрсатадиган

силлик аблаҳ Ҳеч қандай шак-шубҳасиз, исботланганки, ўзининг тубан табиатига биноан, у менинг маълум-машҳур асаримни ўғирлаб олган, уни чин шоҳ асар, ҳақиқий маънодаги олмос, ҳар қандай шак-шубҳадан холи ишқий воқеаларга бой асар деб айтоламиз. Бюфойнинг сиз олий ҳазратларига шубҳасиз таниш бўлган муҳаббат, хайлу ҳашамат ва дов-давлат ҳақидаги китоблари бутун салтанатда машҳурдир.

Б л у м (*қовоғи уюлган, уялган ҳолда ювош минғирлайди*). Кулиб турган фусункор анов қизгина билан қўлма қўл ушлашиб турилган жойига келганда фақат мен қўйилган айбни рад этган бўлардим, агар ижозат бўлса...

Б ю ф о й (*такаббур табассум билан лабини чўчқайтириб, залга кўз югуртиради*). Фирт эшшак! Сизнинг табсиз тўпорилигингизни айтиб адо этишга сўз етмайди! Ўйлайманки, бу масалада ўзингизни асло уринтирманг. Бу ерда менинг адабий агентим Ж.Б. Пинкер ҳозир, умид қиламанки, милорд, кўрилган зиёнимизнинг ўрни қопланади, бу гувоҳларга тегишли, тўғри эмасми? Шу бачкана шакаргуфторнинг, реймс зағизғони, ҳатто университетда таҳсил кўрмаган подоннинг жатига биз анча-мунча зарар кўрдик.

Б л у м (*минғирлайди*). Ҳаёт университети. Бўлмағур адабиёт.

Б ю ф о й (*қичқириб юборади*). Бу ўша қабих ёлғон, бу унинг ахлоқий чириганлигини кўрсатади! (*Портфелини силкитади*) Мана бу ерда, милорд, шубҳадан холи далолатлар, *corpus delicti*¹, махлуқнинг манфур чангали теккан, менинг баркамол ижодим намуналари.

Т е п а д а н о в о з

Жухуд шоҳи Мусо Калим

«Таймс»га артинар жим.

Б л у м (*ўзини тутиб олиб*). Ошириб юборишган.

Б ю ф о й. Аблаҳ қорамол! Э сени қўлмакка чўктириш керак, бит! (*судга қарата*.) Э унинг хусусий ҳаётига қаранг! Минг турли товланиб кун кўради! Кўча хандон, уй зиндон! Э унинг отини хонимлар олдида тилга олиб бўлмайди! Асримизнинг бош фитнаси!

Б л у м (*судга қарата*) У эса, буйдок, қандоқ қилиб...

¹ Жиноят таркиби (лот.).

Биринчи сокчи. Кирил Блумга қарши. Гувоҳ Дрисколл-ни чақиринг.

Котиб. Мэри Дрисколл, ошпаз хотин!

Ёш хизматкор Мэри Дрисколл қийшайиб кетган туфлида кўринади. Бир қўлининг биллагига челақ илинган, иккинчисида супурги.

Иккинчи сокчи. Яна биттаси. Сиз анов бадбахтларданмисиз?

Мэри Дрисколл (*норози бўлиб*). Мен сизга енгил оёк эмасман. Мен ҳалол хизмат қиламан, охирги хўжайинникида тўрт ой ишладим. Яхши жой, йилига олти фунт маош, яна устига мукофот, ҳар жума дам олиш, лекин кетишга тўғри келди, нега деганда, одамга ёпишаверади.

Биринчи сокчи. Уни нима деб айблайсиз?

Мэри Дрисколл. Менга тиралиб туриб олади, менинг ақли-хушим ўзимда, камбағал бўлсам нима қипти.

Блум (*юмшоқ уй кийим-бошида, фланел шим ва шиптак да, соқоли қирилмаган, сочлари тўзғиган; пастга тушиб*). Мен сенга олийжаноб қиз деб муомала қилганман. Нарсалар совғасалом қилиб турганман, ўзинг кимсану Зумрад тасма олиб бериб ўтирибман сенга. Сени қўли эгри деб айбланганда, дарров ёнингни олганман. Ҳаммасининг меъёри бор. Ҳалол ишла.

Мэри Дрисколл (*жушиб*). Мана Худо тепамда, ўша балиқни мен олган бўлсам!

Биринчи сокчи. Ҳақорат етказганлик хусусида. Бирон кор-ҳол бўлганми?

Мэри Дрисколл. У мени уйнинг орқасида босди, орқада, ҳазрат олийлари, уй бекаси эрталаб у бу сотиб олишга кетувди, бу келиб тўғноғич сўради. Шунақанги чанг солиб босдики, кейин тўрт жойим кўкариб қолди. Кейин икки маротаба иштонимга ёпишди.

Блум. Ўзига ҳам ёкди ку. Ҳа, ёқмай улсин.

Мэри Дрисколл (*нафратланиб*). Э мен супургимга ачиндим, холос. Мен уни жойига қўйдим, милорд, у эса: сен фақат ҳеч кимга айтма, дейди!

Ҳамма кулади.

Жорж Фотрелл (*Қироллик ҳамда маҳаллий суднинг котиби, янгроқ овоз билан*). Тартиб! Тартиб сақлансин! Ҳозир айбланувчи сохта баёнотини эшиттиради.

Блум ўзини айбдор деб тан олмайди, қўлида очилган нилуфар гулини тутиб узундан-узоқ сўзлаб, бир боғдан, бир тоғдан келди. Бу ерда ҳозир бўлганлар ҳали унинг химоячисининг судга қилган эҳтиросли мурожаатини ҳам тинглашади. Ҳаётда унинг ке маси батамом ҳалокатга учради, аммо, агар тавбир жоиз бўлса, худди дирдов қўй каби тавқи лаънат қилинган эса-да, у тузалиш йўлига киришни истайди, ўтмишни мисоли ҳамширалардай му саффо ҳаётга алмаштириш ва худди маъсум уй ҳайвонидай бўлиб асил табиатга қайтишни хоҳлайди. У етти ойлигида дунёга келиб, қариб чуриган тўшакка қадалиб қолган волида томонидан меҳру мурувват билан боқилиб, вояга етказилмишди. Эҳтимолдан холи эмасдирки, адашган ота хатолар қилган, йўлдан озгандир, шунга қарамай у ҳаётнинг янги саҳифасини очишни истайдики, мана эндиликда шармандалик дорига икки қадамгина қолганда, шони ғарибон яқинлашганда, оила бағрида меҳр оғушида тинч хотиржам яшашни орзулайди. Шу ернинг табиий об ҳавосига мослашган чин британиялик, у ўша ёз оқшоми парвознинг тўғарак майдончасида турароқ майли, узук юлук бўлса-да шундай манзараларни кўрдик, бу орада ёмғир ёғайми-ёғмайми деб турди ю, ёғмасликка қарор берди, Дублиннинг оила муҳаббати билан лиммо лим турмуш ўчоқларида жилланган лавҳаларини деразаларда ўз кўзи билан кўрди ва шаҳар атрофларидаги ҳақиқий жаннатий ҳаёт бахт иқболини кузатди, бу уйлар Докреллдан олинган бир ўрама бир шиллинг туққиз пенс турадиган гул қоғозлар билан безатилмишди, у британиялик бўлиб туғилган беғуноҳ маъсум бўбакларни кўрдик, улар Муқаддас Гудакка қарата бидирлаб дуолар ўқишарди, ёш мактаб болалари китоблари узра мук тушиб дарс қилишарди, ибратли моҳпора қизлар фортепиано чалиб ўтиришар, ёхуд бутун оила янги йил арафасида гуриллаб ёнаётган камин ўчоқ теғрасида Яратган Эгамга ҳамду санолар айтишар, қишлоқ йўлларида, кўм кўк сўқмоқларда collens ўз йигитлари билан сайру сафо айлашар, аржанун овозли аккордеон садолари янграр, улар «Британия» қотишмасидан безак бериб ясалган, тўрт регистр ва ўн икки пуфламалик ғирт текин деса ҳам бўлади, кам учрайдиган ноёб бир ҳолки... Яна ҳамма кулади. У узук юлук сўзларни айтиб «ўдранади. Репортёрлар, мухбирлар яхши эшитмаямиз деб шикоят қилишади.

Протоколчи ва стенографчи (ёзишдан тўхтамай).
Унинг жумрагини бураб қўйинг.

Профессор Макхю (журналистларга ажратилган столда ўтириб, акса уради ва оалда беради). Қўявер уларни, йигит, ишинг бўлмасин. Бор гапни дангал айтавер.

Ҳар томондан сўроқ тергов, қурилаётган масала — Блум ва челақ. Катта челақ. Блумнинг шахсан ўзи. Қорин оғриши. Бивер-стрипда. Ҳа, санчиб оғрияпти. Ҳа, чидаб бўлмайди. Сувоқчилар челагигача базўр чидаб боради. Тасвирлаб бўлмайдиган азоблар, мисоли ўлим талвасаси. Тушга яқин. Севги ёки бургон майи. Ҳа, бир озроқ шпинат. Чидаб бўлмас ҳолат. Челаққа қарагани йўқ. Ҳеч ким қуринмади. Анча ифлос. Охиригача етмади. «Парчалар»нинг эски сони. Ҳайқиреқлар ва ҳуштаклар худди бир неча мушуклар баробар мов бўлгандай. Оҳаққа бўялган йиртиқ камзул, эзилган ва қийшайиб қолган цилиндр, бурни устига елим қовоз ёпиштирилган Блум овози эшитилмаса ҳам, сўзини давом эттиради.

Ж. Ж. О' Моллой (адвокат либосида, бошига парик кийган, қайғули норози оҳангда). Ичкиликни меъеридан ортнқ ичиб қўйган бир шўрлик одамнинг устидан куладиган жой эмас. Биз ҳайвонот боғида эмасмиз, биз талабалар базмида ўтирганимиз йўқ, одил судга тақлид қилиш ниятимиз ҳам йўқ. Мен ҳимоя қилаётган инсон — ҳали ёш бола, йўқсил муҳожир, ишни ҳеч вақо йўқ жойдан бошлаган, кемага тушиб бу ерга чиптасиз келган-да, эндиликда виждонан тер тўкиб ўз нонини топиб ейиш пайида. Бу ерда унинг бир хатти-ҳаракатини қарнай қилишяпти, аслида бу ирсиятнинг саробангиз айнишидан келиб чиққан бир ҳолат бўлиб, унинг асл юрти, фиръавилар диёрида бу нарса ажабланарли бўлмай, бирмунча одат тусига кирган, унга айб қилиб тақалаётган бебошликнинг келиб чиқиши шундай. Prima facie¹, эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, бу ўринда жимо (алоқа)га интилиш бўлмаган. Яқинлик юз бермаган, ойимқиз Дрисколл шикоят қилиб айтган таҳқирлаш, яъни унинг масъулиятига тажовуз бошқа такрорланмаган. Мен бу ерда атавизм, эски иллатнинг юзага чиқишини кўраман. Менинг ҳимоямдаги шахснинг онласида ойкезиклик ҳамда кема ҳалокатидан қўрқиш ҳодисалари кузатилган. Айбланувчи зот сўйлай билганда эди, у бизга шундайин бир қиссани ҳикоя қилиб берган бўлардики, у бизга энг ажойиб ва фаройиб, фақат китоблардагина ёзиладиган

¹ Аввал (лот).

воқеалардан бўлиб туюларди. Милорд, ахир унинг ўзи ҳам, бамисоли ҳалокатнинг бир парчасидай, кўкраги заиф, йўқсиллар касаллигига гирифтор, тинмай йўталади. Уни оқлайдиган нарса шуки, у мўғул ирқига мансуб бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларига жавоб беролмайди. Эс кетган, билдингизми?

Блум (*ориқ, оёқяланг, ночор кўйлак иштонда, қисингани дан оёғининг бармоқларини буклаб қисиб, кичкина қундуз кўзларини бақрайтириб, атрофга аланглаб боқади, кафти билан пешанасини ишқайди. Кейин иштонини кўтариб ушлаб, катта бармоғи билан осмонга ишора қилиб шарқона одоб икром билан судга таъзим бажо қилади*). Ошмон кусни бизга кусал килди. (*Соддалик билан хиргойига тушади*.)

Яшши бала бир куни
Хинзир гўсти калтирди
Икки бўлагин бериб...

Бақриқ-чақриқлар, ҳуштак овозлари уни босиб кетади.

Ж. Ж. О'Моллой (*тўдага қарата зарда қилиб*). Бу ниҳоятда тенгсиз жанг. Стикс билан қасам ичаманки, менинг ҳимоямдаги зот қандай бўлмасин, чиябўри ва шақал тўдалари унинг устидан кулиб масхаралашига йўл қўймайман. Жунгли ва тўқайлар одати ўрнига Мусо Калимнинг оятлари келди. Мен одил судловнинг мақсадларига қарши боришни мутлақо истамаган ҳолда яна шуни ҳам қатъият билан айтаманки, айбланаётган кимса жиноят воситачиси эмас эди ва даъвогар устидан зўравонлик адо этилмаган. Менинг ҳимоямдаги зот ёш аёлга худди ўз қизидай муносабатда бўлган (*Блум Ж.Ж. О'Моллойнинг қўлини олиб ўтади*). Мен рад этувчи далолатлар келтираман, ва мен ҳеч қандай шак-шубҳасиз исбот қиламанки, бу ўринда яна ўша кўринмас дастдароз иш кўряпти. Айб қилган номаълум, шунинг учун — ушланг Блумни. Менинг ҳимоямдаги зот уятчан ва қисинчоқ, табиатан шундай, у табиатан камтарликка қарши ўлароқ қандайдир ножўя ва қандайдир номақбул бир иш қилишга кодир эмас, ёки ҳеч қачон журму гуноҳ йўлига кирган бечора хотинга тош отмагай, ҳолбуки бошқа бир аблаҳ кимса аёлни йўлдан уриб, ундан ўз лаззати йўлида фойдаланган. Менинг ҳимоямдаги зот тўғри йўлдан боришни иштайди, мен уни ўзим учратган инсонлар ичида энг муносиб кимса деб биламан. Шу дақиқаларда у мушкул бир вазиятга

тушиб қолган, зотан у ўзининг Кичик Осиё ичкариларидаги жуда кенг мудуқатларини Агендат Нетайимга гаровга қўйишга мажбур бўлмоқдаки, бу нарсаинг диапозитивлари ҳозир сизга намойиш этилажак. (*Блумга*) Сиз ўзингизни чиройли бир томондан кўрсатсангиз буларди.

Блум. Ҳар фунти бир пенни.

Оқ девор бетига Киннерет кўли манзарасини туширишди, кумушсимон ҳовур оралаб утлаб юрган подалар кўринади. Кўзи сассиққузаннинг кўзига ўхшаш оқпар Моше Длугач кўк мардикор чолворида тепада бир қўлида лимон, иккинчисида хинзир буйрагини кўтариб туради.

Длугач (*хириллаган товуш билан*).

Берлин W13, Бляйбтройштрассе.

Ж.Ж. О'Моллой настроқ бир минбар устига чиқади, мантиясининг ёқаларини сиполик билан тўғрилайди. Унинг башараси чўзилади, оқаради, соқоллари ўсади, кўзлари чуқурлашади, ёноқларига алвон парчалар тошади: Жон Ф. Тэйлорнинг сил-варам қиёфаси. У оқ рўмолчасини овзига тутуди ва оч қизғиш қон юқини кўздан кечиради.

Ж.Ж. О'Моллой (*овози базур чиқади*). Маъзур кўрингиз, мен қаттиқ иситмалаб турибман, мен ҳали яқиндагина тўшакдан турдим. Бир неча ғоят мухтасар сўз (*унинг боши қуш бошига, мўйлови тулки мўйловига айланади, у Сеймур Бушнинг чўзинчоқ тумшуқли наттоқлигини касб этади*). Фаришта китобни очадиган вақт келганда, агарда нимадир муносиб яшаш, нимадир янгиланган қалб ёки қалбни янгиловчи билан яшашга туғри келса ва у ўйчан бағир ичра етилган бўлса, унда мен айтганманки: айбланувчи га шак келтиришликнинг муқаддас шарафини ато этингиз.

Судга нимадир ёзилган қоғозни тақдим этишади.

Блум (*сарой ходими либосида*). Энг марғуб тавсияларни тақдим этмоғим мумкиндир. Маҳаллий қози мистер Унздом Хили, менинг қадим валинеъматим Жо Кафф, Дублиннинг собиқ лорд-мэри мистер В.Б. Диллон. Мен Дублин киборлар дунёсининг... энг порлоқ ва мафтункор маликалари даврасида юрганман (*бепарво*). Кеча оқшом вице-қиролнинг тор доирадаги қабулида мен ўзимнинг эски ошнама қирол мунажжими сэр Роберт ва унинг рафиқаси леди Болл билан узоқ суҳбатга берилиб кетибман, Сэр Боб, дейман унга..

Миссис Йелвертон Барри (*устида кўкраги кенг очиқ сарғимтир бал либоси, қўлига фил суяги тусидаги узун*

қўлқотни тирсагигача тортиб кийган, елкасида савсар мўйнаси ни чоклаб йўрмаланган виштин авралик елкапуш, сочларига олмос тароқ ва тўнағичлар, эгретка қадалган). Констебль, уни камоққа олинг. У менга исмсиз мактуб жўнатди, эрим Шимолий Типперери округида Мунстер кўчма сессиясида эди, имзосини болаларга ўхшаб ажи-бужи қилиб қўйган атайлаб, тагига Жеймс Тўкмоқбоп деб ёзган. Унинг ёзишича, тепада утириб менинг мислсиз дўмбоқ жойларимни кўрибди, мен ўшанда «Роял» театрининг ложасида «Чирилдоқлар»ни томоша қилаётгандим, уни ноибнинг илтимосига биноан қўйишганди. Унинг ёзишича, мен уни алангайи оташ қилиб ёндириб юборибман. У менга уятсиз таклиф қилди. Мени келаси пайшанба куни ўз оилавий бурчимни бузишга ундади, Дансинк меридиани бўйича соат тўрт яримда. Шу билан бирга у менга почта орқали мсе Пол де Кокнинг «Учта корсет тутган қиз» асарини жўнатишини маълум қилди.

Леди Беллингам (*мўъжазгина шляпачада денгиз мушугига ўхшатиб тикилган товушқон мантилиясига уралиб ўз лан до аравасидан чиқади ва кўзларига тошбақа қалқонидан ясалган лорнетини опоссум мўйнасидан бичилган чиройли муфтаси ичидан олиб тутади*). Мени ҳам шундай қилган. Ҳа, ўйлашимча, бу ўша-ўша шубҳали киши. Нега десангиз, бир куни сэр Торнли Стокернинг эшигида турган эдим, ёмғир ёғарди, у келиб каретамнинг эшигини ёпди, бу тўксон учинчи йилнинг қаҳратон совуқ кунлари февраль ойида бўлганди, ўшанда уйимдаги ванна тосининг клапани ва сув оқиб кетадиган қувурнинг сим түри музлаб қолганди. Шундан сўнг у мени деб, қаерлардандир ахтариб топиб бойчечак юборганди, буни сиз учун тоғ чўққиларидан топдим деганди. Мен бу чечакни ботаника бўйича мутахассис олимга кўрсатдим, у уйда етиштириладиган картошканинг гули бўлиб, намунали ферманинг иссиқхонасидан ўғирлаб чиқилган экан.

Миссис Йелвертон Барри. Ўлсин шарманда!

Суюқ аёллар ва дайдиларнинг оломони ёпирилиб киради.

Суюқлар ва дайдилар (*бўжиришиб*). Ушла ўғрини! Қойил қилдинг, Кўк Сокол! Ицке Мошега уч карра урра!

Иккинчи соқчи (*қўл кишанини олади*). Мана, ҳалқа тақамиз.

Леди Беллингам. У менга ёзувини турлича қилиб ўзгартириб мактублар ёзди, мактов мадҳияларни дўлдай ёғдирди, мени мўйнали Венера деб атади, мен билан каретада бирга

юрадиган хизматкорим Палмерга жуда совкотиб кетибсиз, сизга қаттиқ ачинаман, деди, яна шу заҳоти унинг қулоқчини ва қўзип-ўстинига жуда ҳаваси келганини айтди, хизматкор қора дала узра олтин оҳу калласи чизилган маҳсус либосларда мен ўтирадиган ўриндикнинг орқасида туради, сиз дейди бу кишим хонимга шундай яқин туриш бахтига эгасиз, кошкийди сизнинг ўрнингизда бўлсайдим, қалди-коматимнинг қуйи қисмини оғзидан бол томиб мақтайди, сиртилиб гаранг тортилган ипак пайпоқдаги бўлиқ тирсиллаган болдиримни кўкларга кўтаради, менинг бошқа хазиною дафиналаримни ҳам оғзидан қўймайди, улар гарчи бебаҳо ипак тўр остида яширинган бўлсалар-да, хаёлимда тинмай жонлантириб кўз ўнгимга келтираман деб ҳаддан ошади. У мени унатишга кўп уринди, тезроқ қўшилайллик, қачонгача битта эрга қараб ўтирасиз, имконият топинг, деб мени шоширди.

Баронесса Толбойс (*чавандоз аёллар либосларида, оёғида нағалли қўнжи баланд этик, алвон нимчада, мушкетчиларнинг зарҳал тикилган қўлқотида; чавандоз аёлларга хос узун ҳилпираган рўмол, қўлида овчилар қамчиси, дам-бадам этигининг қўнжиги қарсиллатиб уриб қўяди*). Мени ҳам шундай қилди. У мени Феникс-паркдаги поло ўйинида кўриб қолди, Бутун Ирландия Бошқа барча Ирландияга қарши ўйини бўлаётганди. Биламанки, менинг кўзларим илоҳий тарзда порларди, нега деганда, драгунлар капитани Денни Темир Панжа ўзининг суюкли тулпори Кентаврда зафар кучмоқда эди. Манов зоти паст Дон Жуан кеб араванинг орқасида туриб мени еб қўйгудек бўлиб кузатарди. Кейин менга икки қават конвертга солиб бир уят сурат юборди, бунақа суратларни Париж хиёбонларида яшириқча сотиб юришади, уларни кўрса ҳар қандай хонимнинг ори келади. Бу сурат ҳали ҳам менда. Суратда ярим яланғоч нозиккина, кўхликкина сеньорита (*тантанавор*) тарзда ишонтириб айтишича, (бу унинг хотини бўлиб, ўзи суратга олган экан) кўринишдан қароқчиларга ўхшаган мушак пайлари ўйнаб чиққан тореро буқа ўйнатувчи билан ғайриқонуний яқинлашаётган экан. У мени ҳам шундай қилишга кўндирмоқчи бўлди, гарнизон зобитлари билан айш-ишрат қилишга ундади. У менга ёзган мактубини мутлақо айтиб бўлмайдиган нарса билан булғаб беришимни сўраб ялиниб ёлворди. Менга қолса бошлаб адабини берардим, устига миниб олиб бор кучим билан қамчилаб қора терга ботирган бўлардим, у шунга сазовор.

Леди Беллингем. Мени ҳам шундай қилди.

Миссис Йелвертон Барри. Мени ҳам.

Бир неча бағоят ҳурматли Дублин хонимлари Блумдан олган мактубларини бошларига кўтарадилар.

Баронесса Толбойс (*кутилмаганда бениҳоя дарғазаб бўлиб, оёқларини тапиллатади, нағаллари жиринглайди*). Худо ҳақи, айтганимни қиламан. То кучим етганча ушбу ярамас қўрқоқни савалайвераман, савалайвераман. Унинг терисини тириклай шилиб оламан.

Блум (*қўрқиб кўзларини юмади*). Нима? Шу ерда-я? (*қўрққанидан қалтираб*). Янами! (*Сесканиб, оғир нафас олади*). Мен хавф-хатарни севаман.

Баронесса Толбойс. Шошмай тур! Ҳозир адабингни ейсан! Кўзингга кўрсатаман!

Леди Беллингем. Иштонини туширинглар! Бемаза таъвиянинг жазосини беринглар!

Миссис Йелвертон Барри. Уят! Ҳеч оқлаб бўлмайди! Уйланган эркак!

Блум. Ҳамма менга қарши. Мен шундоқ бир-икки шалоқ уришни назарда тутгандим. Одамни қизитади, баданни жимирлатади, лекин қон чиқмайди. Қон айланишини яхшилаш учун бир киройи муолажа.

Баронесса Толбойс (*таҳқирлаш йўсинида*). Э, ҳали шундайми, жонидан? Бўпти, майли. Худо шоҳид, сен ҳозир бир умр унутмайдиган тортиқ оласан, гапимга ишон, сени омонсиз таёқлайман, бунақасини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Ўзинг айбдор, мени шери жаёнга айлантирдинг.

Леди Беллингем (*лорнет кўзойнаги ҳамда муфтасини қасоскорона силкиб*). Жонини ол унинг, ўтда куйдир, Ханна, жонгинам. Думининг тагига қалампир сурт. Ярамас итни шундай урки, вангиллаб ётсин. Арқонни бураб ур, буров сол. Кесиб ташла ва қирқиб ол.

Блум (*қалт қалт титраб, эти увишади, кафтларини ёлвориб бирлаштиради*). Ўҳ, мунча совук! Титраб кетяпман! Ҳаммасига сизнинг жон олгувчи малоҳатингиз сабаб. Унутайлик. Узр-маъзур қилайлик. Бу фол. Менга раҳм қилинг, бир мартагина (*бошқа юзини тутади*).

Миссис Йелвертон Барри (*қаҳрли*). Уни аяб ўтирманг, баронесса! Унинг таъзирини бошлаб бериш керак!

Баронесса Толбойс (*шартта қулқопини ечиб*). Аяш йуқ! Чучқа, ифлос ит, наслинг-васлинг ўзи шундай! Менга гапини қаранг! Ҳаммининг олдида қора қонингга белейман. Биқинига нағалларимни ботираман. У алданган, шохи чиққан, ҳамма билади (*қаҳрланиб қамчини ўйнатади*). Қани-чи, бу ёкка қаранг, сэр! Бўлинг, тез келинг! Дарров унинг иштонини туширинглар.

Блум (*қалтираб, саросимада бўйсунди*). Хаво шундай илиқ эди-я.

Болакай газетачилар қуршовида сочлари жингалак Дэви Стивенс ўтади.

Дэви Стивенс «Исо Масих юраги хабарчиси» ва «Ивнинг телеграф» Мукаддас Патрик Кунига бағишланган Иловаси билан. Барча дублинлик алданган, шохи чиққанларнинг энг янги турар манзиллари берилган.

Олий ҳузур каноник О'Ханлон тилла билан тикилган парча чопонда таъзим ва пойбус учун мрамар соатни баланд кутариб ўрнатади. Унинг қошида туришган ота Конрой ва ҳазрат Хюз, О.И., ергача бош эгиб таъзим бажо келтирадилар.

Соат (эшиги ланг очилиб).

Шо — хи

Шо — хи

Шо — хи

Каравотнинг мис тўр сими гичир-гичир, жақир жуқур қисирлайди.

Мис тўр. Қичир-гичир, жиқ жиқ, жиқа-жиқ, гичир-гичир, жиқ-жиқ.

Туман пардаси шиддат билан йиртилиб, тарқалади, шундан сўнг вакиллар — жойида ўтирганлар кўзга ташланади, баланд цилиндрда оқсоқол Мартин Каннингэм, Жек Пауэр, Саймон Дедал, Том Кернон, Нед Лэмберт, Жон Генри Ментон, Майлс Кроуфорд, Ленехан, Падди Леонард, Флинн Узун Бурун, Маккой ҳамда юз чизикларини англаб бўлмас қиёфасиз аллаким.

Аллаким. Эгарсиз от минини. Вазн ёшга қараб. Ўлай агар, у хонимни ташкил қилган.

Вакиллар (улар бошларини унга бурадилар). Ростми?

Аллаким (*қаҳрланиб*). Орқаси ҳаммадан баланд. Юзга беш шиллинг.

Вакиллар (улар тасдиқлаб барабар бош қимирлатадилар). Биз ҳаммамиз деярли шундай деб ўйловдик.

Биринчи сокчи. Уни кўз остига олганмиз. Яна бир қизчани жамалагидан маҳрум қилди. Қидирув эълон этилган: Жек Ўқловчи. Мукофот минг фунт.

Иккинчи сокчи (қойил қолиб, қурқиб шипшийдди). Бошдан-оёк қора кийимда. Мормонга ўхшайди. Анархиячи.

Котиб (баланд овоз билан). Леополд Блум, тураржойи ноаниқ, таррор, сохта пул ясовчи, қўшхотинли, қўшмачи ва гўсхўр шохдор кимса, Дублин шаҳри фукаролари учун ижтимоий хавфли эканлигини эътиборга олган ҳолда ҳамда яна шуни ҳам эътиборда тутиб, мазкур суд йиғилишида ҳазрат...

Дублиннинг бош қозиси сэр Фредерик Фолкинер ҳазрат олийлари сангсор суд либосларида ўрнидан қўзғалади, сангсоқол. Унинг қўлида шамсия таёқ. Манглайи оша Мусоники янглиғ қудратли муғузи кўриниб туради.

Бош судья. Мен тирик товар билан қабиҳ савдо-сотик қилишга чек қўяман ва мен Дублинни ушбу шармандали жароҳатдан халос этаман. Ҳеч қулоқ эшитмаган! (Қора қалпоқча сини кияди). Жаноб бош позир, фармойиш берингим, уни судланувчилар ўринидигидан қўлга олинсин ва Маунтжой турмасига Қирол Олий ҳазратларига маъкул бўлган муддатга камалсин ва у ерда осиб ўлдириш орқали ўлим жазосига ҳукм этилсин, бунинг ижроси тўла сизнинг зиммангизга юклатилди, Худовандо ўзи раҳм қилсин. Уни олиб кетилсин.

Қора қалпоқча унинг бошига қўнади. Катта ҳидли сигарани тутатганча бош позир Узун Жон Феннинг пайдо бўлади.

Узун Жон Феннинг (сахнани оғир нигоҳ билан кўздан кечиради ва йўғон гулдирган овоз билан сўрайди). Хўш, ким осади Иуда Искариотни?

Сартарош Х. Рамболд алвон қизил камзулида ва терифуруш этагини тутиб, елкасига арқон ўрамини ташлаб, қатлгоҳга кўтарилади. Белида қўрғошин туқмоқ ва чўқмор, михлар қадалган узун таёқ, кастетлар тақилган қўлини қаҳр билан ишқайди.

Рамболд (бош қозига мудҳиш беписандлик билан). Жаллод Гарри, ҳазрат олийлари, чакмоқ Мерси. Бир ҳалқаси беш гиней. Бўйни бўлса бас, арқон топилади.

Муҳаддас Георгий черковида жом чалинади, оҳиста гулдираган, худди гўрдан чиқаётгандай овоз.

Ж о м. Ҳей-ҳей! Эй-ҳей!

Б л у м (*умидсизлашиб*). Тўхтаглар. Бас қилинг. Чағалайлар-чи? Оқ кўнгил. Мен кўрдим. Маъсумлик. Маймунлар панжараси олдидаги қиз. Ҳайвонот боғида. Хирсдай шимпанзелар (*бувилади*). Тос ҳовуз. Унинг чеҳрасидаги нафис қизиллик мени мафтун этди (*ҳаяжонини босолмайди*). Мен бу маконларни ташлаб кетдим (*оломон ичидаги кимсалардан бирига илтижо оҳангида мурожаат қилиб*). Ҳайнс, сизга икки оғиз сўз айтса бўладими? Сиз мени биласиз. Менга анов уч шиллигни бермасангиз ҳам майли. Агар сизга яна бироз керак бўлса...

Ҳ а й н с (*совуқ*). Сизни биринчи марта кўриб турибман.

Иккинчи соқчи (*бурчакни кўрсатиб*). Бомба ўша ерда.

Биринчи соқчи. Соат механизмли портловчи модда.

Б л у м. Йўк-йўк. Бу чўчка гушти. Мен таъзияга борган эдим.

Биринчи соқчи (*тўқмоғини ўқталиб*). Ёлғончи!

Овчи ит бошини кўтаради, ҳамма Падди Дигнамнинг қум ўчган турқини кўради. У барини еб битирган. Ундан ўлимтикхўр мурдорнинг иси анқийди. У одам шакли ва қиёфасига киради. Итнинг териси мурданинг кафанига дўнади. Қон тўлган кўк кўзи йилтирайди. Қулоғининг бир чети, бурнининг ҳаммаси ва қўлларининг бош бармоғини ялмоғизлар еб қўйган.

Падди Дигнам (*бўғиқ овоз билан*). Бу рост. Бу мени кўмиш маросими. Доктор Финюкейн ўлим табиий сабабларга кўра юз берганлигини ёзган, мен касал бўлиб ўлдим.

У мажақланган, кулдек туссиз башарасини ойга қаратиб, қайғули улийди.

Б л у м (*хурсанд бўлиб*). Ана, эшитинг!

Падди Дигнам. Блум, мен Падди Дигнамнинг руҳиман. **Ў** эшит, эшит, эшит!

Б л у м. Бу Исавнинг овози.

Иккинчи соқчи (*чўқиниб*). Бу қандай қилиб?

Биринчи соқчи. Бу ҳафтиякда ёзилмаган.

Падди Дигнам. Бу кўчириш. Таносух. Метемпсихоз. Арвоҳлар.

Овоз. Вой нусхангдан.

Падди Дигнам (*ишонч билан*). Аввалда мен қози, қасамёдлар ва гувоҳликлар бўйича ишончли вакил мистер Жон Генри Ментоннинг хизматчиларидан бири эдим, Бэйчлорз-уок, 27. Ҳозир мен марҳумман, юрак хасталиги. Иш юришмади.

Хотиним шўрлик, чарчаб ҳолдан тойиб қолди. Унинг аҳволи қандай? Қўлида анов бир шиша херес майи қолган, олинг. (*Ат рофга нигоҳ ташлайди.*) Фокус. Мен ёзилишим керак. Қайна-тилган сут негадир ичимни бузди.

Бошқарувчи Жон О'Коннелнинг басавлат гавдаси қора чи зимчага тизилган калитларни кўтариб олдинга чиқади. Унинг ёнида мутавалли ота Гробби, қорни чиққан бўйни қийшиқ, ус тида ридо, тунги қалпоқ ўрнига бошини чит рўмол билан ўраб боғлаган, кўкнор бандларидан ўраб тўқилган асони қўлида қисимлаб туради.

Ота Гробби (*ҳомуза тортиб, хириллаб, вақиллаб қўяди*). Намине. Жекобе. Вобисквит¹. Омни.

Жон О'Коннел (*мегафон орқали, сиреналарнинг қўрқинч овозлари*). Мархум Дигнам, Патрик Т.!

Падди Дигнам (*сесканиб, қулоқларини диккайтирган ҳолда*). Юксак садолар (*буралиб-айланиб олдинга чўзилади, қулоқини ерга қўйиб эшитади*). Хўжайинимнинг овози келяпти!

Жон О'Коннел. Кўмиш гувоҳномаси 78500 ЎЛ. 17 Секция. Калитлар уйи. 101 Бўлим.

Падди Дигнам зўриқиб тинглайди, ўйланади, думи таёқдек туради, қулоқлари диккайган.

Падди Дигнам. Худо раҳмат қилсин, дуо қилинг.

Ертўла тешиги орқали пастга ўрмалаб кетади, кафаннинг этаклари майда шағал устида шатирлайди. Унинг орқасидан қари семиз каламуш ўрмалайди, тошбақа оёқлари туссиз қал қон тагидан худди қўзиқорин бўғими каби чиқиб туради. Дигнамнинг товуши ер остидан итнинг бўғиқ акиллашидай эшитади: «Дигнам ўлди, кўмилди, мозорига қўйилди». Худди кўкраги қизил қушдай кўкси алвон Том Рочфорд, бошида фуражка, кетида чолвор, икки колонкали машинасидан сакраб тушади.

Том Рочфорд (*қўлини кўксига қўйиб таъзим қилади*). Рувим Ж. Пул қўйиб бўлса ҳам, уни топаман (*ертўла туйнугига тап тортмай сергак кўз ташлаб*). Хўш, навбат меники. Карлоуга олға, менинг ортимдан!

У сакраб ўмбалоқ ошиб туйнук ичида ғойиб бўлади. Колон қадаги икки диск бир чайқалиб иккита нолни кўрсатади. Ҳам маси йўқолади. Блум кулбалар, ахлатхоналар оралаб нарига

¹ Лот. бузилган: исми... сиз билан (лот.).

ўтиб боради. Чароғон бир уй олдида тўхтаб, қулоқ солади. Бўсалар ўз уяларидан пориллаб чиқиб, унинг гирдида айланади, чурқиллайди, чулдирайди, гувиллайди.

Бўсалар (чурқиллаб). Лео! (чириллаб.) Жарангдор қайноқ нозик ширин Лео учун! (ғув-ғув қилиб) Чўлп-чўлп! Умм-умм! О-оо! (чурқ чурқ этиб.) Чиввитт! Шуу-ун-да! Лео-пу! (Чурқиллаб). Лео-ле, Лео-хўб! (чир-чираб) Лео-лео, лео-хўб!

Улар унинг либослари узра пир-пир учишади, чарх уришади, ёрқин ва учқур зиёлар, кумуш каби кукунлар.

Блум. Эрлар музыкаси. Ғамгин музыка. Черков музыкаси. Балки мана шу ердадир.

Энглоёқ ойимқиз Зоя Хиггинс, сарғиш тор бел кўйлак кийган учта бронза рангли тасма таққан, бўйнида чорсигина қора духоба, унга бош силкиб зинадан тушиб келади ва жуда яқин туради.

Зоя. Сиз бировни қидиряпсизми? У ичкарида дўсти билан ўтирибди.

Блум. Бу миссис Макнинг хос жойими?

Зоя. Йўқ, у нарироқда, бу саксон бир, миссис Коэн. Нарига кирсанг, панд ейсан, шунақа гап бор. Онахон Пантуфля (эски танишига сўзлагандай). Бекачнинг ўзи бу кеча молдўхтир билан банд, ўша қўнғизвой унга энг тўғри нарх-наволарни айтиб туради ва бунинг устига бекачнинг ўғли Оксфордда ўқийди, ўқишнинг пулини ҳам молдўхтир тўлайди. Ишдан ташқари иш, аммо ҳозир бекачнинг бахти тўнкарилган. (Гумонсираб.) Мабодо, сиз ўғлининг отаси эмасмисиз?

Блум. Кўйсангиз-чи!

Зоя. Негаки, иккови ҳам қора-да. Унда, ҳойнаҳой, бароқхон эрмак ўйнагани қарши эмасмилар?

Унинг жисми ойимқизнинг яқинлашган бармоқларидан жушга киради. Ойимқиз унинг чап биқинини силайди.

Зоя. Қани соққалар?

Блум. Биқинда. Қизиги доим унгда. Чамаси, у оғиррокдир. Менинг Мизайес деган тикувчим миллиондан биттаси шунақа бўлади дейди.

Зоя (тўсундан ташвишга тушиб). Ие, бу каттик ғўддаку¹.

¹ Гап сифилисома касаллигида ҳосил бўладиган шанкр (ғўдда) ҳақида боряпти (тарж.).

Блум. Ундаймасдир-ов.

Зоя. Мен ушлаб турибман, ахир.

Ойимқиз қўлини унинг шимининг чап чўнтагига тиқиб, қорайиб кетган буришган бир дона картошкани чиқаради. Тароватли дудоқларини ярим очиб, дам қўлига, дам Блумга қарайди.

Блум. Оила тумори омад келтиради.

Зоя. Бу Зояга, тўғрими? Ширин қиз булганим учун, а?

Картошкани шоша пиша чўнтагига тиқади, кейин Блумнинг қўлидан ушлаб, қўлтиқлаб уни қайноқ ва маҳкам қучоқлайди. Блум зўриқиб илжаяди. Оҳиста шарқона музика эши тилади, оҳанг оҳангга уланади. У ойимқизнинг сурма тортилган шаҳло кўзларига боқади. Табассуми самимий тортади.

Зоя. Мен билан келаси сафар бўласан.

Блум (*айрилиш ғуссасига ботиб*). Ҳеч қачон севмадим ўшал ғўзал охуни, гарчи тақдир...

Кийиклар тоғ ёнбағирларида ўйнаб, сакраб юради. Наридида кўл. Унинг соҳилларида кедр ўрмонзорлари қорайиб кўринади. Муаттар ислар эсади, мумнинг хушбўй ҳиди буралиб кўкка кўтарилади. Шарқ томон аланга ичида, зангори осмонни қурч бургутларнинг парвози кесиб ўтади. Унинг остида сарин хумор ва ҳашамга тўлиб оппоқ яланғоч аёлузум ётади. Дамашқ атиргуллари билан қуршалган фавворанинг сувлари ҳар томонга отилиб шивирлайди. Токлардаги қирмизи узумвошлари соясида атиргулларнинг улкан гунчалари нималарнидир пичирлаётгандай. Сирли чулдираб май оқади, уят, қон, ҳирс майи.

Зоя (*музика оҳангига мос пичирлаб хиргойи қилади, тинмай илжаяди, тугмачагулдай шарбатга тўлган лаззатли лабларига гулоб ва чўчқа мойи қўшилган*). Шорах ани венонвах, беноит Ершалоим¹.

Блум (*мафтун бўлиб*). Сенинг лафзингни тинглаб нажиб шоҳадан эканингни билувдим.

Зоя. Билгандан билмаган яхшилигини билмасмидинг?

Блумнинг қўлогини тилла қоплама қўйилган гуручдай тишлари билан шўх ўйнаб тишлайди, нафасидан ўтқир саримсоқнинг туриб қолган ҳиди анқийди. Атиргулларнинг оралари очилиб, шоҳларнинг мақбаралари ва уларнинг суяк-суруклари кўринади.

¹ Куддус қизлари! Мен қораман, аммо чиройли (қадимги ивритча).

Блум (*гайри шуурий равишда қизнинг ўнг кўкрагини ясси шалвираган кафти билан силаб, узини орқароққа тортади*). Сен Дублинданмисан?

Зоя (*чиқиб қолган сочининг толасини ўриштириб*). Кечир, нарироқ сурил. Мен англизман. Сен кўп тутатиб юбормайсанми?

Блум (*олдинги ҳолатида*). Мен кам чекаман, дўдидигим. Гоҳи-гоҳида битта сигара. Болалардай эрмак. (*Шўхчан.*) Оғизни тамакидан бошқа тузукрок нарсалар билан чучитиш мумкин.

Зоя. Ол-а, ол. Яна бир нарса де.

Блум (*бошида ўрибездори апашалар шляпаси, дағал вел вет шим ва ишчиларнинг қора кўйлагиди, бўйнига қип-қизил капалак нусха бўйинбоғ таққан*). Одамзодга даво йўқ. Сэр Уолтер Рели бизга Америкадан шу тамаки ўсимлигини топиб келтирди, гиёҳ аввал юқумли инфекцияларни қиради, кейин кўз, кулок, юрак, хотира, ирода, ақл-идрокни ишдан чиқаради. Кўймайди. Шундай қилиб, у бизга бир аср аввал оғу келтирди, ановниси, унинг оти ёдимдан чиқди, озик-овқатларни кейинроқ келтирган. Ўз-ўзини ўлдириш. Ёлғончилик. Бизнинг бутун хулқимиз. Бизнинг жамиятдаги ҳаётимизни қаранг!

Узоқ жомхоналардан бонг овози келади.

Бонг. Қайт, Леополд! Дублиннинг лорд-мэри!

Блум (*шаҳар бошқармаси аъзоси олдермен либосида, занжир билан*). Арран-куэй, Иннс-куэй, Ротонда, Маунтжой ва Шимолий Докларнинг сайловчилари, мен сизларни ишонтириб айтманки, энг яхшиси, бу молбозордан дарёгача трамвай изи ўтказиш. Бу келажакнинг музикаси. Менинг дастурим шу. *Cui bono?*¹ Аммо бизнинг қароқчилик билан шуғулланувчи Учар Голландларимиз ўз капитанларининг кўзга кўринмас кемаларида...

Сайловчилар тўдаси ичидан. Бизнинг бўлғуси магистратимизга уч карра уч бора урра!

Машъала кўтарган намоёниш қатнашчиларини шимол ёвдуси ёритади.

Машъалбонлар. Урра!

Шаҳарнинг хеш ақраболари, маҳаллий тузлар ва ҳурматли зотлар Блумнинг қўлини сиқиб табриклашади. Дублиннинг уч бора шаҳар бошлиғи бўлмиш Тимоти Херрингтон мэрининг алвон либосида оқ ипак бўйинбоғ ва тилла занжир тақиб воятда

¹ Кимга фоида? (*Лот.*)

салобатли кўринади, у маслаҳатчи Лоркан Шерлок билан *Locut tenens* ниманидир гаплашади. Икковлари мурасага келиб бошларини шавқ билан силкитадилар.

Собиқ лорд-мэр Херрингтон (бўйида кенг оқ шоҳи рўмол, устида алвон либос ва тилла занжир, қўлида раҳбар асоси). Олдермен сэр Лео Блумнинг нутқи солиқ даромадлари ҳисобидан чоп этилсин. У таваллуд топган уйга хотира лавҳаси ўрнатилсин. Корк-стрит яқинидаги Сигир Яйлов деб аталган жой бундан буён Блум хиёбони деб номлансин.

Маслаҳатчи Лоркан Шерлок. Бир овоздан қабул қилинди.

Блум (*жушиб*). Анави Учар Голландлар ёки тўғрироғи, ёпишқоқ Голландларни айтаман, улар уз каюталаридаги гиламлар устида ағанаб ётганларида, зерикиб кетиб суяк сокқа уйнаганларида, бошқа нима билан ишлари буларди дейсиз? Уларнинг бирдан-бир тапвишлари — машиналар, шунга сиғинадилар, шунинг тумор деб биладилар. Ускуналар ва автоматлар, қурқинчли механизмлар, ўзаро қирғин учун ясалган қонхўр қурол-аслаҳалар, мудҳиш жаллодлар, бизнинг сўтаклаштирилган меҳнатимизга канадай ёпишиб сўриб ётган капиталистларнинг очкўзлиги боис тобора урчиб кўлаймоқда. Қашшоқ шўринг қурғур, азбаройи оч бўлгани учун дам олади, улар эса ўз ҳузурларини кўзлаб қирол кийикларини боқадилар, қирғовулар ва лойхўрақлар овлайдилар, олтин ичида чўмилиб, платина ичида сузадилар. Уларнинг киборлиги бу маккорлик, бизнинг давлатимиз уларнинг салтанати, ахир қачонгача, ўртоқлар, бу лаин лаънати...

Узоқ тинмаган гулдурас олқишлар. Ҳар томонда зафар арклари, қуббалар, байрам байроқлари қад кўтаради. Куча узра «*Cead mille failte*»¹, «*Max tob melek Izrail*»² деган шиорлар ёзилган лавҳалар осилади. Барча деразаларда завқ шавқи тошган томошабинлар кўпроқ аёллар суқулишиб бошларини чўзиб қарашади. Бутун йўл бўйлаб тизилган Дублин Қирол ўқчилари, Олий ҳазратлари қўл остидаги чегарачи шотланд гвардиячилари, Камерон тоғ ўқчилари ҳамда Валлия ўқчилари полклари тикка туриб оломонни тухтатишга уринади. Мактаб ўқувчилари барча телеграф ва фонар устунлари, барча сув ва

¹ Юз минг саломлар (*ирл.*).

² Қанчалар кўркемдир Шоҳинг сенинг, Исронл! (*Қад. ивр.*)

ўт қувурлари, дераза тоқчалари ва айвончалар, деворлар, пан жаралар ва тарновларга мўр-малахдай ёпишиб, увиллаб, чувиллаб, ҳуштакбозлик қиладилар. Узоқда тутун қубба бўлиб кўтарилади. Найлар ва дафлар чалиниб, «Кол Нидре»¹ оҳанги эшитилади. Илғорда келаётган сафлар пайдо бўлади, улар узра император бургутлари парвоз этади, байроқлар ҳилпирайди, Пальма новдалари тўлқинланади. Аҳоли байроқлари орасида сопи олтин ва фил суюгидан ясалган Рим папасининг туги юксалади. Сафларнинг ўртаси яқинлашади, уни шаҳар доругаси, каттак камзул кийган, Атлон кичик геролдмейстери ва Олстер геролдмейстери Жон Хауард Парнелл бошқариб, йўлбошчилик қилиб боради. Унинг ортида Дублиннинг лорд-мэри муҳтарам Жозеф Хатчинсон, кейин Корк лорд-мэри ҳазратлари, ундан сўнг Лимерик, Голуэй, Слайго ҳамда Уотерфорд мэрлари ҳазратлари, йигирма саккизта ирланд вакил-пэрлари, тахт безакбардорларини кўтарган сардорлар, грандлар, маҳаражалар, Дублин пойтахт ўт ўчириш хизмати, ҳар бири ўзининг амал-аркон даражасига қараб молиянинг муборак зотлари ва ўқ устунлари Даун ва Коннор епископи, олий муборак Зот Майкл кардинал Лоч, Армах архиепископи, бутун Ирландия примаси, муборак Зот, олий ҳазрат доктор Вильям Александр, бутун Ирландия примаси, бош раввин, пресвитерлар президенти, баптистлар, анабаптистлар, методистлар ва Морав биродарлари жамоаларининг бошлиқлари, шунингдек, Дўстлар жамиятининг фахрий котиби. Улар ортидан байроқларини ҳилпирашиб ҳунармандлик корхоналари, гилдиялар ҳамда шаҳар ҳимоячилари келаётир. Бочкасозлар, қушбозлар, қийиқчилар, реклама агентлари, нотариуслар, уқаловчилар, майфурушлар, белбоғчилар, мўркон тозаловчилар, мой эритувчилар, барқут ва поплин тикувчилар, молдўхтирлар, кўкфуруш италянлар, черков усталари, пойабзалчилар, марҳумларни кўмиш муасса саларининг мудирлари, ипакшоҳифурушлар, тош йўнувчилар, аукциончилар, тиқинсозлар, ёнғиндан суғурта қилувчилар, бўёқчилар ва доғларни йўқотувчилар, шишаларга солинган спиртли ичимликларни четга чиқарувчилар, мўйнадўзлар, лавҳа ясовчилар, тамға, муҳрсозлар, отбоқарлар, саррофлар, крикет ҳамда ёй ўқларини тайёрловчилар, элакчилар, картошка

¹ Барча касамёллар (қад. ивр.).

ҳамда тухум йиғувчилар, пайпоқсоз ва қўлқопсозлар, сув қувурлари ҳамда канализация ишларини бошқарувчилар. Улар орқасидан камерюнкерлар, Қора Чўқмор, Боғич Ордени геролдмейстери, Олтин Асо, шталмайстер, лорд обер гофмаршал, гералд палатаси президенти, буюк коннетабл, қирол шамшири, муқ. Стефан Темир Тожи, потир ва Инжилбардорлар. Турт пиёда горнчи трубаларини чаладилар. Лейб-гвардиячилар мугузлардан муборақбод ёғдириб уларга жўр бўладилар. Четларига сув сар мўйнаси ўтказилган алвон мантия кийган, боши яланғоч Блум пайдо бўлади; унинг қўлида муқаддас Эдуарднинг чўқмори, кабутарли салтанат таёғи, раҳмат шамшири. У оқ от минган, отнинг думи ниҳоятда узун ва алвонранг, ёпиқчаси ғоятда ҳашамдор ва югани олтиндан. Серғулув шодиёна. Хонимлар балконлардан туриб унга гуллар сочишади. Ҳаво гуллар ҳиди билан муаттар. Эркакларнинг ҳайқирган муборақбодлари. Блумнинг пайкар йигитчалари оломон орасида қўлларида дулана ҳамда қичитқи бутоқларини кўтариб чоғиб борадилар.

Пайкарлар.

Қушлар шоҳи газанда,
Сени роса қидирдик.
Муқ Стефан кунда
Топиб сени синдирдик.

Темирчи (*ғўлдираб*). Вой Раббим Худо! Наҳот шу Блум бўлса? Башарасидан ҳали ўттиз бирга ҳам кирмаганга ўхшайди.

Тошкесар ва тош ётқизувчи. Мана сизга Блум, жаҳоннинг энг улуғ ислоҳотчиси. Таъзим бажо қилингиз!

Ҳамма бошидан кийимини ечади. Хотинлар харросона шивир шивир қилишади.

Миллионер хотин (*тилидан бол томиб*). Вой мунча алламбало!

Оксуяк аёл (*оқсуякларча*). Дунё кўрган одам!

Аёллар эрки тарафдори (*мардона*). Қанча ишлар қилган!

Жом қуювчи. Мумтоз ва кўркам! Донишманд пешона.

Оби ҳаволар Блумга ёвишиб, шимол-ғарб томонда ёрқин шуълалар порлайди.

Даун ва Көннор епископи. Мен сизга сизнинг мислсиз император-президентингиз ва премьер қиролингиз, ушбу сал-

танатнинг мунаввар, меҳрибон ва қудратли подшоҳини тақдим этиш шарафига эга бўлдим. Худовандо, Леополд Биринчини ўз паноҳингда асра!

Хамма. Худовандо, Леополд Биринчини ўз паноҳингда асра!

Блум (*далматий либос ва алвон мантия кийган ҳолда Даун ва Коннор епископига маърур туриб*). Миннатдорман, олий фалонфалонким, сэр.

Армах архиепископи Виллям (*алвон либослар ва кенг соябонли шляпада*). Сепинг подшоҳлик даврингда барча амру фармонларингда Ирландия ва унинг ерларида қонун ва раҳм-шафқат барқарор бўлмоғини бўйнингга ҳамда иродангга олишга ваъда берурмисан оё?

Блум (*ўнг қўлини мойги устига қўйиб қасамёд этади*). Менга Худо бунда мададкор бўлсин. Барини тўлиқ адо этурман.

Армах архиепископи Майкл (*Блумнинг бошига бир бонка бриллиантин қуюди*). *Gaudium magnum annuntio vobis. Habemus carnificem*¹. Леопольд, Патрик, Эндрю, Дэвид, Жорж, ушбу масхни қабул эт!

Блум зар мантияни кияди ва ёқут узукни тақади. У кўтарилиб, Тақдир Тоши узра қойим бўлади. Вакил-пэрлар ўзларининг йигирма саккизта тожларини киядилар. Исо Масих, муқ. Патрик, муқ. Георгий черковлари ва бутун шодимон Малахайддан жомларнинг шод хуррам даранг дурунглари эшитилади. Майрас хайр-эхсон бозорининг ҳар ёғидан кўкка ранго ранг мушаклар сочилади, ҳавода ажиб бир ўнқай қўнқай шаклу суратлар ҳосил қилади. Пэрлар бирин кетин яқин келиб, тиз букиб садоқат билан хизмат қилишга қасамёд этадилар.

Пэрлар. Сизга тўлиқ ва батамом вассал бўлишга, сизга имон ва ҳақ бирлан хизмат қилишга тайёрман.

Блум ўнг қўлини кўтаради, унда Кўҳинур олмоси ярақлайди. Унинг оти пишқиради. Шу заҳоти жимлик чўқади. Ўитғалар аро ва сайёралар аро телеграф узатгичлар ахборот узатишга тайёр.

Блум. Менинг фуқароларим! Ушбу фармоимиз билан биз тулпоримиз Копулу Феликс²ни ўзимизнинг меросхўр Улуғ Вазиримиз этиб тайинлаймиз, ва алҳол маълум қилурмизким,

¹ Улуғ қувонч хабарини айтайин сизга. Сизнинг жаллодингиз бор (*лот.*).

² Бахтиер ришталар (*лот.*).

шу кундан эътиборан биз аввалги рафиқамизни рад айладик ва саодатли кутлук қўлимизни кечаларнинг гўзали малика Селенага тортиқ қилдик.

Блумнинг собиқ рафиқасини шартнома мuddати тугаганлиги боис шошилинч қора қарғада олиб кетадилар. Малика Селена моҳиёна мовий либосларда, бошига яримой тожи ўрна-тилган ҳолда икки барзанги кўтариб келган маҳофадан тушади. Шоён таҳсин ва муборақбодлар янграйди.

Жон Хауард Парнелл (*қирол тамғасини кўтаради*). Шон-шарафларга бурканган Блум! Менинг улуғ оғамнинг вориси!

Блум (*Жон Хауард Парнеллни қучиб*). Ям-яшил Эрин диёрида, аждод-боболаримизнинг асл тупроғида бизни ҳақиқий қиролларча кутиб олганинг учун Жон, сенга чин юракдан ташаккур айтаман.

Блумга шахар қонун қоидалари битилган номани келтирадидлар, Дублиннинг алвон ёстиқчага қўшалоқ қилиб қўйилган калитларини тутқизадилар. Блум ҳаммага ўзининг кўк пайпоқда эканлигини намойиш этади.

Том Кернан. Сиз бунга сазоворсиз, муҳтарам зот.

Блум. Бундан роса йигирма йил бурун худди мана шу куни биз азалий рақибимизни Ледисмитда енгдик. Бизнинг тупларимиз ҳамда туяга етаклатилган замбарак-фалконетларимиз душман сафларини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Икки ярим чакирим олдинга! Улар бостириб келмоқда! Тамом булдик! Наҳот чекинамиз? Йўқ, асло йўқ! Биз уларни подадай ҳайдадик! Олга! Хужумга! Бизнинг енгил отлиқ аскарларимиз сўл канотдан айланиб ўтиб, Плевна тепаликлари оша «Одил Савваоф» жанговар ҳайкириғи остида машириқлик сарасин тўпчиларининг барини битта қўймай қириб ташлади.

«Фримен» харф терувчилари. Эшитинглар! Эшитинглар!

Жон Уайз Нолан. Манави инсон Жеймс Стивенсни турмадан қутқариб олган.

Кўк кўйлақлар мактаби ўқувчиси. Қойил!

Оқсоқол. Сиз ўз ота юртингизнинг ифтихорисиз, сэр, тўғриси айтишим керак.

Олма сотувчи аёл. Мана шунақа одам керак Ирландияга.

Блум. Менинг суюкли фуқароларим, ҳаётингиз узра янги даврон шуълалари чикмоқда. Мен, Блум, сизга чинини айта-

манки, у остонага кадам қўйди. Сизга Блумнинг сўзини берман, тез орада сиз ҳаммангиз келажакнинг олтин шаҳрига кадам ранжида қилурсиз, у янги Блумусалим деб аталади, у келажакнинг янги Валоятидир.

Ирландиянинг барча вилоятларининг нишонларини таққан ўттиз икки ишчи пудратчи Дерван бошчилигида янги Блуму салимни бино қиладилар. Бу қирқ минг хонаси бўлган улкан иморатнинг томи биллурдан, шакли чўчқанинг буйрагига ўхшатиб солинган. Қурилиш ўрнида бир қатор бинолар ва ёдгорликлар бузиб ташланади. Ҳукумат идоралари вақтинча юк омборларига қўчирилган. Кўплаб тураржойлар теп-текис қилиб олиб ташланган. Уларнинг аҳолисини устига қизил ҳарфлар билан Л.Б. деб ёзилган бочкалар ҳамда яшиқларга жойлашган. Бир неча камбағаллар зиналардан йиқилдилар. Устига шаҳарнинг юзлаб содиқ томошабинлари миниб олган деворларнинг бир қисми қулаб тушади.

Томошабинлар (*жон бературиб*). Moriturite salutant!¹ (*ўладилар*) Яширин эшиқдан жигарранг макинтош кийган одам югуриб чиқади. Узун бармоғини чўзиб Блумни кўрсатади.

Макинтош кийган. Биронта сўзига ишонманг. Бу — Леопольд Макинтош — маълум-машҳур ўт қўювчи. Унинг хаки кий исми Хиггинс.

Блум. Отиб ташлансин! Насоролар ити! Макинтошга барҳам берайлик!

Тўп садолари. Макинтош кийган одам ғойиб бўлади. Блум асо билан лола кўсақларини уриб туширади. Жуда кўп кучли рақиблар, чорвадорлар, парламент аъзолари, доимий комиссиялар аъзоларининг тўсатдан ўлгани тўғрисида хабарлар келади. Блумнинг тан маҳрамлари Улуғ Пайшанба кунигача садақа тарқатадилар, хотира нишонлари, нон ва балиқ, ҳушёрлар жамияти тамгалари, қимматбаҳо сигаралар, тўрвадан чиққан суяклар, зар ип билан боғланган қовоз пакетчаларга солинган презервативлар, қаймоқли обакидандонлар, ананас обакилар, тумор қилиб тугилган ишқий мактублар, тайёр кийим бошлар, хамирга ўралган котлетлар, Жейкнинг дезинфекция суюқликлари солинган шишалар, товар купонлари, қирқ кунлик бароат хатлари, сохта тангалар, янги тугилган чўчқалардан тайёрланган кол-

¹ Жон таслим қиладиганлар сени табриклайдилар (лот.).

басалар, театр контрамаркалари, барча трамвай маршрут ларининг ягона мавсум чипталари, ҳукумат томонидан имтиёз берилган Венгрия қиролик лотереяси чипталари, текин овқат ланиш талонлари. Дунёдаги Ўн Иккита Энг Ёмон Китобнинг арзон нашрлари: «Фрицлар ва қурбақахурлар» (сиёсий), «Болага қараш» (бола тарбияси), «Етти ярим чақага 50 хил овқат» (пазандалик), «Исо Қуёш афсонаси эдимиз?» (илоҳиёт), «Бу ка сални йўқот» (табиблик), «Гудакларга коинот ҳақида» (билим), «Баравар тишқирамиз» (кулги), «Реклама агентининг йулнома си» (журналистика), «Онахон доянинг ишқий хатлари» (эротика), «Коинотда кимлар бор?» (илми нужум), «Юракка тўкилган қушиқлар» (муסיқий), «Миллионларга сариқ чақалик йўл» (жамғарма). Фала-говур, тўс тўполон. Аёллар Блумнинг этигига қўл теккизиш учун суқиллишиб ўтиб боришади. Леги Гвендолен Дю беда оломонни нари-бери суриб, Блумнинг отига сакраб минади ва оломоннинг қий чуви остида уни қучоқлаб икки бетидан упади. Магний чақнайди. Оналар ва оталар чақалоқларнинг этаклари ва иштончаларини силкитиб баланд кўтарадилар.

Аёллар. Падари бузрукворимиз! Падаримиз! Калонтаримиз! Этак иштончалар.

Яхши ширин боламан,
Леодан туп оламан.

Блум бубак Бордмен устига энгашади, унинг қоринчасини эркалаб қитиқлайди.

Бўбак Бордмен (ҳиқичоқ тутади, оғзининг четидан ивиган сут оқади). Ба-ба-бу-бу.

Блум (кўр йигитнинг қўлини сиқади). Укамдан ҳам ортигим! (Кексайган эр-хотиннинг елкасидан қучади) Менинг қадрдон кўхна дўстларим! (Жулдур кийимдаги болалар билан ўйин қилади.) Ҳа, ана! Хуушт! (Эгизакларни аравачада тебратади.) Тик-тик юрар соатим, этикчида бошмоғим. (Кўзбўёқчилик қилади, оғзидан қизил, сариқ, кўк, мовий, яшил, сиёхранг шоҳи рўмолларни тортиб чиқаради.) Бир куни занг чалур (Жак) бошини фонусга уражак. Дақиқада 32 фут. (Бевага тасалли беради.) Айрилиқ яшартар юракни. (Азаматларча шотланд рақсига тушади, масхарабозлардай эшилиб-буралиб, қийшанглайди.) Ҳей, қимирла, дангасалар! (Тўшакда қимирламай ётиб

қолган ветеранинг увишган жойларини унади.) Фахрли жа-
роҳатлар. (Семиз полисменни ҳазил қилиб чалади.) К.к.: Ку-
Ку. К.к.: Ку-Ку. (Юзи дув қизарган официант қизнинг қулоя
ига шивирлайди ва самимий хахолаб кулади.) Вой, айёр! Айёр!
(Морис Баттерли деган фермер келтирган шолғомни хомли
гича гачирлатиб ейди.) Қойил! Ажойиб (Журналист Жозеф
Хайнс бермоқчи бўлаётган уч шиллингни олмайди.) Йўк, йўк,
оғайни, бу ишинг кетмайди! (Пальтосини устидан ечиб, уни
тиланчига беради.) Илтимос, олинг, бу сизга. (Майиб маж
руҳ, қари қартаглар билан тиззалаб судралиш мусобақаси
ўйнайди.) Олға бос, йигитлар! Тезроқ қимирланг, қизалоқлар!

Ф у к а р о (азбаройи тўлқинланиб зумрад шарфига кўз ёшла
рини оқизади). Ишқилиб Худо хайрини берсин!

Кўчқор муғузлари жим бўлишга чорлаб дўриллаб мўнграй
ди. Сион юртининг туғини кутаришади.

Блум (ўз важҳу салобатини кўрсатароқ камзулини ечиб
ташлайди, найча қилиб уралган варақни очиб, таптанавор су
ратда ўқийди).

Алиф Бет Гимел Далет Хагада Тефилим Кошер Йом Кипур
Ханука Рош-Гашана Б'Най Брит Бар Мицва Маца Ашкеназим
Мешуге Талиф.

Кичик муниципал котиб Жимми Генри расмий таржимани
ўқиб эшиттиради.

Жимми Генри. Эндиликда виждон Суди очилади. Нас
роний олий ҳазратлари очиқ осмон остида одил судловни бош-
лайди. Тиббиёт ҳамда ҳуқуқиёт бўйича текин маслаҳатлар, маж-
хул ребусларни ечиш, турли ранг-баранг масалаларни ҳал қилиш.
Барча хоҳловчилар чин юракдан таклиф этилади. Собит шаҳарим-
миз Дублинда иншо этилди. Жаннатий Давроннинг 1-йили.

Падди Леонард. Солиқ ва божлардан қандай қутулсам
бўлади?

Блум. Уларни тўламоқ керак, оғайни.

Падди Леонард. Бош эгаман, ташаккур.

Флипп Узун Бурун. Мен ўт ўчиришга қилган суғур-
тамни гаровга қўйсам бўладими?

Блум (қоиданарастларча). Сэрлар, сизга маълум бўлсин-
ким, фуқаролик ҳуқуқига биноан сиз ярим йил мобайнида ўз
устингизга олган мажбуриятларингиз бўйича беш фунт миқдо-
рида тўловдорсиз.

Ж Ж. О'Моллой. Хақиқий Дониёлнинг ўзи, э, у ҳам гапми! Йук! Нақ Питер О'Брайен деяверинг!

Флинн Узун Бурун. Мен бу бадбахт беш фунтни қайдан умараман?

Берк Агар ковуғи чатоқ бўлса чи?

Блум (*дориларни санаб*). Суюқ дорилар. Кунига уч марта.

Крис Каллинан. Адабарон субсоляр эклиптикасининг параллакси нимага баробар?

Блум. Сизни эшитганимдан хурсандман, Крис. К.11.

Жо Хайнс. Нега расмий либос киймадингиз?

Блум. Менинг худо раҳмат қилгур катта бобом зах зиндонда Австрия мустабидининг либосини кийиб юрганда, сизнинг аба аждодларингиз қаерда эди?

Бен Доллард. Капалак гулларми?

Блум. Жамоат паркларимизни безайди.

Бен Доллард. Эгизаклар қачон бино бўлади?

Блум. Ота ўйланиб қолади.

Ларри О'Рурк. Янги ковоқхона очдим. Бир ҳафтага патент керак. Еттинчи уйда яшаганмиз, мени эсласангиз керак, падар Лео. Хонимингиз учун портер жўнатиб юбораман.

Блум (*хушламай совуқ*). Мени жуда кўнгилчан деб ўйламанг. Леди Блум совғалар олмайди.

Крофтон. Байраммисан байрам бўлди.

Блум (*салмоқланиб*). Сиз буни байрам дейсиз, мен буни тақдисона деб атайман.

Алессандро Ключчи. Қачон бизда калитлар уйи бўлади?

Блум. Мен шаҳар ахлоқини ислоҳ қилиш тарафдориман. Ўнта васиятга соф ҳолда риоя этилса дейман. Эски уфқлар ўрнига янгилари пайдо бўлади. Ҳамма яхудийлар, муслмонлар, мажусийлар бирлашади. Ҳар бир табиат фарзандига уч акр ер ва битта сигир. Энг яхши тобутлар автомобилларда. Жисмоний меҳнат барча учун мажбурий. Парклар куну тун очик. Идиш-товоқлар электр асбобларда тозаланади. Сил, ақлий заифлик, урушлар ва қашшоқликлар тақиқланади. Умумий афв эълон этилади, ҳар ҳафта карнавал, хоҳлаган ниқобни тутиш мумкин, ҳамма мукофот олади, бутун жаҳон тили эсперанто ҳамда бутун жаҳон биродарлиги ўрнатилади. Ичкиликбоз ва каззобларнинг сариқ сув очган ватанпарварлиги етар энди. Эркин фуқаролар давлатида эркин молия, эркин рента, эркин муҳаббат ва эркин фуқаро черкови бўлади.

О'Мэдден Берк. Эркин товукхонада эркин тулки.

Дэви Берн (*ҳомуза тортади*). Ииииинаааааах!

Блум. Ирқлар аралашади. Никоҳлар аралашади.

Ленехан. Аралаш ҳаммомлар ҳақида нима дейсиз?

Блум *уз яқин атрофида турганларга ижтимоий ўзгаришлар ҳақидаги режаларини тушунтиради. Ҳамма розилик ва қўллаб-қувватлашини билдиради. Килдер-стритдаги музейнинг мутасаддиси пайдо бўлади, у яланғоч илоҳаларнинг ҳайкаллари чайқалиб турган жуда катта усти ясси аравани тортиб келади – Венера Каллипиға, Венера Пандемос, Венера Метемпсихоз ҳамда – Тижорат, Опера музыкаси, Муҳаббат, Реклама, Саноат, Сўз эркинлиги, Кўп карра овоз бериш, Озиқ овқатлар, Шахсий Озодалик, Дам олиш жойларидаги Концертлар, Туғиш дардларини камайтириш ва ҳаммабоп Илми Нужум сингарилар шу билан бирга тўққизта янги музалар тасвирланган яланғоч ганч ҳайкаллари ҳам шу ерда.*

Ота Фарли. У баттарин англикан, агност, кўп динли, у бизнинг муқаддас динимизни кўпормокчи.

Миссис Риордан (*васияти ёзилган қовозни йиртади*). Сиздан ҳафсалам пир бўлди! Сиз яхши одам эмассиз!

Онахон Гроган (*Блумга қараб отиш учун оёғидаги бош моғини ечади*). Вой, сен ҳайвон! Ярамас аблаҳ!

Флинн Узун Бурун. Бизга қўйлаб бер, Блум. Эски ширин қўшиқлардан айт.

Блум (*завқ шавқи тошиб*).

Суз берганман ташлаб
кетмайман дебон,
Жонон бошлаб мени, адабим
сбон
Мен ла ла лала лала хулалла.

Ниначи Холохан. Қария Блум! Ҳеч кимга ўхшамайди, бунинг уруғини топиб бўлмайди, ноёб.

Падди Леонард. Операбоп шонли ирланд!

Блум. Гибралтардаги чўлокқа қайси опера ўхшайди? Атиргул ва қўлтиқтаёқ.

Кулги.

Ленехан. Қалам ўғриси! Йўқолсин Блум!

Чодир ёпинган Сивилла (*жушқин*). Мен Блумчима, шу билан фахрланаман. Қандай бўлмасин, мен унга ишонман. Унга ҳаётимни бағишлашга тайёрман, бошқа бундай масхарабоз дунёда йўқ.

Блум (*атрофдагиларга кўз қисади*). Бас бойлайман, жуда чиройли киз.

Теодор Пюрфой (*балиқчилар кийими ва сув ўтмас курт қада*). У табиатнинг муқаддас максадларига халал етказиш учун турли механик воситаларни қўллайди.

Чодир ёпинган Сивилла (*ўз кўксига ханжар уради*). Менинг қахрамоним, менинг илоҳим! (*Ўлади*.)

Жуда кўп эҳтиросли ва мафтункор хонимлар ҳам ўз жонлари га қасд қиладилар, ўзларига тиғ урадилар, сувга чуқадилар, турли ишқорлар, заҳар ичадилар, томилларини кесадилар, овқат ейиш дан воз кечадилар, бу машиналар тагига ётадилар, Нелсон қуббасида Гиннеснинг катта пиво пишириладиган қозонига ўзларини ташлайдилар, газхонага бошларини суқадилар, чиройли боғичлар да осадилар, юқори қаватлардан пастга отадилар.

Александр Ж. Даун (*бор овоз билан*). Исо Масихога имон келтирган оғайнилар, Блум деган махлуққа қарши бўлган биродарлар, Блум дейилмиш ушбу одам — ҳақиқатан ҳам жаҳаннам олови ва насроний оламига айни ҳақоратдир. Бешикдалигидан шайтон хирсу ҳавасига берилмиш бу Зот, Мендесдан чиққан сассик така, жуда эрта болалик бузуқчиликларига берилди, мисоли водийларга ёғар дўл каби, қариб чуриган камшир билан бўлди. Ушбу пасткаш риёкор, учига чиққан беномус муқаддас Апокалипсисда айтилган ўша оқ буқанинг ўзгинасидир. У Бобил фоҳишасига сиғинади ва барча васвасалар унинг тумшугидан баднафас билан бирга чиқади. У гулханда ёйиш, қайнаб турган мой қозонига ташланишга сазовор. Калибон!

Оломон. Дорга осилсин! Ўтга ёқилсин! У Парнеллдан ҳам ёмон. Мистер Фокс!

Онахон Гроган бошмоғини Блумга отади. Юқори ва қуйи Дорсет стритнинг дўкондорлари унга турли тақир-туқирлар, қуюлтирилган сутдан бўшаган тунукалар, сасиган карам бошлари, могорлаган нон бўлаклари, қўйларнинг думлари, пишлоқларнинг дурдаларини улоқтирадилар.

Блум (*саросимада*). Бу яна офтоб уришига ўхшайди, яна қандайдир бемаза бир ҳазил. Худо ҳаққи, менинг айбим йўқ,

куёш нури тушмаган қордай оппоқман! Сиз айтаётган одам менинг биродарим Геңри. У мен билан эгиз. У Долфинс-бариди туради, иккинчи уй. Бу тухмат илондан ёмон, бошимга ёлгон айблар келтирди. Биродарлар ва элдошлар, sgenl inn ban bata coisde гап сарал¹. Мен эски дўстим, жинслар бўйича мутахассис, доктор Мейлахи Маллигандан мен ҳақимда тиббий бир хулоса беришини сўрайман.

Доктор Маллиган (*автомобиль пойгачиларининг чарм курткасида, пешонасига кук консерва ойнак қўндирган*). Доктор Блумда бисексуал аномалия кузатилади. У яқинда доктор Юстейснинг телба эркаклар ётадиган хусусий шифохонасидан қочиб чиқди. У никоҳдан ташқари туғилган, ҳаддан ортиқ жинсий уринишлар натижасида ривожланиб кетган ирсий эпилепсияга дучор бўлган. Аввалги авлодларида фил касаллигига мойиллик ҳоллари учрайди. Сурункали эксгибиционизмнинг аниқ белгилари бор. Яширин мунофиқлик ҳам кўзга ташланади. У ўз-ўзини уқалашга берилганлиги туфайли сочи эрта тўкилган, шу боис айниган хаёлпарастга ва ясама тишли бузукқа айланган. Оила борасида у вақтинча хотирасини йўқотган ва назаримда у бошқалар олдида гуноҳкор эмас, фақат бошқалар унинг олдида айбдор. Мен ички вагинал текшириш ўтказдим ва S 427 орқа, қўлтиқ ости, кўкрак, олат усти қилларининг ишқорийлиги бўйича тест қўллаб шу хулосага келдимки, гувоҳлик бераман, бу киши *virgo intacta*² экан.

Блум жинсий аъзоларини люкс шляпаси билан тусади.

Доктор Мэдден. Шунингдек, ривожланган гинсоспадияга ҳам гирифтор. Наслларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда мен зарарланган аъзоларини спиртга солиб, уларни миллий теротология музейида сақлашни таклиф этаман.

Доктор Кроттерс. Мен касалнинг пешобини таҳлил қилдим. У оқсилланган. Сўлак ажралиши етарли эмас, тизза рефлекслари узук-юлук.

Доктор Панч Костелло. Ҳаётда билиниб туради *fetor judaicus*³.

Доктор Диксон (*тиббий хулосани ўқиб эшиттиради*). Профессор Блум янги типнинг тугал намунаси — у аёлманд эр-

¹ Бармоқ сўриб топилган воқеа (*бузил. ирл.*).

² Бокира қиз (*лот.*).

³ Жухуд сассиғи (*лот.*).

как. Унинг маънавий хусусиятлари содда ва жозибали. Аксарият одамларнинг фикрича, у ғоятда дилбар инсон, ажойиб шахс. Умуман олганда, унинг ғалати томонлари йўқ эмас, тортинчоқ, лекин тиббий маънода ақли заиф эмас. У Эврилган Рухонийларни қўллаб-қувватлаш жамиятининг юрисконсултига жуда чиройли хат ёзди, ҳақиқий дoston, унда ҳаммаси тўла-тўқис тушунтириб утилади. Амалда у мутлақо ичмайди ва тасаввур этишимча, сомон тушакда ухлайди ва бениҳоя камсуқум овқатланади, кўпроқ кўкфурушдан қуриган нўхот олиб тановул қилади. Ёзда ҳам, кишда ҳам ирландча жул камзул кияди ва ҳар шанба ўз-ўзини қийнаб имтиҳон қилади. Менга шу нарса ҳам маълумки, у бир вақтлар Гленкрининг балоғатга етмаган кичик ёшли жиноятчилар ахлоқ тузатиш колониясига биринчи разрядли ҳуқуқбузар сифатида тушган. Бошқа бир хабарга қараганда, у отасининг ўлимидан сўнг туғилган. Бизнинг нутқ аъзоларимиз талаффуз қилишга муяссар бўлган сўзлар ичида энг муқаддаси номига сизни раҳм-шафқатга қақираман. У тез орада бола кутмоқда.

Ҳаммани ҳамдардлик чулғайди. Хотинлар беҳуш йиқилади. Бадавлат америкалик Блум фойдасига хайр-эҳсон йиғайди. Олтин ва кумуш тангалар, банк чеклари, қовоз пуллар, қиммат баҳо ашёлар, ғазна облигациялари, тўлови етган векселлар, қарз тилхатлари, никоҳ узуклари, соат занжирлари, медалионлар, билагузук ва маржонлар дўлдек ёғилади.

Блум. Оҳ, мен қанчалар она бўлишни истайман.

Миссис Торнтон (*энага боқувчи либосида*). Мени маҳкамроқ ушла, жонгинам. Ҳаммаси тезда тугайди. Маҳкамроқ кучоқла, жоним, маҳкамроқ.

Блум уни қаттиқ қучоқлайди ва саккизта сариқ ва оқ ўғил болаларни юзага чиқаради. Улар қирмизи гилам билан ғаройиб ўсимликлар қўйилган пиллатоя зиналарида пайдо бўлишади. Саккизовлон барчаси чиройли, чехралари олтин-кумушдай, келишган, яхши кийинган ва ажойиб тарбияланган, бешта жонли тилда бемалол гаплаша олади ҳамда турли фанлар, санъатларга қизиқадилар. Ҳар бирининг исми кўйлагининг кўкрагида аниқ таниқ ёзиб қўйилган: Назодоро, Голдфингер, Хризостом, Мэндоре, Силверсмайл, Зилберзелбер, Вифаржан, Панаргирос¹. Уларга шу заҳоти турли

¹ Олтин бурун (*ингл.*) Олтин бармоқ (*ингл.*), Олтиндудок (*юнон.*), Тиллакори қўл (*франц.*), Кумуштабассум (*ингл.*), Ўзи кумуш (*нем.*), Симоб (*франц.*), Бутункумуш (*юнон.*).

мамлакатларда юксак ва масъул лавозимларни топширадилар, улар банк директори, темир йўл диспетчери, масъулияти чекланган компанияларнинг президентлари, меҳмонхоналар синдикатларининг вице президентлари курсисига ўтирадилар.

Овоз. Блум, сен Масих бин Юсуфмисан ёки бин Довуд? Блум (сирли). Сен айтдинг.

Биродар Торт Йирт. Унда муъжиза курсат.

Бэнтам Лайонс. Башорат қил, Сент-Лежерни ким ютади?

Блум дор арқонидан юриб боради, чап кўзини чап қулоғи билан беркитади, деворларни ёриб ўтиб кетади, Нелсон қуббасига ўрмалаб чиқиб, энг тепа тоқчада осилиб туради, ўн икки дужин чиганоқ (чиганоғи билан) ютади, ширинча билан оғриган бир қанча беморларни тузатади, юз тузилишини ўзгартиради, жуда кўп тарихий сиймолардан ажратиб бўлмайдиган ўхшашлик касб этади: лорд Биконсфилд, лорд Байрон, Уот Тайлер, Мусо Мисрий, Мусо Маймоний, Мусо Менделсон, Генри Ирвинг, Рип ван Винкл, Кошут, Жан Жак Руссо, барон Леополд Ротшилд, Робин Крузо, Шерлок Холмс, Пастер ва ҳоказолар, ҳар бир оёғини бир вақтнинг ўзида ҳар томонга айлантиради, денгиз сувини орқага қайтаради, жимжилоғини кўтариб қуёшни қорайтиради.

Папа нойиби Брини (Папа зуав қўриқчиси либосида, кўксига пўлат кираса совут, қўл ва оёқларида пўлат калла, шопмўйлов, қора бумазий ёпинчиқда). Leopoldi autem generatori¹.

Мусо Нухни туғди, Нух Евнухни туғди, Евнух О'Халлоранни, О'Халлоран Гугенхеймни, Гугенхейм Агендатни, Агендат Нетаимни, Нетаим Ле Гиршни, Ле Гирш Иесирумни, Иесирум Маккейни, Маккей Остролопни, Остролоп Смердозни, Смердоз Вейссни, Вейсс Шварцни², Шварц Адрианополни, Адрианопол Аранхуэсни, Аранхуэс Луи Лоусонни, Луи Лоусон Ихаводоносорни, Ихаводоносор О'Донвел Магнусни, О'Донвел Магнус Христбаумни, Христбаум Бен Маймунни, Бен Маймун Тўзон Родсини, Тўзон Родси Бенаморни, Бенамор Жонс-Смитни, Жонс-Смит Саворгновични, Саворгнович Яскисни, Яскис Вентетюнемни³, Вентетюнем Сомбатхейни, Сомбатхей Вирагни, Вираг Блумни туғди et vocabitur nomen eius Emmanuel⁴.

¹ Мана Леопольднинг, шажараси (лот).

² Қора, оқ (нем.).

³ Йигирма биринчи (франц.).

⁴ Ва ном қўюрлар унга Эммануэл (лот.).

Мурда қўли (*деворга ёзади*). Блум бу — шайтанат.

Мандавош (*ўрмон қароқчиси аслаҳасида*). Килберрек орқасидаги молхонада нима қилувдинг?

Кичкина қиз (*шақилдоқ шақиллатиб*). Баллибох кўприги тагида нима қилувдинг?

Игнабарг. Ажина жарда-чи?

Блум (*дув қизариб, чап кўзидан уч томчи ёш оқади*). Менинг ўтмишимга раҳм қилинг.

Ерларидан ҳайдалган Ирланд ижарачилари (*коржомаларда, қўлларида таёқ-тўқмоқ*).

Sjambok¹ урилсин!

Блум эшаксимон қулоқлари осилиб тушганча сазо устуни тагида ўтиради, қўлларини чалкаштирган, оёқларини узатган, «Don Giovanni, a cenar teco»ни ҳуштак чалиб хиргойи қилади. Артейн етимхонасидан чиққан қизчалар қўлларини қўлларига бериб унинг теграсида айланадилар. Турма Дарвозаси Зовиясининг қизлари қўл ушлашиб, унинг атрофида тескари томонга айланишади.

Артейн етимчалари.

Лайча у, чўчка у, исқирт бу одам

Ўйлайди ўзига хонимлар ҳамдам.

Турма дарвозаси қизлари.

Кўрсанг уни хе,

Дарров тортиб ол-е,

Тез ичига кир-е

Турма қараб, бўл-е.

Хорнблоуэр (*овчилар кийим-анжомида, башорат қилади*). Ва у халқнинг журму гуноҳларини саҳроларда кезувчи руҳ Азозилга, тун алвастиси Лилитга элтгай. Ва тошбўрон қилгайлар уни, хўрлагайлар уни Агендат Нетаимдан тортиб ва Мицраимдан тортиб, барча Хом ерлари.

Ҳамма Блумга картондан ясалган тошларни отади. Қовоқхоналардан галдираб чиққан бадмастлар ва тўда тўда санғитлар Блумга келиб уст-бошини ҳаром қиладилар. Лапсердак

¹ Таёк (*африкаанс*).

ва узун пейсларда Мастянский ва Цитрон пайдо бўлади ва Блумга соқолларини силкитиб ишора қиладилар.

Мастянский ва Цитрон. Велиал! Лемляйн истралик! Ёлгончи-Масих! Абулафия!

Блумнинг бичиқчиси, қўлтиғига дазмол қистирган Жорж С. Мизайес кўринади ва тўлов қоғозини узатади.

Мизайес. Қайта тикилган шим учун ўн бир шиллинг.

Блум (қўлларини ишқалаб, ўзига келиб). Худди эски пайтлардагидай. Шўрлик Блум!

Рувим Ж. Додд, қорасоқол Искарриот, бадфеъл руҳоний елкасида ўзининг чўкиб кетган ўғлининг жасадини кўтариб сазо устунига яқинлашади.

Рувим Ж. (хириллаган овозда пичирлаб). Бир қанжиқ сотди. Ахлатлар орқасида кичишади. Чангалларингни кучир урйикит талон-торожда.

Ёнғин ўчириш тудаси. Паамм!

Биродар Торт-йирт (Блумга баланд учли тумоқ ва аланга сурати акс эттирилган сариқ чопон кийдиради. Унинг бўйнига халтага солинган ўқ дори осиб, сўнг маҳаллий ҳокимият вакилларига топширади, йўл йўриқ кўрсатади.) Унинг қарзларини ўзига ҳавола этамиз.

Жамоатчиликнинг яқдил илтимосига кўра Дублин ўт ўчириш тудасидан лейтенант Майерс Блумни ёқиб юборади. Ўкириб йиғлаган овозлар эшитилади.

Фуқаро. Самомизга ҳамду санолар!

Блум (И.Х.С. ҳарфлари туширилган ёпинчиқда, худди Қақнус каби аланга ичида осилиб туради). Эрин санамлари, кўз ёши тўкмангиз менга.

Дублин репортёрларига жисмининг куйган жойларини кўрсатади. Қора кийинган, қўлларида катта дуо китоблари ва ёниб турган узун шамлар тутган Эрин санамлари тиз букиб дуо ўқийдилар.

Эрин санамлари.

Блумнинг буйраги, бизни дуо қил

Тирмиз Гули, бизни дуо қил.

Ментор Ментони, бизни дуо қил.

«Фримен»нинг реклама агенти,

бизни дуо қил.

Раҳмдил Масон, бизни дуо қил.

Саргардон Совун, бизни дуо қил.
Гуноҳ Лаззати, бизни дуо қил.
Сўзсиз музика, бизни дуо қил.
Фукарони Бўйинсундирувчи, бизни дуо қил.
Барча боғичлару Иштончаларнинг дўсти,
бизни дуо қил.

Раҳмдил, Меҳрибон доя,
бизни дуо қил,
Вабо моховдан саклагувчи Картошка,
бизни дуо қил.

Винсент О'Брайен раҳбарлигидаги олти юз овозли хор «Сал ламно» қўшиғини ижро этади, органда Жозеф Глинн жўр бўлади. Блум қотади, бужмаяди, қора кўмирга айланади.

Зоя. Вақир-вуқур сўйла кумир бўлмасингдан бурун.

Блум (*кулар нигоҳ билан тасмасига лойдан ясалган чубуқ қистирилган эски шляпа, чанг босган бошмоқ, муҳожирнинг қизил туғунини кўтариб, худди куйдирилгандай қора тўнғиз ни чипта арқонга боғлаб етаклаб боради*). Қани, йўл бер-чи, бекача, йўқса, бутун Коннемаридаги эчкилар ўлсин, менинг теримни шилиб олишади. (*Кўзига ёш олиб.*) Бу ҳаммаси жиннилик. Юртчилик, ўлганларга мотам, музика, миллатнинг келажаги. Бўлмоқ ё йўқолмоқ. Ҳатто уйқуси интиҳосига етди. Уни тинчлик билан яқунла. Улар майлига яшашни давом эттирсинлар. (*Узоқларга қайғули қарайди.*) Менинг қўшиғим битди. Жиндаккина маргимуш бўлса, бас. Пардаларни тортилади. Хат. Ана шундан сўнг оёқни узатиб хотиржам ётилади. (*Аста хўрсиниб.*) Бас. Мен яшаб бўлдим. Алвидо. Алвидо.

Зоя (*бахмалчасини тўғерилаб, бепарво*). Нима, жиддий айтяпсанми? Унда, hozирча. (*Кулгига олиб.*) Сен, чамаси, бугун чап ёнинг билан турганга ўхшайсан, балки ўз суюклигинга қоникмай қолгандирсан. Биладан мен сизларни.

Блум (*аламли*). Эркак ва хотин, муҳаббат, булар нима ўзи? Бўчка ва тиқин.

Зоя (*бирдан жаҳли чиқиб*). Шу инжиқ битлиқиларга сира тобим йўқ. Фоҳиша билан ҳам одамларга ўхшаб муомала қилиш керак.

Блум (*ўқиниб*). Рост, нима учундир тўпорироқ бўлиб қолибман. Сиз бу зарурат бўлган ёмонлик. Сен қаерликсан? Лондонликмисан?

Зоя (*сузамоллик қилиб*). Чўчкадондан, у ерда чўчкачалар орган чалишади. Асли йоркширликман, яъни уша ерда туғилганман. (*Кўксига узатилган Блумнинг қўлини қайтаради.*) Қулоқ сол, Сичқонча Томми. Қўй бу ишни, бошқа ишчалроқ иш билан шуғуллан. Қисқа муомалага лойиқ яроғинг борми? Ўн шиллингга кучинг етадими?

Блум (*табассум қилиб, оҳиста бош қимирлатади*). Кўпроғига ҳам, пари, кўпроғига ҳам кучим етади.

Зоя. Кўпига ишқ ҳам кўп. (*Уни бахмал қўллари билан эркалаб шаянтилайди.*) Хўп, бўлмаса, кетдикми, бизнинг янги пианоламингни ҳам кўриб чиқасан? Серсув мева билан меҳмон қиламан.

Блум (*журъатсизлик билан энсасини қашийдди, қизнинг тирсиллаб турган ноқларининг нафис ярашган санъатини кўриб бирдан оғзи очилиб қолган кўча сотувчисидай*). Аллаким билиб қолса, ёмон ранк қилади. Кўк кўзли жодугар. (*Жиддий.*) Биласан-ку ўзинг, бу қанчалар кийин, сенга тушунтириб ўтириш шарт эмас.

Зоя (*тамтамланиб*). Кўз кўрмай юрак оғримас. (*Уни силаб-сийпайди.*) Юр, юр энди.

Блум. Кулонғич жодугар. Бешиқ тебратган қўл.

Зоя. Болакайим!

Блум (*кичкина иштончалар ва пальточа кийган, боши катта, сочи пахмоқ, кўзларини катта-катта очиб қизнинг жимирлаган кўйлагига қарайди, дўмбоқ қўлчалари билан кўйлак боғичларини санайди ва сўлакайини оқизиб, тилини чиқариб чулдирайди*). Пий йиккий йиккий йиккий уч.

Боғичлар. Севади. Севмайди. Севади.

Зоя. Сукут ризолик аломати. (*Бармоқлари ёзилган жажжи қўлчалар унинг кафтини тутайди, кўрсаткич бармоқ унинг кафти ичига муқаррар юз бериши керак бўлган нарсанинг белгисини худди йўлбошловчи каби чизади.*) Қўл қайноқми, демак томоқ қуриган.

Блум *музика, муаттар ҳидлар, ёқимли нарсалар ишқиди ёниб иккиланиб туради. Ойимқиз уни тиллапоярлар томон етаклайди, бадан ҳидлари билан маст қилади, сурма тортилган кўзларнинг сузуклиги, кўйлагининг майин шилдиратиши билан ҳушини олади, бу кўйлакнинг илондай авроқ бурамаларида унга қўли теккан барча эркакларнинг ваҳший бир ҳидлари ўрнашиб қолган, ахир.*

Нарлар (*ҳирс ва гўнгнинг олтингуғурт ҳидларини таратиб, охурларда ўкириб қутуриб оёқларини тикка кўтаришади, кўзлари ола кула бошларини чайқатишади*). Зўррр!

Зоя ва Блум икки ойимқиз ўтирган эшикка яқинлашади. Ойимқизлар бўялган қошлари остидан Блумга қизиқсиниб қарашади, шоша пиша қилинган таъзимга жавобан кулимсирайди. У бехос қоқилиб тушади.

Зоя (уни чаққон ушлаб қолиб). Хўп па! Юқорига қараб йиқилинмасин.

Блум. Сўфи етти марта йиқилади. (Бўсағада тўхталиб, ойимқизни ичкари киритади.) Қоида бўйича сиздан кейин.

Зоя. Аввал хоним, кейин бегим.

Бўсағани босиб ўтади. Блум товсилланади. Ойимқиз орқасига ўгирилиб, уни ичкарига тортади. Блум бўсагадан ошади. Даҳлизда муғуз қозиқларда эркак шляпаси ва ёмғирпуши осиелиқ. Блум шляпасини бошидан олади, кейин уларни кўргач, қовоғини солади, кейин қандайдир ўй-фикр оғушида жилмаяди. Уй ичидаги иккинчи қаватнинг эшиги очилади. Қизил кўйлақ оёғига қора пайпоқ ва кулранг шим кийган киши кал, эчкисоқол бошини баланд кўтариб, маймунга ўхшаб биланглаб ўтади, у сув тўла кўзани қучоқлаб олган, шимининг қора икки тасмаси орқасида то тово нигача тушиб судралиб боради. Блум ундан дарҳол юзини ўгириб, даҳлиздаги стол устидан югуриб бораётган тулкининг ит кўзларини яхшироқ кўриш учун бошини эгади; кейин димоғи билан ҳид олиб, Зоя ортидан салонга ўтади. Қандилнинг ёруғи пуштирақ силлиқ қоғоз абажур билан тўсилган. Парвона ёруғ теграсида гирдиқапалак, урилади, учади, урилади, учади. Полга қора зангори ва қизил тўртбурчаклар солинган линолеум тўшалган. Унинг устига ранг-баранг шаклдаги оёқ излари тушиб қолган: товога тово, оёқ ўртаси ва тово, оёқ учига оёқ учи, жипс лашган тово, бир пайтлар ҳаққалаб сакраган ҳабаши ўзинига тушган жисмсиз шарпаларнинг арқлаш-қуралаш тартибсиз оёқ излари. Деворларда тол навдаларининг чорси шакли туширилган гулқоғозлар. Камин оташгоҳ олдида товоус патларидан ишланган чорчўп. Линч чордана қуриб камин олдида кигиз тўшалма устида ўтирибди, бошидаги кийимнинг айвонини орқага, энсасига қаратиб қўйган. У қўлидаги асони оҳангга мос тўқиллатади. Китти Риккетс деган юзидан қони қочган, суяклари бўртиб турган фоҳиша денгизчилар уст-бошида, билагузукларини кўрсатиш учун шимариб қўйилган замша қўлқоп кийган ҳолда ҳалқалар тақилган сумкачасини кўтариб стол четида ўтиради, оёқларини нари-бери чайқатади, камин тепасидаги зар гардишли катта ой

нига қараб, ўз аксини томоша қилади. Кўйлаги остидан корсетининг иплари осилиб ётади. Линч истеҳзо билан пианино олдидаги йигит-қизга имо қилади.

Китти (қули билан оғзини тўсиб йўталади). Ойимқизнинг эси йўқроқ. (Чаккасига бармоғи билан нуқади.) Боши кетган, ҳуши учган. (Линч таёғи билан унинг этагини кутаради, оппоқ ички кўйлаги кўринади. Қиз дарҳол кийимини тугрилайди.) ўзингиздан кетманг, яхши йигит. (Ҳиқичоғи тутиб, матросча шляпасини тез қўйи эгади, тагида хинага бўялган сочлари йилтираб кўзга ташланади.) Ох, кечиринг!

Зоя. Момоқаймоқлар, чироқ пилигини кўтаринг. (Қандил олдида бориб, чироқ газини охиригача очади.)

Китти (чироқ алаңгасига қараб). Унга бир нарса бўлдимиз?

Линч (тобутдан чиққандай товуш билан). Шарпа ва уй парилари киради.

Зоя. Ҳамма Зояга қарсақ чаламиз.

Линчнинг қўлидаги таёқ ярақлаб кетади, бу мис косов. Стивен пианола олдида турибди, унинг бош кийими ва ҳассаси пианола ўстига наридан бери ташлаб қўйилган. У икки бармоғини уриб соф титиқ оҳанглар чиқаради. Ҳўппа семиз, хамирдай кўпчиган, ўстига ириган қулупнай тусидаги эски энгил кийган Флорри Толбот диван четиди ялқовлана яслана тинглаб ўтиради. Ҳолсиз тўла қули пастга осилган, мижжасида катта қотган говмичча.

Китти (Яна ҳиқичоқ тутади, аёқларини ликонглатади). Ох, кечиринг!

Зоя (ҳозиржавоб). Йигитинг сени соғиняпти. Ич кўйлагингга тугунча тугиб қўй.

Китти Риккетс бошини хам қилади. Унинг бўйнидаги рўмоли йиғилиб, ҳалқаланиб, елкалари, қўлларида сирғалиб пастга тўшади. Линч ўралиб ётган қуртни калтаги билан туртади. Китти бўйинини қўллари билан худди илондай ўрайди ва ўрамига биқинади. Стивен бош кийимини тесқари кийган кишига қарайди.

Стивен. Аслида бунини Бенедетто Марчелло тўқиганми ёки тайёр ҳолда топиб олганми, бу муҳим эмас. Расм-русум — шоирнинг ҳордиғи. Бу Деметрага аталган қадимги гимн ёки «Coela enarrant gloriam Domini»¹ га илова бўлиши хам мумкин. У худ-

¹ Самолар Худо шаънига мадҳия айтур (лат.).

ди гиперфригий ва миксолидий каби турли-туман оҳанглар ҳамда пардалар бўлишига ва худди руҳонийлар Довуд меҳроби қошида вағирлагандай бир қанча бир-бирига сира ўхшамаган матнлар келишига йўл қўяди, яъники Цирцея йўк мен нима деяпман ўзи Церера ва Довуднинг ўз туганмас куч-кудрати борасида етакчи тромбончисига кўрсатма бериши. Mais nom de nom¹, булар бари бошқа бир нарсадан. Jetez la goucme. Faut que jeunesse se passe². (*Жим бўлиб қолади; жилмайганча Линчнинг бош кийимини кўрсатади, қиқирлаб кулади.*) Ақл шишинг қайси ёкда?

Бош кийим (*қайғу аламга ботиб*). Ёлғон! Ўзи шундай, чунки ўзи шунака. Хотинлар мантики. Жухуд-юнон бу юнон-жухуд, зиддиятлар бирлашади. Ўлим ҳаётнинг энг олий шакли. Ёлғон!

Стивен. Сен атай менинг хатоларимни, авроқларим, саноларимни ёдлаб оласан. Қачонгача мен кўз юмайин бу соткинликка? Хўтик!

Бош кийим. Ёлғон!

Стивен. Ундок эса, ана сенга шундоқ. (*Қовоғини солиб.*) Бунинг сабаби шундаки, доминанта ва тоника бир-биридан имкон қадар энг катта масофа билан ажралади, зеро...

Бош кийим. Зеро! Хўп, у ёғи нима? Билмайсан.

Стивен (*кучаниб*). Масофа яъни. Имкон қадар эллипс мавжуд. Якуний қайтишга мос. Октава. Қайсики.

Бош кийим. Қайсики?

Ташқарида граммофон қулоқни қоматга келтириб, ўкириб «Муқабдас шаҳар»ни ижро этади.

Стивен (*куч билан*). Ўз-ўзи билан кесишмаслик учун оламнинг четига борадиган бир нарса. Худо, қуёш, Шекспир, То жир ўз-ўзлари билан кесишиб, борлиқда ўзларини топадилар. Тўхта. Бир зум тўхта. Кўчадан ёмон шовқин-сурон эшитиляпти. Ўзларини топадиларки, бу олдиндан ҳеч ўзгартириб бўлмас даражада шарт қилиб қўйилмиш эди. Ессо!³

Линч (*хахолаб кулиб, Блум билан Зояга қараб масхараомуз кўз қисади*). Профуссоримизни қаранг а?

Зоя (*жонланиб*). Майнангни асра, у сендан кўра кўп нарса-ни билади, бу сен унутган нарсалардан кўпроқ.

¹ Аммо, бу қуриб кетгур (*франц.*)

² Ёниб яшанг. Ёшлик ўз хақини олсин (*франц.*)

³ Ана! (*Итал.*)

Флорри Толбот Стивенга семиз одамларда бўладиган тўмтоқ анқовлик билан қараб туради.

Флорри. Менга бу йил ёзда дунё охир бўлади деб айтишди.

Китти. Вой, паҳотки?

Зоя (*хандон ташлаб*). Худо кўтарсин!

Флорри (*хафа бўлиб*). Дажжолни ҳатто газеталарда ёзишди. Вой, оёғим қичишиб кетди.

Жулдурвоқи газета сотувчи болалар бақир чақир қилишиб, думли варракни судраганча товонларини гурсиллатиб ўтишади.

Газетчи болалар. Шошилиш сон! Кошъкида сакраш пойгаси натижалари. Қирол капалидаги денгиз илони. Дажжол муваффақият билан етиб келди.

Стивен орқасига ўгирилиб қараб, Блумни кўради.

Стивен. Замон, замонлар ва ёрти замон.

Рувим Ж. дажжол, мангу жухуд, кафти таранг очилган қўллари орқасига қўйиб, оғир қадамлар билан олдинга чиқади, бегида саргашта одамнинг халтаси, унинг оғзидан қарз тилхатлари, тўланмаган пул қоғозлари чиқиб туради. У қўлида узун чангак кўтариб олган, унда Лиффи кўрфазидан тортиб олинган ёлғиз ўғлининг ўз шаклини йўқотган шишиб кетган лоши илиниб туради. Тушиб келаётган қуюқ қоронғиликда Панч Костелло қиёфасига кириб олган ажина ўмбалоқ ошади, унинг бош суяги гидроцефал чаногига ўхшайди, манглайи кийшиқ, тумшуги тўмтоқ, қипқизил бурни шишиб кетган, букри ва бел сумбати қинғайган.

Хамма. Бу пима?

Ажина (*жағларини қасирлатади, ҳар томонга сакрайди, кўзларини соққасини чиқаради ва чинқиради, чаққон панжаларини очиб, худди кенгуру сингари чопади, кейин лабсиз лунжини икки оёғи орасига суқиб ўша ердан шақиллайди*). *Вивент! G'est moi! L'homme primigene!*¹ (*Жойида турган ҳолда қутуриб айланиб, дарвешлардай фарёд солади.*) *Sieurs et dames, faites vos jeux!*² (*Қўлларини ўйнатиб, чиқади. Муъжаз сайёралар қўлларида худди рулетка пуфакларидай учади*). *Les jeux sont faits!*³ (*Сайёралар уча-уча бир бирларига урилади, қарскурс этган овозлар чиқади*). *Rein n'va plus!*⁴ (*Сайёралар пу-*

¹ У келгай! Бу мен! Кулувчи одам! Азал одам! (Франц.)

² Жаноблар ва хонимлар, пул тикинглар! (Франц.)

³ Пуллар тикилди! (Франц.)

⁴ Бошқа пул тикилмайди (франц.).

факдек шишиб, юқорига кўтарилади ва кўздан ғойиб бўлади. Ажина поёнсиз бўшлиққа сакраб унда эриб кетади).

Флорри (тўнқадай қотиб туради, ўғринча чўқинади).
Охирзамон бўлди!

Ундан аёлликнинг илиқ ҳарорати ҳовурлари таралади. Олам ни қора булут қоплайди. Ташқарида сузаётган туманлар аро оёқ ва йўтал товушларини босиб граммофон ўқиради.

Грамм о фон.

Мукалдас Қуддус!
Оч дарвозаларни ва айт
Салламно...

Ракета осмонга учиб чиқиб пақиллаб ёрилади. Унинг ўрнига оппоқ юлдуз чиқади, у борлиқнинг ҳалокати ва Илиёнинг иккинчи бор намоён бўлишидан хабар беради.

Уфқдан то надир қадар тортилмиш, кўзга кўринмас, боши ҳам, охири ҳам йўқ арқондан туманлар оралаб ўмбалоқ ошароқ Охирзамон думалайди, у икки бошли саккизоёқ овчилар кийи мида, гусарларнинг баланд ясси уқпарли папоғи, шотландларнинг каттак калтача юбкасида Мэн Учоеғи шаклига киради.

О х и р з а м о н (шотландча лаҳжада). Ким бизга ўйнайди тоғларда, тоғларда, тоғларда?

Таралиб бораётган гулдурас ҳамда қаттиқ йўтал товушларини босароқ худди қизилоёқ қушнинг чинқириғидай Илиёнинг саси юксакларда бўғиқ қариллайди. Уни ўзи башараси черков ходимига ўхшаб, Америка байроғи ёзилган кафедра узра муаллақ туради. Уни кенг ва узун, енглари чорси стихарион кўйлақда тер босади. Кафедрани муштлаб тақиллатади.

Илиё. Уй ичида ғала-ғовур бас қилинсин. Жейк Крейн, Қўшмоқ Сю, Дав Кемпбелл ва Эйб Киршнер, сизлар эса, марҳамат қилиб, қўлингизни оғзингизга тутиб йўталинг. Хўб, шундай қилиб, мана шу йўналишнинг ҳаммасига мен қарайман. Болакайлар, айна вақти бўлди. Худойимнинг соати — роса 12.25. Ойингга айт, ўша ерда бўлишингни. Тез ишни бажар ва марра сеники. Мангулик — Саралашгача тўғри экспрессга ол чиптани! Дарҳол сафимизга кўшил! Яна бир сўз Худолигинг борми ё сени жин чалганми? Агар иккинчи бор келиши Кони-Айлендда бўлса, биз бунга ҳозирмизми, йўқми? Флорри Масихий, Сти-

вен Масихий, Китти Масихий, Линч Масихий, сиз ҳаммаларингиз бу самовий кудратни сезишингиз керак. Биз, нима, само қошида ортга чекинаммизми? Ҳеч-да! Фаришталар томонида бўл. Қабарик-призма бўл. Ичингда анови нарса бор-ку, а, энг олий мен. Сен Исо Масихо, Гаутам Будда, Ингерсолл билан сўйлаша биласан. Қани, ха, бу титроқларни сезяпсизларми? Аминманки, ҳис қияпсизлар. Биродарларим-а, бир марта бу нарсани билиб олсангиз, иш битди деяверинг, осмонга қўрқмай саёҳат қилаверасиз. Сизга тушунарли бўлдимиз? Бу ҳаётнинг машъали, сизга айтсам, ҳаммасидан кўра кучлироқ малҳам, энг лазиз патир. Барча ташқи йўналишлар ичида энг яхшиси ва қулайи. Ажойибу фаройиб, энг ҳашаматли бир нарса. Жонингизни киритади. Титроққа солади. Ахир мен биламан, тушунаман титроқлар нималигини. Майли, ҳазилни кўяйлик, ишдан келайлик. А.Ж. Масихий Дауи ва гармониял философия, сизга бу равшанми? О'Кей. Фарбий олтмиш тўққизинчи кўча, етмиш етти. Ёздингизми? Маъқул. Истаган вақтингизда менга солнофондан кўнғироқ қилаверинг. Харажатдан иқтисод қилинг, эй, эски кайфийлар. (*Овози борича бақиради.*) Ана энди ҳамма биргаликда ажойиб қўшиғимизни айтамыз. Ҳамма бирга, бараварига, жўшқин, бошладик! Бўлмади, бошқатдан! (*Ўқиради.*) Иеру...
Грамм фон (*янада қаттиқроқ шовқин солиб*).

Ххиерусаломмоммом... (*патефон игнаси лаппак устида гижирлайди.*)

Уч фоҳиша (*қулоқларини беркитиб, чийшлаб*). Воояяй!

Илиё (*енги шимарилган кўйлақда, юзи қоп-қора, бор кучи билан қичқиради*). Аркон давлат биродаримиз, хўжайин Президент, бу сенга гапим, эшит. Мен сенга қаттиқ ишонаман, хўжайин Президент. Бошим ишлайди, ўйлайман, мисс Хиггинс билан мисс Риккетс динга кирди, юраги тўла дин. Нега мундоқ қўрқиб кетдинг, мисс Флорри? Хўжайин Президент, бир келсанг-чи, ҳамшираларни қутқарайлик бирга. (*Тингловчиларга кўзини қисади.*) Хўжайин Президент, бу қиз ҳамма нарсани тушунади-билади, аммо индамайди.

Китти-Кейт. Эс-хушимни йўқотиб қўйдим. Кўнглим бушашиб кетди, шунақа бўлиб қолди, бир кирди-ю, Конституция майдонидан чиқди. Мени епископимизнинг ўзи динга киритган. Она томондан бир холам Монморонсига турмушга чиққан. Мен бокира бегуноҳ қиз эдим, мени водопроводчи йўлдан урди.

Зоя - Фанни. Мен бўлсам, бердим-қўйдим, қизиқ бўларкан.

Флорри - Тереза. Фарангларнинг уч юлдузлисидан ичиб ўтирувдик, кейин портвейнга ўтдик, у ёғи бошланиб кетди. Хилан қўйнимга кириб олди, гуноҳ қилиб қўйдик.

Стивен. Аввалда Сўз бўлмиш, охири эса, дунёнинг охири йўқ. Фароғатлидир саккиз фароғат.

Фароғат дегани бу — Диксон, Мэдден, Кроттерс, Костелло, Ленехан, Баннон, Маллиган ва Линч тиббиётчиларнинг оқ халатини кийиб, тўрттаси бир саф бўлиб, ғоз юриши қилиб, тапир-тупур утадилар.

Фароғат (аралаш қуралашига). Бир шиша, бифштекс, барно, брондог, булжон, барпум, бардакум, борийул.

Листер (квакерларнинг¹ кулранг калта иштонида, кенг айвонли шляпада, назокатли йўсинда). У бизнинг дўстларимиздан. Номларини айтиш ҳожат эмас. Ёруғлик тилагил.

Курантлар² қадам ташлаб узоқлашади. Сартарошга ўхшаб кийинган Супер киради, тоза оҳорланиб қотирилган, текис йилтиратиб дазмол босилган, соч жингалаклари тасма чил вирга ўралган. У орқасидан Жон Эглингтонни эргаштириб келади, у мандаринларнинг³ калтакесакнамо ҳарфлар туширилган сариқ нанка кимоносида, бошидаги баланд шляпаси будда вийларнинг бутхонасига ўхшайди.

Супер (жилмайганча бутхонасини бошидан кўтаради, қир дирилган қубба кўринади, қуббанинг тепасида бир тола ўрилган зарғалдоқ боғичли етим соч). Биласизми, мен бу ерда унга пардоз бериш билан овораман. Чирой ҳам фароғат. Яъни, чиройга дахлдор барча нарсалар, тушунарлими? Буни Йейтс айтган, э, йўқ, мен Китс демоқчиман.

Жон Эглингтон (таги кўк хира фонар олиб, у билан бурчакни ёритади, мижғовлик қилади). Эстетика билан косметика хотинларнинг хосхонасига ярашади. Мен ҳақиқат кидираман. Оддий одамларга яроқли оддий ҳақиқат. Тандеражи фактлар бўлишини хоҳлайди ва уларни олиш ниятида.

Кўмир челакининг орқа томонида бир парча ёруғлик — у оллав, назаркарда ва серсоқол Мананаан Мак Лир, у ўйга бот-

¹ Насроний дини жамоаларидан (тарж.).

² Минора соат (тарж.).

³ Эски Хитой амалдорлари, маслаҳатчиларининг номи (тарж.).

ган, даҳанини тиззалари устига қўйган. У оҳиста қад ростлайди. Унинг друидларга хос комидан денгизнинг совуқ шамоли эсади. Унинг боши атрофини илонбалиқлар, мингоёқлар ўраб олган. Ҳамма ёғига чиваноҳлар ва сув ўтлари ёпишган. Ўнг қўлида велосипед насоси. Чап қўлида улкан қисқичбақанинг қисқичларидан ушлаб олган.

Мананаан Мак-Лир (тўлқинлар тилида). Оум! Гек! Вал! Ак! Ҳуб! Мор! Ма! Илоҳларнинг оқ йоглари. Гермес Трисмегистнинг асрорий поймандри. (Денгиз шамолининг увиллаши каби.) Пунаржанам балдапанжоб! Мени лақиллатолмайсан. Бир замонлар айтилганди: Сўлдан эҳтиёт бўл, шакти динидан. (Бўрон қуши нидоси билан.) Шакти, шива, зулматга яширинган Падар! (Насос билан қисқичбақани мажақлайди. Унинг кооператив циферблати осмон буржларини кўрсатади. Уммонларнинг улуғ тўлқинлари каби гулдирайди.) Оум! Боум! Бижаум! Мен кўрғон шуъласиман, мен аъло навли қаймоқ ва саримойман.

Иудаошининг узатилган қўли ёруғликни сўндирлади. Яшил ранг ўча бориб пуштига дўнади. Газ оқими аянчи инграйди.

Газ оқими. Пуффу-а! Пуффункуфу!

Зоя қандил томон югуриб келиб, унинг алангасини тўғрилайди.

Зоя. Ўт олдирай мен, ёкиб тургин сен!

Линч (столга сигарета улоқтиради). Ол.

Зоя (нафсонияти озор чекиб, бошини шахд кўтариб). Хонимни сигарета билан сийлаш — калтак кўтариш эмас! (У сигаретани чироқ алангасида оҳиста айлантириб ўт олдиришга уринади, қўлтиғидаги сарғимтир туклари кўринади. Линч қўлидаги косов билан унинг этагини ён томондан сурбетларча кўтармоқчи бўлади. Кўкимтир сариқ ичкўйлак остидан иш тонбоғичларининг юқорисида унинг бадани худди парилар жисмидай сўтдай кўкиш товланади. У ҳеч нарсага парво қилмай керишади.) Ҳа, қалай, оркамдаги холимни кўриб олдингми?

Линч. Мен қараганим йўқ.

Зоя (қўй овзидан чўп олмагандай бўлиб). Ростданми? Ҳа, албатта, сиз қараб ўтирмаган булардингиз. Сиз кўзимдан йўқолсангиз, қандай буларкин, а?

У ўзини ибo ҳаёли қилиб кўрсатиб, айни замонда Блумга қиёбоқиб қарайди ва у томонга тез айланиб, этагини таёқдан халос этади. Унинг бадани яна мовий мавжланади. Блум катта

бармоқларини айлантиради, унинг илжайишида ҳирс жилована ди. Китти Риккетс ўрта бармоғини тупуклаб, ойнага қараб қошларини силаб текислайди. Басиликограммат¹ Липоти Вираг камин оташгоҳ қувуридан шиддат билан тушиб, букилмас пушти ёғоч оёқда чап томонга жиддий қадам ташлайди. У устма уст бир қанча чопон кийиб, эгнига яна жигарранг макинтош ҳам илган, қўлтиғига бир ўрам пергамент-қоғоз қистириб олган. Унинг чап кузиди Кэшел Бойл О'Коннор Фицморис Тисделл Фарреллнинг монокл-ойнаги. Бошига Миср қалпоғи — псхентни қўнқай тирган. Ҳар икки қулоғига ёз патқаламини қистириган.

Ви ра г (этигини жуфт қилиб, таъзим бажо этади). Мен сомбатхейлик Липоти Вирагдирман. (Ўйчан йўталиб-йўталиб, қуруқ қина оҳангда.) Бу ерда бузуқ ечинишлар аён кўринмоқда, э? Шуниси таажжубланарлики, ойимқизнинг орқа томондан кўринишига кўра, шу нарса равшан бўлмоқдадирки, у нозик жойларига аврат энгил тутмас экан, сен бундай энгилларни томонга қилишга ишқибозсан, тўғрими. Унинг думғазасига игна санчиб дори юборишган, чамаси, сен буни фаҳмлагандирсан? Давом этамиз.

Б л у м. Гранпарачи². Аммо...

Ви ра г. Бошқа бир томондан, иккинчи рақамли, олча эликли ва оқ шляпадаги, у сочига бизнинг халқимиз ясаган гофир дарахтидан олинган мой-эликсир сурган экан, у сайр кийимини кийиб олибди ва қандай ўтиришига қараганда баданида йиртилиб кетгудай таранг тортилиб турибди. Худди хода ютгандай. Хато айтсам, тўғриларсан, лекин нозик жойларини очиб шўхлик қилишга мойил хонимлар сени шу яланғоч бўлишга ишқибозликлари билан ўзларига жалб этиб келишган. Мабодо, бир сўз билан айтсак, Гиппогриф. Тўғри айтяпманми?

Б л у м. Ойимқиз бироз озгин.

Ви ра г (қаноат ҳосил қилиб). О, мутлақо! Ростини айтдинг, кўйлагидаги ташқи чўнтаклар ва бел қисми кенгайтириб тикилгани, белини тўла ва лорсиллаган каби кўрсатиш учун мўлжалланган. Ва охириги бозорда харид қилинган, унга қанчадан-қанча товукнинг пари кетди деявер. Бу росмана кўзбўямачилик. Яна кўп майда-чуйда нарсаларга ҳам диққат-эътибор қаратаркан. Бугун киядиганини эртага қолдирмас экан. Парал-

¹ Подшоҳ мирзаси (юмон.)

² Бобожон (идиш).

лакс! (Бошини асабий лиқирлатиб.) Бошим тасирлаб отилиб кетади. Эшитяпсанми? Полисиллабакс!

Б л у м (тирсагини кафтига олиб, бармоғини яноғига қадаб). У маҳзун кўринади.

В и р а г (сассиққузанники каби сарғайган тишларини кўрса тиб, бармоғи билан чап кузини сурбетларча настга тортиб, хириллаб, акиллаган товушда). Аҳмоқ қилади. Ўзини қўй оғзидан чўп олмагандай ва ниҳоятда қайғу ҳасратга ботгандай қилиб кўрсатадиганлардан шоён эҳғиёт бўл. Кўча чечаги. Уларнинг ҳар бирида Руалдус Колумбус очган бўйдоқнинг тугмаси бор. Бағринга ол уни, тушини сила. Букаламун. (Юмшаб.) Майли энди, учинчи рақамга ўтишга ижозат беринг. Оддий кўз билан ҳам аниқ кўрса бўлади, тўши жуда катта. Бошиданоқ айтиб ўтайлик, калласига бир дунё чучитилган ўсимлик моддаси суртилган. Ўх-ху, у пойга чопади! Тўдага қўшилиб қолган искирт ўрдак, оёқлари узун харидай ва белига қулоч етмайди.

Б л у м (афсусланиб). Милтиқсиз овга чиксанг, ўлжа ҳар қадамда оёғингнинг остидан чиқади.

В и р а г. Бу ерда сен учун барча навлар — кучсиз, ўртача, кучли тақдим этилади. Пулини тўлаб, хоҳлаганингни ол. Қандай бахтли бўлоласан агар ҳар қайси...

Б л у м. Яъни, қайси?..

В и р а г (тамшаниб). Ҳм-мам! Унинг улуғвор тушини кўр. Билқ-билқ мой. Шубҳасиз, сут эмизувчилар турига киради, кўкрагининг салмоғига қараганда, олди томондан икки катта бўртиги бўртиб турибди, овқатланаётганда, ликоли ичига тушиб турса ҳам ажаб эмас, бунинг устига ичкарироқда яна иккита солинчаги ҳам бор, у йўғон ичакнинг нечоғли қудратли эканидан дарак беради, улар укалаш ва эзиш учун ниҳоятда қулай, унинг таранглигидан бошқа ҳеч нарсани орзу қилмасанг ҳам бўлади. Бу гўштдорлик хўб яхши овқат ейишнинг натижаси. Тор жойда яхши боқилса, унинг жигари филникидан ҳам каттайиб кетиши мумкин. Бўғирсоқ, ширин ўтлар ва хушбўй шербатлар ва бунинг устига сифатли кўк чой қисқа вақт ичида уларни улкан ҳажмдаги табиий ёстиқларга айлантиради. Сен шундайларини ёқтирасан-да, э? Миср заминиде ичи тўла гўшт осилган дошқозонлар. Хоҳлаганча думала, ўмбалоқ ош. Ликоподий. (Бўйни тортишади.) Тарақ-парақ! Мана, яна бошланди.

Б л у м. Ҳар қалай, менга говмичча ёқмайди.

Вираг (*қошини чимириб*). Олтин узукни ўша ерга босса, тузатади дейишади. Argumentum ad feminam¹, биз қадимги Рим ва қадимги Юнонда Диплодок ва Ихтиозавр консуллигида шундай дердик. Қолган ҳаммаси — Момо Ҳаввонинг мислсиз воситаси. Сотилмайдиган нарса. Фақат ижарага берилади. Гугенот. (*Яна асабий.*) ғалати товушлар. (*Маъқуллагандай ҳимранади*). Балки бу сўғалдир. Эсингдадир бу хусусда нимани ўргатганим? Буғдой уни, асал ва мускат ёнғоғи.

Блум (*ўйлаиб*). Лycopодий ва силлабакс қўшилган буғдой уни. Топиш унча осон эмас. Бугун жуда қаттиқ чарчадим, бошимга кўп ҳангомалар тушди. Тўхтаг. Ахир сўғалли қон сўғал чиқаради, сиз эса...

Вираг (*жиддият билан сўйлайди, бурни қанқаяди, кўзи ғилайлашиб тир тир учади*). Кўлингни қайнраверма-да, яхшилаб ўйлаб кўр. Қара, ёдингдан кўтарилибди. Хотирада сақлаб қолиш усулингни ишга сол. La causa e santa. Тара-тара. (*Чет га.*) Ишончим комил, эсига тушади.

Блум. Сиз яна розмарин дердингиз. Мен агар тўғри англаган бўлсам, ишламай қолган ялқов тўқималарга таъсир кўрсатиш керак. Йўқ, бундай эмас, энди эсимга тушяпти. Ўликнинг қўли тегса тузалади. Мнемо?

Вираг (*хурсанд бўлиб*). Ана-ана. Худди ўзи. Ўша. Техника. Мнемотехника (*Куч билан пергамент қоғоз ўрамини уради.*) Мана бу ерда қандай қилиш кераклиги ёзилган, барча тафсилотлари айтилган. Кўрсаткич бўйича ҳаммасини билиш мумкин, доимий кўрқув ҳолатида аконит, меланхолияда хлорат кислотаси, боғу боғот мақсадлари учун бойчечак. Ана энди Вираг кетказиш ҳақида хикоя қилиб беради. Бизнинг эски танишимиз каустик-ортик. Уни от ёли билан таг-тугидан кесиб ташлаш керак. Бироқ биз болгарлар ва баскларга мурожаат қиламиз, сен ниҳоят эркакча кийинган аёллар ўзингга ёқин-ёқмаслигини аниқладингми, йўқми? (*Ясама кулади.*) Сен бир йил диний масалаларни ўрганмоқчи эдинг, 1886 йилнинг ёзида эса айлананинг квадратурасини топан ва ўша бир миллионни қўлг киритамаи дегансан. Ана алаҳсираш! Буюклик билан кулги бўлишнинг ораси бир қадам. Ми-сол учун, пижамаларми? Ёки айтайлик, айри ёпиқ трикотаж иштонми? Ёки анов мураккаб либос комбинация билан бирга унинг изорими? (*Масхараомуз қуқулайди.*) Қу қу қув!

¹ Аёлларга далолат (*лот*).

Блум ҳар учала ойимқизга журъатсизгина кўз югуртиради, кейин пушти мато билан тусилган қандилга қарайди, чирилдоқнинг туганмас садосини тинглайди.

Блум. Унда мен ҳозир тугатишни хоҳлардим. Ҳеч қачон тунги кўйлақлар бўлмаган. Шундан келиб чиқадики. Аммо эртага бу янги кун бўлажак. Ўтган кун бугун эди. Нима ҳозир бўлса шу ҳозир эртага ҳозирдай бўлгай ҳозир эса кечадай.

Вираг (*унинг қулоғига энгашиб пичирлайди ва шавқ билан хур-хур хуриллайди*). Бир кунлик ҳашаротлар ўзларининг бир лаҳзалик ҳаётларини такрор-такрор қўшилиш ичида ўтказишади, уларни ўртача соғлом моданинг ҳиди ҳавога тарқалиб тинмай ўзига тортади, моданинг жинсий ҳарорати унинг елка қисмига тарқалади. Андоми чиройли! (*Унинг тўтинамо сариқ тумшуғи палавда гагиллайди.*) Такрибан бизнинг эрамизнинг беш минг беш юз эллигинчи йилларида Карпат диёрларида шундай матал айтиларди: бир неча бочка солод сиркасига қараганда бир қошиққина асал биродаримиз ҳирс-айиқвойни кўпроқ ўзига тортади. Асалариларнинг учиб юриши айиқни қизитади. Бироқ буни қўя турайлик. Балким, бошқа бир сафар давом эттирармиз. Бизга келсак, биз жуда, жуда хурсанд бўлдик. (*Йўталади, бошини солинтиради ва букланган кафти билан бурнини ишқалайди.*) Ушбу тунги ҳашаротларни ёруғлик ўзига тортишига эътибор бергайсан. Лекин бу тўғри эмас, сен албатта уларнинг ташқи муҳитга мослашмайдиган кўзларини эслаб кўр. Ушбу чигал ва мушкул масалаларни менинг «Сексология асослари ёхуд севги эҳтироси» деб аталган ўн еттинчи жилдимдан қара, уни доктор Л.Б. йилнинг энг машҳур китоби деди. Биргина мисол, яна шундайлар ҳам мавжудки, уларнинг ҳаракати автоматик тарзда содир бўлади. Назар сол яхшироқ. Унинг учун бу унинг қуёши. Тунги қушлар, тунги қуён, тунги ўйинлар. Маҳкамроқ қучоқла. Жимми! Ж-ж-ж-ж!

Блум. Эсимда, пашша ўзининг девордаги соясига жинни бўлиб ҳужум қилди, ундан кейин жинни бўлиб ўрмалаб кўйлагим ичига кириб олди яхшиямки тағин...

Вираг (*юзидан совуққонлик ифодаси ҳосил бўлади, аёлларча ёғли хихилаб кулганча*). Э қойил! Иштони ичига тилла кўнғиз кириб олибди, булбулчасига хантал малҳам қўйибди. (*Ҳаяжонланиб бидирлайди, курка бағбақа ҳалқаларини силкитади.*) Тўдди-бўдди! Тўдди-бўдди! Қаердамиз? Сим-сим, оч эшикни! Келур! (*Шоша-пиша қоғоз ўрамини очиб, ўқишга ту*

шади, бурни йилтироқ қўнғиздай ва панжаси қаторлар усти дан ўнғдан чапга чопади.) Ҳозир, ҳозир, оғайнижон, сен қидирган саволга жавоб топиб бераман. Тез орада бизга Ред-бэнкдан ейишга чиғаноқлар келтиришади. Энг зур ошпаз мен ўзим! Улар биз учун бағоят фойдали, Перигордан келган ер ости қўзиқоринлари, ҳамма нарсаларни қўймай еяверадиган хўра мистер тўнғиз хўрак ер остидан кавлаб чиқарадиган ширин туганаклар, улар ҳам асаб ожизликлари ҳамда эркаклаб кетиш ҳолларида бағоят наф беради. Гарчи улар сассиқ, лекин худди оловдай иссиқ (*Бошини силкитади, бидирлайди, майнавозчилик қилади.*) Ҳазилкаш авжакда, кўзлари ойнакда.

Б л у м (*паришон*). Ойнакда кўрганимиз шундан иборатки, хотинлар қўштабақалиларнинг энг чатоқ ҳодисаси. Доим очик сим-сим: қўшайган жинс. Шунинг учун улар ҳашаротлар, ўрмаловчи, судралувчилардан ўлғудай кўркишади. Аммо Момо Ҳавво ва илон бунга зид ҳодиса. Лекин бунга тарихий далил йўқ. Менинг гоямнинг аниқ аналогияси. Бундан ташқари илонлар аёлнинг сутини жуда яхши кўришади. Шарбатга тўлган қўштавақалининг кўкрагини сўриш учун не-не ўрмонлар, неча-неча чақиримлар йўл босиб судралиб келади. Элефантулиазис ёдингиздадир, у ўтлоқдаги Рим аёллари ҳақида ёзганди.

В и р а г (*қат-қат буришган лабларини чўччайтириб, кўзларини тошдай қаттиқ юмиб, бегона бир талаффузда худди оят қироат қилгандай унли маъюс садо чиқаради*). Ва елинлари тирсиллаб тўлган сигирлар маълумки...

Б л у м. Мен ҳозир увлаб юбораман. Мени кечиринг. Нима? Мана. (*Худди дарсда жавоб бераётгандай.*) Улар ўзлари сўрдириб ташлатиш учун газанда уясини излаб боришган. Чумоли шираларни китиклаб соғади. (*Чуқур фикрлаб.*) Дунёни инстинкт бошқаради. Ҳаётни ҳам, ўлимни ҳам.

В и р а г (*бошини ёнига қийшайтириб, елкасини букиб, кураklarини букчайтириб, соққаси чиққан хира кўзларини парвонага тикади, чангак бўлиб қолган панжалари билан уни кўрсатиб, қичқиради*). Ким у Жер-Жер? Ким у азиз Жералд? О мен унинг хато қилишидан жуда-жуда кўрқаман. Бу палакатнинг олдини оладиган киши йўқмики, тоза сочиқ олиб уни ҳайдаб юборса а? (*Миёвлайди.*) Пиш-пиш-пиш, кел бу ёққа. (*Хўрсинади, ўзини орқага ташлайди ва қимирламай энгаги осилган ҳолда ерга қия тикилиб қолади.*) Нима қилдик, майли. У тезда тин олади.

Мен туғилдим учмоққа,
Баҳорни шўх қучмоққа,
Айланмоққа, кўчмоққа.
Алдамайман, шоҳ эдим,
Боқий нарса йўқ дедим,
Поенга етиб келдим,
Оҳа!

(Учиб бориб чироққа урилади, қанотларини тир-тир титир
латади.) Ғоят, Ғоят, Ғоят, Ғоят, Ғоят чиройли қанотчалар.

Тепандаги сўл эшикдан Генри Флауэр чиқиб келади-да, сир
ғангандай икки қадам ташлаб, салоннинг ўртасидан чапроқ-
да тўхтайдди. Устида ёпинчиқ ва бошида бостириб кийил
ган патли сомбреро. Қўлида даста оғочидан нуқра торли
чанг ва узун бамбук найли аёл бошига ўхшаш сопол чилими.
Қора бахмал чолвори таранг тортилган, балга киядиган
туфлиси кумуш боғичли. Халоскорнинг масрур қиёфаси, га-
жаклари жингалак бўлиб тушган, мўъжаз мўйлабча, соқоли
жуда сиёрак. Товони кичкина кичкина турна оёқлари тенор
қўшиқчи Марио, князь Кандинскийга тегишли. У тур ман
жетини тўғрилайди, тароватли лабларини лаззатланиб эҳ-
тирос билан ялайди.

Генри (гитарасини тинчиллатиб, паст ва хуморли овоз-
да). Мана гузал гул яшнаб очилган.

Вираз нўтисали қиёфада жағларини маҳкам босиб қандилга
тикилади. Блум кузларини Зоянинг буйнидан узолмайди. Олиф-
та Генри ўртаси ўймоқча энгагини қимирлатароқ тианинога
бурилади.

Стивен (ўзича мингирлаб). Кўзингни юмиб чал. Худди
отажондай. Мен қорнимни чўчканинг емили жавдар билан
тўлдирдим. Тўйиб кетдим ҳаддан ортик. Борай мен ўз хаводор-
римга. Гуёки бу худди ўша. Стиви, сени чорлар ҳалокатли йўл
Қария Дизининг ҳузурига ўтиш ё телеграмма бериб хабар қилип
керак. Бизнинг бугунги учрашувимиз менда унутилмас таассурот
қолдирди. Гарчи бизнинг ёшнимиз. Эртага тўлароқ ёзаман.
Дарвоқе, айтиб қўяйки, мен ичганман. (Яна чалади.) Энди
минор аккорд. Ҳа. Ҳар қалай, унчамас.

Алмидано Артифони мўйловларини таҳдидли қимирлатиб,
найча қилиб ўралган ноталарни узатади.

Артифони. *Ci rifletta. Lei rovina tutto*¹.

Флорри. Бир нима айтиб бер. «Муҳаббатнинг эски ширин қўшнғи»ни айт.

Стивен. Овозим йўқ. Мен тамом бўлган санъаткорман. Линч, мен сенга уд ҳақидаги хатни кўрсатган эдимми?

Флорри (*аҳмоқона илжайиб*). Билади қўшиқ айтишни, лек айтмас.

Деразада икки Сиём эгизаги Филип Хушёр ва Филип Маст, икки Оксфорд профессори майса урувчи машина кўтариб пайдо бўлишади. Икковлари ўзларини Мэтью Арнолдга ўхшатиб ниқоблашган.

Филип Хушёр. Тентак ақллига нима дейди, эшит. Иш ишқал. Сиёҳи йўқ перо билан ҳўл қоғозга ёз. Уятсиз ибратли ёш йигит каби. Ойлик эди уч фунту ўн икки, икки фунти қоғоз пул, бири олтин танга, яна икки крон, билса эди буни ёшлик. Муни en ville, муни sur mer, Мойрада, Ларчетда, Хиллс-стритда табибларда, Беркда. Тўғрими хаммаси? Мен сенга қараб турибман.

Филип Маст (*сабрсизлик билан*). Йўқот бу бошоғриғини Худонинг жаннатига! Ҳеч кимдан қарзим йўқ. Октавани ўйлаб олсам бўлгани. Шахснинг иккинчи бор иккиланиши. Ким менга айтди унинг отини? (*Унинг ўт ўрари шовқин солиб тариллаиди.*) А-ҳа, ана. *Zoe tu sas agapo*². Гўёким, мен бўлгандайман бу ерда илгари. Фақат қачон, балки Аткинсон билан, қаердадир менда унинг сурати бор эди. Қандайдир Мак. Ёки Тумак. Қулогимни еган эди айтиб кимнидир, ким эди, шошма, Суинбери эмасми?

Флорри. Бас, қўшиқ айтасанми?

Стивен. Рўҳ бардам, жисмимиз ожиз.

Флорри. А сен Манутни тугатмаганмисан? Сен менинг ўша ерлик бир танишимга ўхшайсан.

Стивен. Мен унга барҳам берганман. (*Ўзича.*) Эҳ, намунача ақлли.

Филип Хушёр ва Филип Маст (*ўт ўрар потирлар, ўрилган ўтлар ерга отилиб ётар*). Ақлли-тақилли. Тугатди-тук отди. Айтганча, китоб, анов нарса ва таёқ ўзингдами? Ҳа-ҳа, мана улар. Ақлли-шақлли, тугатти-сугатти. Бардам бўл. Биздан ўрган ва сўрган.

¹ Ўйлаб кўринг. Сиз хаммасини буздингиз (*итал*).

² Ҳаётим, мен сени севаман (*юнон*).

Зоя. Ўтган кеча бир руҳоний келди, мақсади маълум нарса, ўзи бошдан-оёқ тугмаси қадалган, чопонини ҳам ечмайди. Нега мунча хавфсирайсиз, дедим унга, шундоғам сизни биламан, католик кашисиз, дедим.

Вираг. Унинг шундай қилиши ниҳоятда табиий. Гуноҳкорлик сари қадам ташлаган. (*Кескин, кўз қорачиқлари кенгайиб.*) Қуриб кетсин Папаси! Оламда ҳеч бир янги нарса йўқ. Мен Вирагман, мен роҳиблар ва бокираларнинг яширин ахлоқларини фош қилиб ташладим. Нега мен католик черковдан алоқани уздим? «Руҳоний, аёл ва тавбаҳона»ни ўқинг. Пенроуз. Иблис Флибертид жиббет. (*У жазавага тушади.*) Қамишдан бўлган белбоғини ечиб ташлаб аёл ҳаёнинг нафис лаҳжаси билан лингамга ўз йонисини тақдим этади. Ундан сўнг тез орада эркак аёлга туқайзорлардан ўлжа, бир булак гушт келтиради. Аёл хурсанд бўлиб, ўзини тери ва уқпарлар билан безайди. Эркак унинг йонисини катта маҳкам лингами билан севар. (*Қичқиради.*) Coactus volui. Сўнг енгилтак хотин қочмоқчи бўлар. Эркак зўр бериб унинг қўлидан тутар. Хотин чиққирар, тукурар, тишлар. Ҳазабга минган эркак хотиннинг бўлиқ ядганасига¹ қаттиқ урар. (*Ўз думини тутуш учун айланади.*) Пуф-паф! Пух-пух! (*Тўхтади, акса уради.*) Апшу! (Олдини қашийди) Уфирруҳх!

Линч. Хўш, қандай бўлди у ёғи? Сен ҳазрат отани тавбасига таянтирдингми? Черков замбарагини отгани учун тўққиз марта «Э, Падар» дуосини ўқитгандирсан?

Зоя (*бурнидан худди морж мўйловлари каби туклар отилиб чиқади*). Замбаракка бало борми? Бир андаккина сезим, холос. Ҳисоб қурук.

Блум. Бечора!

Зоя (*бепарво*). Ўзи айбдор.

Блум. Қанақасига?

Вираг (*унинг башараси бужмайиб ваҳшиёна бир ўра ҳосил бўлади, ундан қора мавжлар отилиб чиқади; суюқлари кўриниб турган бўйни олдинга туртиб чиққан. Нокас тумшугини кўтариб увиллайди*). Verfluchte Goim!² Унинг отаси бўлганми ё қирқтама отаси. Э, унинг ўзи ҳеч қачон бўлмаган. Чўчқалар Худо-си! Унинг иккита чап оёғи бор эди. Бу Иуда Иакх, Ливия

¹ Лингам, йони, ядгана — эр-аёл олатлари, орқа (*санскр.*).

² Лаънати гоимлар! (*идиш.*). Гоим — яхудийлар тилида жоҳил одамлар.

бичилган кули, Папа бастарди! (У қийшайиб кетган олдинги панжасига чўкади, тирсақлари тўмтоқ ва қаттиқ, гардани билан қўшилиб кетган бош чаноғи ичидан кўзлари ола кула талваса қилади, сукунатга ботган оламини унинг чинқириқ уввоси тугиб кетади.) Фаҳш насллар. Апокалипсис.

Китти. А Мэри Шортоллни айтинг. Анов кўк шапкали Жонгинам Жимми билан ўйнаб қорнини қаппайтириб олдию касалхонага тушди, туққандан кейин боласи томоқни ютолмай қўйди, шунақа охири тушакчасида бўғилиб ўлди, ҳаммамиз уни кўмгани пул йиғдик.

Филип Маст (жиддий). Qui vous a mis dans cette fichue position, Филип?

Филип Хушёр (қувноқ). C'était le sacre pedion, Филип.

Китти шошмасдан бошидан шляпасини ечади ва хина билан бўялган сочларини тузатади. Ҳаммабон аёлнинг шунчалар чиройли боши ва шунчалар чиройли мафтункор сочлари бўлиши мумкинлигини ҳеч кимса дунё бино бўлиб хаёлига келтирган эмас. Линч унинг шляпасини олиб бошига бостириб кияди. Ойимқиз дарҳол уни тортиб олади.

Линч (кулиб). Мечников деган одам мана шунақа нарсани одамсимон маймунларга эмлаган¹.

Флорри (бош силкиб). Локомотор атакси².

Зоя (қувнаб). Вой-вой, менинг энциклопедиям қаёқда?

Линч. Уч оқида қиз.

Вираг (безгак тутгандай қалтирайди, тутқаноққа гирифтормо кишининг юпқа лабларида сариқ кўпик жимирлайди). У мум, меҳригиёҳ малҳами, норанж гули сотиб юрди. Рим саркардаси Пантер уни ўз қурол-асбоби билан йўлдан оздирди. (Ялтираб турган чаёндай тилини чиқаради, кафтини оёғининг орасига суқади.) Масихо! У кизнинг қулоқ пардасини йиртиб юборган. (Худди павиан маймуни каби ваҳшиёна чинқириб жилпанглайди, белларини уятсизларча ўйнатади.) Ҳак! Хек! Хик! Хок! Хук! Кок! Кук!

Башараси қип-қизил, қўллари мушакдор, бурни сертук, кўрпасоқол, шалпангқулоқ, кўкси сержун, пахмоқсоч, эмчакдор Бен Дароз Доллард олдинга чиқади, гўштдор белига қора чумилиш иштони кийган, гўштлири иштондан осилиб туради.

¹ Мечников 1904 йилда маймунларга захм эмлаган.

² Ҳаракатлантирувчи аппарат фаолиятининг бузилиши.

Бен Доллард (*улкан кафтларида тошларни шарақла тиб ўйнайди, гулдураган овози билан шўх тиролча оҳангларни куйлайди*). Мухаббат юракда ўт олса.

Опа Каллан ва опа Квигли, икки қиз хизматчилар билан тўсиқлардан ошиб сакраб ўтиб, уни кенг қулоч ёзиб қучоқларига босадилар.

Қизлар (*ҳаяжон оғушида*). Катта Бен! Бен, менинг жоним!

Овоз. Мановини ушлаб тулинг манов аҳмоқ иштонда.

Бен Доллард (*қаҳ қаҳ уриб кулиб, нафаси ичига тиқи либ, сонига шатиллатиб уради*). Қани, қани, бошланг!

Генри. (*Кесилган аёл бошини бағрига босиб, майин шивир лайди.*)

Сенинг юраккинанг, менинг севгилим. (*Уд торларини чер тиб.*)

Ажиб сиймо бўлгач намоён...

Ви ра г (*терисини ўзгартиради, қуюқ патлари туллаб тўки лади*). Бекор!

(*Қоп-қора оғиз ўрасини кўрсатиб ҳомуза тортади, яна жағ ларини ёпади, настки жағини қоғоз ўрами билан туртиб қўяди.*)
ўшандан кейин шуни айтиб мен жўнаш учун отландим. Алвидо. Кечир алвидо. Dreck!!

Генри Флауэр шошиб пишиб соқоли ва мўйловчасини тароқ билан тарайди, бармоқларини туплаб хўллаб сочларини сил лиқлайди. Инкичка қилич билан ўзига йўл кўрсатиб, эшикка шўнғийди, елкасига осилган арфа шўх тиринглайди. Ви ра г ёғоч оёқда ўхшовсиз икки сакраб эшикка етади, думини хода қила ди ва йўл йўлакай чаққонлик билан деворга ириган сариқ вара қани ёпиштиради ва боши билан уриб уни текислайди.

Варақа. К. 11. Эълонлар ёпиштириш ман этилади. Сирни тўла сақлаш. Д-р Гай Фрэнкс.

Генри. Энди ҳаммаси тугади.

Ви ра г чаққонлик билан калласини бураб олади да, уни қўлтиғига қистиради.

Ви ра гнинг боши. Фирибгар!

Бирин кетин жўнайдилар.

Стивен (*Зояга елкаси оша*). Протестантларнинг хилоф таълимотига асос солган ўша чиранчиқ пастор сенга кўпроқ

¹ Ахлат! (*идиш.*).

ёқиши мумкин эди. Лекин сен итга ўхшаган донишманд Анти-сфендан эҳтиёт бўл, ундан сўнг ересиарх Арийнинг ўлимидан қўрқ. У бадрафхонада омонатини топширди.

Линч. Унга ҳаммаси битта худо.

Стивен (*художўйлик билан*). Раҳмон ҳар нарсага қодир.

Флорри. Менинг ишончим қомил, сен амалсиз руҳонийсан. Ёки роҳибсан.

Линч. Тўғри-тўғри. У кардиналнинг ўғли.

Стивен. Кардиналнинг ўғури. Бурама мазҳабни роҳиби.

Бутун Ирландия руҳонийларининг раҳбари Табаррук Зот Саймон Стивен кардинал Дедал қизил камзул, сандал ва пайпоқ кийган ҳолда эшикда кўринади. Унинг ёрдамчи ходимлари етти оғир гуноҳ, маймуисимон пакана миттилар ҳам алвон либосларда, унинг ортидан ёпинчиқнинг узун этакларини кўтариб ва ҳам этак остига дам-бадам қараганча келадилар. Та баррук Зотнинг бошида ён томонга қийшайган ёғим цилиндр. Катта бармоқлари қултиғига тиқилган, кафтлари олдинга чиқиб туради. Бўйнида шиша тиқинларидан тасбеҳ, унинг ўртасидан кўксига буров бурама хоч осилиб тушган. У катта бармоқларини қўйнидан чиқариб, уларни ҳавода кенг юмшоқ ҳаракатлантириб, кўкдан раҳм ва раҳмат сўрайди ва шанта-навор, болохонадор хитоб этади.

Кардинал.

Асирликка тушди-да Консервио,
Чуқур зиндон ушинг бўлди макони.
Банди бўлди,
Қўл-оёғи кишанда,
Уч ботмондан ортик эди авзонн.

У бир зумгина ўнг кўзини қисиб ва чап лунжини шишириб ҳаммага олазарак боқади. Кейин ўзини босолмасдан мункаяди ва орқасига чайқалади, сўнг азаматларча қувноқлик ва саховат билан баралла қўшиқ куйлайди.

Эркак ўрдак хўн яхши,
Сап-сап-сариқ панжаси,
Семиз эди, дўмбок ва сузгир,
Аммо ваҳший ўрдакхўр

Ўз қорини ўйлаб, кўр,
Отди уни, ўлди сағир.

Искабтопар чивинлар унинг кийими ёнида гувиллаб учишади. Қўлини кўксига чалкаштириб чехрасига азоб ифодаси билан белларини уқалаб, қашиниб, нидо солади: Мен дўзах азобида қолдим. Энг бўлмағур сафсата билан қасам ичаманки, Исо Масихога таҳсинлар айтурман, бу майда резги халқнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас, акс ҳолда мени бу қурмағур куррамиздан суриб чиқариб юборгай эдилар.

У бошини ёнига солиштириб, ўрта ва курсаткич бармоқлари билан атрофдагиларга тез-тез дуо қилади, байрамона бўсагузорликларни адо этади, кейин алпанг-талпанг шипиллаб узоқ лашади, бошидаги цилиндри қийшайиб қолган, у шитоб билан кетаркан, ўз ёрдамчи ходимлари каби кичрайиб боради. Миттилар байрам бўсаларини улашароқ иланг биланг одим отиб, пишиллай, хихиллай, ўгирилиб, бурилиб мўралай мўралай, ҳар ёққа қарай қарай унинг орқасидан юрадилар. Олислардан унинг мардона ва шафқатли, майин ва оҳангдор овози янграйди:

Юрагимни сенга элтар,
Юрагимни сенга элтар,
Майин кеча шамоли
Юрагим сенга элтар!

Ёшиқ эшикнинг қабзаси буралади.

Эшик қабзаси. Сееенгааа!

Зоя. Эшикка иблис келди.

Эркак киши шарпаси гижирлаган пиллапоялардан тушиб келади, у қозикдан шляпаси ҳамда ёмғирпўшини олаётгани эшитилади. Блум беихтиёр ўрнидан қузғалади, олдинга юради, йўл-йўлакай эшикни қия ёпади, кейин асабийлашиб чўнтагидан шоколад бўлагини чиқариб Зояга узатади.

Зоя (унинг сочини ҳазиломуз искаб). Ҳимм. Онангга балли. Жонимдан ҳам яхши кўраман, севаман.

Блум (ташқарида даҳлизда ойимқизлар билан гаплашаётган эркак кишининг овозини эшитиб, сергакланади). Яна у бўлса-чи? Яна-я? Ё иш чаппа бўлдими? Ёки маишат устига яна маишатми?

Зоя (зар қоғозни очиб). Санчқидан олдин бармоқ ўйлаб топилган. (Бир бўлак ширинлик ушатиб оғзига солади, яна бир бўлагини Китти Риккетсга узатади, Линчга ҳазиллашади.) Сенга ҳам оҳҳа берайми? (Линч бош силкитади. Ойимқиз унинг жиғига тегади.) Берайми ё бермайми? (Линч бошини орқага ташлаб оғзини очади. Ойимқиз шоколадни дам у ёққа, дам бу ёққа айлантиради, йигитнинг боши унга эргашади. Яна орқага қайтади, йигит ойимқизга қарайди.) Ол!

Ойимқиз шоколад бўлагини итқитади. Йигит уни оғзи билан ҳап этиб тутиб, қасирлатиб чайнайди.

Китти (чайнаб). Мен билан Майрасга ўйнагани борган анов инженер, унинг шоколади яхши эди. Ичига ликёрлар солинган. Бу бозор кун и вице-қиролнинг ўзи рафикаси билан келди. Биз у ерда Тофтнинг арғамчисида роса учдик, ҳозиргача ўзимга келолмайман.

Блум (Свенгалининг мўйна пустинида пешонасига, наполеонча жамалак туширган, қўлини кўксига чалкаштирган, худди сўзлай туриб махсус машқлар бажараётган нотик каби манглайини тириштириб, эшик томонга лочиндай ўтқир на зар ташлайди. Кейин чап оёғини олға ташлаб, кучаниб шитоб билан шиддатли айланади ва ўнг қўлини сўл елкасидан тушириб, ложа устасининг ишорасини адо этади). Даф бўл, даф бўл, даф бўл ким бўлсанг ҳам, сени қарғайман!

Ташқарида туман қўйнида узоқлашаётган қадамлар ва эр какнинг йўтали эшитилади. Блумнинг чеҳрасидан енгил тортгани сезилади. У қўлини нимчасининг қатига тикиб хотиржам, бемалол бир алфозда туради. Зоя унга шоколад узатади.

Блум (вазминлик билан). Ташаккур.

Зоя. Айтдимми, кулоқ сол. Қани, ол!

Зинада оёқ товуши баралла эшитилади.

Блум (бир бўлак шоколадни олиб). Қўзғатадимми? Мен ўйлаган эдимки. Ванил тинчлантирадими ё бўлмасам? Мнемо. Сочилган нур, хотира сочилиб кетади. Қизил силга таъсир қилади. Ранглар аёлларнинг табиатига таъсир қилади, уларда бу бироз бўлса ҳам бор. Қора одамни ғамга ботиради. Еб-ичинглар, ўйнаб-кулинглар. Зеро эртага (Овқат ейди.) Дидга ҳам таъсири бор, пуштисимонлик. Лекин мен анчадан бери. Худди нотанишдай кўзға. Анов руҳоний ишқилиб, бўлсин-да. Ҳеч бўлмаса кеч бўлсин. Эндруснинг кўзикоринини синаб кўрсакмикин.

Эшик очилади. Бу ернинг бекаси тўла семиз Белла Коэн киради. Устида оқиш сариқ узун кўйлак, этагига ялтир юлтир попилтириқ осилган. У иссиқдан торикиб қора суяк елпиғич билан елтинади, бу билан «Кармен»даги Минни Хокка ўхшаб кетади. Чап қўлида иккита, никоҳ ва сақловчи узук. Башара сига зайтун туси урган, терлаган, кўпчиган, бурни гўштдор, бурун тешикларига сарғимтирлик ўтирган. Кўз атрофлари қуюқ бўялган. Мўйлар ўсиб кўзга ташланиб қолган. Қулоқларига катта зумрад исирға осилган.

Белла. Вой, иссиқ! Вой, тутаб ҳовурим чиқиб кетяпти.

У жуфтлашиб турганларни бирин-бирин кўздан кечиради, кейин назари Блумга тушади, нигоҳи ҳукмфармо, қатъиятли. Катта елпиғичи унинг юзи, бўйи, лорсиллаб турган баданини енгилгина елтиди. Кўзлари қарчиғайдаги ёнади.

Елпиғич (олдин тез, сўнг оҳиста елтиб). Кўриб турибман, сен уйлангансан.

Блум. Ҳа... Унчаликмас, мен қайгадир йўқоғиб кўйдим...

Елпиғич (дам очилиб, дам ёпилади). Жиловинг хотинингнинг қўлида, гаҳ деса, қўлига қунасан.

Блум (аҳмоқона илжайиб ер чизиб қолади). Бу рост.

Елпиғич (ёпилиб, қулоқ устида тўхтайдди). Сен мени унутингми?

Блум. Ҳа. Йўқ.

Елпиғич (ёпиғилгиича бел устида). Мен ўшаман ҳа ўша сен олдин кимни орзу қилгандинг? Ўшанда у ва шериги бор эди. Ўшандан бери бизни билармидинг? Мен ҳам уларнинг бари ва ҳозир ҳам биз ҳаммамиз ўша-ўшами?

Белла Блумнинг ёнига боради, уни елпиғичи билан оҳиста уради.

Блум (сесканиб). Ҳукмфармо хилқат. Кўзимдаги хотинларга ёқадиган хуморини сизди.

Елпиғич (шапатилаб). Биз кўришдик. Сен меникисан. Тақдир шунақа.

Блум (бўйсуниб). Лобар хотин мен сенинг ҳукмингни кутган ва истагандим. Мен чарчадим, ташлаб кетишди, ёшим ўтиб қолди. Мен инсон ҳаётининг бош почтахонасида кечиккан хатлар учун қўйилган яшик олдида турибман, қўлимда қўшимча ҳақ тўланадиган ҳали жўнатилмаган хат, ҳа, шундай десак ҳам бўлади. Бир-бирига тўғри ланг очилган дераза ва эшик орасида отни йиқита-

диган елвизак эсади, жисмларнинг қулаши қонунига кўра... Мен ҳозиргина чап куймичимнинг томирида яллиғланиш оғриғини сездим. Бу дард онламизда бор. Отам раҳматли тул қолиб шу касалга чалинган, унинг оғриқларига жуда сезгир эди. У ҳайвонларнинг иссиғи бунга ёрдам беради деб ишонарди. Қиш кирганда мушук терисидан тикилган нимча киярди. Ҳаётининг охирларида шоҳ Довудни ва маъшуқаси асном аёлни эслаб, Атосни ёнида олиб ётарди, гўрга киргунча содиқ маҳрами эди. Сиз эҳтимол, билсангиз керакки, итнинг сўлаги... (*Сесканади.*) Оҳ!

Ричи Гулдинг (*катта портфель кўтариб киради*). Кулги билан доим енгасан. Дублиндаги энг яхши нарса. Шаҳзодаларга лойиқ жигар ва буйрак.

Елпигич (*шапатилаб*). Ҳаммаси тугайди. Меники бўл. Ҳозир.

Блум (*иккиланиб*). Ҳаммаси ҳозирми? Туморни бекор бериб юборибман. Ёмғирда қолдим, шабнам тушганда тошлар устида ётдим, менинг ёшимда бу хато. Ҳар бир ҳодисанинг ўз табиий сабаби бўлади.

Елпигич (*секин настини кўрсатиб*). Сен қила оласан.

Блум (*настга қараб, ойимқиз оёғининг чизимчалари бўша-либ ётганини кўради*). Бизга қарашяпти.

Елпигич (*кескин настини кўрсатиб*). Қилишинг керак.

Блум (*ҳам хоҳлаб, ҳам хоҳишига қарши бориб*). Мен ҳақиқий ясси тугун қилишга устаман. Югурдак бўлиб юрганымда ўрганиб олганман. Келлетнинг почта буюртмалари бўлимида ишлаганман. Қўлимни қадоқ қилганман. Тугунлар тили. Ижозат беринг. Илтифот қилинг. Мен боя тиз чўкиб туриб эдим. Оҳ!

Белла кўйлагини андаккина кўтариб, оёқда мустаҳкам туриб олгач, курси четига чизимча билан боғланган ботинка кийган шойи пайпоқдаги лаққа гуштдор оёғини қўяди. Оёғи буланмайдиган, ёши ўтинқираб бораётган Блум бу туюқ устига энгашиб, юмшоқ бармоқлари билан чизимчанинг учини тешикчалардан ўтказади.

Блум (*завқи келиб гувранади*). Менсфилднинг қўлида хотин-қизлар бўлимида мирза бўлиб хизмат қилади. Клайд-роудлик леди хоним учун ясалган мислсиз муъжаз, тагига атлас астар тўшалган ўлардай посон лайка ботинкача, унинг тугмаларини қадаш, то тиззагача чалкаштириб чизимчаларни тешиқдан ўтказиб тортиш менга ҳеч туганмас ажойиб-ғаройиб лаззат бағишлар-

ди, бу ўсмир чоғларимдаги муҳаббатимнинг орзуси эди. Ҳатто мум манекенга бўлса ҳам завқим тошарди, мен ҳар кули томоша қилгани Раймондга борардим, леда хонимнинг париждликлар қиядиган майда тўр пайпоғию оёғининг равочга ўхшаган кичкина бармоқчаларини кўрганда шавқим келиб ўз-ўзидан жўш урарди.

Туёқ. Эчкиларникидай менинг илиқ пўстимни ҳидла. Менинг шоҳона оғирлигимни ўзинг ҳис қил.

Блум (*чизимчаларни боғлаб*). Сикмаяптими?

Туёқ. Агарда чалкаштириб юборсанг, соққаларингни шундай тепаманки, учиб кетади.

Блум. Муҳими, бошқа тешикка ўткизиб юбормасам бўлди, бир хайрия балида шунақаси ҳам бўлган. Кори бад. Сиз эслаган хонимнинг... тешиги тегишли жойида эмас экан. Ўша балда у кимни учратди денг... Тайёр!

Чизимчаларни боғлаб қўйди. Белла оёғини пастга туширди. Блум бошини кўтарди. Ойимқиз беканинг башараси ва кўзлари унга тик боқиб турарди. Унинг кўзлари хиралашади, ўчади, кўзостлари халта бўлиб осилади, бурни кўпчийди.

Блум (*ноаниқ пўнғиллаб*). Марҳаматли жаноблар, яна қандай хизматлар бўлса, биз тайёрмиз...

Белло (*қуюқ дўриллаган овоз билан, кўзи худди одам ўлдирадиган калтакесакнинг кўзидай қаҳрли ёниб*). Ярамас лайча!

Блум (*ошуфта бўлиб*). Малика!

Белло. (*икки бети пастга чўкиб*). Хиёнаткор болдирларнинг қули!

Блум (*ийғоламсираб*). Ҳар нарсага қодир!

Белло. Нажасхўр!

Блум (*мушаклари латтадай бушашиб*). Ажойиблар ажойиби!

Белло. Тиз чўк! (*Унинг елкасига елпигич билан уриб*). Оёғингни бук! Чап оёғингни орқага торт. Йиқиласан. Йиқилиясан. Тиз чўк!

Блум (*кўзларини сузиб, катта-катта очиб, бекач уларни юмади ва чинқиради*). Кўзиқорин!

Худди тутқаноқ тутгандай қаттиқ чинқариб у тиз чўкади, пишиллади, хирқирайди, тумшуги билан унинг оёғи тағини кавлайди, кейин худди ўлиб қолгандай узала тушиб ётади, кўзларини пир-пир учган мижжалари билан чимдиб беркитади, бу намунали устанинг ҳолатига ўхшайди.

Белло (сочи калта олинган, бақбақаси қип қизил, қуюқ усиқ мўйлаби оғзи теграсида тақадай айланиб тушган; у тоғликларга хос гамаш кийган, кўк чопонининг тугмалари кумушдан, кўйлагин эркин бичиб тикилган, бошида каклик папи қадалган тиролча шляпа. Қўллари этик шимининг чўнтагига чуқур тиқилган. У оёғини Блумнинг гарданига қўйиб пошнасидан билан қаттиқ эсади). Менинг бутун потимни билиб қўй. Хуқуксиз кул, ўз хуқумдорингнинг ёлиб пошналари тахти олда тиз чўк, токи улар сенинг устингда мағрур ва порлоқ кад кўтариб турсинлар.

Блум (*таслим бўлиб минирлайди*). Қасам ичаманки, ҳеч қачон сизнинг сўзингиздан чиқмасман.

Белло (*қаҳ-қаҳ уриб*). Ўл-е эшшак! Бошинга нима тушинини сен ҳали билмайсан. Сенинг ночор тақдирингни мен ҳал қиламан, мен сени мажақлаб ташлагувчи қўркинчли махлуқман. Мен ҳаммани коктейль билан сийлаб айтаманки, бўталок, сенинг барча муғамбирликларингни бошингдан уриб чиқараман. Қани, менга бир гап қайтариб кўр-чи. Бунга журъат этсанг, жазсанг! Сен жисмоний трико кийиб менинг пошна билан қиладиган тарбиям нималигини биласан.

Блум диван тагига кириб кетади ва мўралаб олазarak қарайди.

Зоя (*этагини ёйиб уни беркитмоқчи бўлади*). Бу ерда у йўқ.

Блум (*кўзларини чирт юмиб*). Бу ерда у йўқ.

Флорри (*уни этаги билан тўсиб*). У бундай қилмоқчи эмасди, мистер Белло. У ўзини тузатади.

Китти. Сиз уни кечиринг, мистер Белло. Сиз уни кечирасиз-а, тўғрими, мадам сэр?

Белло (*авроқ*). Қани, кела қол, жонгинам. Сенга бир сўз айтаман, шарифам, биз жазони аниқлаб оламиз, холос. Юрак-юракдан сўйлашамиз. (*Блум ботинмайгина бошини чиқаради*.) Ана ўзи, вой оқила қизим. (*Белло унинг сочидан тутиб ташқарига тортиб чиқаради*.) Сен тузалгин дейман-да, бу сенинг фойданга, юмшоқ зарарсиз жойингга-да. Хўб, қани, қандай думбачамиз? О, мунча юмшоқ бўлмаса. Хўп, майли, қани тайёрлан.

Блум (*зир қақшаб*). Оҳ, йиртиб юборманг менинг...

Белло (*зуғумкорона*). Тумшуғига халқа, қисқич омбирлар билан қийноқ, таёқлаш, сўйилга тортиш, қамчилаш, буларнинг ҳаммасини қадимги замонлардаги нубиялик кул каби бир бошдан тотиб кўрасан, бунга най садосини жүр айлаймиз. Сен энди

қўлга тушидинг! Ҳа-ҳа! мени эсингдан чиқармайсан. *(Унинг афтига қон тепчийди, пешона томирлари бўртиб чиқади.)* Мен ҳар кўни эртаминан Маттерсондан келган чўчка қовурдоқни еб бир шиша портер пивосини ичиб тўйиб понушта қилгач, сенинг устингда худди ўриндикда ўтиргандай ўтираман. *(Кекиради.)* Яхши сигарани тутатиб, «Қовоқхоначилар газетаси...»ни ўқийман. Кейин балким, сени молхонада сўйишлари ва ўтга қўйиб куйдиришларини буюраман, бир лукма-бир лукма тўғри оловдан олиб мазза қилиб чайнайман, этларинг тишимда қисирлайди, фарқи йўқ ўтда пишган чўчкачанинг этидан боз устига гурунчу лимон ва қорағат қайласидан андак-андак қўшиб тановул этамиз-да бафуржа. Албатта, жонинг бироз оғриси ҳам керак.

Унинг қўлларини қайира бошлайди. Блум чинқириб чалқанча йиқилади.

Блум. Керакмас, оғриди, ойи! Керакмас!

Белло *(яна қайириб)*. Яна бир!

Блум *(инграйди)*. О-о! Жаҳаннам! Ёмон оғриди! Жонимни суғуриб олишяпти!

Белло *(қичқиради)*. Қойил, қонли капрал билан қасам ичман! Мен учун бу йилги энг яхши янгилик! Кани-чи, жин ургур, мени куттириб қўйма! *(Унинг башарасига шапалоқ тортади.)*

Блум *(ғиншийди)*. Сиз мени урмоқчисиз. Мен ҳаммасини айтиб бераман...

Белло. Уни ушлаб турунглар, қизлар, ҳозир мен устига ўтириб оламан.

Зоя. Оҳа! Мен ҳам минаман. Хоҳлайман.

Флорри. Мен ҳам хоҳлайман, қизғанчиқ бўлма.

Китти. Йўқ, мен. Уни менга беринглар.

Муассаса ошпази миссис Кео буришган-туришган, энгагидаги туклари оқарган, чирк этак тутган, оёғида бошмоқ ва туссиз кўк эркаклар пайпоғи, енги шимарилган қўллари қипқизил, ҳамма ёғига ун сочилган кўйи эшикда пацдо бўлади, қўлида ҳамир ёпишган жўва.

Миссис Кео *(қонга ташна одамдай)*. Сизга ёрдам-пордам керакмасми?

Улар Блумни тутиб турган жойида михлаб қўядилар.

Белло *(Блумнинг юзига ўтиради, хир хир қилади, сигара тутатади, шошмасдан семиз оёғини чўзади)*. Кўриб турибман, Китинг Клейни Ричмонддаги жиннихонанинг президенти қилиб

сайлашди, шундай экан, айтиб ўтиш ўринлики, Гинпеснинг дивиденди қайд этилган акциялари ўн олти-ю уч чоракдан ўтмоқда. Крейг ва Гарднер айтишганда мен аҳмоқлик қилиб ўша пакетни сотиб олмагандим. Ҳаммаси менинг омадсизлигимдан, жин чалсин буларни. Бунинг устига манав ярамас Реклама бирга йигирмани йиғиштириб кетди. (*Жаҳл устида сигарасини Блумнинг қулоғига тиқиб ўчиради.*) Қаёқда қолди бу ярамас расво кулдон?

Блум (*босилган, топталган, куйган алфозда*). Аа! Оо! Махлук! Жаллод!

Белло. Буни ҳар ўн дакикада сўра. Ялин-ёлвор. Илгари ҳеч нарсани сўрамагандай илтижо қил. (*Унинг бурнига бармоғини ўхшатиб суқади, тутаган сассиқ сигарани тиқади.*) Қани ўп. Буни ҳам, уни ҳам. Ўп. (*Оёғини у ёққа олиб, Блумга минади ва уни икки тўла оёғи билан сиқиб, худди чавандоздай амр қилади.*) Хўппа-хўппа! Ёнғоқ тергани кетдик! Мен унга миниб Эклипс пойгасида қатнашаман. (*Ёнига қийшайиб, ўзи минган отнинг мойжларини дағаллик билан қисади ва тинмай қичқиради.*) Хей-хей, хўппала! Чаққон чаққон! Сени ўзим чопадиган қиламан. (*Худди пойгачидек оти устида сакрайди, эгарда кўтарилиб-кўтарилиб қўяди.*) Хопим юрар одим-одим, арава борар йўртиб-йўртиб, чавандоз учар шамолдек.

Флорри (*Беллони силтайди*). Энди менга беринг Сизга шу етади. Мен олдин сўровдим.

Зоя (*Флоррини силтайди*). Йўқ менга, менга. Сен нима, ҳалиям тугатмадингми, зулук?

Блум (*ҳансираб*). Бошқа ҳолим қолмади.

Белло. Ҳали бўлмади, тўхтаб тур. (*Нафасини ростлаб.*) Ўх лаънати. Оҳа. Ҳозир. Пукакни отиб юборди. (*Ўз орқасини йириб очиб, юзини буриштириб қаттиқ ел чиқаради.*) Қани, ушлаб турчи. (*Яна орқасини йиради.*) Ў, жин урсин, ўн олти-ю уч чорак.

Блум (*қора терга тушиб*). Эркак эмас. (*Ҳидлаб кўриб.*) Хотин киши.

Белло (*унинг устидан тушади*). Бас, думингни ликилла таверма. Орзуйингга еттинг. Сен бундан буён эркакликдан тушдинг, энди тўла менга қарайсан, бўйинида бўйинтуруқ. Ислоҳ либослари ҳақида. Сен эркаклар кийимини ташлайсан, буни тушуниб олдингми, Руби Коэн? ва дарҳол жимирлаб турадиган, бош томондан кийганда шилдирайдиган ярак-юрук шоҳи кўйлақлар оласан.

Блум (*ғужанак бўлиб*). Ипак, деб буюрди хонзода! О, шил дироқ! Гичир гичир! Мен унга тирноқларимнинг учини текизсам бўладими?

Белло (*ўз ойимқизларини кўрсатиб*). Кейин сен худди манавилардай бўласан, чиройли улама соч тақасан, ула-элик, мушку атирлар сепасан, кўлтиғингни тоза тутасан. Баданингга мослаб ўлчовингни олинади. Сен тиғиз тортилган жуда тор корсет киясан, унинг матоси кўк, ўзи кит мўйловидан ясалган боғичлар билан бойланади, энг чеккасигача, то тосгача олмослар билан безатилади, бу ерда сен тўлишасан, шунинг учун тўкилиб турадиган матолардан кўйлақлар киясан, белкўйлақларинг ҳавойи, ҳарир ва чиройли бурамали бўлади, албатта уларнинг ҳаммасида менинг уйимнинг тамгалари туширилади, Алиса учун нафис либослар, Алиса учун энг аъло атирлар. Алиса ўзини худди эгар жабдуқнинг соҳибасидай сезади. Бундай ҳавойи ҳарир либослар кийган Мария ва Марфалар ўзларини совқотгандай сезадилар, лекин яланғоч тиззаларни чирмаган энгил жимжимадор турлар сенга шуни эслатадики...

Блум (*соchlари хантал рангига уйқаш жозибадор бекач, икки бетига қуюқ ула-элик тортилган, аммо қўллари ва бурни эркакларники каби катта-катта, оғзи нафс хурушларига мойил*). Мен фақат икки маротабагина ўша ойимқизнинг устибошларини Холлс-стритда кийиб кўргандим ҳазил қизиқчилик учун. Ишлар касод бўлган пайтларда кийимларни мен ўзим ювардим пулни тежами учун. Энгил бошимни ҳам ўзим қайта бичиб тикардим. Соф иқтисод.

Белло (*заҳарханда қилиб*). Кўрсатган хизматларингни пиланда қиласан-да, а, онахон мақтасин деб, а? Ана ундан кейин худди байрамдай ясан-тусан қилиб, деразаларнинг барча пардаларини тортиб, ойна олдида ўзини ҳар мақомга солганини кўрсангиз, дам қип-яланғоч сонларини кўрсатади, дам така эмчакларини, дам худди бераётгандай турли ҳолатларга киради! Хохо! Кулгим қистайди! Қўл кийилган қора комбинация ва калта иштон, охирги зўрланиш чоғида барча чоклари сўкилиб кетган, буни сенга Шелборн меҳмонхонаси бекаси Мириэм Дэндрейд сотган эди, тўғрими?

Блум. Мириэм. Қора комбинация. Ярим кибор хоним.

Белло (*қўпол кулиб*). Худо урсин, бу шунчалар қизиқ! Сочингни олдириб, орқа эшикдан кириб олиб, ўзингни офати-

жон Мириэм қилиб кўрсатган экансан-да, а, тўшакка кўндаланг ётиб, нафас чиқармай кутиб, а, баайни миссис Дэндрейднинг ўзи-я, ахир у лейтенант Смайт Смайт, мистер Филип Огастес Блокуэлл, Ч.П., синйор Лачи Даремо, барно тенор, мовий кўзли Берт, лифт ҳайдовчи, Гордон Беннетдай машҳур Анри Флери¹, худди Кайковусдай бой кварталон Шеридан, кўҳна Тринити сузувчилар командасининг саккизинчи рақами, ўзининг пойгада ютиб олган катта итлари Понто ва Бобс, бева герцогиня Мэнор-хамилтон томонидан зўрланмасдан сал олдин шундай ётиб эди да. (*Ҳахолойди.*) Худо урсин, бунақасини ҳеч ким кўрмаган, хаёлига ҳам келтирмаган, кула-кула ўласан агар!

Б л у м (*унинг юзи, қўли қалтирайди*). Мен Жералд туфайли корсетларга ишқивоз бўлиб қолганман, ўшанда мактабда «Аксинча» деган пьесада аёлни ўйнаганман. Ҳаммасига жонажон Жералд сабаб. У катта опасининг корсетини жуда ҳам яхши кўриб қолган экан, бари ана шундан бошланган. Энди жонажон Жералд тилла бўёқ билан юзини қизартиради, киприкларини бўяйди. Гўзалликка сиғинади.

Б е л л о (*ғаразли кулиб*). Гўзалликмиш! Қулгили алаҳсираш! ўз чиройли бежама бурмаларининг тагинга йиғиштириб, ялтираган силлиқ тахт устида худди ойимқиздай ўтиришни биласан.

Б л у м. Илм-фан учун. Биз бошимиздан кечирадиган рангбаранг хузур-ҳаловатларни киёслаш учун. (*Жиддий.*) Шундай туриш ҳақиқатан ҳам яхши... Нега деганда, қанчадан-қанча пайтлар қўл...

Б е л л о (*кескин*). Бу яна қандай найрангбозлик? Ана у бурчакда сен учун кипик солиб қўйилган. Мен сенга қатъий кўрсатмалар бергандим, сен, нима унутдингми? Буни тик туриб адо этинг, сэр! Мен сенинг ярамас одатларининг йўқотмай қўймайман! Тагликларингда бирон марта доғ қолдирганингни кўрсам, ўлдим деявер! Дореннинг эшаги номига қасам ичаманки, сени дор устида ўйнатаман. Ўтмиш гуноҳлар сенга қарши бош кўтарган. Улар сон мингта саноғи йўқ.

Ў т м и ш г у н о ҳ л а р и (*бири олиб бири қўйиб*). Қора Черковнинг қоронғусида у камида битта аёл билан яширин никоҳга ўхшаган бир нарсани ўқитганди. У Д'Ольер-стритлик мисс Даннга хаёлан қўнғироқ қилиб, ўзини кўча будкасидаги аппа-

¹ Блумнинг французчалашган «Генри Флауэр» лақаби.

рат олдида уятсиз бир ҳолга келтирганча, унга ақлга сиғмайдиган нарсаларни сўйлаган. У бир кечаси санғийдиган қизни нажас ҳамда бошқа нарсаларини бўш ётган бинолар олдидаги ҳожатхонада санитарияга зид ҳолда қолдириб кетишга ҳам сўзи ва ҳам иш кўрсатиб унатган. У бешта жамоат халажойларида ўзининг қонуний рафиқасини олати салмоқли ҳар бир эркакка таклиф этиб қалам билан ёзиб чиққан. У сассиқ купорос бўёқлар чиқарадиган фабриканинг орқасида ошиқ-маъшуқларнинг ён-верига жойлашиб олиб, нималарни қандай ва қанча томоша қилиш мумкинлигини чамалаб кўрмаган деб ким айта олади? Ётмаганми у тўшакда худди семиз ахта чўчка каби, ишлатилган ҳожатхона қоғозининг кўнгилини ағдарадиган бир парчасига кўзи билан еб юборгудай бўлиб тикилмаганми, буни унга палид бир фоҳиша тортиқ қилмаганми ширин кулча билан почтадан келган пулга алданиб?

Белло (*чинқиртириб ҳуштак чалиб*). Тузук-тузук! Сенинг бутун жинойи фаолиятингда энг ярамас уятсизлик нимадан иборат эди ўзи? Палид шу ҳолингда баён эт. Барини ичингдан чиқариб қус! Умрингда бир очик гапир!

Гунг ноинсоний қиёфалар қоронғиликдан тўда-тўда бўлиб чиқади, улар қаҳрли ғилайланади, ноаниқ чурқиллайди, чириллайди, ғойиб булади, булар Буфлуффум, Полди Кок, бир чақалик Чизимчалар, Кэссиди ёнидаги аъжуба, кўр йигитча, Ларри Каркидон, ана ўша қиз, ана ўша хотин, ана ўша суюгоёқ, ана ўша бошқа, ана ўша...

Блум. Мендан сўраманг! Бизнинг умумий эътиқодимиз. Плизентс-стрит. Мен ўйламаган эдимки, ярми ҳам... Энг муқаддас нарсалар номига қасам ичаманки...

Белло (*амрона*). Жавоб бер. Ярамас паррихта! Мен талаб қиламан. Димоғимни чоғ қил, уят нарсалардан сўйла, ё олабўжилардан айт, ё шеърлар ўқи, фақат тез бўл, тез! Қаерда? Қандай? Қачон? Қанчаси билан? Учгача санайман. Бир! Икки! У...

Блум (*тили тутулиб, калдираб*). Ммеен бууурининининини тиикииндиим ўўшша ниифилоссс...

Белло (*каландимоғлик билан*). Йўқол, сассиқ кўппак! Тилингни тий! Гап сўраганда гапир!

Блум (*таъзимда*). Жаноб! Бегойим! Эркакларни бўйсундирувчи!

Қўлларини кўтаради. Билагидан билагузуклар шилдираб тўкилади.

Белло (*масхаралаб*). Кундузлари бизнинг исқирт уст-бошларимизни ювиб чаясан, биз, аёлларнинг тобимиз қочганда, этагингни қистириб, бизнинг халажойларимизни тозалайсан, думинг ўрнида идиш-товоқ сочиғини ишлатасан. Қандай яхши, тўғрими? (*Блум унинг қўли бармоғига ёқут узук тақади.*) Хўш! Шу узук билан сени қабул қилдим. Ташаккур, бегойим деб айт.

Блум Ташаккур, бегойим.

Белло. Сен кўрпа-тўшакларни йиғасан, менга ванна тайёрлайсан, барча бўлмалардан тунги тувакларни олиб чиқасан, жумладан, ошпаз хотин — миссис Кеонинг ҳам заруратиши кум билан йиғиштирасан. Эсингда турсин, еттовини ҳам топ-тоза қилиб ювасан ёки шампацдай охирги томчисигача ичиб қўясан. Меникени иссиқ-иссиқ ич! Ана шундай! Менинг хузуримда қўл ковуштириб турасан, акс ҳолда барча қилғилик, гуноҳларингни бирма-бир юзингга соламан, бошлаб таъзирингни бераман, орқангни яланғочлаб қаттиқ чўтка билан ураман. Шундай қиламанки, барча хатоларингни билиб оласан. Кечаси билагузукли қўлларингни крем суриб силлиқлайсан, қирк уч тугмачали қўлқопчалар киясан, упа-эликни аямайсан, бармоқларинг учларини атир-анбарга белайсан. Бундай назокатлар учун валломатлар қадим замонларда жонларини тикардилар. (*Илжаяди.*) Бундай жонон парини кўргандан кейин менинг азаматларим ўзини тўхтатолмай қолади, ҳаммадан ҳам полковник хурсанд бўлади, улар бу ерга тўй олдида келишади, менинг тилла кавушчали нозанимга кўрмана беришади. Аммо олдин сен билан ўзим бир роҳат қиламан. Менинг отчопарда Чарлз Алберта Марш деган бир танишим бор (мен ҳозиргина унинг тўшагидан турдим, кейин лорд-канцлер идорасида ишлайдиган бир жентльмен ҳам мен билан бирга эди). У ўзига бир ходима излаб юрибди. Кўкрагингни кўтар. Табассум қил. Елкангни туширма. Ким қанча бермоқчи? (*Қўли билан уни кўрсатиб.*) Мана шу парсага, хўжайинни юк кўтаришни ўргатган, саватни тишида тишлаб кўтаради. (*Енгларини шимариб қўлини Блумнинг чотиғига тақади.*) чуқурлиги ўзига яраша! Хўш, қандай, йиғитлар? Юракда ўт борми? (*Қўлини харидорга нуқади.*) Ҳамма тепага чиқсин. Бошлаймиз!

Харидор. Бир флорин!

Диллоннинг ходими қўнироқни чалади.

Овоз. Бир шиллингу саккиз пенс ортиқча беряпти.

Ходим. Доне!

Чарлз Алберта Марш. Афтидан ҳали қиз болага ўхшайди. Нафаси ширин. Ёқимли.

Белло (*тўқмоқчани уради*). Икки шиллинг. Бундан арзон бўлмайди, арзимас баҳо. Бўйи ўн тўрт қарич. Ўзингиз уни қўл билан ушлаб кўринг. У ёқ-бу ёғини айлантинг. Бадани майин, мушаклари юмшоқ, териси ипакдай. Қанийди олтин тоштешарим ўзимда бўлса! Енгил соғилади. Кунин ўн тўрт литр тоза сут беради. Насл қолдириши ҳам аъло, бир соатдан кейин кўзилайди. Унинг аждодларидан бири соғин бўйича ҳаммадан олдинда бўлган, қирқ ҳафтада минг галлон¹ сут берган. Оҳо-о, олтиним! Кўрсат бор бисотингни! Оҳо-о! (*Блумнинг елкасига ўз К. тамғасини босади.*) Ана сизга! Коэн кафолатлайди! Икки шиллинг, жентлменлар, ким кўпроқ?

Қорача юзли киши (*лаҳжасини яширишга уриниб*). Жуз вундт-этерлинг.

Овозлар (*шов шув қилиб*). Халифа Ҳорун ар-Рашид учун.

Белло (*мамун*). Маъқул. Майли, ҳаммаси ёпирилиб келсин. Энг, энг калта кўйлак, енгилгина, тиззадан ҳам юқори, ок тўр интон кўришиб туради, бундан зўр қурол йўқ, позик тўр билан тўқилган ипак пайпок, зумрад попидирикли, чоки ниҳоятда тўғри тушган, тиззадан юқорига қараб ўрлаб кетган, ишқибозларимизнинг энг нозик ҳиссиётларини жунбишга келтирмай қўймайди. Бармоқ бўйи баланд пошнада бедана юришни ўрган, коматни юнончасига адл тут, сағри таранг, беллар биланглаб лорсиллайди, ўзига тортади, тиззалар бир-бирига ўпишгандай тегиб туради. Уларни кўзларингнинг бутун жодуси билан ўзингга жалб эт. Уларнинг ғариба хоҳиш-истакларини қўллаб юбор.

Блум (*бўғриққан башарасини қўлтиғининг тағига яширади, оғзига бармоғини тиқиб бетамизона иршайди*). Оҳа, сиз нимага ишора қилаётганингизни мен биламан.

Белло. Бошқа нимага ҳам ярайсан, ҳажикиз? (*Энгашиб қарайди, қўлидаги елпич билан Блумнинг соғлари орасига уриб қўяди.*) Ўзингга қара! Ўзингга қара! Думи йўқ мушук! Нима бор у ерда? Думинг қани, ёки уни чопиб ташлашдими, а? Сайра, қушим, сайра. Олти яшар болакайнинг булбулчасидай осилганидан айланай. (*Жўшиб қичқириб.*) Эркакмисан ўзи, йўқми?

Блум. Экклс-стритдаги анави...

¹ Бир галлон 4,54 л.

Белло (*ачитиб*). Сенинг туйғуларингни аягим келади, аммо сенинг ўрнингни мушакдор барзанги эгаллаб бўлди, замонлар ўзгарди, менинг шўх йигитчам! Ана уни эр деса бўлар, гавдаси ҳам бор. Сен чала туғилган шундай кўк томирлари бўртган, ғўдир, дағал бир қозиққа эга бўлганингдайди. Бас бойлайман, у замбарагини отди. Оёқ оёқда, тизза тиззада, қорин қоринда, кўкрак кўкракда! Йўқ, уни ахта деб бўлмайди. Орқаси – сариқ тук босган, мисли тиканзор. Туққиз ой сабр қил, ўзинг кўрасан! Жин урсин уни, чучкиришни кўр, диконглашни кўр! Қутуриб кетасан киши, тўғрими? Ҳақилдоқдан олади, тўғрими? (*ғижиниб тупуради.*) Пуф-эй, латта!

Блум. Менга адабсизларча муомала қилишди, мен... мен полицияга арз қиламан. Юз фунт. Акл бовар қилмайди. Мен...

Белло. Ичагинг ингичкалик қилади, ўлимса. Бизга росмана жала ёғсин, сенинг ёғар-ёғмасингни бошга урамизми.

Блум. Бунда жинни бўлиб қолиш мумкин! Молл! Эсимдан чиқибди! Кечир! Молл! Ахир биз... ҳар ҳолда...

Белло (*шафқатсиз*). Йўқ, Леополд Блум, ҳаммаси хотин кишининг иродаси билан ўзгарди, сен эса бу пайтда Уйқу ғорида узала тушиб ухлаб ёттинг. Сенинг кечанг йигирма йил давом этти. Қайт ва боқ.

Ҳувиллаб ётган майдон узра қадим Уйқу ғорининг овози.

Уйқу ғори. Рип ван Винкл! Рип ван Винкл!

Блум (*Соч соқоли усган, кўзлари ич-ичига ботган, қуруқ чакак бўлиб қолган Блум йиртиқ бошмоқ кийиб, қўлида занглаган эски милтиқ кўтариб, оёқ учида ўсмоқчилаб қадам ташлайди, каттак-каттак ойначалардан ташқарига қараб шидо солади*). Мен уни кўраётирман! Бу унинг ўзи! Мэт Диллон уйдаги биринчи кечки зиёфат! Аммо бу кўйлак, яшил! Сочлари ҳам оч рангга бўялган, анави...

Белло (*масхараомуз кулади*) Вой кўр япалокқуш ей, бу ахир ўз қизинг-ку, маллинггарлик студент билан турибди.

Сочлари оч тусли, енгилгина туфлича ва енгилгина кўк кўйлак кийган, буйнидаги зангори шарфи худди шимол денгизи гўзаллариники каби шамолда ҳилпираган Милли Блум ошиғининг бағридан бир зум узилиб, ҳайрат тўла порлаган кўзларини катта катта очиб хитоб қилади.

Милли. Вой! Бу отам-ку! Аммо қандай... вой, дадажоним, сиз мунча қариб қолибсиз!

Белло. Нима, ўзгариб қолибдими? Мана, ўзинг кўр, бизнинг жовонимиз, бизнинг ёзув столимиз, унинг устида ҳеч нарса ёзилмаган, Хегарти Холамизнинг юмшоқ креслоси, кўҳна расомларнинг суратлари. Бу ерда бир эркак ўз ошна-оғайнилари билан тараллабедод яшайди. Бу ер алданган эрлар макони! Нима бўпти? Қани айт-чи, қанча хотинларни кўрдинг? Ясситовон каллахум, қорнингни қулдиратиб уларни хурушга келтириш учун не-не кўчаларни кечалар санғимадингми? Нега индамайсан, эй, кўча хандон эр? Уй харажатларини қилиб келаётган одоб-икромли хотинлар. Энди тамомила тескариси. Экканингни ўрасан!

Блум. Улар... Мен...

Белло (*габини бўлади*). Ренда бўлган олди-соттида сен Брюксел гиламини олган эдинг, улар гиламингни оёқ ости қилиб топ ташади. Улар шўх сатаиғ Молл билан бошоломон уйнашиб, куйлагининг тагидан бурга тутиб, сен ёмғирда қолиб келтирган ҳайкалчани йиқитишади, синдиришади, сен санъат — санъат учун деганча қолаверасан. Кейин сенинг қўйи қутингдаги барча сирларингни билиб олишади. Сенинг астрономияга оид китобингни тамаки ўраб чекишади. Кейин сенинг камин оташгоҳингга мис панжара устидан чиртиллатиб тупуришади, эсингдами бу мис панжарани Хэмптон Лидомдан ўн шиллингга сотиб олгандинг.

Блум. Ўну олти. Фақат учига чиққан аблаҳлар шундай иш қиладилар. Мени қўйиб юборингиз. Мен қайтаман — мен иш бот қиламанки...

Овоз. Қасам ич!

Блум қўлларини мушт қилиб, олдинга силжийди, тишлари орасида овчилар пичоғи.

Белло. Ижарачи бўлибми ва ё сиғинди? Тамом кечикдинг. Сен ўз уйингда арзон уриш-тушак қилиб қўйибсан, энди унда бошқалар ётади. Сенинг марсиянг ёзилиб бўлди. Сен қудуқнинг тубига тушдинг, чириган тўнка, буни маҳкам ёдингда тут.

Блум. Қани адолат! Бутун Ирландия битта одамга қарши! Наҳот ҳеч ким... (*Бармоқларини тишлайди.*)

Белло. Сенда агар жиндаккина нанг-номус сақланиб қолган бўлса, бу кунингдан ўлиб қўя қол. Сенга жуда иоёб кўҳна бир май берсам ҳам буларди, уни ичиб тўғри дўзахга борардингу яна қайтиб келардинг. Васнятингни ёзиб, бор сармойингни бизга қолдир. Агар у йўқ бўлса, қандай қилма топ, ўғирлик қил, босиб ол, жонингни жабборга бер! Кейин биз сени ахлат-

хона ёнидаги буталар тагига кўмамиз, у ерда менинг ўгай қариндошим Алданган қари Коэн билан бирга нажас ичида тинч-хотиржам ётгайсан, одам қуригандай келиб-келиб шу лаънати буйни қийшиқ, итвачча қўшмачи, ярамас эски увишиқ ҳажикизни эр қилган эканман, менинг бошқа ҳамма эрларим ҳам ўша ерда, бари, билмайман, унтами ё ун битта, эсимда йўқ, бу бадбахт гўрсўхталарнинг отларини ҳам унутганман, ҳаммаси гўрида ётиб ювиндисида чирисин, илойим. (*Ҳахолаб, хирқираб хандон ташлаб.*) Биз сизнинг тагингизга гўнг солиб қўямиз мистер Гулчечак! (*Майнавозчилик қилиб, гинейллайди.*) Хайр-хуш энди, Полди! Хуш қолинг, дадаси!

Блум (*бошини чангаллаб*). Менинг ирода кучим! Хотирам! Гуноҳ қилдим! Мен азоб... (*Кўз ёши тўкмай ҳўнграйди.*)

Белло (*масхаралаб*). Майли, йиғла, оппоғим, ува, ува! Тимсоҳдай кўз ёши тўкасан!

Қурбонлиқ келтириш учун маҳкам ўраб чирмаб қўйилган Блум тушкунликка тушиб, юзтубан йиқилиб ўкиради. Мотам жоми чалгинади. Йиғи девори олдида суннат қилинганларнинг қора гавдаларига куллар сочилган, жулдур кийимларга бурканган, булар М. Шуламовиц, Жозеф Голдуотер, Моше Герцог, Харрис Розенберг, М. Мойзел, Ж. Цитрон, Минни Уотчмен, О. Мастянский, ҳазрат Леополд Абрамовиц, кантор. Улар қулоч ёзиб қўлларини силкитиб, увиллашиб, чинқаришиб муртаб Блум учун йиғи очганлар.

Суннатдорлар (*бўғиздан чиққан узун мунгли сўлиш билан улар унинг бошига чириган-ириган сабзавотларни ирептадилар; гуллар йўқ*). Шема Исраэл Адонайи Элоим Адонайи Эҳад!

Овозлар (*хўрсиниб*). Ори, жон берди. Ҳа, ҳа. Ҳа, жон берди. Блум? Ҳеч эшитмаганман. Ҳайми? Фалати бир зот эди. Манақай, беваси. Мановми? Ҳа, ҳа.

Эри ўлган бева хотинни ёқиш учун тайёрланган гулхан узра аланга ўрлайди, қатронли кофур оғочидан таралган дуд атрофда сузади. Хушбўй ҳид нардаси аста тарқайди. Болут роми ичидан сочлари ёйилган парий чиқиб келади, у ғоятда нафис фамил қўнғир тусли ҳавойи либосларга чулганган, у ўз ғоридан тушади, мажнунтоллар навдалари чодирлари остидан хосланиб ўтиб Блум узра сокин бўлади.

¹ Тингла, Исроил: Раббимиз Илоҳ, Раббимиз Ягона Аҳад! (*Қад.яҳ.*).

Мажнунтоллар (*япроқлари шивирлаб*). Опа. Бизнинг Опамиз. Ш-ш!

Парий (*секин*). Ҳладиган жон! (*Эркалаб.*) Ох, қўй, ишграма!

Блум (*худди муз парчасидай тол бутоқлари тагига кириб кетади; Қуёш шўбалари тарам тарам тушади; гурур билан*). Мана шу аҳволда. Мендан шуни кутишаётганини сезгандим. Одатланиб қолганман.

Парий. Ҳлимга маҳкум! Сен мени бемаъни ахлоқсизлар ичидан топдинг, кафешантан раққосалари, кўча санғи сотувчилар, боксчилар, маълум-машҳур генераллар, тор либос кийган ахлоқсиз пантомима артистлари, таниқли шимми ижрочилари, Ла Аурора ва Карини, музика асари, аср шов-шувлари. Мен керосин ҳиди келиб турган пушти арзон қоғозга беркирилгандим. Мени клуб такасалтангларининг сийқа уятсизликлари, гўр ўсмирларга жозибали туюладиган булар бўлмас ҳаптомалар, соя-силуэт расмлар, энг янги қимор соққалари, сийлабандлар, патентли товарларнинг рекламалари, бандаж тақиш фойдалари, чурраси тушган жентльменнинг тавсиялари, уйланган йигитларга нозик маслаҳатлар қуршагани.

Блум (*парийнинг оёғи остида тошбақадай бошини кўтиради*). Биз илгари учрашганмиз. Бошқа юлдузда.

Парий (*ғамгин*). Резина маҳсулотлар. Ҳеч қачон узилмайди. Бизнинг кибор мижозларимиз шунисини ёқтиришади. Эркаклар учун корсетлар. Тутқаноқни даволайман, касал тузалмаса, пулини қайтараман. Профессор Уолдменнинг кўкракни ўстиришга дахлдор ажойиб малҳами ҳақидаги холис гувоҳларнинг сўзлари. Миссис Гэс Раблин менинг кўкрагим уч ҳафтада етмиш олти мм ўсди деб хабар беради ва бунга суратини қўшиб жўнатади.

Блум. Сиз «Фотосуратлар»ни назарда тутяпсизми?

Парий. Шундай. Сиз мени у ердан олиб кетдингиз, зарҳалланган болут ромга солиб, тўшагингиз тепасига илиб қўйдингиз. Ёз кунларининг бирида кечқурун бикиниб туриб мени тўрт жойимдан ўпдингиз. Сиз мени яхши кўриб қалам билан кўзим ва кўкрагим, нозик жойимнинг расмини чиздингиз.

Блум (*тавозе билан унинг узун сочларини ўнади*). Сизнинг мумтоз тарҳингиз булар, о мангу латофат. Мен сизни кўриб турганимдан бахтиёр эдим, сиз гўзалликка дахлдорсиз, сизга сифинишга ҳам тайёрман, мадҳингизни айтиб тугатолмайман.

Парий. Қоронғи тунларда мен сизнинг сийлов сўзларингизни эшитардим.

Блум (*шошилиб қолиб*). Э, ҳа, ҳа. Сиз айтмоқчисизки, мен... Болаларни ҳисобга олмаганда, бошқа ҳамманинг тушига энг ёмон нарсалар киради. Биламан, мен тўшакдан қулаб тушдим, яъники мени ағдариб юборишди. Айтишларича, агар шароб-май ичига пўлатга ўхшаган бир темир нарса ташлаб қўйилса, хуррак отишга қарши нафи тегаркан. Яқинда менга бир инглиз сохта малҳамининг баёнини юборишди, бошқа нарсаларга фойдаси бор деб, аммо ўзи менга адашиб келиб қолган манзил чалкашиб. Ёзилишига қараганда, у бўшанилгавда шовқин-сурон ва ҳид чиқишидан сақларкан. (*Хўрсиниб*.) Бу ўзи доим шунақа-да. Никоҳ-эй, сенинг номинг — маккорлик.

Парий (*бармоқлари билан қулоқларини беркитиб*). Вой бу сўзлар! Мен уларни луғатдан топмадим.

Блум. Аммо сиз уларни тушундингизми?

Мажнунтоллар. Шш!

Парий (*юзини қўли билан беркитиб*). Нималарни кўрмадим мен бу ётоқда? Кўзларим нималарга тушмади?

Блум (*узрхоҳлик оҳангида*). Мен тушунаман. Кир кийим-бош кирлигича ташқарига қўйилган. Каравот ҳам гичирлаб қолган. Гибралтардан денгиз орқали олиб келинган, анча вақт бўлди.

Парий (*бошини қуйи эгиб*). Баттар! Баттар!

Блум (*оҳиста ўйланиб*). Курсича қийшайиб қолган. Бу рафикам оғир бўлгани учун эмас. У ўша пайтларда роса етмиш кило эди. Болани эмизмай қўйгач, тез семириб кетди. Курси ёрилиб синган, елими кўчган. Лаббай? Яна бу сариқ йўлли тувак, бир томондаги банди синган.

Шаршаранинг шовқини эшитилади, шариллаган, шовуллаган товушлар келади.

Шаршара.

Пулафука Пулафука

Пулафука Пулафука

Мажнунтоллар (*навдалари бир бирига туташиб*).

Эшитинг. Шивир-шивир. Опамиз ҳақ. Биз Пулафука шаршарасида ўсганмиз. Биз ҳаволар дим ва иссиқ бўлган ёз кунлари соя-салқин берганмиз.

Жон Уайз Нолан (*олисда, Ирландия миллий ўрмончилиги кийимида, саломлашароқ патли шляпасини кўтариб*

қўяди). Ў, Ирландия дарахтлари! Ўсинг, кўкаринг! Ҳаво иссиқ пайтлар соя-салқин беринг!

Мажнунтоллар (*шивирлашиб*). Ким келганди Пулафугага мактабдан саёҳат қилиб? Ким синфдошлар билан ёнғок теришга бормай, бизнинг соямизда ўлтирганди?

Блум (*кўкраги озғин, ичидан нахта қўйилган елкалари чиққан, туссиз қора кўримсиз ўсмирлар костюмини кийган, костюми ҳам энди тор келиб қолган, оёғида оқ теннис туфли, тепаси қайрилган камбар ҳошияли пайпоқ ва бошида тамғали мактаб шапкаси*). Мен у пайтлар бола эдим, ўсмир. Менга кўп нарса керакмасди, қалтираган, дирилдоқ вагон, Э ва А дан анкиб турган омукта ҳидлар, эски «Роял» қўноқхонаси зинаси олдида тўпланишиб турган одамлар, улар бари ур-йиқитни ёқтиришади, пода инстинкти, ва хирсу шаҳват ҳиди ўтириб қолган театрининг нимқоронғи ҳавоси шалоқ туйғуларни жўштиради. Ҳатто кийимларнинг тури. Бундан ташқари, иссиқ. Ўша ёз қуёшда доғлар бор эди. Ўқув йилининг охири. Буфетда ром ичган аёллар. Дориломон кунлар.

Дориломон кунлар, оқ мовий кўйлак ва калта иштон кийган ўқувчилар, ўша чоғлар ҳам навроста Доналд Тернболл, Абраҳам Чаттертон, Оуэн Голдберг, Жек Мередит, Перси Эпжон ўтлоқ да дарахтлар соясида туриб ёш Леополд Блумни чақирришади.

Дориломон кунлар. Ҳов Корчалон! Кел буёкка. Ура! (*Бақирришиб саломлашадилар.*)

Блум (*ҳаракатлари қовушмаган ва ўнқовсиз ўсмир, иссиқ қўлқоп кийган, онаси бўйнига жун шарф ўраб қўйган, уни қорбўрон қилишади, ўрндан туришга уринади*). Яна! Мен ўн олтига кирдим: ўх, жуда чиройли! Монтегю-стритдаги барча жомларни чалингиз. (*Ингичка овоз билан хитоб қилиб.*) Энг яхши мактабимизга ура!

Акс садо. Эшшак!

Мажнунтоллар (*майин шивирлашиб*) Бизнинг Опамиз ҳақ. Шивирлаш. (*Бутун ўрмон шивир-шивир ва бўса овозларига тўлиб кетган. Ўрмон махлуқлари гамадрилиялар япроқлар юзида, дарахтлар таналарида жимирлаб кўринадилар, улар япроқларини ёзаётган, очилаётган гулларга айланадилар.*) Ким бизнинг соя-салқин сукунатимизни бузди?

П а р и й (*уялиб, панжаларини ёзиб юзига парда қилиб*). Вой, ўлай! Оппа-очик жойда-я?!

Ма ж п у н т о л л а р (*ергача бош эгиб*). Шуни айтинг, опа!
Бизнинг маъсум ва бокира ўрмонимизда.

Ш а р ш а р а.

Нулафука Нулафука
Фуфуфука Фуфуфука.

П а р и й (*панжаларини кенг ёзиб*). О! Қандай шармандалик!
Б л у м. Мен эрта вояга етдим. Ўсмирлик. Дов-дарахт ўт-ўлан.
Мен ўрмон илоҳига қурбонлик қилдим. Гуллар баҳорда очилади.
Ишқ фасли эди. Ҳовури ҳовурингни тортади, бу табиий ҳодиса.
Зиғир сочли Лотти Кларк деган қиз, мен отамнинг театр дурби-
нида уни кўрганман, у уйкуга ётиш олдидан ечинарди, дераза
пардаси яхши тортилмаганди. Жуда шўх қиз эди, оғзида ҳар хил
ўтларни чайнаб юрарди. Риалто ёнидаги кўприк олдида тепалик
бўларди, у мени шўхликлари билан ўзига жалб қилиш учун ўша
тепаликдан ўтлар ичида пастга думаларди. Ўша ерда уларникида
бир катга қийшиқ дарахт ўсарди, қизча дарахт устига чикди, ке-
тидан мен ҳам чикдим. Ҳеч одам ўзини тўхтатолмайди. Мени
шайтон урди. Бунинг устига ким кўриб ўтирибди дейсиз?

*Янги туғилган мугузчалари оппоқ бузоқча навдалар, ўт-
ўланлар орасидан кавшанаётган ҳўл тумшугини чиқаради.*

Б а р р а бузоқча (*сўлаклари оқиб чўзилади, унинг бўртиб
чиққан катта катта кўзларидан ёш оқади*). Мееенгаа. Мее-
енгаа ўў.

Б л у м. Буни эҳтиёжни қондириш дейдилар. (*Аламли эҳти-
рос билан.*) Мен юраман десам биттаям қиз кўнмади. Мен ит-
бўки эдим. Улар мен билан ўйнагилари келмасди...

*Хоут кўрфази томонда баландда рододендронлар орасидан
елини тирсиллаган бир эчки чиқиб келади, калтагина думчаси
тинмай ликиллайди, йўл йўлакай қумалоқлайди.*

Э ч к я (*маърайди*). Бее-бе-бе-бе! Э-э-а-э-э-ааа!

Б л у м (*юзи қизариб кетган, бошланг, қоя тиканаклари
ва қушқўнмаслар орасида*). Қонуний никоҳ бўлган. Аҳвол-ша-
роит ишни ўзгартириб юборади. (*Пастга, кўрфаз ёққа қаттиқ
тикилиб қарайди.*) Бир сонияда ўттиз икки бора ўмбалоқ оша-
ди. Газеталарда васваса. Илиёнинг бош айланиш касали тутти.
Қоядан қулаш.. Босмахона хизматчисининг фожиали ўлими.

*Ёз ҳавосининг кумуш сукунатида худди мўмиедай ўраб чир
малган Блумнинг қўғирчоғи Арслон Калланинг чеккасида кўким*

тир-қорамтир мой янглив мунтазир сув томон ўмбалоқ ошиб ағанаб боради.

Б л у м у м и я . Блублиблублибулк!

Узоқда кўрфаз нарёғида Бейли билан Киш маёқлари орасида «Қирол Эрин» кемаси юзиб боради, трубкасидан қуюқ қора тутун ўрлаб, қирёоқ бўйлаб ёйилади.

Маслаҳатчи Наннетти (қирғийқараш қилиб туради, эғнида алтоқ пиджак, қўлини нимчасининг зиҳига тиқиб палу бада ёлғиз ўзи вирди забон қилади). Менинг мамлакатим ер куррамининг миллатлари ўртасида ўз ўрнига эга бўлганда, ана ўшанда, майли ўшанда менга марсия ёзилсин, аммо асло ундан бурун эмас. Мен конун...

Б л у м . Чил . Пуфф!

Парий (димое фирое билан). Биз мангу латифалармиз, сиз бугун ишонч ҳосил қилгандирсиз, бизнинг ундай жойимиз йўқ ва мўй ҳам ўсмайди бизда. Биз мисоли харсангтош каби тоза ва совуқдирмиз. Биз оҳанрабо нурларидан қувват олурмиз. (*Баданини жозибадор бурайди, бармоқларини оёзига тиқади.*) Сиз менга осилдингиз. Мен орқадан эшитдим. Нечук журъат эттингиз?..

Б л у м (*ўсал бўлиб, кафтлари билан супургигулни силайди*). Боқинг, мен бамисоли чўчқанинг ўзиман. Ичимни сурги билан тозаладим. Бир озгина дуккак кассий билан бир ош қошиқда тиконли туз. Ичкарироққа юбориш керак. Хамилтон Лонг игнаси, у аёлларнинг маҳбуби.

Парий. Менинг ҳузуримда я. Упа-элик учун момик пахта. (*Қизариб енгил таъзим қилади.*) Қўй, бошқа гапирма.

Б л у м (*таъби тирриқ бўлиб*). Шундай. Рессави!¹ Мен ўша тирик меҳробни эъозлардим, унда елка — елка деб номланмайди. (*Кутилмаганда қизишиб.*) Нега муаттар нафис қўл, ким-матбаҳо жавохирлар билан безалган қўл, ҳукмдор қўл...

Гавдалар силжир, дарахтлар оралаб қўлма-қўл иланг-биланг сирғалар, ялқовлана бир ўрмон нақши ҳосил қилур, бир-бирлари ла хуморлана садоланур.

Киттининг овози (тўқай ичра). Бизга ўша ёстикчалардан бировини кўрсат-чи.

Флоррининг овози. Мана, кўр.

¹ Гуноҳкорман! (*Лот.*)

Қарқур қанотларини қаттиқ патирлатиб бутазордан учиб чиқади.

Линчнинг овози (*тўқайзорда*). Ўх! Қайноқ!

Зоянинг овози (*туқайда*). Қайноққина жойдан.

Вирагнинг овози (*қушлар қабиласининг бошлиғи, ҳар бийча зангор тусларга чулганган, патлар-парлар билан ясанган, арчаларнинг қузоқлари ю кўсақларни босиб янчиб, қамиш зор оралаб катта қадамлар ташлаб учиб борур ва қўлида най засини қаттиқ қаттиқ силкитур*). Қайноқ! Қайноқ! Ўтирган хўкиздан кўрқинг!

Блум. Жоним садаға. Иссиқ бадандан қолмиш иссиқ жой. О, аёл ўтирган ерда ўтирмоқ, айниқса, энг аъло яқинлик олдида унинг сонлари ораси бирмунча очилган бўлса, ва ундан ҳам нақадар созки, агар у ўтирароқ оқ сатин этагининг астарини янада юқорироқ кўтарган бўлса-да. Бундан-да ортиқ аёлвоналик йўқдир. У мени банди жон этар ва юрагим тошар.

Ш а р ш а р а.

Тошатошар Пулафука

Нулафука Пулафука.

Мажнунтоллар. Шш-ш! Опа, гапир!

Парий (*унинг кўзи йўқ, роҳибаларнинг оқ либосида, сочида кенг қанотли тўрбезак нусха ва ҳавроча; нигоҳ назарсиз майинликда*). Транквилл хонақоси. Опа Агата, Кармел тоғи, нок ҳамда Лурд башпоратлари. Энди истаклар қолмади. (*Бошини қуйи эгиб, хўрсиниб.*) Ёлғиз ҳаво ва заррот. Ҳой, туманли оқ чорлоқ, қайга учиб борурсен, айт менга — қандоқ.

Блум ўрнидан қўзғалади, шимининг орқасидаги тугмалари сўтилиб отилиб тушади.

Тугма. Тқирр!

Елкасига шол рўмол ташлаган қумлик икки қиз чинқириб кичқириб ёмғирда рақсга тушишади.

Қизлар.

Леополднинг чолвори

суст

Боғичи йўқ чолворда

Уйга қандай боради,

Уйга қандай боради?

Б л у м (*совуқ*). Сехрни барбод қилдинг. Сўнгги томчи. Агар фақат ҳавою заррадан бошқаси бўлмаганда, сиз оқ қизлару соқ қизлар ҳаммангиз қаерда бўлардингиз? Бир қараса, қочиб турасиз, бир қараса, қучиб турасиз, мисли эшак чоптиргани тургандек.

М а ж н у н т о л л а р (*улар япроқларидан кумуш нуқралар учиб кетмиш, қоқсуяк, заиф қўллар ожиз титрамишлар*). Хазон фасли!

П а р и й. Қандай разолат! Менинг номусимга тегинмок! (*Унинг либосида бир парча хўл доғ пайдо булади.*) Шаънимга доғ туширмок! Сен мусаффо аёл либосига қўл урмоққа ноллойиксан. (*Унинг қўли либослар қатида ненидир тутади.*) Аммо шошмай тур. Ошиқона қўшиқлар айтмагайсан энди, шайтон. Омин. Омин. Омин. Омин. (*У тақводор валломат либосида қўйнидан ханжар чиқариб, унинг қорнига уради.*) Некум! Йўқ бўл!

Б л у м (*сақраб туриб, унинг қўлини тутади*). Хей! Небракада! Худди мушукдай чайир! Ҳалол бўлсин, бегойим! Пичоқни қўйинг. Тулки ва узум, тўғрими? Тиканли сим сизга камлик қилдими? Хоч жуда мўртми? (*Унинг чодра пардасини тортади.*) Сенга ким керак ўзи, ҳазрат аббатми, ё чўлоқ боғбон Брофими, ё сув ташувчининг қурук хайкали, ё меҳрибон онахон Алфонс, ё биродари азиз Лисми?

П а р и й (*унинг қўлида чодрасини қолдириб қичқирганча қочади, унинг ганчи ёрилиб, ёриқлардан сассиқ ҳидлар тўзийди*). Поли...!

Б л у м (*унинг ортидан*). Сиз ўзингиз асло қўй оғзидан чўп олмагандек! Йирганиб нима қиласан, ўзинг бошдан-оёқ шилмишиқсан. Бу ҳақда мен баъзи бир нарсаларни биламан. Сизнинг бутун кучингиз бизнинг ожизлигимизда. Қаничи, биз, насл қолдирувчиларга қанча тўланади? Сиздан бочкасига қанча? Мен ўқиганман, сиз Риверада маъшукларингизга пул тўлар экан сизлар. (*Қочиб бораётган парий хўнграб йиғилайди.*) Ҳо! Мен ўн олти йилдан буён қулдай тер тўкаман. Хўш, суд менга лоақал беш шиллинг нафақа ажрим қилдими? Бошқаларни лакиллатинг, менга кетмайди. (*Исканади.*) Буниси тагин нима. Пиёз. Чирик. Олтингугурт. Чирк.

Унинг қошида Белла Коэн ҳозир булади.

Белла. Мени келаси гал таниб оласан.

Блум (*совуқ назар билан қараб*). Гули тукилибди, Дирдов қуй кўчкор бўламан дейди. Тишлари ликиллаб қолибди, тук чиқиб кетибди ҳар ёғидан. Ётиш олдидан хом пиёзни суртсанг, юзингнинг ранги очиларди. Бақбақаларни уқалаб йўқотиш мумкин. Кўзларинг ҳам тулки ўйинчоғингнинг кўзларидай хира, бўм-бўш, шишадай. Бошқа ҳаммасига шунақаси ярайверади. Баҳузур. Мен уч сумбали милтиқ эмасман.

Белла (*нафратомуз*). Рост, сен бўшсан. (*Унинг оёғи орасидан акиллаган товуш эшитилади.*) Фохрахт!

Блум (*нафратомуз*). Ўйинчоғингни олдин яхшилаб тозала, у ердан айғирингнинг шарбати чакиллаб томаётибди. Хашак олиб арт.

Белла. Биламан сени, реклама қилиб юрасан! Ахта отдан фарқинг йўқ!

Блум. Ўзинг кимсан, акабачча! Ҳамма иллат сенда!

Белла (*пианино томонга юз буриб*). «Саул»даги ўликлар маршини ҳозир ким чалади?

Зоя. Мен, сўгалларингизни эҳтиёт қилинг. (*Пианино олдига югуриб келиб, қўлларини чалкаштирганча клавишларни босади.*) Мушук томга ўйнагани чиқди. (*Аланглаб.*) А? Ким менинг мушукчаларим билан ошиқ-маъшук ўйнаяпти? (*Яна югуриб стол ёнига қайтади.*) Сенинг ҳамма нарсанг меники, менинг ҳамма нарсам ўзимники.

Китти норози қиёфада тишларини кумуш зар қовғоз билан қоплайди, Блум Зоя ёнига келади.

Блум (*мулойим*). Анави картошкани менга қайтариб бер, яхшими?

Зоя. Бу фант, фантга яхши нарса экан.

Блум (*тўлқинланиб*). Бу ўзи арзимаган нарса ахир, менга эса опамдан, бечора онагинамдан ёдгорлик.

Зоя.

Бу нарса менга керак,
Худо сўрар қайда у?
Сен айтасан менда йўқ —
Жаннатдан ҳайдар сени.

Блум. Уни кўриб эслаб юраман. Ёнимда юрса дейман.
Стивен. Бўлсин бўлмасин мана масала.

Зоя. Ол ана. (*Этагини кўтариб, сонларини очади, пайпоининг ёқасига ўраб қўйилган картошкани олиб узатади.*) Ким яширса, ўша топади.

Белла (*қовоғини солиб*). Бу нима қилиқ? Бизда варете йўқ. Пианинони синдириб қўйманг. Пулни ким тўлайди?

Пианола олдига келади. Стивен *чўнтагини кавлаб қогоз пул чиқариб унга узатади.*

Стивен (*бағоят, назокат билан*). Топган гул келтирур. Мен ҳурматли дублинлик зотларни ийдирдим. Маъзур тута-сиз, хоним. Ижозат этинг. (*Қалтираган қўли билан Линч ва Блумни нуқиб кўрсатади.*) Биз ҳаммамиз бу пойгада гаров ўйнаймиз, Клинк ҳам, Линк ҳам. Dans ce bordel ou tenons nostre etat¹.

Линч (*камин томондан овози чиқади*). Дедал! Унга фоти-ха бер менинг номимдан.

Стивен (*Беллага пул беради*). Тилла танга. Унга бердим.

Белла (*пулга, кейин Зоя, Флорри ва Киттига қарайди*). Сиз учта кизни хоҳлайсизми? Бизда ҳар бири ўн шиллинг туради.

Стивен (*жўшиб*). Юз минг узр-маъзурлар. (*Яна чўнтак кавлаб икки крон топиб унга узатади.*) Марҳамат қилинг, brevi manu², кўзим яхши кўрмайди.

Белла пулларни санаш учун стол ёнига боради, Стивен гўнғил лаб ўзи билан ўзи гаплашади. Зоя столга энгашади. Китти Зоянинг елкаси оша қарайди. Линч ўрнидан туриб картузини тўғрилайди ва Киттининг белидан қучиб бошини улар орасига олади.

Флорри (*ўрнидан туришга уринади*). Оҳ! Оёғим увишиб қолибди. (*Стол томонга чўлоқланиб юради, Блум ҳам шу ерга келади.*)

Белла, Зоя, Китти, Линч, Блум (*ҳаммалари ба-равар тез тез сўйлаб*). Манави жентльмен... Ун шиллинг... уч кишига тўлади... йўқ, тўхтанглар, бир дақиқа... жентль-мен алоҳида тўлайди... ҳей, қитмир?... вой... сен кимни қитиқ-лаяпсан... сиз бир кечагами ёки вақтинчами?... ким?... бу ёлғон, сизга айтсам... жентльмен ҳақиқий жентльменлардай тўлаб қўйди... ичкилик... Қачон эди ўн бир бўлгани.

¹ Бу шумшук уйда биз ўтириб қолдик (*франц.*).

² Кечиктирмай (*лот.*).

Стивен (*пианола олдида туриб нафратланиб қўл силтайди*). Ҳеч қандай шиша керакмас! Нима-нима, ўн бир? Жумбоқ.

Зоя (*этагини кўтариб ярим соверенни пайпоғига яширади*). Елкамизнинг яғирини чиқариб топамиз.

Линч (*Киттини кўтариб, столдан нари олади*). Кетдик!

Китти. Шошма-чи. (*Икки кронга чангал солади.*)

Флорри. Мен-чи?

Линч. Хуппа!

Уни кўтариб олиб бориб диванга босади.

Стивен.

Тулки куйлайди, хўроз учади.

Кўкда бонг чалинди

Ўн бир бўлибди

Қизнинг шўрлик жони қайга боради.

Учиб кетишдан ўзга

Чора йўқ энди.

Блум (*Белла билан Флорри ўртасига ярим соверенни столга хотиржам қўяди*). Шундайми, ахир. Қани-чи. (*Бир фунт қоғоз пулни олади.*) Учта ўнтадан. Ора очик.

Белла (*қойил қолиб*). Сизни лақиллатиб бўлмайди, эски юрган одамсиз. Ўпиб олгим келяпти.

Зоя (*Блумни кўрсатиб*). Уними? Хоҳлаган жойингга совун сурмай кириб кетади.

Линч *Киттини диванга итқитиб, унади. Блум қулидаги қоғоз пул билан Стивеннинг олдига келади.*

Блум. Бу сизнинг пулингиз

Стивен. Нега ундай? *Le distraît ёки ишсиз гадо. (Яна чўнтақларини кавлаб бир кафт танга чиқаради. Нимадир ерга тушади.)* Тушди.

Блум (*эгилиб ердан бир қути гугурт олиб унга узатади*) Мана.

Стивен. Люцифер¹. Ташаккур.

Блум (*мулоҳазакорлик билан*). Балки, пулингизни менга бериб қўйганингиз яхшидир сақлаш учун. Ортиқча тўлашнинг нима кераги бор?

¹ Бу ерда гугурт маъносида. Ўт сўраяпти.

Стивен (*бор пулини унга тутқизиб*). Олдин адолат қил, кейин саховат.

Блум. Шундай қиламиз, аммо бу ақлдан бўлармикни? (*Ҳисоблайди.*) Бир, етти, ўн бир, яна беш. Олти. Ун бир. Бунгача йўқотганларингиз учун мен жавоб бермайман.

Стивен. Нега хўрус? Нега ўн бир? Пропаракситон¹. Лессинг айтган: муҳими қотиб қолган ош.

Оч тулки. (*Ҳахолаб кулади.*) Хотинини кўмади. Балки уни ўлдиргандир.

Блум. Бу ерда бир фунт олти шиллинг ўн бир пенс. Чорагипи олиб ташласак, росмана етти фунт.

Стивен. Хеч қандай аҳамияти йўқ.

Блум. Шундайку я, аммо...

Стивен (*стол олдига келади*). Илтимос, сигарета беринг. (*Линч дивандан туриб столга сигарета отади.*) Шундай қилиб, Жоржина Жонсоннинг жони узилди ва никоҳдан ўтди. (*Стивен столдаги сигаретага қарайди.*) Муъжиза. Салонлар жодуси. Никоҳдан ўтти. Ҳим. (*У сирли, хаёлга ботган кўринади, гугурт чақиб, сигаретани ўт олдиришга тутинади.*)

Линч (*осмонга қараб*). Менга қара, агар гугуртни яқинроқ тутсанг, тутатсанг эҳтимол.

Стивен (*гугуртни кўзига яқин олиб боради*). Сиртлон кўзлари. Ойнак тақипи жоиз. Кеча синдириб кўйдим. Ўн олти йил аввал. Масофа. Кўзга ҳамма нарса ясси бўлиб кўринади. (*Гугуртни нари олади, у ўчади.*) Мия фикрлайди. Яқиндан-узокдан кўриниб турган нарсадаги ажралмас модаллик, (*сирли тумтайиб.*) Ҳм. Сфинкс. Абу Ҳавл. Ярим кечада бу махлукнинг елкаси иккита бўлиб қолади. Никоҳдан ўтти.

Зоя. Унга бир савдогар уйланиб, ўзи билан бирга олиб кетти.

Флорри (*бош силкиб*). Лондонлик мистер Агнер.

Стивен. Агнер. Тақдир. Лондондан тақдир, дунё гуноҳларига балоғардон.

Линч (*диванда Киттини қучоқларкан, қийқиради*). Donna nobis расет².

Сигарета Стивеннинг қўлидан тушиб кетади. Блум уни олиб каминга ташлайди.

¹ Ўқ, ўзак (*юнонча*).

² Бизга тинчлик ато эт (*лот.*).

Блум. Чекманг. Овқатланишингиз керак. Агар анов ярамас ит бўлмаганда. (*Зояга.*) Ейингга ҳеч нарса йўқми?

Зоя. Нима, қорни очми?

Стивен (*унга табассум билан қулини чўзиб, «Илоҳлар ҳалокати»даги қасамёд оҳангида хониш қилади.*)

Hangende Hunger
Fragende Frau,
Macht uns alle Kaput¹.

Зоя (*аламангиз*). Ҳамлет, мен отангнинг ҳиди бўламан! (*Унинг қўлидан тутайди.*) Мовий кўз барпо йигит, кел, қулинигни бер, бир фол очиб қўяй. (*Унинг пешонасига ишора қилиб.*) Ажин йўқ — ақл йўқ. (*Санайди.*) Икки, уч, Миррих — бу ботирлик. (*Стивен калласини чапқайди.*) Бола йўқ.

Линч. Қўй ичида кўчқор. Қўрқув нималигини билмайдиган бола. (*Зояга.*) Ким сенга фол очинини ўргатган?

Зоя (*унга ўғирилиб*). Бунга катта момонгдан сўра. (*Стивенга.*) Мен башарангдан биламан. Кўзлари мана мундай. (*У бошини эгиб, пешонасини тириштиради.*)

Линч (*кула кула Киттининг орқасига икки марта шаппатилайди*). Жаҳли чиқиб, қамчи сўқиб.

Икки бора қамчининг қарсиллаган овози эшитилади. Пианоланинг қопқоғи қаттиқ отилиб кетади ва у ердан ота Доланнинг кичкина думалоқ тепакал боши худди ишша ичидан чиққан ажинадай сакраб чиқади.

Ота Долан. Ким бу ерда қамчи хоҳлаб қолган? Ойнагингни сиңдириб қўйдингми? Кичкина дангаса ёлғончи. Кўзингдан биламан.

Пианола тобути ичидан ректор Жон Коппининг раҳмдил, кўнгулчан, ҳукмфармо, таънаомуз калласи кўрилади.

Ректор Жон Коппи. Хўб айттингиз-да, ота Долан. Хўб айттингиз. Ишончим комилки, Стивен — яхши бола.

Зоя (*Стивеннинг кафтини кўздан кечираркан*). Аёлча қўл.

Стивен (*пичирлаб*). Гапир-а гапир. Ёлғонла. Мени кучоқла. Мени эркала. Мен ҳеч Худонинг хатини ўқиёлган эмасман. Фақат унинг бошималдоғининг пикша балиғидаги дактилоскопияси бундан мустасно.

¹ Сизгувчи очлик, терговчи хотин гўрга киритар бизни (*нем.*).

Зоя. Қайси кунда туғилгансан?

Стивен. Пайшанбада. Бугун.

Зоя. Пайшанбанинг боласи — узоққа етар қораси. (Унинг қўлидаги чизиқларни кузатиб.) Тақдир чизиги. Обрўли дўстлар.

Флорри (кўрсатиб). Тасаввур.

Зоя. Ой бўртиғи. Сенга дуч келади... (Бирдан кафтга қаттиқ тикилиб.) Ёмонликни гапириб ўтирмайман. Ёки барибир билишни истайсанми?

Блум (унинг бармоқларини четга суриб ўзининг кафтини очади). Фойдасидан зиёни куп. Мана менинг қўлимни ўки.

Белла. Қани, кўрсатинг-чи. (Блумнинг қўлини узига тўғри-лаб.) Ўзим ҳам билгандим. Бўғимдор бармоқлар, хотинбоз.

Зоя (Блумнинг кафтини кўради). Панжара Узоқ денгиз сафари. Хотини пул.

Блум. Тўғри чиқмаяпти.

Зоя (жонланиб). Оҳа, кўрдим. Калта жимжилоқ. Сенинг курк товуғинг сени ёмон чўкилабди. Яна тўғри чиқмаяптими?

Бўр доира ичида тухум босиб ўтирган катта қора товуқ ўрнидан қўзғалади, қанотларини қоқади ва қақағлайди.

Қора товуқ. Қуд қуд қудо қо-қ-қо-қоо. (Тухумидан ёнбош-лаб узоқлашиб, лапанглаб кўздан жойиб булади.)

Блум (қўлини кўрсатиб). Чандиқ бу бахтсиз ҳодиса. Йигирма икки йил аввал йиқилиб тушиб, қўлим ёрилган. Ўшанда ўн олти яшар эдим.

Зоя. Кўраётирман, деди кўр. Қизикроқларини айт бизга.

Стивен. Кўряпсанми? Ягона улуғ мақсад сари боряпти. Мен ҳам йигирма иккига кирдим. Ўн олти йил илгари мен йигирма икки ёшимда йиқилиб тушдим, йигирма икки йил аввал у ўн олти ёшида минган отидан қулади. (Юзини буриштириб.) Қўлимнинг бир жойи синди. Тиш дўхтирига бориш керак. Пул чи?

Зоя билан Флорри пичирлашади. Блум қўлини тортиб олиб стол устида тескарисига қийшайтириб, ажи-бужи қилиб нима ларнидир ёзади.

Флорри. Нима-нима?

Сағриси йилтираб турган байтал қўшилган уч юз йигирма тўртинчи сонли кеб файтон гулдираб ўтиб боради, эгарда Жеймс Бартон (Хармони-авеню. Доннибрук). Ўриндиқларда Буян Бойлан ва Ленехан ялпайишган. Файтоннинг орқасида «Ормонд» нинг хизматчиси жойлашган. Дарнардалар оша Лидия Дус билан Майна Кеннеди юқорига маъжос боқадилар.

Хизматчи (*оёқ учида сакраб, уларга бурнининг учини кўрса тади*). К-кимм-ни қ қатин қ қичи-ди қааати қичиидни-ей!

Бронза ва олтин пичирлашади.

Зоя (*Флоррига пичирлаб*). Пичирлаб айт. (*Пичирлашини давом эттиришади.*)

Буян Бойлан кеддан ташқарига осилади, унинг нафис со мон шляпаси чаккасида қийшайган, оғзида қизил гулни тишлаб олган. Денгизчилар шапкасини бошига илган, оқ туфли кийган Ленехан Буянинг костюми елкасидан узун соч қилини ялтоқланиб олади.

Ленехан. Оҳо-ҳо Буни қаранг! Бирон ўргимчакнинг иини ни буздингми, нима бало?

Бойлан (*қорни туқ одамдай иршаяди*). Товуқнинг пати-ни юлдим.

Ленехан. Кечаси тер тукибсан-да.

Бойлан (*тирноқлари калта бармоқларини ёзиб, кўзини қисади*). Буянга яраша мол. Ё энг олий сифатли бўлиши керак, ё пулни қайтар. (*Кўрсаткич бармони билан унинг бурнига нуқади.*). Қани, бир хидлаб кўр-чи, мана.

Ленехан. (*кулиб эгилади*). Умм! Қаймоқ! Қаймоқ! Умм!

Зоя ва Флорри (*баравар хахолашади*). Ва-ха-ха ха!

Бойлан (*ерга шахдам сакраб тушиб, ҳаммага эшиттириб баланд овоз билан чақиради*). Хей, Блум, бормисан! Миссис Блум кийиниб бўлдим?

Блум (*хизматчиларнинг қорамтир мовий плюш либосида, калта иштон, сариқ пайпоқ ва упаланган парикда*). Чамаси, ҳали тайёр эмаслар, сэр. Пардоз-андоз дегандай...

Бойлан (*унга олти пенслик тангани отади*). Бирон нарса ичарсан, (*шляпасини бетисандлик билан Блумнинг пешонасидан ўсиб чиққан кийик музизига илади.*) Мени олиб чик. Хотининг билан қиладиган андак ишимиз бор. Тушундингми?

Блум. Ҳа, сэр. Ташаккур, сэр. Твиди хоним ваннада чумилаяптилар, сэр.

Мэрион. Бу унга кўрсатилган катта хурмат. (*Сувни ўйин қароқлик билан шалоплатиб кўкрагини чиқаради.*) Раул, кел буёққа, жоним, елкамни ишқалаб кўй. Ойим Ҳавводай шир яланғоч ўтирибман. Бошимда янги шляпаму қўлимда чўткам.

Бойлан (*хурсанд бўлиб, кўзлари ёниб*). Э, ўргилсин!

Белло. Нима-нима? Нима гап? Зоя унинг қулоғига шивирлайди.

Мэррион. Майли, у қарайверсин, pishogue! Қўшмачи! Бур-
пиши тишласин! Мен қамчисидан қон томган бирон оймтилла-
га айтаман, е бўлмаса соқоли чиққан хотин Бортоломонегга хат
ёзиб юбораман, боплаб гулпидай қилиб шиширишсин, кейин
менга бунинг мухрланган ва қўл қўйилган қоғозини олиб келиб
кўрсатади.

Белло (*хахолайди*). Хо-хо-хо!

Бойлан (*Блумга елкаси оша қараб*). Тирқишдан қараб маз-
за қилиб томоша қилиб ўтир, хотин кишининг кўнглини олиш
қандай бўлишини кўрасан.

Блум. Раҳмат, сэр. Айтганингиздай қиламан, сэр. Мен яна
иккита ошнамни ҳам чақириб келсам бўладими, сэр? Улар ҳам
гувоҳ, ҳам суратга олишарди. (*Суриладиган малҳам солинган*
идишни узатади.) Мойуна керакми, сэр? Ёки пўртахол мойи?..
Иссик сув дегандай? а?..

Китти (*диванда ўтириб*). Айтиб бер, Флорри, айтиб бер.
У ерда нима...

Флорри унинг қулоғига шивирлайди. *Ишқ замзамалари ши-
вирлар, шитирлар, шириллар, пойма пой бижирлар, сўзлар*
пшч пшч шир шир чилч-чилч.

Майна Кеннеди (*жушиб кўзларини ола-кула қилиб*). Ох,
бу ёронгулнинг хидимикин ва ё шафтолининг! Ох, ҳамма ёғини
ўпяпти, эркалатяпти! Чирмашиб кетишди! Ох, кўмди бусаларга!

Лидия Дус (*дудоғи очилиб*). Чўлп-чўлп! Вой, уни қўлида
кўтариб хонани айланяпти, вой, нима қляпти уни! Таёғига
даст кўтарди! Вой, овози Парижга етти, Нью-йоркка кетти!
Оғзи тўла маймунжон, оғзи тўла қаймоқ.

Китти (*кулади*). Хи-хи-хи!

Бойлан овози (*майин ва ширин, хирқироқ ва бугиқ*).
Ўйх! Уўх! Бий-бий-лан! Ўҳибийлаан!

Мэррион овози (*наст ва лаззатли, хириллаган ва ғирил-
лаган*). Оох! Оҳва яянаа, яянаа оҳваа, оҳваа-яянаа?

Блум (*ўзини қаттиқ қисиб, кўзлари ит қопгандай ола-
йиб*). Четга! Ёп! Четга! Бопла! Бопла! Яна! Ур! Сол!

Белло, Зоя, Флорри, Китти. Хо-хо! Ҳа-ха! Хи-хи!

Лич (*кўрсатади*). Табиатнинг ойнаси!. (*Кулади.*) Ҳе-хе-
хе-хе!

¹ Шекспир. Ҳамлет. III, 2.

Стивен ва Блум ойнага қараб туришибди, ойнада Вильям Шекспирнинг кўса, худди тиришиб қочиб қолгандек башараси пайдо бўлади ва боз устига кийик мугузлари ҳамда даҳлиздаги кийим қозиқлари кўринади.

Шекспир (камолти жиддият билан нутқ ирод этади). Қаттиқ кулиш ақлнинг заифлигидан дарак берур. (Блумга.) Сен шундайчиқин кўзга кўринмайчиқин келмоқчи бўлдунг. Ол энди кўр. (У худди Қора ахта хўроз каби қичқириб кулади.) Ё Ёгаго! Қани маним Отелло ўлдириб қўйди-ку Суздимонани! Хо-хо! Ёгогого!

Блум (ойимтиллаларга ўқинч-аламли илжайиб боқиб). Қачон мен эшитгайман сизнинг шув-шув ҳазилларини?

Зоя. Улгурмайсан икки марта уйланиш ва бир марта хотинсенз қолишга.

Блум. Хатолар кечирилади. Ҳаттоки буюк Наполеон ҳам ўлимидан сўнг танасига мослаб кийим бичаётганларида...

Икки бети ва тугма бурни қайғули гуфтигўлардан, кўз ёшлару олий навли Херес майидан лоладай қизарган бева хотин миссис Дигнам бошига шляпачасини қийшиқ қўндириб, йўл йўлакай юзи, лаби ва бурнини бўяб, уна-элик сепиб кўча йўлка сидан шоша-пиша майда қадам ташлаб ўтиб боради, она оқ қуш бир гала оққушча жўжачаларини олдига солиб сузади. Дигнам хонимнинг этаги тагидан марҳум эрининг одми эски шими ва каттакон қийшайиб кетган бошмоғи кўришиб туради. У қўлида Шотландия беваларининг сўғурта полиси ва жуда катта гумбаз зонти кўтарган, зонти остига унинг барча жўжачалари жойлашган, чунончи, ёқа валангор, фақат битта оёғига бошмоқ илган ва қўлидаги чўчқа котлети солинган тугунчакни силкитиб сакраб-сакраб бораётган тирмизак Нэтси, ҳиқиллаган Фредди, оғзини қийшайтириб йиғлаётган Сюзи, укасини ликиллатиб кўтарган Элис бари шу Зонти остида. Дигнам ош уларни туртиб суртиб, шапатилаб юришга ундайди, унинг барча елканлари ва байроқчалари шамолда ҳилпирайди.

Фредди. Ойи, мунча мени судрайсиз?

Сюзи. Вой, ойижон, қистаб кетяпти, чидолмаяпман.

Шекспир (шол одамлардай ожиз қаҳр ғазабга миниб). Хожат ббааҳай бўлсин иккинчида.

Шекспирнинг кўса башараси Мартин Каннингемнинг серсо қол афти билан алмашади. Гумбаз зонти мастона чайқалади,

болакайлар бир четга қочишади. Зонт остида кимоно кийган, бошига қувноқ бева шляпасини илган миссис Каннингем пайдо бўлади. У тавозе қилароқ ёнлама юриб, сирғалиб, японларга ўхшаб буралиб эшилиб келади.

Миссис Каннингем (ашула айтади).

Шарқда ўзим ҳаммадан аъло.

Мартин Каннингем (унга доқайд қараб). Ажойиб! Бетийнқ қилпиллама!

Стивен. Et exaltabuntur cornua *justi*¹. Маликалар энг зўр букалар билан кўшилдилар. Пасифаяни эсланг, унинг кўнглини оламан деб, менинг қадим-қадим абаждодим энг дастлабки ихорхонани қурди. Хонимойим Гриссел Стивенсни ҳам эсингиздан чиқарманг, яна шунингдек, Лэмбертларнинг чўчкаёғи уруғини ҳам унутманг. Нух эса май ичиб қўйди. Ва унинг кемаси очилиб кетди.

Белла. Оғзингизни тийинг. Бу ерга ярашмайди.

Линч. Индаманг унга. У бизга Париждан келди.

Зоя (Стивеннинг олдига чопиб келиб уни қучоқлайди). Вой, ростми? Сен бизга парлфрансни ўргатасанми?

Стивен шляпасини бошига бостириб кийиб, бир сакраб камин олдига бориб қолади ва елкаларини кўтариб, қўлларини худди балиқ сузгичидай ёзиб, нотабий мерт табассум қилганча серрайиб туради.

Линч (диванни муштлаб). Прам прам прам прраммм.

Стивен (тез-тез ноаниқ гапириб, худди чизимчага осилган қўғирчоқдай лиқирлайди). Чўнтакни қоқловчи эрмаклар учун минглаб жойлар қўлқоплару ва яна алланимабалолару ва балки юракларини ҳам сотувчи ширин хонимойимлар билан гаштли кечалар пиволару сосискалар энг нозик талабчан дид-фаросатлилар учун мўлжалланган энг ажойиб хосхоналар ойимтиллалар бамисоли оппоқ пиллалар либослари фаройиб нақ маликаларга лойиқ канкан рақсига тушар ўйин худди масхарабоз килбўйин Париждан келмиш экан сочини ўрмиш экан аҳмонингни топибсан хорижликка ёпиш сан ўзи бўйдоқ боши тўмтоқ инглизча фўлдирайди гап билмайди чулдирайди ана сенга қил мазза оқизиб юбор тиззадан. Жентльменлар комилфо дезир

¹...ва такводорнинг шохлари ўсгай (лот.).

плезир келинг келинг визитэ бизнинг бунинг ҳаммаси ўлала-
ла ҳам дўзаху ҳам жаннат ўликка ёқинг шам суннат жентлмен-
лар сочар олтин бирон кеча олмас тин. Ана бизда энг зўри
буни дейди вери шокинг ким қўйибди сенга динни кулги қилиш-
ни мсье дунёга бир келибсиз роҳат қилинг тўлибсиз. Қиё-қиё
бокиб келар ана қанча ойимқизлар ясан-тусанни қилиб сўнг
барини итқитиб ечиб ташлашар қизиб, томошанинг зўри бунда
қаранг бир барзанги ёшгина ширингина роҳибани қилар ханги
кийимлари аллақанги. (*Тилини баралла такиллатади.*) Ўла-
лала-я! Се риф qu'ila!

Линч. Vive le vampire!²

Ойимқизлар. Қойил! Парлефрансе!

Стивен (*бошини орқага ташлаб, майнавозчилик қилиб, қаҳ
қаҳ уриб кулиб, ўз ўзига қарсак чалади*). Тўла ғалаба, ҳамма ку-
лади. Ойимтиллаларга ўхшаган фаришталару босқинчи зўравон-
лардай табаррук ҳаворийлар. Ярим кибор хонимлар кузларни яш-
натувчи ясан-тусан безакларда олмос, биллур тақинчоқлар
чиройлари ял-ял очилур. Ёки мсье ҳозирги замонавий ғаройиб
эрмакларни хоҳлайдиларми, кексалик ожизлик тушунарли ахир?
(*Алланималарни муболағадор қилиб ҳавода чизади; ойимқизлар
билан Линч беихтиёр унинг ҳаракатларини қайтарадилар.*) Ре-
зинадан ясалган, ҳақиқийсидан фарқ қилмайдиган аёл қоматини
бемалол томоша қилиш мумкин шундайинча кип-яланғоч кучоқ-
лаб ўпиш мумкин беш марта ўн марта. Жентльменлар кирсинлар
томоша қилгали, ҳамма ҳолатлар ойнада акс этар трапецияда ўйна-
гандай ундан кейин агар мсье хоҳласалар алоҳида ўйин ҳам бор
хайвон бир қассоб ана жигарни олиб чик-чик килур қорнига қўйиб
қуймоқ чўзур Шекспир пьесасидай, а-ҳа.

Белла (*кула кула ўлади, қорнига тинимсиз шапатилаб хан-
дон атади*). Қорнида... қуймоқ... Ҳа! Ҳо! Ҳо! Ҳо! Қоринда...
қуймоқ!.. Ҳо!

Стивен (*қичиқ ҳаракатлар қилиб*). Мен сени севади, ши-
рин сэр. Мен сенга англизчасига айтади, тушундими. О хай,
мен Loup³. Пул туланадими? Ватерлоо. Ватерклозет. (*Бирдан
бармогини юқори кутариб жим қолади.*)

Вой, унинг хартуми! (Франц.)

² Яшасин вампир! (Франц.)

³ Бўталоғим (франц.).

Белла (*хахолаб*). Қуймоқ...

Ойимқизлар (*ҳахолашиб*). Анкор! Анкор!

Стивен. Менга қараңлар. Тушимга тарвуз кирибди.

Зоя. Чет элларга бор, хорижлик қизлар билан ошиқ маъшук ўйна.

Линч. Ер қурраси буйлаб хотин қидириб...

Флорри. Тушлар тескари чиқади.

Стивен (*қўлларини олдинга чузади*). Мана шу ерда бўлганди. Ойимтиллалар маҳалласи. Серпентайн авенюда Велзувул менга уни, семиз бева хотинини кўрсатди. Қаерда тўшалган ўша алвон гилам?

Блум (*Стивеннинг ёнига келиб*). Менга қараң...

Стивен. Йўқ, мен учган эдим. Менинг душманларим тагимда қолди. Асрларча мангу. Дунёнинг охири йўқ. (*Кичқириб.*) Pater! Озодман.

Блум. Ахир эшитсангиз-чи...

Стивен. Отам руҳимни синдирур, а? О, *merde alors!*¹ (*Кичқиради. унинг чангалида тирноқлари ўтқирлашади.*) Ҳей! Оҳо-ҳо!

Саймон Дедалнинг овози гарчи уйқусираган булса да, дарҳол унга акс садо беради.

Саймон. Ҳамма ёқ тинч! (*Лочиннинг кучли қанотларида аста товсилланиб тушиб келади, кўкда давра солиб далда бериб қийқиради.*) Э-ҳей, хей, кичкинтой! Қалай, ютяпсанми? Ҳо-ҳо! Пуф-ей! Бу чалажонлар билан битта охурдамисан! Мен уларни ўн чақирим ёнимга йўлатмасдим. Бўшашма! Туғлар баланд кўтарилсин! Кумуш дала узра учаётган қизил бургут. Олстер тамғасози! Эҳе эҳей! (*югуриб бораётган овчи итлардай ақиллайди.*) Акак! Акваквакв! Ҳей, кичкинтой!

Ясситекислик буйлаб гулдор шохлар ва шўьлалар шиддат билан учади. Уйғониб кетган семиз тулки ётоғидан чиқиб, думини таёқ қилиб, ўз бувисини ерга кумиб буталар оралаб далага чопади, у кўзларини йилтиратиб хазонлар тағидан бўрсиқ уясини қидиради. Унинг кетидан овчи итлар галаси тумшуқлари ер искаб, иссиқ қонга ташнаком бўлиб тинмай чав чав қилиб югуради. Жамоанинг овчи эр ва овчи хотинлари гала билан бир жону бир тан бўлиб, жон олиш, қон тўкишига ошиқади. Олти

¹ Жин урсин, шундай бўлгач! (*Франц.*)

Чақирим Буруни, Флэтхаус, Тўққиз Чақиримдан худди булутдай пиедалар бостириб борадилар қўлларида ғудир кўзли шох бутоқлар, чангак-санчқилар, арқонлар, панишahalар, қамчи кўтарган чўпонлар, тосларни тарақлатган айиқ ҳайдовчилар, ингичка қиличли тореодорлар, машъаллар кўтарган оқ сочили занжилар. Вағир вуғур оломон ичида соққа уйин, танга ўйин, қайиш ўйинчилар, қиморбоз қартабозлар. Ўғрилар, айғоқчилар, ўйинга тикилган пулларни қабул қилиб олувчи, мунажжимларнинг учли тумоғини кийган букмекерлар қулоқни қоматга келтириб вағирлайдилар.

О л о м о н .

Пойгалар дастури! Пойгалар дастури!

Бирга ўн баровар!

Пул тикинг! Пул тикинг!

Бирга ўн, биттаси ҳисобмас!

Бирга ўн, биттаси ҳисобмас!

Пойга стол устида

Бахтингизни синанг!

Бирга ўн, биттаси ҳисобмас!

Беш юзгача тулайман!

Қани йигитлар!

Беш юзгача!

Бирга ун бераман!

Бирга ўн, биттаси ҳисобмас!

Чавандозсиз қора от финиш устуни ёнидан худди шарнадай югуриб ўтади, ой нурида унинг ёллари кўпиради, кўзлари ба мисли юлдуз. Унинг ортидан бошқалари депсиниб, олд оёқларини осмонга кўтариб боради. Булар қоқ суяк отлар: Тоғ, Мах сум Иккинчи, Мускат, Герцог Вестминстер ўқи, Зарба, Герцог Бофорнинг Париж улоғини олган Цейлони. Улар устида занглаган совутлар кийган миттилар эгарларда, эгарларда дикирлашади, сакрашади, дик-дик кўтарилишади. Орқада майда булдуруқ сочилгандай арзанда Шимол Хўрози, у қора терга ботган, вужудидан буғ кўтарилади, бу сариқ саман қирчанғини Гэррет Дизи миниб олган, унинг бошида сарғиш-оқ картуз, эғнида кўк камзул, еғлари зарҳал, жиловга маҳкам ёпишган, қўлида чавгон таёғи. Унинг қирчанғисини шпат билан оғриган оқ латта уралган орқа оёқларини депсиниб тошлоқдан йўртиб боради.

Зархаллилар жойи (майна қилиб). Ҳой, мистер, ях шиси ерга туш, отингни итар! Бир сакра! Зур бер! Кечасига етиб борасан!

Гэррет Дизи (*таёқдай тўғри, қотиб эгилмас бўлиб қолган бу киши уларга чавгон таёғини кутариб пўписа қилади, унинг тирналган башарасига почта маркалари ёпиштириб ташланган, мовий кўзлари машъал ёруғида чақнайди, бу орада унинг қирчанғиси тўғри йўртиб бораверади*). *Per vias rectas!*

Унинг ва шатталаётган қирчанғи оти алвастисининг ус тига челақ-тоғоралар, қўй гуштидан пиширилган, ичида сабзи, арпа, пиёз, шольюм, картошка бўлаклари сузиб юрган шўрва ни тунқаришади.

Яшиллар жойи. Хуб ажойиб кун бўлди-да, сэр Жон! Ажойиб кун, зоти олийлари!

Оддий аскар Карр, оддий аскар Комптон ва Сисси Кэффри ҳар бири ўзича қушиқ айтиб дераза тағидан ўтадилар.

Стивен. Чув! Оғайни, кўча-кўй шовқин!

Зоя (*қўлини кутаради*). Жим!

Карр, Комптон, Сисси Кэффри.

Юрак қурғур интилар

Эҳ, Йоркширнинг гулига...

Зоя. Яъни менга. (*Ҳовуч уриб.*) Ўйнайлик! Ўйнайлик! (*Пианола олдига югуриб келиб.*) Ким икки пенс беради?

Блум. Ким...

Линч (*қизга танга беради*). Ол

Стивен (*бармоқларини сабрсиз қасирлатади*). Тезроқ! Тезроқ! Қани менинг бахши таёғим? (*Пианино томонга интилиб, таёқчасини қўлга олади, тантанавор ўйин тушиб уч бора оёқларини тапирлатади.*)

Зоя (*дастакни айлантиради*). Ана шундай.

Музыка асбоби қутисига икки чақа танга ташлайди. Ол тин, қизил, нафармон чироқлар ёнади. Дигирчак аста айланиб, сузилиб вальс чалади, Маэстро Гудвин бошида кокилли парик, эғнида сарой либоси, унинг устидан эски енгсиз ёмғирпўш кийган ҳолда қўллари қалтираб, кўҳна қариялардай бели букилиб, хонадан юриб ўтади. Жимитдай бу одам бармоқлари йўқ таёқдай қўллари билан пианино чалишга ўтириб куйга

ҳамоҳанг тарзда аёлларча нафосат билан бошини қимирлатади, кокили ҳам шунга яраша тинмай лиқирлайди.

Зоя (пошнасини уриб айланади). Ҳйнанглар, ахир. Ичингизда биронта яроқли борми? Ким Ҳйнайди?

Ранг-баранг чироқлари пар пар ёнган пианола «Менинг йоркширлик севгилим» дебочасидаги вальсни чалади. Стивен таёғини стол устига ташлаб Зояни белидан ушлайди. Флорри билан Белла столни камин томонга суришади. Стивен Зояни қучиб ясама бир назокат билан хона ичида вальсга тушади. Блум бир чеккада туради. Зоянинг кўтарилган тирсагидан енги очилиб эмланган жойининг оқ таъғаси кўринади. Профессор Мажинни дарпардалар орасидан оёғини суқади, оёғининг учида баланд цилиндр айланиб туради. У чаққонлик билан цилиндрни бошига итқитиб кияди ва шу тариқа пўрим шляпада худди коньки учувчилардай хонани айланади. Унинг устида қизил қайтарма ёқали кулранг-мовий сюртук, крем тюлдан буйин рўмолча, ўртаси кенг қийилган яшил нимча, оқ буйинбоғ ва тик қотирилган ёқа, тор кўкимтир шим, лакланган бал туфли ва сарғиш қўлқоп. Ёқасида каттакон картошқагул. У деярли кўзга ташланмайдиган ҳассасини ҳар томонга айлантирадида, сўнг уни маҳкам қўлтиғига қисади. Чироғли бир ҳаракат билан қўлини кўксига қўяди, ҳар ёққа таъзим қилади, бармоқларини гул ва тугмачаларга тегизади.

Мажинни. Ҳаракат нафосати, ритм ва пластика санъати. На Левинстон ва на Леггет Берн хоним буни эпломмаган. Либослар кийиладиган балларни ташкил этиш. Қад-қоматни қўйиш дарслари. Катти Ланнер усули. Ана шундай. Менга қарашингизни сўрайман! Менинг хореографик талантим. (Енгил боларидай оёқларида менуэтдан учта на адо этади.) Tout Le monde en avant! Reverence! Tout Le monde en place!¹

Ҳйин охирлайди. Мазэстро Гудвин кўринар-кўринмас таёқ қўллари билан ҳамон куй чалганча бужмайиб кичраяди, жойиб бўлади, қуруқ ёмғирпушининг ўзи курси устидан сидрилиб тушади. Вальс оҳанглари янада баландроқ янграйди. Стивен билан Зоя енгил ҳаволаниб айланадилар. Олтин, пушти, нафармон чироқлар ярқ этиб ёниб, аста секин ўчади.

Пианола.

¹ Ҳамма олдинга чиқади! Таъзим! Ҳамма ўз жойига турсин! (Франц.)

Икки йигит олисларда

қолган

Ўз кизини сўйлайди...

Муюлишдан олтин сочли, чикка бел қўллари, нозик ва му саффо, тиниқ мовий либос кийган, енгил сандал шиптакдаги субҳидам соатлари пириллаб учиб чиқишади. Улар қўлларида ги арқончалар устидан сакрашиб чиройли рақсга тушишади. Улар ортидан каҳрабо-олтин тусдаги пешин соатлари чиқишади. Улар сочларига қадалган баланд тароқлари ярқиллаб, қўлларини баланд кўтарганча ойначалардан шўх сакраган, ди кирлаган шуълачаларни ҳар ён таратишиб, бир-бирларига хан дон хушон чирмашиб қўшиқ хониш қиладилар.

Мажинни (ҳарир қўлқопларда ҳовуч уриб). Carre! Avant deux! Равон нафас олинг! Balance!¹

Субҳидам ва пешин соатлари ўз жойларида турганча айла nib вальс тушадилар, ўз жуфтларига яқинлашиб, эшилиб бу ралиб таъзим қиладилар. Уларнинг орқасида йигитлари қўллари ни ёйдаи эгиб, кафтларини қизларнинг елкаларига қўядилар, сўнг яна қўлларини оладилар.

Соатлар. Сиз қўлингизни менинг...

Йигитлар. Мен сизга тегинсам майлими?

Соатлар. Ҳа, оҳистагина!

Йигитлар. О, оҳистагина!

Пианола.

Вой, ёримнинг беллари

мунча ингичка.

Зоя билан Стивен ўзларини эркин тутиб шитоб билан ай ланишади. Оқшом соатлари кечки соялар ичидан пала партиш лапанглаб чиқиб келадилар, улар сузилиб хумор боқадилар, ёноқларига андаккина хина ва ол бўёқлар суртилган. Улар қорамтир ҳарир либосда, кенг сиёҳранг енглари худди кўрша палакнинг қанотларидай кечки сарин елда ҳилпирайди.

Мажинни. Avant! Huit! Traverse! Salit! Cours de mains! Croise!²

¹ Чорси! Жуфт бўлиб олға!.. Тебранамиз! (Франц.)

² Олға! Буралиб! Кўндаланг! Таъзим! Қўлларни алмаштирамиз! Ўтиш! (Франц.)

Тун соатлари битта битта бўлиб буш жойларга ўтишади. Субҳидам, пешин, оқшом соатлари улар олдидан орқага чекинадилар. Улар ниқоб тутган, сочлари орасига ханжар суқилган, қўлларида сассиз қўнғироқчалар осилган билагузуклар. Улар бошларига чодирлар ёпиниб, ҳорғин таъзимда эгиладилар.

Билагузуклар. Хей эй! Эй-хей!

Зоя (*айлана туриб, кафтини пешанасига босади*). Оҳ!

Мажинни. Les tiroirs! Chaine de dames! La corbeille! Dos a dos!¹

Улар оҳиста муқом билан чирмашиб, нақшлар ҳосил қилиб, яна улардан чиқадилар, таъзим ясаб, тиз букиб, айланиб, шўрликларнинг бошларини айлантирадилар.

Зоя. Бошим айланиб кетди.

Стивенни қўйиб юбориб, курсига шилқ этиб ўтиради. Стивен Флоррини тутиб, энди у билан рақсга тушиб айланади.

Мажинни. Boulangere! Les ronts! Chevaux de bois! Escargots!²

Бир-бирлари билан чирмашиб, чекиниб, қўлларини алмаштириб тун соатлари ҳар бири бошқа бирининг ёйдай эгилган қўлига туташароқ ҳаракатчан бир ранг-баранглик ҳосил қилдилар. Флорри Стивен билан бирга ўнғайсиз депсиниб туради.

Мажинни. Dansez avec vos dames! Changez de dames! Donnez le petit bouquet a votre dame! Remerciez!³

Пианола.

Менимча, шундай жуда яхши,

Тарабум!

Китти (сакраб туриб). Вой, мана шу куйни Майрасдаги аргамчи ўйинда ҳам чалишган эди!

Стивеннинг олдига югургилаб боради. У Флоррини дарров ташлаб, бу қиз билан ўйинга тушиб кетади. Япалоққушнинг хириллаган чинқириқ товуши эшитилади. Улкан машина чи-

¹ Кичик доира! Хонимлар қўлма-қўл! Катта доира! Ўгириламиз! (Франц.)

² Новвой киз! Доиралар! Кўприклар! Уловлар! Чиганоқлар! (Франц.)

³ Ҳар ким ўз хоними билан! Хонимларни алмашамиз! Ҳар ким хонимга гулдаста беради! Йигитлар, хонимларга ташаккур билдирадилар! (Франц.)

йиллаб қарсиллаб ғичирлайди, улкан айлана арғамчи оҳиста хонани яна хона атрофида гир айлантиради.

Пианола.

Йоркширлик қиз бола.

Зоя. Бошидан-оёқ Йоркшир. Қани, қани, ҳамма ўйнасин! Флорри билан ўйинга тушади.

Стивен. Эркакча якка ўйин!

У Киттини Линчнинг қучоғига итариб юбориб, стол устидан шумтол ҳассасини олиб, ўйнайди. Ҳамма вальс гирдобида, ҳамма айланади, ўрғилади, чирмашади, учади Блумбелла. Кит тилинч, Флорризоря елимшак дирилдоқ хотинлар. Стивен ўзининг шляпаю ҳассаси билан ҳамманинг ўртасида дам қурбақа дай чалнак бўлади, дам оёқларини баланд кутариб ақл бовар қилмас дикирлайди, дам тишларини бир-бирига қаттиқ қисиб икки қўли билан белларини тутади. Отўйин машинаси чириллаб гулдираб жанг-жунг қилиб увиллаб зувиллаб акиллаб ириллаб айлангани айланган сариқ кўк мовий учқунлар отилгани отилган отлар олтин илонларга осилган уларга миниб ўтирганларнинг бутун ичак чавақлари сочилган фонданго сакраб ўт туртиб ўт оёғингни чўзиб ўт тур йиқил яна тур.

Пианола.

Менинг қизим — фабрикдан

Жуда одми кийинган.

Тўдалашиб учарлар ёнар порлоқ чироқлар ҳамма чарх уради ўкирибон қасирлабон увиллабон тўда бўлиб ағдарилар на рақлабон. Тарарабух!

Тутти. Анкор! Яша! Қойил! Анкор!

Саймон. Онангни ота-онасини эсла!

Стивен. Ўлим рақси.

Донг-дунг яна донг-дунг жаранглайди ходимнинг қўнғироғи, от, байтал, ҳукиз, тўнғизчалар, Кономи Христоснинг эшагини миниб олган, денгизчи қўлтиқтаёқ ва ёғоч оёқда қўлларини кўксига чалиштириб, гоҳ арқонни тортиб баҳрийларча ўйинга тушади вурт баҳрий. Тарарабум! Қирчанғиларда қўнғироқ осилган бўрдоқи чўқаларда отларда мечкайларда Корни тобутда пўлат акула бир қўлли тош Нелсон олхўри еб оғизлари кирла

ган икки ялмоғиз кампир болалар аравасидан отилиб чиқишар ҳеч нарсага қарамасдан. Эҳ, шайтон, ҳаммадан ҳам у ўктам! Кўк пилик бочкадан чиққан нэр ўқит. Лав кечки зиёфат ёлланган извошга тушган Буян етти букилган кўрлар велосипед ҳайдовчилар қор ушлаган Дилли одми кишинган. Зурға нафас олаётирман ҳозир йиқиламану ўлиб қоламан вице қирол билан қироличага ўхшаган эски бир жомашов юрак қурғур интилар оҳ воҳ ўлдим эҳ ўша шлепширлик гулоиймга. Тарарабум!

Жуфтлар тарқашар. Стивен айлана айлана ўзини тўхта толмайди, хона эса у билан бирга айланади. Кўзларини чирт юмиб, гандираклар бир одим отади. Олов излар маконларга йўл солар. Қуёшлар, юлдузлар ваҳшат ичра чарх урар. Олтин чивинлар девор бўйлаб гириллар. Стивен қоқилган қозикдек тек қотар.

Стивен. Хооп!

Озган, тузган, қоқсуяги қолган Стивеннинг онаси моховларнинг кўкиш либосида сўлиб қуримши гулчамбарда ва йиртилиб кетган никоҳ ҳарир румолида хонанинг поли тағидан кўтарилиб чиқади, унинг бурунсиз абгор башарасини қоронғи гурнинг могори босган. Сийрак сочлари тикка. Кўкимтир ҳалқа ичидаги бўмбўш кўз косаларини у Стивенга қаратмиш, тишлари тушиб кетган комини очмиш ва неларнидир сассиз-садосиз сўйламиш. Бокира қизлар ва изҳорхонлар овоз чиқармай хониш қилурлар.

Хонишчилар.

Liliata rutilantium te

Libilantium te confessonum...

virginum...

Буқа Маллиган масхарабознинг сариқ аралаш қизил ранго ранг либосида, қўнғироқчали ҳазилвон қалпоқча кийган ҳолда қўрғон тепасида тураркан, қўлида бўрсиллоқ пон ва саримойи тутиб Стивеннинг онасидан кўзини узмайди.

Буқа Маллиган. Унинг жони узилган. Қандок ачинарли! Маллиган қайғули ғамбода онани қарши олгай. (Кўзларини ола-кула қилиб кўкка қарайди.) Шалдир-шулдир Малахия!

Она (ўлимнинг нозик ва телба табассуми билан). Мен илгари гўзал қиз Мэй Гулдинг эдим. Мен қазо қилдим.

Стивен (даҳшат ичида). Лемур, сен кимсан? Бу қандай мудҳиш ҳазил?

Буқа Маллиган (*қўнеуроқчасини жангиллатиб*). Кула-кула ўласан! Шўрпешона ит Клинк шўрпешона қанжиқ итни нариги дунёга равона қилди. Шўрлик тобутга тушди. (*Эриётган мой кўз ёш бўлиб унинг кўзларидан оқиб нон устига тўкилади.*) Бизнинг улуғвор ва мунис онамиз. Эпи ойнопа понтон.

Она (*Зах қоронғи гўрнинг чирик могор ҳидини нафаси билан оҳиста уфуриб Стивенга яқинлашади*). Бу барчанинг бошида бор, Стивен. Дунёда эркаклардан кўра хотинлар кўп. Сенга ҳам бу кун келади. Вақт-соати етади.

Стивен (*надомат, даҳшат, қўрқинч ичида ўртаниб*). Улар сени ўлдирган мен деб билишади, ойи. Анов киши сенинг рухинга тухмат қилди. Ахир бу рак-ку, мен эмас. Пешона.

Она (*оғзининг бир четидан кўкимтир саффо оқиб тушади*). Менга бу қўшиқни айтиб бергандинг. «Муҳаббатнинг аччиқ асрори».

Стивен (*ўлғудай ташна бўлиб*). Сен менга ўша сўзни айт, ойи, ҳозир агар эсингда бўлса. У ҳамма биладиган сўз.

Она. Сен Падди Ли билан Долки поездига сакраб чиққан оқшом ким сени қутқарди? Бегоналар ичида юриб жонингдан тўйганингда, ким сенга раҳм-шафқат қилди? Дуонинг куч-қудрати чексиз. Урсула аҳли панд-насиҳатларида азоб-уқубат чекаётган қалбларни дуо қилиш айтилади, қирқ кунлик тавба-тазарру буюрилади. Тавба қил, Стивен.

Стивен. Қонхўр арвоҳ! Илон-чаён!

Она. Мен у дунёда сени дуо қилгайман. Дилли кечқурунлари ақлий меҳнатларингдан сўнг сенга гурунч пишириб берсин. О, ўғлим, кўп йиллар сени севиб ардоқладим, тўнғичим, сени ўз бағримда кўтариб юрдим.

Зоя (*камин устида турган лавҳ билан елпиниб*). Мен эриб сув бўлиб оқаётирман.

Флорри (*Стивенни кўрсатиб*). Қаранглар! Унинг ранги оқариб кетди.

Блум (*ойна олдига бориб, уни кенгроқ очади*). Бошим айланди.

Она (*хира ёнган кўзлари билан*). Тавба қил! Жаҳаннам ўти!

Стивен (*оғир нафас олиб*). Мурдахўр! Чаноқ ва қонли суяклар!

Она (*унинг юзи яқинлашиб келиб, чириган ўлик нафасини уфуради*). Огоҳ бўл! (*Қуриб қорайган қўлларини оҳиста Сти*

веннинг кўксига яқинлаштиради, бармоғини олдинга чузади.) Огоҳ бўл! Худонинг амри! (Кўзлари қаҳрли ёнган яшил қисқичбақа қисқичларини кериб уларни Стивеннинг кўксига ботиради.)

Стивен (қаҳр-газаби тошиб, буғилиб). Қозурот! (Унинг юзи осилиб, кўкариб, сўлжайиб қолади.)

Блум (дераза олдида туриб). Нима бўлди?

Стивен. Ah non? Par exemple! Хаёл ўйинлари! Менга ё ҳаммаси, ё ҳеч вақо! Non serviam!²

Флорри. Тўхтанглар, унга сув берайлик. (Эшикдан ташқарига чиқади.)

Она (қўлларини аста синдириб, аламли инграйди). Ё Исо Масихонинг табаррук юраги, унга раҳм қил! Уни жаҳаннам азобидан қутқар, о табаррук юрак!

Стивен. Йўк! Йўк! Йўк! Ҳаммангиз қани менинг руҳимни синдириб кўринг-чи, қўлингиздан келарми! Мен барингни тиз чўктираман!

Она (ўлим талвасасида хириллайди). Худоё, мен учун Стивенга раҳм қил! Мен Қазо Майдонида видо йўлин тутганимда, қайғу, алам, муҳаббат азобин тотганимда, чексиз ғам гирдобига ботган эдим.

Стивен. Нотунг!

У иккала қўли билан ҳассани чангаллаб ушлаб бор кучи билан қандилга уради. Охирзамоннинг зангори алвон олови кўкка ўрлайди, сунг чўккан зулматда маконлар остин устин бўлади, ҳамма нарса ойна ва тош синиқларига дўнади.

Газ оқими. Пфук!

Блум. Тўхтанг!

Линч (Стивен томон ўзини отиб, қўлидан тутади). Хей! Қани, тўхта! Жинни бўлма!

Белло. Полиция!

Стивен ҳассани улоқтириб, боши ва қўлларини кескин орқага ташлаб, оёқларини ерга қаттиқ тираб хонадан эшик олдида турган қизлар ёнидан ташқарига учиб чиқиб кетади.

Белло (чийллаб). Ушла уни!

Икки ойимқиз эшик ёққа чопишади. Линч, Китти, Зоя ҳаяжонларини босолмай гаплашганча хонадан югуриб ташқарига чиқишади. Блум улар ортидан боради ю, кейин изига қайтади.

¹ Йўк, шунчаки, мисол учун! (Франц.)

² Йўк, хизмат қилмайман! (Лот.)

Ойимқизлар (*эшикда тудалашиб туришади, кўрсатишади*). Ана у ерда.

Зоя (*аниқроқ кўрсатиб*). У ерда. Хув ўша ерда нимадир бор.

Белло. Ким чироқнинг пулини тўлайди? (*Блумнинг этагидан тутиб*.) А-ҳа, сиз у билан бирга эдингиз-ку. Чироқ синди.

Блум (*дахлизга югуради, яна орқага қайтади*). Яна қанақа чироқ, ҳей хотин? Ойимқиз. У кийимини йиртди.

Белло (*бармоғини нуқади, кўзлари қаҳр-ғазабдан ёнади*). Мана манавинга ким тўлайди? Ун шиллинг. Сиз гувоҳсиз

Блум (*Стивеннинг ҳассасини қўлига олади*). Менми? Ун шиллингми? Нима, сиз уни бошлаб қоқламадингизми? У ахир...

Белло (*бақириб*). Майли, гап сўкиб нима қиласиз? Бу ер каптархона эмас. Бу ернинг баҳоси ун шиллинг.

Блум (*настдан чироққа қараб, чизимчасини тортади. Газ чирсиллаб ёниб қийшайган пушти, оқиш абажурни ёритади. Ҳассани кўтаради*). Фақат шиншаси синибди. У мана бундай...

Белло (*ўзини ортга ташлаб чинқиради*). Вой худойим! Керакмас!

Блум (*ҳассани туширади*). У абажурни қандай урганани кўрсатмоқчийдим. Беш пенслик ҳам зарар етмаган. Ун шиллинг дейсиз!

Флорри (*бир стакан сув кутариб киради*). А қани у?

Белло. Нима, полиция чақирайми?

Блум. А, буни биз биламиз. Ўзи кўриқчию сизга қўшиқчи. Аммо бу йигит Тринитининг студенти. Сизнинг энг бопта миждозларингиздан. Бу жентльменлар яхшилиқни унутишмайди. (*Масонларга хос ишора қилади*.) Бунинг нималиги сизга маълумми? У вице-канцлернинг укаси. Сиз жанжал чиқишини хоҳламасангиз керак?

Белло (*саркашлик қилиб*). Тринити! Қайнқ пойгасидан кейин бу ерга шўхлик қилгани келишади-ю, пулини тўлашмайди. Сиз нега бунда хўжайинлик қиласиз? Қани у? Устидан шикоят қиламан! Шармандасини чиқараман! (*Чақиради*.) Зоя! Зоя!

Блум (*ўз сўзида туриб*). Агар бу сизнинг Оксфордда ўқийдиган ўғлингиз бўлганда-чи? (*Таҳдид билан*.) Мен биламан, ахир.

Белло (*бир зум лол бўлиб*). Э сиз ўзи кимсиз? Хуфяйми? Зоя (*эшикда*). Кўчада жанжал бўляпти.

Блум. Қаерда? Нима бўпти? (*Стул устига бир шиллинг ташлаб чиқиб кетмоқчи бўлади*.) Қаерда? Манави сизга шиншангиз учун! Мен тоза ҳаво олишим керак!

Шошиб ташқарига чиқади. Ойимқизлар кўрсатишади. Флорри қийшайган стаканинг сувини оқизиб унинг орқасидан боради. Зинапоя устида барча ойимқизлар тўдалашиб вағирлашиб, туман тарқалаётган ўнг томонни кўрсатишади. Сўл ёқдан бир арава қўнғироқларини жириглашиб келиб уй олдида тўхтайдди. Блум эшик ёнида турганча Корни Келлехер келганини пайқайдди, у ерга тушмоқчи бўлиб туради, ёнида икки жалатой ҳамроҳи ҳам бор. Блум четга бурилади. Даҳлиз ичкарасидан Белла қизларни бўшаשמасликка ундайдди. Ойимқизлар қайноқ ширин янгроқ чулп-чулпларини ҳаволаб ҳаёда этишади. Корни Келлехер ҳирсу ҳаво билан иршайиб уларга жавоб қайтаради. Индамас жалатойлар аравакашга ҳақини тўлашади. Зоя билан Китти ҳамон ўнг томонни кўрсатиб туришади. Блум эса ҳиндуларнинг пончоси (кигизпўши) ва халифаларнинг ёпинчиғини устига ташлаб ўраниб, башарасини яширганча улар ёнидан настга чопиб тушади. Бами соли хуфя Хорун ар Рашид. У индамас жалатойларнинг орқасидан ўтиб, қоплонча енгил одим отиб панжара ёқалаб боради, унинг ортидан йиртиқ пайтаваларнинг арпабодиён ҳиди таралади. Шумтол ҳассаси қадамларига ҳамоҳанг тўқиллайди. Эски туссиз чолвор ва итбоқарлар қалпоғини кийган тринитилик Хорнблоуэр қамчинни чарс чарс уриб исковуч итларни узоқдан ҳайдаб бошқариб боради, итлар галаси из олиб, тинмай акиллаб тилини осилтириб ҳансираб нафас олиб, изни йўқотиб, у ёқдан-бу ёққа санғиб, етиб олай деб, товони, этакларини тишлаш пайида бўлади. У қулоқларини қисиб, югуради, изини чалкаштиради, жони ҳалқумига тиқилганча чопиди. Унга тош, шағал, косов, карам, турли қутилар, картошка, тухум, сасиган балиқ, аёлларнинг тиртиқ-сиртиқ туфли, кийим бошларини отишади. Унинг кўриниб турган изидан шовқин сурон солиб, ҳуштаквозлик қилиб чарх уриб оёқларини қўлларига олиб бир издиҳом Ҳаллослайди, булар: кўча соқчилари 65 С ва 66 С, Жон Генри Ментон, Узидом Хили, В.Б. Диллон, Маслаҳатчи Наннетти, Алессандро Ключчи, Лалли О'Рурк, Жо Кафф, миссис О'Дауд, Секун Берк, Нишонсиз миссис Риордан, Фуқаро, Гарриоун, Тотсзо бом, Қайдакўрдим, Учрашмаган, Кимгадир ўхшаган, Эсим дайўқ — ўлайагар, Крис Каллинан, сэр Чарлз Камерон, Бен жамин Доллард, Ленехан, Бартелл Д'Арсиди, Жо Ҳайнс, Сарик

Мерри, ношир Брайден, Т.М. Хили, жаноб судья Фицгиббон, Жон Хауард Парнелл, мухтарам Консер ва Б'Акра, профессор Жоли, миссис Брин, Дэнис Брин, Теодор Пюрфой, Майна Пюрфой, Уэстленд роу почтаси хизматчиси, Ч.П. Маккой, Лайонснинг ошнаси, Ниначи Холохан, Куча одами, Бошқа куча одами, Ботинка, Танқабурун ҳайдовчи, Бой протестант хотин, Дэви Берн, миссис Элин Макгиннес, миссис Жо Галлахер, Жорж Ли дуэлл, қадоқ қўлли Жимми Генри, бошқарувчи Лейреси, ота Каули, Божхона идорасидан Крафтон, Дэн Доусон, омбирлари билан тиш дўхтир Блум, миссис Боб Дорен, миссис Кенфик, миссис Уайз Нолан, Жон Уайз Нолан, Клонски трамвайида салмоқли тўшига тирғилишиб суркалишган чиройли эри бор хоним, «Гуноҳ Латофатлари»ни сотувчи, мисс Дюбеда, Жералд Морен хоним ва Ребекдан Станислаус Морен хоним, Дримминг катта хизматчиси, полковник Ҳейс, Мастянский, Цитрон, Пенроуз, Арон Фигфурт, Моше Герцог, Майкл Э. Герати, нозир Трои, миссис Гэлбрейт, Экклс стрит чорраҳасидаги конс тебл, стетоскоп кўтарган кекса доктор Брэди, қумлоқ соҳилдаги сирли нотаниш киши, дайди лайча, барча жазманлари билан бирга миссис Мириэм Дэндрейд.

Хуштаквозлик (бақирчақурурүйиқит). Ҳов ана, Блум! Ушла Блумни! Ушлаб Блумни! Тут ўғриши! Хой! Хой! Муюлишда ушла!

Блум ҳаллослаб келиб Бивер-стрит муюлишидаги оғочлар остида кўрдик, шовқин-сурон оломон, билмай нима ўзи бу бошоломон ва кимга етгай шармандалик беомон ва ҳей, ҳей, қаранглар-чи, чикмайдими зўр ур-тўполон! — деб тўхтайти.

Стивен (жуда чуқур ва ниҳоятда секин нафас олиб, шу билан бирга ўз хатти ҳаракатларини кузатиб). Сиз менинг меҳмонларимсиз. Чакирилмаган. Георгларнинг бешинчиси ва Эдуардларнинг еттинчисининг амру иродаси била. Айбдор тарих. Хотира оналарининг масаллари.

Оддий аскар Карр (Сисси Кэффрига). Нима, у сени ҳақорат қилдими?

Стивен. Мен уни атов йўсинида чакирдим. Тушум келишиги. Қараткич эмас.

Овозлар. У сўккани йўқ. Ойимтилла ёлғон айтяпти. Бу йигит Коэншида эди. Нима бу шовқин? Аскар бола шунақа қиладими?

Сисси Кэффри. Мен аскар болалар билан айланиб юрган эдим, улар чеккароққа ўтишди, биласиз-ку, улар нима қилишини, шу пайт бирдан манави йигитча ўралашиб қолди. Мен ким билан кетган бўлсам, шу билан кетдим, мен лафзимда тураман, бир шиллинглик киз бўлсам ҳам.

Стивен (*Линч ва Киттини бошидан таниб қолади*). Саломлар сенга, Сизиф. (*ўзи ҳам атрофдагиларни курсатиб.*) Шоирона. Неошоирона.

Овозлар. Лафз қилади кимга.

Сисси Кэффри. Мен уни нима қиламан. Мен аскар бола билан эдим.

Оддий аскар Комптон. Бу илоннинг қулоқ чаккасига солайми а? Гарри, сол афт-башарасига!

Оддий аскар Карр (*Сиссига*) Биз ҳожат бўшатаётганда, у сенга тегишдимиз?

Лорд Теннисон (*инглиз байроғи рангидаги куртка ва крикет ўйинига кийиладиган шимда, яланг бош, соқоллари ҳилтираб*). Уларнинг вазифаси — гап сўқмаслик.

Оддий аскар Комптон. Сол башарасига, Гарри.

Стивен (*Комптонга*). Сизнинг исмингизни билмайман у, аммо сиз ҳақсиз. Доктор Свифт айтганларки, битта совутли одам одми кўйлақдаги ўн кишини уради. Бу ерда кўйлақ синокдоха, яъни кўчим. Бутуннинг бўлаги.

Сисси Кэффри (*оломонга*). Ҳа йўқ, мен манов аскарлар билан эдим.

Стивен (*илтифотли*). Бунинг нимаси айб? Аскар йигит шоввоз йигит. Мисол учун, мен шундай деб ўйлайманки, ҳар бир хоним...

Карр (*шапкасини қийшиқ қўндириб Стивеннинг устига боштириб боради*). Менга қара, хўжайин, ҳозир оғзинга бир туширсам, нима дейсан а?

Стивен (*осмонга қарайди*). Нима дердим? Бу жуда ёмон. Ўз-ўзини оқлашнинг олийжаноб усули. Шахсан ўзим зўравонликни ёқтирмайман (*Қўлини қимирлатади.*) Қўлим оғрийди. Enfin ce sont vos oignons.¹ (*Сисси Кэффрига.*) Қандайдир англашилмовчилик бўляпти бу ерда. Тушунтириброқ айт-чи ахир, нима гап?

¹ Хуллас, бу ишларни сиз бошладингиз (*франц.*).

Долли Грей (*балкондан рўмолчасини силкитади, иери хонлик қаҳрамон қизнинг ишорасини қилади*). Раав. Ошпазнинг ўғли, хайр энди. Доллига омон-эсон қайт Сени кутиб қолган машуқанг тушингга кирсин, у эса кўргай сени тушларида.

Аскарлар булашиқ кўзларини ола-кула қиладилар.

Блум (*тирсаклари билан йўл очиб, Стивенни шахд билан енгидан тортади*). Юринг, профессор, экипаж сизни кутмоқда.

Стивен (*ўгирилади*). А? (*Енгини бўшатади.*) Мен у билан гаплашмайми ёки бошқа биронта ясси куррамиз узра типпа-тик юриб турган махлуқ билан муомала қилмайинми? (*Бармоқ билан кўрсатиб.*) Мен мурожаат қилиш ёки куз билан кўриш мумкин булган кимсадан кўркмайман. Типпа-тик турган бўлса. (*Чайқалиб кетиб, орқага бир қадам ташлайди.*)

Блум (*уни тутиб қолади*). Ўзингизни ушланг.

Стивен (*бемаъни кулиб*). Оғирлигимнинг маркази бошқа ёққа кўчди. Бу оҳанжама ёдимдан кўтарилибди. Келинг, бирон ер топиб гаплашиб ўтирайлик. Ҳаёт учун кураш борлиқнинг қонуниятлари, аммо ҳозирги сулҳпарварлар ва айниқса чор подшоҳ билан инглиз қироли, қозиликка учинчи томонни тортишди. (*Пешонасига уради.*) Бироқ мана шу ерга келганда, мен руҳоний билан қиролни ўлдиришим керак.

Кушча сўзакча. Эшиттингизми, профессор нима деди? У коллеж профессори.

Тугмача Полли. Ҳа-ҳа. Жуда яхши эшиттим.

Кушча сўзакча. Унинг сўзлари жуда нозик ифодаларга бой.

Тугмача Полли. Ҳа, шундай. Бунинг устига ҳазил-мазахни ҳам бошлаб жойига кўяди.

Карр (*атрофдагиларни итариб олдинга чиқади*). Сен ҳозир менинг қиролимни нима дединг?

Арк остида Эдуард Еттинчи пайдо бўлади. Унинг устида оқ пахталик, унга Муқаддас Юрак, Божич, Кушқўнмас, Олтин тери ҳамда Дания Фильи нишонлари, Скinner ва Пробоин полкларининг тамгалари, Линколи адлия корпорацияси ва кўҳна мўътабар Массачусетс тўпчилар бригадасининг белгилари нақшланганди. Қирол қизил қант сўради. Эгнида энг олий камолотга етган ва Буюк Қадамжонинг энг улўф устаси унвонини қозонган Зот

нинг либослари, этаги ва курагида «Германияда ишлаб чиқарилган» деган ёзув босилган. Унинг чап қўлида «Defense d'uriner»¹ сўзи босма ҳарфлар билан ёзиб қўйилган сувоқчиларнинг челаги. Уни гулдурас олқишлар билан кутиб оладилар.

Эдуард Етти (оҳиста, тантанавор, аммо ноаниқ). Сулҳ, ҳақиқий сулҳ. Таниб олишларинг учун менинг қўлимда челақ. Салом, менинг йигитларим (ўз табааларига ўғирилади.) Биз бу ерга ҳалол ва адолатли олишувни кўриш учун тўпландик. Биз чин дилдан ҳар иккала муборизга омад тилаймиз. Маҳак мақар абак². (Карр, Комптон, Стивен, Блум ва Линчларнинг қўлларини қисиб қўяди.)

Умум қарсақлар. Эдуард Етти челақни назокат билан юқори кўтариб миннатдорлик билдиради.

Карр (Стивенга). Қани, яна бир айт.

Стивен (Асабийлашади, аммо ўзини қўлга олади, дўстона оҳангда сўзлайди). Мен сизнинг нуқтаи назарингизни тушунаман, гарчи худди мана шу дамларда шахсан менинг қиролим йўқ. Ҳозир патентланган дори-дармонлар асри. Бунда баҳс юриши жуда қийин. Аммо масаланинг моҳияти мана бундай. Олайлик, сиз ватан учун ўласиз. (Қўлини оддий аскар Каррнинг енгига қўяди.) Ўйламанг, сизга ўлим тилаётганим йўқ. Аммо мен шундай дейман: борсин менинг ватаним мен учун ҳалок бўлсин. Шу вақтгача у шундай қилиб келди ҳам. Мен унинг ҳалок бўлишини истамайман. Даф бўлсин ўлим! Яшасин ҳаёт!

Эдуард Етти (Исо қизиқнинг нурли гардиши ва либосларида ўликларнинг уюмлари узра ҳавода учиб чарх уради, шуъладор либосида оқ топук).

Даволашим менинг оддий

ва осон:

Очилгай кўрнинг кўзи қум

сочганим он.

Стивен. Қироллар ва каркидонлар! (Бир қадам орқага чеки нади.) Келинлар, бирон ёққа борайлик-да. Анов қиз ўзи нима деди?

Комптон. Ҳой, Гарри, уни нозик жойига бир бопла. Сук найзангни!

¹ «Пешоб қилиш тақиқланади» (франц.).

² Маккор отанг сен билан бирга (араб. бузилган).

Блум (*аскарларни юмшоқлик билан инсофга чақиради*). У нима деётганини ўзи ҳам билмайди. Хурмачадан ортиқ отиб қўйди. Заҳар-заққум. Кўзлари кўк аждаҳо. Мен уни биламан. У жентльмен, шоир. Эътибор берманг.

Стивен (*бош силкиб, қаҳ-қаҳ уриб кулади*). Жентльмен, юртпараст, олим ва қаллобларнинг қозиси.

Карр. Тупурдим унинг кимлигига.

Комптон. Тупурдик унга, ким бўлса ҳам.

Стивен. Уларнинг кўзига ёмон кўриниб қолдим, шекилли. Буқа кўк рангни кўргандай.

Кевин Иген Парижли попукли қора испанча кўйлак ва протестант жангарилари бош кийимида Стивенга турли ишоралар қилади.

Кевин Иген. Bonjour! Бу vieille ogresse с dents jaunes.

Унинг елкаси оша товушқон башарали Патрис Иген мўралайди, у беҳи япроғини чайнаб туради.

Патрис. Socialiste!

Дон Эмил Патрицио Франц Руперт Поуп Хеннесси (*устига иккита учиб кетаётган ёввойи гоз сураги чизилган ўрта асрлар совути ва дубулъасини кийган ҳолда сипарга ўралган қўллари билан олийжаноб қаҳрга миниб аскарларни кўрсатади*). Werf бу мишикиларни footboden, сўқимга ўхшаган булар rogos, жонбуллар, устига тўрва тўкилган todos булар¹!

Блум (*Стивенга*). Юринг уйга. Ишқал чиқадиганга ўхшайди бу ерда.

Стивен (*гандираклаб*). Мен четга чиқмайман. У менинг миямни ўртаяпти.

Кушча сўзакча. Ҳар қандай одам бир қарашда билиб олади — бу бола аслзодалардан.

Хунаса. Яшил кизилдан баланд эмиш, у шундай деяпти. Вулф Тон.

Қўшмачи. Қизил яшилдан ёмон эмас, ҳатто яхшироқ. Яшасин аскар болалар! Яшасин киролимиз Эдуард!

Безори (*ҳахолаб*). Хо-хо! Ҳамма таслим бўлсин!

Фуқаро (*қўлида тўқмоқ, жуда узун ва кенг шарфда*).

¹ Кўтариб ур... ерга (бузил. нем.); чўчкаларнинг барини (*исп.*).

ичак чавоқларини олади.) Мен машъум ишимни бажариб бўлдим. Худоё, қиролни паноҳингда асра!

Эдуард Етти (*шошмасдан бир маромда ўйнайди, мам нун хиргойи қилади, қўлидаги пақир шарақлаиди*).

Тож киярда ўйнаймиз,
Туида асло тинмаймиз,
Ичиб-ичиб тўймаймиз!

Оддий аскар Карр. Хей сен. Менинг қиролимни нима деб айттинг?

Стивен (*қўлини юқорига кўтариб*). О, мунча чайнадинг бу гапни! Мен ҳеч нарса деганим йўқ. У ўзининг Британ империяси учун менинг пулим билан жонимни олмоқчи, фақат хо-хиш бошқа сабр-тоқат бошқа. Менинг пулим йўқ. (*Фаромуш ҳолда чўнтақларини кавлайди*.) Кимгадир бердим.

Оддий аскар Карр. Кимга керак арзимас пулинг?

Стивен (*кетмоқчи бўлади*). Қайга бош олиб кетсам, бу тийилмас золимлардан қутуламан, ким билади? *Са se voit aussi a Paris!* Нима қилибманки... Аммо муқаддас Патрик номига қасам ичаманки!..

Хотинларнинг бошлари битта ягона бошга айланади. Сал ладор замбуруғ устида ўтирган Тишсиз Кампиршо кўринади, бошида тўнтарилган қалпоқ, кўксиди ўлим гули, вабо қорап тирган картошка.

Стивен. А-а! Мен сени биламан, ялмоғиз! Хамлет, уч ол! Чўчкаларини еб қўядиган қари мечкай!

Тишсиз кампиршо (*олди ортига чайқалиб*). Ирландия-нинг муҳаббати, Нухот подшоҳнинг қизи, *alanna*². Уйимни бегоналар босди, ҳеч ким уларни кучок очиб қарши олмас! (*Худди бахши каби ув тортади*.) *Ochone! Ochone!*³ Бой кўнғиз! (*Инграб, нола қилиб*.) Сен Ирландияни кўрдинг, унинг аҳволи печук?

Стивен. Сенга қандай чидаяпман, мендан шуни сўра. Шўрлик кўзбойлагичлар! Муқаддас салосанинг учинчиси қани? *Soggarth Aroon?*⁴. Ҳазрат Қарғагажир?

¹ Парижда ҳам ахвол шундай (*франц.*).

² Болагинам (*ирл.*).

³ Дод! Дод! (*Ирл.*)

⁴ Шонли руҳоний (*ирл.*)

Сисси Кэффри (чийиллаб). Ажратинг уларни!

Безори. Бизникилар қочяпти.

Оддий аскар Каар (камарини маҳкамроқ тортиб).
Менинг ҳилпираган киролимга қарши ким бир сўз айтса, бўйини
ни қайираман!

Блум (ташвишланиб). Лекин у ҳеч нарса демади. Бир оғиз
хам Англашилмовчилик бўляпти.

Фуқаро. Erin go Bragh!¹

Майор Твиди билан Фуқаро бир-бирларига тамға, нишон-
лари, ҳарбий ўлжалари, жароҳатларини кўз-кўзлайдилар. Бир-
бирларини қутуриб қутлайдилар.

Оддий аскар Комптон. Жағига ур, Барри! Кўзига
сол. Бу илон бурлар тарафдорн.

Стивен. Мешми? Қачон?

Блум (қизил мундирларга). Биз сиз учун Жанубий Африка-
да жанг қилдик, биз ирланд пиёдалари. Ахир бу тарихга кирма-
дими? Қиролнинг Дублин ўкчилари. Хукмдоримиз уларни тақ-
дирлаган.

Фабрика ишчиси (гандираклаб бу ердан ўтиб бора
ди). Ўҳ, шайтон! Ўҳ, вой шайтон! Ўҳх, сўкқуни шиллиб таш-
ла! Бақбақпақ!

Найзабардорлар совут-сипарларда найзаларининг учига
ичак-чавоқларни илдириб ғажир тўда бўлиб боради. Майор
Твиди Қаҳҳор турк каби шоп мўйлови қимирлаб, хўроз пати
қадалган айиқ қалпоқ кийиб, олтин ҳалли эполетлар тақиб,
барча қурол аслаҳаларини кўтариб, барча мукофот нишонла-
рини намоиш этароқ сафга туради. Саргашта эҳромий сар
боз сингари имо-ишоралар қилади.

Майор Твиди (қаҳрли ўкириб). Роркс Дрифт! Гвардия-
чилар, олдинда душман, олға! Магер-шелал хаш-боз².

Оддий аскар Карр. Ҳозир соламан!

Оддий аскар Комптон (оломонни четга суриб).
Ҳалол бўлсин. Илонни бирпасда қиймасини чиқарамиз.

Сон-саноқсиз оркестрлар «Гарриоун» ва «Худоё, қиролни
сақла»ни ижро этишади.

Сисси Кэффри. Ҳозир уришади! Мени деб!

¹ Ирландия то кнёматгача! (Ирл.)

² Талон шошар, ўлжа тошар (қад. яҳ.).

Тугмача Полли. Ботирлар парилар учун!
Қушча сўзакча. Чамамда қора валломат ушбу майдон-
да зўр жасорат курсатур.

Тугмача Полли (*қизариб*). О, йўқ оймқиз. Мен алвон
камзул ва шод-хуррам авлиё Георг тарафидаман!

С т и в е н .

Фоҳишалар чорлови тун чоғида

Кафан тўқир сенга, Ирландия.

Оддий аскар Каар (*камарини ечади, бўкиради*). Хил-
пираган илоннинг бошини янчаман, қани айтсин бир ёмон сўз
хилпираган қиролим шаънига!

Блум (*Сисси Кэффрини елкасидан тутиб силкитади*). Э,
айтинг уларга! Нима, соқов бўлиб қолдингизми? Ахир сиз —
халқлар халқаси, насллар боғлови! Гапир эй, хотин, сен эмас-
ми қутлуғ ҳаёт ҳадыя этгувчи!

Сисси Кэффри (*ҳаросон ичида аскар Каррнинг енгидан
тутади*). Сенга нима бўлди? Ахир мен сен билан биргаман-
ку? Мен эмасми сенинг маъшуқанг? Сисси сенга маҳрам. (*Ба-
қиради.*) Полиция!

С т и в е н (*Сисси Кэффрига қараб, жуш уриб*).

Йигитчага жоду кўз,

Ифлосланар каптарлар.

Овозлар. Полиция!

Олис овозлар. Дублин, Дублин ёняпти! Халойик, ёнғин!

*Кўкка кўкиш алангалар урлайди. Дуд тутун булутлари ай-
ланади. Оғир пулемётлар тариллайди. Пандемониум. Қўшинлар
саф тортади. Тақалар тақиллайди. Замбараклар. Хирқироқ буй-
руқлар. Жомлар чалинади. Бадмастлар бўкиради. Пойғада ўйин-
чилар вағирлайди. Ойимтиллалар чинқиради. Сиреналар увлай
ди. Жангари саслар. Ўлим ёқасидаги оҳ воҳлар. Найзалар со-
вутларга санчилади. Мурдорлар ўлганларни талайди. Йиртқич
қушлар денгизлардан келиб, ботқоқлардан кўтарилиб, тоғлар
дан шўнғиб, қийқира қийқира айланурлар, сув қушлари, қоравой
лар, калхатлар, қарчиғайлар, лойхураклар, лочинлар, қирғий миқ
қийлар, қарқурлар, сув бургутлари, чағалайлар, чорлоқлар, ёввойи
возлар. Ярим кечада чиққан қуёшни зулмат қоплади. Ер силки-*

нади, зириллайди. Шоҳйул ва Иероним тоғидан чиққан Дублин мурдалари бирлари оқ қўй пўстинида, бошқалари қора эчки пўстакларда бош уриб кўпларнинг кўз ўнгида намоён бўлурлар. Тубсиз қаър сассиз комин очур. Спорт либослари кийган бошқон Том Рочфорд умуммиллий тўсиқлар оралаб чопиш мусобақаси қатнашчиларига етакчилик қиларкан, ҳеч ерда тўхтамай шу югурганча тубсиз бўшлиққа сакрайдур. Бошқа югурувчилар унинг ортидан тўхтовсиз эргашурлар. Ақл бо вар қилмас алфозларда зулмат чоҳига кетурлар. Уларнинг жисмлари маҳв бўлур. Оҳанжама кийимлардаги фабриканинг қизгиналари қип қизил чўққа айланган йоркшир тарарабомбаларини итқитурлар. Ўзларини муҳофаза қилиш учун кибор хонимлар калта кўйлаklarини бошларига тортурлар. Қисқа алвон кўйлакдаги сеҳр-жодули қизлар хандон отиб узун супургиларда учиб борурлар. Квакерлистер пластир ва клистирларини кўюрлар. Аждаҳо тишлари ёмғир бўлиб ёғилур. Ундан сўнг далаларда қуролланган қаҳрамонлар кўкариб чиқишур. Улар Қизил Хоч валломатларининг шартли қутловларини бир-бир ровларига дўстона йўллайроқ узаро дуэль тортиб қиличбозликка киришурлар: Вулф Тон Генри Граттон билан чопишур, Смит О'Брайен Дэниэл О'Коннелл билан, Майкл Дэвитт Айзек Батт билан, Жастин Маккарти Парнелл билан, Артур Гриффит Жон Редмонд билан, Жон О'Лири Лир О'Жонни билан, лорд Эдвард Фицжералд лорд Жералд Фицэдвард билан, Водийдаги Донахю уруги аъзолари Донахюдаги Долинс уруги аъзолари билан сўғишурлар.

Курраи заминнинг марказидаги баландликда Авлиё Варваранинги кўчма меҳробини тиклаётурлар. Унда қора шамлар инжилий томонда ҳам, ҳаворий томонда ҳам туради. Минораларнинг юксак шинакларидан кўтарилмиш икки шўвлали найза тун билан ўралган қурбонлик тошига бориб санчилади. Унинг устида ақлсизлик илоҳаси миссис Майна Пюрфой кишанланган кўйи яланғоч ётади, табаррук май жоми унинг кўпчиган қорнидан жой олган. Ҳазрат Малахия О'Флинн тўқилган калта кўйлакда мурсакни тескари кийиб, икки сўл оёғини тақимини олдига қилиб, кўчма ибодатни адо этади. Санъат магистри ҳазрат Хю К. Хейнс Лав ридо ва университетнинг қора шляпасини кийган ҳолда боши ва ёқасининг олди-орқага қараб ибодатни бошқараётган Зот тепасига шамсия тутиб турур.

Ота Малахия О'Флинн. Introibo ad altare diabali¹.

Ҳазрат Ҳейнс Лав. Иблиски, менинг ёшлигимни хуррам қилур.

Ота Малахия О'Флинн (*табаррук жомдан май олиб, меҳмонга пешкаш этур, ундан эса қон томиб туради*). Cognus meum².

Ҳазрат Ҳейнс Лав (*ибодатни бошқарувчининг калта кўйлаги этагини юқорига баланд кўтариб, унинг бузариб жун босган думбасини кўрсатади, улар орасида солинчак осилиб турур*). Менинг таним.

Барча гуноҳкорлар саси. Орез, онмаллас идлиратук агишра килхошдоп одух зимиббар ичвигрут битут инасран аммах.

Осмондан Адонаи овози.

Адонаи. Оруууууух!

Барча такводорлар саси. Зеро, ҳамма нарсани тутиб тургувчи Раббимиз Худо подшоҳлик Аршига кўтарилди, Салламно!

Осмондан Адонаи овози.

Адонаи. Хуууууудо!

Зарҳаллар ва яшиллар партияларининг тарафдорлари бир бирларидан қаттиқроқ бақиршишга ҳаракат қилиб «Рим Папа сига тепки» ва «Ҳар дам шарафла Марияни» деган қўшиқларни ижро этишади.

Оддий аскар Каар (*ваҳшат билан ҳар бир сўзини дона-дона қилиб*) Ҳилпираган башарангга соламан! Илоннинг қанжиқ битлики бошини ҳилпираган янчиб ташлайман!

Тишсиз кампиршо (*Стивеннинг қулига ханжар тутқизади*). Йўқот уни, acushla³. Соат 8.35 да сен кукка чиқасан, Ирландия эса озод бўлгай. (*Ибодат қилади.*) Ё раҳмдил меҳрибон Худо, уни қабул эт!

Блум (*Линч олдига югуриб*). Сиз уни ажратиб олиб кетолмайсизми?

Линч. У диалектикани, универсал тилни яхши кўради. Китти! (*Блумга*). Уни сиз олиб кетинг. У менинг сўзимга кирмайди.

¹ Иблисининг қурбонгоҳига яқинлашгайман (*лот.*).

² Менинг танам (*лот.*).

³ Бу ерда: жоним (*ирл.*).

У Киттини олиб кетиб қолади.

Стивен (Уни кўрсатиб). Exit Judas. Et Lagueo se suspendit¹.

Блум (Стивенга югуриб). Тезрок кетайлик. Ҳозир баттар бўлади. Мана, таёғингиз.

Стивен. Таёқ, йуқ. Ақл. Бу пок Ақлнинг базми.

Сисси Кэффри (аскар Карри қулидан тортади). Кетдик, оёқда туролмаяпсан. У мени ҳақорат қилди, мен эса уни кечирдим. (Унинг қулоғига бақиради.) Кечирдим ҳақорат қилганини

Блум (Стивеннинг елкаси оша). Ҳа-ҳа, юринг. Кўриб турибсиз-ку унинг аҳволини.

Оддий аскар Карр (юлқиниб). Унга ҳозир кўрсатаман ҳақорат қилишни!

Мушт кўтариб Стивенга ташланади, унинг юзига уради. Стивен бир қадам ташлаб, чайқалиб йиқилади. Юзтубан қарахт бўлиб ётади, унинг шляпаси девор тагига тушади. Блум шляпани қўлига олади.

Майор Твиди (ўкиради). Карабинлар тасмага! Ут очини тўхтатилсин! Со-о-қ-чи!

Дайди ит (қаттиқ вовиллайди). Ов-ов-ов-ов ов!

Оломон. Турғиз уни! Ётганни урма! Ўзига келсин! Ким? Ҳа, аскарбола урди. У профессор. Ёмон уриптими? Тегма! У ҳушидан кетибди.

Дайди ит оломон атрофида ўралашади, исканади, қаттиқ вовиллайди.

Кампир. Аскарнинг нима ҳақи бор бировни уришга, яна ўзи ҳам итдай ичиб олган? Борсин бурлар билан урушсин!

Қўшмачи. Вой, сен қолувдинг буйруқ бермаган! Нима, аскар бола, энди қиз бола билан ўйнаб-кулмасинми? Анови дарров қочиб қолди, ҳаммани сотишга тайёр!

Кампир ва қўшмачи бир бирларига ташланишиб, сочларини юлишади, юмдалашади, башараларига туфлашади.

Дайди ит (вовиллаб). Ҳов-хов-хов ҳов!

Блум (уларни ажратиб, нарига суриб). Қочинглар, нари туринглар!

Аскар Комптон (шеригини тортиб). Ҳей, Гарри, юр кетдик! Фараонлар!

¹ Иуда чикди. Ва ўзини осди (лот.)

Бошлари ёпинчиқли икки барваста соқчи тўда ичига киради.

Биринчи соқчи. Нима бўляпти бу ерда?

Аскар Комптон. Биз манов оймқиз билан кетаётувдик, манов ҳақорат қилди ва шеригимни урди. *(Ит акиллайди.)* Э, кимнинг лайчаси бу тинмай акиллайди?

Сисси Кэффри *(қизиқсиниб)*. Вой, қони оқяпти!

Эркак *(тиззасидан туриб)*. Йўқ. Хушидан кетган. Зарари йўқ, ўзига келиб қолади.

Блум *(бу кишига ишонмай қараб)*. Уни менга қўйиб беринг. Ўзим қарайман, мен...

Иккинчи соқчи. А, сиз ким бўласиз? Сиз уни биласизми?

Аскар Карр *(тили калдираб соқчи олдига келади.)* У менинг қизимни сўқди.

Блум *(жаҳли чиқиб)*. Сиз ўзингиз уни ҳеч сабабсиз урдингиз. Мен гувоҳман. Констебл, унинг қисмини ёзиб олинг.

Иккинчи соқчи. Мени ўқитманг, хизмат вазифаларимни яхши биламан.

Аскар Комптон *(шеригини тортиб)*. Ҳей, Гарри, юр энди. Бўлмаса, Беннет авахтага ташлайди.

Аскар Карр *(гандираклаганча оёқ тираб туриб олади)*. Қўйдим сенинг ўша Беннетингга! Итнинг тезаги! Ўлганда яқинига бормайман!

Биринчи соқчи *(дафтар чиқариб)*. Унинг фамилияси нима?

Блум *(оломон оша қараб)*. Ана кэб ҳам келиб қолди. Сержант, менга агар озгина ёрдам бериб юборсангиз...

Биринчи соқчи. Исми шарифи. Тураржойи.

Тўда орасида шляпасига қора латта бойланган, қўлида мотам гулчамбари кўтарган Корни Келлехер пайдо бўлади.

Блум *(жонланиб, хурсанд бўлиб)*. Айни муддао! *(Шивирлаб.)* Саймон Дедалнинг ўғли. Озроқ отиб қўйибди. Айтинг, полисменлар манови ҳайвонларни тарқатиб юборишсин.

Иккинчи соқчи. Ҳурматимиз сизга, мистер Келлехер.

Корни Келлехер *(соқчига маънодор қараб)*. Арзимаган иш. Мен уни танийман. Пойгада ютуқ чиққан экан. Олтин кубок. Рекламага қўйибди. *(Кулади.)* Бирга йигирма. Тушундингизми?

Биринчи соқчи *(оломонга ўгирилиб)*. Нимага оғизларингизни очиб турибсизлар? Тарқал, тарқал.

Оломон явивир-шивир қилиб аста ён кўчаларга тарқалади.

Корни Келлехер. Менга қўйиб бераверинг, сержант. Ҳаммаси жойида бўлади. *(Кула кула бош чайқайди.)* Биз ҳам ўз вақтида шундай бўлганмиз, балки батаррок. А? Нима дедингиз?

Биринчи соқчи *(кулади)*. Ҳа, рост гапингиз.

Корни Келлехер *(иккинчи соқчини аста тирсаги билан туртиб)*. Бу ишни ёпди-ёпди қилиб қўя қоламиз. *(Хо ниш қилади.)* Ва ўша менинг тарала-тарала-тарала. Хўш, қалай, ҳаммаси тушунарли бўлдимми?

Иккинчи соқчи *(қувноқ оҳангда)*. Албатта, бизнинг ҳам бошимиздан ўтган.

Корни Келлехер *(кузини қисиб)*. Ёшлигим — бебошлигим. Менинг извошчим бор.

Иккинчи соқчи. Яхши, мистер Келлехер. Хайрли тун.

Корни Келлехер. Ҳаммаси жойида бўлади.

Блум *(соқчилар билан қўл олишиб хайрлашади)*. Жентльменлар, раҳмат сизга, катта раҳмат. *(Овозини дўстона пасай тириб.)* Тушунасииз-ку, биз шов-шув бўлишини истамасдик. Унинг отаси элга таниқли, ҳурматли одам. Ёшликда нималар бўлмайди дейсиз.

Биринчи соқчи. Ҳа-ҳа, тушунарли, сэр.

Иккинчи соқчи. Ҳаммаси жойида, сэр.

Биринчи соқчи. Агар тан жароҳати олган бўлса, мен маълумот ёзишга мажбурман.

Блум *(маъқуллаб бош силкийди)*. Албатта. Мутлақо тўғри. Бу тўғридан-тўғри хизмат бурчингиз.

Иккинчи соқчи. Бурч ўз номи билан бурч-да, сэр.

Корни Келлехер. Хайрли тун, йигитлар.

Соқчилар *(баравар ҳест бериб)*. Хайрли тун, жентльменлар.

Улар вазмин, оҳиста кетадилар.

Блум *(енгил нафас олиб)*. Уфф, хўб вақтида келиб қолдингиз, Худо етказди сизни. Ростданам, извошчингиз борми?..

Корни Келлехер *(кула кула елкаси оша оғочлар олди да турган извошга ишора қилади)*. Жемметда икки савдогар ҳаммани шампань билан сийлади. Худди шахзодалардай, Худо ҳақи. Биттаси пойгада икки фунт ютқизган экан. Аламдан ичишибди, кейин оймқизлар билан кўнгил очгилари келибди. Шундай қилиб, уларни аравага чиқардим-у тўғри Беханга йўл олдим, бир кўз очсак, шўх маҳаллага келиб қолибмиз да.

Блум. Мен эса Гардинер-стрит орқали уйга қайтаётгандим, мутлако бир тасодиф билан...

Корни Келлехер (*кула кула*). Муни қарангки, улар мени ҳам оймқизлар хузурига судрашди, кемага тушганнинг жони бир деб. Йўқ, дедим, бизга тўғри келмайди. Сиз билан бизга ўхшаган иссиқ-совуқни курган тункаларга йўл бўлсин. (*Хира нигоҳ билан кўзини гилайлатиб кулгани кулган.*) Бу нарса, Худога шукур, уй-имизда ҳам топилади, а, тўғрими? Ҳа-ҳа-ҳа!

Блум (*зўраки кулиб*). Ҳи-ҳи-ҳи! Ҳа. Мен дўстим Вирагни кўргани келгандим, сиз уни билмайсиз (*бечора ўтган ҳафта ётиб қолганди*) у билан қиттай-қиттай отдик-да, мен уйга қайтаётсам, кимни кўриб қолдинг денг...

От кишнайди.

От. Иххо-хо! Хохохо!

Корни Келлехер. Буни қаранг Бехан эса менга нима дейди денг аравакашимиз савдогарларни Коэнша оймга қолдирганимиздан кейин мен унга шошмай тур-чи, мен ҳам бир кўз учида бўлса ҳам кўрай-чи... (*Тинмай кулади.*) Менга хушёр аравакашлар керак тобут олиб боргани. Нима қилдик, уни уйга олиб бориб кўямизми? Қўналғаси қаерда? Кабре ёқлардамикин, а?

Блум. Йўқ, Сэндикоувда, чамаси у шундай дегандай бўлаётганди.

Стивен осмонга қараб ётиб, нафас олади. Корни Келлехер отга қия назар солади. Блум қовоғини осилтирганча ўйга ботган.

Корни Келлехер (*энсасини қашиб*). Сэндикоув! (*Эги либ Стивенни чақиради.*) Ҳей! (*Яна чақиради.*) Ҳей! Умуман олганда, унинг ҳаммаёғи кипиқ бўлиб кетибди. Фақат шилиб кетишмасайди.

Блум. Йўқ-йўқ. Унинг пули ва шляпаси менда, таёқчаси ҳам.

Корни Келлехер Ҳечқиси йўқ, ўзига келиб қолади. Ҳеч ерига зарар етмаган. Мен энди боришим керак. (*Кула кула.*) Эрталаб учрашувга чиқаман. Ўлганларни кўмиш керак. Нима қиламиз иш шунақа-да!

От (*кишнайди*). Охохохоо!

Блум. Хайрли тун. Мен бироз кутай, уни бирон ерга...

Корни Келлехер извошга ўтиради. Асбоб анжомлар шарақлайди.

Корни Келлехер (извошда туриб). Хуп, хайр. Блум. Яхши қолинг.

Извошчи жиловларни силкиб, отларга далда бергандай қамчини кўтариб қўяди. Извош ва от оҳиста ортга тисарилиб, бурилишади. Корни Келлехер ўриндиқда Блумнинг ночор аҳволидан кулиб, бошини чайқаб-чаиқаб қўяди. Унинг ёнида аравакаш ҳам текин томошага қўшилиб бошини сараклатади. Ўз навбатида буларга жўр бўлиб калласини шодмон лиқиллатади. Корни Келлехер кафти ва бош бармоғи билан полисменлар энди уйқуда ётган кимсани безовта қилиб ўтиришмайди, бу ерда қиладиган ишлари қолмади, деб ишонтиришга уринади.

Блум бошини эгиб миннатдорчилик билдиради Стивенга худди шу нарса керак дегандай. Извош жаранг-журунг қилганча тралала тор кўча муюлишида тралала қайрилади. Корни Келлехер Блумни яна бир карратралала ишонтиради. Корни Келлехер бунга камолитрулала ишончлала ҳосил қилади тралала ишо. Тақаларнинг тақа-туқи, анжомларнинг шақир-шуқури узоқлашган саритралала алала узолала лалалалалашади. Блум қўлида Стивеннинг таёқчаси ва қипиққа қоришган шляпасини тутиб, нима қилишини билмай боши қотиб туради.

Блум. Ҳей! Эҳей! (Жавоб йўқ, у яна эгилади.) Мистер Дедал! (Жавоб йўқ.) Отини айтиб чақирилса-чи. Худди ойкезиклардай. (У яна эгилиб, бироз иккиланиб тургач, лабларини ётган кимсанинг қулоғига яқин олиб келади.) Стивен! (Жавоб йўқ. У яна бир карра чақиради.) Стивен!

Стивен (юзи тундлашади). Ким бу? Қора коплон. Конхур. (Хўрсиниб, керишади ва барча унли товушларни чузиб поаниқ мингирлайди.)

Ким... Фергус-ла... учар

Ёриб...урмон куланкаларин?..

Чап ёнига аядарилади, хўрсинади, еужанак бўлиб ётади.

Блум. Шеър. Жуда билимдон. Юрагинг ачийди. (Энгашиб Стивен нимчасининг тугмаларини ечади.) Енгилроқ нафас олади. (Стивеннинг кийимларини эҳтиёткорлик билан қипиқлардан тозалайди.) Бир фунту етти шиллинг. Хайриятки жароҳати йўқ, соппа-соғ. (Қулоқ тутади.) Нима-нима? Стивен (ғўлдирайди)

... кўлкалари... ўрмонларнинг...
... денгиз тўлқинлари...
... оқариб кўринар кўкрак...

Кўлларини чўзади, яна хўрсинади, муккайиб ётади. Блум шляпа ва таёқчани ушлаб қоматини ростлаб туради. Олис ларда итлар ақиллайди. Блум таёқчани ушлаган бармоқлари ни дам бўшатади, дам қисмлайди. Стивеннинг алохон ётган гавдаси, чехрасини назардан ўтказади.

Блум (*тунга мурожаат қилиб*). Юзи менга шўрлик она сини эслатади. Ўрмон кўланкалари. Оқ кўкрак. Чамаси, у Фергусон деб айтти. Қиз бола. Аллақандай қиз бола. Бу унинг учун энг соз бўлурди. (*Фўлдирайди.*) Қасамёд қиламанки, ҳар доим муқаддас санаб ва ҳар доим саклаб ва ҳеч қандай қисмию қисмлари, хабару ахборларини ошқор қилмагайман... (*ғўлдираб.*) денгизнинг қумлоқ тубида... соҳилдан юз эллик қадам нарида... сув қайтар ерда... оқим ҳам...

У хуфия мураббий каби бармоғини лабларига босиб сассиз, ҳушёр ва ўйга ботганча қўриқлаб, сақлаб туради. Қоронғи девор сатҳида аста-секин бир рўё пайдо бўлади, бу ёши ўн бирга чиққан сеҳрли бола, уни бир пайтлар парийлар ўғирлаб олиб кетган; устида муъжаз иштон курткчаси оёғида биллур бош моқчалар, бошида митти бронза қалпоқ, қўлида китоб. Бола китобни овоз чиқармай ўнгдан чапга қараб ўқийди, табассум қилиб варақларни ўнади.

Блум (*лол қолиб, сассиз чақиради*). Руди!

Руди Блумнинг кўзларига қарайди, уларни кўрмай, ўқишда давом этади, табассум қилиб, китобни ўнади. Унинг ёноқларини майин қизиллик қоплаган. Кийимидаги тугмалари олмос ва ёқутдан. Чап қўлида фил суягидан ясалган ингичка нафис таёқча, унга нафармон попук тақилган. Унинг нимчасининг киссасидан оптоқ қўзичоқ мўралайди.



Учинчи қисм

16-ВОҚЕА

Мистер Блум ҳаммадан бурун Стивеннинг уст-бошига ёпишган чанг-кипиқларни қоқиб тозалади, қўлига шляпаси билан таёқчасини туткизди, художўй раҳмдил одамлардай унинг кўнглини кўтариб далда берди, инчунин шу тобда Стивеннинг аҳволи ғоятда ночор эди. Гарчи у, нима деймиз, эс-хушини бутунлай йўқотмаган эса-да, лекин ҳали тўла ўзига келмаган, оёқда тик туролмасди. Шу тоб Стивен томоғи қақраб сув ичгиси келаётганини айтдики, ичимга бўлмаганда ҳам, қўл-бет ювишга яроқли Вартри¹ аригидан келаётган сув қувурлари узоқ эди, бунинг устига вақт алламаҳал бўлиб қолганди, шунга қарамай мистер Блумнинг миясига ярқ этиб бир фикр келиб, хартугул бир чора ўйлаб топди, Батт кўпригидан шундоқ қўл чўзса етадиган жойдаги, ҳаҳ, отинг қурғур, «Аравакаш қўноғи» жонимизга оро кириши мумкин, у ердан томоқни хўллашга ярайдиган маъданли сув ва ё содали сут топилиб қолар деб ўйлади. Аммо ҳамма гап шундаки, ҳозир шу аҳволда у ерга қандай қилиб етиш мумкин. У бироз муддат нима қилишини билмай эсанкираб турди, бироқ бурчи юз берган аҳволга кўра дарҳол аниқ бир чора-тадбир кўришга ундар, шунинг учун хаёлида турли-туман йўл-йўриқларни зўр бериб чамаларди, Стивен эса бу орада тўхтовсиз эснамоқда эди. У Стивеннинг афт-ангори қумдай ўчганлигини кўриб турар, шунинг учун бу аҳволда қандай бўлмасин бир отулов топмасалар, сира иложи йўқ эди. Зеро ҳар икковлари ҳам, айниқса, Стивен ҳаддан ортиқ ҳолдан тойган эди, аммо кошкийди ҳозир шундай улов топила қолса. Улар ўзларини қоқиб-сукиб андак тартибга келтиргандай бўлишди, шу асно у соқол-муртини олдирганда хўп асқотган совун юки рўмолчасини унутиб қолдирганини эслади, кейин улар биргаликда Би

¹ Дублинни ичимлик сув билан таъминловчи сой.

вер-стрит, бошқача айтганда, Қундуз кўча деб аталадиган тор йўлдан юриб кетдилар, кўп ўтмай ветеринария шифохонаси ва Монтгомери-стрит муюлишидаги сассиқ аравахоналарга етиб бориб, сўнгра сўл томонга бурилиб, Дэн Берганнынг дўконини айланиб ўтиб, Эмйенс-стритга чиқдилар. Бироқ худди олдиндан билгандай, ўзларини олиб бориб кўядиган аравакаш зотини учратмадилар, фақат «Шимол юлдузи» ёнида қандайдир бир арава қорайиб кўриннар, чамаси, ресторанда кайф-сафо қилаётган маншатбозларни кутарди, аммо хуштакбозликда ҳеч бир укуви йўқ мистер Блум икки маротаба қўлларини кўтариб боши устидан айлаштириб силкитиб, амал-тақал қилиб хуштак чалиб аравакашнинг диққат эътиборини тортишга уйнаб кўрдию, фойдаси бўлмади, аравакаш лоақал қимир этмади.

Омад келмаса қийин экан, бироқ энди гапнинг пўсткалласини айтганда, бўлмаса бўлмасин петаёй деб, қўлни қўлтиққа уриб «ўн биринчида» йўлга тушишдан бошқа чора қолмади, бинобарин, пиёда жўнашди. Улар йўлни кўндаланг кесиб осонликча Маллет ва Сигнал-хаус ёнидан ўтиб, истасалар-истамасалар Эмйенс-стритдаги вокзал томонга юришди, бу орада бошқа бир ўнғайсизлик ҳам чиқиб, мистер Блумни анча-мунча алағда қила бошлади, гап шундаки, унинг шимининг тугмаларидан бирови Кўҳна *mutatis mutandis* ҳикмати билан айтганда, бошқа барча тугмаларининг қисматига учраб, узилиб тушиб қолганди, у эса мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, иложи борича бу ишқалликка эътибор бермасликка тиришарди. Алалхусус, икковларининг ҳам сира шошиладиган жойлари йўқ, ҳано эса Муштарий Плювий¹нинг куни-кеча қилган таърифидан сўнг шунчалар ёқимли ва сарин эди, баҳарҳол улар эгасиз ва уловсиз қаққайиб қорайиб турган ёлғиз экипаж ёнидан судралиб ўтиб боришди. Баногоҳ тўғри келиб қолганини қарангким, худди шу пайт Дублин Бирлашган Трамвай Компаниясининг кум сепувчи машиналаридан бири ўша кўчадан депога қайтиб келаркан, шу муносабат билан йўлчиларнинг каттаси шеригига ўзининг яқинда мутлақо ғаройиб бир тарзда омон қолганлигини ҳикоя қиларди. Улар Катта Шимоллий вокзалнинг асосий дарвозаси олдидан ўтишди, поездлар бу ердан Белфастга қатнайди, лекин турган гапки, шундай бемаҳалда ҳеч қандай қат-

¹ *Муштарий Плювий* — Юпитер асотирларда ёмғир илоҳаси.

нов йўқ эди, кейин ўликхонанинг орқа дарвозасидан ўтиб (муд-хиш демаганда ҳам, айниқса, қоронғи тунда ёмон ваҳимали жой-да), ниҳоят Порт қовоқхонасига етиб келишди, бу ердан эса ўз-ўзидан полиция казармалари жойлашган К. работига, Стип-стритга бурилишди. Ана шу ердан тунги соатларда чироқ ёкиб ёритилмаган Бересфорд-плейсадаги омборхоналарнинг баланд бинолари ўртасидан ўтиб бораркан, бирдан Стивеннинг хаёлига Ибсен¹ келиб қолди, у қандайдир бир тарзда хаёлида Толбот-плейсдан ўннга қараб юрганда биринчи муқолидаги тоштарош Бердинг устахонаси билан боғлиқдай туюлди, бу орада унга худди содиқ Ахат² каби хизмат бажо келтираётган ҳамроҳи эса шу яқин атрофда жойлашган Жеймс Рурк новвой-хоналаридан таралаётган, айтиш жоизки, бизнинг ризқ-рўзимиз, одамзод таъминоти учун керакли нарсалар ичида энг биринчиси ва энг зарури бўлган ноннинг иштаҳа кўзғовчи исла-рини маъза қилиб ҳидлаб борарди. Ҳаётнинг асосидир нон, уз нонингги топ ўзинг, Билмайсанми ажиб ширин кулча қайда-дир, Новвой Руркнинг қизиб ётган таңдиридадир.

Мистер Блум ишқилиб денг кўпгина қобилиятларини ҳуб эгал-лаган ва бағоят ҳушёр — бундан ҳам ўтқариброқ айтсак — ёқим-сиз даражада ҳушёр одам эди, у en gente (йўл-йўлакай) ўзининг индамас ва яшириб ҳам нима қилдик — ҳали ҳушн ўзига келмаган ҳамроҳига муружаат қилиб, унинг қулоғига шу гапларини қаттиқ куярди, ёмон хотинлар, шилта учар болалар, тунги шаҳарнинг яна бошқа кўп хавф-хатарларидан эҳтиёт шарт дерди, доимий бўлмаганда ҳам, жилла курса, унда-мунда кириб туриш мумкин бўлган жойларини айтарди, ахир булар ҳаммаси у тенги ёшлар учун ҳалокатли тузоқ ва айниқса ичкилик сабилга ўрганиб қолинганда алкоголь таъсирида ҳар турли ишлар рўй бериши мумкин, албатта ранг-баранг тасодифларга қарши ёшлар жиу-житсу усулларини қўллаб, ўзларини ҳимоя қилсалар ҳам ўрни бор, нега деганда йўл четида ағанаб ётган бадмаст ҳам, агар эҳтиёт бўлмасанг, баногоҳ қаттиқ тепиши, лат етказиши мумкин. Янаям бирдан барака топ-гур Корни Келлехернинг келиб қолгани Худонинг айни марҳа-мати бўлди, Стивен эс-ҳушини йўқотиб ерпарчин бўлиб йиқин-

¹ *Ибсен Генрик (1828–1906)* — Норвегия драматурги, чуқур рамзий-лик, психологизм билан тўла драмалар ёзган. (Тарж.)

² *Содиқ Ахат* — Вергилийнинг «Энеида» достонида Энейнинг ҳамроҳи.

либ ётган эди. Кечаси ўн бирларда шу азамат келиб қолмаганда, Худо билади нималар рўй берарди, оқибатда у биронта тиббий пунктга тушиши ёки ундан ҳам багтарроғи турмага ташланиши ҳеч гап эмасди, ана ундан кейин эртасига мистер Тобиаснинг олдида тикка туриб жавоб бериб турибсиз-да, тўғрироғи, қария Уоллнинг қошида демоқчиман, ановиниси фақат назорат мутасаддиси ёинки Мэхони дегани савол-сўроққа тутади, кейин буни тўрт томонга жар солиб, даранг-дурунг овоза қилишади, ана ундан кейин одамнинг бадном бўлгани қолади, холос. Нима учун бу гапларни айтяпман, нега деганда бу полициячилар ўла қолса оғзидагини олдирадиганлардан эмас, шундайки уларнинг яқинига йўлагим келмайди, уларнинг ярмидан кўпи Тахтнинг хизматини қилиб, кўзини бақрайтириб туриб оқни қора деб қасам ичаверади. Шундан сўнг мистер Блум Клэнбрасл-стритдаги А бўлимида рўй берган воқеалардан баъзи мисоллар келтирди. Керак бўлганда ҳеч қачон уларни жойидан топиб бўлмайди, ҳолбуки Тембрук-роудга ўхшаган тинч-осойишта жойларда бу қонун пойлоқчилари тўп-тўп бўлиб юришади, чунки казо-казоларни қўриқлагани учун уларга пул тўлашади-да. Унинг яна бир айтган танқидий гапи шу бўлдики, аскарларга шаҳарга чиқиш учун рухсат берилганда, улар ёнларида турли туман совук ёхуд ўточар қуролларни олиб юришади. Ҳуда беҳудага яроқни ишга солишга уринишади, кейин аҳоли билан улар ўртасида низолар авж олади. Сиз вақтингизни ҳам, обрўйингизни ҳам, соғлиғингизни ҳам бой беряпсиз, деб бағоят жўяли панд-насиҳат қиларди у, пулингизни орқа-олдига қарамай совуряпсиз, анави чалачаққон хотинларнинг ҳаммаси пенсу шиллингларни қўя турайлик, катта-катта пулларингизни ўмармоқчи бўлишадди, ким билан ичишни билмасангиз жонингизни хатарга қўясиз, маст-аласт қилувчи ичкиликларга келганда, мен ўзим ҳам фурсатга қараб бир қадах тоза май ичишга қарши эмасман (айниқса, бургунд майидан қолган ҳаммаси ўтаверсин), бургунд майининг ҳазми ҳам яхши, ҳам қонни бойитади, ични ҳам юмшатади, бироқ ичганда ҳеч қачон чегарадан чиқмайман, ишқалли сезишим ҳамон дарҳол тўхтатаман, ичкилик кишини атрофдагилар олдида батамом ожиз шамгин қилиб қўяди. У, айниқса, Стивеннинг ҳамшиша улфатларидан норози бўлиб гапирди, биттасидан бошқа ҳаммаси уни ташлаб кетишди, тиббиётчи ошналар юзинг борми-кўзинг борми демай сотқинлик қилишди.

— Анов биттаси ҳам соткин Иуда эди, — деб қўйди шу пайтгача шунча гапга миқ этмай келган Стивен.

Шу ва шунга ўхшаш нарсаларни гаплашиб, улар божхона орқасидан тўғри ўтиб, Вилоят Темир йўли кўприги тагидан чиқишди, шунда қоровулхонага ўхшаган бир томчанинг олдидаги қўмири аланга олиб турган бир қўра уларнинг эътиборини тортиб, ўша ёққа алдам-қалдам юриб боришди. Стивен бефойда турган тош уюмларига қараб ҳеч қандай ваз-сабабсиз ўзидан-ўзи тўхтаб қолди-да, қўранинг шуъласи тушиб турган нимқоронғи қоровулхона ичида шаҳар қоровулининг ғира-шира қорасини илғади. У нималарнидир эслагандай бўлди, назарида бу худди илгари бўлиб ўтгандай эди ёки аллаким шундай бўлган дегандай эди, хотирасига тушириш учун кучана-кучана у ниҳоят эслади, бу қоровул отасининг илгариги ошнаси Гамли эди. Стивен у билан дуч келиб қолишни истамай, ўзини кўприк устунлари панасига олди.

— Сиз билан кимдир саломлашяпти, — деди мистер Блум.

Кўприк панасида турган ўрта бўйли нусха унга яна салом бериб, кичкирди:

— Сизга ҳурматларим!

Стивен сесканиб тушди ва ҳайрон қоладиган жойи йўқ, саломлашиш учун чайқалиб тўхтади. Бошқаларнинг ишига бурпини тиқиши керак эмас деб ҳисоблайдиган мистер Блум эса туғма бир назокатга риоя этароқ, дарҳол ўзини четга олди, дарвоқе, *qui vive!* гарчи заррача чўчимаган бўлса-да, андак ташвишга тушди. У шуни ҳам билардики, гарчи Дублин атрофларида камдан-кам учраса-да, айрим газандалар ва чўнтагида ҳемири йўқ мирқуруклар тинч йўловчиларнинг йўлини пойлаб тўсиб, шаҳар чеккасида кимсасиз овлоқда пешонасига тўппонча тираб талончилик қилишар, улар Темза бўйларида оч санғиган дайдиларнинг шериклари ёки шунчаки пўстак қароқчилар ҳам бўлиши мумкин эди, улар дуч келган ўлжани ғасб қилиб қўлга тушириб, ҳамёнингиз ва ҳаётингизни барбод этиб, бунинг устига бошқаларга ибрат бўлсин деб, оғзига латта тиқиб ўлдириб ташлаб кетардилар.

Стивен ҳали кайфи тўла тарқамаган эса-да, ҳалиги кимса ўзига яқинлашиб келгач, оғзидан анқиб турган ичкилик ҳидидан Корли деганини таниди. Баъзи одамлар уни лорд Жон Корли деб чакирарди, унинг насли-насаби қўйидагича эди. У Г бўли-

¹ Бу ўринда: эҳтиёт бўлиб (франц.).

мининг назоратчиси яқинда қазо қилган Корлининг ўғли бўлиб, Лут фермерининг қизи Кэтрин Брофига уйланганди. Унинг бобоси Патрик Майкл Корли Нью-Росс деган жойдан бўлиб, ўша ерлик қовоқхоначининг бевасига уйланган, уни ҳам қиз чоғларида Кэтрин Толбот деб юритишарди. Халойиқ ўртасидаги мишмишларга қараганда (лекин исботи йўқ эди) бу аёл лорд Толбот де Малахайдлар авлодидан бўлиб — уларнинг қасрлари ҳақиқатан ажойиб, бориб кўришни тавсия этамиз — унинг онаси ёки холаси, ё яна аллақандай аёл қариндоши қароргоҳида идиш-товоқ ювувчи оқсоч бўлиб хизмат қилган экан. Алалхусус, худди мана шу сабабга кўра ҳам, ҳозиргина Стивен билан саломлашган, ҳали нисбатан анча ёш, лекин ўта бебош йигитни айримлар заҳарханда қилиб лорд Жон Корли деб аташарди.

У Стивенни бир четга тортиб, ҳаммага маълум сўзларни айтиб дийдиё қила бошлади. Ёнимда сариқ чақам йўқ, ётиб-турадиган жойимга тўлашга пулим қолмади. Барча дўст-ёронлар ташлаб кетишди. Бунинг устига Лепехан билан нари бориб-бери келиб уришиб қолибди, ҳозиргина уни бадмаст сасиқ пасткаш деб башарасига сўкибди, авра-астарини ағдарибди. У ишдан ҳам мосуво бўлган экан, Стивендан қандай бўлмасин бир иш топишга ёрдам беришини илтижо қилди. Йўқ, бу идиш-товоқ ювувчи оқсочнинг қизи эди, у сулола меросхўри билан эмишган опа-ука эди, умуман, улар она томондан бир-бирларига боғланишган ва униси ҳам, буниси ҳам бир вақтнинг ўзида рўй берганди, албатта, яна бу воқеаларнинг бари агарда тўкиб-бичиб чиқарилмаган бўлса. Қисқаси, қандай бўлган тақдирда ҳам, пешонаси деворга бориб тақалганди.

— Сендан сўрамасдим, — деб давом эттирди у гапини, — фақат қаттиқ қасам ичиб айтаманки, Худо шохид, аҳволим жуда ночор.

— Эртага ёки индинга, — деб таклиф қилди Стивен, — Долкидаги эрлар мактабида кичик ўқитувчи ўрни бўшайди. У ернинг бошлиғи мистер Гэррет Дизи. Харакат қилиб кўр. Мени айтди десанг ҳам бўлади.

— Нима деяпсан ўзи, — эътироз билдирди Корли, — ўқитувчи бўлишга менга бало борми, оғайни. Мен қачон сиз каллахумлар билан тенг бўлган эдим, — деб кўшиб қўйди у иршайиб. — Икки йил Насроний биродарлар мактабининг қўйи синфида ўтирганман.

— Ўзимнинг ҳам кечаси ётадиган жойим йўқ, — деб гапига қўшимча қилди Стивен.

Корли дафъатан Стивен уйига биронта суюқоёқ кизни етаклаб келган бўлса, уни ҳайдаб юборишдимикин деб гумон қилди. Малборо-стритда бир тунги қўноқхона бўлгувчи эди, бекаси миссис Мэлони, ўзи кўримсиз жой бўлса ҳам, бир кечага олти пенс олади, яна қаланғи-қасанғилар билан тўла, ҳа-я, Макконахи айтаётган эди, Вайлэтверн-стритдаги «Бронза калла»да арзонгина жойлашиши мумкин экан (буни эшитиб Стивеннинг эсига элас-элас биродар Бэкон тушди). Боз устига у итдай очкаган, лекин ҳозиргача оғиз очмаганди.

Бундай қилмиш-қидирмишлар ҳар кеча рўй бериб турса ҳам, ҳар қалай Стивеннинг кўнглида яхшилик қилиш истаги уйғонди, албатта у Корлининг бу чўлчаги олдингиларидан сира фарқ қилмаслиги ва унга ўла қолса нишониб бўлмаслигини биларди. Бироқ *haud ignarus malorum miseris succurrere disco!* ва ҳоказо дейди лотин нозими, боз устига тақдир тақозоси билан ҳар ойнинг ўртасида ўн олтинчида унга ойлик тўлаб туришади, бугун ҳам қанда бўлгани йўқ, афсус, ҳаёт учун зарурий маблағларнинг талай қисмини тунги шамол совуриб кетди. Аммо ҳазилнинг қизиқ жойи шунда эдики, Стивен кам-кўстезиз яшаётган бўлса керак деган фикр Корлининг миясига ўрнашиб қолган, назарида Стивен чўнтагига шундай қўлини солади-ю, қанча хоҳласа шунча жаранглаган тангаларни чиқариб бераверадигандай эди. Рост, шундай дориломон пайтлар ҳам бўлади. Шунга қарамай, чўнтагидан бир нарса чиқишига ақли бовар қилмаса-да, у қўлини сукди, бир шиллинг атрофида озроқ қарз бериб турса, жиллақурса егуликка яратиб туради-ку, деган хаёлга борди. Бироқ, эвоҳ, чўнтагида ҳеч вақо қолмаган, нақд пуллар бари қайгадир ғойиб бўлганди. У кавлаштира-кавлаштира бирозгина нон увоқларини топди, холос. У йўқотиб қўйдиммикин деган хаёлда бошини қотириб эшлашга уринди, балки бирон ерда тушириб қолдиргандир, ахир шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, агар бу тўғри чиқса, унда ўзи ғоятда танг аҳволга тушар, ҳолига маймунлар йиғларди. Хулласи калом, узоқ чўнтак кавлаштириб ўтиргани унинг асти ҳоли йўқ эди, лекин нон ушоқлари қаердан келиб қолди, у эсламоқчи бўлиб пешонасини ти-

¹ Бахтсизликлар тушиб бошимга — ўрганамаи бошқаларга ёрдам беришни («Энеида» достонидан).

риштирар ва алланималар эс-эс ёдига тушарди. Лекин ким берди унга нонни ё бирон жойдан ўзи сотиб олдим. Бироқ бошқа чўнтагини қарай туриб, қўли нимагадир илинди, қоронғида чақа тангалар бўлсамикин деб ўйлади, бироқ бу ҳам тўғри чиқмади, сал ўтмай нималиги равшан бўлди.

— Оғайни, буларинг ярим кронли чақалар, — деб тушунтирди Корли.

Чини билан ҳам, булар ярим кронли тангалар бўлиб чиқди. Стивен улардан бировини ҳамсухбатига узатди.

— Раҳмат, — деди Корли. — Жуда олийжаноб одамсан-да. Сенга албатта қайтараман. Ёнингдаги киши ким? Мен бир куни уни Кэмден-стритдаги «Ярадор от»да Бойлан деган корчалон билан кўргандим. Ошнам, бир оғиз айтиб қўя олмайсанми, ўша одам орқали мени ишга олишсин. Мен бу ерда тирик реклама бўлишга, шаҳар кўчаларида юришга ёлланмоқчи эдим, котибаси уч ҳафтагача олдиндан одам тўла деб айтди. Қара-я, шунақа ишга ҳам анча олдиндан ёзилиб қўйиш керак экан, худди Карл Розага¹ навбат кутгандай-а. Ошнам, агар қандай бўлмасин, бир иш топсам, мўри тозалаш бўлса ҳам майлиди, бошқа ҳаммасига тепадан туриб тупурардим.

Тангани қўлга киритгандан кейин соҳибчангалнинг қулфи дили очилиб, тили ечилди, у Стивенга аллақандай Комиски Халта Иштон деган палоний ҳақида ҳикоя қилиб беришга тушди, сен уни яхши билишинг керак, у кема тайёрловчиси Фуллан қўлида ҳисобчи бўлиб ишлаган, қачон кўрсанг О'Мара билан бирга Нэглнинг олдида ўралашарди, ёнларига Тай деган бир пакана дудуқни ҳам олишарди. Шу десанг, уни ўтган кечаси тунда олиб кетиб, ичкиликбозлик, тартибни бузиш ва констеблга қаршилик кўрсатганликда айблаб, ўн зўлдир жарима тўлашга ҳукм қилишди.

Бу орада мистер Блум қоровулнинг бошпанаси атрофидаги тош уюмлари ва олов кўра ёнида айланиб юрар, чамаси серғайрат қоровул бу ерда уйқуда ётган Дублин билан заррача иши йўқ, хурракни баралла тортиб ухласа керак. Мистер Блум айна чоғда дам-бадам Стивеннинг суҳбатдошига қараб-қараб қўяр (унинг ночор усти бошини ҳам назардан қочирмас) назарида бу ёш оқсуяк йигитни илгари қаерлардадир кўргандай бўлар, ле-

¹ Карл Роза — немис композитори ва дирижёри, Дублинда кўп концертлар берган.

кин қачон ва қаерда кўрганлигини сира тасаввур қилолмас, аниқ бир фикрга келолмасди. Аммо калласи ишлайдиган, кўзи пишиқ-пухта одам бўлганлиги боис, пазаридан у йигитнинг на унникан эски шляпаси, на тукилаёзган кийим-кечаги ва на тангу торликда қолгани қочиб қутулолди. Афтидан, у Стивен атрофида ўралашган текинтомоқлардан эди, лекин масалага чуқурроқ қаралса, ўз яқинлари олдида текинхўр бўлиб юрганлар оз эмас, улар ҳамма ерда, ҳар доим истаганча топилади, ҳатто, меъеридан ортиқ деб айтсак ҳам бўлаверади, барибир охир-оқибат бундай кўча намояндалари бир кунмас бир кун судга тортилади, мажбурий меҳнатга ҳукм қилинади ва ё жарима тўлашга буюрилади, лекин шундан ортиқ эмас, аксинчаси гага avis¹. Ҳар қалай, шундай қоронғи тунда, тўғрироғи каллаи сахарда одамларнинг йўлини пойлаб туриш учун киши қанчалар совуққон ва безбет бўлиши керак. Ва қанчалар сур бўлиши керак одам.

Улар икковининг гапи тугаб, Стивен мистер Блумнинг ёнига қайтди, Блумнинг синовчан кўзлари Стивен текинтомоқнинг эланишларига лаққа тушганини пайқади. Ўзининг бу учрашуви ҳақида Стивен кула-кула шундай деди:

— Бояқишнинг омади кетибди. Қандайдир бир Бойлан деган артистлар билан ишлайдиган одам бор экан, сиз ўшандан илтимос қилиб, уни рекламага ишга жойлаштиришингизни сўраяпти.

Блум бу гапни хушламай қабул қилди. Чамаси ярим сония мистер Блум нигоҳини нарироқдаги ер қазувчи машинадан узолмай турди, донг таратган «Эблана» номи билан аталган бу машина Божхона соҳилида арқонланган ҳолда турар, чамаси таъмирланадиган эди, кейин Блум сипориш қилиб деди:

— Ҳар кимнинг омади ўзига яраша, дейишади. Ҳозир сиз айтганингиздан сўнг унинг афт-башарасини танигандай бўлдим. Бирок, келинг, буни қўя турайлик, унга ҳозир қанча пул бердингиз? — ўсмоқчилади Блум, — мени хиралик қияпти деб ўйламанг, тағиц.

— Ярим крон, — жавоб берди Стивен. — У ҳозир шунга ниҳоятда муҳтож, ҳатто ётадиган жойи ҳам йўқ.

— Эҳтиёж! — хитоб қилди мистер Блум бу гапни эшитиб, ҳатто ҳайрон бўлиб утирмай. — Мен бунга тўла ишонаман, ҳатто аминманки, эҳтиёж уни ҳеч тарк этмайди. Ҳар кимнинг

¹ Камдан кам учрайди (лот.).

эхтиёжига ёки ҳар кимнинг меҳнатига яраша. Бироқ мавзуни давом эттирадиган бўлсак, — кулиб қўшимча қилди у, — ўзингиз қаерда ётиб қолмоқчисиз? Сэндиқоувга овора бўлиб боришни, ҳатто хаёлга ҳам келтирманг. Сиз мабодо шундай қилганингизда ҳам, Уэстленд-роу бекатидаги воқеадан сўнг ичкарига ҳам барибир киролмайсиз. Бекор овора бўлганингиз қолади. Менни асло аралашмоқчи деб ўйламанг, аммо ҳар қалай, нега отангизнинг уйини ташлаб чиқдингиз?

— Бахтсизлик қидирмоқчиман, — деб жавоб қилди Стивен.

— Бир воқеа сабаб бўлиб мен яқинда ҳурматли падарингизни кўргандим, — сипоришлаб давом этти мистер Блум. — Худди шу бугун ёки аниқроғи, кеча. У ҳозир қаерда турибди? Гапидан англадимки, у қаергадир кўчган, шекилли.

— Чамамда, Дублинда бирон ерда тургандир, — лоқайд жавоб қилди Стивен. — Нима эди?

— Ранг-баранг қобилиятларга эга бўлган одам, — деб таърифлади мистер Блум Стивеннинг отаси мистер Дедални, — туғма қиссагўй, бунақаси камдан-кам топилади. У сиз билан жуда фахрланади, ҳар қанча фахрланса ҳам арзийди. Балки сиз уйга барибир қайтсангиз дуруст бўлармиди, — деб айтишга журъат қилди у Уэстленд-роу бекатидаги анча-мунча хунук воқеани эслаб, ўшанда ашави иккови, яъники Маллиган билан унинг инглиз сайёҳ ошнаси охир-оқибатда учинчи шериклари, яъники Стивенни виждонсизларча лақиллатишиб, ўша қуриб кеткур вокзални худди ўз уяларидай билишиб, шўринг қурғур Стивенни чалғитиб кетишганди.

Бироқ бу таклиф жавобсиз қолди, Стивеннинг бутун хаёлини ўз уйини охириги марта қандай кўргани тамомила банд қилганди, ўшанда сингилчаси Дилли сочлари ёйилган кўйи плита олдида ўтириб қурум босган чойнақдаги суюққилина қаҳва қайнаб чиққини кутарди, кейин қаҳвани сут ўрнига сули буламаси билан оқлаб ичишади, жума кунлари бир жуфти бир пенни турадиган тўрбалиқ ейишади, орада Мэгги, Буди ва Кейтига биттадан қўшимча тухум ҳам тегади, мушук эса кир солинган сават ёнида бир парча қоғоз устидаги балиқнинг боши, суяк-саёғи ҳамда тухум пўчоқларини майдалаб ейди, зеро, кўрсатилмиш кунларда черков рўза тутиш ва еб-ичишдан тийилишга фатво (учинчи фатво) берган.

Бинобарин, бу айнан шундай рўза тутиладиган ёки об-овқатдан тийилинадиган, қисқаси шунакароқ кунлардан бири эди.

— Йўқ-йўқ, — ўз фикрини маъқулларди мистер Блум, — сизнинг ҳазилвон ва лўттивоз ошнангиз доктор Маллиганга ишонмаган маъқул, унга на маслаҳатгўй, на файласуф ва на дўст деб билиб суянмаган бўлардим сизнинг ўрнингизда. Бу одам ҳеч қачон оғзидагини олдириб қўймайди, шуниси ҳам борки, у тайинли ризқ-рўзга эга бўлмаслик нималигини, ҳатто тасаввурига ҳам келтиролмайди. Албатта, сиз мен пайқаб қолган барча нарсаларни сезганингиз йўқ. Лекин мен агарда сиз ичаётган нарсага бир чимдим тамаки ё бўлмаса андаккина оғу қўшиб юборганларини билиб қолсам, ажабланмасдим, бунақа ишлар яширин ниятлар билан адо этилади.

Дарвоқе, унинг қулоғига етиб келаётган маълумотлар шуни кўрсатадики, доктор Маллиган турли соҳалардан хабардор одам, унинг қизиқиш доираси тиббиётнинг ўзи билангина чекланиб қолмаган, ўз соҳасида у шитоб билан биринчи қатордан ўрин эгалламоқда, мабодо қулоққа чалинаётган гаплар рост бўлса, у яқин орада даволовчи врач сифатида танилиб, анча бой амалиётга ва салмоқлигина даромадга эга бўлади. Бунинг устига у чўкиб кетаётган бир одамни сунъий нафас олдириб, ўлим чангалидан қутқариб қолди, буни ҳақиқий тез ёрдам дейишади, Скерри ёки Малахайд-дами бўлган экан бу воқеа, бу ҳам унинг касбий обрўсига яна обрў қўшади. Блумнинг назарида бу жуда юксак мақтовларга лойиқ журъатли бир иш. Шунинг учун виждонан тан олиб айтганда, сизга бўлган бундай муносабатига қандай сабаблар аралашган, мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди, балки қандайдир ғашлик қилаётгандир, ҳасад ўтида ёниб кўролмаётгандир.

— Эҳтимол, буларнинг барининг сабаби биттадир, у ҳам бўлса, сизнинг ғояларингиз ва фикрларингизни ўғирлаётган-дир, — деб хулоса қилди мистер Блум ниҳоят.

У шу дамларда чеҳраси ғоятда тундлашган Стивенга жуда эҳтиёткорона ва айни чоғда ҳамдардлик билан қизиқиб назар солди, Стивен ўзини лақиллатиб кетишларига оппа-осон йўл қўйиб бердимикин, шу саволга унинг юз ифодаларидан, оғзидан бехос чиқиб кетган уч-тўрт хафакезик луқмалардан жавоб топмоқчи бўларди, ахир бунинг тамомила акси ҳам бўлиши мумкин-ку, яъни Стивен бу найрангларнинг барини аён кўриб билиб тургандир-у, лекин фақат бир ўзигагина маълум сабабларга кўра ишни ўз ҳолига ташлаб қўйгандир... Оғир йўқчилик туфайли у шундай йўл тутинишга мажбур бўлгандир, у бун-

га аниқ ишора қилиб ҳам ўтди, ўзининг илмли-билимли, маълумотли бўлишига қарамай жуда катта қийинчиликлар билан базур учма-уч кун кечираётганига шама қилди.

Улар эркаклар бадрафхонаси ёнида музқаймоқ сотувчининг аравачасини кўрдилар, шу ерда бир тўда италиялик ўзларининг жарангдор лафзларида алланималарнидир талашиб, жон-жаҳдлари билан вағирлашардилар.

- Putana madonna, che ci dia i quattrini! Noragione? Culo rotto!
- Intendiamoci. Mezzo sovrano piu...
- Dice lui, pero.
- Farabutto! Mortacci sui!

Мистер Блум ва Стивен ёғочдан қурилган кўримсиз «Аравакаш кўноғи»га қадам ранжида қилдилар, улар илгари бу ерда сира бўлмаган эдилар, мистер Блум ҳамроҳига ҳали ковоқхонага кирмаёқ унинг эгаси ҳақида баъзи гапларни шипшитиб қўйди, бу одамнинг асли исми Фицхаррис енгилмас қаҳрамон бўлиб, лақаби Эчки Пўстак эди, аммо бу одамлар оғзидаги гапларга унча ишониб ҳам бўлмас, уларда лоақал сарик чақачалик ҳақиқат йўқ эди. Ҳаш-паш дегунча бизнинг ҳар иккала тунги сайёҳимиз бурчакдаги холи бир жойга бориб ўрнашишди, бу ерда Хомо уруғининг ҳеч таснифга сиғмайдиган нусхалари, қаланғи-қасанғи уй-жойсиз дайди-сайдилар йиғилган бўлиб, улар еб-ичиб ўтиришар, янги кириб келганларга афтидан ажабланиб боқишар ва кўз қарашлари билангина саломлашардилар.

— Энди қаҳва ичилсами дейман, — деб ўртага тушган совуқчиликка барҳам беришга тиришди мистер Блум, — сизга назаримча бир лукма овқат зарар қилмайди, балки бир бурда юмшоқ нон ерсиз.

Нафсиламрга у биринчи навбатда мана шу ҳаёт неъматларини ўзига хос вазминлик билан дарҳол буюрди. Ҳаммоллар, аравакаш киракашлардан иборат қора халқ, майли яна ким бўлмасин, шундай бир нигоҳ солганларидан сўнг унчалик назарга лойиқ кўрмадилар шекилли, улардан юзларини ўгирдилар, фа-

¹ — Қанжиқ мадонна, ким бизга ярим пенс беради! Нима, тўғрими? Чириган даюс!

- Келинг, келишайлик. Устига ярим соверен...
- Яна гапиради я.
- Ярамас! Бошингга солайми! (Итал.)

кат бир ичкиликхўр, кўринишдан бахрийга ўхшаган, сочлари оқара бошлаган малла соқол киши яна бироз вақт ҳамроҳлардан кўз узолмай ўтирди-да, сўнг чакчайганча ерга тикилди-қолди. Мистер Блум Voglio жиҳатидан гарчи ҳали тўғриси айтганда барча шубхаларидан қутулмаган эса да, муноқаша тилидан бир-мунча хабардор одам сифатида сўз эркинлиги ҳуқуқидан истифода этган ҳолда ўзи ҳомийлик қилаётган ҳамроҳига ташқарида рўй бераётган ва ҳамон жўшқин тарзда давом этаётган жанжал-сурон борасида овозини баралла кўтариб сўз қотди:

— Алламбало тил. Айниқса, кўшиқ айтаман десангиз. Нега сиз ўз шеърларингизни шу тилда ёзмайсиз? *Bella Poetria!* У шунчалар жарангдор ва оҳангдор. *Belladonna voglio!*

Стивен устма-уст бостириб келган эсноқдан ториниб ва умуман оғир ҳорғинликка ботган ҳолда жавоб қилди:

— Филга ўхшаган хонимларнинг қулоқларига ёқсин учунми. Кўчадагилар пулнинг жанжалини қилишяпти.

— Ростдан-а? — деди мистер Блум. — Ҳа, албатта, деб ўйчанлик билан кўшиб қўйди у ва ичида умуман олганда дунёдаги тиллар керагидан анча ортиқ деб кўнглидан ўтказди, — балки бу шунчаки жануб одамларига хос жозибанинг жазавасидир.

Юзма-юз ўтиришган маҳрамларнинг ҳаловатини бузиб ковоқхона эгаси стол устига буғи чиқиб турган номига бўлса ҳам қайноқ қаҳва идишни, унинг ёнига алмисоқдан қолгандай бўлиб кўринган пўрсилдоқ нонни қўйди-да, ўзи жойига қараб кетди. Мистер Блум ғалати бўлиб туюлмаслиги учун ҳозир эмас, сал кейинроқ нонни яхшилаб кўздан кечиришни кўнглига тугиб қўйди... Шу боисдан Стивенга қани энди олаверинг деган ишорани қилди, ўзи эса ҳалиги оти қаҳва бўлган нарсани аста-секинлик билан Стивен томонга эҳтиёткорона сура бошлади.

— Товушлар алдамчи, — деди Стивен бироз жимликдан сўнг, — худди шунингдек исмлар ҳам алдамчи. Цицерон, Подмор, Наполеон, мистер Гудбоди, Иисус, мистер Дойл; Шекспирлар кам эмасди Мэрфилардан. Нима дегани исм?

— Ҳа, албатта, — самимият билан тасдиқлади мистер Блум. — Тўғри айтяпсиз. Бизнинг исмимиз ҳам ўзгарган, — деб қўйди номи юмшоқ нон бўлган нарсани оҳиста Стивен томонга суриб.

¹ Ғўзал поэзия! Ғўзал хоним (*бузилган итал.*).

Шунда кўзини янги кириб келганлардан узмаган малла соқол Стивенга алоҳида бир эътибор билан қараб, дабдурустан уни саволга тутиб қолди:

— Ўзингнинг исминг нима?

Мистер Блум шу заҳоти ҳамроҳининг ботинкасини туртди, бироқ Стивен кутилмаган бу ишорадан етарли хулоса чиқармай, хотиржам жавоб берди:

— Дедал.

Малла соқол баҳрий уйқусираган шилпиқ кўзлари билан унга узоқ тикилди, кўп ичкиликдан ва айниқса, ўткир голланд жин ароғини сув кўшиб ичаверганидан кўзларининг ости халта бўлиб осилиб тушганди.

— Бу Саймон Дедални биласанми? — деб сўради у ниҳоят.

— Эшитганман, — деди Стивен.

Атрофдагилар гапга қулоқ солаётларини кўриб, мистер Блум бирмунча муддат ҳайрон бўлиб қолди.

— У Ирланд, — деди шоввоз баҳрий ҳамон ундан кўз узмай ва калласини шитоб билан чайқаб. — Чинакам Ирланд.

— Ҳатто ҳаддан ортиқ ҳақиқий, — қўллади Стивен.

Мистер Блумга келадиган бўлсак, у бу воқеанинг мағзини чақолмай ҳайрон эди, малла соқол баҳрий худди ичидан келаётган кутилмаган бир фармонга бўйсунгандай атрофдагиларга ўгирилиб қуйидаги гапларни айтганда, бунинг сабабини тополмай ҳайрати янада ортди:

— Мен унинг эллик қулоқ наридан елкаси оша икки шишага қўндирилган икки тухумни отиб туширганини кўрганман. Чап қўлида беҳато отади.

У ҳиқичоғини базўр енгиб, ўзига бўйсунмаган қўллариши силкитиб, иложи борича яхшилаб тушунтиришга тиришди:

— Мана қара, манави шишалар. Эллик қулоқ жой ташлаймиз. Шишаларнинг оғзида мояк. Ҳалигим тўппончани елкасига қўяди. Мўлжал олади.

У гавдасини ярим айлантирди, ўнг кўзини маҳкам қисди. Кейин башарасини қандайдир ён томонга қийшайтирди-да, бе-ниҳоя бадбашара тус олиб тун кучоғига тикилди.

— Пақ-пақ! — кичқирди у бирваракай.

Энди иккинчи тухумнинг гали келгани учун тингловчилар навбатдаги пақпақни кутиб тек қотишди.

— Пақ-пақ! — кичқирди у иккинчи бор.

Иккинчи тухум ҳам олдиндан парча парча бўлиб кетганди. Малла сокол кўзини қисди, бошини силкитди-да, қонга ташна одамдай ун солди:

Қаншарга урар доим Буффало Билл,
Беҳато отади, адашмайди қул.

Ўртага жимлик чўкди, шу аснода мистер Блум ундан бу воқеалар Бизлида ўтадиган ўқ отиш мусобақаларига ўхшаш жойларда рўй берармиди деб одоб юзасидан сўрашга журъат этди.

— Узр-маъзурлар, — деди баҳрий.

— Бунга анча вақт бўлиб қолгандир? — яна сўради мистер Блум ўз гапидан қолмай.

— Нима бўларди, — деб жавоб берди баҳрий ўроғи тошга теккандай иложсизликдан бироз юмшаб, — кўп эмас, ўн йиллар бўлгадир. У Хенглер бошқарган қирол цирки билан бирга бутун дунёни айланиб юрарди. Ҳалиги томошасини Сток-холмда мен ўзим кўрганман.

— Бир-бирига тўғри келиб қолганини қаранг, — деб қўйди мистер Блум Стивенга қараб.

— Менинг исмим Мэрфи, — давом этди баҳрий. — У.Б.Мэрфи, мен Кэрригейлоу деган жойдан буламан. Бунинг қаердалигини биласанми?

— Куинстаун Харбор, — деди Стивен.

— Топдинг, — деди баҳрий. — Кэмден Форти ва Карлайл Форти. Булар менинг жойларим. Барча оғайнилар шу ердан. Хотин ҳам ўша ерда туради. Биладан, кутавериш кузлари тўрт бўлган. Англия учун, уй учун, гўзаллик учун, қонуний махфиратли хотиним, уни кўрмаганимга ҳам етти йилдан ошди, денгизларда, довулларда санғидимда-эй.

Мистер Блум унинг уйга қандай қадам ранжида қилишини шундоқ кўз ўнгига келтирди: баҳрий барча денгиз жинқарчаларини боплаб лақиллатиб ёмғир ёғиб турган қоронғи тунда ўзининг йўл четидаги кулбасига қайтади. Дунёни чарх уриб хотинини қидирди. Бу мавзудаги воқеалар сон-саноксиз. Алиса билан Бен Болта, Энох Арден ҳам, Рип ван Винкл ҳам шу ерда, балки кимдир қийшиқ О'Лирини ҳам эслар, ёддан ўқиш бироз қийин номер, аммо одамлар ёқтиришади, уни шўрлик Жон Кейси тўқиган, ўзига яраша содда жозибали, ахир чина-

кам тарона шу эмасми? Шунча гап-сузларнинг ичида бирон марта дарбадарликлардан қайтганию айрилиқ аламларини чекиб ўтирган хотиннинг қандай бўлмасин вафо-садокати ҳақида миқ этиб оғиз очмади. Дераза ойнасига тиралган пешона! Охири у уйининг эшигига етиб келди дейлик, ана энди унинг ҳайратдан лол қолиб қотиб қолганини кўринг, ниҳоят, шунда шўрлик хотинининг аянчли қисмати аён бўлади, энг орувли туйғулариню умидлари бари барбод топади. Сен мени кутмабсан, лекин мен қайтиб келдим, энди ҳаммасини бошидан қайта бошламоқчиман. Ана у сарғайиб сомон бўлган бевагина бечора ўтирибди мунғайиб бизнинг аввалги ўчоқбошида. Мени аллақачон ўлган деб ўйлайди, тубсиз бешик ичида чайқалиб ётибди дейди. Ана, Миқти амакиси ҳам ҳозирю нозир, балки Миқти эмас, Ориқдир, тақдир қилгани-да, «Лангар ва тож»нинг хўжайини эса, пиджагини ечиб қўйиб пиёзли ромштексини туширади. Отасини ўтқизишга курси йўқ. Ув-ув-у! Шамол! Хотин охири боласини тиззасига олган, ота ўлганидан сўнг туғилган. Енгил аравада, енгил аравада, ўнқир-чўнқирлардан, ўнқир-чўнқирларда, гуп этиб тушди чуқурга! қочиб қутулиб бўлмайди, эг бўйнинини. Тишларинини қисирлатиб тиржай. Сени мудом севгувчи, юраги вайрона эринг У.Б. Мэрфи.

Дублинликларга сира ўхшамайдиган баҳрий бир извошчидан ўтинди:

— Менга қара, чайнайдиган тамаки топилмайдими сенда?

Извошчининг тамакиси йўқ экан, аммо қовоқхона хўжайини миҳ қозиқда осиелиқ турган пишиқ курткаси чўнтагидан чайнайдиган бир бўлак лунқа тамаки олиб узатди. Уни қўлмақул қилиб узатиб юборишди.

— Раҳматлар, — деди баҳрий.

У ўлжани лунжигга ташлаб, чайнаркан, дам олиб-дам олиб оҳиста деди:

— Биз кеча эрталаб соат ўн бирда етиб келдик. Кемамиз уч мачтали «Роузвин», Брижуотердан пишиқ ғишт олиб келдик. Бу ерга келиш учун ишга ёлландим, кейин бўшадим. Мана, ўзинг кўр, гувоҳнома У.Б. Мэрфи. Биринчи тоифа денгизчи.

У сўзларининг исботига ички чўнтагидан бирмунча қорайиб қолган букланган ҳужжат чиқариб кўшнисига чўзди.

— Тоза дунёни кўрибсан, армошинг қолмабди, — деб қўйди хўжайин олдидаги тахтага тирсагини тираб.

— Нимасини айтасан, — деб жавоб берди баҳрий бироз ўйла-
ниб тургач, — денгизга чиққандан кейин тоза айландим. Қизил
денгизда бўлдим. Хитойда бўлдим, Шимолий Америкада бўлдим,
Жанубийсида ҳам. Айсберглар, музтоғларнинг қанчасини
кўрдим. Капитан Долтон билан Дарданелдан ўтиб Қораденгиз-
га бордик, Стокхольмда бўлдик, кемасини чўктириб юборган
бадбахтлар ичида энг ашаддийси мана шу. Россияда бўлдим.
Гоусподи поомилью. Руслар шундай дуо ўқишади.

— Ҳар хил ғаройиботларни кўргандирсан, ҳойнаҳой? — деди
извошчи.

— Нимасини айтасан, — тасдиқлади баҳрий оғзидаги тама-
ки лўнқани айлантларкан, — ғаройиб нарсаларнинг унақаси
ҳам, бунақаси ҳам кўп. Мен тимсоҳ лангарнинг бир тишини
тишлаб олганини кўрганман, худди мен тамаки чайнагандай.

У оғзидан тамаки лўнқани чиқариб жағлари орасига қўйди-да
ғирч этиб ташлади.

— Қарчча! Мана шунақа! Перу деган жойда одамхўрларни
кўрдим, улар мурдаларни ва отларнинг жигарини ейишар экан.
Мана, қара. Ўшалар. Менга бир ошнам юборди.

У ўзига чамаси ҳамма вақт қазноқ вазифасини ўтовчи ички
чўнтагидан почта откриткасини кавлаштириб чиқарди-да, стол
устига ташлади. Унда бундай сўзлар ёзилганди: *Choza de Indios.
Beni, Bolivia*¹.

Белига йўл-йўл лунги тутган бир тўда ерлик хотинлар ҳам
манинг диққат-эътиборини тортди, уларни ғуж-ғуж болакайлар
(улар жуда кўп эди) қуршаб олган, хотинлар шох-шаббалардан
ясалган ночор чайлалар олдида чордана қуриб ўтиришар, кўкрак-
ларини осилтириб бола эмизишар, бир хиллари пинакка кет-
ган, бир хиллари кўзларини сузишар, қийшапгларди.

— Эрталабдан кечгача кока чайнашади, — тушунтирди сўза-
мол баҳрий. — Қоринларида худди тегирмонтош бордай. Туғ-
иш пайтлари ўтгандан сўнг улар шу кўкракларини кесиб таш-
лайдилар. Мана бу ерда эса улар қип-яланғоч, ўлган отнинг
совук жигарини ейишяпти.

Жаноб бекорчи хангоматалаблар бир неча вақт суратдан кўз
узолмай томоша қилиб туришди.

¹ Ҳиндулар кулбаси. Бени, Боливия (исп.).

– Уларни нима билан кўрқитиш мумкин, биласизми? – шавқланиб сўради баҳрий.

Ҳеч ким оғиз очолмади, у кўзини айёрона қисиб, ўзи жавоб берди:

– Ойна билан. Ойлани кўрса, уларнинг жони-пони чиқиб кетади. Ойна.

Мистер Блум ажабланиб ўтирмади. Худди билмаган кишидай суратни ағдариб, унинг орқасидаги ўчиб кетган муҳри ва манзилига қаради: унда шу сўзларни ўқиди: Tarjeta Postal, Senor A. Boudin, Galeria Vecche, Santiago Chile¹. Ҳеч қандай хабар, маълумот ёзилмагани унинг алоҳида эътиборини тортди. Мистер Блум баҳрийнинг исми билан почта қоғозидаги исм ўртасида мавжуд фарқни кўриб (агарда у ҳақиқатан ўзини танитгандай одам бўлиб чиқса ва мабодо яширикча бегона байроқлар осган кемаларда сузмаган ва бирон-бир ерда батамом ўз исминни ўзгартирмаган бўлса) ошнамизнинг bona fides² ҳалоллигига шубҳа қила бошлаган бўлса ҳам (тухумни отиб тушириш, Вилгельм Телл ҳамда «Маритано»даги маълум-машҳур Ласарило — Дон Цезар де Базаннинг саргузаштлари, Ласарилонинг ўқи Дон Цезарнинг шляпасини тешиб ўтгани), айни пайтда у ҳикоя қилган мудҳиш воқеага унчалар ишонгиси келмай турган бўлса-да, барибир буларнинг бари у аллақачонлардан бери кўнглига тугиб юрган орзуларни қайтадан кўзгаб жонлантириб юборди бирон қулай чоршанба ёки шанбадами узоқ денгиз сафарига чиқиб Лондонга боргиси келарди у ҳеч қачон кўп ва узоқ сафар қилмаган ҳам эди бироқ ёшлигидан юрагида саргузаштларга муҳаббат уйғонганди ҳолбуки қисмат ҳазили уни курукликда муқим яшашга гирифтор этганди дарвоқе унинг бир марта Холихедга бориб келганини айтмасак, шундан буён бошқа ҳеч қаёққа бар уриб чиқмаганди. Бир неча маротаба Мартин Каннингем уни Иген орқали пулсиз сафарга чиқармоқчи бўлиб ҳам юрди, лекин шундай пайтда доим аллақандай аҳмоқона бир ғов ўртадан чиқиб қоларди-ю, натижада ўйланган ният барбод бўлиб, сувга уриб кетарди. Мабодо, айтайлик, нақд пул тулаганда ва мабодо Бойднинг юраги ёрилиб кетганда ҳам, барибир бу унчалик ҳам қиммат эмас, қурби етади,

¹ Почта хати. Сеньор А. Буден. Бекке галереяси Сантяго, Чили (исп.).

² Иисоф (лот.)

айтайлик, хўп, у Маллингарга бормоқчи, бунга узоғи билан бир веча гишей сарфласа, бориш-келишга бор-йўғи беш шиллинг олти пенс харж қилса, вассалом, оёқ остидан шамол ўтиб туради у ёғига. Шифобахш озон ҳавоси боис бу саёҳат ҳам сиҳат-саломатлик учун фойдали, ҳам бошқа ҳар жиҳатдан одамга ёқимли, айниқса, жигари оғриб турадиган кишига бунинг давосини айтмайсизми, йўл-йўлакай турли жойларни кўради, бу ёқда Плимут, Фалмут, Саутхемптон ва яна ундан ҳам нарироқлар, кейин бутун саёҳатнинг айни гултожи улуғ пойтахт — ибратларга тўлиқ томошаси, замонавий Бобил манзаралари, жуда катта-катта ютуқлар билан ошно бўлмасмиди бу ерда кўркем Парк-лейн, Тауэр, аббатлик билан танишишни давом эттирмасдими бу ерда. Бундан ташқари яна бир нозаидай фикр миясидан ярқ этиб ўтди, у ерларда шароитни ҳар ёқлама кўздан кечириб, ҳашаматдор дам олиш жойларида бир қатор концертлар ташкил қилиш имкониятлари ҳақида маълумотлар тўплашни кўзларди, аёллар ва эркеклар учун умумий чўмчилик жойлари бўлган Маргейт, шифобахш сувли энг яхши курортлар, Истборн, Скарборо, Маргейт ва ундан нарироқлар, гўзал Борнмут, Норманд ороллари ва шунга ўхшаш ажойиб-ғаройиб жойлар жуда ҳам катта фойда келтириши мумкин эди. Йўқ, албатта у ерларга сийқаси чиққан кимсалар ённки Маккойнинг хотинига ўхшаган маҳаллий хонимчалар билан бирга бориб бўлмайди, ҳа, нимаиди, менга чамадонингизни бериб туриш, илтимос, мен эса сизга билет жунатаман, ана холос. Йўқ-йўқ, фақат энг олий тоифадаги кишилар, Твиди ва Флауэр, Ирландия операсининг катта порлок юлдузлари, примадонна сифатида ўз рафикаси, қани бир Элстер Граймс ва Муди-Мэннерснинг танобини тортиб қўяйлик-чи, бу ишлар дарвоқе, унчалик ҳам мураккаб эмас, ютуқ тўла кафолатланган, фақат буни маҳаллий газеталарда иложи борица бонг уриб жар солса кифоя бунинг учун ишнинг кўзини биладиган қирриқ, эшикларни қарсиллатиб очувчи уста одам керак, у қаерда нима қилиш, қандай тугмаларни босишни яхши билади, ишни ҳам дундиради, фойдани ҳам ундиради. Лекин ким? Қани ўша одам? Ҳаммаси шунга бориб тақалади.

Бундан ташқари мубҳамроқ бўлса-да, яна бир ўй унинг хаёлидан ўтади, янги денгиз йўллари очилиши муносабати билан бошқа яна бир кенг фаолият майдони юзага чиқади, замона, даврнинг ўзи шуни талаб қиляпти, мана, масалан, Фингард —

Росслер йўли бўлаётган гап-сўзларга қараганда, департаментларнинг кун тартибида яна пайсалга солиш, чўзиш бошлашиб, чириган, мияси суюлиб қолган амалдорлар унга ғов бўлиб, турли ваз-корсонларга кўмиб ташлаётган эмишлар. Бу ерда кенг саёҳатчилар оммасининг манфаатлари йўлида, ўртача инсон, яъни нима десак экан, Браун, Робинсон ва Клар манфаатлари йўлида ишбилармонлик қилиш, куч-қувватлар сарфлашнинг катта имкониятлари очилиши турган гап эди.

Бошданок кўнгилни хира қиладиган бемаъни нарсалар бор, бизнинг кўкларга кўтариб мақталган жамиятимизнинг катта айбларидан бири шундаки, оддий одамлар киши аъзойи бадани таъмирлашга муҳтож бўлиб қолганда қаяқдаги арзимаган икки фунт пулни деб кенг дунёни кўришдан маҳрум бўлади, ахир шу ерда яшагандан кейин доим бир жойда михланиб ўтиравермайди-ку, хотиннинг чўрисига айланиб, кўзига мўлтайиб термулиб. Ахир охир-оқибат ҳар бир тирик жон ўн бир ойдан ортиқ етти букилиб тер тўккандан сўнг, падарига қусур, дам олишга ҳақи борми-йўқми, ҳаво алмаштиришга ҳақи борми йўқми, ахир шаҳар дегани одамни жизғанақ қилиб ташлайди-ку, ёз чоғлари қандай яхши бутун она Табиат гул-гул очилиб яшнаб кетади шунда гўё онадан қайта туғилгандай ҳаётга қайтадан келгандай бўласан. Худди шунингдек, Аъло даражада дам олиш учун барча имкониятлар куюк ўрмонлар билан қопланган ажиб оромгоҳлар ўз жонажон оролимизда ҳам бор, ёшлигинг ва куч-қувватингни қайтарадиган қанчадан-қанча жойлар, талай-талай ўйин-эрмакгоҳлар Дублинда ҳам, унинг гўзал манзарали ён-атрофларида ҳам етарлича топилади, ҳатто поездда борса бўладиган Пулафукани айтмайсизми, лекин ундан ҳам нарироқда мияни қоқиб қўлга берадиган издиҳомдан узоқроқда Уиклоу графлигини олинг, уни ҳақли равишда Ирландиянинг боғу бўстони дейишадди, ёғин сочин намгарчилик бошланмасдан илгари велосипед миниб айланаман десанг, роҳатижон жойлар ва, айниқса, одамнинг ёши улғайганда, ундан сўнг Донегалнинг ёввойи тўқайлари келади, қулоққа чалинган гаплар рост бўлса у ерларда кўз ўнгиингда беқиёс улкан манзаралар очилар эмиш, гарчи у томонларга бориш унчалар ҳам осон эмас, шунинг учун ҳам саёҳатчилар нисбатан кам борадилар, ҳолбуки бундай зиёратлар нақадар бисёр фойда келтириши мумкин эди, шу билан бирга ўзининг турли дахлдор томонлари билан тарихий Хоут, Инак Томас,

Грайс О'Молли, Георг Тўртинчи, денгиз сатҳидан неча юз қулоч баландликдаги рододендронлар ранг-баранг тоифадаги одамларни ўзига жалб қилиб туриш жозибасига эга, айниқса баҳор кезлари ёшларнинг қони жўшган маҳаллар, гарчи ўлим ҳам ўз ўриш арқоғини доим чуваб туради, одамлар тасодифми ё бошқами, қоялардан қулаб тушишади, одатда бу ишлар кўпроқ қизиққонлик орқасида рўй беради, негаки ўша ерга Колоннадан бор-йўғи уч у чорак соатда етиб борилади. Ҳаммасининг сабаби шуки, замонавий туризм, агар таъбир жоиз бўлса, ҳали бешик ёшидан чиқмаган, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам анча-мунча оқсаб орқа оёқда судралиб келади. Унинг назарида қизиқ бўлиб кўринган яна бир нарса бор эдики, у ҳам бўлса, серкатнов ҳаракат янги йўлнинг очилишига хизмат қиладими ёки бунинг акси, ва ёки бунда ҳар икки томон баробарми. Мистер Блум почта қоғозини суратли томонига ўгириб, уни Стивенга берди.

— Мен бир хитойликни кўрганман, — деб гапни айлантирарди ҳормас-толмас эртақчимиз, — у ширачдан зўлдирчалар ясаб олган эди, уларни сувга ташласа, ҳар бири ғалати бўлиб ёйилиб чиқарди. Бирови уй бўлиб қолади, бошқаси кемага айланади, учинчиси эса гул бўлиб очилади. Улар яна каламуш солиб шўрва қайнатишади, — деб қизикитириб қўйди у яна, — ий-е, бу хитойиларни асти қўяверасиз.

Тингловчилар ишонқирамай қараб турганларини кўриб денгизчи яна бир қанча саргузаштларни ўртага ташлади.

Триестда бир италиялик бировни ўлдириб қўйганини кўрдим. Пичокни орқасига урди. Пичоғи мана бундай.

У шундай деб ёнидан ўзига ўхшаган қўрқинчли катта пичок чиқарди-да, уни худди урадигандай юқори кўтарди.

Бўзахонада ичиб ўтиришган эди, иккита контрабандист орани очик қилиша турганди ким кимни тақалаган деб Ёшроқ йигитча эшик орқасида биқиниб турган экан ташланиб қолса бўладими. Э, садағаси кетай. Жонингдан умидингни уз, деб бақиради Кейин — ғарч! Пичокни солигача ботириб елкасига урди.

Унинг кўзлари атрофга оғир уйқусираб боқар, кимнинг бунга шубҳаси бўлса, қани айтсин деб, ер сузарди.

— Азамат нарса, — деб такрорлади у қўрқинчли яроғини қўлида айлантириб.

Қўрқмайдиган одамнинг ўтақасини ёриб юборадиган ушбу сўзлардан сўнг у пичокни ширқ этиб қайирди-да, уни ўзининг мудҳиш қазноғига, яъники, кармонига яширди.

— Пичоқ яроққа келганда улар жуда устабузармон, — деб баралла овоз чиқарди қоронғида таниб бўлмайдиган аллаким. — Шунинг учун анави енгилмаслар Паркда одам ўлдиришганда, муҳожирларнинг бўйнига ағдармоқчи бўлишган, негаки пичоқ ишлатишганди.

Ростакамига анойи бўлиб туюладиган бу гапни эшитиб, мистер Блум билан Стивен ҳар бири ўзича икковлон бир-бирларига маънодор қараб қўйдилар, аммо икковлари ҳам дами ичида миқ этиб оғиз очмадилар, фақат нарида сув қайнаётган идишидан оппоқ буғ чиқаётган қовоқхона эгаси Эчки Пўстакка тикилиб қолдилар. Унинг ҳар қандай таъриф-тавсиф ожиз мукамал санъат асари ҳамда нарса ўзида бўлмиш банараси айтилган сўзларнинг ҳеч бирини эшитмагандай шам каби қотганди. Жуда кизиқ-а.

Ўртага узок жимлик чўкди. Шинавандаларнинг бирови қаҳва тўкилиб доғ босган газетага мук тушди, иккинчиси ерлик ёввойиларнинг суратини зўр бериб томоша қилди, учинчиси баҳрийнинг гувоҳномасини кўздан кечирди. Мистер Блум эса хаёлга ботганди. Шама қилиб ўтилган воқеа худди кечагина рўй бергандай бирдан кўз ўнгида гавдаланди, у йигирма йилча илгари аграр бошбошдоқликлар замонида бўлиб ўтган, ўшанда бутун маъруф жаҳон худди очиқ осмонда момақалдиروق гумбурлагандай ҳайратга тушганди, ҳа, саксонинчи йилларнинг бошлари эди, яна ҳам аниқроғи, саксон биринчи йил эди, ўшанда у эндигина ўн беш ёшга кирганди.

— Менга қара, катта, — чўзилган жимликни бузди баҳрий. — Қани, менга қоғозларимни узатиб юбор-чи.

Унинг илтимоси бажарилди ва у қоғозларни чаққон кафтига йиғиштирди.

— Сиз Гибралтар қоясини кўрганмисиз? — сўради мистер Блум.

Баҳрий сақичини чайнарган, ҳа-йўқ аломатини билдириб афтини бужмайтирди.

— Эҳ, сиз у ерда ҳам бўлганмисиз? — деди мистер Блум. — Европа бурнида, яна тасдиқлагандай қилиб айтди у, шояд қари қароқчи балким аллақандай хотираларни эслар деб риюя қилди, бироқ чол умидни оқламади, фақат қишқ уюми устига кўлобла-тиб тупурди-да, калласини ялқов-нохуш чайқаб қўйди, холоҳ.

Тахминан қайси йиллар эди? — айтганидан қолмасди мистер Блум. — Сиз эслай олмайсизми кемаларни?

Бизнинг баҳрийимиз жавоб бермасдан худди оч қолгандай зўр бериб сақичини чайнади.

— Эҳ, жонимга тегиб кетган бу қоя-сояларнинг бари, — деди у, — ўша кема-семалару тосу тоғоралар. Доим бир хил шўр, шўртак тузлашган чўчка гўшти.

У ғоятда ҳолдан тойган каби жим бўлди. Қизиқиб саволга тутаётган киши эса бундай утакетган қирриқ ва муғамбир одамдан тайинли бирон нарсани билиш ниҳоятда мушкул эканлигини сезиб, сайёрамиздаги сув ҳавзаларининг бениҳоя улканлиги борасидаги бекорчи хаёлларга берилди, шундай харитага бир назар ташлаган киши дарров фаҳмлайдики, курранинг нақ тўртдан уч қисми сув билан қопланган, шу ҳолнинг ўзиёқ уни денгизларда ҳукмронлик қилмоқ нима эканлигини жуда чуқур хис қилишга олиб келди. У Доллимаунтдаги Норс Булл яқинида ўнлаб маротаба қариб чириган денгизчи бир чолни учратар, у ниҳоятда қартайган, одатда сасиган денгиз бўйидаги кўтармада ўтириб, ҳуш-беҳуш сувга термулар, денгиз ҳам ундан нигоҳини узмас, чол қандадир қайси бир қўшиқда айтилгандай, кўм-кўк яйловлару сарин тароватли ўрмонларни хаёлидан ўтказарди. Бунинг сири нима экан деб қизиқарди Блум. Балки чол қандайдир жумбоқни ечмоқчи бўлардимми ва у зиддият билан бу зиддият орасида абгор бўлиб буларнинг дам остидан дам устидан чиқиб қалқиб юрардимми гарчи бундай олиб қараганда ниманинг ҳам остидан чиқсин аммо шунга қарамай толеини тўхтовсиз синагани синаган эди. Аслида йигирмата имкониятнинг бари ҳечга баробар ва ҳеч қандай махфий сирнинг ўзи йўқ эди. Ҳар қалай, агар тафсилотларга қараб ўтирмаса ўзининг бутун мағрурлиги ва порлоқлигида денгиз мавжуд эди ва унинг узра сузмоқ кимнингдир бўлмасин пенонасига ёзилган ва қисмат нидосига лаббай деб жавоб беришга маҳкум эди гарчи охир-оқибат бу нарса одамлар ўз қардош-яқинлари елкасига кўтариб юриш ғоятда оғир ва ноқулай зил-залвор юкларни орғишга мойил эканликларидан дарак беради, ва бу айни жаҳаннам, лотерея ва суғурта деган бало-баттарларнинг ўзгинаси эди, ҳамма ерда шу асос битта, яъни бари бир гўр, шунинг учун ҳам якшанба кунги қутқариш хизмати бағоят мақтовга арзийдиган ташаббус эдики, соҳил бўйида ёки денгиздан олисда яшовчи кенг аҳоли уни қўллаб-қувватлар кимга қандай бўлмасин яхшилаб ўйлаб кўриб албатта бундан миннатдор бўларди, аҳоли жумладан бан-

даргоҳ хизматчиларию кўрикчиларидан ҳам мамнун эди ушбу хизматлар ўз вазифаси тақозосига кўра *Ирландия ўзининг ҳар бир фарзандидан кема бортида бўлишни ва ҳоказо* ҳар қандай об-ҳаво шароитида табиат кучлари билан бас бойлашмоққа тайёр турмоғини истайди қиш фаслида эса уларнинг ҳаёти янада қаттиқ бунинг устига ирланд маёқларини ҳам эсдан чиқармайлик, Киш ва бошқалари дам сайин тўнтарилиб кетаётгандай бўлади, бир куни у кизи билан бирга маёқлардан бирининг атрофидан айланиб ўтган, ўшанда пўртана демаганда ҳам, камида қаттиқ чайқалишини бошидан кечирганди.

— «Қароқчи»да бир шеригимиз бўларди, — деб гапини давом эттирди ўзи ҳам туп-тус қароқчига ўхшайдиган қари денгиз бўриси, — у кемадан бўшаб қуруқликка чиқди-ю, ўзига бир яхши иш топиб олди, бир бойга мулозим бўлди, ойига олти червон олади. Манави устимдаги унинг чолвори, пичок ҳам уники, яна қалин ёмғирпўшини ҳам берди. Мен ўзим сочсоқол оладиган бир иш қилсам дердим. Дайдилик жонга тегди. Энди ўғилчамиз Дэнни, кўринг кеча денгизчи бўламан деб уйдан қочди, онаси Коркдаги мовутфурушга ишга жойлаб кўювди, қаранг енгил пул топаман деб жунаворибди.

— Унинг ёши нечада? — деб қизиқди тинглаб ўтирганлардан бири, ҳа, дарвоқе, бу одам ташқаридан қараганда шаҳар маҳкамасининг котиби Генри Кэмпбеллга ўхшар, аммо албатта унинг оғир машаққатли юмушларидан бу киши йироқ эди, ўзи исқирт устига ранг-баранг латта-путталар илган, бурун-тумшуғи ҳам шолғомдек кип қизил эди.

— Нима-нима? — саволдан ҳайроналиги ошиб секин сўради баҳрий. — Менинг Дэнни ўғлимни айтяпсизми? Ўн саккизларга кириб қолгандир-ов Такавой.

Ана шундан сўнг бизнинг Скибберинлик отахонимиз асли кулранг бўлса ҳам, ҳозирда таниб бўлмайдиган даражада яғир-дағал кўйлагининг бариши елвагай очиб юборди-да, игнада кўк сиёҳ билан лангар расми чизилган кўкрагини қиртиллатиб қаший бошлади.

— Брижуотердаги ҳужрани бит босган экан, — деб ҳикоя қилди у. — Гапнинг очиги. Эрта бириси кун ювиниб олсам бўларди. Анави қора-қураларга сира тобим йўқ. Ҳидига тоқат қилолмайман бу аблаҳларнинг, қонингни сўриб ичади занғарлар.

Ҳамма унинг кўксини томоша қилаётганини кўриб, қулайроқ бўлсин деб, кўйлагини янада кенгроқ очди, шундан сўнг

атрофдагилар бахрийнинг анъаналар тақдис этган умид ва хотиржамлик рамзи лангар узра туширилган 16 рақамини ҳамда хўмрайиб турган йигитчанинг башарасини равшан кўрдилар.

— Игнада туширилган сурат, — тушунтирди намоёнишкор чол. — Ўшанда биз капитан Долтон билан Қора денгиздаги Одесса юртида тўхтаб тургандик. Бир йигит игна билан расм солиб қўйди. Оти Антонио эди. Мана унинг ўзи, юнон бола.

— Игна санчаётганда ёмон оғригандир? — сўради аллаким бахрийдан.

Аммо бу пайт энди ул муҳтарам зот қайсидир жойларини қайсидир тарзда зўр бериб қашинарди, қашинармиди ва ё бошқа...

— Бу ёққа қара, — деди у Антониони кўрсатиб. — Мана бу ерда у жаҳли чиқиб босманни пешдаҳан бўралаб сўкиб турибди. — Энди эса қара! — давом этди у, — манави яна ўшанинг ўзи, — чол бармоқлари билан терисини сидириб тортиб, қизиқ бир нарсани кўрсатди, — энди у қизиқ бир ҳангомани эшитиб ҳаҳолаб куляпти.

Ҳақиқатан ҳам, Антонионинг қаҳрли юзи қийинчилик билан бўлса ҳам, кулгидан ёришди, бу алламбало санъатдан ҳамма ҳайратланиб лол қолди. Ҳатто бу сафар Эчки Пўстак ҳам қизиксиниб бошини чўзиб қаради.

— Эвоҳ! — надомат сурди бахрий ўз мардона тўшига боқиб. — Бу ҳам омонатини топширди. Уни акулалар еб кетди. Эвоҳ!

У чўзиб турган терисини қўйиб юборди, сурат яна асли ҳолига қайтди.

— Қойилман-е, — деб қўйди бандаргоҳ ҳаммоли.

— Рақам нимага чизилган? — қизиқди иккинчи дайди.

— Тирик еб қўйишдими-а? — сўради учинчи санғи бахрийдан.

— Э-воҳ! — хўрсинди яна бахрий бу гал энди унчалар ғамалам чекмай ва рақам борасида сўраган кимса томонга боқиб алланечук синиқ табассум қилди.

— Еб кетишди. Ахир у юнон бола эди.

Кейин ҳикоясининг мазмунига хилоф ўлароқ бирмунча аянчли ҳазил-мазах билан қўшиб қўйди:

Невлай мени баччағар Антониё

Ташлаб кетти аямай бу ёна-ё.

Бошига қора похол шляпача илган бўялган юзи ўлиқдай оқарган кўча фохишаси эшикни қия очиб бу ерда бизга қурбон

бўлгувчи йўқмикан дегандай аланг-жаланг мўралади. Ташвишга тушиб қолган Блум ҳамон сиполикни қўлдан бермай кўзларини қаерга яширишни билмай четга ўгирилди-да извошчими ё бошқа бировми, қолдириб кетган, Эбби-стритнинг маҳсулоти бўлган нимпушти газетани стол устидан олиб оқиб нега бу пушти экан-а деб чуқур ўйга толиб газета пуштизорига тикилди-қолди. Ҳамма гап шунда эдики, бу бироз жиннисанғироқ ойимчани у кундузи Ормонд-куэйда чала ярим кўрган, у ўша боши берк кўчалик хотин бўлиб, анави жигарранг уст-бошлик хоним (миссис Б.) сизга тегишли бўладилар, а, деб ўсмоқчилаган, кейин сизнинг кийим-кечакларингизни ювиб берсам майлими, деб сўраган ҳам эди, ҳа, бу худди ўша аёлнинг ўзгинаси. Нафсиларга, нега энди бирдан кийим-бошни ювиб бермоқчи, буни негадир ҳеч тушуниб бўлмасди, тўғрими ахир?

Ювиш учун кийим-бош. Самимият юзасидан тан олиб айтиш керакким, Блумнинг ўзи Ҳоллс-стритда хотинининг кир кийимларини юварди худди шунга ўхшаб хотинлар ҳам сира жирқанмасдан эркакларнинг шунга ўхшаш лаш-лушларини ювиб-тозалаб беришади уларга Бюли ҳамда Дрейпер фирмасининг алоҳида сиёҳда белгилари қўйилади (яъни хотинининг ювиладиган кийимларида шундай белгилар турарди) хотинлар чини билан яхши кўришса, бундай нарсалардан асло тортииб-торикиб ўтирмайдилар. Зеро мени севсанг, менинг кир кўйлагимни ҳам севасан-да. Бирок Блум худди мана шу дақиқада ўзини худди игна устида ўтиргандай сезар назарида ҳозир бу ойимчанинг боридан йўғи яхши эди. Қовоқхона хўжайини ойимчага қўполдан-қўпол қилиб бу ердан туёғингни шиқиллат деган маънода қўл силтади, Блум бундан ўзини ниҳоятда енгил сезди. «Ивнинг телеграф» газетаси варағининг устидан Блум аёлнинг алланечук шишадай қотиб қолган телбасаро ақлу ҳуши ўзида бўлмаган чехрасини узук-юлуқ кўрди.

Аёл қия очилган эшик орқасидан шкипер (кемачи) Мэрфининг шўр босган тушини ҳайрат ичида томоша қилаётган одамларга ҳайрон-харосон тикилиб турди-да, сўнг дарҳол ғойиб бўлди.

— Вой, чатоқ, — деб қўйди хўжайин.

— Тиббиёт нуқтаи назаридан, — деб ўз фикрини Стивенга маълум қилди мистер Блум, — мени шу нарса ларзага соладики, таносил касалхонасидан чиққан мана шундай ойимтилла турли юқумли нарсалар тарқатиб ва боз устига яна сурбетлар-

ча хиралик ҳам қилади, ахир ҳар қандай соғлом фикрли эркак киши ўзининг сихат-саломатлигига бефарқ қаролмайди ку. Шўрлик аёл! Ишончим комилки, охир-оқибатда бу аёлнинг шу аҳволга тушишида қайсидир бир эркак айбдор. Лекин сабабу асбоблар қандай бўлишига қарамасдан, барибир...

Эшикдаги аёлни ҳатто фаҳхламаган Стивен елкасини учуриб қўйди-да, гапни қисқа қилиб қўя қолди:

— Бу ўлкада ўша аёлликдан кўра беш баттарроқ товарни устомонлик билан пуллашади, яна мушакбозлик ҳам қилишади. Танасини сотувчилар, бироқ кўнгилларни харид этишга қурби етмайдиганлардан қўрқманг. У аёл ақлсиз сотувчи, қимматга олиб арзонга сотади.

Ёши каттароқ Блум гарчи риёкорлар ва қариқизлардан бўлмаса да, буни жанжалли ва ўта бемаъни нарса деб атади, бунга ўхшаган тубан кетган хотинлардан қочиб қутулишнинг иложи йўқлигини назарда тутиб (қари қизларнинг бу борадаги барча оҳ воҳларини бир чеккага йиғиштириб қўйган ҳолда) бундай аҳволга қатъиян, узил-кесил чек қўйиш кераклигини айтди. Буни қарангки, улар тегишли маҳкамалар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилмайдилар, рўйхатга олинмайдилар, шуни тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкинки, у *paterfamilias*¹ сифатида бундай чора-тадбирларнинг тарафдори бўлиб келган ва қатъиян уларни ёқлайди. Шунинг учун кимда-ким унинг айтишича бу тадбирларни амалга оширишга киришса ва масалани асосли равишда элақдан ўтказса, тўғридан-тўғри барчамизга катта яхшилик қилган бўлар ва савобга қоларди.

— Сиз тана ва жон ҳақида гапирганингизда, — деб қўшиб қўйди у, — чинакам католик сифатида жонга ишонасиз. Ёки сиз эҳтимол ақлни назарда тутарсиз ёки ҳар қандай ташқи нарсадан, айтайлик, манави столча билан идишдан қандайдир фарқ қилиб ажралиб турадиган миянинг фаоллигини айтаётгандирсиз? Бунга менинг ўзим ҳам ишонаман, зеро, билимдон одамлар буни миямизнинг эгри-бугри чизиклари деб тушунтирганлар. Ақс ҳолда бизда ҳеч қачон, мисол учун, икс-нурлар каби ихтиролар бўлмасди. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Стивен ўзини худди деворга такаб қўйилгандай ҳис қилиб, жавоб беришдан олдин бутун хотирасини ишга солиб эслаш ва фикрини жамлашга уринди.

¹ Оила бошлиғи (лот.).

— Энг яхши олимларга суянган ҳолда мени шунга ишонтирган эдиларки, бу оддий ва шу билан бирга ҳеч қачон бузилиш нималигини билмайдиган жавҳар. Менинг тушунишимча, у ўлмайдди, аммо ўзининг Биринчи Сабабияти томонидан маҳв этилиш имкони ҳам йўқ эмас. Яъни эшитганларимга қараб, ҳукм чиқарадиган бўлсак, ўзининг шўхликлари ва найранглари қаторига анчайин оддий бир нарсани ҳам қўшиб қўйишга қодир Зотни назарда тутаман. Ҳолбуки, *corruptio perse* ҳамда *corruptio per accidens*¹ самовий шариятда ман этилгандир.

Мистер Блум гарчи руҳоният нозикликлари унинг дунёвий қарашларидан бирмунча узоқ бўлса-да, айтилган фикрнинг моҳиятига тўла-тўқис қўшилди. Бироқ бошқа бир томондан оддий деган сўзга эътироз билдириб ўтишни лозим топиб, дарҳол шундай деди:

— Оддий дейсизми? Менимча, бу сўз ўринли эмас. Албатта, мен сизга ён бериб галингизга қўшилишим мумкин, ҳақиқатан, омадингиз чопса, онда-сонда сиз оддий бир кўнгилни учратиб қолишингиз аҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ мен бу билан нима демоқчиман, айтайлик, Рентген ихтиро қилган нурлар бу бошқа масала, ёки телескоп, ё Эдисон, гарчи ундан анча олдин Галилей чиққанини айтмоқчийдим, худди шунга ўхшаб табиатнинг қандайдир жуда улуғ ҳодисасини ва унинг қонунларини очиш мисол учун электр қувватига ўхшаган лекин агарда сиз айтсангизки, ғайрифавқулда илоҳий бир кучнинг мавжудлигига ишонаман десангиз, унда бу бутунлай бошқа бир нарс.

— Аммо бу шак-шубҳасиз исботланган, — эътироз қилди Стивен, — бошқа аллақанча исбот гувоҳликларни айтмаганда ҳам, Инжилнинг бир қатор матнларида қайд этиб ўтилган.

Бироқ ушбу нозик масалада маълумотига ва умуман бошқа барча ҳолларда ҳам турли кутбларда турган, боз устига ёши жиҳатидан ҳам анча мунча фарқ қиладиган суҳбатдошларимиз ўзаро тортишиб қолишди.

— Исботланган дейсиз-да? — эътироз билдирди суҳбатдошларнинг ёши улуғроғи ва тажрибакорроғи бўш келишни истамай. — Менинг бунга ишончим йўқроқ. Бундай нарсаларда ҳар кимнинг ўз фикри борки, мазҳабчилик нуктаи назарига ўтмай турибоқ, таассуфки, сизнинг қарашингизга *intoto*² қўши-

¹ Ичдан бузилиш.. тасодифан бузилиш (лот.).

² Умуман олганда (лот.).

долмайман. Очигини айтганда, сизнинг матн деганларингизнинг бари турган-битгани ясама яна ҳам тўғриси уларни роҳиблар кейин қўшиб қўйишган ёки бу ўринда ўша-ўша бизнинг буюк миллий шоиримизнинг муаммоси, ким ёзган ўша асарларни, «Хамлет»ни дейсизми, ёки Бэконни, лекин буни сизга менинг сўйлаб ўтиришим ортиқча, сиз ўз Шекспирингизни мендан кўра юз чандон яхшироқ биласиз, ҳатто қиёслаб ҳам бўлмайди. Менга қаранг, нега бу қаҳвани ичмаяпсиз? Майлими, уни сизга мен аралаштириб берай, манави нонни ҳам енг. Гарчи у баҳрий чолимизнинг қўйнидан чиққанга ўхшаса ҳам. Аммо бориға барака! Шукур қиламиз. Озгина тотининг.

— Томоғимдан ўтмаяпти, — деди базўр Стивен, шу тобда унинг ақли-ҳуши шундан ортиқ сўзни топиб айтишга қодир эмасди.

Мистер Блум мақолда айтилганидек тортишиб ўтириш бефойдалигини сездиди-да, қаҳва идиши тагидаги қанд думалоғини эзиб аралаштиришга киришди. Қошиқчани айлантитаркан, Қаҳва Саройи борасидаги аччиқ хаёлларга берилди, унинг алкогольга қарши (сердаромад) фаолиятини ўйлади. У конуний мақсадларни кўзлаган иш бўлиб, ҳеч шак шубҳасиз, кўп яхшиликларни юзага чиқарди, мана бунга ўхшаган тунги мижозлар учун мўлжалланган ичкилик ичилмайдиган жойларни ташкил қилди, концертлар, театр оқшомлари, қўйи табақалар учун олим кишилар ўқийдиган фойдали маърузалар (кириш эркин) уюштирди. Бошқа бир томондан унинг қўнгли оғриган пайтлар ҳам бўлган, бир маҳаллар унинг хотини, Мэрион Твиди хоним улар орасида жуда шуҳрат қозонган эди, аммо шунга қарамай унинг фортепьянодаги ўйинларига жуда ҳам оз ҳақ тўлашганди. Билошак, мистер Блум уларнинг хайрли ишлар қилишганига ишонарди, албатта фойда олишни ҳам ҳеч унутишмаган, воқеан улар билан рақобат қилувчилар ҳам бўлмаган эди. Кейин қуритилган нўхатдан мис сульфати, SO₄ захари чиқди, буни у аллақайси арзон емакхонада ўтириб газетада ўқиган, аммо ҳозир тафсилотларини аниқ эслолмайди. Ҳа, қандай бўлмасин, барча турдаги озиқ овқатларни назорат қилиб бориш, тиббий назоратдан ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам ҳозир ғоятда муҳим бўлиб туюларди унга, эҳтимол доктор Тибблнинг Вай-қаҳваси худди шунинг учун ҳам, уни тиббий кўрикдан ўтказилгани боис кўпчиликда қизиқиш уйғотгандир.

— Қани, мана энди бир ҳўплаб кўринг чи, — дейишга журъат қилди у, қаҳвани аралаштиргач.

Бу кистовга дош беролмаган Стивен ўзида андак бўлсин татиб куриш мажбуриятини сезиб, залворли қаҳва идишни тагига тўкилган қўнғир кўлмакчадан чакиллатиб кўтарди-да, маза-матрасини билмай бир ҳўплам ичди.

— Барибир қуюқ овқатнинг ўрни бошқа, — деб қўйди меҳрибон киши, — мен қуюқ овқатни ектираман, — йўқ, унинг бирдан-бир мақсади лазиз овқатхўрлик эмасди, йўқ, асло ундай эмас, аммо ўз вақтида тўйиб овқатланиш ҳар қандай жиддий ақлий ёки жисмоний меҳнатнинг *sine qua non*¹. — Сиз доим кўпроқ қуюқ бакуват таом ейишингиз керак. Дарҳол бошқача одам бўлиб коласиз.

— Мен биройта суюқ овқат ичсам дегандим, — деди Стивен. — Фақат барака топинг, мана бу пичоқни кўзимга кўрсатманг. Унинг тиғига қаролмаяпман. Менга Румо тарихини эслатяпти.

Мистер Блум илтимосни шу заҳоти бажо этиб, норозиликка сабаб бўлган мугуз дастали одми ўтмас пичоқни кўздан узокроққа олиб қўйди, шуни ҳам айтиш жоизки, бу нарсаларнинг фарқига бориб ўтирмайдиган одам айни ўринда на Румо ва на антик дунёга дахлдор бирон нарса борлигини хаёлига ҳам келтирмасди, бунинг устига пичоқнинг тиғи ҳам тўмтоқ тароқдан фарқ қилмасди.

— Бизнинг умумий дўстимизнинг, — ҳамсуҳбатига қарата қўшиб қўйди мистер Блум пичоқлар мавзусига қайтиб, — барча ҳикоялари унинг исми-жисмига ғоятда мос. Сиз буларнинг ҳаммаси рост деб ўйлайсизми? Бундай олди қочди хангомаларни кечаси билан ухламай айтиб чиқади, аммо ичида жиндак тўғриси бўлса ўлсин. Ана унга ўзингиз қаранг.

Баҳрий чолнинг кўзи уйқусизлик ва денгиз шамолидан юмилиб-юмилиб кетаётганди, лекин ҳаётда хангомалару бир-бирига ўхшаб кетадиган қўрқинчли воқеалар учраб туради, шунинг учун бунда ҳаммаси бошдан-оёқ тўқима бўлмаслиги ҳам мумкин, гарчи унинг ўз қўйнидаги хазиналардан бирма-бир тортиб чиқараётган олди-қочди хангомалари бир қарашда Хушхабарнинг соф ҳақиқатларига сира ўхшамаса-да.

Шу аснода у рўпарасида ўтирган тасқаранинг турқига синчиклаб разм солар, ул кимса кўз ўнгида пайдо бўлгандан бери ундан шерлокхолмсларча назарини узмасди. Бу кимса боши-

¹ Зарур шарт (*лат.*).

дан сочи тўкилиб кетганига қарамай ўзини яхши сақлаган, равиш-рафтори ҳам анча дадил эди. Айни чоқда турки-тароватида панжара орқасида бўлганига ишора қилувчи шубҳали алланималар ҳам йўқ эмасди. Шунга кўра, кўзга ташланиб турувчи бу ғалати сиёкли Зот тош ва арава биродарларидан бири эмасмикин деб ўйлаш ҳам мумкин эди. Ҳатто ажаб эмаски, у ўз вақтида рақибнинг додини ҳам берган ва балки ғаддор ғанимини нариги дунёга қандай жўнатганини ўзи гапириб юргандир бундайлар озми дунёда, ана ундан кейин жазони олиб тўрт йилми, беш йилми қамоқхонада азобиши егандир, анави муштарак Антониони қўя турайлик (уни улуғ миллий шоиримизнинг қаламига мансуб драмадаги адаши билан чалкаштириб юбормайлик), у ўзининг қилгиликларини юқорида тасвирлангандай йиғлоқи дод вой билан юварди. Бошқа бир ёқдан қараганда, шунчаки ёлғон гапирган бўлиши ҳам мумкин, бу кечирса бўладиган камчилик, нега деганда, дублинлик халойиқнинг бари Худонинг бориб гурган меров аравакашларига ўхшайди, ҳаммаси нодон ва калтафаҳм, ҳаммаси денгизлар ортидаги узок ўлкаларнинг ҳангомаларига ўлардай ишқибоз, уларга қараб туриб дунё океанларини кезиб чиққан пихини ёрган денгизчи «Геспер» кемаси ҳақидаги сийқаси чиқиб кетган олди кочди хангомаларни айтиб лақиллатгиси келмайди дейсизми. Охир-оқибатда киши ўзи ҳақида бичиб-тўқийдиган ҳар қандай бўлар-бўлмас воқеалар ўша кишининг ўзи ҳақида бошқалар тўқийдиган ўтакетган бемаънилик олдида ён боланинг чулдирашидай беозор бир нарса бўлиб кўринади.

— Эътибор беринг, мен унинг оғзидан чиққан гапларнинг ҳаммаси ёлғон-яшиқ деётганим йўқ, — давом этди Блум. — Бундай нарсалар онда-сонда бўлса ҳам, учраб туради. Масалан, улкан одамни ҳар куни кўравермайсан-ку, ахир. Ёки митти одамларнинг маликаси Марцеллани кунда учратмайсан-ку. Генри-стритда мум қиёфалар ичида мен ўзим ўз кўзим билан айткларни¹ кўрганман. Уларнинг номи шунақа. Улар чордана қуриб ўтиришади, кейин оёқларини ҳеч ёзишолмайди, пул берсангиз ҳам уdda қилишолмайди, нега деганда уларнинг мана бу ердаги пайлари, мана, кўрдингизми, — у суҳбатдошининг оёғини қўли билан чизиб кўрсатди, — унг тизза тагидаги пай-

¹ Мексикада ҳиндуларнинг йирик элати. Блум дарвеш йоғларни кўрган бўлса керак, айткларга чалкаштиряпти

лар, яна нима десангиз, ўзингиз биласиз, мутлақо ишга ярамайдиган ожиз бўлиб қолишган, бу чордана куриб ўтиришнинг натижаси, улар уззу кун шундай ўтиришади, одамлар уларга Худога сифингандай сифинишади. Мана сизга содда кўнгиллар деганингизга яна бир мисол.

Бироқ, келинг, биродаримиз баҳрий Синдбод ва унинг ақли лол қолдирувчи саргузаштларига қайтайлик (бу киши унга Людвиг, яна бир оти Ледвижни эслатарди, Майкл Ганн «Учар голланд»ни бошдан-оёқ кўйганда, у «Гэйети»да кўшиқ айтарди, бу катта ютуқ эди, мухлислар ёғилиб кетган уни эшитиш учун ур-йиқит қилиб ёпирилиб келишарди, лекин умуман олганда, кемалар қандай кўринишда бўлмасин, саҳнада жуда хунук чиқади, поездлар ҳам худди шунақа). У буларни бўлиши мумкин бўлган нарсалардай қабул қиларди. Аксинча, орқадан келиб пичоқ уриш анави италянларнинг қўлидан бемалол келади, лекин у ўша Кумдаги мўъжазгина Италиядаги¹ музқаймоқ ёки қовурилган балиқ сотувчилар ёки кўчага картошка қовуриб чикувчиларни умуман олганда ақли расо, тежамкор ва ишдан қочмайдиган одамлар деб ўйларди, фақат бир камчиликлари ярим кечалари юриб мушукка ўхшаш ювош ва фойдали махлуқларни овлашга ишқибоз эдилар, бу ҳайвонларни бировга қарашли деб ҳам ўтиришмайди, эртасига булардан саримсок солинган хушхўр ўткир суюқ ош тайёрлаб сотишади, деб қўшиб қўйди у овозини пастлатиб ва яна секингина, бунинг устига арзон ҳам, деди.

— Ёки испанларни олинг, — давом этди у, — жуда қизиққон халқ, дарров жўшиб ҳовлиқиб кетишади, ҳаш паш дегунча оломон қилиб юборишади, суд-пуд деб ўтиришмайди, озгингизни очолмай коласиз, тўғри жаҳаннамга жўнатишади, ханжарлари доим ёнларида, қоринга паққа уришади-ю, тамом-вассалом. Бунинг ҳаммаси ҳавонинг иссиғидан, иқлим сабабчи. Менинг хотиним испан аёли, яъни ярим испан деса ҳам бўлади. Агар хоҳласа, испан фуқаролигини талаб қилиши мумкин, ҳақи бор, негаки у Испанияда (хужжатга кўра) туғилган, Гибралтарда. Туп-тус испан қизи. Ўзи росмана қорачадан келган, худди мумдай коп-қора, имоним комил, иқлим одамнинг феъл-атворини белгилайди. Мен сиздан шеърларингизни италянчада ёзмайсизми, деб сўраганим боиси шунда эди.

¹ Кум ёнидаги кичкина Италия — Дублиндаги италянлар яшайдиган маҳалла.

— Эшикнинг нариги ёнидагилар, — орага гап қўшиди Стивен, — ўн шиллингга ҳирс қондирадилар. Roberto ruba roba sua¹.

— Жуда ҳам тўғри, — маъқуллади мистер Блум.

— Ундан сўнг, — давом этди Стивен нигоҳини бўшлиққа тикиб ва худди ўз-ўзига ёхуд қандайдир аллакимга қарата сўзлагандай, — Дантенинг эҳтироси ҳамда тенг томонли учбурчак мавжуд, мисс Портинарини у севиб қолган эди, кейин Леонардо, ундан кейин Сан Томмазо Мастино².

— Бу қон билан кирган, — дарҳол рози бўлди мистер Блум. — Ҳаммаси куёш қонида ювилган. Биз учрашмасимиздан сал илгари мен Килдер-стритдаги музейга кирган эдим, тўғри келиб қолганини қаранг, қадимги антик ҳайкалларни томоша қилдим. Беллар, кўкраклар ниҳоятда бир бирига уйғун. — Сиз ундай аёлларни бу ерда учратмайсиз. Мабодо истисно бўлмаса жуда кам. Рост, гўзаллар бор, ўз ҳолига жуда чиройли, келишганлари бор, аммо мен назарда тутган нарса бу қадди қоматнинг мавзун нафислиги. Ундан кейин уларнинг либос танлашга фаросатлари етмайди, аксар ҳаммалари шундай, нима деганда ҳам, либос табиий гўзалликка янада гўзаллик қўшади. Бўлмаса пайпоқни ҳамғижим қилиб қиядим, балки бу менинг ўз шахсий фикримдир, аммоғижимланган кийимга ҳеч қарагим келмайди.

Орада улар теварагида бўлаётган гурунгниг чўғи сўна бошлади, кейин денгизларда бўладиган турли воқеалар устида гап кетди, кемаларнинг туманлар қўйнида ғойиб бўлишлари, муз тоғлари билан тўқнашиб кетишлар ва ҳоказо гап борди. Албатта, бу борада бизнинг Полундра³мизнинг олдига тушадигани йўқ эди. У Яхши Умид бўғозидан бир неча бора айланиб ўтган, ёзу қиш Хитой денгизларида эсадиган муссон шамолларини кўрган, унинг ҳикоя қилишича, мана шу бало-офатларнинг ичида фақат биргина нарса ўзининг тили билан айтганда унга ҳеч қачон хиёнат қилмаган экан, у ҳам бўлса, муқаддас тумори доимо уни қутқарган экан.

Сўнг гурунг бафуржа Норвегиянинг барк кемаси ҳалокатга учраган Даунт-рокдаги бахтсиз воқеага бориб тақалди; ҳеч ким бу кеманинг номини эслолмади, ниҳоят, анов ўлардай Генри

¹ Роберто рўпоҳ рўданосини ров қилар (*итал. тез айтиш*).

² Беатриче Портинари турмуш қурган эди. Муҳаббат учлиги назарда тутилади.

³ Полундра — хавф-хатардан огоҳ қилувчи овоз (*халқаро сўз*).

Кэмпбеллга ўхшайдиган извошчи пешонасига шап этиб урди, «Палме!» — деб кичкирди. — Бутерстаун қаршисидаги ҳалокат. Ўшанда шаҳарда шов-шув бўлиб кетди (ҳатто Алберт Вильям Квилл бу воқеа муносабати билан ноёб фазилатларга эга, ҳақиқий шоҳ асар бўлган шеър ҳам ёзиб чиқди ва уни «Айриш Таймс»да бостирди), тўлкинлар кемани кўмиб юборди. Соҳилда ачиниб турган минглаб кишилар даҳшатдан тош қотиб қолишди. Шундан сўнг яна кимдир Суонсидан чиққан «Леди Кернз» деган кеманинг ҳалокати тўғрисида алланималар деди, унга қаршидан келаётган «Мона» кемаси урилиб кетибди, ўшанда денгиз зимистон қоронғуликка чулғаниб ётган экан, «Леди Кернз» бутун командаси билан бирга чўкиб кетибди. Ҳеч ким ҳеч қандай ёрдам беролмабди. «Мона»нинг капитани кейин айтганмишки, тўкнашиб кетишдан кўрқдим, шпапгоутлар чидамайди, деб ўйладим дермиш. Ҳолбуки унинг трюмида ҳатто сув ҳам бўлмаган.

Гурунг шу ерга келганда, кичкина бир воқеа рўй берди. Саёзликка чиқиб эҳтиёжи пайдо бўлди, шекилли, баҳрий заҳар кистаб ўрнидан турди.

— Сенинг қаршингдан кесиб ўтишга ижозат бер, ошна, — деб мурожаат қилди у уйқусираб, боши тушиб кетаётган ёнидаги кишига.

У оҳиста, оғир қадам босиб, ўзига йўл очганча эшикка қараб юрди, у эшикдаги бирдан-бир зинадан вазмин сакраб тушди-да, чапга ўтди. Йўлини топиб бораркан, уни ўрнидан қўзғалган вақтдан оқ кузатиб турган мистер Блум унинг ҳар битта чўнтагидан чамаси баҳрийлар ичадиган ва юрагининг ўтини босадиган ром шишаси туртиб чиқиб турганини кўрди, баҳрий чўнтагидан битта шишани чиқариб пўкагини очибми-бурабми олди-да, оғзига тутиб ютоқиб ича бошлади, шишанинг қултиллагани аён эшитилиб турарди. Ўзининг билганидан қолмайдиган Блум қари масхарабоз бизни чалғитиб, аслида аёл қиёфасидаги бояги рўдапонинг орқасидан тушди, деб дарғумон бўлди, бироқ у хотин аллақачон кўздан ғойиб бўлган, шунинг учун кўзларини йириб очиб қараб, аранг шу нарсани илғадики, ромнинг кучидан анчамунча тетиклашган баҳрий чол Айлана кўприкнинг мушаккал хўкизлари ва тўсинларига аланг-жаланг кўз югуртирар, худди ўз кўзларига ишонмаётгандай турарди, зеро унинг охириги мартаба кўрганига қараганда кўприк тубдан таъмирланиб, янгиланганди. Бу ердан ўзи кўрилмаган кишилар унга Тозалик Комис-

сияси томонидан маълум мақсадларга кўра шу атрофда қурилган эркаклар бадрафхонасини кўрсатишди, аммо тамомила сукунат ичида ўтган бир неча сониядан сўнг, баҳрий турган жойидан жилмасликка қарор бериб, шу ернинг ўзига бўшаниб кўя қолди, шундан сўнг ичидан шилдираб тушган сувлар тош йўлдан жилдираб оқиб борди-да, йўл четида тўхтаб турган отни безовта қилиб қўйди. Ҳар нечук, у тақасини тақиллатиб бошқа жойга ўринлади. От абзали шақирлади. Шаҳар тошлоқларининг қоровули ўзининг чўғлари яллиғланиб турган манқал ёнидаги кулбасида мудраб ётганча безовта қимирлади, бу ўша биз юқорида эслаган, ҳа деса ўрнидан сакраб турадиган, ишқал дунёда омади тубан кетган Гамли эди, у ҳозир амалда қавмнинг хайр-эҳсони ҳисобига кун кўрар маънави вақтинчалик омонат ишга эскидан таниш-билишлигини рия қилиб одамгарчилик юзасидан Пэт Тобин жойлаштирганди; Гамли кулбасида у ёнидан-бу ёнига ағдарилди да, сўнг яна уйқу илоҳининг қучоғида кўзларини юмди, ҳақиқатан ҳам бу оғир замонлар яхши оиладан чиққан, бир умр пичоғи мой устидан тушмаган, ялло қилиб яшаган бу йигитни эзиб қисти-бастига олганди; бир сафар ҳатто худди осмондан тушгандай йилига юз фунт даромад олишга муяссар бўлган, бироқ уч карра эшакнинг қўлидан бу мўмай даромад ҳам чиқиб кетганди. Мана энди баъзи кезлар бутун шаҳарнинг оғзи-бурнини мойлаб катта зиёфатлар бериб юрган бу кимса ўзи шир яланғоч, ош деганда тиши тақиллаб ширин жонига қайдан бошпана топишни билмайди. Нимасини айтасиз, яна бош кўтармай ичади, буниси ҳам яна бир ибрат денг, ҳолбуки, у катта-катта ишларни дундириши мумкин эди, агарда, ҳа, баралла агарда деб айттайлик, ўзининг шу бадбахт одатини ташлай олсайди.

Орада ҳаммалари Ирландиянинг ҳам узоқ, ҳам яқин масофага қатновчи кемачилигининг тушқуниликка учраганлигини айтиб оҳ-вой қилишарди. Бу бир танганинг икки томонига ўхшаган ҳодиса эди. Александра кўрфазида Полгрэйв-Мэрфи учун бу йил фақат биттагина кема қурилиб сувга туширилганди. Рост, гавану бандаргоҳлар барчаси ҳеч қасққа кетгани йўқ, ўз жойида турибди, фақат уларда кемаларнинг қораси кўринмайди.

Биласизларми, деди қовоқхона хўжайини, ҳалокатда ҳам ҳалокат бор, чамаси, у аҳволнинг баридан хабардор эди.

У шунини билишни истардики, нима сабабдан ўша ҳалокатга учраган кема бутун Голуэй кўрфазидаги ягона қояга бориб бано-

гоҳ урилади, ахир бу воқеа анави отинг қурғур Уортингтон энди Голузэй бандаргоҳининг лойиҳасини илгари сураётган бир пайтда руй берди-ку, а? Қани, сизлар ҳаммангиз бориб даргадан сўрангчи, унга англиз ҳукумати кўрсатган бундай хизмати учун қанча ҳақ тўладийкин? Ливер йўналишидаги капитан Жон Ливер.

— Тўғри айтяпманми, кеп? — деб мурожаат қилди у бўшаниб ва бошқа юмушларини бажариб қайтаётган баҳрийдан.

Ушбу эъзоз-икромга сазовор бўлмиш Зот йўл-йўлакай қандайдир қўшиқнинг узук-юлуқ бир нағмасини денгизчиларча хиргойи қилиб кела туриб кейин бор овози билан бўкирди. Бунга зийрак қулоқ солиб турган мистер Блум баҳрий томоғига ёпишиб қолган тамаки парчасини қиҳқиҳлаб чиқариб ташлашга уринаётганини англади (ҳа, бу ростдан ҳам оғизга солиб чайналадиган тамаки эди), у иштонини ечиб бўшанаётганда тамаки бўлагини кафтида сикимлаб турган бўлса керак, кейин енгиллашгач, анави оташин қултумдан сўнг бу тамаки лўнқаси унга ғоятда турш туюлган бўлса, ажабмас. Қисқаси, у ёзилиб-сузилиб бўлгач, атрофга ўткир ичкилик ҳидларини бурқситиб ашаддий денгиз дайди-сангилари каби ўкириб-бўкириб эшиқдан бостириб кириб келди.

Кемамизда қотган нон
Шайтон теридан қаттиқ,
Тузланган гўшт шўрроқлир
Лутнинг хотинидаш ҳам.
Эх, Жонни, Жонни Ливер,
Эх, Ливер Жонни, эх!

Ушбу нағмасидан сўнг одамни қўрқитадиган бу тасқара даядил ичкарига кадам қўйди-да, омон-эсон ўз жойига етиб бориб мукка чўкди.

Чамаси Эчки Пўстак бўлса қандайдир ғаразли мақсади бўлса керак, Ирландия табиати ва хазиналарининг чексиз бой саховати борасида кўпириб ўзининг норозиликларини зўраки даргазаб оҳангда ёзғира бошлади, ҳа, шунга яқин бир нарсаларни пускуриб, нақ диссертация қилиб юборди, Ирландия ёруғ оламдаги энг бой мамлакат деб пишқириб тупугини сочди, Англия у билан тенглашаман деб чиранмаёқ қўйсин, бу ердаги конларда кўмир ғиж ғиж тиқилиб ётибди, йилига олти миллион фунтлик чўчка гўшти, ўн миллион фунтлик тухум ва ёғ чиқарилади, бу-

тун бойликларни Англия йнғиштириб олади, камбағалларнинг бошига оғир солиқлар солади, бозордаги сара гўштнинг барини тортиб кетади ва ҳоказо, ва ҳоказо деб зўр бериб ўт устига ўт пуркайди. Бу ҳаяжонли мавзуда сўйламаган бир жон қолмади ва ҳаммалари аҳвол ростдан ҳам шундай бўлса керак деган тўхтамага келишди. Ер юзида нимаики ердан униб чиқса, албатта, Ирландияда ҳам кўкаради, деб ёзгирди у, ана, Каванада полковник Эверард бемалол тамаки етиштиряпти. Ирландия беконига нимани тенглаштиради? У ҳеч кимга гап бермай қўйди ва овозини баланд пардаларга кўтариб заррача шак-шубҳага ўрин қолдирмаган ҳолда, орани очик қиладиган кун яқин деб қичқирди, қанча тилласи кўп бўлмасин, барча зулм-золимликлари учун зўравон Англия жавоб беражак. Тарихда мисли кўрилмаган талафот яқинлашмоқда. Немис-пемис, япон-сапонлар ўлжасини пойлаб туришибди, деб уқтирди у. Бурлар эса интихонинг ибтидоси бўлишди. Картондан бино бўлган салтанат қуламоқда, Ирландия унинг емирилишини охирига етказиб қўяди, зеро уни Ахиллеснинг товони деяверинг. Шу муносабат билан нотифимиз юнон қаҳрамони Ахиллнинг нозик жойи қаерда эканлигини тушунтириб ўтди. Шу жойни ҳам сомелар яна бир карра обдан тушуниб олдилар, зеро нотик товонидаги ўша жойни намойиш қилиб кўрсатиб, тингловчиларнинг бутун диққат-этиборини ўзига тортди. Ниҳоят, нотик ҳар бир ирландияликка маслаҳатлар берди: ўз юртини ташлаб кетма, Ирландия учун заҳмат чек, Ирландия учун яша. Парнелл айтганидек, Ирландия ўзининг ҳар бир фарзандига таянади.

Нутқнинг оёғи тингловчилар томонидан эзгу сукунат ичида тингланди. Аммо бизнинг мусти метин йўлбошчимиз ҳада-ҳа ўғитни киприк қоқмай эшитди.

— Ундан кўра ўз ишингни қилсанг-чи, барака топгур, — деб пишанг берди бизнинг тошёнғоқдай маҳкам ва чақилмас биродаримиз болохонадор тарақа-туруқларга жавобан.

Қовоқхона хўжайини емирилиш ва бошқа шу кабилар борасида ён беришга тайёр эса-да, бироқ асосий масалада оёғини тираб туриб олди.

— Қўшиндаги энг яхши жангчилар ким? — қазаб сочиб сўради чиниққан фахрий. — Энг яхши чопағонлар ва сакровчилар ким? Ким бизнинг энг асл генералларимиз ва адмиралларимиз? Қани шуни менга айтиб беринг-чи?

— Кўплари ирландиялик, — деб маълумот берди извошчи. У ранг-бўёғини демасангиз, нақ Кэмлбеллнинг ўзгинаси.

— Мен нима деяман, — илиб кетди кўпни кўрган бахрий. — Католик динидаги ирланд деҳқони. Салтанатимизнинг асосий таянчи, умуртқаси шу. Жем Маллисни биласизларми?

Хўжайин унинг ва бошқа ҳар қандай одамнинг бу борада ўз фикри бўлиши мумкинлигини айтиб, мен ҳар қандай салтанатга, уникими, бошқаникими, тупурдим деди, аммо кимдаким бу салтанатга хизмат қилса, уни ҳеч қачон ирланд деб тан олмаслигини билдирди. Ўртада даҳанаки жанглар қизиди, баҳс аланга олди, одамлар сўкиш ва мушт кўтаришлар бошланмасдан бурун мусобақани жон қулоқлари билан тинглашар, рақиблар ҳам энди ўзларининг ҳақ эканликларини тасдиқлатиш учун уларга тез-тез муурожаат қилишарди.

Бир қанча йиллар мобайнида тўпланган ишончли маълумотлардан бохабар мистер Блум бундай башоратларни бирт бемаъни бир нарса деб билар, чунки уша мақсад ёқадими, ёқмай-дими, бундан қатъи назар, у шуни аниқ англаб билардики, агарда ўзларининг кўрфаз ортидаги қўшнилари мабодо у ўйлагандан кўра ҳам аҳмоқроқ бўлмасалар, унда ўз куч-қудратларини ошқор қилгандан кўра яширганлари маъқулроқ эди. Бу маълум доираларда оруланиб келган ҳавойи орзу-умидларга ҳам мос келардики, унга кўра шу миллион юз йилликлардан сўнг қардошлар оролидаги кўмир конлари хазиналари батамом қуриб битади, нима ҳам дейиш мумкин, агарда неча юз йиллар ўтиб, шундай ҳодиса содир бўлганда ҳам, бу борада у ўзи томонидан фақат мана шуни айта олардики, бунчалар узок вақт орасида жуда кўп бошқа ҳол, бошқа шароитлар ўз-ўзидан юзага чиқиши мумкин эдики, улар охири ечим учун юқоридагидан кам бўлмаган муҳим аҳамият касб этади шу боисдан ҳали турлитуман гап-сўз, ҳукм-хулосалар давом этаётган экан, энг яхиниси — ҳар иккала мамлакатнинг неъматларидан фойдаланаверган маъқул, гарчи улар икки душман кутбда турсалар-да. Шундан ўзга расо йўл йўқ. Яна бир эътиборли тафсилот шундан иборатки, агар кўпол авом тили билан айтадиган бўлсак, фохишалар билан уларнинг жазманлари ўртасидаги ишқивозликлар унга яна шуни ҳам эслатдики, ирланд жангчилари Англия учун қанчалар кўп урушган бўлсалар, аини чоқда унга қарши ҳам шунчалар кўп жанг қилганлар, ҳатто буниси олдингиси-

дан кўпроқ ҳам. Негадир шундай бўлган-да, ахир. Шундай бўлгандан кейин ҳозирми ё илгарими бўлганми ё бўлмаганми, ўша машҳур енгилмаслардан деб танилган ва Фицхаррис деб ном қозонган бу қаҳвахона эгаси билан унинг ўроқда йўқ машоқда йўқ хирмонда ҳозир муҳолифи ўртасида рўй берган ушбу даҳшатаки жанг инсон қалбининг донишманд билимдон бўлмиш бизнинг кузатувчимизгагина бориб турган фирт кўзбўямачилик бўлиб туюлди, яъни ҳаммаси худди олдиндан келишиб қўйилгандай эди, бошқалар эса буни фаҳмлаганлари, ҳатто, хаёлларига келтирганлари ҳам йўқ. Ижарадор ёки хўжайин масаласига келганда, у эҳтимол ўша доғдор кимсанинг ўзи ҳам эмасдир, сартопо оқили замон Блумда мутлақо ўзини оқлайдиган шундай қатъий сезим туғилдики, агарда сен каллаварам эшак бўлмасанг, бундай кимсалардан узоқроқ юрганинг ва на улар ва на уларнинг жинойткор гуруҳлари билан муомала қилмаганинг ва буни ҳаётигнинг қондасига айлаштирганинг яхши, нега деганда айғоқчи хабаркаш чикмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ ана унда сени оёғингни ерга теккизмай қиролича прокурори қўлига топширишди, ҳозирда бу балки қиролдир ёки қандайдир Дэнис ёхуд Питер Кэрига ўхшаган бирон таъвия ҳам бўлиши мумкин, лекин у бундай фикрларни қатъиян ўзидан қуварди. Бунинг устига, ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда, умуман у ҳар қандай жинойт ёки ёвуз қилғиликларни сира ёқтирмасди. Ҳар қалай, жинойткорона майллар ҳеч қачон ва ҳеч қандай бир тарзда унинг қалбида уя қурмаган эса-да, у шунини ҳам хис қилар ва инкор этмасдики (ич-ичида ўзида мустаҳкам турган ҳолда), ўзининг сиёсий эътиқодидан куч-қувват олган ҳолда керак бўлганда ҳақиқатан ҳам, ўткир пулат пичоқни росмана ишга сол олган (шахсан ўзи ҳеч қачон бундай журъат кўрсатишга жазм қилмасди) кимса олдида алланечук фахрланиш туйғусини сезарди, энди бундай караганда, бу ишлар жанубий ўлкалардаги муҳаббат можароларида юз бериб турадиган қасос олишлардан сира фарқ қилмасди, дорга осасанларми-қўясанларми барибир бу қиз меники, ёки бахтиёр жазман хусусида хотини билан икки оғиз гаплашиб сўнг (аввалдан кузатиб юриб уларни аниқ қўлга туширган эди-да), никоҳдан ташқари алоқага йўл қўйган ёстиқдошига тиг ўради, ханжар тиқиб ўлдиради, кейин бирдан эсига келиб қолади, н е бу отинг кургур Фиц-ку, лақаби Эчки палон-палон, у ҳақиқий ошук-

маъшуқларни аравага солиб отда олиб қочган, холос, демакки, агар унга тўғри маълумот етказган бўлсалар, Фицнинг ўзи пистирмада ҳам ўтирган эмас, шу сабаб бўлиб уни донгдор адвокатлардан бири ўлимдан қутқариб қолган. Нима бўлмасин, буларнинг ҳаммаси аллақачон унутилиб кетган, бизнинг дўстимиз қайсидир Эчки Пўстак палон-палонга келсак, шуҳрат унга вафо қилмади. Ҳар қалай, у ё аллақачон дорга тортилиши ва ё ўз ажали билан ўлиб кетиши керак эди. Бўлмаса, худди ҳозирги актриса хотинлардай, оҳ, алвидо, алвидо, бу сўнги хайрлашув дейди-ю, кейин яна кулиб, табассум қилиб саҳнада пайдо бўлади. Ҳа, бемаънидан бемаъни саховатга бой, жушқин ва харрос, иктисод қилиш, тежаш хаёлида ҳам йўқ ва ҳар дамда осмондаги ойни қўйнига тикиб келишга тайёр. Худди шунингдек, бизнинг оқилу доно кузатувчимиз, мистер Жонни Ливер яқин атрофдаги кемалар доқларини тафтишу назоратдан ўтказиб бўлгач, сўнг, «Кўҳна Ирландия» қовоқхонасининг хушқайф қучоғида чўнтаги роса қокланган бўлса керак деб бежиз тахмин қилмасди, нима ҳам дейсиз, о, Эринга қайт ва ҳоказо ва ҳоказолар. Бошқа нарсаларга келганда эса, оқилу доно кузатувчимиз бундай қўшиқларнинг барини яқинда эшитган, энди шуларни Стивенга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлиб турарди. У ўзини ҳақорат қилган кимсанинг бошлаб таъзирини бериб қўйганини сўйлашга тушди:

— Ўша одам арзимаган бир нимадан ўзини хафа бўлгандай сизди, — деб тушунтирди шу жуда кўп ҳақоратларга қарамай беозор табиатини ўзгартирмаган муносиб зот, — оғзимдан беҳос бир сўз чиқиб кетибди. Кейин у мени жуҳуд деб сўқди, жаҳли чиқиб ғазаб қилиб ёпишди. Мен унга аниқ далиллардан чекинмаган ҳолда эслатиб қўйдимки, сизлар сиғинаётган Худо, дедим, яъни мен Христосни назарда тутдим, у ҳам жуҳуд, унинг барча оила аъзолари ҳам худди мендек, аммо-лекин мен ўзим ундаймас, ҳақиқатни олганда. Шу денг, бу гапим унга ёмон тегиб кетди. Юмшоқ сўз жаҳлдан устун. Миқ этолмай қолди шўрлик, ҳамма кўриб турди. Тўғри қилибманми?

У Стивенга ахир сен ҳақлимисан дегандай узоқ термулиб қолди, ўзи рақибга берган маъсум мулойим зарбадан юрагининг тубида ботинмайгина гизли фахрланарди, шу билан бирга бунда илтижо маъноси ҳам йўқ эмасди, зеро, унинг ҳозирги бутун туришидан алланима англашилардики, гўё бу ерда нимадир унчалик ҳам...

– Ex quibus, — минғирлади куруққина қилиб Стивен, орада ҳар икковларининг кўзалари тўқнашиб бир-бирларини ўсмоқчиларди, Christus ёки Блум унинг исми ёки хоҳлаган яна бошқаси, secundum carnem¹.

— Албатта, — деб гапини тўғрилади мистер Блум, — масалани ҳар икки томондан кўрган маъқул. Ким ҳақ, ким ноҳақ, қандайдир аниқ қоида топиш қийин, лекин ҳар қалай доим яхшилиқ томонга имконият бор, гарчи ҳар бир мамлакат бизнинг шўринг курғур диёримизни ҳам истисно қилмаган ҳолда ўзига яраша ҳоқимиятга эга бўлади, қанийди ҳаммада жиндаққина яхши ният бўлсайди. Сен устунми, мен устун деб мақтаниш ёқади албатта, аммо унда ўзаро тенглик нима бўлади. Ҳар қандай зўравонлик билан жиззакиликни кўришга тоқатим йўқ. Бу билан ҳеч нарса ни тўхтаиб ҳам бўлмайди, ҳеч нарсага эришиб ҳам. Инқилобни орқароққа сурса ҳам бўлаверади. Одамларни, нима десамикин, бизнинг кўчамизда яшамайди, бизнинг лаҳжамизда гуфтор қилмайди деб улардан нафратланиш — ўтакетган бемаънилик.

— Қонли кўприкдаги тарихий жанг, — унга қўшилди Стивен, — Кўнчилар маҳалласи билан Ормон бозори ўртасидаги етти дақиқалиқ уруш.

— Шундай, — тўла маъқуллади мистер Блум, бу ниҳоятда тўғри гап эди ва бутун дунёда ҳам бундай воқеалар ҳаддан ортиқ кўп эди.

— Бу гап менинг ҳам тилимнинг учиди турганди, — деди у. — Барча фактларни бузиб кўрсатишади, учи учига тўғри келмайди, тўғриси айтганда, ҳақиқатдан жуда узоқ...

Унинг камтарона фикрига қараганда, жангарилиқ безларими ей ё шунга ўхшаш кичик жойларни тегажоқлик қилиб қитиклайдиган, ор-номус ва шон-шараф иши деб тамомила нотўғри баҳоланадиган мана шу ҳеч нарсага арзимайдиган жиққамушт низоларнинг ҳаммаси айлантириб келганда кўпинча пул масаласига тақалади, барининг орқасида шу туради, очкўзлик, ҳасад ҳам шундан, ахир одамлар ҳеч нарсанинг чегарасини билишмайди.

— Улар айблашади, — овози борича гапирди у. Кейин у бошқалардан орқасига ўгирилиб олди, балки улар... Кейин яқинроқ сурилиб, секин сўйлади, бошқалар эшитиб-нетиб қолмасин... Мабодо улар агар...

¹ Уларнинг... Христос... пуштидан (лот).

— Яхудийларни, — оҳиста сўзлади у Стивеннинг қулоғига, бузғунчиликда айблашади. Лекин бунда заррача ҳақиқат йўқ, қатъиян ишонтириб айтаман. Билсангиз, жуда ҳайрон бўлиб қолмасмикинсиз, тарих шунини инкор қилиб бўлмас даражада исботлайдики, мутаассиб инквизиция яхудийларни қувғин қилганда, Испания таназулга юз тутди, анов Кромвелл фавқулодда иқтидорли зўравон ва яна қанчадан қанча кулфатлар келтирган зот яхудийларни мамлакатга қўйганда, Англия гуллаб-яшнаш йўлига кирди. Нега шундай? Сабаби, яхудийлар ишбилармон одамлар, улар бунини исботлаб қўйишган. Мен тилимга эрк бермоқчи эмасман... бу борадаги асосий қарашлар сизга таниш... сиз эътиқодда ҳам софдилсиз... Лекин иқтисодиёт соҳасида, агар диний жиҳатиши бир чеккага йиғиштириб қўйганда ҳам, руҳоний дейишнинг ўзи — қашшоқлик деган билан баробар. Яна Испанияни олайлик, сиз урушдан хулоса чиқарган бўлуvingиз керак¹, Американи қаранг, тўхтамай олдинга силжияпти. Туркларни қаранг. Гап бу ерда ақидада. Агар улар ўлгандан сўнг тўғри жаннатга киришларига ишонмасалар эди, ҳаётларини бошқача йўл билан яхшилашга бел боғлашарди, ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Маҳаллий қашшоқлар ҳаммани мана шу қармоққа илинтиришиди. Аммо мен, — деб хулосага келди зўриққан товуш билан қаҳрамонимиз, — анов сизга айтганим жанжалкашдан сира қолишмайдиган фидокор ирландияликман ва мен истардимки, — деб таъкидлади у, — динию табақасидан қатъи назар, барча одамлар камтаринроқ бўлса ҳам, аммо етарли даромадга эга бўлсинлар, жуда ҳам қашшоқ эмас, айтайлик, йилига уч юз фунт даромад. Бу ҳаётний муҳим нарса ва унга етишиш мумкин, бошқа бир томондан бу одамлар ўртасида самимийлик ўрнатилишига олиб келади. Ҳар қалай менинг фикрим шундай, тўғрим, нотўғрим, Худо билади. Мен худди мана шу нарсани юртсеварлик деб биламан. Дорилфунунимизнинг мумтоз замонларида бизга шундай деб ўргатишган, *Ubi patria... vita bene*². Яъни, маъноси қаерда яхши меҳнат қилсанг, яхши яшайсан.

Номигагина қаҳва бўлган бемаза ичимлик устида ўтириб, киндикми, диндакми ва яна алланима балолар ҳақида доно гапларни эшитиб ўтираркан, Стивен қилт этмай бўшлиққа ти-

¹ 1898 йили бўлиб ўтган урушда Испания Америкадан енгилди.

² Қайда ватан бўлса... унда яшаш яхши (лот.).

киларди. Албатта, турли-туман, урғулари ҳам ҳар хил бу сўзлар унинг қулоғига етиб келарди. Улар бугун эрталаб ўзи Рингсендда кўрган питир-питир қилиб ўзларини қум ичига яширган ва қумнинг турли рангларида товланган ва чамаси шу яқин ўртада уя қурган қисқичбақаларга ўхшарди. У бошини кўтарди ва меҳнат қилсанг деб эшитилган овоз, йўқ, эҳтимол, сўз таллаффуз қилган кўзлар билан тўқнашди.

— Илтимос, мени ўчириб ташланг, — зур-базур пичирлади Стивен меҳнат қилсангни назарда тутиб. Унинг кўзларида ҳайрат порлади.

— Албатта, мен кенг маънодаги меҳнатни назарда тутаман, — деб ишонтирди мистер Блум. — Шу жумладан адабий меҳнат ҳам, ахир у фақат шон-шухрат учунгина адо этилмайди-ку. Бизнинг замонамизда газета энг тўғри канал, унга ёзиб туриш керак, зеро у ҳам меҳнат. Зарур меҳнат. Нафсиламрини айтганда, мен сиз ҳақингизда жуда кам нарса биламан, сизнинг илм-билим олишишгизга жуда кўп маблағ сарф бўлган, сиз уларнинг ўрнини қоплашга ва ўзингизга яраша кадр-қимматингизга мос баҳо қўйишга тўла маънода ҳақлисиз. Худди уста деҳқон каби сиз ҳам фалсафа билан шуғулланиб ўз қаламигиз билан ризк-рўзингизни таъминлашга сазоворсиз. Тўғрими? Сизнинг бошингиз ҳам, қўлларингиз ҳам Ирландияга тегишли. Ҳар иккаласи ҳам бирдай муҳим.

— Сиз айтмоқчисизки, — деб эътироз билдирди Стивен мийиғида кулиб, — *faubourg Saint Patrice*'га мансуб бўлганим учун салмоқ ва салобат касб этаманми, унинг қисқача номи Ирландия-да, а.

— Мен ундан ҳам нарироқни айтган бўлардим, — деб бошлади мистер Блум.

— Наздимда, — деди Стивен унинг сўзини бўлиб, — Ирландия менга тегишли бўлгани учун муҳим аҳамият касб этади.

— Нима-нима тегишли? — деб эгилиб қайта сўради Блум ниманидир англолмай қолгандай. — Кечиринг, сўзингизнинг охирини эшитолмай қолдим. Айни сизга нима?..

Стивен ноҳуш бир кайфиятда галини такрорлади, қаҳвами ё бошқа бало баттарми солинган идишни нари суриб қўйди-да унчалик ҳам одобга риоя қилиб ўтирмай қўшиб қўйди:

¹ Авлиё Патрик қасабаси (франц.).

— Биз юртимизни алмаштиролмаимиз. Келинг, бошқа мавзуга ўтайлик.

Бу мақбул таклифдан сўнг мистер Блум гап мавзусини ўзгартириш мақсадида бошини қўйи солинтирди, лекин у қандайдир саросимага тушганга ўхшарди, зеро, бутунлай нотаниш бўлиб эшитилган тегишли сўзи қайси гап бўлагига тегишли эканлигини билолмай боши қотганди. Ундан кўра кутилмаганда берилган дашном тушунарлироқ эди. Бунга яқиндагина бўлиб ўтган маишатнинг бош оғриғи таъсир этгандир, зардаси қайнаб гапирганининг боиси шудир, ҳолбуки, ҳушёр пайтида ҳеч қачон бунга йўл қўймасди. Балки мистер Блум улўғ аҳамият бериб қарайдиган оилавий ҳаёт етарлича бир қимматга эга эмасдими ёки йигитга ўзи муносиб доиралардан тенг-тўш ёру биродарлар етишмасдими ҳойнаҳой. Мистер Блум ёш оинасидан ташвишга тушиб қолди, унинг яқиндагина Париждан қайтганлигини эсидан чиқармай бот-бот ўғринча ва журъатсиз назар солар, айниқса кўзалари отаси ва синглисига ҳайратомуз тарзда ўхшаб кетар, шу билан бирга, ҳалиги нозик масалада аниқ равшан бир тўхтамга келолмасди, ҳаёлида ҳаётда бўлиб ўтган турли воқеалар бирмабир гавдаланарди, ҳаммага ажойиб умид бағишлаган юксак маданиятли шундай навқирон ёшлар ҳали ўн гулидан бир гули очилмай айниб кетишар ва бунда уларнинг ўзларидан бошқа бирон кимсани айблаб ҳам бўлмасди. Мисол учун эслайлик ҳаёлпараст О'Каллаганни, унчалар давлатманд бўлмаса-да иззат-икромли хонадоннинг фарзанди эди, эс-ҳуши кўпинча жойида эмас, телба-тескари қилиқлар қиларди, ичиб олганда кўрсатадиган ширин хунарларидан бири нарса ўраладиган қоғоздан кийим ясаб, даврага шуни кийиб келарди (бўлган воқеа), маст ҳолида унга мутлақо тоқат қилиб бўлмасди. Майнавозчиликлари-да ҳаддан ошиб кетган чоғларда ишқал чиқарар, ҳатто орқаси тешиладиган даражага бориб етар, шунда бир қанча улфатлари уни кўздан узокроқ жойларга жўнатишарди, бир сафар Марказий полиция бошқармасида ишлайдиган Жон Меллон унинг Жиноий Кодекс қўшимчасининг иккинчи бўлимига биноан жавобгарликка тортилиши мумкинлигига ишора қилди, бунга кўра иш юзасидан сўроққа чақирилган кишиларнинг айримларининг номлари ошқора этилмайди, бунинг сабаби елкасида калла кўтариб юрган ҳар бир кимсага яхши маълум. Хуллас, хулосанинг лунжига уриб айтадиган бўлсак, олтию ўн олти, буни у ўла қолса эши-

тишни истамайди, Антонио ва шериклари, чавандозлар ва эстетлар ва игна санчиб ясалган суратлар, етмишинчи ёки шунга яқин йилларда урфга кирган нарсалар ҳаттоки лордлар палатаси ҳам бундан истисно эмасди, нега деганда ўшанда ҳали тахт вориси бўлмиш ҳукмрон подшоҳ ёш чоғларида шундоқ эди олий оқсуяклару улуғ киборларни-ку асти қўяверинг, улар бари давлат бошлиғининг изидан эргашиб бордилар, у дунёнинг зўравонлари ва тождор зотларининг ахлоқ қоидаларига тамомила зид бўлган қилғиликлари борасида ҳаёлларга ботарди, мисол учун бундан бир неча йил бурун рўй берган Корнуэлл воқеасини олинг, ҳашаматли пештоқлар ортидагина она табиатга батамом зид ишлар бундай ишларни қонун ҳам, эзгу хулқ-атвор ҳам қоралайди, киши ўйласа даҳшатга тушиб сочи тикка бўлади, лекин шунда ҳам сабаб асбобни бошқа бир нарсада кўришади, таҳмин қилишади, лекин асосий сабаби бутунлай бошқа ёқда қолиб кетади, асосан хотин-қизлардан ташқари булар кўпроқ бир-бирларига панд бериш, бир-бирларини чалиш билан овора ва айниқса асосан безаклару хайлу ҳашамга ўхшаган нарсалар борасида. Бошқачароқ либослар кийишга дид-фаросати етадиган хонимлар, барча пўрим кийиниб юрадиган эркаклар ҳар қандай йўл билан бўлмасин жинслар ўртасидаги жарликларни, ўтиб бўлмас фарқларни иложи бориचा бўрттириб таъкидлашга уринишади, эркагу аёл ёлғиз қолишганда биргаликда қилишадиган беҳаёликларга янада ўткирроқ тус бермоқчи бўлишади, аёл эркакнинг тугмаларини ечади, эркак эса аёлнинг боғичу чизимчаларини бўшатади, э, эҳтиёт бўл, тўғноғич, ҳолбуки қандайдир одамхўрлар яшайдиган оролларда сояда ҳарорат қирқдан ошган пайтлар анов ёввойиларнинг бари бундай қичиқларни сариқ чақага олмай ўз ишини бажаради. Лекин, қани, гапнинг бошига қараб айланиб ўтайлик-чи, ахир шундай арбоб-ардоблар ҳам йўқ эмас-ку, улар энг қуйи зинапоячалардан энг юқори поғоналарга-ча фақат ўз куч ғайратлари билан ёриб чиқинган. Ёлғиз табиий қобилиятларига таянишган. Қалламизни ишлатяпмиз, сэр.

Мана шу ва бошқа сабабларга кўра, назарида ўзининг манфаатлари ва иккинчи бир жиҳатдан бурчи юшилмаслик ва қутилмаган тасодифий учрашувдан фойдаланиб қолишликни тақозо этарди, гарчи у нимага шундайлигини аниқ-таниқ айтолмасди, ҳолбуки шундай ҳам бир неча шиллинг пул аллақачон ҳавога совурилиб кетган ва бунга йигитнинг ўзидан бошқа

биров айбдор эмасди. Лекин ҳар қалай, бошқаларга сира ўхшамаган, салоҳияти ва салиқаси кишини жуда чуқур ўй-хаёлларга толдирадиган инсон билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳеч шак-шубҳасиз юз бераётган оворагарчиликларни оқларди. Бундай интеллектуал рағбатлантириш вақт-бевақт, назарида ақлни пешлаш учун ғоятда қўл келарди. Бунинг устига бунда учрашув, суҳбат, рақс, жанжал, қари баҳрий – ҳаммаси устма-уст келаверди, бирма-бир ўтаверди, лип этди-ю ўчди, бир олам воқеалар ва одамлар, барчаси бир бўлиб дупёнинг тошга ўйилган нақшидай бўлиб қолди, ахир биз шу очунда яшаймиз-да, яна шуни ҳам алоҳида ҳисобга олиш зарурки, қаншоқ тубан табақалардан бўлмиш сув остида сузувчилар, қончи кўмир қазувчилар, ахлат йиғиштирувчилар ва ҳоказо ҳоказоларнинг турмуши охириги пайтларда зўр бериб микроскоп остида қаралмоқда эди. Олтин дақиқалар янада чиройлироқ ўтсин деб, у ўйладики, менга ҳам худди мистер Филип Бюфой сиғари омад кулиб боқини мумкин, бунинг учун ёзишга ўтирса қалай бўларкин мисол учун биронта ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ажойиб бир ходисани тасвирласа (у худди шунга ҳаракат қилмоқчи эди) ва ҳар бир устунига бир гиней қалам хаки қўйилса, айтайлик, бу нарса «Извошчи қўналғаси»даги таассуротларим» деган сарлавҳа остида босилиб чиқса...

Тақдир такозожи билан «Телеграф» газетасининг пушти қоғозга босилган шошилинич сони, минг ёлғон ёзган билан қоғоз ўла қолса қизармайди, – мистер Блумнинг шундоққина тирсаги тагида ётар, у эса ҳеч кўнгли жойига тушмай ҳамон ўзига тегишли юрт тўғрисида ва навбатдаги ребус устида бош котирарди кема Брижуотердан келди очик хат А. Буден номига жўнатилган капитаннинг туғилган йилини кўрсатинг, униш кўзлари ўзининг соҳасига тегишли бўлган сарлавҳалар устида лоқайд кундалик газетамишни кунда қанда қилмай еткизгайсан. У аввал сескашиб кетди, лекин маълум бўлдики, бу қандайдир Х. Бойл деган кимса ҳақидаги алланима экан, ёзув машинкалари сотувчи агент ишқилиб шунга яқин бир нарса катта жанг, Токио. Ирландча ошник-маъшуқлик, зарар 200 фунт. Гордон Беннет. Муҳожиротга оид кўзбўямачилик. Олий ҳазрат архиепископ Вилямнинг мактуби. Аскот Реклама такрор Дерби 1892 йил. Ўшанда сэр Хюго, кап. Маршаллнинг қора тўриқ оти барча тахминларга зид ўлароқ бош совринни олди. Нью-Йоркдаги ҳалокат. Ҳалок бўлганлар минг киши атрофида, Оксим. Мистер Патрик Дигнамни кўмиш маросими.

Хуллас, у ўзини чалғитиш учун шўрлик Дигнамнинг ўлими ҳақида ўқий бошлади, уни охириги маконига кузатиш одамни маъжус қилиб қўядиган воқеалардан эканлиги ҳақида ўйлади.

— Бугун эрталаб (албатта буни Хайнс терган) марҳум мистер Дигнамнинг тобутини унинг Сэндимаунтдаги (Ньюбирж авеню, 9) уйдан Гласневин қабристонига қўйиш учун олиб чиқилди. Марҳум ноёб яхши одам эди, шахримизда уни ҳамма танир ва севарди, қисқа давом этган касалликдан сўнг унинг қазо қилиши турли табақалардан бўлмиш фукароларни чуқур қайғуга солди. Кўмиш маросимида (э-ха, буни Корни тикиштирган) марҳумнинг кўпдан-кўп дўсту биродарлари иштирок этишди, маросимни «Х Ж. О'нил ва ўғли» фирмаси, Шимолий Стрэнд-роуд, 164, адо этди. Марҳумни кузатиш чоғида қуйидагилар хозир бўлишди: Патк. Дигнам (ўғли), Бернард Корриган (қайнис), Жон Генри Ментон, Мартин Каннингем, Жон Пауэр едвч S адор дорадор дурадор (шу ерга келганда у оқсоқол Монксни чақириб қолган бўлса керак Ключчи рекламаси хусусида), Томас Кернан, Саймон Дедал, Стивен Дедал, Б.И., Эдвард Ж. Лэмберт, Корнелиус Келлехер, Жозеф Макҳайнс, Л. Бум, Ч.П. Маккой, ҳамда Макинтош ва бошқалар.

Л. Бум деб ёзилганига ғаш қелиб (хато босилган) ва ҳарфлар чалқашиб кетган бояғи қатор учун ҳафсаласи пир бўлиб, шу билан бирга маросимда умуман қатнашмаган Ч.П. Маккой, Стивен Дедал, Б.И. (Макинтошни-ку, гапирмай қўя қолайлик) борасида тоза энсаси қотиб, Л. Бум Б.И. сингари чалқашликларни ўзининг ҳа деса оғзини катта очиб асабий эснаб ўтирган суҳбатдошига кўрсатди, бу аҳмоқона хатоларни кўринг, деди.

— Э, у ерда яҳудийларга Дастлабки мактуб босилибдими? — деб сўради ёш суҳбатдош оғзини эсноқдан базўр йиғиштириб. — Матн: Бўлса агар оқсим — бобосига сим қоксин.

— Шундай, — жавоб берди мистер Блум (аввал ёш суҳбатдош архиепископга ишора қиляптимикин деб ўйлади, кейин оқсимни эшитиб ундай эмаслигини билди) уни хотиржам қилиш имконияти туғилганига суюниб ва шу билан бирга Майлс Кроуфорд охир-оқибатда шундай ишга борганига ҳайронлиги ортиб. — Ҳа, бор экан, шу ерда.

Стивен газетанинг иккинчи саҳифасининг охирини ўқиркан, Л. Бум (унинг газетада чиққан шу номидан вақтинча фойдаланиб турайлик) бир неча дақиқа бўш вақтдан фойдаланиб, ўз

томонида турган учинчи саҳифадаги Аскотда бўлиб ўтган учинчи пойга ҳақидаги мақолага куз югуртирди. Соврин 1000 соверен ва устамасига яна олтин билан 3000 соверен ахта қилинмаган ёш айғир ҳамда байталларга қўйилган. Мистер Ф. Александердан Реклама, Рекрутдан түр. байт., беш яшар, вазни 130 фунт, пойгачи У. Лэйн, I. Мускат, лорд Хауард де Уолденнинг оти, пойгачи М. Кэннон. II. Тож, мистер У. Басснинг оти. III. Тикилган пул: Мускатга 4 га 5. Рекламага 1 га 20 (аутсайдер).

Реклама билан Мускат баробар боришарди. Пойга лидерсиз ўтаётганди, аммо кейин Реклама бошқа отлардан ажралиб олдинга чиқди-да лорд Хауард де Уолденнинг саман айғири билан мистер У. Басснинг малла байталини 2,5 чақиримлик масофада орқада қолдириб кетди. Рекламани пойгага Э. Брейм тайёрлаган бўлиб, Ленеханнинг гап-сўзлари қип-қизил бемаъниликдан бошқа нарса эмасди. Финини шак-шубҳадан холи эди, Реклама бир қадам олдин келди. 1000 соверен ва устига яна 3000 тилла соверен. Пойгада яна қатнашди: Ж. де Брамоннинг Максим Иккинчи деган оти (Бэнтам Лайонс мана шу француз отини ўйлаб қаттиқ ҳаяжонланаётган эди, у ҳали етиб келмаган, аммо тезда келиши кутилмоқда эди). Ютуққа қандай эришиш ҳақида маслаҳатлар, муҳаббат чиқимлари. Анов бир қайнови ичида Лайонс нўхтасини узиб жангга ташланди, войбу, аҳмоқ бўлиб қолишга бунча шошилмаса. Албатта, ўйинда таваккалчилик бўлади, иш чаппа кетиб шуринг қурғур тентак икки қулини бурнига тикқанича қолди, барча умидлари чилпарчин бўлди. Фолга ишонганнинг шўри қурсин.

— Натижа шундоқ бўлиши олдиндан маълум эди, — деб кўйди Блум.

— Ким? — қайта сўради ёш суҳбатдош қули ҳамон оғриётганидан безовталиқ туйиб.

— Бир кунмас бир кун эрталаб, — дерди извошчи, — газеталарни шундай очамиз-у, унда «Парпелл қайтди» деган сўзларни ўқиймиз. Истаган нарсангизга бас ўйнайман. Яқинда кечаси мана шу «қўналға»да Дублин ўқчиларидан бир аскар бола ўтириб, уни Жанубий Африкада кўрганлигини ҳикоя қилди. Мағрурлиги унинг бошини еди. Ўн бешинчи кабинетдаги йиғилишдан кейин у ё ўзини ўзи ўлдириши, ё бир қанча вақт уйдан чиқмай жимгина ўтириши керак эди, ундан сўнг яна ўзини тиклаб олар ва ҳеч ким унга миқ этиб оғзини очолмасди. Ана шун-

дан сунг кўринг, қайтинг деб оёғига тиз чуқиб ялиниб-ёлворишларини ўшанда у ақли-хушини албатта ўнглаб оларди. Э, ўлишга у ўлмаган. Қаёққадир яширинган, холос. Анави улар кўтариб келган тобутнинг ичи тош билан тўлдирилганди. У ўзининг отини ҳам ўзгартирган, у энди Де Вет, бурлар генерали. Фақат рухонийларга қарши бориб хато қилди. Ва хоказо ва хоказолар.

Блум (унинг тўғри номи шундай) нима бўлганда ҳам, уларнинг бу гап-сузларига хайрон қолди, зеро ўндан тўққиз ҳолда бочка-бочкалаб ва ҳатто минглаб бочкада қора мой келтириб, уни тириклай ёқиб юборадиган эдилар, кейин эса орадан йигирма йил ўтар-ўтмай уни бутунлай эсдан чиқардилар. Албатта, мана шу гап-сузларнинг тагида заррачалик ҳақиқат йўқ, лекин мабодо уларни тўғри деб топганда ҳам, бошқа ҳамма ҳол-аҳволларни ҳисобга олиб қараганда, унинг қайтишини Блум мақсадга мувофиқ деб билмасди. Афтидан, унинг ўлими қайси бир жиҳати билан уларга маъқул кўринмасди. Ё унинг зотилжам касалига чалиниб одмигина жон таслим қилгани уларга ёқмасдими, ахир худди мана шу вақтга келиб унинг турли-туман сиёсий режа-тадбирлари пишиб-етилиб амалга ошадиган палласига кирганди, ё яна шундай миш-миш ҳам тарқалдики, ёмғир-жалада қолиб, шалаббо бўлиб кийим-кечагини вақтида алмаштиришга парво қилмай, натижада шамолладими ва шунда ҳам врачларни чақирмай тўрт деворнинг ичида тушакда ағанаб ётавердими то касаллик қисти-бастига олмагунча ва то жони шундан узилмагунча ва ҳаммани қайғу-ғам чоҳига ботирмагунча, атиги икки ҳафта ичида, икки ҳафтада-я, шу кўргилик рўй берди ва барча доғда қолди, ким билади, яна балки ўзлари бу ишга қўл урмаганликлари алам қилгандир уларга. Албатта, у илгари ҳам ўзининг юрар йўллари, борар манзиллари ҳақида ҳеч кимга айтмас, ҳеч ким унинг қаердалигини ҳеч қачон билмас, баайни худди қўшиқда айтилгандай, «Алиса, сен қайга яшириндинг?» Кейин у Фокс, Стюарт деганга ўхшаш турли номларни қўллаб юрдикки, шуларга қараганда ошно-аравакашнинг бичиб-тўқиётганларида ғайрифавқулдда бир ишониб бўлмайдиган нарсалар йўқ эди. Парнелл ҳақиқий маънодаги туғма йўлбошчи эди ва албатта, ўша шарт-шароитлар унинг онгини захарламай қўймас ҳам эди, бунинг устига қадди-комати ҳам кўзга кўринган, гоятда басавлат, буй-басти икки қулочдан, борингки, балки озроқдир, кам бўлмаган киши эди, мана энди анави Фалон-фалон жаноблар гарчи унинг оёғининг патагига арзимасалар-

да ҳаммасини ўз қўлларига олдилар, ҳолбуки ишга яроқли жиҳатлари бармоқ билан санайдиган даражада оз, унинг олдида буларнинг барининг думи тўтук. Бунда осғи кесақдан бўлган паҳлавон ҳақидаги масал ёдга келади. Ундан кейин унинг етмиш иккита содиқ сафдошининг бари унга қарши чиқишди, яна бир-бирларининг устига тинмай мағзава ағдаришди. Қотиллар ҳақида ҳам гап шундоқ. Сен яна ўша жойга қайтиб боришинг керак. Худди нимадир сени ҳеч ҳоли-жонингга қўймай тўхтамай тортиб етаклаб боради. Дублёрга бош қаҳрамонни обдан кўрсатиш зарур. Уни бир сафар бахтли тасодиф туфайли «Инсапресибл» ёки «Юнайтед Айрленд»нинг наборини тарқатишгаётганда кўриб қолган, тақдирнинг туҳфаси, буни у ғоятда кадрлайди, яна аниқ бўлган воқеа, бошидан тушиб кетганда, унга цилиндрини ердан кўтариб олиб берди, у эса «Раҳмат» деди, албатта у ҳаяжонда эди, аммо юзида ҳеч нарса билан тирмасди, энди бу ҳар тўқисда бир айб арзимас майда-чуйда хижолатпазлик эди бир чеккаси — бироқ у туғма ўзини тутиб олган одам эди. Лекин барибир яна қайтиш масаласига келадиган бўлсак, агар сизга биринчи қадам қўйишингизнинг ўзидаёқ бир гала кутурган итларни қўйиб юбормасалар, шу катта омадим келгани деб санайверинг. Доим бир сусткашлик, латтачайнарлик бошланади, буни ҳўп дейди, униси йўқ. Аммо энг қизиғи, сен бошқа биров ҳамма ёқни эгаллаб бўлганида, қайтиб борасан, шундан кейин ўз ҳақ ҳуқуқларингни яна бир бошдан исбот қила бошлашинг керак, Тичборн ишидаги анави даъвогарга ўхшаб. Рожер Чарлз Тичборн, кеманинг номи эсидан чиқмаган бўлса «Белла» деб аталарди, меросхўр шу кемада чуқиб кетганди, бу нарса судда аён бўлди, дарвоқе унинг ҳам тушига игна билан нақш чизилганди, лорд Белю эди шекилли оти, туғрими? У кемадаги биронта ошнасидан керакли барча тафсилотларни осонгина билиб олиши мумкин эди ахир, кейин шунга қараб ташқи кўринишини ўзгартириб, бемалол ўзини тапштиши мумкин эди: «Пардон, жаноблар, мен мистер Фалончи Пистончи бўламан» ёнқи шунга ўхшаган бир гап топарди. Блум ўзининг олдида ўтирган, устида гап бораётган машҳур зотга ўхшашиб кетадиган бағоят вазмин суҳбатдошига айтганидай, аввалига аҳволни ўрганиб кейин ҳаракат қилиш ақлга мувофиқроқ эди, албатта.

— Ҳаммасига ўша суюлоёқ, инглиз қанжиғи айбдор, — ёзғириб деди емакхона хўжайини. — Уни биринчи бўлиб гўрга итарган ўша.

– Аммо, барибир, жуда сўлқиллаган хотин экан, – деди шахар маҳкамасининг котибига ўхшаган нусха, – роҳатинжон. Ким-ким билан бузукчилик қилмади. Соч олдиришга сарта-рошга кирувдим, ўша ерда унинг суратини кўрдим. Унинг эри офицерми, капитан экан.

– Оҳа, ҳазиломуз деди Эчки Пўстак. – Мажруҳлар тоифасидан.

Сидқидил саховатпеша кўнгилдан чиқмиш ушбу ҳазил боис атрофда жам бўлмишлар ҳахо-ҳахо кулиб юборишди. Блумга келганда эса, у кулгига заррача қўшилмай эшик томонга қараб ўтирар ва тарихларнинг тарихи бўлган воқеа ҳақида ўй сурарди, у ўз замонасида одамларни ўзига қаттиқ банд қилганди, ўша пайтлар ўтти янада гуриллатиш учун унга мой қўйиб, барча тафсилотларни ва жумладан ишқий хатларни ҳам очикдан-очик маълум қилишганди, хатларнинг ўзи ҳам одмирок, турли-туман шилқиллаган эркалалардан иборат эди. Аввалига бари бегидир соф инсоний муносабатлар эди кейин орага табиат қўчилиб ўз ишини қилди бир-бирларига аста-секин боғланишиб қолдилар кейин ишқ гуриллаб аланга олди бутун шахарга миш-мишлар тарқалди ва ниҳоят машъум зарба тушди унинг қулашини илҳак бўлиб кутиб юрганлар, бадхоҳ фанимларнинг бутун бир ўрдуси бу қулашни тезлаштириб қўлларини роҳат қилиб ишқалашга тушдилар. Ҳолбуки бу воқеалар ҳеч кимга сир бўлмай қолган ва аслида у қадар шов-шув кўтарадиган эмасди, уни кейинча бориб оламшумул даражага олиб чиқиб ширтириб юбордилар. Хўп, уларнинг номлари қаерда бўлмасин биргаликда чайналаркан, агарда у маъшуқасининг ўзи сайлаган ошиқ экан, унда нима сабабдан улар тўшақда бирга ётадилар деб дунёга жар солишнинг нима ҳожати бор эди ахир ҳолбуки бу нарса гувоҳлик ўрнидан туриб қасамёд қабул қилиниб айтилди ва шунда одамларга лик-лик тўла зал худди яшин теккандек сесканиб тушди гувоҳлар қасам ичиб уни палон куни тунги кийимларда нарвон ёрдамида тепадаги қаватдан тушаётганида кўрдик, у ерга яна худди шу йўл билан чиққан эди деб айтишди, бундан шираторга ўч ширитомоқ газеталар қоп-қоп пул супуриб олишди. Ҳолбуки бутун гап айлантириб келганда жўнгина эрга бориб тақаларди у ўзини йўқотиб қўйиб паст кетганди эр-хотинининг бир фамилияда эканини айтмаса, ўрталарини боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ эди, э, мана шунда

орадан бир кучли ҳақиқий эркак чиқади, унинг ҳатто ожизликлари ҳам ўзига яраша кучли ва у парининг жоду кўзларининг қурбони бўлиб йиқилади, оила аҳду бандларини бузади, маъшуқасининг ширин табассумларининг асирига айланади. Бу ерда яна ўз-ўзидан оила ҳаётининг азалий масаласи юзага чиқади. Мабодо ўртага учинчи эркак аралашган бўлса, эр-хотин ўртасида ҳақиқий муҳаббат бўлиши мумкинми? У эҳтирос тулқинларига фарқ бўлиб хонимчасини ер-қукка ишонмас экан, улар ўртасида бундай гапга ҳеч қандай ўрин йўқ. Ҳақиқатан у инсон зотининг энг сара намунаси ва бунинг устига Худо таллантларни бошидан саховат билан ёғдирганди, уни мундир кийган анави кўримсиз жўн одам билан асло солиштириб бўлмасди («Хайр, жасур капитан» қабилидаги стандарт нусха, аниқроқ айтганда, енгил отлиқлардан, янада аниғи, 18-отлиқ бўлинмадан), албатта, ўт-олов ва қайсар (яъни кулатилган доҳий, лекин анов эмас), шунинг учун ҳам хонимчаси бундай инсон тез шухратга эришажагини дарҳол фаҳмлаб етди, ҳайтовур бари ўзи шунга қараб шитоб билан бораётганди, орада олдинига унинг ашаддий тарафдори бўлиб чиққан Кашишлар ва умуман Хушхабарнинг ходимлари билан унинг жондан севган, ўз еридан ҳайдалган корандалари (у кишлок жойларда буларнинг ҳақ ҳуқуқлари учун жонини жабборга бериб ҳормай-толмай жанг олиб борган, улар бундан ортиғини хаёлларига ҳам келтирмагандилар) унинг никоҳ билан боғлиқ режаларини батамом барбод қилдилар ва бошига ёниб турган чўғларни ағдардилар ва буларнинг бари ҳаммага маълум зарбулмасал бўри ва эшакка менгзаб кетарди¹. Агар бўлиб ўтган ўтмиш воқеаларини бир тартиб-интизомга келтириб қарасак, буларнинг бари аллақандай тушга ўхшайди. Орқага қайтиш ҳам, бу ҳеч ақлга сиймайдиган иш, нега деганда, қайтсанг сен ўзингни ҳамма нарсада ортиқча эканлигингни сезасан, зеро вақти келганда барча нарсалар ўзгаради. Лоақал мана ўша Айриштаун-стрэндни олайлик, у ерларга қадам босмаганига мана бир неча вақтлар бўлди, у бу ернинг шимол қисмида истиқомат қила бошлагандан бери қандайдир кўзига аввалгидан бошқача кўринадиган бўлди. Бироқ жанубми, шимолми, барибир, бунда соф ҳолдаги жўшқин

¹ Эзопнинг масалида бўри эшакнинг туёғига кирган қора тиканни чиқаришга рози бўлиб, эшакнинг тепкисидан ҳалок бўлади.

эҳтирослар жушиб тошган ва у ҳеч нарсани ҳисобга олмас, кўзига ҳеч нарса кўринмас, ва буларнинг бари Блум айтган гапларни тасдиқларди, ахир бу хотин ҳам испанлардан ё жилла курса ярми испан эди, бинобарин бундай аёл ярим йўлда қолиб кетмайди, унинг жануб улкаларга хос эҳтироси тўхташ нималигини билмайди ва одоб-икромнинг қолган-қутганларини ҳам шамолга совуришдан тоймайди.

— Айли мен айтган нарсани тасдиқлайди, — деди у Стивенга юраги гизли жазиллаб. — У хоним ҳам испан аёли эди, ё мен янглишяпман.

— Испан киролининг қизи, — жавоб берди Стивен бунга яна афтидан жумбоқ бўлиб туюладиган сўзларни ҳам қўшиб қўйди. Кечир энди, хайр-хайр испан камони ва ўлик деб аталарди илк соҳилнинг номи, Рамхеддан эса то Сциллигача ораси...

— Ростдан, а? — деб юборди Блум ҳайратланиб, аммо аслида ҳеч ҳайрон бўлмади. — Бундай гапларни мен ҳали эшитганим йўқ. Аммо, бу бўлиши мумкин, ҳар ҳолда хонимой у ерда яшаган. Шундай, Испания.

У «Севги жозибаси...» китоби тағин тушиб қолмасин деб қўйнидан ҳамёнини оҳиста чиқарди, орада Кейпл-стритдан олган китобни ҳали кутубхонага топширмагани эсига тушди, ҳамёнини чала ярим титкилаб кўрди да, ниҳоят...

— Ҳа, айтганча, сиз нима деб ҳисоблайсиз, — деди у бироз иккиланиб тургач, ранги хиралашган бир суратни чиқариб, стол устига қўяркан, — манави испанча киёфани кўринг-чи?

Стивен унга мурожаат қилингани боис суратга қаради, унда билқиллаган бир хоним акс эттирилганди, бутун аёллик латофати ял-ял гуллаб яшнаб турарди, у кечки либосда ғоятда сўлқилдоқ кўринар, кўкрагининг узун қийилган қийиғидан бор малохати очиқ саховати билан баралла кўзга ташланар, у атайдан ўзига жиддий тус берган, пўрсилдоқ лаблари андак очилган, шу боис марвариддек тизилган тишлари ҳам яширин қолмаган, жонон устида «Эски Мадридда»нинг ноталари ётган рояль ёнида турарди, ўша пайтларда бу гўзал баллада ниҳоятда машҳур бўлиб, кенг тарқалганди. Хонимнинг шахло кўзлари қани сенинг ҳайратга соладиган ниманг бор дегандай Стивенга ҳозир кулиб юборадигандай боқарди. Бу антиқа суратни Уэстморленд-стритлик Лафайет деган сураткаш олган бўлиб, у Дублинда бадий суратнинг энг зўр устаси эди.

– Менинг рафиқам миссис Блум примадонна Мэрнол Твиди хоним, – таништирди Блум. – Бир неча йил илгар илинган. Тахминан тўқсон олтинчи йилда. Ўша пайтда худди шунақа эди.

Ёш таниши билан биргаликда унинг ўзи ҳам ҳозирда қонуний хотини бўлмиш хонимнинг суратига тикилар, Стивенга баъзи маълумотларни маҳрамонга хикоя қиларди, хотини майор Брайен Твидининг қизи бўлиб, жуда нозик таълим-тарбия кўрган, қўшиқ айтишга таланти жуда эрта уйғонган, нафис ўн олти ёшига чиқар-чиқмас илк бор саҳнага кўтарилиб олқишу таъзимларга муяссар бўлган. Суратда юзининг ифодаси ҳайратомуз ўхшайди, аммо қадди-қомати бу ерда етарлича кўзга таниланмайди, бироқ унга ҳар доим ўгирилиб қарашади, лекин бунда либоси ҳам нимагадир унча ўзига ярашмай тургандай. У тикка турган ҳолда ҳам ғоятда чиройли суратга тушиши мумкин эди, деди Блум, ўзи жуда ҳам келинган дўмбоқ аёл. Бун вақтларида расмлар ҳам чизиб юради-ган Блум умуман аёл танасининг шакл андомлари ривожланиши хусусида гап очиб қолди, нега деганда худди атай қилгандай, шу бугун Миллий музейдаги шох асарлар, такомилга етган ўша антик ҳайкалларни кўрганди. Ҳа, албатта, мрамор асл нуسخани, унинг елкалари, куракларини уйғун тарзда ифодалашга қодир. Қолган ҳаммаси, ҳа, сиполик. Гарчи аслини олганда мук. Иосиф ҳукм-фармо... аммо биронта ҳам фотосурат бунга қодир эмас, нега деганда, қисқасини айтганда, бу санъат эмас-да.

У руҳнинг измига бўйсуниб денгизлар ошиғидан ибрат оларок бир неча дақиқага суратни ўз жозибаси билан ўзини ёлғиз қолдириб бўшаниш баҳонасида нари кетмоқчийди... Ёш суҳбатдоши аёл латофатидаги ўзи холий баҳрадёр бўлишини хоҳлаганди, аёلнинг саҳнадаги кўриниши, очиғини айтганда, шундай таассуротлар уйғотардики, афсуски суратга туширадиган аппарат бунинг лазиз жозибасини беришга ожизлик қиларди. Аммо бу ўз касбининг ахлоқ-одобига тўғри ҳам келмасди. Тун ҳавоси илиқ, ёқимли ва йилнинг бу фаслини эътиборда тутганда ажиб бир тарзда сарин эди, худди момақалдироқдан сунг қуёш чиққандай... У ҳақиқатан ҳам ашави кишининг изидан боришга қандай бир зарурат сезгандай ва худди ички бир овоз ва ўз ўрнидан қўзғалиб заруратни адо этишга йўллагандай. Лекин қандай бўлмасин, у жойидан қўзғалмай суратдан шундоқ кўзини узмай тикилиб ўтирди, сурат бироз сарғайган, кўкракнинг балад кўтарилган жойлари андаккина эзилган, бироқ бундан унинг жозибасига заррача

хилоф етмаганди, кейин ёш дўсти суратнинг кўпчиган сўзқилдоқ нафосатга тўла жойларидаги бу қадар уйғунликни камоли диққат ила кўздаш кечираркан, уни бехос хижолатга солиб кўймаслик учун андиша қилгандан юзини ўтирди. Сурат озгина сарғайиб йилтираб қолса, бу уни янада жозибадорроқ қилиб кўрсатади, баайни агар ички кийим унчалар тоза бўлмаса ҳам, бунинг асло зарари йўқ, аслини олганда бу қотиб турганга қараганда анча яхшироқ ҳам. Уйга борганда, у йўқ бўлса-чи? Мен чироқни қидиргандим, у эса чироқ ҳақида кеча менга бир нималар дегандай бўлаётганди, хаёлидан ўтди унинг, лекин фақат бир зумгина чунки у шу заҳоти дарҳол увин тўда бўлиб ётган эрталабки ўрин-тўшакни эслади ва х.к. Руби ҳақидаги китобча билан метемпсихоз (sic) кўрғур худди атай қилгандай тунги тувакнинг ёнига учиб тушса бўладими биз бу жумлалар учун мактаб грамматикаси олдида ўзимизни айбдор деб сезамиз ва узр-маъзурларимизни изҳор қиламиз.

Ёш йигит билан ҳамроҳ бўлиш ҳеч шак-шубҳасиз унга хуш ёқмоқдайди, жуда билимдон, *distingue*¹, ўзини тутиб олган, бошқаларга қараганда бир бош баланд, лекин унга қараб ҳеч хаёлингга келмайдики, йўқ ҳар қалай хаёлингга ҳам келади. Ундан кейин у суратни жуда чиройли деб айтди, нима деганда ҳам бу гап рост, лекин хонимнинг ўзи ҳам ҳозир аввалгидек эмас, анча тоб ташлаган. Нимаси бор бунинг? Бундай нарсаларнинг атрофида ўзини билмаганга солиш, мунофиқлик кўп, умр бўйи бу доғдан қутулолмайсан кўча газеталари ўлиб-тирилиб эр-хотинлар ўртасида азалдан урчиб келаётган жанжал-низоларни кўпиртириб оламга ёядилар, гольф уйинчиси ёки ишқибозларнинг урф бўлган севимли актёри билан ноқонуний алоқаларни жўшиб тошиб қоралайдилар, масалага мундоқ очиқ кўз билан тўғри ва виждонан қарамайдилар. Тақдир уларни қандай қовунтиргани, ўрталарида қандай яқинлик уйғонгани, эл-юрт ичида гап-сўзлар тобора кўпайиб боргани буларнинг ҳаммаси ҳақида судда айтилди ошиқ-маъшукларга ҳар турли фош қилувчи жумлаларга тўла хатлар келтирилди улардан очиқдан-очиқ бирга яшаганлари, ҳафтада икки ёки уч марта соҳилбўйидаги яхши таниш меҳмонхоналарда бирга турганларига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади, уларнинг муносабатлари эр-хотиндан фарқи қолмаганлиги ҳам равшан бўлди. Кейин суд шартли қарор чиқарди, ўлка прокурори ишни

¹ Нозикфаҳм (франц.).

кайта кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин, у буни бекор қилишга эришмагандан сўнг, шартли қарор кучга кирди. Ишк эхтирослари кўзини кўр қилиб қўйган ошиқ маъшуқлар буларнинг барчасини назарга илмай юраверишлари табиий ҳол эди улар иш то адвокатнинг қўлига бориб тушмагунча худди шундай қилдилар ҳам адвокат ишни қонуний бир тарзда қўзғайди жабр кўрган томон номидан даъво аризасини ўртага қўйди. Ўта тарихий fracas¹ рўй берган маҳалда Блум Эриннинг тож киймаган тирик қироли ёнида туриш шарафига муяссар бўлганди ўшанда қулатилган йўлбошчи хиёнаткор деб шармисор қилинган чоғда ҳам, ўз қарашларини охиригача тик туриб ҳимоя қилган ва йўлбошчининг ўнгами, ўн иккитами ёки ҳатто ундан кўпрокми содиқ сафдошлари «Инсапресибл» йўғ-эй, «Юнайтед Айрленд» (дарвоқе, бағоят қовушмаган ном, «Ягона Ирландия») босмахо-насига ёриб кириб, болғалар ёки шунга ўхшаш бир нарсалар билан босма ҳарф киссаларини мажақ-мажақ қилиб ташлаган, буни ўтган кунлар йўлбошчиси ҳамда нотифининг шахсий ҳаётини қоралашни касб қилиб олган О'Брайен ифвогарларининг тухмат-бухтонларига жавобан қасдма-қасд шундай қилдилар. Кўзга ташланиб турадиган сохт-сумбатини сақлаган бўлса ҳам, йўлбош-чининг ўзгаргани сезиларди лекин доимгидай уст-бошига кўпда эътибор бермас ва ўзининг ҳеч қачон ортга қайтмас сарсилмас иродаси жаноб Фалон-Фалончиларни анча вақтларгача чалғитиб келган ва охири улар ниҳоят ўзлари топинган қоя омонат лой заминда турганлигини кўргач, ҳайратдан ёқа ушлаган эдилар, холбуки бундай бўш тағзаминга уни ўзлари кўтариб чиқаргандилар, аммо бу ишларнинг барини ҳаммаларидан бурун яна ўша аёлнинг ўзи найқади. Ўшанда тоза қиёмат-қойим бўлди ва ағдар тўнтар издиҳом ичида Блум бўксасига тирсак билан берилган адувнинг оғир зарбасини еди, аммо бахтига бунинг ҳеч қандай асорати бўлмади. Унинг (Парнеллнинг) бошидаги шляпаси аниқроғи цилиндрини эҳтиётсизлик билан тушириб юборишди тарихий ҳақиқат шулки бошқа ҳеч ким эмас, айнан Блум нима воқеа рўй берганлигини кўриб ур-йиқит ичидан цилиндрни топиб етказишни истади (зиғирча ҳам пайсалга солмай дарҳол эгасига қайтарди), Парнеллнинг эса ҳозир асти бош киймини ўйлайдиган пайти эмасди, у бошланг ҳолда оғир ҳанси-

¹ Жанжал, низо (франц.).

раб нафас оларди, шу билан бирга у эл-юртнинг қайғусини чекадиган табиатан туғма жентльмен эди, майли у бу йўлга аввало шон-шухратни ўйлаб кирган бўлса бордир, аммо бу нарсалар унинг қониди бор эди уларни она сути билан бирга ўз жонига сингдирганди, у одоб-икром, олийжаноб хулқ-атвор эгаси эди ва бу дархол намоён бўлди, у шу заҳоти цилиндрни узатаётган кимсага ўгирилиб қараб вазминлик ва жиддият билан миннатдорчилик билдирди, «Ташаккур, сэр», деб қўйди, лекин бу товушнинг оҳанги тамомила бошқача эди, бўлмаса худди шу бугун эрталаб Блум бир адлия шамси анворининг бошига учиб тушган шляпасини қўндиришига тўғри келган, андаккина фарқини демаса воқеа жуда бир-бирига ўхшарди, бу дўсти қадрдоннинг кўмиш маросимидан кейин рўй берди ва у ўз шон-шарафи билан қоронғи ер бағрида ёлғиз қолди, ғамгин дўстлар бурчларини адо этиб алвидо айтиб бирин-бирин таркалишдилар.

Бошқа бир томондан уни ҳаммадан ҳам извошчилар ва бошқа ҳангоматалабларнинг масхараомуз ҳазил-хузиллари қаттиқ хафа қиларди, худди шулар буларнинг бариши кип-қизил майнавозчиликка айлантириб юборишган, ҳаммалари тинмай ҳахолашар ва ўзларини худди барини биладигандай кўрсатишар, ҳолбуки аслида ҳеч вақони билишмас, ҳатто бурунларининг тагида нима бўлаётганини фаҳмлашмасди, ҳолбуки аслида икки манфаатдор томондан бошқа ҳеч кимга бу ишларнинг дахли йўқ эди, ҳамма гап шундаки, хотиннинг эри оти номаълум бир хайрихоҳдан хат олган ва шундан сўнг дахлдор томонлардан бирига айланганди, ўша хайрихоҳ ошиқ-маъшуқларнинг нозик бир ҳолатда қучоқлашиб турганларини кўриб қолиб уларнинг ғайриқонуний алоқалари ҳақида хабар етказганди, шундан кейингина эр хотин ўртасида жанжал чиққан ва мужрима ўз хўжаси ва ҳукмдоридан тиз чўккан ҳолда ялиниб-ёлвориб кечирим сўраган, бошқа ҳеч қачон бу нарса такрорланмайди, бегона эркак остонамизга қадам босмайди, фақат таҳқирланган эр ҳаммасини унутиб юборса ва бунга заррача ҳам аҳамият бермаса, бас, хотини уввос солиб юм-юм йиғлар, аммо бу тимсоҳнинг кўз ёшларига ўхшар, нега деганда, унинг яна бошқа кўз остига олганлари йўқ эмасди ҳар ҳолда. Шахсан Блумнинг ўзи табиатан шубҳачи одам бўлгани боис шунга ишончи комил ҳолда ҳеч қанақа эътирозга ўрин қолдирмай айтар эдики, ҳар қандай аёл, борингки дунёда энг яхши аёл бўлган тақдирда ҳам, бир

эркакни ёки эркаклар рўйхатини куз остига олиб қўяди ва улар бир-бирлари билан яхши муомала қилиб, апоқ чапоқ бўлиб юришади, оила турмуши жонига тегиб кетиб, уз бурчини уташдан зеркиб қолса, жиндаккина бузуқлик йўлига киришдан ҳам тоймайди ва шунга шаронт ҳозирлаб қўяди. Ушанда у ўзи куз остига олган эркакни шум ният билан авраб, ўраб-чирмашга тушади, юрак туйғуларини унинг йўлига нисор қилади, турмуш қурган ёши қирқларга яқинлашган кўпчиган хотинлар ёшроқ эркаклар билан кўп ҳолларда худди мана шундай liaisons¹ боғлайдилар, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, хотинлар севиб қолган ҳоллар қанча хоҳласангиз, шунча топиладики, бу яна бир карра юқоридаги гапни тасдиқлайди.

Энг ачинарлиси шунда эдики, бахтли тақдир шу қадар саховат билан ақлу идрок это этган ҳозирги ҳамроҳи бўлмиш ёш йигит ўзининг олтиндан ҳам қиммат вақтини бузуқ аёллар билан ўтказар, улардан бутун ҳаётини барбод қилиши мумкин бўлган биронта ёмон касаллик орттириши ҳеч гап эмасди. Бир кунмас бир кун саҳнада қаллиқойим пайдо бўлади-ю, бўйдоқлик кунлари билан хайрлашиб тақдир тақозосига кура уйланади. Аммо ўшангача аёллар даврасида юрмай ҳеч иложи йўқ, бу йигитликнинг conditiosine qua non². Лекин бу борада Блумнинг баъзи гумонсирашларга асоси бор, шундай бўлса ҳам, у Стивендан мисс Фергусон ҳақида сўраб-суриштириб ўтирмоқчи эмас (ёш йигитни эрта азонлаб Айриштаунга етаклаб келган йўлчи юлдуз балки худди шу қизнинг ўзидир), у қизнинг кетидан камтарона юришнинг ўзи билан чекланармикин, ҳафтасига икки ёки уч маротаба чўнтагида ҳемири йўқ хиринглаган қизлар, осмонга кўтариб ҳамду сано ўқишлар, маъсум, бегуноҳ сайру сулуклар, гулдасталар, попук қандлар етарли бўлармикин. Бошпанасиз, паноҳсиз бу етимчани аллақайси бекачлар шилиб олаётганини тасаввур қилишнинг ўзи оғир, худди ўгай онадай, йўқ, унинг навқирон ёшида бундан ортиқ даҳшат йўқ. Гоҳи-гоҳида унинг оғзидан тошиб чиқаётган кутилмаганда ғалати-ғалати сўзлар ёши ундан каттароқ ҳатто отаси тенги эркак кишининг эътиборини тортар, аммо афтидан ёш йигит албатта тузукрок овқат еб қоринини тўқлаб олиши зарурга ўхшарди,

¹ Алоқа (франц.).

² Зарурний шарт (лот.).

майли-да, куймоқми ё жуда бўлмаганда қайнатиб юмшоқ қилиб пиширилган тухумми, майли-да, хуллас, маза-бемаза нарсалар.

— Қачон овқатланган эдингиз? — деб сўради у гавдаси ориқ, текис башарасида қиттак ҳам ажин йўқ, аммо зўр толиққан зотдан.

— Қачонлардир кеча, — жавоб қилди Стивен.

— Кечами! — хайрон қолди Блум, аммо кейин яна бир эрта, яъни жума кирганини эслади. — Э-ҳа, сиз ўн икки соат илгари ёки кўпроқ демоқчисиз-да.

— Унда ўтган кун, — деб сўзини аниқлаштирди Стивен.

Бу гапдан лолу хайрон бўлиб қолган Блум ўйга ботди. Ҳар икковларининг қарашлари ҳар доим ҳам тўғри келавермаса-да, лекин ораларида ҳар қалай аллақандай ўхшашлик бор эди, фикрлари худди бир йўналишда оқиб бораётганга ўхшарди. Блум ҳам тахминан унинг ёшларида бундан йигирма йиллар илгари Фогтер-Тупчи замонларида парламент аъзоси бўлишга ёлғондакам даъвогар бўлиб чиқиб, сиёсатга бурнини тикишга уринган чоғлари мана энди шунча вақтлар ўтиб эслайди (на бу ўз-ўзидан унга юксак даражада бир қониқиш беради) шундай кескин фикрлар, ғоялар олдида ўзида англаб бўлмас ҳурмат-эҳтиром туярдди. Мисол учун, ўша еридан ҳайдалган корандалар масаласи эндигина кўтарилиб, ўйловчи, фикрловчи инсонларининг диққат-эътиборини жалб қилиб турганда, Парнелл албатта ёнидан бир тийин сарф қилмай танқид қилиб ўтиришга ҳам арзимайдиган шиорларга ёпишиб олмай аввал бошданок ҳеч бўлмаганда назарий тарзда деҳқонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади, замонасозлик қилди (кейинчалик у ўз хатосини англаб етиб, бу ожизликдан батамом халос бўлди) ва ҳатто сиз ўз радикал (кескин) ақидаларингизда Майкл Дэвиттдан ҳам ўтиб кетдингиз деган таъна-дашномларга қолди, у бир вақтлар ҳамма ялписига заминга қайтсин деб тарғибот олиб юрди, бир чеккаси мана шунинг учун ҳам жамоаларнинг Барни Кириан ҳузурида бўлган йиғинида унга қарши ўта сурбетлик билан билдирилган тухмат-бухтонларни кўнглига жуда оғир олди, ўзини бутунлай нотўғри ва тесқари тушунаётганлари, шу билан бирга, буни ҳам таъкидлаб ўтмоқ керак, одам болалари ичида энг беозори бўлгани боис, шу ўз одатлари феъл-атворига хилоф равишда рақибининг (мажозан) тумшугига урди, албатта қандай бўлмасин сиёсатга келганда ўзаро низо ва душманликни тарғиб-ташвиқ этиш ва авж

олдириш қандай оғир оқибатлар, қурбонларга олиб келишини у ниҳоятда яхши англади, бу айниқса ёшларнинг энг сара қисмини кашшоқлик ва азоб-уқубатларга гирифторм қилиб, энг мослашганларининг майдондан чиқиб кетишига сабаб бўларди.

Ҳар қалай нима бўлганда ҳам, орқа-олдини обдан чамалаб кўриб, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганини ҳисобга олганда, туриб йўлга тушадиган пайт келганди. Ёш ҳамроҳини ўз уйига элтай деса, бунинг ҳам ўз ишқалликлари чиқарди (хотинининг феъл-атворини билган ҳолда) бунда ҳеч қутилмаган бир нималар содир бўлиши ва барча тоат ибодатни чиппаққа чиқариши ҳеч гап эмасди, Блум бир куни кечаси уйга ҳеч ўйлаб ўтирмай оёғи синган бир кучукни (зоти номаълум) Онтариостритдаги уйига етаклаб келган эди (буни қаранг, ҳар иккала воқеа у қадар ўхшаш бўлмаса-да, лекин бир-биридан жиддий фарқ ҳам қилмайди, ахир ёш ҳамроҳининг ҳам қўли андак латмадими) бу воқеани ўз бошидан ўтказиб уни ҳеч унутмасди, албатта. Бошқа бир ёқдан ҳозир Сэндимаунт ёинки Сэндикоув ҳақида оғиз очишнинг вақти ўтган, кеч бўлиб қолганди, шунинг учун бир қарорга келолмай боши қотганди. Ҳар томонлама чуқур ўйлаб қараганда, ҳамма нарса бу туғилган имкониятдан тўла охиригача фойдаланиш лозимлигини кўрсатарди. Ёш ҳамроҳи олдин унга бирмунча димоғдор ва ҳаддан ташқари жиддий бўлиб кўринди, бу нарса бир ёқаси Блумга хуш ёқарди ҳам. Аммо, биринчидан, нима деса бўларкин, агар ёш ҳамроҳига бу фикрни айтса, у қўшилмаслиги ҳам мумкин эди, Блум бунга қандай ёндашиш, фикрини қандай сўзлар билан англатишни ҳам билмасди, мабодо у ўз таклифини қабул этса албатта бундан боши осмон фалаққа етган бўлардику-я, қани энди ёш ҳамроҳи ижозат берса-ю, унга нақдина пул билан ёрдам кўрсата олса ёинки агар уст-бошига лойиқ келса у-бу кийим-кечакдан пешкаш эта олса, қанийди. Ҳар томонни ўйлаб кўриб, ниҳоят у шундай қарорга келди, кўча-кўйда бўлиб ўтган нохуш ҳодисани энди эслаб ўтирмаймиз, Эппсининг бир финжон қайноқ қаҳваси билан сийлаймиз, тагига бир икки гиламча тўшаб, бошига ёстиқ ўрнига пальтони буклаб жойлаб кўлбола ўрин тўшак ташлаймиз. Ҳар ҳолда у ишончли бошпана, иссиққина уйдан баҳра олади, мисоли балиқни чопонга ўраб қўйгандай, мана шу ҳолатда у кўнгилни хира қилиши мумкин бўлган бошқа ножоизликларни кўрмас эди, ишқилиб хотини

қандай бир бемаъни хархашаларини қилмаса, бас. Отни қамчи-ламоқ даркор эди, бинобарин анави жонфиғон киши, эпапанг бева худди михлаб қўйилгандек ўтирган ўрнидан қимирламас, суюкли Куинстаун мазгилига ҳам шошилгиси келмас, чамаси шу яқин кунларда қўйи Шериф-стритдан пастдаги исловотхона-ларда қўр тукиб уйдан қочган ҳуриликлар қуршовида айш-иш-ратини қилиб ётган ҳолда топиш мумкин бўларди, ушбу одамда шубҳа уйғотадиган алламбало нусхани, нима ҳам қиларди у ерда ҳуриликларни эзиб, уларнинг нозик ҳиссиётларини иссиқ тропик ўлкаларда содир бўладиган турли воқеалар, баданингни жун-жиқтириб юборадиган олти ўкли револьвер тўппончаларни ҳикоя қилиб жунбишга келтириб, ора-орада уларнинг бўлик-бўлик жойларини сўлқиллатиб таталаб ва яна анов қурғур самогондан ҳам қултиллаб отиб ўтади-да, зерикканда яна мақтана мақта-на ўзи ҳақида зарбулмасаллар айтади, аммо аслида унинг ким-лигини ҳеч кимса билмайди, бедананинг уйи йўқ қайга борса питпилдиқ, мадам Алгебра пассим¹ айтмоқчи, бизнинг ҳақиқий номимиз иксдан бошланади. Шуларни ҳаёлидан кечириб турар-кан, Блум қон ва жароҳатларга қорилган ҳалиги валломатнинг хуружига қарши бошлаб жавоб бергани, сен сиғинган Худо яҳудий эди, деб тилини қалимага келтирмай қўйганини ичида мам-нун кулиб эсларди. Одам боласи бўри тишласа қўнади, лекин қўй сузиб йиқитса, ичи қуйиб ўлади. Ўша дилрабо Ахиллнинг энг нозик жойи ҳам ўша эди. Сиз сиғинган Худо яҳудий. Нега деганда, афтидан уларнинг ҳаммалари уни Каррик-Шаннон ёинки яна қайсидир Слайго диёрининг гадоёй топмас бир пучмо-ғидан келиб чиққан, деб ҳисоблашса ҳам ажаб эмас.

— Мен шундай таклиф қиламан, — деди ниҳоят ёши улуг қаҳрамонимиз ҳар томонни обдан ўйлаб қўрғач, суратни ҳаё-ибо билан ички чўнтагига жойлай туриб, — бу ер ёмон дим бўлиб кетди, келинг, бизниқига борайлик, бемалол гаплашиб ўтира-миз. Менинг қўналғам бу ердан унча узоқ эмас. Мапави зардоб ни ичманг. Жилдақ кутиб туришг, мен ҳақини тўлаб келай.

Ҳозир айни жўнайдиган пайт, у ёғига Худо пошшо, шамол қайга етакласа, етаклайверади, Блум иболаниб суратни чўнта-гига жойларкан, қўналға эгасига ишора қилди у эса ҳали...

— Шундай қилганимиз тузук, — деб ишонтирди у Стивен-ни, ёш ҳамроҳга эса ҳозир «Бронза калла»га боришадими ё

¹ Пассим — ҳар қайда (лот).

янги дустининг уйигами, ё яна бошқа бирон жойга, барибир эди ҳар қалай...

Блумнинг толиқини билмайдиган миясида минглаб хаёлий режалар ғувиллаб чарх урарди, билим (жуда юксак даражада), адабиёт, журналистика, конкурс ҳикоялар, замонавий реклама, инглиз курортлари бўйлаб концерт дастурлари, кўндан-кўп театрлар, лиқ-лиқ томошабинлар, соф италян тилида айтиладиган дуэт кўшиқлар, яна қанча-қанчалаб бошқа шу каби ишлар, албатта, улар тўғрисида бутун жаҳонга, атроф тумонотга жар солиш шарт эмас, андаккина омад кулиб боқса, бас. Бошлаб юбориш керак, холос. Блум ёш ҳамроҳи отасининг кучли овозини мерос олган деб, ишончи комил эди, у худди шу нарсага умид боғларди, буниги ўрни ҳам бор эди, шунинг учун ёмон бўлмас ва зарар ҳам қилмасди агар шу тўғрида оғиз очса...

Газетани кўлига олиб ўкиб ўтирган аравакаш Лондоннинг қаеридадир бўлиб ўтган Аравакашлар бирлашмасининг расмий зиёфат маросимида собиқ вице-қирол, граф Кадоган раислик қилганини ўқиди, хаяжонли хабарни ўтирганлар жимгина эшитишди, икки-уч одам узоқ эснади. Кейин бурчакдаги эскидан қолган бир нусха, чамаси, ҳалигача тетиклигини йўқотмаган шекилли, сэр Энтони Макдоннелл Юстон вокзалидан канцелярия бошлиғининг қароргоҳига жўнаб кетганлигини ўқиди, ҳар қалай шунга ўхшаш бир хабар. Одамни бунчалар тўлкинлантириб юборадиган бу хабарга баногоҳ аке садо чиқди:

— Қани, бобоси, мен бу хрестоматияни бир кўрай-чи, — деди ўз одатича тоқатсизланиб, пешанаси денгизларнинг шўрини кўрган баҳрий.

— Бемалол, олавер, — деди илтифот билан бобоси.

Баҳрий ёнидаги қопчиқдан кўкимтир кўзойнагини чиқарди да уни ҳеч шошмасдан бурнининг усти ва қулоғига қўндирди.

— Кўзингизни ишдан чиқарганмисиз дейман? — хайрихоҳ ачиниб қизикди шаҳар маҳкамасининг котибига ўхшаган киши.

— Кўрмайсанми ахир, — деб тушунтирди соқоли Шотландиянинг тўк кўк рангларини эслатадиган баҳрий, иллюминатор деб атаса бўладиган кўк ойнагидан қараб, афтидан у адабиётга ҳам қизикади чамаси, — ойнак тақиб ўқийдиган бўлиб қолдим. Қизил денгизнинг қуми кўзимни еди. Нима десамийкин, мен илгарилари ғира-ширада ҳам ўқийверардим. «Минг бир кеча» билан «Қизилгул»ни бошимни кўтармай ўқирдим. Шундан ке-

йини у чангалига газетани олиб мук кетиб ўқишга тушди, Худо билади нимани ўқийди, сувга чўккан одам топилганими ё крикет¹ қиролининг қаҳрамонликлариними. Гневингдом юздан ортиқ очко олибди, иккинчи кичик дарвоза, Ноттингем учун ўйишида, энди қўналга хўжайинига келсак (ўйин-пўйининг билан нима ишим бор дегандай) у янгигина сотиб олишган оёғини каттиқ қисаётган сўл томон пойабзали устида зўр бериб хир-хир қилиб уринар, шунақа ярамас матоҳни сотган кишини оғзини тўлдириб сўкар, ҳали кўзи уйқуга кетмаган, бу уларнинг башаралариданоқ кўриниб турарди, хурандалар эса ё индамай хўмрайиб қарашар ё арзимаган бир гаплар қилиб қўйишарди.

Қисқаси, Блум шароитни тўла ҳисобга олган ҳолда мезбонни ортиқча ташвишга қўймаслик учун ўрнидан турди ва аввало бу ернинг эгасига оқилона такаллуф билан мурожаат қилди (пулини нақд тўлаيمان деган ваъдасига биноан), бошқаларга билдирмайгина бошини енгил силкиб, тўланадиган пул тайёр деган ишорани билдирди, ҳаммаси бўлиб тўрт пенс экан (у одоб-икром билан тўрт чака тангани хўжайинининг олдига қўйди, ўзиям охирги тангалар экан), у нархлар босма ҳолда ёзиб қўйилган қоғоз варағини олдиндан кўриб қўйган, шунга кўра қаҳва 2 п., кандол. маҳс. — —, Худо ҳақи, Везерап айтмоқчи, шинаванда икки баробар ошиқча тўлаган ҳам бўларди.

Юринг, — деб ёш ҳамроҳига мулозамат қилди у чўзилиб кетган машваратни ёпиш учун.

Иш ҳамирдан қил суғургандай осон битгани ва йўл очик эканини кўриб ҳар икковлари қўналгани тарк этдилар, бу кулбаи хизонада денгизчию яна бошқа казо-казо жамоатгина қолишди, уларни эса бу роҳатижон маишатдан ҳатто каттиқ зилзила қўпиб ҳам қувиб чиқаролмасди баҳай. Стивен ҳамон оёғи калтираётгани, аъзойи бадани бўшашиб кетаётганини айтиб бир лаҳзагина... Эшик олдида харсилиб қолди шу. .

Мен ҳеч бир парсани тушунолмайман, — деди у бир кизик гап айтгиси келиб. — Нима учун кечаси стулларни столлар устига оёғини осмондан қилиб тўнтариб қўйишади, мен стулларни айтаман кафедаги...

Ҳозиржавоб Блум бунга дарҳол ўйлаб ўтирмай жавоб қилди:

— Эрталаб полни супуришади.

¹ Бир тур тўп ўйини.

Шу сўзларни айтиб, у ҳамроҳининг ўнг томонига ўтиб олиш нияти борлигини яширмай, узр сўраб чаққон ҳаракат қилди, унинг ўзи одати шундай эди, ўнг томонни ўзига яқин оларди, агар мумтоз ҳикматни қўллаган ҳолда қавс ичига олиб айтсак, бу унинг нозик жойи — Ахиллес товони эди, деса ҳам бўлади. Стивен гарчи ҳали оёқда маҳкам ва адл туролмаётган эса-да, тунги сарин ҳаводан нафас олиш кишига чинакам роҳат бағишларди.

— Бу (ҳаво) сизни дарров тетик қилиб қўяди, — мулоҳаза билдирди Блум очиқ ҳавода сайрни ҳам назарда тутиб. — Мухими, андак юрайлик, кейин сиз ўзингизни бутунлай бошқача сезасиз. Кетдик. Бу ерга яқин. Сиз менга суяниб олинг.

Шунга мувофиқ у ўзининг сўл қўли билан Стивенни ўнг томондан қўлтиқлади да, шунга мувофиқ йўлга бошлади.

— Э, ҳа ҳа, — деб унга жавоб қиларди унчалар ўзига ишонқирамай қадам ташлаётган Стивен назарида бегона бир одамнинг қандайдир юмшоқ, латтадай ажабтовур қўлини вужуди билан ҳис қилиб.

Ҳар қалай, улар тош уюмлари, манқал каби нарсалар ёнидаги қоронул кулбасидан ўтиб боришди, бунда шаҳар маиший хизматининг вақтинчалик ходими собиқ Гамли ҳамон ғафлат уйқусини уриб ётар, ҳаммага маълум ибора билан айтганда, ям-яшил ўтлоқлару тароватли ўрмонларни туш кўрарди. Ичи тош билан тўлдирилган тобутга келганда, бунда ғалати бир ўхшашлик бор эди, ахир очигини айтганда, тобутни ўша саксондан ортиқ сайловчининг етмиш икки нафари тошга тўлдирган, улар бўлиниш чоғида бошқа томонга ўтиб олишганди, муҳими, уларнинг кўпчилиги деҳқонлар табақасидан эди, булар ўша йўлбошчи шўрлик жон куйдириб ерларига қайтарган қувгинди чоракор қорандалар эди ҳойнаҳой.

Улар қўлтиқлашганча Бересфорд-плейсдан ўтиб боришаркан, суҳбатни музикага кўчиришди, Блум санъатнинг бу соҳасига чинакам муҳаббат қўйганди. Вагнер музикаси гарчи ўзига хос буюк музика бўлиб туюлса-да, Блум учун бирмунча оғирлик қилар ва дастлаб эшитганда уни англаб етиш қийин эди, лекин Меркадантенинг «Гугенотлар»и ё Мейербернинг «Хоч узра сўнги етти сўз»и шунингдек, Моцартнинг «ўн иккинчи ибодат»ини у фарқи ҳаёл бўлиб тингларди, ўша ибодатдаги «Глория» унга энг етук музиканинг гултожи бўлиб туюлар, унинг олдида бошқа ҳаммасининг чулдирашдан фарқи йўқ эди. У католик черковининг муқаддас музикасини у билан бу борада рақобат қила

оладиган, фирма айтайлик, Муди ҳамда Сэнки гимнлари ёинки «Мени чорлагил ҳаётга ва мен содиқ бўлурман то абад»га ўхшаган нарсалардан беҳад баланд кўярди. У Россини яратган «Stabat mater» асаридан ҳаммадан кўпроқ ҳайратга тушар, уни ўлмас дурдоналар сочмаси деб ҳисобларди, унинг рафиқаси примадонша Мэрион Твиди хоним бу асарни ижро этиб зўр олқишлар олганди, ҳақиқий шон-шуҳрат, довруқ қозонганди, ишонч билан айта оладикки, шундан сўнг хонимнинг шон-шуҳрати ортиб оламга таралганди, Юкори Гардинер-стритдаги иеузит оталар черковида бошқа ҳамма унинг соясида қолиб кетган, муқаддас зал хонимни эшитиш учун тўпланган ўта моҳир санъаткорлар билан лик-лик тўлганди. Ҳамма ҳеч ким хонимга бунда бас келолмайди дер, фақат ибодат ва руҳоний музика чалинадиган мана шундай масканда хонимни тўхтовсиз қарс уриб саҳнага чорлашар, лол қолиб ҳайқиришарди, бу оз эмасдир ахир. Умуман олганда эса у «Дон Жуан» ёки «Марта» сингари енгил операларни кўпроқ ёқтирар, ўзига хос инжу деб билар, кўнглига яқин оларди, аммо шу билан бирга, дейлик, Менделсон каби жиддий мумтоз мактаблар хусусида юзакироқ тасаввурга эга эди. Шулар ҳақида сўйланаркан, у ўтмишнинг кўпчилик севадиган ариялари билан шак-шубҳасиз яхши танишлигини айтиб, раг excellence¹ «Марта»даги Лионелнинг «Сен келганда» ариясини эслади, ажойиб бир тарзда шундай тўғри келиб қолдики, кеча кутилмаганда шу арияни эшитди, тўғрироғи, у қулоғига чалинди, у такдирнинг бундай тўхфаларини ғоят кадрлайди, буни қарангки, уни Стивеннинг муҳтарам падари бузруквори ижро этди, ниҳоятда авж пардаларга кўтарилиб бошқа ҳаммани буткул ортда қолдирди. Ғоятда сипориш билан сўралган саволга Стивен мен буни ижро этмаганман, деб жавоб берди. Шу билан бирга Шекспирнинг ўша даврдаги ёки нари борса ўша яқинлардаги қўшиқлари ва айни чоқда Феттер-лейнда ўсимликшунос Жерардга қўшни яшайдиган уд чалувчи Доулендни кўкларга кўтариб макташга тушди. Доуленд ҳақида annos ludendo hausi, Doulandus² деган гап юради, деди. У мистер Арнольд Долмечдан олтмиш беш гинейга шундай чолғу асбоби сотиб олиш ниятида экан, Блумга бу зотнинг номи аллақандай танишдек туюлса ҳам, аммо аниқ эслолмади, Стивен яна овозлари ниҳоятда устакорона сайқал-

¹ Биринчи навбатда (франц.).

² Уд чалиб, ҳам умрин чалиб ўтди Доуленд (лот.)

ланган Фарнаби билан унинг ўғлини ва қиролича мусиқачилари қаторида ва яна қаерда имкон туғилса вержинал чаладиган Бёрдни (Вильям) тилга олди, яна қўшиқлар ва ариялар тўқийдиган муғанний Томкинс ҳамда Жон Булл ҳақида гапирди.

Улар суҳбатлаша кета туриб яқинлашаётган тош йўлдан осма занжирли от ўзига тиркалган куча тозалагични қалдиратиб судраб борар, орқасида ахлат-супридиларни бир чеккага суриб тўплаб қолдирарди. Блум шовқинда олтмиш беш гиней ҳамда Жон Булл ҳақидаги гапни яхши эшитмай қолдим шекилли деб ўйлади. У сиз ўша машҳур сиёсатчини айтмаяпсизми, деб қизиқсиди, негаки, у икки бир-бирига ўхшаш номни эшитиб хайрон бўлди, буям ажойиб бир ўхшашлик-да, деб ўйлади.

От занжирларини шарақлатиб аста бурила бошлади, шунда доим хушёр турадиган Блум ёш ҳамроҳининг енгидан енгилгина тортиб ҳазилнамо огоҳлантирди:

— Бу кеч ҳаётимиз хавф остида. Манави буғ қалдиროқдан эҳтиёт бўлинг.

Шу асно улар юришдан тўхтадилар. Блум отнинг калласига қаради, у қутилмаганда шундоқ рўпараларидан қоронғида пайдо бўлди, у шу туриши, шу тўли, шу суяк-саёқлари билан жуда бошқача қуршар, олтмиш беш гинейнинг ҳатто яқинига ҳам йўламас, зеро бу жонивор майда қадам, оёғи оқсоқ, тумшуги осилиб тушган, қорин ичига ботган, бир шўринг қурғур қирчанғи эди, унинг эгаси эса уз жойида чуқур уйга ботиб ўтирарди. Шундай ўхшашни йўқ ажойиб махлуқ, Блум шу тобда чўнтагида бир бўлак қант йўқлигига ачиди, бироқ юз бериши мумкин бўлган тасодифларни ҳеч қачон олдиндан билиб бўлмайди, деб оқилона фикр қилди. Ҳа, бу жуда катта, жайдари, хуркак, телбасанғироқ энг жайдари от эди, унинг на ташқарисидан ва на ичкарисидан заррача ақл нишонаси кўзга ташлашмасди. Ҳаттоки ит ҳам, деб ўйланарди Блум, ўша Барни Кирианнинг хонаки итини олинг, агар у мана шунақанги баҳайбат бўлса, баногоҳ йўлингдан чиқиб қолса, юрагинг орқагга тортиб кетади-ей. Фақат ҳайвон айбдор эмас-да, худди мана шу саҳролар кемаси дейилган туядай бўлиб туғилгани учун, жонивор ўзининг ўрқачида токнинг зангиини шарбатга айлантириб юборади. Ҳайвонотнинг ўндан тўққизини қафасда сақлаш, қўлга ўргатиш мумкин, инсоннинг қўлидан ҳамма нарса келади, фақат арилар унга бўйсунмайди. Наҳанг найза билан найзаланади, тимсоҳ бўйнидан қитиқланади, у сен ҳазиллашаётганингни дарҳол тушунади, хўрознинг атрофига бўр билан доира

чизиб қўясан, йўлбарсни бургутдай боқиб ром қиласан. Дала-дашт махлуқлари борасидаги бу сердиққат мулоҳазалар уни Стивеннинг сўзларидан бирмунча чалғитди, бу орада қўча кемасига ўхшаган от йўлда айланиб бурилишда давом этар, Стивен жуда қизиқ қадим хангомалардан сўйларди...

— Мен цима дестган эдим? Э ҳа! Менинг хотиним, — деб маълум қилди Блум дарров *in medias res*¹ ўтиб, — сиз билан танишганидан ғоятда хурсанд бўлади, у ҳар қандай музикани жонидан ҳам яхши кўради.

Стивеннинг ён томонида тургани учун унинг чехрасига ёнлама қилиб қия дўстона қаради, ён тарафдан у қуйиб қўйгандек ўз онасига ўхшарди, лекин отнинг кашқасидай бўлиб колган хотинлар ҳеч ўзини тўхтатолмай бўйнига осилаверадиган истараси иссиқ тўнкалардан ҳам эмасди.

Ҳар ҳолда агар отасининг салоҳияти ўғлига ҳам мерос бўлиб ўтган дейилса, у эса бунга тўла амин эди, унда бу ҳол унинг онги тасаввурида янги уфқлар очар, чунончи леди Фингал ҳомийлигидаги Ирландия амалий ҳунарлари, ўтган душанбада улар концерт беришди ва умуман барча аслзодаларга умид боғлаш мумкин. У гапини амстердамлик (бу ерда суюқ ойимчалар йўқ) голланд Яп Питер Свелинкнинг «Ёшлик ўтар» темасидаги вариацияларига бурди. Лекин бундан кўра ҳам унга Иоҳаннес Иееннинг сокин деңгиз ва нафис одамқош париларнинг овозлари ҳақидаги қадим олмон қўшиғи жуда ҳам ёқаркан, бундан Блум андаккина чўчиб тушгандай бўлди.

Von der Sirenen Listigkeit
Tun die Poeten dichten².

Қўшиқнинг бошини у қуйлаб айтди ва *extempore*³ таржима қилди. Блум бошини силкиб қўйди-да, ҳаммасини жуда яхши тушундим, деб давом эттиришни сўради, Стивен унинг илтимосини қондирди.

Унинг овози ҳайратомуз гузал эди, дастлабки пардаларданок унинг баҳосини билди, агар уни мисол учун Барраклоуга ўхшаган таниқли вокал мутахассиси қиёмига етказса ва сайқал бер-

¹ Пўсткалласига (лот.).

² Маккор парилар чиройини
Қуйлашар шоирлар (нем.).

³ Экспромт билан (лот.).

са, боз устига Стивеннинг ўзи нотадан хабардор бўлса, унда ҳеч қийналмай нархини ҳам кўтаравериши мумкин эди, ўшанда баритонларнинг беш боғи бир тангага кетаверарди ва кўп ўтмай унинг овози ўз саодатманд соҳибига энг бадавлат маҳаллаларнинг барча кибор салонларига, катта бизнеснинг пулдорлари ва номдор хонадонларга entree¹ кириб боришни таъминларди, у ёғини қарабсизки, у университетнинг санъат бакалаври дипломи (бу ҳам ўзига яраша реклама ахир) ҳамда чинакам жентльменнинг одоб-икромига (бу жуда яхши таассурот қолдиради ва унинг яна бир ютуғи бўлади) эга бўлган ҳолда, албатта катта муваффақият қозонади, калласи яхши ишласа ва яна бошқа нарсалар ҳам бу ерда сира ортиқчалик қилмайди, албатта, фақат бу тоифа зотларнинг ишончини қозониш учун уни яхши либослар танлаб кийинтириш зарур бўлади, нега деганда, у ҳали жуда ёш ва тажрибасиз, киборларнинг либосларга бўлган нозик талабларини тушунмайди, ҳолбуки бу нарсага эътибор берилмаса қони зиён. Буларнинг барини нари борганда бир неча ой ичида амалга оширса бўлади ва унинг кўз ўнгида ўзларининг музика оқшомлари ва анжуманларида иштирок этаётганликлари гавдаланиб кетди, айниқса янги йил арафасидаги рождество (мавлуд) байрамларида хонимларнинг ҳижома давраларида шивир-шивир саслар, ҳаяжонлар кўз ўнгидадан ўтди, янгидан-янги таассуротларни ташна қидириб юрадиган хонимлар ва ойимқизларнинг эътиборини қозониш, бундан ўз ўрнида фойдаланиш ҳам одамга завқ-шавқ бағишлайди, Блум яхши биларди, бундай ҳодисалар тез-тез учраб туради — нимасини айтасиз, унинг ўзи ҳам ўз вақтида, фақат уни қарнай чалиб оламга овоза қилиб нима ҳам қилдик, ўз вақтида бу жиҳатдан тўла имкониятга эга эди. Шу билан бирга бунда даромад оқиб келишини ҳам назардан қочиб бўлмайди, бу менсимай қарайдиган нарса эмас, аксинча муаллимнинг кармонига қўшимча сармоя. Яна шундай тушунилмасинки, деб тирноқ ичида қўшимча қилиб қўйди у, бу ўша ярамас фойда даромадни кўзлаб бутун умрини батамом саҳнага бағишлаб юборсин, дегани эмас, асло. Кимга керак бундай даҳмаза. Аммо бу тўғри йўналишда ташланган тўғри қадам бўларди, бунда эътирозга ўрин йўқ, пул томондан ҳам, руҳий томондан ҳам бу заррача унинг нафсониятига тегмас, ғурурини ерга урмасди, одам шундай зориқиб қоладиган пайтлар ҳам бўлиб

¹ Кириш.

туради-ку, ахир. Кўзингга ҳеч нарса кўринмай турганда, чўкиб кетмаслик учун хасга ёпишадиган маҳалда бирдан қўлингга чек тутқизадилар, кўзинг ярқ этиб очилиб кетмасинми янаям. Бундан ташқари охирги пайтларда дидлар каттиқ айниди, шунга карамасдан, одат тусига кириб қолган эскича ечимлардан йироқ шу янги музика тезда юракларни ишғол қилиши керак, бу Дублин музика дунёсида улкан янгиликка айланади, ахир Айвен Сент-Остелл ва Хилтон Сент-Жаст ва *genus omne*¹ шўрлик шинавандаларнинг жонига тегиб кетишди тенор учун чучмалдан-чучмал соло ёғдиравериб қулоқларни батанг қилиб юборишди. Ҳа, ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, ном қозониш, юртдошлар назарида юксак чўққиларга кўтарилиш учун энг яхши имкониятлар мавжуд ва бунинг ҳаммаси унинг ўз қўлида, ўша чўққилардан туриб ўртага қатъий талабини қўя олади, нарҳини айта олади, олдиндан келишиб, Кинг-стрит саройида ҳашаматли концерт уюштиради, фақат қўллаб-қувватловчилар бўлса бас, агарда бироқ худди мана шу ерда агарда деб қаттиқроқ айтишга тўғри келади, кимдир уни аста-секин юқорига кўтарса, нима десак экан, йўлни муқаррар тўсиб чиқадиغان ғовлардан олиб ўтса, ахир ёшлар ва осон ютуқлардан талтайиб кетган эртапишарлар худди мана шу нарсаларга келиб тез-тез қоқилиб йиқиладилар. Шуниси ҳам борки, у бошқа нарсалардан заррача ҳам ажралиб қолмайди, ахир у ўзига-ўзи хўжа бўлади, кўнгли тусаса адабиёт ишлари билан шуғулланиш учун ҳам жуда кўп вақт қолади, бу унинг хонанда сифатида шуҳрат қозонишига зид ҳам келмайди, зиён ҳам келтирмайди андак бўлсин, чунки бу фақат унинг ўзининг иши ва ҳеч кимга асло дахли йўқ. Аслини олганда ҳаммаси ўзи унинг қўлига қиряпти, ва худди айни мана шу сабабдан ҳам, мусоҳибларнинг ёши улуғроғи узокдан ўз фойдасининг ҳидини устомонлик билан сезиб, ёш йигитга илакишди-қўйди.

Айни худди мана шу пайтда ит қурғур... бироздан сўнг у (Блум) агар имконият туғилиб қолса, ҳамроҳининг шахсий ишларига мутлақо аралашмаган ҳолда аҳмоққа тўқмоқ қабилида унга босар-тусариши билмай қолган фалончи медик билан муносабатларни узил-кесил узиш кераклигини айтаман, деб кўнглига тугиб қўйди, Блумнинг фаҳмлашича ўша медик Стивенга ҳаддан ташқари менсимай беписанд қараб, орқасидан билса ҳазил билмаса чин йўсинида бемаза ҳазил-хузул қочириқлар қилар-

¹ Барча ғайнилар (*лот.*).

кан, буни шундан бошқача аташ мумкин эмас, Блумнинг камтарона фикрича, бундай хатти-ҳаракат ўша медикнинг феъли бағоят бадфеъллигидан дарак бераркан, зарофат учун узр, албатта.

От, нима десак экан, кўчанинг чекига етиб тўхтади ва думини шахд билан кўтариб ерга ўз улушини ташлади, чўткалар тезда супуриб-сидириб оладиган кўча ўртасига ҳовури чикиб турган учта катта тезак тушди. От — ўзининг осилиб тушган курсоғини кетма-кет, уч маротаба шошилмай бушатди. Аравакаш ҳам соф одамгарчилик юзасидан то ҳайвон ўз ишини бажо келтирмагунча икки томонга чалғилар ўрнатилган араваси ўриндиғида қимир этмай кутиб ўтирди.

Блум билан Стивен араванинг кутилмаганда тўхтаб қолганидан фойдаланиб, устуннинг сўл-соқ томонидан занжирнинг бўш, очиқ орасидан ахлатларни четлаб ёнма-ён ўтиб олдиларда қуйи Гардинер-стритга қараб юрдилар. Стивен йўл-йўлакай ҳамон паст овозда, аммо боягига қараганда анча тетик ва дадил балладанинг охирини қўшиқ қилиб қуйларди:

Und alle Schiffe brucken!...

Аравакаш мик этмади, на ёмон, на яхши, на шунчаки сўз айтди. У ўз шарабанида икки одамнинг қорасига шунчаки қараб ўтирарди — улар эса бири тўладан келган, бириси ориқ иккиси ҳам қора кийимда, Темир йўл кўтармаси томон қадам ташлашар, никоҳлаб қўй энди уларни падар Махер. Улар баъзан юришдан тўхтаб қолишар, кейин яна йўлга тушишар, одамни ақлу ҳушидан бегона қилувчи маккор парилар борасидаги маҳрамона суҳбатларини (бунда аравакаш иштирок этолмасди, албатта) давом эттиришарди, ора-сира шунга ўхшаш бошқа мавзуларни ҳам тилга олишар, тарихий мисоллар келтириб босқинчиликлар ҳақида муҳокама юриштишарди, ушбу аснода эса фаррош аравада, агар хоҳласангиз, сиз уни супурги арава деб атай қолинг, ўтирган киши бу суҳбатнинг бирор сўзини ҳам эшитмас, нега деганда, ҳамроҳлар хийлагина олислаб кетишган, у эса шунчаки қуйи Гардинер-стритнинг охирида хос-бехос ўтирганча, *уларнинг худди бир аравага қушилгандай бўлиб боришларидан нигоҳини узмасди.*

¹ Барча кемаларни бостирар (нем.).

17-ВОҚЕА

Блум ва Стивен қайтишаётганда қандай ёнма-ён йўл билан юришди?

Улар биргаликда Бересфорд-плейсдан сайр қилиб юргандек бамайлихотир қадамлар билан Қуйн ва Ўрта Гардинер-стрит ҳамда Маунтжой-сквер бўйлаб ўтиб, шу зайлда кунботиш тарафга юрдилар; кейин қадамларини секинлатиб, ҳар икковлон сўлроққа олиб янглишиб Гардинер-плейс оралаб Темпл-стритнинг нақ муюлишига етдилар; сўнг оҳиста одимлаб дам тўхтаб, дам силжиб, ўнг томонга ёндошиб Темпл-стритнинг шимолий қисмидан Хардвик-плейсгача бордилар; бири-бирига сира ўхшамаган ҳамроҳлар айланиб юрган каби қадам ташлаб, икков мук. Георгий черкови олдидаги айлана майдонни тик кесиб ўтдилар, нега деганда, ҳаммага маълумки, ҳар қандай айлананинг икки нуктасининг ораси унга ёндош ёйнинг ўзидан қисқадир.

Сайру сулук чоғида икковлон қандай мавзуларда суҳбат қилишди?

Музика, адабиёт, Ирландия, Дублин, Париж, дўстлик, хонимлар, фоҳишалар, парҳез, газ билан ёритиш, умуман қизиб ёнувчи ёй чироқларнинг ён-атрофдаги паратегелиотроп дарахтларнинг ривожланишига таъсири, умумга мўлжалланган шаҳар ахлат яшиқларнинг шошилиш эҳтиёжлар учун фойдаланилиши, Рим-католик черкови, руҳонийларнинг уйланмаслиги, ирланд миллати, иезуитларнинг ўқув юртлари, турли туман ихтисослар, тиббиётни ўрганиш, ўтган кун, жума шанбанинг макрли таъсири, Стивеннинг ҳушдан кетиши.

Атрофларини қуршаган ҳолларга ўзаро яқин ҳамда яқин бўлмаган муносабатларда Блум умумий яқинликларга дуч келдими?

Ҳар икковлари бадний нафис таассуротларга бегона эмас эдилар, пластика ва тасвирий санъатдан кўра музикани афзал кўришарди. Ҳар икков оролда яшагандан кўра қитъада яшаш-

ни ва Атлантик океанининг бу ёғида истикомат этишни у ёғида истикомат этишдан кўра маъқул топишарди. Ҳар икков уй тарбиясини олиб чиникиб, бошқача тарзда фикрлаш, қийинчиликларга кескин қарши туриш майл-одатларини мёрос қилиб олишган, жуда кўпдан-кўп диний, миллий, ижтимоий ҳамда ахлоқий ақидаларни (умум томонидан қабул қилинган) қатъиян рад этишарди. Ҳар икков жинсларнинг оҳанрабодай ўзига тортиш кучининг ҳам қўзғатувчи ва ҳам ганг карахт қилувчи таъсирини тан олишарди. Қандайдир нарсаларга қарашларда уларнинг фикрлари бир-биридан фарқ қилармиди?

Блумнинг парҳез ҳамда фуқаролик борасида ўз ўзини камолга етказиш муҳимлиги туғрисидаги фикрига Стивен очикдап-очик қўшилмасди, Блум эса Стивеннинг адабиётда инсон руҳининг мангу тасдиғи ҳақидаги қарашларига овоз чиқармаган ҳолда ичидан қўшилмасди. Стивеннинг ирланд халқининг друидлар эътиқодидан насронийлик динига ўтиши санасини эскирган деб топишини Блум ич ичидан қўллаб-қувватларди, бу нарсани Папа Целестин Биринчи томонидан 432 йилда жўнатилган Патрик ўғли Калпорн, Потит ўғли, Одисс ўғли адо этган бўлиб, бу тақрийбан 260 йилда Лири подшоҳлиги ва Кормак Мак Арт замонида (ваф. я. э. 260 йили) рўй берганди, бу зот бўғизга суяк тикилиб Слеттида бўғилиб ўлмишди ҳамда Росснарига дафн этилмишди. Буни Блум қурсоқнинг қуриши ва алкогольнинг турлича қувват даражалари ва айрим аралашмалар улушининг ортиши ҳамда баъзи кимёвий бирикмаларнинг таъсири туфайли бўлган деб тушунтирди, бу нарса яна ақлий зўриқиш ҳамда одамни бўшаштирадиган тез айланма ҳаракатлар қилиш натижасида юз берган деди у, Стивен буни аввал аёл кафтидан унча катта бўлмаган булутнинг эрталаб яна қайтадан пайдо бўлиши билан изоҳлади (икковлари буни икки турли нуктадан, Сендикуов ва Дублиндан туриб кузатишганди).

Уларнинг қарашлари бир хил ва салбий бўлган нарса бормиди? Газсимон ва электр ёриткичнинг яқин атрофдаги паратегелиотроп дарахтларнинг ўсишига таъсири масаласида. Улар шундай қарашарди.

Блум илгарилар бундай мавзуларни тунги сайрлар пайтида муҳокама қилганми?

1884 йилда Оуэн Голдберг ҳамда Сесил Тернбулл билан бирга шунда Лонгвуд-авеню билан Леопард муюлиши, Леопард муюлиши билан Синг-стрит ҳамда Синг-стрит билан Блумфилд-аве-

ню орасида шаҳар кўчаларини кезганда; 1885 йилда Перси Эпжон ҳамроҳлигида окшомлари Апперкросс баронлигида Крамлиндаги Гибралтар саройи билан Блумфилд-хаус орасида деворга суяниб турган ҳолда; 1886 йилда ўқтин-ўқтин тасодифий таниш-билишлар ва эҳтимолки харидорлар билан эшик остонасида ҳамда шаҳар атрофи темир йўлларининг учинчи даражали вагонларида; 1888 йилда майор Брайен Твиди ва унинг қизи Мэрион Твиди билан биргаликда ёки алоҳида-алоҳида Мэтю Диллоннинг Раунд Таундаги уйи айвонида; 1892 йилда бир марта ва яна бир марта 1893 йилда Жулиус Мастянский билан бирга ва ҳар икки ҳолда унинг (яъни Блумнинг) ғарбий Ломбард-стритдаги уйи меҳмонхонасида бу гапларни муҳокама қилишганди.

То мўлжалдаги жойга етиб келгунларича Блумда 1884, 1885, 1886, 1888, 1892, 1893, 1904 бир-бирига боғланмаган йиллар ҳақида қандай фикрлар ҳосил бўлди?

Индивидуал ўсиш ва тажриба соҳасидаги прогрессив кенгайиш ўзаро индивидуал муносабатларнинг қарама-қарши томонида регрессив торайиш билан бирга боради деб ҳаёл қилганди Блум.

Яъни айнан қандай?

Мавжуд бўлмасдан олдин мавжудликка қўл нарсалар келди ва қабул қилинди; мавжуд экан ҳар қандай ҳар қандай билан бўлгани каби у ҳар қандай билан бўлди; мавжудликдан номавжудлик сари борди; у ҳамма учун ҳеч кимга айланди, қабул қилинмайдиган бўлди.

Мўлжаллаган жойларига етиб келишгач Блум нималар қилди?

Эккл-стрит, 7 рақамига етиб келгунча бир қанча тоқ сонлар каторидан ўтиб тўртинчининг поғонасида Блум беихтиёр шимининг орқа чўнтагига калитни олиш учун қўл солди.

Калит бор эканми?

У кеча кийилиб, уйда қолиб кетган шимнинг чўнтагида экан.

Нега у бундан икки карра ортиқ хафа бўлди?

Эсидан чиқаргани ва куни кеча ўз-ўзига икки маротаба эсингдан чиқарма деб атай тайинлагани учун.

Англашилмовчилик боис калитсиз (бехос) қолган ҳамроҳларнинг ҳоли энди нима кечади?

Уйга кириш ва кирмаслик. Эшикни тақиллатиш ё тақиллатмаслик.

Блум нима қарорга келди?

Йўл қидирди. Паст деворга оёғини тираб, у панжара устига чиқди, шляпасини бошига бостириброқ кийди ва устунларни

икки бугимидан тутиб, оёғини оҳиста ҳовли томонга олди, ҳовлининг катталиги беш фут ва тўққиз ярим дюм, устига тош ётқизилган йўлканинг узунлиги икки футу ўн дюм эди. Шундан сўнг панжарадан ошиб тушиб, ерга йиқилишдан ўзини эҳтиёт қилиб энгашганча маконда эркин ҳаракатга кирди.

У йиқилмадимми?

Инглиз оғирлик ўлчови тизими бўйича унинг танасининг оғирлиги ўн бир стон ва тўрт фунтга баробар эди, бу аптекачи ва доришунос Фрэнсис Фредменнинг Шимолий Фредрик, 19 даги хонасида жойлашган рақам чиқиб турадиган тарозисида доимий тасдиқдан ўтганди, бу ўтган Мерож байрамида, яъни насроний вақт ҳисобига кўра, бир минг тўққиз юз тўртинчи кабиса йилининг ўн иккинчи май куни (яҳудий йил ҳисобида беш минг олти юз тўртинчи, мусулмон йил ҳисобида бир минг уч юз йигирма иккинчида), олтин санаси 5, элактаси 13, даврий куёш айланиши 9, якшанба белгилари СВ, Рим индикти 2, Юлиан айланиш давраси 6617, МСМ IV рўй берганди.

Ҳовлига тушгач у безарар юриб кетдимми?

У ўз мувозанатини сақлаб мустаҳкам оёкка турди, жуссасига сакраганда андак ларза тушган эса-да, дадил қадам босди, ташқи эшик лўкидонини кўтарди, унинг эркин ҳаракат қилувчи тилини ва таянч нуқтадаги пишангни куч билан босди, андак ҳаяллаб пастроқ жойлашган қазноқдан ўтиб ошхонага кирди, «Люцифер» гугуртини ишқалаб ёқди, мурватини бураб газни очди, баланд аланга олдирди, кейин унинг алангасини пастроқ қилиб ростлади ва ниҳоят битта шам ёқди.

Стивен унинг бу ҳаракатларини қандай қабул қилди?

У панжарага суяниб ошхонанинг тиниқ ойнасидан газнинг алангасини ростлаётган кишини, шамни ёқаётган кишини, навбат билан пойабзалини ечаётган, ёниқ шамни кўтариб, ошхонани тарк этаётган кишини кўрди.

У киши яна қаерда пайдо бўлди?

Тўрт дақиқа ўтгандан сўнг унинг қўлидаги шами ичкарига кирадиган эшик тепасидаги ярим айлана, ярим шаффоф елпиғичга ўхшаган ойнани ёритди. Эшикнинг ошиқ маъшуғи оҳиста айланиб очилди, йўлақда қўлида шам кўтарган яланг бош киши кўринди.

Стивен унинг ишорасига юрдими?

Ҳа, у оҳиста қадам босиб ичкари кирди, эшикни ёпиб, илгачини илишга ёрдамлашди, шундан сўнг у оёғини мато билан

ўраган, қўлида шам унлаган одамнинг орқасидан сассиз эргашиб, сўл томондаги эшик тагидан ёруғлик тушиб турган йўлакдан ўтди-да, ён тарафга қараб бурилган пиллапоядан беш поғонача пастга эҳтиёткорона оёқ босиб, Блум уйининг ошхонасига кирди.

Блум нима қилаётган эди?

У шамни каттик пуфлаб ўчирди, ўтирадиган жойи (макъади) чуқурча қилиб ишланган иккита курсини оташгоҳга яқинроқ сурди, биттасининг елкасини ҳовлига қараган деразага тўғрилаб Стивенга қўйди, иккинчисини зарур бўлиб қолса деб ўзига ўрнатди, бир тиззасини ерга қўйиб ўтирди, оташгоҳнинг панжараси устига суюқ мум шимдирилган пайраҳаларни устма-уст қалади, тагига қалин рангдор қоғоз парчаларини тикди, «Флауэр ва Макдоналд», Д'Олйер-стрит, 14, фирмасининг омборларидан харид қилинган, тоннаси йигирма бир шиллинг турадиган, энг яхши Эбрем кўмирининг лўнқаларини терди-да, «Люцифер» гугуртининг ёнаётган битта чўпи билан қоғознинг учта учи чиқиб турган жойидан ўт олди, ёқилғидаги мужассам иссиқлик атрофга таралди, унинг таркибидаги углерод билан водород ҳаводаги кислород билан қўшилди-да, энергия ишга тушди.

Стивен яна шунга ўхшаш нарсалар устиде ўйладими?

У бошқа жойлар ва бошқа вақтларда бир тиззасига ёки иккала тиззасига чўкиб ўтириб унга ўт ёки берган одамларни эслади. Килдер графлигининг Саллинс деган жойидаги Клонгоуз Вуд Иисус Жамияти коллежининг кичкина касалхонасида биродар Майклни эслади; Дублиндаги Фицгиббон-стрит кўчасидаги ўн учинчи уйларида (уларнинг биринчи бошпаналари) шип-шийдон хонада отаси Саймон Дедални ёдига келтирди; Ашерг Айленд, 15 даги ўлим тўшагида ётган мисс Жулия Морканнинг опаси ўзининг энагаси мисс Кейт Моркан хаёлидан ўтди; Шимолий Ричмонд-стрит, 12 даги уйнинг ошхонасида 1898 йилда мук. Франциск Ксаверий байрами куни эрталаб онаси Мэри хотирасига тушди; Шимолий Стивенс Грин, 16 даги Университет Коллежининг физика кабинетидаги декан, ота Батт кўз ўнгидан ўтди; отасининг Кабретадаги уйида опаси Диллини (Делия) ўйлади.

Стивен рўпарасидаги оташгоҳ тепасига бир қўл баландлигида қараб нимани кўрди?

Пастроқда катор қилиб пружиначаларга бешта эшик қўнғирокчалари осилганди; оташгоҳ тиргаги ёнидаги камгак жойда икки илгакка қиялатиб эгри-бугри арқон тортилиб, унга тўртта

чорси рўмолча буклаб ташлаб қўйилган, лекин қисқич билан маҳкамланмаган эди, шунингдек, унда бир жуфт товони ва юқори қисми филделерс кулранг аёллар пайпоғи осилган, улар ёнидан ҳам, тепасидан ҳам учта ёғоч қисқич билан тортилганди.

Блум плита устида нимани кўрди?

Ўнг томондаги чоғроқ овқат иситиладиган токчада сирланган зангори кастрюль, сўл тарафида (бу томон каттароқ эди) – қора темир чойнак турарди.

Блум плитада нима қилди?

У кастрюлни сўл томонга олди, тунука чойнакни кўтариб сув тўлдиргани ўтди.

Сув оқдими?

Ха. Бу Уиклоу графлигидаги сизими 2400 миллион галлон бўлган Раундвуд омборидан келаётган ичимлик сув эди, у ер остидаги окведук (кориз) орқали бир ёки бир неча филтрли қувурлардан оқарди, узунасига ҳар бир ярди 5 ф.с. турадиган ускуналар лойиҳа бўйича ўрнатилганди, у Даргл, Рэтдаун, Даунс водийси ва Коллоухилл орқали ўтиб, 22 инглиз мили масофасини босиб Стиллоргендаги 26 акр майдонни эгаллаган сув омборига қуйиларди, бу ердан яна бир қанча сув тўплагичлардан ва 250 фут сув туширгич қайирмалардан тушиб Юстейст кўприги ҳамда Юқори Лисон-стритда шаҳар чеккасига етиб келарди; Ёз ойларида узоқ давом этган қурғоқчилик туфайли ҳамда ҳар куни 12,5 миллион галлон истеъмол қилингани боис сув тўғоннинг обпартовидан анча қуйи тушиб кетарди; ушбу сабабдан ҳам сув тармоғининг инженери ва вилоят нозири М.И.¹ мистер Спенсер Хэрти сув оқова бошқармасининг кўрсатмасига биноан шаҳар сувини уйдан бошқа барча жойларда ишлатишни тақиқлаганди (ақс ҳолда худди 1893 йилда бўлгани каби ичинг учун мутлақо ярамайдиган Катта канал ҳамда қирол каналларидан сув олишга тўғри келиб қолиши мумкин эди), яна шуниси ҳам ошиб тулган эдики, ҳар бир йўқсилга кунига 15 галлон сув ажратилган бўлишига ва бу ўлчам олти дюмли сув ўлчагич билан тартибга солиб турилганга қарамай Жанубий Дублин Мискинлар уйи ҳар куни 20.000 галлон ортиқча сув оқизганлиги маълум бўлган, буни сув ўлчагич асбоби кўрсатган; муниципалитет юрисконсулти, ишончли вакил мистер Игнатий Райснинг далолатномасига қўра бу нарса

¹ Муниципал инженер.

аҳолининг бошқа бир қисми, соғлом ҳамда тўловга қобил солиқ тўловчиларга ҳаракат билан зарар етказиш деб баҳоланган.

Сувсевар, суволар, сув ташир Блумни у плита ёнига қайтиб келганда сувнинг нимаси лол қилиб қўйди?

Сувнинг ҳаммабоплиги; ўз сатҳини текислашга интилишда табиатга содиқлиги ва барчага баробар тенглиги; Меркатор бўйича хариталардаги сув океанларининг поёнсизлиги; Тинч океанидаги Зундам ботиғида унинг 8000 денгиз сажинидан ошадиган ўлчаб бўлмас чуқурлиги; унинг барча соҳилларига навбат-банавбат тегиб ўтувчи тўлқинлари, мавжлари ва бошқа устки зарраларининг ҳеч чарчамас, тўхтамас ҳаракатчанлиги; унинг бўлақларининг мустақиллиги; денгизлар ҳолатининг доим ўзгариб туриши; сокин чоғида сокишлиги; кўпайган ва камайган пайтларида ҳаракатчан кўпчиши; вайронагар тўфонлардан сўнг тинчиб қолиши; Арктика ва Антарктидада қутб музликларининг мутлақ тоза-мусаффолиги; унинг иқлим ва тижорат учун аҳамияти; ер куррасида унинг 3 га 1 нисбатда кўплиги; Жадий субэкватор чизигидан пастда жойлашган барча кўз илғамас маконларда унинг ҳукмронлиги; азал ҳавзасининг мултисекуляр барқарорлиги; қорамтир-малла ўзани; миллион-миллионлаган тонналардаги энг қимматли маъданларни ҳам қўшган ҳолда унинг барча эрувчан моддаларни эритиши ва эриган ҳолда сақлаши; унинг яримороллари ва чўкаётган бўғозларини тинмай юиб кетиши; унинг аллювиал ётқизиклари; унинг вазни, ҳажми, зичлиги; унинг маржон ороллари ва баланд тоғлардаги оҳактошли кўлларда ҳеч қачон ўзгармаслиги; унинг тропик, мўътадил ва совуқ минтакаларда рангларининг товланиш даражалари; қитъалардаги транспорт шохобчаларининг кўлларнинг оқимларига улашиб кетиши, дарёлари ва тармоқларининг океанларга қуюлиши, трансокеан оқимларга, экватордан шимол ва жанубга қараб Голфстрим ҳосил қилиши; унинг қутурган асов қудрати цунамиларда, тўфонларда, артезиан қудукларда, лаваларда, ёмғир жалаларда, гирдоб айланаларда, тошқинларда, босишларда, қаър тўлқинларида, алиш сув-айирғичларда, сув бўшатмаларда, гейзерларда, шовваларда, ўпқонларда, малстремларда, сув олиб кетиш — селларда, жалаларда; уни ҳайбат билан ёй каби ерни қамраб олганлиги; унинг яширин булоқлари ва киши билмас намлиги, фақат сув изловчи асбоблару гидрометрия ўлчагичлари воситасида топилиши, бунинг мисоли шу яқиндаги қудук

ва Эпштаун дарвозаси деворидаги тешик, ҳавони бойитиши, шурингда шаффофлиги; таркибининг соддалиги, бир қисм кислородда икки қисм водород; шифобахш хусусиятлари; ўлик денгиздаги унинг кўтарилиш кучи, унинг сойлар, жилғалар, жарлар, бузуқ тўғонлар, кемаларнинг деворларидаги тирқишлардан ҳеч тўхтамай шиддат билан кириб бориши; унинг тозаланиш, ташналикни қондириши, ўтни ўчириши, ўсимликларни тўйдирishi; унинг парадигма ва азал образ сифатида мукамаллиги; унинг буғ, туман, булут, ёмғир, қиров, қор, дўлга айланиши; қудратли гидрантлардаги унинг кучи; унинг кўллар, қўлтиқлар, кўрфазлар, бўғозлар, қайрилмалар, тармоқлар, оҳақтошли ороллар, маржон ороллар, архипелаглар, фиордлар, эстуарийлар ва майхоналардаги ранг-баранг кўринишлари; унинг муз тоғлар, айсберглар, дайди муз қоялардаги муст-метинлиги; унинг сув тегирмонлар, турбиналар, генераторлар, электростанциялар, унинг ювиш, оқлаш, ошлаш, саваш машиналарини ҳолис, беминнат айлантириши; кемалар, қайиқлар қатнай оладиган каналлар ва дарёлар, сузиб юрувчи таъмирловчи докларда қўл келиши; сув кўтарилган ва тушган пайтларда, юқори оқимларда уларни забт этиши ва кучини кўрсатиши; унинг сув ости фаунаси ва флораси (анакуст ҳамда фотофиб), уларни сон жиҳатидан ер устида яшовчи махлуқларга қиёслаш мумкин; у одам аъзо-баданининг 90 фоизини ташкил қиларкан, демак, у ҳамма жойда мавжуд; чириган балчиқлар, ботқоқликлар, сўлиган гулларнинг туваклари ва ой шом еган чоғларда туриб қолган сувларда ундан сассиқ уфунат таралиши.

Нега ярим тўлатилган чойнакни гуриллаб ёна бошлаган кўмир устига қўйиб, у яна боядан бери оқиб турган жўмрак олдига борди?

У Баррингтон лимон совуни бўлаги билан қўлини ҳам ўзгарувчан ва ҳам ўзгармас янги муздек совуқ сувда ювмоқчи эди; бу совун қисман аввал ишлатилган бўлиб, устига қоғоз ёпишиб қолганди (совун ўн уч соат бурун тўрт пенсга харид қилинган, бироқ ҳали пули тўланмаганди), кейин у айланиб турадиган ёғоч поясига ташлаб қўйилган қизил ҳошияли узун хом сурп сочиққа юз-қўлини артиб қуритмоқчи эди.

Блумнинг таклифни рад этиш учун Стивен қандай сабаб кўрсатди?

У сувдан қўрқаман деди, совуқ сувга тоқат қилолмас, юз-қўлини юволмас, бошдан-оёқ чўмилолмас экан (ўтган йил-

нинг октябрь ойида охирги марта сувга тушган экан), ойна, биллур каби сувга ўхшаш нарсаларни жини суймас экан ва шу билан бирга нутқлар ва фикрлардаги сувчилликка сира ишонмас экан.

Тозалик озодаликка риоя қилишнинг фойдаларини айтиб нега Блум Стивенга ўз фикрини ўқирмади? Нега каллани ҳўллаш, башара, бўйин, елкалар, кўкрак қафасига сувни ша-лоплатиб сачратиб ювиниш мушакларни қисқартириб, қонлар-ни жўштиришини исбот қилиб бермади? Ахир дарёда, денгиз-ларда чўмилиш одамга роҳат бағишлайди-ку?

Яна билиб қўйиш зиён қилмайдики, одам аъзойи баданининг совуққа чидамайдиганлари булар энса, курсоқ ва оёқнинг товон-ларидир.

Сувнинг табиий куч-қудрати билан даҳонинг ўзига хос ин-жиклиги чиқишолмасди.

У худди шундай яна қандай маслаҳатлар беришдан ўзини тийди?

Парҳез қилишга доир маслаҳатлар бериб ўқирмади: чунончи бекон, треска ва мой таркибида мавжуд оксиллару иссиқлик ка-лориялари, ва бу охиргиларнинг биринчи санокнинг охиргисида йўқлиги ҳамда охиргиларнинг санокдаги биринчида мўл-кўлли-ги борасида.

Меҳмон йигитнинг қайси сифатлари мезбоннинг кўзига таш-ланиб турди?

Авалло ўзига бўлган ишонч, қолаверса, ўз-ўзини бошқарин, тасарруф қилиш, хаёлни сочиш ҳамда жамлашнинг тенг-баробар ва қарама-қарши кучлари.

Аланга устига қўйилган сув солинган идишда йўл-йўлакай қан-дай ходисалар юз кўрсатди?

Қайнаш ҳодисаси. Ошхона билан оташгоҳ мўриси орасида узлуксиз оқим тариқасида юқорига тортилаётган қизиган ҳаво туфайли зўрайиб ёнаётган олов пайраҳалардан лўнқасимон кўмирга ўтар, кўмирда эса тарихдан аввалги олис ибтидоий за-монларда зичлашиб, маъданлашган минераллар мужассамлаш-ган эди, аввалда моҳиятан ўсимлик бўлмиш ушбу маъдан ўз навбатида дастлабки иссиқлик манбаи (шуъладор) қуендан куч-қувват касб этмиши ва ушбу ўз навбатида нур таратувчи ҳар томонга ёйилган иссиқлик ўтказувчи эфир-ҳаво воситасида тар-қалмишиди. Бундай ёниш чоғида кучайиб борувчи ҳаракатнинг

бир тури бўлмиш иссиқлик (конвектирланиб) қўзғалиб ўз манбаидан идишдаги суюқликка ўтиб борар, идишнинг тозаланмаган қорайиб кетган устки тунукасини обдан қизитар, қисман яллиғланар, қисман ютилар ва қисман қувватини ўтказарди, шу тарика чойнакдаги сувнинг ҳароратини дам сайин қайнаш нуқтасигача кўтарарди, айни вақтда ҳароратнинг кўтарилишини бир фунт миқдоридagi сувни Фаренгейт бўйича 50° дан 212° даражагача қизитиш учун 72 иссиқлик бирлиги сарфлаш натижаси деб ифодалаш мумкин эди.

Ҳароратнинг шу кўрсатилган даражага кўтарилганини қаердан билиш мумкин эди?

Чойнак қопқоғининг ҳар иккала томонидан худди ўроқсимон оппоқ буғлар отилиб чиқарди.

Юқорида кўрсатилган тартибда қайнатилган сувни Блум қандай шахсий юмушларига ишлатиши мумкин эди?

Соқолини олиш учун.

Тунда соқол олишнинг қандай афзалликлари бор?

Соқол мўйи тунда юмшоқроқ бўлади; устара у қиришдан-бу қиришгача қотган кўпик ичида атай қолдирилган бўлса, совун сурадиган чўтка юмшоқроқ туради; бемаҳалда, холи жойда хотин жинсидан бўлган таниш-билишларни кутилмаганда учратиб қолинса, юз териси майинроқ бўлади; кун қандай ўтганлиги ҳақида бафуржа ҳаёл суриш; уйқудан тетик бўлиб кўз очганда, ўзингни силлиқ ва озода кўриб хушҳол бўлиш; ҳолбуки, эрталабки шовқин-сурон, ноаён ҳислар ва тўсқинликлар, сутчининг бидонининг тарақ туруки, хат ташувчининг эшикни тақиллатиши, совунни қайта-қайта бир жойга кўпиртириб сураётганда такрор-такрор ўқилган газета ва бирдан кўнгилга оралаган кўрқув ва нимани қидираётган эдинг, деган безовта фикр ва сал ўтмасдан бу арзи маган нарса-ку, деган қарор соқол қиришни тезлатиб юбориши ва натижада кесиб олиш мумкин кейин унга кичкинагина пластир қирқиб андак оғзингда ҳўллаб тўғри томони билан ёпиштириб қўясан бошқа на иложинг бор.

Нега уни ёруғликнинг йўқлиги эмас, шовқин-сурон кўпроқ ташвишга солиб қўйди?

Унинг бақувват миқти эркакмонанд аёлмонанд фаол сушт қўлида ишончли сезги ҳиссиёти мужассамлашганди.

Бироқ қарама қарши таъсири бўлган ҳолда айни чоғда у (унинг қўли) қандай қобилиятга эга эди?

Унда жарроҳлик қобилияти мужассам эди, бироқ айни чоқда, ҳатто мақсад воситани оқлаганда ҳам, у инсон қонини тўкишдан нафратланарди, шу боисдан ҳам, табиий тартиби баланд у гелиотерапия, психофизиотерапия ва остеопатия жарроҳлигини афзал кўрарди.

Блум дарчасини очган ошхона жавонининг пастки, ўрта ва юкори токчаларида нималар кўзга ташланарди?

Пастки токчада ёнламасига терилган бешта майда тарелка, олтита устма-уст тахланган лаган, улар устида тўнкариб қўйилган қандолатчалар, ўсган мўйловга мосланган тўнкарилмаган финжон, Кроун-Дерби тақсимчаси, тухум учун тўртта тилла хошияли оқ қадахча, ичида кўпроқ чақа тангалар кўриниб турган очиқ замша ҳамён, хушбўй (бинафша исли) попук қантлар солинган идиш. Ўрта токчада сийқаси чиққан тухумдон, унинг ичига қалампир солинган, оштуз солинган туздон, ёғлиқ қоғозга ёпишиб қолган тўртта зайтун меваси, Сливни пащтетидан бўшаган идиш, ичи бурама қоғоз билан қопланган, ичида битта Жерси ноки турган тўкилган думалоқ сават, «Вильям Гилби ва К°» фирмасининг ичи яримлаган шифобахш оқ портвейни шишаси, қирмизи-пушти қоғозга ярим ўроғлиқ эрийдиган Эппс қаҳваси, Энн Линчдан харид этилган, бир фунти икки шиллинг турадиган, зар қоғозиғижим олиё нав чой, йилтироқ тунука идишга солинган қумоқ оқ қанд, иккита пиёз, бирови испан пиёзи, бутун, иккинчиси майдароқ ирланд пиёзи, қоқ ўртасидан бўлинганлиги туфайли бироз ёйилган ва шунинг учун ҳам ўткир хид таратиб турарди, Ирландия Намунали Сут Фермасининг қаймоқ солинган сут идиши, бу жигарранг сопол хурмачада бир миқдор қатик ивитиб қўйилган, уй ичи иссиқ бўлгани учун унинг зардоби юзига қалқиб чиққан ва бир қисми сузма ҳолига келган, у мистер Блум билан миссис Флемингнинг нонуштаси учун мўлжалланган, олиб келингандаги умумий ҳажми бир инглиз пинтидан ошмасди, унинг ёнида иккита саримсоқ бўлаги, ярим пенни ва янгигина антрекот бўлаги солинган мўъжаз талинка жойлашганди. Тепадаги токчада эса турлича ҳажм ва кўринишдаги мураббо ва ширинликларнинг шиша идишлари (ичи бўш) териб қўйилганди.

Жовонга тўшалган қоғоз устидаги нима унинг диққатини тортди?

Икки дона йиртилган қизил тотализатор чиптасининг 8 87, 8 86 рақамлари қўйилган тўртта чорси бурчакли парчаси.

Қандай нарсаларни эслаб унинг пешонаси вақтинча гиришди?

Олтин Кубок учун гандикапли пойгада натижа қандай бўлишидан берилган бир-бирига ўхшаш башоратлар (бундан ҳам ғаройиб тўқималар бўлиши мумкин), пойганинг расмий охири натижасидан у Батт кўпригидаги «Аравакаш қўналғаси»да «Ивнинг телеграф» газетасини ўқиб хабардор бўлди.

У кутилган ёки аллақачон ҳал бўлган ушбу натижалар ҳақида олдинги кўрсатмаларни қаердан олган эди?

Кичик Бритн-стрит, 8, 9, 10, Барни Кирианининг патентли муассаси; Дюк-стрит, 14, Дэвид Бернининг патентли муассаси; қуйи О'Коннел-стрит, Грэм Лемон эшигида, бу ерда бадқовоқ бир ёш йигит унинг қўлига реклама тутқизиб кетди (кейин уни ташлаб юборди), унда Илиё ҳамда Сион ибодатхонасини тиклаш ҳақида хабар келтирилганди; Лишколн-плейсда, Ф.У. Свени ва Кі (мас.чек.жам.) аптекасига кираверишда, ўшанда, ўшанда Фредерик М. (Бентам) Лайонс «Фрименс жорнэл энд нэшнл пресс»нинг охири сонини шошиб-пишиб сўраб олди да, тез тез варақлаб, яна шундай йўсинда қайтариб берди, уни ўзи ташлаб юбормоқчи бўлиб турганди (кейинроқ ташлаб юборди), кейин у Лейнстер-стрит, 11 га шарқона усулда қурилган Турк ва Парли ҳаммом томонга кетди, унинг чехрасида Худо ато этган илҳом шуълалари ўйнар, қўлида пойганинг набийлар тилида битилган сир-синаотини кўтариб олганди.

Унинг дилгирлигини нима юмшатиши мумкин эди?

Талқиннинг қийинчиликлари, негаки ҳар қандай ҳодисанинг аҳамияти у бўлиб ўтгандан кейиноқ юзага чиқади, электрнинг чақнаши қулоққа етиб келганда ҳам шундай бўлади, худди шунингдек, нотўғри тушунилган ҳолда ҳақиқий зарарни кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг тўла суммаси билан аниқ таққослаш, тўғри тушунилган тақдирда соқит қилинган ҳисобига ўтади.

Унинг кайфияти қандай эди?

У таваккал қилмади, умид боғламади, умидсизликка тушмади, у мамнун эди.

Нимадан мамнун эди?

Зарар кўрмаганидан. Бошқаларга ютиш имконини яратганидан. Тиллар ечилганидан.

Блум маъжусийга нима таом ҳозирлади?

У икки идишга тўла икки қошиқдан, ҳаммаси бўлиб тўрт қошиқ Эппсининг майдаланган қаҳвасини солди, ундан кейин

Қутидаги кўрсатмага риоя қилиб, етарлича дам егандан сўнг кўрсатилган қўшимчаларни ҳар бир идишга кўрсатилганча усул билан кўрсатилган миқдорда қўшиди.

Мезбон меҳмонга яна қандай алоҳида мулозамат ва ҳурмат-иззат кўрсатди?

Унга яккаю ягона қизи Миллисент (Милли) Кроун-Дерди чиннисидан ясалган ва боз устига мўйловли кишига қулайлиги бўлган идиш совға қилганди, ҳозир у меҳмоннавозлигидан фойдаланиб, меҳмонга қандай идиш тутган бўлса, ўзига ҳам шундай идиш олди, меҳмонга ноёб истисно тариқасида худди шунингдек ўзига ҳам албатта озроқ куюк қаймоқ солди, ҳолбуки, одатда бу эрталабга хотини Мэрионнинг (Молли) нонуш-таси учун сақлаб қўйиларди.

Меҳмон ушбу меҳмоннавозликка қандай қаради, бунинг қадрига етдими?

Уй эгаси буларга лутф йўсинида унинг эътиборини тортганда, меҳмон буларни жиддий қабул қилди, шу алфозда лутфкоро на муроқабани ичида Эппснинг оммавий маҳсулотли бўлмиш лаззатли қахвани ҳўплаб ўтиришди.

У кўнглига тугиб қўйган бўлса-да, лекин бошқа бир одамни ва қолаверса ўзини назарда тутиб, вақтинча орқага сурган, бошланган ишни якунига етказиш мақсадида келажакка қолдирган меҳмондорчиликнинг бошқа мақсадлари ҳам бормиди?

Меҳмон пиджагининг ўнг томонидаги 1,5 дюмча узунликдаги тиртиқни тикиб қўйишни кўзлаган эди. Меҳмонга дорга осилган тўртта аёллар дастрўмолчасининг биттасини тортиқ қилсам деганди, аммо бунинг учун олдин совғанинг яроқли-яроқсизлигига ишонч ҳосил қилмоқ керак эди.

Ким тезроқ ичди?

Блум ўз идишидан ўн сония илгари қошиқ билан ичишни бошлаган, қошиқнинг дастаси тўхтовсиз қизиқ борар, Блум меҳмон бир ҳўплаганда, уч ҳўплар, икки ҳўплаганда, олти, уч ҳўплаганда, тўққиз бора ҳўпларди.

Ушбу бир зайлда такрорланаётган ҳаракатлар давомида унинг миясида қандай фикрлар уйғонарди?

Ўзининг ёш камгал биродарини кузатиб ўтириб, у ижодий ҳаёлга толиб бир нималар тўқияпти, деб ўйлади, аслида бундай эмасди, кейин Блум маърифий адабиётнинг ҳузурбахшлиги ҳақида фикр юритди, лекин кўнгилочар адабиёт бундай эмас,

буни у ўз тажрибасидан ўтказган, ҳаётда ёки ҳаёлингда пайдо бўлувчи қийин масалаларни ечиш учун бир неча бора Вильям Шекспир асарларига мурожаат қилган.

Улардан хулоса чиқарганми?

Асарларни сидкидилдан қайта-қайта ўқиган, баъзи бир тушунмаган жойларида изоҳли луғатларга қараган, шундай бўлса ҳам, барча саволларига тўла жавоб тополмаган, қисмангина ишонч ҳосил қилган.

1877 йилда 11 ёшида умидли ёш шоир ёзган шеърнинг охири бандлари қандай эди?

Ўшанда «Уч япрок» ҳафталиги конкурс эълон қилиб, унда учта 10 ш. 5 ш. ва 2 ш. 6 п. мукофот белгилаганди.

Умид қилиб кутаман,
Чиқар деб кўз тутаман,
Ардоқланган ўйларим.
Унинг шундоқ тагига
қатор ташлаб қатига
қўлим қўйдим:
Леополд Блум.

У ўзи билан ёш меҳмони орасида тўрт фарқ борлигини ажрата олдимми?

Ном, ёш, миллат, дин.

У ёшлигида ўз номи ҳарфларидан қандай анаграммалар ясарди?

Леополд Блум
Елоплодумлб
Моллдопелуб
Боллопемулд
Моул Лоб, деп.

У 1888 йили 14 февраль куни мисс Мэрион Твиди ойимга ўзининг кичрайтма отининг бош ҳарфларидан фойдаланиб (кинетик шоир ахир) қандай мувашшах (акростия) ёзиб юборди?

Пилпиллаган шоирлар
Оғоз айлаб кўп дардлар
Лек мен кўзлаб олислар
Даврон сурайлик дейман,
Илҳақ тузиб бахтимиз.

Ўтган кунлар ҳақида ёзилган, аммо замонга имо-ишора қилган «Агар Брайен Бору қайтиб келиб Дублинни бир кўрсайди» деб номланган долзарб асарини (Р.Г. Жонстон музикаси) тугаллашига унга нима халал берди? Унга бу асарга «Гэйети» театрини, Жанубий Кинг-стрит, 46, 47, 48, 49, ижарага олган Майкл-Ганн буюртма берганди, уни ҳар йили Рождество (мавлуд) байрамида кўрсатиладиган «Синбад-бахрий» катта томошасининг иккинчи қўйилишига (1893 йил 30 январь), олтинчи саҳна, олмос водийга киритмоқчи эди;

Авалло, умумимперия ва маҳаллий миқёсдаги воқеаларнинг тебраниб турганлиги; қолаверса, уни чалғитган ҳоллар: биринчидан, биринчи хонанда Нелли Буверистнинг унчалар интеллектуал бўлмаган, унчалар сиёсий бўлмаган ва унчалар замонабоп бўлмаган истараси иссиқ чехрасига кўнгли суст кетгани ва Нелли Буверистнинг интеллектуал бўлмаган, сиёсий бўлмаган, замонабоп бўлмаган оппоқ ички либосларига кўзи тушиб қолиб, бундан тўлқинланиб кетиб, бутун вужудида қаттиқ иштиёқ кўзгалгани ва ниҳоят янги лорд-мэр, янги бош шериф ва янги бош прокурорнинг номлари муносабати билан уларга ҳар томонлама жарангдор қофиялар ахтариб топиш мушкул бўлгани.

Блум ва ёш мусоҳибнинг ёшлари ўртасидаги фарқнинг нисбати қандай эди?

16 йил илгари, 1888 йилда Блумнинг ёши Стивеннинг ҳозирги ёши билан баробар бўлганда, Стивен ўшанда 6 ёшда эди. 16 йил кейин, 1920 йилда Стивеннинг ёши Блумнинг ҳозирги ёшига баробар бўлганда, Блум 54 ёшга киради. 1936 йилда Блум етмишга кирганда, Стивен 54 га киради...

Ушбу нисбатларни нима йўққа чиқариши мумкин?

Ҳар иккови ёки улардан бирининг дунёдан кўз юмиши ёки янги эрага ёки янги календарга ўтиш, дунёнинг ҳалокатига учраши ва бундан келиб чиқадиган инсониятнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган, аммо муқаррар суратда йўқолиши.

Стивен ҳамда Блумнинг учрашишлари ва бир-бирларини танишлари олдиндан маълум бўлганмиди?

Бунинг иккита исботи бор.

Биринчиси — Мэтью Диллоннинг Медина саройидаги сирензор боғида, ўшанда Стивеннинг ёши бешда ва ёнида онаси ҳам бор эди, болакай унга қўл бермади. Иккинчиси «Бреслин» меҳмонхонасининг қаҳвахонасида, 1892 йил январь ойи-

нинг якшанба куни, ёмғир ёғиб турган эди, Стивеннинг отаси ва амакивачча томонидан бобоси бир ёнларида эди, ўшанда Стивен яна беш ёшга улғайганди.

Блум ота-бола уни тушликка таклиф қилишганда, таклифни қабул қилдими?

Блум олийжаноб инсон бўлгани боис самимий миннатдорчилик билдириб, миннатдор самимият ва самимия таассуфлар ила узр айтди.

Нима учун яна бир кўнгил қолиши уни янада баттарроқ ҳафачиликка олиб борарди?

Негаки инсон ҳаётининг кескин бурилишлар содир бўладиган онларида тенгсизлик, очкўзлик ва халқлар ўртасида айирмачилик туфайли юзага чикувчи жуда кўп ижтимоий борлиқ ҳодисаларини тузатиш, ислоҳ қилишни сидқидилдан истарди.

Демак, мана шундай ҳолларга барҳам берилганда, инсон ҳаёти чексиз яхшиланиб боришига қодир, деб у ишонардими?

Яна инсон борлигининг ажралмас қисми сифатида яна табиат қонуниятлари билан белгиланган уруғчилик билан боғлиқ томонлари ҳам мавжуд эди, маълумки, улар инсонийлик жиҳатларидан фарқ қилади: ризқ-рўз топиш учун вайрон қилишнинг зарурати; индивидуал тирикликнинг ҳудудий ҳодисалари, туғилиш ва ўлишнинг талвасалари; жинсий балоғатга етгандан то ҳайз кўришнинг тўхташигача бўлган барча вақтларда мода маймунлар ва (қисман) инсонларда рўй берадиган ҳайз ҳолатлари; денгизларда, шахталарда, фабрикалардаги қурбонлар; ўта азоб берадиган касалликлар ва улар билан боғлиқ жарроҳлик амалиётлари; туғма ақл заифлиги, ирсий жинояткорлик, офат келтирувчи юқумли касалликлар; инсон онгига кўркув ва ваҳшат солувчи даҳшатли фалокатлар; маркази аҳоли зич яшайдиган жойларда бўлган зилзилалар; ва ниҳоят, гўдакликдан балоғатга етгунча ва ундан то емирилишгача юз берадиган эврилишларнинг ларзага солувчи жараёнлари.

Нега у бу ҳақда ўйлашни бас қилди?

Негаки, йўқотилиши зарур бўлган номақбул ҳодисаларни бошқа мақбул ҳодисалар билан алмаштириш бу энг олий ақл-идрокнинг вазифасига киради.

Стивен унинг умидсизлигига қўшилардимми?

У англовчи ва фикрловчи махлуқ сифатида ўзига аҳамият бериб қарар, буни маълумликдан номаълумлик сари ҳаракат қилувчи силлогизмлар воситасида бажарар ва тасдиқлар, мубҳам бўшлиқ узра муқаррар ўрнатилган кичик ва катта коинотлар аро англайдиган ва фикрлайдиган тезлаштирувчи хилқат каби сезарди ўзини.

Блум бу фикрни қабул қилдимми?

Сўзда эмас. Моҳиятан.

Идрокининг чалалигида унга нима таскин берарди?

У гарчи калитсизланган, аммо катта тажрибага эга фуқаро сифатида мубҳам бўшлиқ аро номаълумликдан маълумлик сари ғайрат қилиб силжиб бораётгани унга тасалли берарди.

Қуллик маконидан тириклик масканига йўл олиш қай тартиб ва қандай расм-русумлар билан адо этилди?

Шамдонда ёнган шамни

Б л у м

Олиб борди.

Кашиш шляпасини

Шумтол таёғига

Илиб

С т и в е н

Кўтариб борди.

Дарвоза остонасида улар нима қилишди?

Блум шамдонни ерга қўйди.

Стивен шляпани бошига кийди.

Кириш дарвозаси ким учун чиқиш дарвозаси бўлиб хизмат қиларди?

Мушук учун.

Улар, олдида уй хўжаси, орқада меҳмон уй ортидаги қоронғи сўкмоқдан ғира-шира боғчага жуфтқаро бўлиб жимгина чиққанларида нима кўзларига ташланди?

Осмоншажар юлдузлари тунги тар феруза мевалар каби сочилганди.

Алвон-алвон юлдузотларни Блум ҳамроҳига қандай оҳангдор сўзлар билан таърифлади?

У дунёнинг муттасил кенгайиб бориши ҳақида вирди забон айлади: янги ой бошида унинг кўзга кўринмаслиги ва орбитасининг ерга энг яқин нуқтада бўлиши; қуюлмаган Сомон Йўли,

унинг поёнсиз ғалвирининг жимир-жимири, 5000 фут чуқурликдан туриб қараганда кузатувчига кундуз куни ҳам кўриниши; Катта Калб туркумидаги Суҳайл юлдузининг Ердан 10 ёруғлик йили (57 000 000 000 000 мил) узоқда жойлашганлиги ва ҳажмининг сайёрамиздан 900 марта катталиги; Арктур юлдузи; фаслларнинг тенгкунликлари; Орион туркумининг белбоғи, тэта олти карра қуёши ва унинг бизники каби юзта қуёш системасини ўз ичига сиғдира оладиган бепоён туманликлари; учаётган ва янгидан туғилаётган юлдузлар, чунончи 1901 йилда очилган Нова юлдузи; бизнинг Геркулес туркуми томон шитоб билан силжиётган системамиз; кўзғалмас (турғун) деб аталмиш юлдузларнинг паралакс ҳамда параллакт силжишлари, айни вақтда уларнинг ақл бовар қилмас олис замонлардан кўз илғамас келажак замонлар сари доимий ҳаракатда бўлишлари; уларга нисбатан олганда, бизнинг чекимизга тушган – 70 йил муҳлат зиғирча ҳам кўзга ташланмаслиги.

У тараққиётнинг тескари томонга кетиши устида ҳам зикр қилармиди?

Ер қобиғи қатламларида муҳрланиб қолган геология даврларини тилга оларди; ер бўшлиқларида, силжиган қоятошлар остида, уялар ва кўрғонларда топиладиган миллиардлаган жуда ҳам майда энтомология ҳашаротлари, жонзотлари, микроблар, бактериялар, бацилла, манийларни сўйларди; битта туғноғичдай бошда молекулаларнинг ўзаро қўшилиши, тортишиши, чатишиши оқибатида сақланиб турадиган триллионлар, биллионлар, миллионларча кўз илғамас сон-саноксиз молекула зарраларини айттарди, инсон зардобининг бутун бир оламлари унинг оқ ва қизил қон танача туркумлари ўз навбатида буларнинг ўзлари ҳам бўш маконларда ўз оламларини ташкил қилади, бошқа таначалар туркумларига қўшилади, ҳар бири яна бўлинадиган ва яна бирикадиган оламлардан иборат, улар яна ҳар бири таркибларга бўлинади, яна-яна бўлинади, шундай экан, бўлинувчи ва бўлувчи яна-яна бўлинади ва бўлинади, лекин батамом бўлиниб кетишгача бормайди, токи, жараён тугал давом эттириладиган эса, ҳеч қайда ва ҳеч қачон ҳеч нарсага эришиб бўлмаяжак.

Нега у ўзининг бу ҳисоб китобларини янада аниқроқ натижагача етказмади?

Нега деганда бундан биров вақт аввалроқ, 1886 йилда айлана квадратурасини тадқиқ қиларкан, у нисбий даражадаги аниқликда

ҳисоблаб чиқилган сон мавжудлигидан хабар топди, у мисол учун шундай катталиқ ва шундай аломатга эга эдики, айтайлик, 9-даража, 9-даража 9, бунинг олинган натижасига майда босилган 33 жилд зарур бўлар, ҳар бирига 1000 саҳифа кетар, сон-саноксиз дест ва ҳинд қоғози дасталари зарур булар, ушбу рақамлар қаҳқашони, бирликлар, ўнликлар, юзликлар, мингликлар, ўн минг мингликлар, юз мингликлар, миллионлар, ўн миллионлар, юз миллионлар, биллионларни жойлаштириш учун шулар ҳам камлик қиларди, шуниси ҳам борки, ҳар бир қатордаги ҳар бир аломатнинг туманлари ядроси ўзида энг юксак кинетик ривожланишга етгунча ҳар қандай даражанинг яна ҳар қандай даражасига етишнинг энг юқори имкониятини яширинча сақлаб туради.

У сайёралар ва уларнинг йўлдошларига қандайдир бир ирк ёки маълум бир турни жойлаштиришни ҳамда ушбу ирқнинг ўзини ижтимоий ва маънавий оқлаши, шундай халосқор чиқишини бошқаларига қараганда осонроқ муаммо деб ҳисоблар эдими?

Бу ҳолда у бошқа бир қийинчилик кўрарди. Инсон организми одатдаги шароитда 19 тонна атмосфера босимини кўтаришга қодир, ер атмосферасида бундан кўра юқорироққа, тропосфера билан стратосфера орасидаги чегарага яқинлашганда, аҳволи тобора шиддат билан қийинлашиб боради, бурнидан қон кетади, боши айланади, нафас ололмай бўғилади, у буни билар ва муаммони ўртага қўяркан, йўл-йўлакай шундай фараз билдирдики, бунинг иложи йўқлигини исботлашнинг иложи йўқ эди, унга кўра яхши мослаша оладиган ва анатомик тузилиши ҳам бошқачароқ бўлган ирк қандайдир алоҳида бир тарзда яшаб кетган бўларди, айтайлик Миррих, Аторуд, Зухро, Муштарий, Нептун ёки Уран етарлича ва муодил шароитларида. Гарчи яратилишда ўзининг чўққисига кўтарилган инсоният турли-туман фарқлар ва ранг-баранг шаклларда вужудга келган хилқатлардан иборат бўлсада, охир-оқибатда бир-бирига ва жам ҳолида яхлитликка монандир, ва ҳеч ажабмаски, унда ҳам, бунда ҳам қолиши мумкин эди ва беҳуда ишларни, беҳудаларнинг беҳудаларини, ҳар қандай беҳудаликни ҳеч қачон тарк этмасди.

Ўз гуноҳини ювиш масаласи чи?

Кичкина далил катта далил билан исботланган.

Юлдузлар туркумларининг қандай хусусиятлари бирма-бир тилга олинди?

Ҳаётнинг турли босқичларидан дарак берувчи турли ранглар (оқ, сариқ, қизил, қирмизи, жигарранг); уларнинг ёрқинлик даражалари; уларнинг кўз билан кўриш мумкин бўлган катталиклари (7-даражагача); уларнинг жойлашишлари; Аравакш юлдузи; Валсингам йўли; Довуд араваси; Кайвон ҳалқалари; спираль туманликларнинг қуёшга айланиши; қўшқуёшларнинг ўзаро боғлиқ айланиши; Галилей, Симон Мариус, Пяци. Леверрьё, Гершел, Галленинг бир-биридан мустақил бир вақтда қилган кашфиётлари; Боде ҳамда Кеплернинг масофалар кубини даврийлик квадратларини системалаштиришга интилишлари; думли кометаларнинг ҳадсиз қисқариши, уларнинг перигелийдан то афелиягача эллиптик узатиб борувчи ва яқинлаб келувчи орбиталарининг узоклиги; метеоритларнинг юлдузлардан келиб чиқиши; Миррихдаги Ливия сув тошқинлари деб аталган ҳодисанинг мунажжимларимизнинг ёпроғининг таваллуд кунига тўғри келгани; муқ. Лаврентий (жобир, 10 август) байрами арафасида ҳар йили метеоритларнинг ёғилиши; ҳар ойда янги ойнинг эски ой қафтида пайдо бўлиши; самовий jismlarнинг одамларнинг ҳаётига таъсири; Вильям Шекспирнинг таваллуди арафасида фавқуллодда ёруғ юлдузнинг (1-даражали катталиқда) пайдо бўлиши ва кеча-кундузни ўз забти-ҳукмига олиши (бу янги қуёшнинг порлаши эди, у икки ўчган қуёшнинг тўқнашиб кетиши, қўшилиши ва натижада лахча чўғга айланишидан ҳосил бўлганди), бу ҳодиса само узра кенг ёйилган, ҳеч қачон ботмайдиган Кассиопея туркумининг делтаси узра ва худди шундай йўсинда ҳосил бўлган, лекин ёруғлиги ҳарорат (2-даражали) юлдузнинг чиқиши ва Шимол Тожи туркуми ичида ғойиб бўлишига, бу эса Леополд Блумнинг таваллуд санасига тўғри келган, бошқа янги юлдузлар ҳам шундай самода кўришиб, Стивен Дедалнинг таваллуди кунларида Андромеда туркумида намоён бўлиб, яна шу маконда йўқолганди; худди шунингдек, Рудолф Блум-кичкинининг таваллуди ва ўлимидан сўнг бир неча йил ўтгандан сўнг худди шунга ўхшаш юлдуз Аравакш туркумида пайдо бўлиб ўчганди, бошқа бир одамларнинг туғилган ва ўлган вақтларида юлдуз туркумларида шундай ходисалар такрорланганди, яна замон замонлар оша ой ва кун тутилишлари, сайёралар юзининг тўла ёпилиши ва яна очилишлари, шамолларнинг эсмай қўйиши, учар жонзотларнинг

учмай кўйиши, тун ва хуфтон чоғи махлуқотларнинг пайдо бўлиши, сояларнинг йўқолиши, жаҳаннам ўтининг учмаслиги, сувларнинг қорайиши ва одамзод болаларининг ранги ўчиши.

Блум масалани чамалаб кўриб, хато кетган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб қандай мантиқий хулоса чиқарди?

Шундайки, бу на самодарахт, на самоғор, на самоҳайвон, на самоодам эди. Шундайки, бу – Хаёлот эди, зеро маълумдан номаълумга етишнинг ҳеч қийналмай чеклик деб олиш мумкин, буни бир ё ундан ортиқ ва шу билан бирга турлича катталикдаги жисмларнинг тақрибий қатори воситасида аниқланади; ҳақиқатдан йироқ ҳаёлий шакллар ҳаракатчанлигининг маконда ҳаракатсиз ва ҳаво муҳитида яна ҳаракатга кирганлиги; эҳтимол бугун тарзида мавжудлигини анча илғари, ҳали ўзининг бўлажак томошабинлари ҳақиқий борлиқ ичига кирмасдан бурун йўқотган ўтмиш.

У томошанинг эстетик қиммати борлигига ишонармиди?

Ҳеч шак-шубҳасиз ишонарди. У кўп шоирларнинг мисолларини биларди: улар ошиқ мафтун бўлиб абдираб ё рад этилиб тамомила умидсизликка тушиб хайрихоҳ буржларнинг алангаси ё ўз сайёраси йўлдошининг совуқ шуълаларига илтижо қилардилар.

У ер юзидаги бало-офатларга астрологиянинг таъсири ўтади деган қондани ўзи эътиқод қўйган нарсалар қаторида санармиди, демак?

Унинг назарида буни қабул қилиш ҳам, рад этиш ҳам бир хилда мумкин эди ва яна шундай бир хилда унинг ой чизиқлари харитасидаги танланган номлар хушёр назар билан қараганда қиёсан янглиш бўлиб туюлиши ҳам мумкин: Уйқулар Қўли, Ёмғирлар Денгизи, Шабнам Кўрфази, Унумдорлик Океани.

Ой билан аёл ўртасида яқинликлар бор бўлиб туюлармиди унга?

Ер юзида неча-неча авлодлар ўтди, ой уларнинг баридан кўхнароқ ва боқийроқдир; у тун маликаси; йўлдош сифатида боғлиқ; акс нур таратади; ўзининг барча фазалари, манзилларига содиқ, маълум соатлар, дақиқалар, сонияларда чиқади, ботади, кўтарилади, тушади; туси ҳеч қачон ўзгармайди; саволларга жавоблари ноаён, уларни айтиб ўтирмайди; сув кўтарилишлари ва тушишларига ҳукм ўтказилади; у севишга мажбур қилади, бўйсундиради, чирой бағишлайди, ақлдан озди-

ради, жиноятларга бошлайди, кўмаклашади; унинг сиймоси сокин ва сирли; унинг ҳукмпармолиги, ўзига бино қўйганлиги, ўзгармас қатъияти ва порлоқ яқин маҳрамлиги; у сукунат ва бўронлардан дарак беради; унинг шуълалари, ҳаракатлари, борлиги ўзига чорлайди; унинг кратер чуқурликлари, сувсиз қуриган денгизлари, мангу сукунати қаттиқ огоҳлантиради; кўриб турганда мафтункор, кўринмай қолганда оҳанрабодай ўзига тортади.

Қайси бир аён ва нурафшон белги аввал Стивен, сўнг Блумнинг эътиборини тортди?

Блумнинг уйининг орқа томонида учинчи қаватидаги дераза дарпардасига ичкаридаги керосин чироқдан тушиб турган ёғду, бу абажур-қалпоқ дарча тўсиқлари, пардалари, карнизлар ясовчи Фрэнк О'Хари дўконидан харид қилинганди. Онжайр-стрит 16.

У ҳозирча кўзга ташланмай турган лекин ёнган чироқ борлигини билдирган ўз хотини Мэрионнинг (Молли) сирли томонларини нима деб изоҳлайди?

Буларга ишора қилди, бевосита ва билвосита тегишли сўзлар айтди; овозида меҳр ва мафтункорлик товланиб турди; баъзан ҳаяжони зўридан тутилиб қолди, жону дили кўзғалиб жунбушона энгикди.

Шу гап-сўзлардан сўнг икков жим бўлиб қолишдимиз?

Уларнинг вужудлари бир-бирларига ойна бўлди-ю бир-бирларига термулишиб қолдилар, аёлнинг уларнинг унинг бунинг қўша чехралари бир-бировини ўқигандай бўлди.

Икков ноаён ҳаракатсиз туриб қолдиларми?

Стивеннинг таклифи, Блумнинг қўллаб-қувватлаш билан аввал Стивен, сўнг Блум ғира-шира коронғиликда пешоб бўшатишди, уларнинг ёнбошлари бир-бирларига тегиб турар, пешоб жўмраклари кафт билан пана қилинган ҳолда бир-бирларига кўринмасди, уларнинг нигоҳлари, аввал Блум, ундан кейин Стивен, деразадаги шуълаланиб ва ярим шуълаланиб турган сояга томон қадалганди.

Ўхшаш ҳоллар бормиди?

Уларнинг изчил ва баравар отилиб чиқаётган шаршараларининг ёйи бир-бирига ўхшамасди: Блумники текисроқ, узунроқ отилиб, икки шохли лотин ҳарфининг чизиғига ўхшарди; Блум охириги синфдаги (1880) болани эслади, 210 та ўқувчиси бўлган мактабларнинг барча мусобақадoshiлари ичида фақат ўша боланинг шаршараси энг баланд нуқтага кўтариларди; Стивен-

нинг шаршараси ҳам ўша боланикига ўхшаб шовуллаб баланд отиларди, чамаси бу шу кеч пешоб ҳайдовчи ичимликларни армонсиз истеъмол қилганидан бўлса керак.

Кўзга ташланмай, лекин баралла эшитилиб турган ўхшаш аъзолар муносабати билан уларнинг ҳар бирида қандай мулоҳазалар қўзғалди?

Блумда: қўзғалиш, кўпчиш, таранглашиш, қичишиш, каттайиш, озодалик, мўйчанлик масалалари.

Стивенда: хатна этилган Иусуснинг муқаддас бутунлиги масаласи (1 январда байрам, бу кун ибодатда бўлмоқ ва хизмат ишларидан ижтиноб қилмоқ, фақат зарур юмушларгагина қўл урмоқ жоиз) ва илоҳий хатна парчаси масаласи, алалхусус, муқаддас Рим католик апостол черковининг Калкатада сақланувчи илоҳий вужуднинг қолдиқ муҳрига одатдагидай иззат-икром кўрсатиш керакми, ёки қирқиб ташланган соч ёки тирноқ мисолида тўртинчи даражадаги таъзим-эъзоз бажо келтириш ўринлими? Уни шу масала ўйлантирмоқда эди.

Ҳар икковлари бир вақтнинг ўзида қандай самовий ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар?

Зенитдан юксакроқда Лира туркумидаги Вегадан Вероника Сочлари юлдузлари яқинида Асад Зодиак буржи томонга қараб учиб ўтган катта юлдузни кўрдилар. Қандай қилиб марказга интилиб қолаётган марказдан қочиб кетаётганга йўл очиб берди?

Гудда-гудда эркак калитининг ўқини лиқилдоқ аёл қулфининг чуқурига киритилди калит тиргак қилиниб, у ўнгдан чапга буралди, оралиқдан қулфнинг тили сурилди, ошиқ-маъшуғидан айрилган эшикни ичкарига силталаб очиб, тўсиқсиз кириш ва чиқиш имконияти туғилди.

Улар бир-бирлари билан қандай хайрлашдилар?

Эшик олдидаги зинанинг ҳар икки томонида тикка турган ҳолда бир-бирларига қўл узатдилар.

Марказдан қочувчи ва марказга интилувчи қўллар бир-бирига урилган ва қовушганда қандай товушлар чикди?

Муқаддас Георгий черковининг жомхонасидаги соатлар тунги вақтдан дарак бериб, бонг урди.

Бу товушларнинг акс садоси уларга қандай етиб келди?

Стивеннинг қулоғига шундай сўзлари чалингандай бўлди:

Liliata rutilantum. Turma circumdet.

Lubilantum te virginum. Chorus excipiat.

Блум бундай овозларни эшитди:

Эй-хей, эй-хей,

Эй-хей, эй-хей.

Мана шу жом чалинган чоғда Блум билан биргаликда бугун Жанубий Сэндимаунтдан Шимолий Гласневинга йўлга чиққан жамоа аъзолари ҳозир қаерда эдилар?

Мартин Каннингем (тўшакда), Жек Пауэр (тўшакда), Саймон Дедал (тўшакда), Том Кернан (тўшакда), Нед Лэмберт (тўшакда), Жо Хайнс (тўшакда), Жон Генри Ментон (тўшакда), Бернард Корриган (тўшакда) Пэтси Дигнам (тўшакда), Падди Дигнам (гўрда).

Ўзи ёлғиз қолгач, Блум нимани эшитди?

Самовий хилқат ер узра узоқлашиб бораётган қадам саслари ва акс садолари қулоғига чалинди. Жарангдор тор куча томондан яхудий арфасининг қўша садоларини эшитди.

Блум ёлғиз қолиб кўнгли нимани сизди?

Юлдузлараро кавну маконларнинг совуқ эпкини унга урилди, музлаш нуқтасидан пастда Фаренгейт, Целсий ё Реамюр бўйича минг даража ёки абсолют нолни туйди, тонг оқариб келарди.

Жом овози, кўришган қўллар, қадам товушларию ёлғизлик титроғи унга нимани эслатди?

Турли жойларда, турли сабабларга кўра жон таслим қилган дўстларини эслади: Перси Эпжон (Моддер-ривер яқинидаги жангда ҳалок бўлди), Филипп Гиллиган (Жервис-стритдаги касалхонада ўпка силидан ўлди), Мэтью Ф. Кейн (Дублин кўрфазида чуқиб кетди), Филип Мойзел (қони йиринглаб оламдан ўтди), Майкл Харт (сил бўлиб ўлди), Падди Дигнам (мияга қон қуюлиб ўлди).

Қандай ҳодисалар уни бу ерда қолишга ундади?

Охирги учта яркирок юлдуз ўчди, тонг шафағи кизариб ёйилди. Уфқ узра қуёш тилини кўрсатди. Илгари у шундай ҳодисаларни томоша қилганмиди?

Бир куни 1887 йилда Киммеждаги Люк Дойлнинг уйида шарада ўйини чўзилиб кетиб, боғчанинг паст деворида ўтирганча шарқ, Мицрах томонга кўз тикиб кун ёришишини кутганди.

Эрта тонг ҳодисалари унинг ёдида қолганмиди?

Хавонинг енгил ховури, узоқдан эшитилган хўроз қичкириқлари, ҳар томондан янграган черков қўнғироқлари, қуш-

ларнинг хонишлари, илк йўловчининг ёлғиз қадамлари, ҳали кўзга ташланмаган ёритқичнинг таралаётган шуълалари, уфқ узра бош кўтарган қуёшнинг олтин қоши.

У шу ерда қолдими?

У чуқур нафас олиб орқага қайтди, яна боғчани кесиб ўтди, яна йўлакка кирди, яна эшикни ёпди. У қисқа хўрсиниб яна нимани қўлига олди, яна пиллапоядан юқорига кўтарилди, яна иккинчи қаватдаги зал эшигига яқинлашди ва яна ичкари кирди.

Ичкарига киришдан олдин уни кутилмаганда нима тутиб қолди?

Бош чаноғининг ўнг чаккасини эшик бурчагига қопланган қаттиқ ёғочга уриб олди, бир неча сониялардан сўнг оғриқ сусайиб ўтиб кетди.

Залга кириб у ердаги барча буюм ашёларни яна бир қарра кўздан кечириб сарасоф солгач, ойнадаги ўз мубҳам ва номавзун аксига қараб хаёлига нима келди?

Эр кишининг ёлғиз (ўз-ўзига нисбатан) ва эврилувчан (акс нисбат) акси.

Нима учун ёлғиз (ўз-ўзига нисбатан)?

На оға-ини, на опа-сингил

кимсасиз,

Аmmo бу эркакнинг отаси

бобосининг боласи.

Нима учун эврилувчан (акснисбат)?

Гўдакликдан то балоғатга етгунча у ўз онаизорига ўхшарди. Балоғат палласидан то кексаликкача у тобора ўз отасига тортиб борди.

Ойнадан унинг назарига яна нималар ташланди?

Ойна рўпарасида жойлашган устма-уст иккита тоқчада бетартиб айқаш-уйқаш бўлиб ётган, ҳарфлари ялтираб турган турли китоблар.

Санаб ўтинг-чи, у китобларни?

«Томнинг Дублин адрес-календари», 1886.

Дэнис Флоренс Маккарти, «Шеърый асарлар» (5-бетга қора қайин қоғози қистирилган).

Шекспир, «Асарлар» (тилла зарҳалли алвон сахтиёнда).

«Фойдали ҳисоб жадваллари» (жигарранг муковада).

«Карл II саройининг сирли тарихи» (босма нақшли қизил мукова).

«Болалар учун маълумотнома» (мовий мукова).

Вильям О'Брайен, Ч.П... «Бизнинг ёшлик чоғларимиз» (ранги ўчган кўк мукова, 217-бетга конверт қистирилган).

«Спинозанинг сайланма фикрлари» (шаболуд тери).

Сэр Роберт Бом, «Осмон тарихи» (мовий мукова).

Эллис, «Мадагаскарга уч саёҳат» (қўнғир мукова, сарлавҳаси ўчган).

А. Конан-Дойл, «Старк Мунронинг мактублари», Дублин шаҳар кутубхонасининг китоби, Кейнл-стрит, 106, 1904 йил 21 майда берилган (Троица арафаси, 1904 йил 4 июнда қайтарилиши керак, 13 кунга кечиктирилган (оқ рақам ҳарф ёрлиқли қора мукова).

«Йўловчи» деганнинг «Хитойга сайҳат»и (қора қоғозга ўралган, сарлавҳаси қизил сиёҳ билан ёзилган).

«Талмуд фалсафаси» (рисола).

Локхарт «Наполеоннинг ҳаёти» (муковаси йўқ, китоб ҳошияларига қаҳрамоннинг ғалабаларини камситувчи ва мағлубиятларини бўрттирувчи изоҳлар битилган).

Густав Фрейтаг, «Soil und Haben»¹ (қора картон, готик ҳарфлар, 24 бетга сигарета рекламаси қистирилган).

Хозйер, «Рус-турк уруши тарихи» (қўнғир мукова, 2 жилд, Гарнизон кутубхонаси тамғаси босилган, Губернатор майдони, Гибралтар, мукова орқасида).

Вильям Оллингем «Лоуренс Блумфилд Ирландияда» (иккинчи нашри, олтин себаргалар солинган кўк мукова, китобнинг олдинги эгасининг форзацнинг ўнг томонида ёзилган исми шарифи қириб ўчирилган).

«Астрономия дарслиги», (қўнғир чарм мукова кўчиб кетган, 5 варақа суратлар, ҳарфлари эскича, муаллиф изоҳлари нонпарелда, ҳошиялардаги тушунтиришлар петитда, сарлавҳалар майда цицерода терилган).

«Исонинг номаълум ҳаёти» (қора картон).

«Кўёш изидан» (сарик мукова, титул варағи йўқ, сарлавҳа колонтитулда берилган).

¹ «Кириш ва чиқим» (нем.)

Южин Сэндоу, «Жисмоний куч ва уни қандай ўстириш мумкин» (қизил мукова).

«Геометрия асосларининг қисқа ва равшан баёни», француз тилида Ф. Игнат Пардис асари, инглиз тилига илоҳиёт доктори Жон Харрис томонидан ўгирилган. Лондон, Бишопехед босмасида босилган, масъул Р. Нэплок...

Китобларни қайтадан тартибга келтириб қўяётганида унинг хаёлидан нималар ўтди?

Тартиб интизом зарурати, ҳамма нарса жойида турсин ва ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор; аёллар адабиётга у қадар ҳам эҳтиёткорона муносабатда бўлолмайдилар; олмани ҳам қадаҳга тиқиб қўйиладими, соябонни қозурот курсичасига ташлаб қўйиш ақлга тўғри келадими; хуфия қоғозлар ёки ҳужжатларни китоб остига ёки ичига яширишнинг бефойдалиги.

Китоблар ичида энг катта жилд қайси эди?

Хозийернинг «Рус-турк уруши».

Шу асардаги маълумотлар ичида энг кўзга ташланадигани нима эди?

Хал қилувчи жангнинг номи (унутилган), уни мард зобит, майор Брайен Купер Твиди (унутилмаган) бот-бот эсларди.

Биринчидан ва иккинчидан нега у ўша асарнинг ўзига қарамади?

Биринчидан, хотирасини синамоқчи бўлди; иккинчидан, қисқа вақт хотираси йўқолиб тургандан сўнг, у катта стол ёнига ўтириб, кўрсатилган асарга қўл чўзди-ю эсга тушириш усулини қўллаб ўша унутилган жангнинг номи Плевна жанги эканлигини эслади.

Шу ўтиришида унга нима таскин бағишлайди?

Бокиралик, яланғочлик, тарз, майинлик, навқиронлик, фа-соҳат, жинс, столнинг ўртасида турган Нарцисс ҳайкалчасининг маҳрамлиги, ҳайкалча П.А. Рен кимошди савдосида со-тиб олингани, Бэйчлорз-уок, 9.

Ўтирган кўйи уни нима диққат қилди?

Ёқаси томоғини бўғди, нимчаси кўкрагини сиқди, булар ба лоғат ёшидаги эркакнинг уст боши учун кераксиз нарсалар эди.

Ғашини келтирган нарсалардан қандай қутулди?

Бўйнидан ёқасини ечди, қора бўйинбоғини ҳам олиб ташлаб стол устига чап томонга қўйди, бир бошдан нимчаси, шими, қўйлаги ва ички кийимини ечди, шимининг осма камарларини бўшатди...

Беихтиёр яна қандай ҳаракатлар қилди?

У икки ҳафтаю уч кун бурун (1904 йил 23 май) ари чақиб олган ва ҳозир қизариб ғуддайиб турган жойини қашиди, ўнг қули билан терисининг очик жойларини сийпаб уқалади. Чап қулини нимчасининг чап қуи киссасига тиқиб кумуш танга (1 шиллинг) чиқарди ва яна жойига солиб қўйди; бу танга тахминан (1903 йил 17 октябрь) миссис Эмили Синиконинг дафн маросими куни киссага тушганди, манзил Сидни-Пэрейд.

Блум ўтирган ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб шуурсиз холда ўз-ўзидан туғилган бир жумбоққа дуч келиб, бундан нима хулоса чиқарди?

Тагидаги ёғоч курси унинг тураётгандаги залвори боисиданми қаттиқ ғичирлаб кетди.

Блум онгли суратда ўз-ўзига қандай чигал жумбоқ берди ўрнидан тураётганда, аммо турли-туман, ранг-баранг, кўпдан-кўп кийим-кечакларини йиғиштираркан, у ечолмаган жумбоқ нима эди?

Макинтош ким эди?

Блум ўз-ўзидан маълум бир жумбоқ устида 30 йилдан буён бош қотириб келардики, ҳозир сунъий чироқни ўчириш йўли билан табиий қоронғилик қўйнида қолгач, қутилмаганда ва сасиз уни ечишга муяссар бўлди?

Шамни ўчирган чоғда, Мусо қайда донишманд эди?

Кейин Блум нималар қилди?

У кийим-кечакларни курсига жойлаштирди, устидаги қолган кийимларни ҳам ечди, ўрин бошида турган узун тунги қўйлакни олди, уни боши ва қўлларини тиқиб кийди, ёстиқни кўрпанинг бош томонидан олиб оёқ томонига қўйди ва чойшабни ўнғай тузатиб, кўрпа ичига шўнғиди.

Қандай?

Эхтиёткорона; бирон жойга кирганда (хоҳ ўзингники, хоҳ ўзганики) ҳар доим шундай ҳушёрлик зарур; у ёк-бу ёкка қараб; тушакнинг эгри-бугри пружиналари эскириб қолган; зўриқиб ғичирлайди; гўё айик уяси ёки илон инига кираётгандай жунжикиб, қунишиб; ё ҳирсу фаҳш тузоғига бош суқаётгандай;

қаттиқ кескин ҳаракат қилмасдан; ташвишга солиб уринтирмасдан; хушҳоллик билан; зеро, бу қўшилиш ва туғилиш тўшаги, никоҳга кириш ва никоҳдан чиқиш, уйқу ва ўлим тўшаги.

Оёқ-қўлини оҳиста узатиб у нималарни сезди?

Чойшаб яп-янги ва тоза; ёт-бегона ислар; аёл баданининг излари; ёт эркак бадани излари; қандайдир ис-мислар, майда-чуйдалар; буларни у қоқиб ташлади.

Агар кулишга ҳоли келганда, у нимадан кулган бўларди?

Ҳар бир кирган одам биринчи бўлиб кирдим деб ўйлайди, ҳолбуки ўзидан олдингиларнинг охиргиси, майлига, ўзидан кейингиларнинг биринчиси ва уларнинг ҳар бири ўзини биринчи деб ҳаёл қилади, охиргиман, якка-ягонаман дейди, ҳолбуки у биринчи эмас, охирги эмас қаторда турган яккаю ягона эмас, бу қатор чексиз ва чексизликда давом этади.

Олдингилар қаторида кимлар бор эди?

Чамаси, олдинги қаторда Малви биринчи бўлганди, кейин Пенроуз, Бартел д'Арси, профессор Гудвин, Жулиус Мастянски, Жон Генри Ментон, ота Бернард Корриган, Дублин Қирол Жамияти от кўргазмаси фермери, Анвойи О'Рейли, Мэтью Диллон, Вэлентайн Блейк Диллон (Дублин лорд-мэри), Кристофер Каллинан, Ленехан, италян шарманкачи, «Гэйети» театридаги нотаниш киши, Бенжамин Доллард, Саймон Дедал, Эндрю (Секуи) Берк, Жозеф Кафф, Уиздом Хили, олдермен Жон Хупер, доктор Фрэнсис Брэди, Аргус тоғилик ота Себастьян, Бош почтамтдаги пойабзал тозаловчи Хю Э. (Буян) Бойлан, ҳар бири шундай, ҳоказо, ҳоказо, ҳали охирига етмаган аъзогача

Қачон?

Қаерга?

18-ВОҶЕА

Вой у ҳечам унақа бўлган эмас тушакда ётиб нонушта сураганмас вой сабил нақ Шаҳар тамғаси ресторанидан иккитагина мояк керакмиш рӯдапо кампир миссис Риорданнинг раҳмини келтириш учун кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олиб инқиллаб-синқиллаб ўзини худди шаҳзодалардай кўрсатаётганига ўлайми гуё кампир ҳаммасини қойил қиладигандай у бизга бир тийинини ҳам раво кўрмай ҳаммасини жонимдан айлансин деб хайру ибодатга сочди бунақа зикна ёруғ оламда ҳеч топилмайди ўзига дори олишга 4 пенс чиқаришга қиснади қурумсоқ этим оғрийдди бетим оғрийдди деб қулоғимни қоқиб қўлимга тутқизди яна жағи тинмай гапни сиёсатдан олади зилзила дейди қиёмат қўлди деб алжирайди қўйинг-е жиндай ўйнаб кулиб қолайлик бу дунёда Худо сақласин агар ҳамма хотинлар унга ўхшаб кўкраги очиқ кўйлак билан калта иштонга, қарши чиқиб юрсами кошки унга биров шуни кий деб турган бўлса умрида биронта эркак унга кайрилиб қарамаган унинг барча художўйлиги мана шундан биламан умидим шулки мен унга ишқилиб ҳеч қачон ўхшамайман янаям хайтовур юзларингни ҳам ёпиб юрларинг демагани лекин тан олиш керак у билағон хотин ва мистер Риорданни гапириб жағи тинмайди эри шўрлик бундай таъвия хотиндан қутулганига шукур қилгандир яна кампирнинг кучугини айтинг ўлгур тинмай шубамни искайди ва юбкамнинг тагига киришга бурнини суқади айниқса ўшанда лекин очигини айтганда Полдининг қари қартанглару хизматкорлару ва ҳатто тиланчиларга мулозамат қилиши менга ёқади у димоқ фироқ қилиб юрмайди албатта ҳар доим ҳам шундай эмаску-я мабодо жиддийроқ тоби қочган бўлса унда яхшиси касалхонага ётиш у ерда ҳаммаси тоза озода лекин уни бунга камида бир ой кўндириш керак бўлади ана ундан кейин шу заҳоти ҳамшира киз пайдо бўлади ва у то ташқарига чиқариб ташламагунларича

ётаверади ёки роҳиба аёл анави уятсиз суратдагига ўхшаган нимаси роҳиба экан тусингга ўлай кейин бу эркаклар бир касал бўлмасин шунақанги ожиз бўлиб қолишади: инграшади минғирлашади биз бўлмасак тузалиб кетишлари ҳам даргумон бурнидан қон келади афт-башарасига қарасанг кўриб кетасан Оҳ дейсан бу қандай фожиа Жанубий Айлана йўлдан ўтаётганимизда ўзини худди ҳозир ўлиб қоладигандай қилиб кўрсатди ўшанда Шугарлоф тоғида бизнинг хор тўдамиз билан сайлда оёғининг эти узилганди эсимда мен анави кўйлагимни кийгандим мисс Стек унга худди топилмайдиган матоҳдай гуллар келтирганди эркакнинг ётоғига кириб олиш учун вой буларнинг баҳона қидириши-чи худди уни ўлардай севиб қолишгандай тутиб қари қизлардай чийиллайди тусингни ел есин лекин Полди ўшанда ўзини чинакам эркаклардай тутди касал ётганида соқоли бироз ўсганди унинг отаси ҳам шунақа ундан кейин яраларни боғлаш дориларни ўлчашни ҳеч жиним суймайди писка билан оёғидаги қадоқларини кесаётганида қўли тилиниб кетди коним заҳарланмасин ишқилиб деб ўлардай кўрқди қани мен касал бўлай-чи қандай меҳрибончилик кўрсатишаркин фақат ҳаммани ташвишга қўймаслик учун хотин киши буни яширади ҳа уларга ўхшаб ким биландир ётганга ўхшайди иштаҳаси очилиб кетганидан билса бўлади лекин бу севги-муҳаббат эмас шекилли акс ҳолда маъшуқасини ўйлайвериб овқатни ҳам эсидан чиқариб юборарди унда тунги суюғоёқлардан биридир ҳақиқатан ҳам у мабодо ўша уйларга борган бўлса у ичидагини яшириш учун меҳмонхона ҳақидаги ёлғонни тоза дўндирди Ҳайнс билан гаплашиб ушланиб қолдим деди кимниям яна учратдим эҳ-ҳа Ментон эсингдами ўшани кўриб қолдим яна кимниям шонма ким эди-я башараси худди чақалоқдай мен уни кўрувдим у Пул Фусункор Манзарасида ёшгина қизга илакишиб кейин ўшанга уйланган эди ўша ердан у сирғалиб чиқиб келганида ўзини худди айб иш қилиб қўйгандай тутди ва мен унга орқамни ўгириб олдим бунинг нимаси ёмон лекин бир пайт у бетамизлик қилиб орқамдан юрганди эга чиққанини кўринг кўзлари худди ғўладай кўп тўнкаларни кўрганман аммо бунақаси кам яна у кишим адвокатмиш лекин мен тўшақда адибади айтишиб ўтирмайман мабодо суюғоёқ бўлмаса бирон жойдан битта қанжиқ топгандир ёки яширинча тузоғига илинтиргандир улар агар уни мендай билганларида эди нега деганда

утган кунни Дингамнинг ўлимини ёзиб чиққан газетани кўрсатиш учун гугурт олай деб ўша хонага кирсам Полди аллақандай хаг ёзиб ўтирган экан худди қулоғимга биров шивирлагандай бўлди у эса босма қоғозни варақнинг устига ёлиб ўзини ўйлашиб ўтиришдан қилиб кўрсатди эҳтимол бу мактуб ўзига битта тентакни топиб олгандай бўлиб юрган биронта хотинга ёзилаётган бўлса керак унинг ёшида барча эркакларда шундай ишлар бўлиб туради айниқса улар қирққа яқинлашганларида худди унга ўхшаб энди ўша хотин унинг чўнтагини қоқлайди бориға барака қилади қариб қуюлмаган тентак тентакларнинг тентаги ва демак меннинг думбамдан ўпганда буни ўшани беркитиш учун қилган экан-да тентак мен тупураман ким билан ишма иш қилаётгани ёки олдинлар кимлар билан бўлганига лекин бу ҳамон бошқача воқеага ўхшайди билиб қўйсам бўларди икковлари нақ бурчимнинг тагида ўйнашиб туришибди Онтарио-террасдаги уйимизда хизмат қилган Мэри деган қиз ҳам шунча манжалақи эди Полдининг ақлу ҳушини ўғирлаш учун орқасини ликирлатгани ликирлатганидан ундан упа-элик сурган хотинларнинг хиди келса кўнглим озади икки мартача унинг туришидан шубҳаланиб қолдим атай ёнимга яқинроқ чақирдим бошқа бир пайт унинг устидан узун соч топиб олдим бошқа бир сафар ошхонага кирсам шу заҳоти у ўзини сув ичаётгандай қилиб кўрсатди ишма ҳам дердим 1 та хотин уларга кам қани айтнинг ким айбдор агар у уй хизматкори билан апок чапок бўлиб қолган бўлса кейин янги йил байрамида уни биз билан бир дастурхонга ўтказмоқчи бўлди кимга ёқади бу йўқ раҳмат мен ўз уйимда бунга асло йўл қўймайман ўша хизматкори уйимдан картошка билан чиғаноқ овқатларни ўғирлади холамни кўргани кетганимда кимга ёқади бу ғирт ўғри бошқа ҳеч нарса аммо аминманки Полди унга қандайдир илакишган мен буни жуда яхши сезаман Полди мени бекор айблаяпсан деди балки бу ўша қиз эмасдир о албатта далил керак ўша қизнинг холаси чиғаноқларни жуда яхши кўраркан, аммо мен кўярмидим барибир қизга айтадиганимни айтдим Полди менга кўчага чиқиб айлашиб кел деди ўзи қиз билан ёлғиз қолмоқчи бўлди мен уларга айғоқчи бўлиб ўзимни пастга урармидим қиз жума кунни дам олишга кетганда унинг хонасидан боғичларни топиб олдим менга шунинг ўзи етиб ортади ишдан бўшатишдан бир ҳафта олдин буни қизга айтганимда азбаройи жаҳли чиқиб қиза-

риб кетди буни жуда яхши кўриб турдим энг яхшиси уларни хизматга олмаган маъқул хонани ўзим ҳам тез йиғиштириб чиқаман лекин овқат қилиш ахлатларни олиб чиқиш жонимга тегади лекин барибир Полдига айтдим ё у турсин ё мен агар киз уйда қолса мен Полдига ҳатто яқинлашолмасдим агар у аллақандай ифлос уятсиз алдоқчи палпис худди мана мунақа кўзингга лўк этиб қараб туриб ўламан саттор мен қилмадим дейдиган яна жонингни чиқариб ҳожатхонада ашула айтиб хиргойи қиладиган бир шалтоқ билан бўлганини билсам нега деганда мен барча ишлар жуда соз кетяпти деб ўйлабман яна маълум нарсаку ахир у бусиз узоқ чидолмайди шунинг учун ўзига қаердан бўлса ҳам ўйнаш топиши керак охирги марта у орқамга оқизди қачон эдия ҳа Толки бўйида айланиб юрганимиздан кейин эди ўшанда Бойлан қўлимни қаттиқ қисди анави ашулада айтилганидек қўлимга бир қўл сирғалиб кирди мен эса бунга жавобан унинг кафтини бош бармоғим билан сийпалаб қўйдим шундай куйлар жўр овозимиз янги ой билан янги май қандай порлоқ нур сочар о муҳаббат нега деганда Полди бизни сезиб юрибди унчалар ҳам аҳмоқ эмас у шаҳарда овқатланаману Гаэтига кираман деди аммо мен уни ҳолу жонига кўярмидим барибир Худойим кўриб турибди уни буни у қандайдир ўзгариб бошқача бўлиб қолди доим бир хил нарса жонга тегиб кетади ўз-ўзинг билан ўйнашолмайсан-ку ахир мана ёшгина чиройли йигитчага пулини тўласанг бирга бўлиш учун ёш ўсмирчага мен ёқардим андак уни кизартириб-бўзартирдим агар у билан ўзимиз ёлғиз холи қолсак анави янги боғичларимни унга кўрсатардим унга тикилиб турсам кизариб-бўзариб кетарди уни йўлдан оздирардим мен бунақа нарсалар болаларга қандай таъсир қилишини биламан ёноқларида энди мўйлари сабза бўлган бирам чўзишади-ей ишга кўча қолмасдан соатлаб савол-жавоб қилишади сиз буни анақа қилармидингиз анув бунаками агар кўмирчига хўп десангиз агар епископга хўп десангиз албаттада кейин унга қайсидир диний нозир ёки епископни ҳикоя қилиб берардим у мен билан синагога боғчасида ўриндиқда бирга ўтиргандик мен эса анави тивит рўмолимни олгандим ул зот Дублинни кўрмаган экан келгинди бу ўзи қанақа жой нуқул ёдгорликларни сўрайди ҳайкал-пайкаллари билан тоза азобимни берди кейин унинг жиғига тега бошладим қитиқ патини кўзгадим шу тобда ҳозир нимани кимни

ўйлаялпсиз ким у менга отини айтинг ким йўқ отини айтинг ким эҳа олмон императорими ана ким экан сиз мени у деб тасаввур қилинг уни ўйланг сиз уни ҳис қила оласиз йўқ ундай эмас у мени суюғоёқ хотинга айлантирмоқчи бўлди лекин бу унинг ҳеч қачон қўлидан келмайди унинг ёшида бундай ишларни бас қилиш керак аёл кишини эса бундай нарсалар хароб қилади ва ҳеч қандай роҳат ҳам бермайди у то ишини бажариб бўлгунча ўзимни бу менга жуда ёқаётгандай қилиб кўрсатдим кейин ўзинг ўз билганингча роҳатингни охирига етказиб қўй бундан лабларинг қовжираб оқариб қолади бўпти майли иш бўларича бўлди фишт қолипдан кўчди бунинг атрофида шунча валдир-вулдир гаплар кўп фақат биринчи марта бўлгани одамнинг эсида қолади кейин одми ишга айланади бир зумдан сўнг эсингдан чиқиб кетади нима учун эркакни никоҳ ўқитмасдан бурун ўпиб бўлмас экан баъзан тамомила эс ҳушингни йўқотиб шундоқ маҳкам бағрингга босинг келди бу шундоғам роҳатижон нарсаки ҳеч бир ўзингни тўхтатолмайсан мени биронта эркак қучоқлаб ўпишини хоҳлайман бунинг лаззатига нима етсин нақ юрагингнинг тагигача етиб боради узоқ-узоқ қайноқ-қайноқ жонингни олади лекин кейин тавба қилишни ёмон кўраман баъзан ота Корриганнинг ҳузурига бораман жондан азиз падар менга қўлини теккизди айтмоқчи хўп нима бўлибди шунга мен ўзи қаердаман деб худди жинни хотиндай жавоб бераман сув бўйида йўқ сенинг баданингга айни қайси жойда қўлини чўзди ширин қизим дейди тагин орқа томондан оёғини ушлайди ва баландлик қилдими хўп умуман анча баланд ўтирадиган жойдамиди ҳа о Худойимей наҳотки тўғриси айтиб қўя қолмади орқа деб ва шу билан ишини битира қолмади бунисининг нима аҳамияти бор менга қара сен ўзинг нима ишлар қилиб юрибсан дейди эсимда йўқ нима дегани йўқ ҳеч нарса қилганим йўқ ҳазрат падарим ва яна доим ҳақиқий ота ҳақида ўйлайман буни билишнинг унга нима ҳожати бор экан ҳамон мен Худойим олдида тавба-тазарру қилдим ахир унинг қўли чиройли ва дўмбоқ кафтининг ичи доим нам агар менга қўлини теккизса ҳам йўқ демасдим ҳа унинг ўзига ҳам бу ёқарди унинг буқадай йўғон бўйнига қараб буни сездим бўйни бўйинчасига сиғмайди қизиқ у тавбамни қабул қилганида мени танидимикин мен уни кўриб турардим у эса мен томонга сира қарамасди рост менга ўгирилиб ҳечам

боқмаганди ва бундан ўзини қаттиқ тиярди фақат отаси ўлганда унинг кўзлари қизариб кетганди нима деб бўларди аёл учун улар худди йўқдай эр кишининг йиғлагани ҳаммадан ёмон руҳоний одам эса айниқса мени мана шундай руҳоний уст-бош кийган бирон кимса маҳкам кучоқлашини хоҳлардим ундан кундур иси келиб туради худди Папанинг нақ ўзидай бунинг устига агар сен эрга теккан бўлсанг руҳонийдан ҳеч хавфсирайдиган жойи йўқ унинг ўзи бундан жуда қўрқади кейин Муқаддас Папа ҳазратларига тавба эвазига қанчадир ақчасини тўлайсан қизиқ у мендан хурсанд бўлдимикин ё йўқ менга бир нарсаси ёқмади кетаётганда даҳлизга чиққанимизда оркамга бетамизларча қарсиллатиб урди мен кулган бўлдим-у аммо нима учун мен унга шапатилайдиган отманми ва ёки хачир ё отасининг уловлари эсига тушдимикин қизиқ Полди ҳозир балки уйғонгандир ва мени ўйлаб ётгандир ё мени туш кўраётгандир аммо унга ўша гулни ким тортиқ қилдийкин ўзи эса сотиб олдим дейди ундан қандайдир маст қилувчи ҳид келди лекин виски ҳам пиво ҳам эмас анави афишаларни ёпиштирадиган елиммикин ё ликёрнинг ҳидими анов яшил-сарик шляпали театр ишқибоз дендилари тортиб ўтирадиган ичкиликларнинг таъмини тотиб кўрсак ёмон бўлмасди шундоқ кўриниб турибди жуда қиммат нарсалар бир марта тотиб кўрганман анави америкаликнинг қадахига бармоғимни ботирганман у отам билан маркалар ҳақида гаплашиб ўтирганди унинг олмахони ҳам бор эди у охирига қадахдан кейин кўзларини уқалаб ухлаб қолмаслик учун зўр бериб тиришарди кейин портвейн ичишди ва паштет ҳам жуда мазали шўртаққина эди мен ўзим жуда маза қилиб ўтирдим алоҳа чарчаб тўшагимга ўзимни ташладим тошдай қотиб ухлаб қолибман қарсиллаган момақалдироқдан уйғониб кетдим Худоё ўзинг сакла гуноҳларимизнинг оғиридан осмон ёрилиб кетдими деб кўрқдим чўқиндимей Аве Марияни тиловат қилдим осмонда қарсиллаб чақмоқ чақиб худди Гибралтардагидай қиёмат қойим қўпдими нима бало янаям сенга Худо йўқ дейишади теварак-атрофингда ҳаммаёқ шундай ларзага тушиб силкиниб ағдар-тўнтар бўлиб турса қўлингдан нима келадиган хой густоҳ фақат тавбанга таянишдан бошқа чора йўқ айтганча буни қарангки май ойида кармелитлар бутхонасига шам ёқиб ўрнатган эдим ана шу менга бахт келтирди Полди буни эшитса масхара қилиб кулади ўзи ҳеч қачон черковга қадам

босмайди на ибодатга қатнайди на жамоа йиғинларига сенинг ичингда кўнгил йўқ ҳеч қандай кўнгил йўқ фақат бир парча эт нега деганда унинг ўзи билмайди кўнгил нималигини ҳа мен чирокни ёққанимда у ўзининг сўлакмондай жиш тўқмоғи билан 3 ёки 4 марта туширган бўлса керак нима дейди пайи дейдими томирими паққос ёрилиб кетмасмикин деб ўйладим айтганча унинг бурни негадир унча ҳам катта эмас устимдаги ҳаммасини ечдим дарпардалар маҳкам тортилган ўл дейдиган одам йўқ унда нима учун соатлаб ясан-тусан қилдим сочларимни тарадим атир-упалар сепдим унинг қозигини айтинг йўғон лўмнинг ўзи гўддайгандан-гўддайган ёқлик чиғаноқ еганми нима бало билмадим сон мингта чиғаноқ ютгандир ҳойнаҳой овоз ҳам авж мақомда йўқ мен ҳаётда бошқа ҳеч кимда бундай катта сабилни учратмаганман ичинг бутун тўлиб-тиқилиб кетганга ўхшайди кейин у битта қўйни бут-бутун туширганга ўхшайди қаранг-а бизни яратган экан-да шундай ўртамизга балойи азим чуқур ўрнатиб айғир қозигини қоқишига мослаб уларга ахир бизнинг фақат шу нарсамизгина керак шунақада уларнинг афт-башаралари ҳам жуда кўрқинчли қаҳрли бўлиб кетади юрагим пўкиллаб кўзимни чирт юмдим лекин барибир ҳам у унчаларда ширадор эмас экан сабилни ичимдан суғуриб олишига мажбур қилдим устимга тўқтирдим шунақа зўр бўлгандан кейин шуниси тузук деб ўйладим кейин ҳаммаси тула ювилиб тушиб кетмас деб охиргисини устимга тугатаверсин дедим буни аёлларни бошлаб ўйлаб топишган ҳамма роҳат-фароғатини ўзларига қолдиришган бизга ўхшаб бошларидан бир ўтсинчи ўшанда билишади бунинг нималигини мен Милли билан бирга бошимдан нималарни кечирмадим ҳеч ким бунга ишонмайди ундан сўнг боланинг тиши чиқди Майна Пюрфойнинг бакенбард ўстирган таъвия эри ғайрати қўзиб хотинининг қўзини очирмай иккиқат қилгани қилган ҳатто эгизаклар ясайди йил сайин қанда қилмайди мана энди хотин шўрликдан фақат кўтликнинг иси келади э чурвақаларнинг ичида биттаси бор уни тирмизак дейишади ё питракми билмадим қўйиб қўйган занжирнинг ўзи сочи жингалак оҳ Раҳмдил Худойим қора тугилган болақай охирги борганимда бир дунё бола бир-бирининг устига мингашиб ўмбалоқ ошиб шунақанги шовқин-сурон солишадики ичингдан чиққан овозингни ўзинг эшитмайсан болалар шундай қий-чув ичида соғлом ўсишармиш бақириб ча-

қириб вағирлашиб сени ҳам она филдай шишириб юборишади яна билмадим ўзи нимага ўхшайди бу ким билади ҳафсалам келса яна битта бола кўрсам дейман лекин асло анав кишимдан эмас яна ким билади балки уйланса ундан соғлом пухта бола туғилармиди аммо билмадим Полдининг шира-шарвати ошиб-тошиб ётибди э нимасини айтасиз бу роса зўр бўлардику я лекин унинг Жози Пауэлл билан кўришиб қолгани устига-устига Бойлан менинг ташвишим уни ёмонам ўртаб куйдириб юбордимикин бошга тушганни кўз кўради майли энди нима деб ўйласа ўйлайверсин агар шунга кўзи учиб турган бўлса мен бориб қолганимда улар иккови бир-бирига ҳазил-мазақ қилишиб туришган экан биламан Жоржина Симпсоннинг янги уйида байрам бўлаётган кечада у анави қиз билан рақсга тушиб ташқариларга ҳам чиқиб айланиб келишди кейин мени лақиллатмоқчи бўлди қизгина деворга суяниб зерикиб тургани менга ёқмади дейди худди мана шу сабаб бўлиб биз сиёсат масаласида жиқиллашиб қолдик мен эмас ўзи бошлади Раббимиз дурадгор бўлишган дейди охири мени ҳол-жонимга қўймай йиғлатди рост аёл зоти ҳамма нарсани кўнглига яқин олади йиғлоқи кейин мендан жонини ҳам аямаслигини билганим учун унга ён бердим лекин бундан ўзимдан-ўзим жуда хафа бўлдим Раббимиз биринчи социалист бўлган дейди мен бўлсам уни ҳеч ўзимдан нари суролмай жаҳлим чиқади лекин барибир унинг билмаган нарсаси йўқ айниқса одамнинг жисми ва ички аъзоларини сув қилиб ичиб юборган мен ўзим ҳам кўпинча уйимиздаги шифо китобидан ичимизда нима борлигини ўқиб олмоқчи бўламан мабодо уйимизда одам кўп бўлган маҳалда ҳам уни кўздан қочирмаслик пайида юраман овози нима деб гапираётгани қулоғимда туради ўша воқеадан кейин ўзимни Полди учун ўша қиздан хафа бўлгандай тутдим нега деганда у бироз рашк қила бошлади ҳар сафар қаёққа кетаяпсан деб сурштирганида мен Флуига деб жавоб бердим шундан сўнг у менга лорд Байроннинг шеърлари билан уч жуфт қўлқоп совға қилди бари шу билан тугади мен истаган вақтда уни осонлик билан ярашишга кўндироламан буни қандай қилишни биламан агар у ўша қиз билан яна оғиз-бурун ўпишиб бирон ёққа у билан учрашгани кетганида ҳам буни мендан яширолмасди мисол учун у пиёз емайман деб туриб олади ёки яна бошқа жуда кўп йўллари бор бунинг мисол учун қўйлакнинг ёқасини

тўғрилаб қўйишни сўрайсан ёки кета туриб тўр чиммат ё кўлқопинг билан тегиниб ўтасан I бўсани-ку айтмай қўя қолай бундан уларнинг ҳар қандайи боши айланиб гирра бўлиб қолади бироқ майли кўрамиз ўшанинг олдига борса бораверсин у ҳам ўзини ўлардай яхши кўришини кўрсатса-кўрсатаверсин мени фақат бу билан кўрқитолмайсанлар мен ўша ойимчанинг олдига ўзим бораман ва кўзига тикка қараб сўрайман сен уни яхши кўрасанми ўзи дейман ва кўзимни ундан узмай туравераман мени лақиллатиб бўпти фақат Полди миясига қўйиб олмасан бас ойимчага ўзининг жимжимадор усулида ҳаммасини тушунтирмасам бўлмас экан деб қоққан қозикдек туриб олмасан бўлгани у менга худди мана шунақа қилиб тушунтирган лекин эсласам ундан изҳори дилларини ичидан тортиб чиқариш учун нималар қилмадим қанчалар тер тўкмадим лекин бу нарса бир чеккаси менга хуш ёқарди ҳам демак у ўз лафзидан қайтмайди ва ким етакласа эргашиб кетавермайди менга ёрилишига оз қолди ўша оқшом картошка гумма қиламан деб ошхонада ҳамир ёяётгандим сенга баъзи гапларни айтиб қўймоқчийдим деб бошлаб қолди фақат ўзим уни бу гапдан қайтардим ўзимни жаҳлим чиққандай кўрсатдим халақит берма дедим кўрмаяпсанми билангача қўлим ҳамир юки нега деганда ўтган куни кечки пайт икковимизнинг ҳам тилимиз ечилиб кетди тушлар ҳақида гапларнинг унинг ўзига керагидан ортиқ нарсани билишини истамасдим Жози унинг олдида нуқул бўйнимга осилаверади кучоқлайверади албатта бунинг ҳаммасини эримни деб қилади мен унга бошдан то оёққача ҳеч қаерим қолмай чўмилганман имкон қадар десам Жози шу заҳоти имконни ҳам чўмилтирганмисан дейди хотинлар гапни доим мана шунақа нарсаларга буришади эримга кўзлари тушган ҳамон оғизлари шунақа гаплардан бўшамай қолади унинг кўзларидан қандай одамлигини сезишади у эса кўзларини айёрлик билан пирпиратади уларнинг илмоқли гапларини эшитмаганга солиб ўзини бепарво кўрсатарди буларнинг ҳаммаси уни айнитади лекин мен бунга сираям ҳайрон бўлмайман ўша вақтлар у жуда келишган хушрўй эди лорд Байронга ўхшашга ҳаракат қиларди нега деганда унга менга жуда ёқасан деб айтган эдим эркак киши ҳам шунчалар чиройли бўладими ростдан ҳам у бироз Байронга ўхшаб кетарди кейин биз никоҳдан ўтдик лекин бу ойимчага сира ёқмади ўша куни хоҳолаб қотиб-қотиб кулгим келаверди ҳеч ўзимни

босиб ололмасдим ҳатто сочимга қадаган тўғнағичларим ҳам бошимдан тушиб кетди ойимча эса кўриб турибман бугун роса димоғинг чоғ деди ҳа мен унинг атай жиғига тегардим нега деганда ойимча биларди бунинг сабабини ахир мен унга ишларимиз қандай кетаётганлигини ҳаммасини оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берардим-да шундаям барибар ҳаммасини айтиб ўтирмасдим лекин керагини айтардим оғзидан сўлақайи оқсин деб лекин бунинг учун мен айбдор эмасман тўйимиз бўлиб ўтгандан кейин бизни кўргани кам келадиган бўлди қизиқ девона эргинаси билан яшаб ҳозир аҳволи қандай экан уни охириги марта кўрганамда чехраси сўлғинроқ эди жуда қийналганга ўхшарди шундан тушундимки яқинда эри билан жанжаллашган бўлса керак тоқатсизланиб дарров гапни эркакларга бурмоқчи бўлди эридан ҳасрат қилиб ичини бўшатгиси келди шекилли нима ҳам дерди оҳ баъзан ифлос этиги билан ўрнига ағанаб ётади агар жиннилик бўлиб туюлмаса бир кўз ўнгингизга келтириб кўринг-чи тўшакда шундай бир нусха билан ётишни у сени истаган пайтда ўлдириб қўйиши мумкин вой афтинг курсин яна шуниси ҳам борки ҳар ким ўзича жинни бўлади лекин Полди нима ҳунар кўрсатмасин ёғин-сочин пайтида доим оёғини тозалаб кейин уйга киради ва бошмоғини ўзи тозалайди ва кўчада таниш-билишларини учратиб қолса бошидан шляпасини кўтариб саломлашади мана ҳозир бечора ўша сафарга ўхшаб оёғида чоригини судраб ку-ку ку-ку деган хат учун 10 000 фунт талаб қилиб сарсон юрибди о май севгим йўқ аммо бу ниҳоятда аянчли бир нарса шунчалар бефаҳмки ҳатто этигини ечмай ётади. Мен мунақага турмушга чиқишдан бурун минг карра ўлиб-тирилиб ўйлаб кўрган бўлардим албатта унинг шу ҳоли ҳаётига чидайдиган бошқа бир хотинни умрида тополмайди мендек бўлиш ҳаммапинг ҳам қўлидан келавермайди мени яхши кўрасанми бас бирга бир тўшакда ётасан кўнглининг тубида у буни тушунса керак энди анави Мэйбрик ойимчани қаранг эрини захарлаб қўйди нимага Худо билади битта-яримтаси билан ўйнашиб қўйганми кейинча бу фош бўлди охири бориб мана шундай иш қилиш учун ҳаддан ташқари учига чиққан аблаҳ бўлиш керак тўғри айрим эркакларга сира тоқат қилиб бўлмайди бу даҳшат ақлингдан озиб қоласан ва яна бизни таҳқирлагани таҳқирлашган агар биз шунақанги ёмон бўлсак нима учун ўзлари эланиб-ёлвориб кели-

шади турмуш курайлик деб гапнинг пўсткаллеси бизсиз яшай олмайдилар ойимча эрининг овқатига стрихнин қушиб берган каламушларни ўлдирадиган дори кизик нега бундай дейилади бу сўз адасидан сўрасанг бу юнонча сўз дейди бундан кўра яхшиси омилигимизча тураверайлик-чи мундай кўрқинчли таваккалга борган экан ўша хотин бошқа эркагини жонидан ҳам яхши кўрган бўлса керак ахир дорга осишлари ҳам мумкин эди ёки унга бунинг фарқи қолмагандир агар унинг табиати шунака бўлса бошқа ҳеч нарсанинг фойдаси йўқ бундан ташқари улар унака ваҳший эмас бир аёл кишини осиб юбораверадиган рост унака эмас

Уларнинг ҳаммаси ҳар хил Бойланнинг гапи менинг оёғимнинг чиройлилигини ҳали танишмасимиздан бурун пайкаган экан мени Полди билан қандолатхонада кўрган экан мен кулакула гап тинглаб оёқларимни ликирлатиб турувдим биз оддий бутерброд билан чой сўрадик у эса иккита опаси билан келганди иккови ҳам қари қиз мен хизматчи қиздан қаерда бу ерда хожат деб сўраганимда у мендан кўзини узмай қараб турди мен нима қилай ахир шундай қисталанг бўлиб қолса ҳозир ўтиб кетаман деб турса бу ўша қора тор иштон Полди зўрлаб олдирганди то туширгунингча бўлмайди ўтиб кетади ҳафта сайин шундай бир жинниликни тайёрлаб туради қачонлардан буён шунака мен у ерда нимами унутиб қолдирдим десам юшоқ чарм қўлқопим экан стул устида қолиб кетибди йўқолди бирон ўғри хотин ўмариб кетган ҳойнаҳой Полди Айриш Таймсга палон палон ерда йўқолди деб эълон бер ким топиб олса миссис Мэрион Блумга қайтаришлари сўралади мен бушаниб чиқиб келаётганимда у ҳалиям оёғимдан кўз узмасди кейин орқамга ўгирилиб қарасам у ҳалиям тикилиб турарди 2 кундан сўнг мен ўша ерга яна чой ичгани кирдим умид қилувдим кўриб қоламанми деб лекин у кўринмади унга оёғимни чалиштириб ўтирганим айниқса таъсир қилди-ёв олдинига Полди менга юриб бўлмайдиган тор туфли танламоқчи бўлди менинг қўлим ҳам чиройли фақат мен туғилган ойга мос чиройли аквамарин узук бўлса яхшийди уни бунга ийдиришга ҳаракат қиламан яна тилла билагузук менинг оёғим эса ўзимга унчалик ёқмайди аммо бир кун оёғим билан унинг жонини киргиздим концертдан кейинги окшом маҳали ўшанда Гудвин ишни пачава қилди қаттиқ совуқ эди изғирин ачитиб турарди аммо уйда ромимиз

бор эди биз уни иситдик учоқда ўт хали учмагани ва у камин олдидаги гиламчага ўрнашиб ўтириб олди мендан пайпоғимни ечишимни сўради Ломбард-стритдаги уйимиздайдик бошқа бир сафар мени лой ифлос ботишкам билан туришимни сўради унга отнинг тезаги ёпишиб қолгани нима ҳам дейиш мумкин у бошқа барча мен кўрган сирадаги одамларга ўхшамайди у мен Катти Ларнерга 10 очкодан тўққизтасини бериб барибир ютишим мумкин дейди мен ундан бу нима деганинг деб сўрадим унинг нима деб жавоб бергани эсимда йўқ нега деганда худди шу пайт газетанинг охири сонини кўтариб ўтиб қолишди ва Люканинг сўт дўконидан ишлайдиган сочлари жингалак жуда эътиборли бир киши ёнимиздан ўтди менимча уни илгари ҳам кўргандайдим мен сариёғни татиб кўраётганимда унга эътибор берганим шунинг учун бемалол ҳеч ёққа шошилмай хотиржам ўтирдим ва яна анави Бартелл д'Арсен хорда мени кучоқлаб ўпа бошлади у эса унинг устидан кулди ўшанда мен Гунонинг Аве Мариясини ижро этганим Оҳ нимани кутяпмиз ахир дўстгинам бўса ол атроф тинч атроф сурурли ўпич ол овози хира чиқишига қарамасдан у жудаям ўт-олов эди менинг қўйи пардаларни қандай олишимга қараб доим хайратланарди ўзи шундай дерди сўзига ишонса булармикин менга эса у қуйлаганда лабларининг ҳаракати ёкарди кейин у шундай жойда бу иш билан шуғулланаётганим жуда чакки деди мен эса бунинг ҳеч бир чакки томонини кўрмайман ҳозир эмас аммо бир кунмас бир кун мен унга буни айтиб бераман унинг учун ҳеч қутилмаган совға бўлади Ай-йай-йай уни олиб бориб ўша ерни кўрсатаман ёқадими ёқмайдими барибир булар иш бўлди у ўзи билмаган ҳеч нарса йўқ деб ўйлайди никоҳдан ўтгунимизча ҳам у онам тўғрисида ҳеч нарсани билмасди ҳатто хаёлига ҳам келтирмагани ахир шу нарса бўлмаганда мен унинг қўлига осонгина тушиб ўтирмасдим лекин барибир унинг ўзи ёмон ялиниб-ёлвориб иштонингдан битта боғич бўлса ҳам менга бер деб туриб олди ўшанда оқшом эди биз Кенилворт сквер бўйлаб борардик ўшанда у қўлқопимнинг учидан бармоқларимни ўпди мен қўлқопни ечдим у эса сўраб-суриштиришни қўймасди билсак бўладими сизнинг ётоғингиз қандай ва мен қўлқопимни унинг қўлида қолдирдим худди унутгандай бўлиб майли унга эсдалик бўла қолсин қўлқопни чўнтақларига қандай тиқиштираётганига қараб турдим иштон десангиз ўзини томдан таш-

лайди жинни бўлиб қолади бу Худонинг кунидай равшан ана-ви велосипед минган шармсиз қизлар юбкалари киндиклари-гача тортилган у эса кўзларини лўқ қилиб ҳар бирига тикилганни тикилган ҳатто у мен ва Милли билан шаҳар ташқарисига сайрга чиққанимизда сарик муслин кўйлақдаги биттаси рўпарасига шундоқ туриб олса бўладими офтобнинг шуъласида у нима бўлса ҳаммасини бақрайиб кўриб турди ипидан игнаси-гача ёмғир ёғаётганда орқамдан юриб ҳеч кўзини мендан олмасди мен барибир уни ўзим ундан олдин кўрдим Хэролдс кросс му-юлишида яп-янги плаш ва ялтироқ шарф бўйнида осиб турар-ди бундан қорамтир шляпаси билан чехрасининг туси бўртиб кўринарди сиёқи ўзи доим шундай айёр алдамчи одам худди ҳеч қандай иши йўқ ерда ҳам гўё бир нарса қилгандай бўлиб туради улар хоҳлаган жойларига боришлари ва ҳар қандай ло-зимдан ҳам хоҳлаганларини олишлари мумкин ва биз бунга миқ этиб оғиз очмаслигимиз керак ўзлари эса бизни холи-жо-нимизга қўйишмайди қаерда эдинг қаёққа кетяпсан мен орқамдан зипиллаб келаётгани ва елкамга тикилаётганини сезиб турдим у одатда уйимиз томонга яқин келмасди ишқал чиқади деб ҳисобларди шунинг учун мен тўхтаб ярим бурилиб қарадим кейин у менга ёпишди майли дейишимни кутди ундан кўзимни уз-май қўлқопимни аста-секин еча бошладим у ҳаво бунақа кўйла-гингининг енги очик экан деди мени кучоқлаш учун баҳона қидирди ҳа иштон қурсин-а иштон худди чакамуғдай ёпишди унга икки тола сочимни тортиқ қилмоқчи бўлдим майли кўкси-нинг киссасида олиб юрсин о Мукаддас Биби Марям онажон у ёмғир остида ғоятда бечора кўринарди аммо тишлари шундай ажойиб кўркем уларга қараб очқаганингни сезасан у ички кўйла-гимнинг этагини кўтаришимни сўраб элана бошлади этагим қаҳ-рабо ранг ва бурама атрофда ҳеч ким йўқ дейди яна шу ернинг ўзида шу ёмғирда тиззалаб турмоқчи рози бўлмасам шунчалик илакишди янги кийган плаши ҳам ифлос бўлиб кетарди эркак сен билан ёлғиз қолганда унинг нима қилиқ чиқаришини бил-майсан иш шунгача бориб етганда улар ҳаммаси қутуриб кети-шади ўткинчилар келиб қолишлари мумкин эди шунинг учун мен этагимни сал-пал кўтардим-да бошқа қўлим билан унинг шимини пайпаслаб кўрдим кейин мен Гарднер билан ишга тўғ-ри кўчада киришиб кетмасин деб шундай қилганман жуда бил-гим келади у суннат қилинганми йўқми у эса қалт қалт тит-

рарди уларга қолса бир зумда ишни тугатиб қўя қолса унақада ҳеч лаззати бўлмайди-да бу ёқда отам эса овқатга маҳтал бўлиб ўтирибди у менга картмончамни гўшт дўқонида эздан чиқариб қолдирибман деб айтинг деб ўргатди қайтишга тўғри келди фирт ёлғончи қандайдир кейин менга ўша бир хат ёзиб жўнатди шундан кейин у қандай қилиб аёл кишининг юзига қарайди ҳайронман унинг аслзодаларча одоб-икромига қараганда бу жуда ғалати туюларди кейин учрашганимизда у мендан хафа бўлмадингизми деб сўради мен ерга қарадим аммо у хафа бўлмаганимни билди унинг доим калласи ишлайди анави ландавур Хенни Дойлга ўхшамайди шарада ўйнаганимизда доим бир нарсани йиртади ё синдиргани синдирган бунақа макиёнларга сира тоқатим йўқ албатта мен бунинг нималигини билганимда унга йўқ деб айтишим керак эди жуда бўлмаганда йўлига мен эса сизни тушунмаяпман дедим нима бўпти табиий бир жавоб яна шулки Гибралтарда ўша деворда доим аёллар андомининг суратлари чизилган бўларди ва яна ўша битта сўз бот-бот учрарди мен уни ҳеч қаердан тополмасдим фақат болалар ҳали буларни кўрмаганлари тузук кейин менга ҳар куни хат ёзиб турди баъзан бир кунда икки маротабалаб ҳам ёзаверди менга унинг атрофимда айланиб-ўргилиши хуш ёқарди ўша пайтлар у хотин кишининг кўнглини қандай олишни биларди менга саккизта чиройли катта-катта лола юборди негаки мен 8 да туғилганман мен ҳам ўша оқшом унга мактуб ёздим Долфинс-барнда у менинг юрагимдан ўпди бунда кўнглингдан нималар кечганини тасвирлаб бериш қийин бунинг ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайди яна барибир у ҳеч қачон худди Гарднердай шўх ачомлашни билмайди умид қиламанки у ваъдасида туриб душанба куни худди ўша вақтда соат тўртда келади кутилмаганда бостириб келишларини ёмон кўраман мева-чева келтиришдимикин деб эшикка чиқасан қарабсанки меҳмон сен бўлсанг уст-бошингни ҳам тартибга солмагансан ёки тор ошхонангни эшиги бирдан ланг очилиб кетади-ю Гудвинга ўхшаган басавлат қария рўпарангда пайдо бўлади бир гал Ломбард-стритда шундай концертга айтиб келганди мен бўлсам шундай бесаранжом сочларим тўзғиган кечаги суюқ овқатни иситаётгандим мажбур бўлдим айтишга профессор менга қараманг аҳволим мана бунақа лекин у жудаям одоб-икромли ҳақиқий кекса жентльмен эди бунақаси камдан-кам учрайди уйимда хизматкорлар ҳам

йўқ мен уйда эмасман деб хабар қилиб қўйгани калитнинг тир-қишидан қарайсан худди бугун хат ташувчи келганига ўхшаб аввал у келмайдиган бўлибди да деган хаёлга бордим нега унда бир шиша портвейн билан бир сават шафтоли жўнатади мени жиннига чиқариб лақиллатмоқчими дедим хаёлларим чувалашиб асабим бузилиб мени эсноқ тутди ана шунда эшик қўнғироғи жиринглаб қолди чамаси у барибир кечикди нега деганда Дедалнинг 2 қизчаси мактабдан қайтаётганда соат тўртга яқинлаб қолганди соатни ҳеч қачон аниқ билолмайсан киши ҳатто у менга сотиб олиб берган соат ҳам тўғри юрмайди уни устаси кўриб берса бўларди мен Англия уй ва чирой дейдиган чўлок денгизчига бир пенни берганимда эсимда бир қизни севиб қолдим деб хиргойни қилиб ҳуштак чалиб тургандим ва мен оҳорли куйлак ҳам киймаган упа-элигимни ҳам сурмагандим умуман ҳеч нарса хуллас роса бир ҳафтадан сўнг биз Белфастга борамиз қандай соз у шу куни Эннисга жўнайди 27 да отасининг йиллик маросими агар бирга кетганимизда унчалик ҳам ўхшамасди олайлик меҳмонхонада хоналаримиз ёнма-ён янги тўшакда доим ҳар хил тийиксизликлар кўп бўлади унга бас менга тегма деб айтолмайман-ку қўшни хонадаги одам ё қандайдир протестант руҳонийси томоғини қириб йўталиб деворни тақиллатишга тушади эртасига эрим билан шўхлик қилмаганимизга ўла қолса ишонмайди ҳамма нарса ўтса ўтарки лекин хушторни алдаб бўлмайди мен унга эрим билан ҳеч ундай нарса қилмадик деганимдан сўнг ўз-ўзидан равшанки у асло ишонмади йўқ шундай бўлгани тузук у маросимини ўтказгани боради яна шуниси ҳам борки у доим аллақандай ишқаллар устидан чиқиб юради ўтган гал Мериборога Моллоунинг концертига борганимизда бекатда ичамиз деб суюғош буюрганди кейин поезд ҳуштак чалиб жўнайдиган бўлиб қолди у ўрнидан туриб қўлида тарелка билан платформадан юра кетди суюғош ҳар ёкка сочилади у эса оёқ устида қошиқни устма-уст оғзига тикиб овқат ичади ҳеч нарсани парвойига келтирмайди унинг орқасидан официант бақириб-чақириб чопади роса бизга томоша кўрсатди поезднинг жўнаши кечиктирилди у эса овқатни еб бўлмагунимча пулини тўламайман дейди аммо кейин 3-класс купедаги иккита жаноб унинг ёнини олиб ҳақ эканлигини айтишиди албатта у ҳақ эди баъзан бирон нимани миясига қуйиб олса ҳўкиздай қайсар бўлиб кетади аммо яхшиямки у вагон

эшигини ўзининг пичоғи билан чаккон очиб улгурди акс ҳолда бизни то Корккача олиб кетиб қолишарди жаззаси о мен бирон ёққа сайрга поездда ёки ўриндиқлари юмшоқ қулай экипажда боришни шу қадар яхши кўраманки ажойиб у менга 1-класдан жой олмасмикин мабодо балки поездда иштиёқ билдириб қолар кузатувчининг қўлига кўпроқ пул тутқазса э йўқ ҳар хил аҳмоқлар яна кўзларини лўқ қилиб бизни томоша қилишади бир гал алоҳида бир истисно бўлганди Хоутга кетаётганимизда анави оддий ишчи купеда икковимизни холи қолдирганди ўшанда унинг кимлигини билгимиз келганди чамаси 1 ёки 2 тушнелдан кейин дарчага қараб томоша қилиб кетиш мумкин ўшандан кейин қайтиб келиш одамга жуда хуш ёқади хўш мен қайтиб бормасам чи нима бўлади улар нима дейишади у билан қочиб кетибди саҳнада муваффақият қозонишни шундай уюштиришади менинг ашула айтган охирги концертим қаердайди бир йилдан ошиб қолди э Кларендон-стритдаги Муқаддас Тереза залида эди энди у ердан Кэтлин Карнига ўхшаган турли туман чавақлар чиқиб юришибди менга отамнинг ҳарбийда хизмат қилгани қўл келди мен бепарво қашшоқ кўшиғини айтардим Лорд Роберт шарафига ёкамга тамға таққан эдим шу ишларнинг ҳаммаси ўз кўлимда эди Полди эса тўла ирланд эмас афтидан ўша сафар ҳаммасини ўзи ташкил қилганди у боппайди мисол учун Стабат Матерда куйлашимга эришди кирмаган учрашмаган жойи қолмади гўёки Йўлчи Нур ва Эзгулик мадҳиясини музыкага соляпман деб гап таркатди бунинг унга мен ўзим ўргатган эдим қайсидир эски операнинг Сенинг нурунг етаклар мени кўйини пианинода даранглатарди кейин иезуитларга унинг масонлиги ошкор бўлиб қолди рост у ўша нима дейди баъзи шинфейнерлар билан апоқ-чапоқ бўлиб юрарди ва одатдаги ўзининг валдир-васоқ гапларини сўқарди менга пакана бировни кўрсатди калтабақай бўйни кўринмайди бу балқиб чиқаётган янги юлдуз Гриффит дейди жуда ақлли эмиш билмадим афтидан унчалик эмас фақат шуни айтоламанки чамаси у билан таниш бўлган кейин алоқалар узилган урушдан кейин сиёсатдан сўз очсалар нафратланадиган бўлдим қуриб кетмайдими ўша Преторияю Ледисмиту Блум фонтейнлар Гарднер лейт Стенли Жи 8-чи Б-н 2 Шарқий Ланкш полки бари ўша ерда у хаки кийган афт-ангоридан ичтерлама билан оғригани кўриниб турарди қадди-басти ўртача мендан бироз тикрок

шижоати ҳам ўзига етарлича ҳа у айтдики мен ажойиб қизча эмишман менинг ирланд гўзалим дейди окшом хайрлашиш олдида сув тўғон бетида ўпишиб турганимизда ҳаяжонланиб ранги оппоқ оқариб кетганди кетиши керак бўлгани учунми ё йўлдан биров кўриб қолади деб қўрқдим ҳойнаҳой тиззаси қалтираб зўрға тик оёқда турарди мен ҳам ёмон алангаи оташ бўлиб ёндим илгари ҳеч бундай аҳволга тушмагандим бошидаёқ сулҳ тузишиб келишиб қўя қолишгани яхшийдими ё бўлмас Паул амакининг ўзи ва яна бошқа қаланғи-қасанғи қариқартанглар Крюгерлар майдонга тушиб ўзлари билан ўзлари уришсалар бўлмасмиди бу касофатни йилларча чўзмасдан қанчадан-қанча азамат йигитлар қирилиб кетди ич терламасидан у жангда ўлганда ҳам майлийди одамга бунчалик алам қилмасди полкни параддан ўтаётганини томоша қилишни яхши кўраман эсимда испан отлиқ аскарларини биринчи марта Ла Рокда кўрганман роса чиройли эди Алхесирас бўғози оша қарасанг қоядаги барча чироқлар худди ёнарқуртга ўхшаб жимирайди ёки 15 акр майдондаги Қора Посбонларнинг машқлари-чи ҳаммаси шотланд юбкасида гурс-гурс баравар қадам ташлайди уларнинг олдида шаҳзода Уэлс 10-полкининг гусарлари ёки уланлар боради намунча азамат шиддаткор экан бу уланлар ёки Тугел яқинида ғалаба қозонган дублинликлар унинг отаси отлиқ аскарларга отлар етказиб бериб бойиб кетди нима қилибди у менга Белфастда биронта қимматбаҳо совға қилса арзирди мен унга энг қимматли нарсамни тортиқ этдим ахир у ерда бирам чиройли кийим-кечаклар бўлади балки биронта нафисгина кимоно айтмоқчи нафталин олиш керак менда илгари бор эди нарсалар тахланган яшикка солиб қўйса яхши янги шаҳарда у билан бирга дўконларни айлансак нақадар соз бўларди айтганча яхшиси узукни ечиб қўя қолай қаничи ҳа то бармоғингдан чиқаргунча уч соат айлантириш керак йўқса бутун шаҳарга жар солишади газеталарда ёзиб чиқсалар ҳам ажабмас ёки полицияга чақишади ундай десам бизни эр-хотин деб ўйлашлари ҳам мумкин э бари қуриб кетмайдими тупурдим ҳаммасига унинг пули кўп ҳали-бери уйланмоқчи ҳам эмас Худонинг ўзи хоҳлаб турибди кимдир уни боплаб қоқиштириши керак унга ёқишимни қандай билсам бўларкин рост ойнага қараб юзимга упа-элик сураётганимда жуда ҳорғин толиққан кўриндим лекин ойна ҳар доим бир бошқача кўрсатади бунинг устига мени оғир корсон-

дай тоси билан шунчалар ёмон эздики яна кўкраги ҳам жун босган яна чидаб бўлмайдиган иссиқ осон эканми шунча тўшнинг тагида ётиш орқадан кела қолсанг ўласанми ана Мастянскийнинг хотини айтиб берган эди эри уни кучукка ўхшаб туришга мажбур қиларкан яна тилини ҳам иложи борича пастга осилтириши керак экан ўзини кўрсангиз шундай ювош мулойим яна цитра чолғусини тинмай тинғирлатади уларнинг нима хоҳлашини асти билиб бўлармиди у зангор костюмда жуда пўрим кўринарди чиройли бўйинбоғ кўк ипак кашта гулли пайпоқ аниқ жуда пулдор посон кийим-бошидан ҳам билса бўлади соати ҳам жуда салмоқдор у газета кўтариб қайтиб келганида худди эс-хушини йўқотгандай эди чипталарини майда-майда қилиб йиртиб ташлади оғзидан боди кириб шоди чиқиб буралаб сўкинади 20 фунтни бой бердим деб бўкиради бунинг ярмини менга қўйган экан қандайдир биринчи бўлиб етиб келган от туфайли ютқизиб қўйибди қанча пул тикишни Ленехан айтган экан тоза авра-астарини ағдариб сўкди ўзиям аблаҳ лаънати Гленкридаги зиёфатдан қайтиб келаётганимизда менга нисбатан ўзига жудаям эрк бериб юборди Фезербед тепалигида ҳам экипаж ёмон силкинди-ей лорд мэр ҳам ёғ босган кўзларини ҳеч мenden узай демади Вэл Диллон Худо урган хўппа семиз уни десертга ёнғоқ еяётганимда пайқаб қолдим жўжа ҳам шундай курсилдоқ қилиб қизартириб пиширилган эканки қўлинг билан бўлиб-бўлиб егинг келади шунчалар мазалики шунчалар майинки ақл бовар қилмайди мен тарелкамни охиригача бўшатиб қўйишни хоҳламасдим санчқилару балиқ кесадиган пичоқлар ҳаммаси соф кумушдан шунақаси уйингда ҳам бўлса кошкийди бир-иккитасини қўлқоп ичига яширса ҳам бўларди мулозаматлар билан ўралашиб қолдим доим уларга куллуқ қилишинг керак пул берганлари учун ресторандаги ҳар бир лукма учун уларга миннатдор бўлиб бош эгишинг керак ҳар бир арзимаган бир хўппам чой учун арзанда неъматдай раҳмат айтасан дунё шундай қурилган экан-да майли қандай бўлмасин бу яна шундай давом этади мен жиллакурса бир жуфт яхши қўйлак хоҳлайман бу биринчидан кейин мен ҳали билмайману қандай лозим-иштонни ёқтиради афтидан бунинг умуман кераги йўқ дейди ўзи шундай деб айтди ҳая Гибралтарда қизларнинг кўпчилиги иштон киймайди Худо қандай яратган бўлса шундай шир яланғоч ҳалиги Манолани қуйлаган андалузлик

қиз иштонсизлигини ҳатто яшириб ҳам ўтирмади пайпоқнинг иккинчи жуфти ҳам биринчи куниеқ сўкилиб кетди эртасига эрталабоқ Люэрга қайтариш керак эди ва алмаштириб беришларини талаб қилиш керак эди фақат айюҳаннос кўтаришнинг ҳожати йўқ яна унга тўғри рўпара келиб қолиш мумкин унда ишнинг расвоси чиқади тагин ҳалиги чип ёпишиб турадиган корсет уни аёллар журналида тоза мақташди бел қисмида юмшоқ лаппакчалари ҳам бор ҳозирги устимдагини у тўғрилаб қўйди лекин бу барибир эски-туски ва қўпол ҳалиги эса рекламада айтилгандай одамнинг қоматини чиройли қилиб кўрсатади ҳавасни келтиради II шиллингу 6 елкадан пастини кичрайтириб кўрсатади курсоғим каттайиб боряпти овқат устида пиво ичишни бас қилишим керак жуда берилиб кетдим шекилли кейинги сафар О'Рурқдан жўнатишганининг сувдан фарқи йўқ бу пахмоқ Ларрига пул ўзидан ўзи оқиб келяпти бизга Рождествога аллақандай сарқит ирқинди нарсаларни юборди сузмали пирог ва бир шиша ювиюди буларни биздан бошқа ҳеч кимга сотолмаган яна бунинг оти бордо эмиш бунақалар сўлагини ҳам курғоқчиликка сақлаб йиғиб қўяди балки энди нафас олиш машқларини бажарсаммикин яна билмадим бунинг семизликдан қутулишга қанчалик фойдаси бор ортиқча уринишнинг ҳожати йўқ ҳозир ориқ ингичкаларга ҳеч ким қарамайди настарин рангли боғичлар бор бугун таққан эдим биринчида олган чеки ҳисобидан менга олиб берган ёлғиз нарса шу ундай десам яна юзга сурадиган лосйон ҳам олиб берган кеча охирини ишлатдим уни сурсанг теринг яшаради янгидай бўлиб қолади унга юз маротаба айтдим яна худди ўша жойга бориб шу нарсага буюртма бер эсингдан чиқмасин дедим лекин айтганимдай қилдими йўқми номаълум ёмон ёпиштирилган ёрлиғидан ҳам билса бўлади агар олиб келмаган бўлса сийдигимни ишлатишдан бўлак илож йўқ гўшт қайнаган сувга ё товукнинг шўрвасига ўхшайди опопонак ва бинафша қўшилади холос назаримда терим бироз сўлиб дағаллашиб бораётгандек туюлади сал салқиган ерида нима учундир худди янгидай манави бармоғим қуйгандан кейин анча тузук қанийди ҳамма ёғи шундай бўлса яна тўртта арзон рўмолча олган бор-йўғи 6 шиллинг туради ахир бу дунёда кундай равшан пўрим-посон бўлиб турмасанг ишинг асло юришмайди ҳаммаси озиқ-овқату уй-рўзғорга кетяпти мен эсам қўлимга андак пул тушдимми шу заҳоти шамолга совура-

ман маза қилиб чой дамлайман доим кафтимни тўлдириб курук чой ташлайман одмироқ оёк кийим оладиган бўлсам ҳадеб кийиб чамалаб кўравераман ойна олдида туриб айланиб ўргилавераман сенга бу янги пойабзалим ёқадими О албатта нархи қанча экан кийим-кечагим қолмади ҳисоб жигарранг костюмим кейин юбка билан жакет ва яна ҳалиги тозалашга берганим булар 3 та ҳар қандай аёл кишига бу жуда оз эскисидан қайтарма қилинган битта шляпа иккинчиси ямоқ-ясоқ бу аҳволда эркаклар сенга қайрилиб ҳам қарамайди хотинлар-ку маълум дарров чалишга тушади эркагинг йўқлигини пайқаб қолишса бас тинч қўйишмайди нарса матоҳлар йил сайин қимматлашиб боряпти мен эса бор-йўғи тўрт йилдан сўнг 35 га чиқаман Оҳ Худойим сентябрь кирса нечага чиқаман 33 га тўламан шундай-дир хўп нима бўлипти миссис Гэлбрейт эса мендан анча ёши катта мен уни ўтган ҳафта кўрдим чиройи энди бироз сўна бошлабди илгари қандай гўзал эди сочлари ёйилиб белигача тушарди ҳаммасини орқасига ташлаб юрарди худди анави Китти О'Шейга ўхшаб лекин у сочларини тарайди афтидан ўзига шу жуда ёкса керак яна шундай қалин афсус у билан фақат жўнаб кетишдан бурун танишдим яна ҳалиги миссис Лентри Жерсей лилияси Уэлс шаҳзодаси билан ўрталарида ишқ можароси бўлиб ўтган менимча унинг кўчадаги бошқа эркаклардан биронта ортиқ жойи йўқ фақат қирол уруғидан холос аммо бари бир гўр билмадим бир негр билан ҳам синашиб кўрсак бўлармиди э у хотин жуда чиройли эди неча 45 дамиди унинг қари рашкчи эри ҳақида аллақандай қизиқ ҳикояларни эшитганман эсимда яна балиқ кесадиған пичоқ яна у сафарга чиқишга отланиб турган йўқ у хотинига қандайдир жездан ясалган бир нимани зўрлаб кийдирмоқчи бўлган Уэлс шаҳзодаси эса э унинг балиқ кесадиған пичоғи бор ҳеч бунақа бўлиши мумкин эмас худди турли китобларда ёзилгандай шунақа китобларни кўтариб келади менга Фалончи Магистр Франсуа дейдими-ей гўё у руҳоний эмиш хотиннинг қулоғидан бола туғилганмиш нега деганда унинг ичаги тўғри бўлиб қолган эканда руҳоний ҳам шунақа сўзларни айтадими ва ўша хотиннинг корсони худди бунинг нималигини ҳеч ким билмайдигандай қайси аҳмоқ буни тушунмайди мен ҳаммадан ҳам иккиюзламачиликни ёмон кўраман башарасининг қари қаллобдан фарқи йўқ ҳамма билади булар бари алдоқчилар ва бошқача бир Руби

на гузал кўзлари жаллодлар у икки марта олиб келди эсимда эллигинчи бетгача ўқидим эркагини арқон учигадаги илгакка осиб қўяди кейин қайиш билан савалайди мутлақо ишончим комилки аёл кишига бунинг ҳеч бир зарурати йўқ бошдан оёқ қипқизил тўқилган-бичилган гаплар ёки яна бал зиёфат тугагандан сўнг эркак аёлнинг кавушига шампань солиб ичади худди Инчикордаги сабий Исо беланчакда Мукаддас Бокира қўлида туради очиқ равшанки ҳеч қандай аёл шундай улкан полапонни ўз ичидан чиқара олмасди мен ҳам аввалига у аёлнинг бикинидан тушгандир деб ўйладим нега аёл заруратга бу аҳволда ҳожатга қандай қилиб қатнайди у эса аслзода хотин у албатта Қирол Аъло ҳазратлари ўзига илтифот кўрсатди деб ўйлаган ул зот мен туғилган йили Гибралтарга борди ишончим комилки бу ерда ҳам унга лилиялар зотидан камчилик бўлмаган курук қолармиди ҳеч замонда шу ерда Аъло зот ниҳол экди кейин ундан яна қандай ниҳоллар қолмадийкин агар бироз олдинроқ келганида балки мени ҳам ниҳол қилиб экиб кетармиди балки ана унда мен бу ерда ҳозир ўтирмаган бўлардим Полди Фримен билан қилаётган ишини ташлаши керак аранг-қаранг уч-тўрт шиллинг чўптагига тушяпти биронта идорагами ё қаёққа бўлсаям доимий маош бериб турадиган ишга кирса тузук ё банкка ишга ўтса баланд курсига ўтқизиб қўйиб уззукун пул санатишади аммо ўзи албатта уйда ўтиришни хуш кўради шунинг учун ундан ҳеч қаёққа кочиб кутулиб бўлмайди хўш қани бугун нима ишлар билан шуғулланасан менга қолса у чилим тортиб тамаки чекса девдим худди отасига ўхшаб ундан эркакнинг иси анқиб турган бўларди ё ўзини худди рекламалар билан овора бўлиб юргандай қилиб кўрсатади мистер Кафф билан ишласа ҳам бўларди ишнинг пачавасини чиқарди кейин жўнатади ҳаммасини тўғрилаб келгани унинг лавозимини кўтариш бошқарувчи қилиш қўлимдан келади бир-икки марта у менга шундай *mirad*¹ ташладик шунақанги совуқ қарадики ҳамиссис Блум худди шундай бошқа ҳеч гап йўқ ўшанда мен эски тўзиган қўйлақда ўзимни жуда ёмон ҳис қилганман бу қўйлақнинг орқа этагининг лаппаги йўқолган қирқимидан номнишон қолмаган аммо ҳозир яна шундай посонлар урф бўляпти фақат унга ёқармикин деб сотиб олдим ўшандаёқ билган

¹ Қарадики (*исп.*).

эдим безаклари ҳеч нарсага арзимаслигини бекор Тодд ва Бернста бормабман Ли дурустроқ эди кўйлак магазинининг ўзида унутиб қолдирилган буюмлар сотиларкан бир дунё эски туски такир-тукир анави ҳашаматли ялтироқ магазинларга сира тоқатим йўқ асабимга тегади холос мен унча-мунчага кўниб кетавермайман лекин аёлларнинг либосларини танлаш об-овқат пишириш болаларни парварини қилиш ишқилиб нима иш бўлмасин ҳаммасини қойил қиламан мендан ўтадигани йўқ деб туради ўзи эса ошхонада нима топилса барини бир қилиб қозонга ташлайди агар унинг барча маслаҳатларини эшитиб ўтирсам нима бўларди ҳар бир куриб кетгур шляпа устида қанча гап бу сенга ярашади йўқ анавиникини ол бу башарангга жуда бол бошимда каттакон пирогга ўхшаб дўмпайиб турган бўлса шу сенга кетди чиройинг очилди дейди ёки бошқаси худди кастрюлнинг қопқоғига ўхшаб бутун туғнағичлари билан орқамдан осилиб турган бўлса ҳам ана шу яхши ана шу қойил дейди шўрим куриб уни Графтон-стритдаги дўконга олиб бораманми сотувчиси ўлардай сурбет хотин экан лабини қийшайтириб нима дейди денг сизни бисёр ташвишга қўйдик хоним умуман унинг ўзи бу ерда нима п...к еб турибди аммо бопладим думини қисиб қолди ҳа жуда совуқ тўрсайиб тураверди лекин бунинг ажабланидиган жойи ҳам йўқ аммо келаси гал бутунлай бошқача бўлди ҳеч кўзини узолмайди Полди такадай қайсар аммо мени эшиккача кузатиб чиқаётганда кўкрагимга еб қўйгудек бўлиб тикилаётганлигини сездим у менга илтифот қиларди менга ишонинг миссис Блум ғоятда таассуфдаман буни унчалар ҳам таъкидлагани йўқ ҳар қалай уни ҳақорат қилишгандан сўнг биринчи маротаба мен эса унинг хотини ҳисобланаман мен кулибгина қўя қолдим биламан кўксим бирозгина кўтарилиб турар мана бундай эшик олдида турганимда у эса ғоят таассуфдаман деди мен аминманки сиз ҳа кўкрагим у оғзига олиб ўлиб сўравергач диркиллаб тошдай қаттиқ бўлиб қолди шунақада мен ўзим ҳам ёмон ташна бўлиб кетаман у имчокларинг дейди менинг эса кулгим қистайди билмадим манавиниси сал нарсага ғудда бўлиб чиқади унга бу ишингни тўхтатмай давом эттиравер дейман мен эса тухумни чақиб марсала виносига қўшиб еяверай шунда кўкракларим роса бўлиқ бўлади у кўкрак томирлари пайлари ва бошқа нарсаларга жуда ишқибоз бунинг иккаласини бир яратилганлигини қаранг-да эгизаклар туғилиб

қолишига мўлжалланган-да улар гўзалликнинг рамзи ҳисобланади ҳалиги музейдаги ҳайкаллар мисоли биттаси гўё бир қўли билан кўкрагининг бир томонини беркитиб тургандай бу чиройига янада чирой қўшади албатта эркакнинг солинчоқ халтасию анави осилиб турадиган ва ё шляпа иладиган илгакка ўхшаб сенга тикка қараб турадиган ашёсига солиштирганда уни карам япроғига ўхшаган алланима билан ёпиб қўйишларидан сира ажабланмаса ҳам бўлади гушт расталари қаторида турадиган анов сўлжайган расво камерунлик ёки илгари балиқнинг ҳайкали жойлашган ердаги дарахт орқасида қаққаядиган анов малла аблаҳ ўзини худди бўшанаётганга солиб менга нарчасини кўз-кўзлади қирол полки ўз йўргакларини баланд кўтарди улар ашаддий шунқорлар яхши уларнинг ўрнига саррейликлар келишди мен ўтиб бораётганимда улар менга ўшанисини кўрсатишарди Ҳаркор-стритдаги эркаклар ҳожатхонаси ёнидан ўтаётганимда доим шундай қилишарди кўп синаб кўрганман буни ҳар сафар дам униси дам буниси менга кўрсатишга уринишарди худди бу дунёдаги 7 мўъжизанинг бири шудай лекин у шиптир ерларнинг сассиғи димоғингни ёради чидаб бўлмайди Ко мерфордлар уйида зиёфат бўлди кечаси Полди билан уйга қайтаётганимизда апелсинлару лимонадлар белингни юмшатиб пешобни ёқимли ҳайдайди иложим бўлмай шундай бир жойга киришга тўғри келди қағтиқ аёз эди ҳеч чидай олмадим қачон эди бу ҳа 93-йилда канал яхлаган эди ҳа бу икки ойлардан кейин бўлганди аттанг ўша ерда лоқал иккитагина камерунлик йўлиқмади-да мен эркаклар meadero¹сида тиззамни очиб ўтирганимни жонлари кириб томоша қилган бўлардилар-да мен ҳалигининг расмини чизишга уриниб кўрдим кейин йиртиб ташладим ичи тўлдирилган ичакка ўхшаган алланима бало улар бу сабил билан қандай юришаркина шунга тепки зарба ё лат етишидан кўркмаганлари-чи ҳақиқатан аёл гўзал буни ҳамма тан олади Холлс-стритда бир бой мўйқалам ҳаваскори бор экан ўшанга яланғоч бўлиб суратингни чиздиришинг мумкин деди ўшанда у Ҳили қўлидаги ишидан бўшаганди мен барча либосларимни сотган қаҳвахонада пианино чалардим агар сочларимни ёйиб юборсам анави чўмилаётган сув ларисига ўхшармикинман фақат у мендан ёшроқ унда испан фохишасининг фо

¹ Ҳожатхона (*исп.*).

тосурати бор балки мен жиндак ўшанга ўхшарман парилар доим шундай яланғоч ўйнаб ялло қилиб юришган ундан сўраганимда шундай деган ва анави нима эди жон жоннинг кўч кўчиши дейдими-ей бир ғалати сўзни сўраганимда кўчиш жон деб тоза алланима балоларни тушунтириб кетди миям сирқираб оғриди ҳеч бундоқ одамга содда қилиб айтиб беролмайди кейин буйрак пишираман деди ҳаяллаб қолди товани куйдириб қўйди йўқ бу унчалар эмас бу ерда унинг тишларининг изи қолган ўшанда кўкрагимнинг учини тишламоқчи бўлди мен бехос қичқириб юбордим вой бу ваҳший ҳайвонлар атайлаб жонингни оғритишади Милли эмадиган пайтлар кўкрагим тўла эди сутим икки кишига бемалол етарди қизиқ у нега бундай деди мен эмизадиган аёл сифатида ҳафтасига бир фунт пул олишим мумкин экан кўкрагим сутга тўлиб кетганди 28-уйда Цитронларникида бир студент туради кўриниши нимжон ориқ ўша студент ювинаётганимда очик дарчадан кўриб қолди дарҳол ўзимга сочик тутдим студентнинг қўлидан келадиган иш шу-да кейин кўкрагим оғрий бошлади қизчамни кўкракдан ажратдик то доктор Бреди белладонна ёзиб бермагунча у кўкрагимни сўриб ташлаб юрди шунчалар тифиз тирсилларди у сигир сутига қараганда ширалироқ ва қуюқроқ дерди кейин мени соғиб чойига қўшиб ичиб ҳам юрди яшириб нима қилдим у баъзан жудаям хаддидан ошиб кетади уни биров интизомга чақириб тартибга солиб турса бўларди мен унинг айтган сўзларининг лоақал ярмини эслаб қолганимда Магистр Полди Асарларининг китоби битарди ҳозир бунинг териси шунчалар майин ва силлиқ у соатлаб шуғулланади соатга қараб ўтириб амин бўламанки гўёки менинг кап-катта тайлоқ гўдагим бор ҳаммасини оғзига тикишга ҳаракат қилади бу эркак зоти аёллардан қанча қанчалаб лаззат-фароғат олади ҳали ҳамон кўксимда унинг оғзини ҳис қилиб тураман О Худойим узун узала тушиб ётгим келаётир қанийди ўзи ё бошқа биров бу ерга ҳозир келиб қолса кўнглим кимнидир ёмон тусайди ичим ёниб кетяпти ё бу тушимда бўлсайди у мени 2 маротаба тугатишга мажбур қилди бармоғи билан уқалади 5 дақиқача оққандан оқдим оёғимни белига чирмаштириб олдим кейин яна уни кучоғимдан қўямдим О Худойим бор овозим билан қичқиргим қ... қ б... қ деб сўкким келди фақат шундай ҳайвонларча ёмон аҳволдан тезроқ қутулсам дердим ундан кейин бундай кучаниш зўриқиш-

дан юзимга ажинлар тушади билмадим у буни қандай қабул қиларди сен эркак билан бирга бўлганинда қаёққа бораётганини билишинг керак аммо Худойимга шукурки ҳамма ҳам ундай эмас бошқа аллакимларга бу ишларда ҳаёли иболи бўлиб уялиб туришинг ёқади мен буларнинг фарқи борлигини англадим у бундай пайтда гапирмайди мен кўзларимни ўшандай суздим қимирлайвериб сочларим тўзғиб кетди тилим лабларим орасидан чиқиб унга мўлтайиб турибди кўпол ваҳший пайшанба жума бир кун шанба икки якшанба уч О Худойим мен чидамайман душанбагача пиипуупп қайлардадир поезд кичкиради қанчалар қудратли бу машиналар ҳайбатидан от ҳурқади ва ҳамма ёғидан шариллаб сув оқади ишқ охирида оққандай бу кўхна шириин қўшиқ бу машиналарда ишлайдиган шўрликлар хотин бола-чақа оилаларидан узоқда тун бўйи ўт олдида ёниб-қуйиб жизғанак бўладилар бугун ҳаво бўғиқ димиқиб ўласан яхшиям анави Фрименлару Фотосуратларнинг анчасини ёкиб юбордим ҳар нарсани ҳар ёққа отади тақир-туқурлари билан ивирситиб ташлайди ярмини ахлатга отдим унга айтаман қолган ярмини қирқиб майдалаб берсин яна бир жой эгаллаб ётадим топшириб юборсак эвазига уч-тўрт пенс пул оламиз у одатини қанда қилмайди ўтган январь сони қаерда эди деб сўрагани сўраган даҳлиздаги барча эски-тускиларни йўқотдим ҳаммаси ҳавони бўғади ажойиб ёмғир ёғиб ўтибди мен бироз мизғиб қолибман ҳаво тозарибди аввал мен яна Гибралтардек бўлади деб ўйловдим Худо сақласин то шарқдан шамол эсагунча у ерлар жуда иссиқ худди тун киргандай қоронғи ва чақмоқ чаққан пайтда қоя худди ҳайбатли улкан махлуққа ўхшаб кўринадилар буларнинг 3 қоясига асло ўхшамайди улар буни улкан тоғ деб биладилар у томонда ва бу томонда қизил либосли соқчилар тераклар ҳаммаси жазирама иссиқдан қизиб оқариб ётади баклардаги ёмғир сувларидан хид таралади куёш аёвсиз ёндиради бутун кўйлагимнинг ранги ўчиб оқариб қолади бу кўйлакни менга отамнинг таниши миссис Стенҳоуп Париждаги Бон Маршедан юборгани юрагинг ачийди шундай чиройли эди вой сен менинг дўмбоққина Лайчам деб ёзгани у ниҳоятда меҳрибон хотин эди фақат оти ёдимдан кўтарилибди сенга хат ёзиб юбордим яна сенга кичкинагина совға ҳам жўнатдим мен ҳозиргина иссиқ ваннага тушдим жуда роҳат қилдим ўзимни ҳозир озода бир кучукчадай сезялман мен ва қоравой у анави

кишини қоровой деб атайди биз ҳамма нарсани йиғиштириб яна ўзимизнинг Гибегга бориб қолсак ва сенинг Интизор деган қўшигингни эшитсак деймиз Эски Мадридни унинг майдонларини қоровой менга янги расм бўлган шол рўмол олиб берди рўмол оти нимаям деб аталаркан яхши ўқий олмадим у жуда ажойиб нарса экан салга йиртилиб кетавераркан лекин ўзи жуда чиройли экан сен ҳам бирга ўтириб роҳатбахш чой ичган пайтларимизни унутмагандирсан қаймоқ солинган печенилар қандай лаззатли эди хўжағат қўшилган вафлиларни айтмайсанми уларни жонимдан ҳам яхши кўрардим Лайчам ақлли қиз бўлиб менга тезроқ хат ёзиб юбор отангга мендан алангали салом айт у салом сўзини тушириб қолдирганди капитан Гроувга ҳам қизгин салом ва чин муҳаббат ва ўтли туйғулар сон-саноксиз бўсалар йўллаб ҳа миссис Стенҳоуп ҳеч эрга теккан хонимга ўхшамасди бамисли қизчалардай эди анави қоровойи ундан бир неча ёш катта эди у мени жуда яхши кўрарди Ла Линеа корридасига борганимизда менга сакраб ўтишимга ёрдамлашиб сим тўсиқни оёғи билан босиб турди ўша ўйинда матадор Гомес буқанинг қулоғини олди вой бу бизнинг кўйлақларимиз ким уларни ўйлаб топган экан ҳайронман шу кўйлақда мисол учун Киллини тепасининг устига чиқиб кўр-чи худди анави сайр пайтида бўлгандай корсет баданингни бутунлай чирмаб ташлайди оломон ичида бунақа кийимда на қочиб бўлади на ўзингни четга ололасан шунинг учун мен қаҳрга минган қари буқа шарфлар таққан ва шляпасига анов иккита нарсасини қадаган бандерилеросларни сузиб у ёқ-бу ёққа итқитиб ташлаётганда жудаям кўрқиб кетдим ваҳший эркаклар эса яша қойил торо деб қичқиришларини қўймайдилар аминманки у ердаги оппоқ мантиля либослар кийган хонимлар ҳам эркаклардан сира қолишмасди қоринлари ёриб ташланган ичак-чавоқлари ағдарилган бечора отлар мен ҳеч қачон бундайини кўрмагандим Беллейндаги шўрлик касал ит қандай ангиллаб ётганини айтсам у қотиб-қотиб куларди ўша пайтлардан бери қанча вақтлар ўтди нималар бўлдийкин уларга ё аллақачон ўлиб-нетиб ҳам кетишгандир худди туманлар ичида ётгандай эслайсан ва ўзингни қариб қолгандай ҳис қиласан ўша пириин печениларни рост мен ўзим пиширардим қизалоқлик чоғларимда нимани хоҳласам ҳаммаси мухайё эди Эстер-чи биз у билан сочларимизни солиштирардик менинг сочим қалинроқ эди у менга юқорига кўтарил

ганда сочни орқага қилиб турмаклашни ўргатди яна нималардир ха ипни қандай қилиб бир қўллаб тугун қилишни кўрсатгани биз мисоли опа-сингил эдик ўшанда ёшим нечага ҳам киргани бўрон бўлган кечаси мен унинг тўшагида ётдим у мени қўллари билан ачомлаб олди кейин эрталаб ёстиқ отиб жанг қилдик роса яйраб ўйнаганмиз мен Аламеда майдонида оркестр олдида отам ва капитан Гроув билан турганимда у менга дам-бадам караб караб қўярди мен аввал талага черковга кейин деразаларга қарадим кейин бошимни эгдим шунда кўзларимиз тўқнашди баданим игна санчилгандай жимирлаб кетди кўзимдан ўт чақнади эсимда кейин мен ойнага қараганимда ўзимни зўрға танидим шунча ўзгариб кетибман мен гулдай яшнаган эдим терим ипакдай майин қуёшда юрганимданми ҳаяжонданми кечаси мижду коқмадим дугонамга нисбатан бу унчалар чиройли иш эмасди лекин ўз вақтида олдини олиш қўлимдан келарди дугонам менга Ойтош китобини ўқишга берди бунгача мен ҳеч нарса ўқимаганим кейин Уилки Коллинзнинг Ист Линн китобини ўқидим ундан сўнг миссис Генри Вуднинг Эшлидайат сояси қўлимга тушди яна бошқа аёл ёзувчининг Генри Данбар китобини ўқидим кейин бу китобнинг ичига Малвининг суратини солиб унга бердим менинг одамим борлигини билиб қўйсин дедим кейин лорд Литтоннинг Южин Эрами миссис Хангерфорднинг Молли Бонини ўқиб чикдим бу китобни дугонам менга номи учун берди мен эсам Молли номи учрайдиган китобларни ёқтирмайман Полди менга фландриялик санғи қиз ҳақидаги китобни келтиргани қўлига нима тушса ўғирлаб кетаверадиган бир қиз Оҳ адёл устимда жуда оғирлик қияпти ана энди яхши битта ҳам тузукрок тунги қўйлагим қолмади мана эгнимдаги буришиб-тиришиб кетди яна устига у ҳеч тентаклигини қўймайди энди яхши ўтган сафар ўтирган еримда иссиқдан беҳаловат бўлавердим ички қўйлагим терлаб орқа томонимга қисилиб ёпишиб қолибди ўрнимдан турганимда икки қўйруғим бўрсиллаб-тирсиллаб турарди мен бир кўрай-чи деб диванга туриб эгнимни кўтардим кечаси қандада ёғилади пашшахона тутилган мен бир қатор ҳам ўқий олмадим О Худойим қанча вақтлар бўлди бунга бир аср ҳая улар кейин бу ёқларга қайтиб келишмади дугонам ўзи яшайдиган жойни ҳам анигини айтмади қоравойини сезиб қолган бўлса керак ҳамма ҳар ёққа кетди лекин биз ўз жойимиздан қимир-

ламадик денгиздаги ўша кун эсимда тўлкинларда тумшуғи сувдан баланд кутарилган қайиқлар чайқалади кема дам кутарилиб дам тушади соҳилда тизилиб турган зобитларнинг мундирлари яраклайди улар жўнаб кетишаркан мен денгиз касалига йўлиқдим у миқ этиб оғиз очмас қиёфаси ниҳоятда жиддий эди оёғимда тугмачали баланд ботинка устимдаги кўйлагим шамолда ҳилпирайди дугонам мени олти ёки етти марта қучоқлаб ўпди мен эса йиғлардим ёки йўқ балки ҳа шунга яқинроқ кўришгунча деб хайрлашганимда лабларим титрарди у устига жуда ҳам чиройли йўл ёпинчиғини кийган бутунлай бошқача бир мовийранг ва посони ҳам бир томонлама жуда фаройиб ва гузал эди улар жўнаб кетишгач шунчалар зерикдимки кунлар мисли дўзахга айланди мен бу ердан бошим оққан ёққа қочиб кетгим келарди турган жойимиз ҳеч қачон ўзимизга ёкмайди отам ёки холам ёки тўй кутишдан бошқа ҳеч қандай иш-хушимиз йўқ мангу Интизорлик сен уни кутиб ўтирасан у эса шошилиб сен томон келади уларнинг ер юткур замбараклари гум бурлайди бутун атроф гулдуросга тўлиб кетади айниқса Қиролчанинг таваллуд кунини ҳамма нарсалар ҳар томонга учади агар деразани очмасанг бир пайтлар генерал Улисс Грант унинг кимлигию нималигини бир Худонинг ўзи билади ҳар ҳолда катта одам дейишарди кемасидан тушиб келди қари консул Спрейт уни кутиб олишга чиққанди бу одам алмисоқдан қолган замонлардан бери мана шу ерда эди парад бўляпти-ю бечора ғам-қайғуга ботган ўғлининг мотами юрак-бағрини эзиб ташлаган кейин яна ўша-ўша эртаминан уйқудан туриш ноғораларнинг тарақлаши ва шўринг қурғур аскарвойлар овқат идишларини силкитиб ҳар томонга чопингани чопган улардан қари соқолдор жухуддан баттар бадбўй анқийди ва яна левит деганларнинг йиғини ва яна қуролларни жангга шайлаш ва яна ҳамма қалъага қайтсин деб чақирган тўп овози ва яна қоровулбоши калитларини шалдиратиб дарвозани беркитади ва яна сурнай нағмалари ва яна капитан Гроув билан отам ҳамон ўша Роркс Дрифт билан Плевнани ва Хартумдаги сэр Гарнет Уолли ва Гордонни оғиздан қўйишмайди мен доим уларнинг чубуқларини ўт олдириб берардим ичкиликхўр қария дераза рафига стакандаги грогни қўйиб тагида лоақал бир томчи ҳам қолдирмай ҳўплайди ва қўли бурун кавлашдан бўшамайди ва яна қандай уятсиароқ хангомани сўйлаб берсам экан деб бур-

чакда мўлжаллаб туради лекин ҳар қалай менинг олдимда у оғзини тияр нари борса бирон баҳона топиб мени хонадон чиқариб юборар менга хушомадгўйлик қилар тўғриси ичкиликнинг ховури уни булбулигўёга айлантириб юборарди афтидан у бошқа аёлларга ҳам шундай муомала қиларди ичкилик уни гўрга олиб кетганига ҳам қанча замонлар бўлди кунлар худди йиллардай чўзиларди бирон кимсадан битта ҳам хат-хабар келмасди фақат ўзимга ўзим хат ёзиб жўнатардим ичига ёзилмаган оқ қоғоз варағини солиб қўярдим гоҳида азбаройи зерикканимдан юрагим тарс ёрилиб кетгудай бўлар бор овозим билан бақиргим-кичиргим келарди айникса бир букри қари араб бор эди эшакникига ўхшаган асбоби билан иа иа аиа деб ханграгандай бўлиб ашула айтганда бўғзимга нафасим текилиб ўлар ҳолатга тушардим э қойил қойил ханграшни ҳам жойига қўяр экансиз дарчадан худди ҳозиргидай юрагинг кон бўлиб термилиб ўтирасан оёқ қўлинг шалвирайди қаршингда истараси иссиққина бир йигит пайдо бўлиб қолишини орзу қиласан худди анави Холлс-стритдаги медик йигитдай уни ҳамшира қиз кўз остига олиб қўйган экан мен ташқарига чиқаётганимни билдириш учун дераза олдида қўлқопим билан шляпамни кийиб турдим у ҳеч нарсанинг фаҳмига етмади булар ўзи тўқим табиат нима демоқчи эканлигингни сира ҳам тушунишмайди катта қоғозга катта-катта қилиб ёзиб бериш керак уларга ҳатто қисиб қўйиш учун икки маротаба чап қўлимни тутганимда ҳам у мени англамади Уэстленд-роудаги бутхона ёнида икки бора қўзимни сузсам ҳам у билмади уларнинг букюк ақл-идроки қай гўрга ғойиб бўлиб кетаркин шунисига ҳайронман мияларининг бутун мағзи билмайман қўйруқларининг тагида жойлашганми сабил Шаҳар тамғаси меҳмонхонаси орқасидаги анави кишлоқ чалачаққонлари-чи уларнинг ақли ўзлари сотиб турган сигирлару буқаларча ҳам эмас кўмирчининг овози келяпти бу ҳаддан ташқари эпчил тентак мени лақиллатишга уринди қалпоғининг ичидан бошқа бир ҳисоб қоғозини олиб менга тутқизмоқчи бўлди бирам чангали катта кастрюль чойнак товаларни тузатади биз камбағалларга берадиган бўшаган шишаларингиз йўқми дейди бу уйга ҳеч қачон меҳмон йўламайди почтадан хат-хабар келмайди фақат унинг чекларию онда-сонда тасодифий рекламалар холос унга худди анов кароматгўйдан келганидай қадрли хонимойим деб мурожаат қилишади бугун фақат

унинг хати келди ва Миллидан мактубча олдим қаранг-а қиза-лоқ отасига хат ёзганини менга охирги марта ким хат ёзганди-я э миссис Двен орадан шунча йиллар ўтиб нечук эсларига тушиб қолибмиз яна арзимаган бир *pisto madrilino*¹ қандай тайёрланади деб сўраганини қаранг Флуи Диллон ҳам бир бой мёморга тегялман деб ёзибди ўла қолсам ҳам ишонмайман қўрғони яна саккиз хона эмиш унинг отаси етмишларга бориб қолган ёмон ёқимтой киши эди доим димоғи чоғ бўлиб юрарди қани энди мисс Твиди ёки мисс Гиллесли ўртага тушсам мана бизнинг фортепяноларимиз ва соф кумушдан ясалган қаҳва сервиси бор эди қизил ёғочли буфет ичида турарди кейин у узок жойларда ўлиб кетди ўз бахтсизлигидан нолийверадиган одамларни ёмон кўраман ҳар кимнинг кулфати ўзига етади бечорагина Нэнси Блейк бир ой бўлди зотилжамдан ўлди лекин мен нафсиламрга уни унча яхши билмасдим у Флуи билан яқинроқ эди нима деб жавоб беришни ҳам билиш керак Полди мени доим чалғитади яна жағи тинмайди худди нутқ ўқиётгандай бошингизга тушган қайғуга ҳамдардлик билдирамиз мен бу сўзда доим хато қиламан яна павкулотта деб бирамас иккита-учта хато билан ёзаман умид қиламан кейинги сафар у менга бундан кўра узупроқ хат ёзгай ахир унга ёқармикинман ўзи О Худога минг шукурлар ниҳоят менинг ўз одамим бор у менинг барча ҳожатларимни чиқаради мени ҳақиқий ҳаётга қайтаради аке ҳолда энди бу ерда ҳеч қанотларимни ёзолмайман илгариги замонлар ўтиб кетди кимдир менга ишқий мактуб ёзишини хоҳлайман унинг хати эса кўнгилини тўлдирмайди лекин энди унга айтдим у хоҳлаганича ёзаверсин абадий сенинг Хю Бойлан арзимаган гап худди Эски Мадриддагига ўхшаган аммо биз ақлсизлар бу арзимаган гапларга чиппа-чин ишонамиз ох ўксинади муҳаббат қайтиб келмайди фақат ҳар қалай мана шундай деб ёзишганда озгина бўлса ҳам ҳақиқат бордирки ҳақиқатми йўқми бутун кунларингни маъноли қилади ва бир умр ҳар дақиқада нималарнидир эслаб юрасан ва атрофингни қуршаган ҳамма нарсалар сенга янги бўлиб туюлади мен унга тўшақда ётиб жавоб ёзсам ҳам бўларди ўқиётганда мени кўз ўнгига келтирарди қисқагина икки оғиз сўз ўчириб ёзилган узундан-узок хат эмас бунақасини Этти Диллон ўз йигитига ёзган у йигит

¹ Мадридча помидор ва қалампир (*исп.*).

судда хизмат қиларкан қизнинг кетидан юрган кейин юз ўгириб кетган хонимлар учун мактуб битиш усуллари мен Эттига қисқагина қилиб содда сўзлар билан ёз дедим хоҳлаганча гоҳ у томонга гоҳ бу томонга ағдариб кўраверсин дедим яна шуниси апзал авзал абзал афзалроқки воқеаларни шошилтиришнинг сира ҳожати йўқ чин юракдан самимият ила олийжаноб таклифингизга ижобий тарзда жавоб бериш ер юзидаги энг буюк бахти иқболимиздир вой кўк фаришталари ва бундан ортиқ яна нима керак уларга шунинг ўзи энг аъло аммо сен аёлсан сен салгина қарий бошласанг улар шу заҳоти сени ахлатхонага улоқтириб юборишдан ҳам тоймайдилар

Малви энг биринчиси ундан эди мен эрталаб тўшакда ётгандим миссис Рубио уни қаҳва билан бирга олиб кирди ва кутиб турди ундан менга беришини сўрадим кўзим билан кўрсатдим конвертни очишга тўғнағич сўрадим лекин бу horquilla¹ сўзини ҳеч эслолмадим қайсар кампир шундоқ бурнининг тагидаги ясама соч ўрами билан бирга турганди ташки кўриниши билан мақтанади ўзи худди балойи азим гуноҳдай кўркинчли 80 гами ё 100 гами кирган башпараси ҳам ажин босган ажува яна ҳамманинг диққатини оширади Атлантика флоти дунёдаги кемаларнинг ярмига эга ва Британия байроғи унинг барча sagabiperos² ларига қарамасдан ҳилпираб турганлигига ҳеч чидай олмасди нега деганда 4 та маст инглиз аскарлари келиб бирпасда уларнинг қояларини тортиб олиб қўйди бунинг устига мен ҳам унинг райини қилиб Сайта Марияга ибодатга тез тез боравермасдим ҳар доим елкасига шол рўмол ташлаб юради баъзан никоҳ маросимлари бўлиб қолади ва ўша-ўша мўъжизалар ва авлиёлар ҳақида ривоятлар айтилади ва неъматлар ато этгувчи биби нуқра либосларга чулғанган бўлади ва қуёш ҳайит куни эрталаб кўкда уч бора рақсга тушади Рухоний қўлида қўнғирогини чалиб жон таслим этаётган ҳузурига ҳадялар кўтариб ўтади ва мен Mejestad³ сихат-саломатлигини тилаб дуо ибодатга чўкаман у менга сизга мафтун бўлдим деб дастхат ёзди мен ўзимда йўқ шод сакрадим ва дарҳол ёнига боргим келди кейин дўкон витринасида унинг Кале Реал бўйлаб изимдан келаётганини

¹ Тўғнағич (*исп.*).

² Карабинерлар (*исп.*).

³ Олий Ҳазрат (*исп.*).

кўрдим кейин у менга андак тегиниб ёнимдан ўтиб кетди у менга хат ёзади ва учрашишга чакиради деб хаёлимга ҳам келтирмагандим мен хатни кўксимга кўйлак тагига яширдим ва кун бўйи ўзим билан олиб юрдим ва отам аскарларни машқ қилдираркан ҳар бир хилват панада уни олиб қайта ўқидим дастхатидан ё қандайдир муҳрлар маркалардан бирон нимани уқишга уриндим эсимда ўшанда оқ агиргул такаман қўшиғини тинмай хиргойи қилар ва эски ярамас соатимга қараб вақтнинг тезроқ ўтишини истардим у Мавритания девори тагида мени ўпган биринчи эркак эди навраста қиз кунларимнинг ошноси мен ҳатто ўпич нималигини билмасдим у тилини оғзимга тикди унинг дудоғи ғунчадек ва ширин эди унга бир неча маротаба тиззамни текиздим ва йўлни билай дедим унга ўшанда нималар дедим мен Дон Мигел де ла Флора деган испан аслзодасининг ўғлига унаштириб қўйилганман деб ҳазиллашдим у менга ишонди унга 3 йилдан сўнг турмушга чиқаман дедим ҳазилга доим чин аралашиб ётади ва мана гўзал гул ял-ял яшнаб очилган гул ва мен унга ўзимни ҳам андак ҳикоя қилиб бердим хаёлида бир нарсалар жонланиб қолсин дедим у испан қизларини ёқтирмас экан менимча уларнинг биронтаси уни рад этган бўлса керак у мен билан ўт бўлиб ёнди кўксимдаги ўзи тортиқ қилган гулларнинг барини эзиб ташлади у песет ва перрагорда пулларни ҳисоблашни билмасди мен буни унга ўргатиб қўйдим менга Блэкуотердаги Каппоквин томонларда туғилганман деди аммо бу ишлар узоққа чўзилади кейин у май ойида кетадиган бўлиб қолди ҳа бу май ойи эди ўшанда испан қироли ўғил меросхўр курганди мен баҳорда доим шундайман ҳар йили менинг янги йигитим бўлишини хоҳлардим қоянинг энг тепасида О'Хара минораси ёнида замбаракнинг тагида мен унга қандай яшин урганлигини айтиб бердим Клафамга жўнатилган маймунларни сўзладим уларнинг думи йўқ бир-бирларининг устига миниб диқирлаб сакрашади ўзи асли шу ерлик бўлган миссис Рубио маймунлар Инснинг фермасидан жўжаларни ўғирлаб қочишади ва яқин борсанг тош отишади деб ҳикоя қилиб берганди анав йигит ҳалиям мenden кўзини узмас устимда ўша оқ калта кўйлак унга дадиллик бағишлаш учун кўкраги бироз очиб қўйилганди кўксим энди бўртиб кела бошлаган пайтлар эди мен чарчадим дедим биз хилватда оғочлар соясида ётдик балки бу дунёдаги энг баланд қоядир галереялар

мудофаа истеҳкомлари ва кўркинчли жарликлар тепасидан сумалаклар осилиб тушган муқаддас Михаил мағораси ва зиналар пиллапоялар оёғинг лой-балчикқа ботади ишончим комил маймунлар шу йўл билан денгиз остидан Африкага ўтишади ўлгандан сўнг кемалар узоқларда ўйинчоқларга ўхшайди яна биттаси Малтага ўтиб борянти ҳа денгиз ҳа ҳаво осмон нима қилсанг ўз ихтиёринг хоҳлаганча ётсанг ётавер у кўксимни кўйлагим устидан эркаларди улар буни яхши кўришади дўмбок нарсаларга суяклари йўқ мен янги похол шляпам билан унга суяндим шляпам бироз эзилсин дедим юзим чап томондан чиройлироқ кўринади йигитнинг охирги куни бўлгани учун кўйлагим бироз валангар унинг устидаги кўйлаги шаффоф эди кўкраги лоладай бўлиб кўринарди бир пайт бутун аъзоси билан менга ёпишиб ишқалана бошлади лекин мен бунга йўл қўймадим у ёмон хафа бўлди биринчидан силмасмикин дейсан иккинчидан бўйингда бўлиб қолиши ҳеч гапмас *embarazade*¹ кекса уй ходимаси Инес менга бунинг бир томчиси тушса ҳам тамом деб айтганди кейин мен Банан билан ҳам ҳаракат қилиб кўрдим аммо ичимда бирон ерда синиб қолиб кетадими деб кўрқдим бир куни бир хотиннинг ичидан шундай бир нарсани чиқариб олишган неча йиллар шу кўйи туз босиб ётган экан-да эркалар ёруғ дунёга қаердан чиққан бўлсалар ўша ерга яна кириб бориш учун ақлу ҳушларини йўқотиб уриниб ётадилар улар доим ҳеч ўз чуқурларига етиб бормагандай бўлиб кўринадилар ундан сўнг янаги галгача сенинг керагинг бўлмайди ҳа нега деганда у ерда шундай ажойиб мислсиз ширин ёқимли сезгилар уйғонади ўшанда ишимиз нима билан тугаганди ҳа О ҳа унга қўмаклашиб турдим у менинг рўмолчамга тугатди мен ўзим эса ўзимни ҳали шавқим хурушим келмагандай қилиб кўрсатдим аммо оёқларимни очдим лекин ичкарига ўтишга унга йўл қўймадим нега деганда юбкам ён томондан қадаларди уни тоза қийнади мен олдин уни қитиқладим мен анави меҳмонхонадаги итнинг ғашига тегардим иррррр новаввов унинг кўзлари юмилган ёнимизда эса бир қушча пир-пир учарди у жуда тортинчоқ экан лекин бу унга ёқаётганидан мен ҳам хурсанд эдим аста-аста инграйсан мен унинг устига эгилдим у қизариб кетди ана шундан кейин тугмасини ечиб сопини чиқардим ва терисини

¹ Иккикат (исп.).

орқага тортдим эркакнинг ўша ерида худди ўртасида кўзи бордай паст томони буларнинг бошдан-оёқ тугмалаб қўйилган жонгинам Молли у ерда эмас нарида у мени шундай деб чакирарди унинг оти Жек Жо Гарри Малви эди ҳа шундай эди шекилли у лейтенант эди овози ҳам чиройли доим кулиб турарди шундай қилиб мен то шунгача бордим унинг ҳамма нарсаси ҳам шунақароқ эди у кичкина мўйлабча қўйган ва у менга қайтиб келаман деди Худойимей менга ҳаммаси худди кечагина бўлиб ўтгандай ва агар эрга тегсам албатта ўз хиссасини олади мен унга ваъда бердим ҳозир қасам ичиб айтаманки мен шу ернинг ўзида унга берган бўлардим балки энди у ўлиб кетгандир ё ҳалок бўлгандир ё капитан ва ё адмиралдир йигирма йилча бўлиб қолди мен агар дарахтзордаги чимзор дедим мабодо агар у орқамдан келиб кафтлари билан кўзларимни беркитиб кимман топ деса балки уни таниган бўлардим у ҳали ёш 40 ларда балки уйлангандир Блэкуотердаги битта яримта ойимчадир у жуда ўзгариб кетгандир улар хотинларга қараганда тез ўзгаришади уларнинг табиатлари ҳам анча заиф ўша аёл ўла қолса ҳам билмайди мен унинг суюкли эри билан нималар қилганимни у эса эрининг ҳали хаёлида ҳам йўқ эди яна бунинг устига куппа-кундуз куни яна бутун ёруғ оламнинг кўз ўнгида буни ҳатто Кроникл газетасига ҳам ёзса бўларди ўшандан кейин менга худди шайтон теккандай шайтонладим оғайни Бинадилар чиқарган печени пакетини пуфлаб шиширдим-да тошга пақ этиб уриб ёрдим атрофдаги барча беданалар ва кабутарлар патирлаб учиб кетишди кейин келган йўлимиздан орқага қайдик тепаликлар ўртасидан қоровулхона ва яҳудий қабристони ёқалаб кетдик ўзимизни худди яҳудий қабртошларидаги ёзувларни ўқиётгандай қилиб кўрсатдик мен унинг тўппончасидан отиб кўрмоқчийдим у эса тўппончам йўқ деди у мени қандай қилиб эплашни билмай турарди бошидаги фуражкасини доим чеккасига қийшайтириб қўндириб киярди мен эса доим пешанасига бостириб қўярдим ва ўзимнинг шляпамни силкитардим ўша қари епископ минбардан туриб аёлларнинг олий вазифалари ва бошига фуражка эгнига блумер костюм кийган замонавий қизлар ҳақида тарғибот хутба ўкиди Худойим унга ўзинг ақлу ҳуш менга эса ақча ато қил балки бу унинг шарафига шундай аталса керак мен ҳеч қачон менинг исми шарифим Блум бўлади деб ўйламаганман визит карточкасида қандай кўринар

кин деб босма ҳарфлар билан ёзиб машқ қилиб кўрганман қас-
соб буни қандай ёзаркин М Блумга эҳтиром ила доимий бахт-
иқбол тилайман деди Жози мен турмушга чиққанимда ҳай май-
ли бу Брин дегандан ёки Брук араванг қурук дегандан кўра
афзалроқ ёки ҳалигиндай зотли фамилиялар-чи Чейзод ёки
зот Малви деганга ўхшаган меники ҳам у қадар мақтовли эмас
мисол учун у билан ажрашсам миссис Бойлан бўладими ме-
нинг онам ўзи ким бўлмасин Худо ҳақи менга бундан кўра
тузукроқ ном қўйса бўларди унинг ўзининг исми жуда чирой-
ли эди Лунита Ларедо биз Европа бурнига қараб бутун Жерси
томони бўйлаб айлана бўлиб кетган Виллис-роуддан югуриб
бораётганимизда роса ўйнаб-кулгандик кўксим худди ҳозир
Миллиникига ўхшаб қўйлагим остида олмадай сакраб рақсга
тушганди Милли зинадан чопқиллаб чиқаётганда худди шун-
дай бўлади мен тепадан уларга қарашни яхши кўрардим терак-
лар ва қалампирмунчоқ буталаридан сакраб бир ҳовуч барглари
ни юлиб олиб унга отардим у Ҳиндистонга кетиб қолди ёзмоқ-
чи эди бу шоввозларнинг қисмати шунақа дунёнинг у
чеккасидан бу чеккасига санғиб юришади гоҳо омадлари чопса
у ер-бу ерда хотинларни кучоқлаб ўпишади шунақанги жой-
ларга борадиларки у ерларда чўкиб кетиш ҳам ёки портлаб
мажақ-мажақ парчаланиб кетиш ҳам ҳеч гапмас эртасига як-
шанба кун эрталаб мен Уиндмилл-ҳилл тепасининг устидаги
майдончага чиқдим қўлимда мархум капитан Рубионинг кич-
кина дурбини худди соқчиникига ўхшаган у менга кемадан бир
жуфтини олишим мумкин эди деди устимда Париждаги Бон-
Маршедан келган қўйлак бўйнимда бир тизим маржон кўрфаз
эса ярақлаб ётарди кўзларим то Марокашгача илғарди оппоқ
Танжер қўлтиғи қорли Атлас тоғлари кўрфаз мисоли Гарри
дарёси каби шаффоф жонгинам Молли мен тўхтовсиз у ден-
гизда нима қилаётган экан деб ўйлардим кейин ибодат пайтида
менинг ички қўйлагим сирғалиб туша бошлади муқаддас коса-
ни олиб чиқадиган пайт эди ва ўша рўмолни мен бир неча кун
ёстигим тагида сақладим унинг иси келиб турсин дедим Гиб-
ралтардан яхши хушбўй атирлар топиб бўлмасди бари арзон
хашаки нарсалар испан териси ва ҳиди тез учиб кетар ва одам-
да сассиқ ҳиди ўрнашиб қоларди мен унга бир эсдалик берсам
дердим у менга бахт келтирсин деб беўхшовроқ қладдас узуги-
ни совға қилганди мен уни Жанубий Африкага кетаётган Гард-

нерга бердим у томонларда бурлар уруши бўлаётганди у ерда бурлар уз урушлари ёки ич терламалари билан ҳалок қилишди бурларнинг ўзларини ҳам обдан қийратишди лекин барибир ўша марварид ё опал худди бахтсизлик келтиргандай бўлди барибир унда 18 карат соф олтин бор эди нега деганда жуда залворли эди унинг доим тоза қиртишланган юзи ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди ппийииииууп яна ўша поезднинг нолакор садоси ва ўша унуууутилмас мас кунлар кўзингни юм чуқур нафас ол бўсага интил лабларингни чўз ғамгин киёфа сўнг кўзларингни катта оч сўнг пиано пиаано ииа оша овоз келар менга ёмон кўраман бу ўша о ошани ва севгининг шириин кўшиғиини саҳнада мен буни энг баланд пардаларда адо этаман Кэтли Карни ва унинг бир тўда чақимчилари мисс МанаБу Мисс АнаБу ва мисс АнакаБу ўсироқ оломон-шаломони ўйинчоқ қизлар пир-сир учиб кўниб сиёсатдан чурқиллашади сиёсатни эса менинг орқам улардан яхшироқ тушунади нима қилиб бўлса ҳам эътиборни тортиш пайида хонаки хоназот ирланд гўзаллари оҳ мен аскар қизиман сиз-чи этикдўзлар ва қовоқхоначиларнинг қизларимидурсиз маъзур кўринг иззатли карета мен сизни арава деб ўйлабман улар мендек ўша оқшом офицер билан кўлтиқлашиб Аламедадан ўтишга муяссар бўлишса эди турган жойларида ётган ё ўлиб қўя қолган бўлардилар ўшанда ҳарбий оркестр ўйнарди кўзлардан ўт чакнарди бундай кўкрак қад-қоматни яна қайдан топасан серғайрат мижоз Худойим уларнинг саёзликларию фаросатсизликларини ўзинг кечир 15 ёшимда мен ҳаёт ва эркаклар ҳақида шунча кўп нарса билардимки улар 50 ёшда ҳам бунга эришолмайдилар ва улар ҳеч қачон мендай кўшиқ айтолмайдилар Гарднер сенинг табассумингни кўрган биронта эркак бошқа бир нарсани хаёлига келтирмаслиги мумкин эмас дерди аввалига мен унга менинг талаффузим ёқмаслиги мумкин деб чўчидим талаффузим тўлатўкис инглизча отам менга маркаларидан ташқари шу инглизчани ҳам қолдирган кўзим ва қоматим онамдан мерос у доим буни менга айтарди бу кадетлар ўзларини жуда катта олишади лекин у сира бундай эмасди лабларимдан у эс-ҳушини йўқотиб қўярди қани улар олдин ўзларига шундай бировга кўрсатсанг уят бўлмайдиган эр топишсин-чи ва менинг қизчамга ўхшаганини бир туғиб кўришсин-чи ёки кўрайлик-чи улар бармоғини нуқиб ўзи хоҳлаганини танлай оладиган ва қучоғи-

дан бўшатмаган куйи 4 ёки 5 марта қондирадиган Бойланга ўхшаган битта пулдорни қўлга киритинсин-чи ёки менинг овозимни олайлик агар унга тегмаганимда биринчи примадонна бўлишим тайин эди муҳаббатнинг қўшиғини сал пардани пастроқ олиб энгакни озгина пастроқ туширилади акс ҳолда бағбақа бўлиб қолади Жонгинамнинг Уяси ялпи олқиш учун чўзилиброқ кетган хуфтон чоғи кўҳна қўрғон гумбазсимон зал ҳам мен Жануб шамолларини ижро этаман буни менга хордан кейинги томошамиздан сўнг берганди қора кўйлақдаги манави тўрни олиб кўяман кўкрагим қандайлигини яхшилаб кўриб кўйишин яна ҳам кўриб кетсин яна катта елпигични тузатаман аламидан ўлсин уни ўйласам довотим қичишиб кетаверади уни кучоқлагим келаверади ичим дам бўлиб кетганга ўхшайди яхшиси шовқин қилмай уни уйғотиб юбормай тағин йўқса туриб яна ҳаммаёғимга сўлакайини оқизади ҳозиргина бошдан-оёқ елкам қорним белимни тозалаб ювдим лоақал ҳақиқий ваннам ёки ўзимга алоҳида холи хонам бўлсайди нима бўлганда ҳам унинг алоҳида ухлашини хоҳлайман йўқса муздай совуқ оёқларини устимга ташлайверади ҳатто ел чиқаришга ҳам жой йўқ Худойим ё сал қулайроқ бўлса нима қиларкин ҳа уларни биқинга караб бундай аста сурамиз пиано юмшоқ муҳаббатимнинг яна олис поезд садоси пианиссимо пииии яна битта гўшик

сал енгил тортдим қайда бўлсанг ҳам чиқаверар дам ҳалиги чойгача ейилган чўчка гўшти янгимиди эскимиди бунақа иссиқда билиб бўлмайди лекин ҳидланганмиди сезмадим у ердаги қассобнинг вазоҳати жуда хунук муттаҳам бўлса керак чирок дуд чиқармаётгандир ишқилиб майли бурнинг қурум билан тўлса ҳам кечаси билан газ ёниб тургандан кўра яхши Гибралтарда шунақа ҳеч хотиржам ётолмасдим албатта ўрнимдан туриб текшириб кўярдим нимага бундай шундай асабийлашяпман йўқса қиш фасли одамга ёқади ҳам гўё ёнингда ҳамроҳинг бордай о Худойим уша қишда қаттиқ совуқ бўлди мен афтидан ун ёшларда эдим ҳа менинг либослари ранг-баранг катта қўғирчоғим бор эди тинмай уни кийинтириб яна ечинтирардим тоғлардан муздай шамол эсарди нимаиди қандайдир Невада серра невада камин оташгоҳ олдида калтагина битта кўйлақда яхшироқ исиниш учун этагимни юқорироқ кўтариб турардим шу кўйлақда хонада рақс тушишни яхши кўрар ва яна ўқдай учиб кўрпа ичига кириб кетардим ишончим комилки рўпарадаги уйда ту-

радиган киши канда қилмасди ёзда чироғини ўчирадию уйда қип яланғоч дикирлаб юришимни томоша қилади у чоғлар ўзимга ўзим ёқардим кейин яланғоч бўлиб чўмиласан артинасан крем сурасан тувакка ўтириш гали келгандагина чирокни ўчирасан биз худди икки киши қолгандай бўлардик жиллақурса мана шу кечага хайр эй уйқу шояд у анави медиклар билан борди-келди қилиб ўтирмас улар йўлдан оздиришади яна у ўзини худди ёшлардай тутайди уйга соат 4 бўлганда келади баъзан ундан ҳам кеч худди бугунгидай лекин шундай бўлса ҳам мени уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилади тун бўйи нимани валақлашар экан булар пул сочишади бурнидан чиққудай бўлиб ичишади ундан кўра сув ичса бўлмасмикин кейин буйруқ қилишни бошлайди тухум чой Фендондан семга балиқ келтир сариеғга нон ботириб қизартир тезда худди подшоҳдай тахтда ўтирганини кўрамиз тухумни қошиқчанинг банди билан қавлаштиради қаердан ўргандийкин буни эрталаб зинапояда қоқилиб кетди бу менга қизиқ туюлди патнисдаги идишлар шақиршуқур қилди кейин мушук билан ўйнади у маза қилиб сенга ишқаланади қизиқ унинг бургаси бормикин у ҳеч бир аёлдан қолишмайди ўзини ялагани ялаган тарагани тараган аммо уларнинг тирноқларига ҳеч тоқатим йўқ қизиқ улар биз кўрмайдиган нарсаларни кўрармикин зинапоянинг тепасидаги пирамонга чиқиб узоқ ўтиради қарайди қулоқ солиб тинглайди ва менга ўхшаб кутади ёмон ўғри қурғур жуда ажойиб янги камбала олиб келсам эртага ёки бугун балиқ олиб келаман ахир жумаку ҳа шундай қила қоламан мен кейин қорағат мураббоси билан қўшиб бланманже¹ қиламан узоқ вақт бўлди емаганимга лекин анави икки фунтлик олхўри билан олма аралашмаси эмас Лондон ва Ньюкаслдан келадиган Вильямс билан Вудснинг маҳсулоти икки баравар узоқ туради илонбалиқнинг суягини ёмон кўраман треска ола қоламан бир бўлак треска яхшироқ ҳаммасини доим уч кишига мўлжаллаб оламан эсдан чиқиб қолади ҳар қалай Бакли дўконидан олган гўшт кўнгилни оздиради биқин котлетлар мол тўпиғи қовурғали бифштекслар қўй бўйни бузоқ ичак-чавағи номи кўп ёки олайлик сайрга чиксанг киши бошига 5 шиллинг ёки майли у ўзи тўласин ва яна биронта хотинни таклиф қилсин унга ким бор миссис Фле-

¹ Каймоқдан тайёрланадиган ширин дирилдоқ таом, слимшак (франц.).

минг кейин Ферри глен ёки Строберри бедсга бориш керак у ҳаммадан бурун барча отларнинг туёқларини текшириб кўради худди хатларни кўздан кечиргандек йўқ Бойланнинг олдида эмас ва чўчка гўшtidан сандвичлар ва яхна бузоқ гўшти у ерда жарликнинг икки ёнида пастда кичкина уйчалар бор махсус қурилган уйчаларни у иссиқ дейди лекин фақат расмий байрам куни эмас шаҳар ташқарисига худди Мюзик холлга борадигандай ясан-тусан қилиб чиқадиган бақир-чақир оломонга тоқатим йўқ ундан кейин Рухлар Айёми ҳам бахтсиз кун уни ари чақиб олди бунинг ажабланидиган жойи йўқ энг яхшиси денгизга бориш фақат мен энди ҳеч қачон у билан бирга қайиққа тушмайман Брэйга борганда у қайиқчиларни ишонтирди ўзим эшакани эшаман деди кейин нима бўлди агар ундан Олтин Кубок пойгасида қатнаша оласизми деб сўрасангиз у ҳа деб жавоб беради кейин баланд тўлқинлар кўтарилди эски тос бутун оғирлиги билан мен томонга оғди у менга буйруқ беради рулни чапга ол энди ўннга ол қайиқ ичига сув тўлиб боряпти оёқ тагидаги ёриқлардан шариллаб қиряпти унинг қўлидаги эшак уясидан чиқиб кетди ўша ерда чўкиб кетмаганимиз бир мўъжиза бўлди у сузишни билади мен билмайман ҳеч қандай хавф-хатар йўқ кўркма дейди яна фланел шим кийиб олганига ўлайми ҳамманинг олдида шимини далва-далва қилиб йиртиб ташлагим келди яна моматалок қилиб урсанг қонини оқизиб қамчиласанг ҳам кам унга бунинг фойдаси тегарди анави бурни узун азамат яхшиям мени ушлаб қолди унинг кимлигини билмайман бошқа анави Шаҳар тамғаси меҳмонхонасининг одами олифта Берк билан ҳамма ёқни искаб юрди соҳилда санғиди ҳар томонга бурнини тикди бирон жойдан жанжал тўполон чиқиб қолмасмикин деб қидиради башараси шунақангик ту-пургинг келади биз бир-биримизга илиқ муносабатлар қилмадик шу ҳам кўнгилга таскин беради қизиқ у яна қандай китобни кўтариб келибди Гунохнинг ҳузурлари даҳрийнинг асари ва яна аллақандай мистер де Кок ундан бир хотиндан иккинчи хотинга ўз асбоби билан санқигани учун шундай лақаб қўйишган бўлса ажабмас ҳатто туфлимни алмаштириб олишга ҳам имкон бўлмади янгигина оқ туфлимни шўр сув ишдан чиқарди бутунлай бошимдаги пат шляпам ҳам тўзғибғижимланиб кетди ўласанми куясанми алам қилади бунинг устига денгизнинг бўйи менинг шавқимни кўзғатиб юборди албатта Каталани қўлти-

ғидаги қоянинг нариги ёғидаги сардиналар ва денгиз симба-
лиқлари балиқчиларнинг саватлари ичида худди нуқрадай тов-
ланарди ёши юзни қоралаб қолган мўйсафид Луижи айтишла-
рича у генуялик экан ва яна бирови баланд бўйли қулоғига
зирак таққан қария ҳеч жиним суймайди эркак кишининг ус-
тига чиқишни ниҳоят етиб борганинда аллақачон сўлжайган
ва шилқиллаб тушган бўлади ундан кейин анави катта казар-
мада кечаси ёлғиз қолишни ёқтирмайман лекин чамаси бунга
чидашим керак шекилли биз бу ерга кўчиб келганимизда бир
сиқим туз сочишни ҳам унутмабман алағда бўлиб қолдим у
иккинчи қаватнинг залида музыка академияси ташкил қилмоқ-
чи ва мисдан лавҳа осиб қўймоқчи ё Блумларнинг оилавий
пансионига айлантирмоқчи эди хонавайрон бўлишнинг бун-
дан бошқа чораси топилмаганда унинг отаси Эннисда худди
мана шундай аҳволга тушган унинг менга ва отамга ҳикоя қилиб
берган режа-тадбирлари ҳам бари бирини бирига урадиган ле-
кин мен унинг бутун ичини беш қўлдай кўриб турардим асал
ойимизни ўтказишимиз мумкин бўлган барча ажойибу ғаройиб
ойларни оғзидан бол томиб кўпирди ой нур сочган Венеция
гондолалар ва Комо кўли бунинг тасвирини у бир газетадан
қирқиб олиб сақлаб қўйган экан мандолиналар фонарлар О
қанчалар гўзал дедим мен қандай истагим бўлмасин ўша заҳо-
ти уни адо этиш учун отиларди ҳатто бунинг олдиндан киларди
менинг эрим бўладиган кимса олдин менга боплаб хизмат қилиб
қўйсин унинг ана ўша барча режа тадбирлари учун тахтадан
медал ва картондан тасма беришсин охири нима бўлди мени
кун бўйи ёлғиз колдириб ўзи аллақайларда тентираб юрди бир
бурда нон тиланиб тиланчи келиб қоладими-ей узундан-узоқ
дийдиё ўқийдими-ей ё биронта дайди келиб эшикни ёпиб ол-
маслигим учун оёғини тираб туриб оладими-ей анави ашаддий
жиноятчининг башарасига ўхшайди уни Ллойдс Уикли нюсда
шундай деб ёзишганди 20 йил ўтириб чиққан куниёқ бир кам-
пирни ўлдириб пулини олган унинг шўрлик хотини ёки она-
сини тасаввур қилиш мумкин Худо билсин яна кими бор
афт-ангори қўрқинчли оёқни қўлга олиб қочгинг келади мен
эшик-деразаларни маҳкам тамбалаб беркитиб ётмасам сира ух-
лолмасдим яна ишонмай ўрнимдан туриб бошқатдан текшириб
келардим лекин беркитиб ётсанг яна бир бало ўзингни худди
турмага ё жиннихонага тушгандай сезасан уларнинг барини бит-

та қўймай отиб ташлаш ё аямай дарра урдириш керак молдан баттар бир ваҳший ҳайвон бечора бир кампирга ташланиб тушакда сўйиб ташласа-я мен ҳеч ўйлаб ўтирмай бундайларни қатл қилардим унинг нафи тегмасликка тегмайди-я лекин ҳеч бўлмагандан кўра бори яхши-да ўша кечаси аниқ эшитдим ошхонага ўғрилар тушганини кейин у шамни ёқиб темир косовни кўтариб худди сичқон қувгандай пастга тушди ранги қув ўчган қўрққанидан қалт қалт титрайди ўғрилар эшитсин деб ўлардай тарақа-туруқ қилиб шовқин солди асли Худо шохид ошхонада ўғирлайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди лекин бари бир қўрқиб юрагинг ёрилади айниқса ҳозир Милли йўғида нима хаёлда бобосининг хотирасини қилиб уни сураткашликка ўқишга жўнатди қайтага Скерри Академиясига берса яхшийди чуқур билим оларди менга ўхшаб ора йўлда қолиб кетмасди мактабда доим юқори баллар олиб ўқиди фақат у мен билан Бойланга аччиқ қилиб барибир ўзининг айтганидан колмади ишончим комил у атай шундай қилди қасдма-қасдига охирги пайтлар шунақа хунарлар чиқаряпти Милли уйдалигида ҳеч ўзимни эркин тутолмасдим эшикни ёпиб қўйсам ҳам дам-бадам тақиллатмай кириб келаверарди устимга бостириб бир гал эшикни стул билан тамбалаб белимдан пастини юваётгандим сира асабларим дош бермади кейин кун бўйи тўнқадай ҳеч иш қилмай ётди нақ шиша қалпоқ тагига қўйсангу одамларга томоша қилдирсанг у жуда қовушмаган ва ўнғайсиз ўқишга жўнаб кетмасдан бурун отасининг анави ҳайкалчасини тушириб юбориб қўлини синдириб қўйди ҳартугул отаси билмади мен анав кичкина италян кишини чақириб 2 шиллинг бериб тузаттирдим ҳатто ўрни ҳам билинмай кетди картошканинг сувини тўкиб қўй десангиз шуни ҳам қилмайди нима эмиш қўли кир бўлармиш охирги вақтларда у Милли билан дастурхон тепасида узоқ гаплашаётганини сездим қизига газеталарда ёзилган гапларни тушунтирарди қизча ўзини худди яхши тушунгандек кўрсатарди муғамбир отасининг худди ўзи мен ҳеч қачон ўзимни муғамбирликка солмаган ва ҳеч нарсани бичиб-тўқимаганман у билади аксинча мен тўғриси айтман у Миллининг пальтосини кийдириб кўярди лекин бирон чатоқроқ иши бўлса отасига эмас менга айтарди Полди мени соб бўлган ва эски-туски увадага айланган деб ҳисоблайди аммо янглишади асло ундай эмас ҳали кўрамиз кўрамиз ҳали Милли ҳозир Том Деваннинг

иккита ўғли билан апоқ-чапоқ бўлиб юрибди менинг изимдан боряпти Мерри қизчалари билан хуштаквозлик қилади бориб турган шумтакалар чакириб келишади илтимос айтинг Милли бирпасга чиксин Миллининг ови юрган тоза ундан фойдаланишяпти алламаҳал говгумда муюлишнинг орқасида Нелсон-стритда Гарри Деваннинг велосипедини миниб юрди у қизини ўша ёққа ўқишга жўнатгани маъқул иш бўлган шекилли ўзи ўша ёқда Милли бу ерда ҳаддидан ошиб кетаётганди муз майдончасига боргиси улар билан бурнидан тутун чиқариб сигарет чеккиси келаверарди кийимига ҳид ўтириб қолганидан сездим жакетидаги остки тугмасини қадаб қўяётгандим ва ипни тишим билан узиш учун эгилдим у мендан ҳеч нарсани яширмайди ишончим комил фақат тугмани эгнининг ўзида қадамаслигим керак эди ахир бу айрилиққа яна пирог иккига ажралиб кетди охирги марта кўриб туришинг ва мана тўғри чиқди нима деганда ҳам унинг тили жуда узун менга кўкрагингни жуда чуқур очибсан деб таъна қилади тувакка ўтирасан кастрюлканинг тагини чирк босган мен унга оёгингни дераза четига қўйма кўчада ўткинчиларнинг кўзи сенда томоша қилишяпти дейман унинг ёшида ўзим ҳам шундай эдим бундай чоғларда устингдаги увада бўлса ҳам худди зарбопдек кўринади аммо унинг ўзи тегма нозик ҳеч кимга қўлини тегиздирмайди бир куни Рояль театрида Энг тўғри йўлни томоша қилаётгандик оёгингни нари ол дейди бировнинг менга тегиб ўтиришига тоқатим йўқ юбкасининг қатларини бузиб қўйишимдан ўлардай кўрқди театрда қоронғи ва тор тикилинч истасанг-истамасанг бировга тегиб кетасан улар ўлиб-тирилиб сенга тегинмоқчи бўлади Гэйтида Бирбом Три Трилбини ўйнаганини кўраётганимизда партердаги анов йигитчага ўхшаб Трилби-срилбиси ҳам қуриб кетсин мен орқасини яланғоч қилса ҳам ўла қолсам у ерга бормайман вой бу тикилинч дам ўтмай менга анави жойга қўлини чўзади ўзи эса четга қарайди балки сал жиннироқ бўлса керак кейин мен уни яна бир марта Свитцернинг витринаси олдида кўрдим икки посон кийинган хонимга муомала қилмоқчи бўлиб турарди ўша-ўша тегажўгликлар мен унинг башарасидан ва бошқа нарсаларидан дарров танидим аммо у мени эслолмади ҳа Милли Бродстоунда хайрлашаётганимизда уни ўлиб қўйишимни хоҳламади майли умид қиламанки у ўз атрофида айланиб-ўргиладиган одамани албатта топади у тепки бўлиб оғриб ётганида

мен атрофида шундай гиргиттон бўлганман ўшанда барча без-
лари шишиб кетганди уни олиб бер буни олиб бер лекин рост
у ҳали чуқур ҳис қилолмайди мен қанча ҳа 22 ёшимгача ё шун-
га яқинроқ бирор маротаба ҳам охиригача тугатган эмасдим доим
қайгадир бошқа ёкка кетиб қолаверарди қизчаларнинг одатда-
ги ҳиҳилашларию қийшанглашларидан бошқа нарса йўқ анави
Конни Коннолли қора қоғозга оқ сиёҳ билан мактуб ёзади ва
мум билан муҳрлайди у парда тушганда қарсак чалди нега де-
ганда у ниҳоятда чиройли эди ва шундан сўнг Мартии Харви
эртаю кеч унинг тилидан тушмади кейин мен ўзимча ўйладим
мана шу ҳақиқий муҳаббат эркак киши аёл учун ҳеч ўйлаб
ўтирмай ўз ҳаётини қурбон қилади назаримда бундай одамлар
жуда кам қолган ўз бошингдан кечирмаган бўлсанг бунга ишо-
ниш жуда қийин уларнинг кўпчилигининг юрагида заррача сев-
ги йўқ бизнинг кунларимизда бир-биридан жонини ҳам аямай-
диган бири иккинчисини худди ўзидай ҳис қиладиган иккита
одамни топиб кўр-чи одатда улар бироз ҳалигиндақароқ бўли-
шади унинг отасининг ҳам ғалати-ғалати одатлари бор эди
қаранг а хотини ўлгандан кейин заҳар ичиб қўйди-я лекин ба-
рибир шўрликка юрагим ачийди менимча у энди ўзи учун ҳам-
маси тугади деган ҳаёлга борган хотини менинг либосларимни
кўриб шундай қувониб кетарди бўлмаса арзимаган латта пут-
талар 15 ёшида сочини баланд қилиб турмакламоқчи бўлди
менинг упамни оларди булар ҳаммаси терингни ишдан чиқа-
ришдан бошқага ярамайди ҳали бемалол улгуради ҳаёти ҳам-
маси олдинда албатта жонсарак бир жойда ўтиролмайди ўзи-
нинг шундай кўҳлик эканлигини билади лаблари олчадай аф-
сус кейин бошқача бўлиб қолади мен ҳам шундай эдим у сенинг
гапингга бозорчи хотинлардай жавоб берса пачакилашиб ўти-
ришнинг нима маъноси бор картошка олиб кел десам менга
қўрслик қилди отларнинг йўртма пойгасида биз Жо Галлахер-
ни учратиб қолдик коляскада адвокат Фрайри билан ўтирган
экан ўзини худди бизни кўрмаганга олди аслзода бўлмасак ке-
рак-да кейин мен қизчага жавоб бериш бунақа бўлади деб икки
шапалок урдим бу бетинг қаттиқ бўлиб кетгани учун жазо де-
дим ҳадеб гап қайтаравериб куфр қилиб юборди одамни уму-
ман жиғибийроним чиқиб турганди нимадан ҳам бошланди
чойга бир нима тушдими ё уйким чала бўлдими ё ёкмайдиган
нарса еб қўйдимми пишлоқ едим шекилли юз марта унга айт-

ганман пичокни ҳеч қачон устма-уст қўйма деб ҳамма гап унинг танобини тортиб қўядиган бир одамнинг йўқлигида ўзи айтди буни агар отаси уни қўлга олиб тартибга чақирмаса ўлай агар ўзим бу билан шуғулланаман охири марта кўзининг ёшини оқизгани шу бўлди мен ўзим ҳам айти шундай эдим уйда ҳеч ким менга буйруқ қилолмасди албатта ҳамма айб отасида биз икковимизни жонимизни бу ерда қулдай олади ҳолбуки аллақачон уй хизматкори бўлиши керак эди қачон менинг ҳар ишга чаккон уй ходимам бўларкин албатта анов одамнинг келиб-кетиб туришини қизчага ҳам тушунтириб қўймасам бўлмайди акс ҳолда бир ишқал қилиб ҳаммаёқнинг пачавасини чиқаради анави қари кампир миссис Флеминг унинг орқасидан қолмай қараб юради ҳаммасини унинг қўлига тайёр қилиб тутқазин керак ҳамма кастрюлларга акса уриб тупугини сочиб расвосини чиқаради рост у бечора қариб қолган минг хоҳлаганда ҳам бошқача қилолмайди яхшиям буфетнинг орқасидан идиш сочиқни топиб олдим чириб ҳидланиб кетибди билгандим ўша ёқда шунақа бир нима борлигини кейин уйни шамоллатиш учун деразани очдим эр шўрлик ошналарини етаклаб келаверади уларнинг кўнглини овлайди анов куни бир итни бошлаб келди куясиэми куласиэми ит қутурган бўлса-чи яна Саймон Дедалнинг ўғли билан келди отаси учига чиққан танқидчи ҳалиги крикет ўйинида уни кўрсангиз бурнига ойнак кўндирган бошида цилиндр пайпоғи ўранинг оғзидай йиртиқ кула-кула ўласан ўғли эса ўрта мактабда ҳамма мукофотларни олди ҳеч нарса қолмади вой бунинг қилиғини қаранг четан тўсиқдан ошиб ўтибди-я бирон таниш билиш кўриб қолса нима хаёлга боради янги шимини йиртиб қўйса нима бўлади қизиғи табиатнинг ўзи ато этган йиртиқ тешикнинг ўзи етмайдими йигитчани ивирсиқ ошхонамиэга судраб келганига нима дейсиз эс-хуши жойидамикин ишқилиб яхшиям бу кир ювадиган кун эмас акс ҳолда менинг эски иштонларим у ерда осилиб турган бўларди ана сизга томоша ори келармиди унинг бундан ҳам ёмони шум кампир дазмол босаётганда куйдириб сарғайтириб қўйган йигитчанинг кўзи тушса буни бошқа нарса деб ўйлаши мумкин эди кампир анави чўчка мойини қиздириб олмади айтганимдай қилиб лекин қандай бўлмасин ишқилиб йўқдан кўра бори яхши яна кетаман дейди эри фалаж аҳволи оғирлашибди боши доим ташвишдан чиқмайди дам касал дам операция сал аҳволи

яхшиланса ичади ва кампир бечорани уради мен яна нарсамни кидиришим керак ҳар куни эртаминан турасану албатта яна бир нима тайёр туради О Худойим О меҳрибон Худойим фақат улганда тинчийсан бир зумга турсам дегандим шошма О Худойим шошма ҳа худди ўзи ҳайз кўра бошлабман у устимда шунча бўзчининг мокисидек бориб-келиб турганда у ёқдан-бу ёққа ўпирганда отини аямай кичаганда янаям қони келмасинми мен энди Жума Шанба Яқшанба нима қилдим бутун юрагингни абгор қилади бу унга ёқса керак-да баъзи эркаклар шуни яхши кўришади О Биби Марям ҳар 3 ё 4 ҳафтада шу нарса такрорланаверади ҳолимиз ўзгача бўлади 5 кун моллар арзонлаштириб сотилади бундан кўра ярамасроқ нарсани ўйлаб топиш кийин ўша кеча ҳам худди мана шундай бошланганди Худо ярлақаб бир мартагина ложага кирдик Майкл Ганн миссис Кендални эри билан бирга Гэйетида томоша қилишга таклиф қилди Дримми суғуртаси бўйича бир ишини тўғрилаб берган экан мен ақлу ҳушимдан айрилиб қолай дедим сал бўлмаса аммо ўзимни тутдим нега деганда бир жуда келишган инсон жентльмен тепадан туриб бир ойнакли кўзойнақда мenden ҳеч кўзини узмасди ёнида манов киши гўё миллион йил илгари ўлиб кетган қандайдир Спиноза ва унинг дили ҳақида жағи тинмай гапни олиб қочади мен зўр бериб табассум қиламан тагим лахта қонга тўлди жуда қизиқ ноёб гапни эшитаётгандай олдинга энкаяман шу алпозда то парда тушгунча не аҳволда ўтирдим анави хотин Скарлини умрим бўйи унутмайман бу эр-хотинларнинг хиёнати тўғрисида ёзилган жанжаллироқ пьеса деб ҳисобланарди анави тепада ўтирган телба ҳуштак чалиб чинкириб хиёнаткор деб тўполон кўтариб турди ишончим комилки кейин у ташқарига чиқиб пана-пасқамларда санғиб юрувчи хотинлардан бирини илаштирган барча аламини ана ўша хотиндан олган мен шуни хоҳлардимки унда ҳам худди мендаги нарса бўлса ана унда ҳуштакбозлик қилиб ўтирмасди қасам ичаманки энг ярамас мушук ҳам ўзини биздан кўра яхшироқ сезади қонимиз шунчалар кўп эканми а бизнинг ёки бўлмаса О Қодир Худойим денгиз бўлиб оқяпти хайрият бўйимда бўлиб қолмагани ўзиям ғирт тўнкадай экан ҳозиргина тоза чойшаб тўшадим оҳорликлар кийдим энди булғашини истамасдим ўз бошимга чақирганимни қаранг қуриб кетсин қуриб кетсин улар доим тўшакда доғ қолишини истайдилар сен қиз бўлганингга

ўзларини ишонтирмоқчи бўлишади бундан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушишади ёмон тузалмас тентак-да булар бевамисан ё 40 марта ажралганмисан фарқи йўқ бир томчи қизил сиёҳ ё маймунжон шарбатини томизиб қўйсанг бас йўқ бу жуда қорамтироқ Ох мушфиқ онажоним бу ердан туриб кетишимга имкон бер туф-ей Гуноҳ лаззатлари эмиш аёлларнинг бундай ишларини ким ўйлаб топган экан бу ҳам етмагандай яна болаларга овқат қил кийим-кечак тик э эскириб ўлсин бу каравот ёмон ғичирлайди-да жонингга тегиб ғичирлаши боғнинг нариги чеккасидан ҳам эшитилиб туради кейин мен адёлни ерга тушадим белимга ёстик қўйдим қизиқ кундузи ёкимлироқ бўлармикин йўқми ўйлашимча анча бемалол ўйлашимча ўша жойлардаги мўйларни қириб ташлайман ўтдай қизиб кетади ўйлашимча бамисоли навраста қизчадай бўлиб қоламан хўб ҳайрон бўлиб қолади келаси гал қўйлагимни кўтарганимда унинг башарасига бир қараб қўяман қаёқда қолди тунги тувак секинроқ доим каравот кулаб тушади деб қалтираганинг-қалтираган эски курсининг абжағи чиқди мен унинг тиззасига ўтирганимда кўп оғирим тушмадимикин уни атайлаб чайқаладиган кажавага ўтқазиб қўйдим ўзим қўйлақларимни ечдим у қўшни хонада қилиши лозим бўлмаган иш билан шуғулланаётган эди оғирлигимни сезмаган бўлса ҳам керак менимча унга нафасим ширин туюлгандир ҳалиги шимадиган нарсалардан кейин оғиз ёқимли бўлади аста Худойим мен худди эркаклардай ҳуштак чалиб тўғри чоптираверардим астарок Худойим-ей мунча ғичирлайди менимча тепада қандайдир пуфаклар қайси бир йигитдан пул тушса керак эрталаб атир-упаларимни сепаман бас бойлайман у ҳеч қачон шундай келишган белларни кўрмаган оппоқ қараб тўймайсан мана бу ер эса энг силлиқ энг гўзал баайни шафтолиннинг ўзи астарок О Худойим мунчалар қаттиқ жарангламаса худди Жерси лилиясининг ўзгинаси аста аста О Худойим Лаҳорда сувлар қанчалар шариллаб оқади ким билсин ичимда нимадир бўлаётирми ё у ерда бирон нима ўсяптимикин ҳар гал ўшандан кейин мана шундай ишлар рўй беради охириги марта Руҳлар Айёмида бўлганди атиги уч ҳафта олдин мен докторга боришим керак бизнинг тўйимиз арафасида шундай бўлганди ичимдан аллақандай оқ нарсалар оқиб тушди ўшанда Флуи мени доктор Коллинзга учрашишга кўндирди унинг идораси Пембрук роудда қари худди қуруқ таёқдай анавни сизни

андомингиз дейди менимча узининг барча гапларию олтин ҳал ромларга солинган ойналарини мана шунинг устидан орттирган Стивенс-гриндаги барча бойларни соғиб ичади арзимаган нарсаларга оҳ-воҳ қилиб унинг олдига чопишади ҳа албатта унинг вагинаси ва яна мандолинаси рост уларнинг пуллари кўп ва демак ҳаммаси жойида бўлади мана мен ҳеч қачон унга тегмаган бўлардим дунёда эркаклардан ёлғиз ўзи қолган тақдирда ҳам тегмасдим кейин уларнинг болалариям жуда ғалати-я бутун умр анави ифлос қанжиқларни ҳар томондан искаб кўради юраётганингизда ёқимсиз ҳид сезмайсизми дейди нима олтиннинг устида юришим керакмиди аҳмоқона савол агар мен буни унинг буришган тиришган башарасига ёпиштириб ташласам менинг мақтовларимни қабул қилинг сэр ана ўшанда яхши билиб оларди ниманинг қандай яхши ишлаётганини у мендан хизматкорларни сўраяптими деб ўйлабман унинг гап-сўзлари мана шунақа айтганча бу ҳам аъло даражадаги механизм фақат мен охирида чуқурнинг ичига чўнқир тушиб тагигача етиб боришни истардим кейин бир силтаб совуқ сувни туширасану роҳат қиласан яйрайсан андак этинг жунжикади лекин аминманки бунда бир алланима бордир Милли ҳали кичкиналигида унинг қандай тушишига қараб гижжаси бор йўқлигини билардим лекин шунгайм пул тўлаш керакми сизга қанча тўлашим керак доктор ижозатингиз билан бир гиней яна мендан сўрайди тез тез оқиб турадим бу қариган-қартайган жаноблар бундай сўзларни қаерлардан ўйлаб чиқаришаркин менга у яхши кўрмайдиган бўлиб қолган кўзлари шинграйиб қарайди мен унга бутунлай ишонмайман мисол учун у менга хлороформ ёки шунга ўхшаш биронта дори бериши мумкин лекин у менга дори ёзиб бериш учун ўтирганда башарасини буриштириб жиддий тус олди бурни шунақанги ақллики э сен ярамас хотин сен ғирт ёлғончисан деб тургандай Оҳ бунинг сира аҳамияти йўқ агар ғирт телба жинни бўлмаса буни истаган одам тушунади унинг эса ақли бунақа нарсаларга албатта етади буларнинг бари у ҳақда ва унинг хатлари тўғрисида тинмай ўйлаётганимдан Менинг хазинам сенинг нур сочиб турган жисминг билан мени боғлаб турган барча нарсалар у барча сўзининг тагига таъкидлаб чизганди ва ундан тараладиган ҳамма нарсалар мен учун мангу гўзаллик ва қувонч булоғидир биронта аҳмоқона китобдан ўқиб олгандир бу сўзларни оқиб турадим дейди мен ҳар

куни буни ўзим учун 4 ёки 5 марталаб бажараман чолга эса йўқ дейман аниқми О албатта бунга ишончим комил буни шундай оҳангда айттимки чолнинг уни ўчди у бундан кейин нима дейишини билардим сиздаги бу нарса табиий бетоблик дейди билмайман у қандай қилиб менинг шавқимни келтирарди биринчи марта учрашганимиз ўша оқшом чоғи мен Рихобот-террасда турардим биз бир-биримизга 10 дақиқа термилиб қолдик назаримда биз илгари ҳам учрашгандай эдик бу афт-башарам яхудийларга ўхшагани учун бўлса керак деб ўйладим мен онамга ўхшайман у билан гап сўзимиз қовушди у ялқов сатанг илжайиб олди-қочди нарсаларни сўйлаб ўтирди Дойлларникида ҳаммалари у парламентга ўз номзодини қўяди деб гапиришарди о Худойим мен мунчалар лақма бўлмасам унинг барча алмойи-алжойи вақиллашларига чипла-чин ишониб ўтирибман гомрул дейдимией ер лигаси дейдими-ей у менга Гугенотлар операсидан бир узун зерикарли арияни юборди уни ҳаммани қойил қолдириб зўр айтишим учун О beau pays de la Touraine¹ деб французчалаб ижро этишим керак экан мен уни бир марта ҳам айтмадим дин ва қувғинлар ҳақида ёлғон олди-қочдиларни сўйларди ҳеч нарсага мундоқ одамга ўхшаб солдагина муносабат қилишга қўймайди яна унга тинмай ғамхўрлик ҳам қилиш керак у бир баҳонасини қилиб Брайтон-сквердаги менинг ётоқхонамга ўқдай учиб келиб қўлимга сиёҳ тўкилиб кетди тозалаш керак дерди мен одатда сут ва олтингугурт қўшилган қоғоз қутидаги Албион атирсовунини тутардим ўша куни кула-кула ичагим узилаёзди э мен анави сабилда кечаси билан ўтириб чиқаманми тувак деганни росмана қилиб ясайди-да аёл киши ахир мундоқ бемалол ёзилиб ўтирсин-да у эса ўз ишини бажараётганда тиззалаб ўтиради менимча бутун дунёда унинг қилиқларига ўхшаган бошқа қилиқ бўлмаса керак тушакнинг оёқ томонига ётиб олишини бир томоша қилсангиз каттиқ болишсиз қандай ётаркин ҳайронман яхшиям уйқусида тепинмайди бўлмаса барча тишларимни қоқиб туширарди яна унинг нафас олишини айтинг худди ҳиндининг худосидай қўли билан бурнини беркитади ўша Худони бир сафар менга Килдер-стритдаги музейда кўрсатган якшанба куни ёмғир ёғаётганди унинг олдида пешбанд тутилган қаҳрабодай сап-сарик қўлига тиралганча

¹ О гўзал Турен ўлкаси (франц.).

ёнбошлаб ётарди ва оёқларидаги ўнта бармоғининг бари тик-кайиб турар бу дейди у менга яҳудийлар динию Бизнинг Раб-бимизни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан улуғроқ дин у бутун Осиёни эгаллаган экан унга эргашишга аҳд қилибди ўзи доим шунақа ҳамма нарсага эргашиб юради ўша ҳам балки оёқ томонда ухлаган чиқар ва баҳайбат чорси товоқларини нақ хотинининг бурни тагига тикқандир э бу сассиқ тувак ҳам қуриб кетсин майли қоғоз қани оқ биламан ишқилиб жовон ғичирла-масин ана билувдим бунинг ғичирлашини аммо қаттиқ ухлаяпти бирон ерда димоғини хўб чоғ қилган шекилли пулини олган-дан кейин кўнглини ҳам олгандир да албатта бунинг ҳақини тўлагандир О мунчалар беўхшов бўлмаса бу сабил ишқилиб нариги дунёда бундан кўра тузукроғи учрасин-да мана бундай тикилиб ўтириш жонга тегди хайрият Худо енгил қилди бу кечанинг ташвишидан қутулдик манави эски ғичирлаган кара-вот менга қария Коэрни эслатади у бечора бунинг устида кўп қашинган шекилли у эса буни отам лорд Напйедан сотиб ол-ган деб ўйлайди кичкина қизалоқ пайтимда унга қойил қолиб ҳавасим келарди мен унга шундай деганман аста пиано Оҳ ўз кўрпа-тўшагинг қандай соз яна 16 йилдан сўнг биз ҳамон ўша-ўша ўрадамиз қанчадан қанча уйларни Рэймонд-стритда Онта-рио-террасда Ломбард-стрит ва Холлс-стритда алмаштирдик у эса парвойи палак гугенотларию қурвақа қўшиқларини ҳуштак чалиб айтиб юраверади ҳар сафар яна кўч кўронимизни орта-верамиз ўзини тўртта тахтадан иборат жиҳозларини кўтариб ортаётгандай кўрсатади кейин яна Шаҳар тамғаси меҳмонхона-сига чопамиз эски тос эски тоғора швейцар Дейли шундай дей-ди бу майдончадаги ажойиб бир жой доим ичида одам бор ва ҳар ким ўз дуосини ўқиб ётади ва доим ўзидан кейин ўз сассиқ ҳидини колдиради ва доим охириги турган одам кимлигини билса бўлади ҳар гал иш энди юришганда яна дарров нимадир ишқал чиқади ё ойнаванд айвонга фил бостириб киргандай бўлади яна иш пачава Том билан кейин Холи билан кейин мистер Кафф билан шундай чатоқ бўлди Дриммида ишлаганда эса сал қолди қамалиб кетишига лотерея чипталари учун бутун умид-лари куйди яна бир балони бошлайди кўрамиз тезда Фримен-дан ҳам суриб чиқаришади ҳали бошқа жойлардан ҳам худди яна шинфейнерлару франкмасонлар туфайли ҳайдашади кўра миз ўшанда унга анави пакана ёрдам берармикан менга уни

Коудис-лейнда ўзи кўрсатганди ёмғирда ёлғиз оқсаб кетиб бо-
раётганди у жуда иқтидорли Ирландияни жонидан ҳам яхши
кўради девди нима яхши кўрса яхши кўрадигандир-да эгнидаги
шими яп-янги эди шошма Бу Муқаддас Георгийда жом чали-
няпти шошма чорак кам бир шонима тунги соат 2 уйга қайтади-
ган ва девор ошиб тушадиган энг қулай вақт ахир биров кўриб
қолса нима бўлади шундай таъзирини берайки бошқа ҳеч қачон
бундай ишни қилмайди эртадан ҳаммадан бурун унинг кўйла-
гини кўраман ёки анав презерватив ҳамёнидами йўқми била-
ман у мени билмайди деб ўйлайди барча эркаклар алдайди
алдашлари учун уларга 20 та чўнтак ҳам камлик қилади шун-
дай экан нега энди биз уларга айтиб беришимиз керак экан
чин гап бўлса ҳам барибир ишонишмайди тўшакда анов Оксу-
як шоҳ асаридаги гўдакларга ўхшаб гунгалак бўлиб ётишни
қаранг бир куни худди шу нарса етмайдигандай менга кўтариб
келибди Оксуякнинг шоҳ асари деб оти ҳам алланима бало бу
тасқара суратлардан кўнглинг кетади икки бошли болаларми-
ей ёки умуман оёқлари ҳам йўқми-ей мана шунақа нарсалар
билан бошларини тўлдириб юришади бошқа ҳеч вақо йўқ яр-
мидан кўпини секин ўлдирувчи захар бериб қуритиш керак
яна унга чой дамлаб бер сариекка тухум чақ нон сол ҳар икка-
ла ёқдан қараганда ҳам менимча унинг учун бор-йўғимнинг
қизиғи қолмаган бир куни кечаси Холлс-стритда ўзимни яла-
тишга йўл қўймаганимдан бери шунақа о эркак эркак доим зура-
вон у ярим кечада ерга яланғоч бўлиб ётиб олди яҳудийлар
яқин кишилари ўлса шундай қилишади кейин нонушта қилма-
ди гаплашгиси келмади унинг атрофида айланиб ўгирилиб меҳ-
рибончилик қилишларини хоҳлади мен ўйладимки биринчи
мартасига етарлича қаршилик кўрсатдим дедим-да айтганига
кўндим аммо у ҳаммасини нотўғри қилади фақат ўзининг ро-
ҳатини ўйлайди унинг тили ҳам қандайдир япасқими-ей ё яна
алланима бало билмайман биргалигимиз эсидан чиқиб қолади
майли мен мен эмасман бунга яна бир карра мажбур қиламан
ўзининг ақли бунга етмаса кечаси кўмирхонага қамаб қўяман
суварақларга таланиб ўша ерда ётсин кизик балки Жози мен
эски-тускиларимни берсам хурсанд бўларди лекин ёлғончилик
суяк-суягига сингиб кетган йўқ у эри бор хотин билан ўйнаш-
гани юраги дов бермайди шунинг учун Бойланга индамайди
яна у эрини Денис деб чакиради ва қайғули томоша деб қўшиб

хам қўяди номигагина эр холос йўқ биронта қанжиққа йўликиб қолган ҳатто мен ҳам Милли ҳам у билан бирга Университетлар мусобақасида бўлганимизда анов Хорнблоуэр бошига болалар қалпоқчасини қўндириб олиб бизни орқа эшикдан ўтказиб юборганди у анов калта юбка кийиб ликиллаб турган икки қиздан кўзини узмай мўлтайиб қарайверди олдин унга ишора қилиб кўрдим фақат ҳеч қор қилмади унинг пуллари мана шуларга кетади-да мистер Падди Дигнамни қора ерга қўйишнинг натижалари шу да ҳа ҳаммалари у ерда шундай салобатли жиддий туришди буни Бойлан келтирган газетада ҳам ёзиб чиқишибди улар ҳақиқий зобитларни кўмиш маросими қандай бўлишини қаердан билишсин ахир ана уни тантана деса бўлади милтиқларнинг сумбалари қўйи туширилган ноғоралар бўғиқ даранглайди ва орқада қора анжомлар ёпилган оқ от Л Бум билан Том Кернан бу анов пакана қориндор ичкиликхўр киши эркаклар ҳожатхонасида маст йиқилиб тушиб тилини тишлаб олган яна кимдир ҳа Мартин Каннингем яна ота-бола Дедаллар яна карамбош қоқсуяк Фанни Маккойнинг эри кўзи қисик бўлишига қарамай менинг репертуаримдаги қўшиқларимни ижро этишга уриниб кўрди лекин бунинг учун у қайтадан дунёга келиши керак эди яна кўкрагининг қийғи чуқур эски кўк кўйлақда ҳа унинг бошқа лаш-лушлари ҳам жилоси шундан қолишмайди худди ёқангдан ёққан ёмғирдек жунжиқтиради ҳозир буларни беш қўлдай кўриб турибман улар буни бир-бирини ўлдириш ва кейин ерга кўмишни дўстлик деб аташади ҳолбуки ҳар бирининг уйида бола-чақаси бор айниқса анави Жек Пауэр дегани жуда ғалати уйида официант қиз сақлайди рост унинг хотини доим касалманд ё энди касалга чалинган ва ё яқинда тузала бошлаган бўлади ўзи анча кўркам сифатли эркак аммо чакка сочлари оқарган анча аҳл улфат булар ҳаммаси фақат ҳали куч-қудратим бор экан менинг эрим уларнинг чанғалига бошқа тушмайди улар унинг орқасидан ҳазил-мазақ қилишади мен буни жуда яхши биламан сафсаталари устидан кулишади чунки меҳнат қилиб топган танга чақасини уларнинг ўртасига ичкиликбозликка сочмасликка эримнинг ақли етади болам-чақам дейди ишқилиб майдакаш одамлар бечора Падди Дигнам барибир мен унга жуда ачинаман агар суғуртаси бўлмаса энди унинг хотини 5 бола билан қандай яшайди қулиб турувчи жиккак пирилдоқдай жонсарақ киши эди қачон

карасангиз ковоқхонада бир бұрчакка тикилиб ўтирарди хотини ё боласи қачон чиқаркин деб пойлаб ўтиришарди О Билли Бейли илтимос юра қол энди уйга бечора қора кийиб кўзга ҳам ташланмайди ўзи келишган кўркам бўлса бу чехрасига ярашади эркаклардан ким а у бормиди ҳа бор эди Гленкридаги зиёфатда у бор эди ва дўриллаган пасту йўғон Бен Доллард Холлестритда бўладиган кечага биздан фрак либосимизни сўраб олди шу фракни кийиб чиқиб қўшиқ айтмоқчи бўлди чокларини тириллатиб қўлтиқларини қисирлатиб йиртиб бир амаллаб уни кийди нукул оғзини қийшайтириб иршаяди Буюк Қўғирчоққа ўхшаган ялпоқ кенгиш башараси янада ёйилиб кетади бола кайнинг қамчи еган думбасига ўхшаб қолади яна худди моягига тепки еган одамни ҳам эслатади аммо сахнада бу жуда ёрқин томоша эди уни томоша қилиш учун 5 шиллингдан тўлаб жой оласиз у эса ўзи кийиб олган балиқчилар кийимида дикирдикир ўйинга тушади яна Саймон Дедал ҳам чиқади доим кайфи тарақ эски севгим худди янгидайнинг иккинчи куплетини биринчи қилиб ижро этади бу унинг номерларидан бири эди ва ширин қиз дўлана шохларида ўтириб нафис овоз билан куйларди мен Фредди Майерснинг хусусий операсида Саймон Дедал билан бирга Маританани ижро этганимда доим ишқибозлик қилишнинг пайида бўларди унда Фебнинг мислсиз гўзал овози бор эди жоним хайр энди кўзим нури хайр энди у доим кўзим нури деб айтарди Бартелл Д'Арси айтганда эса бутунлай бошқача чиқарди ўзим урий хайр энди рост Саймоннинг овози табиатнинг тухфаси бунга санъатнинг алоқаси йўқ овози кишини бошдан-оёқ ҳароратли шоввадай чулғаб олади О Маритана ёввойи чечак биз ўхшатиб мўъжизакор қилиб куйлардик оҳанг тони бирмунча енгиллаштирилган бўлсада лекин менинг регистрим бир қадар баландлик қиларди ўша пайтлар у Мэй Гулдингга уйланганди лекин доим бир нарса деб ўринсиз гапириб қўяр ё бирон қилиқ чиқарардида ҳаммасини ишқал қиларди ҳозир хотини ўлган қизик унинг ўғли Полди унинг ўғлини ёзувчи дейди университетда итальян тили профессори бўлармиш мен ундан дарс олишим керакмиш гапни қайси томонга буряпти унга менинг суратимни кўрсатибди ўша суратим унча яхши чиқмаган яхшиси гулдор рўмол ташласам бўларкан бу доим чиройли кўринади ҳам ёш кўринаман қизик балки суратни унга бутунлай тортиқ қилиб юборгандир ва унга қўшиб

мени ҳам нима шундай бўлса ёмонми мен уни ота-онаси билан бирга Кингесбриж вокзалига кетишаётганда кўргандим мен таъзиялик эдим энди бунга 11 йил бўлибди у ҳам 11 га кирган бўларди бироқ на жиш на суяк битмаган хилқат учун таъзия тутишнинг нима маъноси бор албатта Полди қўймади ўзига қолса у мушукка ҳам аза тутади менимча энди эр етилиб қолгандир у пайтда маъсумгина болакай эди лорд Фаунтлерой посонида чиройли либос кийган жуда ёқимтой болакай эди саҳнадаги шаҳзода каби сочлари жингалак эди мен уни Мэт Диллонникида кўрдим мен ҳам унга ёқиб қолдим бу яхши эсимда мен уларнинг ҳаммаларига ёқаман шошма-чи вой Худойим ҳа худди ўзи эрталаб мен қартада фол очганда чиққан айни у эди ёш нотаниш йигит билан учрашув на оқмағиз ва на қорамғиз илгари уни учратганман мен у деб ўйловдим лекин у на полалон ва на нотаниш ва ундан ташқари менинг қарталарим бошқа томонга қараганда анови 10 қаргадан сўнг 7 қарта қандай эди қурғоқ йўлдан сафар кейин йўлда хат учради ва яна низолар 3 хотин ва 8 ғиштин жамоат ўртасида ютуқ муни қаранга ҳаммага худди шундоқ чиқди-я 2 та қизил саккизлик янги кийим йўқ буни қаранг яна менинг тушимга нимадир кирди назмга доир бир нарса ишқилиб у кўзигача тушиб турадиган ёғ босган анақа узун соч қўйган бўлмасин-да баъзилариники ҳиндуларникидай бошида чўччайиб туради уларга нима зарур экан бундай юриш ўзларини ҳам назмларини ҳам кулгига қўйишади холос қизалоқлик чоғимда шиғирларни яхши кўрардим аввал мен уни Байронга ўхшаган шоир деб ўйлабман лекин заррача ўхшамас экан уни мен бутунлай бошқача тасаввур қилардим кизиқ у йигит ҳали жуда ёш эмасми а нечада тахминан хўп шошмачи 88 мен эрга тегдим 88 да Милли 15 га чиқди кеча 89 Диллонда кўрганимда йигитчанинг ёни нечада эди 5 ёки 6 менимча у 20 га кирган ё сал каттароқ агар у 23 ё 24 да бўлса мен унга унча қарилик қилмасам керак ишқилиб у анави университет қуруқ олифталаридан эмасдир йўқ ундай бўлса бизнинг ғариб ошхонамизда ўтириб суҳбатлашиб Эппс қаҳвасини ичмасди албатта у ўзини ҳамма нарсани тушунадигандай қилиб кўрсатиб ўтирди Тринити Коллежини тугатганман дегандир профессор десангиз у ҳали жуда ёш ишқилиб у Гудвинга ўхшаган профессор бўлмасин да афсус у ичкиликбозлик фанлари номдор профессори улар ўз шеърларида доим биронта аёлни

ёзишади назаримда у менга ўхшаганни ҳар қадамда учратавер-
маса керак тингла хўрсилади гитара илғаб ол хавонинг рубо-
бий жаранги мовий уммон ва оппоқ ой шунчалар гўзал Тари-
фадан тунги кемада қайтаётганимизда Европа бўғозида маёк
порларди бир йигит берилиб гитара чаларди балки бир кунмас
бир кун мен ўша ерга қайтарман ҳамма одамлар янги елпиғич
ортига яширинди ялт этган нигоҳ мен буни унга куйлаб бера-
ман ахир бу менинг кўзларим ҳақида агар сен шоир бўлсанг
муҳаббат юлдузи каби икки гўзал кўз қандай мафтункор сўзлар
худди навқирон севги юлдузи бу ҳаммасига бутунлай бошқача
тус беради Худо шоҳид ўзинг ҳақида гаплашиш мумкин бўлган
оқил тушунган кишига нима етсин ҳолбуки Полдидан фақат
рекламадан бошқа гап чиқмайди дам Билли Прескот учун рек-
лама дам Ключчига реклама дам Кал Шайтон учун реклама
ундан кейин ишлари юришмаса яна азобини биз тортамиз ишон-
чим комил у йигит одоб икромли ва яхши тарбия кўрган қаний-
ди шундай одамни учратиб қолсам Худойим ўзи кечирсин ҳай-
воний тўдалардан кўнглим қолган боз устига у ҳали навқирон
Маргейт соҳилида кўрганим суксур йигитларнинг худди ўзи
қоя ёнида чўмиладиган жой бор яланғоч бўлиб офтобда ўзла-
рини тоблашади худди алланечук илоҳлар мисол кейин ден-
гизга калла ташлаб шўнғишади нега барча эркаклар ҳам шуна-
қа эмас аёллар бундан таскин топарди Полди келтирган чи-
ройли ҳайкалча кун бўйи тикилиб ўтирсам дердим елкалари
келишган сочлари кўнғирок бармоғини юқори кўтариб гўё не-
нидир тинглаётгандай мана чин гўзаллик ва назмият тилсими
мен уни айлантириб бошдан-оёқ тўйиб-тўйиб ўпгим келарди
яна унинг лўккичаси бирам ёқимлики ва бирам бокираки агар
биров кўриб қолади демасам дудоғимга босиб ўпсам дейман
шундай нарсани чўлпиллатиб ўпмай бўладими шунақанги оп-
поқкина шунақанги чиннидайгина юзи ҳам шундай майин ва
юмшоқ мен бир зумда унинг кўнглини олардим озгина ичинга
кетса ҳам ҳеч нарса қилмайди худди айрондай ёки шудрингдай
бирам тоза мусаффоки чўчқа табиат эркаклардан бутунлай бол-
қача менимча улар уни ҳеч қачон чўмилтиришмаган ҳа аллаё-
зиб йилда балки бир марта ҳаммалари шунақа аммо аёл зотида
бундан мўйлар пайдо бўлади ишончим комилки агар мен шу
ёшимда навқирон гўзал шоир билан топилсам бениҳоя соз
бўларди қартада фол очиб кўраман эрталаб тургач биринчи

қиладиган ишим шу қарай-чи 9 таппон чиқадими ё ўз дамамга қўяман кўрай-чи у унга жуфт бўлиб чиқармикин нимани кидириб топиб ўқиш мумкин бўлса ҳаммасини ўқийман биронтасини ёд оламан унга ким ёкишини билсайдим шунда у мени ақлсиз деб ўйламасди у барча аёллар бир гур деб ўйласа ҳам эҳтимол мен эса уни бошқа ҳамма нарсаларга ўргатардим мен унга ҳаммасидан лаззат олишни ўргатаман ўшанда у менинг тағимда тамомила ҳолдан тояди кейин у мен ҳақимда ёзади жазман ва маъшуқа барча газеталарда бизнинг суратларимиз чиқади ҳамма кўради у шухрат қозонганда худди шундай бўлади Ох лекин унда мен ановни нима қиламан

лекин ановдан бутунлай умид йўқ ҳеч қандай назокат ҳеч қандай нафосат ва умуман ҳеч нарса йўқ унинг табиатида орқамга шapatiлаб уришдан бошқасини билмайди мени Хю деб чақир дейди тўқим табиат унинг учун назму байт нимаю қарамнинг боши нима сен уларга дарҳол ўз ўринларини кўрсатиб танбех бериб қўймасанг эшакилаб кетишади пойабзалини тортиб ечади менинг кўз ўнгимда ва ҳатто сўраб ҳам ўтирмайди иштонини сурбетларча ечиб курси устига ташлайди ва калта кўйлагида олдимда тўнқадек кўкқаяди улар шунақа кўйлак кийишади руҳонийгами қассобгами ўхшаб тайлоқ бўлиб бор буд шудини кўрсатишади Юлий Цезар замонларида Рим фирибгарлари ҳам шундай қилишган у бу нарсаларга ҳазил-мазақ деб қараса ўзича ҳақ унга вақтини хуш ўтказса кифоя тўшакка ким билан ётишнинг фарқи йўқ айтайлик арслон билан ҳам ётаверади менимча у бопларди шоввоз Арслон э йўқ мен ўйлашимча бу яна шунданки мен момикқина дўмбоққинаман калта кўйлақда у ўзини ҳеч тўхтатолмайди баъзан ўзим ҳам ўзимга қараб жўшиб кетаман эркакларга маза аёл баданидан улар беҳисоб лаззат фароғат олишади ахир шунақа оппоққинамиз дўмбоққинамиз мен доим қанийди мен ҳам уларнинг ўрнида бўлиб қолсам дердим ўша майин қаттиқ нарсани ўзим ҳам бир синаб кўрсам эдим Марроубон лейндан ўтиб бораётганимда муюлишда болакайлар бир-бирларига ҳикоя қилиб турганларини эшитганман эмишки Дик амакининг узун найзаси бор экан Салли холанинг эса тук босган ўраси кўча бироз қоронғироқ эди болалар мен ўтиб бораётганимни пайқашгани мен ҳатто қизармадим нега қизаришим керак бу ахир табиат-ку хуллас амакининг найзаси холанинг ўрасига тушиб кетади васса-

лом нима экан денг бор-йўғи пол чўткага сол ўрнатишаётган экан яна ҳамма нарса эркакларга улар бориб хоҳлаганларини танлашлари мумкин эрлими эрсизми шўх бева хотинми ё ҳали кўнгил тусаганча қиз болами худди Айриш-стрит атрофидаги уйлардаги каби нима десангиз шу топилади йўқ биз бечоралар эса оёғимиз кишанда доим қадалиб ўтиришимиз керак фақат мени улар кишанлай олмайдилар бир бошладимми кейин ҳеч нарсадан кўрқмайман ва айниқса каллаварам эркакларнинг рашкидан ишончингиз комил бўлсин нега биз ҳаммамиз дўст бўлиб қолмаслигимиз керак уришиб-жаналлашиб ўтирадим иккаласининг устидан чиқиб қолган бўлса чиқиб қолгандир албатта ушлаб олган бўлса табиий орқага қайтаришининг иложи йўқ энди нима қилмасин оти гўсхўр шунда у хотинига аччиқ қилиб кўрпасини куйдиради ўтга ташловчи гўзалларнинг кетидан чопади албатта эркак на хотин ва на эрни ўйлаб бошини қотириб ўтирмайди унга аёл керак ва уни албатта топади акс ҳолда бу истак-хоҳишлар бари бизга нима учун берилган ким менинг бу саволимга жавоб беради мен ёш асов эканман бундан бошқача бир йўл тутолмайман шундай эмасми бу мўъжиза мен у билан яшаб туриб қариб қоксуяк шумшук қарғага айланиб қолмадим кофар совуқ ҳеч қачон ачомламайди фақат уйқуда ётганда унда мунда ўшанда ҳам бош-оёғининг тайини йўқ ўзим билмайману аммо ўйлайманки унинг ёнида ким бўлмасин хотиннинг думбасидан ўпган ҳар қандай одам менимча соб бўлган одам шундан кейин у нимаики нотабиий бўлса барини ўпиб сўришга тайёр ахир бирон-бир заррамиз шояд қандай бир маъноси бўлса кошкийди бор-йўғи иккита мой халтаси ҳаммада бир хил мен ҳеч қачон эркакни шундай қилмадим туф-ей шалтоқ моллар ўйлашнинг ўзи жирканч оёқларингизни ўпаман синьорита майли бунинг эҳтимол қандайдир маъноси бордир у бизнинг кўча эшигимизни ўпмаганми ҳа ўлган вой тийиксизей унинг телбатескари фикрларини мандан бошқа ҳеч ким тушунмайди албатта аёл киши хоҳлайди уни камида кунига 20 марта қучоқлашларини хоҳлайди у бундан яшариб гулдай очилиб кетади ким билан бунинг балки аҳамияти йўқ ўртада кўнгил бўлса бас ё кимдир сени севсин сен хоҳлаган кимса мабодо олисда бўлса нима ҳам иложинг бор шундай пайтлар ҳам бўлиб қолардики ё Худойим Худовандо қоронғи кечада соҳилбўйига чиқсаммикин дердим у ерда ҳеч кимса сени танимайди кемадан

тушган бу ишга ташна талабгор булган матросни илинтирсанг севинг кимлигинг билан унинг иши йўқ бирон хилватда эхтиёжини чиқарса кифоя ёки Ратфарнэмдаги лулилардан бировини тутсанг улар Блумфилддаги кирхона атрофида чодра куриб яшашади ўғирлик қилишади мен кирхонага бир неча марта кирларни ювишга жўнатганман улар эса менга канақадир эски пойи алмашган пайпоқларни қайтаришарди бир таёқ йўниб ўтирган кўзалари чиройли ўзи қароқчига ўхшаган йигит агар қоронғида менга ташланиб қолса қанийди устимга сакраб миниб олсайди шартта ва миқ этмай белини бўшатсайди ё қотилми ё бошқа ким бўлсаям улар ҳам шундай қилишади анови цилиндр қўндирган олифта пўрим жаноблар-чи ёки анави қирол адвокати-чи у шу яқин атрофда яшайди у бир оқшом Ҳардвик-лейндан чиқди боксёрлар мусобақасидаги ютуғи муносабати билан бизни балиқ ресторанига кечки зиёфатга чақирди албатта мени кўзлаб қилди буни мен унинг устидаги гетри ва юришидан танидим бир дақиқадан сўнг атай ўгирилиб қарасам ўша ердан бир хотин қандайдир бир ифлос фоҳиша бўлса керак чиқиб келарди ана шундан кейин у яна ўз хотинининг ҳузурига боради фақат эҳтимол бу матросларнинг ярми ёмон касал билан оғригандир Оҳ сўқимдай гавдангни сал нарироқ ол Худо хайрингни берсин муқаддас Галдир ҳақи бунда тинглаб ёт хўрсинишларим насимини сенга еткизгай майли ухласа ухлайверсин ўз хўрсиниқлари билан бизнинг бу улуғ кўзбойлоқчи Дон Полдо де ла Флора агар эрталаб у қартада қандай чиққанини билсайди хўрсинишлари бекор кетмасди қоравой ижара турадиган уйда икки еттилик ўртасида қийин аҳволда қолмиш ўзининг қандайдир ишларининг оқибати аммо мен билмайман ўзи қандай ишлар лекин аниқ биламанки ошхонада терга пишиб ҳазрат олийларига понушта ҳозирлашимга туғри келади у эса бу ерда мўмиёдай бурканиб ётаверади лекин қилармикинман ана масала қаерда ҳеч кимса мени бирон марта шундай чарх уриб овқат пиширганимни кўрганми томоша қилиб туришни ўзим ҳам яхши кўраман аммо уларга ғамхўрликни авжга миндирсанг кейин сени кир латтачалик назарга илмай қўйишади нима деманг агарда дунёни аёллар ботқарсалар бу ниҳоятда соз бўларди сиз ҳеч қачон кўрмайсиз аёллар бир-бирларини сўйганлари ё ўлдирганларини аёллар ҳеч қачон буларга ўхшаб кўчаларда масталаст булганиб ётганмикин ким кўрган уларнинг ўз чўнтакла-

рини қоқлаганлари ёки бор буд-шудларини қиморга бой берганликларини нега деганда аёл киши ўзини вақтида тўхтата олади булар-чи э агарда биз бўлмасак улар дунёга ўзи қаердан келарди улар билишмайди хотин бўлиш она бўлиш нималигини қайда ҳар бирининг онаси бўлмаса унга меҳрибончилик қилмаса ҳаммаси қаерда бўларди ҳозир лекин менинг бундай меҳрибоним йўқ эди менимча анов шўрлик йигитнинг ҳамма парсаларни ташлаб тун-кечалар санғиб юриши машғулотлари китобларини ташлаб қўйиши уйда яшамаслиги ҳам шундан чамаси уйда жанжалдан боши чиқмаса керак шундай ажойиб ўғли бўла туриб норози бўлиб юриш жуда ҳам ёмон ачинарлида э менинг эса ҳеч кимим йўқ эримнинг қурби-қуввати йўқ эканми менга ўғил ато этишга э мен бунга айбдор эмасман биз баробар бўшаниб охирига еткизгандик ўшанда мен икки ит кўча ўртасида чақишиб қолганини томоша қилиб тургандим шундан сўнг жуда руҳим тушиб кетди чамаси мен гўдагимни ўша ўзим тўқиган жун қўйлакчада ерга қўйдирмасам бўларкан юм юм йиғладим неча вақт қўйлакчани бошқа бировга бериб юборганим яхшийди деб юрдим фақат мен аниқ билардимки бошқа ҳеч қачон менинг бундай болам бўлмайди бу хонадонимиздаги биринчи ўлим эди ўшандан буён биз ҳеч қачон аввалгидек бўлолмадик О бас бу оғир хаёлларга ботиб ўтирмай қизиқ нега у бизникида ётиб қолмади эрим кечаси қандайдир нотаниш одам билан уйга келганини пайқаб турдим шаҳарда бундай бемаҳалда Худо билади ким кимлар суюбоёқ қизлар киссавурлар билан тўкнашиб юрмагани маъқул эди шўрлик онаизори тирик бўлганда бундан хафа бўларди бу аҳволда у бутун ҳаётини барбод этиши мумкин лекин ҳар қалай бу кечанинг энг сўлим пайти канчалар жимжит мен рақсдан сўнг шундай пайтда уйга қайтишни севардим тун шаббодаси эсади уларнинг чақчақлашиб ўтирадиган дўстлари бор бизнинг ҳеч кимимиз йўқ ё у ўзи ололмайдиган бир нарсани истаяпти ё бу орқадан пичоқ санчишга ҳам тайёр биронта хотин аёлларнинг шунақа ишларидан нафратланаман эркакларнинг бизга паст деб қарашларининг сабаби шунда биз қанжиқларнинг ақиллаган тўдаси менимча бошимизга тушган кўп қулфатлар ёмонликлар туфайли табиатимиз шундай инжиқ нозик бўлиб қолган аммо мен унақа эмасман йигит бошқа хонада софада ётиб қолса ҳам бўларди балки у боладай уятчанлик қилармиди ҳали жуда ёш нари бор-

са 20 га киргандир ўртамизда девор битта бўлгани учун у тувакка ўтирганимни ағгаһ эшитиб қолиши хавфи бор эди нима бўпти бунинг нимаси уят Дедал қизиқ бу Гибралтардаги номларга ўхшайди Делапаз Делаграцияга ўхшаш уларнинг отлари ҳам ўлардай ғалати бўлади Санта Мариялик ота Виалплана менга тасбеҳ совға қилганди Келе лас Сете Ревуэлтас¹ кўчасида Розалес-и-О'Рейли ва Говернор-стритдаги Писимбо билан миссис Описсо ана сизга ном нишонлар менинг номим шунақа бўлса ўзимни ҳовузга ташлардим О Худойим бу чалкаш-чулқаш кўчалар пастки Пэредайз яна пастки Бедлам яна пастки Рожерс ва яна пастки Крашчет яна Шайтон Ўраси пиллапоyesi ҳай майли мен агар енгилтак бўлсам нима қилибди мени айблаб ўтирманг ўзим биламан шунақалигимни Худо номига қасам ичаманки мен ўша чоғларимдан бери бир кунга ҳам катта бўлмагандайман қизиқ тилим ҳали қовушармикин ўша сўзларни айтишга испанчалаб десам como esta Usted muy lien gracias у Usted² қаранг-а эсимда бор экан ҳеч нарса қолмагандир деб ўйлардим фақат грамматикаю атоқли турдош отлар жонли жонсиз нарсаларнинг номлари дердим менга валдираган миссис Рубио битта китоб келтириб берганди Валера деганнинг романи аттанг ўқиб улгурмадим у ерда савол аломатлари ҳаммаси оёғи осмондан келтириб қўйилган шуйтиб шуйтиб биз охиروқибат у ердан кўчиб кетишимизни билардим мен у йигитга испанчани ўргатишим мумкин у эса менга итальянчани ўқитади ўшанда у менинг унчалар ҳам саводсиз эмаслигимни билиб олади афсус у бизникида қолмабди-да ишончим комил у ҳаддан ташқари чарчаган тўйиб ухлаши керак мен эрталаб унинг олдига нонушта тайёрлаб олиб кирган бўлардим сариеғда нон киздирардим жуда ҳам қорайтириб юбормасдим пичоқ билан ағдариб қизартиришнинг хосияти йўқ ё бўлмаса кўк салатлар кўтариб кўкчи хотин келиб қолармиди ёки бошқа бир оғзига ёқадиган мазали бирон нарса қилардим ошхонада зайтун доналари бор эди балки кўнгли тусаб тотинармиди ўзимнинг уларга ҳеч тоқатим йўқ Абринесларникида кўрганман мен criada³ бўлсам ҳам розиман унга хонамиз анча шинам у ерда ҳаммаси-

¹ Етти бурилган кўча (*исп.*).

² Яхшимисиз, жуда яхши, раҳмат, ўзингиз-чи (*исп.*).

³ Оқсоч ходима (*исп.*).

ни қайтадан ўзгартирганман биласизми кўнглимда доим ҳозир танишиб олсам-чи деб илҳақ турдим у мени бутунлай билмайди ахир қандай ажойиб бўларди я рост унинг хотини бўлсам ёки худди Испанияда бирга юргандек бўлсак у уйқусираган қаерга келиб қолдим деб ҳайрон *dos huevos estrellados senor*¹ О Худойим қандай телба-тескари хаёллар келади одамнинг бошига у биз билан бирга яшаса қандай хушвакт бўлардиkey нимаси ёмон тепада бўш хона турибди Миллининг каравати ҳам ўша ерда деразаси боққа қараган у ерга стол ҳам кўйилган бемалол ёзиб ишлайвериши мумкин агарда у менга ўхшаб нонушта олдидан ўрnidан турмай китоб ўкигиси келса анов бемалол 2 кишига нонушта тайёрлайверади худди 1 кишига тайёрлагандай мен ҳеч қачон кўчадан уйга ижарага қўймайман унинг учун уйни карвонсаройга айлантирмайман тарбияли олий маълумотли билимдон одам билан узоқ суҳбатлашиб ўтирсанг бунга нима етсин ўзимга уйда киядиган чиройли қизил ёки сариқ туфлича сотиб олган бўлардим анов феска киядиган турклардан яна чиройли енгил эрталабки шаффоф кўйлак ёки шафтолиранг матина бир маҳаллар Уолполдан олгандим 8 гами 6 гами ёки 18 у 6 гами майли мен унга яна бир имконият берай эрталаб барвакт тураман барибир бу Коэннинг эски каравоти жонга тегиб кетди ҳеч тоқатим қолмади бозорга чиқаман сабзавот мева чевалар қарайман карам помидори сабзи ва ҳар хил мева чева янги олиб келишганда улар жуда ажойиб бўлади ким билсин эрталабдан қандай эркак яна рўпарамдан чиқади улар азонлаб ҳалигини қидириб изгишади Мэйми Диллон шунақа деб айтганди кечасилари ҳам улар шундай изгиб юришаркан Мэйми шундай ибодатга қатнардн бирдан нок егим келяпти каттакон серсув нок оғзингда эриб кетади бир пайтлар шунга бошим қоронғи бўлган кейин мен унинг тухумларини башарасига улоқтираман кейин мўйловига мослашган Милли совға қилган идишда чой тутаман майли оғзи янаям катта очилсин менимча қаймоқларим ҳам унга ёқади мен нима қилишни биламан уй ичида ўзимни кувнок тутиб юраман лекин *mi fa pietà maseo*²ни оҳистагина куйлайман кейин ташқарига чиқиш учун кийинаман *presto non son piu forte*³ энг чиройли иштонимни

¹ Иккита тухум пиширинг (*исп.*).

² Афсусланаман, эсиз мазетто (*итал.*).

³ Тезроқ, мадорим қолмади (*итал.*).

княман ички кўйлагимни ҳам яхшилаб кўриб кўйсин майли туриб кетсин майли ўзи шуни хоҳлади билсин хотинини нима қилишганини холи жонимга асти кўйишмаганини асалдонига 5 ёки 6 мартаба тушиб-чиқишганини билсин ўзи шуни хоҳлади чойшабда доғлар қолди мен уни дазмоллаб ҳам ўтирмайман майли ишонч ҳосил қилсин ишонмасанг қорнимни пайпаслаб кўр дейман уям бўлмаса хона ўртасига тикка қўяман мана менинг устимга бажар дейман унга ҳаммасини майда-чуйдасигача ҳикоя қилиб бергим келяпти у менинг кўз ўнгимда ўзи ўзини қилсин у шунга лойиқ мен агар хиёнаткор бўлсам бу фақат унинг айби театрда анов мишиқи нима девди ўша О кўз ёшларга қорилган ушбу ғурбатхонада биз қилган барча гуноҳ ва ёмонликлар олдида шу ҳам улуғ кулфат бўлдими Худо Шоҳид бу унчалар ҳам катта гуноҳ эмас ҳамма ҳам шундай қилмаяптими ахир фақат яширишади мен аёллар шунинг учун ҳам яратилган деб ўйлайман бўлмаса У бизни қандайдир бошқача қилиб яратган бўларди ана унда хотинлар эркакларни худди оҳанрабодай ўзига тортмасди майли у орқамдан ўпишни истаса рухсат берман унда иштонимни туширай ва тўғри башарасига дўмпайтириб бор бўйи билан тутқизай майлига 7 чақиримга дегинча тилини тикиб кўрсин ва атрофи тевараklarини айлантириб ўпса ўпиб чиқаверсин ана ундан сўнг айтаман менга 1 фунт ёки 20 шиллинг чўз дейман ўзимга кийим кечак оламан агар берса демак ҳали инсофи бор аммо бошқа хотинлардай унинг бор-йўғини қоқиштириб олмоқчи эмасман мен аллақачон ўзимга яхшигина чек ёздириб олишим мумкин эди унинг ўрнига икки уч фунтга имзо чекиб ҳам юборардим неча-неча марта лаб чекни очик ташлаб кетган бунинг устига у қадар исрофгар ҳам эмас майли орқамдан кела қолсин хоҳласа рухсат берман фақат лозимимни ҳўл қилиб қўймаса бас ё бунга ҳўп деб индамай қўя қоламиз нима деса ҳам ҳаммасига кўниб кўнглини оламан фақат иштонимни ифлос қилиб қўймаса бўлди ўзимни билмаганга соламан 1 та 2 та савол бериб кўраман жавобидан билиб оламан шундай ҳолларда у ҳеч нарсани яширолмайди уни миридан сиригача ўрганиб олганман яхшилаб кўнглини оламан хурсанд қиламан сал уятроқ сўзларни айтаман тезагимни ҳидла п... қимни яла ё шунга ўхшаган қалламга нима тентак гап келса айтавераман ундан кейин пешкаш қиламан ҳа О шонима энди э қуёшим навбат меники шундай шўх офатижон

бўламан худди ҳеч нарса юз бермагандай Оҳ паққос эсимдан кутарилай дебди-ку бу қуриб кетгур қон туф-ей йиғлашинг-пиям кулишингниям билмайсан ҳамма нарсамиз аралаш-қура-лаш бўлиб кетган йўқ яхшиси биронта эски тускени илиб ола қолай бу яна бошқача ўткирроқ бўлади у ҳеч қачон билмайди уни ўзи қилдими ё бошқа унга бўлаверади эски-латта-путта бўлса кифоя кейин барча шилимшиқларини яхшилаб артиб тозалаб ўз ишимга равона бўламан у эса бу яна қаерга кетдий-кин деб пойлаб ўтиради тезроқ қайтишимни кутади чорак ўтти вақтнинг ўтишини қаранг кўз очиб юмгунча ҳозир Хитойда энди ўринларидан туришаётгандир кокиллари уни ўришаётгандир тезда роҳибалар тонг ибодатини бошлашади ҳеч ким уларнинг уйқусини бузмайди битта яримта роҳиб тунги ибодатга турмаса мабодо кўшнининг кўнғироқли соати сахар хўрозларидан ҳам олдин бонг уради ичаги узилиб кетмасмикин қани кўрайлик озгина мудраб ола билармикинман 12345 қандай гулларни ўйлаб топишибди булар худди Ломбард-стритдаги юлдузларга ўхшайди қоғоз обойлар анча чиройлироқ эди у менга тортиқ қилган пешбандга ўхшайди уни фақат икки мартагина тутдим яхшиси чироқни ўчирақолай ва яна бир уришиб кўрайчи эрталаб барвақтроқ тураман Финдлейтер ёнидаги Лэмга бораман уйга гул жўнатишсин йигитча эртага йўқ бугун келиб қолиши мумкин йўқ йўқ жума наҳс кун олдин уйни яхшилаб йиғиштирай кечаси билан чанг-тўзон тўпланиб қолади кейин куй чалиб машқ қиламиз жиндаккина чекамиз мен унга жўр бўлишим мумкин фақат аввал пианино клавишларини сут билан артиб чиқай қайси кўйлагимни кийсам оқ гул қадаймикин ёки Липтоннинг оғизда эриб кетадиган пирожнийлари мен катта дўконнинг хидларини яхши кўраман бир фунти 7 ярим пенс ёки анави олча солиниб устига нимпушти қиём суртилганичи баҳоси яна икки фунт олса ҳам булар стол ўртасига чиройли гул қўямиз буни арзонроққа олса ҳам бўлади э шюшма яқинда уларни қаердадир кўрган эдим гулларни шундай яхши кўраман мен бу ер гулларга тўлиб туришини истаيمان Ё Раббим Худо табиат ҳаммасидан ҳам гўзал ваҳший тоғлару денгизлару асов тўлқинлар бугдойзорлару сулизорлар гўзал далалар олам чароғон атрофда қўй-қўзилар ўтлайди қўллар дарёлар чечак ўланларга бокиб кўзлар яйрайди шунчалар ранго-ранг шунчалар хилма-хил ариқлару жарларнинг бўйларида бинафшалар бой-

чечаклар бўй тортади шу ҳаммаси табиат анавилар эса нима дейди гуё Худо йўқмиш сарик чақага арзимайди уларнинг илму амаллари кани ўзлари лоақал биттагина майсани яратиб кўришсин-чи мен ундан баъзан сўраб тураман шу даҳрийларни улар ўзларини билмайман ким аташади аввал ўзларининг бутун кир наҳс разолатларини қатрон қилиб тозалашсин кейин ўлим кўзларига кўриниб қолганда дод-вой солишади руҳонийни чакиртиришади нега нега деганда виждони тоза эмас дўзахга тушишдан қўрқишади о ҳа уларни жуда яхши биламан оламда ҳали ҳеч ким бўлмаганда ким бўлган эди илк одамни ким яратди барини ким о ҳа улар буни билишмайди худди шундай мен ҳам билмайман шундай бўлгандан кейин ана шунақа қилиб сизга эртага қуёш чиқишини тўхтатиб қўйишга уринишлари ҳам мумкин биз Хоут бурнида рододендронлар орасида у билан бирга ётганимизда бу қуёш сен учун нур сочяпти деб айтди у кулранг твид костюм ва похол шляпа кийган ўша куни мен таклифини айтишга мажбур қилгандим лабимда ялпизли ширин печени олдинига печенини лабимдан тишлаб олишига йўл қўйдим ўшанда ҳозиргидай кабиса йили эди ҳа бунга 16 йил бўлди Вой Худойимей у лабимдан узок ўпди нафасим ичимга қайтиб кетди ҳа у менга тоғ чечагим деди ҳа бу рост биз чечаклармиз аёлнинг бутун вужуди ҳа бу унинг умри бино бўлиб айтган бирдан-бир ҳақ гапи ва яна бугун қуёш сен учун нур сочяпти ҳа у шундай кўнглимни олганди нега деганда билдим у тушунаркан ё ҳис қиларкан аёл зотининг нималигини ва мен уни ҳар доим ўз хоҳлаган йўриғимга сола олишимни билардим ва мен унга нимага кодир бўлсам шунча лаззат-фароғат бердим ва айлантиравердим айлантиравердим ва охири у мендан ҳа деб рози бўлишимни сўради мен эсам аввалига жавоб бермай индамай турдим фақат денгизу осмонга тикилардим у билмайдиган ҳамма нарсаларни эслардим Малвини ҳам мистер Стенхоупни ҳам Эстерни ҳам отамни ҳам қари капитан Гроувни ҳам соҳилда қуш учириниш ўйнаб ўтирган матросларни ҳам тек қот идиш юв деган ўйинларни ҳам губернатор уйи олдида ок шлём (қалпоқ) кийиб турган офтоб тиғида жизғанак қовурилаётган соқчини ҳам эсладим ва сочларига баланд қилиб тароқлар қадаган елкаларига шол рўмоллар ташлаган тўқ қувнок испан қизлари юнонлар яҳудийлар арабларнинг бозорлари кўз ўнгимдан ўтарди яна дунё ва Европанинг қай ерларидан ким-

кимларни шамоллар учириб олиб келмасди бу ерларга яна Дюк-стритни ва Ларби Шэрон яқинидаги қушларнинг қақағлаган сайрашларига тўлган мурғ бозорини айтмайсизми ва кўзларини ярим юмиб мудраб тиқир-тиқирлаб кетаётган эшаклар ва пиллапоярларда сояда пинакка кетган плашч кийган ҳеч ким танимайдиган дайдилар ва филдираклари улкан араваларга қўшилган хўкизлар ва минг йиллик кўҳна қалъа ва либослар кийган бошларига улкан саллалар қўндирган ва худди қироллар мисоли бир зум ўз дўконларига қўниб ўтишга чорлаган басавлат кўркам ҳабашлар ва Родадаги дарчалари эски Карвонсаройлар ва унда ярқ этган нигоҳ елпигич ортига беркинади ва ошиқ дарча панжараларини ўпади ва тунлар хилват очик майхоналар ва чақачум кастанеталар ва биз Алхесирасда кечикиб қолган кема ва тун қоровули фонарини қўтариб оҳиста кезган кўчалар ва Оҳ у тубанда қўркинчли қайнаб кутурган гирдоб Оҳ уммон уммон худди олов каби қирмизи ва хайлу ҳашам чеккан оқшомлар ва Аламеда боғларида солланган анжирлар ҳа яна иланг-биланг жин кўчалар ва нимпушти мовий сариқ уйчалар атиргуллар хиёбонлари ва ёсуман ёронгуллар кактуслар ва ўша қизлик чоғларимдаги Гибралтар ҳа боғ чечаги эдим ҳа мен худди Андалус қизлари каби сочларимга атиргул ҳа қизилгул тақдим ҳа яна у мени Мавритания девори остида ютоқиб ташна ўпди ўпди ва менинг хаёлимга келдики шу йигитми ё бошқами барибир эмасми аслида шунда мен унга кўзларим билан яна бир сўра дегандай ишора қилдим ва шунда у яна ҳа хоҳлайсанми деб сўради ҳа хоҳлайсанми менинг тоғ чечагим деб сўради ва мен аввал уни кучоғимни ёзиб қўлларим билан ачомладим ҳа яна ўзимга маҳкам тортдим ва унга кўксимни ботирдим ва муаттар исларим унинг димоғига урди ҳа яна унинг юраги телбасаро гурсиллаб урарди ва ҳа дедим мен ҳа мен хоҳлайман Ҳа.

Триест-Цюрих Париж
1914 – 1921

АЙРИМ ИЗОҲЛАР

12-ВОҚЕА

«ЦИКЛОПЛАР»

«Улисс»нинг 2-қисмининг 12-воқеаси Жойснинг бадиий ниятига кўра «Циклоплар» деб аталади. Хомернинг «Одиссея» достонида циклоплар денгиздаги оролда яшовчи бир кўзли улкан одамсимон махлуқлар. Бу ғоятда кучли ва ўта қаҳрли махлуқлар кўй боқиб кун кўрадилар. Одиссей шериклари билан бу оролга келиб, Циклоп Полифемнинг ғорида унга асир бўлиб қолади. Циклоп ҳар куни Одиссейнинг ўртоқларидан икки кишини тутиб ерга уриб мажақлаб ейди. Циклоп кўйларини ҳам шу ғорида сақлайди. Одиссей кўйларни учтадан қилиб матаб, ўртасига шерикларидан бирини кўй қорнига маҳкамлаб, ўзи ҳам шу йўл билан Полифемнинг асоратидан халос бўлади. Полифем ҳар куни эрталаб кўйларни ғордан санаб чиқараётганда, ўртадаги кўй қорнига боғланган одамларни сезмай қолади. Бунгача Одиссей шериклари билан бирга унинг ёлғиз кўзига ёғоч тиқиб батамом кўр қилиб кўйган бўладилар. Полифем Одиссейни қарғайди.

12-воқеа Аноним персонаж томонидан киноя ва масхарага тўлиқ иборалар билан ҳикоя қилинади. Эпизодда ўзини ҳаддан ортиқ миллатпарвар, ватанпарвар, ирландпарвар қилиб кўрсатувчи Фуқаро деган шахс олдинга чиқади, барча баҳслар у билан Блум атрофида кечади. Полифем Одиссейдан исминг нима деб сўраганда, Одиссей унга ўзини танитишни истамай, «Ҳеч ким» деб жавоб беради. Ҳикоя қилувчи персонаж шундай Ҳеч ким. Унинг на исми ва на насаби маълум. Фуқаронинг ўта қайсар ва ҳеч нарса билан чиқишмас фанатизми Полифемнинг ваҳший кучи ва одамхўрлигига муқояса қилинади. Бундай муқоясалар сўз билан таърифланмайди, балки назарда тугилади. Эпизоднинг воқеалари ичида 33 та хил-хил ёзиш услублари муболағали тақлид йўсинида қайта бино қилинади. Улар остида жуда кучли киноя ётади. Эпизодда худди Рабле, Свифт, Стерн

сингари мумтоз адибларнинг овозлари янграб тургандай. Адиб бу услуб воситасида циклопона улкан миқёс яратади. Шафкатсизлик, фанатизм, антисемитизм, миллатпарастлик сингари бало-офатларни фош қилишда Жойс танлаган бу услуб узра услуб услуби ниҳоятда кўл келади. Эпизод ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган инсоният ҳаётига дахлдор кўп ғояларни қамровга олади. Циклоплар ороли, ўрмонлар, кўм-кўк ўтлоқлар, зумрад осмон Ирландияни эслатиб туради.

Инисфайл — қисмат ороли. Ирландиянинг қадимги номларидан бири.

Эблана — Дублиннинг эски номи.

Мунстер, Лейнастер — қадимги Ирландия подшоҳликлари.

Рори — XIX аср охирида ерларни бўлиш тарафдори бўлиб чиққан деҳқонларнинг номи.

Кухулин, Балор, Ёмон Кўз — ирланд афсоналари персонажлари.

Маунтжой — Дублиндаги турма.

Талафантра — санскритлаштирилган ясама сўз.

Эреб — юнон афсоналарида ер ости зулумоти илоҳи.

Вираз — Блумнинг отасининг жунғорча номи.

Гарри Оун — афсонавий ирланд қироли. Романда бир копогон ит ҳам шу ном билан юритилади.

13-ВОҶЕА

«НАВСИКАЯ»

13 воқеа Ҳомер достонига иқтибос шартли равишда «Навсикая» деб аталади. Роман сюжетининг Ҳомер достонига ула надиган жиҳати: достонда Одиссей ўз саргузаштлари давомида феаклар деган элатнинг оролига бориб қолади. Феаклар шўҳи Алкинойнинг навраста гўзал қизи билан дарё бўйида учрашади. Либосларни чайиш, чўмилиш учун келган сарой қизлари малика Навсикая бошчилигида копток ўйнайдилар. Жойс романининг бу эпизодида учта дублинлик навраста қиз ёш укачаларини ўйнатгани ва ўзлари соҳилда дам олгани денгиз бўйига келадилар. Болакайлар бир-бирлари билан талашиб копток ўйинига бериладилар. Блум ҳам ушбу кунботар чоғида уйда-

ги нохуш аҳволдан оғир хаёлларга ботганча соҳилда ўтиради ва беихтиёр қизлар, болакайларнинг ўйинларига маҳлиё бўлади. Айниқса ўртоқларидан чеккароқда ўй-фикрга ботиб ўтирган Герти Макдауэлл Блумнинг эътиборини ўзига тортади. Ёзувчи Гертининг жозибали сиймосида малика Навсикаяга ишора қилади. Узоқдан бу икки киши ўртасида оҳанраболи мулоқот юзага келади. Герти Блумнинг худди ўз йигити каби тасаввурга берилади. Блумда ҳам шундай кайфият оқими жўш уради. Бутун жараён қиз билан Блумнинг онг оқимида рўй беради. Навсикая Одиссейни қандай қутқарган бўлса Герти ҳам ўз қизлик латофати билан Блумни сўнгсиз тушқунлик ва изтироблардан қутқаргандай бўлади. Дунё адабиётларида ушбу эпизод постмодернизмнинг беқиёс санъаткорлиги билан битилган ўта мазмундор саҳифаларидан деб баҳоланган. Жойс бу эпизодда ҳам дунё адабиётларига сон-саноксиз услубий иқтибослар қилади, улар орқали қаҳрамонлари оламларини кенгайтириб боради. Булар «маданий қаҳрамон»нинг том маънодаги бепоён оламларидир.

Рип Ван Винкл — Америка адиби Вашингтон Ирвингнинг бир ҳикоясида тасвирланган қаҳрамоннинг номи. У тоғлар орасидаги бир адир устида йигирма йил уйқуга чўмиб ётган бўлади.

Тефиллим — дуо ёзилган тумор. Яҳудийлар бу туморни уйларни эшигининг тепасига осиб қўйганлар.

Мен... А бўламан — Жойснинг турли мамлакатлардаги шарҳчилари бу сўзларни «Мен Алфаман» ёки «Мен алифдирман» деб талқин қиладилар. Жойс Блум қиёфасида кези-кези билан Исо Масихога ғоятда нозик ишоралар қилади, турли муқоясаларга кенг майдон ташлаб ўтади.

14-ВОҚЕА

«ҚУЁШ БУҚАЛАРИ»

Блум ўта музтар ҳолда туғруқхонада кўзи ёриши қийналиб ётган танишини кўргани боради. Бу ерда туғилиш ва ўлим ҳақида чортанг суҳбат қураётган ёш врачлар, зиёли йигитчалар даврасига кириб қолади. Улар орасида Стивен Дедал ва шўх ялламаёрим Буқа Маллиган ҳам бор. Блум келиб қолган жой Миллий туғруқхона деб аталади. Унга доктор Эндрю Хорн раҳбарлик қилади. Романда у Хомер «Одиссея»сидаги қуёш илоҳига қиёс-

ланади. Одиссей ўз саёҳатлари давомида денгизда баланд қоядаги қоронғи ғорда яшайдиган Скилла деган одамхўр махлуққа дуч келади. Скилла ўз қояси ёнидан ўтаётган ҳар бир кемадаги ол тита одамни тутиб нобуд қилади. Ҳомер уни худди сувсиз оч қолган итдай тинимсиз увиллайди, ангиллайди, деб таърифлайди. Туғуруқхона залидаги бўйдоқ ёшларнинг маст-аласт суҳбатларида ҳам шундай ангиллаш, увиллаш садолари аён англанади. Тириникрия деган оролда Гелиос қадим замонлардан бери буқалар ва қўйлар подаларини боқади. Еттита қўй ва етти буқа подаси. Уларнинг ҳар бирида элликтадан буқа ва элликтадан қўй бор. Афсунгар илоҳа Цирцеянинг Одиссейга таълим беришича, подалар ва улардаги махлуқларнинг сони ҳеч қачон ўзгармайди. Уларни Фаэтуса ва Лампасс деган нимфа чўпон боқишади. «Улисс» нинг 11-воқеасидаги олтин ва бронза сочли икки қиз ва 14-воқеадаги ҳамшира ҳамда туғаётган хотин худди мана шу икки нимфага ўхшашиб кетади. Ҳар бир бобда янги бадий техника воситалари ва услубларини яратган Жеймс Жойс «Гелиос буқалари» бобида ҳам тамомила янги бадий тасвир услубини каниф этади. У инглиз адабиёти ва тили тараққиётида мавжуд ўнлаб бадий, илмий, тарихий, диний, публицистик ва фольклор услубларини қайта яратади. Уларни ўзи тасвирлаган воқелик ва одамларнинг қиёфалари, руҳини жонлантириш, қутилмаган қирраларини намоён этишга хизмат қилдиради. Европа адабиётида мавжуд ёзув стилларини қайта яратиш «Улисс» бобларида янги-янги қирралари билан намоён бўлади. Бадий таржимада уларни айнан ўзидай қайта бино қилиш мумкин бўлмаган иш каби кўринади. Биз суянган С.Хоружийнинг рус тилига таржимасида 14-бобдаги услуб ўзига хосликларини чиқариш учун у қадимги славян маноқиблари, блиналари тилига мурожат қилади. Айрим ўринларда бу мутлақо тушуниб бўлмайдиган жумбоққа айланиб кетади. Аслида Жойс блиналар тилини хаёлига ҳам келтирмаган. Бундай мушкул ҳолларда инглиззабон бўлмаган ўқувчига эпизоднинг мазмунини холисрок нейтралроқ тарзда етказиш назаримизда ўринлироқ бўлади. Зеро услубни иложи борича тушунарсиёз қилиб таржима қилишдан сира маъно кўринмайди. Бунда ўқувчи билан асар ўртасида алоқа узилиб қолади. Ўзбек тилига таржимада шундай тушунарлироқ йўл тутиш, айни замонда Жойс бадий услубини соддалаштириб юбормасликни мақсад қилиб қўйдик. Лотин ҳикма-

тида юлдузларга элтадиган йул тиканзорлардан ўтади дейилганидек, Жойс бадий услубларининг мақомларига ўқувчини чакиртиканаклар орасидан олиб ўтишга тўғри келади, Жойс Хомер мағораси билан Хорн туғуруқхонаси маконини ажиб бир тарзда муқояса қилиб беради. Бобдаги воқеалар худди она қурсоғида рўй бераётгандай ва суҳбат, баҳс машаққатлари туғруқнинг буюк машаққатлари билан уйқашиб кетади.

Ҳоллсга етгаймиз — қадимги Рим қоҳинларининг маросим қўшиқларига ўхшатма.

Хорхорн — туғуруқхона бошлиғи доктор Хорн, матн буйича Гелиос илоҳи.

Лилит — яҳудий афсоналаридан зулмкор рух. Бола туғилишида зиён етказувчи, насроний ақидаларида йўлдан оздирувчи маккора.

Хорив, Фасга, Хетти шоҳи — Фаластиндаги тоғларнинг номлари. Жойс Фаластин, Исроил, Бобил тарихида рўй берган воқеаларни худди ўз даврида Дублинда рўй бераётгандек қилиб тасвирлайди.

Етмиш шориҳ — Кўҳна Библияни қадим ивритдан юнон тилига ўгирган 70 таржимон. Уларнинг таржимаси «Септуагинта» деб аталади.

Тофет — Қуддус яқинидаги жуда чуқур жарлик. Шаҳар аҳолиси бу ерга турли чиқиндиларни ташлаган ва сассигидан қутулиш учун уларни ёқиб юборган. Доимий ёниб хид таратиб турадиган бу жойни аҳоли жаҳаннам деб атаган.

Себарга — Ирландия рамзи.

Исқирт Гарри — қирол Генрих VIII.

Хорн ҳарамии — туғуруқхонанинг Жойс талқинидаги яна бир номи.

Жойс бениҳоя кўп жаргон сўзлар, тушунчалар, варваризмларни қўллайди. Воқелик ичида формалар яратади. Формаларнинг ўзи мундарижа яратиш воситаси бўлиш билан бирга ўзлари ҳам муस्ताқил бадий ҳодисага айланади.

15-ВОКЕА

«ЦИРЦЕЯ»

15-вокеага келиб роман ўз бадий мундарижавий юксаклигига кўтарилади. Стивен ўғил ва Блум ота йўналишла-

ри ниҳоят бир-бирига яқинлашади. Роман воқеалари байтулла тарафдан туғуруқхона залига кўчади. Бу ердаги воқеалар худди дунё миқёсида қиёмат қойим рўй бераётгандек мислсиз фантазмагория ичида ривожланади. Стивен ва Блум ва улар тимсолидаги Бутун Ирландия ўз ўтмиши билан тўқнашади. Стивен бу ерда зўравонлик ва фаҳш-разолат нималигини ўз кўзи билан кўради, ўзи бошидан кечиради. Блум уни ўзининг ёш нобуд бўлган ўғли Руди деб тасаввур қилиб бу жаҳаннамдан кутқариш, олиб чиқишга уринади. Жойс бу эпизодда қарб маданиятида мазохизм деб юритиладиган иллатни ўткир наштар билан ёриб ташлайди, разолатни бутун даҳшати билан фош этади. Разолат ҳукмрон бўлган жамиятга аёвсиз ҳукм ўқийди. Ахлоқий нажот йўлига ишора қилади. Жойс ёмон ярани кесиб ташлашдан бошқа чора йўқ демоқчи бўлади. Эпизод ранг-баранг эврилишлар, кийинишлар, ечинишлар, таносух — метемпсихоз ҳамда қарб карнавали билан тўлиб-топиб ётади. Бу ақл бовар қилмас ҳодисаларнинг барини Жойс худди жаҳон саҳнасида рўй бераётгандай тасвирлайди. Жойс саҳналар ичида неча-неча саҳналар яратади. Мавжуд барча бадий воситалар ва усуллардан унумли фойдаланади. Бунда нафосат тубанликдан юксакликка ўрлай боради.

Степсайд — Дублин яқинидаги жой.

Мен чойнакман — мен қайнаб турибман демоқчи.

Жаггернут — ҳинд асотирларида улкан ароба.

Ефод — яҳудий уламози княдиган устки хирқа.

Велиал — Кўҳна Библияда иблиснинг номи.

Мисраим — Ҳомнинг ўғли, кейинроқ Мисрнинг номи.

Абулафия — ўзини халоскор деб эълон қилган испан яҳудийларидан.

Липоти Вираг — Блумнинг бобоси.

Басиликограммат — подшоҳ котиби.

Гофер — Нух кемаси гофер дарахти ёғочидан ясалган.

Локомотор атаксия — ҳаракат аъзоларининг ишдан чиқиши.

Пулафука — Дублин жанубидаги гўзал шаршара.

Нотунг — «Нибелеунглар халқаси»да Зигфриднинг сеҳрли коптоғи.

МУНДАРИЖА

Жеймс Жойснинг «Улисс» ини қандай ўқимок керак?	
Акмал Саидов	3
Таржимондан. Иброҳим Фафуров	17

Биринчи қисм

1-воқеа	22
2-воқеа	48
3-воқеа	65

Иккинчи қисм

4-воқеа	85
5-воқеа	104
6-воқеа	126
7-воқеа	163
8-воқеа	205
9-воқеа	250
10-воқеа	297
11-воқеа	343
12-воқеа	360
13-воқеа	431
14-воқеа	482
15-воқеа	529

Учинчи қисм

16-воқеа	669
17-воқеа	739
18-воқеа	768
Айрим изоҳлар	832

Адабий-бадиий нашр

Жеймс ЖОЙС

УЛИСС САРГУЗАШТЛАРИ

Роман

Муҳаррир	<i>Даврон Ражаб</i>
Бадиий муҳаррир	<i>Рустам Зуфаров</i>
Техник муҳаррир	<i>Татьяна Харитонова</i>
Кичик муҳаррир	<i>Дилбар Холматова</i>
Мусаххих	<i>Фарҳод Норматов</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>Кира Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АІ №158, 14.08.2009.

Босишга 2013 йил 28 февралда рухсат этилди. Бичими 60×90^{1/16}.
Офсет қоғози. «Peterburg Uzbek» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 52,5. Нашр табағи 52,72.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 13-26.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87 20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e mail: uzbekistan@iptd.uzbekistan.uz

www.iptd.uzbekistan.uz

Жойс, Жеймс.

Ж75 Улисс саргузаштлари: роман / Ж. Жойс; рус тилидан И. Фафуров. — Тошкент: O‘zbekiston, 2012. — 840 б. — (Жаҳон адабиёти кутубхонаси)

ISBN 978-9943-01-885-3

Ирланд адиби Жеймс Жойснинг «Улисс»и (ўзбекча талқинда «Улисс саргузаштлари») дунёни ҳайратга солиб келаётган роман. У аср романи деб тап олинган. «Улисс» — романининг том маънода янги йўллари, янги усуллари, янги имкониятларини очди ва Муаллиф — Бадий матн — Ўқувчи оламларида мислсиз ўзгаришлар жараёнларини бошлаб берди. Бу фавқулодда китобни шунчаки ўқишнинг ўзи етмайди, унинг ҳар бир сўзи, ибораси, хикоя, тасвир тарзини кўриш ва диққат билан эшитиш ҳам керак. Шунда ўқувчи Ирландиянинг Дублин шаҳрида бир кеча-кундуз ичида — 1904 йил 16 июнда — қаҳрамонлар ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларнинг чинакам иштирокчисига айланади, уларнинг ранг-баранг саргузаштларини ўз бошидан кечираётгандек бўлади. Жаҳон адибларининг бузрук отаси Хомернинг «Одиссейнома» дostonида акс этмиш бутун инсониятнинг узок тарихий қисматига дахлдор саргузаштлар XX аср бошида Европанинг қоқ марказида яшаган турфа одамларнинг толе ва тақдирларида ажиб бир тарзда инъикос топади ва давом этади. Роман ўқувчини ром этувчи музика ва ритм асосига қурилган. Музика ва ритм тўлқинлари одамнинг фикр ҳамда онг оқимларини ҳар томондан камраб олади. Шу тарика ўқиш — эшитиш — кўриш бир улуғ мислсиз гўзаллик жараёнларига айланади...

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(4Ирл)